

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчиси ва рухий устози

Асл ҳолидаги  
Бҳагавад-гита

# Мундарижа

|   |  |
|---|--|
| Жаҳон олимлари "Асл ҳолидаги Бхагавад Гита" ҳақида          |  |
| "Бхагавад Гита" нозил бўлган вазият.....                    |  |
| "Бхагавад Гита"нинг инглизча нашрига сўзбоши.....           |  |
| Кириш.....  |  |
| Рухий устозлар силсиласи.....                               |  |
| 1-Боб. Аржуннинг саросимага тушиши.....                     |  |
| 2-Боб. "Бхагавад Гита"нинг қисқача мазмуни.....             |  |
| 3-Боб. Карма-йога.....                                      |  |
| 4-Боб. Илоҳий илм.....                                      |  |
| 5-Боб. Карма-йога - Кришна онги билан фаолият кўрсатиш..... |  |
| 6-Боб. Дхйана-йога.....                                     |  |
| 7-Боб. Мутлақ Ҳақиқатни англаш.....                         |  |
| 8-Боб. Худонинг даргоҳига эришиш.....                       |  |
| 9-Боб. Энг нодир илм.....                                   |  |
| 10-Боб. Мутлақ Ҳақиқатнинг ғаройиблиги.....                 |  |
| 11-Боб. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси.....                |  |
| 12-Боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш.....              |  |
| 13-Боб. Табиат, лаззатланувчи ва онг.....                   |  |
| 14-Боб. Моддий табиатнинг уч гунаси.....                    |  |
| 15-Боб. Пурушоттама-йога - Олий Шахс йогаси.....            |  |
| 16-Боб. Илоҳларга ва иблисларга хос фазилатлар.....         |  |
| 17-Боб. Эътиқод турлари.....                                |  |
| 18-Боб. Мукаммал таркидунёлик.....                          |  |
| Илова   |  |
| Муаллиф ҳақида.....   |  |
| Мукаддима ўрнида.....                                       |  |

## Муқаддима ўрнида

Инсон дунёга келибди-ки ҳаётда ўз олдига қандайдир мақсад қўйиб, шу мақсадига эришса албатта бахтиёр бўлишига ишониб яшайди. Лекин, тева-рак-атрофидаги одамларнинг ҳаётини кузатиб, ҳатто бу дунёда энг юксак мақсадга эришган одамлар ҳам бахтиёр эмаслигини қўра билиш учун инсон чуқурроқ мулоҳаза юрита билиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар яхшироқ ўйлаб кўрсак, ҳар бир инсон бахтга интилиб яшайди, лекин чинакам бахт нима эканини камдан-кам одам билади. Биздан олдин яшаб ўтган донишмандларнинг ҳаммаси Худога ишониб, ҳаётда Унинг муқаддас китобларда берилган қонунлари асосида яшаш билан ҳақиқий бахтга эришганлар. Муқаддас китобларнинг эса сон-саногии йўқ.

Ўзларини "мусулмон" деб юрган одамларнинг аксарият кўпчилиги, гарчи ўзлари Қуръонни лоақал юзаки бўлса ҳам ўқиб-ўрганмаган бўлсалар ҳам, "фақат "Қуръон" гина ҳақиқий муқаддас китоб, бошқа китоблар ўзгариб кетган" деган нотўғри фикрда юрибдилар. Муқаддас "Қуръон"нинг ўзи эса, бизга ўзидан аввал нозил бўлган китобларни ўқиб-ўрганишни тавсия қилади. Бошқа халқларга нозил қилинган муқаддас китобларда берилган, муқаддас "Қуръон" таълимотига зид келмайдиган ҳар қандай хабарни қабул қилиш лозим, чунки "Қуръон" Парвардигор томонидан нозил қилинган охириги китоб бўлиб, ўзидан олдинги барча муқаддас китоблардаги Ҳақиқат илмини тасдиқлайди. Муқаддас китобларнинг барчаси, барча донишмандлар бир овоздан тасдиқлайдиган Ҳақиқат, ягона диний амал шундан иборатки, ҳаётда инсон бўлиб яшашнинг энг олий маъноси, мазмун-моҳияти - Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Инсон ўзининг қалбида кимгадир муҳаббат туйғусини уйғотиш учун энг аввало у билан танишиши, уни ўрганиши, билиши керак. Ўз ўзидан маълум бўладикки, биз севишимиз, хизмат қилишимиз лозим бўлган Зот, ягона Парвардигор ҳақида аниқ хабар берадиган ҳар қандай манбадан фойдаланиш мумкин. Худони ким ҳам Унинг Ўзидан яхшироқ биларди? Шундай экан, бошқа муқаддас китоблар қаторида муқаддас "Бхагавад Гита"ни ўрганиш фақат иймон-этиқодимизни кучайтиришга, ягона Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмимизни бойитишга ёрдам беради, холос. Бунинг устига Қуръоннинг ўзида бу китоб асл китоб эмаслиги, асл китоб Парвардигорнинг Ўзида эканлиги айтилган.

"Бхагавад Гита" ибораси "Худонинг сўзи" деган маънони англатади ва унда Парвардигорнинг Ўзи "Бу илм - барча илмлар шоҳи, энг маҳфий, энг сирли илоҳий илм", "Мана шу - энг улуғвор илм, уни эгаллаган киши руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилади, у билмаган ёки билиши

лозим бўлган бирор нарса қолмайди” - деб очикдан очик айтиб қўйган. Бошқа бирор муқаддас китобда бундай гаплар топилмайди.

Қуйида "Қуръон"дан олинган оятлар билан танишиб, улар устида чуқур мулоҳаза юритиб, ҳар бир изланувчан оқил киши "Баҳавад Гита" илмини тўғри тушуниб олади деган умиддамиз.

(Бақара сурасидан). 97....Зеро, у(Жаброил) Оллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга хидоят ва хушхабар берадиган Қуръонни нозил қилди.

120...Айтинг: “Оллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир!”

130. Иброҳимнинг динидан фақат энгилтақларгина юз ўгирадилар.

136. Айтингиз: “Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунувчилармиз.

170. Қачон: “Оллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз!” - дейилса, улар: “Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз” дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а?

213. Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг, Оллоҳ хушхабар элтувчи ва кўрkitгувчи пайғамбарларни юборди. Ва уларга қўшиб, одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлсин деб, Ҳақ китобни нозил қилди.

220... дунё ва охират ҳақида тафаккур қилишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён этади.

256. Динга зўрлаб киритиш йўқдир.

(Қалам.52) Ҳолбуки, У(Қуръон) барча оламлар учун фақат бир эслатмадир.

(Ёсин.5-6). (Бу қуръон) ота-боболари огоҳлантирилмасдан, Ғофил бўлиб қолган қавми огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон Зот томонидан нозил қилингандир.

(Қамар.17,22.32.40.51) Қасамки, Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирор эслатма ибрат олгувчи борми?!

(Зухруф.2-4) Очiq-равшан Китобга - Қуръонга қасамки, албатта Биз Уни сизлар ақл юргизишингиз учун арабий Қуръон қилдик. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл Китоб - Лавҳул-Мавҳузда юксак(мартабали) ва ҳикматли(Китоб)дир. (Демак, асл китоб Қуръон эмас, Парвардигорнинг даргоҳидаги муқаддас китоб экан).

(Ғофир.78). Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир.

(Ал Исро).77...сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўл - қонундир. Сиз харгиз Бизнинг қонунимиз ўзгарганини кўрмайсиз.

(Раъд 39). 85. (Эй Муҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм

берилгандир”. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган нарсани)устивор килур. Асл Китоб Унинг даргоҳидадир.

(Ол и Имрон сурасидан). 3-4. Сизга, ўзидан аввал тушган китобларни тасдиқловчи бўлган бу Китобни ҳақ билан нозил қилди. Илгари одамларни ҳақ йўлга хидоят қилиш учун Таврот ва Инжилни туширган эди.

19-20. Албатта Оллоҳ наздида мақбул бўладиган дин - фақат ислом(бўйсунуш) динидир. Агар сиз билан тортишсалар: “Мен ва менга тобеъ бўлган кишилар ўз ихтиёримизни Оллоҳга топширдик. Унга бўйсундик”- деб айтинг.

64. Айтинг: ”Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-биримизни Оллоҳдан ўзга Худо қилиб олмайлик”.

84. “Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунувчилармиз”, деб айтинг. 85 Кимда-ким ислом(ягона Парвардигорга, Унинг қонунларига бўйсунуш)дан ўзга дин истаса, бас, ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир.

179... Оллоҳ(Қуръонда) сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Оллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур (ва уни ғойибдан) огоҳ қилур.

(Воқеа.75-78). Мен юлдузларнинг ботар жойига қасам ичурманки - ҳолбуки бу, агар билсангизлар, шак-шубҳасиз улғу-катта қасамдир - албатта у(Қуръон) асралган Китоб (Лавҳул Махфуз) таркибидаги Улуғ Қуръондир!

(Ва-н-нажм.5-7) Унга(пайғамбарга) бир кучга тўлган, соҳиби кудрат(Жаброил алайҳиссалом) таълим бермишдир.

(Ваз-з-зориёт.56) Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учун-гина яратдим.

(Шўро сурасидан). 13.(Эй мўминлар, Оллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нухга буюрган нарсани ва Биз сиз(Мухаммад)га ваҳий қилган нарсани, Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани шариат(қонун) қилди, - “Динни барпо қилинглр ва унда фирка-фирка бўлиб кетманглр!”

15... Айтинг: "Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда адолат қилишга амр этилдим. Оллоҳ Парвардигорингиздир ва Парвардигоримиздир... Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Оллоҳ барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир”.

(Зумар.2-3) (Эй Мухаммад,) албатта Биз сизга бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик, бас сиз Оллоҳга - У Зот учун динингизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг! Огоҳ бўлингизки, холис дин ёлғиз Оллоҳникидир...

(Рум.30). Бас, (эй Мухаммад), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда тутинг!

Оллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Оллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар.

(Анкабут.46). ...ва айтинглар: “Бизлар ўзимизга нозил қилинган(Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган(Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир(Илоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйсунгувчимиз”.

(Ҳаж.34). Биз барча миллатга уларни ризқлантирган чорва ҳайвонлари устида Оллоҳнинг номини зикр қилишлари учун қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, Илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз. Итоат қилувчи зотларга хушхабар беринг!

(Анбиё.92). (Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз - динингиз, ҳақиқатда бир диндир. Мен эса (ягона) Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилингллар!

(Юсуф.40). “У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўпи буни билмайдилар”.

(Юнус.94). (Эй Муҳаммад), агар Биз сизга нозил этган нарсадан шубҳада бўлсангиз, у ҳолда ўзингиздан аввалги Китоб ўқийдиган кишилардан сўранг! (Юнус.19). Одамлар фақат бир миллат (бир динда) бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар...

(Аъроф.2) (Бу Қуръон) сизга унинг ёрдамида кофирларни огоҳлантиришингиз учун нозил қилинган Китобдир - бас, кўнглингизда у сабабли танглик бўлмасин ва у мўминлар учун бир эслатмадир.

(Анъом.92). Бу (Қуръон) бир муборак, ўзидан олдинги китобларни тасдиқлайдиган, барча кишлоқлар онаси - маркази бўлмиш (Макка) ҳамда унинг атрофидаги кишиларни огоҳлантиришингиз учун Ўзимиз нозил қилган Китобдир.

(Моид.3). Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун ислом(Худога бўйсуниш)ни дин қилиб танладим.

(Нисо сурасидан). 26. Оллоҳ сизларга шариат ҳукмларини баён қилишни, сизларни илгари ўтган зотларнинг йўлларига ҳидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истайди. Оллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

125. Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?

136. Эй мўминлар, Оллоҳга, унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин! Кимки Оллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди.

150-151. Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва “айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз” дейдиган ҳамда ора

йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар **ҳақиқий кофирлардир**. (Моида.68). Айтинг: "Эй аҳли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча, ҳеч қандай динда эмассизлар".

Таржимон

## **Жаҳон олимларининг "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" китоби ҳақида билдирган фикрлари**

Ҳазрат Абхай Чаранаравинда Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг изоҳлари билан жаҳоннинг ўттиз тилида, умумий сони беш миллион нусхадан кўпроқ нашрда босмадан чиққан "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" китоби ҳозирги кунда ҳақиқий бестселлерга айланиб кетган. Мазкур китоб бутун жаҳон олимлари томонидан ҳақиқатан ҳам жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири ҳисобланган мазкур асарнинг энг нуфузли таржимаси сифатида тан олинган. Қуйида баъзи машҳур олимларнинг "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" китобига билдирган фикрлари келтирилган.

Қандайдир шубҳа-ю гумонлар қалбимни қамраб олиб, кетма-кет келаётган ташвиш ва мусибатлар мени бутунлай ночор аҳволга солиб қўйган, гўё умидвор бўлгулик бирор нажот йўли қолмагандай бўлиб туюлган пайтларда мен дарров қўлимга "Бҳагавад-Гита"ни оламан. Шунда албатта ундан қалбимга ором ва осойишталик бағишлайдиган бирор шеър топилади. Шу заҳотиёқ вужудимни қамраб олган оғир мусибат, ҳасрат, дарду-аламлар бутунлай эсимдан чиқиб, юзимда яна табассум пайдо бўлади. Мунтазам равишда "Бҳагавад-Гита" ҳақида чуқур мулоҳаза юритиб яшайдиган киши ҳамиша ундан чексиз лаззат олиб, кундалик турмушда унинг янгидан-янги маъноларини кашф этаверади.

Мохандас К. Ганди.

Бу ажойиб кун учун мен "Бхагавад-Гита"дан чексиз миннатдорман. "Бхагавад-Гита" - китобларнинг энг биринчисидир; унда биз билан гўё буюк бир салтанат суҳбатлашаётгандай бўлиб туюлади; ундан эътиборга лойик бўлмаган, аҳамиятсиздай кўринадиган бирор фикр тополмайсиз - ундаги ҳар бир сўз уммондай чуқур, осмондай беғубор, фазодай бепоён, жуда кенг ва чуқур маънога эга; бу асар - кундалик турмушимизда ташвиш келтириб, бизни қийнаб келаётган муаммолар устида бошқа бир даврда, бошқа бир шароитда чуқур фикр юритган қадимий, юксак ва улугвор бир буюк тафаккур овозидир.

Ральф Уолдо Эмерсон.

"Бхагавад-Гита" – шунчаки, фалсафий асар ёки қандайдир диний ғоянинг баёни эмас. Аслида у инсоннинг одоб-ахлоқи, маънавиятининг мазмуни, дунёвий ва илохий муносабатлар, инсоннинг ҳаётдаги бурчи ҳақидаги ғояларга тўла асардир. Модда ва руҳнинг табиати, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, инсоннинг умр йўли ҳақидаги чуқур ғоялар "Гита"да оддий тилда баён этилган. Инсон ҳаётининг

2  
мазмуни, мақсади ҳақидаги чуқур маъноли ғоялар аниқ, содда, барчага тушунарли

тилда нозил қилингани сабабли "Гита" минг йиллардан бери бутун жаҳон бўйлаб миллион-миллион одамларнинг ҳам қалбини, ҳам ақлини ўзига мафтун қилиб келмоқда.

Бонгард-Левин.

Россия фанлар академияси академиги.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бу китоб - муқаддас "Гита"нинг энг яхши нашрларидан ва *бҳакти*(Худого садоқат билан хизмат қилиш) илми бўйича жаҳондаги энг яхши асарлардан биридир. Прабхупаданинг мазкур таржимаси асарнинг аниқ мазмуни билан бирга муаллифнинг чуқур диний дунёқарашини ўзида мужассам қилган.

Доктор Томас Дж. Хопкинс,  
Франклин ва Маршалл коллежининг  
диншунослик факультети декани.

"Гита" - ҳақли равишда умумжаҳон маданиятида энг қадимий саналган буюк Ҳиндистон маданиятининг адабий негизи ҳисобланади. Мазкур таржима ва унга берилган изоҳлар - муқаддас "Гита"нинг аҳамияти ҳамиша барҳаёт, мангу эканини яна бир бор исботлаб турибди. Бҳактиведанта Свами ғарбий давлатларга жуда фаол ва бир томонлама ривожланаётган ҳозирги маданиятимиз чуқур таназзулга юз тугганидан далолат берувчи яна бир ёрқин хабарни олиб келган. Ғарбий халқларнинг ҳозирги маданияти бу халқларнинг ўзини йўққа чиқариб юбориши мумкин, чунки, бу маданият - ҳақиқий ўзликни англаш ғоясидан маҳрум бўлган маданиятдир. Бизларнинг



сийсат ва ахлоқ ҳақида билдираётган, ҳақиқий маънавий асосга таянмаган баландпарвоз фикрларимиз аслида куруқ сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас.

Томас Мертон,  
олим-руҳоний, зоҳид, ёзувчи.

Ғарбий давлатларда Ҳинд адабиётининг бирор асарини "Бхагавад-гита" сингари тез-тез тилга олиб, севиб ўқимайдилар. Бундай асарни таржима қилишга журъат қилган киши фақат санскрит тилини яхши билибгина қолмасдан, асарнинг мазмунини ҳам, нодир сўзлардан тузилган бадиий шаклини ҳам чуқур тушуна оладиган инсон бўлиши керак. Чунки бу илоҳий эпос - инсониятга Парвардигорнинг бутун борлиқда, ҳар бир мавжудот қалбида мавжудлигини англаб етишни ўргатувчи буюк симфониядир. Ҳазрат А. Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада - қалби мазкур асарнинг мавзусига чуқур муҳаббат туйғусига тўла бўлган буюк инсон эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бунинг устига у *бҳакти* йўлини кучли ва ишонарли қилиб асослаб берган ҳолда, мазкур асарни изоҳ бераётган киши киритиши лозим бўлган жуда чуқур, ҳаётий шарҳлар билан бойитган... Барча севиб ўқийдиган бу Ҳинд эпосини янги мазмун билан бойитиб, Свами ўқувчиларга бебаҳо неъмат совға қилган. Ҳаёт ҳақида қандай дунёкарашга эга бўлишимиздан

3

катъий назар, ҳар биримиз бу ажойиб асарни яратишга катта меҳнат сарфлаган ана шу буюк инсонга чуқур миннатдорчилик билдиришимиз лозим.

Доктор Геддес Макгрегор,  
истеъфодаги хизмат кўрсатган профессор,  
Жанубий Калифорния университетининг фалсафа ўқитувчиси.

Ўзининг ажойиб таржимасида Шрила Прабхупада ўқувчиларга "Гита"га сингиб кетган *бҳакти* руҳини тўла очиб беришга эришган. Ҳиндистоннинг машҳур ва юксак мартабали донишманд-авлиёларидан бири бўлган Шри Кришна Чайтанянинг нуфузли анъаналарига содиқ қолган ҳолда, у бу қадимий муқаддас битикнинг матнларини чуқур ҳаётий изоҳлар билан бойитган.

Доктор Дж. Стилсон Джуда,  
истеъфодаги хизмат кўрсатган профессор, Беркли Теологлар  
Уюшмаси Кутубхонасининг директори ва дин тарихи ўқитувчиси.

Пирс ва бошқа прагматиклар тасдиқлаётганидай, агар инсоннинг амалий фаолиятини “ҳақиқат мезони” деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"да ҳақиқатан ҳам қандайдир илоҳий ҳақиқат мавжудлигини тан олишимиз лозим, чунки, унинг насихатларига амал қилиб яшаётган инсонларнинг ҳаммаси ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта ва қувноқ инсонлардир. Замондошларимиз яшаётган ҳозирги бемаъни ва сўник

хаётда бундай ҳолат жуда кам учрайди.

Доктор Элвин Х.Пауэлл,  
Нью-Йорк Давлат Университетининг  
ижтимоий фанлар ўқитувчиси.

Ҳинд илоҳий маданиятининг муҳлисими, йўқми - ким бўлишидан қатъий назар "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" таълимотини ўрганган киши ҳаётда жуда кўп нарсани билиб олади, чунки "Гита"ни кўпчилик индуслар ҳалигача қандай тушуниб келаётган бўлса, у ҳам бу асарни худди шундай тушуна олади. Ўқувчиларнинг аксарият кўпчилиги учун бу асар қадимий ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон халқининг ҳақиқий маданияти билан яқиндан танишиш имкониятини берадиган биринчи китоб бўлади.

Франсуа Шени, руҳий фанлар доктори,  
Париж сиёсий тадқиқотлар институти.

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" - буюк илоҳий қудрат таъсири остида кенг миқёсда фикр юритилиб, юракдан чуқур хис қилиниб, ажойиб ишланган буюк асар... Мен "Гита"нинг, ўзида шунчалик чуқур мазмун-моҳиятни акс эттирган ва бенуқсон шаклда чоп этилган, бошқа бирор нашрини учратмаганман. Бу – шубҳасиз, тўла-бутун, мукаммал ҳамда замонавий зиёли кишининг маънавий ва маданий изланишларида узоқ йиллар муносиб ўрин эгаллайдиган асардир.

Доктор Ш.Шукла,  
Джорджтаун Университетининг  
лингвистика кафедраси ассистенти.

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" - жуда бебаҳо ва фойдали нашр. "Бҳагавад-Гита" аввал ҳам Совет Иттифоқида нашр қилинган эди, лекин бу китоб ўқувчига "Бҳагавад-Гита" фалсафасини ва муаммоларини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради, Ҳинд маданиятини ўрганиш мавзуларини кенгайтиради. Ҳиндшунос олимларимиз бу китобдан фойдаланишлари лозим деб ўйлайман.

Профессор Е. Челишев,  
Москва, Шарқшунослик Институти.

Буюк Ҳинд халқининг бебаҳо ва ўлмас миллий қадрияти ҳисобланмиш "Бҳагавад Гита"нинг ўзбек тилига таржима қилиниши фақат ўзбек зиёлилари учун инсонийлик, тинчлик ва адолат, ахлоқ-одобнинг яхши намунаси бўлиб қолмасдан, ҳиндшунос олимлар ҳамда ҳинд халқининг қадриятлари, маданияти, фалсафаси билан қизиқувчилар учун Ведаларни, Веданта фалсафасини, янги давр ҳинд фалсафасининг буюк вакиллари Свами Вивекананда, Шри Ауробиндо Гхош, Махатма Ганди, Сарвапали Радхакришнанларнинг диний-фалсафий таълимотларини ўрганишда улкан манба вазифасини ўтайди.

Саъдулла Йўлдошев

Ўзбекистон Миллий Университети  
"Фалсафа тарихи ва мантиқ" кафедраси профессори

Жаҳондаги энг қадимий маданий ёдгорликлар ичида ҳиндларнинг тўрт китобдан иборат Ведалари алоҳида ўрин тутади. "Бхагавад Гита" тўрт веданинг юраги. "Бхагавад Гита"нинг асосий маъноси шундаки, имонни ҳам, осийликни ҳам аслида ягона оила аъзолари - одамлар яратадилар. Ягона Парвардигор бир-бирига зид ғоя яратиши мумкин эмас. Кришна Ўзининг бу даъватини "Худонинг шарафига битилган мадҳия" деб атаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. васият қилганларки, Қуръондан бошқа ҳар қандай дин ва пайғамбарлар таълимотини ўрганиш кони савобдир. Бу қоидага биринчилардан бўлиб ўзлари амал қилиб, бошқаларга ўрнак кўрсатганлар. Бутун жаҳон эътироф этган машҳур "Бхагавад Гита"нинг ўзбек тилига таржима қилиниши маънавий ва маданий ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлиб, халқлар ўртасида маданий, ижтимоий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, ер юзида тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг барқарорлашувига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Амир Файзулла  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчиси ва руҳий устози

# Асл ҳолидаги Бҳагавад -Гита

Санскрит тилидаги асл матнларнинг  
ўқилиши, мазмуни ҳамда изоҳлар билан  
тўлдирилган ва тузатишлар киритилган  
русча 2-нашрининг ўзбек тилига таржимаси

\* \* \*

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита"  
Веданта фалсафасини ажойиб изоҳлаб берадиган  
"Говинда-Бхашья" асарининг муаллифи  
Шрила Баладева Видьябхушанага  
бағишланади

\* \* \*

"Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"нинг  
ўзбек тилига таржимаси

Қўлёзма. 5(беш) нусхада

А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг  
ўзбек тилида нашр қилинган асарлари

Насихатлар лаззати  
Шри Ишопанишад  
Бошқа сайёраларга енгил саёҳат  
Ўзликни англаш таълимоти  
Йога камолоти  
У дунёдаги ҳаёт  
Мукаммал саволлар ва мукаммал жавоблар  
Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади

Ҳозирги кунда Шрила Прабхупаданинг асарлари жаҳоннинг 75 тилига тар-  
жима қилинган.



## "Бхагавад-Гита" нозил бўлган вазият

Гарчи, "Бхагавад-Гита" алоҳида асар сифатида тез-тез нашр қилинаётган бўлса ҳам, аслида у санскрит тилида ёзилган қадимий "Маҳобҳорат" эпосининг бир қисмидир. "Маҳобҳорат" эпосида ҳозир биз яшаётган давр - Кали-юганинг кириб келиши олдидан рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу давр тахминан беш минг йил аввал, айнан Курукшетра жанг майдонида Кришна Ўзининг дўсти ва мухлиси бўлган Аржунга "Бхагавад-Гита"ни айтиб берган вақтдан бошланган.

Инсоният тарихидаги энг буюк диний-фалсафий суҳбат ҳисобланган уларнинг бу мулоқоти бир томонда Дхритараштранинг юз нафар ўғли, иккинчи томонда уларнинг амаки-оғайнилари Пандузодалар - Пандунинг ўғиллари турган, қариндошлар орасида бўлиб ўтадиган қирғинбарот уруш бошланиши олдидан бўлиб ўтади. Дхритараштра билан Панду бир пайтлар бутун Ер юзига ҳукмронлик қилган шох Бхарата асос солган Курулар сулоласига мансуб ака-укалар эди. Асарнинг "Маҳобҳорат" номи ҳам шундан олинган (*Маҳо-бҳорат* - "Бхарат авлодларининг буюк тарихи" деган маънони англатади). Тўнғич ўғил Дхритараштра туғма кўр бўлгани учун унга мерос бўлган тахт унинг укаси Пандунинг қўлига ўтади.

Тақдир тақозоси билан Панду ёшлигида ўлиб кетади ва унинг беш ўғли - Юдхиштхира, Бхима, Аржун, Накула ва Сахадева, - укасининг вафотидан кейин тахтга вақтинча ворислик қилаётган Дхритараштрага қарам бўлиб қоладилар. Дхритараштранинг ҳам ва Пандунинг ҳам ўғиллари шох саройида бирга ўсиб, бирга таълим-тарбия оладилар. Уларга ҳам, буларга ҳам ҳарбий илмдан ҳарб илми соҳасида машҳур устоз Дронаचारйа дарс беради, сулоланинг бобокалони Бхишма уларнинг барчасига бирдай насиҳатлар қилади.

Лекин, Дхритараштранинг ўғиллари, айниқса унинг тўнғич ўғли Дурйодхон Пандузодаларни ёқтирмас, улардан нафратланар эди. Кўзи кўр ва кўнгилчан Дхритараштра эса, салтанат тахтига Пандунинг ўғиллари эмас, балки ўз ўғиллари меросхўр бўлишини истарди.

Дхритараштранинг розилиги билан Дурйодхон Пандунинг ўғилларини ўлдиришни режалаштиради. Ҳамиша амакиси Видура ғамхўрлик қилиб, жияни Кришна ҳимоя қилиб юргани туфайли Пандузодаларга қарши уюштирилган бир неча суиқасдларнинг биронтаси ҳам амалга ошмайди.

Кришна оддий инсон эмасди, аслида У - ўша пайтдаги шохлар сулоласига мансуб хонадонда шахзода киёфасида Ер сайёрасига ташриф буюрган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахсининг Ўзи эди. У Пандунинг хотини, Пандузодаларнинг онаси Кунтининг, яъни Притхунинг кизи Притхининг жияни сифатида Ядавалар хонадонида шахзода вазифасини бажарарди. Шу боис, қариндош бўлиб ҳам, дин қонунларининг мангу посбони бўлиб ҳам

Кришна Пандунинг такводор ўғилларига ҳомийлик қилар ва ҳамиша уларни химоя қилиб юрарди.

Охир-окибатда ёвуз Дурйодхон Пандузодаларни ўзи билан қимор ўйнашга мажбур қилади. Ана шу машъум қимор ўйинида Дурйодхон ва унинг укалари Пандузодаларнинг покдомон ва садоқатли хотини Драупадини ютиб оладилар ва уни шарманда қилиш ниятида саройда тўпланган шох ва шахзодалар олдида ечинтиришга уринадилар. Кришнанинг ғойибона аралашуви туфайли Драупади бу шармандалиқдан қутулиб қолади, лекин, ўйинда Курузодалар ғирромлик қилиб Пандузодаларни салтанатдан маҳрум этиб, ўн уч йил ўрмонда сургунда юришга мажбур қиладилар.

Пандузодалар сургундан қайтиб келиб, Дурйодхондан, ҳаққоний равишда ўзлариники бўлган, салтанатни қайтариб беришни талаб қиладилар, аммо у буларнинг талабини рад этади. Ҳукмдор(*кишатрий*)лар табақасига мансуб бўлгани сабабли, Пандузодалар жамиятда фуқароларга раҳбарлик қилиб яшаши, шу йўл билан халққа хизмат қилиб, жамиятда ўз бурчини бажаришлари лозим эди. Шу боис, улар Дурйодхондан, ҳаётда ўз бурчини бажариб яшашлари учун ҳеч бўлмаса бешта кишлок беришни илтимос қилдилар. Аммо, Дурйодхон кўполлик билан, уларга ҳатто игнанинг учидай ҳам ер бермаслигини эълон қилади.

Шу пайтгача Пандузодалар ўзларига нисбатан қилинган барча ноҳақликларга чидаб, сабр қилиб келган эдилар, аммо ўзларининг ҳаққоний талабларига ана шундай кўпол равишда рад жавобини олгандан кейин уларнинг урушдан бошқа иложи қолмади. Шунда, Дхритараштранинг ўғилларининг ёки Пандузодаларнинг тарафини олиб, жаҳондаги ҳамма шохлар икки қарама-қарши лагерга бўлингандан кейин, Кришнанинг Ўзи Пандузодалар томонидан элчи бўлиб, тинчлик сулҳи тузиш ҳақида музокара олиб бориш учун Дхритараштранинг саройига келди. Лекин, саройдагилар Унинг таклифларини ҳам рад қилдилар, шундай қилиб, энди урушдан бошқа биров йўл қолмагани очиқ-ойдин равшан бўлди.

Дхритараштранинг ўғилларидан фарқли равишда эзгу ниятли ва такводор Пандузодалар Кришнанинг Олий Шахс, Правардигор эканини тан олардилар. Шунга қарамай, Кришна урушда бир-бирига қарама-қарши турган ҳар икки тарафнинг ҳам истакларини инобатга олган ҳолда иштирок этишга рози бўлади. У танлаш имконини урушда қатнашаётган томонларнинг ўзларига беради: Олий Шахс, Худо бўлгани учун Кришна шахсан Ўзи урушда бевосита иштирок этмайди, аммо рақиб томонлар ўзларининг хоҳиши билан, бир томон маслаҳатчи сифатида Унинг Ўзидан, иккинчи томон эса - Унинг кўшинидан фойдаланишлари мумкин. Тажрибали сиёсатчи ҳисобланган Дурйодхон қувонганидан дарров Кришнанинг катта кўшинини танлади, Пандузодалар ҳам, хурсанд бўлиб маслаҳатчи сифатида Кришнанинг Ўзини танладилар.

Шундай қилиб, Кришна Аржуннинг жиловдори бўлиб, буюк камонбознинг афсонавий жанг аравасининг жиловини қўлига олади. "Бхагавад-Гита" ана шундай вазиятда нозил бўлган эди: жанг майдонида икки кўшин жанг



бошлашга шай бўлиб юзма-юз турибди, шох Дхритараштра эса, ҳаяжон билан ўзининг котиби Санжаядан сўраяпти: - "Жанг майдонида тўпланиб, улар нима қиляптилар?"

Шундай қилиб, тафсилот қатнашчилари жой-жойига қўйилган. Энди "Гита"нинг мазкур таржимаси ва унга берилган изоҳлар ҳақида бир-икки оғиз гап айтмоқчи эдик. Шу пайтгача "Бҳагавад-Гита"ни инглиз тилига таржима қилган таржимонларнинг ҳаммаси бир хил йўлдан борардилар. Улар Кришнани четга суриб қўйиб, бу асар орқали ўзларининг дунёқарашларини ва фалсафий тасаввурларини ифодалар эдилар. "Бҳагавад-Гита"нинг шарҳловчилари назарида "Маҳобҳорат" - кизиқарли афсоналар тўплами, Кришна эса, қандайдир номаълум дохийнинг ғояларини ифодалаш учун шунчаки ўйлаб топилган адабий қахрамон ёки иккинчи даражали тарихий шахс эди.

Аслида, агар "Гита"да айтилган гаплар нуқтаи-назаридан қаралса, Кришна шахси "Бҳагавад-Гита"нинг ҳам мазмуни, ҳам мақсади бўлиб гавдаланади. Шу боис, "Бҳагавад Гита"нинг бу таржимаси ҳам, матнларга берилган изоҳлар ҳам ўқувчини Кришнадан узоқлаштиришни эмас, аксинча, уни Кришнага, ягона Парвардигорга яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мана шуниси билан "Асл холидаги Бҳагавад-Гита" бошқа таржималардан бутунлай фарқ қилади. Яна шуниси эътиборга лойиқ-ки, асарга шу тарзда ёндошиш "Бҳагавад-Гита"нинг бу нашрини яна ҳам тушунарлироқ ва изчил асарлар қаторига қўшиб қўяди. Чоп этилганига бир неча йил бўлган "Асл холидаги Бҳагавад-Гита" асари "Бҳагавад-Гита"нинг энг қўп тарқалган ва кенг ўқувчилар оммаси тан олган таржимасига айланди. "Бҳагавад-Гита"нинг ҳам муаллифи, ҳам мақсади Кришна бўлгани учун, ҳеч қандай шубҳа йўқ-ки, "Асл холидаги Бҳагавад-Гита" китоби ўқувчиларга донишмандликнинг бу буюк асарини асл холида тақдим этади.

Нашриётдан.

## **"Асл ҳолидаги Бхагавад Гита"нинг ўзбекча нашрига сўзбоши**

Ҳар бир халқ ўзининг миллий кадриятларига эга. Ана шундай халқлардан бири буюк Ҳинд халкидир. Ҳиндистон жаҳондаги энг қадимий йирик давлат бўлиб, ўзининг миллий кадриятлари билан бутун жаҳон аҳлини лол қолдирган. Буюк донишмандлар сўзи билан айтганда, "Ҳиндистон - маданият бешиги"дир. Дарҳақиқат, бу улуғ халқ яратган эпослар "Маҳобҳарат", "Рамаёна" ўзининг ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга молик ғоялари билан бир неча минг йиллардан бери инсонлар диққатини тортиб келмоқда. "Маҳобҳарат" эпосидан ўрин олган "Бхагавад Гита" асари шу кунга қадар жаҳондаги кўп тилларга таржима қилиниб, китобхонлар томонидан севиб ўқиб келинмоқда. Мазкур эпос қадимги Ҳинд халқининг диний фалсафасидир. "Бхагавад Гита" дастлаб алоҳида асар сифатида халқ оғзаки ижоди бўлиб, кейинчалик "Маҳобҳарат" эпоси таркибига киритилган. Мазкур асар "Маҳобҳарат"нинг 6-китобининг 23-40 бобларни ташкил этади. Тарихий манбаларда келтирилишича "Бхагавад Гита"нинг асосий таълимоти эрамиздан аввалги 3-2 асрларда яратилган. Асар марказини йирик Ҳинд қабилалари Пандузодалар билан Кауравалар ўртасидаги жанг ташкил этади. Пандулар қабиласининг подшоҳи Аржун ўз қариндошларини ўлдиришни эп кўрмай, жангдан бош тортмоқчи бўлиб, Кришнага ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилишга аҳд қилади. Кришна эса, аксинча, Аржунни аскарлик бурчини бажаришга қатъиян мажбур қилади. Аржун Кришнанинг дўсти ва хизматкори бўлгани учун иккиланиб қолади. Ахир, шоҳ Пандунинг ўғиллари тўғри сўзли, ҳақиқатпарвар, адолатли бўлгани учун Кришн уларни ҳамшиша Ўз паноҳига олиб келган.

Иккинчи қабила бошлиғи, айёр, қора ниятли, қабиҳ ишлардан тап тортмайдиган Дурёдхон бир куни Пандузода Юдхиштхирани йўлдан уриб қимор ўйнашга мажбур қилади. Пандузода ўйинда бор мулкидан айрилиб, бутун хонадони билан рақибига кул бўлган пайтда Дурёдхоннинг укалари унинг оқила, ифбатли, ўткир зеҳнли, садоқатли хотини Драупадани банди қилиб, шу ерга тўпланган шоҳ ва шаҳзодалар кўзи олдида мажбуран ечинтиришдек ҳақоратомуз ишни амалга оширмоқчи бўладилар. Аммо, Кришнанинг аралашуви Драупадини бундай ҳақоратдан қутқариб қолади.

Ўйин натижасига кўра Пандузодалар ҳокимликни қўлдан бой бериб, 13-йил давомида ўрмонда яшашга мажбур бўладилар. Қувғинликдан қайтиб келгач, Пандузодалар Дурёдхондан ўзларининг қонуний салтанатини қайтариб беришни талаб қилдилар. Лекин, нияти бузук, очкўз Дурёдхон Пандузодаларга салтанатни қайтариб беришдан бош тортади. Пандузодалар

шахзода, ҳукмдорлар табақасига мансуб бўлгани учун уларнинг жамият олдидаги бурчи салтанатни бошқариш эди. Улар Дурёдхоннинг бу қабих ниятига қарши чиқмай, бешта қишлоққа ҳукмдорлик қилишга ҳам рози эдилар. Дурёдхон эса, кўполлик билан, Пандузодаларга бешта қишлоқ у ёқда турсин, ҳатто игна санчиладиган ер ҳам бермаслигини айтади. Сабр косаси тўлган Пандузодаларнинг энди уларга қарши жанг қилишдан бошқа иложлари йўқ эди.

Натижада жаҳондаги барча шоҳлар икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳи Дурёдхон тарафини олган бўлса, иккинчи гуруҳ Дурёдхонга қарши жанг қилишга рози эканини билдирдилар. Кришна Пандузодаларни химоя қилишга киришди. Олий ахлоқли Пандузодалар Кришна тимсолида адолатпарвар, сулҳпарвар шахсни тасаввур қилдилар. Кришна адолатпарвар Пандузодалар томонида туриб, яна бир бор инсофга, адолатга чақириш мақсадида сулҳ тузиш учун Дхритараштр саройига ташриф буюрганида, улардан рад жавобини олади. Шунда адолат ўрнатиш учун жанг бошланади.

Кришна икки томонга юзланиб, “Мен рақибларнинг хоҳишларига қараб, жангда қатнашимиз мумкин эди. Лекин, жангда иштирок этиш Менга мақбул эмас. Шунинг учун, томонлардан бири менинг ҳарбий кучимдан фойдалансалар, иккинчи тараф Мени ўзларига маслаҳатчи қилиб олишлари мумкин” - дейди. Дурёдхон ўзини ўткир сёсатчи қилиб кўрсатиб, Кришнанинг ҳарбий кучидан фойдаланишга розилик билдиради. Пандузодалар эса, Кришнанинг Ўзини маслаҳатчи қилиб олишади. Шундай қилиб, Кришна “Бхагавад Гита” асарининг ҳам мақсадини, ҳам мазмунини ташкил этиб, “Бхагавад Гита”нинг муаллифига айланган эди.

Қадимги ҳиндларнинг ушбу маданий ёдгорлигида Кришнанинг Олий Шахс сифатида ерда адолат, ҳақиқат ва тинчлик ўрнатиш йўлида олиб борган саъйи ҳаракатлари ҳақида фикр юритилади. Дунёвий сиёсатчи, файласуф ёки олимларнинг Кришна ҳақидаги илми жуда оз бўлгани учун асарининг мақсади - уларга Кришнанинг эрки, иродаси, мақсадини батафсилроқ баён қилишдан иборат.

Бхагавад Гитани талқин этар эканмиз, биз Кришнанинг иродасига муурожаат қилишимиз лозим. Бунга эътибор бермасак, гуноҳ иш қилган бўламиз. Кришна Олий Илоҳдир. Унинг Олий Илоҳ эканлигини биринчи бўлиб унинг дўсти, хизматкори Аржун тан олган. “Бхагавад Гита”ни ана шундай тушуниш барча инсонларга фаровонлик келтириши ва ўз навбатида инсон ҳаётининг мазмунини тушуниб олишига ёрдам беради. Бизга маълумки, “Бхагавад Гита” баъзан “Гитопанишад” деб ҳам аталган. У - Ведалар илмининг асл мазмунини ташкил этиб, Ведалар адабиётидаги “Упанишадлар”нинг асосий қисмини ташкил этади. “Бхагавад Гита”нинг руҳи унинг ўзида намоён бўлади. Бунинг учун “Бхагавад Гита”ни баён этаётган Олий Маъбуд Кришнанинг таърифига амал қилиш керак. “Бхагавад Гита”нинг ҳар бир саҳифасида Кришна Олий Илоҳ ёки *Бҳагаван* деб аталади.

Маъбуд Кришнанинг нияти Аржунни “Бхагавад Гита” илмини тушунишда, авторитет(ишончли манба) қилиш эди. Чунки, Аржун Маъбуд Кришна-

нинг кучи(*бҳактиси*) эди.

Аржун Маъбуд Кришна билан ўзаро дўстона муносабатда бўлган. Лекин, бу дўстлик моддий дунёдаги дўстлик бўлмай, трансцендент, илохий дўстлик бўлиб, бундай дўстлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аржунда Кришнанинг кучи(*бҳактиси*) бўлгани учун Олий Маъбуд билан шундай дўстона муносабатда бўлади. "Бхагавад Гита"да баён этилишича, инсон бу дунёда бир-бири билан уришиш ёки жанжаллашиш учун яратилган эмас, аксинча, у инсон ҳаётининг моҳиятини тушунмоқ учун оқил бўлиши лозим. Буни қандай тушуниш Ведалар адабиётида кўрсатилган. Ведалар адабиёти ҳайвонлар учун эмас, балки юксак даражадаги онг соҳиби бўлган инсонлар учун яратилган. Шундай қилиб, "Бхагавад Гита" - Ведалар адабиётининг асл моҳиятини ифодалайдиган асар.

"Бхагавад Гита" ўзида турли хил тизимларнинг ғоясини бирлаштирган ҳолда кўпгина қадимги ҳинд фалсафий мактабларига ўз таъсирини ўтгазган. Биринчи галда Веданта фалсафий системасига таъсир ўтгазган. "Бхагавад Гита" ғоялари XIX–XX асрда Ҳиндистонда уйғониш даври фалсафасининг ривожига катта таъсир ўтгазган. Биринчи галда Вивекананда, Ауробинда Гхош, Махатма Ганди ва Радҳакришнанларнинг ижодларига катта таъсир қилган. "Бхагавад Гита"да ахлоқ, одоб, катталарга, аёлларга ҳурмат-этибор ғоялари эпоснинг марказини ташкил этгани сабабли, бу асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Бизнинг мақсадимиз ушбу диний фалсафий таълимотини тарғиб қилиш эмас. Ҳинд халқининг шундай улуғвор маданий кадриятлари борлиги ҳақида ҳиндшунос олимларга, эпосларни ўрганувчи кишиларга хабар бериш, уларнинг ҳам бу буюк асардан хабардор бўлишларига ёрдамлашиш ниятида "Бхагавад Гита" ўзбек тилига таржима қилинди. Мақсадимиз "Бхагавад Гита" қадимги ҳинд халқининг миллий кадриятлардан бири бўлиб, қадимий халқлар томонидан яратилган турли эпослардан бири эканлигини кўрсатишдан иборат.

Янги давр ҳинд файласуфлари: Вивеканда, Ауробинда Гхош, Махатма Ганди, Радҳакришнан ва бошқа мутафаккирлар ўз фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини олимларга, илм-фанни тарғиб қилувчиларга, умуман олганда Ҳиндистон халқига қаратган. "Бхагавад Гита" нафақат Ҳиндистонда, балки бутун жаҳонда инсонийлик, тинчлик ва адолат, ахлоқ-одобнинг юксак намунаси сифатида тан олинган. "Бхагавад Гита"нинг мазкур таржимаси ҳозирги даврнинг машҳур мутафаккири, ҳиндистонлик донишманд Бхактиведанта Свами Шрила Прабхупаданинг инглиз тилидаги изоҳли таржимаси асосида нашрга тайёрланган.

Ўзбек халқини қадимий ҳинд кадриятлари билан таништиришда бу мутафаккирнинг хизмати улуғ деб билган ҳолда, унга кенг китобхонлар номидан чуқур миннатдорчилик билдиришни лозим деб биламиз.

Ўзбекистон Миллий Университети  
Фалсафа факультети, "Фалсафа ва мантик"

## **"Бхагавад-Гита"нинг инглизча нашрига сўз боши**

Аввал мен "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"ни ҳозир нашр қилинаётган ҳолида ёзган эдим. Китоб бир марта нашр қилингандан кейин, афсуски, қўлёзма тўрт юз саҳифага камайтирилган, расмларсиз, "Шримад Бхагавад-Гита"нинг кўпгина шеърларига ёзилган изоҳларсиз чоп этилган эди. "Шримад Бхагаватам", "Шри Ишопанишад" сингари бошқа барча китобларимда мен бир хил қоидага амал қилганман: аввал санскрит тилидаги асл матнни келтираман, унинг инглиз тилида ўқилишини, кейин ҳар бир сўзнинг инглиз тилига таржимасини бераман; кейин шеърнинг бадиий таржимаси кўрсатилиб, унга изоҳ ёзилади. Бу қоида асарни ишончли, асосли қилиб, уни илмий даражага кўтаради ва ҳар бир шеърнинг маъносини аниқ-равшан очиб беради. Шу боис нашриётнинг қўлёзмани қисқартириш ҳақидаги талаби мени унчалик қониқтирмади. Лекин, кейинчалик "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"га талаб анча ошгандан сўнг кўпчилик дунёвий олимлар, Кришнани англаш ҳаракатининг издошлари мендан китобни аввалги ҳолида нашр қилишни илтимос қилдилар. Мазкур нашр - бу буюк илоҳий илм китобини ўқувчига устозлар силсиласида турган ишонарли манбаларга таянган ҳолда берилган изоҳлар билан бойитиб, бошлаб ёзилган кўринишда тақдим қилиш ҳамда Ҳалқаро Кришнани англаш Ҳаракатининг обрўсини қўллаб-қувватлаш, унинг фалсафий асосини мустаҳкамлаш учун қилинган ҳаракатлар натижасидир.

Кришнани англаш ҳаракати - ҳар бир тирик мавжудот учун табиий ва бутунлай илоҳий бўлган ҳақиқий, тарих синовидан ўтган нуфузли ҳаракат, чунки у "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита" таълимотига асосланган. Аста-секин бу ҳаракат бугун жаҳонда, айниқса ёшлар орасида, кенг тарқалиб борапти. Катта ёшдагилар ҳам у билан тобора кўпроқ қизиқяптилар: шогирдларимнинг оталари, боболари бу буюк халқаро жамият - Ҳалқаро Кришнани англаш жамиятининг эркин аъзолари бўлиб, бизларни қўллаб-қувватлаяптилар. Кришнани англаш ҳаракатини бугун дунёга тарқатаётганимдан жуда мамнун

бўлиб, менга миннатдорчилик билдириш ниятида жуда кўп шогирдларимнинг ота-оналари Лос-Анжелесга ташриф буюрдилар. Уларнинг кўплари шуни айтдиларки, бу таълимотни тарғибот қилаётганим барча америкаликлар учун катта бахтдир. Лекин, аслида Кришнани англаш ҳаракатининг асосчиси Кришнанинг Ўзи бўлади, чунки бу ҳаракат жуда қадимда бошланган бўлиб, узилмас устозлар силсиласи орқали бизгача етиб келган. Агар бу ишда менинг ҳам қандайдир ҳиссам бўлса, у меники эмас, балки, мангу руҳий устозим, ҳазрат Ом Вишнупада Парамахамса Паривраджакачарйа Ашоттоттарашата Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж Прабхупаданинг менга кўрсатган бесабаб марҳаматидир.

Менинг бу ишга қўшган ҳиссам шундан иборатки, мен "Бхагавад-Гита"ни қандай бўлса шундайлигича, ҳеч қандай ўзгартишлар киритмасдан, асл ҳолида баён этишга ҳаракат қилдим. "Бхагавад-Гита" шу пайтгача инглиз тилига кимнингдир шахсий манфаатларини кўзлаб таржима қилинар эди. Лекин, биз Олий Шахс, ягона Парвардигор Кришнанинг бу дунёдаги вазифасининг моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш ниятида уларга "Бхагавад-Гита"ни асл ҳолида етказишга ҳаракат қилдик. Биз қайсидир дунёвий сиёсатчи ёки файласуфнинг бемаъни сафсаталарини эмас, Кришнанинг хоҳишини ва иродасини одамларга етказишни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз, чунки одамлар дунёвий илм-фаннинг турли соҳаларида шунчалик билимдон бўлишларига қарамай, Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Кришна: *ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру* ва шу сингари гапларни айтганида, бошқа билимдон олимлардан фарқли равишда биз: "Кришна ва Унинг ички руҳияти бир-биридан фарқ қилади" деб ҳисобламаймиз. Кришна мутлақ табиатга эга, шу боис, Кришна билан Унинг номи, Кришнанинг киёфаси, Кришнанинг сифатлари, Кришнанинг эрмаклари ва бошқа нарсалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришнанинг содик хизматкори бўлмаган ва *парампара*(устозлар силсиласи)да турмаган киши Кришнанинг мутлақ табиатини англаб олиши жуда мушкул. Кришна ҳақида тўлиқ илмга эга бўлмаган олим, сиёсатчи, файласуф ва свамилар "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзсалар, одатда ё асардан Кришнани четга суриб қўйишга ёки биратўла Уни йўқ қилишга ҳаракат қиладилар. "Бхагавад-Гита"нинг ана шундай шарҳловчилари "*майявади-бхашья*"лар деб аталади. Чаитанйа Махапрабху бизни ана шундай маҳмадоналар билан ҳамсуҳбат бўлишдан қайтарган. У ошқора айтадики, "Бхагавад-Гита"ни майявадилар нуқтаи-назаридан тушунишга ҳаракат қилган киши ҳаётда тузатиб бўлмайдиган катта хатога йўл қўяди. Бундай хатолик натижасида "Бхагавад-Гита"ни ўрганаётган киши адашиб, руҳий юксалиш йўлидан умуман четга чиқиб кетади ва ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боролмайди.

Бизнинг биринчи вазифамиз - ўқувчиларга "Бхагавад-Гита"ни асл ҳолида тақдим этиш, айна пайтда шартланган руҳларнинг Худонинг даргоҳига қайтиб боришига ёрдам беришдан иборат. Кришна айнан шу мақсадда Брахманинг ҳар бир кунда бир марта, яъни ҳар 8.600.000.000 йилда бир марта бизнинг сайёрамизда Ўзини намоён этади. Парвардигорнинг

ана шу мақсади "Бҳагавад-Гита"да очик-ойдин баён этилган, биз ҳам уни шундайлигича қабул қилишимиз лозим; акс ҳолда "Бҳагавад-Гита"ни ва уни гапириб берган Кришнани тушунишга уринишнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Кришна биринчи бор "Бҳагавад-Гита"ни бир неча юз миллион йил илгари Қуёш фариштасига айтиб берган. Биз ана шу ҳақиқатни тан олишимиз ва айни пайтда нотўғри изоҳ бермасдан, "Бҳагавад-Гита"нинг тарихий аҳамиятига, Кришна айтган гапларга ишонган ҳолда, баҳо беришимиз лозим.

"Бҳагавад-Гита"ни Кришнанинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда изохлашга уринаётган киши оғир гуноҳ содир қилган бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун Кришнанинг биринчи шогирди Аржун сингари Кришна - Олий Шахс, Худо эканини тушуниб олиш керак. "Бҳагавад-Гита"ни ўрганишга ана шундай аниқ, ишончли манбаларга асосланган ҳолда ёндошиш бизга бу дунёда инсон бўлиб яшаш бурчини охиригача шараф билан адо этишга ёрдам бериб, ҳаётда буюк бахт-саодат келтиради.

"Кришнани англаш ҳаракати" инсонлар жамияти учун жуда зарур, чунки у одамларнинг руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилишига имконият яратиб беради. "Бҳагавад-Гита"да бу имконият тўла асослаб берилган. Афсуски, кўпчилик дунёвий сафсатабоз олимлар "Бҳагавад-Гита"дан ўзларининг иблисона ниятларини асослаш ҳамда содда одамларни тўғри йўлдан адаштириш учун фойдаланадилар, бу билан уларни инсон ҳаётининг оддий қонуниятларини тушуниб олиш имкониятидан маҳрум қиладилар. Ҳар бир фаросатли инсон Парвардигор(Кришна)нинг қанчалик буюк эканини билиб олиши лозим. Тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати қандай экани ҳаммага, ҳар бир инсонга маълум бўлиши керак. Ҳар бир инсон англаб олиши лозимки, тирик мавжудот ҳамиша хизматкор ҳолатида қолаверади, агар у Кришнага, яъни Худога хизмат қилмаса, унда ўзини чексиз оворагарчиликка, сарсон-саргардонликка мубтало қилиб, моддий табиат гуналарининг ҳар хил бирикмаларидан иборат алданишга, саробга, ўткинчи нарсаларга хизмат қилишга мажбур бўлади; ҳатто ўзларини "озод руҳлар" деб атайдиган файласуф-майявадилар ҳам бу дунёда такрор ва такрор туғилиб-ўлишга мажбур бўладилар. Бу китобда баён этилаётган илм - энг буюк илм, ҳар бир тирик мавжудот уни ҳеч бўлмаса ўз манфаати учун тинглаши, ўрганиши лозим.

Айниқса, Кали-юга даврида, одамларнинг аксарият кўпчилиги Кришнанинг ташқи қувватига маҳлиё бўлиб, тўғри йўлдан адашиб юргани сабабли "моддий тараққиёт бизга бахт олиб келади" деб ўйлайдилар. Улар Кришнанинг моддий, ташқи қуввати қанчалик қудратли эканини билмайдилар, чунки ҳар биримизнинг оёқ-қўлимиз моддий табиатнинг бешафқат қонунари билан боғлаб қўйилган. Тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу, лаззатга тўла ажралмас заррачасидир, шу боис унинг табиий вазифаси Унга хизмат қилишдан иборат. Алданиш домига тушган киши эса, ўзининг ҳиссиётига хизмат қилиш орқали бахтли бўлишга интилади, аммо ҳиссий лаззатлар унга ҳеч қачон бахт келтирмайди. Ўзининг моддий сезгиларининг талабларини қондириш ўрнига у Худо Шахсининг сезгиларининг талабини қондириши

лозим. Мана шу - инсон ҳаётининг баркамоллик чўққисидир. Худонинг хоҳиши ҳам, Унинг бизга қўйган талаби ҳам шундан иборат. Ҳар бир инсон "Бхагавад-Гита"нинг мана шу асосий мазмунини яхши тушуниб олиши лозим. Кришнани англаш ҳаракати мана шу ҳақиқатни Ер юзидаги ҳар бир инсонга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Биз "Бхагавад-Гита"нинг маъносини ўзгартирмасдан асл ҳолида баён этаётганимиз учун, "Бхагавад-Гита"ни ўрганиб ўзига бирор фойда келтиришни истаган ҳар бир инсон, "Бхагавад-Гита"нинг мазмунини тўғри тушуниш ҳамда Парвардигорнинг бевосита раҳбарлиги остида ундаги илмни кундалик турмушда қўллаш учун Кришнани англаш ҳаракати таклиф этаётган ёрдамдан фойдаланиши керак. "Бхагавад-Гита" таълимотини ўрганиш шарофати билан одамлар ҳаётда тенгсиз бахт-саодатга эришадилар деган умиддамиз. Агар улардан атиги бирина киши Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиб етишса, биз ўзимизни кўзлаган мақсадимизга эришган деб ҳисоблаймиз.

А.Ч.Бхактиведанта Свами. 12 май.1972 йил.  
Сидней. Австралия.



## Кириш

*ом аджнана-тимирандхасйа джнананджана-шалакайа  
чакиур унмилитам йена тасмаи шири-гураве намах*

“Мен ғофиллик зулматига ботган эдим, аммо рухий устозим қалбимни илмури билан ёритиб кўзларимни очди. Мен унинг олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан”.

*шири Чаитанйа-mano-бхиштам стхапитам йена бху-тале  
свайам рупах када махйам дадати сва-падантикам*

“Бу дунёда Чаитанйа Махапрабхунинг амрини бажариш ниятида бошланган ҳаракатга асос солган Шрила Рупа Госвами Прабхупада қачон менга ўзининг нилуфар қадамлари пойидан нажот берар экан?”

*ванде ҳам шири-гурох, шири-йута-пада-камалам  
шири-гурун ваишнавами ча  
шири-рупам саграджатам саха-гана-рагхунатханвитами там са-дживам  
садвайтам савадхутам париджана-сахитам кришина-Чаитанйа-девам  
шири-радха-кришина-падан саха-гана-лалита-шири вишакханвитами ча*

“Мен чуқур эҳтиром билан рухий устозимнинг нилуфар қадамлари пойига ва барча *вайшнава*(Вишнунинг содиқлари)ларнинг қадамлари пойига таъзим қиламан. Чуқур эҳтиром билан мен Шрила Рупа Госвами ва унинг акаси Санатана Госвами, шунингдек, Рагхунатха дас ва Рагхунатха Бхатта, Гопала Бхатта ва Шрила Джива Госвами олдида таъзим қиламан. Чуқур эҳтиром билан мен Шри Кришна-Чаитанйа ва Шри Нитйананда олдида, шунингдек, Адвайта Ачарйа, Гададхара, Шриваса ва Шри Чаитанйанинг бошқа ҳамроҳлари олдида чуқур таъзим қиламан. Мен эҳтиром билан Шримати

Радхаранининг ва Шри Кришнанинг қадамлари пойига бош қўяман ҳамда Шри Лалита ва Вишакха бошлиқ барча *гопи(подачи қиз)*лар олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман”.

*хе кришна каруна-синдхо дина-бандха джагат-пате  
гопеша гопика-канта радха-канта намо стуте*

“О Кришна, Сен - барча мусибат чекаётганларнинг дўсти ва бутун борликнинг ягона манбаисан. Сен - *гопилар*нинг ҳукмдори ва Радхаранининг севгилисисан. Мен Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгаман”.

*тапта-канчана-гауранги радхе вриндаванешвари  
вришабхану-суте деве пранамами хари-прийе*

“Мен, танаси эриган олтиндай яркираб турган Радхарани олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Сен - шоҳ Вришабханунинг қизисан, Кришна-нинг қалбига жуда азиз бўлган Вриндаван маликасисан”.

*ванчха-калтатарубхйаш ча крипа-синдхубхйа эва ча  
патитанам паванебхйо вашинавебхйо намо намаҳ*

“Мен барча вайшнавлар - Вишнунинг содиқ хизматкорлари олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. Улар орзулар дарахтига ўхшайдилар ва ҳар қандай инсоннинг барча истақларини рўёбга чиқаришга қодир ва адашган кимсаларга чексиз меҳрибондилар”.

*(жся) ири-кришна-Чаитанйя прабху-нитйананда  
ири адвайта гададхара шривасади-гаура-бҳакта-вринда*

“Мен чуқур эҳтиром билан Шри Кришна-Чаитанйя, Прабху Нитйананда, Шри Адвайта, Гададхара, Шриваса ва Парвардигорнинг бошқа барча издошлари олдида чуқур таъзим қиламан”.

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

"Бхагавад-Гита"ни "Гитопанишад" деб ҳам атайдилар. У ведавий до-нишмадлик илмининг қаймоғи ва ведавий адабиётлар таркибига кирадиган энг муҳим "Упанишада"ларнинг биридир. Албатта, "Бхагавад-Гита"нинг инглиз тилида ёзилган жуда кўп изоҳлари чоп этилган. Унга яна бир марта изоҳ ёзишнинг нима керағи бор эди, деган савол туғилиши мумкин. Мазкур нашрнинг зарурилигини қуйидагича тушунтириш мумкин: яқинда, Америкада бир аёл мендан, унга "Бхагавад-Гита"нинг инглиз тилида чоп этилган таржи-

маларидан қайси бирини тавсия қилишим мумкинлигини сўради. Албатта, Америкада "Гита"нинг кўплаб таржималарини топиш мумкин. Лекин, мен билишимча Америкада, ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида "Бхагавад Гита"нинг мен учратган нашрларидан бирортасини "ишонарли" деб бўлмайди, чунки, деярли уларнинг ҳаммасида изох берувчи муаллиф фақат ўзининг шахсий фикрини баён этишга уринган ва "Бхагавад-Гита"нинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини очиб беролмаган. "Бхагавад-Гита"нинг моҳияти ҳақида "Бхагавад-Гита"нинг ўзи гапиради. Буни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Биз бирор дори ичмоқчи бўлсак, албатта, унинг ўзида ёзилган кўрсатмага амал қилишимиз лозим. Биз дорини ўзимиз билганча ёки бирор дўстимизнинг тавсияси билан қабул қила олмаймиз. Дорини фақат унинг ўзида ёзилган кўрсатмага ёки тажрибали врачнинг тавсиясига асосланиб қабул қилиш мумкин. Худди шундай, "Бхагавад-Гита"ни ҳам уни айтган Зотнинг гаплари асосида қабул қилиш лозим. "Бхагавад-Гита"ни айтган Зот эса - Шри Кришна. "Бхагавад-Гита"нинг ҳар бир саҳифасида У - Олий Шахс, Бхагаван деб таърифланади. Албатта, баъзан қандайдир қудратли шахсни ёки бирор фариштани ҳам *бхагаван* деб айтадилар. Бу ерда *бхагаван* ибораси Шри Кришна буюк шахс эканини кўрсатади. Лекин, айни пайтда шуни аниқ тушуниш лозимки, Шри Кришна - Олий Шахс, Худо. Бу ҳақиқатни Шанкарачарья, Рамануджачарья, Мадхвачарья, Нимбарка Свами, Шри Чаитанья Махапрабху сингари буюк *ачарья*(руҳий устоз)лар ва Ведалар илмининг Ҳиндистондаги бошқа жуда кўп обрўли билимдонлари тасдиқлайдилар. Бунинг устига Шри Кришнанинг ўзи "Бхагавад-Гита"да: "Мен - Худонинг Олий Шахсима" - деб эълон қилади. "Брахма-самхита" ва барча Пураналар, энг аввало "Бхагавата-пурана" деб тан олинган "Шримад Бхагаватам" ҳам буни тасдиқлайди(*кришнас ту бхагаван свайам*). Шундай қилиб, биз "Бхагавад-Гита"ни уни айтган Шри Кришнанинг кўрсатмаси асосида қабул қилишимиз лозим.

"Гита"нинг тўртинчи бобида(4.1-3) Кришна шундай дейди:

*имам вивасвате йогам проктаван ахам авйайам  
вивасван манаве праха манур икшивакаве бравит  
эвам парампара-праптам имам раджаршайо видух  
са каленеха махата його наштах парантана  
са эвайам майа те дйа йогах проктах пуратанах  
бхакто си ме сакха чети рахасам хй этад уттамам*

Бу ерда Кришна Аржунга айтяптики, "Бхагавад-Гита"да баён этилган *йога* илмини Мен биринчи марта Куёш фариштасига ўргатганман, Куёш фариштаси уни Мануга ўргатган, Ману эса, ўз навбатида бу илмини Икшвакуга ўргатган. Шу тарзда бу йога илми руҳий устозлар силсиласи бўйича авлоддан авлодга ўтиб, Ер сайёрасига етиб келган. Лекин, вақт ўтиши билан бу илм унутилиб кетган, шу боис Парвардигор уни инсониятга яна бир марта ўргатмоқчи бўляпти. Бу гал Кришна уни Курукшетра жанггоҳида дўсти Ар-

жунга ўргатади.

Парвардигор Аржунга айтяптики, У бу олий сирни айнан унга айтади, чунки Аржун Унинг дўсти ва садоқатли хизматкори. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, "Бҳагавад-Гита" энг аввало Худонинг содиқлари учун мўлжалланган. Илоҳиётчи кишилар уч тоифага бўлинади: ғйанилар, йоглар ва бҳакталар; яъни, имперсоналистлар, мушоқабага берилган йоглар ва Худонинг содиқлари. Бу ерда Аржунга мушожаат қилиб, Кришна аниқ айтяптики, У Аржунни янги *парампара*(устозлар силсиласи) занжирининг биринчи халқаси қилмоқчи, чунки эски *парампара* узилиб қолган. Шу боис Парвардигор рухий устозлар силсиласини қайта тиклашга қарор қилган. У Қуёш фариштаси қадим замонларда одамларга ўргатган ана шу илм яна устозлар силсиласи орқали тарқалишини, Аржун Унинг шу таълимотини бутун жаҳонга тарқатишини истаяпти. У Аржуннинг "Бҳагавад-Гита" илми бўйича (авторитет)ишончли билимдон инсон бўлишини истаяпти. Шундай қилиб, кўряпмизки, Кришна "Бҳагавад-Гита"ни Аржунга энг аввало у - Худонинг содиқ хизматкори, Кришнанинг бевосита шогирди, Ўзининг яқин дўсти бўлгани учун айтиб берган. Демак, фақат ана шундай сифатларга эга бўлган кишигина "Бҳагавад-Гита" илмини тушуна олади.

Ундай киши Парвардигор билан бевосита алоқада турган содиқ бўлиши лозим. Инсон Худонинг содиқ хизматкори бўлган заҳотиёқ Парвардигор билан ўзаро бевосита муносабат қила бошлайди. Бу жуда кенг мавзу, қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир содиқ хизматкор Худо Шахси билан қўйидаги беш хил муносабатларнинг бирида ўзаро муносабатда бўлади:

1. Худо Шахси билан нейтрал муносабатда бўлиш.
2. Худо Шахси билан Унга фаол хизмат қилиш муносабатида бўлиш.
3. Худо Шахсига дўстлик ришталари билан боғланиш.
4. Худо Шахсига ота-оналик меҳри билан боғланиш.
5. Худо Шахси билан ошиқлик ришталари билан боғланиш.

Аржун Худо Шахсининг дўсти эди. Албатта, уларнинг дўстлиги билан моддий дунёдаги дўстлик орасида катта фарқ бор. Улар бир-бирига илоҳий дўстлик ришталари билан боғланган эдилар, Парвардигор билан ана шундай дўстлик муносабатида бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шубҳасиз, ҳар бир тирик мавжудот Худо Шахси билан ўзаро маълум бир муносабат билан боғланган. Инсон Худога садоқат билан холис хизмат қилишда камолотга эришганида бу муносабатлар унинг ўзига яққол намоён бўлади. Лекин, биз ҳозир нафақат Худони, ҳатто У билан ўзимиз қандай муносабатда эканимизни ҳам бутунлай эсдан чиқариб юборганмиз. Оламдаги барча тирик мавжудотларнинг ҳар бири Худо билан алоҳида, ўзига хос муносабат билан боғланган. Тирик мавжудотнинг ана шу ўзгармас ҳолати *сварупа* деб аталади. Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, тирик мавжудот ўзининг азалий *сварупасини* қайта тиклаши мумкин. Мана шу ҳолат - *сварупа-сиддхи* - "руҳнинг бошланғич комил ҳолати" деб аталади. Шундай қилиб, Аржун Худонинг содиқ хизматкори бўлиб, Унга дўстлик ришталари билан боғланган эди.

Аржуннинг "Бхагавад-Гита"ни қандай қабул қилгани ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу ҳақда ўнинчи бобда ҳикоя қилинади(10.12-14):

*арджуна увача*

*парам браҳма парам дҳама навитрам парамам бҳаван  
пурушам шашиватам дивйам ади-девам аджам вибхум  
ахус твам ршайах сарве деваришир нарадас татха  
асито девало вйасах свайам чаива бравиши ме  
сарвам этад ритам мание йан мам вадаси кешава  
на хи те бхагаван вйактим видур дева на данавах*

"Аржун шундай деди: Сен - Худонинг Олий Шахсисан, олий даргоҳ, энг пок, Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен - мангу, илоҳий, туғилмаган ва энг буюк азалий шахссан. Нарада, Асита, Девала ва Вйаса сингари барча буюк донишмандлар бу ҳақиқатни тасдиқлайдилар. Энди Сен Ўзинг ҳам менга бу ҳақда айтиб турибсан. О Кришна, мен Сенинг айтган гапларнинг барчасини айни ҳақиқат деб қабул қиламан. Эй Парвардигор, на фаришталар, на иблислар Сени тўла англаб етолмайдилар".

Кришнадан "Бхагавад-Гита"ни бевосита тинглаган Аржун Уни Олий Рух(*парам браҳма*) деб тан олади. Ҳар бир тирик мавжудот *браҳман*(руҳ)дир, лекин олий тирик мавжудотни, Худонинг Олий Шахсини - "Олий Браҳман", "Олий Рух" деб атайдилар. *Парам дҳама* дегани олий даргоҳни, бутун борликнинг даргоҳини англатади; *навитрам* ибораси У энг пок эканини ва Уни моддий иллатлар булғай олмаслигини англатади; *пурушам* - У олий лаззатланувчи; *шашиватам* - азалий; *дивйам* - илоҳий; *ади-девам* - Худонинг Олий Шахси; *аджам* - туғилмаган; *вибхум* - энг буюк Зот деган маъноларни англатади.

Кимдир: "Кришнанинг дўсти бўлгани учун Аржун бу гапларни шунчаки Уни қувонтириш ниятида айтган", деб ўйлаши мумкин. "Бхагавад-Гита"ни ўқиётган ўқувчининг хаёлига келадиган бундай гумонларни бартараф қилиш учун Аржун кейинги шеърда Кришнани олқишлаб айтаётган гапларини асослаб беради. Фақат унинг ўзи эмас, балки Нарада, Асита, Девала ва Вйасадева сингари обрўли мўътабар зотлар ҳам Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан оладилар. Уларнинг ҳаммаси - барча устозлар тан олган, ведавий донишмандлик илмининг комил билимдони бўлган буюк донишмандлардир. Шунинг учун Аржун Кришнага шундай дейди: "Сен айтган нарсаларнинг ҳаммасини мен айни ҳақиқат деб қабул қиламан". *Сарвам этад ритам мание* - "Мен Сенинг гапларининг ҳаммасини айни ҳақиқат деб қабул қиламан". Аржун яна айтадики, Худо Шахсини англаш жуда мушкул, ҳатто инсонларга нисбатан ҳар жиҳатдан устун бўлган буюк фаришталар ҳам бунга қодир эмас. Шундай экан, Унинг содиқ хизматкори бўлмай туриб инсон қандай қилиб Кришнани англай олсин? Шунинг учун инсон "Бхагавад-Гита" илмини садоқат билан, камтарин ҳолда ўрганиши лозим. Ҳеч ким ўзини Кришна билан тенг деб ҳисобламаслиги, Кришнани - оддий, ҳатто буюк инсон деб

хам ўйламаслиги керак. Кришна - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор, шу боис биринчи навбатда "Бхагавад-Гита"га ёки "Бхагавад-Гита"ни тушунишга интилаётган Аржуннинг гапларига ишониш, ҳеч бўлмаса назарий жиҳатдан Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олиш керак. Фақат, ана шундай камтарин ҳолатдагина биз "Бхагавад-Гита"ни тушуна оламиз. Кришнанинг содиқ хизматкори бўлмаган кишининг "Бхагавад-Гита"ни тушуниши жуда мушкул, чунки ҳақиқатан ҳам, "Бхагавад-Гита" илми сирли илоҳий илмдир.

Хўш, "Бхагавад-Гита"нинг мазмун-моҳияти, мақсади нимадан иборат? Унинг асосий мақсади - инсониятни жаҳолат ботқоғига ботган дунёвий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқаришдан иборат. Курукшетрада жанг қилиш арафасида турган Аржун сингари, бизларнинг ҳар биримиз ҳам турмушда турли хил қийинчиликларга дуч келамиз. Қийин аҳволга тушиб қолиб, Аржун ўз ихтиёрини Кришнага топширди, натижада унга "Бхагавад-Гита" нозил бўлди. Лекин, қийин аҳволга тушиб қолган фақат Аржун эмас, бизларнинг ҳар биримиз турли хил ташвиш ва хавотирлар ичида яшаймиз, бунинг асосий сабаби - моддий оламда яшаётганимиздир. Бизнинг ҳақиқий(руҳий) ҳаётимиз эса, мавҳумлик шароитида кечяпти. Аслида, биз ҳеч қачон йўқликда яшаймаймиз, чунки, рух мангу тирик, лекин ҳозир биз қандайдир сабабларга кўра *асат* шароитига тушиб қолганмиз. *асат* - "мавжуд бўлмаган, мавҳум" деган маънони англатади.

Ҳақиқатан ҳам, аслида ўзининг ким экани, нимага бундай аянчли шароитга тушиб қолгани ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақидаги ўйлар бу дунёда яшаётган миллионлаб одамлар орасида камдан-кам одамнинг миясига келиши мумкин. Токи инсон "ғафлат уйқу"сидан уйғонмас экан, токи чекаётган мусибатларининг асосий сабабини излашга киришмас экан, токи бундай шароитда яшашда давом этишни ўзи умуман истамаётганини, ҳаётдаги адо бўлмас ҳар хил мусибатларга биратўла барҳам бериш кераклигини ўзи тушуниб етмас экан, уни "ҳақиқий инсон" деб бўлмайди. Хаёлида шунга ўхшаган муҳим саволлар пайдо бўлгандагина инсон "ҳақиқий инсон" даражасига кўтарилади. "Брахма-сутра"да бундай саволлар *брахма-дживигйаса* деб аталган. *Атхато брахма-дживиджнаса*. Агар инсон Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати билан қизиқмаса, у машғул бўлиб юрган ҳар қандай фаолиятнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Шундай қилиб, ҳаётда дуч келаётган қийинчиликларнинг илдизи нимада эканини, ўзи бу дунёга қаердан келгани, ўлгандан кейин қаерга бориши ҳақида ўйлай бошлаган кишигина "Бхагавад-Гита"ни ҳақиқатан ҳам тушунишга қодир бўлади. Бундан ташқари, самимий ва жиддий ўқувчи Худонинг Олий Шахсига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши керак. Аржун айнан ана шундай шогирд эди.

Кришна бу дунёга биринчи навбатда унутувчан одамларга "инсон бўлиб яшашнинг асосий мақсади" нимадан иборат эканини эслатиб кўйиш учун келади. Лекин, ҳатто ғафлат уйқусидан уйғонган кўп миллионлаб одамлар орасида биргина киши ўзининг ҳақиқий ҳолатини англай олади; Худо Шахси айнан ана шундай инсонлар учун "Бхагавад-Гита"ни нозил қилган. Аслини

олганда, ҳозир ҳаммамиз ғофиллик аждарининг оғзига тушиб қолганмиз, лекин Парвардигор тирик мавжудотларга, айниқса инсонларга нисбатан чексиз меҳрибон бўлган Зот. Уларнинг бахтини ўйлаб Парвардигор дўсти Аржунни Ўзига шогирд қилиб, унга "Бҳагавад-Гита"ни гапириб берган.

Кришнанинг яқин дўсти бўлгани учун Аржун ғофиллик иллатидан пок эди, лекин Парвардигор Аржундан кейин бу дунёга келадиган инсонларнинг бахт-саодатини ўйлаб, Аржун Кришнага ҳаёт муаммолари ҳақида саволлар бериши, шахсан Ўзи шу саволларга жавоб бериш учун Курукшетра жанг майдонида уни ғофиллик ботқоғига ботириб қўйди. Натижада Кришна унга инсон ҳаётда ўз вазифасини тўлиқ бажариши ҳамда баркамолликка эриша олиши учун умрини қандай яшаши лозимлигини тушунтириб берди.

"Бҳагавад-Гита"да ҳақиқат илмининг беш мавзуси ёритилади. Унда энг аввало Худо ҳақидаги илм, кейин *жива*(тирик мавжудот)ларнинг табиати ҳақидаги илм ўрганилади. *Ишвара*, яъни ягона Ҳукмдорнинг мавжудлиги, барча тирик мавжудотлар эса, Унинг ҳукми остида экани тушунтирилади. Олий Ҳукмдорнинг мавжудлигини тан олмайдиган ва ўзини эркин, мутлақо мустақил деб ҳисоблайдиган тирик мавжудотни "эси паст одам" деб ҳисоблаш керак. Ўзининг бу дунёдаги шартланган ҳолатида тирик мавжудотлар тўлалигича олий кучлар ҳукми остида бўлади. Шунинг учун "Бҳагавад-Гита"да Олий Ҳукмдор, *ишвара* ва Унга тобеъ бўлган *живалар* ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари, "Бҳагавад-Гита"да *пракрити*(моддий табиат), *кала*(замон, вақт(оламнинг, моддий табиатнинг намоён бўлган мавжудлик даври) ва *карма*(фаолият) тушунчалари муҳокама қилинади. Моддий оламда ҳар бир инсон қандайдир фаолият билан машғул. "Бҳагавад-Гита"ни ўрганар эканмиз биз Худо дегани ким, тирик мавжудотларнинг табиати қандай, *пракрити*(моддий олам) нима, тирик мавжудотларнинг фаолияти нимадан иборат эканини, Замон қай тарзда уларни бошқариб туришини тушуниб олишимиз лозим.

"Бҳагавад-Гита"да баён этилган ана шу беш мавзуни(*ишвара*, *жива*, *пракрити*, *кала*, *карма*) муҳокама қилиш натижасида биз "Худонинг Олий Шахси, Кришна, ёки Браҳман, ёки Параматма - барча тирик мавжудотлар ичида энг буюк мавжудот" деган хулосага келамиз; бу атамалардан қайси бирини ишлатишнинг аҳамияти йўқ. Тирик мавжудотлар сифат жиҳатдан Олий Ҳукмдордан фарқ қилмайдилар. Шу тарзда Худо Шахси бутун борликда моддий табиатнинг фаолиятини бошқариб туради, бу ҳақда биз "Бҳагавад-Гита"нинг охириги бобларидан билиб оламиз. Моддий табиат ўз фаолиятида мустақил эмас. У Худо Шахсининг назорати остида ҳаракат қилади. *Майадхйакшена пракритих суйате са-чарачарам* - "Моддий табиат Менинг назоратим остида ҳаракат қилади" - дейди Кришна. Атрофимизда кишининг ақлини ҳайратга солувчи ғаройиб мўъжизаларни кузатар эканмиз, уларни бу моддий оламнинг ягона Ҳукмдори бошқариб турганини ҳамиша эсда тутишимиз лозим. Яратган ва бошқарувчи ҳукмдор Зот бўлмаса, ҳеч нарса мавжуд бўлиб туролмайди. Олий Ҳукмдорнинг мавжудлигини фақат эси паст ёш болаларгина тан олмаслиги мумкин. Масалан, ёш бола учун ав-

томашина ҳам мўъжиза, чунки у, от ёки бошқа бирор тирик ҳайвон тортиб юрмаса ҳам ҳаракат қилади. Лекин, ақли тўлиқ киши автомашинанинг қандай яратилганини билади, уни ҳайдовчи бошқараётганини яхши тушунади. Худди шунга ўхшаш, Парвардигор ҳам бутун борлик машинасини яратган ва бошқариб турган ҳайдовчи(*адхйакша*)дир. Ўн бешинчи бобдан билиб оламизки, *дживалар*, Худо Шахсининг Ўзининг айтишига кўра Унинг ажралмас бўлак(*амша*)ларидир. Олтиннинг кичкина зарраси ҳам олтин, денгиздан олинган бир томчи сув ҳам, денгиздаги сув сингари шўр; худди шунингдек, бизлар, яъни Олий Хукмдорнинг, *ишваранинг* ёки Браҳманнинг, Кришнанинг ажралмас кичик заррачалари бўлган тирик мавжудотлар ҳам - Худо Шахсининг барча сифатларига эгамиз. Лекин, жуда кичик заррача, кичик *ишвара* бўлган ҳолда бўйсунган ҳолатда бўлганимиз сабабли, Унинг сифатлари бизда жуда оз миқдорда намоён бўлади. Бизлар табиатга ҳукмронлик қилишга интиламиз, масалан, ҳозир одамлар космосни забт қилиб, коинотдаги бошқа сайёраларга боришга уриняптилар. Ҳукмронлик қилиш ва яратишга интилиш сифати бизнинг табиатимизда азалдан бор, чунки бу сифатлар аслида Кришнада бор. Лекин, қалбимизда моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги бўлгани билан барибир биз аслида Олий Хукмдор эмаслигимизни ҳамиша эсда сақлашимиз лозим. Буларнинг ҳаммаси "Бхагавад-Гита"да тўлиқ тушунтирилади.

Моддий табиат аслида нима ўзи? Бу ҳақда ҳам биз "Бхагавад-Гита"дан билиб оламиз. Унда моддий табиат "қуйи *пракриту*", яъни, "қуйи табиат" деб аталади. Яна айтилганки, *жива* - тирик мавжудот "олий *пракриту*"га, олий табиатга мансуб. *Пракриту*, олий табиат ҳам, қуйи табиат ҳам ҳамиша Кришнага, Худо Шахсига бўйсунган ҳолатда бўлади. Табиат(*пракриту*) аёллик сифатига эга бўлиб, худди хотин эрининг ҳукми остида бўлгани сингари, табиат ҳам Парвардигорга бўйсунди. *Пракриту* ўзининг Хукмдори, Парвардигорга нисбатан ҳамиша бўйсунган ҳолатда бўлади. Тирик мавжудотлар ҳам, моддий табиат ҳам ҳамиша бўйсунган ҳолатда, Худонинг ҳукми остида бўлади. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра, гарчи тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас руҳий зарралари бўлса ҳам, *пракриту* тоифасига кирадилар. Бу ҳақда еттинчи бобда аниқ айтилган: *анарейам тмас тв аниам пракритим виддхи ме парам джива бхутам* - "моддий табиат Менинг қуйи қувватим(*пракриту*), лекин, ундан бошқа қувватим - *джива бхутам*, яъни тирик мавжудотлар ундан устун туради".

Моддий табиат уч гуна(сифат)дан таркиб топган: эзулик(*самтв*) гунаси, эҳтирос(*раджас*) гунаси ва ғафлат(*тамас*) гунаси. Уларни мангу вақт(замон) *кала* бошқариб туради. Мангу замон ҳукми остида моддий табиат гуналарининг ўзаро бирикиши жараёнида ҳар турли фаолиятлар юзага келади, ана шу фаолият *карма* деб аталади. Бу фаолият жуда қадимда бошланган бўлиб, ана шу *карма* оқибатида бизлар гоҳида лаззатланамиз, гоҳида мусибат чекамиз. Фараз қилайлик, мен ишчи одамман - оғир меҳнат қилиб, кўп молдунё орттирдим. Шунда мен ўзининг мол-дунёсидан лаззатланаётган одам ўрнида бўламан, лекин, вақт ўтиши билан менинг ҳолатим ўзгаради - пулла-



рим йўқолади, натижада мен яна изтироб чека бошлайман. Худди шунингдек, биз турмушнинг қайси соҳасини олмайлик, ҳамма ерда тирик мавжудотлар ўзларининг фаолияти натижасида лаззатланадилар ёки азобланадилар. Мана шу карма деб аталади.

*Ишвара*(Худо Шахси), *жива*(тирик мавжудот), *пракриту* (моддий табиат), *кала*(мангу вақт) ва *карма*(фаолият) - буларнинг барчасининг табиати "Бҳагавад-Гита"да тўлиқ тушунтирилади. Бу беш нарсадан Худо Шахси, тирик мавжудотлар, моддий табиат ва замон мангу табиатга эга. Пракритининг намоён бўлган ҳолати вақтинчалик сифатга эга, лекин, у алдамчи эмас, аниқ(реал) намоён бўлган мавжудликдир. Баъзи файласуфлар моддий намоён бўлган оламни сароб деб ҳисоблайдилар, аммо "Бҳагавад-Гита"нинг, яъни вайшнавларнинг фалсафаси нуктаи-назаридан бу нотўғри. Намоён бўлган борлиқ сароб эмас; гарчи вақтинчалик бўлса ҳам, у аниқ мавжуд бўлган борлиқдир. Бу моддий оламни осмонда сузиб юрган булутга ёки ёмғир палласида бошоқларда пайдо бўладиган донга ўхшатадилар. Ёмғир палласи тугаб, осмон булутлардан тозаланганида, даладаги ёмғирдан тўйинган бошоқлар дарров қуриб қолади. Худди шунингдек, бу моддий олам ҳам белгиланган вақтда намоён бўлади, маълум вақт давомида мавжуд бўлиб туради, кейин йўқ бўлиб кетади. *Пракриту* ана шундай ҳаракат қилади. Лекин, бу жараён мангу такрорланиб туради, шунинг учун, *пракриту* ҳам мангу ҳисобланади; уни алдамчи деб ҳисобламаслик керак. Парвардигор уни "Менинг табиатим" дейди. Моддий табиат - Парвардигорнинг ажралган қуввати; тирик мавжудотлар ҳам Худо Шахсининг қуввати ҳисобланадилар, лекин, улар Худо Шахсидан ажралмаган, У билан мангу боғланган. Шундай қилиб Парвардигор, тирик мавжудотлар, моддий табиат ва вақт бир-бири билан боғлиқ бўлиб, мангу мавжуд зотлардир. Лекин, карма оқибатлари бизга жуда узок ўтмишдан бери таъсир қилиб келаётган бўлишига қарамай, *карма*(фаолият)нинг ўзи мангу эмас. Ўз фаолиятимиз оқибатида бизлар қадим замонлардан бери гоҳида лаззатланиб, гоҳида азобланиб келамиз. Лекин, ўз фаолиятимизни, карма натижаларини ўзгартириш бизнинг ўзимизга боғлиқ. Агар руҳий илми мукамал эгаллаб олсак, биз ўз тақдиримизни ўзгартиришга қодир бўламиз. Ҳозир ҳаммамиз ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб юрибмиз, лекин, бетиним айланиб турган, фаолият ва унинг оқибатларидан иборат моддий ҳаёт чархпалагини тўхтатиш, яъни, карма оқибатларидан қутулиш учун нима қилиш кераклигини, бунинг учун қандай фаолият билан машғул бўлиш кераклигини камдан-кам одам билади.

*Ишвара*, Худо Шахси Ўзининг ҳолатига кўра олий, юксак Онгдир. Худо Шахсининг ажралмас зарралари бўлгани сабабли, живалар ёки тирик мавжудотлар ҳам онгли зотлардир. Тирик мавжудот ва моддий табиат - *пракриту*, яъни, қувват категориясига мансуб. Лекин, пракритининг бир тури - айнан *жива* онгли *пракриту*, бошқа *пракриту*, моддий табиат, моддий унсурлар эса - онгсиз. Улар шу тарика бир-биридан фарқ қилади. Шу боис *жива*, яъни, Парвардигор сингари онгли *пракриту* ҳам "олий қувват" деб аталади. Лекин, Худо Шахсининг онги - олий онг, биз ҳеч қачон тирик мавжудотлар, яъни

живалар ҳам шундай юксак онгга эга деб ўйламаслигимиз керак. Тирик мавжудот қанчалик мукамалликка эришмасин, ҳеч қачон олий онгга эга бўла олмайди. Бунинг аксини тарғибот қиладиган фалсафий таълимот фақат одамларни тўғри йўлдан чалғитади, холос. Гарчи тирик мавжудот онгли бўлса ҳам, унинг онги мукамал эмас, яъни, олий онг эмас.

*Жива* билан *ишвара* орасидаги фарқ "Бҳагавад-Гита"нинг ўн учинчи бобида тушунтирилган. Парвардигор - *киштра-гья*, У худди тирик мавжудот сингари онгли Зот. Лекин, тирик мавжудотнинг онги фақат ўзининг танаси чегарасида фаолият кўрсатади, Худо Шахсининг онги эса барча таналарни қамраб олади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида намоён бўлган ҳолда, Худо Шахси ҳар бир тирик мавжудотнинг ўйлари ва ички кечинмаларини билиб туради. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Яна шу нарса маълумки, Параматма, Худо Шахси ҳар кимнинг қалбида Ҳукмдор сифатида мавжуд. У тирик мавжудотнинг ўз истакларига мос равишда ҳаракат қилишига ёрдам беради, чунки тирик мавжудот кўпинча ўзи нимани истаётганини ҳам эсидан чиқариб юборади. Аввалига у бирор иш қилишга қарор қилади, кейин ўзининг қилаётган ишлари оқибатига, қармасига ўралашиб қолади. Бир кийимни ечиб бошқасини кийганимиз сингари, тирик мавжудот бир моддий танани тарқ этиб бошқа бир танага эга бўлади. Шу тарзда биринкетин тана алмаштириб юрар экан, руҳ аввалги қилган ишлари оқибатида моддий оламда адашиб, мусибат чекиб яшайди. Лекин, тирик мавжудот эзгулик гунасига кўтарилганида, унинг қилаётган амаллари ҳамда аввалги ишларининг оқибатлари ўзгаради, яъни, унинг ҳаёти нормал ҳолатга келади ва у ҳаётда қандай яшаш, қандай ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етади. Бу дунёда тўғри яшаётган тирик мавжудот ўзининг қармасини ижобий томонга ўзгартиради, демак, қармани мангу деб бўлмайди. Шунинг учун беш(*ишвара, жива, пракрити, кала ва карма*) нарса(категория)дан тўрттаси мангу, биттаси, яъни, карма - ўткинчи деб айтилган эди.

Ишваранинг олий, юксак онги билан тирик мавжудотнинг онгининг ўхшашлиги қуйидагича: Худо Шахсининг онги сингари тирик мавжудотнинг онги ҳам табиатан руҳий сифатга эга. "Онг - материянинг хоссаси" деб ўйлаш нотўғри. Бу мутлақо нотўғри фикр, нотўғри тасаввур. "Маълум шароит юзага келганда моддий унсурлар бирикмасидан онг вужудга келади" деган таълимотни "Бҳагавад-Гита" бутунлай инкор этади. Худди рангли шиша орқали ўтган нур ўз рангини ўзгартиргани сингари, тирик мавжудотнинг онги ҳам моддий тана орқали ўтганида ўзгариши мумкин, лекин Худо Шахсининг онгига модда таъсир қилмайди. Шри Кришна шундай дейди: *майадхйакишена пракритих*. Моддий оламга тушганида Худо Шахсининг онги моддий нарсалар билан булганмайди. Агар Худо Шахси ҳам моддий дунё таъсирига берилса, У "Бҳагавад-Гита"ни баён этганидай руҳий илм ҳақида гапира олмаган бўларди. Онги моддий иллатлардан пок бўлган зотгина руҳий олам ҳақида гапира олади. Шундай қилиб, онги моддий иллат билан булганган бизлардан фарқли равишда, Парвардигор ҳеч қачон моддий табиатнинг онни булғовчи таъсирига берилмайди. "Бҳагавад-Гита" илми бизга булганган

онгимизни моддий иллатлардан поклаш йўлини ўргатади. Пок рухий онг билан кўрсатган фаолиятимиз бизга ҳамиша бахт келтиради. Биз ҳар қандай фаолият кўрсатишни тарк этишимиз лозим, деб ўйламаслик керак. Йўқ, биз фақат қилаётган ишлар(фаолият)имизни поклашимиз лозим, ана шундай покланган фаолият “*бахти*” деб аталади. Бу фаолият сиртдан қараганда оддий фаолиятдай бўлиб кўринади, лекин, аслида у моддий иллатлардан пок бўлган рухий фаолиятдир. Ғофил одамга Худонинг содиқ хизматкори ҳам худди бошқалар сингари ишлаётгандай бўлиб кўриниши мумкин; лекин, илми саёзлиги сабабли ғофил одам Худонинг содиқ хизматкори қилаётган ишлар нопок моддий онг билан булганмаган фаолият эканини кўра олмайди. Худонинг содиқлари моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан илоҳий бўлган зотлардир. Аммо, шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳозир бизнинг онгимиз булганган.

Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар илллатига булганган тирик мавжудотлар “шартланган” руҳлар деб аталади. Улар булганган сохта онги таъсирида “ўзи”ни “моддий табиат яратган зот” деб ўйлайдилар. Ҳаёт ҳақида шундай тасаввурга эга бўлган онг “сохта ўзлик” деб аталади. Ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридан фикр юритадиган киши ўзининг ҳақиқий ҳолатини англай олмайди. Аржунни ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридан фикр юритиш илллатидан кутқариш учун Кришна атайлаб унга “Бҳагавад-Гита”ни гапириб берган, биз ҳам ҳаёт ҳақида ана шундай нотўғри тасаввурлардан халос бўлишимиз лозим; мана шу - рухий юксалиш йўлига кирган киши босиб ўтиши лозим бўлган энг биринчи қадамдир. Ҳаёт ҳақида нотўғри, сохта тасаввурлардан халос бўлиб, озодликка эришишга интилаётган киши энг аввало ўзининг тана эмаслигини тушуниб олиши лозим. Озодликка чиқиш, *мукти* - моддий онг таъсиридан халос бўлиш демакдир. *Мукти* иборасининг мазмуни “Шримад Бҳагаватам”да тушунтирилган: *муктир хитванйатха-рупам сварупена вйавастхитиҳ*. *Муктига* эришиш - моддий оламдаги тирик мавжудотларга хос бўлган булганган онг таъсиридан халос бўлиш ва ўзгармас пок онг билан яшаш демакдир. “Бҳагавад-Гита”нинг барча кўрсатмалари ягона мақсадга - тирик мавжудотларда ана шундай ўзгармас пок онгни уйғотишга қаратилган. Шу боис, “Бҳагавад-Гита”нинг охирги бобида Кришна Аржундан: “Энди сенинг онгинг покландими?” - деб сўрайди. Пок онгга эга бўлиш - ҳаётда фақат Кришнанинг, яъни ягона Парвардигорнинг кўрсатмалари асосида яшаш демакдир. Инсон онгининг покланганининг асосий белгиси шундан иборат. Биз ҳаммамиз онгли зотлармиз, лекин, бизлар Парвардигорнинг жуда кичик заррачалари бўлганимиз сабабли, моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қоламиз. Парвардигор эса, қудратли Олий Ҳукмдор бўлгани учун ҳеч қачон уларнинг таъсирига берилмайди. Парвардигор билан алоҳида кичик рухий зарралар - алоҳида руҳлар орасидаги фарқ мана шундан иборат.

Онг ўзи нима? Онг - энг аввало ўзликни англашдир: “Мен борман!” Лекин: “Мен” - ким? Онгининг булганган ҳолатида “Мен борман!” деганда: “Мен ўзим кўриб турган ҳамма нарсанинг хўжайиниман! Мен лаззатланувчиман!” - деб тушунилади. Ҳар бир тирик мавжудот ўзини хўжайин, моддий

оламнинг яратувчиси деб ҳисоблагани учунгина Ер шари айланиб турибди. Моддий онг мана шу икки тушунча асосида шаклланган: "Мен - яратувчима!" "Мен - лаззатланувчима!" Лекин, аслида ҳақиқий яратувчи ҳам, ҳақиқий лаззатланувчи ҳам - ягона Парвардигор, Худо Шахсининг Ўзидир, тирик мавжудот эса, Унинг кичкина бир бўлаги бўлган ҳолда яратувчи ҳам эмас, лаззатланувчи ҳам эмас, шунчаки унга ҳамкор, ёрдамчи, холос. Аксинча, унинг ўзини яратадилар ва ундан лаззатланадилар. Масалан, машинадаги ҳар бир детал бутун механизмнинг ишида қатнашади, танамизнинг ҳар бир аъзоси бутун тана фаолиятида иштирок этади. Кўллар, оёқлар, кўзлар ва бошқа барча аъзоларнинг ҳаммаси тананинг алоҳида бўлакларидир, лекин, ҳақиқий лаззатланувчи улар эмас - бутун тана, ошқозон. Оёқларимиз бизни олиб юради, қўлимиз билан овқатни оғзимизга соламыз, тишларимиз чайнаб беради - шу тарзда танамизнинг ҳар бир аъзоси ошқозоннинг эҳтиёжини кондириб, уни қаноатлантиришга интилади, чунки ошқозон - бутун танани озиқлантириб турувчи асосий орган ҳисобланади. Танамизнинг барча аъзолари ошқозон учун ишлайди. Дарахтни илдизига сув қуйиш орқали озиқлантирадилар, танани эса - ошқозонни овқат билан таъминлаб озиқлантирамыз; агар танамиз соғ-саломат бўлишини истасак, барча аъзоларимиз ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ошқозонни овқат билан таъминлаб туриши лозим. Худди шундай, Худо Шахси - ягона лаззатланувчи ва яратувчи Зотдир, Унга қарам бўлган биз, тирик мавжудотлар эса, бир-биримиз билан Худо Шахсини мамнун қилиш учун ҳамкорлик қилишимиз лозим. Худди ошқозонга тушган овқат бутун танани қаноатлантиргани сингари, шундай ҳамкорлик энг аввало бизларни, ҳар биримизни қаноатлантиради. Агар бармоқларимиз овқатни оғзимиз орқали ошқозонга юбориш ўрнига, ундан ўзи мустақил равишда лаззатланмоқчи бўлса, бундан фақат пушаймон бўлади.

Яратиш ва лаззатланишда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган Зот - Худо Шахсининг Ўзи, тирик мавжудотлар эса, бу ишда Унга ҳамкор бўлиб иштирок этадилар, натижада улар ҳам лаззатланадилар. Тирик мавжудот Парвардигор билан хўжайин ва хизматкор сифатида ўзаро муносабатда бўлади. Агар хўжайин мамнун бўлса, хизматкор ҳам албатта мамнун бўлади. Шунинг учун, гарчи оламни яратган Парвардигорнинг Ўзи сингари, тирик мавжудотда ҳам ўзини "моддий оламнинг яратувчиси" деб ҳисоблаш ва ундан лаззатланишга интилиш кучли бўлса ҳам, тирик мавжудотлар аслида Парвардигорни мамнун қилиш учун яратилган.

Шундай қилиб, биз "Бҳагавад-Гита"ни ўрганар эканмиз, бутун борлиқ: Олий Ҳукмдордан; Унга қарам бўлган тирик мавжудотлардан; намоён бўлган моддий оламдан; мангу замондан; карма, яъни, фаолиятдан таркиб топганини билиб оламыз. Мазкур китоб саҳифаларида ана шуларнинг ҳаммаси батафсил тушунтирилади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда тўла бутунни ташкил этади, ана шу тўла-бутун "Олий Муғлак Ҳақиқат" деб аталади. Тўла бутун, яъни, Олий Муғлак Ҳақиқат Шри Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг асл хоҳиятидир. Борлиқда мавжуд бўлган ҳамма нарсани Шри Кришнанинг тур-

ли хил қувватлари яратади, Унинг Ўзи эса - тўла бутундир.

"Бхагавад-Гита"да: "шахсиятсиз Браҳманни ҳам Олий Шахс яратган" деб айтилган (*браҳmano хи пратиштхахам*). "Брахма-сутра"да Браҳман ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, унда Браҳман кўёш нурига қиёсланган. Шахсиятсиз Браҳман - Худонинг Олий Шахсининг нури. "Шахсиятсиз Браҳман" тушунчаси ҳам "Параматма" сингари, мутлақ тўла-бутунни мукамал ифодаламайдиган тушунча. Худонинг Олий Шахси *сач-чид-ананда-виграҳа* деб аталади. "Брахма-самхита"нинг биринчи шеърида шундай дейилган:

*ишвараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

"Говинда, Кришна - барча сабаблар сабабчиси. У - мангулик, илм ва лаззатнинг бошланғич, азалий сабабчиси ва бевосита тимсолидир".

Уни шахсиятсиз Браҳман сифатида англаш - Унинг *сам*(мангулик) аспекти(қўриниши)ни, Параматма сифатида англаш - *сам-чит* (мангулик ва илм) аспектини, Худонинг Олий Шахси, Кришнани англаш эса - Унинг барча илоҳий *сам, чит, ананда*(мангулик, илм ва лаззат) аспектларини тўла англаш бўлади.

Чуқур фикр юрита олмайдиган кишилар Олий Ҳақиқатни "шахсиятсиз" деб ҳисоблайдилар, аслида Олий Ҳақиқат - илоҳий шахсдир. Бу ҳақиқат барча Ведалар(муқаддас китоблар)да тасдиқланган. *нитйо нитйанам четанаш четананам*(Катха-упанишад, 2,2,13). Бизлар барчамиз - алоҳида тирик мавжудотлар, шахс бўлганимиз сингари, Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳам охиरोқибатда шахсдир. Худо Шахсини англаш - Мутлақ Ҳақиқатнинг барча илоҳий аспектларини, шу жумладан Унинг илоҳий қиёфасини ҳам англаб етиш демакдир. Тўла-бутун Зот шакл-шамойилсиз эмас. Агар Парвардигор шакл-шамойилга эга бўлмаса, ёки Ўзи яратган нарсалардан бирор жиҳатдан кам бўлса, У тўла-бутун бўлмаган бўларди. Тўла-бутун ҳамма нарсани - биз сеза оладиган нарсаларни ҳам, бизнинг сезиш имкониятимиздан ташқарида бўлган нарсаларни ҳам ўзида мужассам қилиши лозим. Акс ҳолда Уни "тўла бутун" деб бўлмайди.

Тўла бутун, Худонинг Олий Шахси, Кришна, сон-саноксиз қувватларга эга(*парасйа шактир вивидхаива ируйате*). У Ўзининг ҳар хил қувватларини қандай намоён этиши ҳам "Бхагавад-Гита"да тушунтирилади. Бу намоён бўлган ёки биз яшаб турган моддий олам ҳам тўла-бутундир, чунки, *санкхья* фалсафасига кўра, моддий борлиқни вақтинча намоён этадиган йигирма тўрт унсур, борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир. Бу оламда ҳеч нарсаси ортиқча ҳам эмас, бирор нарсасига эҳтиёж ҳам йўқ. Намоён бўлган борлиқ Олий Бутун белгиллаган муддат давомида мавжуд бўлиб туради, ана шу муддат тугаганда, бу ўтқинчи борлиқ, тўла бутуннинг мукамал режаси билан яксон бўлади. Тўла-бутуннинг кичкина, ўзига тўлиқ заррачалари бўлган тирик мавжудотлар тўла-бутунни анг-

лаб этиши учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга. Улар хис қиладиган ҳар қандай камчилик ва этишмовчилик эса, уларнинг тўла-бутун ҳақидаги илмлари жуда озлигидан келиб чиқади. "Бҳагавад-Гита" - ведавий донишмандлик илмининг тўлиқ баёнидир, у тўла-бутун бўлган Мутлақ Ҳақиқатни мукамал ҳолда таърифлаб беради.

Ведалар илми - мукамал ва бенуксон илм, ҳиндистонликлар буни тан оладилар. Ведалар илмига асосланган қоидалар бўлган *смитилар*да бирор ҳайвоннинг ахлатига қўл теккизган киши ҳаром бўлади, у ювиниб покланиши лозим, деб кўрсатилган. Айни пайтда, шу ведавий битикларда сигирнинг ахлати поклаш хусусиятига эга, деб кўрсатилган. Бундай кўрсатмалар бир-бирига зид бўлиб кўриниши мумкин, лекин, ведавий қонунларга амал қиладиган зотлар уларни сўзсиз қабул қиладилар. Чунки бу муқаддас китобларнинг - Ведаларнинг кўрсатмаси бўлиб, уларни ишониб қабул қилган инсон ҳеч қачон адашмайди. Ҳозирги пайтда олимлар сигир ахлати барча антисептик хусусиятларга эга эканини аниқлаганлар. Ганга сувлари ҳам шундай хусусиятга эга. Шундай қилиб, ведавий илм тўла-бутун ва мукамал илmdir, чунки у ҳар қандай хатолик ва гумонлардан устун туради. "Бҳагавад-Гита" эса, барча ведавий илмларнинг қаймоғи ҳисобланади.

Ведавий илм - дунёвий олимларнинг илмий тадқиқотларининг, изланишларининг натижаси эмас. Инсон олиб борган ҳар қандай тадқиқот мукамалликдан йироқ бўлади, чунки биз ўз изланишларимизда яроқсиз асбоблардан - мукамал бўлмаган сезги аъзоларимиздан фойдаланамиз. Мукамал илмга эга бўлиш учун, "Бҳагавад-Гита"да айтилганидай, илми ишончли *парампара*(устозлар силсиласи) орқали олиш керак. Биз илми устоздан, аввал бошида Худо Шахсининг Ўзи турган устозлар силсиласига мансуб бўлган ҳақиқий устоздан ўрганишимиз лозим. Аржун шогирд сифатида Кришнадан насиҳат олиб, Парвардигор айтган гапларнинг барчасини ҳеч иккиланмасдан қабул қилди. "Бҳагавад-Гита" илмининг айрим қисмини қабул қилиб, айрим жойларини инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз "Бҳагавад-Гита" илмини ўзимизча талқин қилмасдан, ўзимизга ёқмаган гапларни ташлаб ўтмасдан, шахсий фикр ва истакларимизни четга суриб қўйиб, соф ҳолда тўлалигича қабул қилишимиз лозим. "Бҳагавад-Гита"га мукамал ведавий илмларнинг энг мукамал баёни сифатида қараш керак. Ведавий илм илоҳий манбалардан олинган, биринчи бўлиб уларни Парвардигорнинг Ўзи сўзлар билан ифодалаган. Парвардигорнинг айтган гаплари *анауруша* деб аталади; яъни, улар оддий инсонларнинг гапларидан фарқ қилади. Оддий инсонларнинг табиатида тўртта нуқсон бўлади; улар: 1)хатоликка йўл кўядилар; 2)алданадилар; 3)алдайдилар; 4)сезгилари мукамал эмас. Табиатида азалдан бор бўлган мана шу тўрт нуқсон инсонни мукамал ва ҳар томонлама тўлиқ илм манбаи бўлиш имкониятидан маҳрум қилади.

Ведавий донишмандлик илмининг манбаи - ана шундай номукамал тирик мавжудотлар эмас. Бу илми Парвардигор энг аввало биринчи яратилган мавжудот, Брахмининг қалбига жойлаган эди. Ўз навбатида Брахма бу илми, ўзи Парвардигордан қандай олган бўлса, шундайлигича ўғиллари ва

шогирдларига берган. Парвардигор ҳар томонлама муккамал(*пурнам*), У моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Фаросатли кишининг Парвардигор - бутун борлиқдаги ҳамма нарсанинг ҳақиқий эгаси эканини тушуниб олиши қийин эмас. Бошланғич яратувчи ҳам, Брахмани яратган ҳам шу Зотнинг ўзи. "Бҳагавад-Гита"нинг ўн биринчи бобида Аржун Парвардигорни *парашитамаҳа* деб атайти. Брахмани *питамаҳа*, яъни "бобокалон" деб атайдилар, Парвардигор эса - борлиқнинг бобокалонини яратган Зотдир. Шундай қилиб, ҳеч ким ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламаслиги керак. Биз ўз эҳтиёжимизни қондириш учун Парвардигор улуш сифатида бизга ажратиб қўйган нарсалар билан қаноатланиб яшашимиз лозим.

Парвардигор бизга бериб қўйган нарсалардан ҳаётда қандай фойдаланиш лозимлигига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу "Бҳагавад-Гита"да ҳам тушунтирилади. Аввалига Аржун Курукшетрадаги жангда иштирок этишдан бош тортган эди. У ўзи мустақил фикр юритиб шундай қарорга келган эди.

Аржун Кришнага, ўз қариндошларини ўлдириш эвазига қўлга киритиладиган салтанатда лаззатланиб яшай олмаслигини айтади. Аржун ҳаёт ҳақида тана нуктаи-назаридеги, яъни, моддий тасаввурга эга бўлгани туфайли шундай қарорга келган эди, чунки танасини "ўзим" деб ҳисоблагани учун оғайнилари, жианлари, тоғаларини ўзининг қариндошлари, яъни "танасининг давоми" деб ҳисобларди. Яъни, шундай йўл билан Аржун танасининг эҳтиёжларини қондиришга интилаётган эди. Аржуннинг ҳаётга бўлган муносабатини, унинг ҳаёт ҳақидаги ногўғри тасаввурини ўзгартириш учун Кришна унга "Бҳагавад-Гита"ни гапириб берди. Натижада Кришнанинг амрига бўйсуниб, Аржун жангда иштирок этишга қарор қилди. *қаришийе вачанам тава* - деди у: "Мен Сен нима десанг, шуни қиламан!"

Одамлар бу дунёга худди ит-мушуклардай бир-бири билан уруш-жанжал қилиб яшаш учун келмаганлар. Инсон ҳаётини муносиб қадрлаш, ҳайвонларга ўхшаб яшашни тарк этиш учун одам етарли даражада ақл-заковатга эга бўлиши керак. Энг аввало бу дунёда инсон бўлиб яшашдан мақсад нима эканини ҳар бир одам англаб олиши керак; муқаддас китобларнинг барчаси, уларнинг энг асосийси бўлган "Бҳагавад Гита" ҳам инсонни ана шунга ундайди. Ведавий илм, муқаддас китоблар ҳайвонлар учун эмас, балки ривожланган онг соҳиби бўлган инсонлар учун нозил қилинган. Баъзибир ҳайвонлар бошқа бир ҳайвонларни ўлдиришлари мумкин, бу билан улар гуноҳ қилган ҳисобланмайдилар, лекин, агар инсон ўз нафсини, иштаҳасини қаноатлантириш учун ҳайвонларни ўлдирса, у табиат қонунини бузгани учун албатта жавоб беради. "Бҳагавад-Гита"да аниқ айтилганки, табиат гуналари билан боғлиқ равишда инсоннинг фаолияти уч хил бўлади - эзгулик гунасидаги фаолият, эҳтирос гунасидаги фаолият ва ғафлат гунасидаги фаолият. Худди шундай, одамлар озикланадиган таомлар ҳам уч турли бўлади: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасидаги таомлар. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-Гита"да батафсил тушунтирилган. Агар биз кундалик турмушда "Бҳагавад Гита" кўрсатмаларига амал қилиб яшасак, ўз ҳаётимизни поклай-

миз ва охир-окибатда, умримизнинг охирида бу моддий оламни биратўла тарк этиб кета оламиз (*йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*).

Моддий осмон чегарасидан ташқаридаги олам *санатана*, “мангу рухий даргоҳ” деб аталади. Эътибор бериб қарасак, моддий оламда бирор мангу мавжудот йўқ. Ҳар бир мавжудот маълум пайтда пайдо бўлади, ўсади, бироз вақт мавжуд бўлиб туради, мева беради, сўлади ва ниҳоят ўлиб, йўқолиб кетади. Моддий оламнинг мавжудлик қонуни шундай, бу қонун - хоҳ у бизнинг танамиз, хоҳ бирор мева ёки бошқа бирор моддий нарса бўлсин - ҳамма нарсага тегишли. Лекин, бу ўткинчи оламдан ташқарида бутунлай бошқа табиатга эга олам бор, бу ҳақда жаҳондаги барча муқаддас китобларда айтилган. Ана шу олам бошқача табиатга эга, яъни, у мангу, *санатана*. Жива, яъни тирик мавжудотнинг табиати ҳам мангу. “Бҳагавад-Гита”нинг ўн биринчи бобида Худо Шахси ҳам мангу табиатга эга дейилган. Биз Худо Шахси билан бевосита боғланганмиз, сифат жиҳатдан ҳаммамиз: - рухий даргоҳ (*санатана-дхама*), Олий Шахс (*санатана*) ва тирик мавжудотлар (*санатана*) - бир-биримиздан фарқ қилмаймиз, шу боис, “Бҳагавад-Гита”нинг мақсади - бизга ўзимизнинг мангу фаолиятимизни, *санатана-дхармани* кўрсатиб беришдан иборат. Ҳозир биз бу дунёда ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб яшаймиз, лекин, буларнинг барчаси вақтинчалик ва нопок, асли табиатимизга зид бўлган фаолиятлардир. Лекин, агар биз вақтинчалик фаолиятни тарк этиб, бизга Худо буюриб қўйган мангу фаолият билан машғул бўлиб яшасак, бизнинг ҳаётимизни *санатана* яъни, “мангу” рухий ҳаёт деб ҳисоблаш мумкин.

Худо Шахси, Унинг рухий даргоҳи, тирик мавжудотлар *санатана* тоифасига мансуб. Худо Шахси ва тирик мавжудотлар мангу даргоҳда ўзаро муносабатда бўлганида - тирик мавжудотнинг ҳаёти энг мукамал даражага кўтарилади. Кришна барча тирик мавжудотларга жуда меҳрибон, чунки уларнинг барчаси Унинг фарзандларидир. “Бҳагавад-Гита”да Кришна шундай дейди: *сарва йонишу ... ахам биджа-прадаҳ нита* - “Мен барча тирик мавжудотларнинг отасиман”. Албатта, дунёда тирик мавжудотлар сон-саноксиз, уларнинг ҳар бирининг алоҳида кармаси(тақдири) бор, лекин Кришна: “Ҳамма тирик мавжудотнинг отасиман” - деб айтяпти. Шу боис Кришна барча шартланган руҳларни Ўз олдига қайтариш ва уларни Ўзининг мангу рухий даргоҳига олиб кетиш учун бу дунёга ташриф буюради. Шунда табиатан мангу бўлган тирик мавжудотлар ўзларининг мангу уйларида Худо Шахси билан мангу муносабатда мангу ҳаёт кечирадилар. Кришна бу дунёга ҳар хил қиёфаларда шахсан Ўзи келади ёки Ўзининг ишонган вакиллари яборади. Улар бу ерга Кришнанинг ўғиллари, ҳамроҳлари ёки устоз-ачарйалар сифатида келиб, шартланган руҳларни озодликка чиқарадилар.

Демак, *санатана-дхарма* тушунчаси қандайдир диний оқимга тегишли тушунча эмас. Бу ибора билан мангу тирик мавжудотларнинг мангу Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларида кўрсатадиган мангу фаолияти ифодаланади. Аввал айтиб ўтганимиздек, “*санатана-дхарма*” - мангу тирик мавжудотнинг мангу бурчидир. *Санатана* иборасини тушунтирар экан,



Шрипада Рамануджачарйа: *санатана* - "бошланиши ҳам, ниҳояси ҳам бўлмаган ўзгармас сифат" деб таърифлайди. Шу боис биз *санатана-дҳарма* ҳақида гапирганда, Шрипада Рамануджачарйанинг обрўсига таянган ҳолда, унинг аввали ва охири йўқлигини назарда тутишимиз лозим.

"Дин" иборасининг маъноси *санатана-дҳарма* иборасининг маъносидан кескин фарқ қилади. Дин сўзи эътиқод ғоясини тушунтиради, эътиқод эса, маълумки ҳамиша ўзгариб туради, кимдир бугун бир динга эътиқод қилиши, эртага ундан эътиқоди қайтиб, бошқа бирор динга ишониб кетиши мумкин. Лекин, ҳеч қачон ўзгартириб бўлмайдиган сифат *санатана-дҳарма* деб аталади. Масалан, сувдан унинг суяқлик сифатини ажратиб бўлмайди, оловдан унинг иссиқлик сифатини ажратиб бўлмайди. Худди шундай, мангу тирик мавжудотдан ҳам унинг мангу фаолиятини ажратиб олиб бўлмайди. Шу боис, *санатана-дҳарма* ҳақида гапирганимизда, биз Шрипада Шанкарачарйанинг обрўсига таянган ҳолда, унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқлигини эътиборда тутишимиз лозим. Аввали ҳам, охири ҳам йўқ бўлган сифат қандайдир ўткинчи диний оқимга мансуб бўлиши мумкин эмас, чунки уни бирор чегара билан чеклаб қўйишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ўзлари бирор диний оқимга мансуб бўлган кишилар адашиб, санатана-дҳармани "диний оқим" деб айтишлари мумкин. Лекин, бу нарсани чуқурроқ ўрганиб, уни ҳозирги замонавий илм нуқтаи-назаридан таҳлил қилсак амин бўламизки, *санатана-дҳарма* - жаҳондаги, аниқроқ қилиб айтганда коинотдаги барча одамларнинг мангу бурчидир.

*Санатана* категориясига мансуб бўлмаган ҳар қандай диннинг, эътиқоднинг инсоният тарихида қачонлардир бошланганини кўриш мумкин, *санатана-дҳарма* эса мангу, ўзгармас фаолият, чунки у тирик мавжудот билан ҳамиша бирга, мангу. Ишонарли *шастра*(муқаддас китоб)ларда айтилишича, тирик мавжудот ҳеч қачон туғилмаган ва ўлмайди. Тирик мавжудот - мангу, у ҳеч қачон йўқолмайди, табиатан ўткинчи бўлган моддий тана ҳалок бўлгандан кейин ҳам у мавжудлигича қолаверади. *Санатана-дҳарма* иборасини тушунтирар эканмиз, биз(кўпинча "дин" деб таржима қилинадиган) бу иборани унинг *санскрит* тилидаги ўзагининг маъносидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишимиз лозим. Бирор нарсага ҳамиша хос бўлган сифат, хусусият *дҳарма* деб аталади. Маълумки, ёруғлик ва иссиқлик оловнинг хусусиятлари; иссиқлик ва ёруғликдан маҳрум бўлган олов - олов эмас. Шунга ўхшаш, биз тирик мавжудотнинг ҳамиша унга хос бўлган, ундан ҳеч қачон ажралмайдиган сифатини аниқлашимиз лозим. Бу сифат ҳамиша тирик мавжудотга хос бўлиши, ундан ҳеч қачон ажралмаслиги лозим. Ана шу сифат мангу дин, *санатана-дҳарма* бўлади.

Санатана Госвами Шри Чайтанья Махапрабхудан тирик мавжудотнинг "*сварупа*"си ҳақида сўраганида, Парвардигор унга: *сварупа*, яъни "тирик мавжудотнинг азалий ўзгармас сифати - Худонинг Олий Шахсига хизмат қилишдир" - деб жавоб берди. Шри Чайтаньянинг мана шу гапини таҳлил қилиб, "ҳар бир тирик мавжудот ҳамиша кимгадир хизмат қилади" деган хулосага келиш мумкин. Бир тирик мавжудот ҳар хил йўллар билан, турли

хил кўринишда ҳамиша бошқаларга хизмат қилиб, шундан лаззат олади. Ҳайвонлар одамларга хизмат қиладилар, хизматкор хўжайинига; А - хўжайини В га хизмат қилади, В - хўжайини В га хизмат қилади, у ҳам ўз навбатида хўжайини Г га хизмат қилади ва ҳоказо. Атрофимизда дўстларнинг бир-бирига қандай хизмат қилишини, онаси - боласига, хотини - эрига, эри - хотинига ва ҳоказо хизмат қилаётганини кузатиш мумкин. Ана шундай кузатишларни давом эттира бориб амин бўламлики, ҳар бир тирик мавжудот, албатта кимгадир хизмат қилади. Сиёсатчилар сайловчилар олдида ҳақиқатан ҳам уларга хизмат қилмоқчи эканини исботлаш учун уларга ўзларининг сайлов олди дастурини тақдим этадилар, сайловчилар эса, сиёсатчилар халққа ҳалол хизмат қиладилар, деган умидда уларга овоз берадилар. Сотувчи харидорга хизмат қилади, ишчи - мулкдорга хизмат қилади. Шундай қилиб, бошқаларга хизмат қилмайдиган бирор тирик мавжудот топилмайди, шуни аниқ айтиш мумкинки, хизмат қилиш - барча тирик мавжудотларга хос бўлган мангу сифат, мангу дин, мангу эътиқоддир.

Шунга қарамай одамлар замон, макон ва шароитга қараб, ўзларининг у ёки бу динга мансуб эканини даъво қилиб ўзларини инду, мусулмон, масиҳий, буддист ёки қайсидир бошқа бир диний оқим вакили деб ҳисоблайдилар. Бу атамаларнинг бирортасининг “санатана-дҳарма”га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бугунги ҳинду ўз эътиқодини ўзгартириб, эртага мусулмон бўлиши, мусулмон - ҳинду бўлиши, масиҳий - бошқа яна кимдир бўлиши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиқоднинг, диннинг ўзгариши тирик мавжудотнинг “бошқаларга хизмат қилиш”дан иборат бўлган мангу фаолиятига, *санатана-дҳармасига* таъсир қилмайди. Ким бўлишимиздан қатъий назар - мусулмонми, индуismi ёки масиҳийми - биз ҳамиша кимгадир хизмат қиламиз. Шундай қилиб, ўзини бирор динга, эътиқодга мансуб деб ҳисоблайдиган киши *санатана-дҳармага* мансуб эмас. Ҳар бир одамнинг *санатана-дҳармаси* – “кимгадир хизмат қилиш”дан иборат.

Аслида бизларнинг ҳар биримиз ягона Парвардигор Кришнанинг хизматкори сифатида У билан мангу муносабатдамиз. Кришна - олий лаззатланувчи, биз тирик мавжудотлар эса - Унинг хизматкорларимиз. Бизлар Уни мамнун қилиш учун яратилганмиз, Кришнанинг лаззатга тўла мангу эрмакларидида иштирок этиш билан ўзимиз ҳам лаззатланиб, ҳақиқий мангу бахтга эришамиз. Бахтли бўлишнинг бошқа йўли йўқ. Худди танамизнинг бирор аъзоси ошқозон билан ҳамкорлик қилмай туриб, ўзи мустақил ҳолда лаззатлана олмагани сингари, ҳеч қачон биз ўзимиз алоҳида бахтли бўла олмаимиз. Кришнага илоҳий муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилмай туриб, тирик мавжудот ҳақиқий бахт ҳис қила олмайд.

"Бҳагавад-Гита" ҳар хил фаришталарга сифинишни, уларга садоқат билан хизмат қилишни инкор этади. "Бҳагавад-Гита"нинг еттинчи боб, йигирманчи шеърида шундай дейилган:

*камайс тайс таир хрита-дженнаҳ прападийанте "ниа-деватах  
там там нийамам астхайа пракритйа нийатах свайа*

"Нафси, дунёвий орзу-истаклари тафаккурини ўғирлаб қўйган кишилар ўзларининг табиатига мос келадиган қондаларга амал қилиб, нажот излаб фаришталарга сиғинадилар".

Бу ерда аниқ айтилганки, Кришнага сиғинмасдан фаришталардан паноҳ излаб юрган одамлар аслида эҳтирос домига тушиб қолган инсонлардир. Ягона Парвардигорни "Кришна" деб аташ билан биз Унинг қандайдир диний оқимга тегишли бўлган номини келтираётганимиз йўқ. Санскрит тилида *кришна* ибораси "олий лаззат" деган маънони билдиради. Парвардигор барча лаззатларнинг манбаи, маркази эканини барча муқаддас китоблар тасдиқлайди. Ҳар бир тирик мавжудот лаззатланишга интилади. *Ананда-майю "бхйасат"* ("Веданта-сутра" 1.1.12). Тирик мавжудот ҳам Кришна сингари тўлиқ онг эгаси бўлиб, ҳамиша бахтга интилади. Кришна эса, ҳамиша лаззат оғушида бўлади, агар тирик мавжудотлар ҳам Кришна билан боғланиб, У билан ўзаро муносабатини қайта тикласалар, У билан ҳамкорлик қилсалар, У билан мулоқотда бўлиш йўлини изласалар, улар ҳам ҳамиша бахтиёр ҳолатда юрадилар.

Вриндаванда лаззат ва бахтга тўла эрмакларини намоён этиш учун Кришна бу ўткинчи оламга ташриф буюради. Кришна Вриндаванда яшаган пайтда Унинг подачи-болалар билан ўтказган ўйинлари, подачи қизлар, Вриндаваннинг бошқа аҳолиси ва сигирлар билан бўлган муносабатлари илоҳий лаззатга тўла эди. Вриндаван аҳолиси учун бу дунёда Кришнадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Кришна, ҳатто отаси Нанда Махаражни ҳам фаришта Индрага сиғинишни тарк этиш лозимлигига ишонтирганди, чунки, бу билан У одамларга ҳеч қандай фаришталарга сиғинишнинг мутлақо ҳожати йўқлигини кўрсатмоқчи эди. Фақат ягона Парвардигор Кришнага сиғиниш лозим, чунки қандайдир сабаблар билан бу дунёга келиб қолган руҳнинг ҳаётдаги асосий мақсади - Кришнанинг мангу даргоҳига қайтишидир.

Кришнанинг даргоҳи "Бҳагавад-Гита"да(15.6) таърифланган:

*на тад бхасайате сурйо на шашанко на павакаҳ  
йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*

"Менинг даргоҳим на куёш, на ой, на олов ва на бошқа бирор қувват билан ёритилмайди. Унга эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди".

Бу ерда мангу олам таърифланган. Биз фақат моддий осмон, моддий олам ҳақида тасаввурга эгамиз, шунинг учун осмон деганда дарров ҳаёлимизга куёш, ой ва юлдузлар келади. Лекин, бу ерда Парвардигор айтяптики, мангу руҳий осмонни, руҳий оламни куёш ҳам, ой ҳам, электр қуввати ҳам, олов ҳам ёритмайди, чунки у Худонинг Олий Шахси - Кришнадан таралаётган нур, *Брахмаджьоти* ёғдуси билан ҳамиша ёруғ бўлиб туради. Биз бошқа сайёраларнинг табиатини аниқлашга шунча куч, маблағ сарфлаймиз, лекин, Кришнанинг мангу даргоҳининг табиатини ўрганиш жуда осон. Кришнанинг даргоҳи "Голока" деб аталади. "Брахма-самхита"да Кришнанинг даргоҳи

жуда ажойиб тасвирланган: *голока эва нивасатй акхилатма-бхутах*. Кришна хамиша Ўзининг мангу илохий даргоҳи Голокада яшайди, лекин, ҳатто моддий оламда яшайдиганлар ҳам Унга эришишлари мумкин. Айнан шунинг учун Кришна бу оламга ташриф буюриб, Ўзининг мангу(*сач-чид-ананда-виграха*) қиёфасини намоён этади. Худо Шахсининг Ўзи кўз олдимизда асл қиёфасида турганида, Унинг кўриниши қандай эканини ҳаёлан тахмин қилиб, ўйлаб ўтиришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳар хил гумон ва шубҳаларга чек қўйиш учун, Унинг Ўзи моддий оламга келиб, одамларга Ўзининг ҳақиқий Шйамасундара қиёфасини намоён этади. Бахтга қарши, фаросатсиз одамлар Унинг устидан куладилар, чунки У бу оламга худди бизларга ўхшаб оддий инсон қиёфасида келиб, ҳаётда Ўзининг "инсоний" бурчини бажариб юради. Лекин, бу билан Кришна ҳам бизларга ўхшаган оддий инсон деб бўлмайди. Кришна ҳамма нарсага қодир, шу боис У бу оламда ҳам Ўзининг асл қиёфасида намоён бўлиб, худди Ўзининг руҳий табиатли даргоҳидаги каби эрмакларини намоён эта олади.

Руҳий осмоннинг порлаган чексиз кенгликлариди сон-саноксиз руҳий сайёралар сузиб юради. Браҳмаджйоти энг олий даргоҳдан, Кришналокадан таралиб туради, унинг нурларида аксилмоддий, руҳий сайёралар учиб юради - *ананда-майя, чин-майя*. Кришна - *на тад бхасайате сурйо на шашанко на павақах йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама* - дейди. Руҳий оламга эришган кишининг яна моддий оламга қайтиб келишининг мутлақо ҳожати йўқ. Моддий оламда биз Ойга эмас, ҳатто коинотдаги энг олий сайёрага(*Браҳмалокага*) эришсак ҳам, ҳамма жойда ҳаётнинг бир хилда бораётганини кўрамиз, яъни, ҳамма ерда туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касалликлар бор. Моддий оламнинг ҳамма сайёраларида моддий ҳаётнинг мана шу тўрт қонуни ҳукм суради(*а-браҳма бхуванал локаҳ*).

Тирик мавжудотлар бир сайёрадан бошқа сайёрага кўчиб юрадилар, лекин, бу - биз хоҳлаган сайёрага моддий, механик усуллар билан эриша оламиз дегани эмас. Бошқа сайёраларга эришиш учун "Бҳагавад-Гита"да кўрсатилган усулдан фойдаланиш лозим: *йанти देва-врата деван птрин йанти птрин-вратаҳ*. Сайёралараро саёҳат қилиш учун ҳеч қандай учадиган ҳаво кемасининг кераги йўқ. "Бҳагавад-Гита"да *йанти देва-врата деван*, дейилган. Ой, қуёш ва олий сайёралар *Сваргалока* туркумига қиради. Сайёралар уч туркум бўлади: олий, ўрта ва қуйи. Ер сайёраси ўрта сайёралар туркумига қиради. "Бҳагавад-Гита"да оддий усул ёрдамида Олий сайёралар туркумига қандай кўтарилиш мумкинлиги тушунтирилган: *йанти देва-врата деван*. Бунинг учун ана шу сайёрани бошқариб турган фариштага сиғинишнинг ўзи кифоя; шундай йўл билан Ойга, Қуёшга ёки бошқа истаган олий сайёрага эришиш мумкин.

Лекин "Бҳагавад-Гита" моддий оламдаги сайёраларга эришишга интилишни тавсия қилмайди, чунки биз мабодо махсус учадиган аппарат ясаб, қирқ минг йил мобайнида парвоз қилиб(ким шунча яшай олади?), коинотдаги энг олий сайёра бўлган Браҳмалокага эриша олсак, ҳатто у жойда ҳам худди Ер сайёрасидаги каби муаммоларга дуч келамиз: туғилиш, ўлиш, касаллик ва

кексайиш. Лекин, руҳий оламдаги ҳар қандай сайёрага ёки олий сайёра, Кришналокага эришган киши бунга ўхшаган дунёвий муаммолардан бутунлай халос бўлади. Руҳий олам сайёралари ичида ягона бир сайёра бор, у “*Голока Вриндавана*” деб аталади. У барча сайёралар ичида энг олий сайёра - Парвардигорнинг бошланғич азалий шахси Шри Кришнанинг азалий сайёраси, Худонинг Олий Шахсининг мангу даргоҳидир. Буларнинг барчаси “Бҳагавад-Гита”да батафсил таърифланган, уни ўрганиб биз моддий оламни қандай тарк этиш ва мангу руҳий оламда мангу ҳаётга қандай эришиш йўлларини билиб оламиз.

“Бҳагавад-Гита”нинг ўн бешинчи бобида моддий олам тўла тасвирлаб берилган. Масалан, унда шундай дейилган:

*урдхва-мулам адхах-шакхам ашваттхам прахур авйайам  
чхандамси йасйа парнани йас там веда са веда-вит*

Моддий олам бу ерда илдизи осмонга қараб, шохалари пастга қараб ўсган дарахтга ўхшатиб тасвирланган. Ҳар биримиз ана шундай дарахтни кўрганмиз: дарё ёки бошқа бирор сув хавзаси бўйида туриб, дарахтларнинг сувдаги аксига назар солсак, уларнинг илдизи юқорига, шохалари пастга қараб турган бўлади. Шунга ўхшаш, моддий олам - ҳақиқий руҳий оламнинг шунчаки аксидир. Соянинг ҳақиқий танаси йўқ, ўзи мустақил эмас, лекин сояга қараб туриб, ҳақиқий мавжуд жисм ҳақида маълумот олиш мумкин. Маълумки, чўлда сув йўқ, лекин, чўлда кўзга ташланадиган сароб, каердадир сув ҳақиқатан ҳам мавжудлигидан далолат беради. Моддий оламда сув, яъни бахт йўқ, лекин ҳақиқий бахт руҳий оламда ҳақиқатан ҳам мавжуд.

Худо Шахси бизга руҳий оламга эришиш усулини ўргатади(15-5).

*нирмана-моха джитта-санга-доша  
адхйатма-нитйа винивритта-камаҳ  
двандвайр вимуктах сукха-духкха-самджнаир  
гаччхантй амудхах падам авйайам тат*

*падам авйайам*, яъни, мангу даргоҳга фақат *нирмана-моха* даражасига эришган кишигина эриша олади. У қандай даража? Биз барчамиз ҳар хил атама ва мартабаларга боғланиб қолганмиз. Биров “сэр” бўлгиси, яна биров “лорд” бўлгиси келади, биров “президент”, “миллионер”, “қирол” ёки яна қандайдир унвонга эга бўлгиси келади. Ана шундай мансаб ва атамаларга боғланганимиз биз ўз танамизга қанчалик боғланиб қолганимизни билдиради, чунки бу атамаларнинг барчаси фақат тана билан боғлиқ нарсалардир. Лекин, аслида биз тана эмасмиз. Мана шу ҳақиқатни англай олиш - руҳий ўзликни англаш йўлида қўйилган биринчи қадам ҳисобланади. Ҳозир биз моддий табиатнинг уч гунаси чангалига тушиб, танамизга боғланиб қолганмиз, биз Худо Шахсига садоқат билан ҳолис хизмат қилиш ёрдамида гуналар чангалидан озодликка чиқишимиз лозим. Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишга боғланмаган киши моддий табиатнинг уч гунасига боғланиш туйғусидан қутула олмайди. Бизларнинг барча атамаларимиз, мансабларимиз, унвонларимиз ва боғланишларимиз - табиатимизга хос бўлган эҳтирос ҳамда моддий табиатга ҳукмронлик қилишга интилишимиз

оқибатидир. Токи биз моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиш истагидан халос бўлмас эканмиз, Кришнанинг даргоҳига, санатана-дҳамага қайтиб боролмаймиз. Ана шу мангу, ўзгармас салтанатга ўткинчи моддий лаззатлар алдовига учмайдиган, уларга алданиб, руҳий юксалиш йўлидан адашмайдиган, ҳамиша Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган кишигина эриша олади.

"Бҳагавад-Гита"нинг бир шеъриси шундай дейилади(8.21):

*авйакто "кшара итй уктас там ахух парамам гатим  
йам прайа на нивартанте тад дхама парамам мама*

*авйакта* ибораси "намоён бўлмаган" деган маънони англатади. Биз ҳатто моддий оламни ҳам тўлиқ кўришга қодир эмасмиз. Бизнинг сезги аъзоларимиз шу даражада чекланганки, биз ҳатто моддий коинотдаги юлдузларни ҳам тўлиқ кўра олмаймиз. Ведаларда коинотдаги ҳар бир сайёра ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган, биз бу маълумотларга ишонишимиз ҳам, ишонмаслигимиз ҳам мумкин. Ведавий битикларда, асосан "Шримад Бҳагаватам"да моддий оламнинг барча асосий сайёралари ҳақида, шунингдек моддий оламдан ташқарида жойлашган *авьяктат*, яъни, "намоён бўлмаган" деб аталадиган руҳий олам ҳақида маълумотлар берилган. Инсон ана шу руҳий салтанатга эришишга интилиб яшаши лозим, чунки у жойга эришган киши ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди.

Табиий равишда шундай савол туғилади: қандай йўл билан Кришнанинг мангу даргоҳига эришса бўлади? Бу саволга "Бҳагавад-Гита"нинг саккизинчи бобида жавоб берилган:

*анта-кале ча мам эва смаран муктва калеварам*

*йаҳ прайати са мад-бхавам йати насти атра самшайах*

"Умрининг охирида танасини тарк этаётиб, фақат Мени эслаган киши шу заҳотиёқ Менинг табиатимга эришади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ"(8.5).

Ажали етганда Кришнани ўйлаган киши шу заҳотиёқ Кришнанинг мангу даргоҳига эришади. Биз Кришнанинг қиёфасини ҳамиша хотирамизда сақлашимиз лозим; танасини тарк этаётиб, Кришнанинг қиёфасини кўз олди-га келтирган, Уни эслаган киши шубҳасиз руҳий оламга кўтарилади. *Мад-бхава* ибораси олий тирик мавжудотнинг руҳий табиатини ифодалайди. Унинг табиати - *сач-чид-ананда-виграҳа*. Демак, Кришнанинг танаси мангу, илм ва лаззатга тўла. Биз ҳозирги танамизни *сач-чид-ананда* деб айтолмай-миз. Ҳозирги танамиз *сат* эмас *асат*, яъни, ўткинчи. У *чид*, илмга тўла эмас, аксинча, ғафлат ботқоғига ботган. Биз руҳий салтанат ҳақида ҳеч нарса билмай-миз, ҳатто моддий олам ҳақида ҳам жуда оз биламиз. Моддий танамиз *нирананда*: яъни, лаззат ҳис қилиш ўрнига у ҳамиша изтироб чекади. Тирик мавжудотнинг ҳаётдаги барча мусибатларининг манбаи унинг танасидир, лекин, танасини Кришна, Худонинг Олий Шаҳси ҳақида ўйлаб турган пайтда тарк этган киши шу заҳотиёқ ўзининг *сач-чид-ананда* танасига эга бўлади.

Инсон танасини тарк этар экан, ўзгармас, қатъий қонулар асосида албатта бошқа бирор танага эга бўлади. Кейинги ҳаётида қайси танага эга бўлиши аниқ белгилангандан кейингина инсон ўзининг ҳозирги танасини

тарк этади, яъни, ўлади. Буни ҳар бир инсон ўзи эмас, олий кучлар, фаришталар ҳал қилади. Ҳозирги ҳаётимизда қилаётган ишларимизга қараб биз кейинги ҳаётда руҳий юксалиш зинапоясидан ё юқорига кўтариламиз ёки пастга тушамиз. Ҳозирги ҳаётимиз кейинги ҳаётимиз учун кўрилаётган тайёргарликдир. Агар биз бутун умримиз давомида Кришнанинг даргоҳига эришишга тайёрланиб юрсак, ҳозирги моддий танамизни тарк этгандан кейин, албатта Кришнанинг танасига ўхшаган мангу руҳий танага эга бўламиз.

Аввал тушунтирилганидек, руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар ҳар хил тоифада бўладилар: *Брахма-вади*, *параматма-вади* ва (*бҳакти*) содиқлар. Яна айтиб ўтган эдикки, *Брахмаджйоти* (руҳий осмон) да сон-саноксиз руҳий сайёралар мавжуд. Бу сайёраларнинг сони моддий оламдаги коинотлар сонидан анча кўп. Моддий олам бутун борлиқнинг тахминан тўртдан бир қисмини эгаллаган (*экамишена стхито джагат*). Моддий оламда ҳар бирида триллионлаган сайёралар, кўёш, ой ва юлдузлар бўлган миллиардлаб коинотлар мавжуд. Лекин, ана шу моддий олам - бутун борлиқнинг тўртдан бир бўлаги, холос. Бутун борлиқнинг тўртдан уч қисмини руҳий олам эгаллаган. Олий Браҳманга қўшилиб кетишга интилаётган кишилар Кришнанинг *Брахмаджйоти* нурига қирадилар. Кришна билан ҳамсухбат бўлишдан лаззатланишга интилаётган содиқлар эса, сон-саноксиз Вайкунтха сайёраларининг бирига борадилар ва у жойда Кришнанинг тўлиқ экспансияларидан бири - *Нарайана* қиёфасида Кришна билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўладилар. Кришнанинг руҳий сайёралардаги тўлиқ экспансияси бўлган тўрт қўлли Нараянани ҳар хил номлар билан атайдилар: Нарайана, Прадйумна, Анируддха, Говинда ва хоказо. Шундай қилиб, руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган илоҳиёт кишилари умрининг охирида бутун фикрухаёлини ёки Браҳмаджйотида, ёки Параматмада, ёки Худонинг Олий Шахси Шри Кришнада мужассам қиладилар. Уларнинг ҳаммаси руҳий оламга эришадилар, лекин, фақат шахсан Кришна билан бевосита боғланган ва Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ Вайкунтхага ёки Голока Вриндаванага эришади. Кришна буни қатъий таъкидлаб айтган: "Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ". Биз бунга аниқ ишонишимиз лозим. Ўзимиз тушуна олмайдиган нарсани ўйламасдан инкор этмаслигимиз керак. Кришнанинг айтган гапларига, худди Аржун сингари муносабатда бўлиш керак: "Мен Сен айтган нарсаларнинг ҳаммасига тўлиқ ишонаман". Кришнанинг Ўзи, "ким-ки ажали етганида Браҳман, Параматма ёки Худо Шахси қиёфасида Кришна ҳақида ўйласа, яъни Худони эслаб ўлса, у албатта руҳий оламга эришади" деб айтган экан, биз Унинг айтганларига шубҳа қилмаслигимиз лозим. Кришнанинг айтганларининг ҳаммасини комил ишонч билан қабул қилиш лозим.

"Бҳагавад-Гита"(8.6)да ажали етганда Кришнани эслаган тирик мавжудотнинг руҳий оламга эришишини белгилайдиган умумий қонун ҳам тушунтирилади:

*йам йам вапи смаран бхавам тйаджатй анте калеварам  
там там эвайти каунтейа сада тад-бхава-бхавитах*

"Инсон танасини тарк этаётган пайтда ҳаётнинг қандай ҳолатини хаёлига

келтирса кейинги хаётида худди шундай ҳолатга эришади".

Энг аввало шуни англаб олиш лозимки, моддий табиат - Кришнанинг қувватларидан бири. "Вишну-пурана"(6.7.61)да Кришнанинг барча қувватлари тўплами таърифланган:

*вишну-шактихпара прокта кшетра-джнакхйа татха пара  
авидйа-карма-самдженйа тритийа шактир иийате*

Парвардигор биз англай олмайдиган сон-саноксиз, турли-туман қувватларга эга: лекин, буюк донишмандлар, озод руҳлар шу қувватларни мукамал ўрганиб, уларни уч тоифага ажратганлар. Барча қувватлар *вишну-шакти* тоифасига киради, яъни, Парвардигор Вишнунинг ҳар хил қувватлари ҳисобланади. Биринчи қувват *пара*, трансцендент, илоҳий қувват деб аталади. Аввал айтганимиздай, тирик мавжудотлар Худо Шахсининг олий қувватига мансуб. Унинг қолган барча қувватлари моддий қувват бўлиб, ғафлат гунаси-га мансуб. Ажали етганда тирик мавжудот моддий оламнинг қуйи қувватлари таъсири остида қолиши ёки руҳий оламга кўтарилиши мумкин. Шунинг учун "Бхагавад-Гита"да шундай дейилган:(8.6)

*йам йам вапи смаран бхавам тйаджатй анте калеварам  
там там эваити каунтейа сада тад-бхава-бхавитах.*

"Танасини тарк этаётиб, инсон ҳаётнинг қайси ҳолатини эсига олса, кейинги ҳаётида шундай ҳолатга эришади."

Биз моддий ёки руҳий қувват ҳақида ўйлашга кўникиб қоламиз. Моддий қувват ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган фикримизни қандай қилиб руҳий қувват таъсиридаги ўйларга ўзгартиришимиз мумкин? Жаҳонда бизнинг ақлу-хаёлимизни моддий қувват билан тўлдирадиган жуда кўп асарлар мавжуд. Улар ҳар хил газета, журнал, роман, повест, кино ва ҳоказолардан иборат. Биз ана шундай моддий адабиётлардаги хабарлар билан тўлиб кетган ақлимизни, онгимизни ведавий, муқаддас китоблардаги илоҳий хабарлар билан озиклантира бошлашимиз лозим. Шу мақсадда буюк донишмандлар бизга Пураналар сингари жуда кўп ведавий асарлар қолдириб кетган. Пураналар кимдир ўйлаб, ўзидан чиқариб ёзган оддий асарлар эмас, Пураналар - ҳақиқий тарихий воқеалар таърифидир. "Чайтанйа-чаритамрита"да шундай шеър бор. (Мадхйа,20.122).

*майа мугдха дживера нахи свата кришна-дженана  
дживере крипайа каила кришна веда-пурана*

Унутувчан зотлар, яъни, шартланган руҳлар ўзларининг Худо Шахси билан бўлган ўзаро муносабатларини эслай олмайдилар, уларнинг фикру-хаёли моддий, дунёвий фаолиятга бутунлай ғарқ бўлган. Уларнинг фикрлаш қувватини руҳий ҳақиқатга йўналтириш учун Кришна-Двайпайана Вйаса жуда кўп ведавий асарлар ёзди. У аввало Ведаларни тўрт қисмга бўлди, кейин уларни Пураналарда тушунтириб берди, чуқур фикрлай олмайдиган кишилар учун эса "Маҳобҳорат" эпосини ёзиб қолдирди. "Бхагавад-Гита" "Маҳобҳорат" эпосининг таркибига киритилган. Кейин У Ведалар фалсафасини "Веданта-сутра"ларда умумлаштирди ва келажак авлоднинг бахт-саодатини ўйлаб, "Веданта-сутра"ларга ўзи изоҳ ёзиб, шу изоҳлар тўпламини



"Шримад Бхагаватам" деб атади. Биз аклимизни, онгимизни мана шу асарларни ўқиш билан, улардан олинган илмни фикрлаш билан машғул қилишимиз лозим. Дунёвий одамларнинг ақли ҳамиша газета, журнал ҳамда бошқа ҳар хил дунёвий мавзулар ёритилган асарларни ўқиш билан банд. Худди шундай, бизлар ҳам Вйясадева қолдириб кетган ведавий асарларни ўқиш, муҳокама қилиш билан машғул бўлишимиз лозим. Шунда биз умримизнинг охирида танамизни тарк этаётиб Худони эслаш оламиз, Кришна ҳақида ўйлай оламиз. Бу - Кришнанинг Ўзи кўрсатган, бизни ҳақиқий натижага, энг олий мақсадга эриштирадиган ягона йўл: "Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас".

*тасмат сарвешу калешу мам анусмара йудхйа ча*

*майй артита-мано-буддхир мам эвашиясй асамшайах*

"Шунинг учун эй Аржун, сен ҳамиша Кришна киёфасидаги Мени эслашинг, айни пайтда ўз бурчингни бажариб жанг қилишинг лозим. Қилаётган барча ишларингни Менга бағишлаб, фикру-хаёлингни ҳамиша Менда мужассам қилиб, сен албатта Менинг даргоҳимга эришасан"(8.7).

Кришна ҳеч қачон Аржунга Уни ўйлаб, фақат муруқаблага берилиб, ҳаётда ўз бурчини бажаришдан бош тортиб, таркидунё қилиб ўтиришни маслаҳат бермаган. Йўқ, Худо Шахси ҳеч қачон бизга бажариб бўлмайдиган ишни буюрмайди. Моддий оламда яшаётган киши жонини танасида сақлаб туриши учун албатта ишлаши, меҳнат қилиши керак. Инсонлар жамияти ҳар кимнинг машғул бўлган фаолиятига қараб, тўрт табақага бўлинган (браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар). Браҳманларнинг, яъни ақлий меҳнат билан машғул бўлган зиёли кишиларнинг фаолияти *кшатрий*(хукмдор)ларнинг фаолиятидан фарқ қилади. Савдогар ва ер эгаларининг, ишчиларнинг ҳам жамиятда аниқ белгиланган ўз бурчлари бор. Аммо, ҳар бир одам - ҳоҳ у оддий ишчи бўлсин, ҳоҳ савдогар, хукмдор ёки олий табақадаги зиёли бўлсин - тирикчилик қилиш учун албатта ишлаши, меҳнат қилиши лозим. Шу боис Кришна Аржунга ўз бурчини бажаришдан бош тортмаслик кераклигини айтяпти. Лекин, ўз бурчини бажариш билан бирга у ҳамиша Кришнани эсида сақлаб юриши лозим(*мам анусмара*). Агар инсон бутун умри давомида тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб, ҳамиша Кришнани эслаб юришни ўрганмаса, умрининг охирида танасини тарк этаётиб, Кришнани эслаш олмайди. Шри Чаитанйя ҳам бизни айнан мана шу ҳақда огоҳлантирган. *киртанийах сада хариш*, - дейди У. Биз ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришимиз лозим. Худонинг муқаддас номи билан Худонинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунинг учун, Кришна Аржунга шундай деб буюради: "Ҳамиша Мени эсла!" Шри Чаитанйя эса: "Ҳамиша Худонинг муқаддас номини зикр қилиб юринг!" - дейди. Улар иккиси ҳам айнан бир нарсага даъват қиляпти. Бу икки кўрсатма орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки, "Кришна" деган ном билан Кришнанинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Табиати мутлақ илоҳий бўлган нарсанинг ўзи билан номи орасида ҳеч қандай фарқ бўлмайди. Шунинг учун биз ҳамиша, ҳамма вақт Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиш орқали Кришнани эслаб

юришни ўрганишимиз лозим. Ҳаётимизни, кундалик ишларимизни шундай ташкил қилайликки - ҳамиша, ҳар лаҳзада Кришнани эслаб юрадиган бўлайлик.

Буни кундалик турмушда қандай амалга ошириш мумкин? Ачарйалар бунга шундай мисол келтирадилар. Эри бор аёл бошқа бир эркакни севиб қолса ёки хотини бор эркак бошқа бир аёлни севиб қолса, одатда уларнинг севган кишисига боғланиши жуда кучли бўлади. Шундай ҳолатга тушиб қолган киши ҳамиша севгилисини ўйлаб юради. Эри бор аёл ҳатто уй ишлари билан банд бўлиб юриб ҳам ҳамиша ўша севгилиси билан учрашишни ўйлаб юради. Шу боис у эри бирор нарсани сезиб қолмаслиги учун уй ишларини ҳатто аввалгидан ҳам яхшироқ бажара бошлайди. Биз ҳам худди шундай, ҳамиша олий севгимиз Шри Кришна ҳақида ўйлаб юришимиз, айна пайтда ўз бурчимизни виждон билан бажариб яшашимиз лозим. Бунинг учун Кришнани қаттиқ севишни ўрганиш керак. Агар биз қалбимизда Кришнага нисбатан чуқур муҳаббат уйғота оلسак, ҳаётда ўз бурчимизни бажариш билан бир вақтнинг ўзида ҳамиша Кришнани ҳам ўйлаб юра оламиз. Лекин, бунинг учун қалбимизда Кришнага чуқур муҳаббат туйғусини ривожлантиришимиз лозим. Аржун шу тарзда ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрган; у Кришнанинг мангу ҳамроҳи эди, айна пайтда ўзининг жангчилик вазифасини ҳам бажарди. Кришна ҳеч қачон Аржунга ўз бурчингни бажаришни тарқ этиб Ҳимолай тоғига ёки ўрмонга бориб, хилват жойда мураккабга берилиб ўтир, деб айтмаган. Кришна Аржунга *йога* тизими ҳақида гапириб берганида, Аржун Унга “бу усул менга тўғри келмайди” деб жавоб берганди.

*аржуна увача*

*йо "йам йогас твайа проктах самйена мадхусудана*

*этаксайхам на пашйама чанчалатват стхитим стхирам*

"Аржун шундай деди: "О Мадхусудана, Сен таърифлаб берган йога усули менга тўғри келмайдиганга ўхшайди, чунки менинг ақлим нотинч ва беҳаловат"(6.33).

Аммо, Худо Шахси бундай дейди:

*йогинам апи сарвешам мад-гатенантаратмана*

*ипраддхаван бхаджате йо мам са ме юктатамо матах*

"Ҳамиша қалбида мавжуд бўлган Мен ҳақимдаги ўйлар билан банд бўлган, мустаҳкам иймон билан Менга сажда қилиб, муҳаббат билан Менга холис хизмат қилиб юрган киши - барча йоглар ичида Менга қаттиқ боғланган ва камолотнинг энг юқори поғонасига кўтарилган зот ҳисобланади. Менинг фикрим шундай"(6.47).

Шундай қилиб, ҳамиша Худо Шахсини эслаб юрган киши бир вақтнинг ўзида энг яхши *йог*, энг яхши *гйани* ва энг яхши содиқ хизматкор ҳисобланади. Шундан кейин Кришна Аржунга айтадики, инсон ўзи *киатрий* бўла туриб, жанг қилишдан бош тортишга ҳаққи йўқ. Лекин, агар жанг қила туриб, у ҳамиша Кришнани ўйлаб юрса, ажали етганда ҳам албатта Кришнани эслай олади. Бунинг учун киши ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириши ва ҳаётда Кришнага садоқат билан хизмат қилишда бутунлай банд

бўлиши лозим.

Аслида биз танамиз билан эмас, балки ақлимиз ва тафаккуримиз билан ҳаракат қиламиз. Шунинг учун агар ақлимиз ва тафаккуримиз ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрса, барча сезгиларимиз ўзидан ўзи, табиий равишда Кришнага хизмат қилиш билан машғул бўлади. "Бҳагавад-Гита" бизга қандай қилиб ақл ва тафаккуримизни ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд қилиб яшашни ўргатади. Ҳамиша шундай ўйларга ғарқ бўлиб юрсак, умримизнинг охирида биз Кришнанинг мангу даргоҳига эриша оламиз. Агар кишининг ақли Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлса, унинг сезгилари ҳам табиий равишда шу хизматга жалб қилинган бўлади. Бу - ҳақиқий санъатдир, "Бҳагавад-Гита"нинг сири ҳам мана шунда: ҳамиша Шри Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшаш.

Ҳозирги замонда олимлар Ойга етиб бориш учун шунча уриняптилар, лекин, руҳий баркамолликка эришиш учун амалда ҳеч қандай ҳаракат қилмайдилар. Ҳали олдида яна эллик йил умри бор бўлган киши, ана шу қисқа вақт ичида ҳамиша Худонинг Олий Шахси Кришна ҳақида ўйлаб юришни ўрганиши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мазмуни, моҳияти, мақсади шундан иборат. "Шримад Бҳагаватам"(7.5.23)да шундай дейилган:

*шраванам киртанам вишноҳ смаранам пада-севанам  
арчанам ванданам дасйам сакхйам атма-ниведанам*

“Вишну(Кришна)нинг илоҳий муқаддас номини ва Унинг қиёфасини, сифатларини, атрофидагиларни ва кароматларини таърифлайдиган ҳикояларни тинглаш, гапириб бериш ва эслаб юриш, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, Унга ўн олти хил анжом билан сажда қилиш, Унга илтижо қилиш, Унинг хизматкори бўлиш, Уни ўзига энг яқин дўст деб билиш ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш(ақли, нутқи ва танаси билан Унга хизмат қилиш) - Худога соф садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мана шулардан иборат. Шу усулларни қўллаб, бутун умрини Кришнага садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган киши - энг олий маълумотли одамдир, чунки у мукамал илмга эга инсон”.

Инсон фаолиятининг бу ерда кўрсатилган тўққиз тури фикру-хаёлимизни ҳамиша Кришнада мужассам қилиб яшашга ёрдам беради. Уларнинг ичида энг осони *шраванам* - "Бҳагавад-Гита"ни Кришнага эришган киши оғзидан эшитиш ҳисобланади. Шунинг шарофати билан биз ҳамиша Кришнани эслаб юра оламиз ва умримизнинг охирида ҳозирги танамизни тарк этиб, Кришна билан бемалол мулоқотда бўлиш имконини берадиган руҳий танага эга бўламиз.

Кейин Кришна "Бҳагавад-гита"(8.8)да шундай дейди:

*абхйаса-йога-йуктена четаса нанйа-гамина  
парамам пурушам дивйам йати партханучинтайан*

"Ҳамиша Мени, Худонинг Олий Шахсини эслаб юрган, бошқа ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Мен ҳақимда чуқур фикр-мулоҳазаларга берилиб юрган киши шубҳасиз Менинг олдимга келади".

Бу усул жуда осон, лекин бу усулни аввал ўзи мукаммал ўрганган кишигина уни бошқаларга ўргата олади. *Тад-виджнанартхам са гурум эвабхи-гаччхет*: шу йўлдан бораётган кишига мурожаат қилиш керак. Ақлимиз хамиша нимагадир интилиб юради, лекин, биз хамиша уни Шри Кришнанинг кийёфасида ёки Унинг муқаддас номининг товушида мужассам қилишни ўрганишимиз лозим. Ақл ўзининг табиатига кўра нотинч ва бетайин, аммо Кришнанинг муқаддас номларининг товушига ғарқ бўлиб, у хотиржам, осойишта бўлиб, бир жойда мужассам бўла олади. Шунинг учун *парамам пурушам*, яъни, рухий даргоҳдаги Худонинг Олий Шахси Кришнага муроқабани қилиш ёрдамида Кришнанинг мангу даргоҳига қайтиш керак. "Бхагавад-Гита"да ҳаётда энг олий мақсадга эришиш, рухий ўзликни англашнинг йўллари ва усуллари кўрсатилган, ана шу сирли илм эшиклари ҳамма учун очиқ. Бу буюк даргоҳга ҳар бир инсон кира олади. Жамиятдаги ҳар қандай табақа вакиллари ҳам Кришнанинг илм ва лаззатга тўла мангу даргоҳига эриша оладилар, чунки Кришна ҳақида тинглаш ва Уни хамиша эслаб юриш ҳар кимнинг қўлидан келади.

Шунинг учун, Кришна шундай дейди:

*мам хи партха вйапаширйтиа йе "ни сйух папа-йонайах  
стрийо ваишийас татха шудрас те "ни йанти парам гатим  
ким пунар Браҳманах пунйа бхакта раджаршайас татха  
анитийам асукхам локам имам праййа бхаджасва мам*

Бу ерда Парвардигор айтяптики, ҳар бир инсон, ҳатто савдогар, йўлдан адашган аёл, ишчи-ҳунарманд ёки энг пасткаш одам ҳам Худога эриша олади. Бунинг учун чуқур тафаккур эгаси бўлиш шарт эмас; гап шундаки, *бхакти-йога* қоидаларига амал қиладиган ва Кришнани "Мутлақ Ҳақиқат", "энг олий саодат" деб тан олиб, Уни ўз ҳаётининг энг олий мақсади ва мазмуни деб қабул қилган ҳар бир инсон рухий оламдаги Кришнанинг мангу даргоҳига эриша олади. "Бхагавад-Гита"да баён этилган қоидаларга амал қилиш билан инсон ўз ҳаётини мукаммал даражага кўтаради ва моддий ҳаётдаги муаммоларининг барчасини биратўла узил-кесил ҳал қилади. "Бхагавад-Гита" таълимотининг мазмуни ва моҳияти шундан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, "Бхагавад-Гита" - илоҳий асар ва уни диққат билан жиддий ўрганиш лозим. *Гита-шастрам идам пунйам йах патхет прайатах пуман* - "Бхагавад-Гита"нинг кўрсатмаларига жиддий амал қилиб юрган киши ҳаётда ўзининг барча мусибат ва ташвишларидан бутунлай халос бўлади. *Бхайа варджитах* - у ҳаётда учрайдиган барча кўркув ва хавотирлардан халос бўлади ва *вишнох падам аванноти* - кейинги ҳаётида рухий оламга эришади(Гита-махатмйа, 1).

Бу йўлнинг яна бир афзал томони бор:

*гитадхйайана-шиласйа пранайама-парасйа ча  
наива санти хи папани пурва-джанма-критани ча*

"Агар киши "Бхагавад-Гита"га чин қалби билан ишониб, уни жиддий ўрганса, Худонинг марҳамати билан у аввал қилган гуноҳларининг барча оқибатларидан халос бўлади"(Гита махатмйа, 2).

"Бхагавад-Гита"нинг охирги бобида Кришна очикдан-очик эълон қилиб айтадики,(18.66):

*сарва-дхарман паритйаджйа мам экам шаранам враджа  
ахам твам сарва-папेбхйо мокиайишийами ма шучах*

"Хар хил ўткинчи динларни тарк эт, ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан кўркма!"

Шундай қилиб, ихтиёрини бутунлай Ўзига топширган кишини Кришна Ўз ҳимояси остига олади ва барча гуноҳлари оқибатидан халос этади.

*мала-нирмочанам пумсам джсала-снанам дине дине  
сакрид гитамрита-снанам самсара-мала-нашанам*

"Инсон танасининг кирини кетказиш учун ҳар куни сувда чўмилиши мумкин, лекин у умрида бирор марта муқаддас Ганга сувларига ўхшаган "Бхагавад-Гита" сувида чўмилса, моддий ҳаётида орттирган барча иллатларидан бутунлай халос бўлади"(Гита-махатмйа, 3).

*гита су-гита картавйа ким аниаих шастра-вистараих  
йа свайам падманабхасйа мукха-надмад винихсрита*

"Бхагавад-Гита"ни бевосита Худонинг Олий Шахсининг Ўзи айтиб бергани сабабли бошқа қандайдир ведавий асарларни ўрганишнинг мутлақо ҳожати йўқ. "Бхагавад-Гита"ни жиддий ва мунтазам ўқиб юришнинг ўзи кифоя". (Гита-махатмйа, 4).

Ҳозирги даврда одамлар дунёвий ишларга шунчалик берилиб кетганларки, улар барча ведавий асарларни, муқаддас китобларни ўқишга вақт тополмайдилар. Лекин, бу шарт эмас. Биргина "Бхагавад-Гита"нинг ўзи етарли, чунки Худонинг Олий Шахсининг Ўзи бевосита айтгани учун, бу китоб барча ведавий асарларнинг қаймоғи ҳисобланади.

*бхарамрита-сарвасвам вишну-вактрад вигихсритам  
гита-гангодакам питва пунар джанма на видйате*

"Агар Ганганинг сувидан ичиб юрган киши руҳий озодликка эришадиган бўлса, "Бхагавад-Гита" шарбатини мунтазам татиб юрган киши ҳақида нима дейиш мумкин? "Маҳобҳорат"нинг бутун мағзи, шарбати "Бхагавад-Гита"да мужассам бўлган, у бевосита Кришнанинг, бошланғич азалий Парвардигор Вишнунинг Ўз оғзидан чиққан" (Гита-махатмйа, 5).

"Бхагавад-Гита" Худонинг Олий Шахсининг бевосита оғзидан чиққан, Ганга эса маълумки, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан бошланади. Албатта, Кришнанинг нилуфар пойи қадамлари ҳам Унинг оғзи сингари муқаддас, лекин, чуқурроқ таҳлил қилиб англаш мумкинки, "Бхагавад-Гита" ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳатто муқаддас Ганга сувларидан ҳам устун туради.

*сарвопанишадо гаво догдха гопала-нанданах  
партхо ватсах су-дхир бхокта дугдхам гитамритам махат*

"Бу "Гитопанишад", барча Упанишадларнинг мағзини ўзида мужассам қилган "Бхагавад-Гита" - машхур подачи Кришна соғаётган сигирни, Аржун

эса - бузукни эслатади. Шу боис донишмандлар ва Худонинг асл содиклари "Бхагавад-Гита"нинг лаззатли сугидан ичишлари лозим."(Гита-махатмйа, 6).

*экам шастрам деваки-путра-гитам эко дево деваки-путра эва*

*эко мантрас тасйа намани йани кармаи экам тасйа девасйа сева*

“Одамлар "Бхагавад-Гита"нинг ўгитларини англаб олишлари лозим: *экам шастрам деваки-путра-гитам* - жаҳонда фақат битта китоб бор, у ҳамма учун бирдай азиз, муқаддас. У китоб - ягона Парвардигорнинг каломи бўлган "Бхагавад-Гита";

*эко дево деваки-путра эва* - бутун борликда ҳамма учун ягона Парвардигор, битта Худо Шахси мавжуд, У - Шри Кришна;

*эко мантрас тасйа намани йани* - ҳамма зикр қилиши учун ягона калима, дуо, илтижо мавжуд, у - мана шу маха-мантра:

*Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,*

*Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

*кармаи экам тасйа девасйа сева* - ҳамма одамлар учун ягона бўлган ўзгармас конун, *санатана-дхарма*, ҳақиқий дин, мангу фаолият мавжуд, у - Кришнага, ягона Худо Шахсига садокат билан холис хизмат қилиш. (*Гита-махатмйа*, 7).

\* \* \* \* \*

# Рухий устозлар силсиласи

*эвам парампара прантам*

**“Бу буюк илм рухий устозлар силсиласи орқали, устоздан шогирдга ўтиб келган”(Б.г.4.2).**

Кришна нозил қилган "Бхагавад-Гита" куйидаги мўътабар рухий устозлар силсиласи орқали бизгача етиб келган:

1. Кришна, Худонинг Олий Шахси.
2. Браҳма
3. Нарада
4. Вйаса
5. Мадхва
6. Падманабха
7. Нрихари
8. Мадхава
9. Акшобхйа
10. Джайа Тиртха
11. Гйанасиндху
12. Дайанидхи
13. Видйанидхи
14. Раджендра
15. Джайадхарма
16. Пурушоттама
17. Браҳманйа Тиртха
18. Вйаса Тиртха
19. Лакшмипати
20. Мадхавендра Пури
21. Ишвара Пури(Нитйананда, Адвайта)
22. Чаитанйа Махапрабху
23. Рупа(Сварупа, Санатана)
24. Рагхунатха, Джива
25. Кришнадас
26. Нароттама
27. Вишванатха
28. (Баладева), Джаганнатха дас
29. Бҳактивинода
30. Гауракишора
31. Бҳактисиддханта
32. А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада

# Биринчи боб

## Аржуннинг саросимага тушиши

### 1. *дхритараштра* увача

*дхарма-киштре куру-киштре самавета йуйутсавах  
мамакаҳ пандаваши чаива ким акурвата санджайай*

***Дхритараштра деди: О Санжай, жанг қилиш иштиёқида ёниб муқаддас зиёратгоҳ Курукшетра майдонида тўплангандан кейин Пандунинг ўғиллари билан менинг ўғилларим нима қила бошладилар?***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита" - жуда кенг тарқалган муқаддас китоблардан бири, унинг моҳияти "Гита-махатмйа"да баён этилган. Унда жумладан шундай дейилган: "Бҳагавад-Гита" илмини Шри Кришнага содиқ хизматкор бўлган киши билан биргаликда диққат билан, жиддий ўрганиш лозим". Унинг маъносини англаш учун шахсий манфаатларга асосланган нотўғри изоҳлардан узоқ юриш муҳим аҳамиятга эга. "Бҳагавад-Гита"ни қандай тушуниш кераклигини биз унинг ўзидан билиб оламиз: уни бевосита Кришнанинг ўзидан эшитган Аржун бу асарнинг мазмунини тўғри тушунган. Агар инсон ҳаётда омади келиб "Бҳагавад-Гита"ни Кришнанинг ҳақиқий вакили оғзидан эшитиш ва худди Аржундай, уни ҳеч қандай шубҳаю-гумонларсиз тушуна олиш бахтга эриша олса, ундай инсонни "Ведавий асарларда ҳамда жаҳондаги бошқа барча муқаддас китобларда баён этилган илоҳий илмларнинг ҳаммасини мукамал эгаллаган донишманд" деса бўлади. Инсон "Бҳагавад-Гита"дан жаҳондаги барча муқаддас китобларда баён этилган илмларни, шунингдек бошқа бирор муқаддас китобда топилмайдиган энг нодир илмни эгаллаб олади. "Бҳагавад-Гита"нинг тенгсиз афзаллиги ҳам шунда. "Бҳагавад-Гита" - Худо Шахси ҳақидаги мукамал илм, чунки уни бевосита Парвардигорнинг ўзи, Олий Худо Шахси Шри Кришна баён этган.

"Махобҳорат"да келтирилган Дхритараштра билан Санжайнинг суҳбати бу буюк фалсафий асарнинг негизини ташкил этади. Маълумки, "Бҳагавад-Гита" Курукшетра жанг майдонида баён этилган. Бу жой жуда қадимдан, Ер юзиде ведавий маданият ҳукм сурган замонлардан бери муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Худонинг Олий Шахси одамларга Ҳақиқатга эришиш йўлини кўрсатиш учун бизнинг сайёрамизга ташриф буюрганида "Бҳагавад-Гита"ни шу жойда гапириб берган эди.

Мазкур шеърда *дхарма-киштра*(диний маросимлар ўтказиладиган жой)



сўзи муҳим аҳамиятга эга, чунки Курукшетрадаги жангда Кришна Аржун томонда турибди. Курузодаларнинг отаси Дхритараштра бўлажак жангда ўғилларининг ғалаба қозонишига кўзи етмай саросимага тушиб ўтирган эди. Қалбидаги ана шу гумонлар уни хизматкори Санжайга савол билан мурожаат қилишга мажбур этди: "Улар нима қиляптилар?" Фарзандлари жанг қилиш учун укаси Пандунинг ўғиллари билан Курукшетрада тўпланганини Дхритараштра яхши биларди, лекин, унинг саволида бошқа маъно бор. Аслида у амаки-оғайниларнинг ўзаро сулҳ тузишини истамас, айни пайтда бўлғуси жанг натижаси, ўғилларининг тақдири уни ташвишга соларди. Улар жанг қилиш учун ведавий битикларга кўра ҳатто фаришталар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ бўлган Курукшетра майдонини танлагани сабабли Дхритараштра бу муқаддас зиёратгоҳ бўлғуси жанг натижасига албатта таъсир кўрсатишидан қўрқарди. Муқаддас зиёратгоҳ Аржунга, яъни Пандузодаларга ижобий таъсир қилиб, жангда уларга ёрдам беришини у яхши биларди, чунки улар туғилганидан бошлаб такводорлик билан кун кечирардилар. Санжая Вйасанинг шогирди бўлиб, унинг марҳамати билан ҳатто, ўзи Дхритараштранинг саройида ўтирган бўлса ҳам, Курукшетра майдонида бўлиб турган воқеа-ҳодисаларни яққол кўра олиш қудратига эга эди. Шу боис Дхритараштра ундан жанг майдонида рўй бераётган ҳодисалар тафсилотини гапириб беришни сўрапти.

Пандузодалар ҳам, Дхритараштранинг ўғиллари ҳам битта сулолага мансуб, лекин, Дхритараштранинг берган саволи унинг ўз жиёнларига нисбатан қандай муносабатда эканини ошкор этиб турибди. У атайлаб Курулар сулоласига фақат ўзининг ўғилларини қўшиш билан Пандузодаларни салтанатга бўлган ҳаққоний ҳуқуқларидан маҳрум этяпти. Бу Дхритараштранинг Пандузодаларни ёқтирмаслигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, ҳикоянинг аввал бошиданок маълум бўладики, ҳақиқий дин отаси бўлган Шри Кришнанинг Ўзи иштирок этаётган Курукшетра жанг майдонида, худди шолини ёввойи ўтлардан тозалагандай, барча ёввойи ўт(Дхритараштранинг ўғли Дурйодхон ва бошқа)лар яқсон қилинади ва Худо Шахсининг амри билан Юдҳиштхира бошчилигидаги ҳақиқий такводор зотлар ғалаба қозонадилар. *дхарма-қиштра* ва *куру-қиштра* сўзларининг ведавий жамият маданияти ва тарихида кўрсатилган маъноларидан бошқа бу ерда таърифланган моҳияти ана шундан иборат.

## 2. санджайа увача

*дриштва ту пандаваникам вйудхам дурйодханас тада  
ачарйам упасангамйа раджа вачанам абравит*

***Санжай деди: Пандузодалар қўшинининг жанговор сафини кўздан кечириб, шох Дурйодхон устозининг олдига борди ва шундай деди.***

Изоҳ: Дхритараштра туғма кўр эди. Бахтга қарши, унинг қалб кўзи ҳам руҳий жиҳатдан кўр эди. Ўғиллари ҳам дин масалалари бўйича ўзи сингари кўр

эканини, ҳамиша такводор инсонлар бўлиб келган Пандузодалар билан ўғиллари ҳеч қачон муроса қилиб яшолмаслигини у яхши биларди. Унинг қалби нотинч: муқаддас зиёратгоҳ ўғилларига қандай таъсир қилишидан кўнгли хавотирда эди. Жанг майдонида бўлаётган ҳодисалар ҳақида суриштиришга Дхритараштрани нима мажбур қилаётганини Санжай яхши биларди. Руҳи тушган шохнинг кўнглини кўтариш учун Санжай, муқаддас жойнинг кўрсатаётган салбий таъсирига қарамай, унинг ўғиллари сулҳ тузиш ниятида эмаслигини айтди. Шу боис у шохга, ўғли Дурйодхон Пандузодаларнинг ҳарбий қўшинини кўздан кечириб, жанговор вазиятни тушунтириш учун Курулар қўшинининг бош саркардаси Дроначарйанинг олдига келганини айтди. Гарчи бу ерда Дурйодхон “шоҳ” деб аталган бўлса ҳам, вазиятнинг жиддийлиги уни ўз қўшинининг бош саркардаси олдига боришга мажбур қилганди. Бу ҳаракати унинг моҳир сиёсатчи эканидан далолат беради. Лекин, ҳатто Дурйодхондай тажрибали сиёсатчи ҳам Пандузодаларнинг жанговор қўшинини кўрганида даҳшатдан қалбига ғулгула тушганини яшира олмади.

3. *найаитам панду-путранам ачарйа махатим чамум  
вйудхам друпادا-путрена тава шийена дхимата*

***Эй устоз, талантли шогирдинг, Друпаданинг ўғли шунча усталик билан сафга тизган Пандузодаларнинг катта қўшинига бир назар ташла!***

Изоҳ: Моҳир сиёсатчи Дурйодхон машҳур саркарда-браҳман Дроначарйага йўл қўйган хатосини кўрсатмоқчи бўляпти. Бир пайтлар Дроначарйа Драупадининг отаси шох Друпادا билан жанжаллашиб қолган эди. Кейин Драупади Аржуннинг хотини бўлди. Дроначарйанинг ҳақоратини кўтара олмаган шох Друпادا катта қурбонлик маросими ўтказиб, Дроначарйани ўлдиришга кодир бўлган қудратли ўғил фарзандга ота бўлганди. Дроначарйа буни яхши биларди, лекин олийҳиммат браҳман бўлгани сабабли у ўзига шогирд бўлган Дхриштадйумнага, гарчи, у Друпаданинг ўғли бўлса ҳам, ҳеч иккиланмасдан барча ҳарбий санъат сирларини ўргатганди. Ҳозир Курукшетра жанг майдонида ўша Дхриштадйумна Пандузодалар томонда турар, Дроначарйадан олган илмларини амалда қўллаб, Пандузодалар қўшинини моҳирлик билан жанговор сафга тизган эди. Дурйодхон “жанг пайтида ҳеч кимни аяб ўтирмасин” деган ният билан Дроначарйага йўл қўйган хатосини эслатиб қўйди. Ўзининг бу сўзлари билан Дурйодхон Дроначарйага сеvimли шогирдлари Пандузодалар билан бўладиган жангда кўнгилчанлик қилмаслиги лозимлигини ҳозирданок эслатиб қўйяпти. Дроначарйанинг энг сеvimли ва моҳир шогирди Аржун эди, шунинг учун Дурйодхон Дроначарйага жанг майдонида ҳар қандай кўнгилчанлик албатта мағлубиятга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантириб қўйяпти.

4. *атра шура махешв-аса бхимарджуна-сама йудхи  
йуйудхано вираташ ча друпадаш ча маха-ратхаҳ*

***Бу қўшин таркибида жанг қилишда Бхима ва Аржундан қолишмайдиган жасур камонбозлар кўп. Улар орасида Йуйудхана, Вирата ва Друпада сингари буюк жангчилар бор.***

Изоҳ: Дхриштадйумнанинг бир ўзи Дронаचारйадай буюк ва мохир саркардага бас кела олмасди, лекин, Пандузодаларнинг қўшини таркибида жасоратига тан берса арзийдиган буюк жангчилар кўп эди. Дурйодхон уларни, ғалабага эришиш йўлида катта тўсиқ бўлади, деб ҳисобларди, чунки бу жангчиларнинг ҳар бири Бхима ва Аржун сингари қудратли зотлар эди. Бхима билан Аржуннинг қудрати унга яхши маълум, шу боис у бошқа жангчиларни улар билан таққослаб айтяпти.

5. *дхриштакетуш чекитанаҳ кашираджаши ча вирйаван  
пуруджит кунтибходжаши ча шаибйаш ча нара-пунгаваҳ*

***Буюк, қўрқмас ва қудратли жангчилар Дхриштакету, Чекитана, Кашираджа, Пуруджит, Кунтибходжа ва Шайбйалар улар томонда.***

6. *йудхаманйуш ча викранта уттамауджаши ча вирйаван  
саубхадро драупадейаш ча сарва эва маха-ратхаҳ*

***Қудратли Йудхаманйу, қўрқинчли Уттамауджа, шунингдек Субхадранинг ўгли ва Драупадининг ўғиллари ҳам улар билан бирга. Уларнинг ҳаммаси аравада жанг қилиш санъатини яхши эгаллаган буюк жангчилардир.***

7. *асмакам ту вишишта йе тан нибодха двиджоттама  
найака мама саинйасйа самдженартхам тан бравими те*

***Эй браҳманлар аълоси, энди мендан менинг қўшинимни жангга олиб қирадиган машхур саркардалар ҳақида эшит.***

8. *бхаван бхишмаш ча карнаш ча крипаш ча самитим-джайаҳ  
ашваттхама викарнаш ча саумадаттис татхаива ча*

***Улар орасида худди сенинг ўзинг, Бҳишма, Карна, Крипа, Ашваттҳама, Викарна ва Сомадаттанинг Бхуриширава деган ўгли сингари енгилмас жангчилар бор.***

Изоҳ: Бу ерда Дурйодхон жангда мағлубият нималигини билмаган машхур жангчиларни санаб ўтяпти. Викарна Дурйодхоннинг укаси, Ашваттҳама - Дроначарйанинг ўғли, Саумадатта (Бхуришрава) эса Бахлика шохининг ўғли. Карна Аржуннинг бир онадан туғишган акаси эди: малика Кунти уни ҳали шох Пандуга турмушга чиқмасдан аввал туққан эди. Крипачарйа - Дроначарйанинг хотини Крипининг акаси, ака-сингил эгизаклардан бири.

*9. аниё ча бахавах шура мад-артхе тйакта-дживитах  
нана-шастра-прахаранах сарве йуддха-вишарадах*

***Бизнинг қўшинда мен учун жонини қурбон қилишга тайёр бўлган бошқа қўлаб қахрамонлар бор. Уларнинг барчаси ҳар хил қуроллар билан қуролланган ва жанг олиб боришда тажрибали.***

Изоҳ: Джаядратха, Критаварма ва Шалья сингари бошқа жангчилар жангда Дурйодхон учун жонини беришга тайёр. Бошқача қилиб айтганда, Курукшетра жангида уларнинг қурбон бўлиши муқаррар эди, чунки улар гуноҳкор Дурйодхон тарафида жанг қилардилар. Лекин кўриниб турибдики, юқорида санаб ўтилган ўзининг дўстлари ва иттифоқчилари бўлган буюк жангчиларнинг қудратига таянган Дурйодхоннинг жангда албатта ғалаба қозонишига ишончи комил.

*10. апарйантам тад асмакам балам бхишмабхиракиштам  
парйантам тв идам этешам балам бхимабхиракиштам*

***Бизнинг қучларимиз чексиз, қўшинимиз эса бобом Бҳишманинг ишончли ҳимояси остида, Бҳима синчковлик билан ҳимоя қилаётган Пандузодаларнинг қучлари эса чекланган.***

Изоҳ: Бу ерда Дурйодхон рақибининг ҳарбий қудратини ўз қўшини билан таққослаб баҳоляпти. Айниқса тажрибали саркарда, авлоднинг энг кекса аъзоси Бҳишма ҳимоя қилаётгани сабабли, у ўз қўшинининг қудратини чексиз деб ҳисоблайди. Аксинча, Пандузодаларнинг қудрати эса, Бҳишма билан тенглаштириб бўлмайдиган Бҳимасена ҳимояси остида бўлгани сабабли чекланган. Дурйодхон Бҳимани ҳамиша ёмон кўрарди, чунки у қачон бўлса ҳам бир кун келиб Бҳиманинг қўлидан ҳалок бўлишини яхши биларди. Лекин барибир, тенгсиз тажрибага эга бўлган бобоси Бҳишманинг жангда ўзи томонда туриб иштирок этаётгани учун жангда ғалаба қозонишдан умидвор эди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур жангда ғалаба қозонишга Дурйодхоннинг тўла асоси бор эди.

*11. айанешу ча сарвешу йатха-бхагам авастхитах*

***Сизларнинг ҳар бирингиз, жанговор сафда ўз ўрнини мустаҳкам ҳимоя қилиб, Бҳишмани ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашингиз лозим.***

Изоҳ: Дурйодхон жасур Бҳишмани олқишлагандан кейин “бошқа жангчилар ўзини камситилган деб ўйлаши мумкин” деган хаёлга борди ва сиёсий эпчиллигини ишга солиб, бу вазиятни тўғрилашга уринди. Дурйодхон таъкидлаб айтяптики, Бҳишма шубҳасиз буюк қаҳрамон, лекин у ҳозир анча кексайиб қолган, шунинг учун бошқа жангчилар уни ҳар тарафдан ҳимоя қилиш чорасини кўришлари лозим. У бир тарафда жангга киришиб кетганида, фурсатдан фойдаланган душман бошқа тарафдан ҳужум қилиб қолиши мумкин. Ҳар бир жангчи душманнинг бошқа тарафдан келиб, кўшин сафини бузиб юборишига имкон бермай, ўз ўрнини мустаҳкам ҳимоя қилиши жуда муҳим. Куруларнинг ғалабаси бутунлай Бҳишмага боғлиқ эканини Дурйодхон яхши биларди. У Бҳишмадева билан Дроначарйа ўзини қўллаб-қувватлашини яхши биларди, чунки саройда тўпланган кўплаб машҳур жангчилар даврасида Аржуннинг хотини Драупади, курулар уни ечинтирмоқчи бўлганида, улардан ёрдам сўраб ёлворган, лекин уларнинг иккови ҳам сукут сақлаб, Драупадига ҳеч қандай жавоб бермаганини яхши эсларди. Албатта, Дурйодхон бу икки сарқарда Пандузодаларга қаттиқ боғланганини ҳам биларди, лекин барибир у, худди пандузодалар ва Курузодалар орасида бўлиб ўтган қимор ўйини пайтидагидай, улар бу боғланишларини эсидан чиқариб юборадилар, деб умид қиларди.

12. *тасйя санджанайан харшам куру-врддхаҳ питамахаҳ  
симха-надам винадйоччаиҳ шанкхам дадхмау пратапан*

***Шунда, Курулар сулоласининг жасур бобокалони, Курукшетрада тўпланган жангчиларнинг энг ҳурматлиси Бҳишма ўзининг сури-ни баралла чалиб юборди ва унинг арслон наърасидай жсарангдор овози Дурйодхон қалбини қувончга тўлдирди.***

Изоҳ: Курулар хонадонининг энг кекса бобокалони невараси Дурйодхоннинг қалби қандай аҳволда эканини тушунган эди. Табиий равишда унга ачинганидан Бҳишма Дурйодхоннинг кўнглини кўтариб қўйишга қарор қилди. Худди, у бекорга ўзини шерга қиёсламасликларини билдириб қўймоқчи бўлгандай, жанговор сурини баралла чалиб юборди. Бир тарафдан унинг сур чалишида ҳам рамзий маъно бор: бу билан у ақлини йўқотган невараси Дурйодхонга бўлғуси жангда у ғалабадан умид қилмаса ҳам бўлишини билдириб қўймоқчи, чунки унинг рақиблари томонида Худонинг Олий Шахси, Кришна турибди. Лекин Бҳишма, ўз бурчига содиқ қолган ҳолда, нима бўлса

хам, бу жангда албатта охиригача иштирок этади.

13. *татаҳ шанкхаш ча бхерйаш ча панаванака-гомукхаш  
сахасаивабхйаханйанта са шабдас тумуло бхават*

***Унга жёр бўлиб, бутун осмонни гулдурос овозларга тўлдириб бир-  
данига сурлар, барабанлар, горнлар ва шохлар овози янгради.***

14. *татаҳ шветаир хайаир йукте махати сйандане стхитау  
мадхвавах пандаваш чаива дивйау шанкхашу прададхматух*

***Шунда бошқа томонда, оппоқ отлар қўшилган заройиб жанг ара-  
васида турган Кришна билан Аржун ҳам ўзларининг илоҳий сур-  
ларини чалиб юбордилар.***

Изоҳ: Бу ерда Бҳишманинг суридан фаркли равишда, Кришна ва Аржуннинг қўлидаги сурлар "илоҳий" деб аталган. Бу илоҳий сурларнинг овози шундан хабар берардики, мазкур жангда рақиб томоннинг ғалабадан ҳеч қандай умиди йўқ, чунки Кришна Пандузодалар томонда. *Джайаст ту панду-путранам йешам пакше джанарданах*. Пандунинг ўғилларига ўхшаган инсонлар ҳаётда ҳамиша ғалаба қозонадилар, чунки Кришна ҳамиша улар билан бирга. Худо Шахси каерда бўлса, ҳеч қачон ўзининг жуфтидан ажралмайдиган омад фариштаси ҳам ўша ерда бўлади. Демак, Аржунни бу жангда омад ва ғалаба кутяпти; Вишну(Кришна)нинг сурининг илоҳий товушлари шундан хабар бериб турибди. Бунинг устига, икки дўст ўтирган ажойиб жанг аравасини Аржунга олов фариштаси Агни-дева совға қилган эди. Бу илоҳий араванинг устида туриб бутун уч оламдаги душманларни яксон қилиш ва дунёнинг ҳамма тарафини ишғол қилиш мумкин.

15. *панчаджанйам хришикешо девадаттам дхананджайах  
паундрам дадхмау маха-шанкхам бхима-карма вркодарах*

***Парвардигор Кришна Ўзининг Панчаджанйа деган сурини чалди,  
Аржун эса - Девадаттасини; ўзининг паҳловонларга хос  
қахрамонликлари билан маишхур, тўймас Бхима ўзининг катта  
сури Паундрани чалди.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна *Хришикеша* деб аталган, чунки У - барча тирик мавжудотларнинг сезгиларини бошқариб туради. Тирик мавжудотлар - Худо Шахсининг ажралмас зарралари, демак, уларнинг сезгилари Парвардигорнинг сезгиларининг бир қисми. Имперсоналистлар тирик мавжудотнинг сезгилар каердан пайдо бўлишини тушунтира олмайдилар, шу сабабли улар тирик мавжудотларни “сезгилардан маҳрум” ёки “шахс сифатига эга эмас”

деб кўрсатишга уринадилар. Аслида тирик мавжудотнинг сезгилари хамиша унинг қалбида мавжуд бўлган Худо Шахсининг ҳукми остида бўлади: инсон ўзини қай даражада Худонинг ихтиёрига топширса, шу даражада Парвардигор унинг сезгиларини бошқариб туради. Ўз ихтиёрини бутунлай Худого топширган содиқларнинг сезгилари фаолиятини эса, бевосита Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг Ўзи бошқариб туради. Курукшетра жанг майдонида Аржуннинг илоҳий сезгиларини Кришнанинг шахсан Ўзи бошқариб турарди, шу боис бу ерда У *Хришикеша* деб аталган. Парвардигорнинг сон-саноксиз номлари бор, бу номлар Унинг илоҳий фаолиятининг ҳар хил жиҳатларини, Унинг турли сифатларини ифодалайди. Парвардигорни “Мадхусудана” деб атайдилар, чунки бир пайтлар У Мадху деган иблисни ўлдирган эди; Уни “Говинда” деб атайдилар, чунки У сигирларга ва сезгиларга лаззат бағишлайди; Уни “Васудева” деб атайдилар, чунки У Ер сайёрасига Васудеванинг ўғли сифатида ташриф буюрган; Уни “Девакинандана” деб атайдилар, чунки У Девакини Ўзига она қилиб танлаган; Уни “Яшоданандана” деб атайдилар, чунки У Ўзининг Вриндавандаги болалик ўйинларидан лаззатланиш бахтини Яшодага инъом этган; Уни “Партха-саратха” деб атайдилар, чунки У дўсти Аржуннинг жанг аравасини бошқаряпти. Шунга ўхшаб, Худонинг Олий Шахси Кришна Курукшетра жанг майдонида Аржуннинг ҳаракатларини бошқариб тургани учун Уни “Хришикеша” деб ҳам атайдилар.

Бу ерда Аржун *Дхананджая* ("бойлик эгалловчи") деб таърифланган, чунки у бир пайтлар ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиш учун зарур бўлган бойлик тўплашда акасига ёрдам берган эди. Бхима эса *Врикодара* ("тўймас, бўрикорин") деб аталган, чунки у фақат ўзининг иблис Хидимбани ўлдириш сингари ғаройиб қаҳрамонликлари билан эмас, балки тўймас иштаҳаси билан ҳам машҳур эди. Шундай қилиб, Пандузодалар қўшини сафида турган Худонинг Олий Шахси, Кришна билан бирга барча буюк қаҳрамонлар чалаётган сурлар овози қўшин сафида турган жангчилар қалбини қувончга тўлдирди. Уларнинг рақиблари бундай шарофатдан маҳрум эдилар: уларнинг ёнида олий ҳукмдор, Худонинг Олий Шахси Кришна ҳам, омад фариштаси ҳам йўқ. Шу сабабли уларнинг мағлубияти муқаррар бўлиб, сур овозлари шундан далолат бериб турарди.

16-18. *анантавиджайам раджа кунти-путро йудхиштхирах  
накулах сахадеваш ча сугхоша-манушпакау  
кашйаш ча парамешв-асах шикханди ча маха-ратхх  
дхриштайумно вираташ ча сатйакши чапараджитах  
друпадо драупадейаш ча сарвашах пртхиви-пате  
саубхадраш ча маха-бахух шанкхан дадхмух притхак притхак*

***Кунтининг ўғли, шох Юдхиштхира ўзининг Анантавиджая деган, Накула ва Сахадева эса, Сугхоша ва Манушпака деган сурларини чалдилар. Эй шаҳаншоҳ, буюк камонбоз, Каши шоҳи, буюк жангчи***

***Шикханди, Дхриштадйумна, Вирата, енгилмас Сатйаки, Друпада, Драупадининг ўғиллари ва Субхадранинг билаги кучли ўгли сингари бошқа жангчилар ҳам ўзларининг сурларини чалиб юбордилар.***

Изоҳ: Санджай мулойимлик билан Шох Дхритараштрага унинг, Пандузодаларни алдаш йўли билан салтанатдан маҳрум қилиб, ўз ўғилларини тахтга ўтказиш ниятида ўтказаётган нотўғри сиёсати ҳеч қандай мактовга сазовор иш эмаслигини билдириб қўйди. Жуда кўп аломатлар бу буюк жангда Куру хонадонининг бутунлай қирилиб кетишини башорат қилиб турарди. Жанг майдонига тўпланганларнинг барчаси, сулоланинг энг кекса вакили Бҳишмадан тортиб, то энг ёш вакиллари(Абҳиманйу ва бошқалар)гача, шу жумладан жаҳоннинг жуда кўп шоҳлари жангда ҳалок бўлишга маҳкум эдилар. Бутун жаҳонни ларзага солган бу оғир мусибат ўз фарзандларига қаттиқ боғланиб қолган Дхритараштранинг айби билан рўй бераётган эди.

*19. са гхошо дхартарааштранам хрдайани вйадарайат  
набхааш ча пртхивим чаива тумуло бхйанунадайан*

***Уларнинг сурларининг гулдурас овозлари қўшилиб тинимсиз гувилларди. Еру-осмонни ларзага солган бу гулдурас овозлар Дхритарааштра ўғилларининг қалбини зир титрашга мажбур қилдилар.***

Изоҳ: Бҳишма ҳамда Дурйодхоннинг бошқа ҳамроҳлари сурларини чалганда Пандузодаларнинг қалби ҳечам ларзага келмаганди. Уларнинг сур овозлари рақиб қўшинини гангитиб қўйгани ҳақида бирор жойда айтилмаган, аммо бу ерда аниқ айтилганки, Пандузодаларнинг жангчилари чалган сурлар овози Дхритараштра ўғилларининг қалбига ғулғула солди. Бунинг сабаби - Пандузодаларнинг ўзлари ҳамда уларнинг Кришнага бўлган мустаҳкам ишончи, иймон-эътиқоди. Парвардигорнинг паноҳи остига кирган киши ҳатто энг катта офат ва мусибатлар олдида ҳам ҳеч нарсадан қўрқмайди, хавотирга тушмайди, даҳшат нималигини билмайди.

*20. атха вйавасихитан дритва дхартарааштран капи-дхваджаҳ  
правртте шастра-сампате дханур удйамйа пандаваҳ  
ршишекешам тада вакиам идам аха махи-пате*

***Шунда Пандунинг ўгли, Хануман тасвири чизилган байроқ безаб турган жанг аравасида ўтирган Аржун камонини қўлига олиб, отишга ҳозирланди. Эй шаҳаншоҳ, лекин Дхритараштранинг жанговор сафга тизилиб турган ўғилларига қараб туриб, Аржун шундай сўзлар билан Парвардигор Кришнага мурожаат қилди.***



Изоҳ: Жанг бошланишига жуда оз вақт қолган эди. Олдинги шеърдан биламизки, Дхритараштра ўғилларининг руҳи анча чўккан эди, улар Кришнанинг шахсан Ўзи бошқариб турган Пандузодалар кўшинини жангга бунчалик тайёр ҳолда учратишни асло кутмаган эдилар. Аржуннинг байроғида тасвирланган Хануман - Пандузодалар бу жангда муқаррар ғалаба қозонишининг яна бир аломати эди, чунки Хануман Парвардигор Рамачандра билан биргаликда иблис Раванага қарши жанг қилган, шу жангда Рамачандра ғалаба қозонган эди. Ҳозир эса, улар иккови - Рама ҳам, Хануман ҳам бўлғуси жангда ёрдам бериш учун Аржуннинг жанг аравасида ўтирибди. Кришна - Парвардигор Рамачандранинг Ўзи, Рамачандра қаерда бўлса Унинг мангу хизматкори Хануман ҳам, бахт ва омад фариштаси Сита ҳам шу ерда бўлади. Шу боис, Аржун ҳозир ҳеч қандай душмандан қўрқмасди. Бунинг устига, сезгилар султони Кришна ёнида туриб, унинг барча ҳаракатларини бошқариб турарди - Аржун жанг давомида истаган пайтда Ундан ўзига керакли бўлган кўрсатмалар олиши мумкин. Ўзининг мангу хизматкори учун Худонинг Олий Шахси юзага келтирган вазият ва қулай шароит Аржуннинг бу жангда ғалаба қозониши муқаррар эканига ҳеч қандай шубҳа қолдирмасди.

#### *21-22. аржуна увача*

*сенайор убхайор мадхйе ратхам стхапайа ме чйута  
йавад этан нирикше ахам йоддху-каман авасихитан  
каир майа саха йоддхавйам асмин рана-самудйам*

***Аржун деди: Эй бегуноҳ Зот, Сендан илтимос, биз билан жанг қилиш учун бу ерга келган зотларни ва ушбу буюк жангда кимларга қарши жанг қилишимни кўриб олишим учун аравамни олдинга чиқариб, икки кўшин ўртасига қўй.***

Изоҳ: Кришна – Худонинг Олий Шахси, лекин Ўзининг бесабаб марҳамати билан дўсти Аржунга хизмат қиляпти. Ўзининг содиқ хизматкорлари учун Парвардигор ҳар нарсага тайёр, шунинг учун Аржун Уни “бегуноҳ” деб атаяпти. Аржуннинг жиловдори вазифасини бажарар экан, Кришна унинг ҳамма буйруқларини бажариши лозим эди, ҳамиша Ўз бурчини бекаму-қўст бажараётгани туфайли Аржун Унга “бегуноҳ Зот” деб мурожаат қиляпти. Аммо, Ўзининг содиқ хизматкорининг жиловдори бўлса ҳам, Кришна Ўзининг Худонинг Олий Шахсига хос бўлган улуғвор ҳолатини, илоҳий қудратини йўқотгани йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам Кришна Худонинг Олий Шахси, Хришикеша, яъни барча сезгилар ҳукмдори бўлиб қолаверади. Парвардигор билан Унинг хизматкори жуда илиқ, соф руҳий муносабатлар билан ўзаро боғланган. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша Унга хизмат қилишга интилади, Парвардигор эса, ҳамиша Ўз хизматкорига қандайдир хизмат қилиш билан уни мамнун қилиш имкониятини излайди. Содиқ хизматкори ана шун-

дай имкониятни қабул қилиб, Унга буйруқ берганида Парвардигор бундан Ўзи хизматкорига буйруқ бергандагидан кўра кўпроқ лаззат олади. Худо Шахси - бутун борлиқнинг Хукмдори бўлгани сабабли биз ҳар биримиз Унинг ҳукми остидамиз, ҳеч ким Унга буйруқ бера олмайди. Аммо, Парвардигор ҳар ерда, ҳамиша бегуноҳ ва қудратли Хукмдор бўлганига қарамай, Ўзининг содиқ хизматкоридан бирор буйруқ олганда чексиз илоҳий лаззат ҳис қилади.

Худонинг содиқ хизматкори бўлган Аржун ўз оғайни-қариндошларига қарши жанг қилишни истамайди, лекин тинчлик ҳақидаги ҳар қандай сулҳ шартларига кўнмаган Дурйодхоннинг қайсарлиги сабабли жанг қилишга мажбур эди. Шунинг учун Аржун жанг майдонига қайси саркардалар ташриф буюрганини кўриб олишга шошиларди. Гарчи, бундай вазиятда тинчлик сулҳи тузиш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин бўлмаса-да, у ўз рақиблирини яна бир бор кўриб олмоқчи, уларнинг бу қирғинбарот урушда иштирок этишга қанчалик интилаётганини билмоқчи бўлаётган эди.

*23. йотсйаманан авекше ахам йа эте атра самагатаҳ  
дхартараитрасйа дурбуддхер йудхе прия-чикиришаваҳ*

***Дхритараитранинг золим ўглининг кўнглини овлаш ниятида биз билан жанг қилишга бел боғлаган зотларни бир кўриб қўйй.***

Изоҳ: Дурйодхон аслида ҳаққоний равишда Пандузодаларга тегишли бўлган салтанатни ноқонуний йўллар билан тортиб олишга интилаётгани, шундай ният билан, отаси Дхритараитранинг кўллаб-қувватлаши ёрдамида ҳар хил фитналар уюштираётгани ҳеч кимга сир эмасди. Шу боис, Дурйодхон тарафида жанг қилмоқчи бўлганларнинг барчаси бирдай ярамас одамлар эди. Кимларга қарши жанг қилишини билиш учун Аржун уларнинг барчасини жанг олдидан кўриб қўймоқчи бўляпти, лекин улар билан тинчлик сулҳи ҳақида музокара олиб бормоқчи эмасди. Гарчи, ёнида Кришна бўлгани учун бу жангда албатта ғалаба қозонишига ҳеч қандай шубҳа қилмаса ҳам, у рақиб кўшинининг қудратини ҳам аниқлаб олмоқчи эди.

*24. санджайа увача  
эвам укто хришикешо гудакешена бхарата  
сенайор убхайор мадхйе стхапайитва ратхоттамам*

***Санжай деди: Эй Бхарат авлоди, Аржуннинг илтимосига кўра, Парвардигор Кришна унинг заройиб жанг аравасини олдинга олиб чиқди ва икки қўшин ўртасига қўйди.***

Изоҳ: Бу ерда Аржун “Гудакеша” деб аталган. Гудакеша - сўзи “уйку” деган, гудакеша ибораси эса - “уйкусини енгган” деган маънони англатади. Одатда

"уйку" деганда ғофиллик назарда тугилады. Бошқача килиб айтганда, Кришна билан дўстлиги туфайли Аржун уйкусини ҳам, ғофиллигини ҳам енгишга эришган зот эди. Кришнанинг буюк содиғи бўлгани учун у бир лахза ҳам Уни эсидан чиқармасди, чунки ҳақиқий содиқлар шундай бўладилар. Ўнгидами, тушидами содиқлар Кришнанинг номини, Унинг қиёфасини, Унинг сифатларини ва илоҳий эрмакларини ҳамиша эслаб юрадилар. Содиқ ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юргани туфайли уйкусини ҳам, ғофиллигини ҳам енгишга муваффақ бўлади. Ҳамиша ана шундай ҳолатда юриш - Кришна онгида бўлиш, яъни *самадҳи* деб аталади. Хришикеша, яъни барча тирик мавжудотларнинг ақли ва ҳиссиётларининг ҳукмдори бўлган ҳолда Кришна нима сабабдан Аржун жанг аравасини икки қўшин ўртасига чиқариб қўйишни буюраётганини яхши биларди. Унинг амрини бажара туриб, Парвардигор унга гапира бошлади.

*25. бхишма-дрона-прамуқхатаҳ сарвешам ча махи-киштам  
увача партха пашйаитан самаветан курун ити*

***Бхишма, Дрона ҳамда жаҳоннинг бошқа барча ҳукмдорлари олдида Парвардигор шундай деди: “Эй Партха, бу ерда тўпланган барча Куруларга қара!”***

Изоҳ: Олий Руҳ кўринишида барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд бўлган Кришна ҳозир Аржуннинг кўнглидан нималар кечаётганини яхши биларди. Олдинги шеърда ишлатилган Худонинг Олий Шахсининг “Хришикеша” деган номи Унга ҳамма нарса аён эканини билдиради. Аржуннинг бу ерда Партха, "Притхи(Кунти)нинг ўғли" деб аталиши жуда муҳим. Дўст сифатида Кришна Аржунга шуни айтмоқчики, Аржун - Васудеванинг синглиси, яъни Ўзининг холаси Кунтининг ўғли бўлгани учун унинг жиловдори бўлишга рози бўлди. Кришна Аржунга: "Куруларга қара!"- деганида нимани назарда тутаётган эди? Нахотки Аржун ниятидан қайтиб жангда иштирок этишдан бош тортса? Кришна Ўз жиянидан - Притхининг ўғлидан буни кутмаган эди. Шу тариқа Парвардигор бу ҳазили билан Аржуннинг кайфияти ўзгаришини олдиндан башорат қилган эди.

*26. татрапашйат стхитан партхаҳ питрн атха питамахан  
ачарйан матулан бхратрн путран паутран сакхимс татха  
швашуран сукрдаш чаива сенайор убхайор ати*

***Икки қўшин ўртасида турган ҳолда Аржун қўшинлар сафида ўзининг оталарини, боболарини, устозларини, тоғаларини, ака-укаларини, ўғилларини, невараларини, дўстларини, шунингдек қайноталари ва қадрдон оғайниларини кўрди.***

Изоҳ: Аржун жанг майдонида ўзининг барча қариндошларини кўриб турарди. У отасининг тенгқур дўсти бўлган Бхуришравани, боболари Бҳишма ва Сомадатгани, устозлари Дроначарйа ва Крипачарйани, тоғалари Шалйа ва Шакунини, ака-укалари Дурйодхон ва бошқаларни, Лакшмана сингари ўғилларини, дўстлари(Ашваттхама ва бошқалар)ни, ўзига кўп яхшилик қилган оғайниларини, масалан, Қритавармани ҳамда бошқа кўплаб инсонларни кўрди. Бир сўз билан айтганда, у жуда кўп қариндошлари саф тортиб турган икки кўшинни ҳам кўздан кечираётган эди.

*27. тан самикийа са каунтейах сарван бандхун авастхитан  
крпайа парайавишто вишиданн идам абравит*

**Жанг майдонида ўзининг барча дўстлари ва қариндошларини кўрганида Кунтининг ўгли Аржуннинг қалби уларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан тўлди. Чуқур ғуссага ботиб, у шундай деди.**

*28. арджуна увача  
дритвемам сва-джанам кришна йуйутсум самупастхитам  
сйданти мама гатрани мужхам ча парিশушйати*

**Аржун деди: Оҳ Кришна, кўз олдымда жанг қилиш иштиёқида ёниб турган дўстларим ва қариндошларимни кўриб, оёқларим титраб, оғзим қуриб кетянганини ҳис қиляпман.**

Изоҳ: Ҳақиқатан ҳам Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши авлиё ва фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлади. Аксинча, Худога ишонмайдиган имонсизлар эса, дунёвий жиҳатдан қанчалик ўқимишли, маданиятли бўлмасин, бундай улуғвор фазилатлардан маҳрумдирлар. Шунинг учун Аржун жанг майдонида бир-бирига қарши жанг қилишга тайёр турган қариндошларини, дўстларини ва оила аъзоларини кўрганида қалби уларга нисбатан ҳамдардлик, ачиниш туйғуси билан тўлди. Ўз кўшини сафида турган жангчиларга у аввалданоқ ачинган эди, лекин энди, душман кўшинидаги жангчилар ҳам ҳалокатга учраши муқаррар эканини билиб, ҳатто уларга ҳам ачина бошлаганди. Шуларни ўйлар экан, унинг томоғи қуриб бутун вужуди титраб кетди. Уларнинг жанговор шижоати Аржун учун кутилмаган ҳол – ахир, барча қариндошлари, бутун авлоди уларга қарши жанг қилишга келган. Гарчи бу ерда айтилмаган бўлса ҳам тасаввур қилиш мумкинки, Аржун фақат вужуди титраб, томоғи қуриб қолмасдан, уларга ачинганидан ҳатто йиғлаб юборган эди. Буларнинг ҳаммаси Аржуннинг ожизлигидан эмас, аксинча Худонинг содиқларига хос бўлган меҳрибонлигидан, раҳмдиллигидан далолат берарди. Бу ҳақда шундай дейилган:

*ийсайасти бҳактир бхагаватй акинчана*

*сарваир гунаис татра самасате сурах  
харава абхактасйа кутто махад-гуна  
мано-ратхенасати дхавато бахиҳ*

"Ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган киши фаришталарнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлади, имонсизлар эса ўзларининг арзимас, ўткинчи дунёвий сифатлари билан гердаядилар. Бунга сабаб шуки, иймонсиз одам ҳамиша ўз нафсининг кули бўлиб яшайди, шу боис у моддий қувватнинг алдамчи зебу-зийнатларига учмасдан турулмайд" (Ш.б.5.18.12).

*29. вепатхуш ча шарире ме рома-харшааш ча джайате  
гандивам срамсате хастат твак чаива наридахйате*

***Вужудимни титроқ босди, тукларим тикка бўлиб кетди, Гандива камоним қўлларимдан тушиб кетяпти, аъзои-баданим ўт бўлиб ёняпти.***

Изоҳ: Тананинг титрашига ҳам, тукларнинг хурпайишига ҳам икки нарса сабаб бўлиши мумкин: бундай аломатлар чуқур илоҳий лаззатга ғарқ бўлган кишида ёки бирор моддий сабабларга кўра қаттиқ кўрққан кишида юзага келади. Ўзининг аслида мангу руҳ эканини англаб етган киши ҳеч нарсадан кўрқмайди. Аржунда пайдо бўлган бу белгилар дунёвий кўрқув - ўлим даҳшати натижасида намоён бўлган эди. Бошқа белгилар ҳам шундан далолат бериб турарди: Аржун шу қадар саросимага тушиб қолган эдики, ҳатто ўзининг машҳур Гандива камонини ҳам қўлидан тушириб юборганди. Юраги ловуллаб тургани сабабли, унга бутун аъзои-бадани ёнаётгандай бўлиб туюларди. Буларнинг барчаси Аржуннинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурга эга эканининг оқибати эди.

*30. на ча шакноми авастхатум бхраматива ча ме манаҳ  
нимиттани ча пашйама випаритани кешава*

***Мен бу ерда бошқа қололмайман. Хотирам йўқолиб, ақл(тафаккур)им чалкашиб кетяпти. Кўзимга кўринган нарсаларнинг ҳаммаси фақат бахтсизликдан дарак беряпти, эй иблис Кешани мағлуб қилган Кришна.***

Изоҳ: Бу ерда Аржун Кришнани "Кешава", яъни "иблис Кешани ўлдирган Зот" деб атаяпти. Аржунни қамраб олган саросима уни тезроқ жанг майдонини тарк этишга ундарди, ақли шошиб у ҳеч нарсани эслай олмай қолди. Дунёвий, моддий нарсаларга қаттиқ боғланган киши ана шундай ҳолатга тушиб қолади. *Бхайам двитийа-бхнивешатаҳ сйат* (Ш.б.11.2.37): бундай ташвиш ва кўрқув моддий шароитларга қаттиқ боғланиб қолган кишиларга хос хусусиятдир. Бу жанг Аржун учун фақат азоб-уқубатлар олиб келадигандай, ҳатто

душман устидан ғалаба қозониш ҳам унга ҳеч қандай бахт келтирмайдигандай туюларди. Бу ерда "нимиттани випаритани" сўзи муҳим аҳамиятга эга. Инсон келажақда ўзини фақат армон ва пушаймонлар кутиб турганини тушуниб, орзу-умидлари амалга ошмаслигини англаб етганида, табиий равишда ўзига ўзи савол бера бошлайди: "Мен бу ерда нима қиляпман ўзи?" Ҳар бир одам фақат ўзини ўйлайди. Олий Рух ҳеч кимни қизиқтирмайди. Кришнанинг хоҳиши билан Аржун ҳам ўзини бу ерда худди ҳақиқий бахт нималигини билмайдиган ғофил одамдай тутяпти. Худого, Кришнага эришган киши ҳақиқий бахтга эришади. Шартланган рух буни эсидан чиқариб қўяди, шу сабабли моддий оламда узлуксиз азоб чекиб юради. Бу жангда ҳатто ғалаба қозониш ҳам унга оғир мусибатдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаслигига Аржуннинг ишончи комил эди.

31. *на ча шрейо анунашйами хатва сва-джанам ахаве  
на канкше виджайам кршна на ча раджайам сукхани ча*

***Бу жангда ўз қариндошларимни ўлдириб мен қандай манфаат кўришимни тушунмайман. О Кришна, менга бунчалик катта йўқотиш эвазига эришиладиган ғалабанинг ҳам, салтанатнинг ҳам, бахтнинг ҳам кераги йўқ.***

Изоҳ: Инсон ҳаётининг ҳақиқий мақсади - Парвардигор, Вишну(Кришна) эканини билмасдан, шартланган руҳлар ҳар хил моддий, жисмоний муносабатлардан ўзларига бахт излайдилар. Ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиб, калтафаҳмлиги сабабли узокни кўра олмасдан, улар ҳатто дунёвий бахтга эришиш учун нима қилиш кераклигини ҳам унутиб қўядилар. Аржун ҳатто кшатрийларнинг қонунини ҳам эсидан чиқарган кўринади. Маълумки, икки тоифа одамлар: 1. Жанг майдонида мардларча ҳалок бўлган ҳақиқий кшатрийлар; 2. Таркидунё қилиб, бутунлай руҳий фаолият билан машғул бўлиб юрган кишилар кейинги ҳаётида энг қудратли ва ёрқин сайёра - жаннатий Куёш сайёрасига эришиш ҳуқуқига эга бўладилар. Аржун ўз қариндошларини эмас, ҳатто душманларини ҳам ўлдиришни истамаяпти. Худди қорни тўқ одам овқат пиширишни истамагани сингари, қариндошларимнинг ҳалок бўлиши менга бахт келтирмайди, деб ўйлаб, у жанг қилишдан бош тортяпти. Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, Аржун таркидунё қилиб, ўрмонга кетиб яшашга қарор қилди. Аслида, у кшатрий сифатида салтанатни бошқариб тирикчилик қилиши лозим, чунки ҳақиқий кшатрийлар жамиятда бошқа бирор фаолият билан шуғулланмайдилар. Аммо, Аржуннинг салтанати йўқ. У фақат жангда қариндошлари устидан ғалаба қозониб, отасидан қолган ҳаққоний салтанатини тортиб олиши мумкин. Лекин, у айнан шу ишдан бош тортяпти. Шу боис Аржун таркидунё қилиб ўрмонга кетишдан бошқа иложим йўқ, деб ўйлаяпти.

32-35. *ким но раджйена говинда ким бхогаир дживитена ва  
йешам артхе канкишам но раджйам бхогах сукхани ча  
та име авастхита йуддхе пранамс тйактва дханани ча  
ачарйах питарах путрах татхаива ча питамахах  
матулах швашурах паутрах шйала самбандхинас татха  
этан на хантум иччхами гхнато апи мадхусудана  
апи траилокйа-раджйасйа хетох ким ну махи-крте  
нихатйа дхартараштарн нах ка притих сйадж джанардана*

***О Говинда, агар биз бойлик эгаллаб, бахтиёр қилишга интилиб  
юрган яқин қариндошларимиз ҳозир жанг майдонида тўпланиб,  
бизга қариши турган бўлса, бизга салтанатнинг, бахтнинг, ҳатто  
бу дунёда яшаининг нима кераги бор? О Мадхусудана, устозларим,  
оталарим, ўғилларим, боболарим, тогаларим, қайноталарим, не-  
вараларим, куёвларим, поччаларим ва бошқа қариндошларим ҳозир  
рўпарамда, бор бисотидан айрилиб жонини қурбон қилишга тайёр  
турган бўлсалар, гарчи акс ҳолда улар ҳатто мени ўлдиришлари  
мумкин бўлсалар ҳам, мен уларга ўлимни раво кўра оламанми? Эй  
барча тирик мавжудотларнинг посбони, мен нафақат Ер юзи  
учун, ҳатто бутун уч олам салтанати эвазига ҳам уларга қариши  
жанг қилишни истамайман. Дхритарааштарнинг ўғилларини як-  
сон қилиш бизга кўп шодлик келтирармиди?***

Изоҳ: Аржун Парвардигор Кришнани Говинда деб атаяпти, чунки Кришна сизларга, сезгиларга лаззат бағишлайди. Бу муҳим иборани ишлатиш билан Аржун ўзининг сезгиларини қандай лаззатлантириш Кришнага яхши маълум бўлиши кераклигини эслатиб қўйяпти. Лекин Говинда ҳеч қачон бизларнинг сезгиларимизнинг, нафсимизнинг талабини қондириши шарт эмас. Лекин, агар бизлар Говинданинг сезгилари талабини қондиришга ҳаракат қилсақ, шунинг ўзиёқ бизга ҳам, сезгиларимизга ҳам лаззат бағишлайди. Моддий оламда ҳар ким ўзининг сезгиларига лаззат излайди, Худони эса, ўзининг ана шу истакларини амалга оширувчи хизматкорга айлантиришга интилади. Лекин Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг сезгиларини улар истаганча эмас, балки тирик мавжудот бунга қай даражада муносиб бўлса, шу даражада лаззатлантиради. Лекин, тирик мавжудот ўз олдига бошқа мақсадни - ўзининг сезгиларини эмас, Говинданинг сезгиларини лаззатлантиришни қўйса, Худонинг марҳамати билан у истаган нарчасига эришади. Ўзининг сулоласига ва оила аъзоларига нисбатан Аржунда намоеън бўлаётган қаттиқ боғланиш туйғуси, унинг табиий равишда уларга ачиниши сабали юзага келяпти. Шу боис, у жангда иштирок этишни истамаёпти. Ҳар биримиз бойлигимизни дўстларимизга, қариндошларимизга кўз-кўз қилишни истаймиз, аммо, Аржун барча дўстлари ва қариндошлари жангда ҳалок бўлишидан, жангда ғалаба қилса ҳам, бойлигини улар билан бирга бахам

кўролмай қолишдан кўрқяпти. Дунёвий тасаввурлар асосида яшаётган одамлар шундай ўйлайдилар. Рухий ҳаётда ҳамма нарса бошқача бўлади. Содик хизматкор Парвардигорнинг истакларини амалга оширишга интилаётгани сабабли Худонинг марҳамати билан у Худо йўлида ишлатиш учун чексиз мол-дунёга эга бўлиши мумкин. Агар Худонинг хоҳишига зид бўлса, содик ўзи учун бир тийин ҳам сарфламайди. Аржун ўз қариндошларини ўлдиришни истамагани, агар уларни ўлдириш зарур бўлса, у бу ишни Парвардигорнинг Ўзи амалга оширишини хоҳларди. Аслини олганда Кришна унинг қариндошларини улар ҳали жанг майдонига тўпланмасдан олдин ўлдириб кўйганини, ундан эса, фақат Кришнанинг қўлида қурол бўлиш талаб этилаётганини ҳали Аржун билмайди. Биз бу ҳақда кейинги боблардан билиб оламиз. Худонинг содиқ хизматкори бўлгани сабабли табиатан раҳмдил бўлган Аржун золим қариндошларидан ўч олишни истамаяпти, лекин Худонинг амри билан аллақачон уларнинг ҳалокати муқаррар қилиб кўйилган. Ўзига ёмонлик қилган кишидан содиқнинг ўзи ҳеч қачон қасос олмайди, лекин Парвардигор ундай золимни албатта жазолайди. Парвардигор Ўзини ҳақорат қилган одамнинг гуноҳини кечириши мумкин, лекин содиқ хизматкорини ҳақорат қилган одамни У ҳеч қачон кечирмайди. Шу боис Аржун кечиришни истаётганига қарамай, Кришна бу золим одамларни яқсон қилишга катъий қарор қилганди.

36. *папам эвашрайед асман хатваитан ататайнах  
тасман нарха вайам хантум дхартараитран са-бандхаван  
сва-жсанам хи катхам хатва сукхинах сйама мадхава*

***Бизларга қарши жанг қилмоқчи бўлиб турган зотларни ўлдириш билан биз гуноҳ иш қилган бўламиз. Шу боис Дхритараитранинг ўғилларини ва дўстларимизни ўлдириш мумкин эмас. Эй омад фариштасининг ҳукмдори(Мадхава), бу билан биз нимага эришамиз? Қариндошларимизнинг ўлими қандай қилиб бизга бахт келтириши мумкин?***

Изоҳ: Ведаларда эвазига ўлим жазосига маҳкум қилиш кўрсатилган олти хил жиноят кўрсатилган: 1. Бировни заҳарлашга уриниш; 2. Бировнинг уйига ўт кўйиш; 3. Қурол ишлатиб суиқасд қилиш; 4. Зўрлик билан бировнинг молини тортиб олиш; 5. Бегона ерларни тортиб олиш; 6. Бировнинг хотинини ўғирлаш. Бундай жиноят содир қилган жиноятчини шу жойнинг ўзида ўлдириш лозим, уларни ўлдирган киши гуноҳ қилган бўлмайди. Оддий инсон ундай жиноятчини ўлдириши мумкин, лекин Аржун оддий инсон эмасди. Унда улуғвор авлиё зотларнинг эзгу фазилатлари мужассам, у худди авлиё инсонлардай иш кўрмоқчи бўляпти. Аммо *киатрий* авлиёлардай иш тутмаслиги керак. Албатта, зиммасига давлатни бошқариш вазифаси юклатилган киши ўз табиатига кўра иймонли, тақводор инсон бўлиши керак, лекин унинг



жиноятчиларга кўнгилчанлик қилишга ҳаққи йўқ. Масалан, Парвардигор Рама шунчалик тавқодор, иймонли эдики, Ҳиндистонда ҳалигача одамлар Униқидай салтанат(*рама-раджя*)да яшашни орзу қиладилар. Лекин У ҳеч қачон жиноятчиларга нисбатан кўнгилчанлик қилмаган. Хотинини ўғирлаб иблис Равана Уни қаттиқ ҳақоратлаганди, Рама бошқаларга ўрнак кўрсатиб, тарихда бошқа учрамайдиган ғаройиб жасорат билан Раванни қаттиқ жазолади. Лекин, бу ерда Аржунга ҳалокат келтирувчи жанг билан таҳдид қилиб турганлар орасида унинг бобоси, устози, дўстлари ва неваралари борлигини эътиборга олиш керак. Шунинг учун, Аржун уларни ҳам худди жиноятчиларни жазолагандай шафқатсиз жазолаш ноўрин деб ўйлапти. Бунинг устига авлиё инсон ўзига озор берганларнинг гуноҳини кечириб юбориши керак. Улар учун бундай қоидаларга амал қилиш сиёсий манфаатлардан устун туради. Аржун ҳам, сиёсий манфаатларни кўзлаб ўз қариндошларини ўлдиргандан кўра, одоб-ахлоқ қоидалари асосида уларни кечириб юбориш керак, деб ўйлапти. У ўткинчи, дунёвий бахтга эришиш учун қариндошларни ўлдириш ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди, деб ўйлапти. Охир-оқибатда, бу йўл билан қўлга кирадиган салтанат ва шодликлар узокка чўзилмайди, улар мангу эмас. Шундай экан нимага у, моддий ҳаёт тутқунлигидан биратўла қутулиш ва мангу озодликка эришиш имконини берадиган ўзининг нодир ҳаётини хавф остига қўйиб, қариндошларини ўлдириши керак? Аржун бу ерда Кришнани *Мадхава*, яъни "омад ва бахт фариштасининг эри" деб аташи жуда ўринли. Бу билан у Кришнага, омад фариштасининг эри сифатида У Аржунни фақат бахтсизликлар олиб келадиган ишга ундамаслиги лозимлигини эслатиб қўймоқчи бўляпти. Лекин Кришна ҳеч қачон, ҳеч кимга, айниқса Ўзининг содиқларига ҳеч қандай бахтсизликни раво кўрмайди.

37-38. *йади апи эте на паийанти лобхопахата-четасаҳ  
кула-кишайа-кртам дошам митра-дрохе ча патакам  
катхам на джнейам асмабхиҳ папад асман нивартитум  
кула-кишайа-кртам дошам прапайшадбхир джанардана*

***О Джанардана, қалбини очкўзлик қамраб олган бу одамлар қариндошларни ўлдириш ёки дўстларга душманлик қилиш оғир гуноҳ эканини билмасалар, нега энди бизлар, авлодларни яқсон қилиш қанчалик оғир гуноҳ эканини била туриб, бундай ёвузликда иштирок этишимиз керак?***

Изоҳ: Агар рақиби таклиф қилса, қшатрийнинг жанг қилишдан ёки қимор ўйнашдан бош тортишга ҳаққи йўқ. Шу боис Аржун жанг қилишдан бош тортолмас эди: у Дурйодхоннинг таклифига албатта жавоб бериши лозим. Шу сабабли Аржун "бу таклифи унинг ўзи учун қанчалик ҳалокатли эканини рақиби тушунмайди" деб ўйлапти. Лекин Аржун бу уруш бутун оламга

канчалик мусибат келтиришини сезар, шу боис рақибининг таклифини қабул қилолмай турарди. Агар натижалари барчага саодат келтирсагина, ўз бурчини бажариш инсон учун шарт қилиб белгиланган, акс ҳолда, у ўз бурчини бажаришдан бош тортиши мумкин. Ҳар томонлама ўйлаб кўриб, Аржун ҳам жанг қилишдан бош тортишга қарор қилганди.

39. *кула-кишайе пранашиярти кула-дхармах санатанах  
дхарме наште кулам кртснам адхармо абхибхавати ута*

***Авлодларни яқсон қилиш оилада азалдан келаётган маънавий қадриятларнинг бузилиб кетишига олиб келади, оиланинг тирик қолган аъзолари эса, дин қонунларини унутиб юбордилар.***

Изоҳ: Жамиятдаги *варнашрама* тизими оиланинг барча аъзоларининг ҳар жиҳатдан ривожланиб, руҳий баркамолликка эришишига ёрдам берадиган мангу дин қонун-қоидаларига, урф-одатларга асосланган. Хонадондаги ёши катта кишилар оиланинг ҳар бир аъзоси туғилганидан то ўлгунга қадар барча покланиш маросимлари орқали ўтишларига маъсул бўладилар. Уларнинг ёппасига яқсон қилиниши покланиш маросимларининг унутилиб кетишига, бутунлай ўтказилмай қолишига олиб келади, бунинг натижасида, янги авлод аъзоларида бемаъни одатлар юзага келиб, иймонсизлиги сабабли кейинги авлод руҳий озодликка чиқиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу сабабли оиланинг кекса аъзоларини ҳеч қачон ўлдирмаслик керак.

40. *абхармабхибхават крина прадушйанти кула-стрийах  
стришу дуитасу варшнейа джайате варна-санкараx*

***О Кришна, хонадонда имонсизлик ҳукмрон бўлса, ундаги аёлларнинг ахлоқи бузилиб кетади. Эй Вришни авлоди, аёлларнинг ахлоқсизлиги бетайин фарзандларнинг дунёга келишига олиб келади.***

Изоҳ: Такводор, иймонли ёш авлод жамиятнинг келажакдаги тинч-тотувлиги, гуллаб-яшнаши ва фаровонлигининг гаровидир. *Варнашрама* жамияти мукамал диний асосда қурилгани туфайли ундай жамиятда аҳолининг аксарият кўпчилиги иймон-эътиқодли, такводор кишилар бўлган. Бу ҳолат давлат ва жамиятда руҳий маданиятнинг ривожланишига ёрдам берарди. Эрига садокатли бўлган ҳалол, покдомон аёлларгина такводор, иймон-эътиқодли, ҳалол, пок виждонли фарзандларни дунёга келтиришга қодир бўлади. Аёллар ҳам худди ёш болалар сингари, табиатан салбий таъсирларга тез берилувчан, алдовга тез учадиган бўладилар. Шунинг учун аёллар ҳам, болалар ҳам оилада ҳамиша катталарнинг назорати, ғамхўрлиги остида бўлиши керак. Агарда аёл ёшлигидан, ҳамиша барча диний маросимларни, урф-одатларни вақтида

бажариб юришга одатланса, у ҳеч қачон ёмон йўлга кириб кетмайди. До-нишманд Чанакйа Пандитнинг таъкидлашига кўра аёлларнинг тафаккури яхши ривожланмаган бўлади, шунинг учун аёлларга тўлиқ ишониб бўлмайди. Демак, оилада улар ҳамиша хонадоннинг азалдан келаётган кадриятларига, урф-одатларига амал қилиб юришини, диний қонун-қоидаларга амал қилиб, ҳамиша уй ишлари билан банд бўлиб яшашини таъминлаш керак. Шунда уларнинг покдомонлиги ва эрига бўлган садоқати натижасида юксак маданиятли *варнашрама* жамиятига муносиб бўлган ҳалол, тақводор фарзандлар дунёга келади. *Варна-ашрама* жамиятининг маънавий негизлари бузилиши оқибатида аёллар турмушда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, эркаклар билан ноқонуний алоқа қила бошлайдилар. Эркак ва аёлларнинг бузуқлиги натижасида иймонсиз, ҳаромзода, бетайин фарзандлар дунёга келади. Масъулиятсиз, виждонсиз эркаклар аёлларни йўлдан ура бошлайдилар, натижада бетайин, иймонсиз одамлар кўпайиб, жамиятдаги одамларнинг маданияти бутунлай бузилиб кетади, бу эса ўз навбатида турли офатларга - ҳар хил урушларга, эпидемияларга олиб келади.

41. *санкаро наракайайива кула-гхнанам куласйи ча  
патанти питаро хй эшам лупта-пиндоодака-крийаҳ*

***Бетайин фарзандларнинг кўпайиб кетиши эса, оила аъзоларининг ҳам, оилавий кадриятларни бузадиган кишиларнинг ҳам муқаррар дўзахга тушишига олиб келади. Авлодлар барбод бўлиши билан ўтган аждодлар ҳам тубанликка юз тутадилар, чунки қолган авлодлари уларга табаррук таом ва сув эҳсон қилмай қўядилар.***

Изоҳ: *Карма-канда* қоидаларига кўра оиланинг ўлган аъзолари руҳига мунтазам равишда сув ва табаррук таом эҳсон қилиб туриш лозим. Бу урф-одат Вишнуга сиғиниш маросими билан чамбарчас боғлиқ: Вишнуга таклиф этилган табаррук таомдан тотган руҳлар гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб покланадилар. Баъзан оиланинг дунёдан ўтган аъзолари бу дунёда қилган гуноҳлари оқибатида дўзахда азоб чекиб кийналадилар, уларнинг кўплари ҳатто навбатдаги кўпол моддий танага эга бўлолмасдан, узоқ вақт моддий танасиз жин-арвоҳ кўринишида юрадилар. Ўтган аждодларига *прасад* таклиф қилиш билан фарзандлари уларнинг шунга ўхшаган жуда кўп мусибатлардан халос бўлишига ёрдам берадилар. Ўтган аждодларга шу тарзда ёрдам бериш оиланинг азалий урф-одатларидан бири ҳисобланади. Худога садоқат билан хизмат қилмай юрган кишилар шундай маросимларни мунтазам равишда албатта ўтказиб юришлари лозим. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқнинг бундай маросимлар ўтказишига зарурат йўқ. Шунчаки Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юргани туфайли у ўзининг юзлаб, минглаб аждодларини ҳар қандай моддий азоб-укубатлардан халос этади. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилган(11.5.41):

*деварши-бхутанта-нринам питринам  
на кинкаро найам рини ча раджан  
сарватмана йах шаранам шаранйам  
гато мукундам парихритйа картам*

"Озодлик инъом этувчи Мукунданинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган, ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этган, чуқур ишонч ва иймон билан Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган киши фаришталар, донишмандлар, оддий тирик мавжудотлар, оила аъзолари, бутун инсоният ва аждодлари олдидаги ўзининг барча бурч ва вазифаларидан бутунлай озод бўлади".

Олий Худо Шахсига хизмат қилиш билан инсон барча тирик мавжудотлар олдидаги вазифасини мукамал бажараётган бўлади.

42. дошаир этаих кула-гхнанам варна-санкара-каракаих  
утсадйанте джати-дхармах кула-дхармах ча шашватах

***Оиланинг урф-одатларини бузадиган, бетайин авлоднинг дунёга келишига йўл очиб берадиган кишиларнинг гуноҳлари сабабли оиланинг ва бутун жамиятнинг бахт-саодати учун кўрсатиладиган фаолият тўхтаб қолади.***

Изоҳ: Варнашрама-дхарма, ёки санатана-дхарма жамиятида тўрт табаканинг ижтимоий фаолияти, ҳар бир оиланинг хайрли ишлар қилишини таъминлаш билан биргаликда ҳар бир инсоннинг моддий олам тугқунлигидан биратўла қутулишига ёрдам беришга қаратилган. Шу боис жамиятни бошқариб турган масъулиятсиз раҳбарлар санатана-дхарма қонун-қоидаларини бузиб юборганида жамият тизимида хаос, пала-партишлик юзага келади, одамлар инсон ҳаётининг олий мақсади - Парвардигор, Вишну эканини унутиб юборадилар. Жамиятнинг шундай раҳбарлари "кўрлар" деб аталади, уларга эргашганлар эса, ҳеч қандай тартиб, умумий мақсади бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин бўлмаган жамиятда яшашга мажбур бўладилар.

43. утсанна-кула-дхарманам манушйанам джанардана  
нараке нийатам васо бхаватитй анушуирума

***О Кришна, эй инсон зотининг посбони, руҳий устозлар силсиласида турган устозлардан эшитганманки, хонадонининг азалий қадриятлари, урф-одатлари бузилган кишилар дўзахда мангу қолиб кетадилар.***

Изоҳ: Аржун бу далилларни фақат ўзининг ҳаёт тажрибасидан эмас, балки ишонарли мўътабар манбалардан олиб айтяпти. Фақат шундай йўл билан

хақиқий илмга эга бўлиш мумкин. Бундай илмнинг мазмуни илмнинг маъносини тушуниб етган комил инсондан ёрдам сўраб, унга камтарин ҳолда муурожаат қилган кишигагина очилади. *Варнашрама* жамиятидаги одатга кўра инсон ўлими олдидан тавба-тазарру қилиб, умр бўйи қилган гуноҳларидан покланиши лозим. Ҳаётда жуда кўп гуноҳ қилган киши албатта тавба-тазарру қилиши керак, бу санскрит тилида *прайашчитта* деб аталади. Акс ҳолда у дўзахий сайёраларга тушади ва қилган гуноҳлари оқибатидан қаттиқ азобланади.

44. *ахо бата махат папам картум вйавасита вайам  
йад раджйя-сукха-лобхена хантум сва-джанам удйатах*

***Бизлар ҳам ҳозир энг оғир гуноҳга қўл ураётганимиз галати эмасми? Салтанатга ҳукмронлик қилиш бахтидан лаззатланиш ниятида биз ўз қариндошларимизни ўлдиришига тайёр турибмиз-а!***

Изоҳ: Шахсий манфаат, таъмагирлик, худбинлик домига тушиб қолган киши баъзида ўз қариндошини ёки онасини ўлдириш сингари оғир гуноҳга ҳам қўл уришга тайёр бўлади. Инсоният тарихида бунга жуда кўп мисоллар бор. Лекин, Худонинг бегуноҳ содиқ хизматкори бўлган Аржун ҳаётда ҳамиша улуғвор одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб яшарди. Шу боис ҳозир у бундай гуноҳ ишга қўл урмоқчи эмас.

45. *йади мам апрафикарам ашастрам шастра-панайах  
дхартараштра ране ханйус тан ме киешатарам бхавет*

***Ундан кўра жанг майдонида Дхритараштранинг ўғиллари қўлларидаги қуроллари билан мени қуролсиз, қаршилик кўрсатмаган ҳолилда ўлдирганлари яхшироқ.***

Изоҳ: Жанг қоида-сига кўра қшатрийлар жанг қилишни истамаган қуролсиз кишига ҳужум қилмаслиги керак. Лекин Аржун, агар ҳатто душманлари унга ҳамла қилсалар ҳам, ўзи уларга қаршилик кўрсатмасликка қарор қилди. У рақиб томон жангга қанчалик интилаётганини ўйлаб ҳам ўтирмади. Буларнинг барчаси Парвардигорнинг буюк содиғи бўлган Аржун қанчалик кўнгилчан, қалби юмшоқ, меҳр-мурувватли буюк инсон эканини билдиради.

46. *санджсайа увача  
эвам уктварджунах санкхйе ратхонастха упавишат  
висриджйя са-шарам чапам шока-самвигна-манасах*

***Санжсай деди: Жанг майдонида шу гапларни айтиб, Аржун камон ва пайконларини четга қўйди-да, чуқур қайғуга ботиб арава ичида***

**Ўтириб қолди.**

Изоҳ: Арава ўриндиғида ўтирган Аржун душман қўшинини кўздан кечириш учун ўрнидан турган эди, лекин мусибати шунчалик оғир эди-ки, у камони ва садоғини четга қўйиб, мадордан кетган ҳолда яна ўтириб олишга мажбур бўлди. Руҳий илмнинг махфий сирларини билиб олишга Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган ана шундай раҳмдил ва меҳрибон кишигина муносиб бўла олади.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Қурукшетрадаги қўшинлар таърифи" деб номланган биринчи бобида Бҳактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Иккинчи боб. "Бҳагавад-Гита"нинг қисқача мазмуни**

1. *санджайя* увача

*там татха крипайавиштам аиру-пурнакулекишанам  
вишидантам идам вакиам увача мадхусуданах*

***Санджай деди: Аржунни ачиниш ва изтироб туйғулари қамраб олганини, унинг кўзлари ёшига тўлиб турганини кўриб, Мадхусудана, Кришна шундай гапларни айтди.***

Изоҳ: Ўттинчи дунёвий ишларга ачиниш, изтироб чекиш, кўз ёши тўкиш - кишининг ҳақиқий руҳий ўзлигини англаб етмаганидан, аслида ўзининг руҳ эканини эсидан чиқарганидан далолат беради. Ўзининг руҳий табиатини

англаб етган киши ҳақиқий ўзлиги, мангу руҳи ҳақида қайғуради. Бу ерда *Мадхусудана* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Бир пайтлар Кришна *Мадху* исмли иблисни ўлдирган эди, бу ерда Аржун, ҳозир ўзининг қалбини қамраб олиб, ўз бурчини бажаришга тўсқинлик қилаётган "шубҳаю-гумонлар иблиси"ни ҳам Кришна ўлдириб ташлашидан умидвор бўляпти. Одамлар аслида нима ҳақида қайғуриш зарурроқ эканини билмайдилар. Чўкаётган одамнинг кийимини қайғуришнинг нима кераги бор? Фафлат уммонида чўкиб бораётган кишини, фақат унинг кийиминигина чиқариб олиш билан, яъни, фақат унинг моддий танасини кутқариш билан озодликка чиқариб бўлмайди. Шуни тушунмасдан, фақат моддий танага, яъни сиртқи кийимга ачинадиган кишини *шудра* - яъни, "бекорга ачинадиган одам" деб ҳисоблайдилар. Аржун *киштрий*, шу боис у ўзини бундай тутмаслиги лозим эди. Кришна унинг ғофиллиги сабабли юзага келган бу мусибатини тарқатиб юбормоқчи бўлди, айнан шу мақсадда У Аржунга "Бҳагавад-Гита"ни баён этди. Руҳий илмнинг асосий билимдони Кришна "Бҳагавад Гита"нинг бу бобида, моддий тана ва мангу руҳнинг табиатини назарий жиҳатдан таҳлилий ўрганиш ёрдамида инсон қандай қилиб ҳақиқий ўзлиги - ҳақиқий "мен"ини англай олишини тушунтиради. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмаган, руҳий ўзлигини англаш билан мунтазам шуғулланиб юрган кишигина бу илмни мукамал эгаллай олади.

## 2. *ири-бхагаван увача*

*кутас тва кашималам идам вишаме самупастхитам  
сунарйа-джуштам асваргйам акирти-карам арджуна*

***Парвардигор деди: Эй Аржун, қандай қилиб бундай иллат сени мағлуб қилди? Яшашдан асосий мақсад нима эканини биладиган кишига бундай одат ярашмайди. Бу, инсонни жаннатга эмас, шармандаликка олиб келади.***

Изоҳ: Кришна - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси. Шу сабабли "Бҳагавад-Гита"нинг ҳамма жойида Уни *Бхагаван* деб атайдилар. *Бхагаван* сўзи Мутлақ Ҳақиқатнинг мукамал тўлиқ кўринишини ифодалайди. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишнинг уч босқичи бор: Браҳманни, яъни бутун борликни қамраб олган Олий Руҳни англаш; Параматмани - Парвардигорнинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган кўринишини англаш; ниҳоят Бхагаван, яъни Худонинг Олий Шахсини - Кришнани англаб етиш. "Шримад Бҳагаватам"да Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги бу таълимот шундай ёритилган:

*ваданти тат таттва-видас таттвам йадж джнанам адвайам  
брахмети параматмети бхагаван ити шабдйате*

**"Мутлақ Ҳақиқатни бир-биридан фарқ қилмайдиган уч кўринишда**

**англаб етиш мумкин. Улар *Брахман, Параматма ва Бхагаван* деб аталади".**

Ягона Парвардигорнинг бу уч кўринишини, худди шундай уч кўринишда намоён бўладиган Куёш мисолида тушунтириш мумкин: Куёшнинг нури, Куёш халқаси ва Куёш сайёраси. Фақат Куёш нурини ўрганиб юрган киши ҳали Куёшни англашнинг биринчи босқичида юрган бўлади. Кейинги босқичда инсон Куёш шарини англаб етади, лекин Куёш сайёрасига эришган киши, Куёшнинг табиатини ҳаммадан ҳам чуқурроқ англаб етган бўлади. Фақат Куёш нурининг хусусиятларини, унинг ҳамма нарсага сингувчанлигини, ёрқин нур сочиб, порлаб туришини ўрганиб юрган оддий одамни Мутлақ Ҳақиқатнинг фақат биргина жиҳатини - Унинг шахсиятсиз Браҳман кўринишини англай олишга қодир бўлган инсонга ўхшатиш мумкин. Куёш ҳақида чуқурроқ илмга эга тадқиқотчини эса, Мутлақ Ҳақиқатнинг юқорироқ кўриниши - Параматмани англаб етган кишига ўхшатиш мумкин. Куёш сайёрасининг ичига кирган кишини эса, Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий, шахс сифатидаги кўринишини англаб етган одамга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун, гарчи Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрган одамларнинг ҳаммаси аслида ягона бир Зотни ўрганиб юрган бўлсалар ҳам, Мутлақ Ҳақиқатнинг *Бхагаван* кўринишини англаб етган *бхакталар* руҳий илм ўрганиб юрган одамлар ичида энг аълоси деб аталадилар. Куёш нури, Куёш доираси ва Куёш сайёраси бир-биридан ажралмаган, лекин “Куёшнинг ҳар хил хусусиятларини ўрганаётган изланувчиларнинг ҳаммаси Куёшни бирдай мукаммал билади” деб бўлмайди.

Вйасадеванинг отаси, буюк донишманд ва Ведалар билимдони Парашара Муни, санскритча "*бхагаван*" иборасининг мазмунини куйидагича тушунтиради. "Барча бойликларнинг, бутун куч-қудратнинг, бутун шон-шухратнинг, барча гўзалликларнинг, барча илмларнинг эгаси бўлган ва уларга умуман боғланмаган Олий Шахс - *Бхагаван* деб аталади". Жаҳонда жуда бой, жуда қудратли, жуда чиройли, жуда машҳур, чуқур билимга эга ёки бойликларга боғланмаган одамлар кўп. Лекин уларнинг бирортаси "оламдаги барча бойликларнинг, бутун куч-қудратнинг ва бошқа нарсаларнинг тўлиқ эгаси менман" деб даъво қилолмайди. Ўзини шундай Зотман деб фақат ягона Парвардигор, Кришна айта олади, чунки У - Худонинг Олий Шахси. Бундай бойликларга ҳеч бир тирик мавжудот, хатто қудратли фаришталар Браҳма, Шива ёки Нараяна ҳам Кришна сингари мукаммал эга эмас. Шунинг учун "*Брахма-самхита*"да Браҳма шундай дейди: "Кришна - Худонинг Олий Шахсидир. Бутун борлиқда Унга тенг келадиган ёки Ундан буюкроқ ҳеч ким йўқ. Кришна - азалий, ягона Парвардигор, "*Говинда*" деб ҳам аталадиган *Бхагаван*; У - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси".

*шивараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

**"Кўп зотлар *Бхагаван* сифатига эга, аммо Кришна уларнинг ҳаммасидан устун, чунки ҳеч ким Ундан устун бўлолмайди. У - Олий Шахс, Унинг**



**мангу танаси эса, илм ва лаззатга тўла. У - азалий Парвардигор, барча саабларнинг бошланғич сабабчиси".**(Брахма-самхита.5.1).

"Шримад Бхагаватам"да Парвардигорнинг бу оламда намоён бўлган жуда кўп қиёфалари санаб ўтилган. Лекин, унда Кришна - Парвардигорнинг бошқа барча қиёфаларининг манбаи, азалий Худо Шахси деб кўрсатилган.

*эте чамша-калаҳ пумсаҳ кришнас ту бхагаван савйам  
индрари-вйакулам локам мридайданти йуге йуге*

"Парвардигорнинг бу ерда санаб ўтилган, моддий оламда намоён бўлган қиёфалари - Худонинг Олий Шахсининг тўла намоён бўлган кўриниши ёки тўла намоён бўлган қиёфаларнинг қисман намоён бўлган кўринишларидир, лекин Кришна - азалий, ягона Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахсидир"(ШБ. 1.3.8).

Шундай қилиб Кришна - бошланғич, азалий Олий Шахс, Мутлак Ҳақиқат, Олий Руҳ ва Браҳманнинг манбаидир. Худонинг Олий Шахсининг рўпарасида туриб ўзининг бу дунёдаги “қариндош”ларини қайғураётган Аржуннинг нолишлари ўринсиздай кўринадиди, шунинг учун Кришна хайрон бўляпти - "кутаҳа"(бу иллат сенда қаердан пайдо бўлди?). Арийлар деб аталадиган зиёли, маданиятли кишилар тоифасига мансуб киши бу даражада ғофил бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг ҳаётдаги ҳақиқий мақсади нима эканини билладиган, интиладиган қадриятлари руҳий ўзликни англаш асосида тузилган одамларни *арийлар* деб атайдилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар инсон ҳаётининг энг олий мақсади - Худони таниш, Мутлак Ҳақиқатни, Вишнуни, ёки Браҳманни англаш эканини билмайдилар; моддий оламнинг ташқи, ўткинчи зийнатларига алданиб, улар ҳатто “озодлик” дегани нима эканини ҳам тушунмайдилар. Моддий тутқунликдан халос бўлиш йўлини билмайдиган ундай кишилар *арий* деб аталишга муносиб эмас. Аржун *кшатрий*, лекин у ўз бурчини бажаришдан бош тортиб, жанг қилишни истамаяпти. Бу дунёда инсон танасида яшаб туриб ҳам Парвардигор олдидаги ўз бурчини бажармаслик кишининг руҳий юксалишига халақит беради ва уни дунёвий ҳаётда шуҳрат қозониш имкониятидан маҳрум этади. Кришна бу ерда Аржуннинг ўз қариндошларига нисбатан кўрсатаётган бемаъни ҳамдардчилигини маъқулламаяпти.

3. *клаибйам ма сма гамах партха наитат твайй упанадйате  
киудрам хрдайа-даурбалйам тйактвоттииттха парантана*

***Эй Притханинг ўгли, бундай пасткаш кўнгилчанликка берилма. Бу сенга ярашмайди. Бу уятли ожизликни юрагингдан чиқариб ташла, эй душманларни жазоловчи қаҳрамон, қаддингни ростла!***

Изоҳ: Кришна бу ерда Аржунни отаси Васудеванинг синглисининг, яъни,

холаси Притханинг ўгли деб атаяпти. Кришна Аржун билан қариндош-оғайни эди. Агар кшатрийнинг ўгли жанг қилишдан бош тортса, демак у фақат номигагина *кишатрий*, агар браҳманнинг ўгли гуноҳ ишлар қилиб, нопок ҳаёт кечириб юрган бўлса, у фақат номигагина *браҳман* бўлади. Ундай кшатрий ва браҳманлар ўз оталарига муносиб бўлмаган ноқобил фарзандлар ҳисобланади. Кришна Аржуннинг ўзини худди *кишатрий* номига муносиб бўлмаган фарзанддай тутишини истамаяпти. Аржун Кришнанинг энг яқин дўсти эди, Кришна унинг жанг аравасига жиловдор бўлиш билан бирга унинг барча ҳаракатларини ҳам бошқариб турарди. Лекин, агар Аржун жанг майдонини тарк этса, шунча эзгу фазилатлар эгаси бўлишига қарамай, бу иши уни шарманда қилган бўларди. Шунинг учун Кришна Аржунга, унинг ўзини бундай тутиши унга обрў келтирмаслигини айтаяпти. Аржун бунга эътироз билдириб, аслида ҳурматли Бҳишма ва бошқа қариндошларига нисбатан олийжаноблик қилаётгани сабабли жанг майдонини тарк этаётганини айтиши мумкин. Лекин, Кришна бундай олийжанобликни ғофилликнинг, ожизликнинг намоён бўлиши деб атаяпти. Жангчи-кшатрийнинг бундай қилишини донишмандлар ҳам, муқаддас китоблар ҳам маъқулламайди. Шу боис, Аржун сингари, Кришнанинг бевосита раҳбарлиги остида ҳаракат қилаётган ҳар бир инсон ундай олийжаноблик ёки зулмга қарши куч ишлатмаслик сингари ожизликларга йўл қўймаслиги керак.

4. *катхам бхишмам ахам санкхйе дронам ча мадхусудаиша  
ишубхих пратийотсйами пуджархав ари-судана*

***Аржун деди: Эй, иблис Мадхуни яксон қилган, душманларни мағлуб қилувчи Зот, мен олдидан бош эгиб сажда қилишим лозим бўлган Бҳишма ва Дрона каби инсонларга мен қандай қилиб пай-кон йўллайман?***

Изоҳ: Хонадоннинг бобокалон Бҳишма ва Дроначарйа сингари мўътабар, кекса аъзоларини ҳамиша ҳурмат қилиш лозим. Маданиятли жамиятнинг ахлоқ-одоб қоидаларига кўра, ҳатто улар ҳужум қилсалар ҳам уларга қаршилиқ кўрсатмаслик, ёши катталарнинг айтганларига қарши чикмаслик керак. Улар ҳатто бизга нисбатан кўполлик қилсалар ҳам биз уларга кўполлик билан жавоб бермаслигимиз лозим. Шундай экан, ҳатто ўзини ҳимоя қилиш зарурлигини баҳона қилиб бўлса ҳам, Аржун уларга қарши қандай жанг қила олсин? Қришнанинг Ўзи бобоси Уграсенага ёки устози Сандипани Мунига қарши жанг қила олармиди? Аржун келтираётган баъзи далиллар мана шундай эди.

5. *гурун ахатва хи маханубхаван  
ирейо бхоктум бхаикшам апиха локе  
хатвартха-камамс ту гурун ихаива*

***Мен устозим деб ҳисоблайдиган буюк зотларнинг ўлими эвазига тирикчилик қилгандан кўра, тиланчилик қилиб кун кечирганим яхши. Таъмагирлик домига тушиб қолган бўлсалар ҳам, барибир, улар менга устоз бўладилар. Агар улар ҳалок бўлсалар биз лаззатланмоқчи бўлган нарсаларнинг ҳаммаси уларнинг қони билан булганган бўлади.***

Изоҳ: Муқаддас китобларда айтилганки, ўз шаънига иснод келтирадиган ишларга берилган, яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолган устоздан юз ўгириш керак. Гарчи ҳозирги вазиятда бундай фикрга боришлари ногўғри бўлса ҳам, Бҳишма билан Дронаचारйа ўзларини моддий жиҳатдан таъминлаб тургани сабабли “жангда Дурйодхон томонида бўлишимиз лозим” деган қарорга келганлар. Шу иши билан энди улар бошқаларнинг устоз сифатида кўрсатадиган ҳурмат-эҳтиромидан маҳрум бўлган эдилар. Лекин, Аржун барибир уларни “устоз” деб аташда давом этяпти, шунинг учун уларнинг ўлими эвазига келадиган нарсалар билан лаззатланиш - жангда қўлга киририлган, қонга булганган нарсалардан лаззатланиш билан баробар деб ҳисоблаяпти.

*6. на чаитад видмах катаран но гарийо  
йад ва джайема йади ва но джайейух  
йан эва хатва на джидживишамас  
те вастхитах прамукхе дхартараитраҳ*

***Улар устидан ғалаба қозонишми ёки мағлуб бўлишми – бизлар учун қайси бири афзал экани ҳали номаълум. Дхритараитранинг ўғиллари ҳозир жанг майдонида бизнинг қаршимизда турибдилар, агар биз уларни ўлдирсак, ҳаётимизнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди.***

Изоҳ: Аржун нима қилишини билмай турибди: кшатрийлик бурчи ундан шунини талаб қилаётгани туфайли, ҳеч қачон ўлдириш мумкин бўлмаган одамларни ўлдириш учун жанг қилсинми ёки жанг майдонини тарк этиб, тиланчилик билан кун кўрсинми? Агар у жанг қилиб, душманларини мағлуб қилмаса, тирикчилик қилиш учун тиланчилик қилишдан бошқа чораси қолмайди. Бунинг устига у ғалаба қозонишига ҳам аниқ ишонмайди: ғалабага икки томоннинг хоҳлаган бири эришиши мумкин. Аммо, ҳақиқат учун жанг қилаётгани туфайли, ҳатто, ғалаба улар томонда бўлиб, Дхритараитранинг ўғиллари жангда ҳалок бўлсалар ҳам, Пандузодаларнинг уларсиз яшаши жуда қийин бўлади. Бу ҳам ўзига яраша бир мағлубият, ютқазиниш ҳисобланади. Аржун келтираётган далиллар унинг нафақат Худонинг буюк содиқларидан эканини,

айни пайтда унинг юксак даражада билимдон, ўз ақли ва хиссиётини тўла жиловлаб олган буюк инсон эканидан далолат бериб турибди. Гарчи ўзи шох хонадонига мансуб бўлса ҳам, тиланчилик билан кун кечиришга тайёр туриши - унинг қай даражада таркидунёлик ҳолатида эканидан, бу дунёда ҳеч нарсага боғланиб қолмаганидан далолат бериб турибди. У ҳақиқатан ҳам эзгу ниятли, олийжаноб инсон, унинг барча инсоний фазилатлари, руҳий устози Шри Кришнанинг насиҳатларига бўлган қатъий ишончи шуни кўрсатиб турибди. Аржун ҳақиқатан ҳам моддийлик асоратидан халос бўлишга муносиб инсон экани шундан ҳам яққол кўриниб турибди. Токи инсон ўз сезгиларини жиловлаб олмас экан, у мукамал илмга эга бўлолмайди, илмсиз одам эса, Худога садоқат билан холис хизмат қилиш поғонасига кўтарила олмайди, Худога садоқат билан холис хизмат қилмайдиган одам эса, руҳий озодликка чиқиш имкониятидан маҳрум бўлади. Аржунга буюк дунёвий қобилиятлар билан бирга мана шундай улуғвор илоҳий фазилатларнинг ҳаммаси саҳоват билан ато этилган эди.

*7. карпаниа-дошопахата-свабхавах  
приччхами твам дхарма-саммудха-четах  
йач чхрейах сйан нишчитам брухи тан ме  
шишийас те хам шадхи мам твам прапаннам*

***Мен ўз бурчим нималигини билмай қолдим, хасис одамларга хос бўлган ожизлик сабабли мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Шунинг учун илтимос, аниқ айт-чи, қандай йўл тутсам мен учун яхши бўлади? Энди мен Сенинг шогирдингман, ўзини бутунлай Сенга топширган жонман - менга тўғри йўл кўрсат!***

Изоҳ: Ҳаёт қонуни шундай тузилганки, биз машғул бўлиб юрган дунёвий, моддий фаолият ҳар биримизни ҳаётда жуда қийин аҳволга солиб қўяди. Ҳаётда ҳар кадамда қийинчиликларга дуч келамиз, шу боис ҳар биримиз инсон ҳаётининг олий мақсадига қандай эришиш мумкинлигини тушунтириб бера оладиган ҳақиқий руҳий устозга муҳтожмиз. Барча муқаддас китоблар инсонга ҳаётдаги муаммоларни бартараф қилиш, ўзимиз истамаган ҳолда тушиб қолган бу ноқулай шароитдан озодликка олиб чиқишини сўраб ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилишни тавсия қиладилар. Ҳаётдаги муаммолар худди кутилмаганда, ҳеч қандай сабабсиз, ўз-ўзидан ўрмонда пайдо бўладиган ёнғинга ўхшайди. Моддий олам ҳам шундай тузилган: инсонга қийинчиликлар, худди чақирилмаган меҳмонлар сингари, кутилмаганда ўзидан-ўзи келаверади. Ҳеч ким ёнғин бўлишини истамайди, лекин, барибир кутилмаганда ёнғин рўй беради, шунда биз саросимага тушиб, ундан қутулиш йўлини излай бошлаймиз. Шунинг учун ведавий битикларда шундай дейилган: ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш ва улардан биратўла халос бўлиш учун шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш ке-

рак. Умр йўлида ҳақиқий руҳий устозни учрата олган киши ҳаётда ҳар нарсага эришишга қодир бўлади. Шу боис бекорга овора бўлиб, ҳаёт муаммоларини ечишга фақат ўзи уриниб юргандан кўра, фаросатли инсон руҳий устозга муурожаат қилиши лозим. Бу шеърнинг мазмуни шундай.

Ҳар хил дунёвий, ўткинчи муаммолар кимни ташвишга солади? Аслида ҳақиқий муаммолар нимадан иборат эканини билмайдиган кишини.

"Брихад-араньяка-упанишад"(3.8.10)да ундай одам ҳақида шундай дейилган: *йо ва этад акшарам гарги авидитвасмал локат прапти са крипанах* - "Ҳаёт муаммоларини ҳақиқий инсонларга муносиб равишда ҳал қилишга уринмайдиган, ҳақиқий ўзлигини англай олмай, бу дунёдан ит ва мушукларга ўхшаб ўтиб кетадиган киши калтафаҳм ҳасис одамдир".

Тирик мавжудотга ато этилган энг нодир, энг кадрли, бебаҳо неъмат - инсон танасидаги ҳаёт ҳисобланади, чунки дунёвий тирикчиликнинг барча муаммоларини фақат инсон биратўла ва бутунлай ҳал қила олади. Шу боис, бу нодир имкониятдан фойдаланмайдиган кишини "ҳасис" деб атайдилар. Аксинча, етарли ақл-фаросатга, тафаккурга эга бўлиб, ҳаётдаги барча муаммоларни биратўла бартараф этиш учун инсон танаси берадиган нодир имкониятдан тўла фойдаланаётган киши *браҳман* деб аталади: *йа этад акшарам гарги видитвасмал локат прапти са браҳманах*.

*Крипаналар*, яъни, ҳасислар инсон танаси эга бўлган нодир қобилиятни бекорга сарфлаб, бебаҳо умрини ҳазон қиладилар, чунки улар оиласига, ватанига ва жамиятга қаттиқ боғланиб қолганлар. Шундай одамларнинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари, уларни ўз оиласининг - хотинининг, фарзандларининг ва бошқа қариндошларининг қулига айлангириб қўяди. Бу улардаги "тери касаллиги"нинг оқибатидир(танасини, яъни, "тери қоп"ни "ўзим" деб санаш, бошқаларни ҳам уларнинг моддий танасига қиёслаш касаллиги). *Крипана*: "ўз яқинларимни ҳалокатдан қутқариб қоламан" ёки "оилам ва жамият мени ўлимдан қутқариб қолади" - деб ўйлайди. Оиласига боғланиш туйғуси ҳатто ҳайвонларда ҳам бор, улар ҳам ўз болаларига ғамхўрлик қиладилар. Ўткир ақл-заковатга эга бўлган Аржун ҳозир ўз оиласига қаттиқ боғланиб қолгани, уларни ҳалокатдан қутқариб қолишга уринаётгани - олдида кўндаланг бўлиб турган муаммонинг асосий манбаи эканини англаб етган эди. Жанг қилиш ўзининг муқаддас бурчи эканини Аржун тушунади, лекин, ҳасислиги туфайли юзага келган ожизлик таъсири остида ҳозир у ўз бурчини бажаролмай турибди. Шунинг учун Аржун Кришнадан, азалий руҳий устоздан бирор қатъий қарорга келишда ёрдам беришни илтимос қиляпти. У Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топшириб, Унинг шогирди бўлди. Энди у Кришна билан аввалгидай ўзаро дўст сифатида суҳбатлашишга чек қўйди. Руҳий устоз билан шогирд ўртасида бўладиган суҳбат ҳаминша жиддий бўлади, энди Аржун ҳам барча донишмандлар тан олган энг буюк устоз - Кришна билан жиддий суҳбат бошламоқчи бўляпти. Шу тариқа Кришна - "Бҳагавад-Гита"ни баён этган биринчи руҳий устоз, Аржун эса - унинг мазмунини тўғри англаб етган биринчи шогирд бўлди. Аржун қандай қилиб "Бҳагавад-Гита"ни тушуниб етгани асарнинг ўзида

таърифланган. Шунга қарамай дунёвий файласуфлар "Бхагавад Гита"га изоҳ ёзар экан, инсон ўз ихтиёрини шахс сифатидаги Кришнага топширмаслиги керак, балки Кришнанинг ичидаги, "туғилмаган Кришна"га ишониши, таваккал қилиши керак, деб ҳисоблайдилар. "Ташқи Кришна" билан "ички Кришна" орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, шуни тушунмай туриб, "Бхагавад-Гита"нинг маъносини тўлиқ англаб олишга интилаётган киши - энг ғофил нодондир.

*8. на хи прапайиами мамапанудйад йач  
чхокам уччхошанам индрийанам  
аваййа бхумав асапатнам ридхам  
раджейам суранам апи чадхипатйам*

***Мени қарахт қилиб қўйган бу мусибатдан қандай қутулишни билмайман. Мен, ҳатто бирор душман раҳна сололмайдиган, гуллаб-яшнаётган салтанатни қўлга киритсам ҳам ва фаришталарникидай қудратли ҳокимиятга эга бўлсам ҳам бу мусибатдан халос бўлолмайман.***

Изоҳ: Аржун диний қонунлар ва одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида олган илмига асосланиб Кришнага жуда кўп далиллар келтирди. Шунга қарамай, руҳий устозсиз, Кришнанинг ёрдамисиз у ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қила олмади. Аниқ равшан бўлдики, бутун вужудини қамраб олган ҳаёт муаммоларини ҳал этишда, изтиробларини бартараф этишда унинг илми, билимдонлиги ёрдам беролмайди. Агар Кришнага ўхшаган ҳақиқий руҳий устоз ёрдам бермаса, ҳаётида дуч келган муаммоларни ҳал этишга унинг ўзи қодир эмас. Инсоннинг дунёвий маълумоти, билимдонлиги, жамиятдаги юксак обрў-эътибори, бойлиги унинг ҳаётида учрайдиган муаммолардан халос эта олмади; бизга бу ишда фақат Кришнага ўхшаган ҳақиқий руҳий устоз ёрдам бера олади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фақат Худони англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган руҳий устозни "ҳақиқий руҳий устоз" деб аташ мумкин, чунки фақат шундай руҳий устоз бизнинг барча муаммоларимизни ҳал қилишга қодир бўлади. Чаитанйя Махапрабху айтган эдики, жамиятда тутган ўрни қандай бўлишидан қатъий назар Парвардигорни мукамал англаб етган ҳар қандай инсон бошқаларга руҳий устоз бўла олади.

*киба випра киба нйаси шудра кене найа  
йеи кришна-таттва-ветта сеи гуру хайа*

"Агар инсон, ким бўлишидан қатъий назар - *випра*(Ведалар билимдони)ми, таркидунё қилган қаландар-зоҳидми ёки оддий инсонми - Кришнани англаш илмини мукамал эгаллаган бўлса, демак у руҳий барқамоллика эришган зот,

барчага ҳақиқий руҳий устоз бўла олади"(Ч.ч.Мадхья. 8.128).

Аксинча, Кришнани англаш илмидан беҳабар кишини ҳақиқий руҳий устоз деб бўлмайди. Ведавий битикларда ҳам шундай дейилган:

*шат карма-нипуно випро мантра-тантра-вишарадаҳ  
вашиनावо гурур на сйад вашинавах шва-пачо гурух*

"Ведавий илмларни ҳар томонлама биладиган билимдон *браҳман*, агар *вайшнав* бўлмаса, яъни Кришнани англаш илмидан беҳабар бўлса, руҳий устоз бўлишга ҳаққи йўқ. Лекин *вайшнав*, ҳатто у энг қуйи табақага мансуб бўлса ҳам, руҳий устоз бўла олади"(Падма-пурана).

Бойлик орттириш ёки иқтисодий тараққиётни ривожлантириш ёрдамида туғилиш, кексалик, касаллик ва ўлимдан иборат моддий тирикчилик муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Жаҳонда тирикчилик учун ҳамма нарса етарли бўлган, моддий жиҳатдан юксак ривожланган жуда кўп давлатлар бор, лекин, ҳатто у жойда ҳам одамлар моддий ҳаётнинг асосий муаммоларини ҳал қила олганлари йўқ. Тинчлик ва осойишталикка эришиш учун улар зўр бериб ури-няптилар, лекин, инсон маслаҳат сўраб Кришнага ёки Кришнани англаш илми ёритилган "Бҳагавад-Гита", "Шримад Бҳагаватам" асарларига мурожаат қилиш орқали албатта ҳақиқий бахтга эриша олади. Кришнанинг насиҳатларини тушуниш учун бизга Унинг ҳақиқий вакилининг, яъни, Кришна онги билан яшаб юрган комил инсоннинг ёрдами керак.

Агар иқтисодий тараққиёт, моддий қулайликлар инсонни оиласидаги, жамиятдаги, давлатдаги ёки бутун жаҳон миқёсидаги муаммолардан ҳалос этишга қодир бўлса, Аржун бу ерда ҳеч қандай душман раҳна сололмайдиган салтанат ҳам, ҳатто фаришталарникидай қудратли ҳокимият ҳам қалбидаги изтиробини кетказма олмаслигини айтиб ўтирмасди. Ҳаёт муаммоларини бартараф этиш учун Аржун Худони, яъни Кришнани англаш йўлидан нажот излаяпти: фақат шу йўлга кирган кишигина ҳақиқий тинчлик ва осойишталикка эришади. Тасодифий содир бўладиган ҳар хил кулфат ва табиий офатлар бизни эришган иқтисодий тараққиётимиздан ёки жаҳон ҳукмронлигидан бир зумда маҳрум қилиши мумкин. Ҳатто олий сайёраларда, масалан, одамлар ҳозир зўр бериб интилаётган Ойда ҳам, барибир вақти келиб ҳаёт тугайди. Бунинг тасдиғини биз "Бҳагавад-Гита"дан топишимиз мумкин:(9.21) *кишне пунйе мартйа-локам вишанти* - "савоб ишларининг натижаси тамом бўлганда тирик мавжудот энг бахтиёр ҳаёт шароитидан яна энг қуйи ҳаёт шароитига дучор бўлади". Жаҳонда жуда кўп машҳур одамларнинг тақдири шундай бўлган, ҳаётдаги ана шундай адашишлар, йиқилишлар, омадсизликлар уларга янги-янги изтироблардан бошқа бирор нарса олиб келмади.

Шундай қилиб, агар биз мусибатлардан биратўла ва бугунлай ҳалос бўлишни истасак, Аржунга ўхшаб Кришнанинг паноҳи остига киришимиз лозим. Аржун Кришнадан ўзининг барча муаммоларини биратўла ҳал қилишни илтимос қиляпти, бунга эса, фақат Кришнани тўла англаб этиш орқали эришиш мумкин.

9. *санджайа увача*

*эвам укта хришикешам гудакешах парантапах  
на йотсиа ити говиндам укта тушим бабхува ха*

***Санжай деди: Кришнага шу гапларни айтиб, душманларини мағлуб қилувчи Аржун: "Говинда, мен жанг қилмайман!" - деди ва жим қолди.***

Изоҳ: Албатта, Дхритараштра Аржуннинг жанг қилишдан бош тортаётганини, жанг майдонини тарк этиб, тиланчилик билан кун кечирмоқчи эканини эшитиб, қувончдан яйраб кетган бўлса керак. Санжай эса, Аржунни *парантапа*, яъни "душманлар ғолиби" деб аташ билан унинг ҳафсаласини пир қилишга шошилди. Гарчи Аржун яқинлари ва қариндошларига бўлган ўткинчи боғланиши туфайли бироз вақт саросимага тушиб олган бўлса ҳам, барибир у шогирд бўлиб, ўз ихтиёрини азалий руҳий устози Кришнага топширди. Бу - унинг тез вақт ичида барча изтиробларидан қутулишига, мукамал руҳий илмга - Кришнани англаш илмига эга бўлиб, албатта жангга киришига кафолот берарди. Шу боис Дхритараштранинг қувончи узоққа чўзилмайди: Кришнадан руҳий илмни ўрганиб, Аржун албатта тўла ғалабага эришгунча жанг қилади.

10. *там увача хришекешах прахасанн ива бхарата*

*сенайор убхайор мадхйе вишидантам идам вачах*

***Эй Бхарат авлоди, шунда Кришна икки қўшин ўртасида туриб, қаттиқ изтироб домига тушган Аржунга юзланди ва табассум билан гапира бошлади.***

Изоҳ: Бу суҳбат икки яқин дўст - *Хришикеша* билан *Гудакешанинг* суҳбати эди. Ўзаро дўст бўлгани учун улар шу пайтгача тенг ҳуқуқли кишилар сифатида суҳбатлашаётган эдилар, лекин, энди уларнинг бири ўз хоҳиши билан иккинчисининг шогирди бўлди. Кришна дўсти Ўзининг шогирди бўлишга қарор қилганидан кулаётган эди. Барча тирик мавжудотларнинг ягона Парвардигори сифатида Кришна ҳамиша энг буюк мартабали Зот ва У ҳар бир тирик мавжудотни бошқариб туради. Шунга қарамай, У Ўзини ҳар хил қиёфаларда қўришни истаган содиқларига дўст, ўғил ёки севгили ошиқ бўлишга рози бўлади. Ҳозир эса, содиқ хизматкори Уни ўзининг руҳий устози қилиб танлаганида, Парвардигор дарров унинг истагини бажариб, руҳий устоз сингари унга жиддий оҳангда гапира бошлади. Шу ердагиларнинг барчаси бундан ўзларига хулоса чиқариб олишлари учун устоз билан шогирднинг суҳбати очикдан-очик, жанг майдонида, рақиб қўшинлар ўртасида бўлиб ўтяпди. Шундай қилиб, "Бҳагавад-Гита"нинг ўгитлари фақат муайян



танлаб одинган бир киши ёки алоҳида бир гуруҳ одамлар учун эмас, балки бутун инсоният учун - дўстларга ҳам, душманларга ҳам баробар мўлжалланган насихатлардир.

11. *шири-бхагаван увача*  
*ашочйан анвашочас твам праджна-вадами ча бхашасе*  
*гатасун агатасуми ча нанушочанти пандитах*

***Парвардигор деди: Доно гапларни гапира туриб, ўзинг ачинишга арзимайдиган нарсалар учун изтироб чекяпсан. Ҳақиқий донишмандлар ўликлар учун ҳам, тириклар учун ҳам азият чекмайдилар.***

Изоҳ: Кришна дарров устоз вазифасини бажаришга киришиб, шогирдининг нодонлигини кўрсатиб қойий бошлади. "Сен донишмандларга ўхшаб гапирасан - дейди Парвардигор - лекин илмли киши тана билан рухнинг фарқини яхши билгани сабабли, ҳеч қачон тирик ёки ўлик танани қайғуриб изтироб чекмаслигини билмайсан!" Кейинги боблардан билиб оламизки, "илм олиш" деганда - рух билан тананинг табиатини, шунингдек, уларни бошқариб турган Зотни ўрганиш тушунилади. Аржун, дин қонунларига риоя қилиш - сиёсат ёки жамият манфаатларидан устун туради, деб айтган эди, лекин модда, рух ва Худо ҳақидаги илм ҳатто диний қонун-қоидалардан ҳам устун туришини у ҳали билмасди. Шуни билмай туриб, у ўзини билимдон, донишманд қилиб кўрсатмаслиги керак эди. Етарли илмга эга бўлмай туриб у қайғуришга арзимайдиган нарсалар учун изтироб чекяпти. Биз ҳозир эга бўлиб турган танамиз эртами-кечми барибир ўлиб кетади, шунинг учун у мангу руҳдай кадрқийматга, муҳим аҳамиятга эга эмас. Шуни яхши тушунган одам ҳақиқий билимдон киши ҳисобланади ва у моддий танаси қандай шароитга тушиб қолишидан қатъий назар ҳеч қачон азият чекмайди.

12. *на тв эвахам джату насам на твам неме джанадхипах*  
*на чаива на бхавишйамах сарве вайам атах парам*

***Мен, сен ва мана бу шоҳлар мавжуд бўлмаган вақт ҳеч қачон бўлган эмас, келажакда ҳам бизларнинг бирортамиз яшашни тарк этмаймиз.***

Изоҳ: Ведавий битикларда, масалан "Катха-упанишад" да ва "Шветашватара-упанишад" да айтилганки, Парвардигор ҳар турли ва хилма-хил қиёфалардаги сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Уларнинг кўрсатган фаолиятини, шу фаолиятнинг оқибатини эътиборга олиб, уларнинг ҳар бирини ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб туради. Парвардигор Ўзининг моддий оламда намоён бўлган тўлиқ қиёфаси кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Ягона Пар-

вардигорни ўз қалбида ҳам, ташқарида ҳам кўришга кодир бўлган авлиё инсонларнинг қалби ҳамиша хотиржам ва осойишта бўлади.

*нитийо нитийанам четанаи четананам  
эко бахунам йо видадхати каман  
там атма-стхам йе нупашианти дхирас  
тешам шантиху шашвати нетарешам*

(Катха-упанишад 2.2.13)

Жаҳонда ҳар бир инсон, шу жумладан, жуда оз илмга эга эканига қарамай ўзларини “буюк олим” деб ҳисоблаб юрган ғофил одамлар ҳам ўрганиб фойдалансин деган ниятда, Кришна ведавий донишмандлик илмини атайлаб Аржунга баён этган. Парвардигор аниқ айтяптики, Унинг Ўзи, Аржун ва жанг майдонида тўпланган шохларнинг барчаси алоҳида-алоҳида, мангу мавжуд бўлган рухлардир. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг - шартланган ва озод рухларнинг - мангу посбони. У - мангу олий шахс, Аржун эса - Парвардигорнинг мангу ҳамроҳи, жанг майдонида тўпланган шохлар - Парвардигорга қарам бўлган алоҳида мангу шахслардир. Улар аввал алоҳида шахс бўлмаган, ўлгандан кейин яна йўқолиб кетади деб ўйлаш нотўғри. Уларнинг алоҳида мавжудлик ҳолати ҳеч қачон узилиб қолмайди. Шу боис бирор тирик мавжудотнинг бу дунёда изтироб чекишига ҳеч қандай сабаб бўлиши мумкин эмас.

Ведаларнинг энг буюк билимдони Кришна бу ерда *майявадилар* таълимоти инкор этяпти. Майявадилар: “Ҳозир вақтинча алданиш пардаси қоплаб олган алоҳида рухлар озодликка чиққандан кейин шахсиятсиз Браҳманга қўшилиб кетадилар ва ўзларининг алоҳида шахс хусусиятини йўқотадилар” деб ҳисоблайдилар. “Шартланган рухнинг алоҳида шахс экани - хом хаёл, алданиш” деган гапларни Кришна инкор этяпти. Худо Шахси ҳам, бошқа тирик мавжудотлар ҳам ўзининг алоҳида шахс хусусиятини ҳеч қачон йўқотмаслигини, келажакда ҳам албатта сақлаб қолаверишини Кришна аниқ-равшан айтяпти. Бу Упанишадаларда ҳам тасдиқланади. Кришнанинг гаплари ишончли, чунки У ҳеч қачон ғофиллик таъсирига берилмайди. Агар тирик мавжудотлар алоҳида рух, яъни шахс бўлмаганида, Кришна келажакни ҳам алоҳида таъкидлаб айтиб ўтирмаган бўларди. Файласуф-майявади, Кришна рухий алоҳидаликни эмас, моддий алоҳидаликни айтяпти, деб эътироз билдириши мумкин. Лекин, ҳатто биз агар унинг бу эътирозини қабул қилсак ҳам, Кришнанинг алоҳидалиги барибир бошқа шахсларнинг алоҳидалигидан фарқ қилиши ошқора қолаверади. Кришна Ўзининг аввал ҳам шахс бўлганини, кейин ҳам шахслигича қолишини айтяпти. Парвардигор такрор ва такрор айтяптики, У - шахс, шахсиятсиз Браҳман эса, унинг ҳукми остида. Бошқача қилиб айтганда, Кришна ҳамиша рухий шахс бўлиб қолаверади. Агар Уни алоҳида онга эга бўлган оддий шартланган рух деб қабул қилсак, Унинг айтган “Бхагавад-Гита”си ишонарли, мўътабар муқаддас китоб сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Ҳар бир инсонга

муқаррар хос бўлган тўрт турли нуқсонга эга бўлган оддий одам ҳеч қачон ўзига ўхшаган одамларнинг эътиборига лойиқ бўлган ҳақиқий илм ярата олмайди. "Бҳагавад-Гита" оддий одамлар ёзадиган асарлардан устун туради. Бирор дунёвий асар "Бҳагавад Гита"га тенглаша олмайди. Кришнани "оддий инсон" деб қабул қилаётган кишилар учун "Бҳагавад-Гита"нинг ҳеч қандай кадри қолмайди. Майявади-файласуфлар "бу ерда кўпчиликнинг кўрсатилиши - шартли, У моддий таналарни назарда тутган" дейдилар. Лекин, бундан аввалги шеърда Кришна ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларни инкор этган эди. Шундан кейин Унинг Ўзи моддий тасаввурга асосланган ўткинчи таналар ҳақида гапириши мумкинми? Шундай қилиб, бу ерда айтилаётган алоҳидалик - шахсларни, яъни, руҳий шахсларни назарда тутяпти, буни Рамануджачарйа сингари барча буюк ачарйалар тасдиқлайдилар. "Бҳагавад-Гита"нинг жуда кўп шеърларида, руҳнинг алоҳида шахс эканини, унинг моҳиятини фақат Худонинг содиқлари англашга қодир, деб кўрсатилган. Кришнага ҳасад қиладиган ёки Унинг Худонинг Олий Шахси эканига нафрат кўзи билан қарайдиган кишилар, бу буюк асарнинг мазмунини англаб олишга қодир эмаслар. "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини тушунишга уринаётган иймон-эътиқодсиз кишини, худди асал солинган идишнинг сиртида юрган асаларига ўхшатиш мумкин. Асалнинг таъмини билиш учун идишнинг ичига тушиш керак. Шунга ўхшаб "Бҳагавад-Гита"нинг сирли илмини фақат Худонинг содиқ хизматкорлари англай оладилар. Бу асарнинг тўртинчи бобида айтилганидай, бошқа ҳеч ким унинг илоҳий лаззатини сеза олмайди.

Худо Шахси, ягона Парвардигор ҳақиқатан ҳам мавжуд эканига иймон келтирмаган, Унга ишонмайдиган одамлар "Бҳагавад-Гита"га ҳатто қўлини ҳам теккизмаслиги керак. Файласуф-маявадилар ўзларининг нотўғри изоҳлари билан "Бҳагавад-Гита"да берилган Ҳақиқат илмини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборадилар. Чаитанйа Махапрабҳу бизларга файласуф-майявадиларнинг "Бҳагавад-Гита"га ёзган изоҳларини ўқимасликни буюрган. У огоҳлантириб айтганки, майявадиларнинг фалсафасини қабул қилган киши "Бҳагавад-Гита"нинг маҳфий сирини англай олмайди. Агар Парвардигор унда фақат моддий оламда мавжуд бўладиган алоҳидалик ҳақида гапирган бўлса, Унинг берган насиҳатлари ўз-ўзидан кераксиз бўлиб қолган бўларди. Алоҳида шахс билан Парвардигор орасида мавжуд бўлган фарқ мангу ҳақиқатдир, бу барча ведавий адабиётларда тасдиқланади.

13. *дехино "смин йатха дехе каумарам йауванам джара татха дехантара-праптитр дхирас татра на мухйати*

***Тана ичига кирган руҳ аста-секин ёш бола танасини ўспирин танасига, кейин уни кекса чол танасига алмаштиради, худди шундай, тана ўлгандан кейин руҳ бошқа танага ўтади. Бундай ўзгаришлар чуқур фикрлай оладиган кишини ташвишга солмайди.***

Изох: Моддий тана ичидаги ҳар бир тирик мавжудот алоҳида руҳдир, унинг моддий танаси аста-секин ўзгариб боради: гўдак ёш бола бўлади, ёш бола аста-секин ўспиринга, йигитга, кейин эса, кекса чолга айланади. Лекин, руҳнинг ўзи ўзгаришсиз қолаверади. Тана ҳалок бўлгандан кейин руҳ бошқа танага ўтади. Кейинги ҳаётида тирик мавжудот албатта руҳий ёки моддий танага эга бўлади, шу боис Бҳишма билан Дроначарйаларнинг муқаррар ўлимини қайғуриб, Аржун бекорга изтироб чекаётган, бекорга ташвишланаётган эди. Аксинча, Аржун уларнинг ҳозирги кекса танасини ташлаб янги, куч-қудратга тўла ёш тана олишидан қувониши керак. Тана алмаштириш - аввал қилган ишлари оқибатида тирик мавжудотга ҳар хил қувонч ва изтироблар келтиради, Бҳишма ва Дроначарйа сингари олийжаноб зотлар кейинги ҳаётида албатта руҳий танага эга бўладилар ёки ҳеч бўлмаса жаннатий сайёралардаги самовий зотлар танасига эга бўладилар. У жойда моддий лаззатланиш имконияти Ердагига қараганда анча юқори. Шундай экан ҳар қандай ҳолатда ҳам Аржуннинг изтироб чекишига мутлақо асос йўқ.

Алоҳида руҳнинг, Олий Руҳнинг, моддий ва руҳий оламларнинг табиатини англаб етган кишини *дхир*, яъни "одамлар орасида чуқур фикр юрита оладиган киши" деб атайдилар. Шундай кишини таналарни бетиним алмашлаб туриш жараёни ташвишга солмайди.

Майявадиларнинг мангу руҳнинг ягоналиги ҳақидаги таълимоти нотўғри, чунки, руҳни бўлақларга бўлиб бўлмайди. Парвардигорни ана шундай алоҳида руҳларга, бўлақларга бўлиш - Уни бўлинадиган ва ўзгарувчан қилиб қўйган бўларди, бу эса, Олий Руҳнинг "ўзгармас ва бўлинмас" сифатларига тўғри келмайди. "Бҳагавад-Гита" Парвардигорнинг алоҳида заррачалари мангу мавжуд эканини тасдиқлайди ва уларни "*кишара*" деб атайди, бу эса уларнинг юқоридан моддий унсурлар салтанатига тушиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. Бу заррачалар Парвардигордан фарқ қилади, улар мангу, алоҳида, ҳатто озодликка чиққандан кейин ҳам алоҳида руҳ ҳолида - аввалгидай, Унинг алоҳида заррачаси бўлиб қолаверадилар. Лекин, моддий тутқунликдан халос бўлиб, улар лаззат ва илмга тўла мангу ҳаётга, Худо Шахси билан бевосита шахсий мулоқотда бўлиш имконига эга бўладилар.

Олий Руҳ, яъни ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма алоҳида руҳдан, алоҳида тирик мавжудотдан фарқ қилади. Буни ойнадаги акс тасвир мисолида тушунтириш мумкин. Осмон сувнинг юзида акс этганида, сувнинг юзида Қуёш, Ой ва юлдузларни кўриш мумкин. Юлдузларни тирик мавжудотларга, Қуёш ёки Ойни эса Парвардигорга ўхшатиш мумкин. Аржун - Худо Шахсининг бир заррасини, алоҳида руҳни ифодалайди, Олий Руҳ эса - Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси. Уларнинг ҳолати, даражаси бир-бирига тенг эмас, бу ҳақда тўртинчи бобнинг бошида ҳикоя қилинади. Агар Аржун Кришна билан тенг ҳолатда бўлса, Кришна Ўзини юқори даражада тутмаган бўлар, уларнинг устоз ва шогирд муносабати ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қоларди. Агар улар иккови ҳам алдамчи қувват - *майя* таъсири остида бўлса, уларнинг бири устоз, бири шогирд бўлмаслиги

керак эди. Ундай устознинг ўғитлари ҳеч кимга ҳеч қандай фойда бермаган бўларди, чунки *майя*(алданиш) таъсирида юрган кишини ҳақиқий руҳий устоз деб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Кришна - Худонинг Олий Шахси, У *майя* таъсирига тушиб, ўзининг руҳий ҳолатини эсидан чиқариб қўядиган оддий тирик мавжудотни ифодаловчи Аржунга нисбатан юқори даражада турган илоҳий Зотдир.

14. *матра-спаршас ту каунтейа шитошна-сукха-дуккха-дах  
агамапайино нитйас тамс титикишасва бхарата*

***Эй Кунтининг ўгли, худди ёз билан қиш сингари, бахт ва мусибат навбат билан келиб-кетаверадилар. Улар сезги аъзоларининг сезиладиган нарсалар билан ўзаро бирикиши натижасида юзага келади. Эй Бхарат авлоди, шу боис ҳаммиша хотиржам қолган ҳолда, уларга чидам билан сабр қилишни ўрганиш керак.***

Изоҳ: Ўз бурчини сидқидилдан бажарган ҳолда, инсон ҳаётда вақтинчалик келиб кетадиган бахт ва мусибатларга чидам билан сабр қилишни ўрганиши керак. Инсон ҳаммиша пок, ҳалол юриши учун Ведаларда ҳар куни, ҳатто *магхи*(январ) ойида ҳам, эрталаб албатта ювиниб покланиш тавсия этилган. Гарчи йилнинг бу фаслида эрталаб сув жуда совуқ бўлса ҳам, диний қоидаларга қатъий амал қиладиган киши ҳар куни эрталаб албатта сувда чўмилади, шу тарика покланиб у ҳаммиша ҳалол юради.

Худди шунингдек, уй бекаси ҳатто ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳам, қанчалик қийин бўлишига қарамай, ўчоққа ўт ёқиб овқат пиширади. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз бурчини ҳалол бажариб яшаши лозим. Худди шунингдек, кшатрийнинг вазифаси - жанг қилиш, адолат йўлида ҳатто дўсти ёки қариндошларига қарши жанг қилишга тўғри келса ҳам кшатрий албатта жанг қилиши шарт. Мукаммал илмга эга бўлиш учун ҳар бир инсон ҳаётда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаши лозим, чунки фақат мукаммал илмга эга бўлиш ва Худога садоқат билан ўз ихтиёрини топшириш туфайлигина алданиш, *майя* чангалидан озодликка чиқиш мумкин. Аржунга мурожаат қилар экан, бекорга Кришна уни икки хил исм билан атаётгани йўқ. *Каунтея* дегани унинг она тарафдан олийжаноб зотлар наслидан эканини, *Бхарата* номи эса, ота тарафдан буюк авлод сулоласига мансуб эканини билдиради. Шундай қилиб, ҳар иккала тарафдан ҳам Аржуннинг авлодлари буюк зотлар эди. Ана шундай буюк мартабали зотлар насабига мансуб бўлиш Аржунга ўз бурчини виждон билан бажариш маъсулиятини юклайди, шунинг учун у жанг қилишдан бош тортмаслиги керак.

15. *йам хи на вйатхайантй эте пурушам пурушаршабха  
сама-дуккха-сукхам дхирам со”мритатвайя калпате*

**Эй инсонлар ичида аълоси, шодлик ва қийинчиликлар мувозанатдан чиқара олмайдиган, ҳамиша ўзгармасдан бир хилда хотиржам қоладиган киши ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишга муносиб зотдир.**

Изоҳ: Рухий ўзликни англашнинг олий даражасига эришишга қатъий қарор қилган, бахт кулиб боққанда ҳам, мусибат келганда ҳам хотиржам, осойишта қоладиган зотлар шубҳасиз, озодликка чиқишга муносиб зотлардир. *Варнаш-рама* тизимидаги турмуш тарзининг тўртинчи поғонаси *саннийаса* (таркидунёлик) - жуда кўп қийинчилик ва ноқулайликларга тўла. Лекин, рухий баркамолликка эришишга қатъий қарор қилган киши ҳеч нарсадан кўрқмасдан, албатта *саннийаси* турмуш тарзига ўтади. Ундаги асосий қийинчилик хотин, бола-чақани тарк этиб, улар билан қариндошлик ришталарни узиш билан боғлиқ. Лекин, шу қийинчиликларни енгиб ўта олган киши албатта рухий юксалиш йўлида олий мақсадга эришади - ўзининг рухий табиатини англаб етади. Шунга ўхшаб, Кришна Аржунга ўзининг кшатрийлик бурчини сидқидилдан бажаришни, яқинлари ва қариндошлари билан жанг қилиш осон бўлмаса ҳам, ўз бурчидан воз кечмасликни маслаҳат беряпти. Чаитанья Махапрабху йигирма тўрт ёшида *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилган эди. Ўша пайтда ёш хотини ҳамда кекса онаси ҳали Унинг қармоғида бўлиб, Ўзидан бошқа уларнинг ҳеч кими йўқ эди. Лекин ҳаётда энг олий мақсадга эришиш ниятида Чаитанья Махапрабху *саннийаси* турмуш тарзи билан яшашга муқаддас қасам ичиб, Ўзининг янги, аввалгидан анча юқори рухий поғонадаги вазифаларини бенуқсон бажара бошлади. Моддий тутқунликдан озодликка чиқиш йўли шундай.

16. *насато видйте бхаво набхаво видйатах  
убхайор апи дришито "нтас тв анайос таттва-даршибхих*

**Ҳақиқатни англаб етган донишмандлар мавжуд бўлмаган зот(моддий тана)нинг - ўткинчи, мангу мавжуд зот(руҳ, эсон) эса - ўзгармас, деган қарорга келганлар. Улар буларнинг ҳар иккисининг ҳам табиатини чуқур ўрганиб шундай хулосага келганлар.**

Изоҳ: Бизнинг ҳамиша ўзгариб турадиган танамиз мангу мавжуд бўлолмайди. Замонавий табобат хулосаларига кўра танадаги ҳужайралар ҳар лаҳза сайин алмашишиб туради; мана шу алмашишлар ўсиш ва кексайиш жараёнини ифодалайди. Лекин, тана ва ақлда рўй бериб турадиган турли ўзгаришларга қарамай, мангу руҳ ҳамиша ўзгармай қолаверади. Модда ва руҳ орасидаги фарқ шундан иборат. Асл табиатига кўра, тана - ўзгарувчан, руҳ эса - мангу. Имперсоналист ёки персоналист бўлишидан қатъий назар, ҳақиқатга эришган ҳар бир инсон ана шундай хулосага келади. "Вишнупурана"(2.12.38)да айтилганки, Вишну ва Унинг даргоҳида яшайдиган зотлар

руҳий табиатга эга бўлиб, ўзларидан нур таратиб туради(*дэжйотимши вишнур бхуванани вишнур*). "Мангу мавжуд" ибораси шубҳасиз руҳга, яъни жонга нисбатан, "мавжуд бўлмаган" ибораси эса - моддага нисбатан айtilган. Буни ҳақиқатга эришганларнинг ҳаммаси тасдиқлайдилар.

Бу дунёда ғофиллик қувватининг таъсири остида адашиб юрган барча шартланган руҳларга Парвардигорнинг бераётган насихатлари шундан бошланади. Ғофиллик пардасини кўтариш - сифинадиган зотлар ва улар сифиниб юрган Зот орасидаги мангу муносабатларни қайта тиклаш, яъни, Парвардигор ва Унинг заррачалари бўлган тирик мавжудотлар орасидаги фарқни англаб етишдан иборат. Инсон ўзини чуқур ўрганиш ёрдамида Парвардигорнинг табиатини англаб олиши мумкин: Парвардигор - тўла бутун, алоҳида тирик мавжудотлар - унинг таркибий заррачаларидир. "Шримад Бхагавадам"да ҳам, "Веданта-сутра"да ҳам Парвардигор "бутун борлиқнинг бошланғич манбаи" деб аталган. Ундан чиққан ҳар бир нарса ё Унинг олий табиатига ёки Унинг қуйи табиатига мансуб бўлади. "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобидан маълум бўладики, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб. Гарчи қувват манбаи билан қувват бир-биридан фарқ қилмаса ҳам, қувват ҳамиша қувват манбаига нисбатан қарам, бўйсунган ҳолатда бўлади. Демак, худди хизматкор - хўжайинига, шогирд - устозига бўйсунгани сингари, тирик мавжудотлар ҳамиша Худога қарам, бўйсунган ҳолатда бўладилар. Лекин, ғофиллик таъсирига тушиб қолган киши бу ҳақиқатларни англаб етишга қодир эмас, шунинг учун Парвардигор ҳамма замонлардаги барча тирик мавжудотларга шу илоҳий илмни ўргатиш мақсадида "Бхагавад-Гита"ни ҳикоя қилиб берган.

*17. авинаши ту тад виддхи йена сарвам идам татам  
винашам авйайасйасйа на кашчит картум архати*

***Билиб қўй: моддий танага сингиб кетган зот(руҳ, жон) - бузилмасдир. Ўлмас руҳни ҳеч ким яксон қилолмайди.***

Изоҳ: Бу ерда бутун танага сингиб кетган руҳнинг ҳақиқий табиати батафсил тушунтирилган. Биз бутун танамизга сингиб кетган нарсани англай оламиз - онг танамизни бутунлай қамраб олган. Ҳар бир инсон бутун вужуди билан ёки унинг бирор қисми билан оғриқни ёки ёқимли нарсаларни сезиши мумкин. Алоҳида руҳнинг ҳаракат доираси ўзининг мана шу битта танаси билан чекланган. Бир тана ҳис қилиб турган оғриқ ёки лаззатни бошқа бир тана ҳис қилолмайди. Мана шу - ҳар бир танада алоҳида руҳ мавжуд эканидан далолат беради. Унинг мавжудлиги танада алоҳида онгнинг мавжудлиги билан исботланади. Шастраларда айтилишича, руҳнинг ўлчами майда соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига тенг. "Шветашватара-упанишада"да (5.9) бу ҳақда шундай дейилган:

*балагра-шата-бхагасйа*

*шатадха калпитайсйа ча  
бхаго дживах виджнейах  
са чанантйайа калпате*

"Агар соч толасининг учини юз бўлакка бўлсак, кейин улардан бир бўлагини олиб, яна юз бўлакка бўлсак, ҳосил бўлган бўлакнинг ўлчами мангу руҳнинг ўлчамига тенг бўлади".

Бошқа шеърда ҳам шу ҳақда гапирилади:

*кешагра-шата-бхагасйа  
шатамшах садришатмаках  
дживах сукима-сварупо "йам  
санкйатито хи чит-канах*

"Руҳий заррачаларнинг сон-саноғи йўқ, уларнинг ҳар бирининг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига тенг".

Шундай қилиб, алоҳида руҳ ўлчами моддий атомдан ҳам кичик бўлган руҳий заррача бўлиб, ундай заррачаларнинг сон-саноғи йўқ. Ана шу кичкина руҳий заррача, руҳий учқун(жон) - моддий танани ҳаракатга келтириб турган куч манбаи бўлади. Худди кучли дорининг таъсири бутун танага таралгани сингари, руҳ(жон)нинг қуввати ҳам бутун танани қамраб олган. Мангу руҳнинг таъсири тананинг ҳар бир нуктасида сезилиб туради, яъни, руҳ танада онг қўринишида намоён бўлади. Онг танада руҳ(жон) мавжудлигини исботлайди. Ҳатто энг содда, ғофил одам ҳам онгидан маҳрум бўлган тана ўлик эканини тушунади. Агар онг танани тарк этса, унинг ичига қанча дори ёки бошқа нарсалар киритманг, уни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Демак, онгнинг манбаи - моддий унсурлар бирикмаси эмас, балки мангу руҳ(жон)дир. "Мундака-упанишад"да(3.1.9) кичик заррача бўлган руҳ(жон)нинг ўлчами ҳақида шундай дейилган:

*эшо "нур атма четаса ведитавйо  
йасмин пранах панчадха самвивеша  
пранаши читтам сарвам отам праджанам  
йасмин вишуддхе вибхаватй эша атма*

"Алоҳида руҳнинг ўлчами атомдан катта эмас, унинг мавжудлигини фақат мукамал тафаккур сеза олади. Ҳавонинг беш оқими(*прана, апана, вьяна, самана ва удана*)да айланиб юрадиган бу руҳий заррача(жон, руҳ) юракда жойлашган бўлиб, тирик мавжудотнинг бутун танасини бошқариб туради. Руҳ(жон) моддий ҳавонинг беш оқимининг қўпол таъсир(иллат)идан бугунлай покланганида, ўзининг руҳий табиатини тўла намоён этади".

Хатга-йоганинг мақсади ҳар хил жисмоний машқлар ёрдамида пок руҳни ўраб турган ҳавонинг беш оқимини бошқаришни ўрганишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси қандайдир моддий манфаат учун эмас, аксинча руҳни



моддий тутқунликдан озодликка чиқариш мақсадида амалга оширилади.

Шундай қилиб чексиз кичик заррача, яъни, руҳнинг табиати Ведаларда батафсил ёритилган, унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини эса, ҳар бир соғлом фикрли кишининг ўзи яққол сеза олади. Фақат ақлсиз, калтафаҳм аҳмоқ одамгина “бу руҳий зарра - ҳамма ерда мавжуд бўлган *вишну-таттва* дир” деб ўйлаши мумкин.

Алоҳида руҳ ўз таъсирини тананинг ҳамма жойига ўтказа олади. "Мундака-упанишад"га асосан руҳ тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган, аммо дунёвий олимлар уни топа олмагани, баъзилари эса - ғофиллиги сабабли “руҳ(жон) мавжуд эмас” деб ўйлайдилар. Шубҳа йўқки, чексиз кичик ўлчамли алоҳида руҳ Олий Руҳ билан бирга тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган, шунинг учун танани ҳаракатга келтириб турадиган қувватнинг манбаи - айнан юрак ҳисобланади. Ўпкада кислород билан тўйинадиган қон таначалари руҳдан қувват оладилар. Руҳ танани тарқ этиб кетганида қон айланиши ҳам тўхтаб қолади. Тиббиёт соҳасидаги олимлар инсон ҳаётида қизил қон таначаларининг аҳамияти катта эканини тан оладилар, лекин уларни ҳаракатга келтириб турган қувватнинг манбаи руҳ(жон) эканини аниқлай олмайдилар. Аммо, шу қувватнинг манбаи юракда эканини улар ҳам тан оладилар.

Рухий табиатга эга бўлган тўла-бутуннинг кичкина заррачаларини баъзан қуёш нурунинг энг кичик таркибий қисмлари бўлган корпускулаларига ўхшатадилар. Қуёш нурунинг таркиби ўзидан нур таратиб турадиган алоҳида-алоҳида сон-саноксиз корпускулалардан иборат. Худди шундай, Парвардигорнинг ажралган заррачалари ҳам - Унинг олий қуввати ҳисобланган ёғдуси(*прабха*)нинг кичик-кичик, алоҳида-алоҳида заррачаларидир. Шундай қилиб, ведавий файласуфлар ҳам, замонавий олимлар ҳам тананда руҳнинг мавжуд эканини инкор этишга ҳеч қандай асос тополмайдилар. Руҳ ҳақидаги илм эса, Худо Шахсининг Ўзи баён этган "Бҳагавад-Гита"да батафсил тушунтирилган.

18. *антаванта име деха нитйасйоктаҳ шариринаҳ  
анашино прамейасйа тасмад йудхйасва бхарата*

***Мангу, яксон бўлмайдиган ва ўлчаб бўлмайдиган тирик мавжудотнинг моддий танаси ўлимга маҳқум. Шунинг учун, эй Бхарат авлоди, жанг қил!***

Изоҳ: Моддий тана ўзининг табиатига кўра ўткинчи. У туғилган захотими, юз йилдан кейинми - барибир ўлади; тана учун ўлим муқаррар. Унинг қачон ўлиши, шунчаки вақтнинг ўтишига боғлиқ бўлган нарса, холос. Тана мангу мавжуд бўлиб туролмайди. Лекин тананинг ичидаги руҳ шу қадар ингичка, кичик заррачаки, ҳеч қандай душман уни ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто излаб топишга ҳам қодир эмас. Аввалги шеърда айтилганидай, руҳнинг ўлчами шу

қадар кичкинаки, уни ҳеч ким ҳатто ўлчай олмайди. Ҳар ҳолда биз руҳ ҳақида қайғурмасак ҳам бўлади, чунки тирик мавжудотни ўлдиришнинг иложи йўқ, моддий танани эса, муқаррар ўлимдан ҳатто озгина вақтга ҳам ҳимоя қилишнинг иложи йўқ. Тўла бутун руҳий Зотнинг чексиз кичик заррачаси бўлган алоҳида руҳ(жон) ўзининг олдинги ҳаётида қилган ишлари оқибатида моддий танага эга бўлади, шу боис ҳар бир соғлом фикрли киши Худонинг қондаларига амал қилиб яшаши лозим. "Веданта-сутра"даги маълумотларга кўра тирик мавжудотнинг табиати ёруғликнинг табиатига ўхшайди, чунки у олий нурнинг бир заррачасидир. Худди Куёш ўз нурлари билан бутун коинот ҳаётини таъминлаб тургани сингари, руҳдан таралиб чиқаётган шуъла ҳам моддий тананинг ҳаётини таъминлаб туради. Руҳ танани тарк этган заҳоти тана бузила бошлайди, демак моддий тананинг ҳаётини айнан руҳ таъминлаб туради. Тананинг ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас. Шунинг учун, Кришна Аржунга жанг қилишни, ҳаётга тана нуқтаи-назаридан қарайдиган нотўғри тасаввурга асосланган дунёвий муносабатларни ўйлаб, мангу дин қонун-қондаларини бузмасликни маслаҳат берапти.

19. *йа энам ветти хантарам йаши чаинам манйате хатам  
бххау тау на виджанито найам ханти на ханйате*

***Тирик мавжудотни “қотил” деб ўйлаган киши ҳам, уни “ўлдириш мумкин” деб ўйлайдиган киши сингари илмсиз зофил одамдир, чунки руҳ ўлдирмайди ва уни ўлдириб ҳам бўлмайди.***

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг танаси қандайдир қурол таъсиридан ҳалок бўлганида тана ичидаги руҳ тириклигича қолаверади. Руҳ шу қадар кичкинаки, уни ҳеч қандай қурол ёрдамида ўлдириб бўлмайди, бу ҳақда биз кейинги шеърлардан билиб оламиз. Тирик мавжудотни умуман ўлдириб бўлмайди, чунки у ўз табиатига кўра мангу руҳий заррача. Фақат моддий танани ўлдириш мумкин. Лекин бундан: “Ведаларда тирик жониворларни ўлдириш қўллаб-қувватланади” - деган хулоса чиқармаслик керак. Ведаларда шундай кўрсатма бор: *ма химсйат сарва бхутани* - "Бирор тирик мавжудотга зулм қилмаслик керак". Ўз нафси учун ҳайвонларни ўлдириб, гўштини еб юрган одамларнинг қилаётган гуноҳларини: “Барибир тирик мавжудотни ўлдиришнинг иложи йўқ-ку!” - дейиш билан оқлаб бўлмайди. Худонинг руҳсатисиз ҳар қандай танани ўлдириш - оғир жиноят, гуноҳ ҳисобланади ва ҳам давлатнинг, ҳам Худонинг қонунлари бўйича албатта жазоланади. Лекин, бу ерда Аржун шахсий ниятини амалга ошириш учун эмас, ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун жанг қилиши лозим.

20. *на джайате мрийате ва кадачин  
найам бхутва бхавита ва на бхуйах  
аджо нитйах шаивато “йам пурано*

***Рух туғилмайди ва ўлмайди. У ҳеч қачон пайдо бўлмаган, пайдо бўлаётгани йўқ ва пайдо бўлмайди. У туғилмаган, мангу, ҳамиша мавжуд ва азалий зот. Тана ўлганда ҳам рух ўлмай қолади.***

Изоҳ: Олий рухнинг чексиз кичик заррачаси сифат жиҳатидан Парвардигордан фарқ қилмайди. Ўзининг мавжудлик даврида ҳар бир моддий тана албатта босиб ўтишга мажбур бўлган ўзгариш босқичлари мангу ўзгармас рухга таъсир қилмайди. Баъзан рухни кўзғалмас(*қута-стха*) деб айтадилар. Ўзининг мавжудлик даврида тана олти хил ўзгариш босқичлари орқали ўтади: 1. Туғилади; 2. Ўсиб ривожланади; 3. Бироз вақт ўсишдан тўхтаб туради; 4. Насл қолдиради; 5. Сўлий бошлайди; 6. Ҳалок бўлади. Лекин рух ҳеч қандай ўзгаришларга маҳкум эмас. Рухни “туғилмаган” деб атайдилар, лекин, моддий тананинг ичида бўлгани сабабли, рух ҳам модда билан бирга туғилгандай бўлиб туюлади. Аслида тананинг ичидаги рух туғилмайди ҳам, ўлмайди ҳам. Туғиладиган ҳар бир зот ўлишга маҳкум. Аммо туғилмаган бўлгани сабабли, мангу рух учун “ўтмиш”, “ҳозир” ва “келажак” деган тушунчалар мавжуд эмас. У мангу, ҳамиша мавжуд ва азалий зот. Бошқача қилиб айтганда, рухнинг моддий оламга, бу дунёга келган вақтини аниқлашнинг иложи йўқ. Гофиллигимиз туфайли ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввуримизни рухга ҳам қўллаётганимиз сабаблигина унинг қачон пайдо бўлганини аниқлашга уринамиз. Танадан бутунлай фарқ қилган ҳолда, рух ҳеч қачон қаримайди. Шунинг учун баъзан кексалар ҳам ўзларини худди ёш болалардай тутадилар. Рух ҳеч қачон дарахт ёки бошқа бирор моддий нарсага ўхшаб сўлиб қолмайди. Шунингдек, у насл ҳам қолдирмайди. Моддий танамиздан пайдо бўлган фарзандларимиз алоҳида мавжуд рухлардир, улар бизнинг танамиз билан боғлиқ бўлгани учунгина биз уларни "фарзанд" деб ҳисоблаймиз. Ичида рух мавжуд бўлгани туфайлигина тана ривожланади, аммо рухнинг ўзи ҳеч қандай насл қолдирмайди, ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди. Шундай қилиб рух(жон), тана учрайдиган олти хил ўзгаришлар орқали ўтмайди.

"Катха-упанишад"(1.2.18)да ҳам шунга ўхшаш шеър бор:

*на джайате мрийате ва випашчин  
найам куташичин на бабхува кашичит  
аджо нитйах шашивато "йам турано  
на ханйате ханйамане шарире*

Бу шеърнинг мазмуни моҳияти "Бҳагавад-Гита"нинг юкорида келтирилган шеъри билан бир хил, лекин бу ерда муҳим аҳамиятга эга бўлган "*випашчит*" ибораси ишлатилган. Бу ибора "илмли, илмга эга" деган маънони англатади.

Рух илмга тўла, яъни, у хамиша онгли. Онг - руҳнинг ажралмас хосса-сидир. Биз, гарчи руҳ жойлашган юракдан руҳни топа олмасак ҳам танамизда онг мавжудлигидан руҳ(жон) ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Осмонни булут қоплаганда ёки бошқа бирор тўсиқ бўлганда биз қуёшни кўролмастимиз мумкин. Лекин, теварак атрофнинг ёруғ бўлиб турганига қараб, ҳозир кундуз эканини, яъни, қуёш осмонда эканини англаб оламиз. Эрта тонгда кун ёриша бошлаганда қуёш чиқиб келаётганини тушу-намиз. Худди шунингдек, ҳар бир танада мавжуд бўлган онг - инсон танаси-да, ҳайвон танасида албатта руҳ(жон) мавжудлигидан далолат беради. Лекин, алоҳида руҳнинг онги Худо Шахсининг онгидан фарқ қилади, чунки Парвар-дигорнинг онги бутун борликни қамраб олган. Парвардигор қадимда бўлиб ўтган, ҳозир рўй бераётган ва келажакда рўй берадиган ҳамма нарсани била-ди. Алоҳида руҳ эса, ўзининг табиатиغا кўра унутувчан. Рух ўзининг ҳақиқий табиатини унутиб юборганида факат Кришнанинг насиҳатларини тинглаш орқали тўлиқ руҳий илмга эга бўлишга ва руҳий ўзлигини англаб олишга кодир бўлади. Лекин, Кришнани ҳеч қачон унутувчан алоҳида руҳ билан тенглаштириб бўлмайди. Акс ҳолда Унинг "Бхагавад-Гита"да берган насиҳатларининг ҳеч қандай маъноси қолмаган бўларди.

Рухларнинг икки тури мавжуд - чексиз кичик алоҳида руҳ(*ану-атма*) ва Олий руҳ(*вибху-атма*). Бу "Катха-упанишад"да ҳам тасдиқланади.

*анор аниъан махато махийан  
атмасйа джантор нихито гухайам  
там акратух пашйати вита-шоко  
дхатух прасадан махиманам атманах*

"Олий руҳ(*Параматма*) ва алоҳида руҳ(*живатма*) биргаликда битта тана дарахтида, тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган, лекин, барча моддий орзу-истаклардан ва мусибатлардан халос бўлган кишигина, Парвардигор-нинг марҳамати билан руҳнинг улуғворлигини англаб етиши мумкин".

Кейинги боблардан билиб оламизки, Кришна - Олий Рухнинг манбаи, Аржун эса - унутувчан алоҳида руҳлардан бири. Шунинг учун Аржун ҳаётда Кришнанинг ёки Унинг ҳақиқий вакили бўлган руҳий устознинг насиҳатларига, кўрсатмаларига муҳтож.

21. *ведавинашинам нитьям йа энам аджам авйайам  
катхам са пурушах партха кам гхатайати ханти кам*

***Эй Партха, руҳнинг емирилмас ва мангу эканини, унинг тугилмаган ва ўзгармас эканини билган киши қандай қилиб кимнидир ўлдириши ёки ўлдиришга мажбур қилиши мумкин?***

Изоҳ: Ҳар нарсанинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор, мукамал илмга эга бўлган

киши қайси нарсани қачон ва қаерда ишлатиш кераклигини яхши билади. Зулм ўтказишнинг ҳам ўз ўрни бор, аммо уни фақат мукаммал илмга эга бўлган кишигина ўз ўрнида қўллашни билади. Масалан, қотилликда айбдор бўлган жиноятчини ўлим жазосига маҳкум қилган қозини гуноҳкор деб бўлмайди, чунки у зулмни Худонинг қонуни асосида қўллайди. Бутун инсоният учун қонунлар мажмуаси бўлган "Ману-самхита"да айтилганки, қотилга ўлим жазоси берилиши керак, шунда қотил кейинги ҳаётида бу оғир гуноҳи учун азоб чекмайди. Шунинг учун қотилни ўлим жазосига маҳкум қилар экан, шох аслида қотилнинг манфаатини кўзлайди. Худди шунингдек, Кришна жанг қилишга буйруқ берганида, жамиятда олий ҳақиқат учун, адолат ўрнатиш учун зулм ишлатилади. Шу боис Кришнанинг амри билан Унинг истагини амалга ошириш учун қурашаётган кишининг қилаётган ишлари зулм ҳисобланмайди, чунки одамни, аниқроғи, руҳни ўлдириб бўлмаслигини эсида сақлаган ҳолда, Аржун Унинг буйруғини бажариши лозим. Шундай қилиб, баъзида адолат ўрнатиш учун куч ишлатишга, зулм ўтказишга тўғри келади. Жарроҳ беморни ўлдириш учун эмас, аксинча, даволаш мақсадида танасининг касалга чалинган жойини кесиб ташлайди. Аржун ҳам, Кришнанинг буйруғи билан жангга кириб, мукаммал илмга эга бўлган киши сингари ҳаракат қилади, шу сабабли унинг қилаётган ишлари гуноҳ ҳисобланмайди.

*22. васамси джирнани йатха вихайя  
навани грхнати наро "парани  
татха шарирани вихайя джирнанй  
анйани самйати навани дехи*

***Худди, инсон эски кийимини ечиб янгисини кийгани сингари, руҳ ҳам кекса ва яроқсиз танасини ташлаб, янги моддий таналар ичига киради.***

Изоҳ: Чексиз даражада кичик руҳий заррача бўлган алоҳида руҳ ҳамиша тана алмашлаб юриши кўпчилик одамлар тан олган аниқ ҳақиқатдир. Ҳатто руҳнинг мавжудлигига ишонмайдиган, лекин, ўзлари юрак ўз кучини қаердан олишини тушунтириб бера олмайдиган замонавий олимлар ҳам танамиз ҳамиша ўзгариб туришини - гўдак ёш бола бўлишини, ёш бола ўспирин бўлишини, ўспирин улғайиб, катта киши бўлишини, кейин эса кексайишини тан олишга мажбур. Кейин тирик мавжудот янги танага ўтади. Бу ҳақда аввалги шеърларнинг бирида гапирган эдик(2.13).

Алоҳида руҳнинг янги танага ўтиши Олий руҳнинг марҳамати билан амалга ошади. Худди инсон ўз дўстининг истагини амалга оширгани сингари, Олий руҳ ҳам алоҳида руҳнинг истагини амалга ошириб юради. Ведаларда, масалан, "Мундака-упанишад" ва "Шветашватара-упанишад"да алоҳида руҳ билан Олий Руҳни бир дарахтда ўтирган икки қушга ўхшатадилар. Уларнинг бири(алоҳида руҳ) - шу дарахтнинг меваларидан тотиб юради,

бошқаси(Кришна, Олий Рух) эса - фақат дўстининг ҳаракатларини кузатиб туради. Гарчи бу қушлар сифат жиҳатдан бир-бирига ўхшасалар ҳам, улардан биттаси моддий олам дарахтининг меваларидан тоттиш билан овора, бошқаси эса, шунчаки унинг ҳаракатларини кузатиб туради. Кришна - гувоҳ сифатида кузатиб турадиган қуш, Аржун эса - моддий олам дарахти меваларидан тоттиб юрадиган қуш. Гарчи улар дўст бўлсалар ҳам, ҳамиша уларнинг биттаси “хўжайин”, иккинчиси “хизматкор” бўлиб қолаверади. Чексиз кичик руҳий заррача бўлган алоҳида руҳ ўзининг ана шу муносабатларини эсидан чиқарганида бир дарахтдан иккинчи дарахтга ўтиб, ҳолатини бирин-кетин ўзгартириб юришга мажбур бўлади, яъни, бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. *Жива* моддий тана дарахтида ўтирар экан, у тирикчилик учун қаттиқ кураш олиб бориши керак, аммо, у иккинчи қушни ўзига руҳий устоз қилиб танлаганида, Кришнага ўз ихтиёрини топшириб, Ундан насиҳат сўраб мурожаат қилган Аржун сингари, шу заҳотиёқ барча изтироб ва мусибатлардан халос бўлади. Бу "Мундака-упанишад"(3.12)да ва "Шветашватара-упанишад"(4.7)да шундай таърифланган:

*самане врикше пурушо нимагно  
нишайа шочати мухйаманах  
джуштам йада паийатй аняам ишам  
асйа махимманам ити вита-шоках*

"Икки қуш ҳам битта дарахтнинг шохасида ўтирган бўлишига қарамай, улардан биттаси ҳамиша соғинч ва хавотирда юради, чунки у дарахт меваларидан тоттишга интилади. Аммо, бирор сабаблар билан изтироб чекиб юрган шу руҳ ўзининг ҳақиқий дўстига, мангу ҳамроҳи бўлган Парвардигорга назар ташлаб, Унинг улуғворлигини англаб етса, шу заҳотиёқ барча ташвиш ва хавотирлардан халос бўлади".

Ҳозир Аржун ҳам ўзининг мангу дўсти Кришнага назар ташлади - "Бхагавад-Гита"ни гапириб бераётган ягона Парвардигорга мурожаат қилди. Демак, у энди Худо Шахсининг улуғворлигини англаб етади ва барча изтироблардан бутунлай халос бўлади.

Парвардигор бу ерда Аржунга бобоси ва устозининг тана алмаштириши кераклигини ўйлаб изтироб чекмасликни маслаҳат берапти. Аксинча ҳалол жангда уларни ўлдирганидан Аржун хурсанд бўлиши керак, чунки шунда улар дунёвий ишларининг барча ёмон оқибатларидан биратўла халос бўладилар. Адолатли жангда ҳалок бўлган киши шу заҳотиёқ барча гуноҳларидан покланади ва эҳромда қурбонлик учун сўйилган жонивор сингари, олий даражага қўтарилади. Шундай қилиб, Аржуннинг изтироб чекишига ҳеч қандай асос йўқ.

23. *найнам чхинданти шастрани найнам дахати паваках  
на чаинам кледайантй апо на шошайати марутах*

## ***Рухни ҳеч қандай қурол билан бўлаклаб, оловда қуйдириб, сувда ивитиб ёки шамолда қуритиб бўлмайди.***

Изоҳ: Қиличми, оловнинг қуввати билан ишлайдиган қуролми, тўфон(смерч)ми, яшинми - ҳеч қандай қурол мангу рухни яксон қилишга қодир эмас. Маълумки, ўтган замонларда, ҳозирги одамларга маълум бўлган ўқ отиш қуролларидан ташқари, қуролларнинг бошқа турларидан: ердан, сувдан, ҳаводан, эфир ва ҳоказо унсурлардан ишланган қуроллар бўлган. Замонавий одамлар эга бўлган ядровий қурол ҳам оловнинг қуввати билан ишлайди. Лекин, аввал ҳар хил моддий унсурлардан таркиб топган турлитуман қуроллар бўлган. Одамлар оловнинг қуввати билан ишлайдиган қуролга қарши, ҳозирги олимларга номаълум бўлган, сувдан ишланган қуролни ишлата олганлар. Ҳозирги олимлар тўфон(смерч)нинг кучи асосида ҳаракатга келадиган қуролни билмайдилар. Аммо, нима бўлганда ҳам рухни ҳеч қандай қурол билан, ҳатто энг қудратли қурол билан ҳам янчиб ёки яксон қилиб бўлмайди. Майявади-файласуфлар таълимотига кўра алоҳида рух - фақат ғофиллик таъсирига берилиб, алдамчи қувват қобиғи остига тушиб қолгандагина мавжуд бўлади. Лекин, алоҳида рухни Олий Рухдан ажратиб олиб бўлмаса, қандай қилиб бундай бўлиши мумкинлигини улар тушунтира олмайдилар. Демак, алоҳида рухлар - Олий Рухнинг мангу "ажралган" заррачалари. Кичкина зарралар ўзларининг алоҳида шахс сифатини мангу сақлаб қолар экан, уларда алдамчи қувват таъсирига тушиб қолиш ва шу тариқа Худо Шахси билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлиш эҳтимоли ҳамиша мавжуд. Сифат жиҳатдан гулхан билан бир хил табиатга эга бўлган учқунлар ҳам шу тарзда гулхандан ажралиб чиқиб, ўчиб қоладилар. Тирик мавжудотлар Худо Шахсининг ажралган бўлаклари экани "Вараха-пурана"да ҳам ёзилган, "Бҳагавад-Гита" таълимотига кўра улар шундай ҳолатда мангу қолаверадилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг Аржунга берган насиҳатларига кўра, ҳатто алданиш чангалидан халос бўлгандан сўнг ҳам тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс ҳолатини сақлаб қолаверади. Аржуннинг Кришнадан ўрганган илми унинг руҳий озодликка чиқишига ёрдам берди, лекин бу - у Кришна билан бир бўлди, дегани эмас.

24. *аччхедйо "йам адахйо "йам акледйо "шошйа эва ча нитйах сарва-гата стханур ачало "йам санатанах*

***Ана шу алоҳида рухни бўлақларга бўлишининг, эритишининг, қуйдириш ёки қуритишининг иложиси йўқ. Ўзгармас, қўзғалмас ва мангу бўлган ҳолда, у ҳамма жойда мавжуд ва ҳамиша ўз хусусиятларини сақлаб қолади.***

Изоҳ: Рухнинг бу ерда келтирилган барча хусусиятлари алоҳида рухнинг ҳамиша руҳий тўла бугуннинг чексиз кичик заррачаси бўлиб қолишини, ҳеч

қачон унинг ҳолати ўзгармаслигини тасдиқлайди. Бу ҳолат монизм таълимотини тўла инкор этади, чунки мазкур шеърдан маълумки, алоҳида руҳ ҳеч қачон Олий Руҳга қўшилиб кетмайди. Моддий иллатлардан покланиб, озодликка чиққандан кейин алоҳида руҳ Худо Шахсининг руҳий ёғдусида алоҳида руҳий учқун бўлиб қолиши мумкин, аммо, чуқур тафаккур эгалари руҳий сайёраларга кўтарилиб, у ерда Худо Шахси билан бевосита мулоқот қилиб, ўзаро ҳар хил муносабатда бўладилар.

Бу ерда *сарва-гата* (ҳамма жойда мавжуд) ибораси муҳим аҳамиятга эга. Шубҳа йўқки, тирик мавжудотлар Парвардигор яратган борлиқнинг ҳамма жойида мавжуд: улар сувда ҳам, қуруқликда ҳам, ҳавода ҳам, ер остида, ҳатто оловда ҳам яшайдилар. Олов тирик мавжудотларни йўқ қилади, деган тушунчани тўғри деб бўлмайди, чунки бу ерда аниқ айтилганки, руҳ оловда ёнмайди. Демак, шубҳа йўқки, оловда яшашга мослашган тана ичидаги тирик мавжудотлар ҳатто Қуёшда ҳам яшайверадилар. Агар Қуёшда тирик мавжудотлар яшамайдиган бўлса *сарва-гата*, "ҳамма жойда мавжуд" деган сўзнинг маъноси қолмаган бўларди.

25. *авйакто “йам ачинтийо “йам авикарийо “йам учйате  
тасмад эвам видитваинам нанушочитум архаси*

***Руҳ кўринмас, англаб бўлмайдиган ва ўзгармас зот. Шуни билган ҳолда сен тана учун изтироб чекмаслигинг керак.***

Изоҳ: Аввал айтганимиздек руҳнинг ўлчамлари шу қадар кичикки, уни ҳатто энг қудратли микроскоп ёрдамида ҳам кўриб бўлмайди, шунинг учун руҳни “кўринмас” деб айтадилар. Руҳнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига келсак, уни тажриба йўли билан аниқлаб бўлмайди, руҳ мавжуд эканининг ягона исботи - шрутилар, ведавий муқаддас китоблардир. Биз уларда ёзилган маълумотларни ҳеч қандай исботсиз қабул қилишимиз лозим, чунки, гарчи биз унинг мавжудлигини сезсак ҳам, руҳнинг мавжудлиги ҳақида бизга хабар берадиган бошқа бирор манба мавжуд эмас. Ҳаётда бизлар исботсиз қабул қиладиган жуда кўп ҳақиқатлар мавжуд, биз уларни ишончли одамлардан исботсиз қабул қиламиз. Масалан, ҳеч ким отаси бор эканини инкор этмайди. Отамизнинг ким эканини эса, онамизнинг гапига ишониб қабул қиламиз, онамизнинг гапини ҳеч қандай йўл билан текшириб бўлмайди. Худди шунингдек, руҳ ҳақидаги илмни ҳам биз фақат Ведалардан оламиз. Бошқача қилиб айтганда, биз руҳнинг табиатини тажриба йўли билан ўргана олмаймиз. Руҳнинг онги бор, руҳнинг ўзи - ондан иборат: бу ҳақда ҳам Ведаларда айтилган, биз бу ҳақиқатни ҳам исботсиз қабул қилишимиз лозим. Танадан фарқли равишда, руҳ ҳеч қачон ўзгармайди. Мангу, ўзгармас бўлган ҳолда руҳ, чексиз буюк Олий Руҳга нисбатан ҳамиша чексиз кичик заррача бўлиб қолаверади. Шу сабабли чексиз кичик алоҳида руҳ ҳеч қачон чексиз буюк Олий Руҳга тенглаша олмайди. Биз бу фикрни қайта-қайта таъкидлаётганимиздан мақсад - руҳ ҳақидаги тушунча ўзгармас эканини тасдиқлашдир. Ҳар



қандай фикрни етарли даражада англаб олиб, кейин адашмаслик учун уни бир неча бор такрорлаш керак.

26. *атха чаинам нитйа-джатам нитйам ва манйасе мритам  
татхани твам маха-бахо наинам шочитум архаси*

***Лекин, ҳатто сен, руҳ(ёки тириклик аломатлари) ҳамиша туғилади ва кейин биратўла ўлиб кетади, деб ўйласанг ҳам, барибир изтироб чекишинг учун ҳеч қандай сабаб йўқ, эй билагги кучли Аржун.***

Изоҳ: Буддистларга ўхшаб, руҳ алоҳида ўзи танадан ташқарида мавжуд бўла олишига ишонмайдиган файласуфлар ҳамиша топилиб туради. Шундай адашган файласуфлар Кришна "Бҳагавад-Гита"ни баён этган даврда ҳам бўлган. Уларни *локаятилар* ёки *вайбхашикалар* деб атаганлар. Уларнинг таълимотига кўра, ҳаёт эволюцион ривожланиш давомида моддий унсурларнинг бирикмасидан пайдо бўлади. Ҳозирги замондаги материалист-файласуф олимларнинг кўпчилиги ҳам шу фикрга кўшиладилар. Уларнинг фикрига кўра, тана - моддий унсурларнинг бирикмаси бўлиб, ривожланишнинг маълум босқичида, химиявий, моддий унсурларнинг ўзаро фаолияти натижасида шу бирикмада, яъни, моддий танада ҳаёт белгилари пайдо бўлади. Ҳаёт ҳақидаги ана шундай тасаввур Дарвиннинг "эволюцион назария" деб аталадиган таълимотининг асосини ташкил этади. Ҳозирги пайтда Америкада жуда кенг тарқалган сохта диний оқимлар билан бир қаторда атеизмни тарғибот қилувчи ҳар хил буддавий оқимлар ҳам ана шу фалсафадан фаоллик билан фойдаланяптилар.

Агар Аржун, *вайбхашика* фалсафаси издошлари сингари, ҳатто руҳнинг мавжудлигига ишонмаса ҳам, барибир унинг изтироб чекишига ҳеч қандай асос йўқ. Қандайдир химиявий элементларнинг йўқолиб кетаётгани учун кайғуришнинг, шу боис ўз бурчини бажаришдан бош тортишнинг қандай маъноси бор? Ҳозирги пайтда ҳарбий устунликка эришиш ниятида тонналаб химиявий моддалар ишлатилляпти. *Вайбхашика* фалсафасига кўра руҳ, яъни *атма*, моддий тана билан бирга йўқолиб кетади. Шундай қилиб Аржун Ведалар илмини тан олиб, руҳнинг мавжудлигини тан оладими ёки унга ишонмайдими - барибир изтироб чекишининг ҳеч қандай маъноси йўқ. *Вайбхашика* фалсафаси таълимотига кўра, модда ҳар секундда сон-саноксиз тирик мавжудотларни яратиб туради ва ҳар секундда шунча тирик мавжудотлар ҳалок бўладилар. Шу сабабли уларни кайғуришнинг, улар учун изтироб чекиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Агар руҳ ҳеч қачон қайта туғилмайдиган бўлса, Аржун ўз қариндошларини ўлдириш билан содир қиладиган гуноҳлари оқибатида кейинги ҳаётида дўзахда азоб чекишдан қўрқмаслиги керак. Шу билан бирга Кришна Аржунни атайлаб *маха-баху*, яъни "билагги кучли" деб атаяпти, чунки Кришнанинг Ўзи ҳеч қачон Ведалар таълимотига зид келади-

ган вайбхашикаларнинг фалсафасини тан олмайди. Аржун Ведалар маданиятига мансуб бўлган авлод вакили, демак шу маданиятнинг қадриятларига содиқ қолиши лозим эди.

*27. джатасийа хи дхруво мритйур дхрувам джанмса мритасйа ча тасмад апарихарйе "ртхе на твам шочитум архаси*

***Тузилган киши албатта ўлади, ўлгандан кейин эса, яна дунёга келади. Бу - муқаррар ҳақиқат, шунинг учун ўз бурчингни бажара туриб, сен изтироб чекмаслигинг керак.***

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг ҳозирги фаолияти унинг кейинги ҳаётда яшайдиган шароитини белгилайди. Навбатдаги фаолият босқичини тамомлагандан кейин тирик мавжудот “ўлим” орқали ўтиб, янги фаолият босқичини бошлайди. Шу тариқа тирик мавжудот туғилиш ва ўлиш чархпалагида айланиб, ундан қутула олмай юраверади. Туғилиш-ўлиш чархпалагининг мавжудлиги одамларнинг ўзлари юзага келтираётган ҳар хил урушларини, хайвонларни ва одамларни ҳар хил усуллар ёрдамида шафқатсиз равишда қийнаб ўлдириш билан боғлиқ бўлган бемаъни фаолиятини оқламайди. Лекин барибир зулм, тажовуз ва урушлар инсонлар жамиятида муқаррар рўй бериб туради, акс ҳолда жамиятда қонун ва тартибни сақлаб туриб бўлмайди.

Курукшетрадаги жанг Парвардигорнинг амрига биноан бўлаётгани учун уни баргараф қилишнинг иложи йўқ; адолат қарор топиши учун жанг қилиш, курашиш - ҳар бир кшатрийнинг муқаддас бурчи. Агар Аржун ўз бурчини ҳалол бажараётган бўлса, нимага у қариндошлари ҳалок бўлишидан кўрқиб, улар учун изтироб чекиши керак? Жангда иштирок этиш билан у Худонинг қонунини бузмайди, яъни гуноҳ иш қилмайди, демак бу ишининг оқибатидан кўрқмаса ҳам бўлади. Айни пайтда, ўз бурчини бажаришдан бош торггани билан, барибир қариндошларини ажалдан ҳалос эта олмайди, ҳаётда нотўғри йўлни танлаш эса руҳий юксалиш йўлидан адашишга олиб келади.

*28. авйактадини бхутани вйакта-мадхйани бхарата авйакта-нидханани эва татра ка паридевани*

***Авалига, мавжуд барча тирик мавжудотлар намоён бўлмаган(мавҳум) ҳолатда бўладилар. Олам яралишининг оралиқ босқичида улар намоён бўладилар, олам яксон бўлганда эса, яна намоён бўлмаган ҳолатга ўтадилар. Шундай экан, улар учун азият чекишнинг кераги борми?***

Изоҳ: Ҳатто, бир тоифаси руҳнинг мавжудлигига ишонмайдиган, бошқа бир тоифаси эса, руҳ мавжуд эканига ишонадиган икки хил фалсафий таълимот мавжудлигини назарда тутиб ҳам айтиш керакки, ҳар икки тоифага мансуб

одамларнинг ҳам тирик мавжудотнинг ажали учун азият чекишларига ҳеч қандай асос йўқ. Руҳнинг мавжудлигига ишонмайдиган одамлар ҳамда уларнинг издошлари Ведалар таълимотига кўра даҳрий (*атеист*)лар деб аталадилар. Аммо, агар биз назарий жиҳатдан даҳрийларнинг таълимотини тан олсак ҳам, барибир азият чекишимизнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Руҳнинг алоҳида ўзи мавжудлигини тан олмайдиган киши эсида сақлаши лозимки, оламни яратиш бошланмасдан аввал барча моддий унсурлар намоён бўлмаган ҳолатда бўладилар. Кейин намоён бўлмаган нафис ҳолатдан намоён бўлган кўпол ҳолатга ўтадилар, сўнгра тобора нафис ҳолатдан кўпол ҳолатга айланиб бораверади: эфирдан ҳаво пайдо бўлади, ҳаводан - олов, оловдан - сув, сувдан - ер. Ер - намоён бўлган моддий оламнинг асосий манбаидир. Масалан, катта иморатни олайлик, у - ердан таркиб топган. Яксон бўлганида, унинг таркибидаги унсурлар намоён бўлган ҳолатдан намоён бўлмаган ҳолатга ўтади; яна атом ва молекулаларга парчаланиб кетади. Қувватнинг сақланиш қонуни ҳамиша амал қилаверади, аммо вақт ўтиши билан моддий нарсалар гоҳида намоён бўлади ва яна намоён бўлмаган ҳолатга ўтадилар. Демак, намоён бўлиб, ҳозир мавжуд бўлиб турган нарса учун ҳам, намоён бўлишни тарк этган нарса учун ҳам изтироб чекишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳатто намоён бўлмаган ҳолатда ҳам моддий унсурлар биратўла йўқолиб кетмайдилар. Аввалида ва охирида улар намоён бўлмаган ҳолатда бўладилар, фақат оралик босқичдагина намоён бўладилар, яъни бирор нарсанинг мавжудлиги ҳеч қачон ўзгармай қолаверади.

Агар вақт ўтиши билан фақат моддий таналар ҳалок бўлишини (*антванта име дехах*), руҳ эса мангу (*нитийасйоктаҳ шариринах*) мавжуд эканини ўргатадиган Ведалар ҳамда "Бҳагавад-Гита" нуқтаи-назаридан қарасак, моддий тана худди устки кийимга ўхшашини ҳамиша эсда сақлашимиз лозим. Шундай экан, эски кийимни янгисига алмаштириш сабабли қаттиқ қайғуришнинг бирор маъноси борми? Мангу мавжуд бўлган руҳга нисбатан ўткинчи моддий тана худди ўткинчи, арзимаган, йўқ нарсага ўхшаб кўринади. Руҳ учун унинг мавжудлиги худди туш кўриш каби ўткинчи. Тушингизда сиз ўзингизни осмонда учиб юрган ёки шоҳона аравада ўтирган ҳолда кўришингиз мумкин, лекин, уйғонгандан кейин осмон ҳам, шоҳона арава ҳам ғойиб бўлади. Моддий тананинг алдамчи, ўткинчи эканини эслатиш билан бирга Ведалар, муқаддас китоблар одамларни ўзининг руҳий табиатини англаб олишга даъват қилади. Шундай қилиб биз руҳнинг мавжудлигига ишонамизми, йўқми - тананинг ҳалок бўлишидан изтироб чекишнинг мутлақо ҳожати йўқ.

*29. ашчарйя-ват паийати кашчид энам  
ашчарйя-вад вадати татхайва чанйях  
ашчарйя-вач чайнам анйях шриноти  
шрутвапи энам веда на чайва кашчит*

***Бировлар руҳга "мўъжиза" деб қарайдилар; бошқалар руҳ ҳақида***

**худди мўъжиза ҳақида гапиргандай гапирадилар; учинчи бирлари руҳ ҳақидаги гапларни “мўъжиза” деб тинглайдилар; шундайлар ҳам борки, ҳатто руҳ ҳақидаги гапларни эшитсалар ҳам, уни англай олмайдилар.**

Изоҳ: "Гитопанишад" асосан Упанишадалар фалсафасига асосланган, шунинг учун бунга ўхшаган шеър "Катха-упанишад"да ҳам мавжуд эканига ажабланмаса ҳам бўлади.

*шраванайати бахубхир йо на лабхйах  
шринванто "ни бахаво йам на видйух  
ашчарйо вакта кушало "сйа лабдха  
ашчарйо "сйа джната кушаланушиштах*

Чексиз кичик руҳнинг - баҳайбат ҳайвон танасида ёки қудратли *банийан* дарахти танасида ҳам, игнанинг учидай жойда миллионлаб жойлаша оладиган микроблар танасида ҳам мавжуд бўлиши албатта бизга мўъжиза бўлиб кўринади. Ҳатто оламдаги биринчи тирик мавжудот Браҳмага илм ўргатган, Ведаларнинг энг буюк билимдони Кришнанинг Ўзи тушунтирса ҳам илмсиз ғофил, шунингдек, дунёвий лаззатларга берилиб кетган одамлар шу кичкина руҳий заррачанинг сирларини тушуна олмайдилар. Ҳаёт ҳақида, олам ҳақида фақат моддий тасаввурлар остида яшаётган ҳозирги замондошларимиз, қандай қилиб ана шундай кичкинагина заррача жуда катта, баҳайбат қиёфаларга ҳам, энг кичкина таналарга ҳам кира олиши мумкинлигини тушунолмайдилар - буни улар кўз олдига келтириб, тасаввур қилолмайдилар. Шунинг учун руҳнинг табиати қандай намоён бўлишини кўриб ёки унинг таърифини эшитиб одамлар фақат ҳайрон бўладилар. Моддий табиат адаштириб қўйган шундай одамлар ҳиссий лаззатларга шунчалик берилиб кетганларки, ҳатто ўзларининг аслида ким эканини, ҳақиқий ўзлигини англаб олишга ҳам вақт тополмайдилар. Аслида ўзининг ким эканини билмайдиган киши ҳаётда қандай фаолият билан машғул бўлмасин, охир-оқибатда пушаймон бўлиб, тирикчилик учун оғир курашда барибир мағлубиятга учрашини улар билмайдилар. Инсон ҳаёти тирик мавжудотга руҳ(ҳақиқий ўзлиги, “мен”и)ни таниб олиш ҳамда моддий оламдаги барча мусибатларга биратўла чек қўйиш учун бериб қўйилгани одамларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Руҳ ҳақида бирор нарса билишга интилаётган одамларнинг баъзилари руҳий мавзуларда маъруза тинглайдилар, руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамлар даврасини излайдилар, лекин, баъзида ўзларининг ғофиллиги сабабли "Олий руҳ билан алоҳида руҳ аслида бир" деган нотўғри тасаввурлар таъсирига берилиб кетадилар. Ҳозирги даврда руҳ ва Олий Руҳнинг ҳақиқий ҳолати, уларнинг табиати, ўзаро муносабатлари ҳақида мукамал илмга эга бўлган кишини учратиш жуда қийин. Ҳаётда бу нодир илмнинг барча имкониятларидан фойдаланаётган ва руҳнинг ҳолатини ҳар тарафлама таърифлаб,

тушунтириб бера оладиган кишини топиш ундан ҳам кийинроқ. Аммо, кандайдир сабаблар билан омади келиб рухнинг асл табиатини англаб етган инсон ҳаётда энг олий мақсадга эришган бўлади.

Рух ҳақида тўлиқ илмга эга бўлишнинг энг осон йўли - энг буюк рухий устоз, Худонинг Олий Шахси Кришнанинг Ўзи баён этган "Бхагавад-Гита"нинг кўрсатмаларини қабул қилиш ва улардан ҳеч қачон четга чиқмасликдан иборат. Бунинг учун инсон ўзининг ҳозирги ёки аввалги ҳаётида жуда кўп рухий риёзатлар чеккан бўлиши, қурбонлик маросимлари ўтказган бўлиши керак - бундай амаллар унинг Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олишига ёрдам беради. Лекин, инсон фақат Худонинг асл содиқ хизматкорининг марҳамати билангина ҳақиқатан ҳам Кришнани англаб етиши мумкин. Бунинг бошқа йўли йўқ.

30. *деҳи нитйам авадхйо "йам дехе сарвасйа бхарата  
тасмат сарвани бхутани на твам иочитум архаси*

***Эй Бхарат авлоди, тана ичидаги зот(рух)ни ўлдиришнинг иложи йўқ. Шунинг учун сен бирор тирик мавжудот ҳақида изтироб чекмаслигинг керак.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна ўзгармас, мангу рух ҳақидаги насиҳатларига яқун ясайди. Ўлмас рухнинг ҳар хил сифатларини таърифлаб берар экан, Парвардигор хулоса қилиб айтадики, рух - мангу, тана эса - ўткинчи. Шу боис Аржун *киштрий* сифатида бобоси Бҳишма ва устози Дронаचारйанинг жангда ҳалок бўлишидан кўрқиб, ўз бурчини бажаришдан бош тортмаслиги керак. Шри Кришнанинг мартабасига таянган ҳолда танадан фарқ қиладиган рухнинг мавжудлигига ишонишимиз, "рух мавжуд эмас, ҳаёт аломатлари эса - модда ривожланишининг маълум босқичида, химиявий унсурларнинг ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлади" деган нотўғри тасаввурларни тарк этишимиз керак.

Рухнинг мангу экани зўравонлик қилиш, тажовузкор бўлишни оклаш учун баҳона бўлолмайди, лекин адолатли уруш пайтида ҳақиқатан ҳам зулм ишлатиш зарур бўлса, зўравонликка йўл қўйилади. Инсон ўз хоҳиши билан эмас, балки фақат ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган ягона Парвардигорнинг буйруғи билангина жиноятчи-гуноҳкорларга қарши куч ишлатиб зулм ўтказиши мумкин.

31. *сва-дхармам апи чавекийа на викампитум архаси  
дхармад дхи йуддхач чхрейо "нийат кишатрийасйа на видйате*

***Сенинг бурчингга келсак, билиб қўйки, кишатрий(жангчи) сифатида сен учун ҳақиқий дин ҳукмронлиги йўлида қурашишидан яхшироқ аъмол йўқ. Демак, иккиланиб туришингга ҳеч қандай сабаб йўқ.***

Изох: Маданиятли жамият тизимидаги тўрт табақа ичида - Худонинг қонунлари асосида давлатни бошқариш вазифаси юклатилган иккинчи тоифага мансуб одамлар *кшатрийлар* деб аталади. "*Кшат*" *ибораси* "зарар", "зулм" деган маънони англатади, "*трайате*" - "ҳимоя қилиш" деганидир. Жамиятда одамларни бошқалар зулмидан, бошқалар бераётган зарардан, ёмон оқибатларга олиб келадиган гуноҳ ишлардан ҳимоя қиладиган киши *кшатрий* деб аталади. Авваллари кшатрийлар ўрмонда ов қилиб, ҳарбий санъат билан шуғулланганлар. Одатда кшатрий ўрмонга бориб, қўлига қилич олиб йўлбарс билан яккама-якка олишган. Йўлбарс жон таслим қилганида, унинг танасини қурбонлик оловига қўйиб, шоҳона тантана билан дафн қилганлар. Ҳиндистондаги Джайпур вилоятининг кшатрий-шоҳлари ҳали ҳозиргача шундай урф-одатга амал қиладилар. Кшатрийларни махсус машғулотларда рақибини жангга чақиришга, то ўлгунча жанг қилишга ўргатганлар, чунки Худонинг қонунлари бўйича, баъзи ҳолларда уларнинг бошқаларга зулм ўтказиши, зўравонлик қилиши зарур бўлиб қолади. Кшатрийлар таркидунё қилиб, *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилмайдилар. Сиёсат ишларида зулм ишлатмаслик шиори баъзан бошқалар билан ўзаро сиёсий муносабатларни ўнглаб олиш учун ишлатилади, лекин сиёсатда, давлатни бошқаришда зулм қилмасликни қонун қилиб бўлмайди. Диний қонунлар мажмуасида шундай дейилган:

*ахавешу митхо "нйонйам джигхамсанто махи-кишитаҳ  
йуддхаманаҳ парам шактия сваргам йантй апаран-муххаҳ  
йаджнешу пашаво Браҳман ханйанте сататам двиджаих  
самскритаҳ қила мантраиш ча те "пи сваргам аванпуван*

"Жанг майдонида бошқа шоҳ билан, рақиб билан яккама-якка олишувда ҳалок бўлган шоҳ-кшатрий жаннатга эришади. Муқаддас оловда ҳайвон қурбон қилиб қурбонлик маросими ўтказган браҳман ҳам ўлганидан кейин жаннатга тушади".

Демак, диний кўрсатмалар асосида жанг майдонида рақибини ўлдирган кшатрий ҳам, муқаддас оловда қурбонлик қилинган ҳайвонни ўлдирган браҳман ҳам зулм қилган ҳисобланмайди, чунки бу амаллар диний қонунларда кўрсатилган бўлиб, унинг натижаси барчага саодат келтиради. Қурбонлик қилинган ҳайвон ўлганидан кейин, кўп марта танасини алмашлаб юрмасдан, шу заҳотиёқ инсон танасида туғилади. Жанг майдонида ҳалок бўлган кшатрий эса, қурбонлик маросими ўтказган *браҳман* сингари жаннатга эришади.

Шастраларда кўрсатилган вазифаларнинг, яъни *сва-дхарма*нинг икки тури мавжуд. Ҳали дунёвий, моддий боғланишлардан ҳалос бўлмаган киши диний қонунлар асосида ҳаётдаги ўз бурчини холис бажариб яшаши лозим - бу унинг руҳий озодликка чиқишига ёрдам беради. Озодликка эришгандан кейин эса, инсоннинг вазифаси(*сва-дхарма*) руҳий даражага кўтарилади.

Шунда унинг фаолияти ҳаёт ҳақидаги тана нуктаи-назаридagi тасаввурлардан устун бўлади. Ҳали қалбида ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурнинг аломатлари қолган браҳман ҳам, кшатрий ҳам ҳаётда ўз вазифаларини тўла бажариб яшаши лозим. Ҳар бир инсоннинг *сва-дҳармасини* Парвардигорнинг Ўзи белгилайди, бу ҳақда тўртинчи бобда айтилади. Сва-дҳарманинг бу дунёдаги кўриниши *варнашрама-дҳарма* деб аталади. Бундай жамият тизими инсонга ўзининг руҳий табиатини англаб олишга ёрдам беради. Ҳақиқий инсонлар маданияти *варнашрама-дҳарма* жамиятидан, яъни, танасига таъсир қилаётган моддий табиат гуналарига мос равишда, шастралар асосида ҳар бир инсонга аниқ вазифалар белгиладиган тартибли жамиятдан бошланади. Қандай бўлишидан қатъий назар, Худонинг ҳар ким учун белгилаб қўйган муқаддас бурчларини бажариб яшаш шарофати билан инсон аста-секин руҳий жиҳатдан юксала боради ва охир-оқибатда руҳий баркамолликка эришади.

*32. йадриччхайа чрпапаннам сварга-дварам апавритам  
сукхинах кшатрийах партха лабханте йуддхам идришам*

***Эй Партха, жаннат дарвозаларини очиб, ўздан-ўзи жанг қилиш имконияти келадиган кшатрийлар бахтлидирлар.***

Изоҳ: Бутун оламнинг руҳий устози сифатида Кришна "Мен бу жангдан бирор яхшилик чиқишини кўрмайман, унда иштирок этиб биз ўзимизни мангу дўзахга дучор этамиз!" - деб ўйлаётган Аржуннинг гапларини инкор этапти. Аржуннинг бу сўзлари ғофиллик аломатидир. Ўз бурчини бажараётиб, у зулм қилишдан бош тортаётган эди. Лекин, жанг майдонида ўз бурчини холис бажара туриб зўравонлик қилмасликка ҳаракат қилаётган кшатрийнинг иши ғирт нодонлик бўлади. Вйасадеванинг отаси, буюк донишманд Парашара муни тузган диний қонунлар мажмуаси - "Парашара-смрити"да шундай дейилган:

*кшатрийо хи праджа ракиан шастра-паних прадандайан  
нирджитйя пара-саинйади кшитим дхармена палайет*

"Кшатрийнинг вазифаси – қўл остидаги фуқароларини ҳар қандай хавф-хатардан химоя қилишдан иборат, шу мақсадда қонун ва тартибни сақлаш учун зарур бўлганда у қуч ишлатиши керак. У душманлар қўшинини яқсон қилиши ва ҳар бир ҳаракатида ҳақиқий дин кўрсатмаларига риоя қилиб, оламни бошқариши керак".

Шундай қилиб, жанг қилишдан бош тортиш учун Аржуннинг ҳеч қандай асоси йўқ эди. Душмани устидан ғалаба қозонса, у салтанатни бошқариб роҳат-фароғатда яшайди, жангда ҳалок бўлса ўзи учун дарвозалари кенг очилган жаннатий сайёраларга эришади. Мағлуб бўлса ҳам, ғалаба қозонса ҳам жанг қилишдан у фақат манфаат кўради.

33. *атха чет твам имам дхармйам санграмам на карийаси  
татах сва-дхармам киртим ча хитва папам авапсийаси*

***Лекин, адолат ўрнатиш йўлида жанг қилишдан бош тортсанг,  
сен ўзингнинг муқаддас бурчингни бажармаслик гуноҳини содир  
қилган бўласан, бу билан жангчи деган шаънингга иснод келтира-  
сан.***

Изоҳ: Аржун машҳур жангчи бўлиб, жуда кўп буюк фаришталар билан, ҳатто маъбуд Шива билан ҳам яккама-якка жанг қилиб шон-шуҳрат қозонган эди. Овчи қиёфасига кириб олган маъбуд Шива билан бўлган жангда унинг устидан ғалаба қозониб, Аржун уни жуда мамнун қилган, эвазига мукофот сифатида *пашупата-астра* деган илоҳий қурол олган эди. Аржуннинг машҳур жангчи эканини ҳамма яхши биларди. Дроначарйанинг ўзи уни дуои-фотиҳа қилиб, унга ҳатто ўзининг руҳий устозини ҳам ўлдиришга қодир бўлган қурол ҳадя қилган эди. Жуда кўп буюк жангчилар, шу жумладан Аржуннинг ҳақиқий отаси бўлган фаришта Индра ҳам унинг жанговор жасоратини тан олган эдилар. Шу боис, агар Аржун жанг майдонини тарк этса, нафақат ўзининг кшатрийлик бурчини бажармаган, бунинг устига ана шу шон-шуҳратидан, юксак обрўсидан маҳрум бўлиб, ўзига дўзахдан жой ҳозирлаган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, у жанг қилгани учун эмас, аксинча жанг майдонини тарк этгани учун дўзахга тушган бўларди.

34. *акиртим чапи бхутани катхайишийанти те “вйайам  
самбхавитасйа чакиртир маранад атиричйате*

***Бу шармандалигинг ҳақида одамлар ҳамма замонларда гапириб  
юрадилар, обрўли одам учун шармандалик ўлимдан ёмон.***

Изоҳ: Аржун билан ҳам файласуф, ҳам дўст сифатида суҳбатлашаётган Кришна энди Аржуннинг жангда иштирок этишдан бош тортиши тўғрисида якуний хулоса чиқарди. "Аржун, - дейди Кришна, - мабодо сен, ҳали жанг бошланмай туриб жанг майдонини ташлаб кетсанг, одамлар сени “кўрқоқ” деб атайдилар. Агар сен одамларнинг нима дейишларига эътибор бермасдан, фақат ўз жонингни қутқариб қолишни истасанг, унда сенга маслаҳатим: сен жанг майдонида жанг қилиб ўлганинг маъкул. Сендай обрўли инсон учун одамлар орасида шарманда бўлиш ўлимдан ҳам оғир бўлади. Шу боис, жонингни сақлаш учун жанг майдонини ташлаб кетгандан кўра, жанг майдонида ўлганинг яхши! Шунда сен Мен билан бўлган дўстлигингни суистеъмол қилишдан, шарманда бўлишдан қутуласан, ўз обрўйингни ҳам сақлаб қоласан".

Шундай қилиб, Кришна Аржунга жанг қилишни, жанг қилишдан бош



тортмасликни буюради.

35. *бхайад ранад упаратам мамсайанте твам маха-ратхах  
йешам ча твам баху-мато бхутва йасйаси лагхавам*

***Сен ҳақингда жуда яхши фикрда бўлган буюк саркардалар, сени жанг майдонини ташлаб кетишига сени мажбур қилган, деб хулоса чиқарадилар ва сени ярамас деб ҳисоблай бошлайдилар.***

Изоҳ: Кришна Аржунга насиҳат беришда давом этяпти: "Дурийодхон, Карна сингари буюк жангчилар ҳамда бошқа тенгқурларинг сени қариндошларингга, бобонгга ачинаётганинг учун жанг қилишдан бош тортганингга ишонади, деб ўйлама. Улар сени "кўрққанидан, ўз жонини сақлаб қолиш учун шундай қилди" деб ўйлайдилар. Шундай қилиб сен бутун обрўйингдан маҳрум бўласан".

36. *авачй-вадами ча бахун вадишйанти тавахитах  
ниндантас тава самартхйам тато духкхатарам ну ким*

***Душманларинг сени масхара қиладилар ва оғизлигинг устидан кула бошлайдилар. Бундан ҳам оғирроқ азоб бўладими?***

Изоҳ: Аввалига Кришна, Аржун бекорга бошқаларнинг аҳволига ачиниб, ҳамдардлик қилаётганидан ҳайрон бўлган, унинг бундай туйғуларини "арийларга муносиб эмас" деб баҳолаган эди. Энди шунча далиллар келтириб Аржуннинг сохта ҳамдардлигини, бекорга ачинаётганини исботлаб беряпти.

37. *хато ва прасйаси сваргам джитва ва бхокийасе махим  
тасмад уттишита каунтейа йуддхайа крита-нишчайах*

***Эй Кунтининг ўгли, сен учун ё жангда ҳалок бўлиши ва жаннатга эришиши, ё ғалаба қозониши ва ер юзида салтанатга ҳукмронлик қилишдан бошқа йўл йўқ. Шунинг учун, қатъий қарорга келиб, ўрнингдан тур-да жанг қил!***

Изоҳ: Гарчи Аржун жангда ғалаба қозонишига ишончи комил бўлмаса ҳам, барибир жанг қилиши лозим, чунки у ҳатто жангда ҳалок бўлса ҳам, кейинги ҳаётида албатта жаннатга эришади.

38. *сукха-духкхе саме критва лабхалабхау джайаджайау  
тато йуддхайа йуджйасва найвам папам авапсйаси*

***Фақат жанг учун жанг қил, бахт ва мусибат, йўқотиши ва эгал-***

***лаш, ғалаба ва мағлубият ҳақида ўйлама! Шундай ҳаракат қилсанг, сен ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаган бўласан.***

Изоҳ: Кришна Аржунга очиқ-ойдин айтяптики, у шунчаки ўз бурчини бажариш учун жанг қилиши лозим, чунки бу жангни Худонинг Ўзи истаяпти. Кришна онгида холис хизмат қилаётган киши бахт ёки бахтсизлик, топиш ёки йўқотиш, ғалаба ёки мағлубият ҳақида ўйламайди. Ўзининг бутун фаолиятини фақат Худони мамнун қилишга қаратиб яшаётган киши илоҳий онг эгаси ҳисобланади, унинг қилаётган ишлари дунёвий ишлар бўлмайди ва қилаётган ишлари унга ҳеч қандай карма олиб келмайди. Ҳаётда ўзининг шахсий орзу-истакларини амалга ошириш учун ҳаракат қилиб юрган киши эса, эзгулик ёки эҳтирос гунаси таъсирида бўлишидан қатъий назар, эртамикечми қилаётган ҳар бир ишининг яхши ёки ёмон оқибатларига эга бўлади. Агар одам ўз умрини бутунлай Кришна онгидаги фаолиятга, фақат Худони рози қилиш учун бажариладиган ишларга бағишласа, у бу дунёда ўзининг бошқа бурч ва вазифаларининг барчасидан озод бўлади. Аслида гофил одамларни бу дунёга фақат ана шундай дунёвий бурч ва вазифалар боғлаб туради.

*деварши-бхутапта-нринам питринам  
на кинкаро найам рини ча раджан  
сарватмана йах шаранам шаранйам  
гато мукундам парихритйа картам*

"Барча дунёвий вазифа ва бурчларини тарк этиб, ҳаётини бутунлай Парвардигор Кришнага, Мукундага садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлаган кишининг ҳеч кимнинг - на фаришталар, на донишмандлар, на оддий тирик мавжудотлар, на қариндошлари, на инсоният ва на ўтган аждодлари олдида қарзи қолмайди"(Ш.Б. 11.5.41).

Кришна Аржунни мана шунга даъват қиляпти, бу кейинги шеърларда яна ҳам аниқроқ баён этилади.

39. *эша те "бхихита санкхйе буддхир йоге тв имам шрину  
буддхйа йукто йайа партха карма-бандхам прахасйаси*

***Шу пайтгача Мен сенга бу илмни назарий жиҳатдан тушунтирдим, энди бу ҳақда холис хизмат(беминнат фаолият) нуқтаи-назаридан гапираман. Эй Притханинг ўгли, ана шу илм асосида ҳаракат қилиб, сен ўз фаолиятинг оқибатларига тутқун бўлиб қолишдан озод бўласан.***

Изоҳ: Ведавий "*Нирукти*" луғатида кўрсатилишича, *санкхйа* ибораси "бирор ҳодиса ёки нарсани батафсил таърифловчи илм" деган маънони англатади. *Санкхйа* - руҳнинг ҳақиқий табиатини таърифловчи фалсафа, *йога* эса -

ҳиссиётларни жиловлаб олишга ёрдам берадиган машғулот, ҳаракатлардан иборат. Аржуннинг жанг қилишдан бош тортиши - сезгиларининг талабларини кондиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Ўзининг ҳаётдаги асосий бурчини эканини эсидан чиқариб, у жанг қилишдан бош тортмоқчи эди, чунки бу билан у ўз яқинларининг ҳаётини сақлаб қолиш орқали оғайнилари - Дхрита-раштранинг ўғилларини ўлдириш эвазига эришиладиган салтанатга қараганда каттароқ бахтга эга бўлишни ўйлаган эди. Бу йўлни танлашга уни ўз сезгиларининг талабини кондириш истаги ундаётган эди. Жангда ғалаба қилишдан келадиган бахт ҳам, қариндошларини соғ-саломат кўришдан келадиган бахт сингари, унинг шахсий манфаатларига асосланган бўлиб, шу бахтга эришиш учун у ақлга сиғмайдиган ишни қилишга, яъни Парвардигор олдидаги муқаддас бурчини бажаришдан бош тортишга ҳам тайёр эди. Шунинг учун Кришна Аржунга бобосини ўлдириш билан барибир унинг мангу руҳини ўлдирилмаслигини тушунтирмоқчи бўляпти. Парвардигор унга барча алоҳида руҳлар ҳам, Худо Шахсининг Ўзи ҳам мангу шахс сифатида хамиша тирик қолаверишини тушунтирди: улар аввал ҳам шахс эдилар, ҳозир ҳам шахс ва келажакда ҳам шахс бўлиб қолаверадилар. Бизларнинг ҳар биримиз мангу, алоҳида руҳлармиз. Биз худди кийим алмаштиргандай, моддий таналарни алмашлаб юрамиз, ҳатто моддий тана тутқунлигидан халос бўлиб, озодликка эришгандан кейин ҳам, алоҳида руҳий зарра(жон) бўлиб қолаверамиз. Кришна Аржунга руҳ(жон) ва тананинг табиатларини батафсил тушунтириб берди. Руҳ ва тананинг табиатини ҳар томонлама тушунтириш - "Нирукти" луғатига кўра, *санкхйа* фалсафаси деб аталади. Бу *санкхйа*нинг имонсиз даҳрий Капиланинг фалсафасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сохта Капила ва унинг *санкхйа*сидан анча илгари, ҳақиқий *санкхйа* илмини "Шри-мад Бҳагаватам"да Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси Капила онаси Девахутига баён этган эди. У айтган эдики, *Пуруша* - Худо Шахси ҳаракат қилади, айнан У *пракроти*(моддий табиат)га назар ташлаб, моддий оламни яратади. Ведаларда, шу жумладан "Бҳагавад-Гита"да ҳам шу ҳақда гап боради. Ведаларда айтилганки, Парвардигор *пракроти*га, яъни, моддий табиатга назар ташлади, уни кичик руҳий зарралар билан уруғлантирди. Шу руҳий заррачалар моддий оламда ўз сезгиларининг талабини кондириш учун ҳаракат қилдилар, моддий қувватнинг ранг-баранг зийнатларига алданиб, улар ўзларини "лаззатланувчи" деб ҳисоблайдилар. Ундай руҳлар то "Парвардигор билан қўшилиб кетиш"га интилаётгани сабабли ўзи тушиб қолган мана шу моддий тутқунликдан халос бўлмагунча, бундай фикрлардан қутула олмайди. Мана шу - тирик мавжудотни ҳиссий лаззат излашга мажбур этувчи "майянинг энг охирги чангали"дир. Ана шундай сохта, ўткинчи лаззатларга интилиб ўтказилган сон-саноксиз умрлардан кейин энг улуғвор руҳлар ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага, Васудеванинг амрига топширадилар, шунда улар руҳий баркамолликка эришиб, олий ҳақиқатни излашга биратўла чек қўядилар.

Ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш билан Аржун Уни ўзининг руҳий устози деб қабул қилди: *ишийас те "хам шадхи мам тва прапаннам.*

Шунинг учун энди Кришна Аржунга *буддха-йога* жараёнидаги фаолият ҳақида, яъни *карма-йога*, ягона мақсад - Кришнани мамнун қилиш учун садоқат билан ҳолис хизмат қилиш жараёни ҳақида гапириб беришга ҳозирланыпти. Буддхи-йоганинг мазмуни "Бхагавад-Гита"нинг ўнинчи боб, ўнинчи шеърида жуда аниқ таърифланган; *буддхи-йога* - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма кўринишида мавжуд бўлган Парвардигор билан бевосита боғланишдир. Лекин, фақат садоқат билан ҳолис хизмат қилиш орқалигина Парвардигор билан бевосита боғланиш, мулоқот қилиш мумкин. Шунинг учун Худога илоҳий муҳаббат билан ҳолис хизмат қилишга эришган киши, бошқача қилиб айтганда, Кришна онгига эга бўлган киши албатта Парвардигорнинг алоҳида марҳаматиغا сазовор бўлади ва *буддхи-йог* даражасига эришади. Шунинг учун, Парвардигор айтяптики, У фақат илоҳий муҳаббат билан ҳамиша Ўзига ҳолис хизмат қилиб юрган кишигагина Худога садоқат ва муҳаббат ҳақидаги соф илоҳий илмнинг маҳфий сирларини очади. Худонинг содиқ хизматкори шу йўл билан ҳеч қийналмасдан Парвардигор билан Унинг лаззатга тўла мангу даргоҳида бевосита ҳамсухбат бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, *буддхи-йога* - Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш жараёни бўлиб, бу ерда ишлатилган *санкхйа* иборасининг сохта файласуф, даҳрий Капиланинг санкхйасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ердаги санкхйа-йогани қайсидир йўллар билан атеистик *санкхйа* билан боғланган деб ўйлаш катта хатолик бўларди. Биринчидан, ўша пайтларда бу фалсафа ҳеч қандай амалиётга эга бўлмаган. Иккинчидан, Худо Шахсининг мавжудлигини инкор этадиган бундай бемаъни сафсаталарни Кришна эслаб ўтирмаган бўларди. Ҳақиқий *санкхйа* фалсафасини "Шримад Бхагаватам"да Капила онаси Девахутига баён этган, ҳатто ўша фалсафанинг ҳам бу ерда муҳокама қилинаётган мавзуга бевосита алоқаси йўқ. Бу ерда *санкхйа* ибораси руҳ ва тананинг табиатини назарий жиҳатдан таърифлаш учун ишлатилган, ҳолос. Руҳнинг табиатини таҳлил қилиш орқали, Кришна Аржунни *буддхи-йога*, яъни бҳакти-йогога олиб келмоқчи бўляпти. Ана шу жиҳатдан "Шримад Бхагаватам"да Капила баён этган *санкхйа* билан Кришнанинг санкхйаси бир-биридан фарқ қилмайди. Униси ҳам, буниси ҳам аслида ягона *бҳакти-йога* усулидир. Шунинг учун, Кришна айтяптики, фақат бефаросат кишиларгина *санкхйа-йога* билан *бҳакти-йога* бир-биридан фарқ қилади, дейиши мумкин: *санкхйа-йогау притхаг балах праваданти на пандитах*. Албатта, атеистик санкхйанинг бҳакти-йогога ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунга қарамай, баъзи бир ғофил одамлар "Бхагавад-Гита"да даҳрий Капиланинг *санкхйа* йогаси ҳақида гап борапти, деб айтадилар.

*Буддхи-йога* - Кришна онгидаги фаолият, яъни Худога илм ва лаззатга тўла садоқат билан ҳолис хизмат қилиш жараёнидир. Фақат Парвардигорни мамнун қилишни ўйлаётган кишигина, қилаётган иши қанчалик оғир бўлмасин, *буддхи-йога* қодалари асосида ҳаракат қилади, шу боис ҳамиша унинг қалби руҳий лаззатга тўлиб юради. Худонинг содиқлари шундай руҳий фаолият билан машғул бўлиб, қандайдир ортикча уринишларсиз Парварди-

горнинг мархамати билан мукамал рухий илмга эга бўладилар ва моддий туткунликдан озодликка чиқадилар. Кришна онгидаги фаолият кармали фаолиятдан, айниқса тананинг, ҳиссиётнинг талабларини қондириш ёки оилавий, моддий бахтга эришиш ниятида қилинадиган дунёвий фаолиятдан тубдан фарқ қилади. Шундай қилиб, *буддхи-йога* - биз шуғулланишимиз лозим бўлган илохий фаолиятдир.

40. *нехабхикрама-нашо “сти пратйавайо на видйате  
св-алтам апи асйа дхармасйа трайате махато бхайат*

***Бу йўлга кирган киши ҳеч нарса йўқотмайди, унинг бирор ҳаракати бекорга кетмайди. Бу йўлда қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни энг катта хавф-хатардан сақлаб қолади.***

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан қилинган фаолият, яъни сезгилар(нафс)ининг талабини қондириш учун эмас, Кришнани мамнун қилиш учун, Худо учун холис қилинадиган фаолият - бу дунёдаги энг юксак рухий фаолиятдир. Бундай фаолият билан эндигина шуғуллана бошлаган тажриба-сиз киши ҳам ҳаётда ҳеч қандай қийинчиликка учрамайди, бу йўлдаги ҳар қандай, ҳатто сезилмас даражада озгина ҳаракат ҳам бекор кетмайди. Дунёвий ҳаётда бирор натижага эришиш учун бошлаган ишни албатта охиригача етказиш керак, акс ҳолда қилган барча уринишларимиз бекорга кетади. Лекин Кришна онгида, Худо учун бошланган ҳар қандай иш, ҳатто у охирига етказилмай қолса ҳам, барибир ижобий натижа бераверади. Шу боис Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган киши, ҳатто бошлаган ишини охирига етказолмаса ҳам ҳеч нарса йўқотмайди. Агар биз Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида бирор ишни бошлаб қўйиб, унинг атиги бир фоизинига бажарсак ҳам, бу натижа ҳамиша бизнинг ҳисобимизда қолаверади - кейинги ҳаётимизда биз бу фаолиятни келган жойимиздан давом эттираемиз. Моддий ҳаётдаги ҳар қандай иш эса, фақат охиригача тўла бажарилсагина бирор натижа беради. Ҳаётда Кришна онги билан озгина вақт шуғулланган Ажамила умрининг охирида Худонинг мархамати билан тўлиқ натижага эришди. "Шримад Бҳагаватам"да бунга ажойиб бир мисол бор:(1.5.17):

*тйактва сва-дхармам чаранамбуджам харер  
бхаджанн апакво "тха патет тато йади  
йатра ква вабхадрам абхуд амушйа ким  
ко вартха апто "бхаджатам сва-дхарматах*

"Ҳаётда Кришна онги билан яшаш учун дунёвий вазифаларини тарк этган киши, ҳатто кейинчалик бу йўлнинг охиригача етиб боролмай адашиб кетса ҳам, нимани йўқотади? Аксинча, ҳаётда ўз бурчини мукамал бажариб юр-

ган бўлса ҳам, фақат дунёвий ишлар билан шуғулланиб юрган киши нимага эришади?"

Масихийларнинг муқаддас китоби(Инжил)да айтилганидай: "Одам бутун жаҳонни эгаллаб олса-ю, ўзининг мангу руҳига зиён етказса, бундан нима фойда?"

Танаси ҳалок бўлганда инсоннинг бу ҳаётда қилган ҳамма дунёвий ишлари, олишга улгурган моддий бойликларининг барчаси бутунлай йўққа чиқади. Лекин, Кришна онгида, Худо учун қилинган ишлар, ҳозирги танасини тарк этгандан сўнг, кейинги ҳаётида уни яна Кришна онгидаги ҳаётга, Худони англаш йўлига олиб келади. Кейинги ҳаётида у яна инсон танасида, олийжаноб браҳман оиласида ёки бой-бадавлат, обрўли хонадонда туғилади, шу тариқа яна руҳий юксалиш йўлида ўз фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Кришна онгидаги фаолиятнинг ажойиб хусусияти ана шундай.

41. *вайавасайатмика буддхир эхеа куру-нандана*  
*баху-шахха хй ананташ ча буддхайо "вайавасаинам*

***Бу йўлдаги кишиларнинг қарори қатъий ва ўзгармас бўлади, улар ягона мақсадга интилиб яшайдилар. Эй Куру авлоди, қатъиятсиз кишининг ақли परिшон бўлади(аниқ мақсади бўлмайди).***

Изоҳ: Кришна онги билан Худога хизмат қилиш орқали ҳаётнинг энг олий мақсадига эришишига аниқ ишонган кишининг ақл-заковати, тафаккури *вайавасайатмика* деб аталади. "Чайтанья-Чатитамрита"да (Мадхйа, 22.62) шундай дейилган:

*"ираддха-шабде - вишваса кахе судридха нишчайя*  
*кришне бҳакти каиле сарва-карма критя хайя*

Азалий қудратли Олий Зот мавжуд эканига қатъий ишонч ҳосил қилиш "иймон" деб аталади. Ҳаётини Кришна онги билан Худога хизмат қилишга бағишлаган кишининг қандайдир дунёвий ишлар билан шуғулланишининг, оила, давлат ва инсоният олдидаги ўз бурчини бажаришининг ҳожати йўқ. Инсоннинг ҳаётда бажараётган ҳар қандай ишининг натижаси унинг аввалги ҳаётида қилган яхши ёки ёмон ишларига боғлиқ бўлади. Лекин, қалбида Кришна онги уйғонган кишининг ўз фаолиятдан қандайдир ижобий натижага эришишга интилиб юришига ҳеч қандай зарурат йўқ. Кришна онгидаги кишининг қилаётган барча ишлари мутлақ, илоҳий табиатга эга бўлади, бошқача қилиб айтганда ундай одам учун "яхши", "ёмон" деган тушунчаларнинг мутлақо аҳамияти йўқ. Кришна онгида фаолият кўрсатишининг энг юксак поғонаси - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан бутунлай озод бўлишдир. Қалбида Кришна онгини ривожлантираётган киши эртами-кечми барибир

ана шу олий поғонага кўтарилади.

Кришна онги билан кўрсатилаётган фаолиятда намоён бўладиган қатъият инсоннинг эгаллаган руҳий илмига асосланади. *Васудеваҳ сарвам ити са махатма су-дурлабхаҳ*. Кришнани англаб етган киши - ҳақиқатан ҳам ҳаётда жуда кам учрайдиган энг нодир инсондир, у Васудева, Кришна - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси эканини тўла англаб етган инсон. Дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан биз унинг ҳамма шохалари ва барглари-ни суғорамиз, худди шунга ўхшаб, Кришна онгида ҳаракат қилаётган одам ҳам ҳаммага - ўзига, оиласига, жамиятга, ватанига ва бутун инсониятга чексиз манфаат келтираётган бўлади. Агар унинг қилаётган хизматидан Парвардигор, яъни Кришна мамнун бўлса, ундан бутун олам мамнун бўлади.

Инсон Худога - шогирдининг қобилиятини, мойилликларини яхши билладиган, унга Кришна онгида қандай ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсата оладиган тажрибали руҳий устознинг, Парвардигорнинг ҳақиқий вакилининг раҳбарлиги остида хизмат қилган маъқул.

Шу боис, Кришнани англаш илмига эга бўлиш учун қатъият билан ҳаракат қилиш, Кришнанинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларини бажаришни ўзининг энг асосий бурчи деб билган ҳолда, унинг айтганларига сўзсиз амал қилиш лозим. Руҳий устозига қилган илтижоларида Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур бизга шундай насиҳат беради:

*йасйа прасадад бхагават-прасадо  
йасйапрасадан на гатиҳ кутто "ни  
дхйайан стувамс тасйа йашас три-сандхйам  
ванде гуроҳ ири-чаранаравиндам*

"Руҳий устозни мамнун қилиш билан бир вақтнинг ўзида биз Парвардигорни ҳам мамнун қилган бўламиз. Руҳий устозни мамнун қилмай туриб, Худони англашнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Шунинг учун кунига камида уч марта руҳий устоз ҳақида ўйлаш, унинг марҳаматини сўраб илтижо қилиш, эҳтиром билан унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиш лозим".

Шундай қилиб, Кришна онгида амалга ошириладиган фаолият - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, руҳ ҳақидаги мукамал илмга асосланган юксак руҳий фаолиятдир. Бу илм фақат назарий илм эмас. Бу илм аниқ ҳаётий тажрибаларга асосланган, уни эгаллаган инсон ҳаётда ҳеч қачон ўз нафсининг қули бўлиб, ҳар хил оқибатларга олиб келадиган кармали фаолият билан шугулланмайди. Лекин, қалбида ана шундай қатъиятни ривожлантира олмаган киши кармали фаолиятнинг ҳар хил ўткинчи неъматларига учиб, яна йўлдан адашади.

42-43. *ям имам пушпитам вачам правадантй авипашчитаҳ  
веда-вада-ратах партха нанйад астити вадинаҳ  
каматманаҳ сварга-пара джанма-карма-пхала-прадам*

**Илми оз кишилар Ведалардаги, жаннатий сайёраларга кўтарилиш, обрўли ва бадавлат хонадонда тугилиш, буюк қудратга эга бўлиш ва бошқа кўплаб бойликларга эришиш йўлида ҳар хил карма(оқибат) келтирадиган урф-одатларга амал қилишни ҳамда ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказишни тавсия қиладиган чиройли гапларга мафтун бўлиб қоладилар. Ҳиссий лаззатларга ва дабдабали турмуш кечиршига интиладиган шундай одамлар, бундан буюкроқ мақсад йўқ, деб айтадилар.**

Изоҳ: Кўпчилик одамлар чуқур фикр-мулоҳаза юрита олмайдилар ва ғофиллиги сабабли Ведаларнинг “*карма-канда*” деб аталадиган бўлимида кўрсатилган кармали фаолиятга маҳлиё бўлиб қоладилар. Уларнинг орзу-истакларининг охириги чегараси - дарёларда маст қиладиган ичимлик, мусаллас оқиб турадиган, чиройли аёллар кўп, лаззатланиш учун ҳамма нарса ошиб-тошиб ётган жаннатий сайёраларга эришиб, шу ерда лаззатланиб яшашдан иборат. Ведаларда жуда кўп қурбонлик маросимлари, айниқса *джйотишитома* маросими батафсил таърифланган, шу маросимларни ўтказиш натижасида инсон кейинги ҳаётида жаннатга эришиш ҳуқуқига эга бўлади. Жаннатга эришишни истаган ҳар бир инсон албатта ана шу маросимни ўтказиши лозим. Ғофил одамлар Ведаларнинг асосий мақсади шундан иборат деб ўйлайдилар. Узокни кўролмайдиган шундай калтафаҳм одамларнинг Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшаш учун жуда зарур бўлган қатъий ишончга, чуқур иймон-этиқодга эга бўлиши жуда қийин. Худди аҳмоқ одам натижаси қандай бўлишини билмасдан дарахтдан захарли мева узаётгани сингари, ҳақиқий, мукамал илмга эга бўлмаган ғофил одамлар ҳам, жаннатдаги роҳат-фароғатга тўла ўткинчи ҳаётга, у ердаги хиссий лаззатларга маҳлиё бўлиб қоладилар. Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида шундай дейилган: *апама сомам амрита абхума ва акшайам ха ваи чатурмасйа-йаджинаҳ сукритим бхавати. Чатурмасйа* қодаларига риоя қилиб, яъни, белгиланган тўрт ой давомида маълум риёзатларга берилиб яшаган киши жаннатдаги мангулик ато этадиган ва туганмас бахт келтирадиган *сома-раса* деган ичимликдан ичиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳатто Ер сайёрасида ҳам бакувват, соғсаломат бўлиш ва бу билан ҳаётдан чексиз лаззатланиш имкониятига эга бўлиш учун *сома-раса* ичимлигидан ичишни орзу қиладиган кишилар бор. Улар моддий тутқунликдан руҳий озодликка чиқиш йўли борлигига ишонмайдилар ва қурбонлик маросими пайтидаги ҳар хил дабдабали, чиройли манзараларга қаттиқ боғланиб қоладилар. Ундай одамлар ўз сезгиларининг кули бўлиб қолган ғофил одамлардир: уларга ҳаётда жаннатдагидай лаззатланишдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Маълумки, жаннатда *нандана-канана* деган ажойиб боғлар бор, шу боғларда фариштадай чиройли парилар билан *сома-раса* ичимлигидан ичиб, лаззатланиб яшаш мумкин. Бундай бахт -



Ўткинчи моддий бахт, уларнинг манбаи эса - ўткинчи тананинг сезги аъзола-ридир. Ўзларини моддий оламнинг лаззатланувчи ҳукмдорлари деб ҳис қилишига ёрдам берадиган ана шундай ўткинчи бахтга қаттиқ боғланиб қолган одамлар жуда кўп.

44. *бхогайшварйа-прасактанам тайапахрита-четасам  
вайавасайатмика буддхих самадхау на видхийате*

**Ҳиссий лаззатларга ва моддий бойликка қаттиқ боғланиб қолган, шу сабабли ҳамини ақли адашиб юрган одамларда ўзини Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишга бағишлаш учун қатъият этишмайди.**

Изоҳ: Самадҳи ибораси "биргина нарсага мужассам бўлган ақл"ни билдиради. Ведавий "Нирукти" луғатида шундай дейилган: *самйаг адхйате "сминн атма-таттва-йатхатмйам* - "Ақли олий "Мен"га эришиш жараёнида мужассам бўлган киши *самадҳи* ҳолатида бўлади". Ўткинчи неъматларга алданиб, дунёвий лаззатларга берилиб юрган одам ҳеч қачон *самадҳи* ҳолатига эриша олмайди. Моддий қувват ундай одамларнинг йўлида ўта олмайдиган тўсиқлар қўйиб қўяди.

45. *трай-гунйа-вишайа веда нистрай-гунйо бхаварджуна  
нирдвандво нитйа-саттва-стхо нирйога-киема атмаван*

**Ведаларда асосан моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида кўрсатиладиган фаолият ҳақида ёзилган. Эй Аржун, сен бу гуналардан устун бўл! Қарама-қаршиликларнинг намоен бўлган ҳар хил кўринишлари таъсирига берилма, бу дунёда бирор нарсага эга бўлишга, бирор мулкнингни сақлаб қолишга интилишни тарк эт, ўзингнинг ҳақиқий "Мен"ингни англаб ол!**

Изоҳ: Дунёвий фаолият моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида қилинадиган амаллардан ва шу амалларнинг оқибатларидан иборат. Бундай фаолият маълум натижаларга эришишга қаратилган бўлиб, тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади. Ведаларнинг асосий қисмини ҳар хил натижаларга эришиш ниятида қилинадиган фаолиятга боғлиқ бўлган кўрсатмалар ташкил қилади. Бу кўрсатмаларнинг мақсади - оддий одамларнинг аста-секин ҳиссий лаззатланиш ниятида қилинадиган фаолиятдан воз кечиб, руҳий поғонадаги фаолият билан машғул бўлиш даражасига кўтарилишига ёрдам беришдан иборат. Аржун Кришнанинг шогирди бўлгани учун Парвардигор уни дарҳол руҳий поғонадаги ҳаётга, яъни *Брахма-дживйаса* - "олий руҳий асослар" ҳақидаги саволлардан бошланадиган юксак поғонага кўтарилиб олишга ундаяпти. Моддий оламда адашиб

юрган барча тирик мавжудотлар тирикчилик учун бешафкат кураш олиб бордилар. Уларни ҳаётда тўғри яшашга ўргатиш ҳамда уларга моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш йўлини кўрсатиш учун Парвардигор одамларга Ведалар илмини берган. Аввалига тирик мавжудот Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида ёзилган, ҳиссий лаззатларга олиб келадиган фаолият билан машғул бўлади. Шу поғонада юрган тақводор инсон *упанишадалар*да ёзилган руҳий ўзликни англаш йўлига кириш имкониятига эга бўлади. "Бҳагавад-Гита" бешинчи Веда ҳисобланган "Маҳобҳорат"нинг бир қисми бўлгани сингари, Упанишадалар ҳам Ведаларнинг бир қисми ҳисобланади. Упанишадаларда руҳий юксалиш йўлининг бошланиши таърифланган.

Токи тирик мавжудот моддий тана ичига камалган экан, у моддий табиат гуналари таъсири остида ҳаракат қилишга, шу амалларининг яхши-ёмон оқибатларига дучор бўлишга маҳкум. Инсон моддий оламдаги қарама-қаршиликларнинг бахт ва мусибат, иссиқ ва совуқ сингари кўринишларига чидам билан сабр қилишга ўрганиши керак. Шунда биз фойда ва зарар билан боғлиқ бўлган ташвишлардан биратўла халос бўламиз. Кришна онгига эга бўлиб, ҳар бир ишда Худонинг хоҳишига, Унинг иродасига таваккал қиладиган киши ҳаётда ана шундай юксак даражага эришади.

*46. йаван артха удапане сарватаҳ самплутодаке  
таван сарвешу ведешу Браҳманасйя виджанатаҳ*

***Кичкина қудуқ таъминлайдиган эҳтиёжларни катта сув ҳавзаси бирданга таъминлайди. Худди шундай, Ведаларнинг олий вазифасини биладиган киши уларда ёзилган ажр-мукофотларнинг ҳаммасига эришади.***

Изоҳ: Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида кўрсатилган қурбонлик маросимлари ва урф-одатлар инсонларнинг руҳий ўзликни англаш йўлига киришларида ёрдам бериш учун мўлжалланган. Руҳий ўзликни англаш йўлининг охирги мақсади "Бҳагавад-Гита"нинг ўн бешинчи бобида аниқ айтилган(15.15): Ведаларни ўрганишдан мақсад - бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси бўлган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси Кришнани англашдан иборат. Шундай қилиб, ҳақиқий ўзликни англаш - Кришнани ва У билан ўзимизнинг мангу муносабатимизни англаб етишдир. Тирик мавжудотнинг Кришна билан ўзаро муносабатлари ҳақида ҳам "Бҳагавад-Гита"нинг ўн бешинчи бобида(15.7) айтилган. Барча тирик мавжудотлар - Кришнанинг ажралмас бўлақларидир, шу боис, калбида Кришна онгини ривожлантираётган алоҳида тирик мавжудотлар Ведалар илмини ўрганишнинг энг юқори поғонасига кўтариладилар. Буни "Шримад-Бҳагаватам"даги қуйидаги шеър ҳам тасдиқлайди(3.33.7):

*ахо бата шва-пачо "то гарийан*

*йадж-джихвагре вартате нама тубхйам  
тепус тапас те джухувух саснур арийа  
брахманучур нама гринанти йе те*

"Эй Парвардигор, Сенинг муқаддас номингни зикр қилиб юрган киши ҳатто ит гўшти ейдиган ҳароми(*чандал*)лар хонадонидан чиққан бўлса ҳам, руҳий ўзликни англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилган инсон ҳисобланади. Шубҳа йўқки, у ўтган ҳаётида Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказган, руҳий юксалиш йўлидаги барча риёзатлардан ўтган, барча муқаддас саждаҳоҳлардаги муқаддас сувларда ювиниб покланган ва жуда кўп марта ведавий асарларни ўрганган инсондир. Шундай инсонни арийларнинг энг аълоси деб ҳисоблаш керак".

Шундай қилиб, Ведаларнинг охириги мақсадини англаб етиш учун инсон етарли тафаккурга эга бўлиши, фақат ведавий маросимларни ўтказиш ва жаннатий сайёраларда энг нозик ҳиссий лаззатлардан роҳатланиб яшашга интилиш билангина қаноатланиб қолмаслиги керак. Ҳозирги даврда ҳеч ким Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказишга, бутун "Веданта" ва Упанишадалар илмини тўлиқ ўрганиб чиқишга қодир эмас. Қонун-қоидалар асосида Ведаларнинг барча кўрсатмаларини бажариш учун жуда кўп вақт, куч, илм ва маблағ керак. Ҳозирги даврда бунинг умуман иложи йўқ. Лекин, барча ведавий кўрсатмалардан қўзланган энг олий мақсадга, адашган одамларнинг ҳалоскори Парвардигор Чаитанья ўргатган йўл, яъни, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Бир куни Ведаларнинг машҳур билимдони Пракашананда Сарасвати Чаитанья Махапрабҳудан нимага Веданта илмини ўрганиш ўрнига, худди ҳиссий эҳтиросларга берилган оддий одамдай Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб юрганни сўради. Чаитанья Махапрабҳу унга жавоб бериб шундай деди: "Руҳий устозим Мени "ақлсиз" деб ҳисоблади ва шу боис менга Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишни буюрди. Мен муқаддас номларни зикр қилишдан чуқур илоҳий лаззат оламан, шу илоҳий жазва таъсиридан, ҳатто, бутунлай ақлимни йўқотиб қўяман". Кали-юга даврида яшаётган одамларнинг аксарият кўпчилиги жуда ақлсиз ва ғофил, шу боис "Веданта" фалсафасини тушуниш учун уларнинг тафаккури, ақли заифлик қилади. Ведаларнинг олий мақсадига эришишнинг энг яхши ва осон йўли - Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қилмасдан зикр қилишдан иборат. "Веданта" - бутун ведавий донишмандлик илмининг якуний натижаси, энг юксак чўққиси ҳисобланади(*анта* - охири деган маънони англатади). "Веданта"нинг энг буюк билимдони ва уларни нозил қилган Зот - Худонинг Олий Шахси, Кришна. Шунинг учун, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан лаззатланишни биладиган инсонни "энг аъло ведантист", "Ведалар илмининг билимдони" деб ҳисоблаш керак. Ведаларда нозил қилинган сирли таълимотнинг охириги, якуний маъноси мана шундан иборат.

***Сен фақат ўзингга юклатилган бурчни бажара оласан, лекин, ўз меҳнатинг натижаларидан лаззатланишга ҳаққинг йўқ. Ҳеч қачон, қилаётган ишларингнинг натижаси сенинг ўзингга боғлиқ деб ўйлама, лекин, ўз бурчингни бажаришдан ҳам бош тортма.***

Изоҳ: Бу ерда уч масала кўрилган: инсоннинг шастраларда белгиланган бурч-вазифалари; инсоннинг ўз хоҳиши билан қиладиган ишлари ва фаолиятсизлик. Муқаддас китобларда инсон учун буюрилган вазифаларнинг ҳаммаси одамларнинг қайси табиат гунаси таъсири остида яшаётганига қараб белгиланган. Инсоннинг ўз хоҳиши билан, фақат ўз манфаатини кўзлаб қиладиган ишлари - Худонинг кўрсатмаларига, қонунларига зид бўлган ишлардир, фаолиятсизлик эса - ўзининг Парвардигор олдидаги бурчини бажаришдан бош тортишдир. Парвардигор Аржунга фаолиятсиз бўлиб қолмасликни, қилган ишларининг натижаларига ҳам боғланиб қолмасдан ўз бурчини холис бажаришни маслаҳат берапти. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган киши ўзи қиладиган барча ишларнинг сабабчисига айланади. Шу боис у ўз фаолиятининг оқибатларидан гоҳида лаззатланади, гоҳида азоб чекади.

Муқаддас китобларда белгиланган вазифаларни уч тоифага бўлиш мумкин: кундалик фаолият, фавқулодда ҳолатлардаги фаолият, одамнинг ўз истакларига мос келадиган фаолият. Инсоннинг кундалик турмушда муқаддас китобларнинг кўрсатмаси асосида, натижасидан бирор манфаат таъма қилмасдан ҳар куни холис бажариб юрган ишлари - эзгулик гунасидаги фаолиятдир. Натижасидан умидвор бўлиб, бирор фойда, манфаат таъма қилиб бажарадиган фаолиятимиз бизнинг бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишимизга сабаб бўлади ва шу сабабли улар бемаъни, гуноҳ ишлар ҳисобланади. Муқаддас китобларда ўзи учун белгиланган бурчни бажаришга ҳар бир одамнинг ҳаққи бор, лекин бу ишларининг натижасидан таъма қилишга ҳаққи йўқ; ўз бурчини ана шундай боғланишсиз, холис бажариш инсонни руҳий озодлик йўлига олиб чиқади. Айнан шунинг учун Парвардигор Аржунни фақат ўз бурчини бажариш учун жанг қилишга, жангнинг натижаси ҳақида ўйламасликка чақиряпти. Аржуннинг жанг қилишдан бош тортиши унинг моддий ҳаётга боғланиб қолганидан далолат бериб турибди. Бундай боғланишлар руҳий озодликка эришиш йўлида катта ғов бўлади. Ҳоҳ фаолиятга бўлсин, хоҳ фаолиятсизликка бўлсин, ҳар қандай дунёвий боғланиш - инсоннинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади. Фаолиятсизлик - гуноҳ, шунинг учун Аржун фақат ўз бурчини бажариш, яъни жангда иштирок этиш орқали руҳий озодликка чиқиш йўлига кириши мумкин.

*48. йога-стхаҳ куру кармани сангам тйактва дхананджайа  
сиддхи-асиддхйох само бхутва саматвам йога учйате*

***Эй Аржун, ўз бурчингни ҳеч қандай боғланишсиз, галаба ва мағлубият ҳақида ўйламасдан, хотиржамлик билан бажар. Ўзини ана шундай тута билиш “йога” деб аталади.***

Изоҳ: Кришна Аржунга йога қоидалари асосида ҳаракат қилишни буюряпти. “Йога” дегани нима? *Йога* - одамга ўзининг тўймас сезгилар(нафс)ини жиловлаш ва ақлини Парвардигорда жамлашга ёрдам берадиган амаллардир. Парвардигор дегани ким? Парвардигор - Олий Хукмдор, Худонинг Олий Шахси, Унинг Ўзи Аржунга: "Жанг қил!" - деб буюриб турган экан, демак жанг натижаси Аржунга боғлиқ эмас. Галаба ёки мағлубият - Парвардигорнинг иши, Аржун фақат Унинг буйруғини бажариши лозим. Ҳақиқий йога - Кришнанинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашдир. Ана шундай ишлар “Кришна онгидаги фаолият” деб аталади. Фақат ана шундай фаолиятгина инсоннинг бугун оламга хукмронлик қилишга интилиш иллатидан халос бўлишига ёрдам беради. Ҳар бир инсон Кришнанинг хизматкори бўлиши, аниқроғи, Унинг хизматкорининг хизматкори бўлиши керак - шунда у Кришна онгидаги ўз фаолиятини тўғри бажара олади. Йога қоидаларига амал қилиш учун шунинг ўзи мутлақо етарли.

Аржун *киатрий* сифатида *варнашрама-дҳарма* тизимидаги жамиятга мансуб инсон. "Вишну-пурана"да айтилганки, *варнашрама-дҳарма* тизимининг мақсади - Вишнуни мамнун қилишдан иборат. Инсон ҳаётда ўзининг дунёвий орзу-истакларини амалга ошириш учун эмас, балки Худо Шахсини, Кришнани мамнун қилишга интилиб яшаши керак. Кришнани мамнун қилишга интилмай юрган киши *варнашрама-дҳарма* кўрсатмаларига амал қилмаётган бўлади. Шу тариқа Кришна Аржунга Унинг кўрсатмаларига амал қилиши лозимлигини эслатиб қўйяпти.

49. *дурена хй аварам карма буддхи-йогод дхананджайа  
буддхау шаранам авиччхя крипанах пхала-хетавах*

***Эй Дхананжая, ҳар қандай бемаъни фаолиятни тарк эт, ўзингни Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишла ва шундай кайфиятда ўзингни бутунлай Худога топшир. Фақат очкўз, хасис одамлар ўз меҳнатининг натижаларига интиладилар.***

Изоҳ: Ўзининг ҳақиқий табиатини - Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етган киши, бутун умрини Кришна онгидаги фаолиятга - Худога хизмат қилишга бағишлайди ва бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этади. Аввал айтганимиздай, *буддхи-йога* - Худога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишдир. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий вазифаси ана шундан иборат. Фақат хасис одамлар ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интиладилар, натижада моддий ҳаёт тўрларига баттарроқ ўралиб

коладилар. Кришна онгида қилинган фаолиятдан бошқа ҳар қандай фаолият гуноҳ ҳисобланади, чунки ундай фаолият тирик мавжудотни бу дунёдаги тугилиб-ўлишлар чархпалагида мангу айланиб юришга мажбур этади. Шунинг учун ҳеч қачон инсон қилаётган ишининг сабабчиси ўзим деб ҳисобламаслиги керак. Ҳар қандай ишни Кришна онгида, фақат Худони мамнун қилиш учун бажариш лозим. Хасис одам тақдирига ёзилган ёки оғир меҳнати эвазига қўлга киритган бойлигидан қандай фойдаланишни билмайди. Инсон бутун куч-қудратини Кришна онгида хизмат қилишга сарфлаши лозим - шунда бизнинг умримиз албатта муваффақият билан тугайди. Лекин, ўзларининг бахтига қарши хасис одамлар буни тушунмайдилар ва кучларини Худо садоқат билан хизмат қилиш йўлида сарфламайдилар.

*50. буддхи-йукто джахатиха убхе сукрита-душкрите  
тасмад йогайя йуджйасва йогаҳ кармасу каушалам*

***Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ яхши ва ёмон амалларининг барча оқибатларидан озод бўлади. Шунинг учун ҳаётининг фаолиятнинг энг мукамал тури бўлган йогага бағишла!***

Изоҳ: Яхши ва ёмон ишларининг оқибатлари қадим замонлардан бери тирик мавжудотнинг ортидан эргашиб юрибди. Шунинг учун у ғофиллик ботқоғига ботиб, ўзининг ҳақиқий табиатини англай олмай юради. Инсонга ўз ихтиёрини Худога, Кришнага топширишни, шу йўл билан ҳар бир тирик мавжудот умрлар оша айланиб келаётган, "фаолият ва уларнинг оқибатлари"дан иборат моддий ҳаёт чархпалагидан қутулишни тавсия этадиган "Бхагавад-гита"нинг кўрсатмаларига амал қилиш билан ғофиллик асоратидан қутулиш мумкин. Парвардигор Аржунга Кришна онгида ҳаракат қилишни, шу йўл билан ўзининг аввалги фаолияти оқибатларидан халос бўлишни маслаҳат берапти.

*51. карма-джем буддхи-йукта хи пхалам тйактва манишинах  
джанма-бандха-винирмуктаҳ падам гаччхантй анамайам*

***Худога хизмат қилиб, буюк донишмандлар ва Худонинг содиқлари ўзларининг моддий оламдаги фаолиятининг оғир оқибатларидан халос бўладилар. Шу тарзда улар тугилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетадилар ва Парвардигорнинг ҳеч қандай мусибат бўлмаган мангу даргоҳига эришадилар.***

Изоҳ: Озод рухлар моддий қийинчиликлар йўқ даргоҳда яшайдилар. "Шри-мад Бхагаватам"да шундай дейилган(10.14.58)

*самашрита йе пада-паллава-плавам*

*махат-падам пунйа-йашо мурарех  
бхамбудхир ватса-падам парам  
падам падам йад випадам на тешам*

"Муқунда(озодликка чиқарувчи) номи билан маълум бўлган, бутун оламга нажот берувчи Парвардигорнинг нилуфар пойи кадамлари кемасига чиқиб олган киши учун моддий оламнинг чексиз уммони, худди бузоқнинг туёк изида тўпланиб қолган кўлмак сувидай кичик бўлиб қолади. Шундай инсон *парам падам*, яъни Вайкунтхага - моддий мусибатлар бўлмаган олий даргоҳга эришади. Унинг ҳар қадамда турли азоб-уқубатлар пойлаб турадиган бу оламда қолишининг мутлақо ҳожати йўқ".

Тирик мавжудот ўзининг ғофиллиги сабабли моддий олам аслида унинг учун ҳамма жойда хавф-хатарлар кутиб турган мусибатлар макони эканини билмайди. Калтафаҳм одамларни бу дунёнинг шароитларига кўникиб яшашга ва кармали фаолият билан шуғулланиб, унинг натижасида бахтли бўламан, деган ният билан, оғир меҳнат қилиб яшашга факат ўзларининг ғофиллиги мажбур қилади. Моддий оламнинг бирор жойида, сон-саноксиз моддий таналарнинг бирортасида азоб-уқубатларга учрамасдан яшай олмаслигини улар билмайдилар. Моддий тирикчиликнинг мангу йўлдоши бўлган - туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик - моддий оламнинг ҳамма жойида бор. Лекин, ўзининг ҳақиқий ҳолатини, аслида у Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини ҳамда Парвардигорнинг табиатини англаб етган киши умрини Худога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишга бағишлайди. Ана шундай одам на моддий азоб-уқубатлар, на ўлим, на ўткинчи замон таъсир қила олмайдиган Вайкунтха салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзининг азалий ҳолатини англаб етиш - Парвардигорнинг улуғвор ҳолатини ҳам англаб етиш демакдир. Адашганидан "тирик мавжудот ҳам Худога тенг" деб юрган киши ғафлат зулматида юрган бўлади, шу боис у Худога садоқат билан холис хизмат қила олмайди. Унинг ўзи Худо бўлишга интилади, шу боис ўзини туганмас туғилиб-ўлишлар чархпалагида чексиз айланиб юришга маҳкум этади. Ўзининг ҳақиқий вазифаси Худога хизмат қилиш эканини тушунган киши эса, Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлига киради ва Вайкунтхага эришади. Худога садоқат билан холис хизмат қилиш *карма-йога* ёки *буддхи-йога* деб аталади.

*52. йада те моха-калилам буддхир вйатитариййати  
тада гантаси нирведам шротавйасйа шрутасйа ча*

***Тафаккуринг алданиш чангалидан халос бўлганида, сен аввал эшитган ва энди эшитадиган гапларнинг ҳаммасига эътибор бермайдиган бўласан.***

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасида инсон ведавий маро-

сим ва урф-одатлар билан умуман қизиқмай қўйишига Худонинг буюк содик хизматкорлари ҳаётидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Кришнани ва ўзининг У билан бўлган мангу муносабатларини ҳақиқатан англаб етган киши, ҳатто тажрибали браҳман бўлса ҳам, кармали фаолият билан боғлиқ бўлган ҳар хил урф-одатларга умуман эътиборсиз бўлиб қолади. Буюк ачарйя-вайшнава, Шри Мадхавендра Пури шундай дейди:

*сандхйя-вандана бхадрам асту бхавато бҳоҳ снана тубхйам намо  
бхо девах питараши ча тарпана-видхау нахам кишамаҳ кишамйатам  
йатра квапи нишадйя йадава-кулоттамасйя камса-двйшаҳ  
смарам смарам агхам харами тад алам манйе ким анйена ме*

"Эҳ менинг ҳар куни қиладиган илтижоларим, сизларга шон-шарафлар бўлсин. Эҳ, ҳар кунги эрталабки сувда чўмилишларим, сизларга таъзим қиламан. Ҳой фаришталар, эй аждодларим, сизларга ҳурмат билан таъзим қилишни тарк этганим учун мени кечиринглар. Энди, мен қаерда бўлсам ҳам, ҳамиша фақат Ядавлар хонадонининг буюк вакили(Кришна)ни, Камсанинг душманини эслаб юраман, шу билан барча гуноҳларим оқибатидан халос бўламан. Менга шунинг ўзи бемалол кифоя, деб ўйлайман".

Эрта туриб ювиниш, кунига уч марта Худога сажда қилиб, илтижо қилиш, аждодларни хотирлаш сингари Ведавий маросим ва урф-одатлар - руҳий юксалиш йўлига энди кирган тажрибасиз одамлар мунтазам бажариши шарт бўлган удумлардир. Лекин, қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган ва Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг бу қоидаларга амал қилиб юришига ҳеч қандай зарурат қолмайди, чунки у аллақачон руҳий баркамолликка эришган. Агар инсон Парвардигор Кришнага хизмат қилиш орқали мукамал илмга эга бўлса, унинг Ведаларда тавсия қилинган сон-саноксиз қурбонлик маросимларини ўтказиб юришининг, ҳар хил тавба-тазаррулар қилиб юришининг ҳожати йўқ. Ведаларнинг мақсади - Кришнани англаш эканини тушунмайдиган ва фақат ведавий маросимларни ўтказиш билан шуғулланиб юрган киши вақтини бекорга сарфлайди. Кришна онгига эга бўлган кишилар *шабда-браҳмадан*, яъни, Веда ва Упанишадларнинг кўрсатмаларидан устун турадилар.

*53. шрути-випратипанна те йада стхасйяти нишчала  
самадхав ачала буддхис тада йогам авапсйаси*

***Қачон Ведаларнинг жимжимадор гаплари ақлингни безовта қилишни бас қилса ва қачон сен ўзингнинг ҳақиқий "Мен"ингни англаб, ҳамиша руҳий жазава(транс) ҳолатида ўзгармай қоладиган бўлсанг, шунда сен илоҳий онгга эга бўласан.***

Изоҳ: *Самадҳи* ҳолатида бўлиш - қалбида Кришна онгини тўла ра-



вожлантириш, яъни, бошқача қилиб айтганда, Брахман, Параматма ва Бхагаванни англаб етиш демакдир. Ўзликни англашнинг мана шу олий поғонасига кўтарилиб, инсон аслида ўзи Кришнанинг мангу хизматкори эканини ва унинг ягона вазифаси - Кришна онгида ўз бурчини бажариш эканини англаб олади. Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган ана шундай одамни Ведаларнинг чиройли гаплари қизиқтирмайди, шу боис у жаннат сайёраларига эришиш имконини берадиган кармали фаолият билан шуғулланмайди. Кришна онгига эга бўлиб, тирик мавжудот Парвардигор билан бевосита мулоқот қила бошлайди ва ана шундай рухий поғонада туриб Унинг ҳамма кўрсатмаларини тушуниб етишга қодир бўлади. Кармали фаолият ёрдамида бундай мукамал илмга эга бўлишнинг иложи йўқ. Мукамал илмга эга бўлиш учун Кришнанинг ёки Унинг вакили, рухий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш лозим.

#### 54. арджуна увача

*стхита-праджнасья ка бхаша самадхи-стхасья кешава  
стхита-дхи ким прабхашета ким асита враджета ким*

***Аржун деди: О Кришна, ана шундай илоҳий онг соҳиби бўлган кишини қандай таниб олиш мумкин? У нималар ҳақида гапиради, ўз фикрини қандай ифодалайди? Унинг юриш-туриши қандай бўлади?***

Изоҳ: Одамнинг жамиятда қандай мартабага эга эканини унинг баъзи бир белгиларига қараб билиш мумкин бўлгани сингари, Кришна онгига эга кишини ҳам гапираётган гапларига, юриш-туришига, фикрларига ва бошқа белгиларига қараб билиб олиш мумкин. Ўзига хос белгилар бадавлат кишини камбағалдан, бемор кишини соғ-саломат кишидан, билимдон кишини ғофил одамдан ажратиб туради, худди шундай илоҳий онгга, яъни Кришна онгига эга бўлган кишини ҳам, у ҳар хил шароитларда ўзини қандай тутишига қараб билиб олса бўлади. Бу белгилар "Бхагавад-Гита"нинг кейинги шеърларида келтирилган. Ҳар қандай одамни, шунингдек, Кришна онгидаги одамни ҳам бошқалардан ажратиб турадиган асосий хусусият - унинг гапларидир. Айтадиларки, башанг кийиниб олган аҳмоқ одам то гапира бошламагунча унинг ким эканини билиб бўлмайди, лекин, у оғзини очиб гапира бошлаган заҳоти унинг ким экани дарров маълум бўлади. Кришна онгига эга бўлган кишининг асосий белгиси - у фақат Кришна ҳақида ёки фақат Кришна билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида

гапиради. Унинг бошқа барча хусусиятлари ана шу асосий белги билан бирга бўлади.

55. *ири бхагаван увача*

*праджажати йада каман сарван партха мано-гатан*

*атманй эватмана туштаҳ стхита-праджнас тадочйате*

***Парвардигор деди: О Партха, ақлини сезгиларининг талабларидан келиб чиқадиган барча истаклардан поклаган, фақат ўзининг ҳақиқий "Мен"(ўзлиг)идан лаззат олиб юрадиган кишини пок, илоҳий онг соҳиби деб атайдилар.***

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"да айтилган-ки, қалбида Кришна онгини тўлик ривожлантирган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзида буюк донишмандларга хос бўлган барча эзгу фазилатларни тўлик ривожлантирган бўлади, ҳали илоҳий поғонага кўтарилмаган кишида эса, ҳеч қандай эзгу фазилат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у ҳар қандай ҳолатда ҳам адашган ақлининг ҳукмига бўйсунди. Шунинг учун ҳам бу ерда ақлда макон топган, ҳиссий лаззатлар билан боғлиқ бўлган истакларнинг барчасидан халос бўлиш керак, деб айтилган. Бу истакларни шунчаки ушлаб туриб бўлмайди. Лекин, агар инсон Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиб юрса, бундай истаклар ҳеч қандай ортикча уринишларсиз, ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Шунинг учун, инсон қатъий қарор билан ўзини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлаш лозим, шунда Худога садоқат билан қилаётган хизматимиз жуда қисқа вақт ичида қалбимизда илоҳий онг ривожлантиришимизга ёрдам беради. Рухий баркамолликка эришган киши Худонинг мангу хизматкори эканини англаган ҳолда ҳамиша ўзининг қалбида мамнуният ҳосил қилиб юради. Ундай инсон дунёвий одамларга тақлид қилиб юрмайди ва сезгиларининг ҳар хил бемаъни талабларини қондиришга уринмайди. Парвардигорнинг мангу хизматкори сифатида ўзининг табиий ҳолатини эгаллаб, у ҳамиша бахтиёр ва ҳаётдан мамнун бўлиб юради.

56. *духкхешв анудвигна-манаҳ сукхешу вигата-сприхаҳ*

*вита-рага-бхайа-кродхаҳ стхита-дхир мунир учйате*

***Уч турли азоб-уқубатларга чидам билан сабр-тоқат қилиб, ўзгармасдан ҳамиша хотиржам юрадиган, бахт қулиб боққанда қаттиқ қувониб кетмайдиган ҳамда боғланишлардан, қўрқув ва газаб туйғусидан халос бўлган кишини "ақлини жиловлаб олган донишманд" деб айтадилар.***

Изоҳ: Нотинч ақли ҳар хил фикрларга берилиб юрадиган, лекин якуний хуло-

сага кела олмайдиган файласуфни муни деб атайдилар. Айтадиларки, ҳар бир муни бошқаларникидан фарқ қиладиган ўзининг шахсий фикрига эга бўлиши керак, акс ҳолда уни том маънода муни деб бўлмайди. *Насав ришир йасйа матам на бхиннам*(Маҳобҳорат. Вана-парва.313.117). Лекин, Парвардигор бу ерда айтаётган *стхита-дхир муни*, яъни “ақлини жиловлаб олган донишманд” оддий мунилардан фарқ қилади. Ундай донишманд ақлининг бемаъни фикрлашларига чек қўйган ва ҳамиша Кришна онги билан яшайди. Уни *прашанта-нихшеша-mano-ратхантара* - "мамнуният ҳосил қилган ва барча истақлардан озод донишманд" деб атайдилар(Стотра-ратна. 43). У – самарасиз фалсафий фикрлашлардан юқори кўтарилган ва Шри Кришна, Васудева - ҳамма нарсанинг моҳияти, асоси деган хулосага келган инсондир(*васудеваҳ сарвам ити са махатма судурлабхаҳ*). Мукамал Кришна онгига эга бўлган шундай инсонни уч турли мусибатларнинг намоён бўлишири безовта қилмайди: у ўзини, аслида аввал қилган гуноҳлари сабабли бундан ҳам баттарроқ мусибатларга лойиқ деб ҳисоблаб, бошига тушган барча мусибатларни “Худонинг марҳамати” деб мамнуният билан қабул қилади. Бундан ташқари, унинг ишончи комилки, ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган Парвардигор унинг барча мусибатларини энг осон ҳолга келтириб қўяди. Бахт кулиб бокқанда эса, у буни Парвардигорнинг унга кўрсатаётган бесабаб мукофоти ўрнида қабул қилиб, ўзини бундай мукофотга лойиқ эмас деб ҳисоблайди; у факат Парвардигорнинг чексиз марҳамати билангина шундай ажойиб шароитга тушиб қолганини яхши тушунади ва барча имкониятидан Худога яна ҳам яхшироқ хизмат қилиш учун фойдаланади. Худога хизмат қилар экан, у қатъий қарор ва шижоат билан ҳаракат қилади, боғланиш ва нафратланиш таъсирларига берилмайди. Боғланиш - бирор нарсани ҳиссий лаззатланиш учун ишлатишга интилишдир; нафратланиш эса - ана шундай боғланиш туйғусининг акси. Кришнани англаш йўлида мустақкам турган киши, ҳар қандай боғланиш ва нафратланишлардан озод инсондир, чунки унинг бутун ҳаёти Худога садоқат билан холис хизмат қилишга бағишланган. Шу боис, ҳатто қилаётган уринишлари ҳеч қандай натижа бермаса ҳам, Кришна онгига эга бўлган киши ғазабланмайди. На мағлубият, на муваффақият унинг Худога садоқат билан хизмат қилишга бўлган қатъий қарорини сусайтира олмайди.

57. *йаҳ сарватранабхиснехас тат тат прапйа шубхашубхам  
набхинандати на двейити тасйа праджна пратиштхита*

***Моддий оламда яшаётган бўлса ҳам дунёвий боғланишлардан озод бўлган, бирор яхшилик келса қаттиқ қувониб кетмайдиган ва бирор қор-қол рўй берганда ғазабланмайдиган киши мукамал илмга эга инсондир.***

Изоҳ: Моддий оламда яхшими-ёмонми, ҳамиша қандайдир ходисалар рўй

бериб туради. Шуни тушуниб олиш керак-ки, дунёда бўлиб турган воқеа-ходисалар безовта қилмайдиган, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бирдай муносабатда бўладиган киши ҳақиқатан ҳам қалбида Кришна онгини ривожлантирган инсондир. Токи биз бу моддий оламда яшар эканмиз, истаган пайтда бирор яхши ёки ёмон ҳодиса рўй бериши мумкин, чунки моддий олам - қарама-қаршилиқлар олами. Лекин, қарама-қаршилиқларнинг намоён бўлаётган бундай кўринишлари Кришна онгига эга бўлган кишини безовта қилмайди, чунки унинг бутун фикру-хаёли ҳамиша Кришнада, ҳаммага саодат келтирувчи мутлақ Парвардигорда мужассам. Онги бутунлай Кришнада мужассам бўлган киши руҳий баркамолликнинг санскрит тилида *самадхи* деб аталадиган энг олий поғонасига кўтарилади.

58. *йада самхарате чайам курмо “нганива сарвашах  
индрийаниндрийартхебхйас тасйа праджна пратиштхита*

***Оёқлари ва калласини косаси ичига тортиб оладиган тошбақага ўхшаб, ўзининг сезги аъзоларини уларга таъсир қиладиган нарсалардан тортиб юришига қодир киши мустаҳкам илоҳий тафаккур соҳиби бўлган инсондир.***

Изоҳ: Комил йогни, Худонинг содиқ хизматкорини ёки руҳий ўзлигини англаб етган зотни ўз сезгиларини жиловлаб ола билиш қобилиятдан таниб олиш мумкин. Бу дунёдаги одамларнинг аксарият кўпчилигидан фарқли равишда, ундай инсон ўз сезгиларининг қули эмас ва уларнинг талабини қондириб юрмайди. “Ҳақиқий йог ўзини қандай тутати?” - деган саволга Кришна шундай жавоб берган. Сезгиларни заҳарли илонларга ўхшатадилар. Улар ҳамиша эркин ҳолда, ҳеч қандай қаршилиқка учрамай ҳаракат қилишга интиладилар. Шунинг учун йог ёки Худонинг содиқ хизматкори, худди илон ўргатувчи сингари, сезгиларини ўзига бўйсундира олиши учун жуда катта қудратга эга бўлиши керак. У ҳеч қачон сезгиларининг ўзининг амрига бўйсунмасдан мустақил ҳаракат қилишига йўл қўймайди. *Шастралар*да қандай амаллар қилиш лозим ва қайси ишларни қилмаслик кераклиги тўғрисида хилма-хил кўрсатмалар берилган. Токи инсон, ҳиссий лаззатларни чеклаб қўядиган ана шу кўрсатмаларга қатъий амал қилишни ўрганмас экан, у Кришна онгига эга бўла олмайди. Бу борада тошбақа жуда аниқ мисол қилиб кўрсатилган. Тошбақа истаган вақтида калласи ва оёқларини косаси ичига тортиб олиб, керак пайтда яна чиқара олади. Худди шундай, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳам, ўз сезгиларидан фақат Кришнага хизмат қилиш учун фойдаланади ва уларни ҳиссий лаззат берадиган нарсалардан тўсиб юради. Бу ерда Кришна Аржунга сезгиларидан ўзи лаззатланиш учун эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдаланишни буюряпти. Худога хизмат қилиш билан банд бўлган сезгилар худди тошбақанинг косаси ичига тортиб қўйилган оёқларига ўхшайди.

59. *вишайа винивартанте нирахарасйа дехинах  
раса-варджем расо “ни асйа парам дриштва нивартате*

***Ҳатто ҳиссий лаззатлардан ўзини тутиб юрса ҳам, танада мужассам бўлган руҳ аввалгидай уларнинг мазасини қўмсайверади. Лекин, улардан юсакроқ лаззатни англаб етгандан кейин у лаззат келтирадиган моддий нарсаларга интилмаб қўяди ва мустаҳкам руҳий онгга эга бўлади.***

Изоҳ: Инсон то руҳий поғонага кўтарилмагунча ҳиссий лаззатлардан биратўла воз кеча олмайди. Муқаддас китобларнинг ҳиссий лаззатларни чеклайдиган кўрсатмаларини худди баъзи бир нарсаларни истеъмол қилишни чеклаб қўядиган парҳез қоидаларига ўхшатиш мумкин. Лекин, бундай чеклашлар беморга хуш келади ёки унда таъқиқланган нарсаларга ўзидан ўзи қизиқиш йўқолади деб ўйламаслик керак. Худди шундай, шастралар юсак илмдан махрум бўлган кишиларга, саккиз поғона - *яма, нияма, асана, пранаяма, пратйахара, дхарана, дхйана ва самадхидан* иборат *аштанга-йога* сингари руҳий машғулотлар ёрдамида сезгиларининг фаолиятини чеклаб қўйишни тавсия қилади. Лекин, қалбида Кришна онгини ривожлантириб, Парвардигорнинг гўзаллигини англаб етган киши бу дунёдаги ўлик, моддий нарсаларга умуман бефарқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, шастраларнинг кўрсатмалари чуқур тафаккурга эга бўлмаган, руҳий юксалишининг қуйи поғоналарида юрган кишилар учун мўлжалланган. Улар инсон то Кришна онгининг ҳақиқий мазасини ҳис қилиб кўргунга қадар керак бўлади, холос. Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга бўлган кишининг қалбида бемаъни дунёвий лаззатларга бўлган интилиш табиий равишда йўқолиб кетади.

60. *йатато хй апи каунтейа нурушасйа випаичитах  
индрийани праматхини харанти прасабхам манах*

***О Аржун, сезгилар шу қадар қудратли ва шиддатлики, улар ҳатто руҳий илмга эга бўлган ва уларни жиловлаб олишга ҳаракат қилаётган кишининг ақлини ҳам куч билан ўзига эргаштириб кетишга қодир.***

Изоҳ: Кўплаб донишмандлар, файласуфлар ва йоглар ўз сезгиларини жиловлаб олишга интиладилар, лекин, шунча уринишларига қарамай, ҳатто уларнинг энг буюклари ҳам баъзан ақлини жиловлаб олмай, сезгиларининг қурбони бўладилар ва яна дунёвий лаззатларга берилиб кетдилар. Масалан, буюк донишманд, баркамолликка эришган сеҳргар-йог Вишвамित्रа, гарчи, муроқаб ва қаттиқ риёзатга берилиб, сезгиларини жиловлаб олишга жиддий ҳаракат қилган бўлса ҳам, Менака\*нинг жилваларига учган эди. Инсоният

тарихида бундай мисоллар жуда кўп бўлган. Албатта, Кришна онгига эга юўлмаган кишига ўзининг ақли ва сезгиларини жиловлаб олиш жуда мушкул. Инсоннинг ақли Кришнада мужассам бўлмаса, уни дунёвий ўйлардан тўсиб қўйишнинг иложи йўқ. Бу ҳақиқатни Худонинг буюк содиғи, авлиё инсон Шри Ямуначарйа шундай тасдиқлайди:

*йад-авадхи мама четах кришна-падаравинде  
нава-нава-раса-дхаманй удйатам рантум асит  
тад-авадхи бата нари-сангаме смарйамане  
бхавати мукха-викараҳ суитху ништхиванам ча*

"Ақлу-хаёлим Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан машғул бўлгандан бери мен тобора кучайиб борадиган чексиз илоҳий лаззат ҳис қилиб яшайман. Шундан бери аёл киши билан жинсий алоқа қилиш ҳақидаги фикр хаёлимга келган заҳоти афтим буришиб кетади ва жирканганимдан туфуриб ташлайман".

Кришна онги билан яшаш инсонга шу қадар юксак руҳий лаззат келтирадики, унинг олдида дунёвий лаззатлар ёқимсиз, ҳатто, жирканч бўлиб кўрина бошлайди. Кришна онгига эга бўлган киши худди ширин ва мазали таомлар еб қорнини тўйғазаетган кишига ўхшайди. Шунчаки, ақлу-хаёли Кришна онгига бутунлай фарқ бўлгани туфайли Амбариша Махараж буюк йог Дурваса Мунидан устун келган эди(*са ваи манаҳ кришна-падаравиндайор вачамси ванкунтха-гунануварнане*).

\*-----

Менака – жаннатдаги машхур раққоса пари.

61. *тани сарвани самйамйа йукта асита мат-параҳ  
ваше хи йаендриyani тасйа праджна пратиштхита*

***Сезгиларини моддий нарсалардан тортиб, ўзига бўйсундириб олган ва ақлини ҳамиша Менда мужассам қилиб юрган кишини мустаҳкам тафаккур соҳиби деб айтадилар.***

Изоҳ: Бу ерда йоганинг энг олий мукамал ҳолати Кришнани англаш экани ва Кришна онгига эга бўлмай туриб, сезгиларни жиловлаб бўлмаслиги тушунтирилади. Бир куни буюк донишманд Дурваса Мунининг Махаража Амбариша билан жанжаллашиб қолгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Мағрурлигидан жуда гердаийб кетган Дурваса муни ҳеч қандай сабабсиз, ўзидан-ўзи ғазабга миниб, сезгиларини жиловлай олмай қолганди. Аксинча, Худонинг содиқ хизматкори бўлган шох Амбариша, донишманд Дурваса сингари қудратли йог бўлмаса ҳам, Худонинг содиқ хизматкори бўлган шох донишманднинг ноҳақ ҳақоратларини жим тинглаб турди ва охир-оқибатда

ундан устун келди. Шоҳ сезгиларини ўзига тўла бўйсундириб олган эди, чунки у, "Шримад Бхагаватам"(9.4.18-20)да ёзилганидай, ҳамиша қуйидаги ишлар билан машғул эди:

*са ваи манаҳ кришина-падаравиндайор  
вачамси ваикунтха-гунануварнане  
карау харер мандира-марджанацишу  
шрутим чакарачйута-сат-катходайе  
мукунда-лингалайя-даршане дришау  
тад-бхритйя-гатра-спарше "нга-сангамам  
гхранам ча тат-пада-сароджа-саурабхе  
шримат-туласйя расанам тад-арпите  
падау харех киштра-паданусарпане  
широ хришикеша-падабхивандане  
камам ча дасйе на ту кама-камййайя  
йатхоттамашилока-джанаширайя ратих*

"Шоҳ Амбариша бутун фикру-хаёлини Парвардигор Кришнанинг нилуфар кадамлари пойида мужассам қилган, нутқи эса Унинг илохий даргоҳини таърифлаш билан банд эди; кўллари билан у Парвардигорнинг эҳромларини тозаларди, қулоғи Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингларди; кўзлари Парвардигорнинг жамолини томоша қилар, танаси Худонинг бошқа содиқ хизматкорларининг танасига тегар, бурни Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига тақдим этилган гуллар хидини хидларди; тили билан Парвардигорга тақдим этилган туласи баргларининг таъми хис қилар, оёқлари уни Парвардигорнинг эҳромлари жойлашган муқаддас зиёратгоҳларга олиб борар, боши Парвардигор олдида саждага эгилар, унинг бутун орзу-истаклари эса, Парвардигорнинг истаклари билан боғлиқ эди".

Бу таърифлар шундан гувоҳ бериб турибдики, Махаража Амбариша *мат-пара* даражасига эришган содиқ эди. "Бхагавад-Гита"нинг биз таҳлил қилаётган мазкур шеърида ишлатилган *мат-пара*("Мен билан боғланган") иборасига алоҳида эътибор бериш лозим. Махараджа Амбаршанинг турмуш тарзи қандай қилиб *мат-пара* содиқ бўлиш мумкинлигига мисол бўла олади. Буюк олим ва устозлар силсиласида турган руҳий устоз Шрила Баладева Видйабхушана мазкур шеърни изоҳлар экан, шундай деб ёзади: *мад-бҳакти-прабхавена сарвендрийя-виджайя-пурвика сватма-дришитих сулабхети бхавах* - "Фақат Кришнага садоқат билан хизмат қилиш билангина сезгиларни тўла жиловлаб олиш мумкин". Баъзан бунга оловни мисол келтирадилар: худди олов хонадаги ҳамма нарсани ёқиб кул қилиб юборишга қодир бўлгани сингари, йогнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишну ҳам ундаги ҳамма моддий иллатларни ёқиб юборади. "Йога-сутра"да йог муроқабга жараёнида ақлини бўшлиқда эмас, балки Парвардигор Вишнунинг кийёфасида мужассам қилиши лозим деб маслаҳат берилган. Ақлини Парвардигор Вишнуда эмас, бошқа бирор нарсада мужассам қилишга уриниб

юрган сохта йоглар сароб нарсаларга интилиб, вақтини бекорга сарфлайдилар. Биз Кришна онгига эга бўлишимиз, яъни, бошқача қилиб айтганда ўз ихтиёримизни бутунлай Худо Шахсига топширишимиз лозим. Ҳақиқий йогнинг мақсади шундан иборат.

62. *дхйайато вишайан пумсаҳ сангас тешупаджайате  
сангат санджайате камаҳ камат кродхо “бхиджайате*

***Сезгиларга лаззат берадиган нарсаларни томоша қилиш билан инсон ўзида уларга боғланиш туйғусини ривожлантиради, боғланишдан ҳирс пайдо бўлади, ҳирсдан эса, ғазаб юзага келади.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлмаган киши ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларга диққат билан қараганда, дарров қалбида дунёвий истаклар пайдо бўлади. Сезгилар ҳамиша ўзига бирор эрмак излаб юрадилар, агар улар Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлмасалар, албатта ўзларига бирор моддий эрмак топиб оладилар. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот - жаннатий сайёралардаги бошқа фаришталар эмас, ҳатто маъбуд Брахма ва Шива ҳам ўзларида ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларнинг таъсирини ҳис қиладилар. Моддий ҳаёт чигалликларидан халос бўлишнинг ягона йўли - Кришна онгига эга бўлишдир. Маъбуд Шива муроқабага берилиб ўтирган эди, лекин Парвати унинг лаззатланиш туйғуларини уйғота бошлаганида, ҳиссий лаззатларга берилиб кетди, натижада уларнинг фарзанди Карттикея дунёга келди. Худонинг буюк содиғи Харидас Тхакурни ҳам йўлдан оздиришга уринганлар: ҳали ёш йигит пайтида, унинг олдида Майа-девининг тимсоли келиб, синаб кўрмоқчи бўлган. Лекин, Харидас Тхакур бу синовдан осонлик билан ўтди, чунки у ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигор Кришнага топширган эди. Шри Ямуначарйанинг юқорида келтирилган шеърида айтилганидай, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган самимий содиқ Парвардигор билан ўзаро мулоқот да бўлиб, олий лаззат олаётгани туфайли ҳар қандай дунёвий алдовларига бардош бера олади. Рухий юксалишда муваффақият қозонишнинг сири шундай. Кришна онгига эга бўлмаган киши қанчалик қудратли бўлмасин, сезгиларининг фаолиятини тўхтатишга қанчалик уринмасин, охир-оқибатда барибир мағлуб бўлиши муқаррар, чунки ҳиссий лаззат ҳақидаги ҳар қандай фикр унинг ақлини уйғотиб юборади ва ўзининг истагини бажаришга уни мажбур қилади.

63. *кродхад бхавати саммохах саммохат смрити-вибхрамах  
смрити-бхрамшад буддхи-нашо буддхи-нашат пранашияти*

***Ғазаб кишини бутунлай йўлдан адаштиради, адашган кишининг хотираси йўқолади. Хотираси йўқолган киши ақл-идрокдан айрилади(соғлом фикрлай олмайди), шунда инсон, ақлдан айри-***



## ***либ, яна моддий ҳаёт гирдобига тушиб қолади.***

Изоҳ: Шрила Рупа Госвами "Бҳакти-расамрита-синдху"(1.2.256) асаарида шундай насихат берган:

*прапанчикатайя буддхйа хари-самбандхи-вастунаҳ  
мумукиубхих паритйаго ваирагйам пхалгу катхйате*

Қалбида Кришна онгини ривожлантира бориб, инсон тушуна бошлайдики: атрофини ўраб турган ҳамма нарсдан Худога хизмат қилишда фойдаланиш мумкин. Кришна онги ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ва моддий тутқунликдан озод бўлишга интилиб, шунчаки дунёвий нарсаларни тарк этишга уриниб юрган киши таркидунёлик қилишда баркамолликка эриша олмайди. Уларнинг таркидунёлигини *пхалгу*, яъни “мукамал бўлмаган таркидунёлик” деб атайдилар. Аксинча, Кришна онгига эга бўлган киши қандай қилиб ҳамма нарсани Худога хизмат қилишда ишлатиш мумкинлигини яхши билади, шунинг учун ҳеч қачон моддий онг тузоғига тушиб қолмайди. Имперсоналист одам, Парвардигор ёки Мутлақ Ҳақиқат шахс сифатига эга бўлмагани сабабли овқат емайди, деб ўйлайди. Шу боис имперсоналист киши ширин таомлардан воз кечади. Лекин, содиқ хизматкор Кришна - олий лаззатланувчи эканини ва муҳаббат ва садоқат билан тақдим этилган ҳамма нарсани истеъмол қилишини билади. Шунинг учун Парвардигорга ширин-ширин таомлар таклиф қилиб, *прасадам* деб аталадиган ана шу таом қолдиқларидан ўзи ҳам ейди. Шундай қилиб ҳамма моддий нарсаларни руҳий сифатга айлантириш ва тубанликка юз тутиш хавфидан кўркмаслик мумкин. Кришна онгига эга бўлган содиқ *прасадам* қабул қилади, таркидунёликка интилаётган, лекин Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган киши қандайдир моддий нарса деб, бу таомдан юз ўгиради. Сунъий равишда ҳамма нарсдан воз кечиб, имперсоналист ҳаётдан лаззатланиш имкониятидан маҳрум бўлади, шу боис ақлининг озгина уйғониши ҳам уни яна дунёвий ҳаёт гирдобига ғарқ қилиши мумкин. Шастраларда айтилганки, шундай руҳ Худога садоқат билан хизмат қилмагани сабабли, ҳатто моддий тутқунликдан озодликка эришгандан кейин ҳам, яна моддий оламга қайтади.

64. *рага-двеша-вимуктайс ту вишайан индрийайиш чаран  
атма-ваийайір видхейатма прасадам адхигаччхати*

***Лекин, шастра(муқаддас китоб)ларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, боғланиш ва нафрат туйғуларидан халос бўлган ҳамда сезгиларини жиловлаб олган киши Худонинг марҳаматига тўлиқ эриша олади.***

Изоҳ: Аввал айтилганидай, сезгилар фаолиятини сунъий йўллар билан

тўхтатиб, уларни жиловлаб олишга истаганча уриниш мумкин, лекин, агар сезгилар Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлмасалар, ундай киши истаган пайтда тубанликка юз тутиш хавфи остида бўлади. Аксинча, Кришна онгига эга бўлган киши сезгиларининг амрига бўйсуниб ҳаракат қилаётгандай кўриниши мумкин, лекин аслида, у сезгиларининг фаолиятига боғланиб қолмаган, чунки у бутунлай Кришна онгига ғарқ бўлган. Шундай инсон бошқа ҳеч нарсани ўйламасдан, фақат қандай қилиб Кришнани мамнун қилиш ҳақида ўйлаб юради. Шунинг учун у дунёвий боғланиш ва нафрат тушунчаларидан устун туради. Агар Кришна истаса, содиқ ҳар қандай ишни, ҳатто ўзи истамаган ишни ҳам қилиши мумкин; лекин у, агар бу иш Кришнага ёқмаса, одатда ўзи ёқтирадиган ишни ҳам қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, содиқнинг ҳаракатлари ташқи сабабларга боғлиқ эмас, чунки у фақат Кришнанинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилади. Ана шундай онг Парвардигорнинг бесабаб марҳаматининг натижасидир, содиқ хизматкор, ҳатто ҳали унда сезгиларининг фаолиятига боғланиш туйғуси сақланиб қолган бўлса ҳам, ана шундай марҳаматга эриша олади.

*65. прасаде сарва-духкханам ханир асйонапджайате  
прасанна-четасо хй ашу буддхиҳ парйаватиштитхате*

***Шу йўлдан бориб, (Кришна онгида)мамнуният ҳосил қилган киши-га уч турли мусибатлар таъсир қилмай кўяди. Ана шундай мамнуният туфайли инсоннинг тафакқури тезда мустаҳкам ҳолга келади.***

*66. настй буддхир айуктасйа на чайуктасйа бхавана  
на чабхаваятаҳ шантир ашантасйа кутаҳ сукхам*

***(Кришна онгида)Парвардигор билан алоқа ўрната олмаган киши тафакқурини руҳий поғонага кўтаришига ва ақлини хотиржам қилишга қодир бўлолмайди. Ақли нотинч киши мамнуният нималигини билмайди, мамнуният ҳосил қилмаган киши қандай қилиб бахтли бўла олади?***

Изоҳ: Кришна онгидан махрум бўлган киши мамнуният нималигини билмайди. "Бҳагавад-гита"(29)нинг бешинчи бобида айтилганки, инсон қурбонлик қилинган нарсаларнинг ҳаммасидан ва риёзатларнинг барча меваларидан Кришна лаззатланишини, У – коинотдаги барча сайёларнинг олий ҳукмдори ва барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий дўсти эканини тушуниб етгандагина ҳақиқий мамнуният ҳосил қилади. Агар инсон Кришна онгига эга- бўлмаса, унинг ақли ҳеч қандай якуний хулосага келмасдан бемақсад дайдиб юради. Ақлда пайдо бўладиган ташвишларнинг ҳаммаси

якуний хулосага келишга интилиш билан боғлиқ, ниҳоят инсон Кришна – олий лаззатланувчи, бугун борлиқнинг ҳукмдори ва ҳар кимнинг дўсти эканини тушунганида, ақли хотиржам бўлади ва ўзи мамнуният ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам фаолияти Кришна билан боғлиқ бўлмаган киши, нима билан машғул бўлса ҳам ва ўзини бошқаларга руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган ва ҳаётдан мамнун қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, ҳамиша ташвиш-хавотирда юради. Кришна онгида бўлиш – табиий осойишталик ҳолатидир, бунга фақат Кришна билан бевосита алоқа ўрнатиш орқали эришиш мумкин.

*67. индрийанам хи чаратам йан мано “нувидхийате  
тад асия харати праджнам вайур навам ивамбхаси*

***Худди, кучли шамол бўш қайиқни олиб кетгани сингари, инсоннинг бутун ақли мужассам бўлган, биргина адашиб юрган эркин сезгиси ҳам унинг тафакқурини изидан эргаштириб кета олади.***

Изоҳ: Содикнинг барча сезгилари Худога хизмат қилишда машғул бўлмас экан, унинг дунёвий лаззат излаб юрган биргина сезгиси ҳам уни руҳий юксалиш йўлидан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкин. Юқорида келтирилган, Махараж Амбариша мисолдан кўриниб турибдики, инсон ҳамма сезги аъзоларини Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиш лозим, зеро, ақлни жиловлаб олишнинг ягона тўғри йўли мана шудир.

*68. тасмад йасйа маха-бахо нигрихитани сарвашаҳ  
индрийаниндрийартхебхйас тасйа прагйа пратиштхита*

***Шунинг учун, эй билаги кучли Аржун, ҳеч шубҳа йўқки, сезгиларини уларга лаззат келтирадиган нарсалардан ажратиб қўйган киши мустаҳкам тафаккур соҳибидир.***

Изоҳ: Ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғусини фақат Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиш – ҳамма сезги аъзоларини Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул қилиш ёрдамида энгиш мумкин. Душман устидан ғалаба қозониш учун ундан кучлироқ бўлиш лозим, худди шундай, сезгиларни жиловлаб олиш учун инсоннинг фақат ўзининг уринишлари камлик қилади: уларни Худога хизмат қилиш билан узлуксиз банд қилиб қўйиш керак. Мустаҳкам руҳий онгга фақат Кришнани англаш ёрдамида эришиш мумкинлигини ва бундай фаолиятни ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида бажариш лозимлигини тушунган кишини садхака, яъни, моддий тутқунликдан озодликка чиқишга муносиб инсон деб атайдилар.

*69. йа ниша сарва-бхутанам тасйам джагарти самйами*

***Барча мавжудотлар учун тун бўлган вақт ўзини жиловлаб олган киши учун зийраклик вақтидир; ҳамма мавжудотлар сергак бўлганда эса, назари қалбига қаратилган донишманд учун тун кириб келади.***

Изоҳ: Чуқур тафаккурга эга одамларнинг икки тоифа бўлади. Биринчи тоифага ҳиссий лаззатланиш учун ўзининг чуқур тафаккуридан дунёвий фаолиятда муваффақият билан фойдаланадиган одамлар, иккинчи тоифага эса, тафаккури ўзининг ички дунёсига қаратилган, ҳақиқий "мен"ини англашга интиладиган кишилар киради. Тафаккури руҳий ўзлигига қаратилган донишманд, мутафаккир кишининг қилаётган ишлари - дунёвий ишлар билан машғул бўлиб юрган кишилар учун коронғу тунга ўхшайди. Руҳий илм ҳақида ҳеч нарса билмасдан, дунёвий одамлар ғафлат уйқусига ғарк бўлиб юрадилар, лекин, назари ички дунёсига қаратилган донишманд учун уларнинг туни - зийраклик вақтидир. Руҳий юксалиш йўлидан борар экан, донишманд киши илоҳий лаззатга ғарк бўлади, аксинча, руҳий илмдан беҳабар кишилар эса, тушларида баъзида уларга бахт, баъзида мусибат келтирадиган ҳар хил ҳиссий лаззатларни кўрадилар. Руҳий ўзлигини англаб етган донишманд киши ҳар хил дунёвий лаззат ва мусибатлардан устун туради. У ташқи шароитларга эътибор бермасдан руҳий ривожланиш йўлидан боришда адашмай давом этаверади.

*70. апурийаманам ачала-пратиштхам  
самудрам апаҳ правишанти йадват  
тадват кама йам правишанти сарве  
са шантим апноти на кама-ками*

***Бетиним орзу-истаклар оқими безовта қилмайдиган киши, худди кўплаб дарёлар қуйилиб турса ҳам, ҳеч қачон қирғозидан чиқиб кетмайдиган уммонга ўхшайди. Ўзининг орзу-истакларини амалга оширишга интилиб юрган киши эмас, балки фақат ана шундай инсон қалбида мамнуният ҳосил қила олади.***

Изоҳ: Гарчи Океан ҳамиша сувга тўла бўлса ҳам, унга кўплаган дарёлар билан, айниқса ёмғир палласида жуда кўп сувлар қуюлиб туради. Лекин, шунга қарамай, океан ҳеч қачон ўз қирғоқларидан чиқиб кетмайди.

Кришна онгида бўлган киши ҳақида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. Токи бизнинг моддий танамиз бор экан, сезгиларимиз лаззатланишга интилади. Лекин, Худонинг содиқ хизматкорини тананинг бундай талаблари ташвишга солмайди, чунки у ҳамиша қалбида, руҳий ўзлигидан лаззатланиб юрган бўлади. Кришна онгида бўлган одам ҳаётда ҳеч нарсага эҳтиёж сез-

майди, бирор нарсага мухтож бўлмайди, чунки Парвардигор унинг ҳамма моддий эҳтиёжларини етарлича таъминлаб туради. Худди бепоён Океан сингари, ундай одам ҳамиша ўзига тўқ, қалби хотиржам, ҳеч нарсага мухтож эмас. Худди океанга қуйилаётган дарёларга ўхшаб, унинг ақлида ҳар хил истаклар пайдо бўлиши мумкин, лекин бу истаклар уни ташвишга солмайди: у ҳиссий лаззатлар алдовига учмайди, ўз иши билан шуғулланишда давом этаверади. Мана шулар - қалбида Кришна онгини ривожлантирган одамнинг белгиларидир: гарчи хаёлида ҳар хил истаклар пайдо бўлса ҳам, содиқ уларни амалга оширишга интилмайдди, чунки уни ўткинчи ҳиссий лаззатлар қизиқтирмайдди. У Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишдан илоҳий лаззат олади, шунинг учун ҳаво сокин пайтдаги Океан сингари ҳамиша қалби хотиржам, осойишта бўлади. Қалбидаги орзу-истакларини амалга ошириш учун, яъни дунёвий ҳаётда зафар қозониш ёки ҳатто руҳий озодликка чиқиш учун ҳаракат қилиб юрган одамлар эса - ҳамиша хавотирда, тинчини йўқотган бўладилар. Ўз меҳнатининг натижаларига интилаётган кармилар, руҳий озодликка чиқишга интилиб юрган гйанилар, сеҳр кудратига эга бўлишга интилиб юрган йоглар - буларнинг ҳаммаси ҳаётда бахтсиз одамлардир, чунки уларнинг истак-орзулари ҳамиша амалга ошмай қолаверади. Лекин, Кришнани англаб етган, Кришна онгида бўлган киши, Худога садоқат билан хизмат қилаётганидан бахтиёр, чунки унинг ҳаётида Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган биронта истаги қолмаган. У ҳатто моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга ҳам интилмайдди. Бир сўз билан айтганда, Кришнанинг содиқ хизматкорининг ҳаётда ҳеч қандай орзу-истаги қолмаган, у ҳамиша хотиржам, осойишта яшайди.

*71. вихайа каман йаҳ сарван пумамми чарати нихсприха  
нирмамо нираханкараҳ са шантим адхигаччхати*

***Ҳиссий лаззатланишга интилишни бутунлай тарк этган, ҳар қандай орзу-истаклардан озод, ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайдиган ва сохта ўзлиги таъсиридан халос бўлган кишигина ҳақиқий осойишталикка эришади.***

Изоҳ: Орзу-истаклардан халос бўлиш - ҳиссий лаззатларга интилишдан халос бўлиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, агар одам Кришна онгига эришишга интилаётган бўлса, демак у - барча дунёвий истаклардан халос бўлган инсон. Кришнани англашда фақат ўзининг ҳақиқий ҳолатини - Кришнанинг мангу хизматкори эканини англаб етган, моддий танасини ўзига қиёслашни тарк этган ва бирор нарсага эгалик қилиш туйғусидан озод бўлган кишигина камолотга эриша олади. Шундай одам биладикки, ҳамма нарса Кришнаники бўлгани учун уларни фақат Кришнага хизмат қилишда ишла тиш лозим. Аржун ўз истакларини амалга ошириш ниятида жанг қилишдан юз ўгирди, лекин Кришна онгига эришгандан кейин, у жанг қилишга кириш-

ди, чунки Кришна ундан шуни кутаётган эди. У ўзи учун жанг қилишни истамай турганди, лекин Кришна учун жонини ҳам беришга тайёр бўлиб, жангда иштирок этди. Истаклардан ҳақиқий озод бўлиш - истакларни сунъий равишда бостириш эмас, аксинча ҳамиша Худони, Кришнани мамнун қилишни орзу қилиб яшашдир. Тирик мавжудот ҳеч қачон истаксиз ёки ҳеч нарса сезмасдан яшай олмайди, у фақат ўз истакларининг сифатини, мазмунини ўзгартириши лозим. Моддий истаклардан халос бўлган киши дунёдаги ҳамма нарса Кришнаники эканига аниқ ишонади (*ишавасйам идам сарвам*), шунинг учун у ҳеч қачон ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди. Ана шу илоҳий илм - ҳар бир тирик мавжудот Кришнанинг ажралмас бир бўлаги бўлган мангу руҳий заррача эканига, шу сабабли у ҳеч қачон Кришнага тенг ёки Ундан буюк бўла олмаслигига асосланган. Кришнани англаш илмини ана шундай нуқтаи-назарда тушунмай туриб, ҳақиқий осойишталикка эришишнинг иложи йўқ.

*72. эша брахми стхитиҳ партха найнам прайя вимухйати  
стхитвасйам анта-кале “ни Брахма-нирванам риччхати*

***Худога бағишланган руҳий ҳаёт йўли ана шундай. Инсон бу йўлга киргандан кейин алданиш чангалидан озод бўлади ва агар ҳатто у ана шундай илоҳий онгга ажали етган пайтда эришса ҳам, Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади.***

Изоҳ: Кимдир Кришна онгига, яъни илоҳий онгга бир лаҳзада эришиши мумкин, кимгадир бунинг учун миллион йиллар керак бўлади. Бу инсоннинг ўзи ҳақиқатни қанчалик тан олиши ва тушуна билишига боғлиқ. Махараж Кхатванга Кришнага ўз ихтиёрини топшириб, ажали келган пайтда бир лаҳзада шу даражага эришган. *Нирвана* - "моддий тирикчиликнинг, моддий ҳаётнинг тугаши" деганидир. Буддизм фалсафасига кўра моддий тирикчилик тугагандан кейин биз фақат бўшлиққа, йўқликка равона бўламиз, аммо "Бҳагавад-Гита" бунинг тескарисини тасдиқлайди. Моддий ҳаёт тугагандан кейин ҳақиқий руҳий ҳаёт бошланади. Моддий ҳаётни тугатиш лозимлиги ҳақидаги илм ашаддий материалистларни қаноатлантиради, аммо руҳий камолотга эришган киши биладик, моддий ҳаёт тугагандан кейин янги ҳаёт бошланади. Агар инсон бахти келиб, ҳозирги ҳаётидаёқ Кришна онгига эга бўлса, у шу заҳотиёқ *брахма-нирвана* ҳолатига эришади. Худонинг даргоҳи билан Худога садоқат билан холис хизмат қилиш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Униси ҳам, буниси ҳам мутлақ табиатга эга ҳолат, шунинг учун Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши руҳий даргоҳда юрган инсон ҳисобланади. Моддий оламда ҳар бир одам ўзининг ҳиссиётини қаноатлантириш учун ҳаракат қилса, руҳий оламда яшайдиганлар Кришна онгида ҳаракат қиладилар. Кришна онгида бўла туриб, инсон ҳозирги ҳаётидаёқ Брахман даражасига кўтарилади. Кришна онги билан ҳаракат

килиб, Худо учун холис фаолият кўрсатаётган киши ҳеч шубҳасиз Худонинг даргоҳида юрган бўлади.

*Брахман* - модданинг акси. Шунинг учун, *брахми стхити* ибораси "моддий фаолиятдан ташқарида" деган маънони англатади. "Бҳагавад-Гита"(14.26)да Худога садоқат билан хизмат қилиш озодликка эришишга тенглаштирилган(*са гунан саматитйаитан Брахма-бхуйайа калпате*). Демак, *брахми стхити* - моддий тутқунликдан озод бўлишдир.

Шрила Бҳактивинода Тхакур ёзадики, "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи боби бу буюк асар мазмунининг қисқача баёнидир. "Бҳагавад-Гита"нинг асосий мавзулари - *карма-йога*, *гйана-йога* ҳамда *бҳакти-йога*. "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида *карма-йога* ва *гйана-йога* батафсил тушунтирилган, *бҳакти-йога* ҳақида баъзи тушунчалар берилган, шулар бутун асарнинг қисқача мазмунини ташкил этади.

*"Бҳагавад-Гита"нинг қисқача баёни* деб аталадиган *"Шримад Бҳагавад-гита"нинг иккинчи боби*га Бҳактиведантаннинг изоҳлари шундай яқунланади.

## Учинчи боб. Карма-йога

### 1. арджуна увача

*джйайаси чет карманас те мата буддхир джанардана  
тат ким кармани гхоре мам нийоджайаси кешава*

**Аржун деди: Эй Жанардана, эй Кешава, азар Сен тафаккурнинг фаолияти бирор натижа кўзлаб кўрсатиладиган фаолиятдан афзал деб ҳисобласанг, нимага мени бу даҳшатли жангда иштирок этишга ундаяпсан?**

Изоҳ: Яқин дўсти Аржунни дунёвий мусибат уммонидан чиқариб олиш учун Шри Кришна аввалги бобда руҳнинг табиатини батафсил тушунтириб берган эди. Шунингдек, У Аржунга руҳий ўзликни англаш йўлини: *буддхи-йога*, яъни Кришнани англашнинг фикрлаш(тафаккур), муҳофаза йўлини ҳам кўрсатганди. Баъзилар Кришна онги билан яшаш йўлини ногўғри тушуниб, уни “руҳий юксалишнинг суст усули” деб айтадилар ва Худонинг муқаддас номларини узлатда зикр қилиш орқали Кришнани англаб етишга ҳаракат қиладилар. Аммо ҳали Кришнани англаш фалсафасини тўлиқ тушунмаган кишига Худонинг муқаддас номларини хилват жойда зикр қилиш тавсия қилинмайди, чунки бу унга ғофил одамлар орасида сохта обрў қозонишдан бошқа бирор фойда келтирмайди. Аржун ҳам, Кришнани англаш жараёни билан шуғулланиш(*буддхи-йога*), яъни чуқур фикрлаш ёрдамида руҳий илм эгаллаш - дунёвий фаолиятни тарк этиб, хилват жойда риёзатга берилиб яшашдан иборат деб ўйлаган эди. Бошқача қилиб айтганда, у Кришнани англаш йўли билан шуғулланишни баҳона қилиб, жанг қилишдан бош тортмоқчи эди. Лекин, жиддий ва самимий шогирд бўлгани учун, ўз фикрини руҳий устози Кришнага очиқ айтиб, Ундан қандай иш тутса яхшироқ бўлишини сўрапти. Аржунга жавоб бера туриб, Кришнаунга *карма-йога*, яъни Кришнани англаш жараёнида кўрсатиладиган амалий фаолиятни батаф-



сил тушунтириб беради. Мазкур боб ана шу мавзуга бағишланган.

2. *ваймишренева вакйена буддхим мохайасива ме  
тад экам вада нишчитйа ена шрейо "хам апнуйам*

***Сенинг бир-бирига зид кўрсатмаларинг мени ақлдан адаштирди.  
илтимос, аниқ айт-чи, бу йўлларнинг қайси бири менга ҳақиқий  
бахт келтиради?***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг кириш қисми ҳисобланган аввалги бобда руҳий юксалишнинг ҳар хил йўл ва усуллари таърифланган эди: *Санкхйя-йога, буддхи-йога*, тафаккур ёрдамида ҳиссиётни жиловлаш ва Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўллари, шунингдек, руҳий юксалиш йўлига энди кирган содиқнинг ҳолати ҳам тушунтирилган эди. Лекин, булар ҳаммаси маълум бир тартиб билан батафсил баён этилмади. Аммо одамлар бу муҳим илмни тўлиқ эгаллаб олиши ва ҳаётда унга амал қилиб яшай олиши учун уни тартиб билан, навбатма-навбат батафсил баён этиш лозим. Шунинг учун Аржун, оддий одамлар ҳам Кришнанинг айтган гапларини асл ҳолида тўғри тушуниб олишлари ва уларнинг маъносини ўзгартириб, нотўғри қабул қилмасликлари учун, унинг зиддиятли бўлиб кўринган жойларини аниқлаб олмоқчи бўляпти. Гарчи Кришна ҳар хил маъноли гаплар билан Аржуннинг ақлини адаштиришга ҳаракат қилмаса ҳам, Аржун Кришнани англаш усулини узлатда, яъни суст ҳолатда ва фаол хизмат қилишда қандай қўллаш кераклигини охиригача тушуна олмаган. Бошқача қилиб айтганда, Кришнага бундай саволларни бериш билан Аржун Кришнани англаш йўлини, "Бҳагавад-Гита"нинг сирли мазмунини ҳақиқатан ҳам англаб олишга самимий интилаётган ҳар бир одам учун тушунарли, осон қилиб қўймоқчи бўляпти.

3. *шри бхагаван увача  
локе "смин дхи-видха ништха пура прокта майанагха  
дженана-йогена санкхйанам карма-йогена йогинам*

***Худонинг Олий Шахси деди: Эй беғуноҳ Аржун, аввал айтганим-дай, ҳақиқий "мен"ини англашга интиладиган одамлар икки тоифа бўлади. Улардан бири ўзини бутунлай фалсафий изланиш-лашларга бағишлайдилар, бошқалари эса Худога садоқат билан холис хизмат қиладилар.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида(39) Парвардигор руҳий ўзликини англашнинг икки йўлини айтади: *санкхйя-йога* ва *карма-йога*, яъни *буддхи-йога*. Энди Кришна шу йўллар ҳақида батафсилроқ гапириб беришти: чуқур фикрлашни ёқтирадиган ва ўзини ўраб турган оламни сезгилари ёрдамида тажриба ўтказиш ва фалсафий фикрлашлар орқали ўрганишга интиладиган

кишилар *санкхйа-йога* билан, яъни модда ва рухнинг табиатини назарий жиҳатдан ўрганиш билан шуғулланадилар. Иккинчи тоифадаги илоҳиёт одамлари эса, иккинчи бобнинг олтмиш биринчи шеърида таърифланган Кришнани англаш йўлидан борадилар. Иккинчи бобнинг ўттиз тўққизинчи шеърида ҳам Кришна *буддхи-йога*, яъни Худони англаш йўлидан бориб инсон ўз фаолияти ва унинг оқибатларидан иборат бўлган моддий ҳаёт чангалидан озод бўлади деб, қирқинчи шеърда эса, ана шу йўлнинг ҳар қандай нуқсонлардан холи йўл эканини айтган эди. Бу ҳақда иккинчи бобнинг олтмиш биринчи шеърида яна ҳам батафсилроқ айтилган: *буддхи-йога* билан шуғулланиш - ўз ихтиёрини Худога(Кришнага) бутунлай топширишдан иборат; шу йўл билан одам ҳеч қийналмасдан ўз ҳиссиётини жиловлай олади. Аслида бу икки йўл ҳам, худди дин ва фалсафа сингари, бир-бири билан узвий боғланган. Фалсафий асосдан маҳрум бўлган дин ақидапарастликка айланиб қолади, динсиз, яъни амалда қўлланилмайдиган фалсафа эса, куруқ сафсата бўлиб қолаверади. (Фалсафаси бўлмаган дин - ақидапарастлик, амалсиз фалсафа - куруқ сафсатабозлик).

Барча илоҳиёт одамларининг олий мақсади - Кришна. Мутлак Ҳақиқатни самимий ва жиддий излаб юрган файласуфлар ҳам охир-оқибатда Кришна онгига эришадилар. Бу ҳақда "Бхагавад-Гита"да айтилган(7.19): ўзликни англашнинг мақсади - рухнинг Олий Рухга нисбатан ҳақиқий, азалий ҳолатини тушуниб олишдан иборат. Гьяни-файласуфлар бораётган йўл - узок йўл: бу йўл ҳам кишини Кришнани англашга олиб келиши мумкин, лекин бирданига эмас, жуда кўп замонлардан кейин. Иккинчи усул - бевосита Кришна онги билан кўрсатиладиган фаолият ҳисобланади. Бу икки йўлдан Кришна онги билан фаолият кўрсатиш йўли афзал ҳисобланади, чунки бунда фалсафий фикрлаш усули ёрдамида ҳиссиётни поклаб юришнинг ҳам ҳожати йўқ. Кришна онгидаги фаолиятнинг ўзи одамни барча моддий иллатлардан поклайди. Худога бевосита хизмат қилиш бўлгани учун бу усул бир вақтнинг ўзида ҳам осон, ҳам улуғвор усул ҳисобланади.

4. *на карманам анарамбхан наишкармайам пурушо "инуте  
на ча саннийасанад эва сиддхим самадхигаччхати*

***Шунчаки фаолият кўрсатишни тарк этиш билан инсон карма тузоғидан халос бўлмайди. Фақат таркидунё қилиб яшашга қасам ичишининг ўзи инсоннинг руҳий баркамолликка эришишига ёрдам бермайди.***

Изоҳ: Муқаддас китобларда белгиланган ўз бурчини холис бажариб яшаш ёрдамида моддий иллатлардан қалби покланган кишигина таркидунё қилиб яшашга қодир бўлади. Ведаларда белгиланган ҳар хил бурч ва вазифалар энг аввало моддийлик иллатига ботган одамларнинг қалбини поклаш учун мўлжалланган. Агар кимдир ҳали қалби тўла покланмай туриб, *саннийаси*

турмуш тарзига ўтиб яшашга шошилса, у рухий камолотга эриша олмайди. Маявади-файласуфларнинг фикрича, инсон *саннийаси* бўлиб олса, яъни кармали фаолиятни тарк этса бас, у дарров *Нарайана* билан тенглашади. Аммо, Кришна бундай фикрни инкор этапти. Агар қалби нопок киши *саннийаси* турмуш тарзини қабул қилса, у жамиятда бошқа одамларга фақат ташвиш келтиради, холос. Аксинча, агар одам ўз бурчини бажаришни тарк этиб, илохий муҳаббат билан Худога холис хизмат қилиш йўлига - *буддхи-йога* йўлига кирса, ҳатто унинг қилаётган иши арзимас даражада оз бўлса ҳам, Парвардигор унинг шу озгина хизматини ҳам албатта қабул қилади. *Св-алтам апи асйа дхармасйа трайате махато бхайат*. Худони мамнун қилиш учун қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонга ҳаётда энг катта қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради.

5. *на хи кашчит кишанам апи джату тиитхатй акарма-крит  
карийате хй аваших карма сарвах пракрити-джайр гунаих*

***Барча тирик мавжудотлар табиат олдидан ноилож бўлиб, моддий гуналар таъсирида эга бўлган сифатларига мос равишда ҳаракат қилишга мажбурдирлар. Шу боис ҳеч ким бир лаҳза ҳам ҳаракат қилишдан тўхтаб туролмайди.***

Изоҳ: Ҳамиша фаол ҳаракатда бўлиш моддий тананинг хусусияти эмас, бу хусусият руҳнинг азалий табиатидир. Агар ичида руҳ бўлмаса, моддий тана ҳатто ўрnidан ҳам қимирлай олмайди. Ҳамиша фаол, ҳатто бир лаҳза ҳам тинчимайдиган мангу руҳ ҳаракатга келтириб турган тана - аслида жонсиз, ўлик нарса. Шунинг учун, агар руҳ ўзи учун ёқимли, ўзининг асл табиатига мос бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлмаса, у алдамчи қувватнинг амрига бўйсуниб ҳаракат қила бошлайди. Моддий қувват билан аралашган руҳ моддий иллатлар билан булғанади. Улардан покланиш учун инсон ҳаётда муқаддас китобларда белгиланган ўз бурчини холис бажариб яшаш керак. Лекин, агар руҳ ўзининг азалий, табиий фаолияти бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлса, қилаётган ҳар бир иши унга фақат бахт-саодат келтиради. Бу ҳақиқат "Шримад Бхагаватам"да ҳам тасдиқланади: (1.5.17):

*тйактва сва-дхармам чаранамбуджам харер  
бхаджанн апакво "тха патет тато йади  
йатра ква вабхадрам абхуд амушйа ким  
ко вартха апто "бхаджатам сва-дхарматах*

"Кришна онгида, Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган киши, ҳатто шастраларда кўрсатилган ўз бурчини бажармаса ҳам, ҳатто у Худога садоқат билан хизмат қилишда баъзи хатоларга йўл қўйса ёки бу йўлдан

адашиб кетса ҳам, барибир ҳеч нарса йўқотмайди, бирор гуноҳ қилмаган бўлади. Аксинча, шастралардаги барча покланиш маросимларини изчиллик билан адо этиб юрган, лекин Кришна онгига эришмаган, Худони англаб етмаган киши ҳаётда нимага ҳам эришарди?"

Демак, Ведаларда кўрсатилган покланиш маросимлари бизга қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш, Худони англаб етиш учун керак. Шунинг учун, *саннийаси* турмуш тарзи ҳам, покланиш учун мўлжалланган бошқа амаллар сингари инсонни ҳаётда олий мақсадга - Худони, Кришнани англашга олиб келиши керак. Кришнани, Худони англамай қилинган ҳар қандай фаолият ҳеч қандай маънога эга бўлмайди.

6. *кармендрийани самйамйа йа асте манаса смаран  
индрийартхан вимудхатма митхйачараҳ са учийате*

***Сезги аъзоларининг ташқи ҳаракатини тўхтатиб қўйган, лекин айни пайтда ҳамиша лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида ўйлайдиган киши ўзини ўзи алдайди ва фирибгар деб аталади.***

Изоҳ: Кришна онги билан қилинадиган фаолиятдан юз ўгирадиган, лекин аслида фикру-хаёли ҳиссий лаззатланиш ҳақидаги ўйлар билан банд бўлишига қарамай, ўзини бошқаларга илоҳий муроқаба билан машғул кишидай кўрсатадиган иккиюзламачи, муғомбир одамлар жуда кўп. Баъзан ана шундай фирибгар одам ўзининг "ақли" издошларига кўзбўямачилик қилиш учун, сохта фалсафий мавзуларда узоқ вақт сафсатабозлик қилади. Лекин, юқоридаги шеърдан маълумки, ундай одам - ҳақиқий фирибгар, қаллобнинг ўзгинаси. Агар одам ҳиссий лаззатланишга интилаётган бўлса, ўзининг жамиятдаги ўрнида қолиб, шастраларда белгиланган барча кўрсатмаларга амал қилиб, ҳалол яшайверсин - шунда у ҳам аста-секин моддий иллатлардан покланади. Аммо, қалбида моддий лаззатларга интила туриб, бошқаларга ўзини йог, авлиё инсон қилиб кўрсатмоқчи бўлаётган одамни, гарчи у баъзан фалсафий мавзуларда фикр юритиб чиройли гаплар гапирса ҳам, энг мунофиқ, қаллоб одам деб ҳисоблаш керак. Бундай гуноҳкор мунофиқнинг эгаллаган илми сарик чақага ҳам арзимайди, чунки унинг барча изланишларининг натижасини Парвардигорнинг алдамчи қуввати ўғирлаб қўйган бўлади. Ундай иккиюзламачининг ақли ҳамиша булганган, нопок бўлиб қолаверади, шунинг учун *йога* усулида қилаётган барча муроқабалари унга ҳеч қандай фойда бермайди.

7. *йас тв индрийани манаса нийамйарабхате "рджуна  
кармендрийайх карма-йогам асактах са вишишйате*

***Лекин, ақли ёрдамида сезгиларини жиловлаб олишга самимий интилаётган, дунёвий боғланишларни тарк этиб, (Кришна онгида)***

***карма-йога билан жиддий шуғуллана бошлаган киши ундан анча устун туради.***

Изоҳ: Муғомбирлик билан бошқаларга ўзини йог, авлиё одам қилиб кўрсатиш орқали ҳиссий лаззатларга берилиб, беташвиш ҳаёт кечиришдан умид қилгандан кўра, ҳаётда ўз бурчини ҳалол бажаришни давом эттириш, ҳаётнинг олий мақсадига - моддий тутқунликдан халос бўлишга, Худонинг даргоҳига эришишга интилиб яшаш керак. Ҳар бир одам учун ҳаётда энг олий мақсад (*сварга-гати*), энг буюк бахт - ягона Парвардигорни, Парвардигор Вишнунинг англаб етишдир. *Варна-аирама* тизимининг барча қоидалари ҳар бир инсоннинг ана шу олий мақсадга эришишига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Агар шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Кришна онгида фаолият кўрсатиб яшаса, ҳатто оилали одам ҳам олий мақсадга - Худонинг мангу даргоҳига эриша олади. Ўзининг руҳий табиатини англаб олиш учун инсон шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаши, қилган меҳнатининг натижаларига боғланмасдан Парвардигор олдидаги ўз бурчини ҳалол бажариб яшаши лозим - мана шу унинг руҳий юксалишига ёрдам беради. Шу тарзда кун кечириётган софдил, қалби пок инсон ғофил одамларни алдаш ниятида ўзини руҳий фаолият билан машғул кишидай кўрсатиб юрган муғомбир фирибгарлардан анча устун туради. Фақат тирикчилик қилиш учунгина мушокаба қилиш билан машғул бўлиб юрган сохта авлиё-фирибгардан, ўз бурчини холис бажараётган ҳалол фаррош минг марта афзал.

*8. нийатам куру карма твам карма джйао хй акарманаҳ  
шарира-йатрати ча те на прасиддхйед акарманаҳ*

***Ўз бурчингни ҳалол бажариб яша, чунки ҳеч иш қилмай ўтиргандан кўра шундай яшаган афзал. Ишламайдиган одам танасининг ҳатто энг муҳим эҳтиёжларини ҳам қондира олмайди.***

Изоҳ: Ўзларини олий насабли хонадон вакиллари қилиб кўрсатишга, шунингдек, жамоа олдида муқаддас китобларни чиройли қироат қилиш эвазига кун кўрадиган жуда кўп сохта-йоглар баъзида муғомбирлик билан руҳий ҳаёт кечириш учун ҳамма нарсадан воз кечганликка даъво қиладилар. Кришна Аржун ҳам ана шундай иккиюзламачиларнинг бири бўлишини истамаёпти. У Аржуннинг жангчи-кшатрий сифатида ўз бурчини холис бажариб яшашини истайди. Аржун оилали одам, ҳарбий саркарда, шу боис у жамиятда ўз ўрнида қолиб, кшатрий ҳамда грихастхаларга белгиланган бурчини виждон билан бажаргани яхши. Шундай ҳалол фаолият аста-секин бу дунёда яшаётган одамнинг қалбини моддий иллатлардан поклайди. На Парвардигорнинг Ўзи, на муқаддас китобларнинг бирортаси тирикчилик қилиш учун мол-дунё тўплаш ниятида ўзини бошқаларга таркидунё қилган кишига ўхшатиб

кўрсатишни қўллаб-қувватламайди. Охир-оқибатда ҳар бир одам танада жонини сақлаб туриш, яъни тирикчилик қилиш учун бирор иш билан машғул бўлиши керак. Ҳали моддий истаклардан биратўла покланмай туриб, ҳеч ким ҳалол меҳнат қилиб яшашдан бош тортмаслиги керак. Бу дунёдаги ҳар бир одамнинг қалби моддий табиатга ҳукмронлик қилиш ёки бошқача қилиб айтганда, сезги аъзолари ёрдамида ҳиссий лаззатланиш истаги билан булганган. Шу боис шастраларда кўрсатилган бурчини холис бажариш билан одам шундай истаклардан бутунлай халос бўлиши керак. Бунга эришмаган киши дунёвий ишларни тарк этмаслиги ва йог бўлишга уринмаслиги керак, акс ҳолда у бировларнинг ҳисобига яшаш билан одамларни алдайди, холос.

9. *йаджнартхат кармано “нйатра локо “йам карма-бандханаҳ тад-артхам карма каунтейа мукта-сангах самачара*

***Инсон ўзининг ҳар қандай бурчини Вишну(Худо)га қурбонлик сифатида бажариши лозим, акс ҳолда қилаётган ишлари уни моддий оламга боғлаб қўяди. Шу боис эй Кунтининг ўгли, сен ўз бурчингни фақат Худони мамнун қилиш учун бажар, шунда моддий тутқунликдан бутунлай озод бўласан.***

Изоҳ: Ҳар бир одам ҳаётда ҳеч бўлмаса танасининг эҳтиёжларини кондиритиш учун меҳнат қилиши керак. Ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни ва табиий хусусиятларига қараб, шастраларда унга ҳар хил бурч ва вазифалар белгилаб қўйилган. *Йаджна* ибораси қурбонлик маросимини ҳам, Парвардигор Вишнунини ҳам ифодалаш мумкин. Барча қурбонлик маросимлари Парвардигор Вишнунини мамнун қилиш учун мўлжалланган. Ведаларда шундай дейилган: *йаджно ваи вишнунх*. Бошқача қилиб айтганда, ведавий қурбонлик маросимлари ҳам, Худога бевосита хизмат қилиш ҳам инсонни ягона мақсадга олиб келади. Шундай қилиб, Кришна онгида қилинган фаолият ҳам, "Бхагавад-Гита"нинг мазкур шеърида айтилгандай *ягйа*, яъни "қурбонлик" ҳисобланади. Жамиятнинг *варнашрама* тизими ҳам Парвардигор Вишнунини мамнун қилиш учун мўлжалланган. *варнашрамачаравата пурушена парах пуман вишнур арадхйате* (Вишну-пурана, 3.8.8.).

Шундай қилиб ҳар бир одам ҳаётда ягона Парвардигор Вишнунини мамнун қилишга интилиб яшати лозим. Моддий оламдаги шундан бошқа ҳар қандай фаолият инсонни бу дунёда тутқун бўлиб қолишга маҳкум этади, чунки ҳар қандай савоб ёки гуноҳ ишлар албатта ҳар турли оқибатларга олиб келади, бу оқибатлар эса инсонни моддий оламга боғлаб қўяди. Шунинг учун инсон Худони рози қилиш учун фақат Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб яшати керак. Шундай илоҳий фаолият билан шуғулланиб юрган одам моддий тутқунликдан аллақачон халос бўлган инсон ҳисобланади. Бундай фаолият - буюк санъатдир, бу нодир санъатни эгаллаш учун авваламбор тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаракат қилиш

лозим. Шунинг учун биз Кришнанинг содиқ хизматкорининг ёки бевосита Кришнанинг Ўзининг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб яшашимиз лозим. Ҳар қандай фаолиятдан мақсад - лаззатланиш эмас, балки Худони, Кришнани мамнун қилиш бўлиши лозим. Ҳамиша шундай фаолият билан машғул бўлиб яшаш бизни фақат карма оқибатларидан халос қилибгина қолмасдан, аста-секин Худого илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилишимизга ёрдам беради. Бу эса - Парвардигорнинг салтанатига олиб борувчи ягона йўлдир.

10. *саха-йаджнах праджах сриштва пуровача праджапатих  
анена прасавийадхвам эша во "ств ишта-кама-дхук*

***Барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдори оламни яратган пайтда Вишну шарафига ўтказиладиган қурбонлик маросимлари билан бирга одамлар ва фаришталарни яратиб, уларни шундай дуо қилган: "Қурбонлик маросими(яғйа) ўтказиши билан бахтли яшанглар, чунки қурбонлик маросими сизлар беташивиш яшашингиз, охир-оқибатда озодликка эриша олишингиз учун сиз истаган нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилади".***

Изоҳ: Барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдори(Вишну) моддий оламни шартланган руҳларга Худонинг даргоҳига қайтиш имконини бериш ниятида яратган. Бу дунёдаги тирик мавжудотларнинг барчаси моддий табиат ҳукми остида яшайди, чунки улар ўзларининг Парвардигор Вишну ёки Худонинг Олий Шаҳси билан бўлган мангу муносабатини эсидан чиқариб қўйган зотлардир. Ведалар бизга ана шу мангу муносабатларни англаб олишга ёрдам бериш мақсадида яратилган. "Бҳагавад-Гита"(15.15)да Худо Шаҳси шундай дейди: *ведати ча сарвайр ахам эва ведйах*. Ведаларни ўрганишдан мақсад - Худо Шаҳсини, Кришнани англашдир. Ведавий мантраларда ҳам шундай дейилган: *патим вишвасйатмешварам*. Бу, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори - ягона Парвардигор Вишну эканини тасдиқлайди. "Шримад Бҳагаватам"да Шрила Шукадева Госвами Парвардигорни такрор ва такрор *пати* ибораси билан ифодалайди:(2.4.20)

*ирийах патир йаджна-патиҳ праджа-патир  
дхийам патир лока-патиҳ дхара-патиҳ  
патир гатиш чандхака-вришни-сатватим  
прасидатам ме бхагаван сатам патих*

*праджа-пати* - Парвардигор Вишну, У - барча тирик мавжудотларнинг, бутун оламнинг ва барча ғаройиботларнинг Ҳукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳимоячиси. Тирик мавжудотлар Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш ниятида *яғйа*(қурбонлик маросими) ўтказишни ўрганишлари учун

Парвардигор моддий оламни яратган. Ягйа, яъни қурбонлик маросими инсонларга бу дунёда ҳеч қандай муҳтожлик ва ташвишларсиз бахтиёр яшаш, умрининг охирида эса моддий танасини тарк этиб, Худонинг даргоҳига эришиш учун имкон яратади. Барча тирик мавжудотларни бахтиёр қилиш ниятида Парвардигорнинг Ўзи белгилаб қўйган тадбир шундан иборат. Қурбонлик маросимларини ўтказиш билан одамлар аста-секин руҳий жиҳатдан юксалиб, қалбида Кришна онгини ривожлантирадилар ва ҳаётда ҳар тарафлама пок, тақводор бўлиб яшайдилар. Ведавий муқаддас битикларда ҳозирги Кали-юга даврида *санкиртана-ягйа*, яъни “Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш” маросимини ўтказиш тавсия қилинган. Ҳозирги даврда яшаётган бутун инсониятни озодликка чиқариш мақсадида бу илоҳий усулни Ер юзига Парвардигор Чатанйа олиб келган. *Санкиртана-ягйа* билан Кришна онгидаги фаолият бир-бирини тўлдириб туради. "Шримад Бҳагаватам"да бу дунёга содиқ хизматкор қиёфасида келган Парвардигор Кришна(Чатанйа Махапрабху) *санкиртана-йагйа* билан биргаликда эслатиб ўтилган.(11.5.32). Унда шундай дейилган:

*кришна-варнам твишакришнам  
йаджнаиҳ санкиртана-прайаир*

*сангопангастра-паршадам  
йаджанти хи су-медхасаҳ*

"Кали-юга даврида яшайдиган фаросатли одамлар Ўзининг яқин ҳамроҳлари билан бирга Ер сайёрасига ташриф буюрган Парвардигорга сажда қилиб, *санкиртана-йагйа* маросимини ўтказадилар".

Кали-югада бошқа ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиш жуда қийин, лекин *санкиртана-ягйа* - ҳар қандай мақсадга эришишда ёрдам берадиган энг осон ва улуғвор усулдир; "Бҳагавад-Гита" ҳам шу усулни тавсия этади(9.14).

11. *деван бхавайатанена те дева бхавайанту ваҳ  
параспарам бхавайантаҳ шрейаҳ парам авансийатха*

***"Қилган эҳсонларингизни қабул қилган фаришталар сизлардан ҳам мамнун бўладилар. Фаришталар билан инсонларнинг ўзаро шундай ҳамкорлиги туфайли бутун оламда фаровон ҳаёт ҳукм суради".***

Изоҳ: Фаришталар моддий оламни бошқариб турадиган қудратли ҳукмдорлардир. Бутун борлиқнинг ҳамма жойида мавжуд бўлган Парвардигорнинг бу сон-саноксиз ёрдамчилари ҳар бир тирик мавжудотни ҳаёт учун зарур бўлган ҳаво, ёруғлик, сув, ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турадилар. Уларнинг одамлардан рози бўлиш ёки бўлмаслиги одамларнинг ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиш ёки ўтказмаслигига боғлиқ. Қурбонлик маросимларининг баъзи бир турлари айнан у ёки бу фариштани мамнун



килиш учун мўлжалланган. Лекин, қурбонлик маросими ўтказиш орқали фаришталарни мамнун қилишга интилаётган одам ҳам аслида Парвардигор Вишнуга сиғинаётган бўлади, чунки қурбонлик маросимида эҳсон қилинган нарсалардан биринчи бўлиб Парвардигор Вишну лаззатланади. "Бҳагавад-Гита"да ҳам, барча қурбонлик маросимларидан Парвардигор Кришнанинг ўзи лаззатланади, деб кўрсатилган: *бхоктарам йаджна-тапасйам*. Шундай қилиб ҳар қандай қурбонлик маросимининг асосий мақсади - ягона Парвардигорни, "ягйа-пати"ни мамнун қилишдан иборат. Одамлар барча қонун-қоидаларга амал қилиб, қурбонлик маросими - йагйа ўтказганларида, тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлаб турувчи фаришталар табиий равишда улардан мамнун бўладилар, натижада бутун оламда фаровонлик юзага келади. Қурбонлик маросими ўтказиш билан одамлар ҳар хил бахт-саодатга эришадилар, охир-оқибатда моддий тутқунликдан бутунлай озод бўладилар. Қурбонлик маросими шарофати билан инсон ҳаётда ўзининг барча ҳаракатларини поклайди. Ведаларда шундай кўрсатма бор: *ахара-шуддхау саттва-шуддхиҳ саттва-шуддхау дхрува смритих смрити-ламбхе сарва-грантхинам випрамокшах*. Ягйа, қурбонлик маросими ўтказиш жараёнида инсон ўзи тановул қиладиган таомини поклайди, ҳалол, пок таомдан ейиш билан унинг ўзи ҳам покланади. Покланган таом миянинг нозик хужайраларини поклайди, бу эса ўз навбатида инсонни руҳий озодликка чиқиш йўлларини излашга ундайди. Охир-оқибатда буларнинг барчаси инсонни Кришнани англаш йўлига олиб келади. Ҳозирги даврда бутун жаҳонда турли мусибатлардан изтироб чекиб юрган бегуноҳ ғофил одамларга ана шундай саодатли Кришнани англаш илмини ўргатиш қанчалик зарурлиги яққол сезилиб турибди.

12. *иштан бхоган хи во дева дасйанте йаджна-бхавитах таур даттан апрадайаибхйо йо бхункте стена эва сах*

***"Бу оламнинг барча бойликларига ҳукмрон бўлган фаришталар ўтказган қурбонлик маросимларингиз эвазига сизларга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани инъом этадилар. Лекин, ана шу инъомлардан фаришталарга эҳсон қилмасдан, фақат ўзи лаззатланиб юрган киши шубҳасиз ўзри одамдир".***

Изоҳ: Фаришталар Парвардигор Вишнунинг вакиллари дир. Уларга бу оламда барча тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаб туриш вазифаси юклатилган. Шунинг учун Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан фаришталарни мамнун қилиш одамларнинг муқаддас бурчидир. Фаришталарни мамнун қилиш учун Ведалар ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказишни тавсия қилади, аммо оқибат-натижада қурбонлик маросимларининг барчаси ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси учун мўлжалланган. Парвардигорнинг улуғвор

хोलатини англаб етишга қодир бўлмаган одамларга Ведалар фаришталар учун қурбонлик маросими ўтказишни тавсия қилади. Муқаддас китобларда ҳар кимнинг табиатига мос равишда ҳар хил фаришталарга сиғиниш учун ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказиш тавсия қилинган. Масалан, гўшт истеъмол қиладиган одамлар учун Ведаларда моддий табиатнинг тимсоли бўлган, кўриниши одамни дахшатга соладиган фаришта Калига сажда қилиш, унга ҳайвонларни қурбон қилиб таклиф этиш тавсия қилинган. Эзгулик гунасида бўлган одамларга эса илоҳий Парвардигор Вишнуга сиғиниш тавсия қилинган. Лекин, охир-оқибатда барча қурбонлик маросимлари одамларнинг руҳий поғонага кўтарилишига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Оддий одамлар ҳеч бўлмаса *панча-маха-яғйа* деб аталадиган беш қурбонлик маросимини ўтказишлари лозим.

Инсоннинг ҳаётдаги барча эҳтиёжларини Парвардигорнинг вакиллари бўлган фаришталар таъминлаб туришини ҳамиша эсда тутиш лозим. Одамлар ўзларича, мустақил ҳолда бирор нарса яратишга қодир эмаслар. Масалан, озиқ-овқатни олайлик: ғалла, сабзавот ва мевалар, сут, шакар, умуман эзгулик гунасидаги одамлар озиқланадиган ҳамма нарса, шунингдек, вегетариан эмас одамлар истеъмол қиладиган гўшт - буларнинг бирортасини одам ўзи ярата олмайди. Бунга бошқа мисол ҳам келтириш мумкин: ҳар бир тирик мавжудот учун зарур бўлган иссиқлик, ёруғлик, сув, ҳаво. Биз уларнинг бирортасини ярата оламизми? Худонинг қудрати бўлмаса қуёш ва ойнинг нури, ёмғир, шамол сингари инсон ҳаёти учун зарур бўлган бирор нарсани яратиб бўлмайди. Бизнинг ҳаётимиз ана шу нарсаларни яратиб қўйган Парвардигорнинг марҳаматига боғлиқ экани яққол кўриниб турибди. Ҳатто одамлар бунёд қилиб қўйган завод-фабрикалар учун ҳам темир, олтингугурт, симоб, марганец, кўмир ва нефт сингари ҳар хил табиий ёқилғи ва хом ашёлар керак. Биз шу инъомлардан ҳаётда тўғри фойдаланиб соғлом яшашимиз, руҳий ўзлигимизни англай олишимиз, кейин эса, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришиш, яъни моддий дунёдаги тирикчилик учун курашга биратўла яқун ясай олишимиз учун шу инъомларнинг барчаси билан бизларни Парвардигорнинг бу дунёдаги вакиллари бўлган фаришталар таъминлаб турибди. Инсон ҳаётининг олий мақсадига қурбонлик маросими ўтказиш билан эришиш мумкин. Агар биз инсон ҳаётининг асосий мақсади нимадан иборат эканини эсимиздан чиқарсак, моддий ҳаёт тўрларига баттарок ўралашиб, (оламни яратишдан кўзланган мақсадга зид равишда) фаришталар бериб қўйган инъомлардан фақат ҳиссий лаззатланиш учун ўзимиз фойдаланиб юраверсак, бизлар ҳақиқий ўғриларга айланиб қоламиз, шунда табиат қонунлари бизни қаттиқ жазолайди. Ўғрилардан иборат жамиятда эса, ҳеч қачон бахт бўлмайди, чунки ўғри одам ҳаётда нима учун, қандай мақсадни кўзлаб яшаш лозимлигини билмайди. Ашаддий материалист ўғрилар ҳаётда олий мақсадсиз яшайдилар. Улар фақат ҳиссий лаззатланишга интиладилар ва ҳатто қандай қилиб қурбонлик маросими ўтказиш кераклигини ҳам билмайдилар.

Парвардигор Чаитанья одамларга энг оддий қурбонлик маросими - сан-

киртана-ягйани бериб кетган. Бундай қурбонлик маросимини муқаддас китоблардаги Кришнани англаш қоидаларини тан олган ҳар қандай одам ўтказиши мумкин.

13. *йаджна-шишташинаҳ санто мучйанте сарва-килбишайҳ  
бхунджате те тв агхам папа йе пачантй атма-каранат*

**"Худонинг содиқлари ҳар қандай гуноҳдан озод бўладилар, чунки улар аввал Парвардигорга эҳсон қилинган таом билан овқатланиб яшайдилар. Фақат ўзи лаззатланиш учун овқат пиширадиган одамлар эса, аслида фақат гуноҳ иш қилаётган бўладилар".**

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкорларини, яъни Кришна онгида бўлган зотларни *санта* деб атайдилар. Уларнинг қалби ҳамиша Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат туйғуси билан тўла. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да шундай дейилган(5.38): *преманджана-ччхурита-бҳакти-вилочанена сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти*. Қалбидаги Худонинг Олий Шахси, *Муқунда*(озодликка чиқарувчи) ва *Кришна*(барчани ўзига махлиё этувчи) деб аталадиган *Говинда*(барча лаззатлар манбаи)га бўлган муҳаббати содиқ(*санта*)ларга аввал Парвардигорга таклиф этилмаган бирор таомдан татиб кўришга йўл қўймайди. Шунинг учун улар Парвардигорни мамнун қилиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳар хил турлари - *шраванам, киртанам, смаранам, арчанам* ва ҳоказолар - кўринишида ҳамиша қурбонлик маросими ўтказиб юрадилар. Бундай қурбонлик маросимлари уларни моддий оламда ҳар хил гуноҳ ишлар қилишдан сақлайди. Фақат ўзлари лаззатланиш учун овқат тайёрлайдиган одамлар эса, шунчаки ўғри бўлибгина қолмасдан, бунинг устига оғир гуноҳ ҳам содир қилган бўладилар. Ўғри ва гуноҳкор одам ҳаётда бахтиёр бўла оладими? Албатта, йўқ! Бу оламда одамларни ҳақиқатан ҳам бахтиёр қилиш учун уларга Кришна онги билан яшаш имконини берадиган *санкиртана-ягйа* усулини ўргатиш керак. Акс ҳолда Ер юзидаги халқлар учун тинчлик ва бахт-саодатга эришиш - ушалмас орзу бўлиб қолаверади.

14. *аннад бхаванти бхутани парджанйад анна-самбхавах  
йаджнад бхавати парджанйо йаджнах карма-самудбхавах*

***Барча мавжудотларнинг таналари ёмғир ёғиши натижасида униб чиқадиган дон маҳсулотлари билан озиқланади. Ёмғир - одамлар ўтказган қурбонлик маросимлари эвазига ёғади, қурбонлик маросими эса - одамларнинг Ведаларда белгиланган муқаддас бурчини холис бажаришидир.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг буюк шарҳловчиси Шрила Баладева Видйабху-

шана шундай деб ёзади: *йе индрадй-ангатайавастхитам йаджнам сарвешварам вишнум абхйарчйа тач-чхешам ашанти тена тад деха-йатрам сампадайанти, те сантаҳ сарвешварасйа йаджна-пурушасйа бхактаҳ сарвакилбишаир анадй-кала-вивриддхаир атманубхава-пратибандхакаир никхилаиҳ папаит вимучйанте*. Худди тананинг ҳар бир алоҳида аъзоси бутун танага хизмат қилгани сингари *Яғйа-пуруша* деб аталадиган Парвардигор Вишну Ўзига хизмат қиладиган барча фаришталарнинг Хукмдоридир. Индра, Чандра, Варуна сингари фаришталарга моддий борлиқнинг турли соҳаларини бошқариш вазифаси юклатилган. Фаришталар ўсимликлар ўсиши учун етарли миқдорда ҳаво, ёруғлик ва сув билан таъминлаб туришлари учун қурбонлик маросими ўтказиш Ведаларда инсонларнинг бурчи сифатида белгилаб қўйилган. Лекин, Худонинг Олий Шахси Кришнага сиғиниш билан биз, бир вақтнинг ўзида Унинг танасининг ҳар хил қисмлари бўлган барча фаришталарга ҳам сиғинаётган бўламыз, шу боис фаришталарга алоҳида сиғиниб юришнинг ҳожати йўқ. Айнан шу сабабли Кришнани англаб етган Худонинг содиқ хизматкорлари овқатланишдан олдин таомни Парвардигорга тақдим этадилар. Бундай таом уларнинг танасини руҳий қувват билан тўлдиради. Натижада ўзларининг аввал қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлибгина қолмасдан, уларнинг таналари бу дунёдаги ҳар хил моддий иллатлар билан булғанмайдиган ҳам бўлади. Худди юқумли касаллик (эпидемия) тарқалган пайтда қилинган прививка (олдини олиш чораси) одамни юқумли касалликка чалинишдан асраб қолгани сингари, аввал Парвардигор Вишнуга тақлиф қилинган таом - *прасад* ҳам бизни бу дунёдаги ҳар хил иллатлардан асраб юради ва шундай таом билан овқатланиб юрган одамларни “Худонинг содиқ хизматкори” деб атайдилар. Шундай қилиб, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, фақат аввал Кришнага тақдим этилган таом билан овқатланиб юрган одам ўзининг аввалги ҳаётида қилган гуноҳлари оқибатида келадиган, руҳий юксалиши йўлида ғов бўлиб турган барча моддий иллатлардан бутунлай поклана олади. Бу қоидага амал қилмай фақат ўзи овқатланиб юрган одам эса, гуноҳ қилишда давом этаверади, қилган гуноҳлари учун эса, келажакда албатта жавоб беради: кейинги ҳаётида ит ёки чўчка танасида туғилиб, қилган гуноҳларининг азобини тортади. Моддий олам иллатларга тўла, аммо фақат *прасад* билан овқатланиб юрган одамга ҳеч қандай иллат юкмайди. У моддий иллатлардан ишончли ҳимояланган бўлади, аксинча ўғирланган маҳсулотлардан пиширилган ҳаром овқатни еб юрган одам кун сайин гуноҳга ботиб бораверади.

Ҳар қандай овқатнинг асосини дон ва бошқа ўсимликлар ташкил этади. Одам дон маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан, уй ҳайвонлари эса - шу маҳсулотларнинг қолдиқлари ҳамда бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Овқатга гўшт ишлатадиган одамлар ҳам барибир ҳайвонлар озиқланадиган ўсимликларга боғлиқ. Шунинг учун бизлар ҳаммамиз завод-фабрикаларнинг ишига эмас, балки биринчи навбатда она табиат, она Ер берадиган неъматларга боғланганмиз. Ғалланинг ҳосили эса, осмондан ёғадиган ёмғирларга боғлиқ. Ёмғир ёғишини Индра, Қуёш фариштаси ва Ой фариштаси сингари

Худонинг содиқ хизматкори бўлган қудратли фаришталар бошқариб туради. Худони рози қилиш учун ҳамиша қурбонлик маросими ўтказиб юриш лозим, акс ҳолда барчамиз муҳтожликда яшашга мажбур бўламиз - табиат қонуни шундай. Шунинг учун, ҳеч бўлмаса ўзимизни очликдан сақлаб қолиш учун мунтазам равишда қурбонлик маросими ўтказиб юришимиз, айниқса муқаддас китобларда айнан биз яшаётган Кали-юга даврининг одамларига тавсия қилинган *санкиртана-йағйа* (Худонинг муқаддас номларини содиқлар билан биргаликда қўйлаш) маросимини ўтказиб юришимиз лозим.

15. *карма брахмодбхавам виддхи Брахмакиора-самудбхавам тасмат сарва-гатам Брахма нитйам йаджне пратиштхитам*

***Одамларнинг қандай фаолият юришишни белгилайдиган қонун-қоидалар Ведаларда кўрсатилган; Ведаларни бевосита Худонинг Олий Шахси нозил қилган. Шу боис, ҳамма жойда мавжуд бўлган мангу Илоҳийлик барча қурбонлик маросимларида албатта иштирок этаётган бўлади.***

Изоҳ: Бу ерда *яғйартха-карма*, яъни Кришнани рози қилиш учун қилинадиган фаолиятнинг қанчалик зарур эканлиги яна ҳам равшанроқ таъкидланган. *Яғйа-пурушани*, Парвардигор Вишнунинг мамнун қилиш учун инсон илоҳий Ведалар (*Брахма*) да кўрсатилган рухий фаолиятни тартибга соладиган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши лозим. Ведалар - инсоният учун нозил қилинган муқаддас қонун-қоидалар мажмуасидир. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракат *викарма*, таъқиқланган ҳаракат, ёки “гуноҳ” деб аталади. Қилаётган ишларимизнинг ёмон оқибатлари сабабли кейинги ҳаётимизда азоб чекмаслигимиз учун биз ҳамиша Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Одатда кундалик ҳаётда одамлар давлат қонунларига бўйсундилар, худди шунингдек биз умуман ҳаётда, тепасида Парвардигорнинг Ўзи турган буюк ҳокимият қонунларига бўйсуниб яшашимиз лозим. Ведаларда ёзилган қонун-қоидалар Худонинг Олий Шахсининг нафасидан пайдо бўлган. Шастраларда шундай дейилган: *асйа махато бхутасйа ниша-васитам этад йад риг-ведо йаджур-ведах сама-ведо* "тхарвангирасаҳ - "Тўрт веда: "Риг-", "Яджур-", "Сама-" ва "Атхарва-Ведалар - қудратли Парвардигорнинг нафас олишидан пайдо бўлди" (Брихад-аранйакаупанишад.4.5.11). Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор нафаси билан ҳам гапира олади. "Брахма-самхита" да Унинг ҳар бир аъзоси бошқа барча аъзоларининг вазифаларини мукамал бажара олиши тасдиқланган. Масалан, Парвардигор нафаси билан гапиришга, нигоҳи билан уруғлантиришга қодир. Шастраларда айтилганки, моддий табиатга нигоҳ ташлаш билан Парвардигор унинг ичига барча тирик мавжудотларни жойлади. Оламни яратиб, моддий табиат ичига тирик мавжудотларни жойлаб қўйгандан сўнг, уларга яна ортга

- Худонинг даргоҳига қайтиш йўлини кўрсатиш мақсадида Парвардигор бизга Ведалар кўринишида ҳар хил конун-қоидаларни нозил қилиб қўйган. Шунини эсдан чиқармаслик керакки, бу дунёда барча тирик мавжудотлар моддий ҳиссиёти орқали лаззатланиш чорасини излаб юрадилар. Лекин, Ведаларнинг кўрсатмалари шундай тузилганки, уларга амал қилиб юрган одам ўзининг ана шундай нопок истакларини амалга ошириб юриб, моддий оламдаги бундай сохта лаззатлар жонига теккандан сўнг, Худонинг даргоҳига қайтиши мумкин. Шу тарзда тирик мавжудотлар моддий тутқунликдан руҳий озодликка чиқиш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун улар қалбида Кришна онгини ривожлантириб, мунтазам равишда қурбонлик маросими ўтказиб яшашга интилишлари лозим. Ҳатто ҳеч қачон Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилмаган одам ҳам Кришнани англаш йўлига кириши мумкин, шунда унинг қилаётган амаллари барча ведавий қурбонлик маросимларидан ёки кармали фаолиятлардан ҳам афзал бўлади.

16. *эвам правартитам чакрам нанувартайатиха йаҳ  
агхайур индрийарамо могохам партха са дживати*

***Эй Аржун, инсон танасига эга бўла туриб, Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказмай юрган киши, шубҳасиз, гуноҳларга тўла ҳаёт кечираётган бўлади. Фақат ҳиссий лаззатларга интилиб яшаш билан ундай киши ўз умрини хазон қилади.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор аввалига оғир меҳнат қилишга, ундан кейин эса ҳаёт лаззатини суришга ундайдиган шайтон малайларининг фалсафасини қаттиқ қоралайди. Ҳаётда дунёвий лаззат излаб юрган киши бу ерда айтилганидай, муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиб яшаш керак. Агар одам муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид амаллар қилса, тубанликка юз тутиб ўзини оғир мусибатларга дучор қилади. Табиат конунларига кўра, инсон ҳаёти тирик мавжудотга биринчи навбатда руҳий ўзлигини англаб олиши учун берилади. Ўзининг ҳаётида муқаддас китобларда тавсия қилинган уч йўл: *карма-йога, гйана-йога* ёки *бҳакти-йога* йўллари билан бирортасини танлаб, умрини бевосита ана шу олий мақсадга эришишга бағишлаган киши учун ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки ундай одамлар аллақачон “гуноҳ” ва “савоб” тушунчаларидан юқори поғонага кўтарилган бўлади. Аммо, дунёвий лаззатларга боғланиб қолган кишилар юқорида кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш орқали ҳаётини поклаб юришлари лозим.

Фаолиятнинг ҳар хил турлари мавжуд. Кришна онгига эга бўлмаган одамлар ҳаётда фақат лаззатланишга интиладилар, шунинг учун улар мунтазам равишда савоб ишлар қилиб юришлари лозим. Қурбонлик маросимларини ўтказиш тизими шундай тузилганки, дунёвий ҳаёт лаззатидан роҳатланиб яшашни истаган одамлар мунтазам равишда қурбонлик маросими ўтказиб

туриш орқали бу дунёда гунохга ботмасдан, яъни карма тузогига илинмасдан лаззатланиб яшай оладилар. Олам фаровонлиги бизларнинг уриниш, ҳаракатларимиз натижасида эмас, балки Худонинг амру-иродаси, Унинг хоҳиши билан таъминланиб турилади, Унинг амрини эса фаришталар амалга оширадилар. Шунинг учун қурбонлик маросимлари Ведаларда кўрсатилган у ёки бу фаришталарга бағишлаб ўтказилади. Гарчи, бу йўл энг яқин йўл бўлмаса ҳам, барибир охир-оқибатда одамларнинг Парвардигорни тан олишига, Кришнани англаб етишига олиб келади, чунки қурбонлик маросимларини холис ўтказиш жараёни инсон қалбида Худони, Кришнани англаш истакини уйғотади. Агар қурбонлик маросими ўтказа туриб, одам Кришнани англашга интильмас, у амал қилаётган қонун-қоидаларнинг барчаси шунчаки ахлоқ-одоб қоидалари, урф-одатлар ёки ҳеч қандай маъносиз ақидалар, шунчаки оддий жисмоний ҳаракатлар бўлиб қолаверади. Шу сабабли фақат ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиб яшаш билан қаноатланиб, одам ўзининг руҳий юксалишини тўхтатиб қўймаслиги керак; биз қилаётган ҳар бир ишмининг маъносини тушунишимиз, Худони англаб, Кришна онгига эга бўлишимиз лозим.

17. *йас тв атма-ратир эва сйад атма-трипташ ча манавах  
атманй эва ча сантуштас тасйа карйам на видйате*

***Аmmo, лаззатни руҳий ўзлигидан олиб юрган, ўз ҳаётидан мамнун, умрини ҳақиқий "мен"ини англашга бағишлаган, бошқа ҳеч нарса истамайдиган кишининг бу дунёда ҳеч қандай бурчи қолмайди.***

Изоҳ: Ҳамиша Кришна онгида кун кечираётган, шундай онг билан яшаб, ҳамиша ҳаётдан мамнун бўлиб юрган одамнинг ҳаётда қилиши зарур бўлган бурчи, вазифаси қолмайди. Кришна онгига эга бўлган одам бир пасда барча моддий иллатлардан биратўла покланади, аксинча бошқа одамлар эса, гунохлари оқибатидан покланиш учун минглаб қурбонлик маросимлари ўтказишлари керак. Шу тарзда онгини поклаб, инсон Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатини тўла англаб олади. Худонинг марҳамати билан унга Парвардигор олдидаги бурчи аниқ аён бўлади, шундан сўнг унинг ведавий битикларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб юришига ҳам ҳожат қолмайди. Шундай илоҳий даражага эришган инсонни дунёвий фаолият умуман қизиқтирмай қўяди: аёллар, маст қилувчи нарсалар ва шу сингари бу дунёнинг ўткинчи, алдамчи лаззатлари уни ўзига жалб эта олмайди.

18. *наива тасйа критенартхо накритенеха кашчана  
на часйа сарва-бхутешу кашчид артха-вйапаширайах*

***Ҳақиқий "мен"(ўзлиги)ини англаб етган киши Ведаларда кўрсатилган ўз бурчини бажарар экан ҳеч қандай мақсадга ин-***

***тилмайди, лекин унинг ўз бурчини бажармасликка ҳам ҳеч қандай асоси йўқ. Бу дунёда яшар экан у бирор тирик мавжудотга қарам бўлмайди.***

Изоҳ: Ўзининг мангу руҳ эканини тўла англаб етган кишининг ҳаётда Кришна онгида ҳаракат қилишдан бошқа бажариши шарт бўлган ҳеч қандай бурчи қолмайди. Худони, Кришнани англаш деганда ҳаётда ҳар қандай фаолиятдан воз кечишни тушунмаслик керак, бу кейинги шеърларда яна ҳам аниқроқ маълум бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши на одамларнинг, на фаришталарнинг ҳомийлигига муҳтож эмас. Бутунлай Кришна онгида ҳаракат қилиш билан у ҳамиша ўз бурчини бажариб юрган бўлади.

*19. тасмад асактах сататам карйам карма самачара  
асакто хй ачаран карма парам апноти пурушаҳ*

***Шу боис инсон ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмасдан, шунчаки бурч юзасидан ҳаракат қилиши керак, шунда у Парвардигорга эришади.***

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкорлари учун Худо - Худонинг Олий Шаҳси, имперсоналистлар учун эса - озодликка эришишдир. Кришнаучун учун меҳнат қилиб юрган, яъни ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Кришна онгидаги бирор фаолият билан машғул бўлиб, ўз меҳнатининг натижаларига боғланмаган киши, албатта ҳаётда энг олий мақсадга эришади. Кришна Аржунга айтяптики, Курукшетрада у Кришна учун жанг қилиши лозим, чунки бу - Худонинг Олий Шаҳсининг, Кришнанинг хоҳиши. Аржуннинг такводор бўлиб яшашга, зўравонлик қилмасликка интилиши - аслида у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолганидан далолат беради, аммо Худо учун холис хизмат қилиш - ўз меҳнатининг натижаларидан бутунлай воз кечиш демакдир. Шундай фаолият - энг олий даражадаги мукамал фаолият ҳисобланади, Шри Кришна, Худонинг Олий Шаҳси бизни ана шундай фидойиликка чакиради.

Қурбонлик маросими сингари ҳар хил ведавий удумларни одамлар ҳиссий лаззатланиш билан боғлиқ бўлган гуноҳ ишларининг ёқимсиз оқибатларидан халос бўлиш мақсадида ўтказадилар. Лекин, ҳар қандай савоб ёки гуноҳ ишлардан фарқли равишда, Кришна онгида қилинган фаолиятнинг ҳеч қандай карма оқибатлари бўлмайди. Ҳаётда Кришна онги билан яшаётган киши ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган эмас - у фақат Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қилади. У ҳаётда ҳар хил фаолият турлари билан машғул бўлиши мумкин, лекин у ҳамиша таркидунёлик ҳолатида, ҳеч нарсага боғланмай қолаверади.

*20. карманайва хи самсиддхим астхита джанакатайаҳ*



***Джананака сингари шоҳлар фақат ўз бурчини бажариш шарофати билан руҳий баркамолликка эришганлар. Шундай экан, сен ҳам ҳеч бўлмаса бошқаларга ўрнатилган кўрсатиш учун ўз бурчингни бажаришинг лозим.***

Изоҳ: Джананака сингари шоҳлар руҳий ўзлигини англаб етган зотлардир, шу боис уларнинг Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаши шарт эмас. Шунга қарамай оддий одамларга ўрнатилган кўрсатиш учун, улар муқаддас китобларнинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб яшаганлар. Шоҳ Жананака Ситадевининг отаси, Шри Раманинг қайнотаси бўлган. Худонинг буюк содиғи сифатида у ҳар қандай қонун-қоидалардан устун турарди, аммо Митхила\* шоҳи сифатида у ўз фуқароларига шастраларда кўрсатилган қонун-қоидаларга қандай амал қилиш лозимлигини ўргатиши лозим эди. Кришна билан Унинг мангу дўсти Аржуннинг ҳам Курукшетрадаги жангда иштирок этишларига ҳеч қандай зарурат йўқ, аммо улар, адолатга эришиш йўлида тинчлик омиллари натижа бермай қолганда албатта зўравонлик ишлатиш лозимлигини амалда кўрсатиш учун жангда иштирок этиптилар. Курукшетрада жанг бошланишидан олдин Пандузодалар билан биргаликда Кришнанинг Ўзи, урушнинг олдини олиш учун мавжуд бўлган ҳамма чораларни қўллаб кўрдилар, лекин рақиблар ҳеч бир шартга кўнмадилар. Ана шундай ҳолатларда адолат қонунларини тиклаш учун жангга кириш ва зўравонлик билан куч ишлатиб адолат ўрнатиш зарур бўлади. Гарчи Кришна онгига эришган одам учун бу дунёда ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, у бошқа одамларга ҳаётда қандай яшаш лозимлигини кўрсатиш учун, барибир меҳнат қилишда давом этаверади. Кришна онгига эга бўлган тажрибали содиқлар изидан бошқа одамларни эргаштириш учун ҳаётда қандай яшаш кераклигини яхши биладилар. Кейинги шеърда шу ҳақда айтилади.

*21. йад йад ачарати шреитхас тат тад эветаро джанаҳ  
са йат праманам куруте локас тад анувартаме*

***Буюк инсон нима иш қилса, оддий одамлар ундан ўрнатилган оладилар. У ўзининг одоб-ахлоқи билан қандай урф-одат ўрнатса, бутун олам аҳли шунга амал қилади.***

Изоҳ: Оддий одамлар ҳаётда тўғри яшашлари учун уларга ўзининг қилаётган ишлари билан ўрнатилган оладиган йўлбошчи керак. Ўзи тамаки чекадиган одам бошқаларни бундай бемаъни одатни ташлашга ўргата олмайди. Парвардигор Чаитанья айтган эдики, бошқа бировни бирор ишга ўргатишдан аввал, инсон ўзи шу ишни бошқаларга ўрнатилган даражада яхши ўрганиб олиши лозим. Шогирдларига шу тарзда илм ўргатадиган устоз

*ачарйа*, “хақиқий устоз” деб аталади. Бошқаларга қандай яшашни ўргатмоқчи бўлган одамнинг ўзи муқаддас китобларнинг барча кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб яшаши лозим. У бутун инсоният учун қонунлар мажмуаси бўлган "Ману-самхита" сингари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид келадиган қонунларни ўйлаб чиқармаслиги керак. Шунинг учун жамият раҳбарларининг кўрсатмалари албатта муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосланган бўлиши лозим. Баркамолликка эришишни ният қилган киши энг аввало буюк алломалар, донишмандлар, буюк устозлар амал қилган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши лозим. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, ҳаётда ҳар бир одам буюк содиқларнинг изидан бориши лозим - фақат шу йўл билан руҳий баркамолликка эришиш мумкин. Шоҳ ёки давлат раҳбари, ота ёки мактаб ўқитувчиси жамиятда эгаллаб турган лавозимига кўра бошқаларга устоз ҳисобланадилар. Қўл остидагиларнинг тақдири учун уларнинг ҳар бирига жуда катта масъулият юклатилган, шу сабабли улар одоб-ахлоқ ва руҳий ҳаёт қонунлари ёзилган асосий муқаддас китобларни яхши билишлари шарт.

\*Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги вилоят

*22. на ме партхастии картавйам тришу локешу кинчана  
наванптам аваптавйам варта эва ча кармани*

***Эй Притханинг ўғли, бутун уч оламда Мен қилишим шарт бўлган бирор иш йўқ. Мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман, ҳеч нарсага интилмайман, лекин барибир Мен ҳамиша Ўз бурчимни бажариб юрман.***

Изоҳ: Ведаларда Парвардигор шундай таърифланган:

*там ишваранам парамам махешварам  
там деватанам парамам ча даиватам  
патим патинам парамам парастад  
видама девам бхуванешам идйам  
на тасйа карйам каранам ча видйате  
на тат-самаш чабхйадхикаш ча дришйате  
парасйа шактир вивидхаива шруйате  
свабхавики джнана-бала-крийа ча*

"Парвардигор, Худо Шахси - барча ҳукмдорлар Ҳукмдори, барча сайёраларнинг ҳукмдорлари орасида энг буюги. Ҳар бир тирик мавжудот Унга бўйсунди. Тирик мавжудотлар қандай қудратга эга бўлсалар ҳам, ўз қудратини Парвардигордан оладилар. Уларнинг ҳеч бири мустақил ҳукмдор бўлолмайди. Барча фаришталар сажда келадиган Парвардигор - Олий

Хукмдордир, бошқа барча хукмдорлар Унга бўйсундилар. У бу оламнинг барча хукмдорларидан устун туради ва ҳамманинг сифинишига лойиқ бўлган ягона Зотдир. Барча сабабларнинг олий сабабчиси бўлган Парвардигордан ҳеч ким устун бўлолмайди.

Парвардигорнинг танаси оддий тирик мавжудотларнинг танасига ўхшамайди. Парвардигорнинг танаси Унинг руҳидан фарқ қилмайди. У - мутлақ шахс, Унинг барча сезгилари, ҳиссиёти руҳий табиатга эга. Унинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа барча сезги аъзосининг вазифасини ҳам бажара олади. Шунинг учун бутун оламда Унга тенг бўлган ёки Ундан буюк бўлган бирор Зот йўқ. Унинг қудрати чексиз ва хилма-хил, шу боис Унинг барча ишлари табиий равишда, ўз-ўзидан амалга ошаверади". (Шветашватара-упанишад, 6.7-8).

Парвардигор, Мутлақ Ҳақиқат бўлган Худо Шахси барча мукамалликлар соҳибидир, шу сабабли Унинг ҳеч қандай вазифаси йўқ. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган киши ҳаётда маълум бир вазифаларни бажариши лозим, лекин ҳеч нарса истамайдиган, ҳатто бутун уч оламда бирор нарсага интиладиган Зотнинг ҳеч қандай вазифаси ҳам бўлмайди. Шунга қарамай Кришна кшатрийлар раҳбари сифатида Курукшетрадаги жангда иштирок этипти, чунки кшатрийларнинг бурчи - бошига мусибат тушганларни зулмдан ҳимоя қилишдан иборат. Гарчи Парвардигор шастраларнинг барча кўрсатмаларидан устун турса ҳам, Унинг Ўзи ҳеч қачон шу кўрсатмаларга зид иш қилмайди.

*23. йади хй ахам на вартейам джату карманй атандритах  
мама вартманувартанте манушйах партха сарвашах*

***Эй Партха, агар Мен Ўз бурчимни мукамал бажаришни тарк этсам, одамлар албатта Мендан ўрناق ола бошлайдилар.***

Изоҳ: Жамиятда одамларнинг руҳий юксалишига имкон берадиган тартиб-интизом, тинчлик-осойишталик бўлиб туриши учун азалдан келаётган оилавий урф-одатлар мавжуд бўлиши, ҳар бир маданиятли одам шу урф-одатларга қатъий амал қилиб яшаши лозим. Гарчи бу урф-одатларнинг барчаси Парвардигор учун эмас, балки оддий шартланган руҳлар учун яратилган бўлса-да, Кришна ҳам уларга тўлиқ амал қиларди, чунки У бу оламга диний урф-одатларни қайта тиклаш учун ташриф буюради. Агар Парвардигорнинг Ўзи шу қоидаларга амал қилмаса, оддий одамлар Ундан ўрناق ола бошлардилар, чунки оддий одамлар учун У - энг олий устоз. "Шримад Бхагаватам"дан биламизки, Кришна уйда ҳам, жамиятда ҳам намунали оилавий инсон бўлиб, ҳамиша барча диний урф-одатларга тўла амал қилиб яшаган.

*24. утсидейур име лока на курйам карма чед ахам  
санкарасйа ча карта сйам упаханйам имах праджах*

***Агар Мен Ўз бурчимни бажармай қўйсам, бутун олам ҳалокатга юз тутган бўларди. Мен бетайин авлоднинг дунёга келишига, бунинг оқибатида барча тирик мавжудотларнинг тинчи бузилишига сабабчи бўлган бўлардим.***

Изоҳ: Барчага ташвиш келтириб, жамият қонунларини бузиб юрадиган жиноятчи одамлар - *варна-санкара* деб аталади. Жамиятда тартиб бўлиши учун одамлар шастраларда, муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаши лозим, шунда улар тинч, осойишта яшаб, рухий жиҳатдан юксалишлари мумкин. Кришна бу дунёга ташриф буюрганида, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиш қанчалик муҳим эканини одамларга кўрсатиш мақсадида Ўзи шу қоидаларнинг барчасига бекаму-қўст амал қилиб яшаган. Парвардигор - барча тирик мавжудотларнинг отаси, агар тирик мавжудотлар тўғри йўлдан адашсалар, Парвардигор ҳам бунинг учун қандайдир даражада жавобгар бўлади. Шунинг учун одамлар мангу дин қонунларини буза бошлаганида, ҳақиқий дин қонунларини тиклаш учун Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга келади. Лекин, шуни англаб олиш керакки, гарчи биз Парвардигордан ўрناق олишимиз лозим бўлса ҳам, Унга кўр-кўрона тақлид қилмаслигимиз керак. Ўрناق олиш ва тақлид қилиш ҳамиша бир-бирига тўғри келадиган тушунчалар эмас. Биз Кришнага тақлид қилиб Говардхана тоғини кўтара олмаймиз, Кришна уни ҳали ёш бола пайтидаёқ кўтарган эди. Бошқа бирор одам бунга қодир эмас. Биз Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим, ҳеч қачон Унинг қилган ишларини қилиб, Унга тақлид қилмаслигимиз керак. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилади:(10.33.30-31).

*наинат самачаредж джату манасапи хй анишвараҳ  
винашйатй ачаран маудхйад йатха "рудро "бдхи-джем вишам  
ишваранам вачаҳ сатйам татхаивачаритам квачит  
тешам йат сва-вачо-йуктам буддхимамс тат самачарет*

"Инсон ҳаётда Парвардигорнинг ва Унинг алоҳида қудрат ато этилган хизматкорларининг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиб яшаши лозим. Уларнинг кўрсатмалари инсонга бахт-саодат келтиради. Ҳар қандай фаросатли одам Парвардигор ва Унинг ҳақиқий вакиллари айтган насиҳатларнинг ҳаммасига бенуксон риоя қилади. Лекин, айти пайтда Парвардигор ва Унинг яқин ҳамроҳларига тақлид қилишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Тангри Шивага тақлид қилиб, бир уммон заҳар ичишга уринмаслик керак".

*Ишваралар*, яъни Қуёш ва Ойнинг ҳаракатини бошқариб турган зотлар оддий инсонларга қараганда анча қудратли эканини яхши тушуниб олиш керак. Шундай қудратга эга бўлмай туриб, бизлар буюк ишвараларга тақлид қила олмаймиз. Тангри Шива бир океан заҳарни ичиб юборган, аммо агар

оддий одам шу захардан атиги бир томчи ичишга уринса ҳалок бўлиши муқаррар. Ўзларини “Тангри Шиванинг издошлари” деб ҳисоблайдиган одамлар *ганджа*(марихуана) ва бошқа гиёҳванд моддалар истеъмол қиладилар, лекин улар Тангри Шивага нодонларча тақлид қилиш билан фақат ўз ажалини тезлаштираётганини тушунмайдилар. Худди шундай, Кришнанинг баъзи бир “содиқ”лари ҳам Унинг *раса-лила*, яъни ишқий ўйинларига тақлид қилишни ёқтирадилар, лекин айна пайтда улар ўзларида Говардхана тоғини кўтаришга қодир қудрат йўқлигини эсидан чиқариб қўядилар. Шунинг учун бунга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган ҳолда қудратли шахслар ўрнини эгаллашга уриниб, уларга тақлид қилиш ўрнига, камтарин ҳолда уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш керак. Ҳозир жуда кўп одамлар ўзларини *аватара*, “Худонинг экспансияси”, “Худо” деб эълон қиляптилар, лекин ундай одамларнинг бирортаси Парвардигордай чексиз қудратга эга эмас.

25. *сактаҳ карманй авидвамсо йатха курванти бхарата  
курйад видвамс татхасакташ чикириур лока-санграхам*

***Ғофил одамлар ўз бурчини қилаётган ишининг натижасига интилиб бажарадилар, мукамал илмга эга киши эса ўз бурчини бирор манфаат кўриш учун эмас, балки фақат одамларни тўғри йўлга бошлаш учун бажариши лозим.***

Изоҳ: Кришна онги билан яшаётган одам билан Кришнани англаб етмаган одам бир-биридан фақат ўз нияти, истаклари билан фарқ қиладилар.

Ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган одам ҳеч қачон ўзининг рухий юксалишига ҳалақит берадиган ишга қўл урмайди. Ҳаётда у ҳам моддий фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган ғофил одам қилаётган ишлар билан машғул бўлиб юриши мумкин, аммо бу икки тоифадаги одамнинг биттаси ўзининг шахсий истакларини амалга ошириш учун ҳаракат қилади, иккинчиси яъни Худонинг содиқ хизматкори эса, айнан шу ишни Кришнани мамнун қилиш учун қилади. Шунинг учун Кришна онгида бўлган киши бошқаларга ҳаётда қандай яшаш, ўз меҳнатининг натижаларини Худо йўлида қандай ишлатиш, Кришна онгини кенг тарқатишда улардан қандай фойдаланиш лозимлигини амалда кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

26. *на буддхи-бхедам джанайед аджнанам карма-сангинам  
джошайет сарва-кармани видван йуктаҳ самачаран*

***Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган ғофил одамларнинг ақлини безовта қилмаслик учун, донишманд киши уларни ҳар қандай фаолиятни тарқ этишга ундамаслиги керак. Аксинча, (улар ҳам аста-секин Худони англаб этишлари учун) уларни ҳар***

## ***хил фаолият билан машғул қилиши лозим.***

Изоҳ: *Ведаши ча сарваир ахам эва ведйах* - барча ведавий урф-одатларнинг олий мақсади шундан иборат. Барча урф-одатлар, барча курбонлик маросимлари, Ведаларнинг барча кўрсатмалари, шу жумладан улардаги дунёвий фаолиятга тааллуқли кўрсатмалар ҳам, инсон аста-секин Худони англаб етиши учун мўлжалланган, чунки инсоннинг ҳаётдаги ягона, яқуний олий мақсади шундан иборат. Аммо шартланган рухлар ҳаётда фақат лаззатланишга интилиб яшаётгани сабабли, одатда Ведаларни ҳам фақат ана шу лаззатларга эришиш, улардан роҳатланиш учун ўрганадилар. Лекин, ҳаётда кармали фаолият билан машғул бўлиш билан бирга, дунёвий истакларини фақат Ведавий кўрсатмалар асосида амалга ошириш билан, инсон аста-секин Худони англаш даражасига кўтарилади. Шунинг учун ўзи Кришнани англаб етган одам, бошқаларнинг қилиб юрган ишлари бемаъни ишлар эканини ёки уларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари нотўғри эканини айтиб, уларни безовта қилмаслиги керак. У ҳаётда ҳар қандай фаолиятнинг натижасини ҳам Худо йўлида ишлатиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлиб яшаши лозим. Кришнани англаш илмини мукамал эгаллаган одам ҳаётда шундай яшаши лозимки, лаззатланишга интилиб меҳнат қилиб юрган ғофил одамлар ундан ҳаётда аниқ, энг саодатли олий мақсадга интилиб яшашни ўргансинлар. Ғофил одамларнинг ҳаётда ўз бурчини бажариб яшашига халақит бермаслик керак, аммо Кришнани англаш йўлига кирган одамни, унинг Ведаларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларга амал қилиб юришини кутиб ўтирмасдан, дарров Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш лозим. Шундай бахтли одам учун муқаддас китоблардаги барча қоидаларга амал қилиб ўтиришнинг мутлақо ҳожати йўқ: ҳаётда Кришна онги билан яшар экан, шастраларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиш натижасида эришиладиган барча бахт-саодатларга у ўзидан-ўзи эришади.

*27. пракритех крийаманани гунайх кармани сарвашах  
аханкара-вимудхатма картахам ити манйате*

***Сохта ўзлиги адаштириб қўйган шартланган рух ўзини ҳаракат қилаётган деб ҳисоблайди, аслида ҳар қандай ҳаракатни моддий табиатнинг уч гунаси амалга оширади.***

Изоҳ: Биттаси Кришна онгида бўлган, бошқа бири моддий онг таъсири остида бўлган икки одам бир хил иш билан машғул бўлганида, сиртдан қараганда уларнинг ҳолати бир хилдай бўлиб туюлиши мумкин, аммо уларнинг орасида жуда катта фарқ бор. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одам сохта ўзлик таъсири остида бўлади, барча ишларни "мен ўзим қиялпман" деб ўйлайди. У ўзининг танаси - моддий табиат яратган ва Парвардигорнинг

назорати остида ҳаракат қилаётган қурилма эканини англай олмайди, ўзи ҳам ҳамиша Кришнанинг ҳукми остида эканини тушунмайди. Сохта ўзлик таъсири остидаги бундай одам ҳар бир ишни мустақил равишда ўзим қиялман деб ўйлайди, бу фақат унинг ғофиллигидан далолат беради, холос. Ўзининг нафис ва кўпол моддий танасини Худонинг Олий Шахсининг амри билан моддий табиат яратиб қўйганини, шу боис уларни Худо учун ишлатиш, яъни ҳамиша Кришна онги билан, Худонинг хоҳишига мос келадиган фаолият билан машғул бўлиш лозимлигини билмайди. Бундай ғофил одамлар Парвардигорнинг *Хришикеша*, яъни “моддий тана ҳиссиётларининг Хукмдори” деб аталишини эсидан чиқариб қўйганлар. Ундай одам лаззатланиш истагида, ўз ҳиссиётидан узоқ вақт давомида нотўғри фойдаланиб келгани сабабли сохта ўзлиги таъсири остига тушиб қолган, сохта ўзлиги эса уни Кришна билан ўзаро мангу муносабатларини унутишга мажбур қилади.

28. *таттва-вит ту маха-бахо гуна-карма-вибхагайох  
гуна гунешу вартанта ити матва на саджджате*

***Эй билаги кучли зот, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши ҳеч қачон ўз ҳиссиётининг қули бўлмайди ва ҳиссий лаззат изламайди, чунки у Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш билан бирор манфаат кўзлаб қилинадиган фаолият орасидаги фарқни яхши билади.***

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши моддий дунёга тушиб қолган руҳнинг ҳолати қанчалик ғайритабиий эканини англаб етади. Ундай одам асл табиатига кўра, ўзининг мангу, илм ва лаззатга тўла Худонинг Олий Шахси - Кришнанинг кичик бир заррачаси эканини, бу моддий оламнинг бир бўлаги эмаслигини яхши билади. У ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввур тузоғига тушиб қолганини, онги покланган, ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган тирик мавжудотнинг ҳақиқий вазифаси - ҳамиша Кришнага муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш эканини тушунади. Шу боис, у ҳаётда Кришна онги билан фаолият кўрсата бошлайди, унинг ҳиссий лаззатланиш ниятида қилинадиган ўткинчи, сохта фаолиятга бўлган қизиқиши ўз-ўзидан камаё боради. У моддий оламда яшаётган бўлса ҳам, барибир Парвардигорнинг ҳукми остида эканини тушунади, шунинг учун ҳеч қандай дунёвий мусибатлар унинг мустаҳкам, ўзгармас хотиржамлигини буза олмайди, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай мусибатни у “Худонинг марҳамати” деб қабул қилади. "Шримад Бхагаватам"га асосан, Мутлақ Ҳақиқатнинг уч аспекти: Браҳман, Параматма ва Бхагаванни англаб етган кишини *таттва-вит* деб айтадилар, чунки ундай одам ўзининг Парвардигор билан бўлган ўзаро мангу муносабатини ҳам англаб етган бўлади.

29. *пракритер гуна-саммудхаҳ саджджанте гуна-кармасу*

***Табиат гуналари адаштириб кўйган гофил одамлар моддий фаолиятга зарқ бўлиб, унга боғланиб қоладилар. Лекин донишманд киши гофил одамлар илмсизлиги сабабли паст даражали фаолият билан машғул эканини тушунса ҳам, уларни безовта қилмаслиги лозим.***

Изоҳ: Гофил одамлар адашиб, ўзларини моддий танага қиёслайдилар, натижада ўзларини ҳар хил моддий атамалар билан боғлаб ташлайдилар. Бизнинг танамиз - моддий табиат яратган курилма. Онги бутунлай танасида мужассам бўлган одамни "мангу руҳнинг табиатини тушунмайдиган дангаса одам" яъни "манда" деб атайдилар. Моддий танасини "мен ўзим" деб ҳисоблаб, гофил одамлар танаси билан боғлиқ бўлган одамларни "қариндошларим" деб, танаси туғилган жойни "муқаддас она ватан" деб, диний урф-одат ва ақидаларга амал қилишни эса - "инсон ҳаётининг мазмуни" деб биладилар. Ундай одамлар ўзларича "жамият, халқ ва инсоният равнақи учун меҳнат қиляямиз" деб ўйлайдилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, улар бутун умрини дунёвий ишларга сарфлайдилар, руҳий ҳаёт улар учун афсонадай бўлиб кўринади, шу боис улар руҳий ҳаёт билан умуман қизиқмайдилар. Руҳий илмга эга бўлган донишманд киши шундай ашаддий материалистларни безовта қилгандан кўра, ҳеч кимга халақит бермасдан ўзи жимгина руҳий ҳаёти билан яшаб юргани маъқул. Адашган, гофил, содда одамлар ҳам поклана олиши учун уларга зулм қилмаслик, эзгу, савоб ишлар қилиш сингари оддий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб яшашни ўргатиш керак.

Гофил одамлар Кришна онгида қилинадиган фаолиятнинг аҳамиятини муносиб кадрлай олмайдилар, шунинг учун Кришна бизга уларни безовта қилиб, қимматли вақтимизни бекорга сарфламасликни маслаҳат беради. Аммо, Худонинг содиқ хизматкорлари Худонинг Ўзидан ҳам олийҳимматроқ. Содиқлар Парвардигорнинг ниятини яхши биладилар, шунинг учун улар ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам, ҳатто ғафлат ботқоғига ботган ашаддий материалистлар билан ҳам руҳий мавзуларда суҳбатлашишга тайёр, чунки уларни ҳам ҳар бир тирик мавжудот учун мутлақо зарур бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилишни истайдилар.

30. *майи сарвани кармани саннийасйадхйатма-четаса  
нирашир нирмамо бхутва йудхйасва вигата-джевараҳ*

***Эй Аржун, шу боис барча амалларингни Менга бағишла, Мени тўлиқ англаб ол! Шахсий манфаатга интилишни бас қил, эгаллик қилишига бўлган ҳар қандай истаклардан халос бўлиб, адашишни тарк эт ва жангга кир!***



Изоҳ: Бу ерда "Бхагавад-Гита"нинг мақсади аниқ-равшан баён этилган. Парвардигор айтяптики, ҳар бир одам ўзида Кришна онгини тўла ривожлантириши лозим, худди ҳарбий хизматда юргандагидай, ҳар ким Парвардигор олдидаги бурчини беминнат, холис бажариши керак. Парвардигорнинг бу кўрсатмасини бажариш осон эмас, шунга қарамай, биз ҳамиша Худога таваққал қилган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим, чунки тирик мавжудотнинг ҳақиқий вазифаси айнан шундан иборат. Тирик мавжудот Парвардигордан ажралган ҳолда, У билан ҳамкорлик қилмай туриб, мустақил равишда ҳеч қачон бахтли бўлолмайди, чунки ўз табиатига кўра у ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида бўлиб, Унинг амрини бажаришга мажбур. Шунинг учун Шри Кришна Аржунга худди унинг хўжайинидай бўлиб буйруқ бериб турибди. Инсон Худо йўлида ўзининг бор бисотини қурбон қилиши лозим, айна пайтда бирор нарсага эгалик қилишни тарк этиб, ҳаётда ўз бурчини холис бажариб яшаши керак. Аржун Худонинг буйруғини таҳлил қилиб, ўйланиб турмаслиги керак эди - у Парвардигорнинг амрини ҳеч иккиланмасдан дарров бажариши лозим. Парвардигор барча руҳларнинг Олий Руҳи, шунинг учун ҳар қандай шахсий истакларини четга қўйиб, ўз ихтиёрини бутунлай Олий Руҳга топширган, бошқача қилиб айтганда қалбида Кришна онгини тўлиқ ривожлантирган кишини *адхйатма-четаса* ("Олий руҳ илмини англаб етган зот") деб айтадилар. *Нираших* ибораси биз ўз Хукмдоримизнинг амрини бажаришимиз лозимлигини, лекин ўз меҳнатимиз натижасидан лаззатланишга интилмаслигимиз кераклигини англатади. Банкда ишлайдиган хазиначи хўжайинининг буйруғини бажариб, ҳар куни миллион-миллион сўм пул ишлатади, лекин ўзининг чўнтагига бир тийин ҳам солмайди. Худди шундай биз ҳам бу дунёдаги бирор нарса бизга тегишли эмаслигини яхши англаб етишимиз лозим: бу ердаги ҳамма нарса Парвардигорнинг мулки. *Майи*, яъни "Менга" иборасининг ҳақиқий маъноси шундан иборат. Ҳаётда ана шундай тушунча билан яшайдиган киши ҳар қандай сохта даъво, талаблардан халос бўлган қалби пок инсондир. Шундай одамнинг онги *нирмама* ("ҳеч нарса меники эмас") ибораси билан ифодаланади. Агар қалбимиздаги қариндошлик ришталарига умуман эътибор бермайдиган Парвардигорнинг ана шу жиддий буйруғини бажаришга қодир бўлмасак, ҳеч бўлмаса бундай бемаъни кайфиятни, сохта боғланишларни тарк этишимиз лозим; шундагина биз *вигата-джвара*, яъни адашишни тарк эта оламиз. Шахсий сифатлари ва жамиятдаги тугган ўрнига мос равишда ҳар бир одамнинг ҳаётда маълум вазифалари бор, уларнинг ҳаммасини аввал айтиб ўтганимиздай Кришна онги билан бажариш мумкин. Озодликка олиб чиқадиغان йўл ана шундан иборат.

31. *йе ме матам идам нитйам анутиштханте манваҳ  
шраддхаванто "насуянто мучйанте те "ни кармабхиҳ*

***Ўз бурчини Менинг кўрсатмаларим бўйича бажарадиган, Менинг муқаддас қонунларимни чуқур эҳтиром билан ҳурмат қиладиган,***

**ҳеч кимга душманлик қилмайдиган кишилар карма(тақдир) тутқунлигидан озод бўладилар.**

Изоҳ: Кришнанинг насиҳатлари ўзида бутун Ведалар илмининг мазмун-моҳиятини мужассам қилган, шунинг учун улар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган мангу, ўзгармас ҳақиқатдир. Худди Ведалар сингари, Ҳақиқат илми, яъни Парвардигор Кришнани англаш илми ҳам мангу илм. Биз бу насиҳатларни сўзсиз қабул қилишимиз ва Парвардигорга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаслигимиз керак. Ўзлари Худога ишонмайдиган, лекин "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзадиган жуда кўп иймонсиз файласуфлар бор. Ундай одамлар ҳеч қачон карма тузоғидан қутула олмайдилар. Лекин, Парвардигорнинг мангу насиҳатларига чуқур иймон билан самимий ишонадиган содда, софдил одам, гарчи ҳаётда бу кўрсатмаларнинг барчасига тўлиқ амал қилиб яшай олмаса ҳам, барибир карма қонунлари чангалидан халос бўла олади. Кришнани англашга ҳаракат қилаётган одам аввалига Парвардигорнинг ҳамма кўрсатмаларига тўлиқ амал қила олмаслиги мумкин, аммо у Худонинг кўрсатмаларини рад этмагани, уларга аниқ ишонгани ва ҳар қандай қийинчиликларга, омадсизликларга қарамай, самимий интилаётгани учун, вақти келиб албатта соф Кришна онгига эга бўлади.

*32. йе тв этад абхйасуйанто нанутиштханти ме матам  
сарва-дэжнана-вимудхамс тан виддхи наштан ачетасаҳ*

**Ғазаб ва ҳасад билан Менинг кўрсатмаларимни инкор этадиган кишилар эса, ҳар қандай илмдан маҳрум, бутунлай йўлдан адашган нодон одамлардир. Уларнинг камолотга эришиши йўлидаги барча уринишлари бекор кетаверади.**

Изоҳ: Кришнани англаб етмаслик, Кришна онгининг етишмаслиги қандай оқибатга олиб келиши бу ерда очиқ айтилган. Ҳукуматга ишонмайдиган одамлар давлат қонунлари асосида жазолангани сингари, Худонинг амрини бажармайдиган одамлар ҳам Худонинг қонунлари асосида албатта муносиб жазоланадилар. Қанчалик қудратли бўлмасин бу бузғунчи, жиноятчилар ўзларининг руҳий табиати ҳақида, Олий Браҳман, Параматма ва Парвардигор ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, чунки уларнинг қалб кўзлари кўр. Шунинг учун, улар ҳеч қачон руҳий баркамолликка эриша олмайдилар.

*33. садришам четтате свасйаҳ пракритер дэжнанаван апи  
пракритим йанти бхутани ниграхаҳ ким карийшйати*

**Ҳатто илмли одам ҳам ҳаётда ўз табиатига мос равишда ҳаракат қилади, чунки барча тирик мавжудотлар табиатнинг уч**

***гунаси ато этган сифатларига мос равишда ҳаракат қилишга мажбур. Шундай экан, ўз табиатига қаршилиқ қилишнинг бирор маъноси борми?***

Изоҳ: То инсон руҳий, Кришна онги билан яшаш поғонасига кўтарилмас экан у моддий табиат гуналари таъсиридан кутула олмайди. Парвардигор буни еттинчи бобда тасдиқлайди(14). Шунинг учун ҳатто бу дунёдаги энг билимдон кишилар ҳам фақат ўзларининг назарий билимлари(*ғйана*) ёрдамида ёки руҳ билан танани ажратишга уриниш(*йога*) ёрдамида *майя* чангалидан кутула олмайдилар. Гарчи ўзлари *майя* чангалида, моддий гуналар ҳукми остида бўлиб, уларнинг таъсиридан кутулолмай юрсалар ҳам, ўзларини руҳий илм билимдонлари қилиб кўрсатадиган жуда кўп сохта руҳий устозлар бор. Ҳатто яхши таълим-тарбия олган одам ҳам, узоқ вақтлардан бери моддий табиат ичида яшаб келгани сабабли, унинг қули бўлиб қолади. Гарчи содиқлар жамиятда туган ўрнига мос равишда, ўзларининг Ведаларда кўрсатилган бурчини бажаришда давом этаётган бўлсалар ҳам, Кришнани англаш усули уларга моддий тутқунлик асоратидан қутулишга ёрдам беради. Шу боис то қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирмагунча киши ўзининг кундалиқ вазифаларини холис адо этишни тарк этмаслиги керак. Ҳеч ким жамият олдидаги ўз бурчини бажаришни тарк этиб, сохта йог бўлиб олмаслиги керак. Ҳар ким жамиятдаги ўз ўрнида қолиши, тажрибали устоз раҳбарлиги остида қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. Шунда биз Кришнанинг алдамчи қуввати, *майя* чангалидан кутула оламиз.

*34. индрийасйенрийасйартхе рага-двешу вйавастхитау  
тайор на вашам агаччхет тау хй асйа парипантхинау*

***Сезгиларнинг ташқи нарсалар билан ўзаро бирикиши натижасида юзага келадиган боғланиш ва нафрат туйғуларини маълум қоидаларга риоя қилиш ёрдамида тартибга солиш мумкин. Боғланиш ва нафрат туйғуларининг қули бўлиб қолмаслиқ керак, чунки улар инсоннинг руҳий юксалишига тўсқинлик қиладилар.***

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган кишиларда табиий равишда дунёвий, ўткинчи ҳиссий лаззатларга нисбатан лоқайдлик туйғуси ўзидан-ўзи ривожлана боради. Лекин, ҳали қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирмаган кишилар шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳиссиётининг фаолиятини чеклаши, тартибга солиши лозим. Бетартиб равишда ҳиссий лаззатларга берилиш одамнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади, лекин, шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган киши лаззат келтирадиган нарсаларга нисбатан лоқайд бўлиб қолади. Масалан, шартланган руҳ ўзида жинсий алоқадан лаззатланишга эҳтиёж сезади, шу боис муқаддас китобларда бундай лаззатга фақат никоҳ қонунлари доирасида руҳ-

сат берилган. Шастраларнинг кўрсатмасига биноан эркак киши факат ўз хотини билан жинсий алоқа қилиши мумкин, лекин бошқа ҳар қандай аёлни у ўз онасидай ҳурмат қилиши лозим. Аммо, муқаддас китобларнинг қонуни шундай бўлишига қарамай, одамлар барибир бошқа аёллар билан ҳам яқинлик қилишга интилаверадилар. Бундай истакларни тарк этиш, жиловлаб олиш керак, акс ҳода бу истаклар руҳий ўзликни англаш йўлида катта ғов бўлади. Токи моддий танамиз бор экан, унинг эҳтиёжларини кондириш рухсат этилади, лекин бунда албатта шастраларнинг кўрсатмаларига риоя қилиш лозим. Ҳатто бу қонунларга ҳам биратўла таваккал қилавермаслик керак. “Рухсат берилган-ку!” - деб қонун-қоидаларга асосланган лаззатларга ҳам боғланиб қолмасдан, шижоат билан руҳий юксалиш йўлидан бориш лозим, чунки ҳатто чекланган ҳиссий лаззатлар ҳам кишини тўғри йўлдан адаштириши мумкин - ҳатто текис ва равон йўлда ҳам ҳалокат рўй беради. Биз ҳатто энг яхши йўлда ҳам ҳалокатдан тўла ҳимояланган эмасмиз. Моддий тана ичида яшаётганимиз учун, ҳиссий лаззатларга интилиш истаги азалдан бизнинг қалбимиз тўрида яшайди. Шу боис, агар Худонинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда ҳиссий лаззатларга интиришда давом этаверсак, руҳий юксалиш йўлидан адашиш хавфи ҳамиша бизга раҳна солиб тураверади. Шунинг учун ҳар қандай ҳиссий лаззатларга, ҳатто Худонинг қонунларида рухсат берилган лаззатларга боғланишдан ҳам ҳалос бўлишга жиддий ҳаракат қилиб яшаш керак. Кришна онгидаги фаолиятга, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга боғланиш ўткинчи ҳиссий лаззатларга боғланиш туйғусидан ҳалос бўлишда ёрдам беради. Шунинг учун умрининг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, озгина фаросати бўлган одам Кришнани англаш йўлидаги фаолиятни рад этмаслиги керак. Ҳар қандай ҳиссий лаззатларни тарк этишдан мақсад - охир-оқибатда энг олий руҳий лаззат келтирадиган Кришна онгидаги фаолиятга боғланишдан, яъни Кришна онгига эга бўлишдан иборат.

35. *шрейан сва-дхармо вигунаҳ пара-дхармат св-ануштхитат  
сва-дхарме нидханам шрейаҳ пара-дхармо бхайавахаҳ*

***Инсон бошқа бировнинг бурчини бенуқсон бажаргандан кўра, мукамал бўлмаса ҳам ўз бурчини бажариб яшагани маъқул. Бировнинг ишини бажаришга урингандан кўра, ўз бурчингни бажариши йўлида ўлганинг яхши, чунки бегона йўлдан бориш жуда хатарли.***

Изоҳ: Бошқа бировнинг ишига қўл урмасдан қалбида Кришна онгини ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ҳар бир одам ҳаётда ўз бурчини бажариб яшаши лозим. Моддий оламдаги шартланган руҳлар учун шастраларда, яъни муқаддас китобларда уларнинг моддий табиат ато этган жисмоний ва ақлий хусусиятларга мос равишда аниқ вазифалар белгилаб қўйилган. Инсоннинг ҳаётдаги руҳий вазифаларини руҳий устоз белгилайди ва бу вазифалар унинг

Кришнага илоҳий хизмат қилиши билан боғлиқ бўлади. Фаросатли инсон ўзининг ҳам руҳий, ҳам моддий бурчини ҳаётининг охиригача ҳолис бажариши ва ўзгаларнинг ишини ўзининг бурчи қилиб олмаслиги керак. Бизнинг дунёвий ва руҳий вазифаларимиз бир-биридан фарқ қилиши мумкин, аммо уларни тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида бажариб яшаш орқали биз ҳеч нарса йўқотмаймиз, аксинча фақат ютуққа эга бўламиз. Моддий табиат гуналари таъсирида бўлган киши бошқаларга тақлид қилиб юрмасдан ўз табақаси ёки турмуш тарзи учун белгиланган бурчини ҳолис бажариши лозим. Масалан, эзгулик гунасидаги *браҳман* бировларга зўравонлик, зулм қилмаслиги керак, лекин эҳтирос гунаси таъсирида яшайдиган *кшатрий* учун зулм ишлатиш мумкин. Шунинг учун зулм ишлатмаслик қондасига амал қилувчи браҳманга тақлид қилиб яшагандан кўра, кшатрий ўз бурчини бажариб, ҳалол жангда ўз ажалини муносиб қарши олгани маъқул. Ҳар бир инсон қалбини поклаши лозим, лекин бу иш бирданига эмас, аста-секинлик билан амалга ошади. Аммо, моддий гуналар таъсиридан ҳалос бўлган ва қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши, руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳар қандай ишни амалга ошириши мумкин. Кришна онгида бўлган кшатрий браҳман сифатида, аксинча Кришна онгида бўлган браҳман - кшатрий сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Руҳий фаолият дунёвий фаолиятдан бутунлай фарқ қилади. Масалан, келиб чиқишига кўра кшатрий бўлган Вишвамित्रа *браҳман* вазифасини бажарган, браҳманлар табақасига мансуб Парашурама эса, *кшатрий* сифатида ҳаракат қилган. Иккови ҳам руҳий поғонада бўлгани учун улар бундай иш тутишга қодир бўлганлар. Аммо руҳий юксалишда ҳали бундай илоҳий поғонага кўтарилмаган киши ўзига таъсир қилаётган табиат гуналарига мос равишда ўзи учун белгиланган бурчини бажариб яшаши керак. Шу билан бирга у Кришна онгининг моҳиятини англаб олиши лозим.

### 36. арджуна увача

*атха кена праїукто “йам папам чарати пурушах  
аниччханн апи варинейа балад ива нийоджитах*

***Аржуна деди: Эй Вришни авлоди, қандай куч инсонни, ҳатто ўзи истамаса ҳам, гуноҳ ишга қўл уришга мажбур қилади?***

Изоҳ: Парвардигорнинг бир заррачаси сифатида тирик мавжудот азалдан руҳий табиатга эга, моддий иллатлардан пок ва озод. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар сингари, у асл табиатига кўра гуноҳ иш қилишга мойил эмас. Лекин, моддий қувват таъсири остида тирик мавжудот ўйланиб ўтирмасдан, баъзан ҳатто ўз иродасига қарши бўлса ҳам гуноҳ ишга қўл уради. Бу ерда тирик мавжудот аслида гуноҳ иш қилишни истамаслиги ҳақида Аржун жуда ўринли савол берган. Тирик мавжудот гарчи гуноҳ қилишни истамаса ҳам, баъзан шундай қилишга ўзидан-ўзи мажбур бўлади. Лекин, унинг қилаётган гуноҳ ишларига қалбида мавжуд бўлган Олий Рух эмас, балки Унинг бошқа бир қуввати сабабчи, бу ҳақда навбатдаги шеърда гапи-

рилади.

37. *шри бхагаван увача*

*кама эша кродха эша раджо-гуна-самудбхавах  
маха шано маха-папма виддхй энам иха вайринам*

**Худонинг Олий Шахси деди: Эй Аржун, бу куч хирс(нафс)дан бошқа ҳеч нарса эмас. У эҳтирос гунаси таъсирида юзага келади, кейин ғазабга айланади. Хирс(нафс) - бу дунёдаги барча мавжудотларнинг очофат, гуноҳкор душманидир.**

Изоҳ: Тирик мавжудот моддий оламга тушиб қолганида, унинг Кришнага бўлган мангу муҳаббати эҳтирос гунаси таъсири остида хирс(нафс)га айланади. Буни ачитқи кўшилганда суннинг қатикқа айланишига ўхшатиш мумкин. Қониқтирилмаган хирс туйғуси ғазабга айланади, ғазаб эса ақлни адаштиради, адашган ақли тирик мавжудотни моддий ҳаёт тутқунлигида ушлаб туради. Шу сабабли хирс(нафс) - тирик мавжудотнинг ашаддий душманидир; айнан хирс(нафс) табиатан пок бўлган тирик мавжудотни моддий олам чангалида тутқун қилиб қўяди. Ғазаб - ғафлат гунасининг намоён бўлишидир, унинг барча оқибатлари ҳам ана шу гуна таъсирида юзага келади. Агар инсон шастраларнинг кўрсатмалари асосида яшаш билан ўзига таъсир қилаётган эҳтирос гунасининг ғафлат гунасига айланиб кетишига йўл қўймасдан, аксинча эзгулик гунасига кўтарилса, қалбида рухий қадриятларга боғланиш туйғусини ривожлантиради, шунда у ўзини ғазаб(нафс) балосидан ва унинг даҳшатли оқибатларидан халос этган бўлади.

Ягона Парвардигор ҳамиша кучайиб борадиган рухий лаззат олиш ниятида ўзини сон-саноксиз қиёфаларда намоён этган, тирик мавжудотлар уларнинг ажралмас заррачаларидир. Тирик мавжудотлар арзимас даражада оз мустақилликка эга, лекин улар ана шу мустақиллигидан нотўғри фойдалана бошлаганида, қалбидаги Парвардигорга холис хизмат қилиш истаги ўз хиссиётининг талабини қондириш истагига айланади, натижада улар хирс, эҳтирос чангалига тушиб қоладилар. Парвардигор шартланган руҳларга ўз хирс(нафс)ини қондиришга, ҳиссий лаззатланиш натижасида бахтли бўлишга уриниб кўриш имкониятини бериш учун моддий оламни яратган; аммо барча уринишлари бекорга кетаётганини англаб етганида, тирик мавжудот ўзининг асл табиати қандай экани ҳақида ўйлай бошлайди.

"Веданта-сутра" худди ана шу саволдан бошланади: *атхато Брахма джиджнаса* - "Худо ҳақида савол бериш вақти келди". Худонинг ким экани "Шримад Бхагаватам"да айтилган: *джанмадй асйа йато "нйавад итараташ ча* - "Олий Брахман бутун оламнинг манбаидир". Агар қалбимиздаги хирс туйғусини Худога бўлган муҳаббатга, Кришна онгига айлантира олсак, барча истақларимизни ягона Парвардигор Кришна билан боғлай олсак, биз

хирс(нафс)имизни ҳам, ғазабимизни ҳам рухий поғонага кўтарган бўламиз. Парвардигор Рамачандранинг буюк хизматкори Хануман ғзаби келганда иблис Раваннинг олтиндан қурилган шаҳрини ёндириб юборган эди, лекин бундай ғзаби билан у Худонинг буюк содиғи сифатида шон-шухрат қозонди. Худди шундай, "Бхагавад-Гита"да Кришна Аржунга Худони мамнун қилиш учун ўзининг бутун ғзабини душманларига қаратишни буюряпти. Агар биз хирс(нафс) ва ғзабимизни Кришнага хизмат қилишда ишлата бошласак, ҳатто ана шу ашаддий душманларимиз ҳам бизнинг ҳақиқий дўстларимизга айланади.

38. *дохуменаврийате вахнир йатхадаршо малена ча  
йатхолбенаврито гарбхас татха тенедам авритам*

***Худди олов тутун билан, ойна - чанг билан, аёл қорнидаги ҳомила парда билан тўсилгани сингари, тирик мавжудотларнинг онги ҳам, ҳар хил даражада хирс(нафс) билан қопланган бўлади.***

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг пок онгини ўраб турган қатлам уч хил калинликда бўлиши мумкин. Ана шу қатлам - хирс(нафс) қатламидир. Хирс бу дунёда тирик мавжудотни ҳар хил даражада - оловни ўраган тутун, ойна юзидаги чанг ва гўдакни қоплаган парда сингари ўраб олган бўлади. Хирсни тутунга ўхшатганида, ҳали моддий танада тирик(рухий) учкун мавжудлиги сезилиб туради. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот ўзининг қалбида Кришна онгининг порлоқ ёғдусини сеза бошлаганида уни тутун қоплаган оловга ўхшатиш мумкин. Гарчи оловсиз тутун бўлмаса ҳам, олов энди туташаётганида алангани кўриб бўлмайди. Бу ҳолатни инсон қалбида Кришна онгининг уйғонаётган даври билан қиёслаш мумкин. Ойнани қоплаган чанг - ақл ойнасини рухий юксалишнинг ҳар хил усуллари ёрдамида тозалаш жараёнининг тимсолидир. Ақл ойнасини тозалашнинг энг самарали усули - Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиш. Руҳнинг ҳолатини она қорнидаги чақалокқа ўхшатиш - бизнинг ҳаётда қанчалик ноилож, ночор ҳолатда эканимизни билдиради: она қорнидаги чақалок шу қадар ночор-ки, у ҳатто ўрнидан кўзғала олмайди. Бу дарахт танасидаги тирик мавжудотларнинг ҳолатини эслатади. Дарахтлар - хирс пардаси билан шу қадар қалин қопланган тирик мавжудотларки, улар онгини деярли бутунлай йўқотиб қўйган, шунинг учун моддий табиат уларни шунга муносиб шароитга жойлаб қўйган. Чанг қоплаган ойна - қушлар ва ҳайвонларнинг онгини белгилайди, тутун билан ўралган олов эса - инсон танасидаги тирик мавжудотнинг онгини билдиради. Фақат инсон танасига эга бўлган омадли тирик мавжудотгина ўзининг қалбида Кришна онгини уйғотиши мумкин, агар шу онг яхши ривожланса, рухий ҳаёт олови ёрқин нур сочиб порлай бошлайди. Биз тутун қоплаган алангани эҳтиёткорлик билан туташтириб, уни ловуллаб ёндириб юборишимиз лозим. Шу боис, инсон танасида яшаш тирик мавжудотга мод-

дий олам тутқунлигидан халос бўлиш имконини беради. Агар инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот тажрибали рухий устоз раҳбарлиги остида қалбида Кришна онгини ривожлантирса, у ўзининг ашаддий душмани бўлган хирс(нафс)ни мағлуб қилиб, рухий баркамолликка эришади.

*39. авритам джнанама этена джнанино нитйа-вайрина  
кама-рупена каунтейа душпуренаналена ча*

***Шу тарзда, азалдан мукамал илмга эга бўлган тирик мавжудотнинг пок онги унинг мангу душмани - очофат ва ҳамиша оловдай ловуллаб турадиган хирс(нафс)нинг хукми остига тушиб қолади.***

Изоҳ: "Ману-смрити"да айтилганки, худди ёниб турган оловни ўтин ташлаб тўйдириб бўлмагани сингари, хирс оловини ҳам ҳеч қачон ҳиссий лаззатлар билан тўйдириб бўлмайди. Моддий оламда бутун инсониятнинг фаолияти жинсий ҳаётдан лаззатланиш истаги атрофида мужассам бўлган, шу боис моддий оламни *майтхунья-агара*, яъни "жинсий ҳаёт зиндони" деб атайдилар. Зиндонда маҳбусларни кишанлаб қўядилар, шунга ўхшаб Худонинг конунларини бузган жиноятчи тирик мавжудотлар ҳам моддий оламда жинсий алоқа билан маҳкам кишанлаб қўйилган. Ҳиссий лаззат олишга асосланган моддий таракқиёт тирик мавжудотни моддий оламда қолиб, азобуқубатлар ичида яшашга мубтало этади. Хирс(нафс) - бизни моддий оламда асир қилиб турган ғофиллик тимсоли ҳисобланади. Ҳиссий лаззатларга берилиб, биз қандайдир бахтга ўхшаган нарсани ҳис қилган бўламиз, лекин аслида ана шу ўткинчи, алдамчи лаззат, бахтиёрлик туйғуси - тирик мавжудотнинг энг ашаддий душманидир.

*40. индрийани мано буддхир асйадхиитханама учйате  
этаир вимохайатй эша джнанама авритйа дехинама*

***Ҳиссийёт(сезгилар), ақл ва тафаккур - хирс(нафс) макон топган жойлардир. Улар ёрдамида хирс тирик мавжудотнинг ҳақиқий илмини қоплаб олиб, уни адаштириб қўяди.***

Изоҳ: Шартланган руҳнинг ашаддий душмани унинг моддий танасининг энг муҳим қисмларини эгаллаб олган, шу сабабли Кришна ўзининг ашаддий душманини енгилшга интилаётган кишига уни қаердан излаш кераклигини кўрсатаяпти. Ҳар қандай фаолиятнинг маркази - ақл ҳисобланади. Сезги аъзоларига лаззат берадиган бирор нарса ҳақида эшитганда ёки кўрганда ақлимиз дарров ҳиссий лаззатланиш ҳақидаги ўйлар билан тўлади, натижада ақл ва сезгилар хирс маконига айланади. Улардан кейин тафаккур ҳам хирс(нафс) домига тушиб қолади. Тафаккур - руҳнинг энг яқин қўшнисидир. Ҳирсга тўлган тафаккур руҳни сохта ўзлик таъсирига берилишга, тана, яъни ақл ва



хиссиётини "мен" деб ҳисоблашга мажбур этади. Шу тарзда моддий лаззатни ҳақиқий бахт деб ўйлаб, мангу руҳ ўткинчи моддий лаззатларга боғланиб қолади. Руҳ ўзини ана шундай сохта англаши "Шримад Бхагаватам"да келтирилган(10.84.13):

*йасйатма-буддхиҳ кунане три-дхатуке  
сва-дхиҳ калатрадишу бхаума иджйа-дхиҳ  
йат-тиртха-буддхиҳ салиле на кархичидж  
жанешв абхиджнешу са эва го-кхараҳ*

"Уч моддий унсурдан таркиб топган танани "ўзим" деб ўйлайдиган киши тана билан боғлиқ зотларни "қариндошларим" деб ҳисоблайди, ўзи туғилган жойни - сажда қилишга муносиб муқаддас даргоҳ деб билади; у муқаддас саждагоҳларга руҳий илмга эга бўлган кишилар билан суҳбатлашиш учун эмас, балки фақат шу ердаги муқаддас сувда чўмилиш учун боради. Шундай одамнинг эшак ёки сигирдан фарқи йўқ".

41. *тасмат твам индрийанй адау нийамйа бхаратаршабха  
папманам праджахи хй энам джнана-виджнана-нашанам*

***Эй Бхаратлар аълоси, шу боис энг аввало гуноҳ ва иллатларнинг мана шу асосий илдизи(ҳирс туйғуси)ни юлиб ташила! Сизгиларингни ўзингга бўйсундириб, илоҳий илм ва руҳий юксалишининг бу ҳалоқатли душманини яқсон қил!***

Изоҳ: Парвардигор Аржунга энг аввало ҳиссиётини жиловлаб олишни маслаҳат беради, бу унга ўзининг ашаддий душмани - хирсни енгишида ёрдам беради. Ҳирс инсонни гуноҳ ишлар қилишга мажбур этиб, унинг руҳий ўзлигини англаб олишига тўсқинлик қилади, руҳ ҳақида илм ўрганишга бўлган интилишини сўндиради. *Гйана* - ҳақиқий ўзлик ҳақидаги, сохта ўзликдан фарқ қиладиган ҳақиқий ўзлик, "мен", яъни мангу руҳнинг танадан фарқ қилиши ҳақидаги илмдир. Руҳнинг азалий ҳолатини, унинг Олий руҳ билан ўзаро муносабатини тушуниб етиш *вигйана* деб аталади. "Шримад Бхагаватам"да бу ҳақда шундай дейилган:(2.9.31)

*джнанам парамо-гухйам ме йад виджнана-саманвитам  
са-рахасйам тад-ангам ча грхано гадитам майа*

"Руҳ ва Олий Руҳ ҳақидаги илм олий даражадаги махфий, сирли илмдир, лекин, агар бу илмни Парвардигорнинг Ўзи бизга ҳар тарафлама ошкор этса, уни осон англаб олиш ҳамда амалда қўллаш мумкин".

"Бхагавад-Гита"да руҳ ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий илм баён этилган. Тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг ажралмас заррачаларидир, шу

сабабли уларнинг ягона вазифаси - Унга хизмат қилиш. Ана шу ҳақиқатни англаб етиш - Кришнани англаш деб аталади. Қалбида Кришна онгини ривожлантириш ва ҳаётда ҳамиша шундай онг билан яшаш учун инсон ўз умрининг аввал бошиданок ана шу мукамал илмга эга бўлиши керак.

Ҳирс туйғуси - ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Худога бўлган табиий муҳаббатнинг моддий оламдаги бузилган аксидир. Агар одам ёшлигиданок Кришнани англаш илмига эга бўлса, унинг Худога бўлган табиий муҳаббати ҳирсга айланиб кетмайди. Лекин, Худога бўлган муҳаббат аллақачон ҳирс туйғусига айланиб кетган бўлса, тирик мавжудотнинг ўзининг асл ҳолатига қайтиши жуда қийин бўлади. Лекин, Кришнани англаш усули шу қадар қудратлики, агар мунтазам равишда Худога садоқат билан холис хизмат қилиш қоидаларига амал қилиб юрса, ҳатто уни ўз ҳаётида жуда кечикиб қўллай бошлаган киши ҳам қалбидаги Худога бўлган илоҳий муҳаббат туйғусини уйғота олади. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўз умрининг истаган босқичида ҳиссиётини жиловлашни ўргана олади. Фақат у бу иш ҳар бир инсон учун жуда муҳим ва зарур эканини чуқур англаб етиши, Кришнани англашга, яъни Худога холис хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаши керак. Шу тарзда қалбидаги кўпол моддий ҳирс туйғусини Худога нисбатан илоҳий муҳаббатга айлантириб, инсон ҳаётда энг олий мақсадга эришади.

*42. индрийани парани ахур индриебхйах парам манах  
манасас ту пара буддхир йо буддхех паратас ту сах*

***Сезгилар жонсиз моддий танадан устун туради, ақл - сезгилардан устун, тафаккур - ақлдан устун, руҳ эса - тафаккурдан ҳам устун туради.***

Изоҳ: Сезги аъзолари - ҳирснинг кўлидаги қуроқлардир. Ҳирс инсон танасида тўпланиб, ўзини сезги аъзолари орқали намоён этади. Шунинг учун сезги аъзолари моддий танадан устун туради. Тирик мавжудот олий онгга, яъни Кришна онгига эга бўлганида, ҳирс унинг сезги аъзоларидан фойдалана олмай қолади. Кришна онгида руҳ бевосита Худонинг Олий Шаҳси билан боғланган бўлади, шунинг учун юқорида ёзилган устунлик поғонасининг энг юқорисида Олий Руҳ туради. Тананинг фаолияти - сезги аъзолари(ҳиссиёт)нинг фаолиятидир, ҳиссиётнинг фаолиятини тўхтатиш - тананинг фаолиятини тўхтатиш демакдир. Лекин, ақл ҳамиша фаол бўлгани сабабли, ҳатто тана дам олаётган пайтда ҳам, масалан, ҳатто тана ухлаганда, ақл ҳаракат қилишда давом этаверади, буни биз одатда “туш кўриш” деб атаймиз. Ақлни эса, тананинг ҳаракатларини бошқариб турувчи тафаккур бошқариб туради, тафаккурни - руҳ бошқаради. Шунинг учун агар руҳ бевосита Худонинг амри билан ҳаракат қилаётган бўлса, унинг ҳукми остидаги тафаккур, ақл ва ҳиссиёт ҳам табиий равишда шу ҳаракатга қўшиладилар.

"Катха-упанишад"да айтилганки, сезгиларимиз сезадиган нарсалар сезгилардан устун туради, аммо ақл шу нарсалардан ҳам устун туради. Агар ақл ҳамиша Худога хизмат қилиш билан банд бўлса, ҳиссиётнинг бошқа бирор иш билан шуғулланишга имкони қолмайди. Ақлнинг ана шундай ҳолати ҳақида аввалги шеърларда айтилган эди. *Парам дриштва нивартате*. Ақл Худога илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлганда, унинг ўзининг паст даражадаги жирканч интилишларини қондиришга имкони қолмайди. "Катха упанишад"да руҳ - *махан*, яъни "буюк" деб аталган, чунки у сезиладиган нарсалардан, ҳиссиётдан, ақл ҳамда тафаккурдан устун туради. Шундай экан, руҳнинг табиатини ўрганиш билан биз ҳаётда ҳар қандай муаммони ҳал қила оламиз.

Ҳар бир одам ўз тафаккури ёрдамида руҳнинг ҳақиқий ҳолатини, асл табиатини англаб олиши ва ақлини ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб қўйиши керак. Ҳаётда барча муаммоларни ҳал қилишнинг калити мана шу бўлади. Руҳий юксалиш йўлига энди кирган кишига одатда сезгиларга лаззат берадиган нарсалар билан алоқа қилишни тарк этиш тавсия қилинади. Аммо, шу билан бирга тафаккур ёрдамида ақлни ҳам жиловлаб олиш керак. Агар тафаккурдан фойдаланиб, ақлимизни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб, ўз ихтиёримизни бутунлай Худонинг Олий Шахсига топширсак, ақлимиз ҳам табиий равишда руҳий қудратга эга бўлади ва шунда, илонларга ўхшаган сезгиларимиз қанчалик кучли ва ёвуз бўлмасин, худди захарли тишлари олиб ташланган илонлардай хавфсиз бўлиб қолади ва бизга ҳеч қандай зарар еткази олмайди. Гарчи руҳ тафаккурдан, ақл ва сезгилардан устун турса ҳам, то Кришна онгида Парвардигор билан ўзаро муносабатларда етарли руҳий қудратга эга бўлмагунча, тирик мавжудот жиловланмаган ақлнинг ўлжасига айланиб, руҳий юксалиш йўлидан адашиб кетиш эҳтимоли сақланиб қолаверади.

43. *эвам буддхеҗ парам буддхва самстабхйатманам атмана  
джахи шатрум маха-бахо кама-рупам дурасадам*

***Эй билагни кучли Аржун, ўзининг моддий ҳиссиётдан, ақл ва тафаккурдан устун туришини англаб етган инсон илоҳий поғонага кўтарилган(Кришна онгига гарқ бўлган) тафаккури ёрдамида ақлини тўлиқ жиловлаб олиши, шу тарзда руҳий қудрат ёрдамида ўзининг енгилмас душмани бўлган ҳирс туйғусини мағлуб қилиши лозим.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг учинчи бобида Кришнани англаш, Кришна онгига эга бўлиш йўли кўрсатилган. Аслида ўзи Худонинг мангу хизматкори эканини англаб етган, ҳаётда яшайдан мақсади бўшлик, йўқлик деб ҳисоблашни тарк этган киши Кришна онгига эга бўла олади. Моддий ҳаётда биз ҳирснинг ва моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истагининг қулларимиз. Ҳукмронлик

қилишга, ҳиссий лаззатларга интилиш туйғуси - шартланган руҳнинг энг ашаддий душманларидир, аммо Кришнани англаш усули ёрдамида биз моддий ҳиссиёт(сезгилар)ни, ақл ва тафаккурни жиловлай оламиз. Бунда ҳар қандай фаолиятни тарк этишнинг ва ҳаётда ўз бурчини бажаришдан бирданига воз кечишнинг ҳам ҳожати йўқ: қалбимизда аста-секин Кришна онгини ривожлантириш билан биз руҳий поғонага кўтариламиз ҳамда моддий ҳиссиётимиз ва ақлимиз ҳукмронлиги остидан озодликка чиқамиз. Бунга фақат ҳамиша руҳий ўзликка, пок "мен"га интилувчи тафаккур ёрдамида эришиш мумкин. Бу бобнинг асосий мазмуни шундан иборат. Инсон то руҳий баркамолликка эришмагунча ҳар хил фалсафий изланишларга берилиб юради ёки йога усули ёрдамида ҳиссиётини сунъий равишда жиловлаб олишга уринади. Лекин, буларнинг бирортаси унинг руҳий юксалишига ёрдам бермайди. Олий тафаккурдан фойдаланиб, инсон ўзининг қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим.

*"Карма-йога, ёки муқаддас китобларда белгиланган вазифаларни бажаришдан иборат фаолият" деб аталган "Бҳагавад-Гита"нинг учинчи бобида Бҳактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

# Тўртинчи боб. Илоҳий илм

1. *шири бхагаван увача*

*имам вивасвате йогам проктаван ахам авйайам*

*вивасван манаве праха манур икшвакаве “бравит*

***Худонинг Олий Шахси деди: Мен бу мангу йога илмини Қуёш маъбуди Вивасванга ўргатган эдим, Вивасван уни инсониятнинг бобокалони Мануга ўргатган, ўз навбатида Ману уни Икшвакуга запириб берган.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор "Бхагавад-Гита"нинг келиб чиқиш тарихини баён этипти. Бу асар бизга жуда қадим замонлардан авлодлар оша етиб келган. Бу илоҳий илм аввало Қуёш фариштасига ва коинотдаги бошқа сайёраларни бошқараётган ҳукмдор шахсларга баён этилган. Коинотдаги барча ҳукмдорларнинг асосий вазифаси - қўл остидагиларни зулмдан ҳимоя қилишдан иборат. Давлатни муносиб равишда бошқаришни, фуқароларини эҳтирос ва нафснинг қули бўлиб қолишдан қандай ҳимоя қилишни билиш учун ҳукмдорлар албатта "Бхагавад-Гита" илмини ўрганишлари керак. Инсон танаси бизга руҳий илм ўрганиш, Худонинг Олий Шахси билан ўзаро мангу муносабатимизни қайта тиклаш учун берилади, шу сабабли давлат раҳбарлари, коинотдаги сайёраларнинг барча ҳукмдорлари маданият, маърифат ва дин қуролларидан фойдаланиб жамиятнинг барча фуқароларига Худони англаш илмини ўргатишлари лозим. Бошқача қилиб айтганда, Ер юзидаги барча одамлар ҳаётда инсон танаси берадиган нодир имкониятдан фойдаланиб руҳий камолотга эриша олиши учун энг аввало давлат раҳбарлари Кришнани англаш илми бўлган мана шу "Бхагавад-Гита" таълимотини халққа кенг тарқатишда ёрдам беришлари лозим. Қуёш сайёрасини ҳозирги даврда бошқариб турган фариштани *Вивасван* деб атайдилар. Қуёш - коинотдаги барча сайёраларни ҳаракатга келтириб турадиган қудрат манбаидир. "Брахма-самхита"да(5.52) Тангри Браҳма шундай дейди:

*йач-чакшур эша савита сакала-граханам*

*раджа саммаста-сура-муртир ашеша-теджах  
йасйаджнайа бхрамати самбхрита-кала-чакро  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Мен Худонинг Олий Шахси Говиндага сажда қиламан. У - азалий, бошланғич Зот, Унинг амри билан барча сайёраларнинг ҳукмдори бўлган Қуёш бутун оламга туганмас ёғду ва иссиқлик таратиб туради. "Худо Шахсининг кўзи" деб аталадиган Қуёш Унинг амри билан ўз орбитасидан чикмай айланиб юради".

Қуёш сайёраси барча моддий сайёраларни ёруғлик ва иссиқлик билан таъминлаб, уларнинг ҳаракатини бошқариб туради. Ана шу сайёрани *Вивасван* исмли фаришта бошқариб туради. Кришнанинг амри билан Қуёш ўз орбитасида айланиб юради. Айнан Қуёш фариштаси Вивасванни Кришна бир пайтлар Ўзининг биринчи шогирди қилиб олган ва унга "Бҳагавад-Гита" илмини ўргатган. Демак, "Бҳагавад-Гита" бир ховуч дунёвий олимларнигина кизиқтирадиган оддий фалсафий асар эмас, аксинча бизга мозийдан етиб келган азалий, илохий илм баён этилган ишонарли, юксак мартабали муқаддас китобдир.

"Маҳобҳорат"да (Шанти парва, 348. 51-52) "Бҳагавад-Гита"нинг келиб чиқиши тўғрисида шундай дейилган:

*трета-йугадау ча тато вивасван манаве дадау  
мануш ча лока-бхрити-артхам сутакекшвакаве дадау  
икшвакуна ча катхито вйапйа локан авастхитах*

"Трета-юганинг бошида *Вивасван* тирик мавжудот билан Парвардигорнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илохий илмни инсоният бобокалони Мануга ўргатган. Ману бу илмни ўғли, Ер сайёрасининг шоҳи - Махараж Икшвакуга ўргатган. Икшваку - Рағху сулоласига асос солган шоҳ бўлиб, Парвардигор Рамачандра ҳам шу сулолада дунёга келган эди".

Демак, инсонлар биринчи бор "Бҳагавад-Гита" илмини Махараж Икшваку даврида ўрганганлар.

Ҳозир, жами 432.000 йил давом этадиган Кали-юга даврининг беш минг йили ўтди. Ундан олдин Двапара-юга бўлиб, у 800.000 йил давом этган. Ундан аввал Трета-юга эди, у 1.200.000 йил давом этган. Демак, Ману "Бҳагавад-Гита" илмини шогирди ва ўғли, Ер сайёрасининг шоҳи - Махараж Икшвакуга тахминан 2.005.000 йил аввал ўргатган. Ҳозирги Ману ҳукмронлик қиладиган давр 305.300.000 йил, шундан ҳали 120.400.000 йили ўтди. Агар Кришна "Бҳагавад-Гита"ни Қуёш фариштасига ҳозирги Ману туғилмасдан аввал айтган бўлса, биринчи бор "Бҳагавад-Гита" илми тахминан, камида 120.400.000 йил аввал ошкор этилган. Ҳозирги инсониятга эса бу илм камида икки миллион йилдан бери маълум. Беш минг йил аввал, Парвардигор уни Аржунга такроран айтиб берган. "Бҳагавад-Гита"нинг ҳамда унинг муаллифи бўлган Шри Кришнанинг маълумотларига кўра, "Бҳагавад-

Гита"нинг нозил бўлиш тарихи ана шундай.

"Бхагавад Гита" кшатрийлар табакасига мансуб бўлган Куёш фаришта-си Вивасванга баён этилган. Бунинг устига Вивасван кшатрийларнинг асосий сулоласи бўлган *сурья-вамши* сулоласига асос солган буюк шаханшоҳ эди. Худонинг Олий Шахсининг Ўзи баён этган "Бхагавад-Гита" муқаддас Ведалардан фарқ қилмайди. Шу сабабли ундаги илм ҳам *анаурушея*, яъни "ғайритабиий, илоҳий" илм ҳисобланади. Ведалар илмига ҳар ким ўзича изоҳ беришга уринмасдан, у қандай нозил қилинган бўлса шундайлигича қабул қилиш лозим, "Бхагавад-Гита" илмини ҳам худди шундай қабул қилиш керак. Иймон-эътиқодсиз дунёвий олимлар "Бхагавад-Гита" таълимотини ўзи истаган томонга ўзгартириб талқин қиладилар. Уларнинг ана шундай нотўғри, мазмуни ўзгартирилган "Бхагавад Гита"ларини ҳақиқий "Бхагавад-Гита" деб бўлмайди. "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"да баён этилган илоҳий таълимотни биз унинг бошланғич ҳолатида, руҳий устозлар силсиласи орқали бизгача қандай етиб келган бўлса, шундайлигича қабул қилишимиз лозим. Бу ерда ана шу силсила кўрсатилган: аввалига Кришна "Бхагавад-Гита" илмини Куёш фариштасига ўргатган, у бу илмни ўғли Мануга ўргатган, Ману ўз навбатида ўғли Икшвакуга ўргатган.

*2. эвам парампара-праптам имам раджаршайо видух  
са каленеха махата його наштах парантапа*

***Бу буюк илм шу тарзда руҳий устозлар силсиласи орқали устоздан шогирдга ўтиб келган ва уни тақводор шоҳлар ўрганганлар. Лекин, вақт ўтиши билан устозлар силсиласи узилиб, бу илмнинг асл мазмуни ўзгариб кетган.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, "Бхагавад-Гита" биринчи навбатда тақводор шоҳлар учун мўлжалланган, чунки улар ўз фуқароларига раҳбарлик қилиб, Парвардигор томонидан инсоният олдига "Бхагавад-Гита"да кўйилган мақсадларни амалга оширишлари лозим. Албатта, "Бхагавад-Гита" иблисифат шоҳлар учун мўлжалланмаган. Улар "Бхагавад-Гита"нинг моҳиятини ўзгартириб, уни ўзлари истаганча изоҳлаб, ҳеч кимга бирор фойда келтира олмаган бўлардилар. Лекин, инсоният тарихида барибир шундай ҳолат юз берган. "Бхагавад-Гита"нинг дастлабки ҳақиқий мазмуни, мақсади, шахсий манфаат кўзлайдиган виждонсиз шарҳловчилар томонидан ўзгартирилган. Шу боис руҳий устозлар силсиласини қайта тиклаш зарурати туғилган. Беш минг йил олдин Парвардигорнинг Ўзи устозлар силсиласи узилиб қолганини англади ва "одамлар "Бхагавад-Гита"нинг аҳамиятини эсидан чиқардилар" деб эълон қилди. Биз яшаётган ҳозирги даврда ҳам ана шундай ҳолат юз бериб турибди: ҳозир, айниқса инглиз тилида, "Бхагавад-Гита"нинг жуда кўп нашрлари мавжуд, лекин уларнинг деярли барчаси амалда "Бхагавад-Гита"нинг руҳий устозлар орқали берилиб келаётган асл мазмунига тўғри

келмайди. "Бхагавад-Гита"га жуда кўп дунёвий олимлар изоҳ ёзганлар, аммо, гарчи Шри Кришнанинг бу муқаддас каломи уларга шунча даромад келтираётган бўлса ҳам, уларнинг деярли бирортаси Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олмайди. Ўзлари Худога ишонмай туриб, Унинг мулкидан уялмасдан фойдаланадиган виждонсиз иблисларгина шундай ишларга қодир бўладилар. "Бхагавад-Гита"ни инглиз тилида руҳий устозлар силсиласи бўйича берилиб келаётган кўринишда нашр қилиш зарурати туғилгани сабабли биз бу ишга қўл урдик. "Бхагавад-Гита" илмини асл ҳолида, "қундалик турмушда унга албатта риоя қилиб яшаш зарур" деб тан олган кишилар ҳаётда буюк саодатга эришадилар, аксинча, унга оддий фалсафий асарларнинг биттаси деб қарайдиган имонсиз одамлар эса, уни ўрганиш билан фақат вақтини зое кетказадилар.

*3. са эвайам майа те "дйа йогаҳ проктаҳ пуратанаҳ  
бхакто "си ме сакха чети рахасйам хй этад уттамам*

***Бугун Мен сенга тирик мавжудот билан Парвардигорнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги бу қадимий илмни ошкор этаман, чунки сен Менинг содиқ хизматкорим ва дўстимсан, шунинг учун бу илоҳий илм сирини англай оласан.***

Изоҳ: Ҳаётда икки тоифа одамлар бор: Худонинг содиқлари ва иймонсиз иблислар. Аржун Худонинг содиқ хизматкори бўлгани учун бу буюк илмни ўргатиш учун Кришна айнан уни танлаган. Иблиссифат одамлар "Бхагавад-Гита"нинг илоҳий сирини англаб етишга қодир эмаслар. Жаҳонда бу буюк асарнинг жуда кўп нашрлари мавжуд. Уларнинг баъзиларига Худонинг содиқлари изоҳ ёзган, баъзиларига иймонсиз иблислар. Худонинг содиқ хизматкорлари ўзларининг ёзган изоҳларида одамларга "Бхагавад-Гита"нинг асл маъносини тушунтириб берадилар, иблисларнинг ёзган изоҳлари эса сохта ва фойдасиз изоҳлардир. Аржун Шри Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олади. Ҳаётда Аржундан ўрнак олиб яшаётган одамлар "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзсалар бу буюк илмга ҳақиқий садоқат билан хизмат қилган бўладилар. Иблислар эса, Кришнанинг аслида ким эканини тан олгилари келмайди. Бунинг ўрнига улар ёзган изоҳларида Кришна тўғрисида ҳар хил уйдирмалар келтириб, ўқувчиларнинг ҳаётда Кришнанинг насиҳатларига амал қилиб яшашларига халақит берадилар. Бу ерда Кришна бизни огоҳлантириб, шундай изоҳлардан эҳтиёт бўлишни маслаҳат беради. Биз Аржундан бошланадиган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган устозлар изидан боришга ҳаракат қилишимиз лозим, фақат шундагина бу ажойиб муқаддас китоб - "Бхагавад-Гита"нинг буюк сирли илми бизга ҳақиқий бахт-саодат келтиради.

*4. арджуна увача  
апарам бхавато джанма парам джанма вивасватаҳ*



**Аржун деди: Қўёш маъбуди Вивасван Сендан анча олдин тузилган. Сенинг "Мен бу илмни унга олам яратилган пайтда ўргатганман" деган гапингни қандай тушуниш керак?**

Изоҳ: Аржун - Худонинг буюк содиғи. Қандай қилиб у Кришнанинг айтганларига ишонмай, гумонсираяпти? Аслида Аржун ўзи учун эмас, Худого ишонмайдиган одамлар, яъни Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олмайдиган иймонсиз одамларнинг манфаатини ўйлаб шундай савол берапти. Фақат улар учун Аржун ўзини худди Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамдай кўрсатиб, Унга шу саволни берапти. Кришна - Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқнинг манбаи ва Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий кўриниши эканини Аржун жуда яхши билади. Лекин, Кришна Ер юзиде ўзини “Девакининг эркатойи” кўринишида намоён этгани ҳам аниқ эди. Кришна бир вақтнинг ўзиде ҳам Девакининг ўғли, ҳам мангу ва ўзгармас Худонинг Олий Шахси бўла олишини англаб етиш оддий одамлар учун жуда мушкул. Шунга аниқлик киритиш учун Аржун савол бериб, Кришнанинг ўзидан ишонарли жавоб олишга қарор қилди. Иймонсиз иблислардан бошқа бутун жаҳон аҳли қадим замонлардан бери Кришна энг ишонарли, олий мартабали Зот эканини яхши билади. Шу боис Аржун, Кришнанинг киёфасини, илоҳий ҳолатини ҳамиша бузиб кўрсатишга уринадиган иблислар Кришнани ўзларининг ва издошларининг шахсий тасаввурларига мос қилиб таърифлашини кутиб ўтирмасдан, ўзи ҳақида Кришнанинг шахсан ўзи гапириб беришини истаб, Унга шу саволни берапти. Шу боис, Кришна ўзи ҳақида ўзи гапириб берганда, Унинг гаплари бутун олам аҳлига бахт-саодат келтиради. Кришнанинг гаплари иблисларга ғалати бўлиб туюлиши мумкин, чунки улар Кришна шахсига ўзларининг дунёвий тасаввурлари асосида қарайдилар, лекин Худонинг содиқлари Унинг айтаётган гапларини хурсанд бўлиб қабул қиладилар. Содиқлар Кришнанинг барча кўрсатмаларига қувончли, айна пайтда эҳтиром аралаш ҳаяжон билан амал қиладилар, чунки улар ҳамиша Кришна ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот билиб олишга интиладилар. Кришнани оддий инсон деб ҳисоблайдиган имонсиз даҳрийлар эса, Унинг гапларини тинглаб, Кришна - оддий инсон эмас, мангулик, лаззат ва илм тимсоли бўлган *сач-чид-ананда-виграҳа* эканини, бутунлай руҳий табиатга эга бўлган ҳолда, У моддий табиат гуналарининг таъсирига берилмайдиган, замон ва макон чегараларидан ташқарида, улардан устун турадиган илоҳий Зот эканини билиб олишлари мумкин. Аржун сингари содиқлар Кришна илоҳий табиатга эга эканига ҳеч қачон шубҳа қилмайдилар. Бу саволни бериш билан Аржун "Кришна - моддий табиат гуналари таъсири остидаги оддий одам" деб ҳисоблайдиган имонсиз даҳрийларнинг гаплари ёлғон эканини Унинг ўзи тасдиқлашини истаяпти.

5. *шири бхагаван увача*

*бахуни ме вйатитани джанмани тава чарджуна*

*тани ахам веда сарвани на твам веттха парантапа*

**Худонинг Олий Шахси деди: Сен ҳам, Мен ҳам жуда кўп туғилишлар орқали ўтганмиз. Шу ҳаётларнинг ҳаммаси Менинг эсимда, сен эса эй душманлар голиби, уларнинг бирортасини ҳам эслай олмайсан.**

Изоҳ: "Брахма-Самхита"да(5.33;39) Парвардигорнинг сон-саноксиз киёфалари ҳақида айтилган:

*адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам  
адйам пурана-пурушам нава-йауванам ча  
ведешу дурлабхам адурлабхам атма-бхактау  
говиндам ади пурушам там ахам бхаджами*

*рамади-муртишу кала-нийамена тиштхан  
нанаватарам акарад бхуванешу кинту  
кришнаҳ свайам самабхават парамаҳ пуманйо  
говиндам ади пурушам там ахам бхаджами*

"Мен азалий мангу Говинда(Кришна)га, мутлақ, бегуноҳ ҳамда бошланиши ва охири бўлмаган ягона Парвардигорга сажда қиламан. Сон-саноксиз киёфаларда кўринса ҳам Парвардигор барибир ўша азалий, энг қадимий, энг навқирон шахслигича қолаверади. Парвардигорнинг илм ва лаззатга тўла сон-саноксиз мангу киёфалари ҳатто Ведаларни мукамал биладиган билим-донлар учун ҳам жумбоқ бўлиб қолаверади, аммо ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган Худонинг содиқ хизматкорлари ҳамиша уларни бемалол кўра оладилар".

"Мен Парвардигор Говиндага(Кришнага) сажда қиламан. У ўзгармаган ҳолда *Рама, Нрисимха* сингари турли хил тўлиқ киёфаларда ва кўплаб тўлиқ бўлмаган киёфаларда Ўзини намоён этади, айна пайтда ҳамиша азалий Худо Шахси бўлиб қолаверади, У баъзан бу оламга Ўзининг мангу азалий киёфаси - Кришна кўринишида ҳам келади".

Ведаларда ҳам "гарчи Парвардигор ягона бўлса ҳам, Ўзини турли киёфаларда намоён этади" деб ёзилган. У худди ҳамма вақт ўзининг рангини ўзгартириб турадиган, лекин ҳамиша ягона тошлигича қоладиган сеҳрли *вайдурия* тошига ўхшайди. Парвардигорнинг сон-саноксиз, турли кўринишдаги киёфаларини Ведаларни ўрганиш билан чекланиб қолган файласуфлар(*ведешу дурлабхам адурлабхам атма-бхактау*) эмас, балки фақат Унга чексиз содиқ бўлган хизматкорларгина англай оладилар. Аржун сингари содиқлар Парвардигорнинг мангу ҳамроҳларидир: ҳар гал, Парвардигор

Ўзини моддий оламда намоён этганида Унга қандайдир йўл билан хизмат қилиш учун улар Парвардигор билан бирга бу дунёга келадилар. Аржун - ана шундай хизматкорлардан бири, биз бу шеърдан билиб оламизки, миллион йиллар илгари Кришна "Бҳагавад-Гита"ни Куёш фариштасига ўргатган, шунда Аржун ҳам бошқа қиёфада Унинг ёнида бўлган. Кришна билан Аржуннинг бир-биридан фарқи шундаки, Кришна ҳамма нарсани билади, Аржун эса ҳамма нарсани унутиб юборган. Мана шу сифати Парвардигорни Унинг ажралмас алоҳида заррачалари бўлган барча тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Гарчи Аржун бу ерда "буюк қахрамон", "душманлар ғолиби" деб аталган бўлса ҳам, у ўзининг олдинги ҳаётларини эслай олмайди. Бошқача қилиб айтганда, алоҳида тирик мавжудотлар моддий жиҳатдан қанчалик буюк бўлмасин, ҳеч қачон Худо Шахсига тенглаша олмайдилар. "Брахма-самхита"да Парвардигор "беғуноҳ", *ачйута* деб аталган; демак У ҳатто моддий оламга ташриф буюрганида ҳам Ўзининг асл ҳолатини эсидан чиқармайди, аксинча оддий тирик мавжудотлар моддий унсурлар билан аралашиб, ўзининг аввалги ҳаётларини унутиб юборадилар. Шунинг учун ҳатто тирик мавжудот Аржун сингари озодликка эришган буюк зот бўлса ҳам, барибир Парвардигорга тенг бўлмайди. Аржун Худонинг содиқ хизматкори бўлса ҳам, баъзида у Парвардигорнинг чексиз улуғвор ҳолатини эсидан чиқариб қўяди. Лекин, иймонли солиҳ инсон Худонинг марҳамати билан бир лаҳзада Парвардигорнинг буюк, беғуноҳ эканини англаб етади, аксинча Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган одамлар, яъни иймонсиз иблислар Унинг илоҳий табиатини ҳеч қачон англай олмайдилар. Шу сабабли иблисларга хос фикрлайдиган одамлар "Бҳагавад-Гита"нинг мазкур шеърини ҳам, ундаги бошқа шеърларнинг мазмунини ҳам тўғри тушуна олмайдилар. Кришна миллион йиллар аввал нима иш қилганини билади, гарчи ўз табиатига кўра улар иккови ҳам мангу мавжудотлар бўлса ҳам, Аржун ҳеч нарсани эслай олмайди. Яна шуни айтиш лозимки, тирик мавжудотлар ҳамма нарсани унутиб юборадилар, чунки улар таналарини алмаштиришга мажбур, Парвардигор эса ҳеч нарсани унутмайди, чунки Унинг танаси *сач-чид-ананда*, мангу ва ўзгармас. У *адвайта*: Унинг танаси ва Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У билан ўзаро қандайдир муносабат билан боғланган нарсалар ҳам руҳий табиатга эга бўлади. Аммо, тирик мавжудотнинг танаси моддий ва унинг ўзидан фарқ қилади. Парвардигорнинг руҳий танаси Ўзидан фарқ қилмагани сабабли, ҳатто моддий оламга ташриф буюрганда ҳам У шартланган руҳлардан фарқ қиладиган Ўзининг илоҳий ҳолатини сақлаб қолаверади. Кейинги шеърда ёзилганидай, иблиссифат одамлар ҳатто Парвардигорнинг Ўзи таърифлаб берса ҳам Унинг илоҳий ҳолатини англай олмайдилар.

6. *аджо "ни санн авйайатма бхутанам шиваро "ни санн  
пракритим свам адхитхайа самбхавамай атма-майайа*

***Гарчи Мен тугилмаган, илоҳий танаси ўзгармас, барча тирик мавжудотларнинг ягона Ҳукмдори бўлсам ҳам, ички қувватим***

## **кучи билан ҳар замонда Ўзининг азалий руҳий қиёфамда бу оламга келиб тураман.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Ўзининг бу моддий дунёга келишининг алоҳида хусусияти ҳақида гапиради: худди оддий одамларга ўхшаб туғилса ҳам, Парвардигор барибир аввалги "туғилиш"ларида Ўзининг қилган ҳамма ишларини эслаб қолади, аксинча, алоҳида тирик мавжудотлар ҳатто бир неча соат илгари нима билан машғул бўлганини эслаш олмайдилар. Агар биров биздан кеча шу маҳалда нима иш билан машғул бўлганимизни сўраса, дарров жавоб беришга қийналамиз. Оддий одам кеча шу пайтда нима иш қилганини эслаш учун анча ўйланиши керак бўлади. Шунга қарамай ўзларини "Худо" ёки "Қришна" деб эълон қиладиган одамлар ҳам учраб туради. Шундай нодонларнинг бемаъни даъволари бизни йўлдан адаштирмаслиги керак.

Бу ерда Парвардигор Ўзининг *пракрити* қиёфаси ҳақида ҳам гапиради. *Пракрити* ибораси "табиат" ёки "алоҳида кўриниши" деб таржима қилиниши мумкин. Парвардигор бу дунёга Ўзининг азалий қиёфасида келишини айтяпти. У оддий тирик мавжудотларга ўхшаб танасини алмаштирмайди. Алоҳида тирик мавжудотнинг ҳозирги ҳаётида бир танаси бўлса, кейинги ҳаётида у бутунлай бошқа танага эга бўлади. Моддий оламда тирик мавжудотнинг мангу танаси йўқ: у ҳамиша бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур. Лекин, Парвардигор бундай ўзгаришларга маҳкум эмас. Ҳар гал У моддий оламда пайдо бўлганида Ўзининг азалий руҳий қиёфасида ташриф буюради; буни У Ўзининг ички қувватининг кучи билан амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, Қришна бу оламга Ўзининг кўлида най ушлаб турган икки кўлли илоҳий қиёфасида келади. У моддий оламга модда билан бўлганмайдиган Ўзининг мангу танасида ташриф буюради. Гарчи Парвардигор моддий оламга руҳий танада келса ҳам, ташқаридан қараганда, У худди оддий одамлар сингари дунёга келгандай кўринади. Гарчи Қришнанинг ўзгармас руҳий танаси моддий таналарга ўхшамаса ҳам, ўсаётгандай бўлади: аввал ёш бола, кейин ўсмир, кейин йигит бўлади. Лекин, шуниси ҳайратланарлики, у ҳамиша ёш йигит бўлиб қолаверади. Курукшетрада жанг бошланаётган пайтга келиб Қришнанинг жуда кўп неваралари бор эди, бошқача қилиб айтганда, моддий тасаввурларга кўра У аллақачон кексайган чол бўлиши керак эди. Шунга қарамай У йигирма-йигирма беш ёшлар атрофидаги ёш йигитлардай кўринарди. Биз ҳеч қачон Қришнанинг кексайган ҳолати тасвирланган суратни кўрмаганмиз, чунки бизлардан фарқли равишда Парвардигор ҳамиша - ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, келажакда ҳам мавжуд бўлган, энг кекса мавжудот бўлишига қарамай ҳеч қачон қаримайди. Унинг танаси ва тафаккури қаримайди ҳам, ўзгармайди ҳам. Нима сабабдан ҳатто моддий оламга келганда ҳам Парвардигор туғилмас бўлиб қолаверишини, нимага Унинг тафаккури, илм ва лаззатга тўла мангу илоҳий танаси "ўзгармас" деб аталишини шундан тушуниб оламиз.

Парвардигорнинг пайдо бўлиши ва яна қайтиб кетиши, худди эрталаб келиб, бироз биз билан бўлиб, яна ботиб кетадиган Кўёшнинг ҳаракатига

ўхшайди. Куёш кўздан йўқолганида биз уни "ботди" деб ўйлаймиз, у яна кўз олдимизда пайдо бўлганда "куёш чикди" деб ҳисоблаймиз. Аслида куёш ҳамиша осмонда қолаверади, лекин бизнинг сезги аъзоларимиз мукамал бўлмагани сабабли, биз куёш - гоҳ пайдо бўлади, гоҳида йўқолади, деб ўйлаймиз. Кришнанинг келиши, кетиши оддий тирик мавжудотларнинг туғилиши ва ўлишига умуман ўхшамайди. Ички қувватининг қудрати билан У ҳамиша мангу, илм ва лаззатга тўла бўлиб қолаверади, моддийлик иллоти Унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Ведаларда айтилганки, гарчи Парвардигор туғилмас бўлса ҳам, У худди ҳар хил қиёфаларда туғилаётгандай бўлиб кўринади. Ведаларни тўлдирувчи муқаддас китобларда ёзилишига кўра, Парвардигор ҳатто моддий оламда пайдо бўлганда ҳам Ўз танасини алмаштирмайди. "Шримад Бхагаватам"дан биз биламизки, У онасининг олдида аввалига барча мукамалликларга эга бўлган тўрт қўлли Нарайана қиёфасида пайдо бўлди. Моддий оламга Ўзининг азалий, мангу қиёфасида кела туриб, Парвардигор тирик мавжудотларга Ўзининг энг буюк, бесабаб марҳаматини кўрсатади: Унинг марҳамати билан содиқлар ўзларининг фикру-хаёлини имперсоналистлар ўйлаб чиқарган қандайдир мавҳум қиёфаларда эмас, балки Парвардигорнинг ҳақиқий қиёфасида мужассам қила оладилар. "Вишвакоша" луғатига асосан *майа*, ёки *атма-майа* сўзи Парвардигорнинг бесабаб марҳаматини ифодалайди. Парвардигор Ўзининг аввалги барча келиб-кетишларини эсида сақлайди, оддий тирик мавжудот эса янги тана олгандан кейин ўзининг аввалги ҳаётини дарров эсидан чиқариб юборади. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг ягона Ҳукмдоридир, чунки Ер юзига келганида У ҳар хил ғайритабиий мўъжизаларни, қароматларни намоён этади. Шундай қилиб, Парвардигор ҳамиша ўзгармас Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади, Унинг танаси ва Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан Парвардигор бу оламга келиб-кетади? Бунга жавоб кейинги шеърда берилган.

*7. йада йада хи дхармасйа гланир бхавати бхарата  
абхйуттханама дхармасйа тадатманама сриджамй ахам*

***Ҳар гал ҳақиқий дин қонунлари таназзулга юз тутиб ер юзида худдо(имон)сизлик ҳукм сура бошлаганда Мен бу дунёда Ўзимни намоён қиламан, эй Бхарата авлоди.***

Изоҳ: Бу ерда *сриджамми*, яъни "намоён қиламан" ибораси муҳим аҳамиятга эга. У "яратаман" деган маънони англатиши мумкин эмас, чунки аввалги шеърдан биламизки, Парвардигорнинг танаси ҳеч қачон яратилган эмас. Унинг барча қиёфалари мангу мавжуд. Шунинг учун *сриджамми* ибораси Парвардигор Ўзининг ҳақиқий қиёфасини намоён қилишини ифодалайди. Гарчи Парвардигор моддий оламга маълум вақтда келса ҳам (Брахманинг ҳар бир кунда, еттинчи Ману ҳукмронлик қилаётган пайтда, йигирма саккизин-

чи даврнинг Двапара-югаси охирида), У бу белгиланган қоидага аниқ амал қилиши шарт эмас, чунки у ҳамиша Ўзининг хоҳиш-иродаси билан мустақил иш кўради. Ҳар гал моддий оламда ҳақиқий дин қонунлари поймол бўлиб, иймонсизлик тантана қила бошлаганида, У Ўз хоҳиши билан моддий оламга келади. Ҳақиқий дин қонунлари Ведаларда нозил қилинган, шу қонунларни бузадиган одамлар иймонсиз одамларга айланиб қоладилар. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, ҳақиқий дин - ягона Парвардигорнинг қонунлари бўлиб, уларни фақат Худо Шахсининг Ўзи ўрната олади. Маълумки, Ведалар илмини аввал бошда Парвардигорнинг Ўзи Тангри Браҳманинг қалбида туриб унга ўргатган. Шундай қилиб ҳақиқий дин, *дхарма* қонунлари бевосита Парвардигорнинг кўрсатмаларидир (*дхармам ту сакшад бхагават-пранитам*). Бу кўрсатмаларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-Гита"да аниқ-равшан баён этилган.

Ведаларнинг мақсади Парвардигорнинг амри билан ҳақиқий дин қонунларини ўрнатишдан иборат. "Бҳагавад-Гита"нинг якунида Парвардигор тўғридан-тўғри: "Ҳақиқий диннинг энг юксак қонуни ҳамма нарсалардан воз кечиб, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишдан иборат" - деб эълон қилади. Ведаларнинг кўрсатмалари инсонни ягона Парвардигорга таваккал қилишга ундайди, иблислар шу қонунни буза бошлаганида Парвардигорнинг Ўзи моддий оламга ташриф буюради. "Шримад Бҳагаватам"дан биз биламизки, Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бири - Будда Ер юзига материализмнинг энг ривожланган пайтида келган, шу пайтда одамлар ўзларининг гуноҳларини, зулм ва зўравонлигини Ведалар кўрсатмалари асосида оқлай бошлаган эдилар. Гарчи Ведалар ҳайвонларни қурбонлик қилишни қатъий равишда чеклаб қўйган бўлса ҳам, ўша пайтларда ҳаёт ҳақида иблисларга хос моддий тасаввурга эга бўлган одамлар Ведаларнинг кўрсатмаларига зид равишда кўплаб ҳайвонларни қурбон қила бошлаган эдилар. Будда бу дунёга ана шу қонунбузарликни бартараф этиш, Ведалар таълимоти асосида зулм қилмаслик қонунини ўрнатиш учун келди. Парвардигорнинг ҳар бир аватара (бу дунёда намоён бўлган қиёфа)си моддий оламга маълум бир мақсад билан келади ва ана шу аватараларнинг барчаси шастраларда аниқ башорат этилган. Демак, шастраларда кўрсатилмаган тирик мавжудотни "Худонинг аватараси" деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Парвардигор ҳамиша фақат Ҳиндистонда Ўзини намоён қилади деб ўйламаслик керак. У хоҳлаган жойида, хоҳлаган пайтида намоён бўлиши мумкин. Парвардигорнинг ҳар бир аватараси одамларнинг яшаш шароитига, онгининг ривожланиш даражасига қараб, дин қонунлари ҳақида улар улар қабул қила оладиган даражадагина илм бериб кетади. Парвардигорнинг барча аватараларининг мақсади битта: одамларни Худонинг қонунларига амал қилиб яшашга ўргатиш, Худони англаб етишларида уларга ёрдам бериш. Баъзан Парвардигорнинг Шахсан Ўзи моддий оламга келади, баъзан эса ўғли ёки хизматкори сифатида Ўзининг вакилларини юборади, баъзида яширин *аватара* бўлиб келади.

Парвардигор "Бҳагавад-Гита"ни Аржунга, айти пайтда бошқа буюк

рухларга ўргатди, чунки Аржун ўзининг ривожланган онги билан жаҳоннинг бошқа жойларидаги барча тирик мавжудотлардан анча устун турарди. Иккига иккини кўшсак бошланғич мактабда ҳам, олий илм масканида ҳам тўрт бўлади. Лекин, арифметикадан устунроқ турадиган олий математика фани ҳам бор. Худди шунга ўхшаб, Парвардигорнинг ҳар хил аватаралари одамларни ягона қонун ва кўрсатмаларга ўргатади, лекин шароитга, замонга, маконга қараб бу кўрсатмалар ташқи кўринишидан, шаклан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Худонинг қонунлари инсонлар жамиятини тўрт табақа ва тўрт ашрамга бўлишдан бошланади, бу ҳақда кейинги шеърларда айтилади. Парвардигорнинг барча қиёфаларининг бу дунёга келишидан мақсад битта - жаҳонда одамлар орасида Кришнани англаш илмини тарғибот қилиш. Ана шундай илоҳий онг шароитга қараб, жамият ҳаётида баъзан намоён бўлган, баъзида намоён бўлмаган ҳолатда ҳамиша мавжуд бўлади.

*8. паритранайа садхунам винашайа ча душкритам  
дхарма-самстхапанартхайа самбхавами йуге йуге*

***Тақводор инсонларни озодликка чиқариш, иймонсиз золимларни яқсон қилиш, шунингдек, ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш учун Мен бу ерга ҳар замон, ҳар замонда келиб тураман.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита" таълимотига асосан *садху*(тақводор, авлиё одам) - Кришнани англаб етган одамдир. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган кишини, ҳатто у ташқаридан қараганда унчалик тақводор бўлиб кўринмаса ҳам *садху*(авлиё, мусулмон, иймонли одам) деб ҳисоблаш керак. *Душкритам* сўзи эса, Кришнани англаш билан қизиқмайдиган, Худони тан олмайдиган кишиларни, яъни имонсиз кофирларни билдиради. Шундай нопок, иймонсиз одамлар ҳатто дунёвий жиҳатдан жуда билимдон, зиёли кишилар бўлса ҳам, барибир нодон ва одамлар ичида энг пасткаши бўлиб қолаверадилар. Аксинча, Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан кун кечириб юрган киши, сиртдан қараганда унчалик маданиятли ва зиёли бўлиб кўринмаса ҳам барибир *садху*, авлиё инсон ҳисобланади. Худосизларга келсак, уларни яқсон қилиш учун Раван ва Камсани ўлдиргани сингари, Парвардигор шахсан Ўзи Ер юзига келиб юришининг ҳожати йўқ. Бундай ишларни амалга оширишга қодир бўлган Унинг қудратли ёрдамчилари кўп. Парвардигор Ер юзига биринчи навбатда иблисларнинг тазйиқи остида ноилож қолиб безовта бўлиб юрган Ўзининг содиқ хизматкорларига ёрдам бериш учун келади. Иймонсиз иблислар одатда, ҳатто ўзларининг яқин қариндоши бўлса ҳам, тақводор одамларни таъқиб қилиб, уларга тинчлик бермай безовта қилиб юрадилар. Масалан, Прахлад Махараж Хираньякашипунинг ўғли бўлса ҳам, иблис отаси уни жуда кўп азоб-уқубатларга дучор этган. Кришнанинг онаси Деваки Камсанинг синглиси эди, аммо шунга қарамай Камса поччаси Васудева билан ўз синглисини зиндонга ташлаб қўйди, чунки Кришна уларнинг ўғли бўлиб

туғилиши керак эди. Гарчи Кришна бир вақтнинг ўзида ҳар икки ишни амалга оширган бўлса ҳам, биринчи навбатда бу дунёга иблис Камсани ўлдириш учун эмас, балки Девакини кутқариш учун келган. Шунинг учун бу ерда Парвардигор моддий оламга ҳар хил қиёфаларда тақводорларни ҳимоя қилиш ва иблисларни яқсон қилиш учун келади, дейилган.

"Чаитанья-чаритамрита"(Мадхйя,20.263-264)да Кришнада с Кавираж Парвардигорнинг аватараларини шундай таърифлайди:

*сришти-хету йеи мурти прапанче аватаре  
сеи ишвара-мурти "аватара" нама дхаре  
майатита паравйоме сабара авастхана  
вишве аватару" дхаре "аватара" нама*

"Моддий оламда Ўзини намоён қилиш учун Парвардигор руҳий даргохидан ташриф буюради. Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўладиган кўринишини Унинг қиёфаси, аватараси деб атайдилар. Бу аватараларнинг барчаси руҳий оламда, Худонинг даргоҳида азалдан мавжуд бўлиб, моддий оламга келганида уларни аватаралар деб атайдилар".

Аватараларнинг ҳар хил турлари бор: *пуруша-аватара, гуна-аватара, лила-аватара, шактиавеша-аватара, манвантара-аватара ва юга-аватаралар*. Уларнинг ҳаммаси коинотнинг турли сайёраларида аниқ белги-ланган вақтда намоён бўладилар. Аммо Парвардигор Кришна, азалий Худо Шахси - барча аватараларнинг манбаидир. Шри Кришна моддий оламга Парвардигорнинг жамолини ва Унинг Вриндавандаги тенгсиз эрмакларини кўришни истаётган соф содиқларини қувонтириш учун келади. Демак, Кришнанинг аватараларининг бу дунёга келишининг асосий мақсади - соф содиқларнинг истакларини рўёбга чиқаришдан иборат.

Худо Шахси: "Моддий оламга ҳар замонда келиб тураман" деб айтяпти. Демак, у Кали-юга даврида ҳам намоён бўлади. "Шримад Бҳагаватам"да айтилиши бўйича, Кали-югада Парвардигор Ер юзига Шри Чаитанья Махапрабху қиёфасида келади. Парвардигор Чаитанья одамларга *санкиртана*(Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш) усулини бериб, уларни Кришнага сиғинишга даъват қилган, Ўзи бутун Ҳиндистон бўйлаб Кришнани англаш илмини тарғибот қилган. Унинг Ўзи - *санкиртана* ҳаракатининг шаҳардан-шаҳарга, қишлоқдан-қишлоққа ўтиб, бутун Ер юзига тарқалишини башорат қилиб кетган. Кришнанинг аватараси, Парвардигор Чаитанья қиёфасида келадиган Парвардигор Упанишадалар, "Шримад Бҳагаватам", "Махобҳорат" сингари муқаддас китобларнинг энг сирли жойларида, очиқдан-очиқ эмас, балки ўхшатишлар орқали ишора қилиб кўрсатилган. Парвардигор Чаитаньянинг *санкиртана* ҳаракати Кришнанинг барча содиқларини ўзига жалб этади. Парвардигорнинг бу аватараси иблисларни ўлдирмайди, аксинча уларни Ўзининг бесабаб марҳамати билан руҳий озодликка чиқаради.



9. *джанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттватах  
тйактва дехам пунар джанма найти мам эти со "рджуна*

***Менинг бу дунёга келишим ва кўрсатган кароматларимнинг  
илоҳий табиатини англаб етган киши моддий оламда бошқа ҳеч  
қачон тугилмайди. Танасини тарк этгандан кейин, у Менинг ман-  
гу даргоҳимга қайтиб келади, эй Аржун.***

Изоҳ: Олтинчи шеърда Парвардигор Ўзининг руҳий даргоҳидан моддий оламга қандай ташриф буюриши таърифланган эди. Унинг намоён бўлишининг ҳақиқий табиатини англаб етган киши моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққан зот ҳисобланади. Шу сабабли у ҳозирги моддий танасини тарк этгандан кейин Худонинг мангу даргоҳига қайтиб боради. Моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш жуда мушкул иш. Имперсоналист ва йоглар қаттиқ риёзат ва машаққатлар эвазига, шунда ҳам жуда кўп умрлардан кейин руҳий озодликка эриша оладилар. Уларнинг Парвардигорнинг *Брахмаджейоти* нурига ғарқ бўлиб эришадиган озодлигини ҳам мукамал озодлик деб бўлмайди, чунки уларнинг яна моддий оламга қайтиб келиш эҳтимоли сақланиб қолади. Лекин, Парвардигорнинг руҳий танасининг ва кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатини англаб етган содиқ ҳозирги танасини тарк этгандан кейин Худонинг мангу даргоҳига эришади ва бошқа ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди. "Брахма-самхита"да(5.33) айтилганки, Парвардигорнинг ҳар хил экспансиялари ва аватарлари мавжуд: *адваитам ачйутам анадим ананта-рупам*. Аммо, Парвардигорнинг жуда кўп илоҳий қиёфалари бўлишига карамай, уларнинг барчаси ягона Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахсининг Ўзидир. Бу ҳақиқатни дунёвий олим ва файласуфлар англай олмадилар. Лекин, содиқлар буни тўла англаб олишлари лозим. Ведаларда("Пуруша-бодхини-упанишад") шундай дейилган:

*эко дево нитйа-лилануракто бхакта-вйапи хриди антар-атма*

"Ягона Парвардигор ҳар хил илоҳий қиёфаларга кириб, Ўзининг соф содиқлари билан мулоқотда бўлади, уларнинг ўзаро муносабатлари мангу давом этади".

Бу ҳақиқатни Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-Гита"нинг мазкур шеърда тасдиқлаб турибди. Худонинг Олий Шахсининг ва Ведаларнинг обрўсига ишониб мана шу ҳақиқатни тан олган, ҳар хил фалсафий изланишларга вақтини бекорга сарфлаб ўтирмайдиган киши моддий олам тутқунлигидан халос бўлади ва руҳий баркамолликнинг энг олий чўққисига эришади. Руҳий озодликка чиқиш учун мана шу ҳақиқатга ишонишнинг ўзи кифоя. Айнан мана шу ҳақиқат - Ведалардаги *тат твам аси*("Сен - Ўшасан") деган афоризмнинг ҳақиқий маъносини очиб беради. Кришна - ягона Парвардигор эканини англаб етган ва Унга чуқур иймон билан мурожаат қилиб:

"Сен - Ўша, мен сизгидек юрган ягона Мутлақ Ҳақиқат, Олий Брахман, Худонинг Олий Шахсисан!" - деб айта олган киши тез орада руҳий озодликка эришади ва келажакда шубҳасиз Парвардигор билан илоҳий мулоқотда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай чуқур иймонга эга бўлган Худонинг содиқ хизматкори камолот чўққисига эришади. Бу ҳақиқат Ведаларда ҳам тасдиқланган. (Шветашватара-упанишад.3.8)

*там эва видитвати мритйум эти нанйаҳ пантха видйате "йанайа*

"Туғилиб-ўлишлар чархпалагидан бугунлай ва биратўла озодликка чиқиш учун Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини англаб етиш лозим. Руҳий баркамолликка эришишнинг бошқа йўли йўқ".

"Бошқа йўли йўқ" деган гапни куйидагича тушуниш лозим: агар одам Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англаб етмаса, у шубҳасиз ғафлат гунаси таъсири остида бўлади, шу сабабли ўзининг дунёвий илмига ишониб, "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини тушуниб олишга қанчалик уринмасин, у ҳеч қачон озодликка эриша олмайди. Уни асал солинган идишнинг сиртини ялаб юрган одамга ўхшатиш мумкин. Ундай билимдон файласуфлар ҳозирги ҳаётида, бу дунёда ўзига ўхшаган ғофил одамлар орасида катта обрўга, шон-шухратга эга бўлиши мумкин. Лекин, бу унинг руҳий озодликка эришишига қароқул беролмайди. Ана шундай дунёвий сафсатабоз олимларнинг ягона йўли - Худонинг содиқ хизматкорининг бесабаб марҳаматига эришишдир. Шундай қилиб, ҳар бир одам ўзининг чуқур иймони ва илмига таяниб, қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим - шунда биз ҳаётда руҳий баркамолликка эришамиз.

*10. вита-рага-бхайа-кродха ман-майа мам упаиришаҳ  
бахаво джнана-тапаса пута мад-бхавам агатаҳ*

**Ҳар қандай боғланишдан, кўрқув ва газабдан бутунлай озод бўлиб, ақлини Менда жамлаб, Мендан паноҳ топиб, қадимда жуда кўп инсонлар Мени англаб етганлар. Шу тарзда улар моддий иллатлардан покланганлар ва қалбида Менга нисбатан илоҳий муҳаббат уйғотганлар.**

Изоҳ: Аввал айтиб ўтилганидай, моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс эканини англай олиши жуда қийин. Одатда ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга боғланиб қолган одамлар материализм ботқоғига шу қадар ботиб кетадиларки, амалда Парвардигор шахс бўлиши мумкинлигини умуман тасаввур қила олмайдилар. Ундай материалистлар илм ва лаззатга тўла, мангу руҳий тана бўлиши мумкинлигини тасаввурга сиғдира олмайдилар. Моддий тана - ўткинчи, ғафлат ботқоғига ботган ва чексиз азоб-уқубатларга маҳкум. Шунинг учун Парвардигор руҳий

танага эга шахс эканини эшитиб, дунёвий одамлар Уни ўзларининг моддий танаси ҳақидаги тасаввурлари нуқтаи-назаридан тушунмоқчи бўладилар. Дунёвий одамлар учун Худо - чексиз моддий Коинот, шунинг учун улар "Худо шахс эмас" деб ўйлайдилар. Уларнинг онги моддий нарсаларда мужассам бўлгани сабабли, "озодликка эришгандан кейин руҳ ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қолади" деган фикрнинг ўзи уларни дахшатга солади. Улар руҳий оламда ҳам тирик мавжудотлар алоҳида шахс бўлиб қолаверишини тасаввурига сиғдира олмайдилар. Келажакда яна шахс бўлиб қолиш улар учун дахшат, чунки улар шахсиз бўшлиққа қўшилиб, бутунлай йўқ бўлиб кетишга интиладилар. Шундай одамлар одатда тирик мавжудотларни баъзида Океан сувининг юзида пайдо бўлиб, кейин яна йўқолиб кетадиган пуфакчаларга ўхшатадилар. Уларнинг фикрича йўқлик - алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлишдан халос бўлгандан кейин эришиш мумкин бўлган руҳий мавжудликнинг энг олий кўринишидир. Бундай тахминлар кўрқув оқибатида пайдо бўлган ва ҳеч қандай руҳий мавжудлик ҳақидаги илмга асосланмаган. Кўпчилик одамлар умуман руҳий мавжудликнинг ҳақиқатан ҳам мавжуд эканига ишонмайдилар. Бир-бирига зид бўлган ҳар хил фалсафий қараш ва таълимотларнинг кўплиги сабабли адашиб қолган шундай одамлар ғзаб ва аламидан, "мавжудликнинг олий сабаби мавжуд эмас, аслида ҳамма нарса шунчаки йўқликдир" деган аҳмоқона хулосага келадилар. Шундай хулосага келадиган одамлар ҳаётда адашган, ҳафсаласи пир бўлган руҳий хаста инсонлардир. Шундай қилиб, баъзилар моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли руҳий ҳаёт билан умуман қизиқмайдилар, бошқа бировлар олий руҳий борликка қўшилиб кетишдан умид қиладилар, яна бировлар эса ҳар хил сохта руҳий таълимотларнинг таъсиридан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаётда умуман ҳеч нарсага ишонмай қўядилар ва ҳаётини ҳеч қандай умидсиз, бирор аниқ мақсадга интилмай яшайдилар. Шундай одамлар маст қилувчи ичимликлардан ёки гиёҳванд моддалардан нажот топишга уринадилар, ана шу моддалар таъсирида юзага келадиган эйфория - ғалати мастлик, сархушлик ҳолатини "ҳақиқий руҳий манзара" деб қабул қиладилар.

Моддий оламга боғланишнинг ҳар уч туридан ҳам халос бўлиш лозим: 1) руҳий ҳаётни тан олмаслик; 2) алоҳида руҳий шахс бўлишдан қўрқиш; 3) ҳаётдан совиганлик натижасида бўшлиқ фалсафасига интилишнинг юзага келиши. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларнинг мана шу уч кўринишидан халос бўлиш учун инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳақиқий руҳий устоз кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда, Худога ўз ихтиёрини бутунлай топшириб яшаши лозим. Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишнинг энг олий поғонаси *бхава*, яъни Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат поғонасидир. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг асосий асари бўлган "Бҳақти-расамриту синдху"да шундай дейилган:

*адау шраддха татаҳ садху-санго "тха бхаджана-крийа  
тато "нартха-нивриттих сйат тато ништха ручис татаҳ*

*атхасактис тато бхавас татах премабхйуданчати  
садхаканам айам премнах прадурбхаве бхавет крамах*

"Аввалига одамда ҳақиқий ўзлиги(мени)ни англашга интилиш пайдо бўлиши керак. Шу интилиш уни юксак руҳий даражага эришган одамлар даврасини излашга ундайди. Кейин, бу йўлга энди кирган содиқ улугвор руҳий устоздан фотиҳа олади, унинг кўрсатмаларига амал қилиб, Худога садоқат билан холис хизмат қила бошлайди. Руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога хизмат қилиш билан машғул бўлиб, у барча моддий боғланишлардан халос бўлиб, руҳий фаолият билан мунтазам равишда жиддий шуғуллана бошлайди. Кейинроқ содиқ Мутлақ Худо Шахси, Шри Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан чуқур лаззат ҳис қила бошлайди. Ана шу лаззат содиқнинг қалбида Кришна онгига қаттиқроқ боғланиш туйғуси ривожланишига ёрдам беради. Бу боғланиш кучайиб бхавага, Парвардигорга бўлган илоҳий муҳаббатнинг бошланғич ҳолатига айланади. Худо Шахсига бўлган ҳақиқий муҳаббат *према* деб аталади ва у инсон камолотининг энг олий чўққисидир. *Према* поғонасида содиқ Худога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишда узлуксиз машғул бўлади. Шундай қилиб Худога хизмат қилишнинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига кўтарилиб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб, содиқ барча моддий боғланишлардан, алоҳида руҳий шахс бўлишдан кўркишдан, руҳни бўшлиқ фалсафасидан нажот излашга мажбур этадиган алам, ўқинч, пушаймонлик туйғуларидан халос бўлади ва руҳий баркамолликнинг олий поғонасига эришади. Шунда у ниҳоят Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади".

*11. йе йатха мам прападйанте тамс татхайва бхаджамй ахам  
мама вартманувартанте манушйах партха сарвашах*

***Инсон қай даражада ўзини Менга топширса, шу даражада Мен унга марҳамат кўрсатаман. Ҳар ким ҳар қандай фаолиятда Менинг йўлимдан юради, эй Притхининг ўгли.***

Изоҳ: Ҳар бир одам аслида Парвардигорнинг ҳар хил кўринишларида ва намоён бўлган киёфаларида фақат Кришнани излайди. Парвардигорнинг шахсиятсиз ёғдусини - Брахмаджйотини, ёки ҳар бир нарсада, ҳар бир атомда мавжуд бўлган Олий Рух киёфасини англаб олиш билан Худонинг Олий Шахси Кришнани қисман англаб етиш мумкин. Аммо, фақат Худонинг соф содиқ хизматкорларигина Кришнани тўлиқ англай оладилар. Шундай қилиб Кришна - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётда тинмай интилаётган, аммо эриша олмай юрган орзусидир, У ҳар кимнинг ниятига мос равишда ҳар бир одамга Ўзи билан турли муносабатда бўлиш имконини беради. Руҳий оламда ҳам Кришна Ўзининг соф содиқларига уларнинг илоҳий туйғуларига мос равишда муомала қилади, содиқлар Ундан қандай муносабат кутса, Кришна

шундай муносабатда улар билан алоқа қилади. Уларнинг бировлари Кришна-ни Олий Хукмдор сифатида кўришни истайдилар, бошқалар Уни яқин дўсти сифатида, учинчи бирлари ўғли сифатида, тўртинчи бирлари - севгилиси сифатида. Парвардигор ҳар бирининг муҳаббатининг кучи ва самимийлигига мос равишда уларнинг барчасини мукофотлайди. Ана шундай муносабатлар моддий оламда ҳам мавжуд.

Бу дунёда Парвардигор Ўзига сиғинаётган содиқларининг сиғиниш шаклларига мос равишда уларнинг ҳис-туйғуларига жавоб беради. Соф содиқлар моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам Парвардигор билан бевосита шахсий муносабатда бўладилар, шу боис улар чексиз илоҳий лаззат олиб, Унга муҳаббат ва садоқат билан шахсан хизмат қилиш имкониятига эга бўладилар. Ўзларининг шахс сифатидан биратўла қутулишга, бу билан ўзларига руҳий суикасд қилишга интилаётган имперсоналистларга эса, Кришна Ўзининг илоҳий нурига сингиб кетиш имконини бериб, уларнинг истакларини ҳам рўёбга чиқаради. Парвардигорнинг илм ва лаззатга тўла мангу руҳий танаси мавжудлигини тан олишни рад этиб, ўзларининг алоҳида шахс сифатини қурбон қилгани сабабли имперсоналистлар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг ширин лаззатидан тоттиш имкониятидан махрум бўладилар. Уларнинг орасида ҳатто ўзининг шахсиятсиз нур ҳолатига ҳам тўлиқ ишончи бўлмаганлари эса, қалбининг тўрида мудраб ётган фаоллик истагини амалга ошириш учун яна моддий оламга қайтиб келадилар. Руҳий оламдаги бирор сайёрага эриша олмай, улар яна моддий оламда фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган одамларни Парвардигор Ўзининг *Ягйешвара* қиёфасида ведавий қонун-қоидалар асосида, қандай ният билан қурбонлик маросими ўтказганларига қараб мукофотлайди. Сеҳр қудратига эга бўлишга интилаётган йоглар ҳам эришган ҳар хил илоҳий қудратларини ягона Парвардигордан оладилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда ҳар бир одамнинг муваффақияти ягона Парвардигорнинг унга кўрсатадиган марҳаматига, яъни Худонинг хоҳишига боғлиқ бўлади. Руҳий юксалиш йўлидаги бундай усулларнинг барчаси - ягона йўлнинг ҳар хил босқичлари, ҳолос. Шунинг учун токи инсон баркамоллик йўлининг энг олий поғонасига - фақат Кришна онги билан яшаш поғонасига эришмагунча, унинг бу йўлдаги интилишлари тугамайди. "Шримад Бҳагаватам"да (2.3.10.) шундай дейилган:

*акамах- сарва-камо ва мокша-кама удара-дхи  
тиврена бҳакти-йогена йаджета нурушам парам*

"Инсон(Худонинг содиқ хизматкори сифатида) барча дунёвий истаклардан озодми, ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишни истайдими ёки руҳий озодликка чиқишга интиляптими - ҳар қандай ҳолатда ҳам у Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим, чунки фақат шу йўл билангина Кришнани англаш мумкин".

12. *канкишантаҳ карманам сиддхим йаджанта иха деватаҳ  
киштрам хи мануше локе сиддхир бхавати карма-джа*

***Бу дунёдаги одамлар кармали фаолиятда зафар қозониш учун фаришталарга сиғинадилар, албатта, қилган меҳнатлари эвазига улар дарров мукофот оладилар.***

Изоҳ: Фаришталарнинг моддий оламдаги вазифалари тўғрисида одамлар умуман нотўғри тасаввурга эга: аслида илмсиз, аммо ўзларини "муқаддас китоблар билимдони" деб ҳисоблайдиган одамлар аксарият ҳолларда фаришталарни Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфалари деб биладилар. Фаришталар - Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган қиёфалари эмас, балки Унинг ажралмас бўлаклари, зарраларидир. Парвардигор битта, лекин Унинг рухий заррачалари сон-саноксиз. Ведаларда айтилганки, *нитйо нитйанам* - Парвардигор бир. *Иивараҳ парамах кришнаҳ*, - "Парвардигор бир ва ягона, У - Кришна". Моддий оламни бошқариш учун фаришталарни илоҳий қудрат билан таъминлаб турган Зот - ана шу ягона Парвардигор, Кришна. Фаришталарнинг барчаси - оддий тирик мавжудотлардир(*нитйанам*), уларга ҳар хил даражада моддий қудрат ато этилган, холос. Улар ҳеч қачон ягона Парвардигорга - Нараянага, Вишнуга яъни Кришнага тенг бўла олмайдилар. Парвардигор билан фаришталарни бир-бирига тенг деб ҳисоблайдиган одамлар *пашанди* - имонсиз, даҳрий деб аталадилар. Ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси билан ҳатто Браҳма, Шива сингари буюк фаришталарни ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Бунинг устига Браҳма ва Шива ҳам шу ягона Парвардигорга сиғинадилар(*шива-виринчи-нутам*). Лекин шунга қарамай, одамларнинг аксарият кўпчилиги антроморфизмга ўхшаган нотўғри ғояларга асосланиб, фаришталарга ёки жамиятнинг вақтинчалик йўлбошчиларига сиғиниб яшайдилар.

*Иха деватиҳ* ибораси моддий оламдаги қудратли одамларни ёки фаришталарни ифодалайди. Лекин Нараяна(Вишну), яъни Худонинг Олий Шаҳси Кришна моддий оламга мансуб эмас. Бутунлай рухий Зот бўлган ҳолда У моддий оламдан ташқарида. Ҳатто, имперсоналистларнинг йўлбошчиси бўлган буюк ачарйа Шрипада Шанкарачарйанинг ўзи ҳам: "Нараяна (Кришна) - бу моддий оламдан эмас" - деб айтган. Шунга қарамай ғофил одамлар(*хрита-дженана*) ўткинчи мукофотларга, арзимас натижаларга эришиш учун фаришталарга сиғинадилар. Бундай натижалар ўткинчи, арзимас нарса эканини, унга фақат узокни кўра олмайдиган калтафаҳм одамларгина интилишини англамай, ғофил одамлар шундай натижага эришадилар. Ҳақиқий чуқур тафаккур эгаси - Кришнани англаб етган, ҳамиша ягона Парвардигор Кришна онги билан яшайдиган инсондир. Уни ўткинчи нарсалар умуман қизиқтирмайди, у ҳеч қачон бундай ўткинчи нарсаларга интилиб, ўзи сингари ўлимга маҳкум бўлган фаришталарга сиғиниб юрмайди. Бу оламдаги фариш-

талар охир замон келганда ўзларига сиғиниб юрган одамлари билан биргаликда яқсон бўлишга маҳкум. Одамларнинг фаришталардан оладиган мукофотлари эса вақтинчалик моддий нарсалардир. Моддий олам ва унда яшайдиган барча тирик мавжудотлар, фаришталар ва уларга сиғинадиганлар билан биргаликда, худди денгиз сувининг устидаги пуфакчаларга ўхшайди. Лекин барибир, одамлар бу дунёда худди ақлдан озгандай бойлик, ер, оила ва ҳар хил қулайликларга интилиб, ана шу ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида тиним билмай меҳнат қиладилар. Шу нарсаларга эришиш учун улар фаришталарга ёки жамиятда ҳукмрон бўлиб турган одамларга сиғинадилар. Агар одам бирор сиёсий арбоб олдида лаганбардорлик қилиб сиғиниши эвазига қандайдир вазирлик лавозимини эгалласа, шуни энг катта ютуқ деб билади. Шу боис, одамлар шундай арзимас нарсаларга эришиш ниятида бу оламнинг қудратли зотлари олдида сиғиниб, албатта ўткинчи мақсадларига эришадилар. Ундай одамлар Кришнани англаш илми билан умуман кизиқмайдилар, моддий ҳаёт билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатлардан биратўла, узил-кесил қутулишни истамайдилар. Уларни ҳиссий лаззат келтирадиган турли хил нарсаларнинг жилваси ўзига маҳлиё этади, шуларга интилиб, фаришталар деб аталадиган қудратли зотларга сиғинадилар. Бу шеърдан маълум бўладики, камдан-кам одам Кришнани англаш илмига кизиқади. Одамларнинг аксарият кўпчилигини одатда ўткинчи моддий нарсалар кизиқтиради, шунинг учун улар бу дунёнинг қайсидир бир қудратли зотига сиғинишни афзал биладилар.

13. *чатур-варнийам майа сриштам гуна-карма-вибхагашах  
тасийа картарам апи мам виддхи акартарам авйайам*

***Моддий табиатнинг уч гунаси ҳамда улар билан боғлиқ фаолиятга қараб, Мен жамиятдаги одамларни тўрт табақага бўлиб қўйганман. Лекин билиб қўй, гарчи бу тизимнинг яратувчиси Ўзим бўлсам ҳам, мангу ва ўзгармас бўлган ҳолда, Мен ҳеч қандай фаолиятга дахлдор эмасман.***

Изоҳ: Парвардигор - бутун борликни яратувчи Зот. Ҳамма нарса Ундан чиқади, ҳамма нарсанинг мавжудлигини Унинг Ўзи таъминлаб туради, моддий олам емирилганда ҳамма нарса яна Унинг ўзига қайтиб боради. Демак, жамиятнинг тўрт табақасини яратган ҳам Унинг ўзи. Биринчи табақа - чуқур тафаккурга эга бўлган, ҳаминша эзгулик гунасида юрадиган инсонлар бўлиб улар *браҳманлар* деб аталади. Улардан кейин санскрит тилида *кишатрий* деб аталадиган ҳукмдорлар табақаси бўлиб, улар эҳтирос гунаси таъсири остида яшайдилар. *Вайшьялар* деб аталадиган савдогарлар ва ер эгалари аралаш - эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида яшайдилар. *Шудралар*, яъни ишчи-хунармандлар эса - ғафлат гунаси таъсири остида бўладилар. Гарчи Кришна бу тизимнинг яратувчиси бўлса ҳам, Унинг Ўзи бирор табақага ман-

суб эмас, чунки У моддий оламдаги оддий одамлар сингари шартланган рухларнинг бири эмас. Инсонлар жамияти ҳам, тирик жонзотлар сифатида бир турга мансуб бўлган бошқа ҳайвонлар жамиятидан фарқ қилмайди, аммо жамиятда одамларни ҳайвонлардай ҳаёт кечиришдан юқорироқ поғонага кўтариш учун Парвардигор инсонлар жамиятини юқорида санаб ўтилган тўрт табақага бўлган. Бу табақаларнинг вазифаси - одамларга аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантириш имкониятини беришдан иборат. Одамнинг ҳаётда қандай иш билан машғул бўлишга интилиши - унинг қайси гуна таъсири остида яшаётгани билан аниқланади. Ҳар хил гуналар таъсири остида яшаётган турли хил одамларнинг сифатлари ва белгилари "Бхагавад-Гита"нинг ўн саккизинчи бобида баён этилган. Аммо Кришна онгида бўлган киши ҳатто браҳманлардан ҳам устун туради. Гарчи ҳақиқий браҳманлар жамиятда тутган ўрни, мартабасига мос равишда Браҳман, Олий Мутлак Ҳақиқат ҳақида мукамал илмга эга бўлишлари лозим бўлса ҳам, уларнинг аксарият кўпчилиги ягона Парвардигор Кришнанинг шахсиятсиз кўриниши ҳақидаги тушунчадан юқори кўтарила олмайдилар. Лекин, Парвардигор ҳақидаги илми шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги чекланган илмга қараганда чуқурроқ ва кенгроқ бўлган одам Худонинг Олий Шахсини, Парвардигор Шри Кришнани англаб ета олади ва шу тарзда Кришна онгига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, шундай одам *вайшнава* бўлади. Кришнани англаш - Унинг Рама, Нрисимха, Вараха сингари тўлиқ намён бўлган қиёфаларини ҳам англашни ўз ичига олади. Кришнани англаб етган одам ҳам худди Кришнанинг Ўзи сингари жамиятдаги барча одамлардан, ҳар хил ижтимоий гуруҳ, табақа ёки миллатлардан устун туради.

14. *на мам кармани лимпанти на ме карма-пхале сприха  
ити мам йо "бхиджанати кармабхир на са бадхйате*

***Бирор фаолият Мени булғай олмайди, Мен бирор фаолият натижасига ҳам интилмаيمان. Ким мана шу ҳақиқатни англаб етган бўлса, у ҳам Мен сингари, ҳеч қачон қилган ишларининг оқибатига боғланиб қолмайди.***

Изоҳ: Моддий оламда шундай қонун бор: шоҳ ҳамиша ҳақ; уни давлат қонунлари асосида айблаб бўлмайди. Худди шундай Парвардигор ҳам, гарчи Ўзи бу оламни яратиб қўйган бўлса ҳам, Ўзи ундаги бўлаётган жараёнлар таъсирига берилмайди. Моддий коинотни яратса ҳам, Парвардигор Ўзи ундан четда туради. Шартланган тирик мавжудот эса, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилаётгани сабабли, ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб қолади. Бирор қорхонанинг эгаси қорхона ишчиларининг яхши ёки ёмон ҳаракатлари учун жавоб бермайди - ҳар ким қилган иши учун ўзи жавоб беради. Тирик мавжудотларни моддий фаолият билан машғул бўлишга Парвардигор эмас, уларнинг ҳиссий лаззатланишга бўлган интилиши, нафси



мажбур этади. Ҳиссий лаззатланиш учун кўпроқ имкониятга эришиш мақсадида тирик мавжудотлар бу дунёда оғир меҳнат қиладилар, ўлгандан кейин жаннатда лаззатланишни орзу қиладилар. Аммо, ҳамиша Ўзига тўла бутун бўлган Парвардигорни жаннатдаги лаззатлар қизиқтирмайди. Жаннатдаги фаришталар - Унинг содиқ хизматкорларидир. Ҳақиқий хўжайин ҳеч қачон ўз хизматкорлари интилиб юрган паст даражадаги арзимас лаззатларга интилмайдди. Парвардигор одамларнинг дунёвий фаолиятига аралашмайди, унинг оқибатларига жавоб бермайди. Худди шундай, гарчи ёмғир бўлмаса бирор ўсимлик ўсмайди, лекин ёмғир Ер юзидаги ўсимликларнинг ўсишига бевосита сабабчи бўлолмайди. Смрити-шастрада шундай дейилган:

*нимитта-матрам эвасау сриджйанам сарга-кармани  
прадхана-карани-бхута йато ваи сриджйа-шактайах*

"Парвардигор - моддий оламда мавжуд бўлган ҳамма нарсаларнинг пайдо бўлишининг олий сабабчисидир. Бевосита сабабчи эса - шу коинотларни яратувчи моддий табиатдир".

Тирик мавжудотларнинг ҳар хил турлари мавжуд: фаришталар, одамлар, ҳайвонлар. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг аввал қилган яхши ёки ёмон ишларининг натижаларига боғланиб қолган. Парвардигор эса, уларни фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб, моддий табиат гуналари ёрдамида уларнинг фаолиятини тартибга солиб туради. Аммо Парвардигорнинг Ўзи тирик мавжудотларнинг аввал ёки ҳозирги қилаётган ишларининг бирортасига жавобгар эмас. "Веданта-сутра"да(2.1.14) шундай дейилган: *ваишамйа-наиргхринйе на сапекшиатват* - Парвардигор ҳеч кимга боғланиб қолмаган, У ҳаммага бир хил муносабатда бўлади. Қилаётган ишига ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзи жавоб беради. Парвардигор фақат, Ўзининг ташқи қуввати бўлган моддий табиат орқали уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. *Карма*(фаолият ва унинг оқибатлари) қонунларининг қандай ишлашини яхши билиб олган киши ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб, адашиб қолмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган кишига карма қонунлари таъсир қилмайди. Аксинча Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етмай, Парвардигор ҳам оддий одамларга ўхшаб Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишни истайди, деб ўйлайдиган одамлар қилаётган ишларининг оқибатига боғланмай қололмайдилар. Лекин, олий Ҳақиқатни англаб етган киши, моддий олам тутқунлигидан озод бўлиб, Кришна онгига эга бўлади.

15. *эвам джнатва критам карма пурвайр апи мумукиубхих  
куру кармаива тасмат твам пурвайх пурватарам критам*

**Қадимда барча озод руҳлар Менинг илоҳий табиатим ҳақидаги илмга эга бўлиб, ана шу илм асосида ҳаёт кечирганлар. Сен ҳам**

## **улардан ўрناق олиб, ўз бурчингни бажаришинг керак.**

Изоҳ: Одамларнинг икки тоифаси бор: қалби моддий истаклар билан булганган одамлар, ҳамда қалби моддий истаклардан пок одамлар. Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаш ҳар икки тоифадаги одамларга ҳам саодат келтиради. Моддий иллатга булганган одамлар Худога садоқат билан хизмат қилиш қодаларига амал қилиш орқали аста-секин покланиш учун Кришнани англаш усулидан фойдаланишлари мумкин. Моддий иллатлардан покланган одамлар эса, одатда бошқаларга ўрناق бўлиш, шу билан уларга ҳақиқий бахт-саодат келтириш учун ҳақиқий дин қодаларига амал қилишда давом этадилар. Гофил одамлар, шунингдек Кришнани англаш йўлига энди кирган тажрибасиз кишилар баъзан руҳий юксалишга интилиб, ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этишга ҳаракат қиладилар. Лекин Кришна Аржуннинг жанг қилишдан бош тортиб, риёзат чекиш учун ўрмонга кетиш қарорини маъқулламаяпти. Инсон ҳаётда тўғри яшашни ўрганиш керак. Кришна онги билан қилинадиган фаолиятни бутунлай тарк этишнинг, хилватга бориб, бошқаларга ўзини Худога эришган одамдай қилиб кўрсатиб, риёзатга берилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бундай иккиюзламачиликдан Худога садоқат билан холис хизмат қилиш устун туради. Бу ерда Кришна Аржунга Ўзининг қадимда ўтган Куёш фариштаси Вивасван сингари шогирдлари изидан бориб, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб яшашни насиҳат берапти. Парвардигор Ўзининг аввал қилган ҳамма ишларини, содиқ хизматкорларининг қилган ишларининг ҳаммасини яхши билади.

Шунинг учун У Аржунга, Ўзи бир неча миллион йил олдин Кришна онгида фаолият кўрсатиш усулини ўргатган Куёш фаришtasидан ўрناق олишни маслаҳат берапти. Кришнанинг шундай содиқлари бу ерда "озод руҳлар" деб аталган, чунки уларнинг барчаси ҳаётда Кришна буюрган топшириқларни сўзсиз амалга ошириб яшаганлар.

16. *ким карма ким акармети кавайо “ни атра мохитаҳ  
тат те карма правакийами йадж джнатва мокийасе “шубхат*

***Ҳатто чуқур мулоҳазали инсонлар ҳам фаолият нима-ю, фаолиятсизлик нима эканини аниқлашда қийналиб қоладилар. Ҳозир Мен сенга фаолият кўрсатиш нима эканини тушунтириб бераман. Бу илмни эгаллаб, сен ҳаётда ўзингни барча мусибатлардан асраб қоласан.***

Изоҳ: Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшаш учун аввал ўтган буюк содиқлардан ўрناق олиш керак. Бундай насиҳат ўн бешинчи шеърда берилган эди. Нима учун мустақил ҳолда ҳаракат қилмаслик кераклиги кейинги шеърда тушунтирилади.

Бу бобнинг бошида айтилганидай, Кришна онгидаги фаолият билан рухий устозлар силсиласига мансуб бўлган ишонарли устозлар раҳбарлиги остида шуғулланиш лозим. Кришнани англаш илми биринчи бор Куёш фариштасига ўргатилган эди, Куёш фариштаси уни ўғли Икшвакуга ўргатган. Қадим замонлардан бери Ер юзидаги одамлар бу илохий илмдан шу йўл орқали хабардор бўлиб келяптилар. Аввал ўтган устозлар силсиласида турган буюк ачарйалардан ўрнак олиб яшаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда ҳатто энг билимдон, ақлли киши ҳам ҳаётда қандай қилиб Кришна онги билан яшаш лозимлигини тушуна олмайди. Шунинг учун Аржунга Кришнани англаш илмини Парвардигорнинг шахсан Ўзи ўргатишга қарор қилган. Аржун бу илми бевосита Парвардигорнинг Ўзидан олгани учун, Аржундан ўрнак олиб, унинг изидан бораётган одамлар ҳам ҳеч қачон йўлдан адашмайдилар.

Мукаммал бўлмаган тажриба ўтказишлар йўли билан ҳақиқий дин йўлини топишнинг иложи йўқ. Ҳақиқий дин қонунларини фақат Парвардигорнинг Ўзи ўрнатади. *Дхармам ту сакшад бхагават-нранитам*(Ш.Б. 6.3.19). Мукаммал бўлмаган тафаккурига ишониб, ҳеч бир инсон ўз хоҳиши билан ҳақиқий дин қонунларини ярата олмайди. Шунинг учун бизлар Брахма, Шива, Нарада, Ману, Кумарлар, Капила, Прахлада, Бхишма, Шукадева Госвами, Ямараджа, Джанака ва Махараж Бали сингари буюк содиқлар изидан боришимиз лозим. Инсон қанчалик ақлли, заковатли бўлмасин, ўзи ёлғиз ҳолда ҳақиқий дин нима-ю, ўзликни англашнинг маъноси нима эканини аниқлашга қодир эмас. Шу боис, содиқ хизматкорларига чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигорнинг Ўзи Аржунга фаолият нима, фаолиятсизлик нима эканини гапириб берапти, фақат Кришна онгида фаолият кўрсатиб яшаш шарофати билан инсон моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олади.

*17. кармано хй апи боддхавйам боддхавйам ча викарманаш  
акарманаш ча боддхавйам гахана кармано гатиҳ*

***Турли-туман фаолиятнинг чигал тугунини тушуниш жуда мушкул. Шу боис фаолият нима, таъқиқланган фаолият нима ва фаолиятсизлик нима эканини яхши билиб олиш керак.***

Изоҳ: Моддий олам тутқунлигидан рухий озодликка чиқишга жиддий интилаётган киши муқаддас бурч бўлган фаолият, фаолиятсизлик ва таъқиқланган фаолият орасидаги фарқни яхши тушуниб олиши керак. У фаолият ва унинг оқибатининг табиатини, шунингдек таъқиқланган фаолиятнинг табиатини жиддий таҳлил қилиб, чуқур ўрганиши керак, чунки бу жуда қийин масала. Кришнани англаш илмини ўрганиш ва фаолиятнинг ҳар хил турларини бири-биридан ажрата билиш учун инсон аввало Парвардигор билан ўзининг ўзаро муносабатларини англаб олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, мукаммал илмга эга бўлган одам ҳар бир тирик мавжудот аслида Парвардигорнинг

мангу хизматкори эканини, Кришна онгида ҳаракат қилиш - ҳар кимнинг бурчи эканини тушунади. "Бхагавад-Гита" таълимоти бизни ана шундай ҳулосага олиб келади. Мана шу ҳақиқатга зид бўлган ҳар қандай далил ва ҳулосалар, уларга асосланган амаллар - *викарма*, таъқиқланган фаолият, яъни "гуноҳ ишлар" тоифасига киради. Фаолиятнинг барча турларининг сирларини ўргатишга кодир бўлган, ўзи ҳамиша Кришна онги билан яшаётган ишонарли руҳий устоз билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида буларнинг ҳаммасини тушуниб олиш мумкин. Бу илмни шундай ҳақиқий устозлардан ўрганиш - уни Парвардигорнинг бевосита Ўзидан ўрганиш билан баробар. Акс ҳолда ҳатто энг ақлли одам ҳам ҳаётда адашиб, алданиб қолади.

18. *карманй акарма йаҳ пашйед акармани ча карма йаҳ са буддхиман манушийешу са йуктаҳ критсна-карма-крит*

***Фаолиятда фаолиятсизликни ва фаолиятсизликда фаолиятни кўра билган киши одамлар орасида энг зукко донишманд инсон ҳисобланади ва ҳар хил фаолият билан банд бўлиб юрганига қарамай, у илоҳий поғонага кўтарилган инсон ҳисобланади.***

Изоҳ: Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган киши табиий равишда ўзининг аввалги фаолиятининг барча оқибатларидан халос бўлади. Унинг ҳар бир ҳаракати Кришнага бағишланган бўлади, шунинг учун у ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланмайди, қилмишлари оқибатида азоб ҳам чекмайди. Шу сабабли уни одамлар орасида энг заковатли донишманд деб атайдилар. Гарчи ҳар турли ишлар билан машғул бўлиб юрган бўлса ҳам, у ҳар бир ишини Кришна учун қилади. *Акарма* - карма оқибатларини келтириб чиқармайдиган фаолият. Фаолиятининг оқибати ўзининг руҳий юксалишига тўсқинлик қилишидан қўрқиб, имперсоналистлар ҳар қандай фаолиятни инкор этадилар, аксинча персоналистлар эса, ўзини Худонинг мангу хизматкори деб билиб, ўзининг ҳақиқий ҳолатини, ҳаётда ўз ўрнини тўғри тушунадилар. Шунинг учун улар ҳамиша Кришна онгида, яъни Худонинг хоҳиш-иродасига мос бўлган фаолият билан машғул бўладилар. Қилаётган ҳар бир иши Худога бағишлангани сабабли улар ўз фаолиятдан ҳамиша руҳий лаззат олиб юрадилар. Ундай одамлар ҳиссий лаззатланишга интилмайдилар. Улар аслида Кришнанинг мангу хизматкори эканини англайдилар, шунинг учун уларнинг қилаётган бирор иши уларга карма, оқибат келтирмайди.

19. *йасйа сарве самарамбхаҳ кама-санкалпа-варджитаҳ джнанагни-дагдха-карманам там ахуҳ пандитам будхаҳ*

***Ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилмасдан фаолият кўрсатиб юрган киши ҳақиқий илмга тўлиқ эга бўлган ин-***

***сондир. Донишмандлар шундай инсон тўғрисида "унинг қилган ишларининг барча оқибатлари мукамал илм оловида ёниб кетган" деб айтадилар.***

Изоҳ: Фақат мукамал илмга эга бўлган одамгина қалбида Кришна онгини ривожлантирган одамнинг қилаётган ишларини тушуна олади. Кришна онгига эга бўлган одам ҳиссий лаззатланишга интилмагани сабабли, у тўғрисида донишмандлар: "у ўз фаолиятининг барча оқибатларини мукамал илм оловида ёқиб юборган" деб айтадилар. Мукамал илм - аслида инсон, тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра Худонинг мангу хизматкори экани ҳақидаги илмдир. Ана шу буюк ҳақиқатни тушуниб етган одамгина ҳақиқий илмга эга инсон бўлади. Бу илм худди авж олиб, барча қилмишларимиз оқибатини ёқиб кул қилиб юборадиган оловга ўхшайди.

*20. тйактва карма-пхаласангам нитйа-трипто нираширайах  
карманй абхиправритто "ни наива кинчит кароти сах*

***Гарчи бетиним меҳнат қилиб юрган бўлса ҳам, ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан, ҳаётдан ҳамиша мамнун бўлиб, эркин, мустақил ҳаёт кечирар экан, у (карма)оқибат келтирадиган бирор иш қилмайди.***

Изоҳ: Ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган ва ўзининг барча ишларини Худога бағишлаган одамгина кармали фаолият чангалидан қутула олади. Кришна онги билан яшаётган киши қалбидаги пок муҳаббати туфайли Худога холис хизмат қилади, шу боис у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмаган. У ҳатто ўз танасининг эҳтиёжларини қондиришга ҳам боғланиб қолмаган, чунки у ҳар бир ишда фақат Кришнага таваккал қилади. Шундай одам бирор нарсага эга бўлишга ёки ўзининг бирор бойлигини сақлаб қолишга интилмайди. У ҳаётда ўз бурчини иложи борича виждонан бажаришга ҳаракат қилади, қолган ҳамма нарсада эса Худога таваккал қилиб яшайди. Дунёвий боғланишлардан озод бўлган шундай одамнинг фаолияти, гўё у ҳеч қачон бирор иш қилмагандай, унга ҳеч қандай яхши ёки ёмон оқибат келтирмайди. Шундай фаолият *акарма* деб аталади, бу - карма оқибатларига эга бўлмаган фаолиятдир. Аксинча, Кришна онгида бажарилмаган ҳар қандай фаолият ўзининг оқибатлари билан инсонни бу дунёга боғлаб қўяди, аввал айтганимиздай бундай фаолият *викарма*, яъни *гуноҳ* ишлар тоифасига киради.

*21. нирашир йата-читтатма тйакта-сарва-париграхах  
ширирам кевалам карма курван напноти килбишам*

***Шундай донишманд инсон ақл ва тафаккурини жиловлаб олган***

***бўлади, ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди. У танасининг фақат энг зарур эҳтиёжларини қондиришб яшайди. Шу тарзда кун кечирар экан, у ҳеч қачон бирор гуноҳ иш қилмайди.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ўз фаолиятдан на яхши, на ёмон натижалар кутиб ўтирмайди. У ўзининг ақли ва тафаккурини тўла жиловлаб олган бўлади. У биладикки, Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси сифатида тўла бутун Зотнинг бир қисми бўлгани сабабли ҳаётда ўзи мустақил ҳолда эмас, балки фақат Парвардигорнинг қўлидаги қурол бўлиб ҳаракат қилади. Масалан, қўл ўзидан-ўзи эмас, булки бутун тананинг хоҳиш-иродаси билан ҳаракат қилади. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган одам ҳам, ҳамиша Худонинг хоҳиш иродасига бўйсуниб ҳаракат қилади, чунки бутуннинг бир бўлаги бўлгани сабабли у ўз ҳаётида Худодан ажралган ҳолда, алоҳида лаззатланишни истамайди. Унинг ҳаракатлари машинага тегишли кичкина деталнинг ҳаракатига ўхшайди. Детал бутун машина таркибида ҳамиша ишга яроқли бўлиб, ўз вазифасини бажара олиши учун уни мойлаб, тозалаб турадилар. Кришнани англаб етган одам ҳам ҳаётда фақат Худога муҳаббат билан холис хизмат қилишга яроқли бўлиш учунгина ўз танасининг эҳтиёжларини етарлича қондиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун унинг бу ҳаракатлари карма оқибатларига олиб келмайди. Худди уй ҳайвони сингари, ундай одам ҳатто танасини ҳам ўзиники деб билмайди. Золим хўжайин уйдаги ҳайвонни ўлдириши ҳам мумкин, итоаткор, садоқатли ҳайвон эса бунга ҳеч қаршилик қилмасдан танасини тарк этади. Бунинг устига уй ҳайвони ҳеч қачон ўзи истаган ишни қилолмайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳаётда бутунлай руҳий фаолият билан машғул бўлади, ортиқча моддий нарсалар учун меҳнат қилишга унинг вақти ҳам бўлмайди. Жонини танасида сақлаб туриш учун, унинг ҳар хил нопок йўллар билан пул ишлаб топишининг ҳам ҳожати йўқ. Шу сабабли у ўз ҳаётини жирканч, оқибати ёмон бўлган гуноҳ ишлар билан булғамайди, қилаётган ишлари унга ҳеч қандай кармали оқибат келтирмайди.

*22. йадриччха-лабха-сантушто двандватито виматсараҳ  
самаҳ сиддхав асиддхау ча критвати на нибадхйате*

***Ўзидан-ўзи келадиган нарсалар билан қаноатланиб яшайдиган, ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган, бу дунёда қарама-қаршиликларнинг намоян бўлган ҳар хил кўринишларига эътибор бермайдиган ҳамда муваффақият ва омадсизликларни бирдай қабул қиладиган киши қандайдир фаолият кўрсатар экан, ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатига қўл бўлиб қолмайди.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ҳатто танасининг эҳтиёжларини қондиришга ҳам унчалик эътибор бермайди. У ўзидан-ўзи келадиган нарса-

лар билангина қаноатланиб яшайди. У ҳеч қачон бировдан қарз ёки ёрдам сўрамайди, ёки тиланчилик қилмайди, лекин имконияти ва қудрати етгунча ҳалол меҳнат қилади, ҳалол меҳнати билан топган нарсаларига қаноат қилиб эркин яшайди. Шунинг учун у ҳаётда ҳеч кимга қарам эмас. Агар Кришна онгида яшашга, яъни Худога хизмат қилишга ҳалақит берадиган бўлса, у бирор одамнинг хизматини қилмайди. Лекин Худога хизмат қилиш йўлида у иссиқ-совуқ, бахт-мусибат сингари бу дунёдаги ҳар хил қарама-қаршиликларга эътибор бермасдан, ҳар қандай ишни бажаришдан бош тортмайди. Кришна онгига эга бўлган киши моддий оламнинг қарама-қаршиликларидан устун туради, чунки у Кришнани мамнун қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай ишни бажаришга тайёр бўлади. Шу боис у муваффақиятни ҳам, омадсизликни ҳам бирдай қабул қилади. Шундай сифатлари кишининг Кришна онги билан яшаётганидан далолат беради.

*23. гата-сангасйа муктасйа джнанавастхита-четасах  
йаджнайачаратах карма самаграм правилйате*

***Моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай озод бўлган, ҳамиша руҳий илм асосида ҳаракат қиладиган, фақат Мен учун меҳнат қилиб юрган кишининг бутун фаолияти руҳий табиатга эга бўлади, унинг барча оқибатлари Мутлақ Ҳақиқатга сингиб кетади.***

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши ҳаётда қарама-қаршиликларнинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишларидан юқори кўтарилиб, моддий табиат гуналарининг иллатли таъсири доирасидан ташқарида бўлади. Шундай одам озодликка эришади, чунки у ўзининг руҳий табиатини, Кришна билан ўзаро муносабатини англаб етади, шу сабабли унинг ақли ҳамиша Кришна онгига фарқ бўлиб юради. Натижада унинг қилаётган ҳар бир иши ягона Парвардигорга, азалий Вишнуга, яъни Кришнага бағишланган бўлади.

Шундай одамнинг қилаётган ҳар бир иши “қурбонлик” деб ҳисобланади, чунки ҳар қандай қурбонлик маросимининг мақсади - Худонинг Олий Шахсини, Вишнуну яъни Кришнани мамнун қилишдан иборат. Бундай фаолиятнинг оқибатлари бутунлай Мутлақ Ҳақиқатга сингиб кетади ва кишига ҳеч қандай моддий мусибат келтирмайди.

*24. Браҳмарпанам Браҳма хавир Браҳмагнау Браҳмана хутам  
Браҳмайва тена гантавйам Браҳма-карма-самадхина*

***Ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга фарқ бўлиб юрган киши албатта илоҳий салтанатга эришади, чунки у ўзини бутунлай руҳий фаолиятга бағишлаган бўлади. Руҳий фаолиятда эса ҳамма нарса -***

## **қурбонлик олови ҳам, эҳсон қилинадиган нарсалар ҳам - Мутлақ Ҳақиқат сингари илоҳий табиатга эга бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна онги билан қилинган фаолият қандай қилиб инсонни руҳий баркамолликка олиб келиши айтилган. Кришна онгида кўрсатиладиган фаолиятнинг турлари кўп, улар кейинги шеърларда келтирилади. Бу ерда Кришна онгидаги фаолиятнинг қоидаси таърифланган. Моддий унсурлар билан аралашган шартланган рух моддий оламда ҳам фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Лекин, у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши лозим. Бунга Кришнани англаш усули ёрдамида эришиш мумкин. Кўпроқ сут ичиб, ошқозони касалланган беморни сутдан қилинган дори, яъни қатиқ билан даволайдилар. Худди шундай, моддий фаолиятга боғланиб бу дунёда тутқун бўлиб қолган шартланган руҳни ҳам "Бҳагавад-Гита"да кўрсатилган Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб(яъни, фаолият касалини фаолият билан) даволаш мумкин. Бу усулни одатда *яғйа*(қурбонлик маросими) деб атайдилар. Ягона мақсади Худони, Кришнани мамнун қилиш бўлган ҳар қандай фаолият қурбонлик маросими ҳисобланади. Моддий оламда қанча кўп одам Худони, Вишнуни рози қилиш учун ҳаракат қилиб яшаса, яъни қанча кўп одам Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлса, уларнинг Кришна онги билан яшаётгани шарофати билан бутун жаҳондаги одамларнинг яшаш шароити ҳам шунчалик юқори поғонага, руҳий даражага кўтарилади.

*Брахма*(Брахман) ибораси"руҳий" деган маънони англатади. Парвардигор руҳий табиатга эга, шунинг учун Унинг илоҳий танасидан чиқаётган ёғду - *Брахма-жйоти*, Унинг "руҳий ёғдуси" деб аталади. Бутун борлик ана шу Браҳмажйотида жойлашган, *майа*(алданиш), яъни ҳиссий лаззатланиш истиғи(эҳтирос) билан қопланиб қолган ана шу *жйоти* - "моддий табиат" деб аталади. Бу моддий қобикни Кришнани англаш усули ёрдамида бутунлай тарқатиб юбориш мумкин. Кришнани англаш оловига эҳсон қилинган ҳар бир нарса - қурбонлик оловининг ўзи ҳам, қурбонлик қабул қилувчи зот ҳам, қабул қилиш жараёни ҳам, қурбонлик, яъни эҳсон қилган киши ҳам, бу ишларнинг натижаси ҳам - барчаси биргаликда Браҳман, ёки Мутлақ Ҳақиқат ҳисобланади. *Майа* билан қопланган Мутлақ Ҳақиқат "модда" деб аталади. Лекин, азалий Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилиш учун ишлатилаётган моддий нарса ўзининг азалий руҳий ҳолатига қайтади. Кришнани англаш усули, Кришна онгидаги фаолият - "адамчи онгни Браҳманга, Мутлақ Ҳақиқатга айлантририш" усулидир. Бутунлай Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлган ақл *самадхи*, транс ҳолатида бўлади. Ана шундай руҳий онг билан қилинган ҳар қандай фаолият - *яғйа*, яъни Мутлақ Ҳақиқатни мамнун қилиш учун ўтказилган "қурбонлик маросими" деб аталади. Руҳий онг шарофати билан эҳсон қилувчи ҳам, эҳсоннинг ўзи ҳам, эҳсонни қабул қилаётган руҳоний ёки маросим ўтказётган одам ҳам, шунингдек қурбонлик маросимининг натижаси ҳам - ҳаммаси Мутлақ Ҳақиқат, Олий Браҳман билан бир хил руҳий табиатга эга бўлиб кетади. Кришнани англаш усулининг моҳияти



шундан иборат.

25. *дайвам эвапаре йаджнам йогинаҳ парйупасате*  
*Брахмагнав апаре йаджнам йаджненайвопаджухвати*

***Баъзи йоглар маъбудлар шарафига ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиб, уларга сиғинадилар, бошқалари эса, Олий Браҳман оловига қурбонлик эҳсон қиладилар.***

Изоҳ: Бутунлай Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган кишини “комил сеҳргар йог” деб аташ мумкин. Лекин, бошқа тоифадаги йоглар ҳам бор: фаришталарга қурбонлик эҳсон қилиб сиғинадиганлар ҳам, Олий Браҳманга, Парвардигорнинг шахсиятсиз кўринишига қурбонлик қиладиганлар ҳам бор. Шундай қилиб, қурбонлик маросимининг ҳар хил одамларга мўлжалланган турли кўринишлари мавжуд. Одамларнинг қандай қурбонлик маросими ўтказатганига қараб қурбонлик маросимларининг ҳар хил турларга бўлиниши юзаки бўлиниш ҳисобланади чунки, аслида қурбонлик маросими - *Яғиа* деб аталадиган ягона Парвардигорни, Вишнуни мамнун қилиш мақсадида бажариладиган фаолиятдир. Барча қурбонлик маросимларини икки тоифага бўлиш мумкин: 1) моддий нарсаларни қурбон қилиш маросими, 2) руҳий илмга эга бўлиш ниятида қилинадиган қурбонлик маросими. Кришна онгига эга бўлган одамлар ўзларининг моддий нарсаларини Худога қурбон қиладилар, ўткинчи моддий нарсаларга эришишга интилаётган одамлар эса, фаришталарни - Индрани, Куёш фариштасини ва шунга ўхшаган бошқа фаришталарни мамнун қилиш учун қурбонлик қиладилар. Фаришталар - қудратли тирик мавжудотлар бўлиб, Парвардигор уларга моддий оламни иссиқлик, ёруғлик, сув ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаб, уларни назорат қилиб, бошқариб туриш вазифасини юклаб қўйган. Моддий фаровонликка интилиб юрган одамлар Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан фаришталарга сиғинадилар. Шундай одамларни *баху-ишвара-вада*, яъни "кўп худоларнинг мавжудлигига ишонадиган одам" деб атайдилар. Яна бир тоифа одамлар - Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши бўлган Браҳманга сиғинадилар ва “фаришталар вақтинча мавжуд бўлган жонзотлардир” деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг шахс сифатини Мутлақ Ҳақиқат оловига қурбон қиладилар, Парвардигорнинг руҳий борлиғига сингиб кетиб, алоҳида шахс сифатида ҳар қандай фаолиятни тарк этадилар. Шундай имперсоналистлар Парвардигорнинг руҳий табиатини англаб етиш ниятида ўз вақтини фалсафий изланишларга қурбон қиладилар. Шундай қилиб, кармилар дунёвий лаззат келтирувчи нарсаларга интилиб ўзларининг моддий нарсаларини қурбон қиладилар, имперсоналистлар эса Худонинг борлиғига қўшилиб кетиш учун ўзларининг сохта ўзлигини қурбон қиладилар. Имперсоналист учун қурбонлик эҳроми - Олий Браҳман, қурбон қилинадиган эҳсон эса - Браҳман оловида ёниб кетадиган ўзининг алоҳида

шахс сифатидир. Лекин, Аржун сингари Кришнани англаб етган инсон Кришнани мамнун қилиш учун ҳамма нарсасини қурбон қилади. Натижада унинг моддий мулки ҳам, унинг ўзи ҳам - ҳамма нарса Кришна учун эҳсон сифатида қурбон қилинади. Худонинг содиқ хизматкори шу тарзда ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаган ҳолда комил йог бўлади.

*26. шротрадиндрийани аниё самйамагнису джухвати  
шабдадин вишайан аниа индрийагнису джухвати*

***Бировлар(намунали Браҳмачарийлар) эшитиш ва бошқа сезгиларини ақлни жиловлаш оловига қурбон қиладилар, бошқалар(Худонинг қонунлари асосида оилавий турмуш кечираётган грихастхалар) эса, товуш ва бошқа сезиладиган нарсаларни сезгилар оловига қурбон қиладилар.***

Изоҳ: Жамиятдаги барча тўрт ашрам вакиллари: Браҳмачарилар, грихастхалар, ванапрастхалар ва саннийасилар комил йог даражасига кўтарилишлари лозим. Тирик мавжудотга инсон танаси ҳайвонларга ўхшаб фақат ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш учун ато этилган эмас. Шунинг учун барча тирик мавжудотлар орасида фақат инсонлар жамияти ҳар бир инсонни руҳий юксалиш йўлида камолотга эриштириш мақсадида тўрт ижтимоий табақа(*ашрам*)га, инсон ҳаёти эса - тўрт руҳий юксалиш поғонасига бўлинган. Ҳақиқий руҳий устознинг насиҳатларига амал қилиб юрган шогирд ёки Браҳмачарилар ҳиссий лаззатлардан ўзини тийиб, ақлини жиловлашни ўрганадилар. Браҳмачарилар фақат Кришна онги билан боғлиқ нарсаларнигина тинглайдилар. Тинглаш жараёни Ҳақиқатни англашнинг асосини ташкил қилади, шу боис ҳақиқий *Браҳмачари* ҳамиша *харер наману киртанам* билан машғул: у бошқаларнинг Худони шарафлашларини тинглайди, ўзи ҳам Худони шарафлаб куйлайди. У ўзини моддий товушлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб яшайди, шу боис унинг қулоғи фақат илоҳий товушларни тинглаш билан банд: *Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре*. Худди шунингдек, ҳиссий лаззатланишга бўлган эҳтиёжларини маълум даражада кондириш рухсат этилган *грихастхалар* ҳам ҳаётда фақат шастраларнинг қонун-қоидаларига катъий амал қилган ҳолдагина лаззатланадилар. Жинсий алоқага, маст қилувчи ичимликларга ва гўшт ейишга интилиш жуда кўп одамларга хос бўлган табиий хусусият, лекин шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб юрган киши ўзининг шундай интилишларини Худонинг қонун-қоидалари билан чеклаб қўяди. Айнан шунинг учун ҳам, ҳар бир маданиятли жамиятда диний қонунларга асосланган никоҳ маросими мавжуд, никоҳнинг вазифаси - жинсий ҳаётни Худонинг қонун-қоидалари асосида чеклашдан иборат. Ана шу қонун-қоидаларга риоя қилиб, чекланган жинсий ҳаёт билан яшаб юрган, унга боғланиб қолмаган киши ҳаётда қурбонлик маросими ўтказиб яшаётган

бўлади: у юксакроқ мақсад, рухий юксалиш йўлида ўзининг ҳиссий лаззатга интилишини қурбон қилган бўлади.

*27. сарваниндрийа-кармани прана-кармани чапаре  
атма-самйама-йогагнау джухвати гйана-дипите*

***Ақли ва ҳиссийтини жиловлаш йўли билан ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини англашга интилаётган кишилар эса, барча сезги аъзоларининг фаолиятини ҳам, ҳаёт нафасини ҳам жиловланган ақли оловига қурбон қиладилар.***

Изоҳ: Бу ерда Патанжали яратган йога тизими ҳақида гап борапти. Унинг "Йога-сутра"сида алоҳида рух, яъни жон *пратйаг-атма* ва *параг-атма* деб аталган. Ҳиссий лаззатга интилаётган рух *параг-атма* деб аталади. Лекин рух, ўткинчи ҳиссий лаззатларга лоқайд, бепарво бўлиб қолганида - *пратйаг-атма* деб аталади. Рухни танада ўн турли ҳаво оқими ушлаб туради. Нафас олиш жараёнини бошқаришни ўрганиб, буни яққол ҳис қилиш мумкин. Патанжалининг йога тизими одамга танадаги ҳаво оқимларини бошқариш усулларини ўргатади. Ана шу усуллар ёрдамида рух моддий боғланишлардан халос бўлиши мумкин. Бу йога тизимида охириги мақсад - *пратйаг-атма*, яъни рухнинг моддий фаолиятни бутунлай тарк этиш даражасидир. Сезги аъзолари ҳамини сезиладиган нарсалар билан ўзаро муносабатда бўлади: кулоқ - товушларни эшитида, кўз - нарсаларни кўради, бурун - хидларни хидлайди, тил - турли неъматларнинг мазасини тотади, қўл - нарсаларни ушлайди. Шундай қилиб, ҳар бир сезги аъзоси рух билан умуман боғлиқ бўлмаган қандайдир фаолият билан машғул. Бу ишларнинг барчаси - *прана-ваю* деб аталади. *Апана-ваю* - пастга қараб ҳаракат қилади, *вйана-ваю* - қисилиш ва кенгайиш вазифаларини бажаради, *самана-ваю* - мувозанатни сақлаб туради, *удана-ваю* эса юқорига интилади. Мана шу йога усулини ўрганиб олган киши танасидаги ҳаво оқимларидан ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини англаб олиш йўлида фойдаланади.

*28. дравйа-йаджнас тапо-йаджна йога-йаджнас татхапаре  
свадхйайа-джнана-йаджнаш ча йатайах самшита-вратах*

***Бировлар мол-мулкани қурбон қилиш орқали, бошқалар риёзат чекиш, саккиз погонали сеҳрли-йога билан шуғулланиш ёки руҳий илм ўрганиш учун Ведаларни ўрганиш орқали руҳий юксалишга эришадилар. Уларнинг барчаси муқаддас қасамларига қатъий риоя қиладилар.***

Изоҳ: Қурбонлик маросимларини бир неча тоифага бўлиш мумкин. Бировлар хайрли ишлар билан шуғулланиб, мол-мулкани эзгу ишларга қурбон

киладилар. Ҳиндистонда бадавлат савдогарлар, шоҳ хонадонига мансуб обрӯли кишилар ҳар хил хайрия муассасаларини очиб қўйганлар: *дхармашала, анна-киштра, атитхи-шала, анатхалайя, видйя-питха*. (мос равишда: зиёратчилар учун меҳмонхона, текин таом тарқатиш жойи, ётоқхона, етимлар уйи, мактаб). Бошқа давлатларда ҳам бепул овқат ва таълим берадиган жуда кўп касалхоналар, қариялар уйи ва бошқа кўплаган хайрия муассасалари бор. Ана шундай хайрия фаолиятлар *дравьямайя-ягйя* деб аталади.

Шунингдек, кейинги ҳаётида яхшироқ яшаш шароитига эришиш ниятида, масалан, жаннатий сайёраларга эришиш учун *чандраяна* ва *чатурмасйя* сингари қаттиқ риёзатларга бериладиган одамлар ҳам бор. Масалан, *чатурмасья* қондаси билан риёзат чекишга қасам ичган киши йилнинг тўрт ойи мобайнида соч-соқолини олмаслиги, баъзи бир таом турларини емаслиги, кунига бир марта овқатланиши, уйдан ташқарига чиқмаслиги керак. Турмушдаги мавжуд қулайликлардан ўз хоҳиши билан воз кечган одам *тапомайя-ягья* маросимини ўтказган бўлади. Бошқа тоифадаги одамлар ҳар хил сеҳрли йога турлари билан шуғулланадилар: Мутлақ Ҳақиқатнинг руҳий борлигига ғарқ бўлиш учун Патанжали йога тизими билан, баъзи бир сеҳр қудратига эга бўлиш имконини берадиган *хатха-йога* билан ёки *аштанга-йога* билан шуғулланадилар. Кимлардир мунтазам равишда муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб юрадилар. Ана шундай фаолият турлари *йога-йагйя*, яъни "моддий ҳаётда ҳар хил мукамалликларга эришиш учун қилинадиган қурбонлик маросимлари" деб ном олган. Баъзи бировлар Ведаларни, асосан Упанишадалар ва "Веданта-сутра"ни ўрганадилар ёки *санкхья* фалсафасини ўрганадилар. Фаолиятнинг ана шундай турлари *свадхйайя-йога*, яъни "муқаддас китобларни ўрганишдан иборат қурбонлик маросими" деб аталади.

Бу йогларнинг барчаси мавжудликнинг юқорироқ даражасига кўтарилиш ниятида қаттиқ риёзат чекиб ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказадилар. Лекин Кришнани англаш жараёнида кўрсатиладиган руҳий фаолият жуда ажойиб, чунки у инсонга бирданига энг олий руҳий фаолият билан машғул бўлиш, яъни Худо Шахсига, ягона Парвардигорга бевосита хизмат қилиш имконини беради. Юқорида кўрсатилган қурбонлик маросимларининг бирортаси инсонга Кришна онгига эга бўлиш, Худони англаб олиш имконини беролмайди - бунга фақат Худонинг ва Унинг соф содиқларининг марҳамати билан эришиш мумкин. Демак, Кришнани англаш усулидаги фаолият ўзликни англашнинг бошқа барча усулларида устун туради.

29. *апане джухвати пранам пране "панам татханапе  
пранана-гати руддхва пранайама-парайанах  
апане нийатахарах пранам пранешу джухвати.*

***Бировлар илоҳий жазават(транс) ҳолатига эришиш учун чиқарётган нафасини олаётган нафасига, олаётган нафасини эса***

**чиқарётган нафасига қурбон қилиб, нафас олиш жараёнини бошқаришни ўрганадилар; охир-оқибатда улар нафас олишни бутунлай тарк этиб транс(жазава) ҳолатига гарқ бўладилар. Бошқа бировлар овқат ейишни чеклаб, чиқарётган нафасини унинг ўзига қурбон қиладилар.**

Изоҳ: Нафас олишни бошқариш имкониятини берадиган йога усули *пранаяма* деб аталади: йоганинг бу тури билан ҳар хил ўтириш ҳолатларини ўрганиб олгандан сўнг, *хатха-йога* поғонасида шуғуллана бошлайдилар. Одамлар ўз ҳиссиётини жиловлаш, руҳий табиатини англаб олиш мақсадида йоганинг мана шу усуллари билан шуғулланадилар. *Пранаяма-йога* усули билан шуғулланиш инсонга танасидаги ҳаво оқимларининг йўналишини ўзгартириб, уларни бошқариш имконини беради. *Апана* - пастга йўналган ҳаво оқими, *прана* - юқорига кўтарилаётган ҳаво оқими. *пранаяма* билан шуғулланаётган йог то шу оқимлар мувозанат ҳолати(*пурака*)га келгунча, ҳаво оқимларини қарама-қарши томонга ўзгартириб, уларни бошқаришни ўрганади. Чиқаётган ҳавони кираётган ҳавога қурбон қилиш *речака* деб аталади. Икки оқимдаги ҳаво ҳам ҳаракатдан тўхтаганида йог *кумбхака-йога* ҳолатига эришади. *Кумбхака-йога* билан шуғулланиш инсонга руҳий ўзлигини англашда ёрдам бериб, унинг умрини узайтиради. Фаросатли йог кейинги ҳаётини кутиб ўтирмасдан, ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ руҳий юксалишда камолотга эришишга интилади, *кумбхака-йога* билан шуғулланиб у умрини анча узайтириш имкониятига эга бўлади. Лекин, Кришна онгига эга бўлган, ҳамиша илоҳий муҳаббат билан Худога холис хизмат қилиб юрган киши бирор қўшимча ҳаракат қилиб юрмасданок ўзининг бутун ҳиссиётини жиловлаб олган бўлади. Ҳамиша Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлгани боис унинг ҳиссиёти бошқа қандайдир фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум. Умрининг охирида содиқ Худонинг даргоҳига эришадди, шу сабабли унга умрини узайтириб юришнинг ҳам ҳожати йўқ. "Бҳагавад-Гита"да айтилганидай, у дарров озодликка эришади:(14.26)

*мам ча йо "вйабхичарена бҳакти-йогена севате  
са гунан саматитйаитан Брахма-бхуйайа калпате*

"Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам моддий табиат гуналарини ҳукмронлигидан озод бўлиб, дарров руҳий поғонага кўтарилади".

Ҳаётда Кришна онги билан яшаётган киши аллақачон руҳий поғонага эришган инсондир. У ҳамма вақт Кришна онгида юради ва ҳеч қачон бу ҳолатдан чиқиб кетмайди, умрининг охирида эса дарҳол Худонинг даргоҳига эришади.

Агар одам ҳамиша *кришна-прасад* - аввал Кришнага тақлиф этилган табаррук таомдан еб юрса, у ўзидан-ўзи кам овқат ейдиган бўлиб қолади. Овқатланишни камайтириш ҳиссиётни жиловлаб олишга ёрдам беради:

ҳиссиётини жиловлай олмаган инсон ҳеч қачон моддий олам тутқунлигидан халос бўлолмайди.

30. сарве “ни эте йағйа-видо йаджна-кшапита-калмашаҳ  
йаджна-шиштамрита-бхуджо йанти Браҳма санатанам

***Мана шу қурбонликларнинг асл мақсадини биладиган бу инсонларнинг ҳар бири гуноҳлари оқибатидан покланадилар ва қурбонликнинг лаззатли таъмидан татиб, мангу руҳий даргоҳга эришадилар.***

Изоҳ: Юқорида кўрсатилгандай моддий бойликларни қурбон қилиш, Ведаларни ёки фалсафий таълимотларни ўрганиш ва йога билан шуғулланиш каби фаолиятлардан иборат ҳар хил қурбонлик маросимлари шундан далолат берадики, барча қурбонлик маросимлари ягона мақсадда - ҳиссиётни жиловлаб олиш учун ўтказилади. Ҳиссий лаззатланишга интилиш - тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишининг асосий сабабидир, шунинг учун то инсон дунёвий лаззатларга интилишни тарк этмас экан, у ҳеч қачон мукамал илмга, чексиз лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сураётган илоҳий даргоҳга эриша олмайди. Ана шу мангу даргоҳ Браҳманнинг салтанати, Худонинг мангу даргоҳидир. Юқорида кўрсатилган барча қурбонлик маросимлари инсонга моддий оламда қилган гуноҳлари оқибатидан покланишга ёрдам беради. Қурбонлик маросими ўтказиб юрган одам ҳозирги ҳаётида бойлик ва бахтга эришибгина қолмасдан, охир-оқибатда Худонинг мангу даргоҳига эришади: шахсиятсиз Браҳман борлиғига сингиб кетади ёки мангу руҳий сайёраларда Худонинг Олий Шаҳси, Қришна билан бевосита мулоқот қилиш имконига эришади.

31. найам локо “сти айаджнасия кутто “ниаҳ куру-саттама

***Эй Қурулар аълоси, қурбонлик эҳсон қилмайдиган киши ҳеч қачон бу сайёрадаги ҳозирги ҳаётида бахтга эриша олмайди. Шундай экан, унинг кейинги ҳаёти ҳақида нима дейиш мумкин?***

Изоҳ: Ҳаётнинг қандай шаклида яшашидан қатъий назар тирик мавжудот моддий оламда ўзининг ҳақиқий руҳий табиатидан беҳабар ҳолда, ҳамиша ғофил бўлиб қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, бу дунёда тутқун бўлиб қолишимизнинг асосий сабабчиси - қилган сон-саноксиз гуноҳларимизнинг ҳар хил оқибатларидир. Гуноҳлар эса ғофиллик туфайли содир бўлади. Гуноҳ ишлар қилиб юрганemiz сабабли биз моддий оламда тутқун бўлиб қоламиз. Инсон танасидаги ҳаёт бизга мана шу тутқунликдан қутулиб кетиш учун берилган ягона имконият ҳисобланади. Ведавий муқаддас китоблар бизга моддий асирликдан қутулиб кетиш йўлларини ўргатади: улар диний маросим-

ларни қандай ўтказиш, тирикчилик учун қандай йўл билан ҳалол пул топиш кераклигини ўргатади, моддий лаззатларни чеклаб қўяди, моддий мусибатлардан биратўла қутулиш имконини берадиган усулни кўрсатадилар. Ҳақиқий дин қонунларига риоя қилиб яшаш билан, яъни юқорида айтилган қурбонлик маросимларини ўтказиб юриш ёрдамида одамлар бир вақтнинг ўзида ўзларининг дунёвий, иқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этадилар. Қурбонлик маросими ўтказиш шарофати билан, ҳатто Ер юзининг аҳолиси кўпайиб кетган шароитда ҳам, одамлар ўзларини етарли миқдорда дон, суг ва бошқа нарсалар билан таъминлай оладилар. Танасининг энг зарур эҳтиёжлари қондирилгандан кейин одам табиий равишда ҳиссий лаззатланишга интила бошлайди. Шу сабабли Ведаларда маданиятли инсонга муқаддас никоҳ маросими ўтказиб уйланиш тавсия қилинган. Инсон оилавий турмуш кечирар экан, Ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини бузмаган ҳолда ҳиссиётининг эҳтиёжларини тўла қондириб яшаши мумкин. Инсон шу тарзда аста-секин моддий олам асирлигидан қутула боради, руҳий озодликнинг энг олий поғонасига кўтарилиб, Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, инсон ҳаётда руҳий баркамолликка эришиш учун аввал айтилганидай яғйа, қурбонлик маросими ўтказиб яшаши лозим. Агар одам Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказишни истамаса, кейинги ҳаётида юксақроқ тана олиб, жаннатга эришиш у ёқда турсин, ҳали ҳатто ўзининг ҳозирги ҳаётида ҳам бахтли бўлишдан қандай умидвор бўлиши мумкин? Жаннатий сайёраларнинг ҳар бирида моддий фаровонлик турли даражада таъминланган бўлади, аммо қурбонлик маросими ўтказиб юрган одамлар барибир жаннатга эришиб, у ерда жаннатий лаззатларга берилиш учун чексиз имкониятга эга бўладилар. Лекин ҳақиқий, олий даражадаги руҳий лаззат қандай бўлишини фақат қалбида Кришна онгини ривожлантириш ёрдамида руҳий оламдаги сайёралардан бирига эришган одам билади. Шунинг учун Кришнани англаб етиш - бу дунёдаги ҳаётнинг барча муаммоларини узил-кесил биратўла ечишнинг калити ҳисобланади.

*32. эвам баху-видха йаджна вятата Брахмано мукхе  
карма-джан виддхи тан сарван эвам джнатва вимокийасе*

***Бу қурбонлик маросимларининг ҳаммаси Ведаларда белгилаб қўйилган ва уларнинг ҳар бири маълум бир фаолият туридан келиб чиқади. Шуларни билиб олсанг сен озодликка эришасан.***

Изоҳ: Аввал айтилганидай, ҳар хил тоифадаги одамларга Ведаларда турли хил қурбонлик маросимлари тавсия қилинади. Одамлар руҳни қоплаб олган танани “мен” деб юргани сабабли ведавий қурбонлик маросимлари инсоннинг ё танасини, ё ақлини, ё тафаккурини эзгулик гунасидаги фаолият билан машғул қилиш учун мўлжалланган. Аммо аслида, барча қурбонлик маросим-

лари инсоннинг моддий тана тутқунлигидан бутунлай халос бўлишига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Парвардигорнинг Ўзи бу ерда шуни тасдиқлайди.

*33. шрейан дравйа-майад йаджнадж джнана-йаджнаҳ парантапа  
сарвам кармакхилам партха джнана парисаматйате*

***Эй душманлар золиби, шунчаки моддий бойлик эҳсон қилишдан илм асосида эҳсон қилинган қурбонлик устун туради. Аммо, охир-оқибатда барча қурбонлик маросимлари инсонни илоҳий илм эгаллашга олиб келади, эй Притхининг ўғли.***

Изоҳ: Барча қурбонлик маросимлари инсоннинг мукамал илмга эга бўлишига, моддий ҳаёт мусибатларидан кутулишига, охир-оқибатда Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлишида (Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишда) ёрдам бериш учун мўлжалланган. Лекин барча қурбонлик маросимларида бир сир бор, ана шу сирни англаб олишга ҳаракат қилиш лозим. Қурбонлик маросимлари уларни ўтказаятган одамнинг ишончига, эътиқодига яраша, ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Агар одамнинг ишончи, эътиқоди, иймони руҳий илмга асосланган бўлса ундай одам шунчаки ўз мол-мулкни қурбон қилаётган илмсиз одамдан анча устун туради: агар қурбонлик маросими ўтказаятган одам ҳақиқий илмга эга бўлмаса, унинг қилаётган ишлари, бутун фаолияти шунчаки моддий, дунёвий фаолият ҳисобланади ва унинг ўзига ҳеч қандай руҳий фойда келтирмайди. Ҳақиқий илмнинг энг юқори поғонаси Худо Шахсини англаб етишдир. Кришна онгига эга бўлиш руҳий илмнинг олий поғонаси ҳисобланади. Ҳақиқий илмга эга бўлмай туриб қурбонлик маросими ўтказаятган киши моддий фаолият кўрсатаётган киши ҳисобланади. Инсон қачон руҳий илмга эга бўлиб, ана шу илми асосида қурбонлик маросими ўтказа бошласагина унинг фаолияти руҳий поғонага кўтарилади. Қандай онг билан қурбонлик маросими ўтказаятганига қараб, одамларнинг фаолияти ёки *карма-канда* (натижаси учун қилинадиган фаолият) ёки *гьяна-канда* (ҳақиқатни фалсафий йўл билан излаш учун қилинадиган фаолият) га мансуб фаолият тоифасига киради. Ҳар ҳолда, ҳар қандай қурбонлик маросимидан, ҳар қандай фаолиятдан кўзланган мақсад ва натижа - илоҳий илм бўлгани афзал.

*34. тад виддхи пранипатена парипрашнена севайа  
упадекийанти те джнанама джнанинас таттва-даршинах*

***Ҳақиқат илмини ўрганиш учун ўзингни руҳий устозга топшир. Унинг хизматини қил ва камтарин ҳолда унга саволлар бер. Ҳақиқий ўзлигини англаб етган руҳлар сенга илм ўргата оладилар, чунки улар Ҳақиқатни кўрадилар.***



Изоҳ: Рухий ўзликни англаш йўли шубҳасиз, жуда мушкул йўл. Шунинг учун Парвардигор бизга Худо Шахсининг Ўзидан бошланадиган рухий устозлар силсиласида турган ҳақиқий рухий устоз топишни маслаҳат беряпти. Ана шундай силсилада бўлмаган одамни ҳақиқий рухий устоз деб бўлмайди. Биринчи рухий устоз ягона Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади, рухий устозлар силсиласи орқали шу илмга эга бўлган киши шогирдига уни ўзгартирмаган ҳолда етказа олади. Ғофил одамлар сингари, ҳар ким ўз ҳолича, ўзлари ўйлаб топган усуллар ёрдамида руҳнинг табиатини англаб бўлмайди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган(6.3.19): *дҳармам ту сакшад бхагават-пранитам* яъни, ҳақиқий дин йўлини одамларга Парвардигорнинг Ўзи кўрсатади. Демак, ҳар хил фалсафий фикрлашлар ва бемаъни сафсатабозликлар инсонни тўғри йўлга олиб келишга қодир эмас. Муқаддас китобларни мустақил ўрганиш орқали ҳам рухий баркамолликка эришиб бўлмайди. Ҳақиқий илмга эга бўлиш учун ҳақиқий рухий устоз топиш керак. Шогирд устозининг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажариши лозим, манманлигини, ғурурини четга қўйиб, хатто қийин, ўзига ёқимсиз бўлган ишлардан ҳам бош тортмай унга ҳолис хизмат қилиши керак. Рухий ҳаётда муваффақиятга эришишнинг сири - рухий ўзлигини англаб етган ҳақиқий рухий устозни мамнун қила билишдан иборат. Тиришқоқлик ва камтарлик - рухий илмни эгаллашда баробар зарур бўладиган сифатлардир. Токи биз ҳақиқий рухий устознинг итоаткор хизматкори, қули бўлмас эканмиз, унга бераётган саволларимиз биз кутган натижани бермай қолаверади. Ҳар бир шогирд албатта рухий устозининг синовидан ўтиши керак, устоз шогирдининг самимийлигига аниқ ишонч ҳосил қилган заҳоти, унга ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб, ҳақиқий рухий илм сирларини очади. Бу ерда Парвардигор рухий устозга кўр-кўрона тақлид қилишни ҳам, бемаъни саволлар билан унга мурожаат қилишни ҳам қоралайди. Шунчаки камтаринлик билан рухий устознинг гапларини тинглабгина қолмасдан, унинг итоаткор хизматкори бўлиб, камтарин ҳолда саволлар бериб, рухий илм ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Ҳақиқий рухий устоз шогирдига нисбатан ҳамиша меҳрибон, ҳамдард, шунинг учун, агар шогирд итоаткор, камтарин бўлса, устозига муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатиб самимий хизмат қилиб юрган бўлса, ундан ўзининг ҳамма саволларига аниқ жавоб олади ва натижада мукамал рухий илмга эга бўлади.

*35. йадж джнатва на пунар мохам эвам йасйаси пандава  
йена бхутанй ашешани дракийасй атмани атхо майи*

***Ўзлигини англаб етган руҳдан ҳақиқий илм ўрганиб, сен ҳеч қачон адашмайсан, чунки бу илм сенинг "барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачалари" эканини, бошқача қилиб айтганда, уларнинг барчаси Менда мужассам эканини англаб етишингга ёрдам беради.***

Изох: Ўзини англаган яъни, ҳаётни тўғри тушунган руҳдан илм ўрганиб, инсон барча тирик мавжудотлар Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг ажралмас руҳий заррачалари эканини тушуниб етади. Руҳнинг Кришнадан ажралган ҳолати *майя* ("ҳақиқий эмас") деб аталади. Баъзи одамлар "Кришна билан бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ, Кришна - шунчаки буюк тарихий шахс, Мутлақ Ҳақиқат эса - шахсиятсиз Брахман" - деб ўйлайдилар. Аслида эса "Бхагавад-Гита"да айтилганидай, шахсиятсиз Брахман - Кришнанинг танасидан чиқиб турган илоҳий нур. Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда Кришна бутун борлиқнинг бошланғич сабабчисидир. "Брахма-самхита"да аниқ айтилганки, Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси, Худо Шахсининг миллионлаган қиёфалари - Унинг ҳар хил намоён бўлган кўринишларидир. Тирик мавжудотлар ҳам Кришнанинг намоён бўлган кўринишлари. Буни маявади-файласуфлар ногўғри тушуниб, "Кришна шунча кўп бўлақларга бўлиниб, Ўзи алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлмай қолди" - деб ўйлайдилар. Бундай тушунча аслида моддий тасаввурга асосланган тушунчадир. Моддий оламда узоқ вақтдан бери яшаганимиз сабабли биз ўз тажрибамиздан биламизки, бўлақларга бўлинган нарса ўзининг аввалги азалий ҳолатни йўқотади. Лекин, маявади-файласуфлар мутлақ даражада бирга бирни кўшсак ҳам, бирдан бирни айирсак ҳам натижа ҳаммиша бирга тенг бўлишини тушунмайдилар. Мутлақ оламнинг табиати ана шундай.

Мутлақ илмдан маҳрум бўлган ҳолда биз ҳозир алданиш, сароб таъсири остида яшаб юрибмиз, шу сабабли ўзимизни Кришнадан ажралган деб ўйлаймиз. Гарчи биз Кришнанинг айрим заррачаси бўлсак ҳам, аслида ҳеч қачон Кришнадан ажралган эмасмиз. Тирик мавжудотларнинг таналари орасидаги фарқ сароб, яъни ҳақиқий эмас. Фақат алданиш, *майя* таъсири остида Аржун қариндошлари билан ўзини вақтинчалик боғлаб турган моддий боғланишлар ўзининг Кришна билан ўзаро мангу руҳий муносабатларидан муҳимроқ деб ўйлаётган эди. "Бхагавад-Гита" таълимотининг мазмуни шундан иборатки, Кришнанинг мангу хизматкори бўлган ҳолда тирик мавжудот Ундан ҳеч қачон бирагўла ажралиб кетолмайди, у ўзини Кришнадан ажралгандай сезиши эса *майя*, алданиш деб аталади. Парвардигорнинг ажралмас бўлаги сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг фақат ўзига хос бўлган алоҳида вазифаси бор. Ўзининг мангу вазифасини эсидан чиқариб, улар қадим замонлардан бери ҳар хил моддий таналарда яшаб келадилар: инсон танасида, фаришта танасида, ҳайвон танасида ва ҳоказо. Бунинг сабаби шундан иборатки, улар ўз бурчини, Парвардигорга илоҳий хизмат қилишни эсидан чиқариб қўйганлар. Лекин, агар инсон Худого холис хизмат қилиш билан қалбида Кришна онгини ривожлантирса, у ана шу алданишдан, адашишдан халос бўла олади. Фақат руҳий устозгина инсонга ана шу пок илмни ўргатиши, уни ҳаёт ҳақидаги: "оддий тирик мавжудот билан Кришна бирига тенг" деб ҳисоблайдиган ногўғри тасаввурлардан халос этиши мумкин. Мукамал илмга эга бўлган киши тушуниб етадики, Олий Рух, Кришна барча тирик мавжудотлар мангу нажот топадиган энг Олий Макон, ана шу

маконни тарк этиб, улар алдамчи, моддий кувватнинг ҳукмронлиги остига тушиб қолганлар ҳамда ўзларини “Кришнадан ажралган” деб ҳисоблаб юрибдилар. Шу тарзда ўзларини ҳар хил моддий таналарга киёслаб, тирик мавжудотлар Кришнани бутунлай эсдан чиқариб юборганлар. Аммо, шу тарзда адашиб юрган тирик мавжудот Кришнани англаш йўлига қадам қўйса, "Шримад Бҳагаватам"(2.10.6)да айтилганидай, унинг олдида руҳий озодликка чиқиш дарвозалари кенг очилади: *муктир хитванйатха-рупам сварупена вйавастхитиҳ*. Озодликка эришиш - ўзининг табиий ҳолатига эришиш, яъни Кришнанинг мангу хизматкори бўлиш, Кришна онги билан яшаш демакдир.

36. *апи чед аси папеххйаҳ сарвебхйаҳ папа-крит-тамах  
сарвам джнана-плавенайва вриджинам сантаришийаси*

***Агар сен ҳатто барча гуноҳкорлар ичида энг гуноҳкор-осий бўлсанг ҳам, руҳий илм кемасига чиқиб, мусибатлар уммонини бемалол кечиб ўта оласан.***

Изоҳ: Кришна билан ўзаро муносабатларида ўз бурчини тўғри тушуниб олиш инсонга чексиз бахт келтиради. Ғафлат уммонига ботган одамларнинг барчаси тирикчилик учун машаққатли кураш олиб боришга маҳкум этилган, Кришна билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаш ҳар бир инсонга тирикчилик учун кураш жараёнини биратўла тарк этиш имконини беради. Моддий оламни баъзан “ғафлат уммони”га, баъзан эса “ўт кетган ўрмон”га ўхшатадилар. Океаннинг ўртасига тушиб қолган одам ҳатто энг моҳир сузувчи бўлса ҳам, узоқ вақт сув юзида тура олмайди. Аммо, кемада ёрдамга келиб уни кутқариб олган киши унга бебаҳо хизмат кўрсатган бўлади. Худонинг Олий Шахсидан олинадиган мукаммал илм - ана шундай ягона нажот йўлидир. Кришнани англаш кемасида сузиш жуда осон, аини пайтда бу энг улугвор усулдир.

37. *йатхайдхамси самиддхо “гнир бхасма-сат куруте “рджуна  
джнанагних сарва-кармани бхасма-сат куруте татха*

***Эй Аржун, худди гулхан олови ўтинларни ёндириб қулга айлан-тиргани каби ҳақиқий илм олови ҳам моддий фаолиятнинг барча оқибатларини ёндириб қул қилиб юборади.***

Изоҳ: Руҳ, Олий Руҳ ва уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги мукаммал илм бу ерда оловга тенглаштирилган. Шу олов нафақат барча гуноҳ ишларнинг оқибатларини, ҳатто савоб ишларнинг натижаларини ҳам ёндириб, қул қилиб юборади. Карма оқибатларининг бир неча тури бор: 1) пишиб егилаётган; 2) мева бераётган; 3) меваси олиб бўлинган; 4) ҳали уйғонмаган. Аммо, тирик мавжудотнинг руҳий табиати ҳақидаги илм бу оқибатларнинг барчасини

ёндириб кул қилиб юборади. Инсон мукаммал илмга эга бўлганида унинг барча намоён бўлган, намоён бўлмаган карма оқибатлари йўқ бўлиб кетади. Ведаларда(Брихад-араньяка-упанишада, 4.4.22) шундай дейилган: *убхе ухаиваиша эте арати амритах садхв-асадохуни* - "У ўзининг савоб ишларининг ҳам, гуноҳ ишларининг ҳам барча оқибатларидан халос бўлади".

*38. на хи джнанена садришам павитрам иха видйате  
тат свайам йога-самсиддхиҳ каленатмани виндати*

***Бу дунёда руҳий илмдан ҳам покроқ ва улугворроқ бирор нарса йўқ. (Бу илм - барча йога машғулотларининг пишган меваси). Вақти келганда бу илм Худога садоқат билан холис хизмат қилишда баркамолликка эришган кишининг қалби орқали албатта намоён бўлади.***

Изоҳ: “Руҳий илм” деганда тирик мавжудот ўзининг руҳий табиатини англаб етишини тушунамиз. Шунинг учун бу дунёда инсон учун руҳий илмдан ҳам покроқ ва улугворроқ бахт мавжуд эмас. Фофиллик бизларни моддий оламда кул қилиб қўяди, руҳий илм эса - бизга руҳий озодликка чиқиш дарвозаларини кенг очиб беради. Бу илм - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пишган меваси, уни эгаллаб олган киши қалбининг осойишталигини, хотиржамликни ташқаридан излаб юришининг хожати йўқ, у қалбининг осойишталигини руҳий ўзлигидан, ўз қалбидан топади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг илм олишга ва осойишталикка бўлган барча интилишларининг энг олий поғонаси Худо шахсини, Кришнани англаб етишдир. "Бхагавад-Гита"нинг чиқарадиган хулосаси ана шундай.

*39. шраддхавал лабхате джнанам тат-парах самйатендриях  
джнанам лабдхва парам шантим ачиренадхигаччхати*

***Ҳиссиётини жиловлаб олган ҳамда тиришқоқлик билан руҳий илм излаб юрган чуқур иймонли киши мана шу илоҳий илмни эгаллашга муносиб инсондир. Бу илмни эгаллаган заҳоти у энг юксак осойишталикка эришади.***

Изоҳ: Фақат ягона Парвардигорга, Худонинг Олий Шахси Кришнага чин қалби билан ишонадиган киши илоҳий илмни эгаллай олади, шундай одам ҳаётда Кришна онги билан яшайди. Кришнага ишонч, иймон деганда - ҳаётда Кришна онги билан яшаш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида руҳий баркамолликнинг энг олий поғонасига эришиш мумкин эканига шубҳасиз, қатъий ишонишни тушуниш керак. Инсон ўзининг қалбида ана шундай қатъий ишонч, чуқур имон ривожлантириш учун Худога садоқат билан хизмат қилиши, инсон қалбини моддий иллатлардан поклайдиган

қуйидаги маха-мантрани мунтазам зикр қилиб юриши лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бундан ташқари, инсон ҳиссиётини, ақлини назорат қилишни, нафсини жиловлаб олишни ўрганиши керак. Қалбида Кришнага аниқ ишонч ҳосил қилган, ҳиссиётини жиловлаб олган киши тез орада ҳеч қийналмасдан Кришнани англаш илмини муқаммал эгаллаб олади.

40. *аджнаш чащраддадханаи ча самшайатма винашйати  
найам локо “сти на паро на сукхам самшайатманах*

***Аммо, муқаддас китобларнинг гапларига ишонмайдиган гофил ва иймонсиз одамлар Худони англашга қодир эмаслар. Улар тобора тубанликка юз тутиб бораверадилар. Қалбида гумони бор киши на бу дунёда, на у дунёда бахтга эриша олмайди.***

Изоҳ: Барча ишонарли муқаддас китоблар ичида энг буюги "Бҳагавад-Гита" ҳисобланади. Фақат умрини ҳайвонлар сингари бемаъни ўтказиб юрган гофил одамларгина муқаддас китобларда нималар ҳақида гап боришини билмайдилар, уларга ишонмайдилар. Шундай одамлар ҳам борки, ҳатто муқаддас китоблардаги гапларни ўқиган, уларни бошқаларга гапириб юрган бўлсалар ҳам, ўзлари аслида уларда ёзилган гапларга ишонмайдилар. "Бҳагавад-Гита" сингари муқаддас китобларда ёзилган гапларга ишонадиган одамлар орасида эса, Худо Шахси Кришнанинг мавжудлигига ишонмайдиган, Унга сиғинмайдиган одамлар ҳам кўп. Шундай одамлар Кришнани англаш илмига, Кришна онгини эгаллашга ҳатто яқинлаша олмайдилар, улар шубҳасиз адашишга, тубанликка маҳкум одамлардир. Турли тоифадаги одамлар орасида иймонсиз скептик(ҳар нарсага гумон билан қарайдиган)лар руҳий юксалиш имкониятидан маҳрум бўлган омадсиз одамлардир. Худога ва Унинг гапларига ишонмайдиган одамлар на бу дунёда, на бошқа дунёда бирор саодат кўролмайдилар. Улар ҳатто инсонларга хос бўлган ҳақиқий бахт нима эканини ҳам билмайдилар. Шу боис, ҳар бир фаросатли одам руҳий илмга эга бўлиш учун ҳаётда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига чуқур иймон ва ишонч билан амал қилиб яшаши лозим. Фақат шундагина биз моддий тасаввурлар чегарасидан юқори кўтарилиб, руҳнинг ҳақиқий табиятини англай оламиз. Шундай қилиб, ҳаётда ҳар нарсага гумон билан қарайдиган одамлар руҳий юксалиш йўлидан бора олмайдилар. Шундай экан, биз руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган буюк ачарйаларнинг изидан боришимиз лозим, шунда ҳаётда албатта муваффақиятга эришамиз.

41. *йога-саннийаста-карманам джнана-санчхинна-самшайам  
атмавантам на кармани нибадхнанти дхананджйай*

***Ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан Худога садоқат би-***

**лан хизмат қилиб юрган, илоҳий илм ёрдамида барча гумонлардан халос бўлган киши ҳақиқатан ҳам ўзининг ҳақиқий "мен"ини англаб етган инсондир. Эй бойлик эгалловчи зот, шунинг учун бундай инсон ҳеч қачон ўз фаолиятининг қули бўлиб қолмайди.**

Изоҳ: Ҳаётда "Бҳагавад-Гита"да берилган кўрсатмаларга амал қилиб юрган киши илоҳий илмга эга бўлади, натижада қалбидаги барча гумон ва шубҳалардан бутунлай халос бўлади. Шундай одам ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини англаб етган бўлади, яъни у ўзи аслида Худонинг ажралмас заррачаси эканини тўла англаб етади. У хамиша Кришна онгида бўлиб, ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларига боғланиб қолмайди.

*42. тасмад аджнйана-самбхутам хрит-стхам джнана-синатманах  
чхиттвайнам самшайам йогам атиштхоттиштха бхарата*

**Эй Бхарата, шунинг учун гофиллигинг сабабли қалбингда пайдо бўлган гумонлар тугунини илм шамшири билан чопиб ташла. Йога билан қуролланиб, қаддингни ростла ва дадил жангга кир!**

Изоҳ: Бу бобда ёритилган йога тизими *санатана-йога*, яъни "тирик мавжудотнинг мангу фаолияти" деб аталади. Бу йогада икки хил қурбонлик маросими назарда тутилади: 1) моддий бойликни қурбон қилиш; 2) ҳақиқий ўзлик ҳақида илмга эга бўлиш. Иккинчи қурбонлик маросими соф руҳий фаолият ҳисобланади. Агар Худо йўлида моддий бойлик қурбон қила туриб, инсон ўзининг руҳий ўзлигини англашга интилмаса, унинг ўтказган қурбонлик маросими шунчаки моддий фаолият бўлиб қолаверади. Лекин, одам ўзининг руҳий ўзлигини англаб олиш ниятида, яъни Худога садоқат билан холис хизмат қилиш учун моддий бойлигини қурбон қилса, унинг қурбонлиги мукамал қурбонлик бўлади. Руҳий фаолият ҳам икки хил бўлади: 1) ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини, ўзининг азалий руҳий табиатини англаб етиш; 2) Худонинг Олий Шахсини англаб етиш. "Бҳагавад-Гита"да кўрсатилган йўлдан адашмай бораётган киши руҳий илмнинг ана шу икки муҳим бўлимини ҳам осонлик билан эгаллаб олади. Шундай одамнинг алоҳида руҳ Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини тушуниб олиши, шу тарзда мукамал илмга эга бўлиши қийин эмас. Бу бобнинг бошида Парвардигор ўзининг илоҳий кароматлари ҳақида гапириб берган эди. "Бҳагавад-Гита"нинг кўрсатмаларини тўғри тушунмаган киши ҳақиқий иймон-эътиқодга, ишончга эга бўлолмайди. Ундай одам ҳаётда унга Парвардигор ато этиб қўйган мустақиллигини, ўзининг танлаш ҳуқуқини суистеъмол қилиб юрган одам ҳисобланади. Шунча насиҳатларни тинглагандан кейин ҳам инсон Парвардигорнинг "мангу, илм ва лаззатга тўла Олий Шахс" бўлган ҳақиқий табиатини тушуна олмаса, демак у тузалмайдиган аҳмоқ, энг гофил, нодон кимсодир. Гофиллик иллатидан халос бўлиш учун инсон аста-секин Кришнани англаш

конун-қоидаларини ўрганиши лозим. Мана шу йога усуллари билан фаришталарга ва Олий Браҳманга қилинган қурбонликлар; Браҳмачариларнинг ёки оилали одамларнинг қилган қурбонликлари; ҳиссиётини жиловлаб юрган, сеҳрли йога билан шуғулланаётган, риёзат чекаётганларнинг, шунингдек, моддий бойликлардан воз кечиб таркидунё қилиб юрган одамларнинг, Ведаларни ўрганиб юрган ва *варна-ашрама* тизимида ўз бурчини бажариб юрган одамларнинг қилган қурбонлик маросимлари инсон қалбида Кришна онги уйғонишига ёрдам беради. Лекин, барча қурбонлик маросимларининг ягона, якуний мақсади ҳақиқий ўзликни англаш бўлиши керак. Шундай олий мақсадга интилиб юрган одам "Бҳагавад-Гита" илмини тўғри тушуниб етган бўлади, Кришнанинг гапларига ишонмайдиган одамлар эса, барибир яна моддий фаолиятга қайтадилар. Шу боис Парвардигор бизга "Бҳагавад-Гита"ни ёки ҳар қандай муқаддас китобларни итоаткорлик ва камтарлик билан ҳақиқий руҳий устознинг хизматини қилиб, унинг раҳбарлиги остида ўрганишни тавсия қилади. Ҳақиқий руҳий устоз азалдан мавжуд бўлган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлади, у ягона Парвардигорнинг кўрсатмаларидан бир қадам ҳам четга чикмайди. Бу илм миллион йиллар аввал Қуёш фариштасига баён этилган, Қуёш фариштаси "Бҳагавад-Гита" илмини Ер сайёрасида яшайдиган одамларга ўргатган. Шунинг учун, ҳар биримиз "Бҳагавад-Гита"да кўрсатилган Ҳақиқат йўлидан адашмай боришимиз, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга уринаётган ҳар хил таъмагир ва манман одамлардан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Парвардигор - Олий Шахсдир, Унинг барча кароматлари илоҳий табиатга эга. Шуни тушуниб етган одам, гарчи у "Бҳагавад-Гита"ни эндигина ўргана бошлаган бўлса ҳам руҳий озодликка эришган инсон ҳисобланади.

*"Бҳагавад-Гита"нинг "Илоҳий илм" деб аталган тўртинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## **Бешинчи боб.**

# **Карма-йога - Кришна онги билан фаолият кўрсатиш**

1. *арджуна увача*

*саннийасам карманам кришна пунар йогам ча шамсаси  
йач чхрейя этайор экам тан ме брухи су-нишчитам*

***Аржун деди: Эй Кришна, аввал Сен менга ҳар қандай фаолиятни тарк этишни буюрдинг, кейин эса Худога садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат бердинг. Илтимос, қандай йўл тутганим мен учун яхши эканини аниқ айт!***

Изоҳ: Парвардигор "Бҳагавад-Гита"нинг бешинчи бобида Худога садоқат билан хизмат қилиш фалсафий фикр юритишдан афзал эканини исботлайди. Фалсафий фикрлаш ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни излашдан кўра Худога садоқат билан хизмат қилиш анча осон, чунки Худога хизмат қилиш жараёни руҳий табиатга эга бўлган ҳолда ҳеч қандай моддий оқибат келтирмайди. "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида Парвардигор Аржунга руҳнинг табиати ҳақида, ҳозир у моддий тананинг ичига қамалган ҳолатда эканини айтиб, руҳий илмнинг энг муҳим сирларини унга ошкор этган эди. Шартланган руҳнинг *буддхи-йога*, яъни "Худога садоқат билан хизмат қилиш" ёрдамида моддий тана асирлигидан халос бўла олиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган эди. Учинчи бобда Парвардигор Аржунга ҳақиқий илмга эга бўлган киши бу дунёда ҳар қандай бурч ва вазифалардан озод бўлиши ҳақида, тўртинчи бобда эса ҳар хил курбонлик маросимларини ўтказиш орқали инсон ҳақиқий илмга эга бўлиши ҳақида гапирган эди. Аммо тўртинчи бобнинг охирида Кришна Аржунга алданиб юришни тарк этиб, мукаммал руҳий илм билан куролланиб жангга киришни буюрди. Бир вақтнинг ўзида ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш, ҳам мукаммал илмга асосланиб дунёвий фаолиятдан воз кечиш зарурлигини айтиб, Кришна Аржуннинг ақлини чалкаштириб юборган эди. Аржун "мукаммал руҳий илм асосида таркидунёлик қилиш"



деганда сезги аъзолари ёрдамида қилинадиган барча ҳаракатларни тарк этишни тушунади. Лекин, агар инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб яшамоқчи бўлса, у қандай қилиб ҳаракат қилишни тарк этиши мумкин? Бошқача қилиб айтганда, таркидунёлик қила туриб яна қандайдир фаолият билан машғул бўлиш - бир-бирига зид нарсалар бўлиб кўрингани учун Ар-жун, *саннийаси*, яъни муқаммал илмга асосланган таркидунёлик турмуш тарзи - ҳар қандай фаолиятни умуман тарк этишдан иборат деб ўйлайди. Бу ерда у ўзини, худди ҳақиқий илм асосида қилинган фаолият ҳеч қандай оқибат келтирмаслигини, демак, ҳеч қандай иш қилмаган билан баробар эканини билмайдиган кишидай тутяпти. Шунинг учун у Кришнадан нима қилса ўзи учун фойдали бўлишини сўраяпти: ҳар қандай фаолиятдан воз кечсинми ёки муқаммал илмга эга бўлиб, шу илм асосида ҳаракат қилсинми?

2. *ири бхагаван увача*

*саннийасаҳ карма-йогоши ча нихирейаса-карав убхау  
тайос ту карма-саннийасат карма-його вишишийа*

***Худонинг Олий Шахси деди: Фаолиятни тарк этиш ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳам инсонни озодликка чиқаради. Лекин, Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш фаолиятни тарк этишдан афзал.***

Изоҳ: Кармали фаолият билан шуғулланиш, яъни ҳиссий лаззатланишга интилиш тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб юришининг асосий сабабчисидир. Токи тирик мавжудот ўзининг моддий танасига ҳар хил қулайликлар яратиш учун тинмай меҳнат қилишда давом этар экан, у бир танадан иккинчи танага ўтиб ўзини моддий оламда мангу асир бўлишга маҳкум қилиб юраверади. "Шримад Бхагаватам"(5.5.4-6)да шундай дейилган:

*нунам праматтаҳ куруте викарма йад индрийа-притайа априноти  
на садха мание йата атmano "йам асанн апи клшеа-да асадехаҳ  
парибхавас тавад абодхаъджато йаван на джиджнасата атма-таттвам  
йават крийас тавад идам мано ваи карматмакам йена шарира-бандхаҳ  
эвам манаҳ карма-вашам прайункте авидйайатманй упадхийамане  
притир на йаван майи васудеве на мучйате деха-йогена тават*

"Ҳиссий лаззатланишга муқасидан кетган ғофил одамлар ҳозир ўзларига шунча мусибат келтираётган моддий танаси - аввалги ҳаётида қилган гуноҳ ишларининг натижаси эканини билмайдилар. Гарчи тана ўткинчи бўлса ҳам, у тирик мавжудотга жуда кўп ташвиш ва ноқулайликлар олиб келади. Шунинг учун, ҳиссий лаззатланишга интилиб елиб-югуриш ҳеч кимга фойда бермайди. Аслида ўзининг ким экани ҳақида ўйлаб кўрмайдиган киши умрини бекорга хазон қилиб юрган бўлади. Ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англаб

етмаган киши хиссиётининг талабларини қондириш учун ҳар хил оқибат келтирадиган кармали фаолият билан машғул бўлишга мажбур, ҳиссий лаззатланиш истаги билан булганган онги уни бир моддий танасини иккинчи моддий танага кетма-кет алмаштириб юришга мажбур қилади. Шу боис, ақли кармали фаолиятга ғарқ бўлиб, ғафлат ботқоғига ботган киши моддий тана асирлигидан халос бўлиш учун қалбида Парвардигор Васудевага нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантириши лозим. Фақат шундагина унда моддий асирликдан озодликка чиқиш имконияти пайдо бўлади".

Шундай қилиб фақат *гйана*, яъни "мен моддий тана эмасман, мангу руҳман" деган илмнинг ўзи руҳий озодликка эришиш учун етарли эмас. Мангу руҳ, тирик жон сифатида инсон ҳаётда руҳнинг табиатига хос бўлган ишлар қилиб яшаши лозим, акс ҳолда у моддий тутқунликдан озодликка чиқа олмайди. Кришна онгидаги фаолият билан кармали фаолият бир хил табиатга эга эмас. Кришна онгида қилинган фаолият инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам беради, чунки бундай фаолият ҳақиқий ва мукамал илмга асосланган. Шартланган руҳ қалбини моддий иллатлардан бутунлай поклаши учун кармали фаолиятни тарк этишнинг ўзи кифоя қилмайди - бунинг учун инсон Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаши керак. Токи қалбимиз нопок экан, биз кармали фаолият билан машғул бўлишга мажбурмиз. Аммо Кришна онгида қилинган фаолият инсонни карма оқибатларидан, демак, моддий онг билан фаолият кўрсатишдан ҳам поклайди. Шу сабабли, Кришна онгида қилинган фаолият руҳий юксалиш йўлидан адашиш эҳтимоли ҳамиша мавжуд бўлган таркидунёликдан, ҳар қандай фаолиятни тарк этиб яшашдан устун туради. Агар ҳали Кришна онгига эга бўлмаган киши таркидунё қилса, унинг таркидунёлиги тўлиқ таркидунёлик бўлмайди. Бунинг Шрила Рупа Госвами "Бҳакти-расамрита-синдху" асарига шундай тасдиқлайди: (1.2.256.)

*прапанчикатайя буддхйа хари-самбандхи-вастунах  
мумукишбхих паритйаго ваирагйам пхалгу катхйате*

"Агар озодликка чиқишга интилаётган одамлар Худонинг Олий Шаҳси билан боғлиқ бўлган нарсаларни моддий нарсалар деб ҳисоблаб улардан воз кечса, уларнинг таркидунёлиги мукамал бўлмайди".

Агар таркидунёлик "бу дунёдаги ҳамма нарса Худоники экани ва ҳеч ким бирор нарсага эгалик қилишга ҳаққи йўқ" деган тушунчага асосланган бўлсагина уни ҳақиқий таркидунёлик деб аташ мумкин. Аслида бу дунёдаги ҳеч нарса бизники эмаслигини чуқур англаб олиш керак. Шундай экан биз нимадан воз кечамиз, нимани тарк этамиз? Ҳамма нарса Кришнанинг мулки эканини англаб етган киши ҳамиша таркидунё қилиб яшаётган бўлади. Ҳамма нарса Худоники, Кришнаники экан, демак ҳамма нарсани Кришнага хизмат қилиш учун ишлатиш керак. Ана шундай онг билан, яъни Кришна онги билан қилинган ҳар қандай фаолият мукамал фаолиятдир, маявади-саннийасиларнинг таркидунё қилишга уриниб, чекаётган машаққатларини ҳеч қачон бунга тенглаштириб бўлмайди.

3. *дженейаҳ са нитйа-саннйаси йо на дवेशти на канкшати  
нирвандво хи маха-бахо сукхам бандхат прамучйате*

**Ўз меҳнатининг натижаларидан нафратланмайдиган, айти пайтда уларга интилмайдиган кишини "таркидунё қилиб яшаётган инсон" деб ҳисоблайдилар. Эй билаги кучли Аржун, шундай инсон қарама-қаршиликлар таъсирини енгиб, осонлик билан моддий тутқунлик кишанларидан халос бўлади ва мукамал озодликка эришади.**

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган одам ҳамиша таркидунё қилиб юрган бўлади, чунки у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмаган, улардан нафратланмайди ҳам. Ҳаётини Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ана шундай одам ҳақиқий илмга эга бўлган инсондир, чунки у Кришна билан ўзаро мангу муносабатдаги ўз бурчини яхши билади. У Кришна - тўла бутун, у эса - Кришнанинг бир бўлаги, ажралмас заррачаси эканини тўлиқ англаб етган бўлади. Ана шундай илм мукамал илмдир, чунки Парвардигор билан тирик мавжудотнинг сифат жиҳатидан бир хил, лекин миқдор жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини тўғри тушунтириб беради. “Тирик мавжудот Кришна билан ҳар томонлама тенг” деган ғояни тасдиқлайдиган таълимот эса нотўғри таълимотдир, чунки бўлак ҳеч қачон бутунга тенг бўла олмайди. Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан сифат жиҳатидан бир хил, аммо миқдор жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши ҳақидаги таълимот Ҳақиқатни тўғри тушунтириб беради. Айти пайтда бу илм илоҳий, трансцендент илмдир, бу илм инсоннинг ҳар хил истак ва мусибатлардан халос бўлиб, ҳаётда осойишта, хотиржам яшашига ёрдам беради. Шундай инсоннинг ақли ҳар хил қарама-қаршиликлардан пок бўлади, чунки унинг ҳаётдаги бутун фаолияти Кришнага бағишланган. Шу тарзда қарама-қаршиликлар таъсирини енгиб, инсон ҳатто моддий оламда ҳам бутунлай озод яшайди.

4. *санкхйа-йогау притхаг балаҳ праваданти на пандитаҳ  
экам апй астхитаҳ самйаг убхайор виндате пхалам*

**Фақат гофил одамлар Худога садоқат билан хизмат қилиш(карма-йога) моддий оламни назарий жиҳатдан ўрганиш(санкхйа)дан фарқ қилади, деб айтишлари мумкин. Ҳақиқий донишмандлар тасдиқлайдиларки, бу икки йўлнинг бирортасидан адашмай бораётган киши иккала йўлнинг ҳам ягона натижасига эришади..**

Изоҳ: Моддий оламни назарий жиҳатдан ўрганишнинг мақсади - бутун борлиқнинг ягона руҳини, асосини аниқлашдан иборат. Моддий оламнинг руҳи - Вишну, Олий Рухдир. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши айни пайтда Олий Рухга ҳам хизмат қилаётган бўлади. Бу ерда айтиб ўтилган усуллардан бири - дарахтнинг илдизини излаб топишдан, иккинчиси эса - ана шу илдизга сув қуйишдан иборат. Ҳақиқий *санкхйа* фалсафасига амал қилиб юрган одам охир-оқибатда моддий оламнинг илдизини - Вишнуни албатта англаб етади, кейин шу мукамал илмга асосланган ҳолда Худога хизмат қила бошлайди. Шу боис, бу икки йўл аслида бир-биридан фарқ қилмайди, чунки иккисининг ҳам мақсади - ягона Парвардигор Вишну. Санкхйа ва карма-йоганинг охирги мақсади нима эканидан бехабар одамлар "улар ҳар хил мақсадларга олиб келади" деб ўйлайдилар, аммо ҳақиқатан ҳам мукамал илмга эга бўлган одам уларнинг мақсади бир эканини яхши билади.

*5. йат санкхйах прапйате стханама тад йогайр апи гамйате  
экам санкхйам ча йогама ча йах наийати са наийати*

***Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон санкхйа йўлининг мақсадига ҳам эриша олишини биладиган, оламни назарий жиҳатдан ўрганиш билан Худога садоқат билан хизмат қилиш - аслида бир йўл эканини тушунган киши ҳақиқатни қўрадиган инсондир.***

Изоҳ: Фалсафий изланишларнинг ҳақиқий мақсади - инсон ҳаётининг олий мақсадини аниқлашдан иборат. Ҳаётнинг энг олий мақсади - ўзининг ким эканини, ҳақиқий "мен"ини аниқлаш бўлгани учун бу ерда кўрсатилган икки усул ҳам одамни ягона хулосага олиб келади. Санкхйа фалсафасини ўрганиш орқали инсон "тирик мавжудот бу моддий оламда бегона, аслида у - руҳий табиатли, олий, тўла бутуннинг бир заррачаси экан" деган хулосага келади. Демак, мангу руҳнинг моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ, унинг бу ердаги фаолияти қандайдир йўл, усул ёрдамида албатта Парвардигор билан боғланган бўлиши керак. Алоҳида руҳ Кришна онги билан ҳаракат қила бошлаганида, ўзининг табиий ҳолатига эришган бўлади. "Санкхйа-йога усули" деганда одамнинг моддий нарсаларга боғланишдан халос бўлиши тушунилади, Худога садоқат билан хизмат қилиш йогаси эса, Кришна онгидаги фаолиятга боғланишни ривожлантириш имконини беради. Гарчи биттаси таркидунёликни, иккинчиси боғланишни назарда тутаётган бўлса ҳам, аслида бу икки усул бир-биридан фарқ қилмайди. Моддий нарсаларни тарк этиш ва Кришнага боғланиш - аслида бир маънони билдиради. Шуни англаб етган одам ҳақиқатни тўғри тушунган бўлади.

*6. саннийасас ту маха-бахо духкхам аттум айогатах  
йога-йукто мунир Браҳма на чиренадхигаччхати*

***Агар Худога садоқат билан холис хизмат қилиш бўлмаса, фақат таркидунё қилишининг ўзи ҳеч кимга бахт келтиролмайди. Аммо ўзини Худога холис хизмат қилишга бағишлаган мулоҳазали инсон дарров Худога эриша олади.***

Изоҳ: *Саннийаси*, яъни таркидунё қилган одамлар икки тоифа бўлади. Саннийаси-майвадилар *санкхйа* фалсафасини ўрганиш билан шуғулланадилар, саннийаси-вайшнавлар эса "Шримад Бхагаватам"ни, "Веданта-сутра"га ёзилган ишонарли изоҳларни ўрганадилар. Саннийаси-маявадилар ҳам "Веданта-сутра"ни ўрганадилар, аммо улар бунинг учун Шанкарачарйа ёзган "Шарирака-бхашья" деб аталадиган изоҳдан фойдаланадилар. Бхагаваталарнинг издошлари "Панчаратрика" асосида Худога хизмат қилиш билан шуғулланадилар, шу сабабли ҳаётда ҳар хил вазифаларни бажариб яшайдилар. Моддий фаолиятни биратўла тарк этган ҳолда вайшнав-саннийасилар Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасида ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб яшайдилар. *Санкхйа* фалсафасини ва Веданталарни ўрганаётган саннийаси-маявадилар эса, Худога хизмат қилиш лаззатидан маҳрум. Баъзан Брахман ҳақидаги фикрлашлардан чарчаб, гарчи бу асар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмасалар ҳам, улар "Шримад Бхагаватам"га мурожаат қиладилар. Шу сабабли "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш жараёнида улар жуда кўп кийинчиликларга учрайдилар, мавҳум фалсафий фикрлашлар ва "Шримад Бхагаватам"га имперсонализм руҳида ёзилган нотўғри изоҳлар саннийаси-маявадиларга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Улардан фарқли равишда саннийаси-вайшнавлар Худога садоқат билан холис хизмат қилишдаги ўзларининг илоҳий вазифаларини бажариб юришдан ўзларини ҳамиша бахтиёр сезадилар, умрининг охирида эса, албатта Худонинг мангу даргоҳига эришадилар. Саннийаси-маявадилар кўпинча руҳий юксалиш йўлидан адашиб, табиатан моддий, ҳар хил натижа келтирадиган дунёвий хайрия ишлари билан шуғуллана бошлайдилар.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гарчи булар ҳам бир неча умрлардан кейин барибир Кришнани англаб етсалар ҳам, қайси нарса Брахман, қайси нарса Брахман эмаслигини ўйлаб ҳамиша чуқур фалсафий фикрлашлар билан машғул бўлиб юрган саннийасилардан ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган содиқлар анча устун турадилар.

*7. йога-йукто вишуддхатма виджитатма джитендриях  
сарва-бхутатма-бхутатма курванн апи на липйате*

***Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, қалби пок, ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб олган киши ҳаммага бирдай қадрли, ҳамма унинг учун азиз. Гарчи шундай инсон ҳамиша турли фаолият билан банд бўлиб юрса ҳам, у ҳеч қачон ўз фаолиятининг***

## **оқибатларига боғланиб қолмайди.**

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан яшаб озодликка эришишга интилиб юрган одам ҳар бир тирик мавжудот учун азиз, унга ҳам ҳар бир мавжудот жуда кадрли. Бунга сабаб унинг ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрганидир. Худди шоҳа ва барглар дарахтнинг ўзидан ажралмагани сингари, тирик мавжудотлар ҳам Кришнадан ажралмаган эканини у яхши билади. Дарахтнинг илдизига сув қуйганда дарахтнинг шоҳа ва барглари ҳам озикланишини, ошқозонга овқат солиш ёрдамида биз бутун танани зарур қувват билан таъминлашимиз мумкин эканини у яхши тушунади. Кришна онгида ҳаракат қилаётган киши шу тарзда ҳаммага хизмат қилиб юргани туфайли ҳар бир тирик мавжудот учун азиз, кадрли бўлади. Кўрсатаётган фаолиятдан ҳамма мамнун бўлгани учун унинг онги ҳамиша поклигича қолаверади. Покланган онги унга ақлини назорат қилиш имкониятини беради, ақлини жиловлаш ёрдамида эса, у ҳиссиётини ҳам ўзига бўйсунган ҳолда ушлаб юради. Шундай одамнинг ақли ҳамиша Кришнада мужассам бўлади, шу сабабли у ҳеч қачон Худони эсидан чиқармайди, унинг сезги аъзолари Кришнага хизмат қилишдан бошқа бирор иш билан машғул бўлмайди. Ҳеч қачон у Кришна билан боғлиқ бўлмаган гапларни эшитгиси келмайди, Кришнага таклиф қилинмаган таомдан емайди, агар Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаса, у бирор жойга бормайди. Шу тариқа унинг бутун ҳиссиёти ҳамиша ўзига бўйсунган бўлади. Ҳиссиётини жиловлаб олган киши ҳаётда ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳеч қандай зиён етказмай яшайди. "Нимага Аржун жангда иштирок этиб, шунча одамни ўлдирди? У Кришна онгида эмасмиди?" - деб сўрашингиз мумкин. Аржуннинг ўз рақибларига берган зарари сиртдан, юзак қараганда зарардай бўлиб кўринади: жанг майдонида ўлдирилган барча жангчилар алоҳида руҳ сифатида яшашда давом этаверадилар, чунки руҳни ўлдириб бўлмайди. Бу ҳақда иккинчи бобда айтилган эди. Руҳий жиҳатдан олганда Курукшетрадаги жангда ҳеч ким ўлгани йўқ. Жангчилар шу ерда шахсан иштирок этиб турган ягона Парвардигор Кришнанинг амри билан таналарини алмаштирдилар, холос.

Курукшетрада жанг қила туриб, Аржун аслида ҳеч ким билан жанг қилгани йўқ: у фақат Кришна онгида бўлган ҳолда Кришнанинг буйруғини бажарди, холос. Ундай одам ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларига боғланиб қолмайди.

8-9. *найва кинчит каромити  
йукто манйета таттва-вит  
пашйан шринван спришан джигхрानн  
ашнан гаччхан свапан швасан  
пралапан висриджан грхннанн  
унмишан ниммишанн апи  
индрияниндриятхешу  
вартанта ити дхарайан*

*Илоҳий онг соҳиби бўлган киши кўраётганда, эшитаётганда, сезаётганда, ҳидлаётганда, овқатланаётганда, юраётганда, ухлаётганда ёки нафас олаётганида, аслида ўзи ҳеч иш қилмаётганини ҳамиша билиб туради. У суҳбатлашаётганида, ичини бўшатаётганида ёки қорнини тўйгазаётганида, кўзларини очаётганида ёки юмаётганида, фақат унинг сезги аъзолари ташқи нарсалар билан ўзаро ҳаракатда бўлаётганини, лекин унинг бу ишларга ҳеч қандай дахлдор эмаслигини яхши билади.*

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган кишининг қалби пок, шу боис, унинг беш асосий сабаб ҳамда бошқа қўшимча сабаблар келтириб чиқарадиган фаолиятга унинг бевосита алоқаси йўқ. Беш сабаб: 1) ҳаракат қилувчи; 2) фаолиятнинг ўзи; 3) ташқи шароит; 4) ишлатиладиган куч; 5) тақдир(Худонинг хоҳиши). Худонинг содиқларининг қалби ҳамиша пок бўлишига сабаб шуки, улар ҳамиша Кришнага илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўладилар. Ташқаридан қараганда танаси ва сезгилари ёрдамида ҳаракат қилиб юргандай туюлса ҳам, у ҳамиша руҳий фаолиятдан иборат бўлган ўзининг ҳақиқий бурчини англаб яшайди. Моддий онгга эга бўлган киши ўз сезгиларидан моддий лаззатланиш учун фойдаланади, Кришна онгида бўлган киши эса ўз сезгиларини, танасини Кришнани мамнун қилиш учун, Кришнага лаззат келтириш учун ишлатади. Шу сабабли, гарчи сезги аъзоларидан фойдаланиб юрган бўлса ҳам, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳамиша озод руҳ ҳисобланади. Кўриш ва эшитиш - билувчи аъзоларнинг вазифаси, ҳаракат, нутқ, қоринни бўшатиш ва ҳоказолар эса - ҳаракатланадиган аъзоларнинг иши. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қачон тана аъзоларининг фаолияти таъсирига тушиб қолмайди. У Худога хизмат қилишдан бошқа бирор иш билан шуғулланмайди, чунки у Кришнанинг мангу хизматкори эканини яхши билади.

10. *Брахмани адхайа кармани сангам тйактва кароти йах  
липйате на са папена падма-патрам ивамбхаса*

*Худди сув ҳеч қачон нилуфар баргини намлай олмагани сингари, қилаётган ишларининг натижасига боғланмасдан, уларни Худога бағишлаб, ўз бурчини холис бажариб юрган киши ҳеч қачон гуноҳ иш қилмайди.*

Изоҳ: Бу ерда *Брахмани* ибораси "Кришна онгида" деган маънони англатади. Моддий олам - моддий табиатнинг уч гунасининг намоён бўлган кўринишидир, у санскрит тилида *прадхана* деб аталади. Ведавий мадҳияларда шундай дейилган: *сарвам хи этад Брахма*(Мандукйя-упанишад.

2), *тасмад этад Браҳма нама рупам аннам ча джайате*(Мундака-упанишад, 1.2.10). "Бхагавад-Гита"(14.3)да ҳам шундай дейилган: *мама йонир махад Браҳма*. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламдаги ҳамма нарса Браҳманнинг намоён бўлган кўринишидир, гарчи ҳамиша ҳар хил кўринишларга эга бўлса ҳам, аслида натижа - шу натижани келтириб чиқарган сабабдан фарқ қилмайди. "Ишопанишад"да айтилганки, ҳамма нарса Олий Браҳман - Кришна билан боғланган, ҳамма нарса шу ягона Зотнинг мулкидир. Ҳамма нарса Кришнаники эканини тўлиқ англаб етган, Парвардигор - ҳамма нарсанинг эгаси, шу боис ҳамма нарсадан Унга хизмат қилиш учун фойдаланиш лозимлигини тўлиқ англаб етган киши ҳеч қачон ўзининг гуноҳ ёки савоб ишларининг натижаларига боғланиб қолмайди. Ҳатто, Парвардигор бирор фаолият кўрсатиш учун тирик мавжудотга бериб қўйган моддий танани ҳам Кришна онгида Худого хизмат қилиш учун ишлатиш керак. Шунда у, сувга ботиб турса ҳам, ҳеч қачон намланмайдиган нилуфар гулининг барги сингари, ҳеч қандай гуноҳ ишлар оқибатига булғаниб қолмайди. "Бхагавад-Гита"(3.3)да Кришнашундай дейди: *майи сарвани кармани саннийасйа* - "Таркидунё қилиб, бутун фаолиятингни фақат Менга бағишла!" Шундай қилиб, Кришнани англаб етмаган киши моддий танасини ва сезги аъзоларини "ўзим" деб билган ҳолда ҳаракат қилади, Кришна онгида бўлган киши эса, танаси Кришнанинг мулки эканини, уни Кришнага хизмат қилишда ишлатиш кераклигини билиб, шу илмига асосан ҳаракат қилади.

*11. кайена манаса буддхйа кевалаир индрийаир апи  
йогинаҳ карма курванти сангам тйактватма-шуддхае*

***Ҳар қандай боғланишларни тарк этиб, йоглар ўзининг танасидан, ақлидан, тафаккурдан, ҳатто ҳиссиётдан ҳам фақат покланиш мақсадида фойдаланадилар.***

Изоҳ: Инсон Кришна онгида бўла туриб, Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қилганида, унинг танасининг, ақлининг, тафаккурининг ёки ҳатто ҳиссиётининг ҳаракатлари ҳам моддий иллатларга булғанмаган пок ҳисобланади. Кришна онгига эга кишининг фаолияти унинг ўзига ҳеч қандай моддий оқибат келтирмайди. Шунинг учун ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб, биз ҳеч қийналмасдан ҳаётимизни *сад-ачара* деб аталадиган пок рухий фаолиятга бағишлай оламиз. Шри Рупа Госвами ўзининг "Бҳакти-расамрита-синдху" асарида (1.2.187) бу ҳақда шундай дейди:

*иха йасйа харер дасйе кармана манаса гира  
никхиласв апи авастхасу дживан-муктаҳ са учйате*

"Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган, яъни Кришнага танаси, ақли, тафаккури ва нутқи билан холис хизмат қилиб юрган киши, ҳатто моддий



оламда яшаб, ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб юргандай кўринса ҳам, барибир озодликка чиққан руҳ ҳисобланади".

Шундай одам сохта ўзлик таъсиридан озодликка чиққан руҳдир, чунки у моддий танасини ўзига қиёсламайди, ўзини унинг эгаси деб ҳисобламайди. У ўзи моддий танасидан фарқ қилишини, аслида тана унга тегишли эмаслигини яхши билади. Унинг танаси ҳам, унинг ўзи сингари Кришнаники. Содик ўзининг ҳамма нарсасидан - танаси, ақли, тафаккури, нутқи, ҳаёт кучи, мол-дунёсидан фақат Кришнага хизмат қилиш учун фойдалана бошлаган заҳоти Кришна билан ўзаро муносабатини қайта тиклайди. Кришна билан алоқасини қайта тиклаб, у ўзини моддий танага қиёслашга мажбур қиладиган сохта ўзлик таъсиридан халос бўлади. Мана шу унинг қалбидаги Кришна онгининг комил ҳолатидир.

*12. йуктаҳ карма-пхалам тйактва шантим апноти найштхиким  
айуктаҳ кама-карена пхале сакто нибадхйате*

***Чуқур иймон билан ўзини Менга топширган киши ҳақиқий тинчлик ва осойишталикка эришади, чунки у ўз меҳнатининг барча натижаларини Менга бағишлайди. Парвардигор билан боғланмаган, ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш ниятида юрган киши эса, ўз нафсининг қули бўлиб қолаверади.***

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одам билан моддий онг эгаси бўлган одам орасидаги фарқ шундан иборатки, уларнинг биттаси Кришнага боғланган, бошқаси эса қилаётган ишларининг натижаларига боғланган. Кришнага боғланган, фақат Худони мамнун қилиш учун меҳнат қиладиган киши шубҳасиз руҳий озодликка эришган руҳдир, у ўз фаолиятининг натижаси қандай бўлишидан хавотирга тушиб ташвишланмайди.

"Шримад Бҳагаватам"да айтилганидай, одам ҳар хил қарама-қаршиликлар таъсири остида, яъни Мутлақ Ҳақиқат илмидан беҳабар бўлгандагина ўз меҳнатининг натижаларига боғланган бўлади. Кришна - Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шаҳси. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши учун ҳаётда ҳеч қандай қарама-қаршилик мавжуд эмас. Бутун борлиқ Кришнанинг қувватидан яралган, Кришна эса барчага саодат келтирувчи Зотдир. Кришна онгида қилинган фаолият мутлақ табиатга эга; у бутунлай руҳий фаолият, ҳеч қачон моддий оқибатлар келтирмайди. Шунинг учун Кришна онгида ҳаракат қилаётган киши ҳамиша ҳиссий лаззатланиш ниятида ўзи бажараётган ҳар бир ишдан бирор фойда ундиришга интилиб юрган одамларга умуман бегона бўлган ўзгармас ором ва осойишталик ҳолатида юрган бўлади. Кришна онгидаги фаолиятнинг сири ана шундай: бутун оламда Кришна билан боғлиқ бўлмаган нарсанинг ўзи йўқлигини англаб етиш - инсонга ўзгармас осойишталик, хотиржамлик келтиради ва уни ҳар қандай кўркувлардан халос этади.

13. *сарва-кармани манаса санниасйасте сукхам ваши  
нава-дваре пуре дехи наива курван на карайан*

***Танада мужассам бўлган тирик мавжудот ўзини бошқаришни ўрганиб ақл сатҳида ҳар қандай фаолиятни тарк этса, ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан, ҳеч қандай ҳаракатга сабабчи бўлмасдан тўққиз дарвозали шаҳар(моддий тана) ичида бахтиёр яшайди.***

Изоҳ: Шартланган руҳ моддий тана, яъни “тўққиз дарвозали шаҳар” ичида яшайди. Тана моддий табиат гуналарига бўйсуниб ҳаракат қилади ва ҳамиша уларнинг таъсири остида бўлади. Шартланган руҳ эса, ўз танасининг ҳолатига боғлиқ бўлади, аммо агар истаса у ана шу боғланишдан озод бўлиши мумкин. У ўзининг рухий табиатини эсидан чиқариб, моддий танасини "ўзим" деб алданиб юргани сабабли ҳаётда азоб чекиб юрибди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирганда руҳ ўзининг табиий ҳолатига қайтиб, тана ичига қамалиб юришдан халос бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши моддий тананинг фаолиятдан бутунлай халос бўлади. Ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олган ва ҳаёт ҳақидаги нотўғри фикрини ўзгартирган ана шундай руҳ тўққиз дарвозали шаҳарда бахтиёр яшайди.

*нава-дваре пуре дехи хамсо лелайате бахиҳ  
ваши сарвасйа локасйа стхаварасйа чарасйа ча*

"Алоҳида жон билан бирга моддий тана ичида яшайдиган Парвардигор коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг ягона Хукмдоридир. Моддий танада тўққиз дарвоза мавжуд(икки кўз, буруннинг икки тешиги, икки кулоқ, оғиз, ахлат чиқариш аъзоси ва жинсий аъзолар). Тирик мавжудот шартланган ҳолатда бўлганида моддий танасини ўзига қиёслайди, аммо қалбидаги Парвардигор билан ўзи бир хил табиатга эга эканини англаб етгандан кейин, ҳатто моддий тана ичида юрган бўлса ҳам, у худди Парвардигор сингари озод бўлади"(Шветашватара-упанишад, 3.18).

Шундай қилиб, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши моддий танасининг ташқи ва ички фаолиятдан озод бўлади.

14. *на картритвам на кармани локасйа сриджати прабхуҳ  
на карма-пхала-самйогом свабхавас ту правартате*

***Тана-шаҳарнинг хўжайини, моддий танада мужассам бўлган руҳ аслида ҳаракат қилмайди, бошқаларни фаолиятга ундамайди ва уларнинг натижасини яратмайди. Буларнинг ҳаммасини моддий табиат гуналари амалга оширади.***

Изоҳ: Еттинчи бобдан билиб оламизки. тирик мавжудот Парвардигорнинг қувватларидан бирига мансуб; бу қувват(табиат) Парвардигорнинг қуйи қуввати(табиати) бўлган моддадан фарқ қилади. Олий қувватга мансуб бўлган тирик мавжудот қандайдир сабаблар билан қадим замонлардан бери моддий табиат билан аралашиб юрибди. Тирик мавжудот яшаётган ўткинчи моддий тана ҳар хил фаолият ва уларнинг оқибатларининг сабабчисидир. Аслида тирик мавжудот азалдан пок, аммо шартланган ҳолатда бўлгани ва ғофиллиги сабабли танасини "ўзим" деб ўйлагани учун, танаси амалга оширган фаолият натижаларидан азоб чекади. Моддий тана ичидаги барча мусибатларимизнинг ягона сабабчиси - қадим замонлардан бери тирик мавжудотни қоплаб келаётган ғофиллик пардасидир. Тирик мавжудот тана фаолиятидан халос бўлганида, шу фаолиятнинг оқибатларидан ҳам халос бўлади. Шаҳар-тана ичида яшар экан, гарчи руҳ моддий тананинг эгаси бўлмаса, унинг ҳаракатларини бошқармаса, оқибатларини яратмаса ҳам, унинг ҳўжайинидай туюлади. У шунчаки моддий ҳаёт уммонида тирикчилик учун кураш олиб боради. Тўлқинлар уни у ёқдан бу ёққа олиб юради, уларга қаршилиқ қилишга эса тирик мавжудотнинг кучи етмайди. Унинг учун ягона нажот йўли - Кришнани англашнинг илоҳий усули ёрдамида ана шу уммондан озодликка чиқишдир. Тирик мавжудот учун бу дунёда ягона нажот йўли шундан иборат.

*15. надатте касйачит папам на чайва сукритам вибхух  
аджнаненаврिताм джннанам тена мухйаннти джантавах*

***Парвардигор тирик мавжудотларнинг гуноҳ ва савоб ишлари учун жавоб бермайди. Танада мужассам бўлган мавжудотлар алданиш(сароб, майя) чангалига тушиб қолган, чунки уларнинг ҳақиқий илми гафлат пардаси билан қопланган.***

Изоҳ: Санскрит тилидаги *вибху* иборасининг мазмуни "чексиз илм, чексиз бойлик, чексиз қудрат, тенгсиз шон-шухрат, беқиёс гўзаллик ва боғланмаслик(эркинлик) эгаси бўлган Худо Шахси" деганни билдиради. Ҳамиша Ўзига тўла, Ўзидан мамнун бўлган ҳолда Унинг тирик мавжудотларнинг гуноҳ ёки савоб ишларига бевосита алоқаси йўқ. Тирик мавжудотларни у ёки бу шароитга солиб қўйган Парвардигор эмас. Тирик мавжудотларнинг ўзлари ғофиллиги ва адашганлиги сабабли маълум бир шароитда яшашни истайдилар, шунда уларнинг фаолияти ва фаолиятининг оқибатлари занжири бошланади. Парвардигорнинг руҳий қувватига мансуб бўлган тирик мавжудот асл табиатига қўра илмга тўла. Шунга қарамай, қуввати чекланганлиги сабабли алоҳида руҳ гафлат гунасининг таъсири остига тушиб қолади. Тирик мавжудотдан фарқли равишда, Парвардигор ҳамма нарсага кодир, қудрати чексиз. Парвардигор - *вибху* ҳамма нарсани билувчи, чексиз даражада буюк; тирик мавжудот эса - *ану*, яъни чексиз даражада кичик руҳий

заррача. Рухий учкун, заррача бўлгани сабабли тирик мавжудот ҳам мустақил ирода ва исташ қобилиятига эга. Аммо, унинг истакларини фақат қудратли Парвардигоргина амалга ошира олади. Тирик мавжудотни ҳар хил дунёвий орзу-истаклар қийнай бошлаганида Парвардигор унга ўз истакларини амалга ошириш имконини беради, аммо У тирик мавжудотнинг ўзи танлаган шароитга мос равишда кўрсатаётган фаолияти ва уларнинг оқибатлари учун жавоб бермайди. Ақлдан адашган тирик мавжудот ўткинчи танасини "ўзим" деб билиб, ўткинчи табиатга эга бўлган ҳар хил қувонч ва мусибатлардан қийналиб яшайди. Парвардигор Параматма, яъни Олий Рух кўринишида ҳамиша алоҳида рухнинг ёнида бўлади, худди гулнинг ёнида туриб унинг ҳидини билганимиз сингари, Парвардигор алоҳида рухнинг барча истакларини яхши билади. Истак тирик мавжудотнинг шартланган ҳолатининг нозик, нафис кўринишидир. Парвардигор тирик мавжудотнинг истакларини у лойик бўлган даражада амалга оширади: инсоннинг нияти Парвардигорнинг хоҳишига тўғри келсагина амалга ошади. Шундай қилиб, алоҳида тирик мавжудот ўз истакларини мустақил ҳолда ўзи амалга ошира олмайди. Аммо Парвардигор унинг барча истакларини амалга ошира олади. Ҳеч нарсага боғланмаган ҳолда Парвардигор чексиз кичик, чекланган мустақилликка эга бўлган тирик мавжудотга ўз истагини амалга оширишга уришиб кўришига халакит бермайди. Лекин, тирик мавжудотнинг истаги, мақсади - Худо Шахсининг Ўзи, Кришна бўлганида, Парвардигор унга алоҳида марҳамат кўрсата бошлайди ва унинг истакларини назорат қилиб, унинг Худони таниб, мангу бахтга эришишига ёрдам беради. Ведавий мадҳияларда шундай дейилган: *эша у хй эва садху карма карайати там йам эбхйо локебхйя уннинишате, эша у эвасадху карма карайати йам адхо нинишате* - "Парвардигор тирик мавжудот руҳий юксалишга эриша олиши учун уларга хайрли ишлар қилишга имкон беради. Улар дўзахга тушишлари учун Парвардигор уларга гуноҳ ишлар қилиш имконини беради"(Каушитаки-упанишад, 3.8).

*аджно джантур анишо "йам атманах сукха-духкхайоҳ  
ишвара-прерито гаччхет сваргам вавш абхрам эва ча*

Тирик мавжудотнинг бахтли ёки бахтсиз бўлиши Парвардигорнинг амрига боғлиқ. Худди шамол ҳар тарафга олиб юрадиган булутлар каби, шартланган рух Худонинг амри билан ё жаннатга, ё дўзахга тушиши мумкин".

Шундай қилиб, қадим замонлардан бери Кришнани англашдан қочиб юрган тирик мавжудотнинг ғофиллигига унинг ўзи сабабчи бўлади. Гарчи ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот мангу, илм ва лаззатга тўла бўлса ҳам, чексиз кичик заррача бўлгани сабабли, Худого хизмат қилиб яшаши лозимлигини эсидан чиқаради ва ғофиллик чангалига тушиб қолади. Ана шу ғофиллиги уни ҳозирги шартланган ҳолатга тушиб қолгани учун Парвардигорни айблашга мажбур қилади. "Веданта-сутра"да (2.1.34) шундай дейилган: *ваишамйя-наиргхринйе на санекшатват татха хи даршайати* - "Гарчи бир қарашда бундай туюлмаса ҳам, Парвардигор ҳеч кимга нисбатан нафрат ҳам,

мухаббат ҳам ҳис қилмайди".

16. *дҗнанена ту тад адҗнанам йешам нашитам атманах  
тешам адитйа-вадҗ дҗнанам пракашайати тат парам*

***Аммо, тирик мавҷудот мукаммал илмга эга бўлганида, худди уфқда кўтарилган Қуёш нури атрофдаги ҳамма жойни равшан қилгани сингари, илм ёғдуси зофиллик зулматини тарқатиб юбориб, унга ҳамма нарсанинг ҳақиқий табиатини очиб ташлайди.***

Изоҳ: Кришнани унутган тирик мавҷудотлар алданиш чангалига тушишдан қочиб қутула олмайдилар, лекин Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қачон алданиш таъсирига берилмайди. "Бҳагавад-Гита"(4.36-38)да шундай дейилган: *сарвам дҗнана-плавена, дҗнанагниҳ сарва-кармани ва на хи дҗнанена садришам*. Илм - бебаҳо неъмат. Илм нима ўзи? Кришнага ўз ихтиёрини топширган киши мукаммал илмга эга инсондир: *бахунам дҗжанманам анте дҗжанаван мам прападйате* (БГ.7.19). Бу дунёда жуда кўп умрлар яшагандан кейин инсон ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширса уни "мукаммал илмга эга инсон" деб тушуниш керак: бошқача қилиб айтганда, худди Қуёш нури ҳамма жойни равшан қилгани сингари, Кришна онгига эга бўлган кишига ҳамма нарса аниқ-равшан аён бўлади. Инсоннинг ақлини адаштирадиган ғафлат, алданиш, *майа* ҳар хил кўринишда бўлади. Масалан, тирик мавҷудот ғофиллиги сабабли ўзини "Худо" деб эълон қилганида, у майанинг энг охириги тузоғига илинган бўлади. Агар тирик мавҷудот Худо бўлса, қандай қилиб ҳозир у алданиш, *майа* таъсири остига тушиб қолди? Ҳамма нарсага қодир бўлган Худо ҳам шайтон васвасасига, майянинг чангалига илинадими? Агар ундай бўлса шайтон, *майя* - Худодан қудратлироқ бўлиб чиқади-ку?

Фақат Кришна онгини тўла эгаллаган кишидан ҳақиқий, мукаммал илм ўрганиш мумкин. Шунинг учун, ҳақиқий руҳий устоз излаб топиш ва унинг раҳбарлиги остида Кришнани англаш илмини эгаллаш лозим, чунки худди қуёш нурлари тун зулматини ёритиб юборгани сингари, Кришнани англаб етиш ҳам инсон қалбидан ғофиллик пардасини кўтариб юборади. Ҳатто ўзи моддий танадан фарқ қилишини, ўзининг асл руҳий табиатини англаб етган киши ҳам руҳ билан Олий Руҳ орасидаги фарқни билмаслиги мумкин. Аммо, агар у Кришна онгида бўлган ҳақиқий руҳий устознинг паноҳига кирса, мана шу илоҳий илм унга аён бўлади. Тирик мавҷудот фақат Худонинг вакили ёрдамида Парвардигорни ҳамда Парвардигор билан ўзининг ўзаро мангу муносабатини англаб етиши мумкин. Гарчи, Парвардигор ҳақида мукаммал илмга эга бўлгани учун, Парвардигорнинг вакилини Парвардигор билан тенг даражада эъозласалар ҳам, у ҳеч қачон ўзини "мен Худоман" деб эълон қилмайди. Оддий тирик мавҷудот Худо Шахсидан фарқ қилишини ҳар бир одам аниқ англаб олиши лозим. "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида(2.12) Парвардигор айтадики, барча тирик мавҷудотлар Парвардигорнинг Ўзи син-

гари алоҳида шахслардир. Улар ўтмишда ҳам алоҳида шахс бўлган, ҳозир ҳам алоҳида шахс, келажакда озодликка эришгандан кейин ҳам алоҳида шахс бўлиб қолаверадилар. Тун қоронғулигида ҳамма нарса бир хилдай бўлиб кўринади, аммо Қуёш чиққандан кейин биз ҳамма нарсани яққол кўриб, уларни бир-биридан ажрата оламиз. Рухий ҳолатда ҳам тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қолишини тушуниб етиш ҳақиқий илмдир.

17. *тад-буддхаяс тад-атманас тан-ништхас тат-парайанаҳ  
гаччхантис апунар-авриттим джнана-нирдхута-калмашаҳ*

***Ақли, тафаккури, ишончи ва бутун умиди тўлалигича ягона Парвардигорга қаратилганида, мукаммал илми шарофати билан инсон барча гуноҳлари иллатидан бутунлай халос бўлади, шунда унинг олдидан озодликка эришиши йўли очилади.***

Изоҳ: Олий илоҳий Ҳақиқат - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси Шри Кришна. "Бхагавад-Гита"нинг асосий мазмуни - Кришна Худонинг Олий Шаҳси эканини тасдиқлашдан иборат. Буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. *Пара-таттва* - "Олий ҳақиқат" дегани бўлиб, уни Парвардигорнинг барча уч кўринишини: Браҳман, Параматма ва Бхагаванни англаб етган киши англай олади. Бхагаван, яъни Худонинг Олий Шаҳси - Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий кўринишидир. Ундан буюкроқ ҳеч нарса мавжуд эмас. Буни Парвардигорнинг Ўзи тасдиқлайди: *маттаҳ паратарам нанйат кинчид асти дхананджайа*(БГ.7.7). Ҳатто, шахс сифатига эга бўлмаган Браҳман ҳам Кришнада мужассам: *Браҳmano хи пратиштхахам*. Шу сабабли қайси жиҳатдан қаралса ҳам Кришна - Олий Ҳақиқатдир. Бутун ақли, тафаккури, иймони ва умиди Кришнага қаратилган, Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши, бошқача қилиб айтганда, қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши шубҳасиз барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб, илоҳий борлиқнинг барча кўринишларини англаб етган буюк зотдир. Кришна онгига эга бўлган киши "бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш" таълимотини ўз ичига олган ягона Парвардигор Кришна ҳақидаги илмни яхши тушунади. Шундай илоҳий илм билан қуролланган ҳолда у озодликка элтувчи йўлдан адашмай олға бораверади.

18. *видйа-винайа-сампанне Браҳмане гави хастини  
шуни чайва шва-паке ча пандитаҳ сама-даршинаҳ*

***Ҳақиқий илмга эга бўлган камтарин донишмандлар олимга ва олийнасабли браҳманга, сигирга, филга, итга ва ит гўшти ейдиган ҳароми одамга бир хил назар билан қарайдилар.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ҳаётнинг турли шаклларидаги таналарга эга бўлган тирик мавжудотларни ҳам, жамиятнинг ҳар хил табақаларига мансуб бўлган одамларни ҳам бир-биридан ажратмайди. Ижтимоий ривожланиш зинапоясининг ҳар хил поғоналарида турган браҳманми ёки ҳароми, ғофил одамми, ёки ҳаётнинг ҳар хил турларига мансуб сигир, ит ёки филми - Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган донишманд учун уларнинг таналари орасидаги фарқ ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Донишманд киши Парвардигор Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлгани сабабли, ҳамма тирик мавжудотлар Парвардигор билан боғланган эканини тушунади. Парвардигорни ана шундай тушуниш - ҳақиқий, мукамал илмдир.

Қайси ҳаёт шаклига ва жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъий назар Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот учун жуда меҳрибон ва марҳаматли. Парвардигор Уларнинг ҳар бирини Ўзининг дўсти деб ҳисоблайди, тирик мавжудот қандай шароитга тушиб қолса ҳам Параматма қиёфасида Парвардигор ҳамиша унга ҳамроҳ бўлиб юради. Таналари ҳар хил бўлишига қарамай Парвардигор ҳароми одамнинг ҳам, браҳманнинг ҳам қалбида жойлашган. Тана - моддий табиат гуналари келтириб чиқарган қурилма, аммо тана ичидаги руҳ ва Олий руҳ бир хил руҳий табиатга эга. Лекин, сифат жиҳатдан бир хиллиги уларни микдор жиҳатдан ҳам бир хил қилолмайди, чунки алоҳида руҳ фақат битта тана ичида мавжуд бўла олади, Параматма эса - ҳамма таналарда мавжуд. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши буни яхши тушунади, шунинг учун у ҳақиқий илмга эга ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Алоҳида руҳ билан Параматмани бирлаштириб турган ягона нарса шундан иборатки, улар иккиси ҳам мангу, лаззатга тўла ва онгли мавжудотлардир. Лекин, алоҳида тирик мавжудотнинг онги фақат ўзининг танаси билан чекланган, Олий Руҳнинг онги эса, барча таналарни қамраб олган. Тирик мавжудот қайси ҳаёт турига мансуб бўлишидан қатъий назар, Олий Руҳ ҳар бир тирик мавжудотнинг танасида мавжуд.

*19. ихаива таир джитаҳ сарго йешам самйе стихатам манаҳ  
нирдошам хи самам Браҳма тасмад Браҳмани те стхитаҳ*

***Ҳамиша ақли мувозанатда ва боғланишсиз яшайдиган кишилар аллақачон тугилиш ва ўлишлар жараёндан юқори кўтарилган бўладилар. Улар Браҳман сингари бегуноҳ бўлиб, ҳамиша Браҳманда бўладилар.***

Изоҳ: Аввал айтилганидай, ақли ҳамиша мувозанатда бўлиб, хотиржам юриши инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англаб етганидан далолат беради. Руҳий юксалишда ҳақиқатан ҳам ана шундай поғонага эришган киши моддий тутқунликдан халос бўлган, яъни тугилиш ва ўлишни енган инсон

ҳисобланади. Токи инсон моддий танасини “Ўзим” деб ҳисоблар экан, у шартланган ҳолатда бўлади, аммо, ўзининг руҳий табиатини англаб, ҳамиша осойишта ҳолатда бўлиб, у шартланган ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқади. У энди ҳеч қачон моддий оламда қайта туғилмайди, ўлганидан кейин руҳий даргоҳга эришади. Парвардигорни “беғуноҳ” деб атайдилар, чунки У ҳеч кимга алоҳида қаттиқ боғланиб ҳам қолмаган, ҳеч кимдан қаттиқ нафратланмайди ҳам. Боғланиш ва нафрат туйғуларидан покланганида тирик мавжудот ҳам беғуноҳлик даражасига эришиб, руҳий салтанатга киришга муносиб зот бўлади. Шундай инсонни “озод руҳ” деб ҳисоблаш керак ва уларни кейинги шеърда кўрсатилган белгиларига қараб бошқалардан ажратиб олиш мумкин.

20. *на прахришийет приям прапйа нодвиджсет прапйа чаприйам  
стхира-буддхир асаммудхо Браҳма-вид Браҳмани стхитаҳ*

***Омади келганда қувониб яйраб кетмайдиган ва ёқимсиз ҳолатларда тушқунликка тушмайдиган, ўзгармас тафаккурга эга, алданиш таъсирига берилмайдиган ва Худонинг илмини биладиган киши илоҳий поғонага кўтарилган инсондир.***

Изоҳ: Бу ерда ўзининг руҳий табиатини англаб етган одамни бошқалардан ажратиб турадиган аломатлар санаб ўтилган. Энг аввало ундай одам алданиш таъсирига берилмаган, чунки у ўзини моддий тана билан киёслашни тарк этган бўлади. У ўзининг моддий танадан фарқ қилишини, Парвардигорнинг бир зарраси эканини яхши билади. Шунинг учун у тана билан боғлиқ бирор нарсага эришганида қувониб кетмайди ва бирор нарсадан маҳрум бўлганида афсусланиб, қийналмайди. Ҳамиша хотиржам, осойишта юрадиган ана шундай одамни *стхира-буддхи*, яъни "ўзгармас тафаккурга эга" одам деб айтадилар. Ундай одам ҳеч қачон моддий танани руҳ билан адаштириб ўтирмайди, танасини “Ўзим” деб ҳисоблаб, руҳнинг мавжудлигини инкор этмайди. Шундай илмга эга бўла туриб, у Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмни мукамал эгаллашга, яъни унинг уч аспекти: Браҳман, Параматма ва Бхагаванни англаб етишга қодир бўлади. У ўзининг ҳақиқий ҳолатини тушунади ва Худо билан тенглашиш учун беҳудага уриниб юрмайди. Шундай одам Браҳманни англаган, демак ўзининг руҳий табиатини англаб етган бўлади. Ана шундай ўзгармас, мустаҳкам онг - "Қришна онги" деб аталади.

21. *бахйа-спаршешв асактатма виндати атмани йат сукхам  
са Браҳма-йога-йуктатма сукхам акишайам ашнуге*

***Дунёвий боғланишлардан озод бўлган ана шундай инсонни моддий, ҳиссий лаззатлар жалб этмайди: у ҳамиша илоҳий жазава(транс)га гарқ бўлиб, ўзининг қалбидан лаззат олиб юради.***



**Ҳақиқий "мен"ини англаб етган ва фикру-хаёли ҳамиша Парвардигорда мужассам бўлган инсон ҳамиша чексиз бахтдан лаззатланиб яшайди.**

Изоҳ: Кришнанинг буюк содиғи Шри Ямуначарйа шундай деган эди:

*йад-авадхи мама четаҳ кришина-падаравинде  
нава-нава-раса-дхаманй удйатам рантум асит  
тад-авадхи бата нари-сангаме смарйамане  
бхавати мукха-викараҳ суитху ништхиванам ча*

"Ақлу-хаёлим Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан машғул бўлгандан бери мен ҳаётда тобора кучайиб борадиган руҳий лаззат ҳис қилиб яшайман. Шундан бери бу дунёдаги энг олий лаззат ҳисобланган жинсий алоқа ҳақидаги фикр ҳаёлимга келган заҳоти жирканиб кетаман, афтим буришиб туфуриб ташлайман".

Руҳий юксалиш йўлида *Брахма-йога*, яъни Кришнани тўла англаш поғонасига кўтарилган одам Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилишга шунчалик берилиб кетган бўладики, унинг ҳар қандай ҳиссий лаззатларга умуман қизиқиши қолмайди. Моддий ҳаётда энг чуқур, энг юксак лаззат - жинсий алоқадан олинадиган лаззат ҳисобланади. Бутун олам аҳли ана шу лаззат атрофида айланиб, унинг чанғалида асир бўлиб қолган. Агар ана шу лаззат бўлмаса бу дунёдаги иймонсиз, материалист одамлар бирор иш билан шуғулланмаган, кеча-кундуз тинмасдан оғир меҳнат қилиб юрмаган бўлардилар. Аммо, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши жинсий алоқадан лаззатланишга интилмасдан, аксинча, иложи борича ундан узоқлашишга ҳаракат қилиб, зўр иштиёқ билан бетиним меҳнат қила олади. Ана шу аломатга қараб одамнинг руҳий жиҳатдан қанчалик юксалганини аниқлаш мумкин. Руҳий юксалиш ва жинсий алоқадан лаззатланиш истаги бир-бирига мутлақо зид бўлган нарсалардир. Кришна онгига эга бўлган одамни ҳеч қандай ҳиссий лаззатлар ўзига маҳлиё қилиб, боғлаб қўя олмайди, чунки у бундай боғланишлардан бутунлай озод бўлган эркин руҳдир.

*22. йе хи самспарша-джа бхога духкха-йонайя эва те  
адй-антавантаҳ каунтейя на тешу рамате будхаҳ*

**Фаросатли инсон моддий сезгиларнинг уларга таъсир қиладиган нарсалар билан ўзаро боғланиши натижасида юзага келадиган лаззатлардан ўзини тийиб юради, чунки аслида бундай лаззатлар азоб-уқубатлар манбаидир. Эй Кунтининг ўғли, барча моддий лаззатларнинг боши ва охири бор, шунинг учун донишманд киши улар билан қизиқмайди.**

Изох: Моддий лаззатлар сезги аъзоларининг улар сезадиган нарсалар билан ўзаро бирикишидан келиб чиқади. Ундай лаззатлар ўткинчи, чунки моддий тананинг ўзи ҳам вақтинчалик нарса. Озодликка эришган кишини ўткинчи нарсалар қизиқтирмайди. Олий, руҳий лаззатни татиб кўрган киши вақтинчалик, сохта лаззатлар билан қаноатлана оладими? "Падма-пурана"да шунда дейилган:

*раманте йогино "нанте сатйананде чид-атмани  
ити рама-падена сау парам Браҳмабхидхийате*

"Йоғлар учун Мутлак Ҳақиқат чексиз руҳий лаззат манбаидир. Шу сабабли Олий Мутлак Ҳақиқат, Худо Шахсини "Рама" деб атайдилар".

"Шримад Бхагаватам"(5.5.1)да бу ҳақда шундай дейилган:

*найам дехо деха-бхаджам нр-локе  
каштан каман архате вид-бхуджам йе  
тапо дивйам путрака йена саттвам  
шуддхйед йасмад Браҳма-саукхйам тв анантам*

"Эй азиз ўғилларим, инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот ҳиссий лаззатга эришиш учун оғир меҳнат қилишининг умуман ҳожати йўқ, - чунки, ҳатто ахлат билан озикланиб тирикчилик қиладиган энг пасткаш ҳайвон(чўчка)лар ҳам бундай лаззатдан баҳраманд бўлиб юрибдилар-ку! Моддий иллатлардан бутунлай покланиш ва чексиз руҳий лаззатни татиб кўриш учун сизлар ўз умрингизни риёзат чекишга бағишлашингиз лозим".

Шундай қилиб, ҳақиқий йоғ ва донишмандлар тирик мавжудотни моддий оламга боғлаб, шу ерда тутқун қилиб қўядиган ҳиссий лаззатларга интилмайдилар. Биз моддий лаззатларга қанчалик боғланган бўлсак ҳаётда шунчалик кўп мусибатларга дучор бўлаверамиз.

*23. шакнотихаива йаҳ содхум прак шарира-вимоксианат  
кама-кродходбхавам вегам са йуктаҳ са сукхи нараҳ*

***Агар инсон ўзининг ҳозирги танасида моддий ҳиссиётлар хуружини тўхтатиб туришни, ғазаб ва истакларини жиловлашни ўрганган бўлса, демак, у - бу дунёда ҳақиқий бахтга эришган баркамол инсондир.***

Изох: Руҳий ўзликни англаш йўлидан адашмасдан юксала боришни истайдиган одам ҳиссиётининг гапиришга, ғазабланишга бўлган ҳар қандай хуружини, шунингдек ақлининг, қорнининг, жинсий аъзоларининг ва тилининг хуружларини тўхтатиб туришни ўрганиши керак. Ҳиссиётини ва ақлини жиловлаб олган кишини *госвами* ёки *свами* деб атайдилар. *Госвами* ҳаётда ўз

хиссиётини тўла назорат қилиб, ҳамиша қонун-қоидалар асосида тартибли турмуш кечиради. Талаби қондирилиб қаноат ҳосил қилмаган моддий хиссиётлар кишини ғазаблантиради, натижада унинг ақли безовта бўлиб, осойишталигини йўқотади, кўзлари қонга тўлади ва оғир-оғир нафас ола бошлайди. Шунинг учун, моддий танасини тарк этишдан олдин инсон ўз хиссиётини жиловлашни ўрганиши лозим. Ана шундай қобилятга эга бўлган киши ўзининг руҳий табиатини англаб етган, илохий бахтга эришган одам ҳисобланади. Руҳий юксалиш йўлидан бораётган ҳар бир одам ўз истақларини ва ғазабини жиловлаб олиш учун бор кучини ишга солиб ҳаракат қилиши лозим.

24. йо “нтаҳ-сукхо “нтар-арамас татхантар-дэжйотир эва йаҳ са йоги Браҳма-нирванам Браҳма-бхута “дхигаччхати

***Бахт, лаззат ва руҳий кўтаринкиликни ўз қалбидан топа олган, нигоҳи ҳамиша қалбига, ички дунёсига қаратилган киши ҳақиқатан ҳам комил йог-сехргардир. У озодликка чиқиб, охир-оқибатда Парвардигорга эришади.***

Изоҳ: Токи инсон, шодлик ва лаззатлар манбаини ўзининг қалбидан топмас экан, у бахтга, лаззатга ўхшаган алдамчи туйғуни келтириб чиқарадиган ташқи фаолиятдан воз кеча олмайди. Озодликка эришган зот ҳақиқий бахт нашъасини суриб ҳаётдан лаззатланиб яшайди, шу боис у руҳий ҳаётдан лаззат қалбида олиб, хоҳлаган жойда жим ўтираверади. Ундай одам ҳеч қандай ташқи нарсалар келтирадиган лаззатга интилмайди. Мана шу - *Браҳма-бхута* поғонасидир, унга эришган киши албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади.

25. лабханте Браҳма-нирванам ришайаҳ кишина-калмашаҳ чхинна-двайдха йататманаҳ сарва-бхута-хите ратаҳ

***Шубҳаю-гумонлар юзага келтирадиган қарама-қаршиликлар таъсиридан халос бўлган, ақл назарини руҳий ўзлиги("мен"и)га қаратган, гуноҳлари иллатидан покланган ва ҳамиша барча тирик мавжудотларнинг бахтини ўйлаб иш қиладиган киши руҳий озодликка эришиб, Олий Ҳақиқатни англаб етади.***

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантира олган кишигина барча тирик мавжудотларга бахт келтирадиган эзгу фаолият билан шуғуллана олади. Худони эсидан чиқарганлари, Кришна - Олий лаззатланувчи, Олий Хукмдор ва ҳар бир жонзотнинг энг яқин дўсти эканини тушунмагани сабабли одамлар бу дунёда ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрибдилар. Кришна бутун борлиқнинг манбаи эканини ҳақиқатан ҳам тушуниб етган,

хамиша ана шундай онг билан ҳаракат қиладиган одам ўз фаолияти билан ҳар бир тирик мавжудотга бахт келтиради. Шу боис, одамларда ана шундай мукамал онгни уйғотишга ҳаракат қилиб юрган одам энг олий даражадаги эзгу иш қилиб, инсониятга энг буюк яхшилик қиляётган бўлади. Фақат руҳий озодликка эришган ва Олий Ҳақиқатни англаб етган инсонгина шундай улғвор ишларга қодир бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қачон ягона Парвардигорнинг улғворлигига шубҳа қилмайди, чунки у барча гуноҳлардан бутунлай покланган бўлади. Илохий муҳаббатнинг табиати ана шундай.

Жамиятнинг фақат моддий фаровонлигини ўйлаб юрган киши аслида ҳеч кимга ёрдам беришга қодир эмас. Унинг одамларнинг танасига, ақлига келтираётган вақтинчалик фойдаси ҳеч қачон одамларни тўла қаноатлантира олмайди. Инсоннинг бу дунёда тирикчилик учун курашда дуч келадиган муаммоларининг асосий сабаби унинг Парвардигор билан ўзаро муносабатини эсидан чиқариб қўйганидир. Кришна билан ўзаро муносабатини тўлиқ англаб етган одам ҳатто ҳозирги моддий танасида юрса ҳам руҳий озодликка эришади.

*26. кама-қродха-вимуктанам йатинам йата-четасам  
абхито Браҳма-нирванам вартате видитатманам*

***Ғазаб туйғусидан ва барча моддий истаклардан халос бўлган, ҳақиқий "мен"ни англаб етган, ақлини жиловлаб олган ва руҳий баркамолликка бетиним интиляётган зотлар жуда тез вақт ичида Олий Ҳақиқатни англаб, озодликка эришадилар.***

Изоҳ: Кришнани англаш йўлидан бораётган киши руҳий озодликка интиляётган барча илоҳиёт одамлари ичида энг аълосидир. Буни "Шримад Бҳагаватам"да Кришна ҳам тасдиқлайди (4.22.39):

*йат-пада-панкаджа-палаша-виласа-бхактйа  
кармашайам гратхитам удгратхайанти сантаҳ  
тадван на рикта-матайо йатайо "ни руддха-  
срото-ганас там аранам бхаджа васудевам*

"Муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб, Парвардигор Васудевага сажда қил. Ҳатто буюк донишмандлар ҳам, - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилиб илоҳий лаззатга эришган, шу туфайли қалбида чуқур ўрнашиб олган моддий лаззат берадиган дунёвий фаолиятга интилиш туйғусидан бутунлай халос бўлган одамчалик қалбидаги моддий истаклар хуружини енга олишга қодир эмаслар".

Тирик мавжудотнинг қалбида ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш истаги шунчалик чуқур илдиз отиб кетганки, бор кучини ишга солиб

уринишларига қарамай, ҳатто буюк донишмандлар ҳам уни жиловлаб ололмайдилар. Аммо, ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган, ўзининг рухий табиатини тўла англаб етган Худонинг содиқ хизматкори жуда тез вақт ичида озодликка чиқади ва илоҳий ҳолатга, Парвардигорга эришади. Ўзликни англаш илмини мукаммал эгаллаб олиб, у ҳамиша илоҳий жазава ҳолатида юради. Буни қуйидаги шеърдан тушуниб олиш мумкин:

*даршана-дхйана-самспаршаир матсйа-курма-вихангамах  
сванй апатйани пушинанти татхазам апи падма-джа*

"Балиқ шунчаки нигоҳини ташлаб қўйиш билан, тошбақа ҳамиша ўйлаб юриш билан, қушлар шунчаки танасини теккизиб қўйиш билан ўз зурёдларини парваришлаб ўстирадилар. Мен ҳам худди шундай қиламан, о Падмажа".

Балиқ ўзининг зурёдини шунчаки нигоҳини ташлаб қўйиш билан ўстиради. Тошбақа эса зурёди ҳақида ўйлаб юриш билан насл қолдиради. У қирғоқда бирор жойга тухум қўяди, ўзи сувга тушиб бўлажак зурёди ҳақида ўйлаб юради. Худди шундай, Кришнанинг содиқ хизматкори ҳам, гарчи ҳозирча Худонинг даргоҳидан узокда бўлса ҳам, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрса, албатта Унга эриша олади. Ана шундай содиқ моддий мусибатларга умуман эътибор бермай қўяди. *Брахма-нирвана* деб аталадиган ана шундай ҳолатга эришган одам ҳеч қандай моддий азоб-уқубатларни сезмайди, чунки у ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юради.

*27-28. спаршан критва бахир бахйами чакшвиш чайвантаре бхруваҳ  
прананау самау критва насабхйантара-чаринау  
йатендрийа-мано-буддхир мунир мокша-парайанах  
вигатеччха-бхайа-кродхо йаҳ сада мукта эва сах*

***Сезиларга таъсир қиладиган нарсалардан бутунлай юз ўгириб, нигоҳини қошлари ўртасига жамлаб, нафас олиш ва нафас чиқариш жараёнини бурун тешикларида мувозанатга келтириб, нафас олишдан тўхтаб, озодликка интилаётган йог шу тарзда ақлини, ҳиссиётини ва тафаккурини тўлиқ жиловлаб олади ва барча истақлардан, қўрқув ва зааб туйғусидан халос бўлади. Ҳамиша ана шундай ҳолатда бўлган киши, шубҳасиз, озод руҳдир.***

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини ривожлантириб, инсон дарров ўзининг рухий ўзлиги - "мен"ини англаб етади ва садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Парвардигорга эришади. Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиб у рухий поғонада мустаҳкам ўрнашиб олади, ўзининг ҳар бир ҳаракатида Парвардигор ҳамиша ўзининг ёнида эканини ҳис қилиб юришга

кодир бўлади.

Ана шундай ҳолат руҳий озодликнинг энг олий поғонаси деб аталади. Аржунга озодликнинг ана шундай поғонаси ҳақида гапириб, Парвардигор бундай поғонага аштанга-йоганинг саккиз поғонаси: *яма, нияма, асана, пранаяма, пратйахара, дхарана, дхйана* ва *самадхи* орқали қандай эришиш мумкинлигини тушунтиради. Бу йога жараёни "Бҳагавад-Гита"нинг олтинчи бобида батафсил таърифланган, бу ерда - бешинчи бобнинг охирида, бу жараён ҳақида бошланғич маълумотлар берилган. *Пратйахара* поғонасида йог товуш, сезиладиган нарсалар - шакл, хид ва таъм сингари ташки нарсалардан сезги аъзоларини биратўла тийиши, кейин кўзларини чала юмган ҳолда нигоҳини қошлари ўртасига ёки бурнининг учига қаратиши лозим. Бунда кўзни биратўла юмиб олмаслик керак, акс ҳолда ухлаб қолиш мумкин. Бошқа нарсаларга чалғимаслиги учун кўзларни катта очишнинг ҳам ҳожати йўқ. Юқорига кўтарилаётган ва пастга тушаётган ҳаво оқимларини мувозанатга келтириб, йог нафасини бурнида ушлаб туради. Ана шундай йога билан шуғулланиб юрган киши ҳиссиётини жиловлаб олади, уларни ташки нарсалардан тийиб юради, шу тарзда ўзини руҳий озодликка эришишга ва Олий Ҳақиқатни англаб олишга тайёрлайди.

Бу йога машғулотни одамга кўрқув ва ғазабнинг ҳар қандай кўринишидан бутунлай халос бўлишга, руҳий поғонага кўтарилишга, ҳамиша Олий Рухни ёнида ҳис қилиб юришга ёрдам беради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, барча йога тизимлари ичида энг яхшиси - Кришнани англаш усулидир. Бу ҳақда кейинги бобда батафсил маълумот берилади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, Кришна онгига эга бўлган ва ҳамиша Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган киши ҳеч қачон ҳиссиёти ўзининг назорати остидан чиқиб кетишидан хавотирланмайди, уларнинг бошқа бемаъни нарсалар билан шуғулланишига ҳам йўл қўймайди. Бу усул одамга аштанга-йогога қараганда анча қулайроқ йўл билан ўз ҳиссиётини бошқариш имконини беради.

29. *бхоктарам джнайя-тапасам сарва-лока-махешварам  
сукридам сарва-бхутанам джнатва мам шантим риччхати*

***Барча қурбонлик маросимларидан ва риёзатлар натижасидан лаззатланидиган ягона Зот - Мен эканимни, Мен барча сайёралар ва фаришталарнинг Олий Ҳукмдори, шунингдек барча мавжудотларнинг энг яқин дўсти ва саодатманди эканимни тўлиқ англаб етган киши моддий азоб-қубатлардан халос бўлади ва тўла осойишталикка эришади.***

Изоҳ: Алдамчи қувват чангалига тушган шартланган руҳлар моддий оламда тинчликка, осойишталикка эришишга интилиб яшайдилар. Лекин, улар мустаҳкам тинчликка эришишнинг "Бҳагавад-Гита"нинг ушбу шеърида айтилган ишонарли дастурини, формуласини билмайдилар. Бу формула жуда содда: бизнинг қилаётган барча амалларимиз натижасидан фақат Кришна-

лаззатланади. Ўзимизда мавжуд нарсаларнинг ҳаммасини Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш йўлида ишлатишимиз керак, чунки У - барча сайёраларнинг, уларга ҳукмронлик қилаётган фаришталарнинг ягона Ҳукмдоридир. Парвардигордан буюкроқ зот йўқ. У хатто энг буюк фаришталар - Тангри Браҳма ва Тангри Шивадан ҳам буюк. Бу ҳақиқат Ведаларда кўрсатилган: *там ишваранам парамам махешварам*(Шветашватара-упанишад, 6.7). Ҳаётда адашиб юрган тирик мавжудотлар гарчи ўзлари Парвардигорнинг алдамчи қувватининг ҳукми остида бўлсалар ҳам, оламга ҳукмронлик қилишга интиладилар. Парвардигор - моддий табиатнинг Ҳукмдори, шартланган руҳлар эса - моддий табиатнинг бешафқат қонулари ҳукми остида яшайдилар. Токи одамлар мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмас экан, улар на якка ҳолда, на барчаси биргаликда бўлиб ҳеч қачон тинчлик ва осойишталикка эриша олмайдилар. Кришнани англашнинг маъноси шундан иборат: Кришна- олий ҳукмдор, барча тирик мавжудотлар, шу жумладан барча буюк фаришталар ҳам Унинг ҳукми остидаги хизматкорлардир. Тўла Кришна онгига эга бўлган зотларгина ҳаётда ҳақиқий осойишталикка эришадилар.

Бешинчи бобда Кришнани англаш илмининг *карма-йога* деб аталадиган усули ҳақида гапирилди. Бу бобда: “Қандай қилиб *карма-йога* усули ёрдамида озодликка эришиш мумкин?” - деган саволга жавоб берилди. Кришна онгида фаолият кўрсатиш - хамиша Кришнанинг ҳукми остида эканини англаган ҳолда ҳаракат қилиш демакдир. Ана шундай фаолият руҳий илм билан бир қаторда туради. *Бҳакти-йога* - Кришна онги билан кўрсатиладиган фаолият, *ғйана-йога* - бҳакти-йогага олиб борадиган йўл. Кришна онгига эга бўлиш - ҳаётда Олий Мутлақ Ҳақиқат билан ўзаро муносабатини бир лаҳза ҳам унутмасдан ҳаракат қилиб яшаш демакдир. Кришна онгининг энг юқори поғонаси эса - Кришнани, Худонинг Олий Шаҳсини тўлиқ англаб етиш. Пок рух, Парвардигорнинг чексиз кичик заррачаси Унинг мангу хизматкори ҳисобланади. *Майя* устидан ҳукмронлик қилишга уриниб, тирик мавжудот алданиш салтанатига тушиб қолади ва ўзини сон-саноксиз мусибатларга, адо бўлмас азоб-укубатларга мубтало қилади. Токи тирик мавжудот моддий оламда яшар экан, у моддий танасининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Аммо Кришнани англаш усули хатто моддий қувват ҳукми остида юрган одамни ҳам руҳий ҳаёт кечириш поғонасига кўтаради, чунки бу усул ёрдамида у қалбидаги руҳий табиатли онгни уйғотишга қодир бўлади. Инсон бу йўлда қанча тез юксала борса, моддий табиат таъсиридан шунча тез озод бўла боради. Парвардигор ҳеч нарсага боғланмаган. Руҳий юксалиш йўлидаги муваффақиятимиз ҳар кимнинг ўзига, Кришна онгида ўз бурчимизни қанчалик иштиёқ билан самимий бажараётганимизга боғлиқ. Кришна онгида кўрсатилаётган фаолият ҳиссиётимизни жиловлаб олишга ҳамда қалбимиздаги истак ва ғазаблар хуружини енгишга ёрдам беради. Кришна онгида мустаҳкам турган, ҳиссиётини, истак ва ғазабини жиловлаб олган киши руҳий поғонага, *Браҳма-нирвана* поғонасига кўтарилган бўлади. Кришна онгида ҳаракат қилиш саккиз поғонали сеҳрли йога билан шуғулланиш билан баробар, чунки бу йўл ҳам инсонни ана шу

йоганинг мақсадига олиб келади. *Яма, нияма, асана, пранаяма, пратйахара, дхарана, дхйана* ва *самадхи* - булар онгнинг аста-секин эволюцион ривожланиш поғоналаридир. Лекин, аслида буларнинг ҳаммаси Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиладиган руҳий баркамоллик чўққисига борадиган зинапоясининг алоҳида-алоҳида поғоналаридир, чунки фақат Худога садоқат билан хизмат қилишгина инсонга ҳақиқий мангу тинчлик ва осойишталик олиб келади. Худога садоқат билан холис хизмат қилиш - руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасидир.

*"Бҳагавад-Гита"нинг "Карма-йога - ҳаётда Кришна онги билан яшаш" деб аталадиган бешинчи бобига Бҳактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Олтинчи боб. Дхйана - йога**

*1. шри бхагаван увача*

*ана шритаҳ карма-пхалам карйам карма кроти йаҳ  
са саннйаси ча йоги ча на нирагнир на чакрийаҳ*

***Худонинг Олий Шахси деди: Ўз меҳнатининг натижасига***



***боғланиб қолмаган, лекин ҳамиша ўз бурчига содиқ қолган ҳолда ҳаракат қилиб юрган киши ҳақиқий таркидунё қилган инсондир. Муқаддас олов ёқмайдиган ва ўз бурчини бажармай юрган киши эмас, балки айнан ана шундай инсон ҳақиқий йогдир.***

Изоҳ: Бу бобда Парвардигор ақл ва ҳиссиётни жиловлаш имконини берадиган саккиз поғонали йога усулини таърифлаб беради. Лекин, оддий одамларнинг, айниқса биз яшаётган Кали-юга даврида йоганинг бу тури билан шуғулланиши жуда қийин. Бу бобда саккиз поғонали йога усулини тавсия қилар экан, Парвардигор барибир *карма-йога*, яъни Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиш усули бундан афзалроқ эканини айтади. Ҳаётда ҳар бир одам оиласини боқиш учун меҳнат қилади: ҳеч ким, ўз ҳиссиётининг талабларини бевосита ёки билвосита қондиришга таъма қилмасдан ҳолис, текинга меҳнат қилолмайди. Аммо, руҳий баркамолликка эришган киши, Кришна онгида ҳаракат қилиб, ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш, бирор манфаат кўриш учун эмас, балки Кришнани мамнун қилиш учун меҳнат қилади. Кришна онгида ҳаракат қилиш - ҳар бир тирик мавжудотнинг Парвардигор олдидаги муқаддас бурчидир, чунки асл табиатимизга кўра ҳар биримиз Парвардигорнинг ажралмас заррачаларимиз. Тананинг айрим қисмлари бутун тана учун хизмат қилади. Тананинг ҳар хил аъзолари ўзлари мустақил ҳолда лаззатланиш учун эмас, балки бутун тананинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қиладилар. Худди шундай, фақат ўзи учун эмас тўла бутун - Парвардигорни мамнун қилиш учун меҳнат қиладиган киши ҳақиқий *саннийаси*, комил йогдир.

Баъзи саннийасилар "биз моддий дунёдаги тирикчилик қилиш билан боғлиқ бўлган барча вазифалардан озодмиз" деб, ҳатто *ағнихотра-яғйа*, қурбонлик маросими ўтказишни ҳам тарк этадилар. Аслида улар шахсиятсиз Брахманга қўшилишга интилиш билан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлайдилар, албатта бундай истак ҳар қандай майда, кўпол моддий истаклардан устун туради, лекин, барибир ундай йог ҳолис эмас, балки таъмагирлик билан ҳаракат қиляпти. Худди шундай, сеҳргар-йог ҳам ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этиб, кўзларини ярим юмган ҳолда, ўзининг шахсий манфаати учун ҳаракат қилаётган бўлади. Лекин, ҳаётда Кришна онги билан фаолият кўрсатаётган одам, яъни Худонинг содиқ хизматкори, ўзи учун ҳеч қандай манфаат кўзламасдан фақат Олий Бутун, ягона Парвардигорни рози қилиш учун хизмат қилади. Кришна онгига эга бўлган киши ўз ҳиссиётининг талабларини қондиришга интилмайди. Унинг мақсади - Кришнани мамнун қилиш, шунинг учун уни ҳақиқий *саннийаси*, "комил йог" деб айтадилар. Мукамал таркидунёлик намунасини кўрсатиб кетган Парвардигор Чаитанья Худого қилган илтижоларида шундай дейди:

*на дханам на джанам на сундарим  
кавитам ва джагад-иша камайе*

*мама джанмани джанманишваре  
бхаватад бхактир ахаитуки твайи*

"Эй кудратли Парвардигор, менга бой-бадавлат бўлишни ҳам, чиройли аёлларга эга бўлишни ҳам, кўплаган издошларим бўлишини ҳам исамайман. Менинг ҳаётдаги ягона истагим - Сенинг бесабаб марҳаматинг билан умрлар оша Сенга соф садоқат билан холис хизмат қилиб яшашдан иборат".

*2. йам саннийасам ити прахур йогам там виддхи пандава  
на хи асаннийаста-санкално йоги бхавати кашчана*

**Эй Пандунинг ўгли, билиб қўй: аслида таркидунёликнинг асл моҳияти - йога, яъни Парвардигор билан боғланишдир, чунки инсон фақат ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғусидан халос бўлгандан кейингина ҳақиқий йог бўла олади.**

Изоҳ: Ҳақиқий *саннийаса-йога*, яъни *бхакти-йога* билан шуғулланиш - тирик мавжудотнинг асл табиий ҳолатини билиб олиш ва ана шу илм асосида яшашдан иборат. Тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра тўла мустақил эмас. У Парвардигорнинг оралик қувватига мансуб бўлган зот. Моддий қувват таъсири остига тушганида у шартланиб қолади, Кришна онгига эга бўлганида, яъни руҳий қувватнинг ҳаракат қилиш қонун-қоидаларини тушуниб етганида эса - у ўзининг азалий асл ҳолатига қайтади. Шунинг учун, мукамал илмга эга бўлган киши ҳиссий лаззатларга интилиш туйғусидан воз кечиб, бу дунёдаги ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этади. Йоглар сезги аъзоларининг моддий нарсалар билан алоқа қилишига йўл қўймай ана шу мақсадга эришишга интиладилар. Лекин, Кришна онгига эга бўлган кишида ҳиссиётини Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган моддий фаолият билан машғул қилишга умуман вақт қолмайди. Шу боис, у бир вақтнинг ўзида ҳам *йог*, ҳам *саннийаси* ҳисобланади. Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган киши бир вақтнинг ўзида табиий равишда ҳам ғйаниларнинг, ҳам йогларнинг мақсадига эришади, яъни руҳий илмга ҳам эга бўлади, ҳиссиётини ҳам жиловлаб олади. Агар одам ўзининг шахсий интилишларидан воз кеча олмаса, унинг ғйана-йога ёки сеҳрли-йога билан шуғулланишидан нима фойда? Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий мақсади - фақат ҳиссиётининг талабларини қондириш учунгина интилиб яшашни тарк этиш ҳамда қалбида Парвардигорни мамнун қилиш учун яшаш истагини ривожлантиришдан иборат. Кришна онгига эга бўлган киши ҳиссий лаззатланишга интилмайди, ҳамиша Парвардигорни мамнун қилиш учун ҳаракат қилиб яшайди. Аксинча, ягона Парвардигор ҳақида илмга эга бўлмаган ғофил одам ҳиссиётини лаззатлантириш учун ҳаракат қилишга мажбур, чунки тирик мавжудот ҳаракат қилмай туролмайди. Ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб яшаш билан инсон ўзининг барча мақсадларига эришади.

*3. арурукишор мунер йогам карма каранам учйате  
йогарудхасйа тасйаива шамах каранам учйате*

**Саккиз погонали йога билан шуғулланишни энди бошлаган киши учун мақсадга эришиши воситаси - фаолият, баркамолликка эришган инсон учун эса, восита - моддий фаолиятни бутунлай тарк этиши бўлади, дейилган.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан боғланиш жараёни “йога” деб аталади. Йога фаолиятини руҳий ўзликни англаш чўққисига олиб борадиган зинапояга ўхшатиш мумкин. Шартланган тирик мавжудотлар бу зинапояннинг пастки поғоналарида юрган бўладилар, руҳий юксалишнинг юқори поғонасига эришган тирик мавжудот моддий иллатлардан бутунлай покланади ва ўзининг руҳий табиатини англаб етади. Руҳий юксалишнинг ҳар хил даражаларига мос келадиган бу зинапояннинг поғоналари ҳар хил номлар билан аталади. Умуман зинапояннинг ўзи “йога” деб аталади, уни асосан учга бўладилар: 1) гйана-йога; 2) дхйана-йога; 3) бхакти-йога. Зинапояннинг пастки поғонасида турган кишини *йогарурукиша* деб, юқори поғонасида турган кишини эса - *йогарудха* деб атайдилар.

Саккиз поғонали йога билан шуғулланиш учун инсон ўз ҳаётини тартибга соладиган маълум қонун-қоидаларга амал қила бошлаши, муроқаба ҳолатига киришга ёрдам берадиган ҳар хил *асана*(жисмоний машқ)лар бажариши лозим. Бу амаллар моддий фаолият тоифасига киради. Улар ақлни мувозанатга келтиришда, ҳиссиётни жиловлаб олишда ёрдам беради. Йог муроқабада камолотга эришганида ҳар қандай моддий фаолиятни бутунлай тарк этади.

Кришна онгига эга бўлган киши эса, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юргани сабабли муроқабага аллақачон ғарқ бўлган йог ҳисобланади. Ҳамиша Кришнага хизмат қилиб, илоҳий фаолият билан банд бўлиб юргани учун у ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этган бўлади.

*4. йада хи нендрийартхешу на кармасв анушаджджате  
сарва-санкалта-саннийаси йогарудхас тадоҷйате*

**Яна айтадиларки, йог моддий истаклардан бутунлай халос бўлиб, ҳиссий лаззат излашни ҳамда моддий фаолият билан шуғулланишни биратўла тарк этганида баркамолликка эришади.**

Изоҳ: Инсон Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бутун ҳаётини бағишлаганида қалбининг тўла осойишталигига эришади. Шу боис у бу дунёда ҳиссиётига лаззат излашни ва кармали(дунёвий) фаолият билан шуғулланишни тарк этади. Аммо, Худога хизмат қилмайдиган одам

хиссиёти(нафси)нинг талабларини кондиришга интилишга, шу ниятини амалга ошириш учун меҳнат қилишга мажбур бўлади, чунки тирик мавжудот ҳеч қачон ҳаракатсиз тура олмайди. Кришна онгидан маҳрум бўлган киши ҳамиша, албатта ё ўзининг, ё яқинларининг, ё қариндошларининг манфаатини кўзлаб меҳнат қилади. Лекин, Кришна онгига эга бўлган киши ўзининг ҳар бир ҳаракати билан Кришнани мамнун қилишга интилади, шу боис у ҳеч қачон ўз манфаатини кўзлаб меҳнат қилмайди. Кришнани англаш жараёнидаги фаолият билан таниш бўлмаган йог, руҳий юксалиш зинапоясининг юқори поғонасига кўтарилишдан аввал, ўзининг дунёвий истакларини жисмоний йўл билан тўхтатиб туришга мажбур бўлади.

*5. уддхаред атманатманам натманам авасадайет  
атмаива хй атмано бандхур атмаива рипур атманах*

***Инсон ўз ақлидан ҳаётнинг пастки турларига қулаб, тубанликка юз тутуши учун эмас, аксинча, моддий тутқунликдан озодликка чиқиш учун фойдаланиши лозим. Ақл - шартланган руҳнинг дўсти ҳам бўлиши мумкин, душмани ҳам.***

Изоҳ: Қаерда ишлатилишига қараб “атма” ибораси ҳар хил маъноларни англатади: тана, ақл ва руҳ. Йога тизимида ақл ва шартланган руҳ энг муҳим нарсалардир. Йога билан шуғулланганда фаолият маркази ақл бўлгани учун *атма* ибораси бу ерда "ақл" деган маънони англатади. Йогнинг мақсади - ақлни жиловлаб олиш, уни ҳиссиётига лаззат берадиган нарсаларга бўлган боғланишлардан озод қилишдан иборат. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилган: ақлни шундай ҳаракат қилишга ўргатиш керакки, токи у шартланган руҳни ғафлат ботқоғидан олиб чиқишга қодир бўлсин. Моддий оламда яшаётган тирик мавжудот ақли ва ҳиссиётининг ҳукми остида бўлади. Аслини олганда, ақли моддий табиатга ҳукмронлик қилишга интилаётган сохта ўзлигининг таъсири остига тушиб қолгани сабабли, пок руҳ бу дунёда тутқун бўлиб юради. Шунинг учун, ақлни моддий табиатнинг алдашларига қаршилик қилишга, унинг ўткинчи неъматларига учмасликка ўргатиш керак, шундагина ақл шартланган руҳни моддий тутқунликдан қутқариб олишга қодир бўлади. Тирик мавжудот ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларга боғланиб қолиш билан тубанликка юз тутмаслиги керак. Тирик мавжудот уларга қанчалик кучли боғланган бўлса, моддий ҳаёт чангалига шунчалик чуқур ботган бўлади. Моддий боғланишлардан халос бўлишнинг энг осон йўли - ақлни ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилишга мажбур қилишдан иборат. Буни алоҳида таъкидлаш учун Кришна *хи* иборасини ишлатган: инсон албатта шундай қилиши керак. Ведаларда шундай дейилган:

*мана эва манушийанам каранам бандха-мокшайоҳ  
бандхайа вишайасанго муктйаи нирвишайам манах*

"Ақл тирик мавжудотнинг моддий оламда туткун бўлишига ҳам, рухий озодликка чиқишига ҳам сабаб бўлади. Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида ўйлаш билан ақл одамни моддий оламга боғлаб, уни шу ерда асир қилиб қўяди, лекин, агар шу нарсалардан юз ўгирса, ақл инсонни рухий озодликка олиб чиқади"(Амрита-бинду-упанишад.2). Шундай қилиб, ҳамиша Кришна онги билан фаолият кўрсатиб юрадиган ақл инсоннинг озодликнинг энг юқори поғонасига кўтарилишига ёрдам беради.

*6. бандхур атматманас тасйа енатмаиватмана джитатх  
анатманас ту шатрутве вартетатмаива шатру-ват*

***Ақлини жиловлаб олган киши учун ақл унинг энг яқин дўсти бўлади, бунинг уддасидан чиқолмаган киши учун эса, ақл энг ашаддий душман бўлиб қолаверади.***

Изоҳ: Саккиз поғонали йога тизимининг мақсади - ақлни жиловлаб олиш ва уни инсон ҳаётининг олий мақсадига эришишда ўзининг яқин дўстига айлантиришдан иборат. Токи инсон ақлини жиловлаб олмас экан, унинг йога билан шуғулланиб юриши шунчаки вақтни бекор кетказиш бўлиб қолаверади. Ақлини жиловлай олмаган киши энг ашаддий душмани билан ёнма-ён яшаётган бўлади, шу сабабли у ҳаётда ҳеч қандай мақсадга эриша олмай, нодир инсон умрини хазон қилади. Ҳар бир тирик мавжудот асл табиатига кўра, юқоридан белгиланган маълум бир вазифани бажариш учун дунёга келган. Токи ақл жиловланмаган асов душманмиз бўлиб қолар экан биз хирс, ғазаб, очкўзлик, алданиш сингари ёвуз кучларнинг амрига бўйсунмишга мажбурмиз. Агар ақлимизни жиловлаб олсак, у ўз хоҳиши билан ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма киёфасида мавжуд бўлган Парвардигорнинг амрини бажаришга рози бўлади. Шунда, Кришнани англашга интилиб яшаётгани учун, унинг Парвардигорнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб яшаши мутлақо табиий ҳол бўлиб қолади.

*7. джитатманах праиантасйа параматма самахитах  
шитошна-сукха-духкхешу татха манапаманайоҳ*

***Ақлини жиловлаб олган киши Олий Рухни англаб етган бўлади, чунки у осойишталикка эришган. Шундай инсон учун бахт ва мусибат, иссиқ ва совуқ, обрў ва шармандалик орасида фарқ қолмайди.***

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг вазифаси - ҳар кимнинг қалбида Параматма киёфасида мавжуд бўлган Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашдан иборат. Тирик мавжудотнинг ақли алдамчи қувват билан

булғанганида у моддий фаолият чангалига тушиб қолади. Шу боис агар инсон йога усулларининг бирортаси ёрдамида ақлини жиловлаб олса, уни “мақсадга эришган киши” деб ҳисоблаш керак. Тирик мавжудотнинг ақли Олий табиатда мужассам бўлганида, унинг Худонинг амрини бажаришдан бошқа иложи қолмайди. Ақл ҳамиша юқоридан келган фармонга бўйсунуши лозим. Ақлини жиловлаб олган киши табиий равишда Параматманинг, яъни Олий Рухнинг кўрсатмаларини бажара бошлайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган содиқ дарров руҳий поғонага кўтарилгани сабабли, у моддий оламнинг бахт ва мусибат, иссиқ ва совуқ сингари қарама-қаршиликларидан устун туради. Шу тарзда у *самадхи* ҳолатига киради, яъни Парвардигор ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлади.

*8. джнана-виджнана-трипатма кута-стхо виджитендриях  
йукта итй учйате йоги сама-лоштирашма-канчанах*

***Ҳақиқий илмга эга бўлган ва уни амалда қўллаб тўла осойишталикка эришган кишини "ўзининг "мен"ни англаб етган инсон" деб ҳисоблайдилар ва "йог" ёки "сеҳрғар" деб атайдилар. Шундай инсон руҳий(илоҳий) поғонага кўтарилган бўлади ва ҳамиша хотиржам қолади. У харсанг, шағал ва олтин орасида фарқ кўрмайди.***

Изоҳ: Китоблардан олинган, аммо, Олий Ҳақиқатни англаш билан тасдиқланмаган билим - фойдасиз, сохта билимдир. "Бҳакти-расамрита-синдху"да (1.2.234) шундай дейилади:

*атах шри-кришна-намади набхавед грахйам индриях  
севонмукхе хи джихвадау свайам эва спхуратй адах*

"Ҳиссиёти дунёвий истаклар билан булғанган, нопок одам Шри Кришнанинг муқаддас номини, қиёфасини, сифатларини ва эрмақларини англай олмайди. Худого садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида сезгиларини руҳий даражага етказгандан кейингина унга бу сирлар очилади".

"Бҳагавад-Гита"да баён этилган Кришнани англаш илмини дунёвий маълумотлар асосида англаб бўлмайди. Онги покланган инсонни учратиб, у билан ҳамсухбат бўлиш бахтига муяссар бўлган кишигагина бу илм сирлари очилиши мумкин. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши руҳий илмини амалда қўллашни яхши билади, чунки у Худого хизмат қилишдан чуқур лаззат олиб яшаётган бўлади. Руҳий илмини амалда қўллаш ёрдамида инсон руҳий баркамолликка эришади. Бу илм унинг ишончини, иймонини кучайтиради. Руҳий илмнинг назарий таълимоти билан танишиб, уни амалда қўлламай юрган кишини эса, бир-бирига зид бўлиб кўринадиган нарсалар дарров йўлдан адаштириб қўяди. Фақат руҳий илмини кундалик турмушда

кўллай оладиган кишигина ҳамиша хотиржам, осойишта яшайди, чунки у ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган бўлади. Дунёвий илмларга бепарво бўлиб, у бу дунёдан ташқарида яшаётган бўлади. Бировлар олтинга тенглаб юрган дунёвий билимлар унинг учун майда шағал ёки харсанг тошчалик кадрини бўлмайд қолади.

*9. сукхин-митрари-удасина-мадхйастха-двешйа-бандхушу  
садхушв апи ча папешу сама-буддхир вишишиате*

***Самимий хайрихоҳ инсонларми, эзгулик қилувчи меҳрибонларми, четдан қараб турадиганларми, ўзи ва душманлари орасидаги одамларми, ҳасадгўйларми, дўсти ёки душманими, тақводор ёки гуноҳқорми - барчасига бир хил муносабатда бўладиган киши шундай инсондан ҳам устун туради.***

*10. йоги йунджита сататам атманам рахаси стхитаҳ  
экаки йата-читтатма нирашир апариграхаҳ*

***Йогнинг танаси, ақли ва руҳи ҳамиша Парвардигор билан боғлиқ бўлган фаолиятда машғул бўлиши лозим. У ёлғиз ўзи хилват жойда яшаши, ақлини ҳамиша ўзига бўйсундириб, истаклардан, эғалик қилиш туйғусидан пок бўлиши керак.***

Изоҳ: Одамлар Парвардигорни ҳар хил кўринишларда англайдилар: Браҳман, Параматма ва Олий Шахс. Кришна онгига эга бўлиш - ҳамиша муҳаббат билан Худо Шахсига хизмат қилишда машғул бўлиб яшаш демакдир. Худонинг шахсиятсиз Браҳман кўринишини англашга интилиб юрган имперсоналистлар ҳам, мақсади - қалбидаги Параматмани, яъни Худонинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида намоён бўлган кўринишини англашдан иборат бўлган сеҳргар-йоглар ҳам қандайдир даражада Кришна онгига эга зотлар ҳисобланади, чунки шахсиятсиз Браҳман - Кришнанинг руҳий ёғдуси, Олий Рух, Параматма эса - Кришнанинг ҳамма жойга сингиб кетган кудратли киёфасидир. Аммо, бевосита Кришнага, Худонинг Олий Шахсига хизмат қилиб юрган киши йогларнинг энг аълоси ҳисобланади, чунки у Браҳман, Параматма аслида нима эканини ҳам мукамал билади. Унинг Мутлак Ҳақиқат ҳақидаги илми мукамал илм ҳисобланади, аксинча, имперсоналистлар ва сеҳргар-йогларнинг Кришна ҳақидаги илми мукамал эмас.

Шунга қарамай бу ерда Кришна барча йогларни ҳеч иккиланмасдан кўзлаётган мақсадига интилишга чақиради - шунда эртами-кечми, улар ҳам руҳий баркамолликнинг энг юқори чўққисига албатта эришадилар. Йоглар учун энг асосийси - ақлини ҳамиша Кришнада мужассам қилиб юриш. У ҳамиша Кришнани эслаб юриши, ҳатто бир лаҳза ҳам Худони эсдан чиқармаслиги лозим. Ақлини Парвардигорда мужассам қилган киши *самад-*

хи, яъни транс(илоҳий жазав) ҳолатига эришган бўлади. Ақлни ҳамиша Парвардигорда мужассам қилиб юриш учун дунёвий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳар хил ташвишлардан холи бўлиб, ҳамиша хилват жойда яшаш керак. Йог фақат руҳий юксалишга ёрдам берадиган нарсалар билан машғул бўлиши, бу йўлда тўсиқ бўладиган нарсалардан бутунлай юз ўгириши лозим. Шунингдек, у ортиқча нарсаларга эга бўлишга интилиш истагидан ҳам кескин воз кечиши лозим. Бундай истақлар фақат унинг сохта эгалик туйғусини кучайтириб ортиқча ташвиш келтиради, холос.

Бевосита Кришнани англаш доирасида ҳаракат қилиб юрган одам ана шу талабларнинг барчасини табиий равишда энг аъло даражада бажаради, чунки Кришнага садоқат билан хизмат қилиш - ҳар қандай шахсий интилишларни тарк этиб, фақат Худони мамнун қиладиган ишлар билан машғул бўладиган таркидунёликдир. Шрила Рупа Госвами Кришнани англаш жараёнидаги фаолиятни қуйидагича тушунтиради:

*анасактасйа вишайан йатхархам упайунджатах  
нирбандхах кришна-самбандхе йуктам вайрагйам учйате  
парпанчикатайа буддхйа хари-самбандхи-вастунах  
мумукиубхих паритйаго ваирагйам пхалгу катхйате*

"Ҳаётда ҳеч нарсага боғланиб қолмаган, лекин ҳамма нарсани Парвардигор Кришнага хизмат қилишда ишлатадиган киши ҳақиқатан ҳам бирор нарсага эгалик қилиш туйғусидан озод кишидир. Аксинча, агар одам ҳамма нарса Кришна билан боғлиқ эканини билмасдан, бу дунёдаги ҳамма нарсани тарк этса, унинг таркидунёлигини мукамал таркидунёлик деб бўлмайди" (Бҳакти-расамрита-синдху, 1.2.255-256).

Кришна онгига эга бўлган киши аслида ҳамма нарса Кришнаники эканини тушунади, у ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди. Шу боис, у шахсан ўзи учун ҳеч нарса қилгиси келмайди. У фақат қалбида Кришна онгини ривожлантиришда ёрдам берадиган нарсаларни қабул қилади, бунга салбий таъсир қиладиган нарсаларни тарк этади. Ҳамиша руҳий борлиққа ғарқ бўлиб юрган ҳолда, у барча моддий нарсалардан воз кечиб, Кришна онгига эга бўлмаган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни истамай, ҳамиша ёлғиз ўзи танҳо юради. Шу боис қалбида Кришна онгини ривожлантирган кишини "комил йог" деб ҳисоблайдилар.

*11-12. шучау деше пратиштхатйа стхирам асанам атманах  
нати-уччхритам нати-ничам чайладжина-кушоттарам  
татрайкаграм манах критва йата-читтендрийа-крийах  
упавишийасане йунджйад йогам атма-вишуддхайе*

***Йога билан шугулланиш учун покиза, хилват жой топиш, ерга қуша майсасидан тўқилган шолча тўшаб, унинг устидан кийик***



***териси ёки юмшоқ мато ташлаш керак. Ўриндиқ жуда баланд ҳам, жуда паст ҳам бўлмаслиги керак. Қулай ўрнашиб ўтириб, йога билан шуғулланишни бошлаш мумкин. Ақли ва ҳиссиётини жиловлаб, танасининг фаолиятини назорат қилиб, тафаккурини бир нуқтада жамлаб, йог қалбини моддий иллатлардан поклаши лозим.***

Изоҳ: Бу ерда "покиза жой" деганда муқаддас зиёратгоҳ бўлган жой назарда тутилади. Ҳиндистонда йоглар уйларини тарк этиб Праяг, Матхура, Вриндаван, Хришикеш ва Хардвар сингари муқаддас жойларда жойлашадилар. Улар Ганга ва Ямуна сингари муқаддас дарёлар бўйида ўтириб, хилватда йога билан шуғулланишадилар. Аммо кўпинча, айниқса Ҳиндистондан бошқа жойларда яшайдиган одамларда бундай имконият бўлмайди. Катта шаҳарлардаги йога жамиятлари уларни ташкил этган одамларгагина катта даромад келтириши мумкин, лекин ҳақиқий йога билан шуғулланишни истаган одамларга бу жамиятлар ҳеч қандай фойда бермайди. Ўз ҳиссиётини, ақлини жиловлаб, уларни бошқаришни ўрганмаган киши муруқаба билан шуғуллана олмайди. Шунинг учун "Брихад-нарадия-пурана"да айтилганки, одамлар жуда кам умр кўрадиган, руҳий юксалиш йўлидан жуда секин борадиган, ҳамиша ташвиш ва хавотирда юрадиган Кали-юга даврида руҳий юксалишнинг энг самарали усули - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳисобланади:

*харер нама харер нама харер намаива кевалам  
калау настй эва настй эва настй эва гатир аниятха*

"Ҳозирги иккиюзламачилик ва қарама-қаршилиқлар даврида руҳий озодликка чиқишнинг ягона йўли Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан иборат. Бунинг бошқа йўли йўқ. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ."

*13-14. самам кайа-широ-гривам дхарайанн ачалам стхирах  
сампрекшия насикаграм свама дишаши чанавалокайан  
прашантатма вигата-бхир Браҳмачари-врате стхитах  
манах самйамйа мач-читто йукта асита мат-парах*

***Йог гавдасини, бўйинини ва калласини бир чизиқда тик тутиб, нигоҳини бурнининг учида жамлаши керак. Ақлини хотиржам қилиб ва жиловлаб, қўрқувдан халос бўлиб, жинсий ҳаётни бутунлай тарк этиб, тафаккур назарини қалбидаги Менинг қиёфамга қаратиши ва Мени Ўзининг олий мақсади қилиб олиши керак.***

Изоҳ: Инсон бўлиб яшашнинг энг олий мақсади - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Ўзини Параматма, яъни тўрт қўлли Вишну қиёфасида намоён этадиган ягона Парвардигорни англаб етишдан иборат. Инсон бошқа бир

мақсадни кўзлаб эмас, балки қалбида Парвардигор Вишнунинг ана шу қиёфасини топиб, Унинг жамолига махлиё бўлиш мақсадида йога билан шуғулланади. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган *Вишну-мурти* - Кришна-нинг тўлиқ намоён бўлган кўринишидир. Йога билан шуғулланганда ана шу Вишну-муртини англаб етишга интилмайдиган киши - ўзини алдаб вақтини бекор кетказиб юрган одам ҳисобланади. Инсон ҳаётининг энг олий мақсади - Кришна, йогнинг мақсади эса - қалбидаги Вишну муртига эришиш. Бунинг учун жинсий ҳаётни бутунлай тарк этиш лозим, шунинг учун йог уйини тарк этиши ва юқорида кўрсатилгандай, йога билан шуғулланиб хилват жойда яшаши лозим. Уйда ёки бошқа бирор жойда ҳар хил ҳиссий лаззатларга берилиб юриб, баъзида эса бирор йога жамиятининг машғулотларида қатнашиб, йога билан шуғулланиб бўлмайди. Йог аклини жиловлашни ва барча ҳиссий лаззатлардан ўзини тийишни ўрганиши лозим. Ҳиссий лаззатларнинг энг асосийси - жинсий алоқадан олинадиган лаззат ҳисобланади. Жинсий алоқани бутунлай тарк этиб яшайдиган зотлар учун ёзилган қоидаларда, буюк донишманд Ягйавалка шундай деб ёзади:

*кармана манаса вача сарвавастхасу сарвада  
сарватра маитхуна-тйаго Браҳмачарйам праचाкиште*

"Браҳмачарийнинг жинсий алоқадан сақланишга берган ваъдасининг мақсади - инсоннинг ҳаракат, нутқ ва ақл сатҳида жинсий ҳаётни бутунлай тарк этишига, шу қоидага ҳамиша, ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда амал қилиб яшашига ёрдам беришдан иборат".

Жинсий алоқа ва ҳақиқий йога - бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган амаллардир. Шунинг учун одамни жуда ёшлигидан, у ҳали жинсий ҳаёт нималигини билмайдиган пайтдан бошлаб Браҳмачарий турмуш тарзининг қонунларига ўргатадилар. Беш ёшга тўлган ўғил болани *зурукула* - руҳий устознинг мактабига жўнатадилар. Руҳий устоз уларга қатъий қоидалар асосида таълим бериб, уни ҳақиқий Браҳмачарий қилиб тарбиялайди. Ана шундай таълим-тарбия орқали ўтмаган киши йоганинг ҳеч бир турида - хоҳ у *гйана-йога*, *дхйана-йога* ёки *бҳакти-йога* бўлсин - камолотга эриша олмайди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, оилавий ҳаётни тартибга соладиган ведавий қонунларга амал қилиб яшайдиган, фақат ўз никоҳидаги қонуний хотини билан жинсий алоқа қилиб яшайдиган одамлар ҳам Браҳмачарийлар ҳисобланади. Шундай *грихастха-Браҳмачарйа* ҳам *бҳакти-йога* билан шуғулланиши мумкин, аммо *гйана*- ва *дхйана*-йога билан шуғулланиш қонунлари ҳатто шундай грихастха-Браҳмачарийларни ҳам инкор этиб, жинсий алоқани бутунлай, бирагўла тарк этишни тақозо этади. *Бҳакти-йога* усули грихастха-Браҳмачаряларга чекланган миқдорда жинсий алоқа билан шуғулланишга руҳсат беради, чунки *бҳакти-йога* усули шу қадар кудратлики, бу йога билан шуғулланаётган киши табиий равишда, ўз-ўзидан жинсий алоқа билан лаззатланишдан совиб кетади ва ундан анча улуғвор, юксакрок лаззат келтирадиган фаолият - бевосита Парвардигорга хизмат қилишда

машгул бўлади. "Бхагавад-Гита"да шундай дейилади:

*вишайа винивартанте нирахарасйа дехинаҳ  
раса-варджем расо "ни асйа парам дриштва нивартате*

"Хатто ҳиссий лаззатлардан ўзини тийиб юрганда ҳам танадаги руҳ бундай лаззатлар мазасини эслаб қолади. Лекин, улардан юксакроқ лаззатни татиб кўргандан кейин, ҳиссий лаззат келтирадиган моддий нарсалардан совиб кетади ва руҳий онгда мустаҳкам ўрнашиб олади".

Йоганинг бошқа турлари билан шуғулланиб юрган одамлар ҳиссий лаззатдан ўзларини зўрлаб тийиб юрсалар, Худонинг содиқ хизматкори улардан табиий равишда, ўзидан-ўзи юз ўгиради, чунки у қалбида бундан ҳам юксакроқ лаззатни татиб кўрган ва шу лаззатга интилиб яшаётган бўлади. Ана шу илоҳий лаззатнинг мазаси ҳақиқий содиқлардан бошқа ҳеч кимга маълум эмас.

*Вигата-бхиҳ* ибораси "фақат Кришна онгига тўла эга бўлган кишигина ҳар қандай кўрқувдан халос бўла олади" деганни билдиради. Шартланган руҳ Кришна билан ўзаро мангу муносабатини эсидан чиқаргани сабабли ҳамиша кўрқув остида яшайди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган(11.2.37): *бхайам двитийабхивешатаҳ сйад ишад апетасйа випарйайо "смритиҳ*. Фақат Кришна онгига тўлиқ эга бўлиш билан инсон ҳаётда барча кўрқув, ҳавотирлардан халос бўлади. Шунинг учун, фақат Кришна онгига эга бўлган кишигина йога жараёнида камолотга эриша олади. Йоганинг охирги мақсади қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг жамолини кўришдан иборат бўлгани учун, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши йоглар ичида энг аълоси ҳисобланади. Бу ерда таърифланган йога усули, ҳозирги пайтда кенг тарқалган йога жамиятларида тарғибот қилинаётган йога усулларида бутунлай фарқ қилади.

*15. йунджанн эвам садатманам йоги нийата-манасаҳ  
шантим нирвана-парамам мат-самстхам адхигаччхати*

***Танаси ва ақлининг фаолиятини узлуксиз назорати остида ушлаб, сеҳргар-йог ақлини ўзига биратўла бўйсундириб олади ва моддий тирикликни тарк этиб, Худонинг даргоҳига эришади.***

Изоҳ: Бу ерда йога билан шуғулланишнинг охирги мақсади аниқ айtilган. Йога билан қандайдир дунёвий мақсадга эришиш учун шуғулланмайдилар, аксинча моддий тирикликдан узил-кесил ва биратўла қутулиш мақсадида йога билан шуғулланадилар. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра, саломатлигини яхшилаш ёки бошқа бирор моддий мақсадга эришиш учун йога билан шуғулланиб юрган одамлар ҳақиқий йоглар эмас. Бунинг устига дунёвий ҳаётни тарк этиш деганда қандайдир сирли бўшлиқда йўқолиб кетишни ту-

шунмаслик керак. Парвардигор яратиб қўйган оламда умуман бўшлиқ мавжуд эмас. Моддий тирикликни тарк этиш - Худонинг даргоҳига, рухий оламга кириш демакдир. "Бхагавад-Гита"да айтилганки, Худонинг даргоҳида на куёш, на ой ва на электр қувватига ҳожат йўқ. Рухий оламдаги ҳар бир сайёра худди моддий оламдаги куёш сингари ўзидан нур таратиб туради. Охиروқибатда бутун борлиқ Парвардигорнинг салтанати ҳисобланади, лекин рухий осмон ва рухий сайёралар *парам дхама*, яъни "олий даргоҳ" деб аталади.

Парвардигорнинг гапига қараганда, йогада камолотга эришган, Кришнани англаб етган киши(*мат-читтаҳ, мат-параҳ, мат-самстхам*) ҳақиқий осойишталикка эришади ва умрининг охирида Унинг олий даргоҳига, *Голока Вриндавана* деб ҳам аталадиган Кришналока сайёрасига эришади. "Брахма-самхита"(5.37)да аниқ айтилганки: *голока эва нивасатй акхилатма-бхутаҳ*. Гарчи Парвардигор Ўзининг мангу даргоҳи, Голокани ҳеч қачон тарк этмаса ҳам, айна пайтда У - бутун борлиқни қамраб олган Браҳман ҳамда ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма қўринишида намоён бўлади. Унинг олий, рухий қувватининг илоҳий қудрати ана шундай. Кришнани ва Вишну(Унинг тўлиқ қиёфаси)ни тўла англаб етмай туриб, бирор тирик мавжудот рухий осмон(Вайкунтха)га эриша олмайди ёки Парвардигорнинг мангу даргоҳи(Голока Вриндавана)га кира олмайди. Шундай қилиб, ҳаётда Кришна онги билан фаолият кўрсатаётган одам комил йог ҳисобланади, чунки унинг ақли ҳамиша Кришнанинг кўрсатган қароматлари ҳақидаги ўй-хаёллар билан банд(*са ваи манаҳ кришна-падаравиндайох*). Ведаларда(Шветашватара-упанишад, 3.8) айтилганки, *там эва видитвати мритйум эти* - "Фақат Худонинг Олий Шахсини, Кришнани англаб етиш шарофати билан қайта-туғилишлар занжирини узиш мумкин". Бошқача қилиб айтганда, йогада камолотга эришиш - онги паст одамларни ҳайрон қолдириш мақсадида қандайдир сирли ибораларни чиройли қироат қилиш ёки ғайритабиий жисмоний машқларни бажаришни ўрганиш эмас, балки моддий олам асирлигидан бутунлай озодликка чиқиш демакдир.

*16. натй-ашнатас ту його "сти на чаикантам анашнатаҳ  
на чати свапна-шиласйа джаграто наива чарджуна*

***Эй Аржуна, агар одам жуда кўп ёки жуда кам овқатланидиган, жуда кўп ухлайдиган ёки етарлича ухламайдиган бўлса, у ҳеч қачон йог бўла олмайди.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна йогларга овқатланиш ва уйқуни тартибга солишни маслаҳат берапти. Жуда кўп овқат истеъмол қилиш - тананинг соғлом ҳолатини таъминлаб туришга етарли бўлганидан кўпроқ овқат ейиш демакдир. Ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг гўштини ейишга ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки табиат одамлар учун озиқ-овқат сифатида етарлича дон

маҳсулотлари, мева, сабзавот ва сут маҳсулотларини яратиб қўйибди. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра мана шу оддий маҳсулотлар эзгулик гунасидаги озик-овқатлар ҳисобланади. Гўшт маҳсулотлари эса ғафлат гунасидаги маҳсулот ҳисобланади. Гўшт маҳсулотлари билан овқатланадиган, маст килувчи ичимликлар ичадиган, тамаки чекадиган, аввал Кришнага таклиф қилинмаган нарсаларни истеъмол қилиб юрган одамлар бу қилган гуноҳлари учун кейин азоб чекадилар, чунки улар еб юрган овқатларнинг ҳаммаси ҳаром, нопок ҳисобланади. *Бхунджате те тв агхам напа йе пачантий атма-каранат* (Бг.3.13).

Нафсини тийиб билмаган ва фақат ўзи лаззатланиш учун овқат пиширадиган одам, аввал Кришнага таклиф қилинмаган овқатлардан ейиш билан фақат гуноҳга ботади. Ана шундай ҳаром овқат билан кун кечириб юрган, нафсини тийишга кучи етмайдиган одам йога билан шуғуллана олмайди. Аввал ягона Парвардигор Кришнага тақдим қилинган таом билан овқатланиш керак. Кришна онгига эга бўлган содиқ хизматкор ҳеч қачон аввал Кришнага тақдим этилмаган овқатдан емайди. Фақат шундай одамгина йогада камолотга эриша олади. Ўзича қандайдир овқатланиш қоидаларини ўйлаб топиб, сунъий равишда кам овқатланиб юрган одам ҳам йога билан шуғуллана олмайди. Кришна онгига эга бўлган одам муқаддас китобларда кўрсатилган қоидалар асосида рўза тутади. У ўзини очлик билан қийноққа ҳам солмайди, керагидан ортиқ овқатланмайди ҳам. Шунинг учун, у бемалол йога билан шуғуллана олади. Кўп овқат еган киши уйқусида ҳар хил тушлар кўради, натижада яхши дам ололмасдан керагидан кўп ухлайди. Суткасига олти соатдан кўп ухламаслик керак. Олти соатдан кўп ухлайдиган киши шубҳасиз, ғафлат гунаси таъсири остида яшаётган бўлади. Ғафлат гунаси таъсирига берилган киши кўп ухлайди, ҳамиша дангаса, ланж бўлиб юради. Албатта, ундай одам йога билан шуғуллана олмайди.

*17. йуктаҳара-вихарасйа йукта-четасйа кармасу  
йукта-свапнавабодхасйа його бхавати дуккха-ха*

***Меъёрида овқатланиб, ухлаб, меҳнат қилиб ва дам олиб юрган киши йога билан шуғулланиш ёрдамида барча моддий азоб-қубатларидан халос бўла олади.***

Изоҳ: Овқатланиш, ухлаш, жинсий ҳаёт ва ўзини муҳофаза қилишга, бир сўз билан айтганда, танасининг эҳтиёжларини қондиришга керагидан ортиқча эътибор бериш йога билан шуғулланиб юрган кишининг руҳий юксалиш йўлида катта ғов бўлиши мумкин. Фақат *кришна-прасад*, яъни фақат Кришнага таклиф этилган, руҳий табиатга эга бўлган таомлардан еб юриш билан овқатланишни тартибга солиш мумкин. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра Кришнага сут, сабзавот, мева, дон ва бошқа ўсимликлар таклиф қилиш мумкин. Шу тарзда овқатланиб, Кришнани англаш йўлидан бораётган одам фақат

эзгулик гунасидаги, яъни фақат инсон учун мўлжалланган ҳалол озиқ-овқатлар билан тирикчилик қилишга ўрганеди. Худонинг содиқ хизматкори иложи борича кўпроқ вақтини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлашга ҳаракат қилади, шу сабабли ухлаш учун ортиқча вақт ажратиш унинг учун жуда қиммат туради. *Авийартха-калатвам*: Кришна онгига эга бўлган киши умрининг ҳар бир дақиқасини Худога хизмат қилиш билан машғул бўлиб ўтказишга интилади. Шу сабабли у уйқуга иложи борича кам вақт ажратади. Худонинг содиқ хизматкорлари Шрила Рупа Госвамидан ўрнак олиши мумкин: у ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиб суткасига икки соат, баъзан ундан ҳам камроқ ухларди. Худонинг буюк содиқ хизматкори Харидас Тхакур эса, ҳар куни то Худонинг муқаддас номларини уч юз минг марта(196 доира) зикр қилмагунча ухлამас, овқат ҳам емас эди. Кришна онгига эга бўлган содиқ хизматкор ҳеч қачон, Кришнага хизмат қилишдан бошқа ишлар билан шуғулланмайди. Шу боис, унинг фаолияти ҳамиша тартибга солинган, ўз хиссиётининг талабларини қондириш истаги билан булганмаган. Ҳиссий лаззатланишга интилиш истагидан пок бўлган ҳолда у дунёвий ишларга, моддий орзу-ҳавасларга бир дақиқа ҳам вақтини сарфламайди. Унинг нутқи, фаолияти, уйқуси, сергаклик вақти ва танасининг бошқа эҳтиёжлари тартибга солингани сабабли у моддий азоб-уқубатларга дучор бўлмайди.

*18. йада винийатам читтам атмани эваватиштхате  
нисприхаҳ сарва-камебхйо йукта ити учйате тада*

***Йог ақлининг фаолиятини тартибга солганида ва моддий истаклардан ҳалос бўлиб, соф руҳий ҳаёт даражасига эришганида уни “йогада мустаҳкам турган инсон” деб атайдилар.***

Изоҳ: Оддий одамлардан фарқли равишда йог энг асосийси жинсий алоқа лаззати бўлган моддий лаззатларга интилмайди. Комил йог ақлини тўлиқ жиловлаб олган бўлади, шунинг учун унга ҳеч қандай моддий истаклар ташвиш келтирмайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши табиий равишда руҳий баркамолликнинг ана шундай поғонасига эришади.

"Шримад Бҳагаватам"да (9.4.18-20) шундай дейилган:

*са ваи манаҳ кришна-падаравиндайор  
вачамси ваикунтха-гунануварнане  
карау харер мандира-марджанадишу  
ирутим чакарачйута-сат-катходайе  
мукунда-лингалайя-даршане дришау  
тад-бхритйя-гатра-спарше "нга-сангамам  
гхранам ча тат-пада-сароджа-саурабхе  
иришат-туласйя расанам тад-арпите*

*падау хареҳ кшетра-паданусарпане  
широ хришикеша-падабхивандане  
камам ча дасйе на ту кама-камйайа  
йатхоттамашлока-джанаширайа ратих*

"Шоҳ Амбариша бутун фикру-хаёлини Парвардигор Кришнанинг нилуфар кадамлари пойида мужассам қилган, нутки эса Худонинг илоҳий даргоҳини таърифлаш билан банд эди; қўллари билан у Парвардигорнинг эҳромларини тозалар, кулоғи билан Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида ҳикоялар тингларди; у кўзлари билан Парвардигорнинг қиёфасини томоша қилар, танази Худонинг бошқа содиқлари танасига тегар, бурни билан Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига тақдим этилган гулларни хидларди; тили билан Парвардигорга тақдим этилган туласи баргларининг таъмидан лаззатланар, оёқлари эса уни Парвардигорнинг эҳромлари жойлашган муқаддас зиёратгоҳларга олиб борарди, бошини Парвардигор олдида эгар, бутун орзуистаклари Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ эди".

Имперсонализм фалсафасининг издошлари учун руҳий мавжудлик англаб, эришиб бўлмайдиган ҳолат бўлиб туюлиши мумкин, аммо Кришна онгига эга бўлган содиқ бундай ҳолатга осонлик билан эришади. Махараж Амбаршанинг турмуш фаолиятини тасвирловчи юқоридаги сингари шеърлар буни тўла исботлайди. Ҳамиша Парвардигорни эслаб юрган, ақли ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойида мужассам бўлган кишигина руҳий поғонада фаолият кўрсата олади. Парвардигорга хизмат қилишнинг Махараж Амбаршани машғул бўлган ҳар хил турлари *арчана* деб аталади, у инсонга сезги аъзоларининг барчасини Худога хизмат қилиш жараёнида машғул қилиш имконини беради. Ҳиссиётлар ва ақл ҳеч қачон ҳаракатсиз тура олмайди, шу сабабли ҳар қандай фаолиятни шунчаки тарк этиш билан йог камолотга эриша олмайди. Кўпчилик одамлар учун, айниқса таркидунё қилмай яшаётган одамлар учун юқоридаги шеърда тасвирланган, ақл ва ҳиссиёт учун мўлжалланган руҳий фаолият билан машғул бўлиш - "Бхагавад-Гита"да *йукта* ибораси билан ифодаланган олий руҳий поғонага эришишнинг энг осон йўлидир.

*19. йатха дипо нивата-стхо ненгате сопама смрита  
йогино йата-читтасйа йунджато йогам атманах*

***Худди шамчироқ сокин жойда бир маромда ёнгани сингари,  
ақлини жиловлаб олган йог ҳам ички нигоҳини ҳақиқий ўзлиги -  
"мен"ига қаратиб, ҳамиша муроқабда юрган бўлади.***

Изоҳ: Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга киши ҳамиша руҳий ҳолатда яшаётган бўлади, чунки у ҳамиша ўзининг сеvimли Парвардигори ҳақида ўйлаб юради. Шундай одамнинг ақли сокин жойда ёнаётган шамчирокнинг шуъласи

сингари хамиша бир маромда, хотиржам ва осойишта бўлади.

*20-23. йатропарамате читтам нируддхам йога-севайа  
йатра чайватманатманам пашйанн атмани тушйати  
сукхам атйантикам йат тад буддхи-грахйам атиндриям  
ветти йатра на чавайам стхиташи чалати татватах  
йам лабдхва чапарам лабхам манйате надхикам татах  
йасмин стхито на дуккхена гурунапи вичалйате  
там видйад дуккха-самйога-вийогам йога-самдженитам*

**Йог руҳий баркамолликнинг транс(руҳий жазава), яъни самадхи деб аталадиган ана шундай погонасига эришганида, унинг ақли моддий фаолиятдан бутунлай четланади. Ақли пок бўлгани учун у ўзининг ҳақиқий ўзлигини - "мен"ини кўра олиш қобилиятига эга бўлади. Ҳақиқий ўзлиги унинг учун қувонч ва бахт манбаига айланади. Осойишталикка эришган йог ўзининг руҳий сезгилари ёрдамида чексиз илоҳий лаззат ҳис қила бошлайди. Ҳақиқатни англаб, у ҳеч қачон Уни эсидан чиқармайди ва ундан юксакроқ бахт йўқ деб ҳисоблайди. Шундай инсон, ҳатто энг оғир қийинчиликларга дуч келганда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Моддий оламда яшаётганимиз сабабли юзага келадиган ҳар қандай мусибатлардан ҳақиқий озод бўлиш мана шундай бўлади.**

Изоҳ: Йога билан шуғулланиш шарофати билан инсон аста-секин ҳаёт ҳақидаги нотўғри моддий тасавурлардан халос бўлади. Мана шу - йоганинг асосий қонуни ҳисобланади. Натижада йог транс, яъни *самадхи* ҳолатига киради, руҳий табиатга эга бўлган ақли ва тафаккури ёрдамида Олий Рухга эришади, лекин ўзини Унга тенг ёки "ўзим Олий Рухман" деб ўйламайди. Йога билан амалда шуғулланиш жараёни Патанжали таълимотига асосланган. Баъзи бир ғофил билимдонлар бу таълимотни "алоҳида руҳ - Олий Рухга тенг" деб изоҳлайдилар, монистлар эса шундай тенгликни англаб етишни "озодликка эришиш" деб ҳисоблайдилар. Улар Патанжали йога тизимининг ҳақиқий мақсади нимадан иборат эканини билмайдилар.

Патанжали руҳий лаззат мавжудлигини тан олади, монистлар эса, бу ғоя уларнинг ягоналик("бутун олам ягона, чексиз, шахсиятсиз Парвардигордан иборат" деб биладиган) фалсафасига тўғри келмагани учун, Патанжалининг бу фикрини инкор этадилар. Монистлар "сезиладиган нарса"лар билан "сезадиган зот" орасидаги фарқни тан олмайдилар. Аммо, бу шеърдан яққол маълум бўляптики, руҳий лаззат мавжуд ва уни фақат руҳий сезгилар билан ҳис қилиш мумкин. Бу ҳақиқатни йога тизимининг асосчиси Патанжали Мунининг ўзи ҳам тасдиқлайди. Ўзининг "Йога-сутра"(3.34) асарида буюк дошишманд шундай дейди: *пурушартха-шунйанам гунанам прати-прасаваҳ кавалйам сварупа-пратиштха ва чити-шактир ити. Чит-шакти*, яъни



ички қувват руҳий табиатга эга. *Пурушартха* тушунчаси дунёвий диндорликни, моддий фаровонликка ва ҳиссий лаззатларга интилишни, охир-окибатда Парвардигор билан қўшилиб кетишни ҳам ўз ичига олади. Мониствлар Парвардигор билан ана шундай қўшилиб кетиш *кайвалия* деб аталади. Аммо, Патанжалининг фикрига кўра *кайвалия* - ички, яъни руҳий қувват, у тирик мавжудотга ўзининг руҳий ўзлигини англаш имконини беради. Парвардигор Чaitанйa бу жараёни *чeтo-дaрпaнa-мaрджaнaм*, яъни "aқл oйнacини тoзaлaш" деб атаган. Ана шундай покланиш - моддий олам тутқунлигидан ҳақиқатан ҳам озодликка чиқиш ҳисобланади (*бхава-маха-давагни-нирванaм*). *нирвaнa* тушунчаси ҳам ана шу ҳолатга тўғри келади, у фақат ҳақиқий озодликка чиқишдан олдинги поғона ҳисобланади. "Шримад Бҳагаватам"(2.10.6)да бу поғона *сварупeнa вйaвaстхитиx* деб аталган. Бу "Бҳагавад-Гита"нинг юқоридаги шеърида ҳам тасдиқланган.

Дунёвий фаолиятни тарқ этиш поғонаси бўлган нирванадан кейин руҳий фаолият поғонаси - Кришна онгидаги фаолият, яъни Худо Шахсига илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиш бошланади. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганидай, тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати хизмат қилишдан иборат (*сварупeнa вйaвaстхитиx*). *Майa*, яъни "иллюзия" деб моддий иллат билан қопланган руҳий мавжудликни айтадилар. Ана шу иллатдан покланиш тирик мавжудотнинг мангу, азалий ҳолатига умуман зид келмайди. Патанжали ҳам буни тўлиқ тан олади: *каивалиям сварупa-пратиштхa вa читишактир ити. Читишакти*, яъни руҳий лаззат - ҳақиқий ҳаётдир. Буни "Веданта-сутра" ҳам тасдиқлайди(1.1.12): *ананда-майo "бхйaсaт*. Тирик мавжудотнинг ўзининг асл табиий ҳолатига эришиши - йога жараёнининг охириги, якуний натижасидир. Ана шундай ҳолатга фақат *бҳакти-йога*, яъни "Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш" ёрдамида эришиш мумкин. *Бҳакти-йога* усули "Бҳагавад-Гита"нинг еттинчи бoбидa батaфcил тушунтирилади.

Бу бoбдa тaърифлaнган йoгa тизимидa сaмaдхининг икки туринaзaрдa тугилади: *сaмпрaгйaтa-сaмaдхи* вa *aсaмпрaгйaтa-сaмaдхи*. *Сaмпрaгйaтa-сaмaдхи* - фaлсaфий изланишлар ёрдамида эришиладиган руҳий жазавa, транс ҳoлaти. *Асaмпрaгйaтa-сaмaдхи* поғонасида эсa инсон моддий лaззaтлардан бутунлай воз кeчaди, чунки мaнбaи моддий сезги aъзoлaри бўлган лaззaт уни умуман қизиктирмай қўяди. Ана шундай илоҳий ҳoлaтгa эришган йoг ҳeч қaчoн ўзининг азалий, табиий руҳий ҳoлaтини йўқoтмайди. Бундай поғoнaгa эришa oлмaгaн oдaм ҳaли йoгa билан шугулланишнинг oлий мaқсaдигa эришa oлмaгaн ҳисoблaнaди. Ҳар хил кўринишдaги ҳиссий лaззaтлар билан лaззaтланишгa рuxсaт бeрaдигaн ҳoзирги йoгa тизимлaри мaнa шу қoидaгa aмaл қилмайдилар. Жинсий aлoқaдaн вa мaст қилувчи нaрсaлaрдaн воз кeчмaгaн йoгнинг қилaётгaн ҳaрaкaтлaри - йoгa тизимини мaзaх қилиш, хoлoс. Ҳaттo, *сиддхи*(сeҳр қудрaти)гa эришиш ниятидa йoгa билан шугулланиб юрган oдaмни ҳам "қoмил йoг" деб бўлмайди. Йoгa жараёнининг қўшимчa, иккилaмчи нaтижaлaри билан aлдaниб қoлгaн кишилар бу шеърдa кўрсaтилгaн қaмoлoт чўққисигa эришa oлмайдилар. Шунинг учун ҳар хил жисмоний машқлар вa сeҳр қудрaтлaри билан ғoфил oдaмлaрни ҳайрон

колдиришга интилиб юрган одамлар ҳақиқий йога усулининг асосий мақсадини эсдан чиқариб қўйганини билиб олишлари керак.

Ҳозирги даврда йоганинг энг яхши тури - Кришна онги билан яшашдан иборат, шундай фаолият билан кун кечириб юрган киши ҳеч қачон, ҳеч нарсадан пушаймон бўлмайди. Кришна онгида ҳаракат қила туриб, инсон бу фаолиятдан чексиз қувонч, бахтиёрлик ҳис қилади-ки, унга ҳаётда бошқа бирор нарсанинг кераги бўлмай қолади. *Хатха-його, дхйана-його* ва *гйана-його* билан шуғулланиб юрган одамлар, айниқса ҳозирги Кали-юга - иккиюзламачилик ва ўзаро душманлик авж олган даврда руҳий юксалиш йўлида жуда кўп қийинчиликларга дуч келдилар. *Карма-його*, яъни *бҳакти-його* билан шуғулланиб юрганлар эса бундай қийинчиликлардан устун турадилар.

Токи моддий танамиз мавжуд экан биз унинг овқатланиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жинсий алоқага бўлган эҳтиёжларини қондиришга мажбурмиз. Аммо, соф *бҳакти-його*, яъни Кришнани англаш йўлидан бораётган киши ҳеч қачон ўз нафсининг, хиссиётининг қулига айланиб қолмайди. У тирикчилиги учун энг зарур бўлган нарсаларнигина қабул қилади, яъни ўзи тушиб қолган ҳозирги ноқулай шароитдан иложи борича кўпроқ руҳий фойда олишга интилиб яшайди ва Кришна онгида ҳаракат қилиб, ҳаётда руҳий лаззатланиб яшайди. У тақдирида учрайдиган бахтсиз ҳодиса, касаллик, муҳтожлик ёки ҳатто яқин одамнинг ҳалокатга учраши сингари ҳодисаларни ҳам хотиржамлик билан кутиб олади, айна пайтда ўзининг Кришнани англаш йўлидаги вазифаларини иложи борича яхшироқ бажаришга ҳаракат қилади. Ҳаётда учрайдиган баъзи қийинчиликлар унинг Худо олдидаги ўз муқаддас бурчини бажариб яшашига ҳалакит беролмайди. *агамапайино "нитйас тамс титикишасва бхарата*(Б-г. 2.14). У тақдиридаги барча қийинчиликларга чидам билан сабр қилади, чунки улар ўткинчи эканини, руҳий юксалиш йўлида ғов бўла олмаслигини билади. Шу тарзда у йоганинг олий поғонасига эришади.

*24. са нишчайена йоктавйо його “нирвинна-четаса санкалпа прабхаван камамс тйактва сарван ашешатаҳ манасаивендрийа-грамам винийамйа самантатаҳ*

***Инсон йога билан қатъият ва ишонч билан, ўзи танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмасдан шуғулланиши лозим. Ақлида пайдо бўладиган барча моддий истаклардан ҳалос бўлиши ва ақли ёрдамида бутун ҳиссиётини ўзига тўла бўйсундириб олиши лозим.***

Изоҳ: Йога билан шуғулланиб юрган одам қатъий ишончга эга бўлиши, ўзи танлаган йўлдан адашмай, руҳий ҳаётнинг барча қонун-қоидаларига сабртоқат билан амал қилишда давом этиши лозим. У охир-оқибатда албатта муваффақият қозонишига қатъий ишониши керак, бирор сабабларга кўра истаган натижасига дарров эришолмаса, тушкунликка тушиб пушаймон

бўлмасдан, ғайрат-шижоат билан рухий юксалиш йўлидан боришда давом этавериши лозим. Агар йог тиришқоқ ва қатъиятли бўлса кўзлаган максадига албатта эришади. Рупа госвами шундай дейди:

*утсахан нишчайад дхаирйат тат-тат-карма-правартанат  
санга-тйагат сато вриттех шадбхир бҳактих прасидхйати*

"Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасидаги ўз бурчини сўнмас шижоат, тиришқоқлик ва қатъият билан бажариб юрган, Худонинг содиқлари билан мунтазам ҳамсухбат бўлиб, фақат эзгулик гунасидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган киши бҳакти-йога йўлида албатта муваффақиятга эришади" (Упадешамрита,3).

Қатъият, шижоат билан мақсадга интилиш борасида содиқ тухумини йўқотиб қўйган чумчуқдан ўрнак олиши лозим. Чумчуқ океан қирғоғига тухум қўйган бўлади, океан тўлқинлари унинг тухумини олиб кетади. Мусибатга тушиб, чумчуқ океандан тухумини қайтариб беришни илтимос қила бошлайди. Аммо, Океан унинг илтижоларига парво ҳам қилмайди. Шунда чумчуқ Океан сувини қуритиб ташлашга қарор қилади ва сўнмас шижоат билан ўзининг кичкина тумшуги билан Океан сувини бир томчидан олиб, четга ташлай бошлайди. Чумчуқнинг бундай шижоатини кўрган бошқа қушлар унинг устидан кула бошлайдилар. Бу гаплар чор атрофга тарқалиб, елкасида Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган баҳайбат илоҳий қуш - Гаруданинг қулоғига бориб етади. Ўзининг кичик синглисига раҳми келган Гаруда дарров Океан қирғоғига етиб келади. Ўз мақсадига эришиш учун чумчуқнинг кўрсатаётган шижоатига қойил қолиб Гаруда унга ёрдам беришга шошилади. У Океанга чумчуқнинг тухумини ҳозироқ қайтариб беришни буюради, акс ҳолда ўзи унинг сувини қуритишини айтиб Океанга пўписа қилади. Кўрқиб кетган Океан дарров чумчуқнинг тухумини қайтариб беради. Шундай қилиб, чумчуқ Гаруданинг марҳамати билан ўз ниятига эришади. Шунга ўхшаб, йога билан, айниқса, *бҳакти-йога* билан шуғулланиш аввалига жуда қийиндай туюлиши мумкин. Аммо, агар чуқур иймон ва ишонч билан *бҳакти-йога* қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб юрган кишига Парвардигор албатта ёрдамга келади, чунки ўзига ёрдам беришга интилаётган кишига Худо ҳам албатта ёрдам беради.

*25. шанаиҳ шанайр упарамед буддхйа дхрити-грихитайа  
атма-самстхам манаҳ критва на кинчид апи чинтайет*

***Йог қатъий ишончга таянган тафаккур ёрдамида аста-секин, поғонама-поғона транс(жазава) ҳолатига кириши ва бошқа ҳеч нарсани ўйламасдан, ақлини руҳ(ҳақиқий "мен")ида мужжассам қилиши лозим.***

Изоҳ: Қатъий ишонч ва чуқур тафаккури ёрдамида йог аста-секин ҳиссиётининг ҳар қандай фаолиятини тарк этиши керак. Ана шу поғона *пратйахара* деб аталади. Сизги аъзоларини ташқи нарсалардан тортиб олиб, қатъий ишонч ва мувоқабат ёрдамида ақлини жиловлаб, йог илоҳий жазава, яъни *самадхи* ҳолатига киради. Шунда у ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар чангалига яна тушиб қолиш хавфидан биратўла халос бўлади. Токи йог моддий тана ичида экан, у моддий нарсалар билан алоқа қилишга мажбур, лекин у ҳиссиётининг талабларини қондириш ҳақида ўйламаслиги керак. У фақат Олий Рухни мамнун қилишни ўйлаши лозим. Агар одам Кришна онгида ҳамиша Худога хизмат қилиб юрса, бундай поғонага кўтарилиш қийин эмас.

*26. йато йато нишчалати манаи чанчалам астхирам  
татас тато нийамйатад атмани эва вашам найет*

***Табиатан нотинч ва ўзгарувчан бўлган ақли қайққа чалғиб кетса  
ҳам йог дарров уни ўзининг ҳақиқий "мен"и ҳукмига қайтариши  
лозим.***

Изоҳ: Ақл ўзининг табиатига кўра ўзгарувчан ва нотинч. Аммо, ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини англаб олган йог ақлининг ҳукми остида юрмасдан, аксинча, энди унинг хўжайини бўлиши керак. Ақлини, демак ҳиссиётини ҳам ўзига бўйсундира олган кишини *госвами*, *свами* деб айтадилар. Ақлининг ҳукми остидан чиқолмай, ақли ва ҳиссиётининг қули бўлиб юрган кишини - *го-даса*, яъни "ҳиссиётининг қули" деб атайдилар. Госвами ҳақиқий ҳиссий лаззат нима эканини билади. Рухий сезгилари орқали лаззатланиб юрган кишининг барча сезгилари ҳамиша Хришикешага, барча ҳиссиётлар Ҳукмдори бўлган Кришнага хизмат қилишда банд бўлади. Ҳиссиётини поклаб, уларни Худога хизмат қилишда машғул қилиб юрган одам ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган бўлади. Фақат шундай йўл билангина инсон ўз ҳиссиётининг ҳақиқий хўжайинига айланиши ва йоганинг энг юқори поғонасига кўтарилиши мумкин.

*27. прашианта-манасам хй энам йогинам сукхам уттамам  
упаити шанта-раджасам Браҳма-бхутам акалмашам*

***Ақлини Менда мужассам қилган йог руҳий лаззат чўққисига эришади. Эҳтирос гунаси таъсиридан халос бўлиб, у сифат жиҳатидан ўзининг Мутлақ Ҳақиқат билан бир эканини англаб етади ва шу тарзда ўзининг аввал қилган ишлари оқибатидан бутунлай халос бўлади.***

Изоҳ: *Браҳма-бхута* - йогнинг барча моддий иллатлардан бутунлай покланиб, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга эришган поғонасидир.

*Мад-бхакта лабхате парам*(БГ.18.54). Ақли Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойида мужассам бўлган киши Брахманни, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини англаш поғонасида узоқ вақт қолиб кета олмайди. *Са ваи манах кришна-падаравиндайох*. Агар инсон ҳамиша муҳаббат билан Парвардигорга хизмат қилиб, яъни ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган бўлса, демак у ҳақиқатан ҳам эҳтирос гунаси таъсири остидан чиққан ва моддий иллатлардан бутунлай покланган.

28. *йунджанн эвам садатманам йоги вигата-калмашах  
сукхена Брахма-самспаршам атйантам сукхам ашнута*

***Шундай қилиб, ақли ва ҳиссиётини жиловлаш ҳамда йога билан бетиним шуғулланиш орқали инсон моддий иллатлардан бутунлай покланади ва Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишида олий, мукамал бахтга эга бўлади.***

Изоҳ: Ҳақиқий ўзлиги, "мен"ини англаб етиш - Парвардигорга нисбатан ўзининг азалий, мангу асл ҳолатини англаб етиш демакдир. Алоҳида рух Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлиб унинг вазифаси - Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Худога ана шундай илоҳий муҳаббат билан боғланиш бу ерда *Брахма-спарша* ибораси билан ифодаланган.

29. *сарва-бхута-стхам атманам сарва-бхутани чатмани  
икшате йога йуктатма сарватра сама-даршанах*

***Комил йог Менинг ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканимни, барча тирик мавжудотлар эса Менда мужассам эканини кўради. Ҳақиқатан ҳам, ўзини англаб етган рух Мени, ягона Парвардигорни ҳамма жойда кўриб юради.***

Изоҳ: Кришна онгида бўлган йог ҳамма нарсанинг мукамал, асл ҳолатини кўра олади, чунки у Олий Рух(Параматма) сифатида Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини кўради. *Ишварах сарва-бхутанам хрид-деше "рджуна тиштхати*. Параматма киёфасида Парвардигор ит қалбида ҳам, брахманнинг қалбида ҳам мавжуд. Комил йог Парвардигор ҳамиша моддий қувватдан устун эканини, У ҳатто ит ёки брахманнинг қалбида мавжуд бўлса ҳам, моддий қувватнинг таъсирига тушиб қолмаслигини биледи. Парвардигор - бирор нарсага энг олий даражада дахлсиз, бетараф, эркин, тўла мустақил Зот. Алоҳида рух ҳам тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган, лекин у ҳамма тирик мавжудотнинг қалбида жойлаша олмайди. Алоҳида рух билан Олий Рухнинг бир-биридан фарқи шундан иборат. Ҳақиқий йога билан шуғулланмаган одам бу фарқни етарли даражада

яккол кўра олмайди. Аммо, Кришнани англаб етган киши иймонсиз дахрийнинг қалбида ҳам, Худонинг тақводор содиқ хизматкорининг қалбида ҳам Кришнани кўра олади. Смритиларда шундай дейилган: *атататвач ча матритвач ча атма хи парамо харих* - "Барча мавжудотларнинг манбаи бўлган ҳолда, Парвардигор уларга худди онасидай ғамхўрлик қилади". Худди онаси барча фарзандларига бир хил муносабатда бўлгани сингари, олий ота(ёки она) ҳам барча тирик мавжудотларга бир хилда ғамхўрлик қилади. Шунинг учун Олий Рух албатта ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган бўлади.

Тирик мавжудот ташқаридан ҳам Худонинг қуввати билан ўралган. "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобидан билиб оламизки, Худонинг қуввати икки асосий турга бўлинади: руҳий(олий) қувват ва моддий(қуйи) қувват. Гарчи тирик мавжудот аслида олий қувватга мансуб бўлса ҳам, у Парвардигорнинг қуйи қуввати таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, тирик мавжудот ҳамиша Парвардигорнинг ана шу икки қувватидан бирининг таъсири остида бўлади, демак тирик мавжудот ҳамиша Парвардигорнинг назорати остида, яъни ҳамиша У билан бирга бўлади.

Йоғ ҳар бир тирик мавжудотга бир хил муносабатда бўлади, чунки у биладик, тирик мавжудот аввалги қилган ишларининг оқибатларига яраша ҳозир ҳар хил шароитга, ҳар хил тана ичига тушиб қолган бўлса ҳам, барибир у ҳамиша Парвардигорнинг мангу хизматкори бўлиб қолаверади. Моддий қувватнинг ҳукми остида бўлган тирик мавжудот ўзининг моддий хиссиётига, сезгиларига хизмат қилади, руҳий қувват ҳукми остида эса, у бевосита Худои Шахсининг Ўзига хизмат қилади. Тирик мавжудот ҳар икки ҳолатда ҳам Худонинг хизматкори бўлиб қолаверади. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳаёт ҳақида ана шундай мукамал нуқтаи-назарга эга бўлади.

*30. йо мам паийати сарватра сарвам ча майи паийати  
тасйахам на пранаийами са ча ме на пранаийати*

***Мени ҳамма нарсада, ҳамма нарсани эса Менда кўриб юрган киши учун Мен ҳеч қачон Мени йўқолмайман, у ҳам ҳеч қачон Мен учун йўқолмайди.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши Парвардигор ҳамма ерда мавжуд эканини, ҳамма нарса Унда эканини кўра олади. Шундай одам моддий оламда намоён бўлган ҳар хил мавжудот ва воқеа-ҳодисаларни кўриб юради, аммо ҳамиша Кришна онгида бўлиб, у буларнинг барчаси ягона Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил қувватларининг бу оламда намоён бўлган кўринишлари эканини тушунади. Кришнадан ажралган, бутунлай мустақил ҳолда мавжуд бўлган бирор нарса йўқ, Кришна -бутун борлиқнинг

Хукмдори: Кришна онгида бўлишнинг асосий қонуни мана шундан иборат. Кришнани англаш усули инсонга қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотишга ва шундай қилиб, ҳатто моддий олам асирлигидан руҳий озодликка чиқиш поғонасидан ҳам юқориқроқ поғонага кўтарилишда ёрдам беради. Қалбида Кришна онгини ривожлантиришнинг - руҳий ўзлигини, ҳақиқий “мен”ини англашдан кейин келадиган ана шу босқичида Худонинг содиқ хизматкори ўзининг Кришна билан бир хил табиатга эга эканини англаб етади, яъни Кришна унинг бутун борлиғига айланади, шунда у Кришнага бўлган муҳаббатга бутунлай ғарқ бўлади. Шунда Кришна билан содиқ хизматкори орасида ўзаро энг яқин муносабатлар қайта тикланади. Шундай содиқ энди ҳеч қачон Парвардигордан ажралмайди, Парвардигор ҳам ҳеч қачон ундан йироқ бўлмайди. Кришна билан кўшилиб кетиш - руҳий суиқасд деб аталади. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон бунга рози бўлмайди. "Брахма-самхита"да шундай дейилган:

*преманджана-ччхурита-бҳакти-вилочанена  
сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти  
йам шйамасундарам ачинтия-гуна-сварупам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Мен азалий Парвардигорга, Говиндага сажда қиламан. Кўзларига Худога муҳаббат малҳами сурилган содиқлар Парвардигорнинг қиёфасини ҳамма жойда кўра оладилар. Шундай содиқлар ўзининг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни мангу Шйамасундара қиёфасида ҳамиша кўриб юрадилар".

Кришнаҳеч қачон ана шундай содиқларнинг кўз олдидан кетмайди. Қалбида Параматма қиёфасидаги Парвардигорни кўриб юрадиган йог ҳам шундай бўлади. Шундай йог Худонинг соф содиқ хизматкори бўлади, у Парвардигорни кўрмасдан бир лаҳза ҳам яшай олмайди.

*31. сарва-бхута-стхитам йо мам бхаджати экатвам астхитаҳ  
сарватха вартамано “ни са йоги майи вартате*

***Мен билан Олий Руҳ аслида бир Зот эканини билиб, у Олий Руҳга сажда қилиб сизинади ва хизмат қилади. Шундай йог ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Менда бўлиб қолаверади.***

Изоҳ: Олий Руҳнинг жамолини кўриб, томоша қиладиган йог ўз қалбида Кришнанинг қудратли экспансиясини - қўлларида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб турган Парвардигор Вишнуни кўради. Йог Парвардигор Вишнунинг Қришнадан фарқ қилмаслигини яхши билиши керак. Кришна Олий Руҳ қиёфасида ҳар бир тирик жонзотнинг қалбида мавжуд. Бунинг устига, сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг қалбларида мавжуд бўлган Параматмалар бир-биридан фарқ қилмайди. Худди шундай, қалбида Кришна

онгини ривожлантириб, Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқ билан ҳамиша ўз қалбида Олий Руҳ жамолини томоша қилиб юрган комил йог орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришна онгига эга бўлган йог моддий оламда яшар экан, ҳар хил фаолият билан машғул бўлиши мумкин, лекин у барибир, ҳамиша Кришна онгида юрган бўлади. Буни Шрила Рупа Госвами "Бҳакти-расамрита-синдху" асарида шундай тасдиқлайди: (1.2.187) *никхиласв апй авастхасу дживан-муқтаҳ са учйате*. Ҳамиша Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган Худонинг содиқ хизматкори табиий равишда руҳий озодликка эришади. "Нарада-панчатра"да бу ҳақда шундай дейилган:

*дик-каладй-анаваччхинне кришне чето видхайа ча  
тан-майо бхавати киштрам дживо Браҳмани йоджайет*

"Инсон диққат эътиборини ҳамма жойда мавжуд, замон ва макон чегарасидан ташқарида бўлган Кришнанинг илоҳий қиёфасида мужассам қилиб, ҳамиша Кришна ҳақидаги фикр-хаёлларга бутунлай ғарқ бўлиб юради ва Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлади".

Ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаш - йогада транс(жазава) ҳолатида бўлишнинг энг юксак поғонасидир. Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини англаб етган йог руҳий баркамолликка эришади. Ведалар(Гопала-тапани-упанишад,1.21)да Парвардигорнинг англаб бўлмас қудрати ҳақида шундай дейилган: *эко "пи сан бахудоха йо "вабхати - "Гарчи Парвардигор ягона бўлса ҳам, У сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд"*. Смирити шастраларда ҳам шундай дейилган:

*эка эва паро вишнух сарва-вйапи на самшайах  
аишварйад рупам экам ча сурйа-ват бахдхейате*

"Вишну - ягона, аммо У - шубҳасиз ҳамма жойда мавжуд. Ягона бўлса ҳам ҳамма жойда пайдо бўладиган Куёш сингари, У ўзининг англаб бўлмас қувватининг қудрати билан ҳамма жойда мавжуд".

32. *атмаупамйена сарватра самам паийати йо "рджуна  
сукхам ва йади ва духкхам са йоги парамо матах*

***Эй Аржун, ҳар кимни ўзи билан таққослаб, бахтли ёки бахтсизлигидан қатъий назар, барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий тенглигини кўра билган кишини "комил йог" деб айтадилар.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши "комил йог" ҳисобланади: у ўз тажрибасидан биладики, бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот мусибат ичида яшайди, шунга қарамай уларнинг ҳар бири ўзича "мен бахтлиман" деб ўйлайди. Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатимизни эсдан чиқариб қўйганимиз



сабабли биз ҳаётда азоб чекиб яшаймиз. Фақат, Кришна - олий лаззатланувчи бўлгани сабабли, фаолиятимизнинг ҳамма натижалари аслида Кришнаники эканини англаб етган, шунингдек Парвардигор барча олам ва сайёраларнинг ягона Ҳукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўсти эканини тушунган одамгина ҳақиқий бахт нима эканини билади. Комил йог, моддий табиатнинг уч гунаси асирлигида юрган тирик мавжудот Кришна билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқаргани сабабли уч турли азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрганини яхши тушунади. Кришнани англаб етган киши, ўзи ҳақиқий бахтга эришгани учун ана шундай бахтни, яъни Кришна ҳақидаги илмни жаҳоннинг ҳар бир бурчагидаги одамларга етказишга интилади. Комил йог Кришнани, Парвардигорни англаб етиш, Худо ҳақида илмга эга бўлиш - ҳаётда бахтиёр яшаш учун энг муҳим шарт эканига одамларни ишонтиришга ҳаракат қилади, шунинг учун у ҳар бир инсоннинг энг яқин дўсти ва Парвардигорнинг энг яқин, энг азиз хизматкори ҳисобланади.

*На ча тасман манушйешй кашчин ме приа-криттамаҳ*(БГ.18-69). Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша барча тирик мавжудотларнинг манфаатини, бахт-саодатини кўзлаб иш қилади, шу боис ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий дўсти ҳисобланади. У йогларнинг энг аълоси ҳисобланади, чунки у фақат ўз манфаатини кўзлаб эмас, балки бошқаларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилади. У ҳеч қачон бошқа тирик мавжудотларга - ўзининг руҳий қариндошларига душманлик қилмайди.

Худонинг содиқ хизматкори билан фақат ўз манфаатини ўйлаб юрган йог орасидаги фарқ ана шундан иборат. Мууроқаба қилиш учун қулай шароит излаб хилват жойларга кетадиган йог ҳеч қачон иложи борича ҳар бир одамни Кришнани англаб яшашга жалб қилиб, уларга чексиз бахт ато этишга интилаётган Худонинг содиқ хизматкори сингари улуғвор бўлолмайди.

### *33. арджуна увача*

*йо “йам йогас твайа проктаҳ самйена мадхусудана  
этасйахам на паийами чанчалатват стхитим стхирам*

***Аржун деди: О Мадхусудана, Сен таърифлаган йога усули билан шуғулланишга менинг кучим етмаса керак, чунки менинг ақлим ҳамиша безовта ва нотинч.***

Изоҳ: Бу ерда Аржун Кришна таърифлаган сеҳрли йога усулини рад этипти (*шучау деше* иборасидан *йоги парамаҳ* иборасигача), чунки у “бунинг иложи йўқ” деб ўйлайди. Кали юга даврида ҳеч ким йога билан шуғулланиш учун уйини ташлаб ўрмонга ёки тоққа чиқиб кета олмайди. Бу даврда яшайдиган одамларнинг умри киска, умрининг деярли ҳамма вақтини тирикчилик қилиш учун бешафқат курашга сарфлайдилар. Улар ҳатто энг осон руҳий амалларни ҳам бажаришни истамайдилар, шундай экан ким ҳам ҳозирги замонда махсус шарт-шароитни, турмуш тарзини, мууроқаба қилиш учун та-

лаб қилинган ҳолатда ўтиришни, маълум жой танлашни, ақлни моддий фаолиятдан умуман тўхтатишни талаб қиладиган машаққатли йога билан шуғулланишга рози бўларди? Ажун, гарчи ўзи жуда кўп эзгу фазилатларга эга бўлса ҳам, амалиётчи, тадбиркор инсон бўлгани сабабли, бу йога усулига амал қилиш қўлидан келмаслигини очиқ айтяпти. У жуда узоқ умр кўрган, шоҳ хонадонига мансуб, кўплаган эзгу фазилатлар эгаси бўлиш билан бирга, буюк жангчи сифатида шуҳрат қозонган, энг асосийси - Парвардигор ришнанинг энг яқин дўсти эди. Ҳозирги даврдаги одамларга қараганда беш минг йил аввалги Аржуннинг афзалликлари жуда кўп эди, лекин шунга қарамай, у сеҳрли йога билан шуғулланиш ёрдамида ўзликни англаш йўлини инкор этяпти. Биз унинг бундай йога билан шуғуллангани ҳақидаги маълумотни ҳеч қаерда учратолмаймиз. Шу боис Кали-югада яшаётган одамларнинг аксарият кўпчилиги учун йоганинг бу усули мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаш керак. Албатта, баъзи бировлар йоганинг бу тури билан шуғулланиши мумкин, аммо одамларнинг аксарият кўпчилигига бу усул тўғри келмайди. Ҳали беш минг йил олдин шундай бўлган бўлса, ҳозир бу ҳақда нима дейиш мумкин? Ҳар хил йога жамиятлари ёки йога мактабларига қатнаб, йога билан шуғулланиб, йогларга тақлид қилиб юрган одамлар, гарчи "баъзи натижаларга эришдик" деб ҳисобласалар ҳам, аслида вақтини бекорга кетказиб юрган одамлардир. Улар йоганинг ҳақиқий мақсади ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.

*34. чанчалам хи манаҳ кришна праматхи балавад дридхам  
тасйахам ниграхам мание вайор ива су-душкарам*

***Ақл асов, тиниб-тинчимас, ўжар ва жуда кучли, эй Кришна, уни жиловлаш ҳатто шамолни тўхтатишидан ҳам қийинроқ бўлса керак деб ўйлайман.***

Изоҳ: Ақл(нафс) шу қадар кучли ва ўжарки, аслида ўзи тафаккурнинг назорати остида бўлиши лозимлигига қарамай, баъзида у тафаккурни ўзига бутунлай бўйсундириб олади. Кундалик турмушда инсон ҳар хил қийинчиликларга дуч келади, шу боис унга ўз ақлини ҳамиша назорат қилиб юриш жуда қийин бўлади. Оддий одам дўст ва душманларига бир хил муносабатда бўлишга ҳаракат қилиши мумкин, аммо охир-оқибатда, ҳамиша шундай қилиб яшаш унинг қўлидан келмайди, чунки ақлни жиловлаш - кучли бўронни жиловлашдан ҳам қийинроқ. Ведаларда (Катха-упанишад, 1.3.3-4) шундай дейилган:

*атманам ратхинам виддхи шарирам ратхам эва ча  
буддхим ту саратхим виддхи манах праграхам эва ча  
индрийани хайан ахур вишайамс тешу го-чаран  
атмендрийа-mano-йуктам бхоктетй ахур манишинаҳ*

"Алоҳида руҳ моддий тана аравасида ўтиради. Аравани жиловдор - тафаккур

бошқаради. Ақл - жиловдорнинг қўлидаги тизгинлар, хиссиёт(сезгилар) эса - асов отлардир. Ақл ва сезгилар таъсири остида тирик мавжудот гоҳида қувонади, гоҳида азобланади. Буюк донишмандлар шундай деб айтадилар".

Тафаккур ақлни бошқариш учун яратилган, лекин ақл шунчалик кучли ва ўжарки, худди оғир юкумли касаллик баъзан энг кучли доридан ҳам устун келгани сингари, ақл ҳам баъзан тафаккурни ўзига бутунлай бўйсундириб олади. Йога билан шуғулланиш ёрдамида ақлни жиловлаш мумкин, аммо моддий оламда оилавий турмуш кечириётган Аржун учун бу иш жуда қийин эди. Шундай экан ҳозирги одамлар нима қилсин? Бу ерда Аржун жуда ўринли ўхшатиш ишлатган: ҳеч ким шамолни тўхтата олмайди. Нотинч ақлни жиловлаш эса, ундан ҳам қийин. Ақлни жиловлашнинг энг осон усулини бизга Парвардигор Чаитанья бериб кетган. У одамларни рухий озодликка чиқарувчи буюк "Харе Кришна" мантрасини камтарин ҳолатда зикр қилишни буюрган. *Са ваи манаҳ кришна-падаравиндайох*: ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаш керак. Фақат шундагина ақл ором олади ва бошқа ҳеч нарса уни ана шу осойишталик ҳолатидан чиқара олмайди.

*35. шри бхагаван увача*

*асамишайам маха-бахо mano дурниграхам чалам  
абхйасена ту каунтейа ваирагйена чагрхйате*

***Худонинг Олий Шахси деди: Эй Кунтининг билаги кучли ўгли, албатта нотинч, безовта ақлни жиловлаш жуда қийин. Лекин, дунёвий лаззатлардан воз кечиш ва маълум амалиёт билан шуғулланиш ёрдамида бунга эришса бўлади.***

Изоҳ: Аржуннинг гапларини тинглаб, Парвардигор нотинч, асов ақлни жиловлаш жуда мушкул эканини тан олди. Лекин, барибир У айтяптики, маълум машқлар билан шуғулланиш ва ҳиссий лаззатларни тарк этиш ёрдамида бунга эришиш мумкин. Улар қандай машқлар экан? Ҳозирги даврда одамлар йоганинг барча қоидаларига амал қилишга қодир эмаслар: муқаддас зиёратгоҳда ўтириш, ҳамиша Олий Рух ҳақида чуқур мулоҳаза юритиш, ақл ва хиссиётни жиловлаб олиш, уйланмаслик қасамига амал қилиш, хилват жойда яшаш ва ҳоказо. Аммо, Кришнани англаш йўлини танлаган ҳар қандай одам ҳам тўққиз турли фаолият доирасида Худога садоқат билан хизмат қила олади. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими *шраванам* - Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш. Тинглаш - ақлни бутунлай поклаш ва жиловлаб олиш имконини берадиган жуда қудратли рухий жараён. Инсон Кришна ҳақида қанча кўп тингласа, Кришна ҳақидаги илмни шунчалик кўп англаб олади, шунда у ўзидан-ўзи ақлини Кришна ҳақидаги ўйлардан чалғитадиган нарсалардан юз ўгира бошлайди. Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг барчасидан юз ўгириш натижасида Худонинг содиқ хизматкори дарров *вайрагья* илмини эгаллаб олади. *Вайрагья* қонун-қоидаларига амал

килиб у моддий фаолиятни бутунлай тарк этади, аклини фақат рухий фаолият билан машғул қилади. Имперсоналистлар интилиб юрган рухий таркидунёликка эришиш - аклини Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилишга қараганда анча мушкулроқ. Кришнани англаш йўли амалда жуда осон, чунки одам Кришна ҳақида тинглаганида унинг қалбида табиий равишда олий, азалий рухий нарсаларга боғланиш туйғуси кучайиб боради. Ана шундай боғланишни *парешанубхава*, яъни "рухий мамнуният", "рухий ҳаловат" деб атайдилар. Бундай мамнуниятни худди оч одамнинг овқатланиш жараёнида аста-секин қорни тўяётганидан мамнун бўлаётганига ўхшатиш мумкин. Ҳар бир еган лўқмаси билан унинг мамнунияти, лаззати ҳам ошиб боради ва вужуди куч-қувватга тўлаётганини ўзи яққол ҳис қилади. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилар экан, одам ўзининг қалбида рухий мамнуният, хузур-ҳаловат ҳис қила бошлайди, унинг акли ҳиссиётига лаззат келтирадиган моддий нарсалардан аста-секин узоқлаша боради. Бу жараёни тажрибали врачнинг назорати остида қатъий парҳез тутиб юрган беморнинг аста-секин соғайишига ўхшатиш мумкин. Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақидаги хикояларни тинглаш - адашган акли даволаш учун энг яхши самара берадиган дори, Кришнага таклиф этилган таом эса - моддийлик касалига учраган бемор учун парҳез таом ҳисобланади. Моддий оламда адашиб юрган одамлар онгини Кришнани англаш усули ёрдамида даволаш жараёни ана шундан иборат.

*36. асамйататмана його душпрапа ити ме матиҳ  
ваийатмана ту йатата шако "вантум упайатах"*

***Ақли жиловланмаган киши учун рухий ўзлигини англаш - жуда қийин. Аммо, ақлини жиловлаб олган ва мақсад сари тўғри йўлдан бораётган киши албатта муваффақиятга эришади. Менинг фикрим шундай.***

Изоҳ: Парвардигор бу ерда айтяптики, агар биз акли даволашнинг юқорида кўрсатилган, уни дунёвий фаолиятдан четлаштириш усулидан фойдаланмасак, ўзликни англаш йўлида муваффақиятга эриша олмаймиз. Бир вақтнинг ўзида ҳам йога билан шуғулланиб, ҳам дунёвий моддий лаззатланишда давом этиб юрган одам, худди бир вақтнинг ўзида оловга бир томондан ўтин ташлаб турган, бир томондан эса, сув куйиб уни ўчиришга уринаётган кишига ўхшайди. Ақли жиловланмаган киши учун йога билан шуғулланиш - бекорга вақт сарфлашдан бошқа нарса эмас. Йога билан бундай сохта шуғулланиш кишига фақат моддий манфаат олиб келиши мумкин, лекин рухий ўзликни англашга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Биз Худога узлуксиз илоҳий хизмат қилиш ёрдамида ақлимизни жиловлаб олишимиз лозим. Агар биз ҳаётда Кришна онги билан яшамасак, ақлимизни жиловлаб, уни ҳамиша назорат қилиб юролмаймиз. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қандай

кийинчиликларсиз йога машғулотининг олий мақсадига эришади, оддий йог эса қалбида Кришна онгини ривожлантирмай туриб, руҳий баркамолликка эриша олмайди.

37. арджуна увача

*айатиҳ шраддхайопето йогач чалита-манасаҳ*

*апрайя йога-самсиддхим кам гатим кришна гаччхати*

***Аржун деди: О Кришна, аввалига руҳий ўзлигини англаш йўлидан ишонч билан борган, лекин кейинчалик дунёвий лаззатларга алданиб, бу йўлни ташлаб кетиб руҳий баркамолликка эришолмай қолган омадсиз йогнинг тақдири нима бўлади?***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"да ўзликни англаш йўли таърифланган. Ўзликни англашнинг асоси - тирик мавжудот моддий танадан фарқ қилишини, у фақат илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган шароитдагина тўла бахтиёр бўла олишини англаб етишдан иборат. Мана шу - тана ва ақлдан устун турувчи руҳий ҳолат, ҳаёт ҳақидаги ҳақиқий, руҳий тасаввурдир. Инсон ўзининг руҳий табиатини *гйана-йога*, саккиз поғонали йога ёки *бҳакти-йога* усули ёрдамида англаб олиши мумкин. Шу уч йўлдан бирига амал қилиб юрган киши тирик мавжудотнинг азалий ҳолатини, унинг Парвардигор билан ўзаро муносабатини, шунингдек, ана шу муносабатни қандай қилиб қайта тиклаш йўлларини ва руҳий баркамолликнинг олий чўққисига эришиш - Кришна онги билан яшаш эканини билиб олиши лозим. Бу уч йўлнинг ҳар бири эртами, кечми инсонни албатта энг олий мақсадга олиб келади. Кришна бу ҳақда "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида айтиб ўтган эди: руҳий юксалиш йўлида қилинган озгина ҳаракат ҳам одамнинг охир-оқибатда руҳий озодликка чиқишига қафолат беради. Йоганинг мана шу уч тури ичида *бҳакти-йога* ҳозирги замон одамларига жуда мос келади, чунки бу усул - энг осон ва Худонинг даргоҳига эришишнинг, Худони англашнинг энг яқин йўли. Бунга яна бир бор амин бўлиш учун Аржун Кришнадан аввалги айтган гапини тасдиқлашини илтимос қиляпти. Одам руҳий ўзлигини англашга самимий интилаётган бўлиши мумкин, аммо ҳозирги замонда *гйана-йога* ёки саккиз поғонали йога билан шуғулланиш жуда мушкул. Шунинг учун, ҳатто у бунга самимий интилиб юрса ҳам, руҳий юксалиш йўлида жуда кўп кийинчиликларга дуч келади. Уларнинг энг асосийси - танланган йўлдан оғишмай бориш учун қатъият ва шижоатнинг етишмаслигидир. Аслини олганда ўзликни англаш йўлига кириш - ҳаётда алданиб яшашга, майяга қарши уруш эълон қилиш демақдир. Ҳар гал тирик мавжудот *майя* чангалидан қутулишга ҳаракат қилганида Парвардигорнинг алдамчи қуввати турли йўллар билан уни ўз чангалида ушлаб қолишга ҳаракат қилади. Шартланган руҳ моддий табиат гуналари чангалига тушиб қолган, лекин ҳозир у руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган пайтида ҳам истаган вақтда яна шу қувват

чангалига тушиб қолиши мумкин. Бу ерда ана шу ҳолат *йога чалита-манасаҳ* ("руҳий юксалиш йўлини тарк этиш") ибораси билан ифодаланган. Аржун руҳий юксалиш йўлидан адашган кишининг тақдири нима бўлишини билишни истаяпти.

*38. каччин нобхайа-вибхрашташ чхиннабхрам ива нашийати  
апратиштхо маха-бахо вимудхо Браҳманаҳ патхи*

***Эй қўллари қудратли Кришна, ахир йога йўлидан адашган одам, худди ажралиб қолган булутга ўхшаб, бирор жойдан паноҳ тополмай, эришган дунёвий ва руҳий ютуқларидан маҳрум бўлиб қолмайдими?***

Изоҳ: Юксалиш икки хил бўлади: руҳий ёки дунёвий. Дунёвий одамларни ҳеч қандай руҳий қадриятлар қизиқтирмайди - уларни бу дунёнинг моддий ютуқлари: мол-дунё тўплаш, қурбонлик маросимлари ўтказиб жаннатга эришиш кўпроқ қизиқтиради. Руҳий юксалиш йўлига кирган киши ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этиши ва ўткинчи, моддий бахтнинг ҳар хил кўринишларига интилишдан воз кечиши лозим. Агар руҳий юксалиш йўлига энди кирган киши йўлдан адашса, у гўё моддий жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам ютказгандай бўлиб кўринади, яъни руҳий баркамолликка ҳам, дунёвий бахтга ҳам эриша олмайдигандай, худди ажралган бир парча булут сингари, ҳеч қаердан паноҳ топа олмайдигандай туюлади. Баъзан осмонда катта булутдан кичкина булут парчаси ажралиб чиқади. Агар у яна катта булутга бориб қўшилмаса, шамолда парчаланиб, осмонда йўқолиб кетади.

*Браҳманаҳ патха* - руҳий ўзликни англаш йўли бўлиб, унга амал қилиш ёрдамида инсон ўзи аслида руҳий табиатга эга эканини, Ўзини Браҳман, Параматма ва Бхагаван кўринишида намоён қиладиган ягона Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини англаб олади. Шри Кришна - Олий Мутлак Ҳақиқатнинг тўлиқ намоён бўлган кўринишидир, шунинг учун Унга ўз ихтиёрини топширган киши комил йог ҳисобланади. Ана шу мақсадга Браҳманни ёки Параматмани англаш ёрдамида эришиш учун жуда кўп умрлар керак бўлади(*бахунам джанманам анте*). Шундай қилиб, руҳий ўзликни англашнинг энг яхши усули - *бҳакти-йога*, яъни Кришнани англаш йўли, Мутлак Ҳақиқатни бевосита англаш йўлидир.

*39. этан ме самшайам кришна чхеттум архаси ашешатаҳ  
твад-анйаҳ самшайасйасйа чхетта на хй унападйате*

***Эй Кришна, ана шундай гумонлар мени ташвишга соляпти, шу боис, Сендан уларни тарқатиб юборишни илтимос қиламан. Мени бундай гумонлардан фақат Сен халос эта оласан.***

Изоҳ: Кришнага ҳамма нарса аён: ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам, келажак ҳам. "Бхагавад-Гита"нинг бошида Парвардигор айтган эдики, барча тирик мавжудотлар ўтмишда ҳам алоҳида шахс бўлган, ҳозир ҳам алоҳида шахс, келажакда, ҳатто руҳий озодликка эришгандан кейин ҳам алоҳида шахс бўлиб қолаверадилар. Бу билан У алоҳида шахсининг, яъни тирик мавжудотнинг келажаги ҳақидаги саволга жавоб берган эди. Энди Аржун омадсиз йогнинг тақдири нима бўлишини билишни истаяпти. Моддий табиат ҳукми остида бўлган бирор тирик мавжудот, ҳатто буюк донишманд ва файласуфлар ҳам Кришнага тенг ёки бирор соҳада Ундан устун бўла олмайди. Шу сабабли Кришнанинг айтган гаплари ҳар кимнинг калбида пайдо бўладиган ҳар қандай гумонларни тарқатиб юборадиган аниқ ва мукамал жавоблардан иборат. Кришна ўтмишни, ҳозирни ва келажакни билади, лекин Унинг Ўзини ҳеч ким билмайди. Фақат Кришнанинг Ўзи ва Кришна онгига эга бўлган Унинг содиқ хизматкорларигина ҳамма нарсани аниқ биладилар.

*40. ири бхагаван увача*

*партха наивеха намутра винашас тасйа видйате*

*на хи калйана-крит кашчид дургатим атат гаччхати*

**Худонинг Олий Шахси деди: Эй Притхининг ўгли, эзгу ишлар қилиб юрган йог на ҳозирги ҳаётида, на кейинги ҳаётида ҳалокатга учрамайди. Эй дўстим, эзгу иш қилиб юрган инсонни ҳеч қачон ёмонлик мағлуб қила олмайди.**

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"(1.5.17)да Шри Нарада Муни Вйасадевага шундай насиҳат беради:

*тйактва сва-дхармам чаранамбуджам харер*

*бхаджанн апакво "тха патет тато йади*

*йатра ква вабхадрам абхуд амушйа ким*

*ко вартха апто "бхаджатам сва-дхарматаҳ*

"Дунёвий, моддий орзу-истаклардан юз ўгириб ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топширган киши ҳаётда ҳеч нарса йўқотмайди. Аммо Худога ишонмайдиган, ўз ихтиёрини Унга топширмаган киши, ҳатто муқаддас китобларда кўрсатилган барча вазифаларини бенуқсон бажариб юрган бўлса ҳам, ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмаган бўлади".

Ҳаётда моддий орзу-истакларга эришишда инсонга ёрдам берадиган ҳар хил дунёвий ва диний амаллар бор. Руҳий баркамолликка эришиш, Кришна онгига эга бўлиш учун йог моддий фаолиятнинг ҳар қандай туридан воз кечиши лозим. Бунга кимдир эътироз билдириши мумкин: фақат калбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши камолот чўққисига эришади, акс холда инсон на моддий, на руҳий ҳаётда ҳеч нарсага эришолмайди. Шастра-

ларда айтилган-ки, Ведаларда белгиланган муқаддас ўз бурчини бажармай юрган киши жазоланади, демак, руҳий фаолият билан машғул бўлиш ниятида ўз бурчини бажармаган, лекин кейинчалик руҳий фаолиятни ҳам тарк этган киши албатта жазоланади. Лекин, "Шримад Бҳагаватам" ана шундай омад-сиз йогни ишонтириб айтадики, бундан хавогирга тушишнинг муглақо хожати йўқ. Ҳатто, у ўзининг муқаддас бурчини бажармагани сабабли жазоланса ҳам, барибир ҳеч нарса йўқотмайди, чунки унинг Худони англаш йўлида эгаллаган илми ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, у ўзининг бу машғулоти кийинги ҳаётида, ҳатто жамиятнинг паст табақасида туғилган тақдирда ҳам, албатта давом эттиради. Аксинча, ҳаётда муқаддас бурчини бенуксон бажариб юрган одам агар Кришнани англаб етмаган бўлса, қилаётган ишларидан ўзи кутган натижага эриша олмайди.

Одамлар икки тоифага бўлинадилар: муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қиладиган тақводор кишилар ва муқаддас китобларни тан олмайдиган иблссифат, иймонсиз кишилар. Биринчи тоифа одамлар Парвардигор олдидаги ўз бурчини бенуксон бажарадилар, кийинги тоифа одамлар эса ҳайвонлар сингари, кийинги ҳаётида ўзларини нима кутаётганидан, моддий олам тутқунлигидан қандай кутулиш мумкинлигидан беҳабар холда, ўз нафсининг қули бўлиб кун кечирадилар. Ундай одамлар - маданиятлими ёки ибтидоий қолоқми, маълумотсиз ёки билимдон олимми, кучли ёки кучсизми - ким бўлишидан қатъий назар, ҳаётда фақат ҳайвонларга хос бўлган пасткаш интилишларга, инстинктларга бўйсуниб яшайдилар. Шундай фаолияти ҳеч қачон уларга бахт-саодат келтирмайди, чунки улар ҳаётда ўзларининг ҳайвонларга хос бўлган - еб-ичиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жинсий ҳаёт сингари пасткаш эҳтиёжларини қондириш билан ҳамшиша азоб-уқубатларга тўла моддий оламда тутқун бўлиб қолаверадилар. Шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, қалбида Кришна онгини ривожлантириб юрган одамлар эса, руҳий юксалиш йўлидан бориб, албатта руҳий баркамолликка эришадилар.

Бахт-саодат келтирувчи руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамларни уч тоифага ажратиш мумкин: 1) шастраларнинг кўрсатмаларига дунёвий бахт-саодатга эришиш ниятида амал қиладиганлар; 2) моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётганлар; 3) Кришна онги билан фаолият кўрсатаётган Худонинг содиқ хизматкорлари. Шастраларнинг дунёвий бахт-саодатга эришиш имконини берадиган кўрсатмаларига амал қилиб яшайдиганларни ҳам икки тоифага ажратиш мумкин: 1) ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интиладиганлар; 2) ўз меҳнатининг натижасига боғланмаганлар. Биринчи тоифа одамлар кийинги ҳаётида тирикликнинг юксакроқ шароитига ёки жаннатга кўтарилиши мумкин, аммо, барибир моддий табиат асирлигида қолаётгани сабабли, уларнинг йўлини "ҳақиқий саодат келтирадиган йўл" деб бўлмайди. Ҳақиқий саодат келтирадиган йўл - шартланган руҳни мангу озодликка олиб чиқадиган йўл бўлиши лозим. Охиروқибатда руҳий ўзликни англашга ёки ҳаёт ҳақидаги нотўғри, моддий тасаввурлардан халос бўлишга олиб келмайдиган фаолиятни "ҳақиқий бахт-саодат



келтирадиган фаолият” деб бўлмайди. Инсонга ҳақиқий бахт-саодат келтирадиган фаолият - Кришна онгига асосланган фаолиятдир, қалбида Кришна онгини ривожлантириш учун ўз хоҳиши билан риёзатга бериладиган одамни “комил йог” ёки “ҳақиқий риёзатчи” деб айтиш мумкин. Саккиз поғонали йоганинг олий мақсади - Кришна онгига эга бўлишдан иборат, Худони англаб етиш йўли бўлгани учун, йоганинг бу тури билан шуғулланаётган киши ҳам албатта саодатга эришади, у ҳам адашишдан хавотирланмаслиги мумкин.

*41. прайя пунйя-критам локан ушитва шашватих самах  
шучинам шриматам гехе йога-бхрайшо “бхиджайате*

***Рухий баркамолликка эриша олмаган йог ўлганидан кейин тақводор зотлар яшайдиган сайёраларда узоқ вақт лаззатланиб яшайди, кейин тақводор зотлар ёки обрўли ва бадавлат кишилар хонадонидида туғилади.***

Изоҳ: Омадсиз йоглар икки тоифага бўлинадилар: йога билан шуғулланишни бошлаб, орадан кўп ўтмай бу йўлни ташлаб кетган киши ҳамда йога билан шуғулланиб, рухий жихатдан сезиларли даражада юксалишга эришгандан кейин йўлдан адашган йог. Биринчи тоифага мансуб йоглар одатда тақводор зотлар яшайдиган сайёраларга жўнатилади. Шу жойда узоқ вақт лаззатланиб яшагандан кейин улар яна ерга қайтиб тушадилар ва тақводор браҳман-вайшнавлар хонадонидида ёки бадавлат савдогарлар хонадонидида туғиладилар. Бу бобнинг охириги шеърда айтилганидай, йога билан шуғулланишнинг якуний мақсади Кришнани англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилишдан иборат. Аммо, дунёвий лаззатлар жилвасига учиб ана шу мақсадга эришолмаган йогларга Худонинг марҳамати билан ўзининг дунёвий истакларини тўла амалга ошириш имкони берилади. Кейин эса, улар яна тақводор, обрўли хонадонларда дунёга келиб, қалбида Кришна онгини ривожлантиришни давом эттириш учун барча имкониятларга эга бўладилар.

*42. атха ва йогинам эва куле бхавати дхиматам  
этад дхи дурлабхатарам локе джанма йад идришам*

***Ёки (агар у рухий жиҳатдан анча юксалгандан кейин адашган бўлса) у рухий илмни чуқур эгаллаган табаррук инсонлар хонадонидида дунёга келади. Лекин, бундай нодир омадга бу дунёда камдан-кам инсон муяссар бўлади.***

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, рухий илмни чуқур эгаллаган донишманд кишилар хонадонидида дунёга келиш - камдан-кам одамга насиб қиладиган нодир омад, чунки бундай хонадонда одамлар ўз фарзандини умрининг биринчи

кунлариданок рухий фаолиятга жалб этадилар. Айниқса ачарйа ва госвами-лар хонадонида шундай урф-одатларга изчил амал қилинади. Ана шундай оилалар авлод-аждодларнинг маънавий урф-одатларни эҳтиёткорлик билан авайлаб-асраб, фарзандларига ҳам шу руҳда муносиб тарбия бериб келади-лар. Улар одатда рухий илмни чуқур эгаллаб, Худонинг содиқ хизматкорлари бўлиб етишадилар ва шу боис бошқаларга рухий устоз бўла оладилар. Ҳиндистонда шундай ачарйаларнинг жуда кўп оилалари яшайди, аммо ҳозирги пайтга келиб, рухий таълим-тарбиянинг етишмаслиги сабабли, деяр-ли уларнинг ҳаммаси таназзулга юз тутган. Аммо барибир, Худонинг марҳамати билан, авлодлар оша Худонинг буюк содиқ хизматкорларини етиштириб келаётган оилалар ҳалигача сақланиб қолган. Бахтимизга менинг рухий устозим Ом Вишнупада Шри Шримад Бҳактисиддҳанта Сарасвати Госвами Махараж ҳам, сизнинг камтарин қулингиз ҳам Худонинг марҳамати билан ана шундай табаррук хонадонларда дунёга келганлар. Бу оилаларда ҳаётимизнинг биринчи кунлариданоқ бизларни Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга ўргатганлар. Кейинроқ, Парвардигорнинг хоҳиш-иродаси билан бизлар бир-биримиз билан учрашдик.

*43. татра там буддхи-самйогам лабхате паурва-дехикам  
йатате ча тато бхуйах самсиддхау куру-нандана*

***Эй Куру авлоди, унда аввалги ҳаётларида шаклланиб келган илоҳий онги қайтадан уйғонади ва у рухий баркамолликка эришишга интилиб яна йога билан шугуллана бошлайди.***

Изоҳ: Аввалги ҳаётларида ривожланган илоҳий онги қалбида қайтадан уйғонган кишиларга шоҳ Бхаратанинг ҳаёти мисол бўла олади: ўзининг бу дунёга учинчи бор келишида у муносиб браҳман хонадонида туғилди. Қачонлардир шоҳ Бхарата бугун жаҳоннинг буюк императори бўлиб ўтган эди. Шундан бери фаришталар бу сайёрани “Бхарата-варша” деб атай бошлаган, аввал бу сайёра “Илаврита-варша” деб аталарди. Ҳали ёшлигиданок шоҳ Бхарата рухий баркамолликка эришиш ниятида таркидунё қилиб, риёзат чекиш учун ўрмонга кетади, аммо шу ҳаётида олий максадга эриша олмай қолади. Кейинроқ у ҳақиқий браҳман хонадонида туғилади, унга “Жада Бхарата” деб исм қўядилар, у ҳеч ким билан бирга яшашни истамай, ҳамиша танҳоликка интилиб юрарди. Кейинроқ шоҳ Рахугана Жада Бхаратанинг буюк йог эканини пайқаб қолади. Унинг ҳаёти мисолида кўриниб турибдики, йогнинг рухий юксалиш йўлида қилган ҳаракатлари ҳеч қачон натижасиз йўқолиб кетмайди. Худонинг марҳамати билан у албатта яна қалбида Кришна онгини ривожлантириш имконига эга бўлади.

*44. пурвабхйасена тенайва хрийате хй авашо “ни сах  
джиджнатур апи йогасйа шабда-Брахмативартате*

***Ана шундай илоҳий онг шарофати билан унинг қалбида ўзидан-ўзи йога машғулотларига интилиш туйғуси юзага келади. Руҳий илм-га интилаётган шундай йогни ведавий ақида ва маросимлар қизиктирмайди.***

Изоҳ: Юксак руҳий даражага эришган йогларни турли диний маросимлар ва ҳар хил урф-одатлар қизиктирмайди, аммо қалбида Кришна онгини тўла ривожлантиришга, яъни баркамол йог бўлишга ёрдам берадиган йога машғулоти табиий равишда уларни ўзига жалб қила бошлайди. "Шримад Бхагаватам"(3.33.37)да нимага ундай йоглар ведавий урф-одатларга эътибор бермаслиги тушунтирилган:

*ахо бата шва-пачо "то гарийан  
йадж-джихвагре вартате нама тубхйам  
тепус тапас те джухувух саснур арийа  
Брахманучур нама гринанти йе те*

"Эй Парвардигор, ҳатто ит гўшти ейдиган ҳаромилар хонадонидан чиққан бўлса ҳам, Сенинг муқаддас номларингни зикр қилиб юрган киши руҳий ўзликни англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилган зот ҳисобланади. Ўтган ҳаётида у шубҳасиз, Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказган, барча риёзатлар орқали ўтган, барча муқаддас саждаҳоҳлардаги муқаддас сувларда ювиниб покланган ва жуда кўп марта ведавий асарларни ўрганган бўлади. Шундай одамни "арийларнинг энг аъло-си" деб ҳисоблаш керак".

Ана шундай одамларга Харидас Тхакур ёрқин мисол бўла олади. Уни Парвардигор Чаитанья Ўзининг асосий шогирдларидан бири қилиб олган. Гарчи Харидас Тхакур мусулмон оиласида ўсган бўлса ҳам, Парвардигор Чаитанья уни *нама-ачарйа*(Худонинг муқаддас номларини зикр қилиши бўйича руҳий устоз-ачарйа)унвонини олишга муносиб зот деб топди, чунки Харидас Тхакур Худонинг муқаддас номларини (Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре) ҳар куни уч юз минг марта зикр қилишга қасам ичган бўлиб, ўзининг шу қасамига қатъий амал қилиб яшарди. У ҳамиша муқаддас номларни зикр қилиб юрарди, демак у аввалги ҳаётларида барча ведавий маросимларни бажариб ўтган. Бошқача қилиб айтганда, токи инсон дунёвий иллатлардан бутунлай покланмас экан у Кришнани англаш йўлига кира олмайди ва Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни бошлай олмайди.

*45. прайатад йатаманас ту йоги самшуддха-килбишаҳ  
анека-джанма-самсиддхас тато йати парам гатим*

***У йога машғулоти билан жиддий шуғуллана бошлайди ва охир-***

## ***оқибатда жуда кўп умрлардан кейин моддий иллатлардан бутунлай покланади ва руҳий баркамолликка, олий мақсадга эришади.***

Изоҳ: Аввал йўлдан адашган йог бой-бадавлат, обрўли, такводор инсонлар ёки улуғвор содиқлар хонадонида дунёга келгандан кейин, йога билан шуғулланиш учун ҳамма имкониятларга эга эканини англаб етади. Шунда у ўзининг охирига етказилмай қолган руҳий машғулоти давом эттира бошлайди ва аста-секин барча моддий иллатлардан покланади.

Бутунлай покланиб, у охир-оқибатда руҳий баркамоллик чўккисига эришади - Кришна онгига эга бўлади. Кришнани англаш - покланиш жараёнининг энг олий поғонасидир. Бу "Бхагавад-Гита"да шундай тасдиқланган (7.28):

*йешам тв анта-гатам папам джнанама пунйа-карманам  
те двандва-моха-нирмукта бхаджанте мам дридха вратах*

"Эзгу ишлар қилишга бағишланган жуда кўп умрлардан кейин инсон моддий иллатлардан бутунлай халос бўлади ва алдамчи қарама-қаршиликлар таъсиридан қутулади. Шунда у чуқур иймон билан ўз хаётини Худога илоҳий мухаббат билан хизмат қилишга бағишлайди".

*46. тапасвибхйо “дхико йоги джнанибхо “ни мато “дхиках  
кармибхйаш чадхико йоги тасмад йоги бхаварджуно*

## ***Йог риёзатчидан, файласуфдан ва ўз меҳнатининг натижаларига интилиб юрган одамдан анча устун туради. Шунинг учун, эй Аржун, сен ҳам ҳеч иккиланмасдан йог бўл!***

Изоҳ: Йога деганда биз онгимизнинг Олий Мутлақ Ҳақиқат билан боғланиш жараёнини назарда тутамиз. Одамлар бу жараёни ўзлари танлаган руҳий ўзликни англаш усулига қараб ҳар хил номлар билан атайдилар. Ана шундай жараённинг асосини кармали фаолият ташкил этганида, бу жараёни “карма-йога” деб, Худо билан боғланиш жараёни фалсафий изланишлардан иборат бўлганда “гйана-йога” деб, Худога садоқат билан холис хизмат қилишга асосланган бўлса - "бхакти-йога" деб аталади. Кейинги шеърдан маълум бўладики, *бхакти-йога*, яъни Кришнани англаш усули - барча йогалар ичида энг мукамал йога жараёни ҳисобланади. *Бхакти-йога* инсонга тўлиқ руҳий илм беради, шунинг учун бу йўл “энг юксак йўл” деб аталади. Агар инсон ўзининг руҳий табиатини англаб етмай туриб, риёзат чекиш билан машғул бўлса, унинг риёзати - мукамал эмас, худди шунингдек, Парвардигорга нисбатан чуқур иймон-ишончга, садоқатга асосланмаган фалсафий изланишлар ҳам мукамал бўлолмайди. Кришна онгида бўлмай туриб, кармали фаолият билан шуғулланиб юрган киши ҳам вақтини бекорга сарфлаб юрган

бўлади. Шунинг учун ҳам барча йога тизимлари ичида энг яхшиси *бхакти-йога* ҳисобланади. Бу ҳақда кейинги шеърда батафсил ҳикоя қилинади.

*47. йогинам апи сарвешам мад-гатенантар-атмана  
шраддхаван бхаджате йо мам са ме йуктатамо матах*

***Барча йоглар ичида эса, ҳаммиша қалбида мавжуд бўлган Мен ҳақимдаги ўйларга бутунлай зарқ бўлган ҳамда қатъий ишонч ва муҳаббат билан Менга сизиниб, хизмат қилиб юрган киши Мен билан энг қалин ришталар билан боғланган ва руҳий баркамолликнинг энг юқори погонасига эришган бўлади. Менинг фикрим шундай.***

Изоҳ: Бу ерда *бхаджате* сўзи алоҳида эътиборга эга. Бу сўз *бхадж* негизидан ясалган. *Бхадж* ибораси "хизмат қилиш" ғоясини англатади. "Сажда қилиш" сўзи *бхадж* иборасининг маъносини тўлиқ ифодалай олмайди. Сажда қилиш - ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни билдиради. Муҳаббат ва ишонч билан хизмат қилиш ғоясини ифодалайдиган *бхадж* ибораси фақат Худонинг Олий Шахсига нисбатан ишлатилади. Қандайдир фариштага ёки обрўли кишига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан бош тортган одам ғофилликда айбланиши мумкин, аммо Худога хизмат қилишдан бош тортган одам ўзини ачинарли тубан шароитда яшашга мубтало қилади. Ҳар бир тирик мавжудот - Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси бўлиб, ўзининг асл табиатига кўра Унга хизмат қилиши шарт. Ана шу вазифасини бажаришдан бош тортса у моддий оламнинг энг қуйи жойларига равона бўлади. Бу "Шримад Бҳагаватам" (11.5.3)да тасдиқланган:

*йа эшам пурушам сакшад атма-прабхавам ишварам  
на бхаджантй аваджананти стханад бхраиштах патантй адхах*

"Барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган ягона Парвардигорга хизмат қилишни истамайдиган, Унинг олдида ўзининг муқаддас бурчини бажармайдиган киши, албатта ўзининг табиий ҳолатидан маҳрум бўлади ва дўзахий ҳаёт чангалига тушиб қолади".

"Шримад Бҳагаватам"дан олинган бу шеърда ҳам *бхаджанти* ибораси ишлатилган. Бу - *бхаджанти* ибораси "Худога хизмат қилиш"ни ифодалашини яна бир бор тасдиқлайди. Аксинча, "сажда қилиш" сўзи эса фаришталарга нисбатан ҳам, оддий одамларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Бу шеърда алоҳида эътибор бериш лозим бўлган яна бир ибора бор: *аваджананти* - бу сўз "Бҳагавад-Гита"да ҳам учрайди(9.11) *аваджананти мам мудхах*: "Фақат нодон ва ярамасларгина Худонинг Олий Шахси Кришнани масҳара қилмоқчи бўладилар". Ана шундай нодонлар, гарчи ўзлари Худога хизмат қилишни истамасалар ҳам баъзан "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзишга қўл

урадилар. Натижада улар *бхаджанти* иборасининг ҳақиқий мазмуни билан сажда қилиш орасидаги фарқни тушунмайдилар.

Йога зинапоясининг энг юқори поғонаси *бҳакти-йога* ҳисобланади. Йоганинг бошқа барча турлари *бҳакти* поғонасига эришиш воситаларидир, холос. Аниқроқ қилиб айтганда, *йога* ибораси айнан бҳакти-йогани англатади, йоганинг бошқа барча тизимлари эса бҳакти-йогага эришиш поғоналаридир. Карма-йогадан бҳакти-йоганинг чўққисигача бўлган ораликда ўзликни англаш жараёнининг узундан-узоқ зинапояси ётибди. Бу зинапоя натижасига боғланмасдан амалга ошириладиган фаолиятдан бошланади. *Карма-йога* билан шуғулланаётган киши руҳий илмга эга бўлиб, дунёвий лаззатларга боғланишдан халос бўлганида *гйана-йога* поғонасига кўтарилади. *Гйана-йога* жараёнига ҳар хил жисмоний ва нафас олиш машқларини, Олий руҳга интилиш ниятида муроқаба жараёни кўшилганида, *йога* билан шуғулланаётган киши *аштанга-йога* поғонасига кўтарилади. Аштанга-йогадан юқори кўтарилиб, инсон Худо Шахси Кришнага садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади, ана шу - *бҳакти-йога*, *йога* зинапоясининг энг юқори чўққиси бўлади. Аслида бҳакти-йоганинг ўзи энг олий мақсаддир, аммо ана шу илмга эга бўлиш учун қолган бошқа барча *йога* усулларининг моҳиятини яхши тушуниб олиш керак. Энг олий мақсадга интилаётган *йог*, мангу бахтга олиб борадиган тўғри йўлдан бораётган бўлади. Йоганинг маълум поғонасига етгандан кейин, унда тўхтаб қолган одамни мос равишда “*карма-йог*”, “*гйана-йог*”, “*дхйана-йог*”, “*раджа-йог*”, “*хатха-йог*” сингари ҳар хил атамалар билан атайдилар. Бирданига *бҳакти-йога* йўлига кириш бахтига муяссар бўлган кишини “йоганинг бошқа барча поғоналаридан юқори кўтарилган киши” деб ҳисоблаш керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда Кришна онги билан яшаш - йоганинг энг олий поғонаси ҳисобланади. Худди шундай, Ҳимолай - жаҳондаги энг баланд тоғ ва унинг энг баланд чўққиси - Эверест.

Ҳаётда энг омадли, энг буюк бахтга сазовор бўлган одамларгина *бҳакти-йога* йўлига кира оладилар ва Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилиб Кришна онгига эга бўладилар. Комил йоглар ақлини Кришнада, танаси қора булут рангида, нилуфарсимон сиймоси куёшдай порлаб турган Шйама-сундарада мужассам қиладилар. Парвардигорнинг либослари қимматбаҳо тошларга кўмилган, кўксини эса чиройли гулчамбар безаб турибди. Унинг танасидан таралаётган, *Брахмаджйоти* деб аталадиган, кўзни қамаштирувчи ёғду бутун оламни ёритиб турибди. У бу оламга Рама, Нрисимха, Вараха ва Худонинг Олий Шахсининг ўзи бўлган Кришна сингари ҳар хил қиёфаларда ташриф буюради. Ер юзида инсон қиёфасида намоён бўлиб, У Яшода онанинг ўғли бўлади, Уни “Кришна”, “Говинда” ва “Васудева” деб атайдилар. У - намунали фарзанд, намунали эр, садоқатли дўст ва ғамхўр ҳукмдор, У барча мукамал ва илоҳий фазилатлар соҳиби. Худо Шахсининг ана шу хусусиятларини тўла англаб етган кишини “йогларнинг аълоси” деб айтадилар.

Руҳий баркамолликнинг ана шундай олий поғонасига фақат *бҳакти-йога* йўлидан бориш ёрдамида эришиш мумкин. Ведавий битиклар ҳам шуни

тасдиқлайди.

*ийасйа деве пара бҳактир йатха деве татха гурау  
тасйаите катхита хй артхаҳ пракашанте махатманаҳ*

"Фақат Худо Шахсига ва руҳий устозига чуқур иймон билан ишонадиган буюк руҳларгагина ведавий илмларнинг мазмуни тўлиқ аён бўлади" (Швешаватара-упанишад, 6.23).

*Бҳактир асйа бхаджанам тад ихамутропада-наирасйенамушмин ма-  
нах-калпанам, этад эва наишкармйам - "Бҳакти - ҳозирги ва кейинги ҳаёти  
учун бирор манфаат кўзламасдан Худога садоқат билан холис хизмат  
қилишдир. Дунёвий нарсаларга интилишдан бутунлай халос бўлиб, инсон  
ақлини Парвардигорда мужассам қилиши лозим. Наишкармйа иборасининг  
мазмуни шундан иборат"*(Гопала-тапани-упанишад, 1.15).

Йогада баркамолликка эришишнинг энг олий поғонаси бўлган Кришна онгига эга бўлиш имконини берадиган бҳакти-йоганинг баъзи қонун-қоидалари ана шулардан иборат.

*"Бҳагавад-Гита"нинг "Дхйана - йога" деб аталадиган олтинчи бобида  
Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Еттинчи боб.**

### **Мутлақ Ҳақиқатни англаш**

1. *ири бхагаван увача*

*майй асакта-манаҳ партха йогам йунджан мад-ащрайаҳ  
асамшайам самаграм мам йатха дженасйасй тач чхрину*

**Худонинг Олий Шахси деди: Эй Партха, энди Мендан қандай қилиб ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшириб, ақлу-хаёлингни Менда жамлаб, барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлиб, йога йўлидан бориб Мени тўла англаб олишинг мумкинлиги ҳақида эшит.**

Изох: "Бхагавад-Гита"нинг мазкур бобида Кришна онгининг табиати батафсил таърифлаб берилади. Кришна барча комил фазилатлар соҳиби, бу бобда У Ўзининг ана шу фазилатларини бу дунёда қандай намоён қилиши ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, Кришнага мурожаат қиладиган тўрт тоифа омадли одамлар ҳамда ҳеч қачон Кришнага эриша олмайдиган тўрт тоифа иймонсиз, омадсиз одамлар ҳақида гап боради.

"Бхагавад-Гита"нинг биринчи олти бобида аслида тирик мавжудот - модда эмас мангу руҳ экани, ҳар хил йога усуллари ёрдамида у ўзининг руҳий табиатини англай олиши мумкинлиги ҳақида айтилган эди. Олтинчи бобнинг охирида аниқ айтилган эдики, ақли ҳамиша Кришнада мужассам бўлган, бошқача қилиб айтганда, Кришна онгига эга бўлган киши йога зина-поясининг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлади. Фақат ақлимизни Кришнада мужассам қилиш ёрдамида биз Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англай оламиз, бунинг бошқа йўли йўқ. Шахсиятсиз *Брахмадэёти* ёки ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматмани англаб етган киши ҳали Мутлақ Ҳақиқат ҳақида тўлиқ илмга эга бўлолмайди: унинг Парвардигор ҳақидаги илми ҳали мукамал эмас. Мутлақ Ҳақиқатни тўла англаб етиш - Худо Шахсини, Кришнани англаб етишдир, чунки фақат Кришнани англаб етган кишига руҳий илмнинг барча сирлари очилади. Кришнани англашда баркамолликка эришиб, инсон барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлади ва билиш лозим бўлган нарсаларнинг ичида энг муҳими - Кришна эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилади. Йоганинг ҳар хил турлари - Кришнани англаш зинапоясининг ҳар хил поғоналари, холос. Кришнани англаш йўлидан бораётган киши табиий равишда *Брахмадэёти* ва Параматма ҳақида ҳам мукамал илмга эга бўлади. Кришнани англаш йогаси билан машғул бўлиб, одам - Мутлақ Ҳақиқатни, тирик мавжудотларни ва ҳар хил кўринишда намоён бўладиган моддий табиатни - умуман ҳамма нарсани мукамал билиб олади.

Йога билан "Бхагавад-Гита"нинг олтинчи бобида тавсия қилинган усулда шуғулланиш лозим. Фақат Кришнага садоқат билан хизмат қилиш ёрдамидагина инсон ўзининг бугун ақлу-хаёлини Кришнада мужассам қила олади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури бор. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими - *шраванам*, яъни тинглаш. Шунинг учун Парвардигор бу ерда Аржунга *тач чхрину* - "Мени...тингла!" - деб айтяпти. Кришнадан ҳам буюкроқ насиҳатчи руҳий устоз йўқ, шу боис Унинг гапларини тинглаган киши Кришна онгига тўла эга бўлишдек нодир имкониятга эга бўлади. Руҳий илмни олий маълумоти билан гердайиб юрган дунёвий олимлардан эмас, Кришнанинг Ўзидан ёки Унинг соф содиқ хизматкоридан ўрганиш керак.

Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахси Кришнани англаш жараёни "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиқ иккинчи бобида таърифланган:

*шринватам сва-катхаҳ кришнаҳ пунйа-шравана-киртан  
хридий антаҳ-стхо хй абхадрани видхуноти сукхрит стам  
нашта-прайешв абхадрешу нитйам бхагавата-севайа*



*бхагаватй уттама-илоке бҳактир бхавати ништхики  
тада раджас тамо-бхавах кама-лобхадайаш ча йе  
чета этаир анавиддхам стхитам саттве прасидати  
эвам прасанна-манасо бхагавад-бҳакти-йогагах  
бхагава-таттва-виджнанам мукта-сангасйа джайате  
бхидйате хридайа-грантхиш чхидйанте сарва-самшайах  
кишиянте часйа кармани дриштаэватманишваре*

"Ведавий битикларда келтирилган Кришна ҳақидаги ҳикояларни ёки "Бҳагавад-Гита"да Кришнанинг Ўзи айтган гапларни тинглаш такводорлик ҳисобланади. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юрган содиқ хизматкорининг қалбида туриб, Кришна энг яқин содиқ дўсти сифатида унинг қалбини моддий иллатлардан поқлайди. Шунда содикнинг қалбида табиий равишда, ўзидан-ўзи руҳий илм намоён бўлади. Содиклардан Кришна ҳақидаги гапларни тинглаш ва "Шри-мад Бҳагаватам"ни мунтазам ўқиб юриш шарофати билан инсон аста-секин Худога хизмат қилиш йўлида мустаҳкам туриб олади. Худога хизмат қилишда юксала бориб, у эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан қутулади ва шу тарзда эҳтирос, очқўзлик, кизганиш иллатларидан бутунлай халос бўлади. Ана шу иллатлардан поқланиб, у соф эзгулик даражасига кўтарилади ва Худога садоқат билан хизмат қилишдан чексиз лаззат олиб, Худо ҳақидаги илмни ҳар тарафлама англаб етади. Шу тарзда *бҳакти-йога* инсон қалбидаги моддий боғланишларнинг чигал тугунини чошиб ташлайди, шунда инсон ўзининг қалбидаги барча шубҳаю-гумонлардан бирадўла халос бўлади (*асамшайам самаграм*) ва Олий Мутлақ Ҳақиқатга, Худо Шахсига эришади. (Ш.б.1.2.17-21).

Шундай қилиб, фақат Кришнанинг ёки Унинг содиқ хизматкорининг гапларини тинглаш орқали Кришна ҳақида мукаммал илмга эга бўлиш мумкин.

2. *джнанам те "хам са-виджнанам идам вакишаймй ашешатах  
йадж джнатва неха бхуйо "нйадж джнатавйам авашиййате*

***Ҳозир Мен сенга моддий ҳамда руҳий олам ҳақидаги илмни тўла ошкор этаман. Бу илмни эгаллаб олсанг, бу дунёда сен билмаган бирор илм қолмайди.***

Изоҳ: Мукаммал илм - моддий табиат, ундан устун турадиган руҳий табиат ҳамда шу икки табиатнинг манбаи ҳақидаги илмдир. Бу илм - трансцендент, "илоҳий илм" деб аталади. Парвардигор шу илмни Аржунга ошкор этмоқчи бўляпти, чунки Аржун - Унинг содиқ хизматкори ва энг яқин дўсти. Парвардигор бу ҳақда тўртинчи бобнинг бошида айтган эди, бу ерда У яна бир бор тасдиқляптики, фақат Худо Шахсининг Ўзидан бошланадиган руҳий устоз-

лар силсиласига мансуб бўлган содиқ хизматкоргина мукамал илмга эга бўла олади. Шу боис, биз ўз тафаккуримиздан фойдаланиб бутун илмлар манбаи бўлган ягона Парвардигор Кришнани англашга ҳаракат қилишимиз лозим; Кришна барча сабабларнинг сабабчиси; барча йога тизимларида Унинг шахсий қиёфасига муроқаба қиладилар. Барча сабабларнинг бошланғич сабабчисини билган инсон мукамал илмга эга бўлади, ҳаётда у билмаган бирор нарса қолмайди. Ведаларда (Мундака упанишад, 1.1.3) ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади: *касмин ну бхагаво виджнате сарвам идам виджнатам бхаватити.*

3. *манушийанам сахасрешу кашчид йатати сиддхайе  
йататам апи сиддханам кашчин мам ветти таттватах*

***Минглаган одамлар орасида биргина киши руҳий баркамолликка интилиши мумкин, руҳий баркамолликка эришган кишилар орасида эса, биргина инсон ҳақиқатан ҳам Мени англаб етиши мумкин.***

Изоҳ: Ҳар хил ҳаёт шароитида яшаётган кўп минглаб одамлар орасида биргина одам ҳақиқий ўзлигини англаш билан жиддий қизиқиши ва руҳ билан тананинг табиати қандайлигини, Мутлақ Ҳақиқат нима эканини билишга интилиши мумкин. Аксарият одамлар ҳаётда фақат ўзларининг хайвонларга хос бўлган эҳтиёжлари: еб-ичиш, ухлаш, ҳаётини муҳофаза қилиш ва жинсий ҳаёт ҳақидаги ташвишлари билан чекланиб, шу билан қаноатланиб яшайдилар. Трансцендент, руҳий илм бу дунёда деярли ҳеч кимни қизиқтирмайди. "Бхагавад-Гита"нинг биринчи олти боби илоҳий илмни ўрганишга интилаётганлар учун, яъни *гйана-йога*, *дхйана-йога* ёрдамида руҳнинг ва Олий руҳнинг табиатини англаб олишга, ҳақиқий ўзлиги, "мен"ини моддий танадан ажратишга интилаётганлар учун мўлжалланган, аммо улардан бирортаси ҳам Кришнани, Худонинг Олий Шахсини англай олмайдилар. Фақат Кришна онгига эга бўлган одамларгина Парвардигор Кришнани англай оладилар. Мутлақ Ҳақиқатни излаётган бошқа одамлар фақат шахсиятсиз Браҳманни англаб етишлари мумкин, чунки бу Кришнани англашдан анча осонроқ. Аммо Кришна - Худонинг Олий Шахси, Уни англаб олиш учун шахсиятсиз Браҳман ва Параматма ҳақида илмга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Йог ва гйаниларнинг Кришнани англашга интилишлари одатда ҳеч қандай натижа бермайди. Имперсоналистларнинг энг буюк устози Шрипада Шанкарачарйа ўзининг "Бхагавад-Гита"га ёзган изоҳида Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олганига қарамай унинг издошлари Кришнани шундай қабул қилишдан бош тортадилар. Бу шундан далолат берадики, ҳатто руҳий даражага, шахсиятсиз Браҳманни англаш даражасига эришган киши ҳам Кришнанинг ҳақиқий табиатини англаб етиши жуда мушкул.

Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабаблар сабабчиси, азалий Парвардигор Говинда. *шивараҳ парамаҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳаҳ*

*анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам.* Худога ишонмайдиган имонсиз кишиларнинг буни англаб етиши жуда қийин. Гарчи улар *бҳакти* йўли, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли жуда осон, деб гапирсалар ҳам, ўзлари шунга амал қилишга қодир эмаслар. Агар материалистлар айтганидай Худони англаб етишда *бҳакти* йўли жуда осон бўлса, нимага улар осон йўл туриб, бошқа қийин йўлни танлайдилар? Аслини олганда *бҳакти-його* йўлидан бориш осон эмас. Ҳақиқий илмга эга бўлмай, ўзларини “Худонинг содиқ хизматкори” деб юрган ғофил одамларнинг бораётган йўли сиртдан қараганда одамларга осондай туюлиши мумкин, аммо ҳақиқий илмга эга бўлган гйана-йоглар, шастраларда кўрсатилган қонун-қоидаларга тўла риоя қилиб бу йўлдан боришга уринсалар дарров адашиб кетадилар. "Бҳакти-расамрита-синдху"да (1.2.101) Шрила Рупа Госвами шундай деб ёзади:

*ирути-смрити-пуранади-панчаратра-видхим вина  
аикантики харер бҳактир утпатайаива калпате*

"Упанишадаларда, Пураналарда, "Нарада-панчаратра" ва бошқа ишонарли ведавий битикларда берилган кўрсатмаларга риоя қилмасдан Худога хизмат қилишга ҳаракат қилаётган илмсиз киши жамиятдаги бошқа одамларга ташвиш келтиради, холос".

Шахсиятсиз Браҳманни англаб етган имперсоналист ёки Параматмани англаб етган йог Яшоданинг ўғли, Аржуннинг жиловдори бўлган Парвардигор Шри Кришнани англаб етишга қодир эмас. Кришнанинг қилаётган ҳатти-ҳаракатларини кўриб, ҳатто буюк фаришталар ҳам ҳайратга тушадилар (*мухйанти йат сурайаҳ*). *Мам ту веда на кашчана*: "Менинг қандай эканимни ҳеч ким билмайди" - дейди Кришна. Кришнани англаб етган буюк руҳ ҳаётда жуда кам учрайди (*са махатма су-дурлабхаҳ*). Агар одам ҳатто буюк олим ва файласуф бўлса ҳам, то у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмагунча Кришнанинг ҳақиқий табиати қандай эканини англаб ета олмайди (*таттватаҳ*). Фақат Худонинг соф содиқ хизматкорларигина барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган Кришнанинг англаб бўлмас илоҳий фазилатларини, сифатларини - Унинг чексиз қудратини ва ажойиблигини, Унинг бойлигини, шон-шуҳратини, кучини, гўзаллигини, илми ва дахлсизлигини маълум даражада англаб етишлари мумкин, чунки Кришна Ўзининг содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатиб, уларга Ўзини намоён этади. Кришнани англаш - Худони, Браҳманни англашнинг энг юқори поғонасидир, Уни фақат содиқларгина ҳақиқатан ҳам англай оладилар.

*атаҳ шри кришна-намади на бхавед грахйам индрийаиҳ  
севонмукхе хи джихвадау свайам эва спхуратй адаҳ*

"Кришнани кўпол моддий сезги аъзолари ёрдамида англаб бўлмайди. Аммо содиқларнинг меҳр-муҳаббат билан кўрсатаётган илоҳий хизматларидан мамнун бўлган Кришна уларга Ўзини намоён этади".(Бҳакти расамрита

синдху. 1.2.234)

4. бхумир апо “нало вайуҳ кхам мано буддхир эва ча  
аханкара итийам ме бхинна пракртир аштадха

**Ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик - мана шу саккиз унсур Менинг ажралган моддий қувватимнинг таркибий қисмларидир.**

Изоҳ: Худо ҳақидаги илм - Худо Шахсининг ва Унинг ҳар хил қувватларининг табиати ҳақидаги маълумотлардан иборат. Моддий табиат *пракрити*, яъни Парвардигорнинг “қуввати” деб аталади. Парвардигор Ўзининг бу табиатини пуруша-аватаралари орқали намоён этади. "Сатвата-тантра"да шундай дейилган:

*вишнос ту трини рупани пурушаххйанй атхо видух  
экам ту махатах сраитри двитийам тв анда-самстхитам  
тритийам сарва-бхута-стхам тани джнатва вимучйате*

"Моддий оламни яратиш учун Кришнанинг тўлик экспансияси бўлган Вишну уч қиёфага киради. Улардан биринчиси - Маха-Вишну, у “*махат-таттва*” деб аталадиган моддий унсурлар мажмуасини яратади. Иккинчи қиёфаси - Гарбходакашайи-Вишну ҳар бир коинотга кириб, унда турли-туман ҳаёт шаклларини яратади. Учинчи, Кширодакашайи-Вишну ҳар ерда мавжуд Олий Рух, Параматма кўринишида барча коинотларга сингиб киради. У ҳамма ерда, ҳатто ҳар бир атомнинг ичида ҳам мавжуд. Ана шу уч Вишнунинг табиатини англаб етган киши моддий олам тутқунлигидан халос бўла олади."

Моддий олам - Парвардигорнинг қувватларидан бирининг вақтинчалик намоён бўлган кўринишидир. Бу дунёдаги барча жараёнларни, Парвардигор Кришнанинг экспансиялари бўлган уч Вишну бошқариб туради. Улар “пуруша-аватаралар” деб аталади. Ягона Парвардигор Кришна ҳақидаги илмдан махрум бўлган кишилар - "моддий олам - тирик мавжудотлар ўз хиссиётининг лаззатланишга бўлган талабларини кондириши учун яратилган, тирик мавжудотларнинг ўзлари *пуруша*, яъни моддий оламнинг манбаи ва унинг тўла хўжайинидир" деб ҳисоблайдилар. "Бҳавад-Гита" таълимоти бундай дахрийона(худобеҳабар) дунёкарашни нотўғри деб ҳисоблайди. Мазкур шеърда бутун моддий оламнинг пайдо бўлишининг биринчи, бошланғич сабабчиси - Худо Шахси, Кришнадеб кўрсатилган. Бу ҳақиқат "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланган. Моддий коинотнинг ҳар хил унсурлари Парвардигорнинг айрим қувватларининг таркибий қисмларидир. Ҳатто, имперсоналистлар интилаётган олий мақсад *Брахмаджйоти* ҳам - руҳий осмонда намоён бўлиб турган руҳий қувватдан бошқа нарса эмас.

Брахмаджйотида, Вайкунтха сайёраларидаги сингари рухий ранг-баранглик мавжуд эмас, шунга қарамай имперсоналистлар Брахмаджйотини инсон ҳаётининг олий мақсади, “мангу даргоҳ” деб ҳисоблайдилар. Ҳар ерда мавжуд бўлган Параматма Кширодакашайи-Вишнунинг вақтинчалик намоён бўлишидир. Параматма мангу эмас, чунки Парвардигорнинг моддий дунёда намоён бўлган бу қиёфаси рухий оламда мавжуд эмас. Шундай қилиб Мутлак Ҳақиқатнинг намоён бўлган энг олий кўриниши - Худонинг Олий Шахси, Кришна. У - барча қувватларнинг бошланғич манбаи ва барча қувватлар - ажралган қувватлар ҳам, ички қувват ҳам Унинг ҳукми остида.

Аввал айтганимиздек, моддий қувват саккиз унсурдан таркиб топган. Улардан биринчи беш унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - “қўпол унсурлар” деб аталади. Уларнинг ичида сезиладиган беш нарса мужжасам бўлган: моддий товуш, тери орқали сезиладиган унсур, шакл, таъм ва ҳид. Моддий илм-фан фақат мана шу ўн(10) унсурни ўрганиш билан чекланади ва уч(3) асосий унсур: ақл, тафаккур ва сохта ўзликни четлаб ўтади. Ҳар хил рухий(психик) жараёнларни ўрганадиган олимлар ҳам мукамал илмга эга эмас, чунки улар бутун борлиқнинг манбаи бўлган Зот, Худо Шахси Кришна ҳақидаги илмдан маҳрум. "Мен" ва "меники" деган тушунчаларда намоён бўладиган “сохта ўзлик” моддий ҳаётнинг асосини ташкил этади, шунингдек, моддий фаолиятда иштирок этадиган тананинг ўн(10) аъзосини ҳам ўз ичига олади. *Буддхих*(тафаккур) ибораси ҳам моддий борлиқнинг *махат-тамтва* деб аталадиган унсурлар мажмуаси(1)ни билдиради. Шундай қилиб Худо Шахсининг айрим қувватини ташкил этувчи саккиз унсурдан йигирма тўрт(10+10+3+1) унсур пайдо бўлади. Бутун моддий олам ана шу унсурлардан таркиб топган ва даҳрийлик *санкхйа* фалсафаси шу унсурларни ўрганади; бу унсурларнинг барчаси - Кришнанинг азалдан бу дунёда намоён бўлган қувватининг таркибий қисмларидир. Аммо даҳрийлик *санкхйа* фалсафаси тарафдорлари "Кришна - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси" эканини билмайдилар. *Санкхйа* фалсафаси фақат "Бхагавад-Гита"да кўрсатилган, Кришнанинг ташки қувватининг ҳар хил намоён бўлган кўринишларини ўрганиш билан чекланади.

*5. अपरैयाम त्वास त्व अणैयाम प्राकृतित्म विदद्धि मे पराम  
द्विजा-भ्रुताम माहा-बाहो ियैदेवम धर्षयते द्वागत*

***Эй билаги кучли Аржун, бу қуйи қувватдан ташқари Менинг, қуйи моддий қувватим яратган нарсалардан фойдаланадиган тирик мавжудотлардан таркиб топган олий қувватим ҳам бор.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий табиатига, яъни олий қувватига мансуб бўлган зотлардир. Қуйи қувват - ўзини ҳар хил кўринишларда намоён этадиган моддий қувват: ер, сув, олов,

хаво, эфир, акл, тафаккур ва сохта ўзликдан иборат. Моддий унсурларнинг икки тоифаси, яъни қўпол(ер, сув, хаво, олов ва эфир) ва нафис(акл, тафаккур ва сохта ўзлик) унсурлар ҳам Парвардигорнинг қуйи қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Қуйи қувват яратган турли-туман моддий нарсалардан ўз манфаати учун фойдаланадиган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб, айнан шу олий қувват туфайли бутун моддий олам мавжуд бўлиб, ҳаракатга келиб туради. Токи олий қувват, яъни тирик мавжудотлар ҳаракатга келтирмас экан, моддий Коинот ўз ҳолича ҳаракат қилишга қодир эмас. Қувват ҳамиша ўзининг манбаига бўйсунди, шу боис тирик мавжудотлар ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида бўлади; ўз фаолиятида улар бутунлай мустақил эмас. Баъзи бир узоқни кўра олмайдиган калтафаҳм одамлар ўйлагандай, алоҳида тирик мавжудот бўлган инсон ҳеч қачон худди Парвардигордай ҳар нарсага қодир, қудратли бўла олмайди. Тирик мавжудот ва Парвардигор орасидаги фарқ "Шримад Бҳагаватам"да шундай тушунтирилади: (10.87.30)

*апаримита дхрувас тану-бхрито йади сарва-гатас  
тархи на шасйатети нийамо дхрува нетаратха  
аджани ча йан-майам тад авимучйа нийантри бхавет  
самам ануджанатам йад аматам мата-душитатайя*

"Эй мангу Парвардигор, агар танада мужассам бўлган тирик мавжудотлар Сенга ўхшаб ўзгармас, айна пайтда ҳамма жойда мавжуд бўлсалар, улар Сенинг ҳукминг остида бўлмас эдилар. Аммо, агар тирик мавжудотлар Сенинг қувватинингнинг бир заррачалари эканини тан оладиган бўлсак, улар ҳамиша Сенинг ҳукминг остида экани дарров равшан бўлади. Шу боис, ҳақиқий озодликка эришиш учун тирик мавжудотлар ҳамиша Сенинг ҳукминг остида эканини тан олишлари керак - шунда улар ҳақиқий бахтга эришадилар. Шундагина улар ўзларининг азалий, табиий ҳолатига қайтиб, чексиз қудратга эга бўладилар. "Тирик мавжудот ҳар жиҳатдан Парвардигор билан бир хил" деб даъво қиладиган монизм таълимотининг узоқни кўра олмайдиган калтафаҳм издошлари, аслида ҳаёт ҳақида нотўғри нуқтаи-назарга эга".

Кришна- ягона Ҳукмдордир, бошқа барча тирик мавжудотлар Унга бўйсундилар. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб, чунки сифат жиҳатдан улар Парвардигордан фарқ қилмайдилар, аммо улар ҳеч қачон миқдор жиҳатидан, яъни ўз қудрати жиҳатдан Парвардигор билан тенглаша олмайдилар. Қуйи қувватнинг қўпол ва нафис унсурларидан ўз хиссиётининг эҳтиёжини қондириш учун фойдаланиб, олий қувватнинг заррачалари(тирик мавжудотлар) ўзларининг ҳақиқий, аслида руҳий табиатли бўлган акл ва тафакқуридан маҳрум бўладилар. Бу ҳол моддий қувват таъсири остида юзага келади. Лекин, тирик мавжудот алдамчи моддий қувватнинг таъсиридан халос бўлганида *мукти*, яъни руҳий озодликка эришади. Моддий оламда алданиш таъсири остида тирик мавжудот сохта ўзлигининг ҳукмига

бўйсуниб яшайди. Сохта ўзлик тирик мавжудотни моддий танасини "мен", "ўзим" деб, ҳар хил дунёвий нарсаларни эса "меники" деб ўйлашга мажбур қилади. Ўзининг руҳий табиатини англаб олиш учун тирик мавжудот аввало ҳаёт ҳақидаги ана шундай нотўғри моддий тасаввурлардан, шунингдек "ҳар жихатдан Худога тенг бўла оламан" деган аҳмоқона фикрлардан пок бўлиши керак. Шундай қилиб, "Бҳагавад-Гита" тасдиқлаб айтадики, тирик мавжудот - Кришнанинг қувватининг намоён бўлган сон-саноксиз кўринишларидан бири ва у моддий иллатлардан бутунлай покланганида Кришна онгига эга бўлади, яъни ҳақиқий озодликка чиқади.

*6. этад-йонини бхутани сарванитй унадхарайа  
ахам критснасийа джагатах прабхавах пралайас татха*

***Оламда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ана шу икки табиатдан барпо бўлган. Билиб қўйки, аслида модда билан руҳнинг бирикмасидан иборат бўлган бу оламдаги ҳамма нарсанинг аввали ҳам, охири ҳам Мен бўламан.***

Изоҳ: Бутун борлиқдаги ҳамма нарса модда ва руҳнинг бирикмасидан пайдо бўлган. Руҳ - оламнинг асоси, модда эса - руҳ яратган мавжудот. "Руҳ моддий унсурнинг ривожланиш жараёнида маълум бир босқичда пайдо бўлади" деб ўйламаслик керак. Аксинча бутун моддий олам фақат руҳий қувватдан юзага келган. Аслида ичида мангу тирик руҳ мавжуд бўлгани учун моддий танамиз туғилади, ўсиб улғаяди, яшайди. Ёш бола улғайиб, ўспирин бўлади, кейин йигит бўлади, чунки тананинг ичида олий қувват, руҳ бор. Худди шундай, бутун коинот ҳам ичида Олий Руҳ, Вишну мавжуд бўлгани туфайлигина пайдо бўлиб, ҳаракатга келиб турибди. Бирга қўшилиб катта коинотни юзага келтирадиган руҳ билан модда, аслида биринчи навбатда Парвардигорнинг икки хил қувватидир; шунинг учун Парвардигор бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси ҳисобланади. Парвардигорнинг айрим заррачаси бўлган алоҳида руҳ осмонўпар иморат, катта завод ёки бутун бир шаҳарни барпо қилиши мумкин, аммо у бутун коинотни яратишга қодир эмас. Баҳайбат коинотнинг пайдо бўлишига сабаб - баҳайбат Руҳ, яъни Олий Руҳдир. Кришна, Худонинг Олий Шахси эса Олий Руҳнинг ҳам, алоҳида руҳнинг ҳам ягона манбаи. Шу боис, Уни "барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси" деб айтадилар. Бу "Катха-упанишад"(2.2.13)да тасдиқланган: *нитйо нитйанам четанаш четананам.*

*7. маттах паратарам нанйат кинчид асти дхананджайа  
майи сарвам идам пратам сутре мани-гана ива*

***Эй бойлик эгалловчи зот, Мендан буюк Ҳақиқат йўқ. Худди инга тизилган маржонлар сингари бутун олам Менда мужассам.***

Изоҳ: Қадим замонлардан бери олимлар "Мутлақ Ҳақиқат шахси, ё шахс эмасми?" деган мавзуда тинмай баҳслашиб келадилар. "Бҳагавад-Гита"да бир неча бор айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат - Шахс, Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна. Мазкур шеърда ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс экани таъкидланяпти. Худо Шахси, яъни Парвардигор - Олий Мутлақ Ҳақиқат эканининг исботини "Брахма-самхита"да ҳам кўришимиз мумкин: *ишвараҳ парамәҳ кришнаҳ сач-чид-ананда-виграҳәҳ* - "Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси - азалий Парвардигор Кришна. У - туганмас лаззат манбаи, Говинда, Унинг илоҳий танаси илм ва лаззатга тўла, мангу". Мана шу ишонарли муқаддас китоблар бизда Мутлақ Ҳақиқат - барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Парвардигор, Олий Шахс эканига заррача шубҳа қолдирмайди. Аммо имперсоналистлар Ведаларнинг ҳар хил шеърларини рўқач қилиб, буни инкор этмоқчи бўладилар. Масалан, улар "Шветашватара-упанишад"да келтирилган мана бу шеърни келтирадилар:

*тато йад уттаратарам тад арунам аннамайам  
йа этад видур амритас те бхаванти атхетаре духкхам эвапийанти*

"Моддий оламдаги фаришталар, одамлар ва ҳайвонлар ичида коинотдаги биринчи тирик мавжудот Тангри Браҳма - энг буюк зот ҳисобланади. Лекин, моддий кифёфага эга бўлмаган ва моддий қувват билан булганмаган илоҳий Зот Браҳмадан ҳам устун туради. Уни англаб етган киши илоҳий даражага кўтарилади, Уни англаб етмаганлар эса моддий оламда мусибат чекиб юраверадилар".

Имперсоналистлар бу ерда ишлатилган *арунам* иборасига катта эътибор берадилар. Лекин, бу ибора "шахсиятсиз мавжудлик" дегани эмас. У илм ва лаззатга тўла мангу руҳий танани билдиради, буни "Брахма-самхита"дан келтирилган шеър ҳам тасдиқлайди. Буни "Шветашватара-упанишад"дан олинган бошқа шеърлар ҳам тасдиқлайди(3.8-9):

*ведахам этам пурушам махантам  
адитйа-варнам тамасаҳ парастат  
там эва видитвати мритйум эти  
нанйәҳ пантха видйате "йанайа*

*йасмат парам напарам асти кинчид  
йасман нанйшо но джйайо "сти кинчит  
врикша ива стабдхо диви тиштхатй экас  
тенедам пурнам пурушена сарвам*

"Аминманки, ғофиллик таъсирида пайдо бўладиган барча моддий тасаввурлардан устун турадиган Олий Шахс, Парвардигор албатта мавжуд. Фақат Уни англаб етган кишигина туғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутула олади.



Озодликка эришишнинг бошқа йўли йўқ. Олий Шахсдан устунроқ бўлган Ҳақиқат мавжуд эмас, чунки Парвардигор ҳамма нарсадан буюк. У энг кичик заррадан кичик, айни пайтда энг катта нарсадан ҳам каттароқдир. У руҳий осмонни ёритиб, худди дарахтга ўхшаб кўзғалмай туради, ҳар тарафга илдиз отадиган дарахт сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг қувватлари билан чексиз борлиққа сингиб, уни қамраб олган".

Бу шеърлардан кўриниб турибдики, Олий Мутлақ Ҳақиқат - Худонинг Олий Шахсидир, У Ўзининг ҳар хил, руҳий ва моддий қувватлари билан бутун борлиқ ичига сингиб, уни қамраб олган.

*8. расо "ҳам апсу каунтейа прабхасми шаши-сурйайох  
пранавах сарва-ведешу шабдаҳ кхе паурушам нришу*

***Эй Кунтининг ўгли, сувнинг таъми, Қуёш ва Ойнинг нури - Менман, ведавий мантралардаги муқаддас "ОМ" бўғини - Менман. Мен - эфирдаги товушман, инсондаги иқтидор ҳам - Менман.***

Изоҳ: Биз бу шеърдан қандай қилиб Парвардигор Ўзининг қувватлари билан бутун борлиққа сингиб кетганини билиб оламиз. Руҳий юксалиш йўлининг бошида инсон Худо Шахсини Унинг ҳар хил қувватлари кўринишида, яъни шахсиятсиз зот кўринишида англаб олади. Масалан, шахс сифатига эга бўлган Қуёш фариштасининг мавжудлигини, унинг ҳар ерга сингиб кетган қуввати бўлган қуёш нури орқали англаб етиш мумкин. Худди шундай, ҳамиша Ўзининг мангу даргоҳида мавжуд бўлган ягона Парвардигорни ҳам Унинг бутун борлиққа сингиб кетган қувватлари орқали билиб олиш мумкин.

Таъм - сувнинг ажралмас хусусияти. Бизга денгизнинг сувини ичиш ёқмайди, чунки унда сувнинг асл таъмига тузнинг шўр таъми қўшилган. Ўзининг соф таъмида бўлган зилол сув бизга кўпроқ ёқади, ана шу соф таъм - Худо Шахсининг қувватидир. Имперсоналист ҳам, персоналист ҳам сувнинг таъми орқали Худо Шахсининг, Парвардигорнинг мавжудлигини сезади, лекин персоналист чанқоғини қондириш учун шундай ширин таъмли зилол сув бериб қўйгани учун Парвардигорга ҳамду-санолар айтади. Уларнинг иккиси ҳам Худонинг борлигини ҳис қиладилар. Аслида имперсоналистлар билан персоналистлар Худонинг мавжудлигини тан олишда бир-бирига қарши эмаслар. Худони тўла англаб етган киши бутун борлиқда Худонинг шахс сифатига эга бўлган ҳамда шахс сифатига эга бўлмаган кўринишлари бир вақтнинг ўзида мавжуд эканини, бунинг ҳеч қандай зиддиятли жойи йўқлигини англаб етади. Ана шундай тушунчага асосланиб Парвардигор Чаитанья одамларга *ачинтия-бхеда*- ва *абхеда-таттва*, яъни "бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш" фалсафасини бериб кетган.

Қуёш ва ойнинг нури ҳам Худо Шахсининг қуввати, чунки уларнинг азалий манбаи *Брахмаджйоти*, яъни Худо Шахсидан таралиб турган шахсиятсиз нур, ёғду. *Пранава*, яъни *омкара*, илоҳий товуш "ом" бўғини эса, Худо

Шахсига мурожаат қилишнинг бир кўриниши бўлиб ҳар бир ведавий мадҳия, Парвардигорга қаратилган ҳамду-сано, илтижо ана шу илоҳий товушдан бошланади. Имперсоналистлар Худо Шахсининг сон-саноксиз номларидан бирини айтиб, Кришнага бевосита мурожаат қилишдан кўрқадилар, шу сабабли улар фақат "ом" бўғинини талаффуз қилишни афзал биладилар. Лекин, улар аслида "ом" бўғини - Кришнанинг товуш шаклидаги қиёфаси эканини билмайдилар. Кришнанинг онги ўзида ҳамма нарсани мужассам қилган, Кришнани англаш илмини эгаллаган киши жаҳонда энг омадли, энг бахтли инсондир. Худо Шахсини, Парвардигор Кришнани танимайдиган кишилар ҳаётда алданиб, адашиб юрибдилар; Кришна ҳақида илмга эга бўлиш - озодликка чиқиш, Кришнани унутиш эса моддий оламда тутқун бўлиб қолиш демакдир.

*9. пунйо гандхаҳ притхивйам ча теджааш часми вибхавасау  
дживанам сарва-бхутешу тапаш часми тапасвишу*

***Ернинг бошланғич ҳиди - Менман, оловнинг тафти - Менман.  
Барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти, риёзатчиларнинг риёзати  
- Менман.***

Изоҳ: Пуня ибораси азалий(оригинал), ўзгармай қоладиган асл сифатни билдиради. Моддий оламда ҳар бир нарса ўзининг азалий асл ҳидига эга: гул, ер, сув, ҳаво ва ҳоказо. Бугун борлиққа сингиб кетган, бошланғич соф хид - Кришна. Худди шундай, бу дунёда ҳар бир нарсанинг ўзига хос бўлган азалий, бетақрор таъми бор, ана шу таъм ҳар хил таъмли нарсалар кўшилгани сабабли ўзгариб кетади. Демак, ҳар бир нарса албатта қандайдир бошланғич асл таъмга, асл ҳидига эга.

*Вибхавасу* - "олов" деганидир. Агар олов бўлмаса завод фабрикалар тўхтаб қоларди, олов бўлмаса овқат пишира олмаган бўлардик, олов ҳам - Кришна. Аникроғи Кришна - оловнинг тафти, ҳарорати. Ведавий тиббиёт илмига асосан ошқозонда ҳарорат пасайиши натижасида танада модда алмашинуви сусайиб кетади. Демак, ҳатто овқат ҳазм қилиш учун ҳам олов зарур экан. Кришна онгига эга бўлган киши шуни англаб етадики ер, сув, олов, ҳаво - барча химиявий ва биологик унсурлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари фақат Кришнанинг марҳамати билан мавжуд бўлиб турибди. Ҳаётимиз ҳам, қанча умр кўришимиз ҳам Кришнага боғлиқ. Кришнанинг, Худонинг марҳамати билан инсоннинг умри қисқариши ёки узайиши мумкин. Шундай қилиб, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига Кришна онги нуқтаи-назаридан ёндошиш мумкин.

*10. биджам мам сарва-бхутанам виддхи партха санатанам  
буддхир буддхиматам асми теджас теджасвинам ахам*

***Эй Притхининг ўгли, билиб қўй, барча тирик мавжудотларнинг бошланғич уруғи Менман, заковатли инсонларнинг тафаккури ва қудратли зотлардаги куч - Менман.***

Изоҳ: *биджам* ибораси "уруғ" маъносини англатади. Кришна - барча тирик мавжудотларнинг бошланғич уруғидир. Бутун борликда ҳар хил кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг сон-саногии йўқ. Қушлар, ҳайвонлар, одамлар ва бошқа кўшлаб тирик мавжудотлар - "кўзгалувчан тирик мавжудотлар" тоифасига, дарахтлар ва ҳамшиша бир жойда турадиган бошқа ўсимликлар - "кўзгалмас тирик мавжудотлар" тоифасига киради. Ҳар бир тирик мавжудот 8.400.000 ҳаёт турининг бирортасига мансуб бўлади. Улардан баъзилари ҳаракатланиш қобилиятига эга, баъзилари кўзгалмас. Лекин, Кришна уларнинг барчасининг бошланғич уруғидир. Ведаларда айтилганки *Брахман*, яъни *Олий Мутлақ Ҳақиқат* - бутун борлиқнинг манбаи. Кришна - *ПараБрахман*, *Олий Рух*. *Брахман* шахсиятсиз, *ПараБрахман* эса - шахс. *Мутлақ Ҳақиқат*нинг шахс сифатига эга бўлган кўриниши шахсиятсиз *Брахманни* ҳам ўз ичига олади, бу ҳақда "*Бхагавад-Гита*"да айтилган. Шу боис бутун борлиқнинг бошланғич манбаи, илдизи - Кришна. Худди илдиз бутун дарахтни озиқ билан таъминлаб тургани сингари, Кришна ҳам бутун борлиқнинг илдизи бўлиб, бутун моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Бу ҳам Ведаларда тасдиқланган: (Катха-упанишад, 2.2.13)

*нитийо нитийанам четанаиш четананам  
эко бахунам йо видадхати каман*

“У - барча мангу зотлар ичида энг асосийси. Барча тирик мавжудотлар ичида У - *Олий Мавжудот*. У - бир *Ўзи* бутун борлиқни таъминлаб туради”.

Агар ақлимиз, тафаккуримиз бўлмаса биз ҳаракат қила олмаган бўлардик. Кришна айтадики, "*Мен* - тафаккурнинг манбаиман". Тафаккурдан, фикрлаш қобилиятидан маҳрум киши Худонинг *Олий Шахсини*, Кришнани англашга қодир эмас.

11. *балам балаватам чахам кама-рага-виварджитам  
дхармавируддхо бхутешу камо “сми бхаратаршабха*

***Эҳтирос ва истақлардан пок инсонларнинг кучи - Менман. Эй Бхаратлар сардори, ҳақиқий дин қонунларига зид бўлмаган жинсий ҳаёт ҳам - Менман.***

Изоҳ: Кучли одам ўз кучидан бировларга зўравонлик, тажовуз қилиш учун эмас, аксинча ожизларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиши лозим. Ҳақиқий дин қонунларига асосан жинсий алоқа фақат тақводор фарзанд, ҳалол инсонни дунёга келтириш учун мўлжалланган. Бошқа бирор ният билан жинсий

алоқа қилиш мумкин эмас. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини Худони, Кришнани танийдиган қилиб тарбиялаш учун масъул.

12. *йе чайва саттвика бхава раджасас тамасаш ча йе  
матта евети тан виддхи на тв ахам тешу те майи*

***Билиб қўй-ки, хоҳ эзгулик, хоҳ эҳтирос ёки гафлат гунасида бўлсин - тирикликнинг ҳар қандай ҳолатини Менинг қувватим яратиб қўйган. Ҳамма нарса Ўзимман, лекин айни пайтда Мен ҳамма нарсадан ташқаридаман. Мен табиат гуналарига тобе эмасман - улар Менга бўйсундилар.***

Изоҳ: Моддий оламдаги ҳар қандай фаолият табиатнинг уч гунаси таъсири остида бўлади. Аммо Худо Шахси, Кришнатабиат гуналари таъсирига берилмайди, чунки Унинг Ўзи шу гуналар манбаидир. Масалан, шоҳнинг чиқараётган қонунлари шоҳнинг ўзига эмас, фақат унинг фуқароларига таъсир қилади. Худди шундай, моддий табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва гафлат гуналари Парвардигордан чиқади, аммо Парвардигорнинг Ўзи моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Шунинг учун Уни *ниргуна*, “гуналар таъсирдан озод” деб айтадилар. Бу - фақат Бхагаван, Худонинг Олий Шахсига хос бўлган хусусиятлардан биридир.

13. *трибхир гуна-майаир бхавайр эбхиҳ сарвам идам джагат  
мохитам набхиджанати мам эбхйаҳ парам авйайам*

***Табиатнинг уч(эзгулик, эҳтирос ва гафлат) гунаси алдаб, адаштириб қўйган бутун олам аҳли Мени - гуналардан устун турувчи, туганмас буюк Зотни билмайди.***

Изоҳ: Бутун жаҳон аҳли моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида адашиб юрибди. Уларнинг таъсирига тушиб қолган киши Худо Шахси, Кришна-моддий оламдан ташқарида эканини тушунмайди.

Моддий табиатнинг ҳукми остида бўлган ҳар бир тирик мавжудот ўзининг фаолиятини, ўзига хос хусусиятини белгилайдиган маълум бир тана турига, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга. Табиатнинг уч гунаси таъсири остида ҳаракат қилиб яшайдиган одамлар тўрт тоифага бўлинадилар. Эзгулик гунаси таъсирида бўлган одамларни *браҳман* деб атайдилар, эҳтирос гунаси таъсири остида бўлганлар эса - *кшатрий*, эҳтирос ва гафлат гуналарининг аралаш таъсири остида бўлганлар - *вайшья*, бутунлай гафлат гунаси остида бўлган одамлар эса - *шудра*” деб аталади. Улардан пастда ҳайвонлар ва ҳайвонларга ўхшаб яшаётган иймонсиз, маданиятсиз, бефаросат одамлар туради. Лекин, ҳар қандай одамнинг бу тоифаларга мансуб бўлиши унинг

мангу ҳолати эмас. Ким бўлишимдан қатъий назар - брахманми, кшатрийми, вайшьями ёки шудрами - менинг ҳозирги ҳолатим, ҳозирги ҳаётим мангу эмас. Ҳозирги умримиз ўткинчи, вақтинчалик бўлишига қарамай, эртага, кейинги ҳаётимизда ким бўлишимизни билмай туриб, алдамчи моддий қувват таъсири остида адашиб, алданиб ўткинчи танамизни “мен” деб ҳисоблаб: "америкаликман", "ҳиндистонликман", "русман" ёки "брахманман", "мусулмонман" ва ҳоказо деб ҳисоблаймиз. Моддий табиат гуналари чангалига тушиб, табиат гуналаридан устун турадиган Зот - Худои Шахсини, ягона Парвардигорни эсдан чиқариб қўямиз. Шунинг учун Кришна айтяптики, табиатнинг уч гунаси адаштириб қўйган тирик мавжудотлар бутун моддий оламдан ташқарида уни бошқариб турадиган Худонинг Олий Шахсини тушунмайдилар. Тирик мавжудотларнинг тури жуда кўп: одамлар, фаришталар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳоказо. Уларнинг барчаси моддий табиат гуналарининг ҳукми остида ва ҳаммаси илоҳий табиатга эга бўлган Худои Шахсини эсидан чиқарган. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамлар, ҳатто эзгулик гунасида юрганлар ҳам одатда Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Брахман кўриниши(аспекти)ни тушунишдан юқори кўтарила олмайдилар. Улар Парвардигор чексиз гўзалликка, бойликка, илмга, кучга, шон-шухратга ва боғланмасликка эга бўлган Шахс эканини эшитганларида хайрон бўладилар. Ҳатто, эзгулик гунасида бўлганлар ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс кўринишини тушуна олмаса, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрганлар ҳақида нима дейиш мумкин? Кришна онги моддий табиат гуналари таъсиридан устун туради, Кришна онгига эга бўлган киши шубҳасиз руҳий озодликка эришган руҳдир.

*14. дайви хй эша гуна-майи мама майа дуратйайа  
мам эва йе прападйанте майам этам таранти те*

***Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган Менинг илоҳий қувватим таъсирини енгиш жуда қийин. Аммо, ўз ихтиёрини Менга топширган киши, осонлик билан унинг ҳукми остидан чиқади.***

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсининг қувватлари сон-саноксиз турларга бўлинади, уларнинг ҳаммаси илоҳий табиатга эга. Худои Шахсининг илоҳий қувватининг бир заррачаси бўлган ҳолда тирик мавжудотлар ҳам илоҳий табиатга эга, лекин улар модда билан аралашганида уларнинг азалий, олий онгини моддий қувват тўсиб қўяди. Моддий қувват пардаси билан тўсилган тирик мавжудот унинг ҳукми остидан чиқиб кета олмайди. Аввал айтганимиздай, моддий қувват ҳам, руҳий қувват ҳам Худонинг Олий Шахсидан чиқади, шунинг учун улар ҳам мангу. Тирик мавжудотлар Худои Шахсининг олий, мангу қувватига мансуб, аммо улар Парвардигорнинг қуйи, моддий қуввати билан аралашиб булғаниб, қадим замонлардан бери алданиб юриб-

дилар. Ана шундай рухларни *нитйа-баддха*, яъни "мангу шартланган" деб атайдилар. Алоҳида рухнинг шартланган ҳолатга қачон ўтганини ҳеч ким аниқлай олмайди. Гарчи моддий табиат Парвардигорнинг куйи қуввати бўлса ҳам, тирик мавжудот унинг ҳукми остидан чиқиб кетиши жуда мушкул, чунки моддий табиат Парвардигорнинг ҳукми остида ҳаракат қилади. Парвардигорнинг ҳукмига, амрига эса ҳеч ким қарши чиқолмайди. Куйи, моддий қувват бу ерда "илоҳий" деб аталишига сабаб шуки, у Парвардигор билан боғланган ва Унинг ҳукми остида ҳаракат қилади, қудратли Парвардигорнинг амрига бўйсунган ҳолда ҳаракат қилиб моддий табиат моддий оламини яратиб, яқсон қилиб, ҳақиқатан ҳам мўъжизавий фаолият кўрсатади. Ведаларда бу шундай тасдиқланади: *майам ту пракритим видйан майинам ту махешварам* - "*майя*(алданиш) ўз ҳолича ҳақиқат эмас, чунки у мангу эмас, аммо ғаройиб сеҳргар "Парвардигор", "Махешвара", "Олий Ҳукмдор" деб аталадиган Худо Шахси уни бошқариб туради"(Шветашватара-упанишад, 4.10.)

*Гуна* иборасининг яна бир маъноси - "арқон". Бу шундан далолат берадики, шартланган руҳ алдамчи қувват арқонлари билан маҳкам боғланган. Оёқ-қўли маҳкам боғлаб қўйилган кишининг ўзи озодликка чиқолмайди - у озод бўлган кишининг ёрдамига муҳтож. Унга оёқ-қўли боғланган бошқа биров ёрдам бера олмайди: унга фақат бутунлай озод бўлган кишигина ёрдам бериши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, руҳни моддий олам тутқунлигидан фақат Парвардигорнинг Ўзи ёки Унинг вакили, яъни ҳақиқий руҳий устоз кутқара олади. Уларнинг ёрдამисиз шартланган руҳ ҳеч қачон моддий тутқунлик чангалидан халос бўла олмайди. Моддий тутқунликдан халос бўлишда бизга Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш усули ёрдам беради. Кришна - енгилмас моддий қувватнинг Ҳукмдори, шу боис У моддий қувватга шартланган руҳни озод қилишга буйруқ беришга кодир. Шундай буйруқ бериш билан У ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган содиқ хизматқорига бесабаб марҳамат кўрсатган бўлади. Парвардигор Ўзининг севимли фарзандлари бўлган тирик мавжудотларга нисбатан ҳамиша оталарча меҳрибонлик қилади. Шундай қилиб моддий табиатнинг бешафқат қонунлари чангалидан қутулишнинг ягона йўли - ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириш ва Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишдан иборат.

Бу ерда ишлатилган "*мам эва*" ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга. *Мам* - "Менга" ибораси Браҳма ёки Шивага дегани эмас, балки фақат Кришнага, Вишнуга деган маънони англатади. Гарчи Браҳма ва Шива Парвардигор Вишну билан деярли бир қаторда турадиган ғайритабиий улуғвор зотлар бўлса ҳам, *радждо-гуна* ва *тамо*-гуналарнинг ҳукмдорлари бўлган ҳолда, улар *майя* таъсири остида бўладилар, шу сабабли улар шартланган руҳни гуналар чангалидан озодликка чиқара олмайди. Фақат Парвардигор Вишну, алдамчи қувватнинг Ҳукмдоригина шартланган рухларни унинг чангалидан халос эта олади. Бу ҳақиқат Ведаларда тасдиқланган, "Шветашватара-упанишад" (3.8) *там эва видитва* - фақат Кришнани англаш билан озодликка эришиш мумкин. Фақат Вишнунинг марҳамати билан озодликка чиқиш мум-

кин эканини ҳатто буюк фаришта Шива ҳам тасдиқлайди: *мукти-прадата сарвешам вишнур эва на самшайах* - "Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳар бир тирик мавжудотга фақат Вишну(Кришна) руҳий озодлик ҳадя этади".

15. *на мам душкритино мудхаҳ прападйанте нарадхамаҳ  
майайапахрита-дженана асурам бхавам ашритаҳ*

***Ғофил ва нодон гуноҳқорлар, одамлар орасида энг пасткашлари, шунингдек илмини майа, алдамчи қувват ўғирлаб қўйган одамлар ва иймонсиз иблислар ҳеч қачон ўз ихтиёрини Менга топшира олмайдилар.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси Кришнага бутунлай ўз ихтиёрини топшириш ва Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш ёрдамида моддий табиатнинг бешафқат қонунилари ҳукми остидан озод бўлиш мумкин. Шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан файласуфлар, олимлар, тадбиркорлар, амалдорлар ва жамият раҳбарлари қудратли Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмайдилар? Улар озодликка эришиш, яъни табиат қонуниларини енгиш учун йиллар оша, авлодлар оша ҳар хил режалар тузиб, беҳудага шунча ҳаракат қилиб келадилар. Аммо, шундай мақсадларга Худога ўз ихтиёрини топшириш орқали осонгина эришиш мумкин бўлса, нима сабабдан жамият фаровонлиги учун "жон куйдириб" юрган шундай "донишманд"лар ана шу осон йўлдан фойдаланмайдилар?

"Бҳагавад-Гита" бу саволга тўғридан-тўғри жавоб беради. Инсонлар жамиятидаги ҳақиқий донишманд зотлар бўлган Брахма, Шива, Капила, Кумарлар, Ману, Вйаса, Девала, Асита, Жанака, Прахлада, Бали, кейинги даврларда эса Мадхвачарйа, Рамануджачарйа, Шри Чаитанйа ва нисониятнинг уларга ўхшаган ҳақиқий дохйлари - ҳақиқий донишманд файласуфлар, пок виждонли сиёсатчилар, ҳақиқий устозлар, ҳақиқий билимдон олимлар ўз ихтиёрини қудратли Парвардигорга топшириб Унинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топганлар. Асл мақсади моддий бойлик орттириш бўлган, лекин халқ оммасига ўзларини файласуф, олим, устоз ва жамият раҳбарлари қилиб кўрсатиб юрган, Худонинг амрига бўйсунмайдиган ва Унинг йўлидан юз ўгирадиган жамиятнинг иккиюзламачи, иймонсиз одамлар аслида "раҳбар", "йўлбошчи" деб аталишга муносиб эмаслар. Олий Ҳукмдор, Парвардигор ҳақида ҳеч нарса билмаган ҳолда, улар ўзларича ҳар хил дунёвий режалар тузадилар ва ҳаёт муаммоларини ҳал этишга уринадилар, натижада муаммоларни баттар чигаллаштирадилар, холос. Чексиз қудратга эга бўлган моддий табиат бундай иймонсиз худобехабарларнинг барча режаларини чип-пакка чиқаради, шу сабабли ҳар хил қўмиталарнинг режалаштириш бўйича ўтказган барча тадбирлари шунчаки сафсатабозлик бўлиб, қоғозда қолиб кетаверади.

Ҳар хил режалар тузиб юрган иймонсиз одамлар бу ерда *душкритина*, "гуноҳкорлар" деб аталган. *Крити* - эзгу ишлар қилиб яшайдиган киши. Иймонсиз даҳрий одамларнинг ичида баъзан чуқур мулоҳазали ва виждонли одамлар ҳам учраб қолади, чунки ҳар қандай режани амалга ошириш учун, хоҳ у яхши иш бўлсин, хоҳ ёмон иш бўлсин - ўтқир тафаккур билан чуқур мулоҳаза юритиш керак бўлади. Лекин, ўз тафаккуридан нотўғри фойдаланаётгани сабабли, уларни *душкрити* деб атайдилар; демак уларнинг барча ури-нишлари ва фикрлари нотўғри йўналишда ишлатиляпти.

"Бҳагавад-Гита"да, моддий қувват Худонинг амрига бўйсуниб ҳаракат қилиши айтилган. Моддий қувват мустақил эмас, у худди бировнинг изига эргашиб юрган сояга ўхшайди. Шунга қарамай, моддий қувват жуда кудратли, Худони тан олмайдиган иймонсиз даҳрийлар Худонинг режаларини ҳам, моддий табиатнинг режаларини ҳам тушуниб ета олмайдилар. Эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсирида алданиб юргани сабабли уларнинг барча режалари барбод бўлаверади. Гарчи дунёвий жиҳатдан қараганда буюк олим, файласуф, ҳукмдор ва устоз бўлишларига қарамай, Хираньякашипу ва Равананинг тақдири ҳам шундай бўлган эди. Ундай *душкрити*, яъни гуноҳкорлар тўрт тоифага бўлинади. Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз.

Ҳайвонлар сингари кеча-кундуз тер тўкиб оғир меҳнат қиладиган тузалмас аҳмоқларни *мудха* деб атайдилар. Улар ўз меҳнати натижасидан фақат ўзлари лаззатланишга интиладилар, уни бировга беришни истамайдилар. Ана шундай одамларга эшакнинг ҳаёти мисол бўла олади. Эгаси бу итоаткор жониворни ҳолдан тойгунча тер тўкиб ишлашга мажбур қилади, эшак эса ҳатто ким учун кеча-кундуз тер тўкиб ишлаётганини ҳам билмайди. Эшак бир тутам хашакка қаноат қилиб, эгасининг тепкисидан қўрқиб, ҳамиша хавотирда юради, жуда кам ухлайди, ахён-ахёнда урғочи эшакнинг оғрикли тепкиларига зўрға чидаб, жинсий алоқадан лаззат олади. Баъзида эшак "фалсафий ва лирик" кўшиқлар куйлайди, лекин унинг кўшиғи атрофдаги одамларни безовта қилади, холос. Ўз меҳнатининг натижаларини кимга тақдим этиш кераклигини билмайдиган нодон *карми*(ҳаёт ҳақида нотўғри моддий тасаввурга эга одам) ҳам шундай эшакка ўхшайди. У ғофиллиги сабабли, инсон ўзининг ҳар қандай фаолиятини Худога қурбонлик сифатида холис, беминнат амалга ошириши лозимлигини билмайди.

Шундай одамлар ўзлари ўйлаб чиқарган ҳар хил бурч ва вазифаларини бажариш учун кеча-кундуз тинмасдан ҳаракат қиладилар. Уларга руҳнинг, яъни унинг асл ўзлигининг, тирик мавжудотнинг мангу табиатга эга экани ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз, одатда улар "вақтимиз йўк" деб сизнинг гапингизга қулоқ солишдан бош тортадилар. Гарчи ўз меҳнатининг жуда арзимаган қисмига эга бўлаётган бўлсалар ҳам, *мудха* деб аталадиган зотлар учун ҳаётининг мазмуни ва мақсади ўткинчи моддий нарсалар бўлиб қолаверади. Баъзан ана шундай нодон мудхалар кўпроқ пул топиш учун кечалари ухламайдилар, вақтида овқатланмайдилар, натижада ошқозон касалига дучор бўладилар; улар ўзларининг ўткинчи, алдамчи хўжайинининг нафсини кондириш учун тинмасдан оғир меҳнат қиладилар. Ўзларининг ҳақиқий



хўжайини ким эканини билмасдан, бундай ғофил хизматкорлар ўз нафсининг кули бўлиб, ўзининг нодир, қимматли умрини хазон қиладилар. Бахтга қарши улар ҳеч қачон Парвардигорга, барча ҳукмдорларнинг ҳукмдорига ўз ихтиёрини топширмайдилар ва ишонарли манбалардан Худо ҳақида бирор нарса билиб олишга ҳатто озгина бўлса ҳам вақт ажратмайдилар. Ҳар хил ахлатлар билан овқатланишга ўрганиб қолган чўчка шакар ва сариёғдан қилинган ширин таомдан юз ўгиради. Худди шундай, ўткинчи дунёвий янгиликларни тинглаш, улардан лаззатланиш ҳеч қачон ғофил одамларнинг жонига тегиб кетмайди, аммо бутун оламини ҳаракатга келтириб турган мангу рух ҳақида, ўзларининг ҳақиқий ўзлиги ҳақида тинглашга эса, уларнинг ҳеч қачон вақти бўлмайди.

Душкритиларнинг, яъни гуноҳкорларнинг яна бир тоифаси - *нарадхама*, яъни одамлар орасида энг пасткашлари. *Нара* дегани "одам", *адхама* ибораси эса - "энг ёмони, энг пасткаши" деган маънони билдиради. Мавжуд 8.400.000 ҳаёт туридан 400.000 тури инсон танасидаги ҳаёт ҳисобланади. Уларнинг орасида жуда кўп "одамсимон ҳайвон"лар бор - уларнинг аксарият кўпчилиги маданиятсиз одамлардир. Ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаёт-фаолияти муқаддас китобларнинг қонунлари асосида тузилган одамлар "маданиятли одамлар" деб аталади. Ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган жамиятда яшайдиган, аммо муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдиган одамлар "нарадхама" деб аталади. Бундан ташқари Худосиз дин - ҳақиқий дин эмас, чунки аслида одам ўзини, Мутлақ Ҳақиқатни ва ўзининг Мутлақ Ҳақиқат билан ўзаро муносабатини англаб, уни қайта тиклаш учун қандайдир дин қонунларига амал қилади. "Бҳагавад-Гита"да Парвардигор аниқ айтяптики, У ҳеч кимга бўйсунмайди, Унинг Ўзи Олий Мутлақ Ҳақиқат. Маданиятли инсонларга хос бўлган турмуш тарзи билан яшаш шарофати билан одамлар тирик мавжудотнинг эсидан чиқиб кетган Мутлақ Ҳақиқат, яъни Шри Кришна билан ўзаро муносабатини қайта тиклаш имкониятига эга бўладилар. Ана шундай нодир имкониятни бой бериб, умрини хазон қиладиган одамлар нарадхамалар тоифасига киради. Муқаддас китобларда айтилганки, инсон онасининг қорнида ётган пайтида қаттиқ изтироб чекади, шунда у Худога илтижо қилиб, дунёга келгандан кейин, албатта Худога сажда қилиб сиғинишга, Унинг қонунларига бўйсуниб яшашга қасам ичади. Одатда бирор қийинчилик ёки мусибатга дучор бўлганда Худога илтижо қилиш ҳар бир тирик мавжудот учун табиий ҳол, чунки у Парвардигор билан мангу боғланган. Лекин, афсуски дунёга келган заҳоти чақалоқ алдамчи қувват, *майя* таъсири остида бошидан кечирган шунча азобларини ҳам, ўзини шу азоблардан қутқарган меҳрибон Зот - Парвардигорни ҳам эсидан чиқариб юборади. Ҳар бир ота-онанинг бурчи - фарзандларининг қалбида мудраб ётган ана шу илоҳий онгни уйғотишдан иборат. "Ману-смрити"да инсонга *варнашрама* тизимидаги жамиятда яшаш, қалбида Худони англаб олишга ёрдам берадиган ўн турли покланиш маросими ўтказиш кўрсатилган. Аммо афсуски, ҳозирги пайтда бундай маросимлар умуман ўтказилмайди, шу сабабли жаҳоннинг деярли бутун аҳолиси иймонсиз нарадхамалардан иборат

бўлиб кетган.

Жаҳондаги ҳамма одамлар нарадхамаларга айланганда, қудратли моддий табиат уларнинг сохта маълумотларини бутунлай йўққа чиқаради. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра олим брахманни, итни, сигирни, фил ва ит гўшти ейдиган ҳаромини бир-биридан ажратмай, уларнинг ягона руҳ эканини тушунган одамгина ҳақиқий билимдон донишманд деб аталади. Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори ҳаётга ана шундай назар билан қарайди.

Ер юзида намоён бўлиб, илоҳий устоз вазифасини бажарган Нитйананда Прабху *нарадхама* тоифасига мансуб бўлган икки оғайни - Жагай ва Мадхайни алданиш иллатидан халос этган, шу билан Худонинг содиқ хизматкори ҳатто жамиятнинг энг пасткаш нарадхамаларига ҳам чуқур ҳамдардлик туйғуси билан марҳамат кўрсатиши лозимлигини барчага ўрнак қилиб кўрсатган эди. Худодан юз ўгирган омадсиз нарадхама фақат Худонинг содиқ хизматкорининг марҳамати билан ўзининг руҳий онгини қайта тиклаб олиши мумкин.

Шри Чаитанйа Махапрабху жамиятда *бхагавата-дҳарма* қонун-қоидаларини ўрнатар экан, одамларни камтарин ҳолда Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашга чақирди. Ана шу кўрсатмаларнинг асосий мазмуни муқаддас "Бхагавад-Гита"да кўрсатилган. Агар ҳаётда камтарин ҳолда Парвардигорнинг насиҳатларига, кўрсатмаларига амал қилиб юрсалар, ҳатто нарадхамалар ҳам руҳий озодликка эришадилар, аммо бахтга қарши, улар ҳатто шу қонун-қоидаларга риоя қилишни ҳам истамайдилар. Ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишни-ку айтмаса ҳам бўлади. Нарадхамалар ҳар бир инсоннинг ҳаётда биринчи навбатда бажариши лозим бўлган энг муҳим бурчини тан олгилари келмайди.

Душкритиларнинг учинчи тоифасига *майайанахрита-дженанаҳ* - ҳақиқий илмини моддий қувват ўғирлаган одамлар киради. "Бхагавад-Гита"да аниқ айтилганки, Шри Кришна - Худонинг Олий Шаҳси ва Унга тенг ёки Ундан буюроқ бирор Зот мавжуд эмас. Инсониятнинг ҳамда, қайси ҳаёт турига мансуб бўлишидан қатъий назар бошқа барча тирик мавжудотларнинг бобокалони бўлган Брахмани ҳам Шри Кришна яратган. Бунинг устига Шри Кришна - фақат Брахманинг отаси бўлибгина қолмасдан, шахсиятсиз Брахманнинг ҳам, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматманинг ҳам, Ўзининг тўла намоён бўлган киёфасининг ҳам манбаи ҳисобланади. Шри Кришна - бутун борлиқнинг асоси, шунинг учун ҳар бир инсон албатта Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиши лозим. Ана шундай аниқ кўрсатмаларга қарамай, *майайанахрита-дженанаҳ* тоифасига кирадиган иймонсиз одамлар Парвардигорни оддий инсонлар қаторида кўриб, Уни ҳақорат қиладилар. Улар бизга шундай ажойиб фазилатларни, бошқа турдаги тирик мавжудотларга нисбатан чексиз катта имкониятни берадиган инсон танаси Парвардигорнинг мангу, руҳий танасига ўхшатиб яратилганини тушунмайдилар.

Устозлар силсиласига кирмаган, *майайанахрита-дженанаҳ* тоифасига мансуб одамлар томонидан "Бхагавад-Гита"га ёзилган жуда кўп нотўғри

изохлар одамларнинг руҳий илмни тўғри тушуниб олишига халакит беради, холос. Алданиш домига тушиб қолган ана шундай олимлар Кришнага ўз ихтиёрини топширмайдилар, бошқаларни ҳам бунга ўргатмай, аксинча уларни тўғри йўлдан адаштирадилар.

Душкритиларнинг охириги тоифаси - *асурам бхавам ашритах*, яъни иблис табиатли одамлардир. Улар ҳақиқий иймонсиз, худобезорилардир. Уларнинг кўплари "Худо Шахси ҳеч қачон моддий оламга келмайди" деб айтадилар, аммо ўзларининг фикрини тасдиқлаш учун бирор далил келтира олмайдилар. Бошқа бирлари эса, гарчи "Бҳагавад-Гита"нинг маълумотларига мутлако зид бўлса ҳам, "Кришна - шахсиятсиз Браҳман яратган қиёфа" деб ҳисоблайдилар. Худо Шахсига нисбатан нафрат туйғуси остида даҳрийлар ўзлари учун ҳар хил алдамчи Худоларни ўйлаб топадилар. Умрини Парвардигорга қарши ишларга бағишлаган ана шундай одамлар ҳеч қачон ўз ихтиёрини Кришнага топширишга қодир эмаслар.

Жанубий Ҳиндистонда яшаб ўтган буюк содиқ Шри Ямуначарйа Алабандара шундай деган эди: "Эй Худойим, Сен Ўзингнинг ажойиб сифатларинг ва ғаройиб кароматларинг билан машхурсан. Барча муқаддас китоблар, эзгулик гунасидаги, руҳий илмни чуқур эгаллаган, илоҳий фазилатларга эга бўлган буюк донишмандлар ҳамиша Сени олқишлайдилар. Лекин, шунга қарамай, иймонсиз, худобезори, калтафаҳм одамлар учун Сен ҳамиша англаб бўлмас илоҳий Зот бўлиб қолаверасан".

Шундай қилиб, буюк донишмандлар ва муқаддас китобларнинг шунча кўрсатмаларига қарамай, бу ерда кўрсатилган тўрт тоифа одамлар - 1)ғофил нодонлар; 2)пасткаш одамлар; 3)алданган, Худонинг алдамчи қуввати адаштирган олимлар; 4)имонсиз ашаддий даҳрийлар - ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худога топшира олмайдилар.

16. *чатур-виддха бхаджанте мам джанах сукритино "рджуна арто джиджнасур артхартхи джнани ча бхаратаршабха*

***Эй Бхаратлар аълоси, тақводор инсонларнинг тўрт тоифаси Менга садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар: 1) бошига мусибат тушганлар; 2) бойлик излаётганлар; 3) қизиқувчанлар ва 4) Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилаётган донишмандлар.***

Изоҳ: Иймонсиз-гуноҳкорлардан фарқли равишда бу ерда кўрсатилган одамлар ҳаётда муқаддас китобларнинг қонунларига амал қилиб яшайдилар. Улар *сукритинах*, яъни "тақводор одамлар" деб аталадилар, чунки улар муқаддас китобларни ҳурмат қиладилар, одоб-ахлоқ қоидаларига, ҳукумат қонунларига амал қилиб яшайдилар, қандайдир даражада Худога ишонадилар. Ана шундай тақводор одамлар тўрт тоифага бўлинади: 1)бошига мусибат тушганлар; 2)пулга муҳтожлар; 3)қизиқувчанлар; 4)Мутлақ Ҳақиқатга интилаётганлар. Бундай одамлар илтижо билан Парвардигорга мурожаат қиладилар ва ҳар

хил мақсадларни кўзлаб Худога хизмат қилиб яшайдилар. Улар Худога ўз мақсадларига эришиш ниятида хизмат қилиб юргани сабабли, уларни “соф содиқлар” деб бўлмайди. Соф содиқ Парвардигорга қандайдир шахсий ёки моддий манфаат кўзлаб хизмат қилмайди. Соф содиқнинг таърифи "Бҳакти-расамрита-синдху"да келтирилган (1.1.11):

*анийабхилашита-шунйам джнана-кармадй-анавритам  
анукулийена кришнану-шиланам бҳактир уттама*

"Моддий манфаатга интилишдан ёки кармали фаолиятда, фалсафий изланишларда бирор муваффақиятга эришиш ниятидан бутунлай пок бўлган ҳолда Худога самимий, пок муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган киши Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилаётган бўлади. Шундай садоқат билан қилинадиган хизмат "соф садоқат билан қилинадиган холис хизмат" деб аталади."

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириб, соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, юкоридаги тўрт тоифа такводор одамлар ҳам моддий иллатлардан бутунлай покланиб, Худонинг соф содиқ хизматкорига айланадилар. Нопок одамларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишлари жуда мушкул, чунки хасис, кизганч, очкўз одамлар ҳаётда муқаддас китобларнинг конун-қоидаларига риоя қилмайдилар ва ҳеч қандай руҳий мақсадга интилмайдилар. Аммо, агар уларнинг омади келиб, ҳаёт йўлида Худонинг соф содиғини учратиш бахтига муяссар бўлиб, у билан ҳамсуҳбат бўлсалар, ҳатто ана шундай ғофил одамлар ҳам Худонинг соф содиқларига айланиши мумкин.

Дунёвий фаолиятга ғарқ бўлган одамлар ҳаётда бирор қийинчиликка дуч келганда ёки бошига бирор мусибат тушгандагина Худога мурожаат қиладилар, соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб уларнинг ўзлари ҳам Худонинг соф содиқларига айланадилар. Турмушда қийналиб, умидсизликка тушган, ҳафсаласи пир бўлган одам ҳам баъзан соф содиқлар олдига келиб, улардан Худо ҳақида бирор маълумот олишга ҳаракат қилади. Худди шундай, файласуф-ғйанилар ҳам, илм-фаннинг ҳар хил соҳаларида узоқ изланиб, ҳақиқатга эришолмай ниҳоят Худони англашга уринадилар ва Унга садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиб, улар шахсиятсиз Браҳманни ва ҳар бир тирик мавжудот қалбида намён бўлган Параматмани англаш даражасидан юкори кўтариладилар, Худонинг ёки Унинг содиқ хизматкорининг марҳамати билан Парвардигор аслида Олий Шахс эканини англаб етадилар. Шундай қилиб мусибат чекаётган, қизиқувчан, илмга интилаётган ва бойлик излаётган одамлар моддий бойлик ҳамда дунёвий саодатлар руҳий юксалиш йўлида ёрдам бера олмаслигига, улар инсонни моддий истак-орзулардан халос этиб, ҳаётда бахтиёр қила олмаслигига ишончлари комил бўлганида Худонинг соф содиғи даражасига кўтариладилар. Токи содиқнинг қалби бутунлай покланмас экан, унинг Худога қилаётган хизмати кармали фаолият, дунёвий илмга интилиш сингари

моддий нарсалар билан булганган бўлади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиш учун ана шу иллатларнинг барчасидан бутунлай покланиш лозим.

*17. тешам джнани нитйа-йукта эка-бхактир вишиийате  
прийо хи джнанино "тйартхам ахам са ча мама приях*

***Мукаммал илмга эга бўлиб, ўзининг бутун борлигини Менга соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган донишманд улар ичида аълосидир. Шундай содиқ учун Мен жуда азизман, у ҳам Мен учун азиз.***

Изоҳ: Мусибат чекаётган, қизиқувчан, бир тийинсиз қолган ва мукаммал илм эгаллашга интилаётган такводор одамларнинг қалби моддий истаклардан бутунлай покланганида улар Худонинг соф содиқлари даражасига етадилар. Уларнинг ичида барча моддий истаклардан покланиб, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган донишманд "Худонинг соф содиғи" даражасига кўтарилади. Парвардигорнинг Ўзи айтишига кўра, мукаммал илмга эга бўлиб, Унга хизмат қилаётган киши энг аъло содиқдир. Рухий илмни ўрганиш давомида инсон аввало ўзи, яни ҳақиқий "мен"и моддий танасидан фарқ қилишини, кейин, шахсиятсиз Брахманни ва Параматмани англаб етади. Моддий иллатлардан, моддий тасаввурлардан биратўла покланиб, у ўзининг асл ҳолатини - Худонинг мангу хизматкори эканини тўлиқ англаб етади. Шу тариқа соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, тўрт тоифа такводор кишилар ҳам моддий иллатлардан покланадилар. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пастки поғоналарида турган такводорлар ичида Худо ҳақида тўлиқ илмга эга бўлган киши Парвардигор учун жуда азиз. У Худонинг Олий Шахсининг илоҳий табиатини англаб етган ва ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида этган бўлади, шу боис у моддий иллатларга булғанишдан хамиша ишончли равишда ҳимояланган бўлади.

*18. удараҳ сарва эваите джнани тв атмаива ме матам  
астхитаҳ са хи йуктатма мам эвануттамам гатим*

***Шубҳа йўқки, бу содиқларнинг ҳаммаси улугвор руҳлардир, лекин улардан Мени англаб етган донишмандни Мен ҳар жиҳатдан Ўзимга ўхшаган деб ҳисоблайман. Менга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила туриб, у албатта Менга - энг олий ва эзгу мақсадга эришади.***

Изоҳ: Парвардигор ҳақида мукаммал илмга эга бўлмаган содиқлар Худога азиз эмас деб ўйламаслик керак. Парвардигор айтяптики, уларнинг барчаси буюк, улугвор руҳлардир. Қандай ният билан мурожаат қилишидан қатъий

назар, Худога мурожаат қиладиган зотларни *махатма*, яъни "буюк рух" деб атайдилар. Парвардигор ҳатто Унга бирор моддий манфаат кўзлаб сиғинаётган одамлардан ҳам юз ўгирмайди, чунки У ҳар бир тирик мавжудотнинг изхор этган туйғусига албатта муносиб жавоб беради. Парвардигорга нисбатан эзгу ҳис-туйғулар оғушида бўлиб, улар Худодан қандайдир дунёвий нарсаларни сўрайдилар, ниятига етганида эса Худога шукрона айтадилар, Унга ҳамду-санолар айтиб олқишлаб, аста-секин Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала борадилар. Лекин, мукаммал илмга эга бўлган содиқ хизматкор Парвардигор учун жуда азиз, чунки унинг ягона мақсади - Худога муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилиш. Шундай содиқ Парвардигорга хизмат қилмасдан бир дақиқа ҳам тура олмайди, Парвардигор ҳам уни жуда севади ва ҳеч қачон ундан ажралмайди.

"Шримад Бхагаватам"да (9.4.68) шундай дейилади:

*садхаво хридайам махйам садхунам хридайам тв ахам  
мад-анийат те на джананти нахам тебхйо манаг апи*

"Содиқ хизматкорим ҳамиша Менинг қалбимда бўлади, Мен эса - унинг қалбидаман. Содиқ хизматкорим фақат Мени ўйлайди, Мен ҳам уни ҳеч қачон унутмайман".

Парвардигор ва Унинг соф содиқлари бир-бирига ўзаро жуда қалин ришталар билан боғланган бўладилар. Мукаммал илмга эга бўлган соф содиқлар ҳамиша руҳий қувват ҳимояси остида бўладилар ва улар Парвардигорга жуда азиздирлар.

19. *бахунам джанманам анте джнанаван мам прападйате  
васудеваҳ сарвам ити са махатма су-дурлабхаҳ*

***Кўплаган туғилиш ва ўлишлар орқали ўтиб, мукаммал илмга эга бўлган киши ўзини Менга топширади, чунки у барча сабабларнинг сабабчиси ва ҳамма нарса аслида Мен Ўзим эканини тушуниб етди. Шундай буюк рух жуда кам учрайди.***

Изоҳ: Руҳий юксалиш жараёнига ва Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишланган жуда кўп умрлардан кейин, тирик мавжудот соф трансцендент(илоҳий) илмга эга бўлади ва руҳий ўзликни англаш йўлининг охириги мақсади - Худонинг Олий Шахси эканини тушуниб етади. Руҳий юксалишнинг биринчи босқичида инсон моддий иллатлардан халос бўлишга ҳаракат қилаётганида, одатда ўзининг қалбида имперсоналистик тасаввурларга мойиллик ҳис қилади, аммо руҳий юксалишнинг юқорироқ поғонасига кўтарилгандан кейин Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасида аслида руҳий ҳаёт кечириш хилма-хил лаззат келтирадиган фаолият эканини тушуниб етади. Шуни англаб етгандан кейин содиқнинг қалбида Худо Шахсига

боғланиш кучаяди, натижада у ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топширади. Шунда у Парвардигор Кришнанинг марҳаматига эришиш - энг буюк бахт эканини англаб етади. У "Кришна - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси" эканини, моддий олам бутунлай Унинг ҳукми остида эканини тушуниб олади. Шунингдек, у моддий олам аслида рухий оламдаги бетакрор илоихий ранг-барангликнинг бузилган акси эканини, бу ердаги ҳар бир нарса Парвардигор билан боғлиқ эканини англаб етади. Натижада у теварак-атрофидаги ҳамма нарсани Васудева, Шри Кришна билан боғлиқ ҳолда кўра бошлайди. Ҳаётга нисбатан ана шундай муносабатда бўлиш - инсон қалбида ўз ихтиёрини ягона Парвардигорга, рухий юксалишнинг охириги мақсади бўлган Шри Кришнага бутунлай топшириш истагини уйғотади. Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган ана шундай буюк руҳ ҳаётда жуда кам учрайди.

Бу шеърнинг мазмуни "Шветашватара-упанишад"да жуда ажойиб тушунтирилган(3.14-15):

*сахасра-ширша нурушаҳ сахасракшаҳ сахасра-пат  
са бхумим вишвато вритва атй-атиштхад дашиангулам  
нуруша эведам сарвам йад бхутам йач ча бхавйам  
утамритатвасйешано йад анненатирохати*

"Парвардигор Вишнунинг минглаган каллалари, минглаган кўзлари, минглаган оёқлари бор. Ўзида бутун оламни мужассам қилган ҳолда У олам чегарасидан ўн бармоқ қалинлигида ташқари чиқади. У *вират-нуруша*, бутун борликнинг мазмун-моҳиятидир. У - мангулик Султони. У озикланиб яшайдиган ҳар бир тирик мавжудотнинг ягона Ҳукмдоридир".

"Чхандогй-упанишад"(5.1.15)да айтилганки, *на ваи вачо на чакишумши на шротрани на манамсити ачакишате прана ити эвачакишате прано хй эваитани сарвани бхаванти* - "Тирик мавжудотнинг тириклигининг энг асосий кўрсаткичи - гапириш, кўриш, эшитиш ва фикрлаш қобилияти эмас, балки ундаги ҳаётини кучдир".

Шунга ўхшаб бутун борлиқни ҳаракатга келтириб турган куч - Парвардигор Васудева, Шри Кришна. Бизнинг танамиз гапириш, кўриш, эшитиш, фикрлаш ва бошқа қобилиятларига эга, лекин агар Парвардигор билан боғлиқ бўлмаса, бу қобилиятларнинг бирортаси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. "Васудева ҳамма жойда мавжуд бўлиб, Ўзида бутун борлиқни мужассам қилиб олгани сабабли мукамал илмга эга бўлган содиқ ўз ихтиёрини биратўла Унга топширади" (Бг.7.17; 11.40).

20. *камаис таис таир хрита-дженанаҳ прападйанте "нйа-деватаҳ  
там там нийамам астхайа пракритйа нийатаҳ свайа*

***Ақлини моддий истаклар олиб кўйган кишилар эса фаришталар паноҳига кирадилар ва Ведалардаги ўзларининг табиатида мос***

## **келадиган қонун-қоидаларга риоя қилиб фаришталарга сизинадилар.**

Изоҳ: Моддий иллатлардан бутунлай покланган киши ўз ихтиёрини Парвардигорга топшириб, Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилади. Токи тирик мавжудотнинг қалбида моддий истаклар илллати қолар экан, Худога садоқат билан хизмат қилиш - унга ғайритабиий, ёқимсиз амал бўлиб туюлади. Аммо, агар инсон қалбидаги моддий истакларга эътибор бермасдан Худонинг паноҳига кириб, ишонч билан Унга хизмат қилишда давом этаверса, унинг моддий табиатга бўлган боғланиши ўз-ўзидан йўқолиб кетади; ҳақиқий мақсадни танлаш билан у моддий лаззатланиш истагидан тезда халос бўлади. "Шримад Бҳагаватам" (2.3.10)да шундай дейилган:

*акамаҳ сарва-камо ва мокиша-кама удара-дхиҳ  
тиврена бҳакти-йогена йаджета пурушам парам*

"Ҳар бир инсон - қалби ҳар қандай моддий истаклардан покланган соф содиқ хизматкор ҳам, қалби моддий истакларга тўла дунёвий одам ҳам, моддий иллатлардан покланишга интилаётган киши ҳам ягона Парвардигор Васудевага сиғиниши лозим".

Ақлдан адашган ва ўзининг руҳий табиатини эсидан чиқариб қўйган одамлар ўзининг дунёвий истакларини амалга ошириш учун фаришталардан паноҳ излайдилар. Одатда ундай одамлар Худонинг Олий Шахсига мурожаат қилмайдилар, чунки улар моддий табиатнинг куйи гуналари(эхтирос ва ғафлат) таъсири остида бўладилар. Ведаларнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиб фаришталарга сиғиниш шарофати билан улар истаган ниятларига дарров эришадилар. Вактинчалик неъматларга алданиб қолган бундай одамлар олий мақсадга қандай эришишни билмайдилар. Аммо, Худонинг содиқ хизматкори тўғри йўлдан бораётган бўлади. Ведаларда муайян бир мақсадга эришиш учун маълум бир фариштага сиғиниш тавсия қилингани сабабли(масалан, саломатликни яхшилаш учун Қуёш фариштасига сиғиниш), Парвардигорга содиқ бўлмаганлар баъзан: "Худонинг Ўзига сиғингандан кўра фаришталарга сиғинган яхши" - деб ҳисоблайдилар. Лекин, соф содиқ шуни биладик, Кришна - барча тирик мавжудотларнинг Олий Ҳукмдори. "Чайтанья-Чаритамрита"(Ади,5.142)да айтилганки: *экале шивара кришна, ара саба бхритйа* - "Фақат ягона хўжайин бор, У - Кришна, Худонинг Олий Шахси, бошқа ҳар қандай мавжудот Унинг хизматкоридир". Шу боис соф содиқ ўзининг дунёвий эҳтиёжларини қондириш учун ҳеч қачон фаришталарга мурожаат қилмайди. У ҳамма нарсада ягона Парвардигорга, Худо Шахсига тавакқал қилади ва Унинг берган неъматларига шукр қилиб яшайди.

21. *йо йо йам йам танум бхактаҳ шраддхайарчитум ичхати  
тасйа тасйачалам шраддхам там эва видадхами ахам*



***Мен Олий Рух сифатида ҳар кимнинг қалбида мавжудман. Инсон у ёки бу фариштага сизинишни истаганида, у ўз ихтиёрини унга топшира олиши учун, Мен унинг шу фариштага бўлган ишончини кучайтираман.***

Изоҳ: Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга маълум даражада мустақиллик бериб қўйган, шунинг учун агар инсон ўзи интилаётган дунёвий лаззатларга фаришталар орқали эришишни истаса, моддий оламнинг Хукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Парвардигор унинг шу ниятига етишига ёрдам беради. Барча тирик мавжудотларнинг Олий Отаси сифатида Парвардигор уларнинг мустақил ҳаракат қилишига халақит бермайди, аксинча дунёвий истакларини амалга оширишда уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Шундай савол туғилиши мумкин: нимага ҳар нарсага қодир Парвардигор тирик мавжудотларга моддий оламда ҳам лаззатланиш имконини бера туриб, уларнинг алдамчи қувват таъсири остига тушиб қолишига йўл қўяди? Жавоб шундай: агар Параматма қиёфасида Парвардигор тирик мавжудотларга шундай имконият бермаса, уларнинг мустақиллиги “ҳақиқий мустақиллик” бўлмайди. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга ўз хоҳиши билан иш тутиш имконини беради, аммо шу билан бирга "Бҳагавад-Гита"да уларга энг олий саодат келтирувчи кўрсатма беради: "Барча дунёвий ниятларингни, ишларингни тарк этиб, ихтиёрингни бутунлай Менга топшир!" Фақат шунда тирик мавжудот ҳақиқий бахтга эришади.

Одамлар ҳам, фаришталар ҳам Парвардигорнинг амрига бўйсуниб яшайдилар, шу боис агар Худо хохламаса ҳеч ким бирор фариштага сиғина олмайди, худди шунингдек, Худонинг розилигисиз бирор фаришта ўзига сажда қилаётган кишига бирор саодат бағишлай олмайди. “Агар Худонинг амри бўлмаса, ҳатто дарахт барги ҳам қимирламайди” дейилган Инжилда. Ведалар одатда моддий жиҳатдан қийналаётган одамларга фаришталарга сиғинишни тавсия қилади. Бирор мақсадга эришиш учун аниқ белгиланган фариштага сажда қилиш керак. Масалан, бемор кишига саломатлигини тиклаш учун Қуёш фариштасига сиғиниш тавсия қилинади, билимдон олим сифатида шуҳрат қозонишга интилаётган киши илм-фан фариштаси Сарасватига сиғиниши, чиройли аёлга уйланишни ният қилган киши Тангри Шиванинг рафикаси - фаришта Умага сиғиниши лозим. Шундай қилиб шастраларда ҳар хил фаришталарга сиғиниш билан боғлиқ кўрсатмалар берилган. Инсон қайсидир дунёвий нарсага эришишни истаганида Парвардигор уни маълум фариштага сиғинишга ундайди, шу тарзда у истаган нарсасига эришади. Маълум бир фариштага бўлган ишонч туйғусини унинг қалбида Парвардигорнинг Ўзи уйғотади. Фаришталар ўзига сиғинаётган одамлар қалбида ишонч, интилиш туйғусини уйғотишга қодир эмаслар, буни фақат Кришна, ҳар кимнинг қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд бўлган ягона Парвардигор амалга оширади. Фаришталар ягона Парвардигорнинг руҳий танасининг айрим қисмлари, шу сабабли улар ҳар жиҳатдан Парвардигорга

боғланган. Ведаларда айтилганки: "Худонинг Олий Шахси Олий Рух кўринишида ҳар бир фариштанинг қалбида ҳам мавжуд бўлиб, уни одамларнинг истагини бажаришга ундайди. Фаришта ҳам, одамлар ҳам ягона Парвардигорнинг амрига бўйсундилар. Улар ўз фаолиятида тўла мустақил эмас".

*22. са тайа шраддхайа йуктас тасйарадханам ихате  
лабхате ча татаҳ каман майаива вихитан хи тан*

***Шундай ишонч билан инсон мазкур фариштага сизинади ва истанган ниятига эришади. Лекин аслида, у эришаётган неъматларнинг барчасини унга Мен Ўзим ато этаман.***

Изоҳ: Парвардигор рухсат бермаса фаришталар ўзига сиғинаётган одамларга бирор неъмат беришга қодир эмас. Инсон аслида ўзи ҳам Худонинг мулки эканини эсидан чиқариши мумкин, лекин фаришталар ҳамиша бунини эсида сақлайдилар. Шундай қилиб, фаришталарга сиғиниш жараёни ҳам, шу сиғинишнинг натижаси ҳам фаришталарга эмас, Парвардигорнинг Ўзига боғлиқ. Гофил одамлар бунини тушунмай, ҳаётда ўз мақсадига эришиш учун фаришталарга сиғинадилар. Улардан фарқли равишда Худонинг соф содиғи ҳар қандай вазиятда ҳам бевосита Парвардигорнинг Ўзига сиғинади. Лекин, соф содиқ ҳеч қачон моддий нарсалар тилаб Худога илтижо қилмайди. Одатда одамлар ўз нафс(эҳтирос)ининг талабларини қондиришини тилаб фаришталарга сиғинадилар. Лекин, одамнинг бундай нопок ниятларини Парвардигор амалга оширмайди. "Чайтанйя-Чаритамрита"да айтилганки, Худога сиғиниб юрган, аммо айни пайтда дунёвий лаззатларга интиладиган киши аслида ўзини ўзи алдаб юрган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ва фаришталарга сиғиниш - умуман бошқа-бошқа амаллардир, чунки фаришталарга сиғиниш - дунёвий фаолият, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш эса бутунлай руҳий, илоҳий фаолиятдир.

Ҳар хил дунёвий истаклар Худонинг мангу даргоҳига интилаётган кишининг руҳий юксалиш йўлида катта қийинчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун, Парвардигорнинг соф содиғи баъзи бировлар ўйлаганидай, ҳеч қачон бирор кишининг моддий неъматларга эришишини тилаб дуои-фотиҳа қилмайди. Шу боис, қалби дунёвий орзу-истакларга тўла одамлар Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишдан кўра моддий олам ишларини бошқариб турган қудратли фаришталарга сиғинишни афзал биладилар.

*23. антават ту пхалам тешам тад бхавати алпа-медхасам  
деван дева-йаджо йанти мад-бхакта йанти мам апи*

***Калтафаҳм одамлар фаришталарга сизинадилар, аммо бундай сиғиниш орқали улар эришадиган натижалар ўткинчи ва арзимас***

***нарсалардир. Фаришталарга сизиниб юрган одамлар фаришталарнинг сайёраларига эришадилар, лекин ўз ихтиёрини Менга топширган одамлар умрининг охирида Менинг олий даргоҳимга эришадилар.***

Изоҳ: "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзган баъзи "билимдон"ларнинг фикрига кўра фаришталарга сиғиниш орқали ҳам инсон Худонинг олий даргоҳига эриша олармиш. Лекин, бу ерда аниқ айтилганки, фаришталарга сиғинадиган одамлар фаришталарнинг даргоҳига борадилар: Куёш фариштасига сиғинадиганлар Куёшга, Ой фариштасига сиғинадиганлар - Ойга, Индрага сиғинадиганлар - Индранинг сайёрасига борадилар. "Фаришталарга сиғиниш орқали ҳам Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришиш мумкин" деб ўйлаш нотўғри. Бу ерда Кришна бундай фикрларни очикдан-очик инкор этипти: фаришталарга сиғинадиганлар уларнинг моддий оламдаги даргоҳига эришадилар, Худонинг содиқлари эса Парвардигорнинг ўзи яшайдиган олий даргоҳга эришадилар.

Бизга эътироз билдириб айтишлари мумкинки, фаришталар Парвардигорнинг рухий танасининг ажралмас бир қисми бўлгани сабабли, фаришталарга сиғинадиганлар ҳам Худонинг соф содиқлари эришган натижага эришадилар. Бунга эътироз билдирувчилар аслида ўзларининг кимлигини кўрсатиб турибдилар: улар хатто тананинг қайси аъзосини озиклантириш кераклигини англай олмайдилар. Уларнинг баъзилари шу қадар ақлсизки, овқатни тананинг ҳар бир аъзоси орқали қабул қилса бўлади, деб ўйлайдилар. Бундай ғояларни тўғри деб бўлмайди. Қайси одам қулоғи ёки кўзлари билан овқат ейди?

Шундай калтафаҳм одамлар аслида фаришталар Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг айрим бўлаклари эканини билмайдилар, ғофиллиги сабабли улар ҳар бир фаришта мустақил равишда Худонинг Ўзи билан тенг деб ўйлайдилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, браҳманлар - Худо Шахсининг калласи, кшатрийлар - Унинг қўллари, вайшйалар - қорни, шудралар эса - оёқлари бўлиб уларнинг ҳар қайси ҳар хил вазифаларни бажаради. Лекин, ким бўлишидан қатъий назар, агар инсон фаришталар ҳам, унинг ўзи ҳам аслида Худо Шахсининг илоҳий танасининг айрим қисмлари эканини тушуниб етса, мукамал илмга эга бўлади. Шунини тушуниб етмаган одам фаришталарнинг сайёраларига эришади, Худонинг содиқлари эса, улардан фарқли равишда, инсон ҳаётининг олий мақсадига эришадилар.

Фаришталарга сиғинишнинг натижаси ўткинчи, чунки моддий оламдаги фаришталар ҳам, уларга сиғинадиган одамлар ҳам, хатто барча сайёралар ҳам, қачон бўлмасин охир-оқибатда барибир яқсон бўлишга маҳкум. Шу боис, бу ерда аниқ айтилганки, фаришталарга фақат ақлдан адашган кишилар сиғинадилар. Аммо Кришна онгига эга бўлган соф содиқ умуман бошқа натижага эришади: Худога холис хизмат қилиш билан шуғулланиб, у илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришади. Парвардигор чексиз, Унинг марҳамати

хам чексиз. Ўзининг соф содиқларига Парвардигорнинг кўрсатадиган карами чексиз.

*24. авйактам вйактим апаннам манйанте мам абуддхайах  
парам бхавам аджананто мамавйайам ануттамам*

***Ақл-идрокидан махрум бўлган ва аслида Менинг ким эканимни билмайдиган одамлар Мени - Худонинг Олий Шахси Кришна аввал шахс бўлган эмас, энди шахс бўлди, деб ўйлайдилар. Илми саёзлиги сабабли улар Менинг олий, мутлақ ва ўзгармас табиатга эга Зот эканимни тушунмайдилар.***

Изоҳ: Фаришталарга сиғинадиган одамларда теран фикрлаш қобилияти етишмаслиги айtilган эди, бу ерда имперсоналистлар ҳақида ҳам шундай дейилган. КришнаЎзининг шахсий қиёфасида Аржуннинг олдида турибди, у билан суҳбатлашяпти, шунга карамай ғофил имперсоналистлар "Парвардигор Ўзининг олий кўринишида бирор қиёфага, шакл-шамойилга эга эмас" деб даъво қилаверадилар. Бу ҳақда Рамануджа-ачарйа сампрадайаси(сулуги)га мансуб бўлган Худонинг буюк содиқ хизматкори, Ямуначарйа ажойиб бир шеър ёзган:

*твам шила-рупа-чаритаиҳ парама-пракриштаиҳ  
саттвена саттвикатайа прабалаиши ча шастраиҳ  
пракхйата-даива-парамартха-видам матаиши ча  
наивасура-пракрिताйах прабхаванти боддхум*

"Эй Парвардигор, Вйасадева ва Нарада сингари содиқлар Сен - Худонинг Олий Шахси эканингни биладилар. Ведавий муқаддас китобларни ўрганиш туфайли Сенинг сифатларинг, қиёфаларинг ва кароматларингни билиб олиш, шу тариқа Сен - Худонинг Олий Шахси эканингни англаб етиш мумкин. Аммо, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида юрган иймонсиз иблислар ҳеч қачон Сени англаб ета олмайдилар. Улар бунга муносиб эмаслар. Упанишадлар, "Веданта" ва бошқа муқаддас китоблардаги илмни қанчалик моҳирлик билан муҳокама қилмасинлар, улар ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсини англаб ета олмайдилар"(Стотраратна,12).

"Брахма-самхита"да ҳам айtilганки, шунчаки Ведаларни ўрганиш билан ягона Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини англаб бўлмайди. Инсон фақат Худонинг марҳамати билангина бунга эришиши мумкин. Шунинг учун "Бхагавад-Гита"нинг мазкур шеърда фақат фаришталарга сиғинадиганлар эмас, ҳатто Ведаларни ўрганиб юрган, Ведалар ҳақида ҳар хил мулоҳаза юритадиган, лекин ўзлари аслида иймонсиз даҳрий бўлган олимлар ҳам "чуқур мулоҳазага эга бўлмаган ақлсиз одамлар" деб аталган. Қалбида Кришна онгидан асар ҳам йўқлиги сабабли улар Парвардигорнинг шахсий

табиатини англаб етишга қодир эмаслар. “Мутлақ Ҳақиқат шахс сифатига эга эмас” деб ҳисоблайдиган одамлар бу ерда *абуддхайаҳ* (“ақлини йўқотган”) деб аталган, чунки улар Мутлақ Ҳақиқатнинг олий кўриниши(аспекти) ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. “Шримад Бхагаватам”да айтилганки, Парвардигорни англаш шахсиятсиз Браҳманни англашдан бошланади, Худони англашнинг ундан кейинги поғонаси - ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух - Параматмани англаб етиш, ундан кейин Мутлақ Ҳақиқатнинг олий аспекти - Худонинг Олий Шахсини, Кришнани англаб етиш мумкин.

Ҳозирги даврдаги имперсоналистлар ҳам Кришна айтган ўша одамлардан ақлли эмас: улар ҳатто ўзларининг буюк доҳийлари Шанкарарайанинг гапларини ҳам инкор этадилар. У: “Кришна - Худонинг Олий Шахси” - деб айтган эди. Олий Ҳақиқат ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, имперсоналистлар Кришнани “оддий бир шахзода”, “Васудева билан Девакининг ўғли” деб, ёки “ўз даврининг буюк қахрамони бўлган қудратли тарихий шахс” деб ҳисоблайдилар. Ана шундай фикрлар ҳам “Бхагавад-Гита”да инкор этилган: *аваджананти ма мудха манушим танум ашритам* - “Фақат аҳмоқлар Мени “оддий инсон” деб ҳисоблашлари мумкин”.

Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, инсон ўз қалбида Кришна онгини ривожлантирмай, Унга садоқат билан хизмат қилмай туриб ҳеч қачон Кришнани англай олмайди. “Шримад Бхагаватам”(10.14.29) буни шундай тасдиқлайди:

*атхати те дева падамбуджа-двайа  
прасада-лешанугрихита эва  
джанати таттвам бхагаван махимно  
на чанйа эко "ни чирам вичинван*

"Эй Парвардигор, муқаддас нилуфар қадамларинг пойининг атиги бир томчи марҳаматига сазовор бўлган киши Сенинг ҳақиқий улуғворлигини англаб етади. Аммо, фақат ўз тафаккурининг кучига ишониб Худонинг Олий Шахсини англашга интилаётган киши ҳатто узоқ йиллар давомида Ведаларни ўрганиш билан машғул бўлса ҳам Сени англай олмайди”.

Парвардигор Кришнани, Унинг қиёфасини, сифатларини ва номини англаб етиш учун фақат Ведаларни ўрганишнинг ёки фалсафий фикр юри-тишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан бевосита хизмат қилиш керак. Худонинг Олий Шахсини фақат Кришна онгидаги фаолият билан бутунлай машғул бўлиб юрган киши англай олади. Кришна онгидаги фаолият энг аввало қуйидаги буюк мантрани зикр қилиб юришдан бошланади:

*Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

Иймонсиз имперсоналистлар “Кришнанинг танаси моддий унсурлардан тар-

киб топган" деб айтадилар, улар: "Кришнанинг кароматлари, киёфаси ва У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг барчаси - *майя*, яъни алданиш келтириб чиқарган уйдирма" - деб ҳисоблайдилар. Ана шундай имперсоналистларни "маявадилар" деб атайдилар. Уларга Олий Ҳақиқат маълум эмас.

Шу бобнинг йигирманчи шеърида аниқ айтилганки, *камаис таис таир хрита-джанаҳ прападийанте "ниа-деватаҳ* - "Эхтирос домига тушиб алданиб қолган одамлар ўз ихтиёрини фаришталарга топширадилар". Маълумки Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида жуда кўп фаришталар бўлиб, улар коинотнинг ҳар хил сайёраларини бошқариб турадилар. Парвардигорнинг ҳам Ўз сайёраси бор. Йигирма учинчи шеърда Кришна шундай дейди: *деван-дева-йаджо йанти мад-бхакта йанти мам апи*. Фаришталарга сиғинадиганлар ана шу фариштанинг сайёрасига борадилар, Кришнанинг содиқлари эса, Кришналока сайёрасига эришадилар. Мана шу аниқ маълумотларга қарамай, ғофил имперсоналистлар: "Парвардигор шакл-шамоилга эга эмас, Унинг киёфалари сароб, алдамчи киёфалардир" - деб ҳисоблашда давом этаверадилар. Лекин, "Бҳагавад-Гита"ни диққат билан ўргана туриб, "фаришталар шахс эмас, уларнинг даргоҳлари эса ҳеч қандай шаклга эга эмас" - деган хулоса чиқаришнинг иложи борми? Бизлар учун аниқ равшанки Кришна, Худонинг Олий Шахси ҳам, фаришталар ҳам, шахсиятсиз эмас; Уларнинг ҳар бири - алоҳида шахс: Кришна - Худонинг Олий Шахси, Унинг алоҳида Ўз сайёраси, фаришталарнинг ҳам ўз сайёралари бор.

Шундай қилиб монистларнинг ҳаёт ҳақидаги: "олий ҳақиқат ҳеч қандай шаклга эга эмас, ҳар қандай шакл - алданиш натижаси, хом-хаёл" - деган тасаввурлари умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Мана шу шеърлардан аниқ равшан кўриниб турибдики, шакллар, киёфалар ҳечам алданиш натижаси эмас. "Бҳагавад-Гита"дан биз биламизки, фаришталарнинг киёфалари ҳам, Кришнанинг илоҳий киёфаси ҳам бир вақтнинг ўзида мавжуд: Кришнанинг танаси - *сач-чид-ананда*, илм ва лаззатга тўла ва мангу. Ведаларда яна айтилганки, Олий Мутлақ Ҳақиқат ўзининг табиатига кўра лаззатга тўла (*ананда-майо "бхйасат*) ҳамда сон-саноксиз илоҳий сифатларга эга. "Бҳагавад-Гита"нинг бошқа бир шеърида Парвардигор айтадики, гарчи У *аджа*(туғилмаган) бўлса ҳам барибир "туғилади", дунёга келади. "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиш давомида биз англаб етишимиз лозим бўлган ҳақиқатлар мана шулардан иборат. "Бҳагавад-Гита"ни ўргана туриб, "Ҳудо - шахс эмас" деган хулосага келишнинг иложи йўқ. "Бҳагавад-Гита" таълимотига кўра, имперсоналистлар амал қилаётган монизм фалсафаси - нотўғри таълимот. Олий Мутлақ Ҳақиқат, Кришнанинг киёфаси мавжудлиги ва Унинг Ўзи шахс эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

25. *нахам пракашаҳ сарвасйа йога-майа-самавритаҳ  
мудхо "йам набхиджанати локо мам аджам авйайам*

***Мен ҳеч қачон нодон ва гофил одамларга Ўзимни намоён қилмайман. Мени улардан ички қувватим яшириб туради, шу боис***

## **улар Менинг тугилмас ва туганмас Зот эканими билмайдилар.**

Изоҳ: Кимдир савол бериши мумкин: Кришна Ер юзида юрган пайтда Уни ҳамма кўра олган, нимага У: “Мен Ўзимни ҳаммага бирдай ошкор этавермайман!” - деб айтяпти? Аслини олганда Кришна шу вақтда ҳам Ўзини барчага бирдай ошкор этмаган. Ер юзида юрган пайтда Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини камдан-кам одам билган. Курулар мажлисида Шишупала гапга чикиб, мажлисда энг ҳурматли жойга Кришнаўтиришига норозилик билдирганида, Бҳишмадева Кришнанинг ёнини олиб, У - ягона Парвардигор, Худо Шахси эканини эълон қилган. Кришна Олий Худо Шахси эканини фақат Пандузодалар ва яна бир неча одамлар билган, холос. Бу ҳақиқатни ҳамма билган эмас. Парвардигор ўшанда ҳам Ўзини оддий, ғофил ва иймонсиз одамларга ошкор этмаган. Шунинг учун "Бҳагавад-Гита"да Кришна айтадики, соф содиқлардан бошқа барча одамлар Уни “оддий одам” деб ўйлайдилар. У фақат Ўзининг содиқларигагина “туганмас лаззат манбаи” сифатида Ўзини намоён этган. Бошқа одамлардан эса, айниқса ғофил, иймонсиз одамлардан ички қуввати Уни яшириб туради.

"Шримад Бҳагаватам"(1.8.19)да малика Кунти ўз илтижоларида: “Парвардигор *йога-майя* пардаси билан Ўзини одамлар кўзидан тўсиб қўйган, шу сабабли оддий одамлар Уни англай олмайдилар” - дейди. Йога-майянинг мана шу пардаси ҳақида "Ишопанишад"(15)да ҳам айтилган, унда содиқ Парвардигорга илтижо қилиб шундай дейди:

*хиранмайена патрена сатйасйапихитам мукхам  
тат твам пушанн апаврину сатйа-дхармайя дриштайе*

"Эй Парвардигор, Сен - бутун оламнинг эгасисан, Сенга садоқат билан хизмат қилиш - энг олий фаолият, энг олий дин. Шу боис Сендан илтижо қиламан: мени ҳам Ўз паноҳингда асра! Сенинг илоҳий қиёфанг ички қувватинг - *йога-майя* пардаси билан тўсилган. Ана шу парда - *Брахмадэйти*. Менга Сенинг *сад-чит-ананда-виграха* - илм ва лаззатга тўла қиёфангни кўриш имконини бермаётган, илоҳий нур сочиб турган ана шу пардани олиб ташла!"

Парвардигор Ўзининг руҳий, илм ва лаззатга тўла мангу қиёфасида биздан *Брахмадэйти*, яъни Ўзининг ички қуввати ёрдамида тўсилган, шу сабабли ғофил имперсоналистлар Парвардигорни яққол кўришга қодир эмаслар.

"Шримад Бҳагаватам"(10.14.7)да Тангри Брахма Кришнага шундай илтижо қилади: "Эй Худонинг Олий Шахси, эй Олий Рух, эй барча сеҳр қудратининг Ҳукмдори, бу дунёда ким ҳам Сенинг қудратингни ва эрмакларингни англай оларди? Сенинг ички қувватинг тинмасдан кучайиб боради, шу сабабли Сени ҳеч ким англай олмайди. Буюк олимлар коинотдаги барча атомларни санаб чиқишлари мумкин, аммо улар Сенинг сон-саноксиз илоҳий сифатларингни санаб охирига ета олмайдилар, Сенинг қувватинг қудратини

ўлчашга ҳеч ким қодир эмас". Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна нафақат тугилмаган, У - *авйайа*, туганмас ҳамдир. Унинг мангу қиёфаси илм ва лаззатга тўла, Унинг қуввати эса, ҳақиқатан ҳам туганмас, чексиз.

*26. ведахам саматитани вартаманани чарджуна  
бхавишийани ча бхутани мам ту веда на кашчана*

***Эй Аржун, Худонинг Олий Шахси сифатида Мен аввал бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва келажакда рўй берадиган ҳамма нарса-ни биламан. Шунингдек, Мен барча тирик мавжудотларни биламан, Мени эса ҳеч ким билмайди.***

Изоҳ: Бу ерда Муглак Ҳақиқатнинг шахс ёки шахс эмаслиги яна ҳам аниқроқ таърифлаб берилган. Агар, Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг танаси имперсоналистлар айтганидай алданиш, яъни моддий унсурлардан таркиб топган бўлса, У ҳам оддий тирик мавжудотлар сингари бир танадан иккинчи танага ўтиб юрган бўлар, аввалги танасида қандай воқеалар рўй берганини эсидан чиқарган, ҳозирги ҳаёти нима билан тугашини ҳам, кейинги ҳаёти қандай бўлишини ҳам билмаган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, оддий тирик мавжудот на ўтмишини, на ҳозирини ва на келажagini билишга қодир эмас. Бундай илмга фақат моддий иллатлардан бутунлай покланган илоҳий зот эга бўлади.

Кришна аниқ айтяптики, оддий инсонлардан фарқли равишда У аввал бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва келажакда бўладиган ҳамма нарса билади. Тўртинчи бобда Парвардигор айтган эдики, У бир неча миллион йиллар аввал Қуёш фариштаси Вивасванга йога илмини ўргатганини билади. Кришна ҳар бир тирик мавжудотни билади, чунки У Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Лекин, гарчи У - ҳар кимнинг қалбида мавжуд Олий Рух, Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, ақли заиф одамлар шахсиятсиз Браҳманни англай оладилар-у, мана шу буюк ҳақиқатни англаб ета олмайдилар.

Кришнанинг трансцендент, илоҳий танаси ўзгармас. Парвардигор қуёшга, *майя* эса - булутга ўхшайди. Баъзида булут бизнинг кўзимиздан қуёшни, ойни ва юлдузларни анча вақтгача тўсиб қўйиши мумкин. Лекин, аслида бизнинг кўриш қобилиятимиз муқаммал бўлмагани сабабли шундай ҳолат рўй беради. Аслида қуёш, ой ва юлдузлар умуман тўсилмаган. Худди шундай, ҳеч қачон *майя* Парвардигорни бутунлай тўсиб қўя олмайди. У ғофил одамларга Ўзини аён этмаслик учун ички қувватидан фойдаланади. Бу бобнинг учинчи шеърда тушунтирилганидай, миллионлаган одамлар орасида фақат биргина одам руҳий баркамолликка интилади, баркамолликка эришган минглаб одамлар ичидан эса биргина киши Кришнани ҳақиқатан ҳам англаб етиши мумкин. Ҳатто шахсиятсиз Браҳманни ёки ҳар кимнинг қалбидаги Параматмани англаб етишда камолотга эришган киши ҳам, агар



қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, Худонинг Олий Шахси, Кришна-ни англай олмайди.

*27. иччха-двеша-самуттхена двандва-мохена бхарата  
сарва-бхутани саммохам сарге йанти парантапа*

***Эй Бхарат авлоди, эй душманлар золиби, барча тирик мавжудотлар бу дунёга келиб, истак ва нафрат туйғусидан келиб чиқадиган алдамчи қарама-қаршиликлар таъсири остига тушиб қоладилар.***

Изоҳ: Ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот ҳамиша Ўзида пок, мукамал илми мужассам этган Парвардигорнинг ҳукми остида бўлади. Тирик мавжудот қалбидаги пок илмини тўсиб қўядиган алданиш таъсирига тушиб қолганида алдамчи қувватнинг қулига айланади ва Худони англай олмайдиган бўлиб қолади. Алдамчи қувват бу дунёда ўзини турли қарама-қаршиликлар, яъни истак ва нафрат туйғулари кўринишида намоён этади. Истак ва нафрат ҳукмронлиги остида ғофил одамлар ягона Парвардигор билан тенглашмоқчи бўладилар, улар ҳатто “Кришна - Худонинг Олий Шахси” деган фикрдан ҳам нафратланадилар. Алданиш ҳукмидан озод бўлган, истак ва нафрат туйғуларидан покланган соф содиқлар шуни биладиларки, Кришна бу оламга Ўзининг ички қувватининг қудрати ёрдамида ташриф буюради. Аммо ғафлат ва қарама-қаршиликлар таъсирида кўзлари ҳеч нарсани кўрмайдиган калтафаҳм одамлар Худонинг Олий Шахсини "моддий қувват яратган зот" деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бахтсизлиги ҳам мана шунда. Алданиш натижасида шундай одамлар шон-шухрат ва шармандалиқ, бахт ва мусибат, яхшилик ва ёмонлик сингари қарама-қарши тушунчалар доирасидагина фикр юрита оладилар. Биров ўзини "эркак" деб билади, биров эса "аёл" деб. "Бу менинг уйим, бу менинг хотиним. Мен уйимда хўжайинман. Мен шу аёлнинг эриман" - деб ўйлайди улар. Қарама-қарши тушунчалар олами ана шундай. Алдамчи қарама-қаршиликлар адаштириб қўйган тирик мавжудотлар тўғри фикр юритиш қобилиятидан маҳрум бўлиб, Худонинг Олий Шахсини англай олмайдилар.

*28. йешам тв анта-гатам папам джананам пунйа-карманам  
те двандва-моха-нирмуқта бхаджанте мам дридха-вратах*

***Авалги ва ҳозирги ҳаётида эзгу ишлар қилиб юрган, гуноҳ ишларни биратўла тарк этган киши ҳаётнинг алдамчи қарама-қаршиликлари таъсиридан халос бўлади ва қатъият билан ўзини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди.***

Изоҳ: Бу ерда қандай одам илоҳий поғонага кўтарила олиши тушунтирилган. Гуноҳкорлар, иймонсиз дахрийлар, ғофил нодонлар ҳамда иккиюзламачи

одамларнинг карама-қаршиликлар чангалидан қутулиши, яъни қалбини қамраб олган истак ва нафрат туйғуларидан халос бўлиши жуда мушкул. Фақат жуда кўп умрлар давомида ҳақиқий дин қоидаларига риоя қилиб, эзгу ишлар қилиб юрган ва барча гуноҳ ишлари оқибатидан бутунлай халос бўлган кишигина Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши ва аста-секин Худонинг Олий Шахси ҳақида мукаммал, пок илмга эга бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан ана шундай одамлар Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бутунлай ғарқ бўладилар ва транс, яъни илоҳий жазаво ҳолатига эришадилар. Шу тарзда улар руҳий поғонага кўтариладилар. Бундай поғонага Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш, соф содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш натижасида кўтарилиш мумкин, чунки ана шундай суҳбатлар инсонни алданиш чангалидан халос этади.

"Шримад Бҳагаватам"(5.5.2)да айтилганки, ҳақиқатан ҳам моддий олам тутқунлигидан қутулишни истаган киши Худонинг содиқ хизматкорларига хизмат қилиши лозим(*махат-севам дварам ахур вимуктеш*); аксинча ҳамиша иймонсиз материалист одамлар билан ҳамсухбат бўлиб юрган одамлар ўзларига келажакда моддий оламнинг энг қоронғи дўзахларидан жой тайёрлайдилар(*тамо-дварам йошитама санги-сангам*). Худонинг содиқ хизматкорлари ягона мақсадни кўзлаб жаҳон бўйлаб саёҳат қилиб юрадилар: уларнинг мақсади - шартланган руҳларни мана шу алданиш чангалидан озодликка чиқариш. Ўзларининг ҳақиқий табиатини унутиб қўйган тирик мавжудотлар ягона Парвардигорнинг, Худо Шахсининг ҳукми остида эканини тан олгилари келмайди, шу сабабли Худонинг қонунларига зид равишда ҳар хил оғир гуноҳ ишлар қилиб юрганини имперсоналистлар тушунмайдилар. Фақат ўзининг азалий, ҳақиқий ҳолатини эслаш, англаб етиш натижасидагина тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсини англай олади ва қатъий ишонч билан умрини Худога илоҳий хизмат қилишга бағишлайди.

29. *джара-марана-моксиайа мам ашритйа йатанти йе те Браҳма тад видух критснам адхйатмам карма чакшилам*

***Кексалик ва ажал тутқунлигидан озод бўлишга интилаётган ана шундай чуқур тафаккурли инсонлар Мендан паноҳ топадилар ва муҳаббат билан Менга хизмат қиладилар. Аслини олганда улар аллақачон Браҳмандалар, чунки улар - руҳий фаолият қонунларини мукаммал англаб етганлар.***

Изоҳ: Туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар моддий тана билан боғлиқ жараёнлардир, уларнинг руҳий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Руҳий тана туғилмайди, ўлмайди, қаримайди ва касал бўлмайди. Шу боис, Парвардигорнинг яқин хизматкорларидан бири бўлиб, руҳий танага эга бўлган, Унга садоқат билан мангу хизмат қилиш имкониятига эга бўлган киши ҳақиқий озодликка эришган бўлади. *Ахам Браҳмасми*. "Мен - асл табиатимга кўра

руҳман". Шастраларда айтилганки, тирик мавжудот ўзининг *Брахман*, яъни мангу руҳ эканини англаб олиши лозим. Аслида ўзининг *Брахман* эканини англаб етиш ҳам Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг таркибий қисмидир. Соф содиқлар ҳамиша илоҳий, руҳий поғонада, яъни Браҳман поғонасида бўладилар ва руҳий фаолиятнинг барча қонуналарини яхши биладилар.

Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш йўлига кириб, қалбида моддий истақлари бўлган тақводор зотларнинг тўрт тоифаси истаган ниятига етадилар. Худонинг марҳамати билан моддий истақлардан покланиб, Кришна онгига эга бўлганида, уларга Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлиб, руҳий лаззатдан роҳатланиб яшаш ҳуқуқи берилади. Фаришталарга сиғинадиганлар эса, ҳеч қачон Парвардигорнинг сайёрасига эришиб, У билан бевосита ҳамсуҳбат бўла олмайдилар. Ҳатто шахсиятсиз Браҳманни англашга интилиб юргани сабабли “ақли паст” деб ҳисобланадиган зотларга ҳам Кришнанинг олий сайёрасига - Кришналоқага, Голока Вриндаванага кириш ман қилинган. Аслини олганда “Браҳманни англаб етган зот” деб, фақат Кришна онги билан фаолият кўрсатиб юрган кишини айтиш мумкин (*мам ашритйя*), чунки у Кришнанинг олий даргоҳига эришишга интилади. Шундай содиқ Кришнанинг илоҳий ҳолати ҳақида ҳеч қандай гумонларга бормайди, шу сабабли у аллақачон Браҳман даражасига кўтарилган бўлади.

Ҳатто, Парвардигорга Унинг *арча(Илоҳ)* киёфаси орқали сиғиниб юрган ёки моддий тутқунликдан қутулиш учунгина Унинг киёфасига муроқабат қилиш билан шуғулланиб юрган одам ҳам Худонинг марҳамати билан Браҳман ва моддий олам (*адхибхута*) ҳақида мукамал илмга эга бўлади. Бу ҳақда Парвардигор кейинги шеърда айтади.

30. *садхибхута*дхидавам мам *садхи*аджнам ча йе видуҳ  
*праяна-кале "ни ча мам те видур йукта-четасах*

***Ҳамиша Мени ўйлаб юрадиган, Мен, яъни Парвардигор - моддий коинотнинг ҳукмдори, барча фаришталар ва қурбонлик маросимларининг эгаси эканимни тушуниб етган киши ҳатто ўлим тўшагида ётганида ҳам Мени, Худонинг Олий Шахсини англай олади.***

Изоҳ: Кришна онги билан яшайдиган киши Худонинг Олий Шахсини англашга, ҳамиша Худони эслаб юришга олиб борадиган йўлни ҳеч қачон тарк этмайди. Кришна онгига эга бўлган содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб инсон, Парвардигор - бутун моддий оламнинг ва фаришталарнинг ягона Эгаси ва Ҳукмдори эканини тушуниб етади. Ана шундай илоҳий суҳбатлар шарофати билан у аста-секин қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан чуқур ишонч, иймон ҳосил қила бошлайди. Шундай инсон қалбида Кришна онгини ривожлантириб ҳеч қачон, ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам Кришнани эсидан

чикармайди. Танасини тарк этганидан кейин эса, Худонинг мангу даргоҳига, Голока Вриндаванага эришади.

"Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобида инсон қандай қилиб ўзининг қалбида тўла Кришна онгини ривожлантира олиши тушунтирилган. Бунинг учун энг аввало Кришна онгига эга бўлган одамлар билан тез-тез ҳамсухбат бўлиб юриш керак. Шундай суҳбатлар руҳий поғонада бўлади ва инсонга бевосита Кришна билан боғланиш имкониятини беради. Шунда Парвардигорнинг марҳамати билан инсон Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англай олади. Айни пайтда у тирик мавжудотнинг мангу руҳий табиати ҳақидаги илмга эга бўлади ва Кришнани унутгани сабабли тирик мавжудот ҳозир моддий фаолият чангалига тушиб, қийналиб юрганини билиб олади. Содиқлар билан ҳамсухбат бўлиш натижасида инсон аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантира боради ва Кришнани эсидан чиқариб, ўзи ҳозир моддий табиат қонунлари ҳукми остига тушиб қолганини тушуниб этади. У яна шуни билиб оладики, фақат инсон танасидаги ҳаётгина унга қалбида Кришна онгини қайта тиклаш имконини беради. Инсон Парвардигорнинг марҳаматига эришиш учун ана шу нодир имкониятни қўлдан бой бермаслиги лозим.

Бу бобда жуда кўп саволлар муҳокама қилинди: ҳаётда қийналиб юрган одамлар, кизиқувчанлар, моддий муҳтожликка учраганлар, Брахман ва Параматмани англаш, туғилиш, ўлиш ва касалликлар асирлигидан озодликка чиқиш, Худога сифиниш ва хоказо. Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга бўлган кишини руҳий ўзликни англашнинг бошқа усуллари қизиқтирмайди. У ҳаётда фақат Кришна онги билан яшайди, шу тарзда ўзининг асл ҳолатига, Кришнанинг мангу хизматкори ҳолатига эришади. Ўзининг бутун умрини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одам Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида, Уни шарафлаб қуйлаётганида чексиз руҳий лаззат олади. Ҳаётда шундай яшаш шарофати билан у ўзи интилаётган орзуларининг ҳаммасига эриша олишига аниқ ишонади. Ана шундай қатъий ишонччи *дридха-врата* деб атайдилар, шу ишонч бҳакти-йоганинг, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишнинг асосини ташкил этади. Барча муқаддас китоблар инсонни ана шундай хулосага олиб келади. "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобидаги илм инсон қалбида ана шундай қатъий ишонч, чуқур иймонни шакллантиради.

*"Бхагавад-Гита"нинг "Мутлақ Ҳақиқат илми" деб аталадиган еттинчи бобида Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Саккизинчи боб.**

### **Худонинг даргоҳига эришиш**

*1. арджуна увача*

*ким тад Браҳма ким адхйатмам ким карма пурушоттама  
адхибхутам ча ким проктам адхидаивам ким учйате*

***Аржун деди: Эй Парвардигор, эй Олий Шахс, Браҳман дегани нима? Алоҳида рух, "Мен" дегани нима? Оқибат келтирадиган фаолият деб нимани айтадилар? Моддий олам ўзи нима? Фаришта-лар кимлар? Илтимос, шулар ҳақида гапириб бер.***

Изоҳ: Бу бобда Кришна Аржуннинг: “Браҳман деган ким?” - деган саволидан бошлаб барча саволларига жавоб бера бошлайди. Шунингдек, У кармали фаолият ҳақида, сеҳрли йога усули билан аралаш Худога хизмат қилиш ҳақида, Худога соф садоқат билан холис хизмат қилиш ҳақида гапириб беради. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг уч

кўриниши мавжуд: *Брахман*, *Параматма* ва *Бхагаван*. Тирик мавжудотни, яъни алоҳида руҳни ҳам “Брахман” деб атайдилар. Бундан ташқари Аржун Кришнадан *атма* ҳақида сўраяпти, бу ибора руҳни, танани ва ақлни ифода-лаши мумкин. Ведавий луғатга кўра *атма* ибораси бир неча маънони англа-тади: ақл, руҳ, тана ва ҳиссиёт.

Аржун бу ерда Кришнани Пурушоттама, яъни “Олий Шахс” деб атай-пти. Бу шундан далолат берадики, бундай саволлар билан у оддий одамга, яъни шунчаки ўзининг дўстига эмас, балки ҳар қандай саволга жавоб бериш-га кодир бўлган Худонинг Олий Шахсининг Ўзига муурожаат қилаяпти.

*2. адхийаджнаҳ катхам ко “тра дехе “смин мадхусудана  
праяна-кале ча катхам джнейо “си нийататмабхиҳ*

***Эй Мадхусудана, “қурбонликлар эгаси” деб кимни айтадилар,  
қандай қилиб У мана шу тана ичида мавжуд бўлади? Худога  
садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ажали етганда қандай  
қилиб Сени эслай олади?***

Изоҳ: “Қурбонликлар эгаси” деб Вишнуни ҳам, Индрани ҳам айтадилар. Вишну асосий фаришталарнинг шу жумладан Браҳма, Шиванинг ҳам ҳукмдори, Индра эса моддий оламнинг ҳар хил соҳаларини бошқариб турган фаришталарнинг ҳукмдори. Одамлар Вишнуга ҳам, Индрага ҳам яғйа, қурбонлик маросими ўтказиш билан сиғинадилар. Аммо, бу ерда Аржун қурбонликларнинг ҳақиқий эгаси кимлигини, қандай қилиб Парвардигор тирик мавжудотнинг танаси ичида мавжуд бўлишини сўраяпти.

Аржун бу ерда Парвардигорни *Мадхусудана* деб атайпти, чунки бир куни Кришна *Мадху* деган иблисни ўлдирган эди. Аслини олганда Аржун-нинг бераётган саволлари одамда шубҳа уйғотади. Аржуннинг хаёлида бун-дай саволларнинг пайдо бўлиши мумкин эмасди, чунки у Кришна онгига тўла эга бўлган Худонинг содиқ хизматкори. Инсон қалбида пайдо бўладиган ҳар хил шубҳа, гумонлар ҳам худди иблисларга ўхшайди, Кришна иблисларни моҳирлик билан яқсон қилишни яхши билгани учун Аржун Уни *Мадхусудана* деб, Ундан ўзининг қалбида пайдо бўлган “гуноҳ” иблисини ҳам ўлдиришни илтимос қилапти.

Бу ерда ишлатилган *праяна-кале* ибораси муҳим аҳамиятга эга: биз бутун ҳаётимиз давомида нимага эришган бўлсак, ҳаммаси ажалимиз етганда ошкор бўлади. Аржун ҳаётда хамиша Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшаган киши умрининг охирида қандай натижага эришишини билгиси келяп-ти. Шундай одамлар ажали етганда ҳар бир инсон албатта ўтадиган энг охи-р-ги синовдан қандай ўтадилар? Одамнинг ажали етганда тананинг бутун фао-лияти ишдан чиқади, ақл каттиқ ташвишга тушади. Шундай ҳолатга тушган одам Худони бутунлай эсидан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Худонинг буюк содиқ хизматкори Махараж Кулашекхара ўзининг илтижоларида шун-

дай деганди: "Эй Худойим, мен ҳозирнинг ўзидаёқ - аъзои-баданим соппа-соғ, ақлим оққуши Сенинг нилуфар қадамларинг пойига йўл топган пайтда ўлишни истайман". Оққушлар одатда сув юзида нилуфар гуллари билан ўйнаб юрадилар. Бундай эрмаклар уларга жуда ёқади. Ана шу ўхшатишдан фойдаланиб, Махараж Кулашекхара Худого шундай илтижо қилади: "Ҳозир мен соппа-соғман, ақлим жойида. Агар мен ҳозирнинг ўзида, Сенинг нилуфар қадамларинг пойини эслаб ўлсам, албатта Худого садоқат билан хизмат қилишнинг олий мақсадига эришсам керак. Агар мен табиий ажалим келишини кутиб юрсам, умрим охирида қандай аҳволга тушиб қолишимни билмайман. Чунки қариганда танам ишдан чиқади, нафасим қисилади, Сенинг муқаддас номингни тилга олишимга кўзим етмайди. Шу боис, ҳозирок ўлишимга рухсат бер!" "Бҳагавад-Гита"нинг мазкур шеърида ҳам Аржун, инсон ажали етганда қандай қилиб ақлини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиши мумкинлиги ҳақида сўрапти.

*3. ири бхагаван увача  
акшарам Браҳма парамам свабхаво "дхйатмам учъайте  
бхута-бхаводбхаво-каро висаргаҳ карма-самджнитаҳ*

***Худонинг Олий Шахси деди: Бузилмас илоҳий тирик мавжудотни "Браҳман" деб атайдилар, алоҳида руҳ(адхйатма), "мен" эса унинг мангу табиатидир. Тирик мавжудотнинг келгуси ҳаёти учун ўзига моддий тана яратиш жараёни - карма, яъни "оқибат келтирадиган фаолият" деб аталади.***

Изоҳ: Браҳман ҳеч қачон йўқолмайди, у мангу мавжуд ва ҳеч қачон ўз табиатини ўзгартирмайди. Браҳмандан юқорида ПараБраҳман туради. Браҳман - алоҳида руҳ, яъни тирик мавжудот, ПараБраҳман - Худонинг Олий Шахси. Тирик мавжудотнинг асл ҳолати унинг моддий оламдаги ҳолатидан фарқ қилади. Моддий онгга эга бўлган тирик мавжудот модда устидан ҳукмронлик қилмоқчи бўлади. Тирик мавжудот руҳий онгга, яъни Кришна онгига эга бўлганда Кришнага хизмат қилади. Моддий онг таъсири остига тушиб қолган тирик мавжудот бу дунёда бир моддий танадан иккинчи моддий танага ўтиб юришга мажбур бўлади. Унинг фаолияти *карма*, яъни "моддий онг таъсири остида келажак ҳаёти учун моддий таналар яратиш" деб аталади.

Ведаларда алоҳида тирик мавжудот баъзида *дживатма*, баъзида *Браҳман* деб аталган, лекин ҳеч қачон у ПараБраҳман деб аталмаган. *живатма* ҳар хил ҳолатда бўлиши мумкин: баъзан моддий табиат ҳукми остига тушиб ўзини моддага қиёслайди, баъзан эса, ўзини олий, руҳий табиатга мансуб деб ҳисоблайди. Шу боис *живатма* Парвардигорнинг "оралик қуввати" деб атлади. Ўзини қайси табиатга - руҳий табиатга ёки моддий табиатга мансуб деб ҳисоблашига қараб, тирик мавжудот руҳий ёки моддий танага эга бўлади. Моддий оламда яшар экан у ҳар хил таналарга эга бўлади.

Моддий таналар ҳар хил шаклда бўлиб, 8.400.000 турга бўлинади. Лекин, рухий оламда тирик мавжудотнинг фақат битта, ўзгармас рухий танаси мавжуд. Моддий оламда ўзининг кармасига қараб тирик мавжудот инсон танасида, фаришта танасида, қуш, ҳайвон ва ҳоказо таналарда мужассам бўлиши мумкин. Моддий оламда жойлашган жаннатий сайёраларга эришиб, чуқур ҳиссий лаззатларга берилиш учун инсон аҳён-аҳёнда ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказади. Аммо қилган савоб ишларининг натижалари ниҳоясига етганида, у яна Ер сайёрасига қайтиб, инсон танасида туғилади. Карма қонуни моддий оламда ана шундай ҳаракат қилади.

Ведавий қурбонлик маросимлари "Чхандогйа-упанишада" асарида таърифланган. Қурбонлик меҳробига беш турли эҳсон қўйилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида олов ёкилади, ана шу беш гулхан - жаннат, булут, ер, эркак ва аёл тимсоли, садақа қилинадиган беш эҳсон эса - эътиқод, ой сайёрасида олинадиган лаззат, ёмғир, ғалла ва уруғ тимсолидир. Тирик мавжудот маълум бир қурбонлик маросими ўтказиш ёрдамида муайян жаннатий сайёрага эришади. Ўтказган қурбонлик маросимларининг натижалари тугаганида, тирик мавжудот ёмғир сувига қўшилиб яна ер юзига қайтиб тушади ва дон ичига киради. Ғалладан тайёрланган овқат таркибида эркак кишининг ошқозонига тушади ва унинг жинсий уруғлигига қўшилади. Уруғлик билан бирга эркакдан аёлга ўтиб, тирик мавжудот яна инсон танасига эга бўлади. У яна қурбонлик маросими ўтказади, яна жаннатга кўтарилади... шу босқичлар яна такрорланаверади. Шу тариқа тирик мавжудот бу дунёда кетма-кет туғилиш ва ўлиш жараёнларидан ўтиб, тинимсиз айланиб юраверади. Аммо, Кришна онгига эга бўлган киши бундай қурбонлик маросимларини ўтказиб юрмайди. У Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлиб яшайди ва шу тарзда ўзини келажакда Худонинг мангу рухий даргоҳига кўтарилишга тайёрлайди.

"Бхагавад-Гита"га ёзган изоҳларида имперсоналистлар ҳеч қандай асосиз равишда: "Олий Браҳман моддий оламга келганида алоҳида руҳга айланади" - деб даъво қиладилар. Бунда улар "Бхагавад-Гитанинг" ўн бешинчи бобидаги еттинчи шеърни рўқач қиладилар. Лекин, у ерда Парвардигор тирик мавжудотларни Ўзининг мангу заррачалари деб айтган. Парвардигорнинг ана шу кичкина заррачалари, яъни алоҳида руҳлар моддий оламга тушиб қолишлари мумкин, аммо Худо Шаҳси, *Ачйута* учун ҳеч қачон бундай ҳолат юзага келмайди. Шу сабабли, "Олий Браҳман ҳам алоҳида руҳ, яъни *жива* бўлиб қолади", деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Ҳамиша шуни эсда сақлаш лозимки, Ведаларда *Браҳман*(алоҳида тирик мавжудот) ва *ПараБраҳман*(Парвардигор) алоҳида ажратиб кўрсатилади.

*4. адхибхутам кшаро бхаваҳ пурушаш чадхидаиватам  
адхийаджно "ҳам эватра дехе дехе-бхритам вара*

***Эй танада мужассам бўлган зотлар аълоси, ҳамиша ўзгариб турадиган моддий табиатни адхибхута, яъни "моддий олам" деб***



***атайдилар. Қуёш фариштаси, Ой фариштаси ва бошқа фаришталарни ўз ичига олган Парвардигорнинг фазовий қиёфасини адхидайва деб атайдилар. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Мени, яъни Парвардигорни эса адхийагйя, "қурбонликлар эгаси" деб атайдилар.***

Изоҳ: Моддий олам ҳамиша ўзгариб туради. Барча моддий таналар ривожланиш жараёнида олти босқичдан ўтади: 1)пайдо бўлади; 2)ўсади; 3)бироз вақт мавжуд бўлиб туради; 4)зурёд қолдиради; 5)сўлади; 6)ўлади. Моддий табиатни *адхибхута* деб атайдилар. У маълум бир вақтда яратилади, белгиланган вақтда яқсон қилинади. Барча фаришталар ва уларнинг сайёраларидан таркиб топган ҳолда тасаввур қилинадиган Парвардигорнинг фазовий қиёфаси *адхидайвата* деган ном олган. Моддий танада алоҳида рух билан бирга Кришнанинг қудратли экспансияси бўлган Олий Рух ҳам мавжуд, У Параматма ёки *адхийагйя* деб аталади. У тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган. Бу ерда *эва* ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга: бу билан Кришна аслида Параматма, Олий Рух Ўзидан фарқ қилмаслигини таъкидлаб айтяпти. Олий Рух, Худонинг Олий Шахси ҳамиша алоҳида рух билан бирга, унинг ҳамма ҳаракатларига гувоҳ бўлиб юради. У тирик мавжудотни муайян онг билан таъминлайди. Олий рух тирик мавжудотнинг эркин ҳаракат қилишига имкон бериб, унинг фаолиятини кузатиб туради.

Кришна онгига эга бўлиб Худога илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган содиқ Парвардигорнинг ҳар хил экспансиялари қандай вазифаларни бажаришини яхши билади. Рухий юксалиш йўлига энди кирган тажрибасиз йоглар Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфаси, танаси(*адхидайвата*)га муроқаба қиладилар. Ҳали Парвардигорни Олий Рух кўринишида англаб етмаганлари сабабли, уларга хаёлида Парвардигорнинг фазовий қиёфаси(*вират-пуруша*)ни тасаввур қилиб муроқаба қилиш тавсия қилинади. Унинг оёқлари - қуйи сайёралар, кўзлари - Ой ва Қуёш, калласи - олий(жаннатий) сайёралардир.

*5. анта-кале ча мам ева смаран муктва калеварам  
йах прайати са мад-бхавам йати настй атра самшайах*

***Умрининг охирида танасини тарк этайтиб фақат Мени эслаган киши шу заҳотиёқ Менинг табиатимга эга бўлади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.***

Изоҳ: Бу ерда ҳаётда Кришна онги билан яшашнинг қанчалик муҳимлиги таъкидланяпти. Танасини Кришна онгида тарк этган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ Парвардигорнинг илоҳий табиатига эришади. Парвардигор, Худо Шахси - пок зотлар ичида энг пок Зотдир, шу боис ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган кишининг қалби мутлақо пок бўлади. Бу борада *сма-*

ран("эслаб") ибораси муҳим аҳамиятга эга. Модда билан аралашиб онги булганган рух, Кришнани онги доирасида ҳаракат қилиб юрмаса, ҳамиша Кришнани эслаб юришга қодир бўлмайди. Шунинг учун инсон ёшлигиданок қалбида Кришна онгини ривожлантириб бориши лозим. Ўзининг ҳозирги танасидаги умри муваффақият билан тугадини истайдиган фаросатли одам ҳаётининг ҳар бир дақиқасида Худо Шахсини, Кришнани эслаб юришни ўрганиши лозим. Бунинг учун эса ҳамиша тинмасдан қуйидаги буюк мантра, маха-мантрани зикр қилиб юриш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Чаитанья Махапрабху содиқларга дарахтдан ҳам чидамлироқ бўлишни маслаҳат берган(*тарор апи сахишинуна*). Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга жазм қилган киши ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Лекин, умрининг охирида Кришнани англаш илмининг барча саодатларига эришиш учун у чидам билан турмушдаги барча қийинчиликларни енгиб, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда давом этиши лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*б. йам йам вапи смаран бхавам тъяаджати анте калеварам  
там там эвайти каунтейа сада тад-бхава-бхавитах*

***Эй Кунтининг ўгли, танасини тарк этаётиб инсон ҳаёлида ҳаётнинг қайси турини эсласа, кейинги ҳаётида ана шундай ҳолатга эришади.***

Изоҳ: Бу ерда ажал етганда рухнинг моддий оламдаги ҳаёти бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ҳақида гап боряпти. Умрининг охирида танасини тарк этаётиб Кришна ҳақида ўйлаган киши, Парвардигорнинг илоҳий табиатига эришади. Умрининг охирида Кришна ҳақида эмас, бошқа нарсалар ҳақида ўйлаган киши ҳам барибир шундай ҳолатга эришади, деб ўйламаслик керак. Бунга диққат билан, жиддий ёндошиш лозим. Қандай қилиб инсон умрининг охирида ақлини керакли, ўзи учун фойдали ўйлар билан машғул қилиши мумкин? Бу тўғрида Махараж Бхарата тушиб қолган ҳолат жуда ибратли. У аввало Худонинг буюк содиқларидан бири эди, аммо ажали етганда кийик боласи ҳақида ўйлади, натижада кейинги ҳаётида кийик танасида туғилди. Ўлганидан кейин у ўзининг аввалги ҳаётини тўла эслаш қобилиятига эга бўлди, лекин шунга қарамай, барибир ҳайвон танасида туғилишга мажбур бўлганди. Албатта, бутун умри давомида инсон ўзининг ақлида шакллантириб келган ўйлар, фикрлар ажали етганда унинг қандай ўйлар билан банд бўлишини белгилайди; бизнинг келгуси ҳаётимиз қандай бўлиши ҳозирги ҳаётимиз давомида шаклланади. Бутун умри давомида эзгулик гунасида яшаб, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрган одамгина умрининг охириги лахзаларида Худони, Парвардигор Кришнани эслашга қодир бўлади.

Бу унга Кришнанинг илоҳий табиатига эришиш имконини беради. Агар инсон бутун умри давомида Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлиб юрса, унинг кейинги танаси илоҳий, яъни моддий эмас, албатта руҳий тана бўлади. Шу боис умримизнинг охирида энг олий ҳаёт турига эришиш учун ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришга одатланишимиз лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*7. тасмат сарвешу калешу мам анусмара йудхйа ча  
май арпита-mano-буддхир мам эвашийаси асамшйах*

***Эй Аржун, шу боис сен ҳамиша Кришна қиёфасида Мен ҳақимда ўйлаб юришинг, айти пайтда ўз бурчингни бажариб жанг қилишинг керак. Барча ишларингни Менга бағишлаб, ақл ва тафаккурингни ҳамиша Менда мужассам қилиб, сен албатта Менинг даргоҳимга эришасан.***

Изоҳ: Бу ерда Кришнанинг Аржунга бераётган насиҳатлари дунёвий ишлар билан машғул бўлиб юрган ҳар бир одам учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Парвардигор бу ерда Аржунга “инсон барча дунёвий ишларни тарк этиб, ўз бурчини бажаришдан бош тортиши керак” деб айтаётгани йўқ. Инсон ҳаётда

327  
ўз бурчини бажаришда давом этиши, айти пайтда Ҳаре Кришна мантрасини, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш орқали ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриши лозим. Бу жараён унга моддий иллатлардан покланишга ва бутун ақли, тафаккурини Кришнада мужассам қилишга ёрдам беради. Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган киши умрининг охирида албатта Унинг олий сайёраси, Кришналокага эришади.

*8. абхйаса-йога-йуктена четаса нанйа-гамина  
парамам пурушам дивйам йати партханучинтайан*

***Эй Партха, ҳамиша Худонинг Олий Шахсини, яъни Мени эслаб юрган, бошқа бирор нарсага чалгимасдан ҳамиша Мен ҳақимда чуқур фикр-мулоҳазаларга бориб юрадиган киши, шубҳасиз, Менинг даргоҳимга келади.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна ҳамиша Уни эслаб юриш қанчалик муҳим эканини алоҳида таъкидлаб айтяпти. Кришнани ҳеч қачон эсдан чиқармаслик учун содиқ Ҳаре Кришна мантрасини ҳамиша зикр қилиб юришга одатланиш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиб, уларнинг илоҳий товушини тинглаб юриш билан биз

кулоғимизни, тилимизни ва ақлимизни Худога хизмат қилиш билан машғул қилган бўламиз. Мана шу осонгина муроқаба усули умримизнинг охирида албатта Худонинг даргоҳига эришишимизга кафолат беради.

*Пурушам* дегани "лаззатланувчи" деган маънони англатади. Гарчи шартланган рухлар Парвардигорнинг оралик қувватига мансуб бўлсалар ҳам, улар ҳозир бу дунёда моддий унсурлар билан булганган ҳолатдалар. Улар ўзларини "лаззатланувчи" деб ҳисоблайдилар, лекин ўзларининг "олий лаззатланувчи" эмаслигини унутиб қўйдилар. Бу ерда аниқ айтилганки, олий лаззатланувчи - Парвардигор, яъни Ўзини Нарайана, Васудева ва бошқа қиёфаларда тўлиқ намоён қиладиган Олий Шахсдир.

Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш туфайли содиқ ўзи сиғинадиган Зот, Парвардигорни, Унинг Нараяна, Кришна, Рама ва ҳоказо қиёфаларидан бирини ўйлаб юриши мумкин. Ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юриш шарофати билан унинг қалби моддий иллатлардан покланади ва умрининг охирида Худонинг мангу салтанатига киради. Йоглар ҳаёлан қалбидаги Олий Рухни кўришга ҳаракат қиладилар, содиқ хизматкор эса Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, ақлини ҳамиша Парвардигорда мужассам қилиб юради. Ақл ўзининг табиатига кўра нотинч ва тек турмас, шунинг учун уни ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юришга мажбур қилиш керак. Бунга мисол бўладиган бир ибратли масални эслатиб ўтиш мумкин: курт пилланинг ичида ҳамиша капалак бўлишни ўйлаб ётади, натижада кейинги ҳаётида албатта капалакка айланади. Худди шунингдек, агар биз ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрсак, умримизнинг охирида, албатта Кришнанинг танасига ўхшаган, барча илоҳий сифатларга эга бўлган руҳий танага эга бўламиз.

*9. кавим пуранам анушаситарам  
анор анийамсам анусмаред йаҳ  
сарвасйа дхатарам ачинтия-рупам  
адитйа-варнам тамасаҳ нарастат*

***Мени - ҳамма нарсани билувчи азалий Худонинг Олий Шахси сифатида, бутун борлиқнинг Эгаси, энг кичик нарсадан кичик, бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган Зот деб эсла; ҳаёт ҳақидаги барча моддий тасаввурлардан устун турувчи, англаб бўлмайдиган, ҳамиша шахс бўлиб қолаверадиган Зот деб эсла; қуёшдай порлаб турадиган, моддий оламдан ташқарида бўлган Зот деб эсла.***

Изоҳ: Бу ерда қандай қилиб ҳамиша Худони эслаб юриш тўғрисида айтилган. Парвардигорнинг мавҳум, бўшлиқ эмаслиги, шахсиятсиз эмаслиги жуда муҳим. Шахс сифатига эга бўлмаган бўшлиқ ҳақида ўйлашнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Шунга уринаётган киши бу борада катта қийинчиликларга дуч келади. Бу ерда айтилганидай, Худо Шахси Кришна ҳақида ўйлаш ҳеч

қандай қийинчилик туғдирмайди. Энг аввало Парвардигор - *пуруша*, шахс, биз Рама ва Кришнани шахс деб билган ҳолда ўйлашимиз лозим. Бу ерда ҳоҳ Рама бўлсин, ҳоҳ Кришна бўлсин - Олий Шахсининг сифатлари таърифланган. Парвардигорни *кави* деб атайдилар: Унга ўтмиш, ҳозир ва келажак аён, шунинг учун У ҳамиша ҳамма жойда мавжуд. Парвардигор азалий мавжудот, чунки У бутун борликнинг манбаи; ҳамма нарса Ундан чиққан. Бундан ташқари У - бутун оламнинг Олий Ҳукмдори, посбони ва бутун инсониятнинг Рухий Устози. У энг кичик нарсадан кичик. Алоҳида руҳнинг ўлчами майда соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагича келади, аммо Парвардигор шу қадар кичикки, ҳатто ана шу заррачанинг ичида ҳам мавжуд. Парвардигор бўлган ҳолда У ҳатто ҳар бир атомнинг ҳам ичига киради. Кичкина заррача, Олий Рух қиёфасида тирик мавжудотнинг юрагида бўлган ҳолда унинг барча ҳаракатларини бошқариб туради. Шунчалик кичик ўлчамга эга бўла туриб, У айни пайтда бутун борликнинг ҳамма жойида мавжуд бўлган посбони ҳамдир. Айнан Унинг Ўзи барча сайёраларни жой-жойида ушлаб туради. Шунча катта сайёралар қандай қилиб коинотда муаллақ ҳолда турганини кўриб биз ҳайратга тушамиз. Бу ерда аниқ айтилганки, Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида Парвардигор галактикадаги коинотларда барча сайёраларни жой-жойида тутиб туради. Бу ерда келтирилган *ачинтия*, яъни "англаб бўлмас" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч ким Парвардигорнинг қудратини ақлига сиғдира олмайди, шу сабабли Унинг қувватини "англаб бўлмас" - *ачинтия* деб атайдилар. Ким ҳам бу ҳақда баҳслаша оларди? Бутун моддий оламга сингиб кетган ҳолда Парвардигор айни пайтда ундан ташқарида ҳам мавжуд. Моддий олам руҳий оламга нисбатан жуда кичик, биз эса, ҳатто моддий оламнинг қандай тузилганини ҳам яхши билмаймиз, шундай экан унинг ташқарисида ётган руҳий оламни қандай англай олардик? *Ачинтия* ибораси "моддий оламдан ташқарида ётган, фалсафий фикрлаш ва мантиққа асосланиб тушунишнинг иложи бўлмаган Зот" деганни билдиради. Шу сабабли фаросатли одамлар ҳар хил бефойда баҳс-мунозараларга бекорга вақт кетказиб ўтирмасдан муқаддас китобларда ёзилган ҳақиқатни ишонч билан қабул қилиб, Ведаларда - "Бҳагавад-Гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари асарларда берилган кўрсатмаларга амал қилиб яшашлари лозим. Шунда улар ҳақиқий илмга эга бўла оладилар.

#### *10. прайана-кале манасачалена*

*бхактия йукто йога-балена чаива*

*бхрувор мадхйе пранам авешйа самйак*

*са там парам пурушам упаити дивйам*

***Ажали етганида ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлай олган, йога машғулотни ёрдамида ақлини жиловлаб, муҳаббат ва садоқат билан Худо Шахсини ўйлаб, ақлини бутунлай Парвардигорда мужассам қилган киши албатта Худонинг Олий Шахсининг***

## ***даргоҳига эришади.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, ажали етганда инсон аклини Худо Шахсида жамлаши, Парвардигор ҳақида муҳаббат ва садоқат билан ўйлаши лозим. Ёога билан шуғулланиб юрган одамларга ҳаёт нафасини қошлари ўртасига, *ағйа-чакрага* кўтариш тавсия этилган. Бу ерда Парвардигор *шат-чакра-ёога* усули ҳақида гапиряпти, бундай муроқаба усули ёрдамида инсон ҳаёт нафасини танасидаги олти *чакра* орқали олиб ўтиб, калласига кўтариши мумкин. Соф содик учун бундай ёога билан шуғулланиб ўтиришининг мутлақо ҳожати йўқ: у хамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юргани туфайли танасини тарк этар экан, Худонинг марҳамати билан албатта Парвардигорни эслай олади. Бу ҳақда ўн тўртинчи шеърда айтилади.

Бу ерда *ёога-балена* ибораси муҳим аҳамиятга эга: *ёога(шат-чакра-ёога ёки бҳакти-ёога)* билан шуғулланмай туриб, ажал етганда руҳий даражага кўтарилишининг иложи йўқ. Ажали етган пайтда ҳеч ким ўзидан-ўзи, табиий равишда Худони эслай олмайди: бунинг учун инсон бутун умри давомида ёога билан, айниқса бҳакти-ёога билан шуғулланиб юриши керак. Ажал етганда одамнинг акли қаттиқ ташвишга тушган ҳолатда бўлади, шу боис бундай фавқулудда вазиятда руҳий даражага кўтарилса олиш учун инсон бутун умри давомида ёога билан шуғулланиб юриши лозим.

*11. йад акишарам веда-видо ваданти  
вишанти йад йатайо вита-рагах  
йад иччханто Браҳмачарйам чаранти  
тат те падам санграхена правакийе*

***Ведалар илмини эгаллаган, таркидунё қилган ва омкара(ом бўғини)ни талаффуз қиладиган буюк донишмандлар Браҳманга кирадилар. Ана шундай баркамолликка интилаётган киши жинсий поклигини сақлаши лозим. Ҳозир Мен сенга моддий олам тутқунлигидан озод бўлиш имконини берадиган ёога жараёнини қисқача таърифлаб бераман.***

Изоҳ: Аввалги шеърда КришнаАржунга *шат-чакра-ёога* усулини тавсия қилган эди. Бу усул билан шуғулланиб, одам ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлайди. Аржун бу ёога усулини билмаслиги мумкинлигини эътиборга олиб, Парвардигор кейинги шеърларда уни батафсил таърифлаб бермоқчи бўляпти. Парвардигор айтяптики, гарчи Браҳман ягона бўлса ҳам, Унинг намоён бўлган ҳар хил қиёфалари кўп. Имперсоналистлар одатда Браҳманни *акшара*, яъни *омкара*("ом" бўғини) билан бир деб биладилар. Бу ерда Кришна таркидунё қилган донишмандлар эришадиган шахсиятсиз Браҳман ҳақида гапиряпти.

Ведавий таълим-тарбия тизимида болаларга ёшлигиданок "ом" бўғинини талаффуз қилишни ўргатадилар. Шогирдлар рухий устознинг ашрамида *Брахмачарий* турмуш тарзи билан яшаб шахсиятсиз Брахман ҳақида илмга эга бўладилар. Шу тарзда улар Брахманнинг икки аспектини англаб оладилар. Бу усул шогирднинг рухий юксалиши учун жуда муҳим, лекин, ҳозирги даврда Брахмачарий турмуш тарзи билан яшаш, яъни жинсий ҳаётни бутунлай тарк этишнинг деярли иложи йўқ. Ҳозирги даврда жамият тизими жуда ўзгариб кетган, одамлар маънавий тубанликка юз тутган, ҳақиқий инсонларга муносиб бўлган маданият чуқур инқирозга учраган, ёш ўспиринларнинг уйланмасдан, жинсий алоқа қилмасдан яшаши жуда мушкул. Жаҳонда ҳар хил мактаблар бор, аммо ёшларга Брахмачарий ҳаётининг қонун-қоидаларини ўргатадиган бирон мактаб йўқ. Жинсий ҳаётни тарк этмаган кишининг рухий юксалиши йўлидан бориши жуда мушкул. Шу сабабли Парвардигор Чaitанйа Махапрабху айтиб кетганки, шастраларнинг кўрсатмасига асосан Кали-юга даврида Худони англашнинг ягона йўли - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришдан иборат: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*12. сарва-дварани самйамйа мано хриди-нирудхйа ча  
мурдхнй адхайатманах пранам астхито його-дхаранам*

***Йог сезги аъзоларининг фаолиятини бутунлай тўхтатиши керак. Тана эшикларининг ҳаммасини бекитиб, ақлини қалбида мужжассам қилиб, ҳаёт нафасини калласининг юқори қисмига кўтариб, у транс(жазава) ҳолатига кириши лозим.***

Изоҳ: Бу ерда кўрсатилган йога турлари билан шуғулланиш учун энг аввало ҳиссиётни, яъни сезги аъзоларини ҳар қандай лаззатланишдан тийиш керак. Ана шу поғона *пратйахара* яъни, "сезги аъзоларини уларга лаззат берадиган нарсалардан тўсиш" деб аталади. Йог билиш аъзолари - кўзлар, қулоқлар, бурун, тил ва тери фаолиятини бошқаришни ўрганиши, уларнинг лаззатланиш учун ҳаракат қилишига йўл қўймаслиги лозим. Шунда у ақлини юрагидаги Олий Рухда мужжассам қилиб, ҳаёт нафасини калласининг юқори қисмига кўтара олади. Бу йога усули олтинчи бобда батафсил тушунтирилган эди. Аммо аввал айтилганидек, бу йога билан ҳозирги даврда шуғулланишнинг иложи йўқ. Ҳозир биз яшаётган даврда ақлини жиловлашнинг энг самарали йўли Кришнани англаш усулидир. Агар Кришнага садоқат билан хизмат қила туриб, инсон ақлини ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд қилиб юра олса, у табиий равишда рухий транс(*самадхи*) ҳолатига кириши ва ҳамиша шундай ҳолатда юрган бўлади.

*13. ом ити экакишарам Браҳма вйахаран мам анусмаран*

***Агар мана шу йога усули билан шуғулланиб, илоҳий товушлар бирикмаси бўлган муқаддас "ом" бўғинини талаффуз қилиб юрган киши танасини тарк этаётганида Худонинг Олий Шахсини, яъни Мени эсласа, албатта руҳий олам салтанатидаги сайёраларга эришади.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, "ом", Брахман ва Кришнабир-биридан фарк қилмайди. "ом" бўғини Кришнанинг шахсиятсиз, товуш шаклидаги тимсолидир, у Ҳаре Кришна мантрасининг таркибида ҳам бор. Шастраларда айтилишича, ҳозирги даврда одамлар руҳий юксалиш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юришлари лозим. Агар танасини тарк этаётиб, инсон Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре деб, Худонинг муқаддас номларини тилга олса, бутун ҳаёти давомида қайси йўл билан Худога сиғинаётганига қараб албатта руҳий оламдаги сайёралардан бирига эришади. Кришнага содиқ бўлганлар Кришнанинг сайёрасига, Голока Вриндаванага борадилар. Парвардигорнинг намоён бўлган бошқа қиёфаларига сиғиниб юрганлар эса, руҳий осмондаги сонсаноксиз Вайкунтха сайёраларидан бирига борадилар, имперсоналистлар эса - фақат Брахмадждйотига эриша оладилар.

*14. ананйя четах сататам йо мам смарати нитйашах  
тасйахам сулабхах партха нитйа-йуктасйа йогинах*

***Эй Партха, ҳамиша Мени узлуксиз эслаб юрган киши осонлик билан Менинг даргоҳимга келади, чунки у ҳамиша Менга хизмат қилиб юрган бўлади.***

Изоҳ: Бу ерда бҳакти-йога билан шуғулланиб юрган, яъни Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган соф содиқлар эришадиган мақсад кўрсатилган. Аввалги шеърларда содиқларнинг тўрт тоифаси ҳақида айтилган эди: мусибат чекаётганлар, кизикувчанлар, моддий бойлик излаб юрганлар ва ғйани-файласуфлар. Шунингдек, инсонни озодликка чиқарувчи ҳар хил йўллар айтилган эди: карма-йога, ғйана-йога ва хатха-йога. Бу йога тизимлари таркибида бҳакти-йоганинг баъзи бир қисмлари ҳам мавжуд, лекин бу ерда ғйана, карма ва хатха усуллари аралашмаган соф бҳакти-йога ҳақида гап боряпти. Ананйя-четах сўзи бҳакти-йога билан машғул кишининг ҳаётдаги барча орзу-истаклари Кришнада мужассам бўлганини билдиради. Соф содиқ жаннатий сайёраларга боришга ёки Брахмадждйотига ғарқ бўлиб, моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга интилмайди. Унинг ҳеч қандай шахсий истаклари йўқ. "Чаитанйя-Чаритамрита"да соф содиқ нишкама ибораси билан ифодаланган: бу демек, унинг ўзи ҳеч нарса истамайди.



Фақат шундай содиқ хизматкоргина, шахсий манфаат кўзлаб юрган таъмагир одамлар ҳеч қачон эриша олмайдиган ҳақиқий осойишталикка эриша олади. Ғйана-йоглар, карма-йоглар ва хатха-йоглар йога билан шахсий манфаат кўзлаб шуғулланадилар, аммо соф содиқнинг, рухий баркамолликка эришган инсоннинг қалбида биттагина истаги бўлади: ўз хизмати билан Парвардигорни мамнун қилиш. Шу сабабли Кришна ваъда бериб айтяптики, Парвардигорга чексиз садоқат билан хизмат қилиб юрган киши осонлик билан Унинг даргоҳига эришади.

Соф содиқ Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бирига садоқат билан хизмат қилиб яшайди. Кришнанинг Рама, Нрисимха сингари жуда кўп экспансия ва қиёфалари мавжуд. Содиқ муҳаббат ва садоқат билан Парвардигорга хизмат қилиб яшар экан, ўз хоҳишига қараб ақлини Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларидан бирида мужассам қилиб юриши мумкин. Шундай содиқ ҳаётда бошқа йоглар дуч келадиган қийинчиликларга учрамайди. *Бҳакти-йога* йўли жуда пок, бу йўлдан бориш жуда осон. *Бҳакти-йога* билан шуғулланишни маха-мантрани мунтазам зикр қилиб юришдан бошлаш мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга жуда меҳрибон, лекин бутун ҳаётини Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одамларга У Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатади. Шундай содиқларга Парвардигор ҳамиша ёрдам беришга тайёр. Ведаларда шундай дейилган: (Катха-упанишад, 1.2.23). *йам эваиша вринуте тена лабхйас тасйаиша атма вивринуте танум свам*, яъни "Фақат ўз ихтиёрини бутунлай Худого топширган, Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Уни тўла англай олади". "Бҳагавад-Гита"(10.10)да Кришна айтадики, содиқ хизматкори Ўзининг даргоҳига осон эриша олиши учун Парвардигор унга етарли тафаккур, заковат ато этади(*дадами буддхи-йогам там*).

Соф содиқнинг алоҳида фазилати шундан иборатки, у ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Кришна ҳақида ўйлаб юради, ҳеч қачон Кришнани, Худони эсидан чиқармайди. Қаерда бўлишидан қатъий назар, соф содиқ ҳаётда ҳеч қандай қийинчиликка учрамайди. Баъзи бировлар Худонинг содиқ хизматкори Вриндавандан, ёки бу дунёдаги Парвардигор Ўзини намоён этган бошқа бирор муқаддас жойдан чиқмай яшаши лозим, деб ўйлайдилар. Лекин, аслида соф содиқ Худого хизмат қилиб ўзи яшаётган жойда Вриндаван муҳитини яратиб, истаган жойида ҳам яшайвериши мумкин. Шри Адвайта бир куни Шри Чаитанйа Махапрабхуга шундай деган эди: "Эй Парвардигор, Сен қаерда бўлсанг - шу жой Вриндаван". Бу ерда келтирилган *саматам* ва *нитйаяшах* (ҳамиша, ҳар куни, мунтазам) иборалари соф содиқ ҳамиша Кришнани эслаб юришини, бутун фикру-хаёли ҳамиша фақат Уни ўйлаш билан банд бўлишини билдиради. Худонинг даргоҳига осон эриша оладиган соф содиқнинг сифатлари ана шундай.

"Бҳагавад-Гита"да Парвардигорнинг Ўзи "бошқа йога усуллариға нисбатан афзалроқ" деб тасдиқлайдиган йўл - *бҳакти-йога*. Бҳакти-йоглар асосан беш тоифага бўлинади: 1) Шанта-бҳакталар - Парвардигор билан ўзаро

дахлсиз, нейтрал муносабатда бўлган содиқлар; 2) Дасйя-бхакталар - Парвардигор билан ўзаро хизматкор ва хўжайин муносабатида бўлган содиқлар; 3) Сакхйя-бхакталар - Парвардигор билан ўзаро дўстлик муносабатида бўлган содиқлар; 4) Ватсалйя-бхакталар - Парвардигор билан ўзаро ота-она ва фарзанд муносабатида бўлган содиқлар; 5) Мадхурйя-бхакталар - Парвардигорга ошиқ сифатида муносабатда бўлган содиқлар. Қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар, соф содиқ хизматкор Парвардигорга ҳамиша илоҳий муҳаббат билан хизмат қилади ва ҳеч қачон уни эсидан чиқармайди, шу сабабли у кейинги ҳаётида ҳеч қийналмасдан Худонинг даргоҳига эришади. Соф содиқ ҳеч қачон Худони эсидан чиқармагани сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг содиқ хизматкорини бир дақиқа ҳам эсидан чиқармайди. Мана шу - Кришнани англаш йўлидан бориб, Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб юрадиган содиқлар муяссар бўладиган Парвардигорнинг энг буюк марҳаматидир: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*15. мам упетйя пунар джанма духкхалайам ашашиватам  
напнунанти махатманах самсиддхим парамам гатах*

***Буюк руҳлар, содиқ-йоглар Менинг даргоҳимга келгач, мусибатларга тўла бу ўткинчи оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, чунки улар баркамолликнинг олий чўққисига эришган зотлардир.***

Изоҳ: Бу ўткинчи моддий олам - туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар билан боғлиқ бўлган азоб-укубатлар макони ҳисобланади, шу сабабли камолот чўққисига эришиб, Худонинг мангу даргоҳига, Кришналока сайёрасига, яъни Голока Вриндаванага эришган киши яна бу дунёга қайтиб келишни истамайди. Ведаларда Парвардигорнинг сайёраси *авйакта*, *акшара* ва *парамма гати* деб аталган: уни моддий кўзлар билан кўриб ёки моддий сўзлар билан таърифлаб бўлмайди, аммо ана шу сайёра - *махатма*, яъни буюк зотлар ҳамиша интилиб юрган энг олий мақсаддир. Махатмалар илоҳий илм сирларини руҳий ўзлигини англаб етган буюк содиқлардан ўрганадилар; шу боис улар аста-секин Кришнага садоқат билан хизмат қилишда юксала борадилар, улар бу жараёнга шунчалик шўнғиб кетадиларки, моддий ва ҳатто руҳий оламдаги бошқа бирор сайёрага интилмай қўядилар. Уларнинг ҳаётдаги ягона истаги, қалбидаги ягона орзуси - ҳамиша Кришна билан бирга бўлиб, бевосита Унинг хизматини қилиб яшашдан иборат. Мана шу - инсон эришиши лозим бўлган энг юксак камолот чўққисидир. Мазкур шеърда Кришна Худо Шахсининг содиқ хизматкорлари бўлган персоналист-йоглар тўғрисида айтяпти. Кришна онгига эга бўлган шундай содиқлар олий баркамолликка эришадилар. Улар энг буюк руҳлардир.

*16. а-Брахма-бхуванал локах пунар авартино “рджуна*

**Моддий оламдаги энг юксак сайёра(Брахмалока)дан то энг куйи сайёрагача ҳаммаси ҳар бир тирик мавжудот такрор ва такрор тугилиб-ўлишга мажбур бўлган чексиз мусибатлар уммонидир. Аммо эй Кунтининг ўгли, Менинг даргоҳимга эришган киши ҳеч қачон бу дунёда тугилмайди.**

Изоҳ: Барча йоглар: карма-йоглар, гйана-йоглар, хатха-йоглар ва ҳоказолар охир-оқибатда *бҳакти-йога*, яъни Кришнани англаш, ҳаётда Кришна онги билан яшаш йўлига кириши ва Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришишлари лозим. Шунда улар Кришнанинг мангу руҳий даргоҳига борадилар ва бошқа ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайдилар. Моддий оламнинг олий сайёраларига, яъни фаришталар яшайдиган жаннатий сайёраларга кўтарилган киши барибир тугилиб-ўлишда давом этаверади. Худди Ердаги одамлар юқори жаннат сайёраларига кўтарилгани сингари, юқори сайёраларнинг - Браҳмалока, Индралока ва Чандралока сайёраларидаги зотлар ҳам Ер сайёрасига қайтиб тушадилар. "Чхандогйа-упанишад"да таърифланган *панчагни-видйа* қурбонлик маросимини ўтказиш ёрдамида инсон Браҳмалокага эришиши мумкин, аммо агар у жойда қалбида Кришна онгини ривожлантира олмаса, у яна Ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўлади. Жаннат сайёраларида Кришнани англашда юксалиб бораётган зотлар аста-секин ундан ҳам юксакроқ сайёраларга эришадилар ва ниҳоят коинот бутунлай яксон бўлганда мангу руҳий салтанатга эришадилар. Шридхара Свами "Бҳагавад-Гита"га ёзган изоҳида қуйидаги шеърни келтирган:

*Браҳмана саха те сарве сампрапте пратисанчаре  
парасйанте критатманах правишанти парам падам*

"Моддий олам яксон бўлганда, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан фаолият кўрсатиб юрган Браҳма ва унинг содиқлари руҳий оламдаги ўзлари истаган сайёраларга эришадилар".

*17. сахасра-йуга-парйантам ахар йад Браҳmano видух  
ратрим йуга-сахасрантам те "хо-ратра-видо джанах"*

**Браҳманинг бир куни инсонлар ҳисоби бўйича минг давр(эпоха)га тенг, унинг туни ҳам шунча узоқ давом этади.**

Изоҳ: Моддий олам *калма* билан ўлчанадиган маълум вақт оралиғида мавжуд бўлиб туради. *Калма* - Тангри Браҳманинг бир куни. У - минг даврдан иборат. Ҳар бир давр, цикл - Сатйа, Трета, Двапара ва Кали югадан иборат. Сатйа-юга - эзгулик, донишмандлик ва такводорлик даври бўлиб, унда одам-

лар ҳаётида ҳеч қандай гуноҳ, ғофиллик аломатлари бўлмайди. Сатйа-юга 1.728.000 йил давом этади. Трета-югада биринчи гуноҳ ишлар юзага кела бошлайди, бу давр 1.296.000 йил давом этади. Такводорлик ва эзгулик тобора камайиб, гуноҳ ишлар кўпайиб борадиган Двапара-юга 864.000 йил давом этади. Ниҳоят, беш минг йил аввал бошланган - қарама-қаршиликлар, ғофиллик, иймонсизлик ва гуноҳ ишлар авж оладиган Кали-юга - 432.000 йил давом этади. Кали-югада гуноҳ ишлар шу қадар авж олиб кетадики, унинг охирида имонсиз иблисларни яксон қилиш, Ўз содиқларини руҳий озодликка чиқариш ҳамда такводорлик даври бўлган Сатйа-юга даврини қайтадан бошлаб бериш учун Худо Шахсининг Ўзи *Калки-аватара* қиёфасида ташриф буюради. Кейин бутун цикл яна бошдан такрорланади. Ҳар бири ана шундай тўрт югадан иборат минг давр Браҳманинг бир кунини ташкил этади, унинг туни ҳам шунчалик узоқ давом этади. Шундай ҳисоб билан Браҳма юз йил яшайди, унинг умри Ер сайёрасидаги вақт ўлчами бўйича - 311 триллион 40 миллиард йилга тенг. Бизларга Браҳманинг умри афсонавий даражада узоқдай туюлиши мумкин, лекин, мангуликка нисбатан бу вақт худди, осмонда чакмоқ чакнаган бир лаҳза сингари қисқа бўлади. Сабаблар уммонида худди Атлантика океани юзидаги кўпиклар сингари, сон-саноксиз Браҳмалар пайдо бўлиб, яксон бўлиб туради. Браҳма ҳам, у яратган Коинот ҳам моддий оламнинг кичкина бир бўлаги бўлгани сабабли ҳамиша ўзгариб туради.

Моддий оламда ҳатто Браҳма ҳам туғилади, кексаёди, касал бўлади ва ўлади. Аммо, бутун Коинотни бошқариш билан Парвардигорга холис хизмат қилиб юргани сабабли, ўлимидан кейин Браҳма руҳий озодликка эришади. Улуғвор санниясилар ўлимидан кейин Браҳманинг сайёраси - Браҳмалокага эришадилар. Бу сайёра моддий оламдаги энг асосий, энг олий сайёра ҳисобланади. У ҳатто юқори сайёралар туркумига қирадиган барча жаннат сайёралари яксон бўлганда ҳам ўзгармай қолаверади. Лекин, Браҳмалока сайёрасига эришишни барибир руҳий баркамоллик чўққиси деб бўлмайди, чунки табиат қонунларига кўра, маълум вақтдан кейин Браҳма ва унинг сайёраси ҳам, унда яшаётганлар билан бирга яксон бўлади.

*18. авйактад вйактайаҳ сарваҳ прабхаванти ахар-агаме  
ратри-агаме пралийанте татраивавйакта-самджнаке*

***Браҳманинг кундузи бошланганда намоён бўлмаган мавжудотлар намоён бўлган ҳолатга ўтадилар, кейин, Браҳманинг туни кирганида улар яна намоён бўлмаган мавҳум ҳолатга ўтадилар.***

*19. бхута-грамаҳ са эвайам бхутва бхутва пралийате  
ратри-агаме “вашаҳ партха прабхавати ахар-агаме*

***Ҳар гал Браҳманинг кундузи кирганида барча мавжудотлар дунёга келадилар, унинг туни кириши билан эса, улар яна мавҳумлик***

## **ҳолатига ўтишга мажбур бўладилар.**

Изоҳ: Моддий оламда қолишга интилаётган калтафаҳм тирик мавжудотлар олий сайёраларга кўтарилишлари мумкин, лекин барибир кейинчалик улар яна Ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўладилар. Браҳманинг бир куни давомида улар олий ва қуйи сайёраларда ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юрадилар, аммо Браҳманинг туни кирганида уларнинг барчаси яксон бўладилар. Кундузи тирик мавжудотлар ҳар хил таналарга эга бўлиб, шу таналари ёрдамида ҳар хил фаолият билан машғул бўлиш имкониятига эга бўладилар, Браҳманинг туни кирганида эса, улар моддий танасидан маҳрум бўлиб, Вишнунинг танасига кирадилар. Браҳманинг янги куни бошланганида эса, тирик мавжудотлар яна дунёга келадилар. Браҳманинг куни давомида улар намоён бўлган ҳолатда бўладилар, тунида эса, мавҳум ҳолатга ўтадилар (*бхутва бхутва пралийате*). Охир-оқибатда, Браҳманинг умри тугаганида барча тирик мавжудотлар мавҳумликка ғарк бўлиб, намоён бўлмаган ҳолатда узоқ вақт, миллион калпалар давомида қолиб кетадилар. Кейинги даврда янги Браҳма дунёга келганида, тирик мавжудотлар яна дунёга келадилар. Шу тариқа улар моддий оламда асир бўлиб юраверадилар. Лекин, фаросатли мавжудотлар қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интиладилар ва инсон танасига эга бўлганларидан кейин, умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, Унинг муқаддас номларини зикр қила бошлайдилар: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Шунда улар ҳозирги ҳаётининг охиридаёқ Кришнанинг сайёрасига кўтарилиб, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиб, бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайдилар.

*20. парас тасмат ту бхаво “нйо “вйакто “вйактат санатанаҳ  
йаҳ са сарवेशу бхутешу наийатсу на винаийати*

***Аммо, бундан бошқа мангу, намоён бўлмаган табиат(олам) ҳам мавжуд. У - гоҳ намоён бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган моддий оламдан ташқарида жойлашган. Ана шу олий табиат ҳеч қачон емирилмайди. Моддий оламдаги ҳамма нарса яксон бўлганда ҳам у ўзгармай қолаверади.***

Изоҳ: Кришнанинг олий, рухий қуввати илоҳий ва мангу табиатга эга. У ҳеч қачон ўзгармайди. Моддий олам эса, Браҳманинг куни келиши билан намоён бўлади, туни кирганда яксон бўлиб, ҳамиша ўзгариб туради. Ўз табиатига кўра Кришнанинг олий қуввати моддий қувватга қарама-қарши табиатга эга. Олий ва қуйи қувватлар ҳақида еттинчи бобда айтилган эди.

*21. авйакто "киара итй уктас там ахуҳ парамам гатим  
йам прапйа на нивартанте тад дхама парамам мама*

***Ведантистлар "намоён бўлмаган" ва "ўзгармас" деб, "олий мақсад", "эришган одам ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайдиган жой" деб атайдиган даргоҳ - Менинг олий даргоҳимдир.***

Изоҳ: "Брахма-самхита"да Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг олий даргоҳи *чинтамани-дхама*, яъни "барча орзу-истаклар амалга ошадиган даргоҳ" деб аталган. Ана шу даргоҳ - Голока Вриндаванада фалсафа тошидан қурилган жуда кўп саройлар бор. У жойда "истаклар дарахти" деб аталадиган дарахтлар ўсади, истаган микдорда суг берадиган *сурабхи* деган сигирлар ўтлаб юради. Бу даргоҳда барча сабабларнинг сабабчиси, "Говинда" деб аталадиган азалий, ягона Парвардигорга минглаб раванқ фаришталари(Лакшмилар) хизмат қиладилар. У даргоҳда Кришнаҳамиша най чалиб, лаззатланиб юради(*венум кванантам*). Унинг илоҳий сиймоси, келишган чиройли қомати бутун уч оламни Ўзига маҳлиё этади: Унинг кўзлари нилуфар гулининг гулбаргларига ўхшайди, илоҳий танаси қорамтир булут рангида. Унинг юзининг гўзаллиги минглаб муҳаббат фаришталарининг гўзаллигини сўндириб қўяди. У сариқ шаффоф рангли либос кийиб олган, бўйнига янги гуллардан ясалган гулчамбар осилган, сочларига чиройли товус пати қистирилган.

"Бҳагавад-Гита"да КришнаЎзининг даргоҳи, руҳий оламнинг энг асосий сайёраси Голока Вриндавана ҳақида жуда кам маълумот берган. Бу сайёранинг батафсил таърифи "Брахма-самхита"да келтирилган. Ведаларда(Катхаупанишад, 1.3.11) айтилганки, Парвардигорнинг даргоҳи барча оламлардан устун туради ва унга эришиш - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётдаги энг олий мақсади ҳисобланади(*пурушан на парам кинчит са кашитха парама гатих*). Унга эришган киши ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди. Кришнанинг олий даргоҳи ва Кришнанинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди, чунки улар иккиси ҳам бир хил табиатга эга. Ана шу Голока Вриндавана Ер сайёрасида Вриндаван қишлоғи кўринишида намоён бўлган. Бу қишлоқ Ҳиндистоннинг Матхура вилоятида, Дехлидан юз қирқ чақирим жанубий шарқда жойлашган. Ер сайёрасига келиб, Кришна Ўзининг илоҳий эрмакларини муқаддас Вриндаван заминида намоён этган. Унинг майдони икки юз ўн беш квадрат километр.

*22. пурушаҳ са параҳ партха бхактия лабхйас тв ананйайа  
йасйантаҳ-стхани бхутани йена сарвам идам татам*

***Эй Притхининг ўгли, фақат Худога соф садоқат билан узлуксиз хизмат қилиш орқали тенги йўқ Худо Шахсининг олий даргоҳига эришиш мумкин. Парвардигор ҳамиша Ўзининг олий даргоҳида яшайди, аини пайтда У ҳамма жойда мавжуд ва бутун борлиқ Унда мужассам.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, эришган одам моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдиган даргоҳ - Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг даргоҳидир. "Брахма-самхита"да бу даргоҳ *ананда-чинмайя-раса*, яъни "ҳамма нарса руҳий лаззатга тўла бўлган жой" деб ҳам аталган. У ерда ҳамма нарса ранг-баранг ва лаззатга тўла. Худонинг даргоҳида моддий табиатга эга бўлган бирор нарса йўқ. Ана шу ранг-баранглик Парвардигорнинг руҳий табиатининг намоён бўлишидир: Худонинг даргоҳидаги ҳамма нарса еттинчи бобда таърифланган руҳий қувватдан пайдо бўлган. Гарчи Парвардигор Ўзининг олий даргоҳида мангу яшаса ҳам, У айна пайтда моддий оламни Ўзининг бутун борлиққа сингиб кетадиган қуввати билан қамраб олган ҳолда ҳамма жойда мавжуддир. Шундай қилиб Ўзининг моддий ва руҳий қувватлари ёрдамида Парвардигор ҳамма жойда - ҳам руҳий, ҳам моддий коинотларда - ҳамшиша мавжуд. *Йасйантаҳ-стхани* ибораси, "Унда бутун борлиқ мужассам" деган маънони билдиради: ҳамма нарса Парвардигорнинг руҳий ёки моддий қувватининг бир бўлаги ҳисобланади. Шу тарзда Парвардигор ҳамма жойда мавжуд.

Фақат *бҳакти* йўлидан, яъни Худога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлидан бориш орқалигина Кришнанинг олий даргоҳига ёки сон-саноксиз Вайкунтха сайёраларидан бирига эришиш мумкин. Мазкур шеърда ишлатилган *бҳакти*а ибораси шуни таъкидлайди. Руҳий юксалишда бошқа усулларнинг бирортаси бизга Парвардигорнинг олий даргоҳига эришиш имконини беролмайди. Ведаларда (Гопала-тапани-упанишад,1.21) Худонинг Олий Шахсининг даргоҳи ҳақида бошқа маълумотлар ҳам берилган. *Эко ваши сарва-гаҳ кришинах*, яъни "бу даргоҳ - ягона Парвардигор - Кришнанинг даргоҳидир. У - энг олий марҳамат тимсолидир"; Ўзи ягона Шахс бўлган ҳолда, У Ўзини миллионлаган тўла экспансия(кўриниш)ларда намоён этади. Ведалар Парвардигорни дарахтга киёслайдилар, дарахт бир ерда туриб, қийғос гуллайди, мўл-кўл мева ҳосили беради, вақти-вақти билан баргларини алмашлаб туради. Парвардигорнинг Вайкунтха сайёраларига ҳукмронлик қиладиган тўлиқ экспансиялари тўрт қўллик киёфага эга ва ҳар хил номлар билан аталади: Пурушоттама, Тривикрама, Кешава, Мадхава, Анируддха, Хришикеша, Санкаршана, Прадйумна, Шридхара, Васудева, Дамодара, Жанардана, Нарайана, Вамана, Падманабха ва ҳоказо.

"Брахма-самхита" асарига Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг олий даргоҳини, Голока Вриндаванни тарк этмаслиги тасдиқланади, лекин У Ўзининг илоҳий қувватлари билан бутун оламни қамраб олган, шу сабабли бутун олам қурилмаси(механизми) бенуқсон ҳаракат қилиб турибди(*голока эва нивасатй акхилатма-бхутах*). Ведаларда (Шветашватара-упанишад-6.8). шундай дейилади: *парасйа шактир вивид-хаива шруйате свабхавики джнана-балакрийа ча*. Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари ҳамма жойга сингиб кетган, гарчи Парвардигор бу оламдан ташқарида бўлса ҳам, Унинг шу қувватларининг назорати остида моддий оламдаги ҳамма нарса маълум қонун асосида тартиб билан ҳаракат қилади.

*23. йатра кале тв анавриттим авриттим чайва йогинах  
прайата йанти там калам вакиъями бхаратаршабха*

***Эй Бхаратлар аълоси, ҳозир Мен сенга йоглар танасини тарк эта-  
диган вақтлар ҳақида гапириб бераман. Йогнинг бу дунёга қайтиши  
ёки қайтмаслиги унинг қайси пайтда танасини тарк этишига  
боғлиқ бўлади.***

Изоҳ: Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган соф содиқлар қачон ва қаерда танасини тарк этиш ҳақида ташвишланмайдилар. Улар ҳар бир ишда ягона Парвардигорга таваккал қиладилар, шу сабабли улар умрининг охирида осонлик билан қалблари қувончга тўлиб, ўзларининг мангу уйига - Худонинг даргоҳига қайтиб борадилар. Худонинг соф содиқлари бўлмаган, *карма-йога*, *гйана-йога* ёки *хатха-йога* йўлидан бораётган одамлар эса, таналарини аниқ белгиланган пайтда тарк этишлари лозим. Чунки, уларнинг бу туғилиб-ўлишлар оламига қайтиш ёки қайтмаслиги шунга боғлиқ бўлади.

Камолотга эришган йог моддий оламни қачон тарк этишини ўзи белгилаши мумкин. Ҳали яхши тажрибага эга бўлмаган йог эса, фақат бахтли тасодиф билан, маълум бир шарофатли вақт оралиғида танасини тарк этсагина ўз мақсадига эришади, яъни бу оламни биратўла тарк эта олади. Танани тарк этиш учун қайси вақтлар яхши эканини Парвардигор кейинги шеърларда таърифлаб беради. Рухий устоз Баладева Видйабхушананинг айтишига қараганда, мазкур шеърдаги *кала* ибораси вақтни бошқариб турган фаришта-ни билдиради.

*24. аг्नир джйотир ахаҳ шуклаҳ шан-маса уттарайанам  
татра прайата гаччхантти Браҳма Браҳма-видо джжанаҳ*

***Олий Браҳманни англаб етган йог агар кундуз куни, олов ва ёруғлик  
фариштаси таъсир кўрсатаётган пайтда, Ой тўлишаётган икки  
ҳафта ичида, Қуёш шимолий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилаётган  
олти ой давомида танасини тарк этса, Браҳманга кира олади.***

Изоҳ: Олов, ёруғлик, кундуз куни ва ойнинг ўзгариш фазалари ҳақида гапирар экан, Кришна уларни маълум фаришталар бошқариб туришини назарда тутлади. Танасини тарк этган йогнинг кейинги тақдири ана шу фаришталарнинг таъсирига боғлиқ бўлади. Ўлаётган пайтда тирик мавжудотнинг ақли уни янги танага олиб ўтади. Аммо, агар йога билан шуғулланиб юрган киши тасодифан ёки атайлаб онгли равишда мана шу ерда ёзилган шарофатли вақт ичида танасини тарк этса, у шахсиятсиз Браҳмажйотига ғарқ бўла олади. Камолотга эришган йоглар қаерда ва қачон танасини тарк этишни ўзлари белгилайдилар, лекин бошқалар бундай қилишга қодир эмас. Агар тасодифан ана шундай шарофатли вақт оралиғида танасини тарк этсалар, улар ҳам озод-



ликка чиқиб, туғилиб-ўлишлар чархпалагидан кутуладилар. Акс ҳолда, улар барибир яна бу моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўладилар. Аммо Худонинг соф содик хизматкори, яъни соф Кришна онгига эга бўлган содик хизматкор танасини атайлабми, тасодифанми, шарофатли ёки шарофатсиз вақтдами - қандай ҳолатда этишидан қатъий назар, ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди.

*25. дхумо ратис татха кришнаҳ шан-маса дакишинайанам  
татра чандрамасам джйотир йоги прапйа нивартате*

***Тунда, тутун фариштаси ҳукмрон бўлган вақтда, Ой камайиб бораётган икки ҳафта ичида, Қуёш жанубий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилаётган олти ой давомида танасини тарк этган йог Ой сайёрасига боради, аммо кейин яна Ерга қайтиб келади.***

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи қўшиғида Капила Муни айтадики, кармали фаолиятда камолотга эришганлар ҳамда зарур бўлган барча қурбонлик маросимларини ўтказган кишилар ўлганларидан кейин Ой сайёрасига эришадилар. У жойда мазкур руҳлар ўн минг йил умр кўрадилар ва жаннатий *сома-раса* ичимлигидан ичиб, лаззатланиб яшайдилар. Кейин улар яна Ер сайёрасига қайтиб келадилар. Мазкур шеърдан маълум бўладики, Ой сайёрасида онги юқори даражада ривожланган тирик мавжудотлар яшайди. Ҳозирги замон олимлари механик қурилмалар ёрдамида Ойга боришга ури-няптилар, лекин бунинг умуман иложи йўқ, шу сабабли, уларнинг барча ури-нишлари барбод бўлаверади.

*26. шукла-кришне гати хй эте джагатаҳ шашивате мате  
экайа йати анавриттим анийайавартате пунаҳ*

***Ведаларда бу оламдан кетишнинг икки йўли кўрсатилган: ёруғликда ва қоронғуда. Ёруғ йўл билан кетган йог бу дунёга бошқа қайтиб келмайди, қоронғи йўл билан кетган йог эса, яна қайтиб келишга мажбур бўлади.***

Изоҳ: Мазкур шеърга ёзган изоҳида Шри Баладева Видйабхушана "Чхандогйа-упанишад"(5.10.3-5)дан бир мисол келтиради. Унда тирик мавжудотнинг кетиши ва келиши таърифланган. Қадим замонлардан бери кармали фаолият ва фалсафий изланишлар билан машғул бўлиб юрган зотлар ҳамиша бир сайёрадан бошқа сайёрага кўчиб юришга мажбур. Улар токи ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширмагунча, моддий олам асиригидан биратўла кутулиб кета олмайдилар.

*27. наите срिति партха джанан йоги мухйати кашчана*

***Эй Аржун, Менга ўзини топширган кишилар бу икки йўлни яхши биладилар, аммо бу уларни ташвишга солмайди. Шу боис сен Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бор.***

Изоҳ: Кришна Аржунга бу дунёни қандай тарк этиш яхши экани ҳақида қайғурмасликни маслаҳат берапти. Худонинг содиқ хизматкори танасини ўз истаги биланми ёки тасодифанми - қандай тарк этиши ҳақида умуман ўйламаслиги керак. Ундан талаб қилинадиган ягона нарса - ҳамиша Кришна онгида бўлиш ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш орқали ҳамиша Парвардигорни эслаб юришдан иборат. Худонинг содиқ хизматкори шуни тушуниб олиши лозимки, бу ерда кўрсатилган ҳар икки йўлда - ёруғ йўлда ҳам, қоронғи йўлда ҳам инсон жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Яхшиси - Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиш ва ҳамиша Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб яшаш керак. Мана шу - руҳий салтанатга олиб борадиган энг ишонarli ва энг яқин йўл.

Бу шеърда *йога-йукта* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу оламни биратўла тарк этиш учун йог Кришна онгида мустаҳкам турган бўлиши зарур, бунинг учун эса у бутун ҳаётини Кришна билан боғлиқ бўлган фаолият билан машғул қилиб яшаш лозим. Шри Рупа Госвами шундай насихат қилади: *анасактсия вишайан йатхархам упайунджатаҳ*. Моддий фаолиятга бўлган боғланишлардан бутунлай халос бўлиб, ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб яшаш лозим. Юкта-вайрағяннинг мана шу қонунига амал қилиб, инсон камолот чўққисига эришади.

Шу сабабли Худонинг содиқ хизматкорини танани тарк этишнинг ҳар хил йўллари безовта қилолмайди: у Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, албатта Худонинг даргоҳига эришишини аниқ билади, унинг бунга ишончи комил.

*28. ведешу йаджнешу тапахсу чаива  
данешу йат пунйа-пхалам прадиштам  
атйети тат сарвам идам видитва  
йоги парам стханам упаити чадйам*

***Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиш, қурбонлик маросими ўтказиш, хайр-садақа бериш, фалсафий изланиш ҳамда савоб ишлар қилиб кармали фаолият билан шугулланиш натижасида эришиладиган саодатлардан маҳрум бўлиб қолмайди. Худого садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан у ўзидан-ўзи ана шу фаолиятлар келтирадиган барча натижаларга эришади ва умрининг охирида Худонинг мангу даргоҳига киради.***

Изоҳ: Бу шеър билан Парвардигор "Бхагавад-Гита"нинг Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш йўли таърифланган еттинчи ва саккизинчи бобида берилган насиҳатларга яқун ясайди. Шастраларга асосан, руҳий юксалиш йўлининг бошида, инсон руҳий устознинг ашрамида яшаши, унинг раҳбарлиги остида муқаддас китобларни, Ведаларни ўрганиши ва ҳар хил қийинчиликларга бардош бериб, руҳий ҳаёт кечириш учун чиниқиши лозим. Шогирд-Брахмачарий руҳий устознинг уйда яшар экан, унинг хизматкори вазифасини бажаради, уйма-уй юриб одамлардан садақа сўрайди, тўплаган нарсаларини устозига олиб келади. У фақат руҳий устозининг руҳсати билан овқатланади, агар бирор сабаб билан руҳий устоз уни овқатга таклиф қилмаса, Браҳмачарий шу куни рўза тутиб, оч юради. Ведаларда кўрсатилган Браҳмачарий ҳаётига оид қоидаларнинг баъзилари шундан иборат.

Шогирд беш ёшдан йигирма ёшгача руҳий устоз раҳбарлиги остида Ведаларни ўрганиши лозим, натижада унинг қалбида барча эзгу фазилатлар ривожланиб тўлиқ шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, Ведаларни ўрганиш натижасида одамлар ношуд билимдон кишилар бўлиб эмас, балки жамиятнинг энг илғор, намунали аъзолари бўлиб етишишлари лозим. Шогирд-Брахмачарий ана шундай тайёргарликдан ўтгандан кейин уйланиб оилавий ҳаёт кечиришга руҳий устоздан руҳсат олади. Руҳий юксалиш йўлини давом эттириш учун оилавий турмуш кечираётган киши жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказиб яшаши лозим. Бундан ташқари оилали одам замон ва макон шароитларига қараб, эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарида бўлган хайр-саховат турларини яхши билган ҳолда бошқаларга садақа улашиши, бошқа хайрия ишларини амалга ошириб яшаши лозим. Инсон оилавий турмуш билан яшаш поғонасидан ўтгандан кейин *ванапрастха* турмуш тарзига ўтади. Бунда у ўрмонга кетиб, қаттиқ риёзатларга берилиши лозим: танасини дарахт пўстлоқлари билан тўсиб юриши, соч-соқолини олмаслиги ва ҳоказо. Инсон Браҳмачарий, оилавий турмуш(грихастха), ванапрастха ва ниҳоят *санниаси*(таркидунёлик) турмуш тарзлари орқали ўтиб умр йўлининг охириги максадига эришади. Кимдир жаннат сайёраларига кўтарилади, руҳий юксалишнинг юқорироқ поғонасида турган одам эса моддий олам асирлигидан биратўла қутулиб, руҳий оламга эришиши мумкин: шахсиятсиз Браҳмажйотига ёки Вайкунтха сайёраларидан бирига ёки Кришналокага. Ведаларда кўрсатилган руҳий юксалиш йўли ана шундан иборат.

Аммо, Кришнани англаш усулининг алоҳида бир афзаллиги бор: Худога садоқат билан хизмат қила туриб инсон бирданига барча турмуш тарзи учун кўрсатилган қонун-қоидалардан, урф-одатлардан устун турадиган илоҳий поғонага кўтарила олади.

Мазкур шеърдаги *идам видитва* ибораси Кришнанинг "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи ва саккизинчи бобларида берган насиҳатларининг мазмунини англаб олиш зарурлигини кўрсатади. Бунда бизга дунёвий, моддий маълумотимиз ёки ўзимизнинг шахсий мулоҳазаларимиз ёрдам беролмайди:

бу бобларнинг аниқ мазмунини англаб етиш учун уларни Худонинг содиқ хизматкори оғзидан тинглаш керак. Еттинчи бобдан ўн иккинчи бобгача бўлган шеърларда "Бҳагавад-Гита" мазмунининг асл моҳияти баён этилган. Биринчи ва охириги олти боблар "Бҳагавад-Гита"нинг мана шу алоҳида ҳимояланган олти бобини ўраб турган муқоваларга ўхшайди. Агар инсон Худонинг содиқ хизматкорлари билан бўлган суҳбатда мана шу олти бобнинг мазмун-моҳиятини англаб олса, унинг инсон танасида кечирган ҳаёти муваффақият билан тугаши кафолатланади. Шундай инсон ҳаётда барча риёзатчилар, қурбонлик маросими ўтказиб юрган одамлар, ҳайр-саховат кўрсатиб юрганлар, фалсафий изланиб юрганлар эришадиган натижалардан ҳам устун бўлган энг олий мақсадга эришади, чунки содиқ Кришна онгида ҳаракат қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юргани шарофати билан бундай ишларнинг натижалари унга ўзидан ўзи келади.

Қалбида "Бҳагавад-Гита"да айтилган гапларга озгина ишончи бўлган киши, бу илми Худонинг содиқ хизматкори раҳбарлиги остида жиддий ўрганиши лозим, чунки тўртинчи бобнинг бошида айтилганидай, "Бҳагавад-Гита"нинг ҳақиқий мазмунини фақат Худонинг содиқ хизматкори тўғри тушуна олади, бошқа бирор одам бунга қодир эмас. Шу боис "Бҳагавад-Гита"ни даҳрий файласуфларнинг ўз фикрини баён этган изоҳлари орқали эмас, Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори ёзган изоҳлар асосида ўрганиш лозим. "Бҳагавад-Гита"ни ана шундай тартибда ўрганиш - инсоннинг чуқур иймон-этикодга эга эканидан далолат беради. Инсон Худонинг содиқ хизматкорларини учратиб, улар билан ҳамсуҳбат бўла бошлаганида, унда "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиш ва унинг ҳақиқий мазмунини тушуниш имконияти пайдо бўлади. Худонинг содиқ хизматкори билан ҳамсуҳбат бўлишда давом этиб, унинг ўзи ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига қиради, Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши билан Парвардигор ҳақидаги, Унинг кароматлари, қиёфаси, эрмаклари, номи ва бошқалар ҳақидаги барча гумонларидан бутунлай покланади. Ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан бутунлай покланиб, инсон "Бҳагавад-Гита"ни ўрганишда давом этади ва бошқа ҳеч нарсага диққатини чалғитмай кўяди. Ана шу поғонада "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиш унга чинакам руҳий лаззат бера бошлайди ва у ҳамиша, ҳамма ерда фақат Кришна ҳақида ўйлаб яшайдиган бўлади. Ана шундай даражага эришганида, у қалбида юзага келган Кришнага бўлган илоҳий муҳаббат уммонига ғарқ бўлади. Шу тарзда руҳий баркамолликнинг юқори поғонасига кўтарилиб, Худонинг содиқ хизматкори умрининг охирида Кришнанинг руҳий даргоҳига, Голока Вриндаванага йўл олади ва мангу бахтга эришади.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Худонинг даргоҳига эришиш" деб аталадиган саккизинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## Тўққизинчи боб. Энг нодир илм

*1. ири бхагаван увача*

*идам ту те гухйатамам правакийами анасуйаве*

*дженанам видженана-сахитам йадж джнатва мокийасе “шубхат*

***Худонинг Олий Шахси деди: Азизим Аржун, сен ҳеч қачон Менга ҳасад қилмаганинг учун Мен сенга энг нодир донишмандлик илмини ўргатаман. Бу илми эгаллаб сен барча моддий мусибатлардан халос бўла оласан.***

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш билан Худонинг содиқ хизматкори аста-секин руҳий илмга эга бўлади. Тинглаш усули "Шримад Бхагаватам"да тавсия қилинган: "Парвардигорнинг сўзлари ғайритабиий илоҳий қудратга эга. Унинг бу қудратини Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ҳикояларни фақат Худонинг содиқлари орасида тинглаш ва муҳокама қилиш жараёнида ҳис қилиш мумкин". Уларнинг сири, мазмуни ҳеч қачон иймонсиз дунёвий файласуфлар ёки назариётчи олимлар даврасида очилмайди, чунки руҳий илмга - фақат руҳий тажриба, амалий руҳий жараён орқали эришиш мумкин.

Худонинг содиқ хизматкорлари ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қиладилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган ҳар бир кишининг қалбидаги ниятини, унинг қанчалик самимий эканини Парвардигор яхши билади, шу боис у содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб Кришнаҳақидаги илми тўлиқ эгаллаб олиши учун Кришна унга етарли даражада тафаккур, заковат ато этади. Кришна ҳақидаги суҳбатлар жуда қудратли таъсир кучига эга, шу ҳикояларни бирор марта тинглаш бахтига муяссар бўлган киши бу нодир илми тушуниб олишга самимий интилса, вақт ўтиши билан у албатта руҳий ҳаёт тажрибасига эга бўлади. Аржунни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу қудратли жараёнига бутунлай жалб қилиш учун, Кришна "Бхагавад-Гита"нинг тўққизинчи бобида унга шу пайтгача айтган илмларидан ҳам маҳфийроқ бўлган илм ҳақида гапириб беради.

"Бхагавад-Гита"нинг биринчи боби бутун асарга кириш вазифасини бажаради. Иккинчи ва учинчи бобларда маҳфий сирли ҳисобланган руҳий илм ҳақида гапирилади. Еттинчи ва саккизинчи бобларда муҳокама қилинадиган мавзулар Худога садоқат билан хизмат қилишга бевосита боғлиқ бўлган мавзулардир, Кришна онгининг илоҳий нурини таратаётгани

сабабли, бу мавзулар рухий илмнинг яна ҳам махфийроқ қисмлари ҳисобланади. Лекин, "Бхагавад-Гита"нинг тўққизинчи бобида Худога бенуқсон, энг соф садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапирилади. Шу сабабли бу бобда "энг нодир илм" баён этилган деб ҳисобланади. Кришнаҳақидаги энг нодир илмга эга бўлган киши табиий равишда, ўз-ўзидан моддий қувват таъсиридан халос бўлади ва ҳатто бу дунёда яшашда давом этаётган бўлса ҳам, барча моддий мусибатлардан халос бўлади. "Бҳакти-расамрита-синдху"да айтилганки, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга самимий интилаётган кишини, гарчи у моддий олам шароитида яшаётган бўлса ҳам, "озодликка эришган инсон" деб ҳисоблаш керак. "Бхагавад-Гита"нинг ўнинчи бобида ҳам айтилганки, Парвардигорга хизмат қилиб юрган ҳар бир одам моддий олам тутқунлигидан албатта озодликка чиқади.

Тўққизинчи бобни бошлаб берадиган бу шеър чуқур маънога эга. *Идам джнана*м("бу илм") Худога соф садоқат билан хизмат қилишни назарда тутди. Бу фаолиятнинг тўққиз тури бор: 1. Худонинг муқаддас номлари товушини ва Худонинг Олий Шахси олқишланадиган, шарафлаб қуйланадиган ҳикояларни тинглаш; 2. Парвардигорни шарафлаб қуйлаш; 3. Парвардигорни эслаб юриш; 4. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш; 5. Илоҳларга сажда қилиб сиғиниш; 6. Парвардигорга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш; 7. Парвардигорнинг хизматкори сифатида ҳаракат қилиш; 8. Парвардигорга дўстона муносабатда бўлиш; 9. Парвардигорга бутунлай ўз ихтиёрини топшириш. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу турлари билан мунтазам шуғулланиб юриш орқали инсон рухий онга, Кришна онгига эга бўлади. Шундай фаолият натижасида унинг қалби моддий иллатлардан покланганида у Худонинг Олий Шахси Кришна ҳақидаги бу нодир илмни эгаллашга қодир бўлади. Камолотга эришиш учун тирик мавжудот ўзи аслида моддий зот, яъни тана эмас, балки мангу рух эканини тушунишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ҳали рухий юксалиш йўлининг энг бошланғич поғонаси, холос. Ҳақиқий инсон моддий тананинг фаолияти билан аслида тана эмаслигини англаб етган кишининг фаолияти орасидаги фарқни тушуниб олиши керак.

Еттинчи бобда биз Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаларининг улуғворлиги, Унинг ҳар хил қувватлари, олий ва қуйи табиати, умуман моддий коинот ҳақида гапирган эдик. Тўққизинчи бобда эса, Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу ерда ишлатилган *анасуйаве* ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзишга қўл урган кишилар, гарчи ўзлари машҳур олим бўлсалар ҳам одатда Кришнага, Худонинг Олий Шахсига ҳасад қиладилар. Ҳатто энг заковатли олимлар ҳам ўзларининг изоҳларида "Бхагавад-Гита"нинг мазмунини бузиб кўрсатадилар. Кришнага ҳасад қилаётгани сабабли уларнинг ёзган изоҳлари ҳеч кимга ҳеч қандай рухий манфаат келтирмайди. Фақат Худонинг содиқ хизматкорлари ёзган изоҳларгина ишонарли, эътиборга лойиқ илоҳий асарлар бўла олади.

Қалбида ҳасад туйғуси бўлган киши ҳеч қачон бошқаларга "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини очиб бера олмайди, яъни ундай одам бошқаларга Кришна ҳақидаги илоҳий илм сирини очишга қодир эмас. Кришнани билмай туриб, Унинг табиатидан бирор нуқсон излаётган киши шунчаки аҳмоқ, нодондир. Шу сабабли ундай изоҳлардан иложи борича узокроқ бўлиш керак. Лекин, пок ва руҳий Зот Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англаб етган кишига бу бобдаги илм ҳақиқий бахт келтириши аниқ.

*2. раджа-видйа раджа-гухйам павитрам идам уттамам  
прайакшавагамам дхармйам су-сукхам картум авйайам*

***Бу илм - барча илмлар шоҳи, барча сирларнинг энг маҳфий сирини. Бу - энг пок илм, инсонга ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ининг асл табиатини англаб, яққол ҳис этиши имконини бергани учун у энг мукаммал (диний)аъмолдир. Бу - мангу илм, уни ўрганиш инсонга қувонч бағишлайди.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг бу бобидаги илм - "илмлар шоҳи" деб аталган, чунки унда шу пайтгача айтилган барча фалсафий таълимотларнинг асосий мазмуни, мағзи баён этилган. Ҳинд фалсафасининг асосий йўналишлари Гаутама, Канада, Капила, Ягйавалка, Шандилия ва Вайшванара асарларида тўлиқ баён этилган. Донишмандларнинг бу сулоласи "Веданта-сутра"ларнинг муаллифи Вйасадева билан тугайди. Шундай қилиб, фалсафий ҳамда руҳий илмнинг ҳеч қандай нуқсони ва камчилиги қолмаган. Лекин, бу ерда Парвардигор "Бҳагавад-Гита"нинг тўққизинчи бобини илмлар шоҳи ва барча Ведавий фалсафий таълимотларнинг асосий мазмуни деб айтяпти. Бу ҳақиқатан ҳам энг маҳфий, нодир илм, чунки маҳфий, яъни илоҳий илм - руҳ билан моддий тана орасидаги фарқни ўргатади, ана шу сирли илмнинг гултожи эса - Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш илмидир.

Одамларнинг аксарият кўпчилиги мана шу сирли илмдан беҳабар: уларнинг ҳаётда ўрганиб юрган барча "илм"лари ташки, ўткинчи моддий оламга тегишли илмлардир. Дунёвий таълим тизимида одамлар ҳар хил фанларни ўрганадилар: сиёсат, ижтимоий фанлар, физика, химия, математика, биология, астрономия, техник фанлар ва ҳоказо. Жаҳонда ҳар хил фанларни ўрганадиган жуда кўп университетлар бор, лекин руҳ ҳақидаги илмни ўргатадиган бирорта илм даргоҳи йўқ. Айни пайтда руҳ - танада мавжуд бўлган энг муҳим, энг асосий нарса: руҳдан ажралган тананинг ҳеч қандай кадр-қиймати қолмайди. Жонсиз гавда кераксиз лошга айланади. Шунга қарамай одамлар руҳни, жонни эътибордан четда қолдириб бутун кучини, вақтини, ақл-фаросатини фақат тананинг эҳтиёжларини кондириш учун сарфлашга уриниб яшайдилар.

Иккинчи бобдан бошлаб, "Бҳагавад-Гита"нинг ҳамма жойида руҳнинг алоҳида аҳамияти ҳақида мунтазам таъкидланяпти. Иккинчи бобнинг бошида

Парвардигор айтадики, тана ўткинчи, рух, жон эса мангу(*антаванта име деха нитйасйоктаҳ шариринаҳ*). Мангу руҳнинг ўткинчи моддий танадан фарқ қилиши, унинг ўзгармас, емирилмас ва мангу экани ҳақидаги илмнинг ўзиёқ сирли илм ҳисобланади. Лекин, бу илм ҳали руҳнинг ҳақиқий табиати-ни тўла тушунтириб бермайди. Баъзиларнинг фикрига кўра рух танадан фарқ қилади, тана ўлгандан кейин ёки моддий танани тарк этгандан кейин рух мавҳумликка тушиб, ўзининг шахс сифатини йўқотади. Аслида эса бундай эмас. Тана ичида шунча фаол ҳаракат қилаётган рух тана ичидан озод ликка чиққандан кейин қандай қилиб суст, мавҳум бўлиб қолиши мумкин?

Рух ҳамиша фаол ҳаракатда бўлади. Рух мангу экан - унинг ҳаракати, фаолияти ҳам албатта мангу бўлади. Рухнинг руҳий оламдаги фаолияти ҳақидаги илм - илоҳий илмнинг энг нодир, махфий сирли қисми ҳисобланади. Шу сабабли бу ерда мангу руҳнинг фаолияти ҳақидаги илм - барча илмларнинг энг махфий қисми, "илмлар шоҳи" деб аталган.

Ведаларда айтилишича, бу илм барча фаолиятлар ичида энг пок фаолият ҳақидаги илмдир. "Падма-пурана"да гуноҳ ишлар тоифасига кирадиган ҳар хил фаолият турлари ҳақида гапирилган. У ерда айтилишича, ҳар қандай гуноҳ иш албатта яна бир гуноҳ ишга сабаб бўлади. Кармали фаолият билан машғул кишилар аввалги гуноҳларининг ҳар хил босқич ва турли даражадаги оқибатларига ўралашиб қолган одамлардир. Агар дарахт эксангиз, у бир пасда ўсиб кетмайди: бунинг учун анча вақт керак. Аввалига кичкина ниҳол пайдо бўлади, кейин у аста-секин улғайиб катта дарахтга айланади, гуллаб ҳосил бера бошлайди, дарахт кучга кирганида уни ўтказган одамлар шу дарахтнинг гулларидан, меваларидан лаззатланиши мумкин. Худди шунингдек, бирор гуноҳ иш қилганда одам гўё ерга уруғ ташлаган бўлади - ана шу уруғ вақт ўтиши билан албатта ўсиб чиқиб, мева бера бошлайди.

Гуноҳ ишларнинг оқибатлари бир неча босқичларда пишиб етилади. Инсон аллақачон гуноҳ ишлар қилишни тарк этган бўлса-да, аввал содир этган гуноҳларининг оқибатларига ҳали энди дуч келаётган бўлиши мумкин. Баъзи гуноҳларнинг оқибати ҳали уруғ шаклида, бошқалари эса, пишиб етилган бўлиб, ҳозир унинг ҳаётида ҳар хил азоб-укубатлар кўринишида ўз меваларини бераётган бўлади.

Эттинчи бобнинг йигирма саккизинчи шеърида айтилганидай, гуноҳлари оқибатидан халос бўлган ва бутун ҳаётини фақат эзгу ишларга бағишлаган, моддий оламнинг қарама-қаршиликлари таъсиридан озод бўлган киши Худонинг Олий Шаҳсига садоқат билан хизмат қилиш йўлига қира олади. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатан ҳам Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аввал содир қилган барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлган инсондир. "Падма-пурана"да ҳам шу ҳақиқат тасдиқланади:

*апрарабдха-пхалам папам кутам биджам пхалонмукхам  
краменаива пралийате вишну-бҳакти-рататманам*



"Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аста-секин аввал қилган гуноҳларининг етилиб пишган оқибатидан, энди содир этилган, ҳали қалбида уруғлик сифатида сақланиб турган барча оқибатларидан бутунлай халос бўлади".

Худого садоқат билан хизмат қилиш жуда кучли поклаш қудратига эга, шу сабабли уни *навитрам уттамам*, "энг пок" деб атайдилар. *Уттама* ибораси трансцендент, "илоҳий" деган маънони англатади. *Тамас* - бу моддий олам, яъни зулмат, ғафлат, қоронғилик салтанати, *уттама* деган сифат эса, ана шу зулмат ташқарисида, моддий фаолият чегарасидан ташқарида деган маънони

англатади. Гарчи Худонинг содиқ хизматкори қилаётган ишлар оддий одамларнинг ишларидан фарқ қилмаса ҳам, Худого хизмат қилишни ҳеч қачон дунёвий фаолият деб ҳисобламаслик керак. Ҳақиқий руҳий назарга эга бўлган ва Худого хизмат қилиш илмидан озгина хабари бўлган киши Худонинг содиқ хизматкорларининг ишлари моддий фаолият эмаслигини яхши биладилар. Уларнинг барча ҳаракатлари руҳий табиатга эга бўлиб, ягона Парвардигорга бағишланган, шу боис моддий гуналар билан булганмаган бўлади.

Бу ерда айтилганки, Худого хизмат қилиш доирасидаги фаолият шу қадар мукамалки, инсон унинг натижаларини бевосита ўзи ҳис қила олади. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Биз ҳаёт тажрибамиздан амин бўлганмизки, Кришнанинг муқаддас номларини(Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре)ҳақоратларсиз зикр қилиб юрган киши ўзининг қалбида ифодалаб бўлмайдиган руҳий лаззат ҳис қила бошлайди, қалби моддий иллатлардан жуда тез поклана бошлайди. Буни амалда ҳар ким ўзи синаб кўриши мумкин. Бундан ташқари, фақат муқаддас номларни зикр қилиш ва уларни тинглаш билан чекланиб қолмасдан Худого хизмат қилиш илмини бошқаларга ўргатишга интилаётган ёки Худони, Кришнани англаш ҳаракатининг ривожланишини имкони борича ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб юрган киши ўзининг руҳий жиҳатдан қанчалик тез ривожланаётганини дарров ҳис қилади. Унинг руҳий юксалиш йўлида ривожланиши аввалги маълумотига ёки бошқа бирор моддий сифатларига боғлиқ эмас. Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг ўзи шу қадар қудратлики, шунчаки бу фаолият билан мунтазам шуғулланиб юриш натижасида биз моддий иллатлардан бутунлай покланамиз.

"Веданта-сугра"да бу ҳақда шундай дейилади: *пракашаш ча кармани абхйасат* - "Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёни шу қадар қудратлики, у билан шуғулланган киши ўз-ўзидан руҳий илмга эга бўлади". Бунга оддий чўри аёлнинг ўғли бўлиб туғилган Нарада Мунининг аввалги ҳаёти яққол мисол бўла олади. У обрўли хонадонда туғилмаган, яхши таълим-тарбия ҳам олмаган эди. Лекин, унинг онаси Худонинг буюк содиқларига хизмат қилиб юганида Нарада унга ёрдам берар, онаси йўқлигида ўзи Худонинг содиқ хизматкорларига бевосита хизмат қиларди. Бу

ҳақда Нарада Мунининг ўзи шундай дейди:

*уччхишта-лепан аномодито двиджаих  
сакрит сма бхундже тад-апаста-килбишах  
эвам правриттасйа вишуддха-четасас  
тад-дхарма эватма-ручиҳ праджайате*

"Шримад Бхагаватам"(1.5.25)нинг бу шеърида Нарада Муни шогирди Вйаса-девага ўзининг аввалги ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берапти. У айтадики, тўрт ой давомида, Худонинг соф содиқ хизматкорлари унинг уйида меҳмон бўлиб турган пайтда уларга хизмат қилган, улар билан ҳамсухбат бўлган. Уларнинг идиш-товоқларини юваётиб, овқат қолдиқларини кўрган ва ундан татиб кўргиси келган. Донишмандлардан рухсат сўраб, улардан қолган табаррук таомдан тотгани сабабли, аввалги гуноҳларининг барча оқибатларидан халос бўлиб қалби покланган. Донишмандлардан қолган таомдан татиб, Нарада Муни ҳам худди шу донишмандлар сингари, Худонинг қалби пок содиқ хизматкори бўлган. Ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни бир-бирига гапириб, тинглаб, бу буюк содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилишдан чексиз руҳий лаззат олардилар. Худди шундай чуқур руҳий лаззат туйғуси вақти келиб Нарада Мунида ҳам пайдо бўлган. Кейин, Нарада Муни яна давом этади:

*татранвахам кришна-катхаҳ прагайатам  
ануграхенаширинавам манохараҳ  
таҳ шраддхайа ме "нупадам вишринватах  
прийашраваса анга мамабхавад ручиҳ*

Донишмандлар билан ҳамсухбат бўлиб, Нарада Парвардигорнинг улғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва гапириб беришга кизиқиб қолади, унинг қалбида ўз-ўзидан Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлади. "Веданта-сутра"да шундай дейилган: *пракашаш ча кармани абхйасат* - Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ўз-ўзидан илмга эга бўлади ҳамда ҳақиқат илмини англаб етишга қодир бўлади. *Пратйакша*("бевосита қабул қилиш") иборасининг мазмуни шундан иборат.

*Дхармйам* - "дин йўли" деганидир. Нарада Муни оддий чўри аёлнинг ўғли эди. Унинг мактабга бориш имконияти йўқ эди. У Худонинг содиқ хизматкорларига хизмат қилиш бахтига муяссар бўлган онасига ёрдамлашарди, холос. Шу тариқа кичкина Нарада ҳам Худонинг содиқ хизматкорларига хизмат қилиш имкониятига эга бўлди, улар билан суҳбатлашиш унга руҳий фаолиятнинг энг юқори поғонасига кўтарилиш имконини берди. "Шримад Бхагаватам"да таъкидланганки, руҳий фаолиятнинг энг олий поғонаси Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади(*са ваи пумсам паро дхармо йато бхактир адхокшадже*). Оддий одамларнинг аксарият кўпчилиги руҳий фаолиятнинг энг олий поғонаси - Худога садоқат билан хизмат қилиш эканини

билмайдилар. Саккизинчи бобнинг охири шеърини изохлаётганда айтиб ўтганимиздай, (*ведешу йаджнешу тапахсу чаива*), инсон ўзининг рухий табиатини англаб олиши учун Ведалар илмини, муқаддас китобларни ўрганиши лозим. Лекин, бу ерда биз кўряпмизки, ҳеч қачон рухий устоз ашрамида таълим олмаган, Ведалар илмини ўрганмаган Нарада Муни, Ведаларни ўрганиб юрган донишмандларнинг энг олий мақсади бўлган юксак рухий поғонага кўтарилган. Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар қудратли кучга эгаки, инсон ҳатто рухий ҳаётнинг барча қондаларга амал қилмай туриб ҳам рухий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарила олади. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Ведаларда бу ҳолат шундай тушунтирилади: *ачарйаван нурушо веда*. Ҳатто ҳеч қачон Ведаларни ўрганмаган ва маълумотсиз одам ҳам, шунчаки буюк ачарйалар билан ҳамсухбат бўлиб Ҳақиқатни англаш учун етарли бўлган илоҳий илмга эга бўлади.

Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга ғайритабиий қувонч бағишлайди. Нимага? Худога садоқат билан хизмат қилиш *шраванам киртанам вишноҳдан* иборат, бошқача қилиб айтганда рухий илмга эга бўлиш учун Парвардигорни шарафловчи ҳикояларни ёки рухий илми муҳокама қилаётган ҳақиқий ачарйаларнинг фалсафий суҳбатларини тинглашнинг ўзи кифоя. Ана шундай суҳбатларда иштирок этиш билан инсон рухий илмга эга бўлади; шунингдек у Парвардигорга таклиф этилган ширин таомлардан тотиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидаги ҳар қандай амал инсонга чексиз қувонч бағишлайди. Бундай фаолият билан ҳатто энг ночор аҳволда яшаётган камбағал одам ҳам бемалол шуғуллана олади. Парвардигор: *патрам нушпам пхалам тойам* - дейди. У содиқ хизматкоридан ҳар қандай арзимас эҳсонни қабул қилишга тайёр. Ҳар қандай одам ҳам, жамиятда тутган ўрнига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда, Худога ҳеч бўлмаса барг, гул, озгина мева ёки сув таклиф қилишга қодир. Бу нарсалар дунёнинг ҳамма ерида мавжуд, агар муҳаббат ва садоқат билан таклиф қилинса, Парвардигор ҳар қандай эҳсонни албатта қабул қилади ва Ўзининг содиқ хизматкоридан мамнун бўлади. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп бўлган. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган туласи баргларининг хушбўй ҳидини ҳидлаган Санат-кумар ва унинг укалари сингари буюк донишмандлар Худонинг буюк содиқ хизматкорларига айландилар. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга қувонч, шодлик келтиради. Худо Шахси, Парвардигор биз Унга таклиф қилаётган нарсалардан фақат қалбимиздаги ихлосимизни, самимий муҳаббатимизни қабул қилади. Бу ерда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни "мангу мавжуд" деб аталган. Бу - майвадифайласуфларнинг таълимотига умуман зид бўлиб, уни инкор этадиган ҳақиқатдир. Баъзан майвадилар ҳам ўзларича гўё Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўладилар, аммо улар Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни фақат рухий озодликка эришгунча керак бўлади, деб биладилар, чунки уларнинг фикрича, моддий олам тутқунлигидан халос бўлгандан кейин уларнинг ўзи Худо бўладилар. Худога бундай ўткинчи, вақт билан

чекланган хизмат қилишни пок руҳий фаолият деб бўлмайди. Худога ҳақиқий хизмат қилиш жараёни озодликка эришгандан кейин ҳам давом этаверади. Руҳий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб боргандан кейин содиқ хизматкор ўзи Худо бўлиб олишга интилмайди, аксинча у жойда ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этаверади.

Кейинги боблардан маълум бўладики, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳақиқий жараёни тирик мавжудот моддий асирликдан руҳий озодликка эришгандан кейин бошланади. Тирик мавжудот руҳий озодликка эришиб, Браҳман(*Браҳма-бхута*) поғонасига кўтарилгандан кейин Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди(*самаҳ сарвешу бхутешу мад-бҳактим лабхате парам*). Шунчаки *карма-йога, гйана-йога, аштанга-йога* ёки йоганинг бошқа бирор тури билан шуғулланиб Худонинг Олий Шахсини англаб бўлмайди. Йоганинг ана шу турларининг барчаси инсоннинг *бҳакти-йога* поғонасига кўтарилишига ёрдам беради, аммо Парвардигорни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина англаб етиш мумкин. "Шримад-Бҳагаватам"да ҳам айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида, айниқса "Шримад Бҳагаватам" ёки "Бҳагавад-Гита"ни руҳий ўзлигини англаб етган зотлар оғзидан тинглаш натижасида қалби покланган инсонгина Кришна ҳақидаги, ягона Парвардигор ҳақидаги илоҳий илмга эга бўлади. *Эвам-прасанна-манасо бхагавад-бҳакти-йога*таҳ. Қалби моддий иллатлардан покланганида инсон Парвардигор аслида ким эканини англай олиш қобилиятига эга бўлади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш, Кришнани англаш усули - билим олишнинг барча усулларининг аълоси, маҳфий илмлар шоҳи, руҳий фаолиятнинг энг пок усулидир. Бундай фаолият билан шуғулланиш жуда осон ва қувончли. Шу сабабли Худога садоқат билан хизмат қилиш барчага баробар тавсия қилинади.

### *3. ашрададдханаҳ пуруша дхармасйасйа парантапа апратйа мам нивартанте мритйу-самсара-вартмани*

***Эй душманлар золиби, чуқур иймон-эътиқодга эга бўлмасдан Худога хизмат қилиб юрган киши ҳеч қачон Менга эриша олмайди. Шу боис у яна моддий оламга қайтиб, самсара чархпалагида такрор ва такрор тугилиб-ўлиб юраверади.***

Изоҳ: Ишончсиз, иймон-эътиқодсиз одам Худога хизмат қилишда ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайди - мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат. Инсон фақат Худонинг содиқ хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиш жараёнида катъий ишончга, чуқур иймонга эга бўлиши мумкин. Гарчи Ведаларда берилган ҳақиқат илмини буюк содиқлар оғзидан тинглаб юрган бўлса ҳам, қалбида Худога ишонч, иймон-эътиқод уйғонмаган кишидан ҳам бахтиқаро, ундан ҳам омадсиз одам бутун оламда топилмаса керак. Ҳамиша қандайдир шубҳа-ю гумонлар остида юргани сабабли улар ҳеч қачон Худога садоқат

билан хизмат қила олмайдилар. Шундай қилиб, ишонч - Кришнани англаш учун албатта зарур бўлган энг асосий шартлардан бири ҳисобланади. "Чайтанья-Чаритамрита"да айтилганки, ҳақиқий иймон - Худого, Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида руҳий баркамолликка эришиш мумкинлигига бўлган қатъий ишончдир. Ана шундай қатъий ишонч "иймон" деб аталади. "Шримад Бхагаватам"(4.31.14)да шундай дейилган:

*йатха тарор мула-нишечанена  
трипйанти тат-скандха-бхуджопашакха  
пранопахарач ча йатхендриёанам  
татхаива сарварханам ачйутеджйа*

"Дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан унинг шоха ва баргларини ҳам озиклантирган бўламиз, қорнимизни овқатга тўйғазиш билан эса танамизнинг барча аъзоларини озиклантирган бўламиз. Худди шундай, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши ҳеч қийналмасдан барча фаришталарни ва бошқа барча тирик мавжудотларни мамнун қилган бўлади".

Шунинг учун етарли фаросатга эга киши "Бхагавад-Гита"ни ўқиб чиққандан кейин, унинг энг асосий хулосасини қабул қилиши лозим: инсон бошқа барча амалларни тарк этиб, ҳаётини Шри Кришнага, ягона Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши керак. Мана шу ҳаёт фалсафасига тўлиқ ишонган кишининг иймони - "комил иймон" ҳисобланади.

Инсон қалбида ана шундай иймон-эътиқодни ривожлантириш Кришнани англаш усулининг асосий мазмунини ташкил этади. Кришнани англаш йўлида юрган кишилар уч тоифага бўлинади. Учинчи, паст тоифадаги одамлар Худого ҳали чуқур ишончи бўлмаган одамлардир. Гарчи улар бошқа одамларга тақлид қилиб, Худого юзаки садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлсалар ҳам, барибир камолот чўққисига эриша олмайдилар. Одатда бундай одамлар бироз вақт ўтгандан кейин бу йўлни ташлаб кетадилар. Улар анча вақт Кришна онги доирасида маълум бир фаолият билан машғул бўладилар лекин, қалбида қатъий ишонч бўлмагани сабабли, Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлидан охиригача бориш улар учун жуда мушкул. Биз фаолиятимиз давомида Кришнани англаш ҳаракатига қандайдир яширин ниятлар билан қўшилиб олган баъзи одамларни учратиб турамыз. Улар бироз вақт жамиятимиз ишларида фаол қатнашиб юрадилар, аммо ўзининг иқтисодий аҳволини анча яхшилаб олгандан кейин руҳий фаолиятни бутунлай тарк этиб, ўзининг аввалги фаолиятига, аввалги турмуш тарзига қайтиб кетадилар. Фақат қатъий ишончга, чуқур иймонга эга бўлган одамларгина Кришнани англашда камолот чўққисига эриша оладилар. Муқаддас китобларни чуқур ўрганиб, Худого садоқат билан хизмат қилиш илмини мукамал англаб етган, қатъий ишончга эга кишини биринчи тоифадаги содиқ деб атайдилар. Муқаддас китобларнинг мазмунини ҳали охиригача англаб етмаган, лекин *кришна-бҳакти* йўли, яъни Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўли - Худого эришишининг энг тўғри йўли эканига қатъий ишонадиган ва шу

йўлдан оғишмай бораётган киши содиқларнинг иккинчи тоифасига киради. Бундай содиқлар муқаддас китобларни билмайдиган, ҳали ишончи қатъий бўлмаган, аммо шунчаки соддадиллиги ва содиқлар билан яқин муносабатда бўлгани сабаблигина Кришнани англаш қоидаларига амал қилиб юрган учинчи тоифа содиқлардан устун туради. Учинчи тоифага мансуб содиқлар вақти келиб йўлдан адашишлари мумкин, иккинчи тоифадаги содиқлар одатда ҳеч қачон адашмайдилар, биринчи тоифадаги содиқлар эса, йўлдан адашиши умуман мумкин эмас. Биринчи тоифадаги содиқ токи камолотга, охириги олий мақсадга эришгунча ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиб бораверади. Учинчи тоифа содиқлар Кришнага садоқат билан хизмат қилиш инсонга чексиз бахт-саодат келтиришига ишонсалар ҳам, улар Худо Шахси Шри Кришна ҳақида "Бхагавад-Гита", "Шримад Бхагаватам" сингари муқаддас китобларда баён қилинган муқаммал илмга эга эмаслар. Учинчи тоифага мансуб содиқлар баъзан қалбида *карма-йога* ва *гйана-йога* билан шуғулланишга нисбатан мойиллик сезадилар, баъзида ҳар хил дунёвий ташвишлар билан овора бўлиб қоладилар, лекин ана шундай иллатлардан поклансалар, улар ҳам иккинчи ёки биринчи тоифадаги соф содиқлар даражасига кўтариладилар. Худога бўлган ишонч ҳам уч тоифага бўлинади, бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"да айтилган. "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи кўшигида биринчи, иккинчи ва учинчи тоифадаги боғланишлар ҳам таърифланган. Кришна ҳақида, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улғворлиги тўғрисида шунча гапларни тинглагандан кейин ҳам қалбида уларга ишонч уйғонмаган, бу гапларни шунчаки сафсата, хаёлий гаплар деб ҳисоблайдиган киши, ҳатто Худога хизмат қилиб юрган бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан охиригача бориши жуда мушкул. Уларнинг руҳий баркамолликка эришиш имконияти деярли йўқ ҳисоб. Худога садоқат билан хизмат қилишда ишонч, иймон жуда муҳим аҳамиятга эга.

*4. майа татам идам сарвам джагад авйакта-муртина  
мат-стхани сарва-бхутани на чахам тешв авастхитаҳ*

***Намоён бўлмаган қиёфамда Мен бутун борлиқни қамраб олганман.  
Барча тирик мавжудотлар Менда мужассам, аммо Мен - уларнинг ичида эмасман.***

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсини кўпол моддий сезгилар ёрдамида ҳис қилиб бўлмайди. "Бҳакти-расамрита-синдху"(1.2.234)да шундай дейилган:

*атаҳ шри-кришна-намади набхавед грахйам индрийаиҳ  
севонмукхе хи джихвадау свайам эва спхуратй адаҳ*

"Ҳиссиёти моддий унсурлар билан булганган одам Кришнанинг муқаддас номини, қиёфасини, сифатларини ва эрмакларини англай олмайди. Парвар-

дигорга садоқат билан хизмат қилиб, сезгиларини руҳий даражага кўтаргандан кейингина унга бу сирлар очилади".

Кришнанинг муқаддас номини, Унинг шуҳратини, эрмакларини моддий табиатга эга бўлган сезгилар ёрдамида англашнинг иложи йўқ. Парвардигор ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларгагина Ўзини намоён этади. "Бҳакти-расамрита-синдху"(5.38)да шундай дейилган: *преманджана-ччхурита-бҳакти-вилочанена сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти*. Қалбида Худога нисбатан илоҳий муҳаббат уйғонган кишигина ўзининг қалбида ҳам, ташқарида ҳам Худонинг Олий Шахсини, Говиндани ҳамиша кўриб юра олади. Парвардигор оддий одамларнинг кўзидан бекиниб олган. Бу ерда айтилганки, гарчи Парвардигор ҳамма жойда мавжуд бўлса ҳам, Уни моддий сезгилар билан сезишнинг иложи йўқ. *Авийакта-муртини* ибораси шуни билдиради. Лекин, биз Парвардигорни кўрмасак ҳам барибир бутун борлиқ Унда мужассам. Еттинчи бобда айтилганидай, бутун моддий коинот Парвардигорнинг икки қуввати - олий(руҳий) ва қуйи(моддий) қувватининг бирикмасидан иборат. Парвардигорнинг қуввати коинотни ёритиб турган қуёш нурлари сингари бутун борлиққа сингиб кетган, бутун борлиқ Унда жойлашган.

Лекин, Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлгани сабабли, бир вақтнинг ўзида У шахс сифатида ҳам мавжуд бўла олмайди, деб ўйламаслик керак. Бундай нотўғри фикрларни инкор этиш учун Парвардигор шундай дейди: "Мен ҳамма жойда мавжудман, бутун борлиқ Менда жойлашган, лекин Мен Ўзим ҳамма нарсадан ташқаридаман". Масалан, шоҳ ўз қувватининг намоён бўлишига ўхшайдиган ҳукуматни бошқаради; ҳар хил вазирликлар ва идоралар - шоҳ қувватининг намоён бўлган кўринишларидир, уларнинг ҳар бири шоҳнинг амри-фармони асосида фаолият кўрсатади. Лекин, ҳар бир идоранинг, вазирликнинг ичида шоҳнинг ўзи ўтиради, деб ўйламаслик керак. Бу шунчаки кўпол ўхшатиш бўлди. Худди шундай, биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси, моддий ва руҳий оламдаги мавжуд ҳамма нарса Худонинг Олий Шахсининг қуввати ичида жойлашган. Парвардигор Ўзининг сонсаноксиз қувватларини намоён этиб, бутун борлиқни яратади. "Бҳагавад-Гита"да айтилганидай, *виштабхйахам идам критснам* - "Унинг Ўзи Олий Рух кўринишида ҳамма жойда мавжуд".

*5. на ча мат-стхани бхутани пашйа ме йогам айшварам  
бхута-бхрин на ча бхута-стхо маматма бхута-бхаванах*

***Айни пайтда, яралган бутун борлиқ Мендан ташқарида жойлашган. Менинг сеҳр қудратимни кўр! Барча тирик мавжудотларнинг таянчи бўлган ҳолда Мен ҳамма жойда мавжудман, Мен моддий оламнинг бир қисми эмасман, чунки яралиш манбаи - Мен Ўзимман.***

Изоҳ: Парвардигор бутун борлиқ Менда мужассам бўлган деб айтяпти(*мат-стхани сарва-бхутани*). Унинг гапани тўғри тушуниб олиш керак. Парвардигорнинг Ўзи моддий оламнинг мавжудлигини таъминлашда иштирок этмайди. Баъзи жойларда елкасида Ер шарини кўтариб турган Атлантининг тасвирини учратиш мумкин; Ернинг оғирлиги остида у букилиб, зўриқиб турибди. Кришнани ҳам худди шундай, коинотнинг мавжудлигини таъминлашдан зўриқиб турган ҳолда тасаввур қилмаслик керак. У айтяптики, гарчи бутун борлиқ Унинг қуввати ичида мавжуд бўлса ҳам, Унинг Ўзи моддий борлиқдан ташқарида. Сайёралар тизими Худонинг қуввати бўлган фазода жойлашган. Лекин, Худо Шахсининг Ўзи космик фазодан фарқ қилади. Парвардигорнинг ҳолати бутунлай бошқача. Шунинг учун Парвардигор айтяптики: "Гарчи бутун борлиқ Менинг қувватимда жойлашган бўлса ҳам Мен, Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, ундан ташқаридаман". Парвардигорнинг англаб бўлмас сеҳрли қудрати ана шундай.

"Нирукти" ведавий луғатида шундай дейилган: *йуджайте "нена дургахатешу карйешу* - "Парвардигор Ўзининг қуввати ёрдамида англаб бўлмас, хайратли кароматларни намойиш этади". Парвардигор ҳар хил қудратли қувватлар соҳиби, Унинг истаган амри шу заҳотиёқ амалга ошади. Парвардигорнинг илоҳий табиатини ана шундай тушуниш лозим. Агар биз бирор ишни ният қилсак, уни амалга ошириш учун анча қийинчиликларга дуч келамиз - кўпинча ниятимиз амалга ошмай қолади. Лекин агар Кришна бирор нарсани истаса, Унинг шу хоҳишининг ўзи кифоя - ҳамма нарса ўз-ўзидан энг комил ҳолатда амалга ошади. Парвардигор буни шундай тушунтиради: гарчи бутун борлиқ Унда жойлашган бўлса ҳам, Унинг Ўзи моддий коинотга аралашмайди. Бутун борлиқ Унинг олий амри билан яратилади, Унинг амри билан мавжуд бўлиб туради, охир-оқибатда Унинг амри билан емирилади. Парвардигор мутлақо руҳий табиатга эга бўлгани учун Унинг ақли ва Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда мавжуд, лекин оддий одам қандай қилиб бир вақтнинг ўзида Парвардигор ҳамма жойда шахсан мавжуд бўлишини тушуна олмайди. У моддий оламдан ташқарида, айни пайтда бутун борлиқ Унда жойлашган. Бу шеърда келтирилган *йогам шиварам* - "Худонинг Олий Шахсининг сеҳрли қудрати шундан иборат" деган ибора шуни билдиради.

*6. йатхакаша-стхито нитйам вайұҳ сарватра-го махан  
татха сарвани бхутани мат-стханитй упадхарайа*

***Билсанг, худди ҳар ерда эсиб турадиган қудратли шамол ҳамиша осмон ичида қолавергани сингари, мавжуд барча мавжудотлар ҳамиша Менда мужассамдир.***

Изоҳ: Оддий инсон шунчалик бепоён моддий олам қандай қилиб Парвардигорнинг ичида жойлашини тушунмайди. Лекин, Парвардигор бу ерда шу-



ни тушуниб олишга ёрдам берадиган мисол келтиради. Бизга маълум бўлган нарсалар ичида осмон энг бепоён нарса бўлса керак. Осмондаги шамол ёки ҳаво - моддий оламдаги энг катта унсур. Ҳавонинг ҳаракати бутун борлиқнинг ҳаракатини белгилайди. Лекин, шунчалик қудратли бўлишига қарамай ҳаво, шамол осмондан ташқарига чиқиб кетолмайди, унинг чегараси билан чекланган. Худди шундай, бу ранг-баранг моддий олам ҳам Парвардигорнинг амри билан яратилган, ундаги ҳамма нарса Парвардигорнинг ҳукми остида: Худонинг хоҳиши бўлмаса, ҳатто дарахтнинг барги ҳам кимирламайди. Ҳамма нарса Худонинг амри билан рўй беради: Унинг амри билан яратилади, Унинг амри билан мавжуд бўлиб туради ва Унинг амри билан яқсон қилинади. Аммо, худди шамолнинг қилаётган ишларига осмон аралашмагани сингари, Худонинг Ўзи бу жараёнлардан четда туради.

Упанишадаларда шундай дейилади: *йад-бхиша ватаҳ навате* - "Парвардигордан қўрққанидан шамол эсади" (Тайттирия-упанишад, 2.8.1). "Брихад-аранйака-упанишад"(3.8.9)да шундай дейилган: *этакья ва акшарасья прашиасане гарги сурья-чандра-масу видхитау тиштхата этакья ва акшарасья прашиасане гарги дйав-апритхивйау видхритау тиштхатаҳ* - "Ой, куёш ва бошқа сайёралар Парвардигорнинг олий амрига бўйсуниб ҳаракат қиладилар". "Брахма-самхита"(5.52)да ҳам шундай дейилган:

*йач-чакишур эша савита сакала-граханам  
раджа самаста-сура-муртир ашеша-теджаҳ  
йасйаджнайя бхрамати самбхрита-кала-чакро  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

Бу ерда куёшнинг ҳаракати таърифланган. Куёшни "Парвардигорнинг кўзи" деб атайдилар. У коинот бўйлаб чексиз миқдорда ҳарорат ва нур таратиб туради. Шунга қарамай, куёш Парвардигор Говинданнинг амрига бўйсуниб, Унинг олий режаси бўйича ўз орбитасидан чиқмай ҳаракат қилади. Шундай қилиб, биз Ведаларда моддий оламдаги улуғвор ва баҳайбат нарсаларнинг барчаси Худо Шахсининг тўла ҳукми остида эканини билиб оламиз. Бу ҳақда тўққизинчи бобнинг кейинги шеърларида батафсил маълумот берилади.

*7. сарва-бхутани каунтейа пракритим йанти мамикам  
кална-кишае пунас тани калпадау висриджами ахам*

***Эй Кунтининг ўгли, ҳар бир калпа охирида бутун моддий олам  
Менинг табиатимга қиради, кейинги калпа бошланганда эса Мен  
Ўз қувватим билан уни қайтадан яратаман.***

Изоҳ: Моддий оламнинг пайдо бўлиши, мавжуд бўлиб туриши ва емирилиши Худо Шахсининг олий амрига боғлиқ. *Калпа* охирида дегани "Брахмининг умри тугаганида" деган маънони билдиради. Брахма юз йил яшайди, унинг

бир куни Ердаги вақт ҳисоби билан 4.320.000.000 йилга тенг. Унинг туни ҳам шунча вақт давом этади. Брахманинг бир оғи ана шундай ўттиз кун ва ўттиз тундан, бир йили эса - ўн икки оғдан иборат. Юз йил ўтгандан кейин, Брахма ўлганида бутун коинот яқсон бўлади, яъни Парвардигор намоён этган моддий қувват яна Унинг Ўзига қайтиб келади. Кейин, моддий оламни яратиш зарурати туғилганида Парвардигорнинг амри билан яна моддий коинот яратилади. *Баху сйам*: "Мен яғонаман, лекин кўпаяман". Бу афоризм Ведалардан олинган: ("Чхандоғйа-упанишад" 6.2.3). Парвардигор Ўзини бу дунёда моддий қувват кўринишида намоён этиб тарқатади, шунда яна моддий олам пайдо бўлади.

*8. пракритим свам аваштабхйа висриджами пунаҳ пунаҳ  
бхута-грамам имам критснам авашам пракритер вашат*

***Бутун борлиқ Менинг ҳукмим остида. Менинг амрим билан у такрор ва такрор пайдо бўлади, ҳар калпа охирида эса, у Менинг хоҳишим билан яқсон бўлади.***

Изоҳ: Моддий олам Худонинг Олий Шаҳсининг қуйи қувватининг намоён бўлган кўринишидир. Бу ҳақда бир неча бор таъкидлаган эдик. Уни яратиш жараёнида моддий қувват Парвардигордан *махат-таттва* кўринишида ажралиб чиқади, Пуруша(Худо Шаҳси)нинг биринчи кўриниши бўлган Маха-Вишну қиёфасида унинг ичига киради. У сабаблар океани сувларида этади, нафас олганида ичидан сон-саноксиз коинотларни чиқаради, Парвардигор Ўзининг Гарбходакашайи-Вишну қиёфасида шу коинотларнинг ҳар бирининг ичига киради. Моддий коинотлар шу тарзда пайдо бўлади. Кейин Парвардигор Ўзини Кширодакашайи-Вишну кўринишида намоён этади ва ҳар бир мавжудот, ҳар бир атомнинг ичига кириб, бутун борлиққа сингиб кетади. Мазкур шеърда шу ҳақда айтиляпти: У бутун борлиққа сингиб кетган.

Тирик мавжудотлар эса, моддий табиат ичига кириб, бу ерда ўзларининг аввалги кармаларига асосан ҳар хил шароитларда яшай бошлайдилар. Моддий оламнинг фаолияти ана шундай бошланади. Ҳар турли таналарга эга бўлган тирик мавжудотлар моддий коинот яратилгандан бошлаб ҳаракатга келади. Ҳар хил ҳаёт турлари модданинг эволюцион ривожланиши жараёнида пайдо бўлади, деб ўйламаслик керак. Бу бутунлай нотўғри тахмин. Тирик мавжудотлар бир вақтнинг ўзида, моддий олам билан бирга яратилади. Одамлар, ҳайвонлар ва қушлар - барчаси бир вақтда пайдо бўлади, чунки тирик мавжудотнинг қандай танага эга бўлиши - унинг аввалги коинот яқсон қилинганда сақланиб қолган истакларига, кармасига асосан белгиланади. Бу ерда ишлатилган *авашам* ибораси аниқ кўрсатиб турибдики, тирик мавжудотларнинг ўзлари бунга бевосита боғлиқ эмас. Тирик мавжудот аввалги коинотда қандай ҳолатда яшаган бўлса, коинот янгидан яратилганида ҳам худди шундай ҳолатда яна пайдо бўлади - бу Худонинг амри билан амалга

ошади. Парвардигорнинг англаб бўлмас илоҳий кудрати ана шундай. Лекин, ҳар турли ҳаёт шакллари яратиш билан бирга Парвардигор тирик мавжудотларга етарли даражада мустақиллик ҳам бериб қўйган. Моддий олам тирик мавжудотларга ўз истакларини амалга оширишга уриниб кўриш имкони бериш учун яратилган, шу сабабли Парвардигор уларнинг тақдирига аралашмайди.

*9. на ча мам тани кармани нибадхнанти дхананджайа  
удасина-вад асинам асактам тешу кармасу*

***О Дхананжайа, лекин Мен бу ишларга боғланиб қолмайман. Мен бу моддий фаолиятдан четда, худди унга дахлдор эмасдай бўлиб тураман.***

Изоҳ: Бу ерда айтилган гаплардан, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор ҳеч қандай иш қилмайди деган хулоса чиқармаслик керак. Рухий оламдаги даргоҳида Парвардигор ҳамиша лаззатга тўла бўлган турли илоҳий эрмаклар билан машғул. "Брахма-самхита"да(5.6) шундай дейилади: *атмарамасйя тасйастии пракритйя на самагамах* - "У ҳамиша мангу, лаззатга тўла руҳий фаолият билан машғул, аммо моддий фаолият билан мутлақо боғланган эмас". Моддий фаолият билан Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари машғул бўладилар. Парвардигорнинг Ўзи моддий оламдаги моддий фаолиятга ҳеч қандай дахлдор эмас. Унинг моддий фаолиятга алоқадор эмаслиги бу ерда *удасина-ват* ибораси билан ифодаланган. Ҳатто энг арзимас моддий фаолиятни бошқара туриб ҳам Парвардигор унга умуман алоқадор бўлмай қолаверади. Худо Шахси худди судяга, яъни ҳукм чиқарадиган қозига ўхшайди. Унинг буйруғи билан бировларни осадилар, бировларни қамоққа ташлайдилар, қимгадир катта бойлик берадилар, лекин қозининг ўзи бу ишларга умуман бетараф бўлиб, боғланмай қолаверади. Бу ердаги олиш-беришлар, фойда-зарарлар Унга умуман таъсир қилмайди. Гарчи, ҳар қандай фаолиятда ҳам Унинг хоҳиши сезилиб турса ҳам, Худо Шахси уларга нисбатан бетараф бўлиб қолаверади. "Веданта-сутра"(2.1.34)да шундай дейилган: *ваишамйя-наиргхринйе на* - "У моддий оламнинг қарама-қаршиликларидан ташқарида ва нисбийликнинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишларига нисбатан трансцендент, илоҳий ҳолатда бўлган Зотдир". Шунингдек, у моддий оламнинг яраллиш ва яқсон бўлиш жараёнларига ҳам боғланмаган. Тирик мавжудотлар аввалги ҳаётида қилган ишларига қараб, ҳаётнинг турли хил шаклларида дунёга келадилар. Аммо, Парвардигорнинг Ўзи бунга аралашмайди.

*10. майадхйакшена пракритих суйате са-чарачарам  
хетунанена каунтейа джагад випаривартате*

***Эй Кунтининг ўзли, Менинг қувватларимдан бири бўлган ҳолда, моддий табиат қўзғалмас ва қўзғалувчан мавжудотларни яратиб, Менинг назоратим остида ҳаракат қилади. Унинг фаолияти натижасида бутун олам такрор ва такрор аввал пайдо бўлиб, кейин эса яксон бўлиб туради.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, гарчи Парвардигор моддий оламдаги фаолиятдан четда турса ҳам, барибир У Олий Ҳукмдор бўлиб қолаверади. Парвардигор олий ирода, олий фармон тимсоли бўлган ҳолда моддий табиат ҳукми остида фаолият кўрсатаётган моддий оламнинг таянчи ҳисобланади. "Бхагавад-Гита"да Парвардигор "ҳар хил тур ва шакллардаги барча тирик мавжудотларнинг Отасиман" деб айтган. Худди онанинг қорнига ота уруғлик кўйиши натижасида фарзанд дунёга келгани сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг бир нигоҳи билан моддий табиат ичига барча тирик мавжудотлар уруғини жойлаб қўяди. Шунда тирик мавжудотлар аввалги ҳаётларидан қолган истакларига ва аввалги фаолиятига мос равишда, ҳар хил ҳаёт турларида бу дунёга қайтиб келадилар. Гарчи Парвардигорнинг назорати остида туғилсалар ҳам барча тирик мавжудотлар ўзларининг аввалги фаолияти ва истакларига мос равишда ҳар хил моддий таналарга эга бўладилар. Шундай қилиб, Худо Шахсининг Ўзи моддий олам билан бевосита боғланган эмас. У моддий табиатга шунчаки нигоҳини ташлаб қўяди, натижада моддий табиат ҳаракатга келади ва ҳаётнинг турли шаклларини ярата бошлайди. Албатта, моддий табиатга Ўз нигоҳини ташлаш билан Парвардигор ҳаракат қилади, аммо Унинг Ўзи моддий оламни яратишда бевосита иштирок этмайди. Смиртиларда шундай мисол келтирилган: агар одамнинг ёнида анвойи хид таратаётган гул ўсиб турган бўлса, гулнинг ҳиди унга бориб етади, лекин гулнинг ўзи ҳам, унинг ҳидини сезган киши ҳам бир-биридан узокда қолаверадилар. Худди шундай алоқа моддий олам билан Худонинг Олий Шахси орасида ҳам мавжуд: Парвардигор моддий олам билан бевосита боғлиқ эмас, аммо Ўзининг нигоҳи билан У моддий оламни яратади, уни бошқариб туради. Бир сўз билан айтганда, Худонинг Олий Шахсининг амри бўлмаса моддий табиат ўзи мустақил равишда ҳеч нарсага қодир эмас. Лекин, Парвардигор ҳар қандай моддий фаолиятга нисбатан бетараф бўлиб қолаверади.

*11. аваджананти мам мудха манушим танум аширитам  
парам бхавам аджананто мама бхута-махешварам*

***Моддий оламга инсон қиёфасида келганимда нодон одамлар Менинг устимдан куладилар. Улар Мен бутун борлиқнинг ягона Ҳукмдори сифатида илоҳий табиатга эга эканимни билмайдилар.***

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтилган гаплардан маълум бўладики, гарчи инсон қиёфасида намоён бўлса ҳам Парвардигор оддий инсон эмас. Моддий олам-

нинг яратилиши, мавжудлиги ва яқсон бўлишини бошқариб турадиган қудратли Парвардигор оддий инсон бўлиши мумкин эмас. Лекин, "Кришна - шунчаки қудратли инсон, бошқа ҳеч нарса эмас!" - деб ҳисоблайдиган жуда кўп аҳмоқлар бор. Аслида эса, Кришна - азалий Олий Шахс. Буни "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайди - *ишварах парамах кришнах*. У - ягона Парвардигорнинг Ўзи. Жаҳонда ҳар хил даражадаги ҳокимликка эга бўлган ҳукмдорлар, ишваралар кўп. Ҳукуматнинг бошқарув тизимида ҳар хил лавозимларда ишлайдиган раҳбарлар бор: директорлар, юқори лавозимдаги бошлиқларга бўйсунадиган раҳбарлар; улар ўз навбатида вазирларга, вазирлар эса - президентга бўйсундилар. Уларнинг ҳар бири раҳбар, *ишвара*, лекин улар ўзидан бошқа яна кимгадир бўйсундилар. "Брахма-самхита"да айтилганки, Кришна - Олий Ҳукмдор; шубҳасиз руҳий оламда ҳам, моддий оламда ҳам ҳукмдорлар жуда кўп, лекин Кришна - олий ҳукмдор(*ишварах парамах кришнах*), Унинг танаси моддий эмас, *сач-чид-ананда виграҳа*.

Моддий табиат аввалги шеърларда таърифланган мўъжизаларни яратишга қодир эмас. Парвардигорнинг мангу танаси илм ва лаззатга тўла. Гарчи У оддий одамлардан бўлмаса ҳам, ғофил, нодон одамлар Унинг устидан кулиб: "Кришна - оддий инсон!" - деб ўйлайдилар. Парвардигорнинг танаси бу ерда *манушим* деб аталган, чунки У Аржуннинг дўсти, Курукшетрадаги жангда иштирок этувчи жангчи, дипломат сифатида оддий инсоннинг вази-фаларини бажариб юрибди. Кўп ҳолларда У Ўзини оддий одамдай тутяпти, лекин барибир, У - оддий инсон эмас, Унинг танаси - мангу лаззат ва мутлақ илм тимсолидир(*сач-чид-ананда-виграҳа*). Буни бошқа ведавий битиклар ҳам тасдиқлайдилар. *Сач-чид-ананда-рупайа кришнайна*: "Мен чуқур эҳтиром билан илм, лаззат ва мангулик тимсоли бўлган Худонинг Олий Шахси Кришна олдида сажда қиламан"("Гопала-тапана-упанишад" 1.1). Ведаларда буни тасдиқловчи бошқа маълумотлар ҳам келтирилган. *Там экам говиндам*: "Сен - сигирлар ва ҳиссиётларга лаззат келтирувчи Говиндасан". *Сач-чид-ананда-виграҳам*: "Сенинг тананг руҳий, мангу, илм ва лаззатга тўла" ("Гопала-тапана-упанишад" 1.35.).

Гарчи Парвардигорнинг танаси илоҳий, илм ва лаззатга тўла бўлса ҳам, "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзган кўпчилик чаласавод олимлар Уни "оддий тарихий шахс" деб, Унинг буюклигини камситмоқчи бўладилар. Аввалги ҳаётларида қилган савоб ишлари туфайли ана шундай билимдонлар ҳозир ўткир қобилиятга эга бўлганлар, лекин Кришнаҳақидаги ногўғри тасаввурда бўлиши, ҳали улар эгаллаган руҳий илм анча саёз эканидан далолат бериб турибди. Улар Парвардигорнинг, ўз кўзлари билан кўришга қодир бўлмаган турли кароматларидан, Унинг ҳар хил қувватларидан беҳабар бўлгани сабабли Кришнани оддий инсон деб ўйлайдилар. Улар Кришна - мутлақ илм ва лаззат тимсоли эканини, У ҳар кимни руҳий озодликка чиқаришга қодир бўлган ягона Зот, бутун борлиқнинг ягона Эгаси эканини билмайдилар. Кришнанинг сон-саноксиз руҳий сифатларини билмай туриб, улар Унинг устидан куладилар. Худонинг Олий Шахсининг моддий оламга келиши аслида Кришнанинг ички қувватининг намоён бўлиши эканини улар билмайдилар.

лар. Бир неча бор тушунтирганимиздай, Парвардигор айтяптики, *(мама майа дуратйайа)* шунча кудратли бўлган моддий қувват, моддий табиат ҳам Унга бўйсунди, ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган киши моддий қувват таъсиридан халос бўла олади. Агар, ўз ихтиёрини Худога топширган алоҳида рух моддий қувват ҳукмидан озод бўладиган бўлса, қандай қилиб Кришна - моддий оламни яратиб, мавжудлигини таъминлаб, уни яқсон қилиб турадиган кудратли Зот бизникига ўхшаган моддий танага эга бўлиши мумкин? Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлар шунчаки ғофиллик натижаси бўлиб, ҳеч қандай асосга эга эмас. Лекин, фикри заиф кишилар қандай қилиб Парвардигор, оддий одамларга ўхшаб юрган Шри Кришна, чексиз коинотдаги барча атомларга ҳукмронлик қилишини тушуна олмайдилар. Ундай одамлар энг катта нарсаларни ҳам, энг кичик нарсаларни ҳам бирдай тушуна олмайдилар, шу сабабли улар инсон қиёфасидаги тирик мавжудот бир вақтнинг ўзида чексиз кичик нарсаларни ҳам, чексиз катта нарсаларни ҳам назорат қилиб туришини тасаввур қилолмайдилар. Аслида эса, ҳатто чекланган ва чексиз оламни бошқара туриб ҳам Парвардигорнинг Ўзи улардан четда туради. Унинг *йогом ашварам* - чексиз катта ва чексиз кичик одамларни бошқариш билан бир вақтнинг ўзида уларнинг барчасидан ташқарида қолиш имконини берадиган, англаш қийин бўлган илоҳий, сирли қуввати ана шундай. Гарчи, нодон одамлар бу дунёда оддий одам қиёфасида намоён бўладиган Парвардигор Кришнанинг чексиз катта ва чексиз кичик одамларни қандай назорат қилиб тура олишини тасаввур қилолмасалар ҳам, Худонинг содиқ хизматкорлари буни оддий ишлардай қабул қиладилар, чунки улар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини яхши биладилар. Шу сабабли содиқлар ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятга, Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар.

Парвардигорнинг инсон шаклидаги қиёфаси ҳақида персоналистлар билан имперсоналистлар орасидаги баҳс ҳеч қачон адо бўлмайди. Лекин, "Бхагавад-Гита"га ва "Шримад Бхагаватам"га, Кришна ҳақидаги илм баён этилган ишонарли муқаддас китобларга мурожаат қилиб биз шуни англаб оламизки, Кришна - Худонинг Олий Шахси. Ер юзига оддий инсон қиёфасида келгани билан, аслида Унинг Ўзи оддий инсон эмас. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиқ, биринчи бобида Шаунака бошлиқ донишмандлар Кришнанинг кароматлари ҳақида савол бера туриб, шундай дейдилар:

*критаван кила кармани саха рамена кешавах  
ати-мартйани бхагаван гудхах капата-манушах*

"Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси Балорама билан бирга бу дунёга ташриф буюриб, худди оддий инсонлардай Ўз бурчларини сидқидилдан бажариб яшадилар. Ана шу қиёфаларида улар жуда кўп ғайритабиий кароматлар кўрсатдилар.(Ш.Б.1.1.20).

Парвардигорнинг инсон қиёфасида пайдо бўлиши ғофил одамларни

бутунлай ақлидан адаштириб қўяди. Кришна инсон киёфасида Ерга ташриф буюрган пайтида кўрсатган кароматларини бу дунёда бирор инсон зоти так- рорлай олмайди. Аввало У ота-онаси Васудева билан Девакининг олдида тўрт қўлли илохий киёфада пайдо бўлди, кейин уларнинг илтимоси билан оддий чакалок киёфасида намоён бўлди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган:(10.3.46), *бавхува пракритах шишух* - "У оддий чакалокқа айлан- ди". Мазкур шеърда ҳам, Парвардигорнинг инсон киёфасига кира олиш қобилияти - Унинг илохий танасининг ўзига хос хусусиятларидан бири экани кўрсатилган. Бу ҳақда "Бхагавад-Гита"нинг ўн биринчи бобида ҳам айтилган, унда Аржун Кришнадан Ўзининг тўрт қўлли киёфасини кўрсатишни илтимос қилади(*тенаива рупена чатур-бхуджана*). Аржуннинг олдида шундай киёфада намоён бўлиб, Кришна унинг илтимоси билан яна азалий инсон кўринишидаги киёфасига киради(*манушам рупам*). Бундай кароматлар оддий одамнинг қўлидан келмайди.

Кришнадан нафратланадиган, онги *майавада* фалсафаси билан заҳарланган баъзи ғофил одамлар Кришна шунчаки оддий инсон эканини исботлаш мақсадида "Шримад Бхагаватам"дан қуйидаги шеърни рўкач қиладилар:(3.29.21) *ахам сарвешу бхутешу бхутатмавастхитах сада* - "Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд". Кришнанинг устидан кулишга уринаётган ана шундай худобеҳабар, чаласавод билимдон- ларнинг асоссиз изоҳларини ўқигандан кўра, Жива Госвами ва Вишванатха Чакраварти Тхакур сингари буюк содиқларнинг, ачарйа-вайшнавларнинг ёзган нуфузли, ишонарли изоҳларини ўрганиш керак. Мазкур шеърни изоҳлар экан Жива Госвами шундай дейди: "Кришна Ўзининг тўлиқ экспан- сияси, Параматма яъни Олий Рух киёфасида барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотлар танасида мавжуд. Шу боис бошқа тирик мавжудотларни ҳурмат қилмайдиган, аммо Парвардигорнинг эҳромдаги *арча-мурти* киёфасига сажда қилишга одатланган тажрибасиз содиқ ўзининг бу сиғинишларидан ҳеч қандай натижага эришмайди". Содиқлар уч тоифа бўлади, тажрибасиз содиқлар - энг паст тоифадаги содиқлардир. Шундай тажрибасиз содиқ бошқа содиқлардан кўра эҳромдаги Илоҳларга кўпроқ эътибор беради. Вишванатха Чакраварти Тхакур шундай содиқларга ҳаёт ҳақидаги бундай нотўғри тасаввурини ўзгартиришни тавсия қилади. Худо- нинг содиқ хизматкори шуни яхши тушуниб олиши керакки, Кришна Олий Рух, Параматма киёфасида барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мав- жуд, демак, ҳар бир тирик мавжудотнинг танаси - Парвардигорнинг эҳроми ҳисобланади. Эҳромга қандай муносабатда бўлсак, бошқа тирик мавжудот- ларнинг таналарига ҳам шундай муносабатда бўлишимиз лозим, чунки Пар- вардигор Олий Рух киёфасида уларнинг қалбида ҳам мавжуд. Шу сабабли ҳар бир тирик мавжудотни бирдай эъзозлашимиз лозим.

Кўпчилик имперсоналистлар эҳромдаги сиғиниш маросимларини ҳам танқид қилмоқчи бўладилар. Улар айтадиларки: "Худо ҳамма жойда бор, нимага энди биз фақат эҳромда сиғиниш билан чекланиб қолишимиз лозим?" Аммо, Парвардигор ҳамма жойда мавжуд бўлса, нимага энди У эҳромда ёки

Илохнинг ичида ҳам бўлиши мумкин эмас? Имперсоналистлар билан персоналистлар орасидаги бахслар ҳеч қачон адо бўлмайди, лекин Кришна онгига эга бўлган содиқ шуни яхши биладики, Кришна Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, аини пайтда ҳамма жойда ҳам мавжуд бўла олади, буни "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайди. Гарчи У ҳамиша Ўзининг рухий даргоҳида, Голока Вриндаванада бўлса ҳам, ҳар хил қувватлари ва тўла номён бўлган экспансиялари кўринишида ҳамма жойда, моддий ва рухий оламнинг ҳар бир бурчагида мавжуд.

*12. могоша мого-карmano мого-дженана вичетасаҳ  
ракшасим асурим чаива пракритим мохиним шритаҳ*

***Алданган ва адашган ҳолда улар ҳаётда иблиссифат, худобехабар тасавурларга асосланиб яшайдилар, шу боис уларнинг озодликка чиқиш ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди, муваффақият қозонишга ва илм олишга бўлган барча уринишлари беҳуда кетаверади.***

Изоҳ: Жуда кўп одамлар ўзларича: “Кришнани англаб етдик, биз ҳаётда Кришна онги билан яшайпмиз ва садоқат билан Худога хизмат қилиб юрибмиз” - деб ўйлайдилар, лекин аслида Худонинг Олий Шахси Кришна - Мутлақ Ҳақиқат эканини тан олмайдилар. Шундай одамлар ҳеч қачон Худога хизмат қилиш лаззатидан баҳраманд бўлолмайдилар ва олий мақсадга - ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига эриша олмайдилар. Худди шундай, умрининг охирида моддий тутқунликдан озодликка чиқиш ниятида ҳар хил хайрли ишлар қилиб, кармали фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар ҳам, агар Худонинг Олий Шахси Кришнани тан олмай, Унинг илохий ҳолатини камситиб юрсалар ҳеч қачон мақсадига эриша олмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришнани тан олмайдиган, Унинг устидан куладиган одамлар аслида ҳақиқий иблислар, яъни иймонсиз даҳрийлардир. "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобида айтилганки, шундай иблис-даҳрийлар ҳеч қачон ўз ихтиёрини Кришнага топшира олмайдилар. Шу сабабли Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги фалсафий изланишлари уларни "тирик мавжудотлар Кришнадан фарқ қилмайди" деган нотўғри хулосага олиб келаверади. Ана шундай адашиш уларни "инсон танаси моддий қувватдан иборат парда, моддий танадан қутулгандан кейин инсон яна Худо билан тенг бўлиб қолади, Унга қўшилиб кетади" - деб ўйлашга мажбур қилади. Уларнинг Худо билан қўшилиб кетишга бўлган бундай ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди, чунки бундай интилишлар нотўғри хулосага асосланган. Даҳрий ва иблисларнинг рухий илм олишга бўлган интилишлари ҳамиша беҳуда кетаверади. Мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат. Гарчи, "Веданта-сутра", Упанишадлар сингари Ведавий муқаддас китобларни ўрганиб юрган бўлсалар ҳам, бундай одамлар барибир умрини бекорга хазон қилиб юрган одамлар ҳисобланади.



Шу боис Кришнани, Худонинг Олий Шахсини - оддий инсон деб биладиган ҳар қандай одам - энг осий, иймонсиз гуноҳкор одам ҳисобланади. Ундай одам шубҳасиз гафлат уммонига ботган, адашган одамдир, шу боис у Кришнанинг мангу илоҳий қиёфасини англашга қодир эмас. "Брихад-Вишну-смитри" да аниқ кўрсатилганки:

*йо ветти бхаутикам дехам кришинасйа параматманах  
са сарвасмад бахиш-карйах шраута-смарта-видханатах  
мукхам тасйавалокйати са-челах снанам ачарет*

"Кришнанинг танасини "моддий" деб ҳисоблайдиган имонсиз кишини *шрути* ва смритиларда кўрсатилган қурбонлик ва бошқа диний маросимларда иштирок этишга ҳатто яқин йўлатмаслик керак. Бехосдан унинг юзига кўзи тушган иймонли киши шу заҳотиёқ муқаддас Ганга сувида ювиниб покланиши лозим".

Гофил, иймонсиз одамлар Кришнанинг устидан куладилар, чунки улар Парвардигорга ҳасад қиладилар. Шундай одамлар моддий оламда, иблис ва имонсиз даҳрийлар хонадониде такрор ва такрор туғилиб-ўлишга маҳкум этиладилар. Уларнинг қалбида мудраб ётган ҳақиқий илм алданиш пардаси билан мангу тўсилган ҳолда қолаверади, натижада улар аста-секин моддий оламнинг энг қуйи жойларига, энг тубан дўзахий сайёраларга тушадилар.

*13. махатманас ту мам партха дайвим пракритим ашритах  
бхаджанти ананйа манасо гйатва бхутадим авйайам*

***Эй Притхининг ўгли, адашишдан пок буюк руҳлар эса, ҳамиша илоҳий табиат ҳимоясида бўладилар. Улар Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиладилар, чунки улар Менинг азалий ва ўзгармас Худонинг Олий Шахси эканимни биладилар.***

Изоҳ: Бу ерда махатмалар, яъни буюк инсонлар таърифланган. Махатманинг асосий белгиси шундан иборатки, у ҳамиша илоҳий табиат, руҳий қувват ҳимояси остида бўлади. Моддий табиат унга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайд. Ана шундай ҳолатга қандай эришиш мумкин? Бу ҳақда еттинчи бобда айтилган: Худонинг Олий Шахсига, Шри Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши шу заҳотиёқ моддий қувват таъсири остидан чиқади. Асосий шарт шундан иборат. Моддий табиат ҳукмронлиги остидан қутулиш учун шартланган руҳ Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. Бу биринчи қадам. Тирик мавжудот Парвардигорнинг оралик қувватига мансуб бўлгани сабабли, ўз ихтиёрини Худога топшиганида у моддий қувват ҳукми остидан чиқиб руҳий қувват ҳимоясига киради. Тирик мавжудотни ўз ҳимояси остига оладиган руҳий қувватни *дайви-пракрити*, "илоҳий табиат" деб атайдилар. Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини топ-

шириб, рухий даражага эришган кишини буюк зот, *махатма* деб атайдилар.

Махатманинг бутун диққат-эътибори Кришнага қаратилган, чунки у Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси эканини охиригача тўла англаб етган бўлади. Бунга унинг қалбида ҳеч қандай шубҳа қолмаган. Фақат махатмалар билан, Худонинг ана шундай соф содик хизматкорлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билангина инсон *махатма* даражасига кўтарилиши мумкин. Худонинг соф содикларини Кришнанинг бошқа қиёфалари, масалан, тўрт қўлли Маха-вишну сингари қиёфалар ўзига жалб этолмайди. Махатмаларнинг бутун ақлу-хаёли Кришнанинг икки қўлли қиёфасида мужассам бўлади. Улар қандайдир одамлар ёки фаришталар у ёқда турсин, хатто Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган бошқа кўринишлари билан ҳам қизикмайдилар. Кришнани тўла англаб олиб, улар ўзларининг бутун фикр-ўйларини фақат Кришнада мужассам қиладилар. Улар ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб Худога садоқат билан беминнат хизмат қиладилар ва ҳеч қачон Худога хизмат қилиш йўлидан адашмайдилар.

*14. сататам киртайанто мам йатанташ ча дридха-вратах  
намасйанташ ча мам бхактия нитйа-йукта упасате*

***Чарчамасдан Мени олқишлаб, Менга қатъий ишонч билан хизмат қилиб, олдимда узала тушган ҳолда сажда қилиб, бу буюк руҳлар ҳамиша Менга муҳаббат ва садоқат билан сизиниб юрадилар.***

Изоҳ: Шунчаки *махатма* деб исм қўйиш ёки бирор белги осиб қўйиш билан оддий инсонни *махатма* даражасига кўтариб бўлмайди. Ҳақиқий *махатма* маълум бир сифатларга, ўзига хос фазилатларга эга бўлиши керак. Шу фазилатлар мана шу шеърда кўрсатилган: *махатма* тинмасдан Худони, Шри Кришнани шарафлаб, олқишлаб юради. Унинг шундан бошқа қиладиган бирор иши йўқ. У ҳамиша Парвардигорни шарафлаш билан машғул бўлиб юради. Бошқача қилиб айтганда, *махатма* Парвардигорни тан олмайдиган имперсоналист бўлиши мумкин эмас. "Шарафлаш" деганда Парвардигорни, Унинг муқаддас номини, Унинг мангу қиёфасини, рухий сифатларини ва мўъжизавий кароматларини олқишлаш, шарафлаш тушунилади. Парвардигорни шарафлаганда Унинг шахсий табиати намоён этган ана шу хусусиятларини олқишлаш керак. Демак, *махатма* ҳамиша Худонинг Олий Шахсига боғланган бўлади.

"Бхагавад-Гита" Парвардигорнинг шахсиятсиз кўринишига, Брахмадждйотига боғланган одамларни махатмалар тоифасига киритмайди. Имперсоналистлар кейинги шеърда таърифланган, лекин, Кришна уларни махатмалар деб айтмайди. *Махатма* ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишнинг "Шримад Бхагаватам"да кўрсатилган тўққиз турли фаолиятдан бирортаси билан машғул бўлиб яшайди: у қандайдир инсон ёки бирор фа-

ришта ҳақида эмас, фақат ягона Парвардигор Вишну, Кришна ҳақидаги хикояларни тинглайди, уларни бошқаларга гапириб юради. Худого садоқат билан хизмат қилиш йўли шундай: *шраванам киртанам вишноҳ ва смаранам*, яъни ҳамиша Парвардигорни эслаб юриш. Ана шундай *махатма* ҳаётда қандай қилиб бўлса ҳам умрининг охирида Худо Шахси билан беш турли муносабатларнинг бири доирасида ҳамсухбат бўлиш имкониятига эришишга интилиб яшайди. Шундай олий мақсадга эришиш учун у танаси, ақли ва нутқи, бугун вужуди билан Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилади. Мана шу Кришнани англашнинг энг комил ҳолатидир.

Худого садоқат билан хизмат қилишда белгиланган қонун-қоидалар мавжуд: маълум кунларда, масалан ҳар ойда Ой тўлишаётган ёки Ой камаяётган ўн биринчи кун - *экадаши* кунларида, Парвардигорнинг бу дунёга келган кунлари шарафига рўза тутиб, оч юриш. Бу қонун-қоидаларни, Парвардигор билан бирга рухий оламда мангу яшашга самимий интилаётган кишилар учун буюк устоз-ачарйалар кўрсатиб кетганлар. Махатмалар ана шу қоидаларга катъий риоя қилиб яшайдилар, шу сабабли улар умрининг охирида истаган ниятларига албатта эришадилар.

Бу бобнинг иккинчи шеърида айтилган эдики, Худого хизмат қилиш билан шуғулланиш шунчаки осон бўлиб қолмасдан, айна пайтда кишига чексиз қувонч бағишлайди. Инсон рухий поғонага кўтарилиш учун қаттиқ риёзат чекиб юришининг ҳожати йўқ. Инсон қаерда ва ким бўлишидан катъий назар - оилалими, Браҳмачарийми ёки саннийасими, тажрибали рухий устоз раҳбарлиги остида Худого хизмат қилиб яшаши мумкин. Ҳақиқий инсон ҳамма жойда, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда Худонинг Олий Шахсига хизмат қилиб яшашга, шу тариқа *махатма*, яъни ҳақиқий "буюк инсон" даражасига кўтарилишга қодир.

15. *дженана-йадженена чапи аниё йаджанто мам упасате  
экатвена притхактвена бахудха вишвато-муххам*

***Қиладиган эҳсони илм ўрганиш бўлган бошқа бировлар эса, Худого ягона ва бўлинмас, Ўзини кўплаган қиёфаларда намён этадиган, фазовий қиёфага эга бўлган Зот сифатида сигинадилар.***

Изоҳ: Мазкур шеър аввал айтилган гапларга яқун ясайди. Парвардигор Аржунга айтяптики, фикру-хаёли фақат Кришнада бўлган Худонинг содиқ хизматкорларини *махатма* деб атайдилар; улар билан бир қаторда *махатма* деб аталишга муносиб бўлмаган, лекин, ўзларича барибир Кришнага сиғиниб юрган одамлар ҳам бор. Улардан баъзилари ҳақида аввал айтиб ўтган эдик: улар - бошига мусибат тушганда, муҳтожликда, қизиқувчанлиги сабабли ва илм ўрганиш ниятида Худого мурожаат қиладиган одамлар. Лекин, улардан ҳам пастроқ даражада бўлган одамлар ҳам бор: уларни уч тоифага ажратиш мумкин: 1. Ўзини Худо деб билиб, Худо сифатида фақат ўзига

сиғинадиганлар; 2. Хаёлида қандайдир Худонинг қиёфасини ўйлаб топиб, ана шу қиёфага сиғинадиган(бутпараст)лар; 3. Парвардигорнинг фазовий қиёфасига, вишварупага сиғинадиганлар. Буларнинг орасида энг паст тоифага мансуб зотлар, яъни ўзларини монистлар деб атаб, Худо сифатида ўзига сиғинадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Ўзларини Худо билан бир деб ҳисоблаб, улар фақат ўзига сиғинадилар. Бу ҳам Худога сиғинишнинг ўзига хос бир тури, чунки улар ўзларини моддий тана деб ҳисобламайдилар, улар ўзлари аслида мангу рух эканини биладилар. Ўзини моддий тана деб, ҳаётда иймон-этиқодсиз, ўзидан бошқа бирор Зотни тан олмасдан, Худога сиғинмасдан, ҳайвонлардай яшайдиган одамлардан улар ҳам яхшироқ. Одатда имперсоналистлар Худога айнан шундай тасаввурлар билан сиғинадилар. Фаришталарга сиғинадиганлар иккинчи тоифага киради. Улар ҳар қандай қиёфани - Парвардигорнинг қиёфаси деб ўйлайдилар. Ҳаёт ҳақидаги тасаввурни моддий олам чегараларидан юқори кўтарила олмайдиган ғофил одамлар учинчи тоифага кирадилар. Улар моддий оламини, коинотни "мукамал тўла-бутун зот" деб билиб, унга сиғинадилар. Коинот ҳам Парвардигорнинг намоён бўлган кўринишларидан биридир.

*16. ахам кратур ахам йаджнах свадхахам ахам аушадхам  
мантро "хам ахам эваджейам ахам агнир ахам хутам*

***Лекин аслида, ведавий урф-одат, қурбонлик маросими, аждодларга аталган эҳсон, доривор гиёҳ ва илоҳий мадҳия(ҳамду-санолар) - буларнинг ҳаммаси - Мен Ўзимман. Қурбонлик олови, оловга қўйиладиган сарийғ, муқаддас оловга эҳсон қилинадиган қурбонлик ҳам - Менман.***

Изоҳ: *Джйотишитома* деб аталадиган Ведавий маросим ҳам смритиларда ёзилган *маха-ягйа* сингари - Кришнанинг тимсоли. Питрилокада яшайдиган аждодларга қилинган эҳсон, яъни Питрилока аҳолисини мамнун қилиш учун ўтказиладиган қурбонлик сарийғ кўринишидаги ўзига хос дармон ҳисобланади - бу ҳам Кришна. Қурбонлик маросими пайтида ўқиладиган мантралар ҳам, қурбонлик пайтида эҳсон қилинадиган сут ва сут маҳсулотларидан қилинган ҳар хил ҳалол, пок таомлар ҳам - Кришна. Қурбонлик олови ҳам Кришна, чунки олов беш моддий унсурнинг бири бўлиб, Кришнанинг ажралган қуввати ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида кўрсатилган ведавий қурбонлик маросимлари ҳам аслида Кришнанинг Ўзи ҳисобланади. Шу сабабли, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказган ҳисобланади, дейилган.

*17. питахам асйа джагато мата дхата питамахах  
ведйам навитрам омкара рик сама йаджур эва ча*

***Бу коинотнинг отаси ҳам, онаси ҳам, унинг таянчи ва бобокалони ҳам - Менман. Билишдан мақсад, покловчи восита ва "ом" бўғини ҳам - Мен, шунингдек "Риг-веда", "Сама-веда", "Яджур-веда" ҳам - Менман.***

Изоҳ: Бутун моддий олам, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар Кришнанинг қувватларининг ҳар хил фаолияти натижасида пайдо бўлади. Моддий оламда биз ҳар хил тирик мавжудотлар билан алоқа қиламиз, улар ҳам аслида Кришнанинг оралик қувватидан бошқа нарса эмас. Пракритининг яратиш фаолияти натижасида уларнинг баъзилари бизларга ота ва она, ака ва ука ёки яна кимдир бўлиши мумкин, лекин аслида уларнинг ҳаммаси - Кришнанинг ажралмас заррачаларидир. Яъни биз "ота", "она" ва бошқа қариндош деб юрган зотлар аслида Кришнадан бошқа нарса эмас. Бу ерда ишлатилган *дхата* ибораси "яратувчи" деган маънони англатади. Бизларни дунёга келтирган ота-онамиздан ташқари, ота-оналаримизнинг ота-оналари, коинотни яратган зот ҳам - Кришна. Аслида ҳар бир тирик мавжудот Кришнанинг ажралмас бир зарраси бўлган ҳолда, Кришнадан фарқ қилмайди. Шу боис бутун Ведалар илми, барча муқаддас китоблар бизни Кришнабилан боғланишга ундайди. Ведаларда, муқаддас китобларда нозил қилинган илм аста-секин бизни Кришнани англаб олиш сари етаклайди. Кришнанинг содиқлари даврасида илоҳий қудратга эга суҳбатларни тинглаш орқали ўзимизнинг руҳ эканимизни, Кришнанинг бир зарраси эканимизни англаб етадиган ҳикоялар ҳам албатта - Кришна. Шунга ўхшаб, ведавий илм эгаллашга интилаётган тирик мавжудот ҳам Кришнанинг бир бўлаги, демак Кришнанинг Ўзи. Барча ведавий мантралар таркибига кирадиган, *пранава* деб аталадиган "ом" бўғини, трансцендент, илоҳий товуш ҳам - Кришна. Пранава, яъни омқара, тўрт веда - Сама, Яджур, Риг, Атхарва - Ведаларнинг таркибига киргани сабабли, уларни ҳам Кришна деб ҳисоблаш керак.

*18. гатир бхарта прабхух сакиши нивасах шаранам сукрит  
прабхавах пралайах стханам нидханам биджам авйайам*

***Мақсад ҳам, ҳимоячи посбон ҳам, ҳукмдор ҳам, гувоҳ ҳам, паноҳ ҳам, даргоҳ ҳам, энг яқин дўст ҳам - Менман. Яралиш ва емирилиш ҳам, бутун борлиқнинг асоси, нажот макони ва мангу урулик ҳам - Менман.***

Изоҳ: *Гати* ибораси инсоннинг ҳаётда интилиб юрган мақсадини билдиради. Ҳаётда энг олий мақсад - Кришнага, ягона Парвардигорга эришиш ҳисобланади, лекин бахтга қарши ҳозирги одамлар буни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Парвардигор ҳақида, Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамлар ҳаётда нотўғри йўлдан бораптилар, уларнинг барча интилишлан

ри, ҳаракатлари чекланган ёки шунчаки хом-хаёлдан иборат. Жуда кўп одамлар у ёки бу фаришталарнинг сайёраларига эришишга интиладилар, улар Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга тўла амал қилиб Индралока ёки Сурйалокага, Чандралокага, Махарлокага ва бошқа бирор жаннатий сайёрага эришадилар. Аммо, бу *лока*, яъни сайёраларнинг барчаси Кришна яратган оламнинг бир бўлаги бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам Кришна билан бир, ҳам Кришнадан фарқ қилади. Кришнанинг қувватидан яралгани сабабли улар Кришнадан фарқ қилмайди, лекин аслида улар Кришнага эришиш йўлидаги оралиқ поғоналардир. Кришнанинг ҳар хил қувватлари билан боғланиш - Кришна билан боғланиш ҳисобланади, лекин бу бевосита боғланиш бўлмайди. Яхшиси Парвардигор билан, Худонинг Олий Шахси Шри Кришна билан бевосита боғланган маъқул, чунки бу бизнинг шунча вақтимизни, куч-қувватимизни асраб қолади. Агар кўп қаватли иморатнинг охириги қаватига лифт ёрдамида кўтарилиш имкони бўлса, бирма-бир поғона босиб, зинапоя орқали кўтарилиб юришнинг нима ҳожати бор? Ҳамма нарса Кришнанинг қувватида жойлашган, шу сабабли бирор нарса Кришнадан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Кришна - Олий Ҳукмдор, чунки бутун борлик Уники ва Унинг қувватининг ёрдами билан мавжуд бўлиб турибди. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида намоён бўлган ҳолда Кришна Олий Гувоҳ ҳамдир. Бизнинг яшаб турган уйимиз ҳам, ватанимиз ҳам, сайёрамиз ҳам - ҳаммаси Кришна. Кришна - энг олий мақсад ва олий паноҳ, шу боис ҳар хил ҳавф-хатардан ўзини ҳимоя қилиш ва азоб-уқубатлардан ҳалос бўлиш учун инсон ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириши лозим. Ким қандай ҳимояга муҳтож бўлишидан қатъий назар, ҳамиша шуни эсида сақлаши лозимки, бизни фақат қудратли тирик куч, Кришнаҳимоя қилишга қодир. Кришна - энг Олий Тирик Мавжудот. У бизнинг дунёга қелишимизнинг олий сабабчиси, энг чуқур маънода ҳақиқий отамиз бўлгани сабабли, ҳаётда биз учун Кришнадан ҳам яқинроқ, Парвардигордан ҳам яхшироқ дўст бўлиши мумкин эмас. Кришна - оламнинг азалий бошланғич манбаи ва қиёмат-қойим бўлганда бутун олам паноҳ топадиган нажот макони. Шу сабабли Кришна барча сабабларнинг мангу, бошланғич сабабчисидир.

*19. тапами ахам ахам варшам нигрихнами утсриджсами ча  
амритам чайва мритйуш ча сад асач чахам арджуна*

***Эй Аржун, ҳарорат берадиган ҳам, ёмғир юборадиган ва уни тўхтатадиган ҳам - Менман. Ўлмас мангулик ҳам, ажал тимсоли ҳам - Менман. Модда ҳам, руҳ ҳам Менда муҷассам.***

Изоҳ: Куёш нури ва электр қуввати сингари Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида Кришна бутун оламни ёритиб туради. Ана шу Кришна ёзда ёмғирни тўхтатиб куз палласида ёмғир билан ерларни суғоради. Умримизни узайтириб, ҳаётимизни таъминлаб турадиган қувват ҳам Кришна, умримиз-

нинг охирида кўз олдимизда ажал қиёфасида пайдо бўладиган Зот ҳам Кришна. Кришнанинг ҳар хил қувватларини ўрганиб шундай хулосага келамизки, Кришна учун модда билан руҳ орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, яъни Кришна - ҳам модда, ҳам руҳ. Худди шундай, қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши ҳам атрофидаги нарсаларни бир-биридан ажратмайди, ҳамма нарсага бир хил назар билан қарайди. У ҳамма ерда фақат ягона Парвардигорни, Кришнани кўради.

Кришна - ҳам модда, ҳам руҳ бўлгани сабабли, бутун борлиқдан иборат баҳайбат фазовий қиёфа ҳам - Кришна, Икки қўлли ажойиб Шйамасундара кўринишида Унинг Вриндаванда намоён этган эрмаклари эса - ягона Парвардигорнинг илоҳий эрмакларидир.

*20. траи-видйа мам сома-пах нута-папа  
йаджнайр иштва свар-гатим прартхайанте  
те пунйам асадйа сурендра локам  
ашнанти дивйан диви дева-бхоган*

***Жаннатий сайёраларга эришиш ниятида Ведаларни ўрганиб, сома шарбатидан ичиб юрганлар ҳам ўзларича Менга сигинадилар. Аввал қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб, улар Индранинг жаннатий сайёрасида туғиладилар ва фақат фаришталар учун мўлжалланган неъматлар билан лаззатланиб яшайдилар.***

Изоҳ: *Траи-видйах* - ибораси уч ведани - Сама-, Яджур- ва Риг-ведани билдиради. Ана шу уч Ведани ўрганган брахманни *три-веди* деб атайдилар. Ведаларда берилган илмни эъозлайдиган ва уларга қатъий риоя қилиб яшайдиган кишини ҳамма ҳурмат қилади. Афсуски, кўпчилик буюк олимлар ва Веда билимдонлари Ведаларнинг якуний мақсадини тушунмайдилар. Шу боис, бу ерда Кришна Ўзини “уч Веданинг ҳам олий мақсади” деб эълон қиляпти. Ҳақиқий три-ведилар Кришнанинг нилуфар пойқадамлари паноҳига кириб, Парвардигорни мамнун қилиш ниятида Унга садокат билан хизмат қиладилар. Садокат билан Худога хизмат қилиш "Ҳаре Кришна" махамантрасини зикр қилишдан, Кришнанинг табиатини англашга интилишдан бошланади. Бахтга қарши Ведаларни юзаки ўрганиб юрган одамлар бундай ишлардан кўра Индра, Чандра сингари фаришталарга атаб қурбонлик маросимлари ўтказишни афзал биладилар. Албатта, бундай фаолият ҳам уларнинг аста-секин покланишига, моддий табиатнинг қуйи гуналари таъсиридан халос бўлиб Махарлока, Тапалока, Жаналока сингари олий жаннатий сайёралар тизимига кўтарилишига ёрдам беради. Коинотнинг олий сайёраларига тушган одамлар ҳиссиётини лаззатлантириш учун Ер сайёрасидагига қараганда чексиз даражада катта имкониятларга эга бўладилар.

*21. те там бхуктва сварга-локам вишалам*

*кишине пунйе мартйа-локам вишанти  
эвам трайи-дхармам анупрапанна  
гатагатам кама-кама лобханте*

***Жаннатдаги ноз-неъматлардан лаззатланиб яшаб, савоб ишларининг натижаси тамом бўлгандан кейин улар яна ер сайёрасига қайтиб келадилар. Шундай қилиб, ҳиссиётининг талабини қондириш ниятида уч Веда қонунларига амал қилиб юрган кишилар мукофот сифатида фақат кетма-кет туғилиб-ўлишларга эга бўладилар, холос.***

Изоҳ: Олий сайёраларга эришган инсон ердагига нисбатан анча узоқ умр кўради, лаззатланиш учун жуда кўп имкониятларга эга бўлади, лекин ҳеч ким у жойда мангу қололмайди. Хайрли, савоб ишларининг натижаси тугагандан кейин мангу рух яна ер сайёрасига қайтишга мажбур бўлади. Ҳаёт ҳақидаги "Веданта-сутра"да *джанмади асйа йатах* деб кўрсатилган мукамал илмга эга бўлмаган киши, бошқача қилиб айтганда, барча сабаблар сабабчиси бўлган Парвардигор Кришнани англаб етмаган инсон ҳаётнинг олий мақсадига эришиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу боис, у моддий оламнинг туғилиб-ўлишлар чархпалагида айланиб юраверишга мажбур: худди каруселда ўтиргандай, гоҳида юқори сайёраларга кўтарилиб лаззатланади, гоҳида қуйи, дўзахий сайёраларга тушиб азоб чекади. Инсон танасидаги ҳаёт берадиган нодир имкониятдан фойдаланиб, эришган одам ҳеч қачон қайтиб бу дунёга келмайдиган руҳий оламга интилиш ўрнига, тирик мавжудот моддий оламнинг у сайёрасидан бу сайёрасига ўтиб, туғилиб-ўлишлар чархпалагида айланиб юраверади. Шу боис, инсоннинг ҳаётда қилиши лозим бўлган энг буюк, энг фойдали иши - руҳий оламга кўтарилиб илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш, азоб-уқубатларга тўла бу моддий оламга ҳеч-қачон қайтиб келмаслик учун садоқат билан Худога хизмат қилиш йўлига киришдан иборат.

*22. ананйаш чинтайанто мам йе джанах парйупасате  
тешам нитйабхийуктанам йога-кшемам вахами ахам*

***Лекин Мен, ақлини Менинг руҳий қиёфамда мужассам қилиб, ўзгармас садоқат билан ҳамиша Менга сажда қилиб юрган инсонларнинг бор бойлигини асраб юраман, уларни зарур нарсалар билан таъминлаб тураман.***

Изоҳ: Ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятдан ташқарида тасаввур қила олмайдиган киши ҳамиша, кечаю-қундуз Худони эслаб юрадилар. Ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, улар Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар, Кришна ҳақида бошқаларга гапириб берадилар,



хамиша Уни эслаб юрадилар, Унга сажда қилиб, илтижо билан Унинг нилу-фар қадамлари пойига хизмат қиладилар, Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб, қалбида Унга нисбатан дўстлик туйғуларини равожлантириб, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширадилар. Саодатли ва рухий қувватга тўла бўлган ана шундай фаолият, Худонинг содиқ хизматкорининг қалбида ягона орзу - Худонинг Олий Шахси билан ҳамиша бирга, бевосита мулоқотда бўлиб юриш истаги қолганида, Парвардигор унинг ўзликни англашнинг энг олий поғонасига кўтарилишига ёрдам беради. Худонинг ана шундай садокатли хизматкори умрининг охирида ҳеч қийналмасдан Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришади. Мана шу йўл - "йога" деб аталади. Худонинг марҳамати билан шундай содиқ ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди. *Кшема* ибораси "ҳаммага меҳрибон Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорини ҳамиша ҳимоя қилади" деган маънони билдиради. Йога воситасида Парвардигор содиқнинг Кришна онгига эга бўлишига ёрдам беради, содиқ Кришна онгига тўла эга бўлганида эса, Парвардигор уни рухий юксалиш йўлидан адашишдан ва бу мусибатли моддий тирикчилик гирдобига яна тушиб қолишдан асрайди.

23. *йе "ни анйа-девата-бхакта йаджанте шраддхайанвитаҳ те "ни мам эва каунтейа йаджантий авидхи-пурвакам*

***Ишонч билан фаришталарга сизиниб юрган одамлар ҳам аслида Менга сизинадилар, эй Кунтининг ўғли, лекин улар буни нотўғри қиладилар.***

Изоҳ: "Гарчи фаришталарга сиғиниб юрганлар ҳам аслида барибир Менга сиғинаётган бўлсалар ҳам, улар унчалик тўғри йўлда эмас" - дейди Кришна. Агар одам дарахтнинг шоха ва баргларини суғорса-ю, иллизини қуруқ қолдирса, демак у етарли илмга эга эмас ёки у кўрсатилган қоидаларга амал қилмаётган бўлади. Худди шундай, тананинг ҳар хил аъзоларини таъминлаш учун фақат қоринни тўйғазиш керак. Фаришталар - Парвардигор ҳукумати таркибидаги вазир ва амалдорлар ҳолос. Инсон ҳар хил идораларни бошқарадиган амалдорларнинг гапларига учмасдан, ҳукумат белгилаб қўйган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши керак. Худди шундай, бизлар ҳам бошқа ҳеч кимга эмас, фақат ягона Парвардигорга сиғинишимиз керак. Шунда Парвардигорнинг ҳукумати таркибидаги барча амалдор ва вазирлар ҳам биздан мамнун бўладилар. Ҳар хил лавозимдаги амалдорлар ҳукумат номидан ҳаракат қиладилар, лекин уларга пора бериб, уларни ҳукумат қонунларига қарши иш қилишга ундаш қонунбузарлик ҳисобланади. *Авидхи-пурвакам* ибораси ана шуни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, Кришнафаришталарга бемаъни сиғинишни қўллаб-қувватламайди.

24. *ахам хй сарва-йаджнанам бхокта ча прабхур эва ча*

***Барча эҳсонларнинг ҳақиқий эгаси ва улардан лаззатланадиган ягона Зот - Менман. Шу боис Менинг ҳақиқий руҳий табиатимни англаб етмаган кишилар руҳий юксалиш йўлидан адашишга маҳкумдирлар.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Ведаларда белгиланган барча қурбонлик маросимлари аслида Парвардигорни, Худо Шахсини мамнун қилиш учун мўлжалланган. *Яғйа* - "Вишну" деганидир. "Бхагавад-Гита"нинг учинчи бобида очиқ-ойдин шундай дейилган: инсон ҳаётда Яғйани, яъни Вишнунини мамнун қилиш, Худони рози қилиш учун меҳнат қилиб яшаши лозим. *Варнашрама-дхарма* деб аталадиган энг мукаммал жамият тизимининг асосий вазифаси ҳам, жамиятнинг мақсади ҳам фақат Вишнунини мамнун қилиш, яъни ягона Парвардигорни рози қилишдан иборат. Шу боис, мазкур шеърда Парвардигор Кришна: "Барча қурбонликлар билан фақат Мен Ўзим лаззатланаман, чунки ҳамма нарса Меники" - деб яйтяпти. Лекин, шуни билмаган ҳолда ғофил одамлар ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида фаришталарга сиғинадилар. Шу сабабли, улар ҳаётда олий мақсадга эриша олмайдилар ва моддий оламда мусибатга тўла кун кечириб юраверадилар. Мабодо содиқнинг қалбида қандайдир моддий истаклар қолган бўлса, уларни амалга ошириш учун ҳам, Парвардигорнинг бевосита Ўзига мурожаат қилган маъкул, шунда у барча ниятларига эришади.

*25. йанти дева-врата деван питрин йанти питри-вратаҳ  
бхутани йанти бхутеджйа йанти мад-йаджйино "ни мам*

***Фаришталарга сиғинадиганлар фаришталар орасида тугиладилар; ўтган ажодларига сиғинадиганлар ажодларининг олдига борадилар; ажина ва арвоҳларга сиғинадиганлар шундай қийфаларда дунёга келадилар; Менга сиғиниб юрганлар эса, Мен билан яшайдилар.***

Изоҳ: Ойга, Қуёшга ва ҳар қандай бошқа сайёрага боришни истаган киши ўз мақсадига эришиш учун Ведаларнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиб юриши лозим, Ведаларда бу усул *дарша-паурнамасйи* деб аталади. Бу қондаларнинг барчаси Ведаларнинг *карма-канда* деб аталадиган қисмида - ҳар хил жаннатий сайёраларда яшайдиган фаришталарга сиғиниш қондалари ёзилган бўлимида батафсил ёритилган. Худди шунингдек, маълум қурбонлик маросими ўтказиш орқали инсон ажодлари(питалар)нинг сайёрасига, арвоҳлар сайёрасига кўтарилиши ёки рақшас, ажина танасига эга бўлиши мумкин. Ажиналарга сиғиниш йўлини "жодугарлик" деб атайдилар. Жодугарлик билан шуғулланадиган одамлар ҳам ўзларининг фаолиятини "руҳий

фаолият” деб ҳисоблайдилар, аслида эса, бу - мутлако дунёвий, моддий фаолиятдир. Фақат Худонинг Олий Шаҳсига сиғиниб юрган Худонинг соф содик хизматкоригина Вайкунтхадаги энг олий сайёрага, Кришналокага эришади, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу - мазмуни жуда муҳим бўлган шеър. Агар фаришталарга сиғиниш ёрдамида инсон жаннатга эришадиган бўлса, аждодларининг арвоҳларига сиғиниб юрганлар аждодларининг олдига борадиган бўлса, жодугарлик билан шуғулланадиганлар жин-арвоҳларнинг сайёраларига эришадиган бўлса, нимага Худонинг соф содик хизматкори Кришнанинг, яъни Парвардигор Вишнунинг сайёрасига эришмас экан? Афсуски, одамларнинг аксарият кўпчилиги Парвардигор Кришна, Вишну яшайдиган ана шу руҳий сайёралар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Шундай нодир илмдан маҳрум бўлгани сабабли улар моддий оламда мусибатга тўла ҳаёт кечириб юрибдилар. Ҳатто Брахмадживотига эришган имперсоналистлар ҳам ўзлари учун тайёрлаб қўйилган шу тақдирдан қочиб қутула олмайдилар. Шу боис, Кришнани англаш ҳаракати мана шу нодир илмни Ер сайёрасида яшаётган ҳамма халқларга етказишга ҳаракат қилади, токи илоҳий қудратга эга бўлган Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ёрдамида жаҳондаги ҳар бир одам ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ руҳий баркамоллик чўққисига эришиб, ўзининг ҳақиқий уйига, руҳий оламга, Парвардигорнинг мангу даргоҳига эриша олсин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*26. патрам пушпам пхалам тойам йо ме бхактия прайаччхати  
тад ахам бхакти-упахритам ашнами прайатат манах*

***Агар инсон Менга муҳаббат ва садоқат билан барг, гул, мева ҳамда бироз сув таклиф этса, Мен унинг эҳсонини албатта қабул қиламан.***

Изоҳ: Етарли ақл-заковатга эга инсон ҳеч қачон адо бўлмайдиган мангу лаззатга тўла ҳаёт ҳукм сурадиган даргоҳга, туганмас ҳақиқий бахтга эришиш учун Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб, қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. Ана шундай ажойиб натижага эришиш имкониятини берадиган илоҳий усул жуда осон. Бу усул билан ҳатто ҳеч қандай бойлиги бўлмаган, энг қашшоқ одам ҳам шуғуллана олади. Бу усул билан шуғулланиш учун зарур бўлган ягона шарт - Худонинг содик хизматкори бўлиш. Сизнинг жамиятда қандай обрў, мартаба, қандай лавозим эгаллаб турганингизнинг мутлако аҳамияти йўқ. Худога хизмат қилиш усули шу қадар оддий ва соддаки, одам Парвардигорга ҳатто барг, гул, мева ёки озгина сув таклиф қилса ҳам, агар шу эҳсонларни чин ихлос билан таклиф қилаётган бўлса, Парвардигор жуда мамнун бўлади ва унинг эҳсонини албатта қабул қилади. Кришнани англашнинг бу усули жуда осон ва ҳаммабоплиги билан ҳар қандай одамни ўзига жалб этади - бу усулдан ҳар қандай одам ҳам фой-

даланиши мумкин. Энг ғофил, калтафахм, ахмоқ одамлардан бошқа ким ҳам, ҳаётда инсон эришиши мумкин бўлган энг олий мақсадга - илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга мана шу оддий усулдан фойдаланиб эришиш имкониятидан бош тортарди? Парвардигор Кришнага фақат бизнинг муҳаббат ва садоқатимиз, самимий ихлосимиз керак, холос. Биздан Унга бошқа бирор нарсанинг кераги йўқ. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкоридан биргина баргни ҳам қабул қилади, аммо Ўзига содиқ бўлмаган иймонсиз, қалби нопок одамдан У ҳеч нарсани, ҳатто энг катта бойликни ҳам қабул қилмайди. Худога ҳеч кимдан, ҳеч нарсанинг кераги йўқ, чунки У Ўзига тўла бутун Зот, лекин шунга қарамай, У Ўзининг содиқ хизматкорининг муҳаббатидан, садоқатидан миннатдор бўлиб, у таклиф этган эҳсонни, унинг хизматини қабул қилади. Кришна онгига эга бўлиш - ҳаётда энг олий камолотга, руҳий баркамолликка эришиш демакдир. *Бҳакти*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш - Кришнага, Худога яқинлашишнинг ягона йўли эканини алоҳида таъкидлаш мақсадида *бҳакти* ибораси бу ерда икки бор такрорланган. Парвардигор Кришнани қандайдир билимдон-олим эмас, брахман эмас, бойбадавлат киши эмас, буюк файласуф эмас - айнан *бҳакта* яъни Худонинг соф содиқ хизматкори ўзининг садоқати, соф муҳаббати билан ўзи таклиф этаётган эҳсонини қабул қилишга мажбур қила олади. Агар қалбида ана шу асосий нарса - бҳакти, яъни садоқат бўлмаса, ҳеч ким Парвардигорни бирор эҳсон қабул қилишга мажбур қилолмайди. Инсоннинг қалбидаги ана шу *бҳакти*, садоқат ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, мангу барҳаёт туйғудир. Бҳакти - Худонинг Олий Шаҳсига, Мутлақ Ҳақиқатга садоқат ва муҳаббат билан холис хизмат қилишда намоён бўлади.

Ўтказиладиган ҳар қандай қурбонлик маросимининг натижасидан ягона лаззатланувчи Зот, азалий, бошланғич Парвардигор - Мен Ўзимман, деб эълон қилиш билан Кришнабу дунёдаги одамлардан қандай эҳсон кутишини ҳам айтиб қўйяпти. Қалбини поклаб, инсон ҳаётининг олий мақсади - Худога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиш даражасига эришиш ниятида Худога хизмат қилиш йўлига қираётган киши биринчи навбатда Парвардигор ундан нима истаётганини яхши билиб олиши лозим. Парвардигорни севадиган киши ҳамиша Парвардигорга Унинг Ўзи севадиган нарсалардан эҳсон қилади, Кришнаистамайдиган, Унинг Ўзи сўрамаган, кутмаган нарсаларни ҳеч қачон таклиф қилмайди. Кришнага ҳеч қачон гўшт, балиқ ва тухум таклиф қилиш мумкин эмас. Агар Парвардигор шундай нарсаларни истаётган бўлса, бу ҳақда Унинг Ўзи албатта айтган бўларди. Парвардигор одамлардан Ўзига барг, гул, мева ва сув таклиф қилишни сўраб, бундай эҳсонларни албатта қабул қилишини айтяпти. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Парвардигор биздан ҳеч қачон гўшт, тухум, балиқдан тайёрланган нопок нарсаларни қабул қилмайди. Парвардигор сабзавот, дон, мева-чева, сув ва сут махсулотларини одамлар учун ризқ сифатида аниқ белгилаб қўйганини муқаддас китобларда айтган. Шулардан бошқа бирор озиқ-овқат турларини Худога таклиф қилмаслик керак, Кришна уларни умуман қабул қилмайди. Бундай ҳаром, нопок нарсаларни Парвардигорга эҳсон сифатида таклиф

қилиш билан биз Уни ҳақорат қилган, Унинг хоҳишига қарши иш қилган бўламиз. Бундай амаллар Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш даражасидаги ишлар бўлмайди.

Учинчи бобнинг ўн учинчи шеърида Шри Кришна айтадики, "моддий олам тутқунлигидан қутулишга, рухий юксалиш йўлидан боришга жиддий интилаётган киши фақат қурбонлик маросимида Худога таклиф этилган эҳсон қолдиқлари(прасад) билан озикланиб яшаши лозим. Аввало Худо Шахсига таклиф қилинмаган нарсалар билан озикланадиган киши фақат гуноҳга ботади". Бошқача қилиб айтганда, оғзига олган ҳар бир ҳаром лўқма билан инсон моддий табиат чанғалига баттар ўралиб, гуноҳга ботиб бораверади. Аммо оддий ва ширин вегетариан таомларни тайёрлаб, аввал уларни Кришнаолдига қўйиб, эҳтиром билан бош эгиб, Парвардигордан ўзининг ана шу арзимас эҳсонини қабул қилишни садоқат билан самимий илтимос қиладиган киши учун рухий юксалиш йўлида муваффақиятга эришиш, танасининг поклиги ва фикрининг тиниклиги кафолатланган бўлади. Бундай улуғвор фазилатлар одамнинг ҳамиша ҳалол-пок таомлар билан овқатланиб юриши натижасида, миясининг нозик ҳужайралари яхши ривожланиши туфайли юзага келади. Энг муҳими эҳсон Парвардигорга муҳаббат билан таклиф этилиши лозим. Бутун борлиқнинг ягона Эгаси, Ҳукмдори бўлган ҳолда Кришна ҳеч қандай овқатга, бирор эҳсонга муҳтож эмас, лекин барибир, У шу тарзда ўзини мамнун қилишга интилаётган содиқ хизматкорига чексиз марҳамат кўрсатиб, ундан бу эҳсонни албатта қабул қилади. Таом тайёрлашда, уни Худога эҳсон қилишда ва тарқатишда энг муҳими - ҳамиша Кришнага нисбатан муҳаббат туйғуси билан ҳаракат қилиш керак.

"Мутлақ Ҳақиқатнинг сезги аъзолари йўқ" деб қатъий даъво қилаётган имперсоналист-файласуфлар "Бҳагавад-Гита"нинг мазкур шеърини тушунишга қодир эмаслар. Улар учун бу шеър ё шунчаки ўхшатиш, ёки "Бҳагавад-Гита"ни баён этган Кришнанинг оддий инсон эканига яна бир далил бўлиб қолаверади. Лекин, аслида муқаддас китобларда айтилганидай Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг ҳар нарсага қодир бўлган илоҳий, рухий табиатга эга бўлган сезги аъзолари бор. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа ҳар қандай аъзосининг вазифасини ҳам бажара олади. Кришнанинг мутлақ табиати ҳақида гапирилганда, Унинг айнан мана шу сифати назарда тутилади. Агар Худо Шахсининг сезги аъзолари бўлмаса, Уни "мукаммал Зот" деб бўлмасди. Еттинчи бобда Кришна шунчаки нигоҳини ташлаб қўйиш билан моддий табиат ичига тирик мавжудотларнинг уруғини жойлаб қўйишини айтган эди. Худди шунингдек, бу ерда ҳам содиқ хизматкори таом таклиф қилаётганида, унинг ўзига изҳор этаётган муҳаббат тўла илиқ сўзларини тинглар экан, шунчаки нигоҳини ташлаш билан Кришна таомни албатта қабул қилади, унинг таъминини ҳам сезади. Буни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: Шри Кришна, Худо Шахси Мутлақ табиатга эга бўлгани учун, У содиқ хизматкорининг илтижоларини тинглаб, таомдан татиб, ундан ейди. Парвардигорни ҳеч қандай уйдирмаларсиз, ўздан ҳеч нарса ўйлаб чиқармасдан, Кришнанинг ўзи нима деса шундайлигича қабул

киладиган содик хизматкоргина Худонинг Олий Шахси овқат ейиши ва ундан лаззатланиши мумкинлигини тушуна олади.

*27. йат кароши йад ашнаси йадж джухоши дадаси йат  
йат тапасйаси каунтейа тат курушва мад-арпанам*

***Эй Кунтининг ўғли, нима билан машгул бўлсанг ҳам, нима есанг,  
нима эҳсон қилсанг ҳам, нима берсанг ва қандай риёзат чексанг  
ҳам, уларнинг ҳаммасини Менга бағишла!***

Изоҳ: Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги асосий бурчи - ўз турмушини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамиша Худони, Кришнани эслаб юрадиган қилиб ташкил қилишдан иборат. Жонимизни танада сақлаб туриш, яъни тирикчилик учун биз ҳаммамиз албатта меҳнат қилишга мажбурмиз, шунинг учун мазкур шеърда Кришна бизга ҳар бир ишни албатта Худого бағишлаб қилишни тавсия қилапти. Ҳеч ким овқатланмасдан яшай олмайди, аммо иймонли одам аввал Кришнага таклиф қилинган таом билан овқатланиши керак. Ҳар қандай маданиятли, иймон-эътиқодли одам бирор дин йўли билан Худого сиғиниб яшайди, қандайдир ақидаларга, урф-одатларга риоя қилади: шунинг учун ягона Парвардигор Кришна: "Ҳар бир ишингни Мен учун қил!" - деб айтяпти. Ҳаётда ана шундай яшаш *арчана* деб аталади. Ҳар бир одам қалбида табиий равишда бошқаларга қандайдир яхшилик қилишга, хайр-эҳсон қилишга мойиллик сезади, Кришна: "Менга эҳсон қил!" - деб айтяпти. Демак, биз эҳтиёжимиздан ортган барча бойлигимизни Худого, яъни жамиятда Кришнани англаш ҳаракатини ривожлантириш, ҳар бир одамнинг Худони англаб етишига ёрдам бериш йўлида сарфлашимиз лозим. Ҳозир жуда кўп одамлар муроқаба билан шуғулланишга интиладилар, лекин ҳозирги даврда бу усулга амал қилиш жуда қийин. Аммо, тасбеҳда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрган киши "Бхагавад-Гита"нинг олтинчи бобида Кришнанинг Ўзи таъкидлаганидай, энг буюк йог ва сеҳргар ҳисобланади.

*28. шубхашубха-пхалаир эвам мокийасе карма-бандханаиҳ  
санныйаса-йога-йуктама вимукто мам упашийаси*

***Шунда сен кармали фаолият чангалидан, унинг яхши ва ёмон  
оқибатларидан бутунлай озод бўласан. Таркидунёликнинг мана шу  
йўлидан адашмай борсанг сен озодликка эришасан ва Менинг  
даргоҳимга қайтасан.***

Изоҳ: Энг олий ишонарли Зот раҳбарлиги остида ҳаракат қилаётган кишини *йукта* деб атайдилар. Муқаддас китобларда *йукта-вайрагйа* ибораси кўп учрайди. Рупа Госвами бу иборани шундай тушунтирган:

*анасактасйа вишайан йатхархам упайунджатах  
нирбандхах кришна-самбандхе йуктам вайрагйам учите*

"Хаётда ҳеч нарсага боғланиб қолмаган, лекин ҳамма нарсани Кришнага хизмат қилишда ишлатадиган киши ҳақиқатан ҳам бирор нарсага хўжайинлик қилиш туйғусидан озод кишидир" (Бҳакти-расамрита-синдху, 1.2.255).

Рупа Госвами айтяптики, моддий оламда яшар эканмиз, биз барибир ҳаракат қилишга, ишлашга мажбурмиз. Ҳеч ким ҳаракат қилмасдан тура олмайди. Агар биз қандайдир фаолият билан машғул бўлатуриб унинг натижаларини Кришнага бағишласак, шундай кайфият, шундай тушунча билан яшаш - *юкта-вайрагйа* деб аталади. Ҳақиқий таркидунёлик руҳи билан суғорилган ана шундай фаолият кишининг ақл ойнасини тозалайди, бундай фаолият билан машғул бўлган киши, руҳий юксалиш йўлидан бориб, ҳаётда бутунлай Худонинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб яшай бошлайди. Шундай қилиб у охир-оқибатда ҳақиқий озодликка эришади. Бу озодлик Брахмадждйотига қўшилиб кетадиган озодлик эмас. Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришади. Бу ерда аниқ айтилган: *мам унашйаси* - "у Менинг олдимга келади", яъни ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига эришади. Озодликка эришишнинг беш тури мавжуд, лекин бу ерда аниқ қилиб айтилганки, ҳозирги ҳаётида Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган киши умрининг охирида танасини тарк этиб, албатта ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига боради ва Худонинг Олий Шахси билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади.

Ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши ҳақиқий *саннийаси* ҳисобланади. Шундай одам ўзини Худонинг мангу хизматкори деб ҳисоблайди ва ҳамма нарсада фақат Унга таваккал қилади. Шу боис, Парвардигор учун қилинадиган ҳар қандай ишни "Худога хизмат қилиш" деб ҳисоблайди. У муқаддас китобларда кармали фаолиятни тартибга солиш учун мўлжалланган қонун-қоидаларга жиддий эътибор бермайди. Жамиятда яшаётган одамлар муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга (шариат қонунларига) амал қилиб яшашлари лозим. Ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган содиқ хизматкор, гарчи баъзан унинг қилаётган ишлари бошқаларга ғалати туюлса ҳам, аслида Ведаларнинг қонун-қоидаларига тўлиқ амал қилиб юрган бўлади.

Шу боис буюк устозлар, ачарйа-вайшнавлар айтадиларки, ҳатто энг фаросатли киши ҳам Худонинг соф содигининг фикрларини ва қилаётган ишларини тўғри баҳолай олишга қодир эмас. *Танра вакйа, крийа, мудра видженеха на будждхайа* (Чайтанйа-Чаритамрита, Мадхйа, 23.39) Ҳамиша Худога хизмат қилиб юрган, бутун фикру-хаёли Худога хизмат қилиш билан боғлиқ нарсаларда мужассам бўлган кишини "руҳий озодликка эришган зот" деб ҳисоблаш керак. Вақти келиб у албатта ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Ҳозирги ҳаётида эса, у ҳам худди Худонинг Олий Шахси Шри

Кришнадай бегуноҳ зот ҳисобланади ва иймонсиз ғофил даҳрийларнинг ҳар қандай танқидий фикрларидан устун туради.

*29. само “хам сарва-бхутешу на ме двешйо “сти на приях  
йе бхаджанте ту мам бхактия майи те тешу чапй ахам*

***Мен ҳеч кимдан нафратланмайман, ҳеч кимга боғланиб қолмаганман. Мен ҳаммага бир хил муносабатдаман. Лекин, ким Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган бўлса, у - Менинг дўстим. У ҳамиша Менинг қалбимда, Мен ҳам унинг дўстиман.***

Изоҳ: Шундай савол туғилиши мумкин: агар Кришна барчага баробар муносабатда бўлса, ҳеч кимни “дўст” ёки “душман” деб бир-биридан ажратмаса, нимага у ҳамиша ўзига садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларига алоҳида ғамхўрлик қилади? Бу ўз-ўзидан келиб чиқадиган табиий ҳол, бунда Парвардигорни адолатсизликда айблашга мутлақо ўрин йўқ. Моддий оламда яшаётган ҳар бир одам бошқаларни севиши, уларга ғамхўрлик қилиши мумкин, лекин, барибир у ўз фарзандларига ҳамиша алоҳида меҳр билан қарайди. Парвардигор айтяптики, қайси ҳаёт турига мансуб бўлмасин, барча тирик мавжудотлар Унинг фарзандларидир, шу боис У тирик мавжудотларнинг ҳар бирини ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан тўла таъминлаб қўйибди. Парвардигор худди ҳамма ерга - тоғларга ҳам, денгизга ҳам, ҳосилдор ерларга ҳам бирдай ёмғир қуйиб ўтадиган булутга ўхшайди. Лекин, Ўзининг содиқларига У алоҳида ғамхўрлик қилади. Бу ерда айнан шу ҳақда гап боряпти: улар ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб, Кришна билан бевосита боғланган руҳий ҳолатда қоладилар. “Кришна онги” деган иборанинг ўзи - шундай онгга эга кишилар ҳамиша Кришна билан бирга, Унинг ичида, қалбида яшаётганини назарда тутади. Кришнааниқ айтяптики: *майи те* - "Улар ҳамиша Менда". Ана шу ҳолатнинг табиий натижаси сифатида Парвардигор ҳам уларнинг қалбида бўлади. Тирик мавжудотнинг Парвардигор билан муносабати ўзаро самимий ҳамкорликка асосланган. Парвардигор шундай дейди: *йе йатха мам прападйанте тамс татхаива бхаджами ахам* - "Инсон қай даражада ўз ихтиёрини Менга топширса, шу даражада Мен унга ғамхўрлик қиламан". Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкорини боғлаб турадиган ўзаро мангу муносабатлар бор, чунки Парвардигор ҳам, содиқ хизматкор ҳам онгли мавжудотлардир. Олтин узукка қўйилган биллур қош яна ҳам гўзалроқ кўринади. Бриллиант олтинни, олтин эса бриллиантни безаб туради.

Худо Шаҳси ва тирик мавжудотлар ҳамиша ўзидан нур таратиб турадилар, лекин тирик мавжудотнинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлганида, у худди олтинга ўхшаб ярқирай бошлайди. Парвардигор эса бриллиантга ўхшайди, уларнинг бирга бўлиши эса, ҳақиқий



гўзаллик тимсолига айланади. Беғубор пок рухий онгга эга бўлган тирик мавжудотларни "Худонинг содиқ хизматкори" деб атайдилар. Парвардигор ҳам Ўзининг соф содиқларининг хизматкорига айланади. Агар содиқ билан Парвардигорнинг муносабатлари ўзаро ҳамкорликка асосланган бўлмаса, персонализм фалсафаси ҳам юзага келмаган бўларди. Персонализм - Парвардигор билан тирик мавжудот ўзаро шахсий муносабатларда бўлишини назарда тутди, имперсонализм эса бундай муносабатларни инкор этади.

Парвардигорни кўпинча истаклар дарахтига ўхшатадилар: У Ўзига сиғинаётган одамларни уларнинг истакларига мос равишда мукофотлайди. Бу ерда шу ҳолат тўла таърифлаб кўрсатилган. Бу ерда Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорларини алоҳида ажратиб, уларга алоҳида марҳамат кўрсатишини айтяпти. Парвардигорнинг Ўз содиқларига кўрсатаётган марҳаматини карма оқибати, карма қонунининг амалда намоён бўлиши, деб ҳисобламаслик керак. Бу марҳамат - илоҳий табиатга эга бўлган, фақат Худонинг Олий Шахси ва Унинг содиқ хизматкори орасидагина мавжуд бўладиган алоҳида марҳамат тимсолидир. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг моддий фаолият билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни - мукамал илм ҳамда чексиз лаззат мангу хукмрон бўлган рухий оламнинг бир бўлагидир.

*30. апи чет су-дурачаро бхаджате мам ананйя-бхак  
садхур эва са мантавайах самйаг вйавасито хи сах*

***Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳатто энг жирканч иш қилиб қўйса ҳам барибир уни "тақводор, авлиё инсон" деб ҳисоблаш керак, чунки у тўғри йўлдан боришга қатъий қарор қилган.***

Изоҳ: Бу ерда келтирилган су-дурачара ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг маъносини тўғри тушуниш керак. Шартланган ҳолатида тирик мавжудот икки турдаги фаолият билан машғул бўлади: ташқи моддий фаолият ҳамда ўзининг асл онгига, табиатига лойиқ бўлган ички, рухий фаолият. Танасининг эҳтиёжини қондириш яъни моддий тирикчилик қилиш учун Худонинг содиқ хизматкори ҳам моддий оламда жамият ва давлат қонунларига бўйсуниб, ҳар хил дунёвий фаолият билан машғул бўлишга мажбур. Унинг мазкур фаолияти шартланган фаолият тоифасига киради. Бундан ташқари, ўзининг рухий табиатини тўла англаб етган инсон Қришна онги доирасида ҳам, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳам машғул бўлади. Шундай фаолият "рухий фаолият" деб аталади. Бу фаолият инсоннинг ички табиатига мансуб бўлади ва Худога садоқат билан хизмат қилиш тоифасига киради. Худонинг содиқ хизматкори шартланган ҳолатда бўлганида унинг Худога хизмат қилиш фаолияти ва шартланган фаолияти биргаликда амалга ошади, баъзида эса, ҳатто улар бир-бирига зид бўлиб, содиқ ҳаётда ҳар хил қарама-

каршилиқларга дуч келади. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб, ўзининг шаънига иснод келтирадиган гуноҳ ишлардан илоҳи борича йироқ бўлишга ҳаракат қилади. У ўзининг қилаётган ҳар бир иши қалбида Кришна онгининг ривожланиш даражасига мос бўлишини яхши билади. Лекин, баъзида Кришна онгига эга бўлган киши ижтимоий ва сиёсий нуқтаи-назардан қараганда номаъқул бўлган ишларни ҳам қилиб қўйиши мумкин. Аммо, бундай адашиш вақтинчалик ҳол бўлиб, содиқни эришган руҳий натижаларидан маҳрум қилмайди. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, агар инсон бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, лекин унинг қалби ҳамиша Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишланган бўлса, унинг қалбида турган Парвардигор унинг қалбини поклаб, гуноҳини кечириб юборади. Моддий табиатнинг инсонни гуноҳ ишларга ундовчи таъсири шунчалик кучлики, баъзан ҳатто ҳаётини Худога хизмат қилишга бутунлай бағишлаган йог, содиқ хизматкор, авлиё инсон ҳам унинг қурбони бўлиши мумкин. Аммо, қалбидаги Кришна онгининг қудрати билан у бундай адашиш ботқоғидан тезда покланиб олади. Шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли ҳамиша муқаррар муваффақият билан тугайди. Худонинг содиқ хизматкорини руҳий юксалиш йўлидан адашишга мажбур қилган, унинг тасодифан қилиб қўйган бундай номаъқул ишини ҳеч ким қораламаслиги керак. Чунки, кейинги шеърда айтилганидай, вақти келиб содиқ қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирганида бундай адашиш ҳоллари ўзидан-ўзи биратўла йўқолиб кетади.

Шу боис, ҳатто тасодифан бирор гуноҳ иш қилиб қўйган бўлса ҳам, ҳамиша қатъий ишонч билан Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлиб, илоҳий товушлардан иборат буюк: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре маха-мантрани мунтазам зикр қилиб юрган кишини "илоҳий даражага эришган одам" деб ҳисоблаш керак. Шри Кришна *садхур эва* (у авлиё одам) иборасини алоҳида таъкидлаб айтяпти. Худонинг Олий Шахси бу билан худобехабар оддий одамларни жиддий огоҳлантириб қўйяпти: билмасдан адашиб, гуноҳ иш қилиб қўйган Худонинг содиқ хизматкорини ҳеч қачон танқид қилманг, ҳақоратламанг, масхаралаб унинг устидан кулманг! Аксинча, ҳатто руҳий ҳаёт йўлидан адашган содиқни ҳам *садху*, авлиё инсон деб ҳисоблаш керак. *Мантавайяҳ* ибораси бу фикрни яна ҳам кучлироқ тасдиқлайди. Мана шу огоҳлантиришга эътибор бермай, Худонинг содиқ хизматкорининг устидан куладиган одамлар Парвардигорнинг жиддий кўрсатмасига, амрига зид иш қилаётган бўладилар. Худонинг содиқ хизматкоридан талаб қилинадиган ягона сифат - бутун вужудини, ҳаётини Худога бағишлаб Унга садоқат билан хизмат қилишдан иборат. "Нрисимха-пурана"да шундай дейилади:

*бхагавати ча харав ананйя-чета  
бхриша-малино "ни вираджете манушаҳ  
на хи шаша-калуша-ччхабиҳ кадачит  
тимира-парабхаватам упаити чандраҳ*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, агар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, баъзан бирор ноҳўя иш қилиб қўйса, бундай ишларни, худди Ойнинг юзидаги қуён шаклига ўхшаган доғга ўхшатиб қабул қилиш керак. Бу доғ Ой нурунинг ерга тушишига умуман халакит бермайди. Худди шунингдек, содиқнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан тасодифан адашиб кетиши уни гуноҳкорлар қаторига қўшиб қўймайди.

Аксинча, бу ерда келтирилган гапларни бошқача талқин қилиб, "Худога хизмат қилиб юрган киши ҳар қандай гуноҳ ишлар билан машғул бўлиши мумкин" деб хулоса чиқармаслик керак: бу ерда гап чуқур моддий боғланишлардан келиб чиқадиган, тасодифан бўладиган гуноҳ ишлар ҳақида боряпти. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши аслида Парвардигорнинг алдамчи қуввати(шайтон)га қарши уруш эълон қилган бўлади. Токи қалбида унинг ҳужумларини бартараф қилишга қодир бўлган руҳий куч, илоҳий қудрат тўпламас экан, тасодифий адашишлардан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Лекин, содиқ руҳий юксалиш йўлида етарли қудратга эга бўлганида бундай адашишлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ўзини Худонинг содиқ хизматкори деб ҳисоблайдиган ҳеч бир инсон Худога хизмат қилиб юрганини пеш қилиб, мазкур шеърни никоб қилиб, ўзининг бемаъни гуноҳ ишларини оклашга уринмаслиги керак. Худога садоқат билан хизмат қилиб яшар экан, содиқ ўзининг бемаъни одатларидан, дунёвий орзу-истакларидан иложи борича тезроқ халос бўлишга интилмаса, Худога хизмат қилишнинг пастки поғоналарида қолиб кетаверади.

*31. киширам бхавати дхарматма шайвач-чхантим нигаччхати  
каунтейа пратиджанихи на ме бхактаҳ пранашияти*

***У тез орада фақат эзгу ишлар қилиб яшайдиган инсон бўлиб, мангу хотиржамликка эришади. Эй Кунтининг ўғли, ҳаммага дадил эълон қил: Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!***

Изоҳ: Бу шеърнинг маъносини тўғри тушуниш керак. Еттинчи бобда Парвардигор айтган эдики, гуноҳ ишлар қилиб юрган киши ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худога топшириб, Унга хизмат қила олмайди. Худога таваккал қилмайдиган, ўз ихтиёрини Унга топширмаган иймон-этикодсиз киши бирор эзгу иш қилишга, бировга яхшилик қилишга қодир бўлолмайди. Лекин, қандай қилиб тасодифан ёки атайлаб гуноҳ ишлар қиладиган киши ҳам Худонинг соф содиқ хизматкори бўлиши мумкин? Бу ҳақиқатан ҳам жуда муҳим савол. Еттинчи бобда айтилганидай, гуноҳкорлар ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киролмайдилар, бу "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланади.

Одатда, Худога хизмат қилишнинг тўққиз тури билан шуғулланиб, инсон ўз қалбини барча моддий иллатлардан поклайди. У қалбида ҳамиша

Олий Худони эъзозлаб юради, шунда барча гуноҳ иллатлари ўз-ўзидан унинг қалбини тарк этади. Парвардигор ҳақида тинмасдан ўйлаб юриш содиқни ўзининг азалий пок рухий ҳолатига қайтаради. Агар рухий поғонага кўтарилган киши бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, Ведаларда унинг оқибатидан покланиш учун махсус покланиш маросими ўтказиш тавсия қилинган. Аммо, Худонинг содиқ хизматкори учун бундай покланиш маросими ўтказиб юришнинг ҳожати йўқ, чунки ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан машғул бўлиб юриши натижасида, унинг қалби ўз-ўзидан покланади. Шунинг учун, ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришга ҳаракат қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу бизни ҳар қандай тасодифий адашишлардан, гуноҳ иш қилиб қўйишдан сақлайди ва ҳар қандай моддий иллатлар билан булғанишдан ҳимоя қилади.

*32. мам хи партха вйанаиритйа йе “ни сйух напа-йонайах  
стрийо вайийас татха шудрас те “ни йанти парам гатим*

***Эй Притхининг ўғли, ўзини Менга топширсалар, ҳатто жамиятнинг қуйи табақаларига мансуб одамлар - аёллар, вайишя(савдогар)лар ва шудра(ишчи)лар ҳам олий даргоҳга эриша оладилар.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор аниқ айтяптики, Худога хизмат қилишда одамларни олий ва қуйи табақаларга ажратишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Бундай ажратишлар ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймон-эътиқодсиз ғофил одамларнинг иши. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган одамнинг бундай ажратишларга умуман алоқаси йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эриша олади. "Шримад Бҳагаватам"(9.4.18)да айтилганки, ҳатто энг паст табақага мансуб бўлган ҳароми *чандала*(ит гўшти ейдиган) ҳам Худонинг соф содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиб моддий иллатлардан поклана олади. Худога хизмат қилиш жараёни ҳамда Худонинг соф содиқ хизматкорининг кўрсатмалари шу қадар кучли илоҳий қудратга эгаки, қайси табақага мансуб бўлишидан қатъий назар, улар ҳар қандай инсоннинг қалбини барча иллатлардан поклай олади. Худонинг соф содиқ хизматкорининг паноҳига кириб, унинг кўрсатмаларига амал қилиб, энг оддий одам ҳам покланиши мумкин. Қайси табиат гуналари таъсири остида яшаётганига қараб, одамлар бир неча табақага бўлинадилар: браҳманлар - эзгулик гунаси таъсири остида бўлган одамлар; *кшатрий*, ҳукмдорлар - эҳтирос гунаси таъсири остидаги одамлар; *вайишйа*, савдогарлар - эҳтирос ва ғафлат гуналарининг аралаш таъсири остидаги одамлар; *шудра*, оддий ишчи-хунармандлар - ғафлат гунасидаги одамлар. Гуноҳкорлар оиласида дунёга келган чандаллар бундан ҳам пастроқ табақага мансуб одамлар ҳисобланади. Одатда олий

табака одамлари бундай одамлардан ҳазар қилиб, ўзини улардан четга олиб юрадилар. Аммо, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни шу қадар қудратлики, Худонинг содиқ хизматкори ҳар қандай табакадаги одамларнинг ҳам рухий баркамолликка, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришишига ёрдам бера олади. Ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширган кишигина ана шундай илоҳий қудратга эга бўлади. Бу ерда ишлатилган *вйанапиритйа* ибораси содиқ ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топшириши лозимлигини кўрсатади. Шунда у ҳатто энг буюк ғйани ва йоглардан ҳам юқори бўлган рухий даражага эришади.

*33. ким пунар Браҳманаҳ пунйа бхакта раджаршайас татха  
анитйам асукхам локам имам пратйа бхаджасва мам*

***Шундай экан, пок виждонли браҳманлар, Худонинг содиқлари ва тақводор шоҳлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шу боис, мусибат тўла бу ўткинчи дунёга келиб қолган экансан, ўзингни бутунлай Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишла!***

Изоҳ: Моддий оламда ҳар хил табақа ва тоифага мансуб одамлар бор, лекин охир-оқибатда бу дунёдагиларнинг барчаси мусибатларга тўла ҳаёт кечирадилар. Мазкур шеърда Парвардигор аниқ айтяпти: *анитйам асукхам локам*. Ўткинчи, мусибатга тўла бу дунё - маданиятли, ақл-заковатли одам учун муносиб жой эмас. Худонинг Олий Шахси бу дунёни “ўткинчи”, “мусибатга тўла” деб айтяпти. Баъзи файласуфлар, айниқса файласуф-майвадилар бу оламни алдамчи, сароб деб айтадилар, аммо “Бҳагавад-Гита”дан биз биламизки, моддий олам мавҳум эмас, у фақат ўткинчи. Алдамчи деган билан “ўткинчи” деган тушунчалар бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу олам ўткинчи, лекин ундан бошқа мангу мавжуд олам ҳам бор. Мусибатларга тўла, ўткинчи бўлган моддий оламдан фарқли равишда, рухий олам - мангу, лаззатга тўла.

Аржун тақводор шоҳ хонадонида дунёга келган. Лекин, Парвардигор ҳатто унга ҳам айтяптики: "Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кир, тезроқ ўзингнинг ҳақиқий уйингга, Худонинг даргоҳига қайт!" Мусибатлар, азоб-уқубат ва кўз ёшлар уммони бўлган бу дунёда ҳеч ким, ҳатто шоҳлар ҳам, узоқ вақт қолиб кетмаслиги керак. Мангу, туганмас бахтга эришиш учун Худонинг Олий Шахсининг паноҳи остига кириш керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли - жамиятнинг барча табақа ва тоифаларига мансуб кишиларнинг ҳаётдаги барча муаммоларини биратўла ҳал қилиш имконини берадиган ягона йўлдир. Шунинг учун етарли фаросатга эга бўлган ҳар бир инсон Кришнани англаш йўлига кириши ва шу тарика комил инсон даражасига етиши лозим.

*34. мам-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру*

**Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл, олдимда узала тушиб сажда қил ва Менга сизин! Қалбингни бутунлай Менда жамлаш билан сен албатта Менга эришасан.**

Изоҳ: Бу ерда моддий қувват асирлигидан озодликка чиқишнинг ягона йўли - Кришнани англаш, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаш усули экани аниқ айтилган. Мана шу шеърнинг яққол кўриниб турган мазмунини баъзи бир виждонсиз билимдонлар нотўғри талқин қилиб изоҳлайдилар. Бу ерда фақат Худонинг Олий Шахсига, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш кераклиги айтилган. Бахтга қарши, "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзадиган баъзи виждонсиз чаласавод одамлар ўзларининг нотўғри ғоялари билан ғофил одамларни тўғри йўлдан адаштирадилар. Кришнанинг ақли билан Кришнанинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини улар тушунмайдилар. Кришнани "оддий инсон" деб ҳисобламаслик керак; У - Мутлақ Ҳақиқат. Унинг танаси, ақли ва Унинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди, мутлақ табиатга эга. Бҳактисиддхантга Сарасвати Госвами "Чайтанья-Чаритамрита"(Адилла.5.41-48)га изоҳ сифатида "*Анубхашья*" деган асар ёзган ва унда "Қурмапурана"дан қуйидаги шеърни келтиради: *деха-дехи-вибхедо йам нешваре видйате квачит*, яъни Парвардигор, Кришнанинг Ўзи, Унинг танаси бир-биридан фарқ қилмайди. Аммо, "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзадиган баъзи чаласавод олимларнинг Кришна ҳақидаги ҳақиқий илмдан умуман хабари йўқ. Улар Кришнани одамлардан яширишни истайдилар, Уни ақлидан ва танасидан ажратиб кўрсатмоқчи бўладилар. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, улар Кришна ҳақидаги илмни умуман билмайдилар. Шунга қарамай, улар ўзларига ўхшаган ғофил одамларни йўлдан адаштириб, китоблар ёзиб шунча мол-дунё орттирадилар.

Баъзи иблессифат одамлар ҳам гоҳида Кришна ҳақида фикр-мулоҳаза юритадилар, лекин улар шоҳ Камсага ўхшаб Кришнани нафрат билан эслайдилар. Кришнага тоға бўлган Камса ҳам ҳамиша Кришна ҳақида ўйларди, лекин у Кришнани ҳамиша ўзининг ашаддий душмани деб билган. "Кришна қачон келиб мени ўлдирар экан?" - деб, Камса ҳамиша Кришнани ўйлаб юрарди. Худо ҳақида бундай кайфиятда ўйлаб юриш яхшиликка олиб келмайди. Биз Кришна ҳақида қалбимизда Унга нисбатан муҳаббат ва садоқат туйғуси билан ўйлашимиз керак. Бҳактининг, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг моҳияти шундан иборат. Бунинг учун Худонинг Олий Шахси Шри Кришна ҳақидаги илмимизни мунтазам ошириб боришимиз, яъни ҳақиқий руҳий устоздан мунтазам равишда Кришна ҳақидаги мукамал илмни ўрганиб боришимиз лозим. Кришна - Худонинг Олий Шахси, бир неча бор айтиб ўтганимиздай, Унинг танаси моддий эмас, у мангу, илм ва лаззатга тўла. Кришна ҳақидаги илоҳий суҳбатларда иштирок этиш орқали биз Унинг содиқ хизматкори даражасига кўтариламиз. Кришна ҳақида ишончсиз, но-

маълум манбадан олинган илм бизга ҳеч қандай манфаат келтирмайди, сохта илм ҳеч қачон бирор натижа бермайди.

Шу сабабли, содиқ ўзининг ақлини Кришнанинг бошланғич азалий киёфасида жамлаб, қалбида Кришна - Худонинг Олий Шахси эканига қатъий ишонч билан Унга сажда қилиши, сиғиниши, хизмат қилиши керак. Ҳиндистонда юз минглаган эҳромлар мавжуд бўлиб, уларда одамлар Худога садоқат билан хизмат қилиб Кришнага сиғинадилар. Шу тарзда Худога хизмат қилиб юрган киши ҳамиша Кришнага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим. Ягона Илоҳ олдида сажда қилиб, инсон ўзининг танаси, ақли ва қилаётган барча ишлари билан Худога сиғиниши лозим. Шу тарзда у ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Худонинг Олий Шахси Кришна, ягона Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрган бўлади ва умрининг охирида албатта Худонинг мангу даргоҳига, Кришналокага эришади. Баъзи бир виждонсиз, ғофил одамларнинг "Бҳагавад-Гита"га нотўғри изоҳ ёзиб, бизни алдаб, тўғри йўлдан адаштиришига умуман йўл қўймаслигимиз керак. Аксинча, ҳамиша Кришнаҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб беришдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури билан машғул бўлиб яшашимиз лозим. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш - руҳий юксалиш йўлида инсон эриша оладиган энг юксак, олий поғонадир.

"Бҳагавад-Гита"нинг еттинчи ва саккизинчи бобларида Худога - ҳар хил фалсафий фикр юритишлар, сеҳрли йога, кармали фаолият қўшилмаган, мутлақо пок, соф садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гап борганди. Онги ҳали бутунлай покланмаган содиқларни Парвардигорнинг *Брахмадэёти* ёки ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма сингари бошқа аспектлари ўзига жалб қилиши мумкин, аммо Худонинг соф содиқ хизматкори фақат ягона Парвардигорга, бевосита Худо Шахсининг Ўзига хизмат қилади.

Кришна ҳақидаги ажойиб бир шеърда айтилганки, фаришталарга сиғи надиган одамлар ўзларини Кришнанинг уларга инъом этмоқчи бўлиб турган энг олий туҳфасидан маҳрум қиладилар. Худога хизмат қилиш йўлига энди кирган тажрибасиз содиқнинг ишлари, ҳаракатлари Худога соф садоқат билан хизмат қилишдан фарқ қилиши мумкин, лекин шунга қарамай, барибир у барча йог ва файласуфлардан устун туради. Ҳамиша Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган кишини авлиё, табаррук одам деб ҳисоблаш керак. У ҳар хил гуноҳ ишларни тобора камроқ қиладиган бўлади ва тез вақт ичида албатта руҳий баркамоллик чўққисига эришади. Худонинг соф содиқ хизматкорлари тасодифан гуноҳ иш қилиб қўйиш имкониятига эга эмаслар, чунки Парвардигорнинг Ўзи уларни ҳамиша авайлаб, ҳар қандай гуноҳ ишлардан асраб юради. Шу боис, етарли фаросатга, заковатга эга бўлган ҳар бир инсон Кришнани англаш йўлига кириб, моддий оламда бахтиёр яшаши лозим. Вақти келиб у албатта энг олий мукофотга - Кришна билан бевосита мулоқот қилиш даражасига эришади.

*"Шримад Бхагавад-гита"нинг "Энг нодир илм" деб аталадиган тўққизинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Ўнинчи боб. Мутлақ Ҳақиқатнинг ғаройиблиги**

1. *шри бхагаван увача*

*бхуйа эва маха-бахо шрину ме парамам вачах  
йат те "хам прияманайа вакийами хита-камйайа*

***Худонинг Олий Шахси деди: Эй билаги кучли Аржун, қулоқ сол. Энг яқин дўстим бўлганинг учун, сенинг бахтингни ўйлаб гапиришда давом этаман ва аввал айтганимдан ҳам устун турадиган илмни ошкор этаман.***

Изоҳ: Парашара Мунининг таърифига кўра Бхагаван, яъни Худонинг Олий Шахси деб қуйидаги олти мукамал сифатга тўлиқ эга бўлган Зотни айтадилар: 1) куч, 2) шон-шухрат, 3) бойлик, 4) илм, 5) гўзаллик ва 6) боғланмаслик. Ер сайёрасида бўлган пайтида Шри Кришна ана шу мукамал сифатларнинг барчасини тўла намоён этган. Шу боис Парашара Муни сингари донишмандлар Кришна - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси эканини тан олганлар. Ўнинчи бобда Кришна Аржунга Ўзининг кароматлари ва мўъжизалари ҳақида яна ҳам махфийроқ бўлган сирли илмларни ошкор этмоқчи бўляпти. Еттинчи бобдан бошлаб шу пайтгача Парвардигор Ўзининг ҳар хил қувватлари ва уларнинг қандай ҳаракат қилиши ҳақида гапириб берган эди. Бу бобда эса, У Аржунга Ўзининг ғайритабиий, ғаройиб(*вибхути*) илоҳий сифатларини таърифлаб беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш зарурлигини исботлаш ва қалбимизда Унга нисбатан ишонч уйғотиш учун аввалги бобда Парвардигор Ўзининг ҳар хил қувватларини таърифлаб берган эди. Бу бобда эса, У Аржунга Ўзининг сон-саноксиз кўринишлари ва ғаройиботларини таърифлаб беради.



Инсон Худо ҳақида қанчалик кўп тингласа, унинг қалбида Худога хизмат қилиш истаги шунчалик тез кучаяди. Шунинг учун ҳамиша Худонинг содиқ хизматкорлари даврасида Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришга интилиш керак. Шунда Худога бўлган садоқатимиз, Унга қилаётган хизматимиз тобора мукамаллашиб боради. Ана шундай суҳбатларда фақат Кришнани англашга самимий, жиддий интилаётган кишилар иштирок этишлари мумкин. Бошқа одамлар бундай суҳбатларда қатнаша олмайдилар. КришнаАржунга очик айтяптики, фақат унинг бахтини ўйлаб бу сирли илми унга ошкор этипти, чунки Аржун Унинг учун жуда азиз: бошқача қилиб айтганда, содиқлар даврасида бўладиган бундай суҳбатлар биринчи навбатда содиқларнинг ўзларига бахт-саодат келтиради.

*2. на ме видух сура-ганах прабхавам на махаршайах  
ахам адир хи деванам махаршинам ча сарвашах*

***На шунча фаришталар, на буюк донишмандлар Менинг бойликларимни билмайдилар, чунки Мен - барча фаришталар ва донишмандларнинг бошланғич сабабиман.***

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айтилганки, Кришна - Худонинг Олий Шахсининг Ўзи. Бутун оламда Ундан буюкроқ зот йўқ. У - барча сабаблар сабабчиси. Бу ерда Парвардигорнинг Ўзи айтяптики, У - барча фаришталар ва буюк донишмандларнинг бошланғич манбаи. Ҳатто фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам Кришнани англай олмайдилар, ҳатто улар ҳам Кришнани, Унинг муқаддас номини ва сифатларини англашга қодир бўлмаса, мана шу кичкина бир сайёрада яшаётган "дунёвий олимча"лар ҳақида нима дейиш мумкин? Парвардигорнинг қандай қилиб Ер юзига инсон қиёфасида келиб Ўзининг ғаройиб, оддий одамлар англаши қийин бўлган сирли кароматлар намоён қилишини ҳеч ким тушуна олмайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳеч қандай илмий унвонлар инсонга Кришнани англаб етиш имконини беролмайди. Ҳатто ўзларининг тафаккур кучига ишониб Кришнани англашга уринган фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам бирор натижага эриша олмаганлар. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, Худонинг Олий Шахсини ҳатто фаришталар ҳам англай олмайдилар. Ўзларининг мукамал бўлмаган хиссиётининг, сезгиларининг чекланган имкониятлари доирасидан чиқа олмай, улар ўзининг фалсафий изланишлари жараёнида фақат имперсонализм фалсафасининг асосини ташкил этувчи, моддий оламнинг ранг-баранглигини инкор этадиган хулосага келишлари ва моддий табиатнинг уч гунаси намоён этмаган "қандайдир Зот" ҳақида гапиришлари ёки ўзларича ҳаёлига келтирган тахминий тасаввурлари билан чекланишлари, қаноатланишлари мумкин. Лекин, бундай аҳмоқона тахмин ва мулоҳазалар ҳеч кимнинг Парвардигор Кришнани англаб етишига ёрдам бермайди.

Ҳақиқатан ҳам Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрганлар учун

Парвардигор бу ерда гүё: "Мен - ягона Парвардигорман. Худонинг Олий Шахси - Менман" деб айтаётгандай бўляпти. Буни яхши тушуниш, англаб олиш керак. Англаб бўлмас Парвардигорни биз англай олмасак ҳам, Унинг мавжудлигини сеза олмасак ҳам, барибир ягона Парвардигор ҳақиқатан ҳам мавжуд. Унинг "Бҳагавад-Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" да ёзилган гапларини ўрганиш ёрдамида мукамал илм ва лаззатга тўла, ягона, мангу Парвардигорни, Худонинг Олий Шахси Кришнани ҳақиқатан ҳам таниш, англаб олиш мумкин. Худонинг қуйи қувватининг таъсири остида бўлган одамлар Худони "қандайдир қудратли куч", "англаб бўлмас қувват" сифатида англашга, яъни Парвардигорнинг Браҳман аспектини тушуниб олишга қодир бўладилар, лекин фақат юксак руҳий даражага эришган буюк зотларгина Парвардигорни Олий Шахс сифатида англай оладилар.

Аксарият одамлар Кришнанинг ҳақиқий табиатини англай олмагани сабабли, ана шундай файласуфларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиш мақсадида Парвардигор моддий оламга шахсан Ўзи ташриф буюради. Аммо, гарчи Парвардигор бу ерга келиб Ўзининг ғаройиб илохий кароматларини намойиш этса ҳам, моддий қувват таъсирида алданган бу файласуфлар Парвардигорнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишини "Худо" деб даъво қилишда давом этаверадилар. Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган содиқ хизматкоргина Худонинг марҳамати билан ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси - Шри Кришна эканини англай олади. Парвардигорни шахсиятсиз Браҳман кўринишида тасаввур қилиш Худонинг содиқ хизматкорларини умуман қизиктирмайди: калбидаги ишонч ва муҳаббат туйғуси уларни дарров ўз ихтиёрини Худога топширишга мажбур қилади, шунда Кришнанинг бесабаб марҳамати билан улар Парвардигорни тўлиқ англаб етишга қодир бўладилар. Бошқа бирор зот бунга қодир эмас. Шу боис ҳатто буюк донишмандлар ҳам: "Атма(рух) нима ўзи? Худо дегани ким?" - деган саволга фақат: "Бу - биз сифинишимиз лозим бўлган Зот" - деб айта оладилар, холос.

*3. йо мам аджам анадим ча ветти лока-махешварам  
асаммудхаҳ са мартйешу сарва-папаиҳ прамучийате*

***Одамлар орасида фақат Мен - барча оламларнинг туғилмаган ва бошланиши йўқ ягона Олий Хукмдори эканимни биладиган киши алданиш таъсирига берилмайдиган ва барча гуноҳлардан озод инсондир.***

Изоҳ: Еттинчи бобда айтилганидай(7.3), *манушийанам сахашрешу каишчид йатати сиддхайе*: руҳнинг табиатини англаб етишга уринаётган ҳар бир одам оддий инсон эмас; улар руҳий илмдан маҳрум бўлган миллионлаган оддий одамлардан анча устун турадилар. Лекин, ўзининг руҳий табиатини англашга жиддий интилаётган одамлар орасида Кришна - Олий Худо Шахси, бутун борлиқнинг туғилмаган,

хамиша барҳаёт Ҳукмдори эканини англаб етган киши энг юқори поғонага кўтарилган буюк инсон бўлади. Фақат ана шундай даражага эришган ва Кришнани Олий Ҳукмдор сифатида тўла англаб етган кишигина ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади.

Парвардигор бу ерда *аджа*, яъни "туғилмаган" деб аталган, лекин У иккинчи бобдаги *аджа* деб аталган оддий тирик мавжудотларга асло ўхшамайди. Моддий оламга боғланиб қолгани сабабли туғилиш ва ўлишга маҳкум этилган оддий тирик мавжудотлардан Кришна бутунлай фарқ қилади. Шартланган руҳлар хамиша танасини алмаштириб юрадилар, Парвардигорнинг руҳий танаси эса хамиша ўзгармай қолаверади. Ҳатто моддий оламга келганида ҳам У туғилмас Зот бўлиб қолаверади, шу боис тўртинчи бобда айтилганки, моддий оламда пайдо бўлганда Парвардигор ҳеч қачон куйи моддий қувват таъсири остига тушиб қолмайди, У ўзининг ички, олий қуввати доирасида қолаверади.

Бу ерда *ветти-лока-махешварам* деб аталган Кришна - бутун борликдаги барча сайёраларнинг Олий Ҳукмдори, ҳақиқий эгаси эканини ҳар бир инсон яхши билиб олиши лозим. У олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган ва ўзи яратган оламдан фарқ қилади. Барча фаришталар моддий оламда дунёга келган, аммо Кришна яратилган зотлар каторига кирмайди, дейилган. Шу сабабли Кришна ҳатто Брахма, Шива сингари буюк фаришталардан ҳам фарқ қилади. Кришна - Брахма, Шива ва бошқа фаришталарни яратган боланғич Зот бўлгани сабабли Уни барча сайёраларнинг Олий Ҳукмдори деб атайдилар.

Шундай қилиб Кришна - яратилган, мавжуд бўлган бутун борликдан фарқ қилади. Худони шундай таний олган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан шу заҳотиёқ покланади. Худони таниш, Уни англаб етиш - гуноҳ саналадиган ҳар қандай одатлардан пок бўлиш демакдир. "Бхагавад-Гита"да айтилганидай, Худони фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ.

Кришнани оддий инсон деб қабул қилмаслик керак. Аввал айтилганидек, фақат аҳмоқ, ғофил одамларгина шундай ўйлашлари мумкин. Ана шу фикр бошқачароқ қилиб бу ерда ҳам таъкидланаяпти. Ғофиллик иллатидан покланган, Худони англаб етишга ақли етадиган фаросатли киши гуноҳ ишлар қандай оқибатларга олиб келишини яхши билади ва улардан узоқроқ юради.

Содиқлар "Девакининг эркатой ўғли" - *Девакинандана* деб чақирадиган Кришна қандай қилиб туғилмаган бўлиши мумкин? Бу ҳолат "Шримад Бхагавадам"да тушунтирилган: Васудева ва Девакининг хонадонида пайдо бўлган Парвардигор оддий чақалоқдай бўлиб туғилмаган: У ота-онасининг олдида ўзининг азалий руҳий қиёфасида пайдо бўлган, кейин уларнинг илтимоси билан оддий чақалоқ қиёфасига кирган.

Кришнанинг кўрсатмаси билан бўладиган ҳар қандай иш руҳий табиатга эга бўлиб, ҳеч қандай яхши ёки ёмон оқибатларга олиб келмайди. "Яхши", "ёмон" деган тушунча ва тасаввурлар фақат моддий оламда мавжуд, улар

ўйлаб топилган нисбий сифатлардир, чунки аслида моддий оламда ҳеч қандай яхши нарсанинг ўзи йўқ. Бу дунёда ҳамма нарса ёмонликка, ноқулайликка олиб келади, чунки моддий табиатнинг ўзи ноқулай, яъни руҳ учун ғайритабiiй ҳолат ҳисобланади. Бизлар “яхши” деб ўйлаб юрган нарсалар фақат бизнинг ғофиллигимиз туфайли, мукамал бўлмаган тасаввуримиздагина яхши. Бу дунёда фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш руҳи билан тўлган, Қришна онги билан кўрсатиладиган фаолиятгина ҳақиқатан яхши, инсонга ҳақиқий саодат келтирадиган фаолиятдир. Шунинг учун, агар бу дунёдаги фаолиятимиз ўзимизга ҳақиқий бахт келтиришини истасак, ҳамиша Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Бундай кўрсатмаларни биз "Бҳагавад-Гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари ишонарли муқаддас китоблардан ёки ҳақиқий руҳий устоздан олишимиз мумкин. Руҳий устоз Парвардигорнинг ишончли вакили бўлгани сабабли, унинг бизга берган кўрсатмалари - Парвардигорнинг Ўзи берган кўрсатмалардан фарқ қилмайди. Руҳий устоз(гуру), табаррук авлиё зот(садху)лар ва муқаддас китоб(шастра)ларнинг барчаси инсонни ягона мақсадга йўллайдилар. Уларнинг кўрсатмалари бир-бирига зид бўлиши асло мумкин эмас. Уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш натижасида биз моддий оламдаги ҳар қандай фаолиятни ташкил этувчи гуноҳ ва савоб ишларнинг оқибатларидан халос бўламиз. Худонинг содиқ хизматкори ўзининг фаолиятига - ҳақиқий таркидунё қилган кишидай муносабатда бўлади, ҳаётда ана шундай онг билан яшашни *саннийаси* турмуш тарзи деб айтадилар. "Бҳагавад-Гита"нинг олтинчи боб, биринчи шеърида айтилганидай, агар инсон Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб, бу дунёда ўз бурчини холис бажариб, қилган ишларининг натижасига боғланиб қолмаса, у ҳақиқатан ҳам таркидунё қилган одам бўлади(*анаишритаҳ карма-пхалам*). Саннийаси ва йоглар - шунчаки бошқача кийим кийиб, ташки қиёфасини ўзгартириб олган одамлар эмас; ҳаётда ҳамиша Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган кишигина - ҳақиқий саннийаси, ҳақиқий йог ҳисобланади.

4-5. *буддхир джнанама асаммохаҳ кишама сатйам дамаҳ шамаҳ  
сукхам духкхам бхаво “бхаво бхайам чабхайам эва ча  
ахимса самата туштитис тапо данам йашио “йашаҳ  
бхаванти бхаво бхутанам матта эва притхаг-видхаҳ*

***Тафаккур, илм, шубҳа-гумонлардан озодлик, кўнгилчанлик, ростгўйлик, ақли ва ҳиссиётини жиловлай олиш қобилияти, бахт, мусибат, тугилиш ва ўлиш, кўрқув ва жасорат, беозорлик, шукроналик, мамнуният, риёзат, саховат, шон-шухрат ва шармандалик - тирик мавжудотлардаги мана шу сифатларининг ҳаммасини Мен яратганман.***

Изоҳ: Бу ерда кўрсатилган, тирик мавжудотлардаги яхши ва ёмон сифатлар-

нинг барчасини Кришна яратган.

Оламда мавжуд нарсаларнинг, воқеа-ходисаларнинг ҳақиқий табиатини тушуна олиш қобилияти "тафаккур" деб, руҳ билан модданинг асл табиатини тушуниш эса - "илм" деб аталади. Ҳозирги замонда одамларнинг ҳар хил олий ўқув юртларда ўрганиб юрган илми фақат моддий нарсалар билан чегараланган, шу сабабли бундай илм ҳақиқий илм бўлолмайди. Замонавий таълим-тарбия тизими одамларга руҳ ҳақида ҳеч қандай илм бермайди, фақат моддий унсурлар устида ҳар хил тажрибалар ўтказиб, ўқувчиларга ўзларининг жисмоний, яъни моддий тана эҳтиёжларини қондириш йўллари ўргатади, холос. Шу сабабли ҳозирги дунёвий моддий илм-фанни ҳақиқий илм деб бўлмайди.

*Асаммоха* ибораси ҳар хил гумон ва адашишлардан озод бўлиш деган маънони билдиради. Илоҳий, руҳий фалсафани тушуниб, унга тўла ишонч ҳосил қилган одам шундай ҳолатга эришади. Фаросатли одам руҳий юксалиш йўлидан бориб ҳаётда аста-секин алданиш ва адашишлардан покланиши мумкин. Бирор илми кўр-кўрона қабул қилмаслик, ҳар қандай маълумотни ҳам ҳар томонлама фикр юритиб таҳлил қилиб, маъносига тушуниб қабул қилиш керак. Инсон ўзида сабр қилиш, чидамли бўлиш, кечиримли бўлиш (*кишамма*) сифатини ривожлантириши лозим. Бошқаларнинг арзимас хато ишларига эътибор бермасликка, уларнинг ўзига кўрсатаётган салбий таъсирларга чидам билан сабр-тоқат қилишга ўрганиш керак. *Сатйам*, яъни ростгўйлик - бошқаларнинг манфаати учун ҳамиша ростгўй бўлишни билдиради. Ҳеч қачон ҳақиқатни бузиб кўрсатмаслик керак. Ҳозирги замонда бетаин, иймонсиз одамларнинг ахлоқ-одоб қондасида шундай нақл бор: "Ҳақиқатни ҳам ҳамсуҳбатингга ёқадиган бўлсагина айтиш керак!" Аммо, ростгўй одам ҳеч қачон ундай қилмайди. Одамлар ўзлари учун муҳим бўлган Ҳақиқат нималигини билиб олишлари учун уларга Ҳақиқат илмини очикдан-очик айтиш керак. Ростгўй одам бошқаларни огоҳлантириш учун тўғридан-тўғри: "Мана бу одам ўғри!" - деб айтади. Ҳеч иккиланмасдан одамларга аччиқ ҳақиқатни айтиш керак. Ростгўйлик - бошқаларнинг манфаати учун бор гапни қандай бўлса шундайлигича айтиш демакдир. Ростгўйликнинг маъноси, мазмуни шундан иборат.

"Ҳиссиётни жиловлаб олиш" деганда сезгилардан фақат лаззат олиш учун фойдаланмасликни тушуниш керак. Тананинг эҳтиёжларини зарур бўлган миқдорда қондириш ман қилинмайди, аммо ҳиссиётнинг ҳар қандай ортиқча, аслида кераксиз бўлган талабларини ҳам қондиравериш руҳий юксалиш йўлида катта ғов бўлади. Шу боис инсон ўз ҳиссиёти(сезгилари)дан заруратсиз фойдаланмасликни ўрганиши лозим. Худди шунингдек, ақлнинг ҳар хил бемаъни фикрларни ўйлайверишига ҳам йўл қўймаслик керак: мана шу қобилият - *шама* деб аталади. "Тирикчилик учун қандай қилиб пул топсам экан" деб, ҳар хил ўй-фикрлар устида бош қотириб, нодир инсон умрини бекорга хазон қилмаслик керак. Бундай ўйлар билан ақлимизнинг кучини, қувватини бекорга сарфлаган бўламиз. Ақлдан фақат инсоннинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш йўлида фойдаланиш, албатта ишонарли руҳий ус-

тознинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш керак. Муқаддас китобларни яхши биладиган авлиё одамлар ва рухий устозлар билан мунтазам равишда ҳамсухбат бўлиб юриб, инсон ўзининг фикрлаш қобилиятини ривожлантириши лозим. *Сужхам*: биз учун рухий илм ўрганиш, Кришна онги билан яшашга ёрдам берадиган нарсаларгина ҳақиқий бахт манбаи бўлиши керак. Ягона Парвардигор Кришна ҳақидаги илмимизни, чуқурлаштиришга, онгимизни юксалтиришга ҳалақит берадиган ҳар қандай амал ва нарсага “азоб ва мусибатлар манбаи” деб қарашимиз лозим. Худо Шахси Кришнани чуқурроқ англашга ёрдам берадиган ҳамма нарсани қабул қилишимиз ва бунга ҳалақит берадиган ҳамма нарсадан юз ўгиришимиз лозим.

*Бава*, яъни туғилиш - моддий тана билан боғлиқ бўлган иш. Рух эса, "Бҳагавад-Гита"нинг бошида айтилганидай, ҳеч қачон туғилмайди ва ҳеч қачон ўлмайди. Туғилиш ва ўлиш фақат моддий оламдаги шартланган рухларда бўладиган сифатлардир. Келажак ҳақида қайғуриш - қалбимизда пайдо бўладиган кўрқув туйғусининг манбаи ҳисобланади. Кришна онги билан яшаб юрган киши ҳеч нарсадан кўрқмайди, чунки унинг ҳозирги фаолияти унга рухий оламга, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини беради. Унинг келажаги порлоқ. Аммо, бошқа одамларнинг ҳаммаси келажакда ўзларини қандай келажак кутиб турганини, келгуси ҳаёти қандай бўлишини билмайдилар. Шу боис улар ҳамиша хавотирда яшайдилар; улар осойишталик, хотиржамлик, тинчлик нима эканини билмайдилар. Агар биз ҳаёт ташвишларидан бираўла қутулишни истасак, Кришнани англаб етишимиз, ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшашимиз лозим. Шунда биз ҳар қандай ташвиш ва хавотирлардан, келажак учун кўрқувлардан бутунлай озод бўламиз. "Шримад Бҳагаватам"(11.2.37)да шундай дейилган: *бхайам джитийабхивешатах сйат*. Алдамчи қувватга боғланиб қолиш - кўрқув туйғусининг манбаидир. Аммо, моддий қувват таъсиридан халос бўлган, моддий танасини ўзим деб ҳисобламайдиган, ўзи аслида Парвардигорнинг рухий заррачаси эканини англаб етган ва ҳаёт ҳақида шундай тасаввур билан Худога илоҳий хизмат қилиб юрган киши учун ҳеч қандай кўрқув, хавотир, ташвиш қолмайди. Ундай одамларни порлоқ келажак кутяпти. Шундай қилиб, кўрқув - Кришна онгидан маҳрум бўлган ғофил кишилар онгида бўладиган бемаъни, асоссиз туйғу. Ҳаётда жасорат, хотиржамлик, *абхайам* фақат Кришна онгига эга бўлган кишиларда бўлади.

*Ахимса*, яъни беозорлик - бошқаларга озор ва ташвиш келтиришни бас қилишни билдиради. Кўпчилик сиёсатчилар, жамоат арбоблари ва бошқаларнинг ваъда қилаётган моддий тараққиёти ҳеч кимга, ҳеч қачон ҳақиқий бахт-саодат келтирмайди, чунки аслида бу сиёсатчи ва жамият пешволари ҳаётга ҳақиқий илм нуқтаи-назаридан, яъни илоҳий назар билан қарашга қодир эмаслар, яъни улар Ҳақиқатни кўра олмайдилар; жамият учун, одамлар учун ҳақиқий бахт нима эканини уларнинг ўзлари ҳам билмайдилар. *Ахимса* дегани шуни билдирадики, одамлар инсон танаси берадиган имкониятдан тўлиқ фойдалана олиш имконини берадиган даражада яшашга интилишлари лозим. Ҳаёт инсонга фақат рухий ўзлигини англаш учун берилади,

ана шу олий мақсадга эришишга ёрдам бермайдиган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партия одамларга фақат зиён етказиб, уларга зулм қилаётган бўлади. Аксинча, инсоннинг руҳий ўзлигини танишга, руҳий илм ўрганиб, илоҳий бахтга эришишда ёрдам берадиган ҳар қандай ишлар *ахим-са* тоифасига киради.

*Самата* - хотиржамлик, мамнуният - ҳар хил боғланиш ва нафратланишдан озод бўлишни билдиради. Қаттиқ боғланиш ҳам, қаттиқ нафратланиш ҳам инсон учун бирдай ёмон хусусият. Моддий олам қалбимизда ҳеч қандай боғланиш ҳам, нафратланиш ҳам уйғотмаслиги керак. Кришна онгида фаолият кўрсатишга ёрдам берадиган нарсаларни қабул қилиш, ўзлигимизни, Кришнани англашга ҳалакит берадиган нарсаларни рад этиш лозим. Бу дунёда ҳаётга ана шундай муносабатда бўлиш “хотиржамлик” деб аталади. Кришна онги билан яшаб юрган кишига: “нимани қабул қилсам, нимани тарк этсам экан?” - деб бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Содик учун бирор нарса ёки ишни танлашда ягона мезон унинг Кришна учун хизмат қилишда фойдаси бор ёки йўқлигидир.

*Туити* - шукроналик, қаноат - янгидан-янги моддий нарсаларга эга бўлиш ниятида куч ва маблағ сарфлашга интилмасликни билдиради. Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб бериб қўйган нарсаларига шукроналик билан қаноат қилиб яшашга ўрганиш лозим, мана шу "қаноат" деб аталади. *Танас* - риёзат ва тавба-тазарру деган маънони билдиради. Бу тоифага жуда кўп ведавий қонун ва кўрсатмалар киради. Масалан, ҳар бир маданиятли одам эрта туриб, бутун танасини сув билан ювиб покланиши лозим. Баъзи бировлар учун эрта туриш жуда оғир иш. Руҳий юксалиш мақсадида инсоннинг ўз хоҳиши билан ўзи учун ҳар хил чеклашлар, қоидалар қабул қилиши - риёзат деб аталади. Бундан ташқари Ведаларда оининг маълум кунларида оч юриб рўза тутиш тавсия қилинган. Ҳатто одам оч юришни ёқтирмаса ҳам Кришнани англаш илмини эгаллашга самимий интилаётганини амалда исботлаши учун у муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, белгиланган кунларда рўза тутиб, риёзат чекиши лозим. Лекин, ҳеч қандай эҳтиёжсиз, ведавий кўрсатмаларга зид равишда оч юриш ман қилинади. Қандайдир сиёсий мақсадлар билан қилинадиган риёзат(очлик, голодовка)ларда иштирок этиш мутлақо бемаънилик ҳисобланади. "Бхагавад-Гита" таълимотига кўра, бундай риёзатлар ғафлат ёки эҳтирос гунасидаги риёзатларга киради ва руҳий юксалиш йўлида фақат тўсиқ бўлади. Руҳий жиҳатдан ривожланиш учун фақат эзгулик гунасида ҳаракат қилиш лозим, шу боис Ведаларда кўрсатилган маълум кунларда оч юриб, рўза тутиш инсонга руҳий илми чуқурроқ эгаллашга ёрдам беради.

Хайр-саҳоватга келсак, инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан топаётган даромадининг ярмисини эзгу, хайрли ишларга сарфлаши керак. Қандай ишлар ана шундай эзгу ишлар ҳисобланади? Инсонга руҳий ўзлигини, Худони англашда ёрдам берадиган ишлар эзгу ишлар ҳисобланади. Бундай ишлар шунчаки эзгу ишлар бўлиб қолмасдан, энг олий даражадаги хайрли, савоб ишлардир. Парвардигорнинг Ўзи ҳаммага бахт-саодат ато этувчи Зот

бўлгани учун, Унинг яратиб қўйган қонунлари бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳам барчага албатта бахт-саодат келтиради. Шу боис ҳар қандай садақа, эҳсонни Худони англаш йўлида юрган, Худонинг содиқ хизматкорларига бериш керак. Ведавий қонунларга кўра хайр-садақа фақат браҳманларга берилиши лозим. Гарчи бошқа қонунларга амал қилинмаса ҳам, Ҳиндистонда ҳалигача шу қонунга ҳамма бирдай амал қиладилар. Нимага муқаддас китобларда хайр-эҳсон фақат браҳманларга берилиши лозим деб кўрсатилган? Чунки браҳманлар бутун ҳаётини олий руҳий илм ўрганишга бағишлаган инсонлардир. Браҳман ўз умрини Парвардигорни, Браҳманни англашга бағишлаб яшаши лозим. *Браҳма джанатити Браҳманаҳ*: Браҳманни англаб етган кишини “браҳман” деб атайдилар. Шундай қилиб, хайр-садақани браҳманларга бериш керак, чунки ҳамиша руҳий фаолият билан машғул бўлгани сабабли, тирикчилик учун меҳнат қилишга уларнинг вақти бўлмайди. Ведаларда хайр-эҳсонларни саннийасиларга бериш ҳам кўрсатилган. Саннийасилар садақа йиғиш учун эмас, аксинча одамларга Худонинг илмини, руҳий илмни ўргатиш учун эшикма-эшик юрадилар. Улар оилани одамларни ғафлат уйқусидан уйғотиш мақсадида шундай қиладилар. Оила ташвишлари билан машғул бўлиб, уй эгалари инсон ҳаётининг асосий мақсади - руҳий ўзлигини, Худони англаш эканини унутиб қўядилар. Шу боис садақа сўраш баҳонасида *саннийаси*(қаландар-зоҳид)лар уларга Худони англаш йўлини кўрсатадилар. Ведаларда таъкидланганидек, инсон ғафлат уйқусидан уйғониши, унга нима мақсадда бу дунёга инсон танасида келишга имкон берилган бўлса, ҳамиша шу мақсадга интилиб яшаши лозим. Саннийасилар ғофил одамларга руҳий илм ўргатадилар ва уларни ўзликни англаш йўлига олиб чиқадилар, шу сабабли садақа ва эҳсонларни дуч келган одамга беравермасдан, энг аввало *саннийаси* ва браҳманларга бериш ёки одамларга руҳий илм ўргатиш имконини берадиган қандайдир бошқа ишларга сарфлаш керак.

*Йашас*, яъни шон-шухрат ҳақида Шри Чаитанья Махапрабху айтган эдики, инсон Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб етишганда у ҳақиқий шон-шухратга эришади. Мана шу ҳақиқий шон-шухрат ҳисобланади. Худони англашда эришган ютуқлари билан шухрат қозонган киши ҳақиқий шон-шухратга эришган инсон ҳисобланади, бошқа ҳар қандай шон-шухратлар, муваффақиятлар сохта ва ўткнчидир.

Бундай сифатларни бутун жаҳон бўйлаб одамлар орасида ҳам, фаришталар орасида ҳам учратиш мумкин. Коинотнинг турли сайёраларида юқорида санаб ўтилган сифатларга эга бўлган ҳар хил тоифадаги одамлар яшайди. Ана шу сифатларнинг ҳаммасини Кришна яратиб қўйган, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилаётган киши албатта бундай фазилатларни ўзида ривожлантириши лозим. Худонинг марҳамати билан, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган одамда мана шу эзгу фазилатлар ўзидан-ўзи табиий равишда ривожлана боради.

Бутун борликда мавжуд бўлган барча яхши ва ёмон нарсаларнинг манбаи - Кришна. Кришнада намоён бўлмаган бирор нарса мавжуд эмас.



Ҳақиқий илмнинг мазмуни шундан иборат: бу оламнинг сифатлари қанчалик ривожланмасин, уларнинг барчаси Қришнадан чиқади.

*6. махаршайаҳ сапта пурве чатваро манава с татха  
мад-бхава манаса джата ешам лока имаҳ праджаҳ*

***Етти буюк донишманд, улардан аввалги яна тўрт донишманд, шунингдек, Ману(инсониятнинг бобокалони) ақлимда пайдо бўлиб, Мендан дунёга келганлар. Турли сайёраларда яшаётган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси улардан тарқалган.***

Изоҳ: Парвардигор бу ерда коинотда яшаётган тирик мавжудотларнинг келиб чиқиш жараёнини қисқача таърифлаб ўтган. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма, Парвардигорнинг *Хиранйагарбха* деб аталадиган қувватидан пайдо бўлган. Ўз навбатида Браҳма етти донишмандни, улардан аввал эса, тўрт донишманд - Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумарни ва ўн тўрт Мануни яратган. Мана шу йигирма беш буюк донишманд коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг бобокалони ҳисобланади. Оламда сон-саноксиз коинотлар мавжуд, уларнинг ҳар бирида сон-саноксиз сайёралар бор ва сайёраларнинг ҳар бирида турли-туман тирик мавжудотлар яшайди. Шу тирик мавжудотларнинг барчаси ана шу йигирма беш буюк донишмандлардан бошланиб, кейинчалик бугун коинот бўйлаб тарқалиб кетган. Оламни қандай яратишни тушуниб олиш мақсадида Тангри Браҳма, Қришнанинг марҳамати билан, фаришталар ҳисоби бўйича минг йил давомида қаттиқ риёзатга берилди. Шундан кейин Браҳма тўрт донишманд - Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумарни яратди, кейин Рудрани, ундан кейин етти буюк донишмандни дунёга келтирди. Шу тарзда Парвардигорнинг қувватидан пайдо бўлган барча браҳман ва кшатрийлар дунёга келдилар. Тангри Браҳмани - *Питамаха*, “бобо” деб атайдилар, Қришнани эса - *Прапитамаха*, “бобонинг отаси”, “бобокалон” деб айтадилар. “Бхагавад-Гита”нинг ўн биринчи бобида шу ҳақда гап боради (39).

*7. этам вибхутим йогам ча мама йо ветти таттватах  
со “викалпена йогена йуджйате натра самишайаҳ*

***Менинг улғуворлигимни ва сеҳр қудратимни ҳақиқатан англаб етган киши ўзини бутунлай Менга соф садоқат билан хизмат қилишига бағишлайди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ ва бўлиши мумкин эмас.***

Изоҳ: Рухий баркамолликнинг олий даражасига эришиш - Худонинг Олий Шахсини англаб етиш демакдир. Токи инсон Парвардигор чексиз руҳий ва моддий бойликлар эгаси эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилмас экан, у Худого

садоқат билан хизмат қила олмайди. Одатда одамлар "Худо, Парвардигор - буюк Зот" - деб айтадилар, аммо Унинг қай даражада буюклигини билмайдилар, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Бу ерда келтирилган шеърлардан Парвардигорнинг буюклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Парвардигорнинг улуғворлигини ҳақиқатан ҳам англаб етган киши шу заҳотиёк ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширади ва бутун умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Парвардигорнинг улуғворлиги аён бўлган киши ўз ихтиёрини Унга топширишдан бошқа иложи қолмайди. "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-Гита" сингари ишонарли муқаддас китобларни ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлигида ўрганиш орқали мана шу сирли илоҳий илмга эга бўлиш мумкин.

Коинотдаги ҳар хил сайёраларда моддий оламни бошқариб турадиган жуда кўп фаришталар бор. Уларнинг асосийлари Брахма, Шива, тўрт буюк Кумарлар ва ҳоказо. Коинотдаги тирик мавжудотларнинг авлод-аждодлари кўп, аммо уларнинг барчаси Парвардигор Кришнадан бошланган. Худонинг Олий Шахси Кришна барча аждодларнинг бошланғич бобокалонидир.

Парвардигорнинг баъзи фазилатлари, бойликлари шулардан иборат. Парвардигорнинг ана шу сифатларига қатъий ишонган киши Кришнага чуқур иймон билан ишонади, ҳамда ҳар қандай шубҳа-ю гумонлардан халос бўлиб, умрини садоқат билан Кришнага хизмат қилишга бағишлайди. Илоҳий илмларнинг барчаси инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб этиш учун яратилган. Биз Кришнанинг буюклиги ҳақидаги илмни инкор этмаслигимиз лозим. Чунки, Худонинг қай даражада буюк эканини англаб олсаккина қатъий ишонч билан умримизни Унга садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлай оламиз.

*8. ахам сарвасйя прабхаво маттах сарвам правартате  
ити матва бхаджанте мам будха бхава-саманвитах*

***Барча руҳий ва моддий оламлар манбаи - Менман. Бутун мавжудот Мендан тарқалган. Мана шу ҳақиқатни англаб етган донишмандлар бутун қалби билан Менга сизиниб, хизмат қиладилар.***

Изоҳ: Ведаларни, яъни барча муқаддас китобларни мукаммал ўрганган ва Чаитанья Махапрабху сингари ишонарли руҳий устозлардан таълим олиб, ҳаётда шу илм асосида яшаётган билимдон киши Кришна - моддий ва руҳий оламлардаги барча мавжудотларнинг манбаи эканини англашга қодир бўлади. Шуни тўлиқ англаб, у Худога бетиним, беминнат хизмат қила бошлайди. Ҳар хил нодон, калтафаҳм одамлар ва уларнинг муқаддас китобларга ёзган изоҳлари чуқур иймон-этикодга эга бўлган шундай одамни ҳеч қачон бу йўлдан адашиб кетишга мажбур қила олмайди. Барча Ведавий битиклар, шастралар бир овоздан Кришнани Брахма, Шива ва бошқа фаришталарнинг манбаи деб тан оладилар. "Атхарва-веда"да ("Гопала-тапана-упанишад" 1.24)

шундай дейилган: *йо Браҳманам видадхати пурвам йо ваи ведамси ча гапай-ати сма кришнах* - "Олам яралишининг бошида Кришнанинг Ўзи Браҳмага Ведалар илмини берган ва бу илмни аввал Унинг Ўзи таркатган". "Нараяна-упанишад"(1)да шундай дейилади: *атха пурушо ха ваи нарайано "камайата праджаҳ срджсейети* - "Шунда, Парвардигор Нарайана тирик мавжудотларни яратишга қарор қилди". Бу манбада яна шундай сўзлар бор: *нарайанад Браҳма джайате, нарайанад праджапатих праджайате, нарайанад индро джайате, нарайанад аштау васаво джайанте, нарайанад экадаша рудра джайанте, нарайанад двадашадитйах* - "Нарайанадан Браҳма ва инсониятнинг барча бобокалонлари туғилди. Нарайанадан Индра дунёга келди, Ундан саккиз Васу, ўн бир Рудра ва ўн икки Адитйалар дунёга келдилар". Нарайананинг Ўзи эса - Парвардигор Кришнанинг намоён бўлган қиёфасидир.

Ведаларда айтилганки, *Браҳманйо देваки-путраҳ* - "Девакининг ўғли, Кришна - Худонинг Олий Шахси"(Нарайана-упанишад, 4). Шу манбада яна айтилганки: *эко ваи нарайана асин на Браҳма на ишано напо нагни-самау неме дйав-апритхиви на накшатрани на сурйах* - "Яратишдан аввал фақат Олий Шахс, Нарайана мавжуд эди. Шунда Браҳма ҳам, Шива ҳам, олов ҳам, ой ҳам, осмондаги юлдузлар ҳам, қуёш ҳам йўқ эди"(Маха-упанишад,1). "Маха-упанишад"да, "Тангри Шива Парвардигорнинг пешонасидан дунёга келди" деб айтилган. Шундай қилиб, Ведаларнинг тасдиқлашига кўра, Браҳма ва Шивани яратган Худонинг Олий Шахси, Кришна- сиғинишга лойиқ бўлган ягона Зот, ягона Парвардигордир.

"Мокша-Дҳарма"да Кришна шундай дейди:

*праджапатим ча рудрам чапи ахам эва сриджами ваи тау хи мам на виджанито мама майа-вимохитау*

"Гарчи Менинг алдамчи қувватим таъсирида адашиб юргани сабабли ўзлари буни билмасалар ҳам буюк бобокалонларни, Шива ва бошқаларни Мен Ўзим яратганман".

"Вараха-пурана"да шундай дейилган:

*нарайанах паро девас тасмаддж джатаиш чатурмукахх тасмад рудро "бхавад девах са ча сарва-джднатам гатах*

"Нарайана - Худонинг Олий Шахсидир. У Браҳмани яратди, ундан эса - Шива туғилди".

Кришна бутун борлиқнинг манбаи, Уни олам яралишининг энг фаол сабабчиси деб атайдилар. "Ҳамма нарса Мендан яралгани учун - дейди Кришна - Мен бутун борлиқнинг бошланғич манбаиман. Бутун борлиқ Менга бўйсунган. Бутун оламда Мендан буюкқоқ зот йўқ". Олий Ҳукмдор фақат битта - Кришна. Ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб, ведавий муқаддас китобларга таяниб, Кришнани ана шундай англаб етган киши бутун куч-қувватини ҳаётда фақат Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшашга

ишлатади ва ҳақиқий донишманд бўлиб етишади. Ҳали Кришнани англаб етмаган бошқа одамларнинг барчаси - шунчаки ғофил, калтафаҳм одамлардир. Фақат калтафаҳм, нодон одамлар Кришнани оддий инсон деб ҳисоблаши мумкин. Кришна онгига эга бўлган киши ҳар хил нодон ва ғофил одамлар орасида яшар экан, уларнинг таъсиридан алданиб, тўғри йўлдан адашиб Худодан узоқлашиб кетмаслиги керак: у "Бҳагавад-Гита"нинг ҳар хил нотўғри талқинларидан четда юриб, Кришнани англаш йўлидан адашмай боришда давом этиши керак.

*9. мач-читта мад-гата-прана бодхайантаҳ параспарам  
катхайанташ ча мам нитйам тушйанти ча раманти ча*

***Менинг асл содиқларимнинг фикру-хаёли ҳамиша Мен билан банд, улар бутун ҳаётини Менга бағишлаганлар. Ҳамиша бир-бирига илм ўргатишдан, улар Мен ҳақимда ўзаро суҳбатлашишдан чексиз лаззат ва ором олиб яшайдилар.***

Изоҳ: Бу ерда таърифланганидай, Худонинг соф содиқлари бутун вужуди билан Худога хизмат қилиб яшайдилар. Уларнинг ақли ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам, улар фақат руҳий мавзуларда суҳбатлашадилар. Бу ерда соф содиқларга хос бўлган фазилатлар келтирилган. Шундай содиқлар куну-тун Парвардигорнинг сифатларини, кароматларини олқишлайдилар. Уларнинг юраги ва қалби ҳамиша Кришнага ғарқ бўлган, бошқа содиқлар билан Кришна ҳақида суҳбатлашиб, улар чексиз руҳий лаззатдан роҳатланиб яшайдилар.

Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятининг бошланғич даврида Худога хизмат қилишнинг ўзиёқ улар учун илоҳий лаззат манбаи бўлади, руҳий баркамолликка эришганда эса, уларнинг қалбида Кришнага нисбатан чуқур илоҳий муҳаббат туйғуси қарор топади. Ана шундай илоҳий поғонага кўтарилиб, улар Худонинг даргоҳидаги олий руҳий лаззатдан баҳраманд бўла бошлайдилар. Чaitанйа Махапрабху Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини тирик мавжудотнинг қалбига ташланган муҳаббат уруғига ўхшатади. Бутун коинот бўйлаб бир сайёрадан бошқа сайёрага ўтиб, сонсаноксиз тирик мавжудотлар сарсон бўлиб, мусибат чекиб юрибдилар, улар орасида камдан-кам одам ҳаёт йўлида Худога садоқат билан хизмат қилиш сирларини ошкор этишга кодир бўлган Худонинг содиқ хизматкорини учратиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш инсоннинг қалбига ташланадиган уруғликка ўхшайди. Агар ҳаётида шундай нодир бахтга дуч келган киши ҳамиша мана шу буюк мантра - илоҳий товушлардан иборат бўлган маха-мантрани зикр қилиб, уни диққат билан тинглаб юрса, худди сув қуйиб турганда униб чиқадиган дарахт уруғи сингари, унинг қалбидаги Худога муҳаббат ниҳолининг уруғи ҳам аста-секин ривожлана бошлайди:

*Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,*

### *Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.*

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг руҳий табиатга эга бўлган нав-ниҳоли аста-секин ўсиб, улғая боради ва моддий оламнинг барча қобиклари орқали ўтиб, руҳий осмондаги Брахмадживотига эришади. Ўсиб-ривожланишда давом этавериб, Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахти руҳий оламнинг энг буюк сайёраси - Голока Вриндаванага, Кришнанинг олий даргоҳига бориб етади. Голока Вриндаванада у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топади ва Унга боғланиб, шу ерда мангу қолиб кетади. Худди оддий дарахт ниҳоли сингари, агар содиқ уни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш(*киртанам*) ва тинглаш(*шраванам*) суви билан мунтазам суғориб турса, Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли албатта ўсиб-улғайиб, гуллаб мева бера бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахтининг тўлиқ таърифи "Чайтанья-Чаритамрита"(Мадхья-лила,19) асарида келтирилган. У ерда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топганида содиқнинг қалби Худога муҳаббат туйғуси билан лиммо-лим тўлади, шунда, худди сувсиз яшай олмайдиган балиқ сингари, содиқ хизматкор ҳаётда Кришнасиб бир лаҳза ҳам яшай олмайди. Ана шундай ҳолатда Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна билан бевосита учрашган содиқ барча илоҳий фазилатларга эга бўлади.

"Шримад Бҳагаватам"да Худонинг Олий Шахси билан Унинг соф содиқлари орасидаги яқин муносабатлар ҳақида жуда кўп ҳикоялар келтирилган, шунинг учун "Шримад Бҳагаватам" содиқлар учун жуда азиз муқаддас китоб ҳисобланади. "Шримад Бҳагаватам"(12.13.18)нинг ўзида айтилганидай, *шримад-бҳагаватам пуранам амалам йад вашинаванам приям*. Бу асарда моддий фаолият, иқтисодий раванқ, ҳиссий лаззатлар ёки руҳий озодликка эришиш ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

"Шримад Бҳагаватам" Худонинг Олий Шахси ва Унинг содиқларининг илоҳий табиати батафсил таърифлаб берилган ягона муқаддас асардир. Шунинг учун худди ёш йигит билан қиз ўзаро суҳбатлашишдан лаззат олгани сингари, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳам ана шу илоҳий ҳикояларни тинглашдан чексиз руҳий лаззат олади.

### *10. тешам сатата-йуктанам бҳаджатам прити-пурвакам дадами буддхи-йогоам там йена мам упайаннти те*

***Менга ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқларимга Мен уларнинг Менинг даргоҳимга эришишига ёрдам берадиган чуқур тафаккур ато этаман.***

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *буддхи-йогоам* ибораси муҳим аҳамиятга эга. "Бҳагавад-Гита"нинг иккинчи бобида Парвардигор Аржунга насиҳат бера туриб, унга кўп нарса айтган ва сенга *буддхи-йогоа* ҳақида гапириб бераман,

деб ваъда берган эди. Ҳозир У ана шу ваъдасининг устидан чиқяпти. *Буддхи-йога* - Кришна онги билан кўрсатиладиган фаолият бўлиб, тафаккурнинг энг олий даражада намоён бўлишидир. *Буддхи* ибораси "тафаккур" деган маънони, "*йога*" эса - руҳий юксалиш йўлини билдиради. Инсон ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга интилаётганида, Худога садоқат билан хизмат қилиб, бутунлай Кришна онгига ғарқ бўлиб юрганида унинг фаолияти *буддхи-йога* деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, *буддхи-йога* - руҳни моддий олам тутқунлигидан озодликка олиб чиқадиган йўлдир. Руҳий юксалишнинг энг олий мақсади - Кришна, Худонинг Олий Шахси, лекин, одамлар бунга билмайдилар, шу боис улар учун Худонинг содиқ хизматкори билан ҳамсухбат бўлиб, ўзларига ҳақиқий руҳий устоз топиш ҳаётда энг муҳим иш ҳисобланади. Ҳар бир инсон ҳаётнинг энг олий мақсади - Кришна, Парвардигор эканини билиб олиши керак. Агар инсон ҳаётда ўз олдига ҳеч қачон ўзгармайдиган, мана шу аниқ мақсадни қатъий қарор билан кўя олган бўлса, унга эришиш йўлида аста-секин бўлса ҳам, қатъий ишонч ва шижоат билан олға бораверади.

Агар инсон ҳаётда ўзининг олий мақсади нима эканини билса-ю, лекин қилаётган меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган бўлса, унинг фаолияти *карма-йога* деб аталади. Агар у инсон бўлиб яшашдан олий мақсад - Кришна эканини билса, аммо уни Кришнага эришиш ҳақидаги фалсафий фикрлашлар кўпроқ қизиқтирадиган бўлса, у *гйана-йога* билан шуғулланиб юрган бўлади. Агар инсон ҳаётда яшашдан олий мақсадини билса, шу мақсадга Кришнани англаш жараёни, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали интилиб юрган бўлса, у *бҳакти-йога* яъни, йоганинг мукамал тизими бўлган, руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш имконини берадиган *буддхи-йога* йўлида юрган бўлади.

Агар инсон ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олган ва бирор руҳий ташкилотга аъзо бўлган бўлса-ю, лекин, шунга қарамай руҳий баркамолликка эришишга ақли етишмаса, Кришна унинг қалбида туриб унга Худога эришиш учун етарли даражада ақл-идрок ато этади. Шу боис, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилиш ҳамда имкони борича, ҳар хил йўллар билан Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишда давом этавериш керак. Агар Худонинг содиқ хизматкори руҳий юксалиш йўлидан бориш учун етарли тафаккурга эга бўлмаса, лекин, самимий равишда ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган бўлса, Парвардигорнинг Ўзи унинг руҳий баркамолликка эришишига ва охир-оқибатда Худонинг мангу даргоҳига қайтиб боришига ёрдам беради.

11. *тешиам эванукампартам ахам аджнана-джем тамах  
нашайамй атма-бхава-стхо гйана-дипена бхасвата*

***Уларга алоҳида марҳамат кўрсатиш учун Мен уларнинг юрагида туриб, ундаги зофиллик зулматини илоҳий илм нури билан ёри-***

## *таман.*

Изоҳ: Чаитанйя Махапрабху Банорас шахрининг кўчаларида Ҳаре Кришна мантрасини куйлаб юрарди: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Шунда Уни тинглашга минглаган одамлар тўпланарди. Ўша вақтларда Банорасда яшайдиган Пракашананда Сарасвати деган жуда машхур ва обрўли билимдон донишманд Чаитанйя Махапрабхуни ғофилликда, ақидапарастликда айблаб масхара қила бошлади. Баъзан файласуфлар содикларни ғофилликда ва ақидапарастликда айблаб танқид қиладилар. Лекин, аслида бундай эмас. Бҳакти фалсафасини баён этган зотлар ичида буюк файласуфлар ҳам бор. Оддий вайшнав-содиқ ана шу файласуфларнинг ёзган асарларини ўқимаса, ҳатто руҳий устозидан ҳам ёрдам сўрамаса, лекин Худога садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган бўлса, унинг қалбида мавжуд бўлган Кришнанинг Ўзи унинг илм олишига ёрдам беради. Шу боис, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган самимий содиқ ҳеч қачон ғофиллик зулматида қолиб кетмайди. Ғофиллик ботқоғидан бутунлай халос бўлиш учун кундалик турмушда Кришна онги билан ҳаракат қилиб, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юришнинг ўзи кифоя.

Парвардигор Аржунга айтяптики, Олий Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини фалсафий изланишлар ёрдамида тўлиқ англаб бўлмайди, чунки Олий Ҳақиқат шу қадар буюк ва чексизки, Уни ақлга сиғдириб ёки фикрлаш ёрдамида англаб бўлмайди. Инсон миллион йиллар давомида фалсафий изланишлар билан машғул бўлиши мумкин, аммо, унинг қалбида Олий Ҳақиқатга нисбатан муҳаббат, садоқат бўлмаса, у ҳеч қачон Худо Шахсини, Кришнани англай олмайди. Содиқ хизматкор ўзининг муҳаббат ва садоқат тўла хизмати билан Худони мамнун қила олганида, Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида соф содиқнинг пок қалбида Ўзини намоён этади. Соф содиқ ҳамиша Кришнани ўзининг қалбида олиб юради, ҳамиша куёшдай порлаб турадиган Кришна унинг қалбида бўлгани учун, ундаги ғофиллик зулмати ўздан-ўзи ғойиб бўлади. Мана шу - Ўзининг соф содиқ хизматкорига Парвардигор Кришнанинг кўрсатган алоҳида марҳаматидир.

Моддий оламда юрганимиз сабабли, миллионлаган умрлардан бери тўпланиб келаётган моддийлик иллатлари қалин парда бўлиб қалбимизни қоплаб олган, аммо, агар ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб Худога садоқат билан хизмат қила бошласак, қалбимиз тез орада барча иллатлардан покланади, шунда биз соф руҳий илмга эга бўламиз. Фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида олий максадга - Вишнуга, Парвардигор Кришнага эришиш мумкин. Бунга фалсафий фикр юритишлар ёки баҳс-мунозаралар билан эришишнинг иложи йўқ. Худонинг содиқ хизматкори тирикчилиги учун зарур бўлган эҳтиёжлари ҳақида ўйлаб, ташвишга тушиб юришининг умуман ҳожати йўқ. Чунки, қалби ғафлатдан бутунлай покланганида, унинг қилаётган хизматидан мамнун бўлган Парвардигор унинг тирикчилиги учун зарур бўлган барча

нарсалар билан уни Ўзи таъминлаб туради. "Бхагавад-Гита" таълимотининг мазмун-моҳияти шундан иборат. "Бхагавад-Гита"ни ўрганиб, инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши, умрини Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши мумкин. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига тўла ғамхўрлик қила бошлаганида, содиқ барча моддий истакорзулардан бутунлай халос бўлади.

12-13. *аржуна увача*

*парам Браҳма парам дхама павитрам парамам бхаван  
пурушам шашватам дивьйам ади-девам аджам вибхум  
ахус твам ришайах сарве деваршир нарадас татха  
асито девало вйасах свайам чаива бравиши ме*

**Аржун деди: Сен - Худонинг Олий Шахси, олий даргоҳ, энг пок Зот ва Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен - мангу, илоҳий, тугилмаган ва энг буюк бошлангич Шахссан. Нарада, Асита, Девала ва Вйаса сингари барча буюк донишмандлар бу ҳақиқатни тасдиқлайдилар, энди Ўзинг ҳам менга шуни айтяпсан.**

Изоҳ: Бу икки шеърда Аржун файласуф-майавадиларга Парвардигор алоҳида рухлардан фарқ қилишини тушуниш имкониятини берган. "Бхагавад-Гита"нинг мазмунини тушунтирадиган тўрт шеърни тинглаб, Аржун барча гумонларидан халос бўлиб, Кришна - Худонинг Олий Шахси эканлигини тан олди. У дарҳол, ҳеч иккиланмай шундай деди: "Сен - *парам браҳма*, Худонинг Олий Шахсисан". Аввал Кришна унга бутун борликнинг манбаи - Ўзи эканини айтган эди. Ҳар бир фаришта, ҳар бир одам Худонинг, Кришнанинг ҳукми остида. Фақат ғофиллиги туфайли фаришталар ва одамлар ўзларини мустақил деб ўйлайдилар. Ана шу ғофиллик зулматини фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ёритиш мумкин. Бу ҳақда аввалги шеърда Парвардигорнинг Ўзи айтган эди. Энди, Унинг марҳамати билан Аржун Уни Олий Мутлақ Ҳақиқат деб тан оляпти, бу Ведаларнинг, барча муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мос келади. Кришна Аржуннинг дўсти бўлгани учун у Кришнани мақтаб, шундай деб айтяпти, деб ўйламаслик керак. Мазкур икки шеърда Аржун айтаётган гапларнинг барчаси Ведаларда тўла тасдиқланади. Ведаларнинг тасдиқлашига кўра, Парвардигорни фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб олиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Аржуннинг бу ерда айтган ҳар бир гапи Ведаларда тасдиқланган.

"Кена-упанишад"да айтилганки, Олий Браҳман - бутун борликнинг таъянчи; Кришна ҳам бутун борлик Унинг Ўзида мужассамлигини айтган эди. "Мундака-упанишад"да айтилганки, Парвардигорни фақат ҳамшиша Уни ўйлаб юрган киши англай олади. Мунтазам равишда Кришна ҳақида ўйлаб юриш - *смаранам* деб аталади ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз туридан бири ҳисобланади. Фақат Худога садоқат билан хизмат



килиш шарофати билангина инсон ўзининг ҳақиқий руҳий табиатини англаб етиши ва моддий тана тутқунлигидан халос бўлиши мумкин.

Ведаларда Парвардигор - пок зотлар ичида энг пок Зот, деб аталган. Шу ҳақиқатни англаб етган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Худога ўз ихтиёрини топширмай туриб, гуноҳлар иллатидан бутунлай покланишнинг иложи йўқ. Аржуннинг - "Кришна - пок зотлар ичида энг пок" - деган гапи Ведаларда ҳам, Нарада бошлиқ буюқ донишмандларнинг фикрларида ҳам тасдиқланади.

Кришна - Худонинг Олий Шахси, шу боис биз ҳамиша У ҳақда ўйлаб юришимиз лозим. Шу тарзда биз Худо Шахси, Парвардигор билан бўладиган руҳий муносабат лаззатидан баҳраманд бўламиз. Кришна бутун борлиқнинг энг Олий Тимсолидир. У моддий тана эҳтиёжларидан бутунлай пок, туғилишу-ўлишлар унга умуман таъсир қилмайди. Буни нафақат Аржун, балки барча ведавий муқаддас китоблар ҳам тасдиқлайди. Шастраларнинг ҳаммаси Кришнани худди шундай таърифлайдилар, "Бҳагавад-Гита"нинг тўртинчи бобида Худо Шахсининг Ўзи шундай дейди: "Гарчи Мен туғилмаган бўлсам ҳам, ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш учун ҳар замон ҳар замонда Ерга ташриф буюраман". У - бутун борлиқнинг бошланғич манбаи; Унинг дунёга келишига ҳеч қандай сабаб йўқ, чунки Унинг Ўзи барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси, ҳамма нарса Ундан тарқалган. Ана шундай мукамал илмга фақат Худонинг марҳамати билангина эришиш мумкин.

Кришнанинг марҳамати билан бу ерда Аржун Унга ўз туйғуларини изҳор этапти. Агар биз "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини тушунишни истасак, мана шу икки шеърда айтилган гапларнинг барчасини комил ишонч билан қабул қилишимиз лозим. Мана шу *парампара*, "шогирдлар силсиласи" деб аталади. Киши шогирдлар силсиласига мансуб бўлмай туриб, "Бҳагавад-Гита"ни тушуна олмайди. Фақат ўз фикрига, ўзининг қобилятига, дунёвий маълумотига таяниб "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини тушунишнинг иложи йўқ. Минг афсуски, ўзларининг ҳар хил илмий унвонлари билан гердаядиган калтафаҳм олимлар, Ведаларнинг шунча кўрсатмаларига қарамай, ўжарлик билан Кришнани оддий инсон деб ҳисоблашда давом этаверадилар.

14. *сарвам этад ритам мане йан мам вадаси кешава  
на хи те бхагаван вйактим видур дева на данаваҳ*

***О Кришна, Сен айтган гапларнинг ҳаммасини мен айни ҳақиқат деб қабул қиламан. Эй Парвардигор, на фаришталар, на иблислар Сени англашга қодир эмаслар.***

Изоҳ: Бу ерда Аржун иймонсиз иблис ва даҳрийларнинг Кришнани англашга қодир эмаслигини тасдиқляпти. Замонавий кўримсиз, ғофил, калтафаҳм олимлар у ёқда турсин, ҳатто фаришталар ҳам Парвардигорни тўлиқ англаб

ета олмайдилар. Парвардигорнинг марҳамати билан Аржун Олий Мутлак Ҳақиқат - ҳар томонлама мукамал бўлган Худо Шаҳси, Кришна эканини англаб етди. Бизларнинг ҳар биримиз "Бҳагавад-Гита" илми ўргатилаётган шогирдлар силсиласида биринчи халқа бўлиб турган Аржундан ўрнак олишимиз керак. Тўртинчи бобда айтилганидай, *парампара*, яъни "Бҳагавад-Гита" илмини ўрганиб келаётган устозлар силсиласининг занжири узилиб қолган эди. Шу сабабли, Ўзининг дўсти ва буюк содиғи сифатида Аржунни парампара занжирининг биринчи халқаси қилиб, Парвардигор шогирдлар силсиласини қайта тиклади. "Гитопанишад"га ёзилган кириш сўзида айтилган эдики, "Бҳагавад-Гита" илми албатта устозлар силсиласи, яъни *парампара* орқали олинган бўлиши керак. *Парампара* занжири узилиб қолгани сабабли Аржун унинг давомчиси сифатида танланган. Аржундан ўрнак олиб, биз ҳам Кришна айтган гапларни ҳеч иккиланмасдан "ҳақиқат" деб қабул қилишимиз лозим, шунда биз "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини тўғри тушуна оламиз, фақат шундагина Кришна - Худонинг Олий Шаҳси эканини англай олишга қодир бўламиз.

*15. свайам эватманатманам веттха твам пурушоттама  
бхута-бхавана бхутеша дева-дева джагат-пате*

***Эй Олий Шаҳс, ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарсанинг манбаи, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори, барча маъбудларнинг Худоси ва бутун оламнинг Хўжайини бўлган ҳолда Ўзингни ички қувватинг ёрдамида фақат Сен Ўзинг тўлиқ англашга қодирсан.***

Изоҳ: Аржун ва унинг издошлари сингари, Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Кришнага бевосита боғланган одамларгина Парвардигорни англай оладилар. Иблис ва даҳрийлар ҳеч қачон Худони тўлиқ англаб етишга қодир эмаслар. Инсонни Худодан узоқлаштирадиган фалсафий сафсаталар энг оғир гуноҳ ҳисобланади, шу сабабли Кришнани танимаган иймонсиз кишилар "Бҳагавад-Гита"га ҳеч қандай изоҳ ёзмасликлари керак. "Бҳагавад-Гита" - Кришнанинг бевосита Ўзи баён этган, ягона Парвардигор, Худо Шаҳси Кришна ҳақидаги илоҳий илм бўлгани учун, бу сирли илмни, худди Аржун сингари, фақат Кришнанинг Ўзидан ўрганиш орқалигина англаб олиш мумкин. Бу илмни имонсиз даҳрийлар орқали ўрганишнинг иложи йўқ. "Шримад Бҳагаватам" (1.2.11.) да шундай дейилади:

*ваданти тат таттва-видас таттвам йадж джнанад адвайам  
брахмети параматмети бхагаван ити шабдйате*

“Олий Ҳақиқатни уч кўринишда англаб оладилар: 1. Шаҳсиятсиз Брахман кўринишида; 2. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма кўринишида; 3. Бҳагаван - Худонинг Олий Шаҳси кўринишида”.

Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахсини англаб етиш Мутлак Ҳақиқатни англашнинг охири, энг юқори босқичи ҳисобланади. Оддий инсон, ҳатто озодликка эришиб, шахсиятсиз Браҳманни ёки ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматмани англаб етган киши ҳам Парвардигорнинг шахс эканини албатта англаб етавермайди. Худонинг Олий Шахсини англаб етиш учун ундай одамлар ана шу Олий Шахс - Кришнанинг Ўзи айтган "Бхагавад-Гита"ни ўқиб-ўрганишлари лозим. Баъзи имперсоналистлар Кришнани "Бхагаван" деб, Унинг обрўсини, мартабасини, шон-шухратини тан оладилар, аммо озодликка эришган зотларнинг ҳаммаси ҳам Кришна - *Пурушоттама*, Олий Шахс эканини тушуниб етишга кодир бўлавермайди. Ҳатто, шуни тушунгандан кейин ҳам Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси эканини англаш жуда қийин бўлади. Шу сабабли Аржун Уни - *бхубо-бхавана*(бутун борликнинг манбаи) деб атаяпти. Ҳатто Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси эканини англаган одам ҳам Унинг олий ҳукмдор эканини англаб етавермайди. Шу сабабли Кришнага мурожаат қилар экан, Аржун Уни *Бхутеша*, яъни "Олий Ҳукмдор" деб атаяпти. Аммо, Кришна барча тирик мавжудотларнинг Олий Ҳукмдори эканини англаб ет

408  
ган одамлар ҳам, Кришна барча фаришталарнинг бошланғич манбаи эканини тушуна олмайдилар, шу боис Аржун Уни *Девадева*, яъни "барча фаришталарнинг Худоси" деб атаяпти. Ниҳоят Кришна - ҳатто барча фаришталар ҳам сиғинадиган ягона Парвардигор эканини билган одамлар ҳам, У - бутун борликнинг ягона Эгаси эканини тушунмайдилар, шу боис Аржун Уни *Жагатпати* яъни, "бутун борликнинг ягона Эгаси" деб атаяпти. Кришнаҳақидаги Ҳақиқат илмини англаб етган Аржун бу ерда мана шу буюк Ҳақиқатни очик эълон қиляпти, ундан ўрнак олиб, биз ҳам Кришна аслида қандай бўлса шундайлигича, асл ҳолида англай оламиз.

*16. вақтум архасй ашешена дивйа хй атма-вибхутайах  
йабхир вибхутибхир локан имамс твам вйайа тиштхаси*

***Илтимос, менга Ўзингнинг барча оламларни қамраб оладиган илоҳий бойлик(мўъжиза)ларингни батафсил таърифлаб бер!***

Изоҳ: Бу шеърдан маълум бўладики, Аржун Худонинг Олий Шахси ҳақида Кришна ошкор этган илмдан тўла қаноатланган. Аржун Кришнанинг марҳамати билан илоҳий руҳий тажрибага, чуқур тафаккурга, илмга, улар ёрдамида эришиладиган ҳамма нарсага эга бўлиб, Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тушуниб етганди. Унинг қалбида бунга ҳеч қандай шубҳа қолмади, шунга қарамай, у Кришнадан қандай қилиб У бутун борликқа сингиб, уни қамраб олишини таърифлаб беришни илтимос қиляпти. Одатда одамлар, айниқса имперсоналистлар Парвардигорнинг ҳар ерда мавжуд бўладиган кўриниши билан кўпроқ қизиқадилар. Шу боис, Аржун Кришнадан қандай қилиб Унинг ҳар хил қувватлари Парвардигорни ҳамма жойда

намоён қила олишини тушунтириб беришини сўраяпти. Бу ерда Аржун шу саволни оддий одамлар тилидан бераётганини тушуниш керак.

17. *катхам видьйам ахам йогимс твам сада паричинтайан  
кешу кешу ча бхавешу чинтийо “си бхагаван майа*

***Эй Кришна, эй олий сеҳргар, мен қандай қилиб Сени ҳамиша эслаб юришни, Сени англаб етишни ўрганишим мумкин? Эй Худонинг Олий Шахси, мен Сен намоён этган шунча қиёфаларингдан қайси бирида Сени эслаб юришим керак?***

Изоҳ: Аввалги боблардан бирида айтилганидай, Худонинг Олий Шахси бизларнинг кўзимиздан *йога-майа* пардаси ёрдамида яшириниб олган. Парвардигорни фақат Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган итоаткор руҳлар, Унинг содиқ хизматкорлари кўра оладилар. Ўзининг яқин дўсти Кришна - Худонинг Олий Шахси эканига Аржун ҳеч қандай гумон қилмайди, аммо, у бошқа оддий одамлар ҳамма жойда мавжуд бўлган Парвардигорни қандай англай олишлари мумкинлигини билишни истаяпти. *Йога-майа* воситасида яшириниб олган Парвардигорни оддий одамлар, шу жумладан иймонсиз дахрийлар ва иблислар ҳам англай олмайдилар. Шу сабабли, Аржун шундай одамларнинг ҳам манфаатини кўзлаб Кришнага бу саволларни берапти. Улуғвор содиқ Худони, Кришнани фақат ўзи англаб етишга интирмайди, аксинча, у иложи борича бу дунёдаги ҳар бир инсон Худони англаб яшашни ҳақида ўйлайди. Ҳар бир ҳақиқий *вайшнава* сингари, бошқаларга ғайритабиий равишда меҳрибон, ҳамдард бўлган Аржун ҳам, дунёдаги барча одамларга Парвардигор қандай қилиб бутун борлиқнинг ҳамма жойида мавжуд бўлиши ҳақидаги илмни ошкор этмоқчи бўляпти. У Кришна *йога-майанинг* Хукмдори эканини назарда тутиб, Уни *йогини* деб атаяпти. Парвардигорни оддий одамлар кўзидан яшириб турган *Йога-майа* Кришнанинг амри билан Парвардигорни шу одамларга намоён этиши ҳам мумкин. Қалбида Худога, Кришнага нисбатан муҳаббат туйғуси бўлмаган оддий инсон ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаб юра олмайди, шу боис у моддий нарсалар орқали Кришнани эслаб юришга мажбур. Шунинг учун Аржун бу ерда Кришнага, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган оддий одамларнинг фикрлаш қобилиятини назарда тутган ҳолда савол берапти. *Кешу кешу ча бхавешу* сўзлари моддий табиатни билдиради (*бхава* - "моддий нарсалар" дегани). Материалист одамлар Кришнанинг руҳий табиатини англаб ета олмагани сабабли, уларга моддий нарсалар орқали мувоқабат қилиб, уларда ҳам Худо мавжуд эканлигини англаб етишга ҳаракат қилиш тавсия қилинади.

18. *вистаренатмано йогам вибхутим ча джанардана  
бхуйах катхайа триптир хи шринвата насти ме “мритам*

***О Жанардана, Сендан яна бир бор илтимос қиламан, менга Ўзингинг сеҳр қудратингни, бойликларингни иложи борича батафсилроқ таърифлаб бер! Мен ҳеч қачон Сен ҳақингда тинглашдан чарчамайман, чунки Сенинг гапларингни тинглаган сайин, уларнинг шарбатидан яна лаззатлангим келаверади.***

Изоҳ: *Наймишиаранья* ўрмонида тўпланган Шаунака риши бошлиқ донишмандлар ҳам Сута Госвамига айнан шундай гапларни айтган эдилар:

*вайам ту на витрипйама уттама-илока-викраме  
йач чхринватам раса-дженанам сваду сваду паде паде*

"Ғаройиб илтижоларда олқишланадиган Кришнанинг илоҳий эрмакларини мунтазам тинглаб юрган киши ҳеч қачон уларни тинглашдан зерикмайди. Шри Кришна билан руҳий муносабатларини қайта тиклаган кишилар Парвардигорнинг мана шу эрмакларини тинглаб, такрор ва такрор илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлаверадилар"(Ш.Б. 1.1.19)

Шу боис Аржун яна бир марта Кришна ҳақида тинглашни истаяпти, энди уни, қандай қилиб Кришнахамма жойда мавжуд бўла олиши кизиқтиряпти.

*Амритам* яъни "лаззатли шарбат" иборасига келсак, Шри Кришна ҳақидаги ҳар қандай сўз ёки ҳикоя лаззатли шарбатга ўхшайди. Ана шу лаззатдан ҳар бир инсон баҳраманд бўла олади. Ҳадемай кишининг жонига тегиб кетадиган дунёвий ҳикоя ва романлардан фарқли равишда, Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинимсиз тинглайвериш мумкин. Шунинг учун, коинот тарихи ёзилган асарларда Парвардигорнинг бу дунёда намоён этган турли қиёфалари кўрсатган илоҳий кароматлар ҳақидаги ҳикояларнинг сон-саноғи йўқ. Масалан, Пураналар қадим ўтган замонлардаги воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириб, Парвардигорнинг кўплаган қиёфалари ҳақида ҳикоя қилади. Шу боис, одамлар уларни қанча ўқимасин, ҳеч қачон бундан зерикмайдилар.

19. *шри бхагаван увача*

*ханта те катхайишиями дивья хй атма-вибхутайах  
прадханйатах куру-шрештха настй анто вистарасйя ме*

***Худонинг Олий Шахси деди: Хўп, Мен сенга Ўзимнинг бойлигим ва сеҳрли қудратим ҳақида гапириб бераман, лекин фақат уларнинг энг асосийларини таърифлайман, чунки Менинг буюклигим ҳақиқатан ҳам чексиз, эй Курулар аълоси.***

Изоҳ: Кришна ва Унинг мўъжизавий қудратини охиригача англаб етишнинг иложи йўқ. Алоҳида руҳнинг чекланган сезги аъзолари унга Кришнанинг

кароматларини охиригача англаб етиш имконини беролмайди. Шунга қарамай, содиклар барибир Кришнани англашга интиладилар. Лекин, улар ҳеч қачон ўз олдига бирор маълум вақтда ёки умрининг бирор маълум босқичида Худони албатта тўла англаб олишни мақсад қилиб қўймайдилар. Шри Кришна ҳақидаги ҳикояларнинг ўзи уларга шунчалик қувонч олиб келдики, улар ҳақиқатан ҳам худди тенгсиз, туганмас лаззатга ўхшайди. Шунинг учун Худонинг содиқ хизматкорлари бундай ҳикояларни тинглашдан чексиз лаззат оладилар. Кришнанинг фазилатлари ва Унинг ҳар хил қувватлари ҳақида гапириб, Худонинг соф содиклари бундан руҳий лаззат оладилар, шу сабабли уларни такрор ва такрор гапираверишни ёки тинглайверишни истайдилар. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг буюклигини тасаввурига сиғдира олмаслигини Кришна яхши билади, шунинг учун У Аржунга Ўзининг ҳар хил қувватларининг фақат асосий кўринишлари ҳақида гапириб беришга рози бўлди. Бу ерда ишлатилган *прадханйата*, яъни "асосий" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Демак, биз Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган асосий кўринишларинигина билиб олишимиз мумкин, чунки унинг кўринишлари чексиз. Уларнинг ҳаммасини билишнинг умуман иложи йўқ. Бу ерда ишлатилган *вибхути* сўзи эса, Парвардигорнинг оламни бошқариб турадиган қудратини билдиради. "Амара-коша" луғати бўйича *вибхути* ибораси - "алоҳида ғаройибот" деганни билдиради.

Имперсоналистлар ва пантеистлар Парвардигорнинг ғаройиблигини ва Унинг илоҳий қувватлари қандай ҳаракат қилишини тушунолмайдилар. Ана шу қувватлар руҳий ва моддий оламдаги ҳамма нарсаларга сингиб кетган. Энди Кришна Ўзининг оддий одамлар англаб олишга қодир бўлган ғаройиботлари ва ҳар хил қувватларини қисман таърифлаб бермоқчи бўляпти.

20. *ахам атма гудакеша сарва-бхутамайя-стхитах  
ахам адити ча мадхйам ча бхутанам анта эва ча*

***Эй Аржун, эй Гудакеша, Мен - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги Олий Рухман. Мен - мавжуд ҳамма нарсанинг аввали, ўртаси ва охириман.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна Аржунни *Гудакеша*, яъни "ғофиллигини ва уйқусини енгган" деб атаган. Ғафлат ботқоғига ботиб ухлаб ётган одам Худонинг Олий Шахсининг руҳий ва моддий оламда намоён этган ҳар хил кўринишларини англашга қодир эмас. Шу боис, бу ерда Кришнанинг Аржунга мурожаат қилаётган исмлари чуқур маънога эга. Аржун ўзининг ғофиллигини енга олгани учун Парвардигор унга Ўзининг ҳар хил ғаройиб бойликлари ҳақида гапириб беришга рози бўлди.

Энг аввало Кришна Аржунга Ўзининг биринчи намоён бўлишида У бутун моддий оламнинг руҳи, жони эканини айтяпти. Моддий оламни яра-

тишдан аввал Парвардигор Ўзининг тўлиқ намоён бўлган кўриниши - *пуруша-аватара* қиёфасига киради ва бутун борлиқнинг яралишини бошлаб беради. Шу сабабли У - махат-таттванинг *атма*(жон)си, яъни моддий олам таркиб топадиган "мужассам моддий қувват"нинг жони, руҳидир. Мужассам моддий қувватнинг ўзи олам яралишининг сабабчиси бўлолмайди, унинг сабабчиси - махат-таттванинг, яъни мужассам моддий қувватнинг ичига кирадиган Маха-Вишнудир. Кришна - махат-таттванинг руҳи. Маха-Вишну аввалига намоён бўлган коинотлар ичига жон, руҳ бўлиб киради, кейин ўзини ҳар бир тирик мавжудот ичида намоён этади. Биз биламизки, ҳар бир тирик мавжудотнинг моддий танасининг ичида руҳий заррача мавжуд бўлгани сабаблигина у тирик бўлади. Агар жон бўлмаса, тана ўсиб ривожлана олмаган бўларди. Худди шундай, моддий олам ҳам, агар унинг ичига Олий Рух, Кришна кирмаса, ўсиб ривожланмаган бўларди. "Субала-упанишад"да шундай деб айтилган: *пракритйади-сарва-бхутантар-йами сарва-шеши ча нарайанах* - "Олий Рух кўринишида Худонинг Олий Шахси барча намоён бўлган коинотларда мавжуд".

"Шримад Бҳагаватам"да, шунингдек "Сатвата-тантра"да уч *пуруша-аватара* таърифланган. *Вишнос ту трини рупани пурушакхйани атхо видух*: Моддий оламда Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор Ўзини уч қиёфада намоён этади - Каранодакашайи Вишну, Гарбходакашайи-Вишну ва Кширодакашайи-Вишну. Маха-Вишну ёки Каранодакашайи-Вишну ҳақида "Брахма - самхита"(5.47)да гапирилган: *йах қаранарнава-дҷале бхаджати сма йога-нидрам*: Парвардигор Шри Кришна Ўзининг барча сабаблар сабабчиси бўлган Маха-Вишну қиёфасида фазовий уммонда ястаниб ётади. Шу боис Худонинг Олий Шахсини бу оламнинг бошланғич манбаи, бутун борлиқнинг посбони ва моддий қувватнинг намоён бўлган барча кўринишларининг охири деб атайдилар.

21. *адитйанам ахам вишнур джйотишам равир амишуман  
маричир марутам асми накшатранам ахам шаши*

***Адитйалардан Мен - Вишнуман, ёритгичлардан - порлоқ  
Қуёшман, Марутлардан - Маричиман, юлдузлар орасида Мен -  
Ойман.***

Изоҳ: Ўн икки Адитйа ичида асосийси - Вишну, Кришна. Осмонда ярқираб турган ёритгичлардан асосийси - Қуёш, у "Брахма-самхита"да "Худо Шахсининг порлаб турган кўзи" деб аталган. Космик фазода эллик турли шамол эсиб туради, уларнинг ҳаракатини бошқариб турган фаришта Маричи - Кришнанинг тимсоли.

Тунда осмонда ярқираб турган барча юлдузлар орасида энг ёруғи Ой ҳисобланади, шу боис, Ой ҳам Кришнанинг тимсоли. Бу шеърдан маълум бўладики, Ой юлдузлар туркумига кирадиган сайёра. Бундан шундай хулоса

чиқариш мумкин: осмонда яркираб турган юлдузлар ҳам Қуёш нурини акс эттиради. Ведалар таълимоти бир коинотда бир неча Қуёш борлигини инкор этади. Қуёш битта, барча юлдузлар, шу жумладан Ой ҳам, Қуёш нурини акс эттириб турадилар. "Бхагавад-Гита"нинг бу шеърида Ой юлдузлар тоифасига киритилган экан, демак осмонда яркираган юлдузларнинг ҳар бири алоҳида ёритгич эмас, балки улар худди Ойга ўхшаб, фақат Қуёш нурини акс эттирадилар, холос.

*22. веданам сама-ведо "смин деванам асми васавах  
индрийанам манаш часми бхутанам асми четана*

***Ведалардан Мен - "Сама-веда"ман, фаришталардан - осмон шоҳи Индраман, сезгилар орасида - ақлман, тирик мавжудотлардаги ҳаёт кучи, онг - Менман.***

Изоҳ: Модда билан руҳнинг орасидаги фарқ шундан иборатки, тирик мавжудотдан фарқли равишда, жонсиз, ўлик модданинг онги йўқ. Шу боис, мангу онг - бирламчи, бошланғич зотдир. Моддий унсурларнинг қандайдир йўллар билан ўзаро бириқиши натижасида онг пайдо бўлиши мутлақо мумкин эмас.

*23. рудранам шанкараш часми виттешо йакша-ракшасам  
васунам павакаш часми меруҳ шикхаринам ахам*

***Рудралардан маъбуд Шива - Менман, якша ва ракшаслардан Мен - фаришталар хазиначиси Кувераман, Васулардан Мен - Агни(олов маъбуди)ман, тоғлар орасида эса Мен - Меруман.***

Изоҳ: Моддий оламда ўн бир Рудра мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси - Шанкара, яъни Тангри Шива. У - Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўлиб ғафлат гунасини бошқариб турадиган киёфасидир. Якша ва ракшасларнинг ҳукмдори - фаришталарнинг хазинабони Кувера ҳисобланади, у ҳам Парвардигорнинг тимсолидир. Меру - ўзининг табиий бойликлари билан машҳур бўлган буюк тоғ.

*24. пуродхасам ча мукхйам мам виддхи партха брихаспатим  
сенанинам ахам скандаҳ сарасам асми сагараҳ*

***Эй Аржун, билсанг, руҳонийлар орасида бош руҳоний Брихаспати - Менман. Саркардалардан - Карртикея Менман, сув ҳавзаларидан Океан - Менман.***

Изоҳ: Жаннатий сайёраларда яшайдиган фаришталарнинг ҳукмдори - осмон шоҳи Индра бўлади. У бошқараётган сайёра *Индралока* деб аталади. *Брихас-*



*пати* - Индранинг руҳий устози, бош руҳоний. *Индра* фаришталарнинг сардори бўлгани учун, *Брихаспати* ҳам руҳонийларнинг энг буюги ҳисобланади. Индра - фаришталар шоҳи бўлгани сингари, *Сканда*, яъни *Парвати* билан Тангри Шиванинг ўғли бўлган *Карттикея* ҳам - барча лашкарбошиларнинг сардори ҳисобланади. Барча сув ҳавзалари ичида энг каттаси - Океан ҳисобланади. Буларнинг барчаси орқали Худонинг Олий Шаҳси бўлган Парвардигор Кришнанинг улуғворлиги, буюклиги ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўлиш мумкин.

25. *махаршинам бхригур ахам гурам асмй экам акшарам  
йаджнанам джапа-йаджно "сми стхаваранам хималайаҳ*

***Буюк донишмандлардан - Бхригу Менман, товушлардан муқаддас "ом" бўғини Менман. Қурбонликлардан Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, "жапа" - Менман, кўзгалмас зотлардан эса Ҳимолай тоғи - Менман.***

Изоҳ: Коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган Тангри Брахма бир неча ўғил фарзандларни дунёга келтирган бўлиб, улар коинотда ҳар хил ҳаёт турларини, таналарини яратдилар. Унинг донишманд-ўғиллари орасида энг қудратлиси - *Бхригу*. Барча руҳий, илоҳий товушлар ичида "ом" бўғини, яъни *омкара* - Кришнанинг тимсолидир. Барча қурбонлик маросимлари ичида эса, Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайдиган Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш Кришнанинг тимсолидир: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Баъзи Ведавий муқаддас китобларда ҳайвонларни қурбонлик қилиш маросимлари тавсия қилинган, аммо, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан иборат бўлган қурбонлик маросимида ҳеч қандай зулмга ўрин йўқ. *Жана*, яъни зикр - барча қурбонлик маросимлари ичида энг осон ва энг пок қурбонлик маросими ҳисобланади. Борлиқдаги барча буюк, улуғвор нарсаларнинг ҳаммаси Кришнанинг тимсолидир. Шу боис, Ер юзидаги тоғлар ичида энг буюги Ҳимолай ҳам Кришнанинг тимсолидир. Аввалги шеърда Меру тоғи ҳақида гапирилган эди, аммо Меру баъзан ўрнидан кўзғалади, Ҳимолай эса ҳамиша ўз ўрнида кўзғалмай қолади. Шу жиҳати билан Ҳимолай Мерудан устун туради.

26. *ашваттхаҳ сарва-врикшанам деваршинам ча нарадаҳ  
гандхарванам читраратхаҳ сиддханам капило муниҳ*

***Дарахтлардан Мен банйан дарахтиман, фаришталар орасидаги донишмандлардан Нарада - Менман. Гандхарвалардан - Читраратха, комил зотлар орасида эса, донишманд Капила - Менман.***

Изоҳ: *Банйан* дарахти(*ашваттха*) - энг баланд ва энг чиройли дарахт, кўпчилик ҳиндистонликлар ҳар куни эрталаб унга сажда қилиб сиғинадилар. Ҳиндистонликлар фаришталар билан бир қаторда Худонинг энг буюк содик хизматкори Нарада Мунига ҳам сажда қиладилар. Шу боис, Нарада Муни ҳам содиклар орасида Кришнанинг тимсоли ҳисобланади. Гандхарвалар яшайдиган сайёрада асосан моҳир машшоқ ва кўшиқчи зотлар яшайди, уларнинг энг яхшиси *Читрататха* ҳисобланади. Камолотга эришган тирик мавжудотлар орасида Девахутининг ўғли Капила Кришнанинг тимсолидир. Уни “Кришнанинг намоён бўлган қиёфаси” деб ҳисоблайдилар, Унинг таълимоти “Шримад Бхагаватам”да келтирилган. Кейинроқ бошқа бир Капила ҳам дунёга келиб, даҳрийлик таълимотини тарғибот қилиш билан шуҳрат қозонди. Бу ерда келтирилган Девахутанинг ўғли Капила билан даҳрий Капиланинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

*27. уччайхишравасам ашванам виддхи мам амритодбхавам  
айраватам гаджендранам наранам ча нарадхипам*

***Чопқир отлардан Мен - океанни чайганда дунёга келган Уччай-  
хишраваман. Қудратли филлардан Айравата - Менман, одамлар  
орасида шаҳанишоҳ - Менман.***

Изоҳ: Бир пайтлар фаришталар(Худонинг содик хизматкорлари) билан иблислар суг уммонини чайқашга қарор қилган эдилар. Океанни чайқаш натижасида мангулик шарбати ва захар пайдо бўлди. Заҳарни Тангри Шива ичди, шарбатдан эса ҳар хил тирик мавжудотлар дунёга келди. Улар орасида *Уччайхишрава* деган от ва *Айравата* деган фил ҳам бор эди. Улар мангулик шарбатидан дунёга келгани сабабли оддий тирик мавжудотлар эмас, шу боис улар ҳам Худонинг Олий Шахси Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

Одамлар орасида шоҳ Кришнанинг тимсолидир, чунки Кришна бутун оламнинг саодатини ўйлайди, ўзларининг такводорлиги билан шоҳлик мартабасига кўтарилган инсонлар ҳам, кўл остидаги фуқароларнинг бахт-саодати ҳақида қайғурадилар. Махараж Юдҳиштхира, Махараж Парикшит ва Парвардигор Рама сингари ҳукмдорлар ўз фуқароларининг саодатини ўйлайдиган олий даражадаги такводор шоҳлар эдилар. Ведаларда “шоҳ - Худонинг ердаги вакили” деб кўрсатилган. Ҳозирги даврда ҳақиқий дин қонунлари унутилиб кетгани сабабли, монархия(шоҳлик тизими) ҳам завол топиб, бекор қилинган. Аммо, тарихдан маълумки, такводор шоҳлар ҳукмронлик қилган даврда яшаган фуқаролар ҳаётда ҳозиргидан кўра анча бахтлироқ турмуш кечирганлар.

*28. айудханам ахам ваджрам дхенунам асми камадхук  
праджанаш часми кандарпаҳ сарпанам асми васукиҳ*

***Қуроллардан Мен - яшинман, сигирлардан Мен - сурабхиман. Янги авлодни дунёга келтирадиган сабаблардан муҳаббат фариштаси Кандарпа - Менман, илонлар орасида Мен - Васукиман.***

Изоҳ: Яшин ҳақиқатан ҳам жуда қудратли қурол, у Кришнанинг илоҳий қудратининг тимсолидир. Рухий оламдаги Кришналоқа сайёрасида *сурабхи* деб аталадиган сигирлар яшайди, уларни хоҳлаган пайтда соғиб, хоҳлаган миқдорда сут олиш мумкин. Албатта, моддий оламда ундай сигирлар мавжуд эмас, лекин Кришналоқада шундай сигирлар бор. Кришнанинг бундай сигирлари кўп. Севги фариштаси Кандарпа жинсларнинг бир-бирига интилиш тимсолидир, шу интилиш натижасида такводор фарзандлар дунёга келади. Шу сабабли Кандарпа - Кришнанинг вакили ҳисобланади. Фақат ҳиссий лаззат олиш ниятида жинсларнинг бир-бирига интилишининг Кришнага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аммо, такводор фарзандларни дунёга келтириш ниятида амалга ошириладиган жинсий алоқа Кандарпа деб аталади ва Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

*29. ананташ часми наганам варуна йадасам ахам  
питринам арийама часми йамаҳ самйаматам ахам*

***Кўп бошли нага(аждар)лар орасида Мен - Анантаман, сувда яшовчилар орасида - фаришта Варуна Менман. Аждодлар ичида Мен - Арийамаман, адолат билан ҳукм чиқарувчи зотлар орасида эса, Мен - ажал фариштаси Яма(Азроил)ман.***

Изоҳ: Кўп бошли аждарлар орасида энг буюги *Ананта* ҳисобланади, сувда яшовчилар орасида энг буюги - сув фариштаси *Варуна*. Улар иккиси ҳам Кришнанинг вакили. Гуноҳкорларни жазолайдиган жуда кўп тирик мавжудотлар мавжуд, уларнинг ичида энг асосийси - ажал фариштаси *Яма*, Азроил. У Ер сайёрасидан унча узоқ бўлмаган сайёрада яшайди. Ўлгандан кейин гуноҳкор одамларни ана шу сайёрага олиб борадилар, Азроил эса уларни қилмишларига яраша жазолаб, ҳар хил азоб-уқубатлар белгилайди.

*30. прахладаш часми дайтйанам калаҳ калайатам ахам  
мриганам ча мригендро “хам ваинатейаш ча пакишинам*

***Иблис Дайтйалар орасида содиқ Прахлада - Менман, яқсон қилувчи қучлар орасида Мен - Замон(вақт)ман, ҳайвонлардан Мен - арслонман, қушлардан эса Гаруда - Менман.***

Изоҳ: *Дити* ва *Адити* - опа-сингиллар эди. Адитининг ўғилларини “*Адитйа*”лар деб, Дитининг ўғилларини эса - “*Дайтйа*”лар деб атайдилар. Адитйаларнинг барчаси Худонинг содиқ хизматкорлари, Дайтйаларнинг

хаммаси - иймонсиз иблислар ҳисобланади. Гарчи, Дайтйалар хонадониди дунёга келган бўлса ҳам, Прахлад Махараж болалигиданоқ Худонинг буюк содиқ хизматкори эди. У Худого садоқат билан хизмат қилгани ва илоҳий фазилятларга эга бўлгани учун уни Кришнанинг вакили деб ҳисоблайдилар.

Моддий оламда емирувчи, яксон қилувчи кучлар жуда кўп, аммо замон(вақт) моддий оламдаги ҳамма нарсани емириб яксон қилади, шу сабабли замон Кришнанинг вакили ҳисобланади. Ҳайвонлар орасида энг кучлиси ва дахшатлиси - арслон, миллионлаган қушлар ичида эса, энг каттаси - Парвардигор Вишнуни елкасида олиб юрадиган баҳайбат қуш Гаруда.

31. *паванаҳ паватам асми рамаҳ шастра-бхритам ахам  
джхашанам макараш часми сротасам асми джахнави*

***Покловчи кучлар орасида Мен - шамолман, қурол осган зотлар орасида Мен - Рамаман, балиқлар орасида Ақула - Менман, тоиқин дарёлар орасида - муқаддас Ганга Менман.***

Изоҳ: Балиқлар ичида энг каттаси ва инсон учун энг хавфлиси - шубҳасиз ақула ҳисобланади. Шу боис, у Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

32. *сарганам адир анташ ча мадхйам чаивахам арджуна  
адхйатма-видйа видйанам вадаҳ правадатам ахам*

***Эй Аржун, бутун борлиқнинг аввали, ўртаси ва охири - Менман. Илмнинг барча турлари орасида руҳ ҳақидаги илоҳий илм - Менман, мантиқий мулоҳаза юритадиган зотлар учун эса, ҳақиқатга олиб келувчи якуний хулоса - Менман.***

Изоҳ: Олам яралишининг биринчи босқичи - мужассам моддий қувват(махат-таттва)ни, моддий унсурларни яратиш ҳисобланади. Аввал айтганимиздай, моддий оламни Маха-Вишну, Гарбходакашайи-Вишну ва Кширодакашайи-Вишну яратиб, унинг мавжудлигини таъминлаб туради, кейин уни Тангри Шива яксон қилади. Браҳма - иккиламчи яратувчи. Оламни яратадиган, мавжудлигини таъминлаб турадиган ва яксон қиладиган зотларнинг барчаси Парвардигорнинг моддий қувватининг намоён бўлишидир. Шунинг учун Парвардигорни "олам яралишининг боши, ўртаси ва охири" деб атайдилар.

Одамларга илм олишда ёрдам берадиган жуда кўп китоблар мавжуд: тўрт Веда, уларга қўшимча қилиб ёзилган олти китоб, "Веданта-сутра", мантиқ ҳақидаги асарлар, дхарма-шастралар ва Пураналар. Ҳаммаси бўлиб инсонга ҳақиқий илм берадиган ўн тўрт китоб мавжуд. Уларнинг ичида руҳий илм(*адхйатма-видйа*) ёритилган китоб, яъни, "Веданта-сутра" Кришнанинг тимсолидир.

Мантиқ илмини эгаллаган файласуфлар ўзаро бахсларда бир-бирига ҳар

хил далиллар келтирадилар. Рақибнинг келтирган далиллари билан ўзининг ҳақ эканини исботлаш *джалпа* деб аталади. Ҳар қандай йўл билан рақибнинг далилларини инкор этиш *витанда* деб аталади. Аммо, баҳс асосида ҳақиқатни юзага чиқаришга уриниш *вада* деб аталади. Ана шундай баҳс Кришнанинг тимсолидир.

33. *акшаранам а-каро “сми двандваҳ самасикасайа ча ахам эвакшайаҳ кало дхатахам вишвато-мукхаҳ*

***Ҳарфлардан биринчи "А" ҳарфи Менман, сўзлардан Мен - қўшма сўзман. Мангу замон ҳам - Менман, яратувчи зотлар орасида қудратли Браҳма - Менман.***

Изоҳ: *А-кара*(санскрит алифбесининг биринчи ҳарфи) Ведаларнинг боши ҳисобланади. А-карасиз бирор товушни талаффуз қилиб бўлмайди. Шу сабабли А-карани ҳар қандай товушнинг боши деб атайдилар. Санскрит тилида ҳам ҳар хил қўшма сўзлар бор, уларнинг ичида *рама-кришна* сингари қўшма сўзлар *двандва* деб аталади. Бу тоифага мансуб қўшма сўзларда ҳар бир сўз, масалан, *рама* ва *кришна* тенг даражадаги сўзлардир, шу сабабли улар "қўшма сўзлар" деб аталади.

Яксон қилувчилар ичида энг асосийси - замон(вақт) ҳисобланади, у бутун борлиқни йўққа чиқаришга қодир куч. Вақт, яъни Замон - Кришнанинг вакили, чунки белгиланган вақтда буюк қиёмат оловида бутун борлиқ яксон бўлади.

Яратиш фаолияти билан машғул бўлган тирик мавжудотлар орасида энг буюги - коинотни яратган зот, тўрт каллали фаришта Тангри Браҳма ҳисобланади, у ҳам Кришнанинг тимсоли, вакили ҳисобланади.

34. *мритйӯҳ сарва-хараиш чахам удбхаваиш ча бхавиийатам киртиҳ ширир вак ча наринам смритир медха дхритиҳ кшама*

***Дунёга келишга маҳқум бўлган барча мавжудотларни яратувчи бошланғич сабаб ҳам, уларга ҳалокат келтирадиган ажал ҳам - Менман. Аёллардаги - Шухрат, Омад, Ширин сўз, Хотира, Тафаккур, Шижоат ва Сабр - ҳам Менман.\****

Изоҳ: Инсон аслида дунёга келган кундан бошлаб ўлишни бошлайди. Ҳар бир ўтган лаҳза умримизнинг бир қисмини олиб кетади, аммо аслида "ҳақиқий ўлим" деб замоннинг тирик мавжудотга қарши қилган охириги ҳамласи бўлган ажални айтадилар. Ана шу ажал - Кришна. Бу дунёдаги ҳаёти давомида барча тирик мавжудотлар олти тур ўзгаришлар орқали ўтадилар. Улар: 1)дунёга келадилар, 2)ўсадилар, 3)бироз вақт ўзгармай қоладилар, 4)зурёд қолдирадилар, 5)сўла бошлайдилар ва ниҳоят б) ҳалок бўладилар.

Мана шу олти хил ўзгаришдан биринчиси - она қорнидан дунёга келиш Кришнанинг тимсолидир. Туғилиш - ҳар қандай моддий фаолиятнинг аввали, боши.

Бу ерда келтирилган етти хил фазилат: шуҳрат, омад, ширин сўз, хотира, идрок, шижоат ва сабр - аёллардан бошланадиган сифатлардир. Ана шу сифатларнинг барчасига ёки бир нечасига эга бўлиш - инсонни яхшиликка, эзгу ишларга ундайди, бу дунёда унга шон-шуҳрат келтиради. Эзгу ишлар қилиб юрган инсон жамиятда албатта шон-шуҳрат қозонади. *Санскрит* - ҳар тарафлама мукамал тил, у шуниси билан машҳур. Ўрганган нарсаларини тез ўзлаштириб, хотирасида узоқ сақлаб қолиш қобилятига эга бўлган киши *смрити*, яъни хотираси кучлилиги билан шуҳрат қозонади. Илмнинг турли соҳаларига оид асарларни ўқиб, уларнинг мазмунини тушуниш, керак пайтда шу илмлардан амалда фойдалана билиш ақл-идрок яъни, *медха* деб аталади ва инсондаги етти эзгу фазилатдан бири ҳисобланади. Ҳаётда учрайдиган ҳар хил қийинчиликларга бардош бериб, кўзланган мақсад сари интилишда қатъий давом этиш - *дхрити*, шижоат, қатъият деб аталади. Ана шу фазилатларнинг барчасига эга бўлган ҳолда, инсон камтар ва мулоим, мусибат ва шодликларга нисбатан ҳамиша бир хил муносабатда бўлса, унинг бу фазилати сабрлилик, *кишама* деб аталади.

---

\*Шу сифатлар тимсоли бўлган фаришта аёллар шундай номлар билан аталади: Шри, Кирти, Дхрити ва хоказо.

### 35. *брихат-сама татха самнам гаятри чхандасам ахам масанам марга-ширшо "хам ритунам кусумакараҳ*

**"Сама-веда"нинг мадҳияларидан "Брихат-сама" - Менман, шеърӣй ўлчамлардан гаятри - Менман. Ойлар ичида Маргаширша(ноябрь-декабрь) - Менман, фасллар ичида яшнаган баҳор - Менман.**

Изоҳ: Кришна "Ведалар ичида - "Сама-веда" Менман" деб айтган эди. "Сама-веда"да фаришталар куйлайдиган жуда кўп чиройли мадҳиялар келтирилган. Ана шу кўшиқлардан бири "Брихат-сама" ўзининг оҳанги билан машҳур бўлиб, у ярим тунда ижро этилади. Санскрит тилида шеър ёзишнинг маълум қоидалари мавжуд; унда шеърнинг рифми ва ўлчамлари ҳозирги замон шеъриятидагидай бетартиб эмас. Шеър ёзишнинг мумтоз шакллари ичида энг машҳури *гаятри* мантраси ҳисобланади, уни барча ҳақиқий браҳманлар мунтазам равишда тиловат қилиб юрадилар. *Гаятри-мантра* "Шримад Бҳагаватам"да ҳам эслатиб ўтилган. *Гаятри* Худони англаш учун махсус белгиланган мантра бўлгани сабабли, у бу дунёда Парвардигорнинг вакили ҳисобланади. *Гаятри* мантраси руҳий юксалишнинг етарли даражада юқори поғонасига кўтарилган кишига берилади, уни маълум тартибда такрорлаб

юрган киши рухий поғонага кўтарилиб, Худони англаб етади. *Гаятри* мантрасини такрорлашни бошлашдан олдин инсон ҳақиқатан ҳам браҳманларга хос сифатларига, эзгу фазилатларга эга бўлиши керак. Моддий табиат қонунларига биноан бутунлай эзгулик гунасида яшайдиган кишиларга хос бўлган фазилатлар - браҳманларнинг фазилатларидир. *Гаятри* мантраси инсонлар жамиятида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Браҳманнинг товуш шаклидаги кўринишидир. Биринчи бўлиб уни Тангри Браҳма олган ва ундан бошлаб *гаятри-мантра* узилмас рухий силсила орқали устоздан шогирдга ўтиб келяпти.

Ноябрь-декабрь ойларига тўғри келадиган йил фасли барча фасллар ичида энг яхшиси ҳисобланади, чунки Ҳиндистонда бу пайт айни йиғим-терим палласи бўлиб, одамларга чексиз қувонч ва бахт келтиради. Албатта, баҳор - йилнинг ҳамма бирдай яхши кўрадиган ажойиб фасли, чунки баҳорда ҳаво ёқимли - жуда совуқ ҳам эмас, жуда иссиқ ҳам эмас, бу паллада ҳамма дарахтлар гуллайди, ҳар хил гуллар қийғос очила бошлайди. Кришнанинг илоҳий эрмакларига бағишлаб ўтказиладиган байрамларнинг кўпчилиги баҳор фаслига тўғри келади, шу боис бу фаслни йилнинг энг қувончли фасли деб атайдилар. Баҳор - Худо Шаҳси Кришнанинг тимсолидир.

36. *дйутйам чхалайатам асми теджас теджасвинам ахам  
джайо “сми вйавасайо “сми саттвам саттваватам ахам*

***Барча қаллоблиқлар ичида қимор ўйини - Менман. Фаройиблиги билан ўзига жалб этиб, кишини ҳайратга соладиган ҳар қандай нарсанинг жилоси - Менман. Мен - ғалабаман, саргузаит ҳам, кучлилар билагидаги куч ҳам - Менман.***

Изоҳ: Жаҳонда ҳар хил тоифага мансуб қаллоблар бор. Қаллоблиқнинг барча турлари ичида қимор ўйини энг ашаддий қаллоблиқ ҳисобланади, шу боис, у ҳам Кришнанинг тимсолидир. Ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор бўлгани учун Кришна ҳар қандай маккор одамга фириб бериб, алдаб қўйишга ҳам қодир. Агар Кришна кимнидир алдамоқчи бўлса, У буни ҳаммадан яхшироқ удалайди. Унинг улуғворлиги, буюклиги ҳеч қандай чегара билан чекланмаган, У ҳар тарафлама мукамал, буюк Зот - ҳатто қаллоблиқда ҳам ҳеч ким Унга тенглаша олмайди.

Ғалабага эришганлар ичида ғалабанинг ўзи - Кришна. Ҳар қандай ярқираган нарсанинг жилваси ҳам Кришна. Ишбилармон ва меҳнатсеварлар одамлар ичида энг тиришқоғи - Кришна, барча кучлилар ичида энг кучлиси ҳам - Унинг Ўзи. Кришна Ер юзида бўлган пайтда ҳеч ким куч-қувват бобидан Унга тенг келолмаган. У ҳали болалик пайтидаёқ Говардхана тепалигини бир ҳафта давомида бир бармоғи билан қийналмасдан кўтариб турган эди. Кришна жуда алдоқчи, ҳеч ким Унинг улуғворлигини тўса олмайди, Уни ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди, куч-қудратда, тадбиркорликда ҳеч ким Ундан

устун бўлолмайд.

37. *вришнинам васудева “сми пандаванам дхананджайах  
мунинам апи ахам вйасах кавинам ушана кавих*

***Вришни авлодидан Мен - Васудеваман, Пандузодалардан Аржун - Менман. Донишмандлардан Мен - Вйасаман, буюк мутафаккирлардан - Ушана Менман.***

Изох: Кришна - азалий, бошланғич Худонинг Олий Шахси, Баладева эса - Унинг биринчи экспансияси. Кришна ҳам, Баладева ҳам Ер юзиди Васудеванинг ўғиллари сифатида дунёга келган эдилар. Шу боис Уларнинг икковини ҳам “Васудева” деб аташ мумкин. Бир томондан Кришна ҳеч қачон Вриндаванни тарк этмайди, шу боис Вриндавандан ташқарида намоён бўладиган Унинг барча кўринишларини “Кришнанинг экспансиялари” деб ҳисоблаш керак. Васудева - Кришнанинг бевосита Ўзи намоён бўлган қиёфа, шу сабабли У Кришнадан фарқ қилмайди. Шуни айтиш жоизки, "Бхагавад-Гита"нинг мазкур шеърида айтилган Васудева - Баладева, яъни Балорамдир. У барча экспансияларнинг бошланғич манбаи бўлган ҳолда Васудеванинг ягона манбаидир. Парвардигорнинг бирламчи экспансияларини *свамша*(шахсий экспансиялар) деб атайдилар; улар билан бир қаторда Парвардигорнинг *вибхин-намши* тоифасига кирадиган, яъни ажралган экспансиялари ҳам мавжуд.

Пандузодалар ичида Аржунни *Дхананжайа* деб атайдилар. У инсонлар аълоси ва шу боис Кришнанинг вакили ҳисобланади. Ведаларни биладиган донишмандлар, яъни *мунилар* ичида энг буюк зот Вйаса ҳисобланади. У Ведалар илмини Кали-юга даврининг содда одамлари ҳам бемалол тушуна оладиган шаклда осон қилиб баён этган. Бундан ташқари Вйасани Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бири деб атайдилар, шунинг учун Вйаса ҳам Кришнанинг вакилидир. *Кави* ибораси "ҳар бир нарсанинг моҳиятини чуқур тушуна оладиган донишманд" деган маънони англатади. Ана шундай кавилардан бири Ушана, Шукрачарйа бўлиб у иблисларнинг руҳий устози ва ғайритабиий равишда заковатли, жуда узоқни кўзлайдиган донишманддир. Шундай қилиб, Шукрачарйа ҳам Кришнанинг илохий фазилатларидан бирининг тимсолидир.

38. *дандо дамайатам асми нитир асми джигишатам  
маунам чайвасми гухйанам джнанама джнанаватам ахам*

***Қонунбузарликка қарши курашда Мен - жазоман. Ғалабага интилувчилар ичида Мен - одоб, пок виждонман. Сир сақлашдаги сукут ва донишмандлардаги донолик илми - Менман.***

Изох: Қонунбузарликка қарши курашда жиноий фаолиятни тўсишга



қаратилган чоралар муҳим аҳамиятга эга. Жиноятчига қўлланадиган жазо - Кришнанинг вакилидир. Инсонга ҳар бир ишда ғалаба келтирадиган энг ишончли омил - одоб-ахлоқ, виждон поклигидир. Барча сирли фаолиятлар ичида сукут - энг муҳим фаолият ҳисобланади, чунки у инсоннинг руҳий юксалишида ёрдам беради. Модда билан руҳнинг бир-биридан фарқ қилишини биладиган кишини “донишманд” деб атайдилар. Яъни, донишманд киши Худо Шахсининг олий қуввати Унинг қуйи қувватидан фарқ қилишини яхши билиши лозим. Ана шу илм - Кришнанинг Ўзидир.

*39. йач чапи сарва-бхутанам биджсам тад ахам арджуна  
на тад асти вина йат сйан майа бхутам чарачарам*

***Эй Аржун, ҳаётнинг илдизи Мен бўламан. Қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотлар ҳаётда Менсиз мавжуд бўлолмайди.***

Изоҳ: Ҳар бир мавжудотнинг бошланғич сабаби бўлади, ана шу сабаб, яъни моддий оламнинг уруғи - Кришна. Барча мавжудотлар Кришнанинг қувватида мужассам, шу сабабли Уни "ҳар нарсага қодир, қудратли Зот" деб атайдилар. Унинг қудратли қувватларисиз бирорта қўзғалувчан ёки қўзғалмас тирик мавжудот ҳаётда мавжуд бўлиб тура олмайди. Кришнанинг қуввати билан боғланмаган ҳамма нарса - *майа*, яъни "аслида йўқ нарса" деб аталади.

*40. нанто “сти мама дивйанам вибхутинам парантапа  
эша туддешатаҳ прокто вибхутер вистаро майа*

***Эй қудратли жангчи, эй душманлар золиби, Менинг намоён бўлган илоҳий қудратим ҳақиқатан ҳам чексиз. Сенга айтганларим - Менда мужассам бўлган чексиз ғаройиботнинг бир зарраси, холос.***

Изоҳ: Ведаларда айтилганидек, гарчи Парвардигорнинг сифат ва қувватларини турлича тасаввур қилиш мумкин бўлса ҳам, Унинг ғаройиб қудрати чексиз, бепоён. Шу сабабли бу ерда Кришна уларнинг фақат энг асосийларини айтиб ўтди. Аржуннинг қизиқишини қаноатлантириш учун Кришна унга фақат баъзи бир мисоллар келтирди, холос.

*41. йад йад вибхутимат саттвам шримад урджитам эва ва  
тад тад эвагагачча твам мама теджо-“миа-самбхавам*

***Билсанг, бу дунёдаги барча ғаройиб, мўъжизавий ва улугвор нарса-лар - Менда мужассам бўлган ғаройиботнинг бир зарраси, холос.***

Изоҳ: Бу оламдаги барча улуғвор, ғаройиб воқеа ва ҳодисалар аслида Кришнанинг ғаройиб қувватининг намоён бўлган кўринишларидан бошқа ҳеч нарса эмас. Ғаройиблиги билан кишини ҳайратга соладиган ҳар қандай нарсани, воқеа-ҳодисани Кришнанинг каромати деб билиш керак.

*42. атха ва бахунаитена ким джнатена таварджуна  
виштабхйахам идам критснам экамишена стхито джагат*

***Эй Аржун, булар ҳақида қўп гапиришнинг ҳождати борми? Мен Ўзимнинг кичкина бир заррачам билан бутун коинотни қамраб олиб, унинг мавжудлигини таъминлаб тураман.***

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида намоён бўлган ҳолда Парвардигор барча моддий коинотларга сингиб, бутун оламни қамраб олган. Бу ерда Кришна Аржунга айтяптики, бу оламнинг алоҳида воқеа-ҳодисаларининг гўзаллиги ва ғаройиблигини таърифлаб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Борлиқдаги барча мавжудотлар уларнинг ичида Олий Рух кўринишида Кришна мавжуд бўлгани туфайлигина тирик ва мавжуд эканини англаб олишнинг ўзи кифоя. Энг катта тирик мавжудот Тангри Брахмадан тортиб, то энг кичик ҳашаротгача бўлган барча тирик мавжудотлар уларнинг танасининг тириклигини таъминлаб турадиган Олий Рух, Парвардигор бўлгани учунгина мавжуд, тирик.

Ўзларини "руҳий ташкилот" деб атаган қандайдир одамларнинг фикрига кўра, фаришталарнинг хоҳлаган бирига сиғиниш натижасида инсон Худонинг Олий Шахсига, яъни инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришармиш. Аммо, бу ерда Кришна фаришталарга сиғинишни бутунлай инкор этяпти, чунки ҳатто фаришталарнинг энг буюги бўлган Тангри Брахма ҳам Парвардигор Кришнанинг ғаройиб қувватининг арзимас бир зарраси, холос. Парвардигор, Худонинг Олий Шахси - бутун борлиқнинг манбаи, ҳеч ким Ундан устун бўлолмайди. У - *асамаурдхва*; бу демак, бутун оламда Унга тенг келадиган ёки Ундан улуғроқ бирор зот йўқ. "Падма-пурана"да айтилганки, Парвардигор Кришнани, Худонинг Олий Шахсини ҳатто энг буюк фаришталар бўлган Брахма ва Шива билан бир қаторда қўядиган киши ҳам шу заҳотиёк иймонсиз даҳрийга, Парвардигорнинг ягоналигига шак келтирган ғофил, шаккок кишига айланади. Кришнанинг ғаройиботларини ва Унинг қувватларининг намоён бўлган ҳар хил кўринишларини чуқур ўрганган киши эса, ҳеч қандай шубҳа-гумонларга берилмасдан Шри Кришнанинг ҳақиқий ҳолатини англаб етади ва ҳамиша садоқат билан фақат Унга сиғиниб юради. Парвардигорни ҳамма жойда мавжуд деб атайдилар, чунки Унинг бир қисмининг бўлаклари Олий Рух кўринишида бутун борлиққа сингиб кетган. Шуни билган ҳолда Худонинг соф содиқлари Унга садоқат билан хизмат қилиб, аклини ҳамиша Кришнада мужассам қиладилар ва шу сабабли улар ҳамиша руҳий ҳолатда юрадилар. Бу бобнинг саккизинчидан ўн биринчигача

бўлган шеърларида Худога садоқат билан хизмат қилиш, Кришнага сиғиниш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмалар берилган. Унда Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёни таърифланган. Бу бобда Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори поғонага қандай кўтарилиш, Худонинг Олий Шахси билан бевосита мулоқот қилишга қандай эришиш мумкинлиги батафсил тушунтирилган. Кришнадан бошланадиган устозлар силсиласига мансуб бўлган буюк ачарйа Шрила Баладева Видйабхушана "Бҳагавад-Гита"нинг ўнинчи бобини изоҳлашни куйидаги сўзлар билан яқунлайди:

*йач-чхакти-лешит сурйадйа бхаванти атй-угра-теджасах  
йад-амшена дхритам вишвам са кришно дашаме "рчйате*

“Ҳатто қудратли Қуёш ҳам ўз кучини Парвардигор Кришнанинг чексиз қудратидан олади, Ўзининг тўлиқ бўлмаган кўринишида Кришна бутун борликнинг мавжудлигини таъминлаб туради”.

Шу боис, "Бҳагавад-Гита"нинг ўнинчи бобида Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор Шри Кришнага сиғиниш лозимлиги айтилган.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Мутлақ Ҳақиқатнинг гаройиблиги" деб ата-  
ладиган ўнинчи бобида Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## Ўн биринчи боб. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси

*1. арджуна увача*

*мад-ануграхайа парамам гухйам адхйатма-самджнитам  
йат твайоктам вачас тена мохо “йам вигато мама*

***Аржун деди: Сен менга марҳамат кўрсатиб баён этган илоҳий илмнинг энг маҳфий сирларини тинглаб, мен барча шубҳа-ю гумонлардан халос бўлдим.***

Изоҳ: Бу бобда Кришна "барча сабаблар сабабчиси" сифатида таърифланади. У ҳатто, тана терисининг тешикларидан сон-саноксиз моддий коинотлар пайдо бўладиган Маха-Вишнунинг ҳам бошланғич сабабчисидир. Кришна ягона Парвардигорнинг бу дунёда намоён этган қайсидир қиёфаси эмас, аксинча Кришна - Худонинг Олий Шахси, Парвардигорнинг намоён этган барча қиёфаларининг бошланғич манбаи, ўша ягона Парвардигорнинг Ўзи. Буларнинг ҳаммаси аввалги бобда батафсил тушунтирилган эди.

Шундай қилиб, бу ерда Аржун Кришнага алданиш таъсиридан халос бўлганини айтяпти. Демак, у энди Кришнани оддий инсон, ўзининг тенгқур дўсти деб ҳисобламайди, аксинча у Кришнани “бутун борлиқнинг манбаи” сифатида тан олди. Энди Аржуннинг қалби покланиб, ўзи илоҳий даражага кўтарилди ва Кришнадай улуғвор Зот ўзининг яқин дўсти эканидан қалби чексиз қувончга тўлди. Лекин, у ўзини эмас, балки бошқаларни - Кришна бутун борлиқнинг манбаи эканига ишонмайдиган, иймон-эътиқодсиз ғофил одамларни қайғурипти. Кришна илоҳий табиатга эга бўлган Олий Зот эканини ҳаммага исботлаб бериш учун Аржун Кришнадан Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этишни илтимос қилади. Кришнанинг фазовий қиёфасини яққол кўрган ҳар қандай одам, Аржунга ўхшаб қаттиқ ҳаяжонланиб даҳшатга тушмай турулмайдди, лекин Кришна жуда меҳрибон, Ўзининг даҳшатли бахайбат қиёфасини намоён этгандан сўнг, У дарров яна Ўзининг азалий икки қўлли қиёфасига киради. Кришнанинг бир неча бор: "Мен фақат сенинг

бахтинг учун сен билан суҳбатлашиб турибман!" - деб айтган гапларига Аржун бутунлай ишонади. Шу боис, ўзида мужассам бўлган яхши фазилатларнинг барчаси фақат Кришнанинг марҳамати билангина мавжуд бўлиб турганини тан олади. Ҳозир у Кришна - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси, Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд эканига аниқ ишонади.

2. *бхаватйайау хи бхутанам шрутау вистарашо майа  
тваттаҳ камала-патракиа махатмйам апи чавйайам*

***Эй нилуфар кўзли, барча тирик мавжудотларнинг дунёга келиши ва кетиши ҳақида айтган гапларингни тинглаб Сенинг буюклигинг ҳақиқатан ҳам чексиз эканини англаб етдим.***

Изоҳ: Аржун кувонганидан Кришнани "нилуфар кўзли Зот" деб мурожаат қиляпти(Кришнанинг кўзлари нилуфар гулининг гулбаргига ўхшайди), чунки аввалги бобда Кришна: *ахам критснасйа джагатаҳ прабхаваҳ пралайас татха*, яъни "бутун моддий оламнинг яралишига ва яқсон бўлишига сабабчи - Менман" - деб уни ишонтирган эди. Аржун бу ҳақда Парвардигор Кришнанинг бевосита Ўзидан билиб олди. Аржун яна шуни билдики, моддий оламнинг яралиши ва яқсон бўлишининг сабабчиси бўлган ҳолда Кришна, барибир ундан четда туради. Лекин, У ҳеч қачон Ўзининг алоҳида шахс сифатини йўқотмайди. Шундай қилиб, тўққизинчи бобда Парвардигор айтадики, У бу дунёда ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳолда бирор жойда шахсан Ўзи иштирок этмайди. Мана шу Кришнанинг англаб бўлмас мўъжизавий қудратидир, бу махфий сир ҳайратли даражада осонлик билан Аржунга аён бўлди. Буни Аржуннинг ўзи тан оляпти.

3. *эвам этад йатхаттха твам атманам парамешвара  
драштум иччхами те рупам айшварам пурушоттама*

***Эй Пурушоттама(буюк шахс), эй Парвардигор, гарчи ҳозир Сени бошланғич азалий қиёфангда кўриб турган бўлсам ҳам, мен Сенинг бу моддий оламни қандай қамраб олганингни кўришни истайман. Мен Ўзинг таърифлаб берган ана шу гаройиб мўъжизавий қиёфангни кўргим келяпти.***

Изоҳ: Парвардигор Аржунга айтган эдики, У Ўзининг намоён бўлган шахсий қиёфаларида моддий оламнинг ичига киргани туфайлигина моддий олам намоён бўлди ва мавжуд бўлиб турибди. Кришнанинг азалий, инсонникига ўхшаган қиёфаси Аржун учун чексиз қувонч ва лаззат манбаи эди, лекин келажакда Кришнани оддий инсон деб ўйлаши мумкин бўлган одамларнинг қалбида Худога ишонч ҳосил қилиш учун, Аржун Парвардигорнинг фазовий

киёфасини кўришни ҳамда Парвардигор, Ўзи моддий оламдан четда қолган ҳолда, бу моддий оламда қандай ҳаракат қилишини тушуниб олишни истаяпти. Аржуннинг Кришнани *Пурушоттама* деб аташи ҳам чуқур маънога эга. Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, Парвардигор Аржуннинг қалбида ҳам мавжуд, шунинг учун У Аржуннинг истагини яхши билади. Аржун шунчаки ўзининг қизиқувчанлиги сабабли Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришни истамаётганини Кришна яхши билади, чунки Аржун Кришнани ҳозир кўз олдида турган қиёфада кўришдан бутунлай мамнун эди. Бошқа одамлар ҳам қалбида Кришнага тўлиқ ишонч ҳосил қилишлари учун Аржун Ундан фазовий қиёфасини кўрсатишни илтимос қилиб турганини Парвардигор тушунади. Аржуннинг ўзига ҳеч қандай далил, исботнинг кераги йўқ. Кришна яна шуни тушунадики, Аржун Худонинг ҳақиқийлигини аниқлашда зарур бўладиган ҳақиқат мезонини белгилаш мақсадида Унинг фазовий қиёфасини кўрмоқчи бўляпти, чунки келажакда, ўзларини "Худонинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси", "Худо" деб эълон қиладиган ярамас кимсалар чиқиб қолиши мумкин. Лекин, фаросатли одамлар уларнинг гапларига ишонмасликлари керак: ўзини Кришна, Худо деб таништираётган ҳар бир одам, ҳақиқатан ҳам Худо эканини исботлаш учун, худди Кришнага ўхшаб, ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатишга қодир бўлиши керак.

*4. манйасе йади тач чхакйам майа драштум ити прабхо  
йогешвара тато ме твам даршайатманам авйайам*

***Эй Парвардигор, эй бутун сеҳр қудратининг Хукмдори, агар мени Сенинг фазовий қиёфангни кўришга қодир деб ўйласанг, илтимос, менга Ўзининг чексиз фазовий қиёфангни намоён эт!***

Изоҳ: Муқаддас китобларда айтилганки, Худонинг Олий Шахси Кришнани моддий сезги аъзолари ёрдамида кўриш, тинглаш, англаш ёки ҳис қилишнинг иложи йўқ. Лекин, Худога илохий муҳаббат билан ҳолис хизмат қилиб, тилидан бошлаб ўзининг барча сезги аъзоларини Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб юрган киши Парвардигорни бевосита кўриш қобилятига эга бўлади - шунда Парвардигор унга Ўзини ошкор этади. Ҳар бир тирик мавжудот жуда кичик руҳий заррача, учкун ҳисобланади, шу боис у Худо Шахсини кўриш ёки англаб етишга қодир эмас. Кришнанинг содиқ хизматкори бўлган ҳолда Аржун ўз ақлининг кучига ишонмаяпти. Аксинча, у бир томондан - тирик мавжудотнинг чекланганлигини, иккинчидан - Кришнанинг чексиз илохий қудратга эга эканини тан оляпти. Чекланган тирик мавжудот чексиз бепоён Зотни қамраб ололмастлигини Аржун яхши тушунади. Чексиз Зотнинг табиатини фақат чексиз Зотнинг марҳамати билан, У Ўзини Ўзи ошкор этсагина англаб етиш мумкин. Бу ерда *йогешвара* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора Парвардигорнинг англаб бўлмас қудратга эга эканини билдиради. Гарчи Унинг Ўзи чексиз бўлса ҳам, агар истаса, У

марҳамат кўрсатиб, истаган кишига Ўзини ошкор этиши мумкин. Шунинг учун Аржун Кришнадан Ўзининг англаб бўлмас чексиз марҳаматини намоён этишини илтимос қиляпти. У зинҳор Кришнага буйруқ бериб тургани йўқ. Кришна ўз ихтиёрини бугунлай Худога топширмаган, Кришна онги билан Худога беминнат хизмат қилиб юрмаган одамга Ўзини ошкора намоён этишга мажбур эмас, бу Унинг вазифасига кирмайди. Шу боис фақат ўз ақлининг кучига ишонадиган кишилар ҳеч қачон Кришнани кўра олмайдилар.

5. *ири бхагаван увача*  
*нашйа ме партха рупани шаташо “тха сахасрашаҳ*  
*нана-видхани дивйани нана-варнакритини ча*

***Худонинг Олий Шахси деди: Азизим Аржун, эй Притхининг ўгли, Менинг юз минглаган илоҳий ва ранг-баранг қиёфаларимда намоён бўлган чексиз улугворлигимни кўр!***

Изоҳ: Аржун Кришнани Унинг фазовий қиёфасида кўришни истади. Гарчи бу қиёфа илоҳий бўлса ҳам, фақат космик фазода намоён бўлади ва шу боис у моддий оламда ўткинчи Замон(вақт) ҳукми остида бўлади. Моддий табиат сингари Кришнанинг фазовий қиёфаси ҳам намоён бўлган ва намоён бўлмаган ҳолатларда бўлади. Кришнанинг бошқа қиёфаларидан фарқли равишда бу қиёфа ўткинчи ва унинг руҳий оламда мангу ўрни йўқ. Худонинг содиқ хизматкорлари Кришнани фазовий қиёфада кўришга интилмайдилар, аммо Аржуннинг ўзи шу қиёфани кўришни истаётгани учун Кришна унга Ўзининг бу қиёфасини намоён этяпти. Кришнанинг фазовий қиёфаси оддий одамларнинг кўзидан яширинган. Уни кўриш учун инсонга Кришна алоҳида илоҳий назар ато этиши керак.

6. *нашйадитйан васун рудран ашвинау марутас татха*  
*бахуни адришта-пурвани нашйашчарйани бхарата*

***Эй Бхаратлар аълоси, Адитяларни, Васуларни, Рудраларни, Ашвини-кумарлар ва бошқа фаришталарни кўриб ол! Сенинг кўз олдинда ҳали шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган жуда кўп гаройиб мўъжизалар намоён бўлади.***

Изоҳ: Аржун Кришнанинг яқин дўсти бўлгани учун билимдонлиги билан бошқа оддий одамлардан анча устун бўлишига қарамай, ҳатто у ҳам Кришнани тўлалигича англаб етган эмас. Бу ерда айтилганки, ҳозир Аржунга Кришна намоён қиладиган кўринишлар ҳақида аввал ҳеч ким эшитмаган ҳам, билмаган ҳам.

7. *ихаика-стхам джагат критснам нашйадйа са-чарачарам*

*мама дехе гудакеша йач чанийад драштум иччхаси*

***Эй Аржун, Менинг ана шу ғаройиб танамда сен ўзинг истаган ҳамма нарсени кўра оласан! Фазовий қиёфам сен ҳозир кўришни истаётган, келажакда кўрмоқчи бўлган нарсаларнинг барчасини кўз олдинда намоён этади. Барча кўзгалувчан ва кўзгалмас мавжудотлар шу ерда тўпланган.***

Изоҳ: Бир жойда турган ҳолда бутун коинотни кўришнинг иложи йўқ. Ҳатто энг буюк олим ҳам бошқа сайёраларда бўлиб турган нарсаларни кўришга қодир эмас. Аммо Аржун сингари Худонинг содиқ хизматкори бир жойда туриб коинотнинг ҳар бир бурчагида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кўришга қодир. Кришна унга ҳозир, ўтмиш ва келажакда нимани истаса шуни кўра олиш қобилиятини ато этяпти. Шундай қилиб, Худонинг марҳамати билан Аржуннинг кўз олдида бутун оламдаги барча мавжуд нарсалар намоён бўлди.

*8. на ту мам шакйасе драштум аненайва сва-чакиуша  
дивийам дадами те чакиуху пашйа ме йогам ашшварам*

***Лекин, сен Мени ҳозирги кўзларинг билан кўра олмайсан. Шу боис Мен сенга илоҳий назар ато этаман. Менинг мўъжизавий сеҳр қудратимни кўр!***

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори Кришнани Унинг икки қўллик қиёфасидан бошқа бирор кўринишда кўришни истамайди. Содиқ Худонинг фазовий қиёфасини фақат Кришнанинг марҳамати билангина кўра олиши мумкин, лекин бу қиёфани у ўзининг хаёлида тасаввур қилиб эмас, балки илоҳий кўзлари билан бевосита кўради. Кришна айтганидай, фазовий қиёфани кўриш учун онгни эмас, балки фақат назарни ўзгартириш керак, холос. Кейинги шеърлардан маълум бўладики, Кришнанинг фазовий қиёфаси унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Шунга қарамай, Аржун ўзи шуни истаётгани учун Парвардигор унга шундай имконият берадиган илоҳий назар ато этди.

Кришна билан ўзаро руҳий муносабатларининг моҳиятини тўғри тушуниб етган содиқларни Кришна моддий оламда намоён этадиган ғаройиботлар жилваси эмас, Парвардигорнинг ажойиб шахсий фазилатлари маҳлиё этади. Кришнанинг дўстлари, ёки бирга ўйнайдиган ўртоқлари ёки ота-онаси ҳеч қачон Ундан Ўзининг бойлигини, ғаройиблигини, улуғворлигини намоён этишни илтимос қилмайди. Кришнага нисбатан самимий, чексиз илоҳий муҳаббатга ғарқ бўлиб, улар ҳатто Кришна - Худонинг Олий Шаҳси эканини ҳам бутунлай эсидан чиқариб юборадилар. Кришнанинг бесабаб муҳаббати эвазига ўзларининг беғубор соф меҳр-муҳаббатини изҳор этар экан, улар олдида қудратли Парвардигорнинг шахсан Ўзи турганини ҳам умуман эсидан чиқариб юборадилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Кришна билан



бирга ўйнаб юрган подачи болалар - аввал жуда кўплаган умрларини эзгу ишларга бағишлаб, Кришнабилан бирга ўйнаш имкониятига эришган энг буюк такводор зотлардир. Улар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини билмайдилар. Улар учун Кришна - шунчаки оддий дўст. Шу боис Шукадева Госвами шундай дейди:

*иттхам сатам Браҳма-сукханубхутйа  
дасйам гатанам пара-даиватена  
майашиританам нара-даракена  
сакам виджахрух крита-пунйя-пунджах*

"Олдимизда қудратли Парвардигорнинг Шахсан Ўзи турибди, Уни буюк донишмандлар - "шахсиятсиз Браҳман" деб, содиқлар - "Худонинг Олий Шахси" деб, оддий одамлар эса - "моддий табиат яратган буюк Зот" деб ҳисоблайдилар. Ўзларининг аввалги ҳаётларида жуда кўп эзгу ишлар қилган мана бу болалар эса, ҳозир бевосита ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси билан бирга ўйнаб юрибдилар"(ШБ. 12.11).

Содиқлар одатда Худонинг фазовий қиёфасини, яъни вишва-рупани кўришга интилмайдилар, лекин Кришнанинг айтган гапларини тасдиқлаш, келажак авлодга Кришна Ўзининг ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканини фақат фалсафий, назарий жиҳатдан эмас, ҳатто амалда ҳам исботлаб, унинг кўзи олдида фазовий қиёфасини яққол намоён қилганини тасдиқлаш учун Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришни иста-япти. Аржун Кришнанинг айтган гаплари шу тарзда тўла тасдиқланишини ўз кўзи билан кўриши керак эди, чунки у шогирдлар силсиласида турган биринчи шогирд, *парампара* занжиридаги биринчи халқа эди. Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етмоқчи бўлган ва Аржуннинг изидан бораётган содиқларнинг ҳаммаси яхши тушуниб олишлари лозимки, Кришна Ўзини фақат назарий жиҳатдан "Худо Шахси", "ягона Парвардигор" деб эълон қилиб қолмасдан, Аржунга Ўзини бутун борлиқни қамраб олган фазовий кўринишда намоиш этиб, Ўзининг айтганларини амалда тасдиқлаб, тўла исботлаб берди.

Гарчи Кришна Аржуннинг ўзи бунга интилмаётганини билса ҳам, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўра олиши учун унга илоҳий назар ато этди.

*9. санджайа увача*

*эвам уктава тато раджан маха-йогешваро харих  
даршайам аса партхайа парамам рупам айшварам*

**Санжай деди: Эй шаҳаншоҳ, шу гапларни айтиб, сеҳр қудратининг ҳукмдори, Худонинг Олий Шахси Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этди.**

*10-11. анека-вактра-найанам анекадбхута-даршанам  
анека-дивйабхаранам дивйанекодйатайудхам  
дивйа-малйамбара-дхарам дивйа-гандханулепанам  
сарвашчарйа-майам девам анантам вишвато-мукхам*

***Аржун фазовий қиёфада сон-саноқсиз оғизларни, кўзларни ва ғаройиб нарсаларни кўрди. Ажойиб илоҳий либослар ва тақинчоқлар билан безанган Парвардигор сон-саноқсиз қуролларни баланд кўтариб турарди. Унинг илоҳий танаси сон-саноқсиз гулчамбарлар билан безанган, муаттар ҳид таратиб турган турли илоҳий атир-мойлар суртилган эди. Аржуннинг кўзи олдида мўъжизавий, ярқираган, бепоён ва бутун борлиқни қамраб олган кўриниш намоён бўлган эди.***

Изоҳ: Бу икки шеърда бир неча бор такрорланган *анека*, яъни, "кўплаб" ибораси Аржун сон-саноқсиз қўллар, оғизлар, оёқлар ва бошқа нарсаларни кўрганини билдиради. Унинг кўзи олдида намоён бўлган манзара бутун оламни қамраб олган эди. Аржун Худонинг марҳамати билан бир ерда туриб бутун коинотни кўриб турарди. Бунга у фақат Кришнанинг англаб бўлмас қудрати ёрдамида кодир бўлди.

*12. дивй сурйа-сахасрасйа бхавед йуганад уттхита  
йади бхаҳ садриши са сйад бхасас тасйа махатманаҳ*

***Агар осмонда юз минглаган қуёш бирданига пайдо бўлса, уларнинг ёғдуси Парвардигорнинг мана шу фазовий қиёфасидан таралаётган кучли ёғдуга ўхшаган бўларди.***

Изоҳ: Аржуннинг кўзи олдида намоён бўлган ғаройиб мўъжизани тасаввур қилишга ақл, таърифлашга - тил ожизлик қиларди, лекин, шунга қарамай Санжай ана шу ғаройиботни Дхритараштрага таърифлаб беришга уриняпти. Санжай ҳам, Дхритараштра ҳам бу суҳбат бўлиб турган жойдан олисда, аммо Санжай ҳам авлиё Вйасадеванинг марҳамати билан илоҳий назарга эга бўлиб, оламда бўлиб турган ҳамма нарсани кўриш қудратига эга бўлган эди. Шу боис, Аржуннинг кўзига кўринган бу манзарани Дхритараштрага тушунарли қилиб тасвирлаш учун у бу ғаройиботни осмонда бирданига чарақлаган минглаган қуёшларнинг ёғдусига киёслаб таърифляпти.

*13. татраика-стхам джагат критснам правибхактам анекадха  
апашйад дева-девасйа шарире пандаवास тада*

***Аржун Парвардигор намоён қилган баҳайбат фазовий қиёфада бир***

## ***жойга тўпланган ва айни пайтда сон-саноксиз бўлакларга бўлинган коинотнинг чексиз сарҳадларини кўриб турарди.***

Изоҳ: Бу ерда келтирилган *татра*, яъни "у ерда" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриб турганида Кришна билан бирга жанг аравасида ўтирган эди. Жанг майдонидаги бошқа жангчилар Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўролмадилар, чунки бундай қобилиятни Кришна фақат Аржунга ато этган эди. Кришнанинг баҳайбат танасида Аржун минг-минглаган сайёраларни кўрди. Ведавий муқаддас китоблардан маълумки, моддий оламда сон-саноксиз коинотлар, уларнинг таркибида эса, сон-саноксиз сайёралар мавжуд. Бу сайёраларнинг баъзилари тупрок(ер)дан, баъзилари олтиндан, яна бирлари қимматбаҳо тошлардан яралган; бир сайёралар катта, бошқалари кичикроқ ва ҳоказо. Аржун буларнинг барчасини жанг аравасида ўтирган жойида кўриб турарди. Аммо, Кришна билан Аржун орасида нималар бўлиб турганини улардан бошқа ҳеч ким билмасди.

*14. татаҳ са висмайавишто хришта-рома дхананджайаҳ  
пранамйа шираса девам кританджалир абхашата*

***Таажжуб ва саросимага тушганидан танасидаги туклари хурпайиб кетган Аржун, кўрқинчли ҳаяжон билан бошини эгиб, кўлларини қовуштириб, Парвардигорга илтижо қила бошлади.***

Изоҳ: Кўз олдида шундай ғаройиб манзара намоён бўлган заҳоти Кришна билан Аржун орасидаги муносабат дарров ўзгарди. Аввал у Кришнани ўзининг тенгқур дўсти деб ҳисобларди, энди Унинг баҳайбат фазовий қиёфасини кўргандан кейин, Аржун Кришнанинг олдида кўрқинчли ҳаяжон билан бош эгди ва кўлларини қовуштириб Унга илтижо қила бошлади. Ўзининг шу илтижоларида Аржун Кришнанинг фазовий қиёфасини олқишлайди. Шундай қилиб, Кришна билан Аржуннинг ўзаро муносабатларидаги дўстлик ришталари вақтинча ўзгариб, ҳайрат, таажжуб туйғусига айланди. Буюк содиқлар Худонинг Олий Шаҳси Кришнани барча муносабат(*раса*)ларнинг туганмас манбаи деб билдилар. Муқаддас китобларда ўзаро муносабатларнинг асосий ўн икки тури кўрсатилган, ана шу муносабатларнинг барчаси мукамал равишда Кришнада мужассам. Кришнани "ўзаро муносабатлар уммони" деб атайдилар. Шу боис, У тирик мавжудотларни, фаришталарни бир-бири билан ёки Худонинг содиқларини Парвардигор билан ҳар хил муносабатлар воситасида ўзаро боғлаб туради.

Айни пайтда Аржун қаттиқ ҳайратланиб, таажжубга тушиб турибди, одатда чуқур мулоҳазали, хотиржам ва ҳамиша зийрак бўлган Аржун ҳозир таажжуб туйғуси таъсирига берилиб, жазава ҳолатига тушиб қолди: унинг танасидаги туклари тикка бўлиб кетди. Аржун кўл қовуштириб, Парвардигор

олдида эхтиром билан сажда қила бошлади. Албатта, у Кришна олдида ҳеч қандай кўркув туйғусини ҳис қилмасди, аммо ҳозир Парвардигорнинг унга кўрсатган мўъжизаси таъсир қилиб, у қаттиқ ҳаяжонга тушяпти. Аржуннинг вужудини қамраб олган ҳаяжон уни Кришна билан мангу боғлаб турган яқин дўстлик туйғусини вақтинча тўсиб қўйди ва уни ўзини шундай тутишга мажбур қилди.

*15. арджуна увача  
пашйами девамс тава дева дехе  
сарвамс татха бхута-вишеша -сангхан  
Брахманам ишам камаласана-стхам  
ришимши ча сарван урагамши ча дивйан*

***Аржун деди: Эй Худойим, мен Сенинг танангда барча фаришта-ларни, бошқа кўплаган тирик мавжудотларни кўряпман. Мен нилуфар гулининг устида ўтирган маъбуд Браҳмани, маъбуд Шивани, барча буюк донишмандлар ва илоҳий аждарларни кўряпман.***

Изоҳ: Аржуннинг кўзи олдида бутун коинот намоён бўлди: у коинотдаги биринчи тирик мавжудот - Браҳмани ва коинотнинг пастки қисмида ястаниб ётган илоҳий аждар Гарбходакашайи-Вишнуни кўрди. Бу аждарни Васуки деб атайдилар. Шундай аталадиган бошқа илонлар ҳам бор. Аржун бутун оламни - Гарбходакашайи-Вишнудан тортиб оламдаги энг юксак сайёра, тирик мавжудотлар ичида биринчи тирик мавжудот бўлган Тангри Браҳма яшайдиган, нилуфар гули шаклидаги сайёрагача бўлган бутун моддий оламни кўриб турарди. Демак, Аржун ўзининг жанг аравасидан тушмай туриб бутун коинотни, моддий оламни яққол кўриб турарди. Фақат Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахси Кришнанинг марҳамати билангина шундай бўлиши мумкин.

*16. анека-бахудара-вактра-нетрам  
пашйами твам сарвато “нанта-рупам  
нантам на мадхйам на пунас тавадим  
пашйами вишвешвара вишва-рупа*

***Эй бутун олам Парвардигори, мен Сенинг танангда сон-саноксиз кўлларни, қоринларни, оғиз ва кўзларни кўряпман. Улар ҳамма жойда жойлашган ва уларнинг адоси йўқ. Эй фазовий қиёфада намоён бўлган Парвардигор, ҳақиқатан ҳам Сенинг бошланишинг ҳам, ўртанг ҳам, охириг ҳам йўқ.***

Изоҳ: Кришна - Худонинг Олий Шахси. У бепоён, шунинг учун ҳам Унда бутун борлиқни кўриш мумкин.

17. киритинам гадинам чакринам ча  
теджо-рашим сарвато диптимантам  
пашйами твам дурнирикийам самантад  
дипта-аларка-дйутим апрамейам

**Сендан таралаётган, кўзни қамаштиргудай кучли ёғду ловуллаб ёнаётган оловга, қуёшининг порлоқ нурига ўхшайди; бутун атрофни нурга тўлдириб, у Сени кўришимга халақит бeryпти. Лекин барибир, қаерга қарасам ҳам мен Сенинг тож кийган, қўлларига гурзи ва халқа ушлаган порлоқ қиёфани кўряпман.**

18. твам акшарам парамам ведитавйам  
твам асйа вишвасйа парам нидханам  
твам авйайах шашивата-дхарма-гопта  
санатанас твам пурушо мато ме

**Илм ўрганишининг олий мақсади - Сенсан. Бутун борлиқ Сенда мужассам. Сен туганмас ва энг қадимий Зотсан. Мангу дин(ий қонунлар) посбони, Худонинг Олий Шахси - Сенсан. Менинг фикрим шундай.**

19. анадид-мадхйантам ананта-вирйам  
ананта-б хум шаши-сурйа-нетрам  
пашйами твам дипта-хуташи-вактрам  
сва-таджаса вишвам идам тапантам

**Сенинг на бошланишинг, на ўртанг ва на охириг мавжуд эмас. Сенинг улугворлигинг чексиз. Сенинг сон-саноксиз қўлларинг бор, Қуёш ва Ой - Сенинг кўзларингдир. Мен Сенинг огзингдан уфураётган даҳшатли оловнинг Ўзингдан таралаётган ёғду ёритиб турган бутун борлиқни ёндириб юбораётганини кўряпман.**

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсининг олти соҳадаги баркамоллиги ҳақиқатан ҳам бениҳоя. Бу ерда Аржун биз аввал ҳам бир неча бор эшитган гапларни такрорляпти, аммо муқаддас китобларнинг тасдиқлашича, Кришнани таърифлашдаги такрор-такрор келадиган сифатларни ҳеч қачон муқаддас асарнинг камчилиги деб қабул қилмаслик керак. Айтишларига қараганда ҳайратга, таажжубга тушган ёки бирор нарсадан жуда қувониб кетган одам ҳаяжонланиб, бир гапни бир неча бор такрорлайди. Буни асло хатолик деб қабул қилмаслик керак.

20. *дйав а-притхивйор идам антарам хи  
вйаптам твайаикена дишаи ча сарвах  
дриштвадбхутам рупам уграм таведам  
лока-трайам правйатхитам махатман*

**Сен биттасан, аммо Ўзинг билан бутун осмону-фалакни, сайёра-ларни ва улар орасидаги бўйлиқни тўлдириб турибсан. Эй буюк Зот, бу мўъжизавий ва даҳшатли қиёфани кўриб, бутун олам аҳли саросимага тушяпти.**

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *дйав а-притхивйох*, яъни "Ерни жаннат сайёраларидан ажратиб турадиган фазо", *лока-трайам*, яъни "уч олам" сўзлари муҳим аҳамиятга эга. Улар шундан далолат берадики, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини фақат Аржун эмас, бошқа сайёраларнинг аҳолиси ҳам кўриб турган. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси Аржуннинг хаёлида пайдо бўлган сароб ёки алдамчи кўриниш эмасди. Парвардигор кимга илоҳий назар ато этган бўлса, уларнинг барчаси жанг майдонида Кришна намоён этган Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриб, томоша қилиб турарди.

21. *ами хи твам сура-сангха вишанти  
кечид бхитаҳ пранджалайо гринанти  
свастити уктава махарши-сиддха-сангхаҳ  
стуванти твам стутибхиҳ пушкалабхиҳ*

**Минг-минглаган фаришталар Сенинг олдинда бош эгиб, ичинга кириб кетяптилар. Улардан баъзилари рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан кўрққанидан қўл қовуштириб Сенга илтижо қилияптилар. Минглаб буюк донишмандлар ва баркамолликка эришган зотлар: "Тинчлик бўлсин!" - дея хитоб қилиб, ведавий мадҳияларни куйлаб, Сенга ялиняптилар.**

Изоҳ: Парвардигорнинг фазовий қиёфасини ва Унинг порлаган ёғдусини кўриб, жаннатий сайёраларда яшаётган барча фаришталар даҳшатга тушиб, ҳимоя истаб Парвардигорга илтижо қила бошладилар.

22. *рудрадитйа васаво йе ча садхйа  
вишве "швинау марутаи чошмаиши ча  
гандхарва-йакишасура-сиддха-сангха  
викшанте твам висмитаиш чаива сарве*

**Маъбуд Шиванинг барча кўринишлари, шунингдек Адитйалар, Васулар, Садхйалар, Вишвадевалар, Ашвиниларнинг иккиси, Марутлар, питалар, гандхарвалар, ракишаслар, асурлар ва баркамол-**

**ликка эришган фаришталар Сенга ҳайрат билан кўз тикиб турибдилар.**

23. рупам махат те баху-вактра-нетрам  
маха-бахо баху-бахуру-падам  
бахударам баху-дамитра-каралам  
дриштва локаҳ правйатхитас татхахам

**Эй кўллари қудратли Зот, Сенинг баҳайбат қиёфангни, Унинг сон-саноксиз юзларини, кўзларини, кўлларини, оёқларини, сонларини, қоринларини ва даҳшатли тишларини кўриб, барча сайёралар ва уларда яшайдиган фаришталар саросимага тушыяптилар. Улар билан бирга мени ҳам даҳшатли кўрқув қамраб оляпти.**

24. набхаҳ-спришам диптам анека-варнам  
вйаттананам дипта-вишала-нетрам  
дриштва хи твам правйатхитантар-атма  
дхритим навиндами шамам ча вишно

**Эй, ҳамма жойни қамраб олган Вишну, Сенинг турли рангларда жишоланиб кўзни қамаштираётган, бошлари осмонга тегиб турган қиёфангга қараб туриб, очиқ оғизларингни ва порлаб турган катта-катта кўзларингни кўриб мен ўзимни йўқотиб, даҳшатдан титраб кетялман.**

25. дамитра-каралани ча те мукхани  
дриштвайва каланала-саннибхани  
дишо на джане на лабхе ча шарма  
прасида девеша джаган-ниваса

**Эй худолар Худоси, эй Олампаноҳ, менга раҳм-шафқат қил! Сенинг ёрқин нур таратиб турган ҳалокатли юзларингни ва кўрқинчли тишларингни кўриб саросимага тушыялман. Мен қайёққа қарасам ҳам ақлим безовта бўлиб, ўзимни кўярга жой тополмай қолялман.**

26-27. ами ча твам дхритараитрасйа путраҳ  
сарве сахайвавани-пала-сангхаиҳ  
бхишмо дронаҳ сута-путрас татхасау  
сахасмадийаир апи йодха-мукхйаиҳ  
вактрани те тварамана вишанти  
дамитра-каралани бхайанакани

*кечид вилагна дашанантарешу  
сандришийанте чурнитаир уттамангаиҳ*

***Мен, Дхритараитранинг барча ўгиллари ва улар тарафда турган шохларнинг барчаси - Бҳишма, Дрона, Карна, ҳатто бизнинг лашкарбошиларимиз ҳам, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Сенинг очиқ турган даҳшатли оғизларингга интилаётганини, уларнинг баъзиларининг каллалари янчилиб, тишларинг орасига тиқилиб қолаётганини кўряпман.***

Изоҳ: Аввал Парвардигор Аржунга уни ҳайратга туширадиган ғаройиб илоҳий манзара кўрсатишни ваъда берган эди. Мана энди Аржун душман лашкарбошиларининг ҳалокатини, шунингдек душман томондаги ҳамда ўз кўшинидаги жангчиларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳалок бўлаётганини кўриб турибди. Бу манзара Курукшетра жанггоҳида тўпланган барча жангчилар ҳалокатга учрашидан, Аржуннинг муқаррар ғалабасидан дарак бериб турарди. Бу ерда шу гап ҳам айтилганки, "ҳеч қачон енгилмас" деб ном олган Бҳишма ҳам жанг майдонида ҳалок бўлади. Карнанинг қисмати ҳам шундай. Бўлажак жангда, нафақат Курулар тарафида туриб жанг қилаётган буюк жангчилар, ҳатто Аржуннинг кўшинидаги баъзи буюк саркардаларнинг тақдирига ҳам жанг майдонида ҳалок бўлиш ёзилган эди.

28. *йатха надинам бахаво “мбу-вегаҳ  
самудрам эвабхимукха драванти  
татха тавами нара-лока-вира  
вишанти вактранй абхивиджваланти*

***Худди Океанга бориб қўшиладиган дарёлар сувига ўхшаб, барча буюк жангчилар Сенинг ловуллаб ёниб турган оғизларингда йўқолиб кетяптилар.***

29. *йатха прадиптам джаваланам  
патанга вишанти нашайа самриддха-вегаҳ  
татхаива нашайа вишанти локас  
тавапи вактрани самриддха-вегаҳ*

***Худди ўзларини оловга ураётган парвоналарга ўхшаб, одамларнинг ҳаммаси шиддат билан Сенинг очиқ оғизларингга кириб бораётганини кўряпман.***

30. *лелихйасе грасаманаҳ самантал  
локан самагран ваданаир джваладбхиҳ  
теджобхир апурия джагат самаграм*



*бхасас тавограҳ пратапанти вишино*

***О Вишну, Сен ҳар тарафдан олов уфуриб турган оғизларингга кириб йўқолиб кетаётган одамларни ютиб юбораётганингни кўряпман. Бутун борлиқни порлоқ нурларинг билан билан ёритиб, Сен ҳар тарафга кўрқинчли, куйдирувчи ёғду таратиб турибсан.***

*31. акхйахи ме ко бхаван угра-рупо  
намо “сту те дева-вара прасида  
виджнатум иччхами бхавантам  
адйам на хи праджанами тава правриттим*

***Эй ҳайбати билан даҳшатга соладиган худолар Худоси, менга айт - Сен Кимсан? Олдингда бош эгиб сажда қилаётган менга раҳм-шафқат қил! Сен азалий Парвардигорсан, мен Сенинг кимлигингни, бу дунёга нима мақсадда келганингни билишни истайман.***

*32. ири бхагаван увача  
кало “сми лока-кшайа-крит правриддхо  
локан самахартум иха правриттах  
рите “ни твам на бхавишийанти сарве  
йе “вастхитаҳ пратйаникешу йодхаҳ*

***Худонинг Олий Шахси деди: Мен - оламларни яксон қилувчи, барча тирик мавжудотларга ҳалокат келтирувчи буюк Замонман. Бу икки қўшин сафида турган жангчиларнинг сиз(Пандузода)лардан бошқа барчаси урушда ҳалок бўладилар.***

Изоҳ: Гарчи Аржун Кришна - ўзининг дўсти ва Худонинг Олий Шахси эканини билса ҳам, Унинг сон-саноксиз киёфаларини кўргандан кейин барибир қаттиқ ҳайратга тушганди. Шунинг учун у Кришнадан бу ҳалокат келтирувчи мўъжизавий кучнинг, илохий кудратнинг ҳақиқий вазифаси нимадан иборат эканини сўраяпти. Ведаларда айтилганки, Олий Ҳақиқат ҳатто браҳманларга ҳам раҳм қилмасдан бутун борлиқни яксон қилади. "Катха-упанишад" (1.2.25):

*йасйа Браҳма ча кшатрим ча бхе бхавата оданаҳ  
мритйур йасйопасечанам ка иттха веда йатра саҳ*

“Вақти келиб браҳманлар, кшатрийлар ва бошқаларни Парвардигор Ўз домига ютиб юборади. Парвардигорнинг тўймас фазовий киёфаси бу дунёдаги ҳамма нарсани ютиб юборадиган баҳайбат махлуққа ўхшайди”.

Кришна бу ерда Ўзини барча тирик мавжудотларга ҳалокат келтирувчи

Замон деб атайди. Бир неча пандузодалардан бошқа жанг майдонида тўпланганларнинг ҳаммаси Унинг тўймас оғизларига кириб яксон бўладилар.

Аржун бу урушни истамаган ва уруш оқибатида келиши муқаррар бўлган оғир мусибатдан қочиб, жангда қатнашишдан бош тортишга уринган эди. Бунга жавобан Парвардигор айтяптики, агар ҳатто у жангда қатнашмаса ҳам, барибир бу ерга тўпланган жангчиларнинг ҳаммаси ҳалок бўладилар, чунки Унинг хоҳиш-иродаси шундай. Агар уларни Аржун ўлдирмаса, албатта бошқа биров ўлдиради. Ҳатто жанг қилишдан бош тортса ҳам Аржун уларни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қололмайди. Аслини олганда уларнинг барчаси аллақачон ўлиб бўлган. Замон - ҳамма нарсани яксон қилувчи энг буюк қудратдир, Худонинг хоҳиши билан бутун борлиқ вақти келиб эртами-кечми барибир емирилиб, яксон бўлади. Бу ўткинчи дунёда табиат қонуни шундай.

*33. тасмат твам уттиштха йашо лабхасва  
джитва шатрун бхункива раджейам самриддхам  
майаиваите нихатаҳ пурвам эва  
нимитта-матрам бхава савйя-сачин*

***Қаддингни ростла, эй Аржун! Жангга ҳозирлан ва шон-шухрат қозон! Душманинг устидан ғалаба қозониб, гуллаб-яшнаётган салтанатга ҳукмрон бўлиб, шоҳона ҳаёт лаззатини сур! Мен уларнинг ҳаммасини аллақачон ўлимга маҳқум этганман, эй Савйя-сачи, бу жангда сен шунчаки Менинг қўлимда қурол бўласан!***

***Изоҳ:*** *Савйя-сачин* ибораси "Камон ишлатишни мукамал биладиган зот" деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Аржунга камонидан отилган пайконлар ҳамиша душманига беҳато бориб тегадиган моҳир жангчи сифатида мурожаат қиляпти. *Нимитта-матрам:* "Менинг қўлимда шунчаки қурол бўл!" Бу сўзлар ҳам жуда чуқур маънога эга. Оламдаги ҳамма воқеа-ҳодисалар Парвардигорнинг амри билан рўй беради. Фақат нодон ва ғофил одамларгина "оламдаги воқеалар ўз-ўзидан, тасодифан рўй беради", "оламда ҳамма нарса ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлган" деб ўйлаши мумкин. Ўзларини "олим" деб ҳисоблайдиган жуда кўп калтафаҳм одамлар оламнинг яралишини тушунтиришга уриниб, ҳар хил тахмин ва гипотезалар ўйлаб топадилар. Аммо, табиатда ҳеч қандай тахминларга мутлақо ўрин йўқ. Моддий оламда рўй бериб турган ҳамма воқеа-ҳодисалар маълум қонун, маълум бир аниқ режа асосида рўй беради. Буни қандай тушуниш керак? Моддий олам шартланган руҳларнинг ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боришига имкон бериш мақсадида яратилган. Токи тирик мавжудотнинг қалбида, уни моддий лаззатларга интилишга мажбур қиладиган атрофидагиларга ҳукмронлик қилиш истаги сақланиб қолар экан, у мана шу шартланган ҳолатда қолишга маҳқумдир. Аммо, Худонинг хоҳиш-иродасини тушуниб

етган, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга эришган омадли киши одамлар орасида энг доно инсон ҳисобланади. Моддий олам Парвардигорнинг хоҳиш-иродаси билан, Унинг назорати остида яратилади ва яқсон қилинади. Курукшетрадаги жанг ҳам Парвардигорнинг режаларининг бир қисми, холос. Аржун бу жангда иштирок этишни истамаган эди, лекин Парвардигор унга албатта жанг қилиши лозимлигини, Унинг хоҳиши, иродаси шундай эканини айтяпти. Шундагина Аржун бахтиёр бўлиши мумкин. Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган ва ҳаётини Худога хизмат қилишга бутунлай бағишлаган киши албатта руҳий баркамолликка эришади.

*34. дронам ча “бхишмам ча джайадратхам ча  
карнам татханйан апи йодха-виран  
майа хатамс твам джахи ма вйатхиштха  
йудхйасва джетаси ране сапатнан*

***Дрона, Бҳишма, Жайадратха, Карна ва бошқа буюк жангчиларни Мен аллақачон яқсон қилганман. Шу боис уларни ўлдир ва ҳеч нарсадан ташвишланма. Жанг қил, сен жангда барча рақибларингни мағлуб қилсан.***

Изоҳ: Ҳар қандай режани Парвардигорнинг Ўзи амалга оширади, аммо У Ўзининг содиқ хизматкорларига жуда меҳрибон бўлгани учун бу дунёдаги ҳар қандай шон-шухрат ва олқишлар Худонинг хоҳиш-иродасини амалга ошириб, Унинг режаларини ижро этадиган Худонинг содиқ хизматкорларига бўлишини истайди. Шунинг учун бизларнинг ҳар биримиз ҳозирги ҳаётимизда ҳамиша Кришнани эслаб, руҳий устоз ёрдамида Худонинг Олий Шахсини, Унинг бу дунёдаги хоҳиш-иродасини чуқурроқ англаб олишга интилиб яшашимиз лозим. Парвардигорнинг режаларини фақат Унинг Ўзининг марҳамати билангина билиб олиш мумкин, аммо Худонинг содиқ хизматкорларининг режалари Парвардигорнинг режаларидан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳар биримиз ана шу режаларни амалга оширишга ҳаракат қилишимиз, шу тарзда ҳақиқий илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш учун курашда ғалаба қозонишимиз лозим.

*35. санджайа увача  
этач чхрутва вачанам кешавасйа  
кританджалир вепаманаҳ кирити  
намаскритва бхуйа эваха кришнам  
са-гадгадам бхита-бхитаҳ пранамйа*

***Санджай деди: Эй шаҳаншоҳ, Кришнанинг бу гапларини эшитиб, Аржун даҳшатдан вужуди титраб, қўлларини қовуштириб, илтижо билан Парвардигорга такрор ва такрор сажда қила бошла-***

## ***ди. У овози бўғилиб гапира бошлади.***

Изоҳ: Аввал айтилганидай, Худонинг Олий Шахсининг фазовий қиёфасини кўриб Аржун хайратга тушиб кўрқиб кетган эди. У такрор ва такрор Парвардигорга сажда қилиб, ҳаяжондан титраган овоз билан илтижо қила бошлади. Энди у Кришнага оддий дўст бўлиб эмас, балки Парвардигорнинг буюклигидан хайратга тушган содиқ хизматкор сифатида мурожаат қияпти.

### *36. арджуна увача*

*стхане хришикеша тава пракиртйя  
джагат прахришийатй анурадждйате ча  
ракшамси бхитани дишо драванти  
сарве намасйанти ча сиддха-сангхах*

***Аржун деди: Эй ҳиссиётлар султони, Сенинг номинг товушини эшитганда бутун олам яйраб кетади, унинг товушлари бутун олам аҳлини Сенга қаратади. Улар орасида баркамолликка эришган зотлар Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгадилар, фақат иблисларгина даҳшатга тушиб ҳар тарафга қочиб кетадилар. Аслида, шундай бўлиши керак.***

Изоҳ: Кришнадан бўлажак жанг натижаси ҳақида эшитган Аржуннинг кўзлари очилди, Худонинг Олий Шахсининг буюк содиғи ва яқин дўсти бўла туриб, у Кришна қилаётган ишларнинг барчаси адолатдан, деб айтяпти. Кришнасодиқлар учун табаррук Зот, ишончли посбон, нопок одамлар учун эса - даҳшат манбаи эканини у ҳам тасдиқляпти. Худонинг ишлари ҳар икки тоифадаги одамлар учун ҳам бахт-саодат келтиради. Курукшетрадаги жангда Парвардигор Кришнанинг Ўзи иштирок этаётгани сабабли, жанг пайтида жуда кўп фаришталар, сиддхилар ва коинотнинг ҳар хил сайёраларида яшайдиган олий даражада камолотга эришган тирик мавжудотлар жанг тафсилотларини кузатиб турганини Аржун тушунди. Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини томоша қилаётганида бу ғаройиб манзарани фаришталар ҳам томоша қилиб тургандилар. Лекин, содиқларнинг ҳамду-санолар айтиб, Парвардигорни олқишлашларига иблис ва даҳрийлар чидаб туролмайдилар. Улар ҳар бир тирик мавжудотга ҳалокат олиб келувчи Замон қиёфасидаги Парвардигорнинг олдида даҳшатга тушиб, ҳар тарафга қочиб кетадилар. Шунинг учун бу ерда Аржун содиқларнинг ва имонсиз даҳрийларнинг Кришна билан ўзаро муносабатини олқишляпти. Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша Парвардигорни олқишлайди, чунки Худонинг қилаётган ҳар бир иши, албатта ҳаммага яхшилик, бахт-саодат келтиришини аниқ билади.

### *37. касмач ча те на намеран махатман гарийасе Браҳмано “пй ади-картре*

*ананта девеша джаган-ниваса твам  
акшарам сад-асат тат-парам йат*

***Улуғворликда ҳатто Браҳмадан ҳам устун бўлган эй буюк Зот, азалий яратувчи - Сенсан. Нега энди улар Сенинг олдинда бош эгмасинлар? Эй бепоен Зот, эй худолар Худоси, эй Олампадох! Сен - туганмас манба, барча сабаблар сабабчиси, моддий оламдан ташқарида, унга мансуб бўлмаган илоҳий Зотсан!***

Изоҳ: Кришнанинг олдида бош эгиб турган ҳолда Аржун айтяптики, Кришна - ҳамма сиғиниши лозим бўлган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси. У - ҳамма жойда мавжуд, У - барча руҳларнинг Олий Руҳи. Аржун Кришна энг Олий Руҳ эканини, айна пайтда Унинг чексиз улуғворлигини назарда тутиб, Уни *махатма* деб атаяпти. *ананта* ибораси шуни билдирадики, Парвардигорнинг ҳукми ҳамма жойда ўз кучини бирдай намоён этади, *девеша* ибораси эса У - барча фаришталарнинг Ҳукмдори эканини, уларнинг барчасидан ҳам устун туришини билдиради. У - бутун борлиқни Ўзида мужассам қилган макон, олампадох. Камолотга эришган барча тирик мавжудотларнинг, ҳатто қудратли фаришталарнинг Кришнага эҳтиром билан сажда қилишларини ҳам Аржун адолатдан деб топди, чунки бутун борлиқда ягона Парвардигордан, Худонинг Олий Шахси Кришнадан қудратлироқ зот мавжуд эмас. Аржун, Кришна ҳатто Тангри Браҳмадан ҳам буюк эканини алоҳида таъкидлаб, Кришна Браҳманинг яратувчиси эканини айтиб ўтади. Браҳма Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан бири бўлган Гарбходакашайи-Вишнунинг киндигидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан дунёга келган. Шу боис Тангри Браҳма ҳам, ундан пайдо бўлган Тангри Шива ва бошқа фаришталар ҳам Парвардигор Кришнага сиғинишлари лозим. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, Худо Шахси Кришнага Тангри Браҳма, Шива ва бошқа фаришталар сиғинадилар. Бу ерда ишлатилган *акшарам* ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга: у моддий олам яксон бўлишга маҳкум эканини ва Парвардигор ундан ташқарида эканини кўрсатади. У - барча сабаблар сабабчиси, шунинг учун моддий оламдаги барча шартланган руҳлардан, ҳатто моддий оламнинг ўзидан ҳам устун туради. Шу боис Кришна - ҳар нарсага кодир бўлган қудратли, ягона Парвардигордир.

*38. твам ади-деваҳ пурушаҳ пуранас  
твам асйа вишвасйа парам нидханам  
веттаси ведйам ча парам ча дхама  
твайя татам вишвам аната-рупа*

***Сен - энг қадимий, бутун борлиқнинг охирги макони бўлган азалий Парвардигорсан. Сен ҳамма нарсани мукамал биласан ва ҳамма Сени англашга интилади. Сен - моддий сифатлардан устун тура-***

***диган Олий Даргоҳсан. Эй бепоеън Зот! Сен намоён бўлган бутун борлиққа сингиб, уни қамраб олгансан!***

Изоҳ: Бутун борлиқ Худонинг Олий Шахсида мужассам, шу боис Парвардигор бутун борлиқнинг нажот макони, Олампаоҳдир. *Нидханам* ибораси Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна бутун борлиқнинг, ҳатто Браҳмандан таралаётган руҳий нур - Браҳмаджджйотининг ҳам манбаи, асоси эканини билдиради. У оламда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисани билади, агар илмнинг қандайдир чегараси бўлса, ана шу чегара - Парвардигор, Кришна. Шунинг учун У - ҳам ўрганилган, ҳам ўрганилаётган Зотдир. У - ўрганиш керак бўлган Зот, чунки ҳамма жойда намоён, руҳий олам мавжудлигининг сабабчиси бўлган ҳолда, У - илоҳий(трансцендент) табиатли ва бу моддий оламга мансуб эмас. Бунинг устига У руҳий оламнинг ягона Хукмдори дир.

*39. вайур йамо “гнир варунаҳ шашанкаҳ  
праджапатис твам прапитамахаши ча  
намо намас те “сту сахасра-критваҳ  
пунаш ча бхуйо “пи намо намас те*

***Ҳаво ҳам, Олий Хукмдор ҳам - Ўзингсан! Олов ҳам, сув ҳам, Ой ҳам - Сенсан! Коинотдаги биринчи мавжудот Браҳма - Сенсан, Сен - барча мавжудотларнинг бобокалонисан. Шу боис мен Сенинг олдингда такрор ва такрор, чексиз ва бетиним сажда қиламан!***

Изоҳ: Аржун бу ерда Парвардигорни "ҳаво" деб тан олади, чунки ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳаво бу оламда энг асосий унсур бўлиб, уни энг асосий фаришта бошқариб туради. Аржун Кришнани "бобокалон" деб атапти, чунки У - коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган Тангри Браҳманинг отаси.

*40. намаҳ пурастад атха приштхатас  
те намо “сту те сарвата эва сарва  
ананта-вирйамита-викрамас твам  
сарвам самапноши тато “си сарваҳ*

***Мен Сенга ҳам олдиндан, ҳам орқандан - ҳар тарафдан сажда қиламан! Эй чексиз қудрат хукмдори, эй энгилмас Куч! Сен ҳамма жойни қамраб олгансан, шу боис ҳамма нарса - Сен Ўзингсан!***

Изоҳ: Кришнага нисбатан қалбида пайдо бўлган жазавали илоҳий муҳаббат таъсири остида Аржун Унга ҳар тарафдан таъзим қиляпти. Аржун Кришнанинг барча қудратларнинг қудратли Хукмдори эканини ва шу боис жанг майдонида тўпланган барча жангчилардан анча қудратли эканини тан оляпти. "Вишну-пурана"да (1.9.69) шундай дейилган:

*йо "йам тавагато дева самипам девата-ганаҳ  
са твам эва джагат-срашта йатаҳ сарва-гато бхаван*

"Эй Худонинг Олий Шахси, Сенинг қаршингда турган ҳар бир тирик мавжудотни, ҳатто у фаришта бўлса ҳам, Сенинг Ўзинг яратгансан!"

*41-42. сакхети матва прасабхам йад уктама  
хе кришна хе йадава хе сакхети  
аджаната махима нам таведам  
майо прамадат пранайена вапи  
йач чавахасартхам асат-крито "си  
вихара-шаййасана-бходжанешу  
эко "тха вапй ачйута тат-самакиам  
тат кишамайе твам ахам апрамейам*

***Сени ўзимнинг дўстим деб ўйлаб, бунчалик улуғворлигингни билмай, авваллари Сени менсимасдан: "Ҳой Кришна!" "Ҳой Йадава!" "Ҳой дўстим!" - деб чақирардим. Илтимос, Сени севганимдан қилган бундай ножўя ишларимнинг ҳаммаси учун мени кечир. Бўш вақтларда бирга ўтирганимизда ёки бирга овқатланганимизда, баъзан ёлғиз, баъзан дўстларимиз даврасида мен ҳазиллашиб Сенга бир неча марта ҳурматсизлик қилганман. Эй беғуноҳ Зот, ана шу ўзбошимчаликларим учун мен Сендан узр сўрайман.***

Изоҳ: Кришна Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этган бўлишига карамай, Аржун уларни боғлаб турган аввалги дўстлик ришталарини эслаб қолган, шунинг учун Унга нисбатан авваллари қилган ҳар хил ножўя муносабатлари учун Ундан кечирим сўраяпти. Гарчи, авваллари Кришна яқин дўсти сифатида Аржунга Ўзининг фазовий қиёфаси ҳақида гапирган бўлса ҳам, Аржун Унинг ҳақиқатан ҳам фазовий қиёфага кира олишини тасаввур ҳам қилмаганини тан оляпти. Аржун Кришнанинг қанчалик буюк эканини билмасдан, ҳатто неча марта Унга: "Ҳой дўстим!" "Ҳой Йадава!" "Ҳой Кришна!" - деб мурожаат қилганини ҳам билмайди. Лекин, Кришнашу қадар меҳрибон ва кечиримлики, Ўзи чексиз буюк бўлса ҳам, Аржуннинг бундай одатларига эътибор бермай, уни Ўзининг энг яқин дўсти деб билади. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкорларини боғлаб турадиган мангу руҳий, илоҳий муҳаббат ришталари ана шундай. Тирик мавжудотни Парвардигор билан мангу илиқ муносабатлар риштаси боғлаб туради, уларни ҳеч қачон бутунлай унутиб бўлмайди, буни Аржун билан Кришна мисолида ҳам кўриш мумкин. Аржунга Кришнанинг фазовий қиёфасининг улуғворлиги намоён бўлганда ҳам у ўзининг Кришна билан бўлган азалий мангу муносабатларини унутиб юборгани йўқ.

43. *титаси локасйа чарачарасйа*

*твам асйа нуджейаш ча гурур гарийан  
на твам-само “стй абхйадхиках куте” нйо  
лока-трайе “нй апратима-прабхава*

**Сен - бутун моддий оламнинг, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг отасисан. Сен улар учун - муқаддас саждагоҳ ва ҳукмдор, раҳбар ва руҳий устозсан. Ҳеч бир тирик мавжудот Сенга тенглаша олмайди ёки Сенинг ўрнингни эгаллай олмайди. Эй чексиз қудрат соҳиби, бутун уч оламда Сендан буюкроқ Зот борми?**

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси Кришнани, худди фарзанд отасини хурмат қилгандай эъозлаш керак. У азалий бошланғич руҳий устоз, чунки яратиш аввалида Тангри Браҳмага Ведавий донишмандлик илмини Унинг Ўзи аён этган эди, ҳозир эса У Аржунга "Бҳагавад-Гита" илмини ошкор этипти. Шунинг учун Кришна азалий, бошланғич руҳий устоз, гуру. Ҳозирги даврда ҳам ҳақиқий руҳий устоз, албатта Кришнанинг Ўзидан бошланган ана шу руҳий устозлар силсиласида турган бўлиши лозим. Кришнанинг вакили бўлмай туриб руҳий устоз бўлиш ва бошқаларга илоҳий илмдан дарс бериш асло мумкин эмас.

Тирик мавжудотлар чуқур эҳтиром билан Парвардигорга сажда қиладилар. Парвардигорнинг улуғворлиги чексиз. Бутун борликда Худонинг Олий Шахси Кришнадан улуғроқ, буюкроқ зот йўқ, чунки на моддий оламда, на руҳий оламда Кришнадан устун бўлиш у ёқда турсин, ҳатто У билан тенглаша оладиган бирор тирик жонзот мавжуд эмас. Барча тирик мавжудотлар Унга бўйсундилар, ҳеч қачон Ундан буюкроқ бўла олмайдилар. Бу ҳақда "Шветашватара-упанишад"да шундай дейилган:(6.8)

*на тасйа карйам каранам ча видйате  
на тат-самаш чабхйадхикаш ча дришйате*

Парвардигорнинг ҳам, оддий одамларники сингари танаси ва ҳиссиёти бор, лекин Унинг ҳиссиёти, Унинг танаси, Унинг ақли ва Унинг Ўзи бир-бирдан фарқ қилмайди. Кришнанинг буюклигини тушунмайдиган нодонлар "Кришна Ўзининг руҳидан, ақлидан, қалбидан, бошқа нарсаларидан фарқ қилади" деб биладилар. Кришна мутлақ табиатга эга, шунинг учун Унинг кароматлари ва Унинг қувватлари бу оламдаги ҳамма нарсдан устун туради. Яна муқаддас китобларда айтилганки, гарчи Унинг ҳиссиёти бизларникидан фарқ қилса ҳам, У барча сезиш қобилиятларига мукамал даражада эга, Унинг сезгилари ҳеч қандай чегара билмайди ва мукамал. Унга тенг келадиган ва Ундан буюкроқ бўлган зот йўқ - барча тирик мавжудотлар Ундан пастда.



Парвардигорнинг илми, қудрати ва кароматлари бутунлай руҳий табиатга эга. Бу ҳақда "Бҳагавад-Гита"да шундай дейилган(4.9):

*джанма карма ча ме дивйам эвам йо ветти таттватах  
тйактва дехам пунар джанма найти мам эти со "рджуна*

"Менинг бу дунёга келишим ва бу ерда кўрсатган кароматларимнинг илоҳий табиатини англаб етган киши бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди. Танасини тарк этгандан кейин, у Менинг мангу даргоҳимга қайтиб келади, эй Аржун".

Шу боис, Кришнанинг кароматлари оддий одамнинг қилаётган ишларига нисбатан бутунлай бошқача бўлган руҳий, илоҳий табиатга эга эканини ҳамиша эсда тутиш керак. Яхшиси - ҳамиша Кришнанинг кўрсатмаларига амал қилиб юриш лозим: бу бизнинг руҳий камолотга эришишимиз гарови бўлади. Яна айтилганки, Кришнанинг хўжайини, эгаси йўқ, Унинг Ўзи ягона Ҳукмдор ва барча тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир. Бу фикр "Чайтанья-Чаритамрита"да шундай тасдиқланган (Ади.5.142): *экале ишвара кришна, ара сабабхритйа*. Фақат Кришна - ягона Парвардигор, қолган барча тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир. Ҳамма Унинг амрига бўйсунди, ҳеч ким Унинг иродасига қарши чиқолмайди. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор яратиб қўйган маълум шарт-шароитга мос равишда ҳаракат қилади, чунки бутунлай Унинг ҳукми остида бўлади. "Брахма-самхита"да айтилганидай, У - барча сабабларнинг бошланғич сабабчисидир.

*44. тасмат пранамйа пранидхайа кайам  
прасадайе твам ахам ишам идйам  
питева путрасьяа сакхева сакхйух  
прийах прийайархаси дева содхум*

***Сен - ҳамма сизиниши лозим бўлган ягона Парвардигорсан. Шу боис мен Сенинг олдинда узала тушиб, раҳм-шафқат қилишингни тилаб Сенга илтижо қиламан. Отаси ўглининг эркаликларига, дўст - дўстининг ҳурматсизлигига, эри суюкли хотинининг инжиқликларига сабр билан чидагани сингари, Сен ҳам менинг барча хато ва ҳақоратларим учун мени кечир!***

Изоҳ: Кришнани Унинг содиқлари билан ҳар хил илоҳий муносабатлар боғлаб туради: бировлар Унга ўзининг ўғлидай боғланади, яна бировлар Унинг севгилиси сифатида, бировлар дўсти ёки хўжайини сифатида Кришна билан ўзаро муносабатда бўладилар. Кришна билан Аржунни қалин дўстлик ришталари боғлаб турибди. Худди отаси ўғлига нисбатан, эри - суюкли хотинига нисбатан, хўжайин - хизматкорига нисбатан кечиримли бўлгани сингари, Кришна ҳам Ўзининг содиқларига нисбатан ҳамиша марҳаматли,

мехрибон.

*45. адришта-пурвам хришито “сми дриштва  
бхайена ча правъятхитам mano ме  
тад эва ме даршайа дева рупам  
прасида девеша-джаган-ниваса*

***Аввал ҳеч қачон кўрмаган фазовий қиёфангни кўриб, қалбим  
қувончга тўлди, аммо ақлимни кўркув қамраб олган. Шу боис, эй  
хукмдорлар Хукмдори, эй Олампадох, илтимос менга яна  
Ўзининг азалий Худо Шахси кўринишидаги қиёфангни намоён  
эт!***

Изоҳ: Аржун - Кришнанинг дўсти бўлгани учун, дўст хамиша дўстининг бойлигидан, кудратидан мағрурланганидай, Аржун ҳам бу ерда ўзининг яқин дўсти Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканидан, унга Ўзининг ғаройиб фазовий қиёфасини намоён эта олганидан хурсанд бўляпти. Лекин, айти пайтда фазовий қиёфанинг кўриниши уни даҳшатга соляпти, шунинг учун у ўзининг Кришнага бўлган муҳаббати туфайли, авваллари Уни оддий дўсти сифатида кўп ҳақорат қилиб қўйганини эслаяпти. Шундан ҳозир унинг ақли бироз хавотирланган. Гарчи даҳшатга тушиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, у кўрқиб кетяпти. Шунинг учун Аржун Кришнадан тўрт қўлли Нарайана қиёфасида намоён бўлишини илтимос қиляпти, чунки у Кришнанинг ҳар қандай қиёфага кира олишини яхши билади. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси ҳам бу моддий олам сингари моддий табиатга эга ва ўткинчи. Лекин, Вайкунтха сайёраларида Шри Кришна Ўзининг рухий қиёфаларида - тўрт қўлли Нарайана кўринишида мангу яшайди. Кришна Ўзининг ҳар хил номлар билан аталадиган тўла намоён бўлган турли қиёфаларида рухий оламнинг сон-саноксиз сайёраларида яшайди. Шундай қилиб, Аржун Кришнани Унинг рухий оламда мавжуд бўлган мангу қиёфаларидан бирида кўришни истаяпти. Парвардигор тўрт қўлли Нарайана қиёфасида рухий оламнинг ҳар бир сайёрасида яшайди, аммо бу қиёфалар Унинг тўрт қўлига ушлаган нарсаларининг - сур, гурзи, нилуфар гули ва халқанинг жойлашиш тартиби билан бир-биридан фарқ қилади. Нарайананинг қўлларида ана шу нарсаларнинг жойлашиш тартибига қараб, Уни ҳар хил номлар билан атайдилар. Бу қиёфаларнинг барчаси Кришнадан фарқ қилмайди, шунинг учун Аржун Кришнадан тўрт қўлли Вишну қиёфасида намоён бўлишни илтимос қиляпти.

*46. киритинам гадинам чакра-хастам  
иччхами твам драштум ахам татхаива  
тенаива рупена чатур-бхуджсена  
сахасра-бахо бхава вишва-мурте*

***Эй фазовий қиёфадаги Зот, эй минг қўлли Парвардигор, мен Сени бошига тож кийган, қўлларига гурзи, халқа, сур ва нилуфар гули ушлаган тўрт қўлли қиёфада кўришни истайман. Мен Сени яна шу қиёфада кўришга муштоқман.***

Изоҳ: "Брахма-самхита"да (5.39) шундай дейилган: *рамади-муртишу кала-нийамена тиштхан*. Парвардигор юзлаган, минглаган мангу кўринишларда мавжуд, уларнинг энг асосийлари Рама, Нрисимха, Нарайана ва хоказо. Бундай қиёфаларнинг сон-саногі йўқ. Аржун билардики, Кришна - вақтинча фазовий қиёфага кирган азалий Худо Шахси, ягона Парвардигор. Лекин, ҳозир Аржун Ундан яна Ўзининг руҳий қиёфасида, Нарайана кўринишида намоён бўлишни илтимос қиляпти. Бу шеър "Шримад Бхагаватам"да айтилган қуйидаги ҳақиқатни тўла тасдиқлайди ва фаросатли одамнинг қалбида ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди: "Кришна - азалий Худо Шахси ва Парвардигорнинг бошқа барча қиёфаларининг манбаидир". Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан фарқ қилмаган ҳолда, У Ўзининг сон-саноксиз барча қиёфаларида ҳам ягона Парвардигор бўлиб қолаверади. Шу қиёфаларнинг барчасида У - чиройли ўспирин кўринишида. Мана шу Парвардигорнинг мангу ўзгармас қиёфасидир. Кришнани тўла англаб етган киши шу заҳотиёқ моддий оламнинг барча иллатларидан бутунлай покланади.

*47. шри бхагаван увача  
маиа прасаннена таварджунедам  
рупам парам даршитама атма-йогат  
теджо-майам вишвам анантам адйам  
йан ме твад-анйена на дришта-пурвам*

***Худонинг Олий Шахси деди: - Эй Аржун, Мен ички қувватим ёрдамида сенга мана шу улугвор, фазовий қиёфамни намоён этганимдан хурсандман. Мен моддий оламда мана шу қиёфада намоён бўламан. Сендан аввал ҳеч ким, ҳеч қачон Менинг порлоқ ёғду тартиб турган бу қадимий, бепоён фазовий қиёфамни кўрган эмас.***

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришни истади. Аржунга нисбатан бўлган марҳамати чексиз бўлганидан Кришна унга Ўзининг порлоқ ва улугвор фазовий қиёфасини намоён этди. Парвардигорнинг Куёшдай порлаб турган бу қиёфаси Ўзининг ҳар хил сиймоларини шиддат билан ўзгартириб турарди. Фақат дўстининг истагини бажариш учунгина Кришна бу қиёфани унга намоён этганди. Шри Кришна бу қиёфани Ўзининг инсон тафаккури англаб ета олмайдиган ички қуввати ёрдамида намоён этди. Аржунгача ҳеч ким, ҳеч қачон Парвардигорнинг мана шу фазовий қиёфасини кўрган эмас, лекин Кришна Аржунга бу қиёфани намоён этганида, уни Парвардигорнинг жаннатий сайёраларда ва

коинотнинг бошқа олий сайёраларида яшайдиган содиклари ҳам кўришга муяссар бўлдилар. Аржуннинг шарофати билан улар ҳам аввал ҳеч ким кўрмаган бу ғаройиботни томоша қилишга муваффақ бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришна марҳамат қилиб Аржунга кўрсатган бу фазовий қиёфани шогирдлар силсиласида турган содикларнинг барчаси кўришга муяссар бўлдилар. "Бхагавад-Гита"га ёзилган изоҳларнинг бирида айтилишича, Кришна Ўзининг ана шундай фазовий қиёфасини тинчлик элчиси бўлиб борганида Дурйодхоннинг кўзи олдида ҳам намоён қилган. Бахтга қарши Дурйодхон Кришнанинг тинчлик ўрнатиш мақсадида ўртага ташлаган таклифларини қабул қилмади, шунда Кришна унга Ўзининг бир неча фазовий қиёфасини намоёиш этди. Аммо, бу қиёфалар ҳозир Унинг Аржунга намоён этган қиёфасидан фарқ қилади. Бу ерда аниқ айтилганки, мазкур қиёфани Аржунгача ҳеч ким, ҳеч қачон кўрган эмас.

*48. на веда-йаджнадхйайанаир на данаир  
на ча крийабхир на тапобхир уграиҳ  
эвам-рупах шакйа ахам нри-локе  
драштум твад-анийена куру-правира*

***Эй Куру жангчилари аълоси, аввал ҳеч ким, ҳеч қачон бу қиёфани кўрган эмас, чунки Менинг моддий оламда намоён бўлиб турган бу қиёфамни Ведаларни ўрганиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, садақа улашиш, эзгу ишлар қилиш ёки қаттиқ риёзатга берилиш орқали кўришнинг илоҳи йўқ.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор илоҳий назарга эга бўлиш қандай бўлишини тушунтиряпти. Ким ана шундай назарга эга бўлади? "Илоҳий" назар - илоҳларникидай, фаришталарникидай назар деганни билдиради. Демак, токи одам илоҳларнинг, фаришталарнинг сифатларига эга бўлмас экан, унинг илоҳий назари очилмайди. Фаришталар кимлар? Ведавий муқаддас китобларда Парвардигор Вишнунинг содиклари "фаришталар" деб аталган(*вишнубхактаҳ смрита देवाः*). Худонинг, Вишнунинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонмайдиган ёки Кришнанинг шахсиятсиз Браҳман кўринишини Худо деб ҳисоблайдиган худосизлар ва иймонсиз даҳрийлар илоҳий назарга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум, чунки Худога ширк келтирадиган, Кришнани ҳақорат қиладиган зотлар илоҳий назарга эга бўлолмайдилар. Инсон фақат ўзида илоҳий фазилатларни ривожлантириш орқалигина илоҳий назарга эга бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, илоҳий назар инсонга теварак-атрофни, моддий оламни, худди Аржун сингари, илоҳий кўз билан кўра олиш имконини беради.

"Бхагавад-Гита"да Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг таърифи келтирилган. Аржун шу қиёфани кўргунга қадар одамлар бу қиёфа ҳақида ҳеч нарса билмас эдилар, энди эса одамлар Кришнанинг *вишва-рупа қиёфаси*

хақида қандайдир тасаввурга эга бўла оладилар. Илоҳий сифатларга ҳақиқатан ҳам эга бўлган киши вишва-рупани, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини бевосита, яққол кўра олади. Инсон фақат Кришнанинг содиқ хизматкори бўлсагина илоҳий фазилатларга эга бўлиши мумкин. Лекин, ҳақиқатан ҳам илоҳий фазилатларга эга бўлган Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон Кришнанинг фазовий қиёфасини кўришга интилмади. Аввалги шеърда айтилганидай, Аржун Кришнани тўрт қўлли қиёфада - яъни Парвардигор Вишну қиёфасида кўришни истади, аксинча, Кришнанинг фазовий қиёфаси уни даҳшатга солган эди.

Мазкур шеърда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча ибора ишлатилган. Масалан, *веда-йаджнадхйайанаиҳ* сўзи. Бу сўз "Ведавий қонунларни ва қурбонлик маросими ўтказиш қоидаларини ўрганиш" деган маънони билдиради. Тўрт асосий веда, ўн саккиз Пурана, Упанишадалар ва "Веданта-сутра" - Ведавий муқаддас китобларни ташкил этади. Уларни уйда ёки бошқа бирор жойда ўрганиш мумкин. Улардан ташқари сутралар ҳам бор: "Калпа-сутра" ва "Мимамса-сутра". Уларда қурбонлик маросими ўтказиш қоидалари кўрсатилган. *Данаиҳ* ибораси "муносиб одамга берилган садақа" деган маънони англатади. *Данаиҳ* - Худонинг содиқ хизматкорига, яъни браҳманга ёки вайшнавга берилган садақа, хайр-эҳсон. Хайрли ишлар тоифасига эса, олов ёқиб ўтказиладиган қурбонлик маросими ва *варнашрама* жамияти тизимида ўз бурчини холис бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият киради. Инсон руҳий жиҳатдан юксалиш ниятида ўз хоҳиши билан танасига қандайдир азиятлар, чеклашлар, азобларни қабул қилиши риёзат, *танасйа* деб аталади. Одам ҳаётда буларнинг барчасини муқаммал бажариши мумкин: риёзат чекиши, садақа бериши, қурбонлик маросими ўтказиши, Ведаларни ўрганиши мумкин, аммо, агар у Аржун сингари Худонинг содиқ хизматкори даражасига кўтарилмаса, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўра олмайди. Имперсоналистлар ҳам баъзан: "фазовий қиёфани кўряпман" - деб даъво қиладилар, аммо "Бҳагавад-Гита" таълимотига кўра, Худонинг содиқ хизматкори бўлмагани учун улар Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришга қодир эмаслар.

Ўзларича Парвардигорнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишларини ўйлаб чиқарадиган одамлар кўп. Улар оддий одамларни ҳам "Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси" деб эълон қиладилар, лекин бу иши уларнинг қанчалик ғофил эканидан далолат беради, ҳолос.

Биз "Бҳагавад-Гита"да кўрсатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб яшашимиз лозим, акс ҳолда муқаммал руҳий илмга эга бўлишнинг иложи йўқ. Гарчи, "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиш - Худо ҳақидаги илмни ўрганишнинг биринчи босқичи" деб атасалар ҳам, бу илм шунчалик муқаммалки, инсонга ҳаётга бугунлай бошқача кўз билан қараш, ҳаётнинг ҳақиқий табиатини кўра олиш имконини беради. Худонинг сохта қиёфаларининг издошлари ҳам Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларини кўргани ҳақида даъво қилишлари мумкин, аммо уларнинг бундай бемаъни даъволарига ишонмаслик керак. Чунки, бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигорнинг фазовий

киёфасини ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигор Кришнага топширган содиқларгина кўра олади. Энг аввало биз Кришнанинг соф содиқ хизматкори бўлишимиз лозим; фақат шундан кейингина "Парвардигор бизга Ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатиши мумкин" деб, ёки "Худони кўрдик" деб даъво қилишимиз мумкин. Кришнанинг ҳақиқий содиқлари Худонинг сохта қиёфаларини ҳам, уларнинг ғофил издошларини ҳам тан олмайдилар.

*49. ма те вйатха ма ча вимудха-бхаво  
дриштва рупам гхорам идрин мамедам  
вйапета-бхих прита-манах пунас твам  
тад эва ме рупам идам прапашйа*

***Менинг бу кўрқинчли қиёфам сени саросимага тушириб, даҳшатга солиб қўйди. Майли, шуниси етар. Кўрқув туйғуси энди қалбингни бутунлай тарк этсин, ақлинг хотиржам бўлсин! Мени ўзинг истайтган қиёфада бемалол томоша қил!***

Изоҳ: "Бхагавад-Гита" Аржуннинг саросимага тушиб қолганини таърифлашдан бошланади; авваллари ўзи эхтиром билан эъзозлаб юрган бобоси Бҳишмани, руҳий устози Дронани ўлдириши кераклигини ўйлаб, у эсанкираб қолган эди. Лекин, Кришна унга: "Бундан ташвиш тортмасанг ҳам бўлади!" - деди. Дхритараштранинг ўғиллари Драупадини бутун сарой аҳли олдида ечинтиришга уринганларида Бҳишма ҳам, Дрона ҳам уларга қарши оғиз очиб бирор гап айтмадилар. Бу билан улар ўз бурчини бажармай, ўз шаънига иснод келтирган эдилар, шунинг учун улар албатта жазоланиб, ҳалок бўлишлари шарт эди. Кришна бу одамлар қилган гуноҳлари учун аллақачон жазоланиб, ўлимга маҳкум бўлганини кўрсатиш мақсадида Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этди. Аржун мана шу манзарани яққол кўриши ва тўла ишонч ҳосил қилиши учун Кришна унга Ўзининг *вишва-рупа* қиёфасини намоён этган эди, чунки содиқлар табиатан жуда раҳмдил бўладилар, ҳеч қачон ноҳақ қон тўкилишига йўл қўймайдилар. Кришна Аржун кўришни истаган ва у кўриши лозим бўлган нарсаларни кўрсатиб бўлди, энди у Парвардигорнинг тўрт қўллик қиёфасини кўришни истаяпти, Кришна унинг истagini амалга оширади. Худонинг содиқ хизматкорларини Парвардигорнинг фазовий қиёфаси унчалик қизиқтирмайди, чунки бу қиёфа уларга ўзларининг Худога бўлган мухаббатини изҳор этиш, Парвардигорнинг ўзларига бўлган шахсий муносабатини бевосита ҳис қилиш имконини бермайди. Содиқ хизматкор Худога илиқ ҳаяжон ва эхтиром билан шахсан, бевосита сажда қилишни истайди, Худонинг Олий Шахсига мухаббат билан хизмат қила олиши учун содиқ хизматкор икки қўлли Кришнани кўришни истайди.

*50. санджайа увача  
итй арджунам васудевас татхоктва*

*свакам рупам даршайам аса бхуйах  
ашвасайам аса ча бхитам энам бхутва  
пунах саумйа-ванур махатма*

**Санджай деди:** *Шу гапларни айтиб, Кришна Аржуннинг олдида тўрт қўлли Вишну қиёфасида намоён бўлди, кейин эса, қўрқиб кетган Аржунга далда бериш учун яна Ўзининг икки қўлли қиёфасини намоён этди.*

Изоҳ: Ер сайёрасида Васудева ва Девакининг ўгли кўринишида дунёга келганида Кришна аввалига уларнинг олдида тўрт қўлли Нарайана қиёфасида намоён бўлган, кейин ота-онасининг илтижоларини қабул қилиб, уларнинг илтимоси билан оддий чақалоққа айланган эди. Шунга ўхшаб, Аржун аслида Уни тўрт қўлли қиёфада кўриш ниятида эмаслигини биларди, шундай бўлса ҳам, Аржун илтимос қилгани учун унинг олдида тўрт қўлли Нарайана қиёфасида кўриниб, кейин яна Ўзининг азалий икки қўлли мангу қиёфасига кирди. Бу ерда ишлатилган *саумйа-вану*х ибораси муҳим аҳамиятга эга. *Саумйа-вану*х - гўзалликка тўла қиёфа; у Кришнанинг, Худо Шахсининг энг гўзал, жозибадор қиёфаси ҳисобланади. Кришна Ер сайёрасида яшаган вақтда ҳамма Унинг бекиёс гўзал сиймосига махлиё бўлиб қолган эди, Кришна бутун борлиқнинг Ҳукмдори бўлгани сабабли, у осонлик билан содик хизматкори Аржунни ҳамма кўрқувлардан бирпасда халос этди, унинг олдида Ўзининг энг гўзал кўринишида, Шри Кришна қиёфасида намоён бўлди. "Брахма-самхита"(5.38)да шундай дейилган: *преманджана-ччхурита-бҳакти-вилочанена*. Фақат кўзларига илохий муҳаббат малҳами суртилган содикларгина Шри Кришнанинг бекиёс гўзал қиёфасини кўра оладилар.

*51. арджуна увача*

*дриштиведам манушам рупам тава саумйам джанардана  
иданим асми самвриттаҳ са-четах пракритим гатах*

**Аржун деди:** *О Жанардана, Сени яна инсон шаклидаги чексиз гўзал қиёфада кўрганымда, ақлим хотиржам бўлди, энди мен бутунлай ўзим келдим.*

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *манушам рупам* ибораси Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахсининг азалий, бошланғич қиёфаси икки қўлли эканини аниқравшан кўрсатиб турибди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Кришнани оддий инсон деб ҳисоблаб, Унинг устидан куладиган ғофил, калтафаҳм нодонлар аслида Унинг илохий табиати ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Агар Кришна оддий одам бўлганида Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини, кейин тўрт қўллик Нарайана қиёфасини кўрсата олармиди? Шундай қилиб, "Бҳагавад-Гита"нинг ўзидан маълум бўладики, Кришнани оддий инсон деб

хисоблайдиган, аслида "Бхагавад-Гита"да Кришнанинг тилидан шахсиятсиз Брахман гапириб турибди, деб бошқаларни йўлдан урадиган имперсоналист билимдонлар мутлақо ноҳақ ва нотўғри йўлдаги одамлардир. Кришна Аржунга Ўзининг фазовий киёфасини, кейин тўрт қўллик Нарайана киёфасини намоён этди. Қандай қилиб Уни оддий инсон деб ҳисоблаш мумкин? "Бхагавад-Гита"га ёзилган бундай нотўғри изоҳлар Худонинг соф содиқ хизматкорини тўғри йўлдан адаштира олмайди, чунки ҳақиқий содиқ ундай изоҳларнинг ҳам, изоҳ ёзган одамларнинг ҳам кадри неча пуллик эканини яхши билади. "Бхагавад-Гита"да айтилган гапларнинг мазмуни ҳар кимга кундай равшан. Улар худди куёшдай порлаб турибди, уларни тушуниб олиш учун "куёшни ёритиш"га уринаётган ғофил имперсоналист ёки даҳрий олимларнинг изоҳларини ўрганишнинг мутлақо ҳожати йўқ.

## 52. шри бхагаван увача

*су-дурдаршам идам рупам дриштаван аси йан мама  
дева апй асйа рупасйа нитйам даршана-канкишнах*

***Худонинг Олий Шахси деди: Азизим Аржун, Мени ҳозир сен кўриб турган мана шу киёфада кўриш жуда қийин. Ҳатто маъбудлар ҳам ҳамшиша муштоқ бўлиб, Мени ўзларига жуда азиз бўлган мана шу киёфада кўришга интиладилар.***

Изоҳ: Бу бобнинг қирқ саккизинчи шеърида айтилганки, Ўзининг фазовий киёфасини намоён этиб, Кришна Аржунга Унинг бу киёфасини ҳатто жуда кўп эзгу ишлар қилган, қурбонлик маросимлари ўтказган ва бошқа риёзатлар чеккан одамлар ҳам кўришга қодир эмаслигини билдирди. Лекин, бу ерда *са дурдаршам* ибораси ишлатилган, бу ибора Кришнанинг икки қўлли киёфасини кўриш ундан ҳам мушкулроқ эканини кўрсатади. Парвардигорнинг фазовий киёфасини кўриш учун риёзат чекаётганимизда, Ведаларни ўрганаётганимизда ёки Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақида фалсафий изла-нишлар олиб бораётганда қилаётган ишларимизга албатта Худога садоқат билан хизмат қилишнинг баъзи турларидан киритишимиз лозим. Аввалги шеърларда айтилганидай, ана шундай хайрли ишлар билан биргаликда маълум даражада *бҳакти* фаолияти ҳам, яъни Кришна онги билан қилинган фаолият ҳам бўлса, Парвардигорни фазовий киёфада томоша қилиш учун кифоя эди. Аммо, Парвардигорнинг фазовий киёфасини кўриш қанчалик мушкул бўлса, Кришнанинг икки қўллик киёфасини кўриш ҳатто Тангри Брахма ва Шива каби буюк фаришталар учун ҳам, бундан ҳам анча мушкулроқ. "Шримад Бхагаватам"да айтилганидай, улар Кришнани кўришга мушток: Кришна бўлғуси онаси Девакининг қорнида эканини билган фаришталар бу ғаройиб мўъжизани кўриш учун зиндонга тўпландилар. Улар ҳатто Парвардигор уларнинг кўзларига кўринмай турган бўлса ҳам, ҳали Деваки-нинг қорнида ётган Кришнага ажойиб илтижолар қила бошлагандилар.



Уларнинг барчаси Парвардигорнинг бу дунёга келишини муштоқ бўлиб кутиб юрардилар. Нодон, иймонсиз ғофил одамлар Кришнани оддий инсон деб, Унинг устидан кулишлари ва одамларни Унга эмас, Унинг ичида мавжуд бўлган қандайдир "шахсиятсиз бир Зот"га сиғинишга ундашлари мумкин, аммо бундай аҳмоқона гаплари билан уларнинг ўзлари бошқаларга масхара бўладилар, холос. Шунга қарамай, ҳатто Тангри Браҳма ва Шива сингари қудратли фаришталар Шри Кришнани Унинг икки қўллик қиёфасида кўришга муштоқ бўлиб юрардилар.

"Бҳагавад-Гита"(9.11)да шундай дейилган: *аваджананти мам мудха манушим танум ашритах*. КришнаЎзининг устидан куладиган иймонсиз ғофил одамлар кўзидан бекиниб олган. Тангри Браҳма "Браҳма-самхита"да таърифлагандай, шунингдек Шри Кришнанинг Ўзи "Бҳагавад-Гита"да айтганидай Кришнанинг танаси мутлақо руҳий, илм ва лаззатга тўла. Унинг танаси сифат жиҳатидан бизларнинг моддий таналаримизга умуман ўхшамайди. Аммо, фақат "Бҳагавад-Гита" ва бошқа Ведавий асарларни ўқиш ёрдамида Кришнани ўрганишни, Уни кўришни истаётган одамлар учун У хамиша жумбоқ бўлиб қолаверади. Оламини ўрганишнинг моддий усуллари билан билим олишга интилиб юрган одамлар Кришнани "буюк тарихий шахс", "буюк файласуф" деб ҳисоблайдилар, шунчалик қудратли бўлишига қарамай, улар учун Кришна барибир моддий тана олишга мажбур бўлган оддий одам бўлиб қолаверади. Охир-оқибатда шундай материалист файласуфлар "Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз кўринишга эга ва шу Мутлақ Ҳақиқат моддий табиат билан боғлиқ бўлган шахс сифатига, инсон қиёфасига кирган" деган хулосага келдилар. Мана шу -Парвардигор ҳақида моддий тасаввурларга асосланган ғоя, концепциядир. Мутлақ Ҳақиқатнинг фалсафий фикрлашлар натижасида юзага келган бошқа бир концепцияси ҳам бор. Моддий илм ўрганиш йўлидан бораётган одамлар ҳам Кришна ҳақида қандайдир фикрга эга. Улар учун Кришна Парвардигорнинг фазовий кўринишига қараганда аҳамиятсизроқ бўлиб кўринади. Уларнинг фикрига кўра, Кришна Аржунга намоён этган Парвардигорнинг фазовий кўриниши, Унинг шахс сифатидаги икки қўлли қиёфасидан муҳимроқ. Уларнинг фикрича Парвардигорнинг шахс қиёфаси фақат бизларнинг ҳаёлимиздагина мавжуд бўлган қиёфадир. Улар Мутлақ Ҳақиқат охир-оқибатда ҳеч қачон шахс сифатига эга бўлиши мумкин эмаслигига қаттиқ ишонадилар. "Бҳагавад-Гита"нинг тўртинчи бобида Кришнани англаб етишнинг илоҳий усули таърифланган: Кришнани англаб олиш учун Кришнаҳақида мукамал илмга эга бўлган содиқларнинг, яъни вайшнавларнинг гапирган гапларини тинглаш керак. Кришнани англаб олиш учун Ведаларда мана шу усул тавсия этилган ва ведавий урф-одатларга, ведавий қонунларга амал қилиб яшайдиган одамлар Худо ҳақидаги илми мукамал эгаллаган ишонарли зотлардан такрор ва такрор Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар, натижада Шри Кришна уларга кундан-кунга азизроқ бўлиб бораверади. Аввал бир неча бор такрорлаганимиздай, Кришна бизнинг кўзимиздан *йога-майа* қуввати ёрдамида бекиниб олган. У дуч келган одамга Ўзини намоён қилавермайди. Кришна кимга Ўзини намоён этса,

фақат шу одамларгина Уни кўриш бахтига муяссар бўладилар. Буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди: Мутлақ Ҳақиқатни фақат ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган одамларгина англай оладилар. Кришна онгига эга бўлиб, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорда ўз-ўзидан илоҳий назар ривожлана боради ва у Кришнани ҳамма жойда яққол кўришга қодир бўлади. Ана шундай ўткир илоҳий назар ҳатто фаришталарда ҳам мавжуд эмас, шунинг учун ҳатто фаришталар ҳам Парвардигор Кришнани англай олмайдилар, уларнинг энг буюклари ҳамиша Кришнани икки қўлли қиёфада кўришга муштоқ бўлиб юрадилар. Шундай қилиб, Кришнанинг фазовий қиёфасини кўриш жуда қийин ва бунга эришиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган бўлса, Шри Кришнани икки қўлли Шйамасундара қиёфасида кўриш ундан ҳам мушкулроқдир.

*53. нахам ведаир на тапаса на данена на чеджйайа  
шакйа эвам-видхо драштум дриштаван аси мам йатха*

***Сен ҳозир илоҳий кўзларинг билан кўриб турган Менинг бу қиёфамни Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиш, хайр-эҳсонлар улашиш ёки сизиниш маросимлари ўтказиш орқали англаб бўлмайди. Бундай йўллар ёрдамида Менинг ҳақиқий табиатимни англашга эришиб бўлмайди.***

Изоҳ: Кришна аввалига ота-онаси Деваки ва Васудеванинг олдида тўрт қўлли Вишну қиёфасида пайдо бўлди, кейин икки қўлли қиёфага кирди. Даҳрийлар ва Худога садоқат билан хизмат қилишдан йироқ бўлган одамлар бу сирни англаб ета олмайдилар. Фақат ўзларининг грамматик ва дунёвий билимларига ишониб ведавий асарларни ўрганишга бел боғлаган олимлар ҳеч қачон Кришнани англай олмайдилар. Эҳромга бориб Худога сиғинишни шунчаки бир урф-одат, ақида деб биладиган кишилар ҳам бунга эриша олмайдилар. Ундай одамлар гарчи мунтазам равишда эҳромларга бориб, Худога сиғиниб юрсалар ҳам Кришнанинг ҳақиқий илоҳий табиатини англай олмайдилар. Парвардигор Кришнани фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш орқали тўла англаб олиш мумкин. Бу ҳақда Кришнанинг Ўзи кейинги шеърда айтади.

*54. бхактйа тв ананйайа шакйа ахам эвам-видхо “рджуна  
джнатум драштум ча таттвена правештум ча парантапа*

***Азизим Аржун, фақат Менга соф садоқат билан хизмат қилиш орқали Мени ҳозир сен кўриб турган мана шу илоҳий қиёфада яққол кўриш ва Мени ҳақиқатан ҳам англаб етиш мумкин. Фақат шу йўл билан Менинг илоҳий табиатим сирини англаб олиш мумкин.***

Изоҳ: Фақат соф садоқат билан Худога хизмат қилиш жараёнида Кришнани англаб етиш мумкин. Ўзларининг мукаммал бўлмаган ақл-заковатига ишониб "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзишга уринаётган, "Бхагавад-Гита"ни тўлик тушуниб оламан" деб юрган ўзбошимча олимлар бекорга вақтларини сарфлаётганларини яхши билиб олишлари учун, бу ерда Кришна Уни қандай англаш мумкинлигини аниқ-равшан айтяпти. Кришнани ёки қандай қилиб У ота-онаси олдида аввалига тўрт қўлли қиёфада пайдо бўлганини, кейин икки қўллик чақалоқ қиёфасига кирганини ҳеч ким англай олмайди. Фақат Ведаларни ўрганиш билан ёки фалсафий изланиш йўли билан Худони англашга уриниб юрган одамлар буни ҳеч қачон тушуна олмайдилар. Бу ерда аниқ айтилган: Парвардигорни кўришга ёки Уни инсонлар кўзидан яшириб турган сирларини англаб олишга ҳеч ким қодир эмас. Лекин, Ведаларни чуқур ўрганган кишилар Парвардигор ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлиши мумкин. Ведаларда жуда кўп қоида ва кўрсатмалар тўпланган, Кришнани ҳақиқатан ҳам англаб олишга интилаётган киши ҳаётда ана шу ишонарли муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаши лозим. У ана шу кўрсатмаларга амал қилиб риёзатга берилиб яшаши керак. Масалан, Жанмаштами, яъни Кришна туғилган кунда ва ҳар ойнинг *экадаши* кунларида бутунлай оч юришга қасам ичиш мумкин. Ҳайр-эҳсонларга келсак, муқаддас китобларда аниқ айтилганки, садақа ва эҳсонлар Худонинг содиқ хизматкорларига, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган, умрини Худони англаш илмини бутун дунёга тарқатишга бағишлаган одамларга бериш керак. Рупа Госвами Чаитанья Махапрабхуни "Парвардигорнинг чексиз саховатининг тимсоли" деб атаган эди, чунки У эришиш жуда мушкул бўлган илоҳий муҳаббат - Худога бўлган илоҳий муҳаббатни барчага саховат билан улашиб кетган эди. Шунинг учун Худони англаш илмини одамларга тушунтиришга ҳаракат қилиб юрган Худонинг содиқ хизматкорларига моддий жиҳатдан ёрдам берган киши дунёда энг саховатли иш қилган бўлади. Муқаддас китобларнинг қоидаларига риоя қилиб, эҳромларда ўрнатилган Парвардигорнинг тасвир ёки арча-виграҳаларига сиғинадиган одамлар Худога сиғиниш, Унга эҳтиром кўрсатиш натижасида руҳий жиҳатдан юксалиш имкониятига эга бўладилар. Руҳий юксалиш йўлига энди кирган одамлар учун эҳромда Парвардигорнинг тасвирига сиғиниш, сажда қилиш зарурий шарт ҳисобланади, чунки барча ведавий муқаддас китоблар шуни талаб қилади, масалан, "Шветашватара-упанишад" 6.23да шундай дейилган:

*йасйа деве пара бҳактир йатха деве татха гурау  
тасйаите катхита хй артха; пракашанте махатманах*

"Ведавий илмларнинг сирли мазмуни фақат Худога, ҳамда руҳий устозига чуқур иймон билан ишонадиган буюк руҳларга аён бўлади".

Шунчаки хамиша Худо ҳақида ўйлаб юриш билан Кришнани англаб бўлмайди. Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида махсус тайёргарликдан ўтмаган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига ҳатто яқин ҳам

кела олмайди. Бу ерда **ту** ибораси, Кришнани англаш учун бошқа усулларнинг ҳеч бири ёрдам беролмаслигини алоҳида таъкидлаш учун ишлатилган: Кришнани англаш учун бошқа усулларни тавсия қилиб бўлмайди, чунки улар ҳеч қачон руҳий юксалиш йўлида муваффақият олиб келмайди.

Кришнанинг икки ва тўрт қўлли қиёфалари Унинг Аржунга намоён этган ўткинчи фазовий қиёфасидан кескин фарқ қилади. Нарайананинг тўрт қўлли, Кришнанинг икки қўлли қиёфалари Аржун кўрган фазовий қиёфадан фарқли равишда мангу ва руҳий табиатга эга. *Су-дурдаршам* ибораси Парвардигорнинг бу фазовий қиёфасини аввал ҳеч қим, ҳеч қачон кўрмаганини билдиради. Бу ибора яна шундан далолат берадики, Ўзининг фазовий қиёфасини Кришна ҳар бир содиқ хизматкорига кўрсатавериши шарт эмас. Одамлар келажакда ўзларини "Худо" деб эълон қиладиган виждонсиз, қаллобларни синаб кўриш имкониятига эга бўлишлари учун, Аржуннинг илтимоси билан Кришна унга Ўзининг фазовий қиёфасини намоёйиш этди.

Аввалги шеърда бир неча бор ишлатилган *на* ибораси шуни англатадики, инсон Ведалар илмини назарий жиҳатдан чуқур билиши билан мағрурланмаслиги керак. Ундай билимдон одам энг аввало Кришнага садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Фақат шундагина у "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзишга уришиб кўриши мумкин.

Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этиб, Кришна бу қиёфасини Нарайананинг тўрт қўлли қиёфасига айлантирди, кейин эса, Аржуннинг олдида яна Ўзининг икки қўлли қиёфасида пайдо бўлди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Нарайананинг тўрт қўллик қиёфаси ҳам, Парвардигорнинг Ведаларда келтирилган бошқа барча қиёфалари сингари, Кришнанинг азалий, бошланғич икки қўлли қиёфасидан тарқалган. Кришна - бутун борликнинг ягона манбаи. Кришна Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Брахман кўринишидан ва ҳатто Мутлақ Ҳақиқатнинг ана шу шахс кўринишидаги қиёфаларидан ҳам устун туради. Кришнанинг тўрт қўлли Нарайана кўринишидаги қиёфаларга келсак, муқаддас китобларда аниқ айтилганки, ҳатто Кришнага энг яқин турадиган тўрт қўллик қиёфа(Космик океанда ястаниб ётган ҳолда ҳар нафас олганида сон-саноксиз коинотларни дунёга келтириб, яқсон қилиб турадиган Каранадокашайи, яъни Маха-Вишну)ҳам, ягона Парвардигор Кришнадан тарқалган. "Брахма-самхита"(5.48)да айтилганки;

*йасйаика-нишвасита-калам атхаваламбйа  
дживанти лома-вила-джа джагад-анда-натхаҳ  
вишнур махан са иха йасйа кала-вишешо  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Ҳар бир нафас олганида, нафас чиқарганида яна қайтиб чиқиш учун танасига сон-саноксиз коинотлар кириб турадиган Маха-Вишну - Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган экспансиясидир. Шу сабабли, мен Говинда олдида - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган Кришна олдида эхтиром

билан сажда қиламан".

Шундай қилиб, ҳамма сиғиниши лозим бўлган мангу Зот - илм ва лаззатга тўла мангу Парвардигор, Худонинг Олий Шахси, икки қўлли Шйамасундара кўринишидаги Шри Кришна. Кришна Вишнунинг барча қиёфаларининг, Худонинг бу дунёдаги барча аватараларининг манбаи ва айни пайтда, "Бхагавад-Гита"да таъкидланганидай Худонинг Олий Шахси ҳисобланади.

Ведавий муқаддас китобларда шундай шеър ҳам бор: "Гопала-тапана-упанишад" - 1.1.

*сач-чид-ананта-рупайа кришнайкаклишита-карине  
намо веданта-ведйайа гураве буддхи-сакишине*

"Мен чуқур эҳтиром билан Кришна олдида сажда қиламан, Унинг мангу руҳий танаси илм ва лаззатга тўла. Мен Унга чуқур эҳтиром кўрсатаман, чунки Уни англаш - Ведаларни англаб етиш демақдир, шу боис Уни "олий руҳий устоз" деб атайдилар".

Шу ерда яна айтилганки, *кришно ваи парамам даиватам* - "Кришна - Худонинг Олий Шахсидир"(Гопала-тапана-упанишад 1.3). *эко ваши сарвагаҳ кришна идйаҳ*: "Мана шу Кришна - Худонинг Олий Шахси ва барча сиғиниши лозим бўлган Зот". *Эко "ни сан баҳудха йо "вабхати*: "Кришна - ягона, аммо У Ўзини сон-саноксиз қиёфаларда ва шу қиёфаларининг экспансияларида намоён этади". (Гопала-тапана-упанишад. 1.21).

"Брахма-самхита" да шундай дейилган(5.1):

*ишвараҳ парамаҳ криснах сач-чид-ананда-виграҳаҳ  
анадир адир говиндах сарва-карана-каранам*

"Кўплар Бхагаван сифатига эга, аммо Кришна уларнинг ҳаммасидан устун, чунки ҳеч ким Уни тўсиб қўёлмайди. У - Олий Шахс, Унинг мангу танаси эса илм ва лаззатга тўла. У - азалий Парвардигор, барча сабабларнинг ягона сабабчиси".

Яна бир муқаддас китобда шундай дейилган: *йатраватирнам кришнакам парам Браҳма наракти* - "Олий Мутлақ Ҳақиқат - шахс, Унинг номи Кришна, вақти-вақти билан У ерга тушиб туради". "Шримад Бхагаватам"да ҳам шундай дейилган. "Шримад Бхагаватам"да Худонинг Олий Шахсининг намоён бўлган жуда кўп қиёфалари келтирилган, ана шу қиёфалар орасида Кришна ҳам кўрсатилган. Лекин, кейин таъкидлаб айтилганки, Кришна - Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфаси ҳисобланмайди, Кришна - ягона Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси(*эте чамша-калаҳпумсаҳ кришнас ту бхагаван свайам*).

Бундан ташқари "Бхагавад-Гита"да Парвардигор айтадики, *маттаҳ паратарам нанйат* - "Сенинг олдинда Кришнакўринишида турган Мендан ҳам буюкроқ бўлган бирор зот мавжуд эмас". "Бхагавад-Гита"нинг бошқа бир

шеърида Парвардигор айтадики, *ахам адир хи деванам* - "Мен барча фаришталарнинг манбаиман". "Бхагавад-Гита"ни Парвардигорнинг бевосита Ўзидан эшитган ва шу боис унинг мазмунини тўла англаб етган Аржун эса, бу тўғрида шундай деб айтяпти: *парам Браҳма парам дхамма павитрам парамам бхаван* - "Сен - Худонинг Олий Шахси, Мутлак Ҳақиқат ва бутун борлиқнинг нажот макони эканингни тўла англаб етдим". Шундай қилиб, Кришна Аржунга намоён этган ўткинчи фазовий қиёфа Парвардигорнинг азалий кўриниши эмас. Худога нисбатан қалбида ҳеч қандай муҳаббат туйғуси бўлмаган одамларни ҳам Ўзига жалб этиш учунгина Кришна Аржунга Ўзининг минглаган қалла, қўл, оёқларга эга бўлган баҳайбат фазовий қиёфасини намоён этди. Бу қиёфа Унинг азалий, бошланғич қиёфаси бўлиши мумкин эмас.

Парвардигорнинг фазовий қиёфаси Худонинг соф содикларини ўзига жалб этмайди, чунки уларнинг Худога бўлган муҳаббати Парвардигор билан ўзаро, ҳар хил рухий муносабатларга асосланган. Парвардигор Ўзининг содиклари билан азалий Шйамасундара, Шри Кришна кўринишида ўзаро муҳаббат ва меҳр тўла муносабатда бўлади. Шу боис, Кришна билан ўзаро илоҳий дўстлик ришталари билан боғланган Аржунга Парвардигорнинг фазовий қиёфасини томоша қилиш ҳеч қандай лаззат келтирмади, аксинча, у бундан даҳшатга туриб, кўркиб кетди. Кришнанинг мангу ҳамроҳи бўлган холда, Аржун албатта рухий назарга эга эди; у оддий одамлардан бири эмас. Шунинг учун Парвардигорнинг фазовий қиёфаси уни ўзига маҳлиё қилолмади. Бу қиёфа кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган одамларни ўзига жалб қилиши мумкин, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган содиклар учун уларнинг ҳаммасидан Шри Кришнанинг икки қўллик Шйамасундара кўриниши азизроқ.

55. *мат-карма-крин мат-парамо мад-бхактаҳ санга-варджитаҳ  
нирваираҳ сарва-бхутешу йаҳ са мам эти пандава*

***Азизим Аржун, кармали фаолиятга ва фалсафий изланишларга интилиш иллати билан булганмаган соф садоқат билан Менга хизмат қилиб юрган, ўз меҳнатини Менга бағишлаб, Мени ҳаётининг олий мақсади деб ҳисоблайдиган ва ҳар бир тирик мавжудотга дўстона муносабатда бўлган киши албатта Менинг олдимга келади.***

Изоҳ: Рухий оламнинг энг юксак сайёраси бўлган Кришналокада мангу яшайдиган Парвардигорни англаб етишга ва Худонинг Олий Шахси Кришна билан ўзаро муносабат ўрнатишга интилаётган ҳар бир одам ҳаётда Парвардигорнинг шахсан Ўзи айтаётган мана шу насиҳатларга амал қилиб яшаши лозим. Мазкур шеър бутун "Бхагавад-Гита"нинг мағзи ҳисобланади. "Бхагавад-Гита" - бу дунёда моддий табиатга ҳукмронлик қилишга уринаёт-

ган ва руҳий, ҳақиқий ҳаёт ҳақида ҳеч қандай илмга эга бўлмаган шартланган руҳлар учун мўлжалланган муқаддас китоб. "Бхагавад-Гита" бу дунёдаги тирик мавжудотларнинг руҳий табиатини, олий руҳий шахс билан ўзларининг мангу муносабатларини англаб олишларига ёрдам бериш ва ўзларининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш йўлини кўрсатиш учун нозил қилинган. Мазкур шеърда руҳий баркамоллик чўққисига - Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришиш имконини берадиган усул батафсил таърифланган.

Кундалик фаолиятимизга келсак, бутун куч-қудратимизни Кришнага хизмат қилиш йўлида сарфлашимиз лозим. "Бҳакти-расамрита-синдху"(2.255)да шундай дейилади:

*анасактасйя вишайан йатхархам упайунджатах  
нирбандхах кришна-самбандхе йуктам ваирагйам учйате*

Ҳар қандай фаолият Кришна билан боғланган бўлиши лозим. Шундай фаолиятни *кришна-карма* деб атайдилар. Биз кундалик турмушда ҳар хил ишлар билан машғул бўлишимиз мумкин, лекин қилаётган ишларимизнинг натижасига боғланиб қолмаслигимиз лозим: қилаётган ҳар бир ишимизни Кришна учун холис бажаришимиз керак. Масалан, ишбилармон киши ҳам, агар ўзининг ишларини Кришна учун амалга оширса, Кришна онгида фаолият кўрсата олади. Агар бирор ишнинг эгаси Кришна бўлса, ундан келадиган даромадни ҳам албатта Кришна олиши керак. Ҳисоб рақамида минглаган пуллари бўлган ишбилармон, агар зарур бўлса бу пулларнинг ҳаммасини Кришнага бериши мумкин. Кришна учун хизмат қилиш дегани шундай бўлади. Шунчаки ўзининг роҳатланиб яшаши учун катта иморат солгандан кўра, ишбилармон киши Кришна учун чиройли эҳром қуриши, у ерда Кришнанинг Илоҳий киёфасини ўрнатиб, ишонарли муқаддас китобларда берилган қонун-қоидалар асосида Худога сиғиниш маросимларини ўтказишни ташкил этиши мумкин. Ана шундай ишларнинг барчаси *кришна-карма* бўлади. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмасдан, инсон уларнинг барчасини Кришнага тақдим этиши, ўзи эса, Кришнага тақлиф қилинган таом қолдиғи - *кришна-прасад* билан қаноатланиб яшаши лозим. Кришна учун катта эҳром қурган кишининг ўзи ҳам шу ерда яшаши мумкин, лекин бу иморат Кришнаники эканини у ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак. Мана шу - ҳаётда Кришна онги билан яшаш, Кришнани англаш деб аталади. Кришна учун эҳром қуришга қодир бўлмаган одам Кришнанинг эҳромларини тозалашда ёрдам бериши мумкин: бу ҳам *кришна-карма* бўлади.

Шунингдек, эҳром боғида ишлаш мумкин. Бироз ер майдони бўлган киши эса, шу ерга гул экиб, уларни ҳар куни Кришнага тақдим этиши мумкин. Шу ерга муқаддас *туласи* гулидан ўтказиш мумкин, чунки Кришнага сиғиниш маросимида хамиша туласи барглари керак бўлади, бу ҳақда "Бхагавад-Гита"да Кришнанинг Ўзи айтган: *патрам пуштам пхалам тойам*. Кришна айяптики, содиқ хизматкори Унга барг, гул, мева ва озгина сув так-

лиф қилиши мумкин, шунда Кришна унинг бу эҳсонидан мамнун бўлади. Бу ерда Кришна энг аввало муқаддас *туласи* баргларини назарда тутати. Шунинг учун ҳар бир одам уйда муқаддас *туласи* дарахтини ўтказиб уни парваришлаши мумкин. Шу тарика, ҳатто энг қашшоқ одам ҳам Худога хизмат қилиб, Уни мамнун қилиши мумкин. Булар қандай қилиб Кришна учун меҳнат қилиш мумкинлиги ҳақидаги баъзи бир мисоллар эди.

*Мат-парама*х деган ибора ҳаётининг олий мақсадини "Худонинг олий даргоҳида Шри Кришна билан бевосита мулоқотда бўлишдан иборат" деб белгилаган инсонни назарда тутати. Ундай одам Ой, Қуёш, жаннатий сайёралар ва ҳатто моддий оламдаги энг олий сайёра бўлган Браҳмаалокага эришишга ҳам интилмайди. Буларнинг ҳеч бири уни қизиқтирмайди. Ҳаётда унинг биргина мақсади қолган, у ҳам бўлса - руҳий оламга эришиш. Ҳатто руҳий оламга эришгандан кейин ҳам у Браҳмадждйотининг нурларига ғарқ бўлиб кетишни истамайди, чунки унинг ягона мақсади - руҳий оламнинг энг юксак сайёрасига - Кришналокага, Голока Вриндаванага эришишдан иборат. У бу сайёра ҳақида барча маълумотларга эга, уни бундан бошқа бирор нарса қизиқтирмайди. *Мад-бхакта*х ибораси унинг ҳаётда ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрганни билдиради. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мавжуд: тинглаш, Уни шарафлаш, эслаш, сажда қилиш, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, илтижо қилиш, Парвардигорнинг кўрсатмаларини бажариш, Унга дўст бўлиш ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш. Худонинг содиқ хизматкори мана шу хизмат турларининг ҳаммаси билан, ёки саккиз, ёки етти тури билан, ёки ҳатто биргина тури билан машғул бўлиб яшаши мумкин, шунинг ўзи содиқнинг руҳий баркамолликка эришиши учун етарли бўлади.

Бу ерда ишлатилган *санга-вардждита*х ибораси жуда муҳим. Биз Худога садоқат билан хизмат қилиб юриб, Кришнани тан олмайдиган имонсиз одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслигимиз лозим. Бундай одамлар тоифасига нафақат даҳрийлар, ҳатто фалсафий изланишларга ва кармали фаолиятга муккасидан кетган одамлар ҳам киради. Шу боис Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёни "Бхакти-расамрита-синдху"да шундай таърифланади.

*анйабхилашита-шунйам джнана-кармадй-анавритам  
анукулиена кришнану-шиланам бхактир уттама*

"Моддий манфаатларга интилишдан ёки кармали фаолиятда, фалсафий изланишларда бирор муваффақиятга эришиш ниятидан бутунлай пок бўлган ҳолда Худога муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилаётган бўлади. Ана шундай хизмат "Худога соф садоқат билан хизмат қилиш" деб аталади."

Бу ерда Шрила Рупа Госвами Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилишни истаган киши барча моддий иллатлардан покланиши лозимлигини айтган. Ундай одам моддий фаолиятга ва курук фалсафий фикрлашларга муккасидан кетган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги



керак. Шу тарзда инсон ягона Парвардигор Кришнани тан олмайдиган иймонсиз одамлар билан ҳамсухбат бўлишни тарк этиб, барча моддий, ўткинчи истақлардан покланганида, ўзининг Кришна ҳақидаги илмини чуқурлаштириб, қалбида Кришнага бўлган илоҳий муҳаббатини ривожлантира боради. Ана шу - "Худога соф садоқат билан хизмат қилиш" деб аталади. *Анукулийасйя санкалтаҳ пратикулийасйя варджанам*(Хари-бхақта-виласа, 11.676). Инсон Кришнани нафрат билан эмас, балки меҳр-муҳаббат билан эслаши, Унга садоқат билан хизмат қилиб яшаши керак. Масалан, Камса Кришнанинг душмани эди. Кришна дунёга келган пайтдан бошлаб Камса ҳамиша Уни ўлдиришга ҳаракат қилиб юрди, барча уринишлари натижа бермай барбод бўлавергани сабабли, у ҳамиша Кришнани эслаб, тинмасдан Уни ўйлаб юрарди. У қилаётган ҳар бир ишида - овқатланганида, ухлаганида, ишлаганида - ҳамиша Кришна онги билан яшарди, аммо у Кришнани салбий жиҳатдан англаб, онги салбий эди. Шунинг учун, гарчи кеча-ю кундуз Кришна ҳақида ўйлаб юрган бўлса ҳам, барибир у иймонсиз иблис эди, охиروқибатда Кришнанинг Ўзи уни ўлдирди. Албатта, Кришнанинг қўлида ажали етган ҳар бир тирик мавжудот шу заҳотиёқ руҳий озодликка эришади, аммо Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори ўз олдига ҳаётда бошқа мақсад қўяди. У ҳатто озодликка чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди. У ҳатто, руҳий оламнинг энг олий сайёраси - Кришналокага, Голока Вриндаванага ҳам интирмайди. Содиқнинг ягона мақсади қаерда бўлса ҳам, ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиб яшашдан, Уни мамнун қилишдан иборат.

Кришнанинг содиқ хизматкори барча тирик мавжудотларга нисбатан дўстона муносабатда бўлади. Шунинг учун бу ерда "унинг душмани йўқ" деб айтилган(*нирваираҳ*). Бу нимани билдиради? Кришна онгига эга бўлган Худонинг содиқ хизматкори шуни биладикки, фақат Худога садоқат билан хизмат қилишгина унинг ҳаётдаги барча муаммоларини ҳал қила олади. У бунга ўзининг ҳаёти тажрибасида тўла амин бўлган. Шунинг учун, у Кришнани, Худони англашнинг саҳоватли, ҳаммага бахт келтирадиган усулини барча одамлар орасида кенг тарқатишга интилади. Инсоният тарихида Худонинг содиқ хизматкорлари ҳатто ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам Худо ҳақидаги илоҳий илмини тарғибот қилгани ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Масалан, Иисус Христос(Исо пайғамбар) тарихи ҳаммага маълум. У Худони англаш илмини тарғибот қилишга жонини фидо қилган ва даҳрийлар томонидан ўлдирилган эди. Албатта, фақат ғофил одамлар кўзига гўё душманлари Исо пайғамбарни ўлдиргандай бўлиб кўриниши мумкин. Ҳиндистонда ҳам бунга ўхшаш мисоллар кўп бўлган. Харидас Тхакур ёки Прахлад Махаражни эслаш мумкин. Нима мақсадда улар ўзларининг ҳаётини шунчалик хавф остига қўйганлар? - Ғофил одамлар орасида Худони англаш илмини тарғибот қилиш учун! Албатта бу осон иш эмас. Худони англаб етган киши шуни аниқ биладикки, одамларнинг ҳаётда тортаётган барча азоб-уқубатларининг асосий сабаби - уларнинг Кришнабилан ўзаро мангу муносабатларини эсидан чиқариб қўйганларида. Шу боис ҳақиқий инсоннинг, Худонинг содиқ хизматкорининг одамларга қила олиши мумкин бўлган энг катта яхшилиги - уларни,

айниқса яқинларини бу моддий ҳаёт мусибатларидан биратўла халос қилишдан иборат. Худонинг содиқ хизматкори шу тариқа Худога хизмат қилади, Парвардигор эса, Ўзининг ана шундай содиқ хизматкори орқали ҳатто энг содда одамларга ҳам чексиз марҳамат кўрсатади. Кришнани мамнун қилиш учун, ҳатто ҳаётини ҳавф остига қўйиб бўлса ҳам, одамларга Худо ҳақидаги илмни ўргатишга интилиб юрган содиқларга Кришнақанчалик марҳамат кўрсатаётганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун ундай содиқлар умрининг охирида танасини тарк этаётиб, албатта рухий оламнинг энг олий сайёрасига, Худонинг даргоҳига борадилар.

Бу бобга яқун ясаб шуни айтиш мумкинки, Кришна Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини, шунингдек ҳамма нарсани емириб яқсон қилувчи Замон қиёфасидаги кўринишини, ҳатто тўрт қўллик Вишну қиёфасини кўрсатди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бу қиёфалар Кришнаниннг манбаи эмас, аксинча Кришна - барча қиёфаларнинг манбаидир. Кришнани вишварупаниннг намоён бўлган кўриниши ёки Вишнунинг аватараларидан бири деб ҳисобламаслик керак. Кришна - Худонинг намоён бўлган барча кўриниш ва аватараларининг ягона манбаи. Вишнунинг юзлаб ва минглаб қиёфалари мавжуд, аммо Худонинг содиқ хизматкорига бошқа қиёфаларнинг бирортаси Кришнаниннг икки қўллик қиёфаси бўлган Шйамасундара сингари азиз эмас. "Брахма-самхита"да айтилганки, бутун муҳаббат ва садоқатини Шйамасундара қиёфасидаги Кришнага бағишлаган киши ҳамиша ўзининг қалбида Унинг жамолидан лаззатланиб юради ва унинг кўзига бу дунёда бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Шунинг учун Худонинг энг олий кўриниши Кришна эканини англаб олиш жуда муҳим. Ўн биринчи бобнинг мазмун моҳияти шундан иборат.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Парвардигорнинг фазовий қиёфаси" деб ата-  
ладиган ўн биринчи бобига Бҳактиведантаниннг изоҳлари шундай яқунлана-  
ди.*

## **Ўн иккинчи боб.**

### **Худого садоқат билан хизмат қилиш**

*1. арджуна увача*

*эвам сатата йукта йе бхактас твам парйупасате  
йе чапй акшарам авйактам тешам ке йога-виттамах*

***Аржун деди: Кимлар йогада кўпроқ муваффақиятга эришадилар - Шахсан Сенинг Ўзингга садоқат билан хизмат қилиб юрганларми ёки намоён бўлмаган, сезгиларимиз сеза олмайдиган, емирилмас, шахсиятсиз Браҳманга сизиниб юрганларми?***

Изоҳ: Кришна Аржунга Парвардигорнинг шахс сифатига эга бўлган ҳамда Уннинг шахсиятсиз фазовий киёфалари ҳақида, шунингдек, Худонинг содик хизматкори ва йогларнинг ҳар хил тоифалари ҳақида гапириб берган эди. Одатда руҳий онг билан яшаб юрган одам(трансценденталист)ларни икки тоифага бўладилар: имперсоналистлар ва персоналистлар. Персоналист-содиклар бутун куч-қувватини бевосита Худо Шахсига хизмат қилишга сарфлайдилар. Имперсоналистлар ҳам руҳий фаолият билан шуғулланадилар, аммо улар Худо Шахси Кришнага бевосита хизмат қилиш ўрнига, Унинг намоён бўлмаган шахсиятсиз Браҳман кўринишига муроқаба қиладилар. Биз бу бобдан Мутлак Ҳақиқатни англаш усуллари орасида энг яхшиси *бҳакти-йога*, яъни Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш эканини билиб оламиз. Кришнани англашга, Худонинг даргоҳига эришишга жиддий интилаётган киши, албатта Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, садоқат билан хизмат қилиш орқали бевосита Худо Шахсига сиғинадиган кишилар “персоналистлар”, Парвардигорнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишига муроқаба қиладиганлар эса - “имперсоналистлар” деб аталади. Мазкур шеърда Аржун Кришнадан шу икки йўлнинг қайси бири тўғри йўл эканини сўрапти. Мутлак Ҳақиқатни англашнинг ҳар хил йўллари бор, лекин бу бобда Кришна шу йўлларнинг энг яхшиси *бҳакти-йога*, яъни Худого садоқат билан хизмат қилиш эканини айтади. Мана шу йўл Худо билан бевосита боғланишнинг энг тўғри ва осон йўлидир.

"Бхагавад-Гита"нинг иккинчи бобида Парвардигор тушунтирган эдики, тирик мавжудот - моддий тана эмас, балки Мутлақ Ҳақиқатнинг ажралмас бўлаги бўлган руҳий зарра, алоҳида жондир. Еттинчи бобда У тирик мавжудот тўла бутуннинг ажралмас бир бўлаги эканини айтиб, тирик мавжудотларни бутун диққат-эътиборини тўла бутун бўлган Мутлақ Ҳақиқатда мужассам қилишга чақирган эди. Кейин саккизинчи бобда яна тақрор айтган эдики, агар инсон умрининг охирида танасини тарк этаётиб Кришна ҳақида, яъни Худо Шахси ҳақида ўйласа, у шу заҳотиёқ руҳий оламга, Худонинг даргоҳига кўтариллади. Олтинчи бобнинг охирида Парвардигор аниқ айтган эдики, ҳамиша қалбида Кришна ҳақида ўйлаб, ҳамиша Уни эслаб юрган киши йогларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Шундай қилиб, Кришна ҳар бобнинг охирида хулоса қилиб айтганки, тирик мавжудот ақлини ҳамиша Парвардигорнинг шахс қиёфасида мужассам қилиши лозим, чунки мана шу - руҳий ўзликни англашнинг энг юқори поғонасидир.

Лекин, шундай инсонлар ҳам борки, уларни Парвардигорнинг шахсий қиёфаси қизиқтирмайди. Улар ўз фикрига шунчалик қатъий ишонадиларки, ҳатто "Бхагавад-Гита"га изоҳ ёзиб, одамларнинг диққатини Худо Шахси Кришнадан чалғитиб, уларнинг садоқатини шахсиятсиз Браҳмаджйотига қаратишга зўр бериб ҳаракат қиладилар. Улар Мутлақ Ҳақиқатнинг моддий хиссиётлар сеза олмайдиган, намоён бўлмаган шахсиятсиз қиёфасига муроқабани Худого садоқат билан хизмат қилишдан афзал деб билдилар.

Шундай қилиб, руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар икки тоифа бўладилар. Аржун ана шу икки тоифанинг қайси бири устун туришини, бу йўлларнинг қайси бири осон ёки тўғри эканини билмоқчи бўляпти. Айни пайтда у ўзининг ҳозирги ҳолатини ҳам аниқлаб олмоқчи, чунки унинг ўзи шахсиятсиз Браҳманга эмас, Парвардигорнинг шахс қиёфасига, Кришнага бевосита боғланган. У ўзининг туганган йўли, ҳозирги ҳолати қанчалик тўғри ва мустаҳкам эканини аниқлаб олмоқчи. Парвардигорнинг шахсиятсиз қиёфасига муроқабани қилиш бу оламда ҳам, руҳий оламда ҳам жуда мушкул иш. Аслини олганда, ҳеч ким Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз қиёфасини тўғри тасаввур қилишга қодир эмас. Шунинг учун бу саволни бера туриб Аржун: "Бекорга вақт сарфлашнинг нима кераги бор?" - деб айтаётгандай бўляпти. "Бхагавад-Гита"нинг ўн биринчи бобида Аржун Парвардигорнинг шахсий қиёфасига боғланиш афзал эканига ишонч ҳосил қилган эди. Ана шу боғланиши унга Кришнанинг бошқа барча қиёфаларини кўриш имконини берганди, лекин бу билан унинг Кришнага бўлган муносабати, муҳаббати ҳечам ўзгармади. Аржун Кришнага жуда муҳим савол берапти. Бу саволга Кришнанинг берадиган жавоби бизга Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий ва шахсиятсиз қиёфаси орасидаги фарқни тушуниб олишда ёрдам беради.

*2. ири бхагаван увача*

*майй авешйа мано йе мам нитйа-йукта упасате*

*шраддхайа парайопетас те ме йуктатама матах*

***Худонинг Олий Шахси деди: Мен, ақлини Менинг шахсий қиёфамда жамлаб, комил илоҳий иймон билан ҳамиша Менга сизиниб юрган одамларни "йогада баркамолликнинг энг юқори поғонасига эришган зотлар" деб ҳисоблайман.***

Изоҳ: Аржуннинг саволига жавоб бера туриб, Кришна аниқ айтяптики, ақлини Унинг шахсий қиёфасида жамлаб, чуқур иймон ва садоқат билан Унга сажда қилиб юрган кишини “энг комил йог” деб ҳисоблаш керак. Кришнани тўла англаб етган кишининг ҳар қандай фаолияти моддий фаолият эмас, чунки у қандай иш билан машғул бўлса, барчасини Кришна учун қилади. Худонинг содиқ хизматкори одатда ҳамиша бирор иш билан банд бўлиб юради. У ё Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган, ёки Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаётган, ёки Кришна ҳақида китоб ўқиётган, ё Кришна учун овқат пишираётган, ёки Кришнага бирор нарса сотиб олиш учун бозорга бораётган, ё эҳромни ёки Кришнанинг идиш-товокларини юваётган бўлади - унинг ҳаётда қилаётган ҳар бир иши, умрининг ҳар бир дақиқаси Кришнага бағишланган. Шундай ишлар билан машғул бўлиб, асл содиқ ҳамиша илоҳий *самадҳи* ҳолатида юради.

*3-4. йе тв акшарам анирдешийам авйактам парйупасате  
сарватра-гам ачинтийам ча кута-стхам ачалам дхрувам  
саннийамйендрийа-грамам сарватра сама-буддхайах  
те прапнуванти мам эва сарва-бхута-хите ратах*

***Ҳиссиётини жиловлаб, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлиб, ҳамиша бутун инсониятнинг бахт-саодатини ўйлаб юрадиган, ўзини бутунлай Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён бўлмаган, номаълум, сезгилар сеза олмайдиган, ҳамма жойни қамраб олган, англаб бўлмас, мангу ва қўзғалмас шахсиятсиз кўринишига сизинишга бағишлаган кишилар ҳам охир-оқибатда Менга эришадилар.***

Изоҳ: Бевосита Парвардигорнинг Ўзига, Шри Кришнага сиғинмасдан бу мақсадга бошқа йўл билан эришмоқчи бўлганлар ҳам охир-оқибатда барибир Кришнага эришадилар. "Кўплаган умрлар давомида илм ўрганиб, Мендан паноҳ топган ҳақиқий донишманд инсон охир-оқибатда Васудева(Кришна) ҳамма нарсанинг, бутун борликнинг асоси эканини англаб етади"(БГ-7.19). Жуда кўп умрлар давомида илм ўрганиб, ҳақиқатан ҳам мукамал илмга эга бўлган киши ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширади. Мана шу йўл билан Худого эришишга аҳд қилган киши ҳиссиётини жиловлаб олиши, ҳар бир тирик мавжудотга хизмат қилиши, ҳамманинг бахт-саодатини ўйлаб яшаши лозим. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, агар одам ўз ихтиё-

рини Кришнага топширмаган бўлса, унинг илми ҳали мукамал эмас. Одатда, Худога бутунлай ўз ихтиёрини топшириш даражасига эришиш учун инсон жуда кўп синов ва қийинчиликлар орқали ўтиши керак бўлади.

Қалбида Олий Рухнинг мавжудлигини ҳис қилиш учун инсон моддий сезги аъзоларининг фаолиятини бутунлай тўхтатиб, кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш ва сезиш сингари амалларни бутунлай тарк этиши лозим. Фақат шундагина инсон Олий Рух ҳамма жойда мавжуд эканини ҳис қила олади. Шуни англаб олгандан кейин у ҳаётда бирор нарса ёки ҳодисадан нафратланишни тарк этади: у ҳамма тирик мавжудотларга - ҳоҳ у инсон ёки ҳайвон бўлсин, бир хил муносабатда бўла бошлайди, чунки энди у ташқи танани эмас, тана ичидаги руҳни кўра бошлайди. Лекин, оддий инсонлар учун Мутлақ Ҳақиқатнинг бу аспектини англаб етиш усули жуда қийин.

*5. клешо “дхикатарас тешам авйактасакта-четасам  
авйакта хи гатир духкхам дехавадбхир авайяте*

***Ақли Парвардигорнинг намоён бўлмаган, шахсиятсиз кўринишида мужассам бўлган кишиларга руҳий юксалиш йўлидан бориш жуда қийин бўлади. Танада мужассам бўлган тирик мавжудот бу йўлдан борар экан ҳар қадамда жуда катта қийинчиликларга дуч келади.***

Изоҳ: Парвардигорнинг намоён бўлмаган, англаб бўлмас, шахсиятсиз кўриниш(аспект)ини англашга интилиб юрган илоҳиётчи одамларни гйанайоглар деб айтадилар, ҳамиша Кришна онгида юрадиган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишиларни эса бҳакти-йоглар деб атайдилар. Мазкур шеърда улар орасидаги фарқ аниқ кўрсатилган. Гарчи *гйана-йога* йўли ҳам инсонни охир-оқибатда *бҳакти-йог* эришадиган олий мақсадга олиб келса ҳам, Худога эришишнинг *гйана-йога* йўли жуда оғир бўлиб, ҳар хил қийинчилик ва машаққатларга тўла. *Бҳакти-йога*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли эса, танада мужассам бўлган руҳ учун анча осон ва табиийроқ. Шартланган руҳ бу моддий оламда жуда қадим замонлардан бери яшайди, шу боис ҳатто назарий жиҳатдан ҳам асл ўзлиги танасидан фарқ қилишини англаши унинг учун жуда мушкул. Шунинг учун бҳакти-йоглар Илоҳга, яъни Кришнанинг илоҳий қиёфасига сиғинадилар, айти пайтда ақлида мустаҳкам ўрнашиб қолган ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввуридан ҳам Худога хизмат қилишда фойдаланадилар. Албатта, эҳромда ўрнатилган *арча-виграҳага*, яъни Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларига сиғинишнинг қандайдир бут, санамларга сиғинишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ведаларда икки хил сиғиниш усули кўрсатилган: *сагуна* ва *ниргуна*. Худога Унинг биз сеза оладиган сифатларга эга бўлган(*сагуна*) қиёфаси воситасида ёки шундай сифатларга эга бўлмаган(*ниргуна*) қиёфаси воситасида сиғиниш мумкин. Эҳромда Илоҳларга сиғиниш *сагуна* тоифасига киради, чунки Парвардигор-

нинг эхромдаги киёфалари моддий унсурлардан ясалган. Лекин, Парвардигорнинг моддий сифатларга эга бўлган тошда, дарахтда ёки бўёқларда тасвирланган киёфалари моддий эмас, рухий табиатга эга. Парвардигорнинг Мутлақ табиати шундай.

Буни тушунтириш учун анча қўпол бўлса ҳам бир мисол келтириш мумкин. Агар кўчада осилган почта қутиларидан истаган бирига хат ташла сангиз, у керакли манзилга бориб етади. Худди шунга ўхшаган, лекин почта идорасига алоқаси бўлмаган бошқа бир қутига солинган хат эса ҳеч қаерга бормайди. Худди шундай *арча-виграҳа*, эхромда ўрнатилган Илоҳ Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган муқаддас киёфаси, Унинг вакили ҳисобланади. *Арча-виграҳа* Парвардигорнинг илоҳий киёфасидир. Бизнинг хизматимизни қабул қилиш учун Парвардигор ана шундай киёфада Ўзини намоён қилади. Чексиз қудратли, ҳар нарсага қодир Парвардигор шартланган руҳлар осон сиғина олиши учун *арча-виграҳа* киёфасида намоён бўлиб, уларнинг хизматини қабул қилади.

Шундай қилиб, Худонинг содиқ хизматкори учун бевосита Парвардигорга мурожаат қилишнинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ, аммо шахсиятсиз Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилаётганлар учун рухий ўзликни англаш йўли жуда машаққатли. Парвардигорнинг намоён бўлмаган аспектини англаб етиш учун улар Упанишадалар сингари ведавий муқаддас китобларни ўрганишлари, бу битиклар тилининг энг нозик томонларини таҳлил қилишлари ва уларни муқаммал эгаллаб олиши лозим. Оддий инсон учун бу жуда мушкул иш. Аммо, ҳақиқий рухий устоз раҳбарлиги остида ҳар куни Илоҳларга сажда қилиб, Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, Унга таклиф қилинган таомлардан татиб, Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳеч қийналмасдан қалбида Кришна онгини ривожлантиради ва Худонинг Олий Шахсини англаб етади. Имперсоналистлар ўзлари танлаган йўлдан бориб, шубҳасиз жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар, айни пайтда Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишлари ҳам гумон. Лекин, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс киёфасига сиғиниб юрганлар ҳеч қандай қийинчиликка учрамай, тўғри ва осон йўлдан бориб Худого эришадилар. Бу "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланган. Унда айтилишича, инсон охиروқибатда, барибир Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини топшириши лозим(мана шу *бҳакти* деб аталади). Лекин, бунинг ўрнига у "қайси нарса Браҳман, қайси Браҳман эмас"лигини таҳлил қилиш орқали Худони англаб етишга уриниб, бунга бутун умрини сарфласа ҳам, охируқибатда фақат қийинчиликлардан бошқа ҳеч нарсага эришмайди. Шу боис бу шеърда Шри Кришна дўсти Аржунга бундай қийин йўлни тавсия қилмаяпти, чунки ундан бораётган киши охирги натижага, олий мақсадга эришишдан тўлиқ умидвор бўлолмайди.

Тирик мавжудот ҳамиша алоҳида руҳ, шахс бўлиб қолаверади. Рухий тўла бутун билан қўшилиб кетишга интилаётган одамлар, ўзининг азалий табиатининг мангулик ва илмга тўла сифатларини англаб етишлари мумкин, аммо улар шахсий руҳнинг лаззатга тўла аспектини англай олмайдилар. Ху-

донинг содиқ хизматкорининг марҳамати билан ғяна-йогада камолотга эришган илоҳиётчи инсон ҳам вақти келиб *бҳакти-йога* билан шуғуллана бошлаши мумкин. Лекин шунда ҳам, Муглақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини узоқ йиллар давомида излагани унга анча халакит беради, чунки ўзининг Парвардигор ҳақидаги аввалги тасаввуридан бирданига юз ўгириши, имперсонализм ғоясидан воз кечиши жуда қийин бўлади. Шундай қилиб, намоён бўлмаган Парвардигорни англаб етиш шартланган руҳ учун ҳамиша - изланиш жараёнида ҳам, амал қилиш жараёнида ҳам, юксалиш жараёнида ҳам - қийинчиликлар манбаи бўлиб қолаверади. Ҳар бир тирик мавжудот маълум даражада мустақилликка эга. Шунинг учун, лаззатга тўла руҳий заррача бўлган тирик мавжудот учун намоён бўлмаган Зотни англаб етиш ғайритабиий, яъни унинг табиатига мос келмайдиган иш эканини англаб олишга ҳар бир инсон ўзи ҳаракат қилиши лозим. Фаросатли инсон бу йўлни танламаслиги керак. Руҳий ўзликни англашнинг энг осон йўли - инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлиб яшашга олиб келадиган Кришнани англаш йўли, Кришна онги билан яшаш усулидир. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини инкор этадиган иймонсиз одамлар даҳрийлар қаторига қўшилиб қоладилар. Шундай қилиб мазкур шеърдан маълум бўладикки, одамларнинг ўз ақл-идрокини Парвардигорнинг намоён бўлмаган, англаб бўлмайдиган ва сезгилар сеза олмайдиган кўринишини англашда мужассам қилиб, бекорга овора бўлиб юришига ҳожат йўқ. Бу қонун ҳаётда ҳамиша беҳато амал қилиб келган, айниқса биз яшаётган ҳозирги давр учун жуда ўринли. Кришнанинг Ўзи ҳам бу йўлдан боришни тавсия қилмаяпти.

*6-7. йе ту сарвани қармани майи саннийасйа мат-параҳ  
анайенайва йогена мам дхйайанта упасате  
тешам ахам самуддхарта мритйу-самсара-сагарат  
бхавами на чират партха майи авешита-четасам*

***Аммо, эй Притхининг ўгли, ўзини бутунлай Менга топшириб, бутун фаолиятини Менга бағишлаб Менга сажда қилиб юрган, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган, ақлини Менда мужассам қилиб, ҳамиша Мен ҳақимда ўйлаб юрадиган инсонларни тугилиш ва ўлишлар уммонидан Мен Ўзим тезда қутқариб оламан.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Худонинг содиқ хизматкорлари жуда омадли инсонлардир, чунки Парвардигорнинг Ўзи уларни тез вақт ичида ўткинчи моддий ҳаёт исқанжасидан халос этади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юриш натижасида инсон Парвардигорнинг қанчалик улуғвор эканини, тирик мавжудот ҳамиша Унинг ҳукми остида эканини англаб этади. Тирик мавжудотнинг вазифаси, ҳаётдаги муқаддас бурчи Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат, агар у бундан бош тортса майяга, шайтонга, яъни ўткинчи



танасига хизмат қилишга мажбур бўлади.

Аввал айтганимиздай, фақат садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина Худо Шахсини англаб етиш мумкин. Шунинг учун инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши керак. Худога эришиш учун инсон ўз ақлини бутунлай Унда мужассам қилиб яшаши лозим. Қилаётган ҳар бир ишимизни Кришнага бағишлашимиз лозим. Нима иш қилаётганимиз унчалик аҳамиятга эга эмас, муҳими - ҳар бир ишни фақат Худо учун қилиш керак. Худонинг содиқ хизматкорининг ягона истаги - Худони рози қилиш, ўз хизмати билан Уни мамнун қилиб яшашдан иборат. Содиқнинг ҳаётдаги олий, асосий мақсади Кришнани мамнун қилиш, бунинг учун у Курукшетрадаги Аржун сингари, ҳаётда ҳамма нарсадан воз кечиши мумкин. Бундай йўлдан бориш жуда осон: бунинг учун ҳаётда ҳар бир қилган ишимизни Кришнага бағишлаб, хамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрсак бас: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу мантранинг илоҳий товушлари инсонни Худонинг Олий Шахсига боғлаб қўяди.

Мазкур шеърда Парвардигор ўз ҳаётини Унга садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаган кишини тезда моддий ҳаёт уммонидан Ўзи кутқариб олишга ваъда берган. Буюк сеҳргар йоглар йога усули ёрдамида ўз истаги билан руҳини истаган сайёрасига олиб бора оладилар. Яна бировлар бунинг учун бошқа усуллардан фойдаланадилар. Лекин бу ерда айтилганидай, Худонинг содиқ хизматкорини Парвардигорнинг Шахсан Ўзи моддий олам тутқунлигидан кутқариб олади. Худонинг содиқ хизматкори ўзини руҳий оламга олиб чиқишга қодир бўладиган руҳий қувват тўплашга уриниб юришининг мутлақо ҳожати йўқ.

"Вараха-пурана"да шундай шеър бор:

*найами парамам стханам арчир-ади-гатим вина  
гаруда-скандхам аропйа йатхеччхам аниваитах*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Худонинг содиқ хизматкори руҳий сайёраларга кўтарилиш учун *аштанга-йога* билан шуғулланиб юришига ҳожат йўқ. Парвардигорнинг шахсан Ўзи бунинг иложини қилади. Бу ерда Кришна аниқ-равшан айтяптики, содиқ хизматкорини Унинг Ўзи кутқариб олади. Фарзандининг ҳамма эҳтиёжини ота-онаси ўз зиммасига олиб, ғамхўрлик қилиб юради, шунинг учун ёш бола ота-онасининг ғамхўрлиги остида ўзини мутлақо беташвиш ҳис қилади. Худди шунингдек, Худонинг содиқ хизматкори ҳам йога усуллари ёрдамида бошқа сайёраларга боришга уриниб, ташвишга тушиб юришининг мутлақо ҳожати йўқ. Худо Шахсининг Ўзи буюк марҳамат кўрсатиб, Гаруданинг елкасида содиқ хизматкорининг изидан келиб, уни моддий олам тутқунлигидан халос этиб, Ўзининг мангу даргоҳига олиб кетади. Океан ўртасида сувга чўкиб бораётган одам бор кучи билан ҳаёт учун кураш олиб бориши мумкин, лекин у қанчалик моҳир сузувчи бўлмасин, барибир ўз кучи билан уммон чангалидан қутула олмайди. Ле-

кин, бошқа биров кемада келиб уни бу ҳалокатдан қутқариб, сувдан чиқариб олса, у ҳеч қийналмасдан озодликка эришади. Худди шунингдек, Парвардигор ҳам содиқни моддий олам уммонидан қутқариб олади. Бунинг учун биз қилишимиз лозим бўлган ягона иш - Кришнани англашнинг ҳеч қийин бўлмаган усулидан фойдаланиб, ҳаётимизни Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашдан иборат. Ҳар қандай фаросатли инсон ўзликни англашнинг бошқа усулларида Худога садоқат билан хизмат қилиш усулини афзал деб билади. "Нараяния"да бу қуйидагича тасдиқланади:

*йа ваи садхана-сампаттих пурушартха-чатуштайе  
тайа вина тад апноти наро нарайанаирайах*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, ҳақиқатни кармали фаолият билан ёки фалсафий фикрлаш ёрдамида излашнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, чунки ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топширган киши йоганинг бошқа турлари(руҳнинг табиати ҳақида фикр юритиш, ведавий урф-одатларга амал қилиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, хайр эҳсон қилиш ва ҳок.) билан шуғулланиш орқали эришиладиган барча натижаларга ўз-ўзидан эришади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошқа йоғалардан афзаллиги ҳам шунда.

Кришнанинг муқаддас номларидан иборат бўлган Ҳаре Кришна ман-трасини ҳамиша зикр қилиб юриш шарофати билан содиқ шод-хуррамлик билан инсон ҳаётининг энг олий мақсадига - Худонинг даргоҳига осонгина эришади: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Рухий ўзликни англашнинг бошқа йўлларида бораётган кишилар учун бундай юксак мақсад эришиб бўлмас орзу бўлиб қолаверади.

"Бхагавад-Гита"да айтилган гапларнинг барчасига яқун ясаб, ўн саккизинчи бобнинг охирида Кришна шундай дейди:

*сарва дхарман паритйаджа мам экам шаранам враджа  
ахам твам сарва-напехйо мокшайишйама ма шучах*

Кришна бизни ўзликни англашнинг бошқа барча йўллари тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, Унга садоқат билан хизмат қилишга чақиряпти. Фақат шундагина биз ҳаётда руҳий баркамоллик чўққисига эриша оламиз. Аввал қилган гуноҳларимиз оқибатидан қўрқиб ўтиришнинг асло ҳожати йўқ, чунки содиқ хизматкорига ғамхўрлик қилишга Худо Шахсининг Ўзи ваъда берапти. Шунинг учун ўзликни англашнинг у ёки бу усулидан фойдаланиб, моддий олам тутқунлигидан қутулишга уриниб, бекорга вақт кетказиб овора бўлиб юришга ҳожат йўқ. Ҳар бир инсон олий ва қудратли, ҳар нарсага қодир бўлган ягона Парвардигор, Худо Шахси Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топсин. Ана шу - руҳий баркамолликнинг энг юксак чўққиси ва инсон ҳаётининг энг олий мақсадидир.

*8. майи эва мана адхатсва майи буддхим нивешайа  
нивасийаси майи эва ата урдхам на самшайах*

***Ҳамиша ақлу-хаёлинг Менда, Худонинг Олий Шахсида бўлсин,  
тафаккурингни бутунлай Менда мужассам қил. Шунда сен  
ҳамиша Менда яшайсан, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин  
мас.***

Изоҳ: Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Парвардигор билан ҳамиша бевосита боғланган, шунинг учун у аввал бошиданок илоҳий, руҳий ҳолатга эришган бўлади. Худонинг содиқ хизматкори аслида бу дунёда яшаётгани йўқ, у Кришнада, руҳий оламда яшайди. Парвардигор ва Унинг муқаддас номи бир-биридан фарқ қилмайди, шунинг учун содиқ Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилганида Кришна ва Унинг ички қуввати унинг тилида рақс тушаётган бўлади. Содиқ Кришнага овқат таклиф қилганида Парвардигорнинг Ўзи унинг эҳсонини қабул қилади, кейин шу таом қолдиқларидан татиб, содиқнинг бутун вужуди аста-секин Кришна онги билан тўлиша боради. Гарчи буларнинг ҳаммасини "Бҳагавад-Гита" ва бошқа муқаддас китоблардан ўқиб олиш мумкин бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш нималигини билмаган киши бу ишларнинг қандай содир бўлиши мумкинлигини тушуниб етиши жуда қийин.

*9. атха читтам самадхатум на шакноши майи стхирам  
абхйаса-йогена тато мам иччхатум дхананджайа*

***Эй Аржун, эй бойлик эгалловчи зот, агар сен ақлингни ҳамиша  
Менда мужассам қилиб юролмасанг, бҳакти-йога қонун-  
қоидаларига амал қилиб яша. Шунда сен қалбингда Менга эришиш  
истагини ривожлантирасан.***

Изоҳ: Бу ерда бҳакти-йоганинг икки тури ҳақида гап боради. Бҳакти-йоганинг биринчи тури билан Худонинг Олий Шахси Кришнага илоҳий муҳаббат билан руҳий боғланган киши шуғулланади. Иккинчи тури эса, ҳали қалбида Худонинг Олий Шахси Кришнага нисбатан муҳаббат билан руҳий боғланиш туйғуси ривожланмаган одамлар учун мўлжалланган. Иккинчи тоифадаги содиқлар учун ҳар хил қонун ва қоидалар мавжуд, қалбида Кришнага нисбатан боғланиш, муҳаббат туйғусини ривожлантириш учун инсон ҳаётда ана шу қоидаларга қатъий амал қилиб яшаши лозим.

*Бҳакти-йога* - ҳиссиётни поклаш йўлидир. Ҳозир биз моддий оламда яшаяпмиз, шу боис моддий лаззатларга боғланиб қолган ҳиссиётимиз нопок, булганган. *Бҳакти-йога* усули ёрдамида ана шу нопок ҳиссиётимизни поклашимиз мумкин. Шунда сезгиларимиз Парвардигор билан бевосита муноса-

батда бўла бошлайдилар. Моддий оламда мен қандайдир хўжайинга хизмат қилишим мумкин, лекин унга муҳаббат юзасидан эмас, балки у менга ҳақ тўлагани учун хизмат қиламан. Хўжайин ҳам мени севмайди, у менинг хизматимдан фойдаланади, бунинг учун менга ҳақ тўлайди. Бундай муносабатлар ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатлар эмас. Лекин, руҳий ҳаётда ҳар кимдан Худога нисбатан пок муҳаббат талаб қилинади. Бундай даражага эса, ўзимизнинг ҳали нопок бўлган ҳиссиётимизни ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш орқали эриша оламиз.

Худога муҳаббат туйғуси ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мудраб ётибди. Аммо, ана шу муҳаббат моддий оламда моддий табиат таъсири остида нопок, булганган ҳолда ўзини ҳар хил кўринишларда намоён этади. Шунинг учун инсон ўз қалбини моддий иллатлардан поклаши, унда Кришнага нисбатан мудраб ётган соф муҳаббат туйғусини уйғотиши керак. Бҳакти-йоганинг мазмуни ҳам, мақсади ҳам ана шундан иборат.

Бҳакти-йоганинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш учун тажрибали руҳий устоз қабул қилиб, унинг раҳбарлиги остида маълум қоидаларга риоя қилиб яшаш лозим: эрта туриш, сувда ювиниб покланиш, эҳромга келиш, Худога илтижо қилиш, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш, илоҳларга гул тақдим этиш, Уларга ширин таомлар таёрлаш, кришна-прасадамдан тотиш ва ҳоказо. Содик амал қилиши лозим бўлган жуда кўп қоидалар бор. У ҳамиша Худонинг содик хизматкори оғзидан "Бҳагавад-Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини тинглаб юриши лозим. Ана шундай амалларни мунтазам бажариб юриш қалбимизда Кришнага нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантиради. Шунда олдимизда Худонинг даргоҳига олиб борувчи равон йўлнинг эшиклари кенг очилади. Руҳий устоз раҳбарлиги остида *бҳакти-йога* қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб юрган кишининг қалбида Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат туйғуси албатта уйғонади.

*10. абхйасе “ни асамартхо “си мат-карма-парамо бхава  
мад-артхам апи кармани курван сиддхим авапсйаси*

***Агар сен бҳакти-йога қонун-қоидаларига амал қилиб яшай олмасанг - шунчаки Мен учун ишла, чунки, сен Менинг ишим билан машғул бўлиб юрсанг ҳам баркамолликка эришасан.***

Изоҳ: Аар Худо учун ҳолис, беминнат меҳнат қилиб юрсалар, руҳий устоз раҳбарлиги остида *бҳакти-йога* қонун қоидаларига риоя қилиш қўлидан келмайдиган кишилар ҳам руҳий баркамолликка эриша оладилар. Худо учун меҳнат қилиш йўли қандай эканлиги ўн биринчи бобнинг охирида тушунтирилган эди. Инсон Қришнани англаш йўлини, Худога хизмат қилиш илмини ғофил одамлар орасида кенгрок тарқатиш ишларига имкони борича ёрдам бериши керак. Жуда кўп содиқлар Қришнани англаш илмини ғофил одамларга ўргатиш билан шуғулланидилар, улар бундай машаққатли ишда ҳамиша

ёрдамга муҳтож. Шунинг учун *бҳакти-йога* қоидаларига риоя қилиб яшай олмайдиган кишилар ана шундай фидойи содиқларнинг эзгу ишларига ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим. Ҳар қандай иш билан жиддий шуғулланиш учун албатта бошланғич моддий маблағ, ер, ишчи кучи ва ташкилий ишлар зарур бўлади. Худди ишбилармон учун иш хонаси, пул, ишчи кучи ва ўз фаолиятини кенгайтиришда ёрдам берадиган бирор ташкилот зарур бўлгани сингари, Кришнага хизмат қилиш учун ҳам худди шундай нарсалар керак бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқи шундан иборатки, дунёвий одам бу нарсаларнинг ҳаммасини фақат ўз нафси учун, ўзи лаззатланиш учун ишлатади. Агар шу ишларнинг барчаси Кришнани мамнун қилиш учун ишлатилса, у бутунлай руҳий фаолиятга айланади. Етарлича пули, бойлиги бўлган иймонли киши бошқаларга Худо ҳақидаги илмни ўргатишда фойдаланиш учун эҳром қуриши ёки бирор иморат топишда ёрдам бериши, ёки китобларни нашр қилишда маблағ билан кўмаклашиши мумкин. Худога хизмат қилиш йўлида меҳнат қилиш имкониятлари жуда кенг ва ҳар бир фаросатли, иймонли инсон ана шундай фаолиятда қўлидан келганча иштирок этишга ҳаракат қилиши лозим. Агар одам ўз меҳнатининг ҳамма натижаларини Худо йўлига сарфлай олмаса, ўзининг бироз вақтини бошқаларга Кришна ҳақида гапиришга сарфлаши мумкин. Кришнани англаш илмини бошқаларга ўргатишда ўз хоҳиши билан қилинган ишларнинг ҳаммаси инсон қалбида бора-бора Худога нисбатан муҳаббат туйғусининг уйғонишига олиб келади. Шу тарзда у аста-секин руҳий баркамоллик даражасига кўтарилиб, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

*11. атхаитад апи ашакто “иш картум мад-йогам ашритах сарва-карма-пхала-тйагам татах куру йататмаван*

***Агар Мен учун ҳолис меҳнат қилиш ҳам қўлингдан келмаса, унда ўз меҳнатинг натижаларига боғланмасдан, улардан воз кечиб, қалбинг(руҳий ўзлигинг)да қаноат ҳосил қилиб яшашга ҳаракат қил.***

Изоҳ: Баъзан шундай ҳолатлар бўлиб турадики, қандайдир ижтимоий, оилавий, диний ва бошқа сабаблар туфайли инсон ҳатто Кришна онгидаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ниятини ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолади. Ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлашга ҳаракат қилаётган киши оила аъзоларининг, теварак атрофдагиларнинг қаршилигига ёки бошқа қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Кришна, шундай вазиятга тушиб қолган одамларга ишлаб топган пулларини қандайдир эзгу, савоб ишларга сарфлашни тавсия қиляпти. Ана шундай хайрли ишларни қилиш қоидалари ведавий муқаддас китобларнинг қурбонлик маросимлари ўтказиш, хайрли ишлар қилиш қоидалари ҳамда бойликни қайси ишларга сарфлаш мумкинлиги ҳақида кўрсатмалар берилган *карма-канда* бўлимида таърифланган.

Кришна онги билан кўрсатиладиган фаолият билан кизикмайдиган ғофил одам ўзининг оғир меҳнати эвазига топган мол-дунёсини шифохоналарга ёки бошқа қандайдир хайр-саховат кўрсатадиган ташкилотларга берганида, у ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган бўлади. Бу ерда Кришна айнан шуни тавсия қиляпти, чунки инсон ўз меҳнатининг натижаларига боғланмагани туфайли аста-секин ақлини поклай бошлайди. Покланган ақли ёрдамида у вақти келиб, қачон бўлса ҳам Кришнани англаб етишга қодир бўлади. Албатта, Кришнани англаш жараёни руҳий фаолиятнинг бошқа турларига мутлақо боғлиқ эмас. Кришна онги билан кўрсатилган фаолиятнинг ўзи инсон ақлини ҳар қандай иллатлардан поклаш учун етарли бўлган қудратли кучга эга. Лекин, агар инсоннинг ўзи Кришнани англаш доирасидаги ишлар билан шуғулланишга қодир бўлмаса, озгина бўлса-да у ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиши керак. Бунинг учун у эзгу ишлар билан шуғулланиши - яқинларига ёрдам бериши, ўзи яшаётган давлат, жамият, халқ равнағи йўлида беминнат, холис хизмат қилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси унинг келажакда Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилишида ёрдам беради. "Бхагавад-Гита"да(18.46) шундай дейилган: *йатах правриттир бхутанам*. Агар инсон ҳатто ўзи ҳам билмасдан энг олий мақсад - Кришна учун бирор нарчасини қурбон қилса, кўрсатган ана шу саховатининг шарофати билан вақти келиб, охир-оқибатда ҳаётда шунча замонлардан бери излаб, орзу қилиб юрган барча интилишларининг ягона мақсади ягона Парвардигор, Кришна эканини албатта англаб етади.

*12. шрейо хи джнанама абхйасадж джнанад дхйанам вишишйате  
дхйанат карма-пхала-тйагас тйагач чхантур анантарам*

***Агар бундай қилиш ҳам қўлингдан келмаса, илм ўрганишга ҳаракат қил. Лекин, илм ўрганишдан муроқабани қилиш афзалроқ, ўз меҳнатининг натижаларига боғланмаслик эса муроқабани қилишдан ҳам устун туради, чунки ўз меҳнатининг натижасига боғланмаган киши ҳамини хотиржам, осойишта яшайди.***

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтиб ўтилганидай, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг икки тури бор: *бхакти-йога* қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб яшаш ва содиқнинг қалбида Кришнага табиий, ўз-ўзидан пайдо бўладиган муҳаббат билан хизмат қилиш. "Кришнани англаш усули" ҳисобланган бхакти-йоганинг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашга қодир бўлмаган киши руҳий илм эгаллашга интилиши лозим, чунки бундай илм унга ўзининг ҳақиқий табиати аслида "руҳ" эканини чуқурроқ англаб етишда ёрдам беради. Руҳий илм асосида у руҳий жиҳатдан аста-секин юксалиб муроқабани қилиш даражасига эришади, муроқабани билан шуғулланиб, вақт ўтиши билан Худонинг Олий Шахсини англаб етишга эришади. Руҳий ўзликни англаш усулларининг баъзи бирлари инсонни: "Мен ўзим Худоман!" - деган нотўғри

хулосага олиб келиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлмаган кишилар ўзликни англашнинг ана шундай усуллари билан шуғулланишни афзал биладилар. Ҳатто ана шундай мууроқаба усули билан ҳам шуғуллана олмайдиган одамлар учун эса Ведавий муқаддас китоблар варнашрама қонунлари асосида тузилган жамиятда ўз бурчини холис бажариш билан шуғулланишни тавсия этадилар: бу вазифалар брахманларнинг, кшатрийларнинг, вайшйаларнинг ёки шудраларнинг вазифаси бўлиши мумкин. Бу қоидалар "Бхагавад-Гита"нинг охириги бобида келтирилган. Лекин, жамиятдаги бурчи қандай бўлишидан қатъий назар, инсон ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиши керак, яъни у ўз фаолиятининг натижаларини фақат эзгу ишларга сарфлаши лозим. Шундай қилиб олий мақсадга - Худонинг Олий Шахсига - олиб борадиган икки йўл бор: 1) Худони англашда аста-секин юксалиб борадиган йўл; 2) тўғридан-тўғри Худонинг даргоҳига олиб борадиган, энг яқин йўл. Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли - энг яқин йўлдир, Худога эришишнинг бошқа усуллари инсонни ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасликка, таркидунёликка ўргатади. Таркидунёлик, боғланмаслик инсонга илм ўрганиш имконини беради, эгаллаган руҳий илми эса инсонга мууроқаба билан шуғулланиш, кейин қалбидаги Олий Руҳни англаш ва аста-секин Худонинг Олий Шахсини англаб етиш имконини беради. Инсон ўз хоҳиши билан ана шу босқичлар орқали эришиладиган узун йўлни ёки Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Парвардигор билан бевосита боғланадиган Кришнани англаш йўлини, яъни ҳаётда Кришна онги билан яшаш йўлини танлаши мумкин. Ҳар хил одамларнинг ҳаммаси бирданига Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олмагани сабабли Худони англашнинг иккинчи йўли ҳам мавжуд. Лекин, шунга эътибор бериш керакки, Парвардигор дўсти Аржунга мана шу узок йўлни танлашни маслаҳат бермаяпти, чунки Аржун Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб юрибди. Худога аста-секин, поғонама-поғона эришиш имконини берадиган йўл ҳали руҳий юксалишда Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришмаган кишилар учун мўлжалланган. Ундай инсонлар аста-секин аввал таркидунёликни ўрганиши, кейин илмга эга бўлиши, мууроқаба билан шуғулланиб, Олий Руҳ ва шахсиятсиз Брахманни англаб етишлари лозим. Лекин, "Бхагавад-Гита"да Кришна асосий эътиборни руҳий ўзликни англашнинг тўғридан-тўғри йўлига, яъни садоқат билан Худога бевосита хизмат қилиш йўлига қаратган. У ҳар бир инсонни мана шу йўлга киришга ва ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахси Кришнага топширишга қақиради.

*13-14 адвешта сарва-бхутанам маитрах каруна эва ча  
нирмамо нираханкарах сама-духкха-сукхках киами  
сантуштаҳ сататам йоги йататма дридха-нишчайаҳ  
майй-арпита-mano-буддхир йо мад-бхактаҳ са ме прийаҳ*

***Ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган ва барча тирик мавжудотларга дўстона муносабатда бўладиган, бирор нарсага эга бўлиш туйғуси ва сохта ўзлик таъсиридан халос бўлган, қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушганда ҳам ҳаловати бузилмай хотиржам қоладиган, сабр-тоқатли ва ҳаётдан ҳамиша мамнун, ҳиссиётини жиловлаб, ақлу-идрокини Менда мужассам қилиб, қатъий қарор билан ўзини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган инсон Мен учун жуда азиз.***

Изоҳ: Соф садоқат билан хизмат қилишнинг сифатларини таърифлашга қайтиб, Парвардигор бу икки шеърда Ўзининг соф содиқ хизматкорининг илоҳий сифатларини санаб ўтади. Шундай содиқ ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам хотиржам ва осойишта қолаверади. У ҳеч кимга ҳасад ёки душманлик қилмайди. Бировларнинг ёмонлигига ёмонлик билан жавоб бериш ўрнига Худонинг содиқ хизматкори ҳамиша ўзини айбдор деб билади: "Аввалги ҳаётимда қилган гуноҳларим сабабли бу одам ҳозир менга ёмонлик қиляпти. Шунинг учун мен унинг бераётган азобларига чидам билан сабр қилишим керак". "Шримад Бҳагаватам"(10.14.8)да айтилганки, *там те "нукампам сусамикшамано бхунджана эватма-критам випакам*. Ҳаётда қандайдир мусибатга ёки бирор қийинчиликка дуч келганда, содиқ уларни "Худонинг марҳамати" сифатида қабул қилади. "Аввалги ҳаётимда қилган гуноҳларим сабабли мен аслида бундан ҳам баттарроқ мусибатга дучор бўлишим керак эди. Фақат Парвардигорнинг чексиз меҳрибонлиги туфайли ҳозир менга мана шу озгина жазо берилляпти. Бунинг учун мен Худодан чексиз миннатдор бўлишим керак". Шунинг учун содиқ ҳамиша хотиржам ва осойишта юради, мамнунлик билан ҳар қандай мусибатларга сабр-тоқат қилади. Худонинг содиқ хизматкори барча тирик мавжудотларга, ҳатто ўз душманларига ҳам бир хилда меҳрибон, раҳмдил. *Нирмама*: у ўзининг моддий танаси келтирадиган азоб-уқубатларига жиддий эътибор бермайди, чунки ўзи аслида тана эмаслигини яхши билади. Худонинг содиқ хизматкори моддий танасини "мен ўзим" деб ҳисобламагани учун сохта ўзлик таъсирига берилмайди, ҳаётда дуч келадиган бахтга ҳам, мусибатга ҳам бир хил муносабатда бўлади. У сабр-тоқатли, Худонинг марҳамати билан тақдирида учраган нарсаларга шукроналик билан қаноат қилиб яшайди.

Ҳаётда эришиш қийин бўлган ҳар хил катта мақсадларни орзу қилмасдан, содиқ хизматкор ҳамиша ўз ҳаётдан, ҳозирги ҳолатидан мамнун бўлиб яшайди. Рухий устозининг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб, содиқ "қомил йог" бўлиб етишади, ҳиссиётини, нафсини жиловлаб олгани туфайли у ҳаётда ўзгармас қатъий қарор қабул қилишга қодир бўлади. Ҳаётдаги сохта, ўткинчи нарсалар уни ҳеч қачон олий мақсадга интилиш йўлидан чалғита олмайди, чунки унинг Худого садоқат билан хизмат қилиб яшаш қарорини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Кришна - Худонинг Олий Шахси, мангу, ягона Парвардигор эканига у чуқур иймон билан аниқ ишонади, у мана шу



Ҳақиқатни тўла англаб етган, шунинг учун бу йўлдан уни ҳеч ким қайтара олмайди. Ана шу сифатларнинг барчаси унга ўзининг бутун ақл-идрокини, тафаккурини Худога мужассам қилишда ёрдам беради. Албатта, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бундай юқори даражасига кўтарилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб юрган ҳар бир инсон ана шундай юксак илоҳий даражага кўтарилган олади. Бунинг устига Парвардигор Кришна: "Шундай содиқ Мен учун жуда азиз!" - дейди. Шундай содиқнинг Кришна онгида қилаётган ҳар бир ишидан Парвардигор ҳамиша мамнун бўлади. Бу эса энг буюк бахтдир.

*15. йасман нодвиджате локо локан нодвиджате ча йаҳ  
харшамарша-бхайодвегаир мукто йаҳ са ча ме приях*

***Ҳеч кимга бирор ташвиш келтирмайдиган, ўзи ҳам ташвишга тушмай ҳамиша хотиржам юрадиган, қувончли дамларда ҳам, бошига мусибат тушганда ҳам безовта бўлмай ҳаловатда яшайдиган, кўрқинч, хавотир нималигини билмайдиган киши - Мен учун жуда азиз.***

Изоҳ: Бу ерда Худонинг содиқларининг яна бир неча фазилатлари санаб ўтилган. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон бошқа бировни кийин аҳволга солиб қўймайди, ҳеч қачон бошқаларнинг ташвишланишига, кўркувига ёки норозилиklarига сабаб бўладиган иш қилмайди. Ҳар бир тирик мавжудотга фақат яхшилик истаган ҳолда, содиқ ҳеч қачон бошқаларга озор бермайди, уларга бирор ташвиш келтирмайди. Айни пайтда, бошқалар унга озор берсалар ёки ташвишлантирсалар ҳам, у чидам билан сабр қилиб, хотиржам ҳолида қолаверади. Ҳар қандай ҳолатда, ҳатто энг оғир вазиятларда ҳам хотиржам қолишни у Худонинг марҳамати билан ўрганади. Содиқ ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб юргани, Худога садоқат билан хизмат қилишда мунтазам банд бўлгани сабабли, ташки моддий оламнинг ҳар хил ташвиш ва таъсирлари унинг мустаҳкам осойишталигини бузолмайди. Моддий оламда аксарият одамлар ҳиссиётига, сезгиларига лаззат берадиган бирор нарсага эришсалар қаттиқ қувониб кетадилар, лекин ўзи эришолмаган нарсалар билан бошқалар лаззатланаётганини кўрганда уларга ҳасад қилиб қийналадилар. Душманининг ўч олишидан кўркиб дунёвий одамлар ҳамиша кўркув остида яшайдилар, ҳаётда учрайдиган омадсизликлардан нолиб қийналадилар, тушқунликка тушадилар. Ана шундай ўткинчи дунёвий ташвишлардан халос бўлган содиқ хизматкор Кришна учун жуда азиз.

*16. анапекшаҳ шучир дакша удасино гата-вйатхаҳ  
сарварамбха-паритйаги йо мад-бхактаҳ са ме приях*

***Ташиқи муҳит таъсирига берилмайдиган, ҳамиша озода, пок юра-  
диган, эпчил, хотиржам, беташивиш, ўз меҳнатининг натижасига  
интилмайдиган содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз.***

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори Худо йўлида ишлатиш учун бошқалардан эҳсон олиши мумкин, лекин у бошқалардан пул олишга интилиб, қаттиқ ҳаракат қилмаслиги лозим. Агар Худонинг марҳамати билан ўз-ўзидан бирор бойлик келса ҳам, у бундай бойликка боғланмасдан хотиржам қолаверади. Содиқ ҳар куни камида икки марта бутун танасини ювиб покланади, Худога хизмат қилиш учун тонг отишидан аввал уйқудан уйғонади. Шу боис у танасини ҳам, руҳини ҳам ҳамиша пок тутади. Ҳар қандай фаолиятнинг маъносини, моҳиятини аниқ кўра олгани сабабли, у ҳаётнинг мазмунини тўғри тушунади, у муқаддас китобларга чуқур иймон билан ишонади. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон бировнинг тарафини олмайди, шунинг учун ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта яшайди. У ҳеч қачон азоб-укубатлардан қийналмайди, чунки моддий танасини “ўзим” деб ҳисобламайди. У танаси - шунчаки сиртқи либос эканини яхши билади, шунинг учун танаси бирор оғриқ сезганида қаттиқ қийналиб ўтирмайди. Соф содиқ ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига зид бўлган ишларни қилишга интилмайдди. Масалан, ҳашаматли иморат қуриш кишидан катта маблағ ва вақт сарфлашни талаб қилади. Агар Худога садоқат билан хизмат қилишга ёрдам бермайдиган бўлса, содиқ ҳеч қачон бундай машаққатли ишга қўл урмайди. У Худо учун ҳашаматли эҳром қуришга қўл уриши, бундаги ҳар қандай қийинчилақларни қувонч билан қабул қилиши мумкин, аммо ҳеч қачон ўзи ва қариндошлари учун катта иморат қуришга интилмайдди.

*17. йо на хришийати на дवेशти на шочати на канкияти  
шубхашубха-паритйаги бхактиман йаҳ са ме прийаҳ*

***Ҳеч қачон қувончдан яйраб кетмайдиган, гам-гуссага қаттиқ бе-  
рилиб кетмайдиган, ҳеч нарсага ачинмайдиган, бирор орзу-истаги  
қолмаган, воқеа-ҳодисаларни "яхши" - "ёмон"га ажратмайдиган  
содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз.***

Изоҳ: Худонинг соф содиқ хизматкори ҳеч қачон моддий нарсаларга эришишдан қувониб кетмайди ёки бирор нарсадан маҳрум бўлганда қаттиқ қийналмайди. Фарзанди туғилганда ёки янги шоғирдларга эга бўлганда қаттиқ қувониб кетмайди ёки улардан айрилганида қаттиқ мусибатга тушмайди. Ўзи учун ҳаётда жуда азиз бўлган нарсадан ёки яқин одамидан айрилганида ҳам қаттиқ қийналмайди, интилиб юрган орзусига эришолмай қолганида тушқунликка тушмайди. У ҳаётда яхши ёки ёмон, савоб ёки гуноҳ ишларга дуч келганда, қандай аҳволга тушиб қолса ҳам ҳамиша ўзининг трансцендент, илоҳий ҳолатида қолаверади. Парвардигорни ўзининг соф

садоқат билан қилаётган хизмати билан мамнун қилиш учун у ҳаётда ҳар қандай жудоликка тайёр туради. Ҳаётда ҳеч нарса унинг Худога садоқат билан хизмат қилишига ҳалақит беролмайди. Ана шундай содиқ Худо учун, Кришна учун жуда азиз.

*18-19. самаҳ шатрау ча митре ча татха манапаманайоҳ  
шитошина-суккха-духккешу самаҳ санга-виварджитаҳ  
тулйа-нинда-стутир мауни сантушито ена кеначит  
аникетаҳ стхира-матир бхактиман ме прийо нараҳ*

***Дўст ва душманларига бир хил муносабатда бўладиган, обрў-эътибор ва беобрўликни, иссиқ ва совуқни, бахт ва мусибатни, шон-шухрат ва шармандалиқни бир хилда қабул қиладиган, онгини булғайдиган нарсалардан ҳамиша четда юрадиган, ҳамиша сукут сақлаб, мамнун яшайдиган, ўзига бошпана излаб ташвишга тушмайдиган, мукамал илмга эга бўлиб, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкорим Мен учун жуда азиз.***

Изоҳ: Содиқ ҳаётда бемаъни, бемақсад яшаб юрган ғофил одамлар даврасидан узоқ юради. Кундалиқ ҳаётда бизни гоҳида мақтайдилар, гоҳида танқид қиладилар; бу дунёдаги ҳаёт ўзи шундай. Лекин, Худонинг содиқ хизматкори ўткинчи дунёнинг бундай алдамчи бахт ва мусибатларига, шон-шухрат ва шармандалиқларига эътибор бермай бир хилда хотиржам яшайди. У ҳеч қачон Кришна билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни гапириб, бекорга вақтини кетказиб юрмайди, шунинг учун бошқалар уни "ҳамиша сукут сақлайди" деб айтадилар. "Сукут сақлаш" деганда "Худонинг содиғи умуман гапирмай қўйиши керак" деб ўйламаслик керак, содиқ бемаъни, бемақсад, турли хил фисқу-фасод гапларни, ҳар қандай сафсатани тарк этиши лозим. Нутқ, гапириш қобилияти бизга ҳаётнинг энг муҳим мавзулари ҳақида гапириш, ўзаро фикр алмашиш учун берилган. Содиқ хизматкор учун ҳаётда энг муҳим мавзу - ягона Парвардигор, Шри Кришна. Худонинг содиқ хизматкори ҳар қандай ҳолатда ҳам бахтиёр қолаверади; баъзан уни ширин таомлар билан меҳмон қиладилар, баъзида эса у бутунлай оч қолиб кетиши мумкин, лекин у ҳамиша ўз тақдирдан мамнун бўлиб юраверади. У хатто ўзи учун бирор бошпана ҳақида ҳам қайгурмайди. Баъзан унга бирор дарахт сояси, баъзида эса шохона сарой бошпана бўлиши мумкин - содиқ уларнинг ҳар иккаласига ҳам баробар боғланмай қолаверади. Худонинг содиқ хизматкорини "қарори қатъий, илми мустаҳкам инсон" деб айтадилар, содиқнинг сифатларини таърифлашда баъзан тақдор келадиган сифатларни учратиш мумкин. Бундан мақсад - шу сифатларнинг муҳимлигини, содиқ ана шундай сифатларни ўзида албатта ривожлантириши лозимлигини таъкидлашдан иборат. Шундай сифатларга эга бўлмай туриб инсон Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига қўтарилмайдиган. *Харав абхактасйа кутто махад-гунаҳ:* Худо-

нинг содиқ хизматкори бўлмаган киши эзгу фазилатларга, яхши сифатларга эга бўлмайди. Худонинг содиқ хизматкори бўлишга даъво қилаётган ҳар бир инсон ўзида албатта ана шундай улғувор фазилатларни ривожлантириши лозим. Албатта, у бирор фазилатга эришиш учун алоҳида ҳаракат қилиб ўтирмайди. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юришнинг ўзи унда табиий равишда ана шундай эзгу фазилатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шундай эзгу фазилатларга эга бўлган содиқ Кришна учун жуда азиз бўлади.

*20. йе ту дхармамритам идам йатхоктам парйупасате  
шраддадхана мат-парама бхактас те “твива ме прийах*

***Мени ҳаётининг олий мақсади деб билган ҳолда, Менга садоқат билан хизмат қилиш(ҳақиқий дин)нинг мангу йўлидан қомил ишонч, чуқур иймон билан бораётган содиқларим Мен учун жуда, жуда азиз.***

Изоҳ: Бу бобда иккинчи шеърдан бошлаб, (*майй авешйа мано йе мам, яъни "ақлингни Менда жамлаб"*) то охиригача(*йе ту дхармамритам идам*, яъни "бу мангу хизмат қилиш дини") Кришна инсонга Худонинг даргоҳига эришиш имконини берадиган илоҳий хизмат қилиш турлари ҳақида гапириб берган. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча турлари Парвардигор учун жуда азиз ва Ўзига хизмат қилишга интилаётган ҳар бир инсонни Парвардигор албатта қабул қилади. Аржуннинг: “Ўзликни англашнинг икки йўли бўлган: шахсиятсиз Браҳманни англаб олишга интилиш ҳамда Худога бево-сита хизмат қилиш йўлларида қайси бири афзал?” - деган саволига жавоб бера туриб Парвардигор аниқ айтаяптики, Худога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий ўзликни англаш усуллари ичида, шубҳасиз, энг яхшисидир. Бошқача қилиб айтганда, бу бобда шундай хулосага келинган: Худонинг содиқ хизматкори билан бўлган мулоқот шарофати билан инсоннинг қалбида Худога соф садоқат билан хизмат қилишга қизиқиш пайдо бўлади, ана шу қизиқиш уни ҳақиқий руҳий устоз излаб, ундан руҳий илм ўрганишга мажбур қилади. Ҳақиқий руҳий устоз, гуру раҳбарлиги остида содиқ чуқур иймон-ишонч, иштиёқ ва садоқат билан *бҳакти-йога* қонун-қоидаларига амал қилиб, Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошлайди, шу тариқа у Худога илоҳий хизмат қилиш йўлига киради. Мазкур бобда Парвардигор одамларга айнан мана шу йўлни тавсия қилапти. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - ҳар бир инсонга Худонинг Олий Шаҳсига эришиш имконини берадиган ягона, ҳаммабоп усулдир. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида шахсиятсиз Браҳман кўринишидаги тасаввурга эга бўлиш инсонга руҳий юксалиш йўлида, токи у ўз ихтиёрини Худога топшириб, умрини руҳий ўзлигини англашга бағишлагунга қадар ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги ҳар хил тасаввурлар инсонга то у Худонинг содиқ хизмат-

кори билан ҳамсухбат бўлиш имконига эга бўлгунча бироз ёрдам бериши мумкин.

Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз Брахман кўринишида англашга интилиб, инсон ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан, муруқаб ва билан шуғулланади, фалсафий изланишлар ёрдамида руҳ ва модда орасидаги фарқни тушуниб олишга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси токи инсон Худонинг содиқ хизматкори билан ҳамсухбат бўла бошлагунга қадар зарур бўлган босқичлардир. Аммо, қалбида бирданига Кришна онгига эга бўлиш ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлган омадли киши учун руҳий ўзликни англашнинг бу поғоналарини бирма-бир босиб ўтишнинг ҳожати йўқ. "Бхагавад-Гита"нинг ўртасида келган олти бобда батафсил таърифланган Худога садоқат билан хизмат қилиш усули тирик мавжудотнинг азалий асл табиатига тўла мос келади. Худонинг содиқ хизматкори тирикчилик ғамини еб қаттиқ ташвишга тушмаслиги керак. Худонинг марҳамати билан унга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса ўзидан-ўзи келаверади.

*"Шримад Бхагавад-гита"нинг "Худога садоқат билан хизмат қилиш" деб аталган ўн иккинчи бобига Бхактиведантнинг изоҳлари шундай яқунланди.*

## **Ўн учинчи боб. Табиат, лаззатланувчи ва онг**

1-2. арджуна увача

*пракритим пурушам чаива киетрам киетра-джнам эва ча  
этад ведитум иччхами джнанам джнейам ча кешава*

*шри бхагаван увача*

*идам шарирам каунтейа киетрам итй абхидхийате  
этад йо ветти там прахуҳ киетра-джна ити тад-видах*

**Аржун деди: О Кришна, мен пракрити(табиат), пуру-**

*ша(лаззатланувчи), майдон ва майдонни билувчи ҳақида, илм ва ўрганиладиган нарса нималигини билишни истайман.*

**Худонинг Олий Шахси деди: Эй Кунтининг ўғли, бу тана "майдон" деб аталади, танани биладиган зотни эса "майдонни билувчи" дейдилар.**

Изоҳ: Аржун Кришнадан *пракроти*(табиат), *пуруша*(лаззатланувчи), *кшетра*(майдон) ва *кшетра-ғйа*(майдонни билувчи) ҳақида, ҳамда илм ва ўрганиладиган нарса ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Унга жавобан Кришна айтяптики, моддий тана “майдон” деб аталади, шу майдонни биладиган зот эса “майдонни билувчи” деб аталади. Шартланган руҳ учун моддий тана "фаолият майдони" ҳисобланади. Моддий ҳаёт чангалида ўралашиб қолган шартланган руҳ моддий табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилади, бунга қанчалик уринаётганига қараб у муайян кўринишдаги фаолият майдонига эга бўлади. Ана шу майдон моддий тана ҳисобланади. Моддий тана дегани нима? Тана сезги аъзоларидан иборат. Шартланган руҳ лаззатланишга интилади, ўзининг лаззатланиш қобилиятига қараб муайян кўринишдаги танага, яъни фаолият майдони - кшетрага эга бўлади. Танадан умуман фарқ қиладиган руҳнинг ўзини эса *кшетра-ғйа*, яъни "майдонни билувчи" деб атайдилар. "Майдон" билан "майдонни билувчи" орасидаги фарқни тушуниб олиш кийин эмас. Ҳар бир инсон ўзининг ҳаёт тажрибасидан яхши биладик, умри давомида унинг танаси ёш бола кўринишидан то кекса чол кўринишигача жуда кўп ўзгаришларга учрайди, лекин шунга қарамай, унинг ҳақиқий "ўзи" ўзгармай, ҳамиша бир шахс бўлиб қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, “майдонни билувчи зот” “майдон”дан фарқ қилади. Шу тарзда тирик мавжудот ўзининг моддий танадан фарқ қилишини билиб олиши мумкин. "Бҳагавад-Гита"нинг бошида айтилган эдики, тирик мавжудот тана ичига қамалган(*дехино смин*), тана ўзгариб аввал ёш бола кўринишига, кейин ўсмир, кейин йигит ва ниҳоят кекса чол кўринишига эга бўлади. Тананинг эгаси эса, танада бўлаётган ўзгаришларни билади. Демак, тананинг эгаси танадан фарқ қилади, у *кшетра-ғйа* ҳисобланади. Баъзан биз: "Мен бахтлиман" ёки: "Мен - эркакман", "Мен - аёлман", "Мен - итман", "Мен - мушукман" деб ўйлаймиз. Шу тарзда, аслида ўзи умуман бошқа зот бўлса ҳам, “танани билувчи зот” ўзини танасига қиёслайди. Биз ҳаётда жуда кўп нарсалардан фойдаланамиз, масалан, ҳар хил кийимлардан, лекин ҳеч қачон ўзимизни уларга қиёсламаймиз-ку. Шунга ўхшаб, озгина фикр юритсак, ўзимиз, ҳақиқий ўзлимиз(“мен”) ва моддий танамиз бир-биридан фарқ қилишини билиб оламиз. Мен, сиз ва моддий танага эга бўлган бошқа ҳар қандай тирик мавжудот фаолият майдонини билувчи - *кшетра-ғйа*, тананинг ўзи эса - фаолият майдони, *кшетра* ҳисобланади.

"Бҳагавад-Гита"нинг биринчи олти бобида танани билувчи, яъни тирик мавжудот ҳақида, қандай қилиб у Худонинг Олий Шахсини англаб олиши

мумкинлиги ҳақида гапирилган эди. Кейинги олти бобда Худо ҳақида ва алоҳида руҳ билан Олий Рухнинг садоқат билан хизмат қилиш орқали боғланган ўзаро муносабатлари ҳақида гапирилди. Бу бобларда Худонинг Олий Шахсининг асосий, устивор ҳолатда экани, алоҳида руҳ эса ҳамиша Унинг ҳукми остида бўлиб, Унинг мангу хизматкори экани аниқ-равшан тушунтирилган эди. Тирик мавжудотлар ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам Худога бўйсунган ҳолатда, Унинг ҳукми остида бўладилар, лекин ўзининг ана шу ҳолатини эсидан чиқарганида улар моддий оламда қийналиб ҳар хил мусибатларга дучор бўладилар. Шундай тирик мавжудотлардан баъзилари, яъни етарли даражада такводор бўлганлари, ҳар хил ниятлар билан Худога мурожаат қиладилар: мусибатга тушганида, муҳтожликда, ўзини қизиқтирган саволларига жавоб олиш ниятида ёки ҳақиқат илмини чуқурроқ билмоқчи бўлганида. Бу ҳақда аввалги бобларда айтилган эди. Ўн учинчи бобдан бошлаб, кейинги бобларда биз тирик мавжудот қандай қилиб моддий табиат салтанатига тушиб қолиши ва кармали урф-одатлар, ҳақиқатни фалсафий излаш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Парвардигор унга мана шу тутқунликдан озодликка эришиш имконини яратиб бериши ҳақида билиб оламиз. Гарчи тирик мавжудот моддий танага нисбатан умуман бошқа табиатга эга бўлса ҳам, улар орасида маълум алоқа, муносабат бор, бу ҳақда ҳам кейинги бобларда гапирилади.

*3. кшетра-джнам чапи мам  
виддхи сарва-кшетрешу бхарата  
кшетра-кшетраджнайор джнанама  
йат тадж джнанама матам мама*

***Эй Бхарат авлоди, билиб қўйки, ҳар бир танада мавжуд бўлган ҳолда Мен ҳам уларни биламан. "Тана"нинг ҳамда "танани билувчи зот"нинг табиатини тушуниш "илм" деб аталади. Менинг фикрим шундай.***

Изоҳ: Танани ва танани билувчи(руҳ ва Олий Рух)ни ўрганишга киришар эканмиз, ҳаётда биз ўрганадиган уч нарса мавжудлигини кўрамыз: Парвардигор, тирик мавжудот ва модда. Ҳар бир фаолият майдонида, яъни ҳар бир танада икки руҳ: алоҳида руҳ ва Олий Рух мавжуд. Олий Рух Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг тўла намоён бўлган кўриниши(экспансияси) бўлгани учун, Кришна шундай дейди: "Мен фақат бир танани эмас, балки барча таналарни биламан. Мен уларнинг ҳар бирида Олий Рух сифатида мавжудман".

Фаолият майдонининг табиатини чуқур билган ва майдонни "Бҳагавад-Гита"да таърифлангандай ўрганган киши ҳақиқий илмга эга инсон бўлади.

Парвардигор шундай дейди: "Ҳар бир алоҳида танадаги фаолият майдони Менга маълум". Тирик мавжудот ҳам ўз танасини билади, лекин у бошқа

таналарни билмайди. Олий Рух кўринишида барча танада мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси ҳар бир танани билади. Таналар ҳар хил шакл ва кўринишларга эга бўлишига карамай Парвардигор ҳамма таналарни билади. Худди шундай, ҳар бир фуқаро фақат ўз томорқасини билиши мумкин, лекин шоҳ фақат саройдагина эмас, балки бутун салтанатда, ҳар бир фуқаронинг томорқасида бўлаётган ишларни билади. Шунга ўхшаб тирик мавжудот фақат битта тананинг эгаси, Парвардигор эса барча таналарнинг эгасидир. Шоҳ - давлатдаги барча ерларнинг асосий эгаси ҳисобланади, унинг фуқаролари эса, шунчаки ердан вақтинча фойдаланадиган ижарачилардир, холос. Худди шунингдек, Парвардигор барча таналарнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади.

Моддий тана сезги аъзоларидан таркиб топган. Парвардигорни *Хриши-кеша*, яъни "ҳиссиётлар эгаси" деб атайдилар. Худди шоҳ мамлакатдаги барча ерларнинг ҳақиқий эгаси бўлгани каби, Парвардигор ҳам бизнинг ҳиссиётимизнинг, сезгиларимизнинг ҳақиқий эгасидир. Томорқага эгалик килаётган фуқароларнинг эгалиги иккинчи даражали эгалик ҳисобланади. "Мен ҳам майдонни биламан" - дейди Парвардигор. Демак, Унга барча таналар маълум, тирик мавжудот эса фақат ўзининг танасини билади. Ведаларда шундай дейилган:

*киштрани хи шарирани биджсам чани шубхашубхе  
тани ветти са йогатма татаҳ киштра-джна учйате*

Моддий танани *киштра* деб атайдилар, тананинг ичида тананинг эгаси билан бирга танани ҳам, унинг эгасини ҳам билувчи Парвардигор мавжуд. Шунинг учун Парвардигорни "ҳар бир фаолият майдонини билувчи Зот" деб атайдилар. Фаолият майдони, шу майдонни билувчи зот, ҳамда ҳар бир фаолият майдонини билувчи Зот орасидаги фарқ куйидагича. Тананинг, алоҳида руҳнинг ва Олий Рухнинг табиатини мукамал билиш Ведаларда *гйана*, яъни "илм" деб аталади. Кришнанинг фикри шундай. Олий Рух билан алоҳида руҳнинг бир хил табиатга эга эканини ҳамда уларнинг орасидаги фарқни тушуниб етган киши ҳақиқий илмга эга инсон бўлади. Агар инсон фаолият майдонининг, майдонни билувчининг ва Олий Хукмдорнинг табиатини тушунмаса, унинг илми мукамал ҳисобланмайди. Энг аввало *пракрити*(табиат)нинг, *пуруша*(лаззатланувчи)нинг ва *ишвара*(майдонни билувчини) ҳам, табиатни ҳам, алоҳида руҳни ҳам бошқариб турган Хукмдор)нинг ҳолатини тушуниб олиш керак. Биз уларни бир-бири билан асло адаштирмаслигимиз керак. Худди биз расмоннинг, қаламнинг ва қоғознинг алоҳида вазифаларини билганимиз сингари, уларнинг ҳар бирининг вазифасини яхши билиб олишимиз лозим. Фаолият майдони бўлган моддий олам - табиат; табиатдан лаззатланувчи зот - тирик мавжудот, уларнинг устида эса, Олий Хукмдор - Парвардигор туради. Ведаларда шундай дейилган("Шветашватараупанишад" 1.12.): *бхокта бхогйам преритарам ча матва/сарвам проктам три-видхам Брахмам этат*. Брахманнинг намоён бўлган уч кўриниши мав-



жуд. *Пракрити* - фаолият майдони кўринишидаги Брахман; моддий табиатга ҳукмронлик қилишга уринаётган *жива*(алоҳида рух) ҳам Брахманнинг бир кўриниши; уларга ҳукмронлик қилувчи Зот ҳам Брахман, фақат У - ҳақиқий Ҳукмдор ҳисобланади.

Бу бобдан биз яна шуни билиб оламизки, майдонни билувчилардан биттаси адашишга маҳкум, иккинчиси эса бегуноҳ, ҳеч қачон адашмайди. Майдонни билувчиларнинг иккови ҳам ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг, деб ҳисоблайдиган киши Парвардигорнинг гапларини нотўғри тушунган бўлади. Чунки, Кришна мазкур шеърда аниқ, равшан қилиб шундай дейди: "Мен ҳам фаолият майдонини биламан". Фақат илмсиз, ғофил одамгина арқонни илон деб қабул қилиши мумкин. Ҳар турли таналар уларнинг ҳар хил эгаларига мансуб ҳисобланади. Ҳар хил руҳлар моддий табиатга турли даражада ҳукмронлик қилишга қодир бўлгани сабабли, турли хил таналарга эга бўладилар, лекин уларнинг ҳар бирининг ичида, тирик мавжудотнинг ҳаракатини бошқариб турадиган Парвардигор мавжуд. Бу ерда ишлатилган *ча* ибораси барча моддий таналар мажмуини ифодалайди. Шрила Видйабхушананинг фикри шундай. Кришна - ҳар бир танада алоҳида рух билан бирга мавжуд бўлган Олий Рухдир. Олий Рух фаолият майдонини ҳам, ана шу майдондан лаззатланувчини, чекланган мустақилликка эга бўлган тирик мавжудотни ҳам бошқариб туришини билиш - ҳақиқий, мукаммал илм ҳисобланади.

4. *тат кшетрам йач ча йадрик ча йад-викари йаташ ча йат*  
*са ча йо йат-прабхаваш ча тат самасена ме ирину*

***Мен ҳозир сенга "фаолият майдони" ва унинг таркиби ҳақида, унинг қаердан пайдо бўлиши, ундаги ўзгаришлар ҳақида, майдонни билувчи ким экани, у майдонга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида қисқача гапириб бераман.***

Изоҳ: Парвардигор Аржунга фаолият майдони ва майдонни билувчи ҳақида гапириб беришга ҳозирланяпти. Ҳар бир инсон ўзининг танаси нима эканини, унинг қандай унсурлардан таркиб топганини, унинг фаолиятини ким бошқариб туришини, у қандай ўзгаришларга учрашини, бу ўзгаришларнинг сабаби, асоси нимада эканини, алоҳида руҳнинг бу дунёдаги мавжудлигининг охириги мақсади нимадан иборат ва руҳнинг ҳақиқий кифаси, ҳақиқий табиати қандайлигини билиб олиши керак. Шунингдек, алоҳида рух билан Олий Рух орасидаги фарқни, уларнинг фаолият майдонига қандай таъсир кўрсатишини, уларнинг ҳар бирининг имкониятларини шунингдек бошқа нарсаларни ҳам тушуниб олиш керак. Агар биз "Бхагавад-Гита"ни Худо Шахсининг Ўзи қандай айтиб берган бўлса, шундайлигича қабул қилсак, буларнинг ҳаммаси бизга маълум бўлади. Лекин, биз ҳеч қачон ҳар бир танада мавжуд бўлган Парвардигорни алоҳида рух, *жива* билан адаштириб

юбормаслигимиз лозим. Бу худди ҳар нарсага қодир, қудрати чексиз Зотни ҳеч нарсага қодир бўлмаган кичик заррача билан, қудратли катта машинани кичкина винт билан тенглаштиргандай бўлади.

5. *ришибхир бахудха гитам чхандобхир вивидхаиҳ притхак*  
*Брахма-сутра-падаиш чаива хетумадбхир винишчитаиҳ*

**Кўпчилик донишмандлар ҳар хил Ведавий шастраларда “фаолият майдони” ва “майдонни билувчи”ни таърифлаб берганлар. Айниқса, улар ҳақида “Веданта-сутра”да барча сабаб ва оқибатларининг тафсилоти билан тўлиқ маълумот берилган.**

*Изоҳ:* Бу илмни ўрганишда энг ишонарли манба - Худонинг Олий Шахси, Кришна. Лекин, буюк донишмандлар ва ҳамма тан оладиган табаррук зотлар ҳам табиий равишда ҳамиша ўзларидан аввалги ишонарли манбаларга асосланиб гапирдилар. Олий Рух билан алоҳида руҳнинг “бирлиги ва бир-биридан фарқ қилиши” ҳамиша катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган, шунинг учун Кришна бу ерда улар ҳақида маълумот бера туриб "Веданта-сутра"га асосланаяпти, чунки "Веданта-сутра" - ҳамма тан оладиган нуфузли муқаддас китоб ҳисобланади. У мазкур шеърни "кўплаган донишмандларнинг фикрига кўра..." деб бошлайди. Парвардигорнинг Ўзидан ташқари, буюк донишмандлар қаторига "Веданта-сутра"нинг муаллифи Вйасадева ҳам киради. "Веданта-сутра"да алоҳида руҳ ва Олий Рухнинг орасидаги фарқ батафсил тушунтирилган. Вйасадеванинг отаси, Парашара Муни ҳам буюк донишманд ҳисобланади. У ўзининг асарида шундай деб ёзади: *ахам твам ча татхание...* "Бизлар барчамиз: сен, мен ва бошқа тирик мавжудотлар - гарчи моддий таналарга қамалган бўлсак ҳам, асл табиатимизга кўра руҳий табиатга эга бўлган алоҳида заррача(жон)лармиз. Ҳозир бизлар аввал қилган гуноҳларимиз, яъни кармаимиз оқибатида моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолганмиз. Шу боис, баъзи бир тирик мавжудотлар олий ҳаёт турларига, баъзи бирлари эса куйи ҳаёт турларига мансуб. Алоҳида руҳнинг сон-саноксиз кўриниш ва турларга мансуб таналарда намоён бўладиган олий ёки куйи ҳаёт шароитига тушиб қолишининг ягона сабаби - унинг ғофиллигидир. Лекин, уч гунадан таркиб топган моддий табиатнинг шартланган руҳни йўлдан адаштирадиган қуввати илоҳий ва беғуноҳ бўлган Олий Рухга таъсир қилмайди". Худди шундай, бошланғич Ведаларда, "Катхаупанишад"да ҳам тана, алоҳида руҳ ва Олий Рух орасидаги фарқ аниқ кўрсатилган. Бу ҳақда жуда кўп донишмандлар гапириб ўтган, уларнинг ичида энг ишонарлиси Парашара Муни ҳисобланади.

*Чхандобхиҳ* ибораси ҳар хил ведавий муқаддас китобларни билдиради. Масалан, табиат, тирик мавжудот ва Худонинг Олий Шахси ҳақида "Яжур-веда"нинг бир қисми бўлган "Тайттирия-упанишад"да маълумот берилган.

Аввал айтилганидай, *кшетра* - фаолият майдони, кшетра-гйанинг икки

тоифаси эса - алоҳида руҳ билан Олий тирик Мавжудот ҳисобланади. "Тайт-тирия-упанишад"да(2.5) шундай дейилган: *Брахма пуччхам пратиштха*. Парвардигорнинг қуввати аввало *анна-майя*, яъни тирик мавжудотнинг озуқага боғлиқлиги билан намоён бўлади. Бу - Парвардигорни бутунлай моддий кўринишда тасаввур қилишдир. Ундан кейин *прана-майя* намоён бўлади: Олий Мутлақ Ҳақиқатни озуқа кўринишида англаган тирик мавжудот кейин Уни ҳаёт аломатлари сифатида, яъни ҳаётнинг ҳар хил намоён бўлган кўринишларида англай бошлайди. *Гйана-майя* поғонасида тирик мавжудот ҳаётнинг ҳар хил кўринишларини англаш билан бирга фикрлаш, сезиш ва исташ қобилиятига эга бўлади. Кейин у Браҳманни англаб етади(*вигйана-майя*), яъни энди у ўзини ақли ва танасидаги ҳаёт аломатлари билан қиёсламайдиган бўлади. Ўзликни англашнинг кейинги, олий поғонаси *ананда-майя* ҳисобланади. *Ананда-майя* - тирик мавжудотнинг лаззатга тўла Браҳманни англаб етишидир. Шундай қилиб, Браҳманни англашнинг беш поғонаси мавжуд, улар *Брахмапуччхам* деб аталади. Улардан биринчи уч поғона: *анна-майя*, *прана-майя* ва *гйана-майя* - тирик мавжудотларнинг фаолият майдонига мансуб. *Ананда-майя* деб аталадиган Парвардигор эса, барча фаолият майдонларига нисбатан илоҳий табиатга эга. "Веданта-сутра" ҳам Парвардигорни қуйидагича таърифлайди: *ананда-майяо "бхйасат* - "Худо Шахси асл табиатига кўра лаззатга тўла". Илоҳий лаззатдан роҳатланиш учун У Ўз қувватини *вигйана-майя*, *прана-майя*, *гйана-майя* ва *анна-майя* сифатида намоён этади. Тирик мавжудот фаолият майдони билан лаззатланади, аммо *ананда-майя* тирик мавжудотдан фарқ қилади. Бу демак, агар тирик мавжудот ўз истакларини ананда-майянинг истаклари билан мос қилиб лаззатланишни истаса, у камолотга эришган бўлади. Барча фаолият майдонларини биладиган Парвардигорнинг, фақат ўз фаолият майдонини биладиган ва Парвардигорнинг ҳукми остида бўлган тирик мавжудотнинг ҳамда умумий фаолият майдони бўлган моддий табиатнинг ҳақиқий ҳолатлари ана шундан иборат. Ана шу ҳақиқатларнинг барчаси "Брахма-сутра" деб ҳам аталадиган "Веданта-сутра"да таърифланган.

Бу ерда айтилганки, "Брахма-сутра" - бир-бири билан сабаб ва оқибатлар қоидаси асосида боғланган афоризмлар тизимидан иборат асар. Масалан, *на вийад ашрутеҳ*(2.3.2), *натма шрутеҳ*(2.3.18) ва *парат ту таччхрутеҳ*(2.3.40). Биринчи афоризмда фаолият майдони ҳақида, иккинчисида - тирик мавжудот ҳақида, учинчисида - Парвардигор, яъни барча мавжудотирик мавжудотлар ичидаги энг Олий Ҳақиқат ҳақида гапирилади.

6-7. *маха-бхутани аханкаро буддхир авйактам эва ча  
индриияни дашаикам ча панча чендриия-гочараҳ  
иччха дवेशаҳ сукхам дужжхам санхаташ четана дхритих  
эат киетрам самасена са-викарам удахритам*

***Беш кўпол моддий унсур: сохта ўзлик, тафаккур, намоён бўлмаган зот, ўнта сезги аъзоси ва ақл, сезгиларга таъсир қиладиган беш***

**нарса, шунингдек истак, нафрат, бахт ва мусибат, барча моддий унсурлар бирикмаси, ҳаёт аломатлари ва қатъият - буларнинг ҳаммаси биргаликда "фаолият майдони" ва унда рўй берадиган ўзгаришларни ташкил этади.**

Изоҳ: Барча ишонарли манбалар: буюк донишмандлар, ведавий мадҳиялар ва "Веданта-сутра"нинг афоризмлари моддий оламнинг куйида кўрсатилган унсурлардан таркиб топганини таъкидлайдилар. Энг аввало - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - кўпол моддий унсурлар(*маха-бхута*); ундан кейин сохта ўзлик, тафаккур ва моддий табиатнинг намоён бўлмаган кўринишдаги уч гунаси. Шунингдек, беш турли сезиш(билиш) аъзолари мавжуд: кўзлар, кулоқлар, бурун, тил ва тери. Яна бешта ҳаракат аъзолари бор: нутқ, оёқлар, қўллар, жинсий аъзо ва ахлат чиқариш аъзоси. Сизги аъзоларини ақл бошқариб туради. Ақл тананинг ичида жойлашгани учун уни "ички (туйғу)сизги" деб аташ мумкин. Шундай қилиб, ақл билан бирга ўн битта сезги, яъни ўн бир турдаги ҳиссиёт мавжуд. Кейин сезгиларга таъсир қиладиган, яъни сезиладиган беш хил объект, унсур мавжуд: хид, таъм, шакл, товуш ва тери сезадиган нарсалар. Мана шу йигирма тўрт моддий унсур биргаликда "фаолият майдони" деб аталадиган зотни билдиради. Ана шу йигирма тўрт унсурни тахлилиий ўрганиш ёрдамида биз фаолият майдони ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз. Улардан кейин беш кўпол моддий унсурнинг ўзаро ҳаракати натижасида юзага келадиган ва моддий оламда ана шу беш унсурнинг тимсоли бўлган истак, нафрат, бахт ва мусибатлар туради. Онг ва қатъият билан намоён бўладиган ҳаёт аломатлари эса - ақл, тафаккур ва сохта ўзликдан таркиб топган нафис тананинг намоён бўлишидир. Нафис унсурлар ҳам фаолият майдонининг таркибий қисмига киради.

Беш унсур - сохта ўзлик(*аханкара*)нинг кўпол кўринишда намоён бўлишидир. Улар сохта ўзлик ривожланишининг биринчи поғонаси ҳисобланади ва *тамаси-буддха*, яъни "ғафлат гунасидаги тафаккур" деб аталади ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурни белгилайди.

*Аханкара* эса моддий табиатнинг уч гунасининг намоён бўлмаган кўринишидир. Гуналарнинг намоён бўлмаган ҳолати *прадхана* деб аталади.

Ана шу йигирма тўрт унсур ва уларнинг ўзаро ҳаракатлари ҳақида чуқур маълумотга эга бўлишни истаган киши Ведалар фалсафасини чуқур ўрганиши лозим. "Бхагавад-Гита"да улар ҳақида фақат энг муҳим бўлган умумий тушунчалар берилган.

Мана шу унсурларнинг ҳаммаси биргаликда моддий танани ташкил этади. Моддий тана ўзининг ривожланиш давомида олти поғонадан ўтади: туғилади, ўсади, бироз вақт яшайди, насл қолдиради, сўла бошлайди ва ҳалок бўлади. Шундай қилиб, фаолият майдони ўзининг табиатига кўра моддий бўлиб, ўткинчи, вақтинча мавжуд нарсадир. *Киштра-гйа*, фаолият майдони билувчи ва унинг эгаси бўлган руҳ эса - мангу табиатга эга.

8-12. *аманитвам адамбхитвам ахимса киантир ардждавам ачарйопасанам шаучам стхаирйам атма-виниграхах индрийартхешу ваирагйам анаханкара эва ча джанма-мритйу-дждара-вйадхи-духкха-дошанударшанам асактир анабхишвангах путра-дара-грихадишу нитйам ча сама-читтатвам иштаништопапаттишу майи чананйа-йогена бхактир авйабхичарини вивикта-деша-севитвам аратир дждана-самсади адхйатма-джднана-нитйатвам таттва-джднанартха-даршанам этадж джднанам ити проктам аджднанам йад ато "нйатха*

***Камтарлик, итоаткорлик, беозорлик, сабр-тоқат, соддалик; ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш; поклик, ўзгармаслик, ўзини тута билиш(одоблилик); ҳиссий лаззат берадиган нарсалардан юз ўгириш; сохта ўзлик таъсирига берилмаслик; тугилиш, кексайиш, касаллик ва ўлим - мусибат эканини тушуниш; болачақа, хотин, мол-дунё сингари ўтқинчи нарсаларга боғланиб қолмаслик; бахт ва мусибат келганда бирдай хотиржам қолиш; Менга нисбатан чуқур иймон ва ўзгармас садоқат; хилват жойда яшашига интилиш, дунёвий одамлардан четлашиш, руҳий ўзликни англаш муҳим эканини тан олиш, Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий излашига интилиш - мана шуларни Мен "илм" деб эълон қиламан, бошқа ҳамма нарса гофилликдир.***

Изоҳ: Чуқур мулоҳазага эга бўлмаган кишилар кўпинча бу ерда таърифланган илм олиш жараёнини фаолият майдонидан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Лекин, бу ерда илм олишнинг ҳақиқий йўли таърифланган. Ана шу йўлга кирган кишида Мутлақ Ҳақиқатни англаб олиш имконияти пайдо бўлади. Илм олишнинг бу жараёни юқорида санаб ўтилган йигирма тўрт моддий унсурнинг ўзаро ҳаракатлари натижасида юзага келмайди. Аксинча, улар ёрдамида тирик мавжудот шу унсурлар асирлигидан озодликка эришади. Тирик мавжудот шу йигирма тўрт унсурдан таркиб топган моддий тана кўринишидаги қафас ичида камалиб юрибди. Мазкур шеърларда келтирилган илм унга шу тутқунликдан озодликка чиқиш йўлини кўрсатади. Илм олишнинг барча таркибий қисмлари ичида энг муҳими ва асосийси ўн биринчи шеърнинг биринчи қаторида келтирилган: *майи чананйа-йогена бхактир авйабхичарини* - "Илм олишнинг охириги якуний мақсади - Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат". Шунинг учун агар инсон Худога илоҳий хизмат қилиш поғонасига кўтарилишни истамаса ёки шу поғонага кўтарила олмаса, илм олишнинг қолган барча таркибий қисмлари амалда ҳеч қандай маънога эга бўлмай, қадрсиз бўлиб қолаверади. Аммо, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишида қолган барча сифатлар ўз-ўзидан ривожланади. "Шримад Бҳагаватам"да айтилган-

ки(5.18.12): *йасйасти бҳактир бхагавай акинчана сарваир гунаи татра самасате сурах*: - "Ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган киши фаришталарнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлади". Бу эса инсоннинг ҳақиқий илмга эга эканидан далолат беради. Бунда, саккизинчи шеърда эслатиб ўтилганидай, руҳий устоз қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳатто, Худога садокат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган киши ҳам албатта руҳий устоз қабул қилиши лозим. Инсоннинг ҳақиқий ҳаёти ҳақиқий руҳий устоз қабул қилган кундан бошланади. Шри Кришна, Худонинг Олий Шаҳси, бу ерда аниқ-равшан айтаяптики, У таърифлаб берган илм олиш йўли - ягона тўғри йўлдир. Руҳий ўзликни англашнинг бошқа барча усуллари, шунчаки бекорчи ақлнинг ўйлаб топган бемаъни хом-хаёлларидир, холос.

Бу ерда санаб ўтилган руҳий илмнинг таркибий қисмларига келсак, уларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Шон-шухрат, обрў-эътиборга интилмайдиган кишини *аманитвам*, камтарин деб ҳисоблайдилар. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари ғофил инсонни бу дунёда шон-шухратга интилишга мажбур этади. Лекин, мукамал илмга эга бўлиб, ҳақиқий ўзлиги, яъни "мен" деб юргани аслида моддий танасидан фарқ қилишини англаб етган киши учун ўткинчи моддий танага тегишли бўлган обрў-эътибор ва хурматсизлик сингари нарсалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ўзини англаб етган фаросатли инсон алдамчи обрў-эътибор изидан қувиб юрмаслиги керак. Аслида ўзлари Худонинг қонунлари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмай туриб такводор инсон сифатида шухрат қозониш ниятида юрган баъзи бир одамлар, аъзолари ҳеч қайси диний қонунларга тўлиқ риоя қилмайдиган ҳар хил сохта диний оқимларга қўшиладилар ва ўзларини "руҳий устоз" деб эълон қиладилар. Инсоннинг руҳий илм эгаллашда қанчалик муваффақиятга эришганини аниқлаш учун қандайдир мезон бўлиши керак. Юқорида санаб ўтилган сифатлар ана шундай мезон ҳисобланади.

Одатда одамлар *ахимса*, безорлик деганда бировларнинг жонига қасд қилмаслик ва бошқаларга оғир жароҳат етказмасликни тушунадилар, лекин аслида безорлик, зулм қилмаслик - бошқаларга ҳеч қандай озор бермаслик, бирор ташвиш келтирмасликни билдиради. Одамларнинг кўпчилиги ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, ғафлат уммонига ботиб яшайдилар, натижада ҳаётда кетма-кет мусибатларга, азоб-уқубатларга дучор бўладилар. Шунинг учун, одамларнинг руҳий илм олишларига ёрдам бермайдиган ёки уларнинг илм олишларига тўсқинлик қиладиган киши уларга зулм қиладиган ҳақиқий золим одам бўлади. Биз ғофил одамларга ҳақиқий илм ўргатиб, руҳий таълим бериш, уларга моддий ҳаёт тутқунлигидан халос бўлишда ёрдам бериш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз лозим. Безорлик, зулм қилмаслик деганда шуни тушуниш керак.

Сабр қилиш, *киантах* - ҳар қандай ҳақорат ва шармандаликка чидам билан сабр-тоқат қилишдир. Ҳақиқий руҳий илм олишга интилаётган киши, албатта атрофидаги одамларнинг қаттиқ қаршиликларига учрайди, чунки моддий оламнинг табиати ўзи шундай. Ҳатто беш яшар болакай Прахлад Махараж ҳам руҳий фаолият билан шуғуллана бошлаганида жуда қийин

аҳволга тушиб қолган эди. Отаси унинг Худога садоқат билан хизмат қилишини истамай, унга жуда кўп азоб берганди. Отаси ҳатто бир неча бор ўғлини ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди, лекин у чидам билан отасининг барча азобларига бардош берди. Рухий илм эгаллашга интилаётган киши ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келади, лекин у толеига ёзилган барча қийинчиликларга сабот билан чидаб, руҳий юксалиш йўлида қатъий ҳаракат қилишда давом этавериши лозим.

Соддалик, *аржавам* деганда шуни тушуниш керак: инсон шу қадар ростгўй бўлиши лозимки, ҳатто ўз душманига ҳам очиқ ҳақиқатни дангал айтишдан қўрқмаслиги керак. Ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилишга келсак, бу - энг муҳим шартлардан биридир, чунки инсон фақат ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш шарофати билан руҳий илмни эгаллай олади. Инсон руҳий устозга камтарин ҳолда мурожаат қилиб, ўзининг ҳеч нарчасини аямасдан унга садоқат билан ҳолис хизмат қилиши керак. Хизматимиздан мамнун бўлган руҳий устоз бизга руҳий илм олишга фотиҳа беради. Рухий устоз Кришнанинг вакили ҳисобланади. Шу боис, руҳий устознинг дуосини олган киши, ҳатто руҳий қонун-қоидаларнинг барчасига тўлиқ амал қилмай юрган бўлса ҳам руҳий баркамолликка эриша олади. Рухий устозига садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган киши ҳеч қийналмасдан барча қонун-қоидаларга ҳам амал қила олади.

Поклик, *шаучам* - руҳий юксалиш учун жуда зарур бўлган муҳим шартлардан бири. Поклик ички ва ташқи покликдан иборат. Ташқи жиҳатдан пок бўлиш учун мунтазам равишда сувда ювиниб юриш керак, ички покликка эга бўлиш учун эса, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриш ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бундай ишлар инсонга шунча умрлари давомида ақлида тўпланган моддий иллатлардан покланиш имконини беради. Онгли равишда руҳий баркамолликка эришишга қатъий аҳд қилган, ҳеч қачон шу мақсаддан воз кечмайдиган кишини "ўзгармас инсон" - *стхаирйам* деб айтадилар. Инсонда ана шундай қатъий шижоат бўлмаса руҳий юксалиш йўлида сезиларли натижага эришиш жуда мушкул. Ўзини туга билиш, одоблилик, *атма-виниграҳах* деганда руҳий юксалишга салбий таъсир қиладиган нарсалардан ўзини тия билишни тушуниш керак. Ҳамиша шуни эсда тутиб, руҳий юксалиш йўлида ҳалакит берадиган нарсалардан иложи борича узоқ юриш керак. Мана шу ҳақиқий таркидунёлик ҳисобланади. Сезгилар жуда кучли, тўймас ва ҳамиша лаззатга интиладилар. Лекин, биз уларга эргашиб, уларнинг изидан кетавермаслигимиз, ортиқча лаззатларга берилмаслигимиз лозим. Ҳиссиётимизнинг талабларини Худо олдидаги руҳий бурчимизни тўла бажаришга етадиган миқдордагина бажариб яшашимиз лозим. Бунинг учун уларнинг эҳтиёжини тананинг саломатлигини таъминлайдиган даражадагина қондиришнинг ўзи кифоя. Ҳиссиётлар ичида энг ашаддийси ва очофати тил ҳисобланади. Тилини жиловлай олган киши бошқа сезги аъзоларини, бугун ҳиссиётини ҳам жиловлай олади. Тил икки вазифани бажаради: таъм билади ва гапирди. Шунинг учун, тилни

фақат аввал Парвардигорга таклиф қилинган табаррук таом - *кришна-прасадам* билан овқатланишга ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга ўргатиш лозим. Кўзлар эса, фақат Кришнанинг ажойиб қиёфаларини томоша қилиши лозим. Бу бизга кўзимизни жиловлаб олишда ёрдам беради. Худди шунингдек, қулоқлар фақат Худо ҳақидаги, Кришна ҳақидаги гапларни тинглаши, бурун Кришнага такдим этилган гуллар ҳидини ҳидлаши лозим. *Бҳакти-йога* усули ана шулардан иборат, бу шеърлардан маълум бўладики, "Бҳагавад-Гита" инсонга фақат Худога садоқат билан хизмат қилишни ўргатади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - "Бҳагавад-Гита"нинг асосий ва ягона мавзуси. Баъзи бир чаласавод одамлар "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзиб, одамларнинг аклини умуман бошқа муаммоларга жалб этадилар, лекин "Бҳагавад-Гита"нинг ўзида Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай мавзу муҳокама қилинмайди.

Сохта ўзлик, *аханкара* - инсоннинг ўзини танасига қиёслаши, моддий танасини "ўзим" деб ҳисоблашидир. Инсон ўзи моддий танадан фарқ қиладиган руҳ эканини билиб олганида ҳақиқий ўзлигига эга бўлади. Эго - "мен", яъни ўзлик аслида ҳамиша мавжуд, лекин биз ҳақиқий ўзликдан эмас, сохта ўзликдан халос бўлишимиз лозим. Ведавий муқаддас китобларда, "Брихад-аранйака-упанишад"(1.4.10). шундай дейилган: *ахам Браҳмасми* - "Мен - Браҳманман, мен руҳман". Ана шу "мен", ўзининг алоҳида мавжудлигини ҳис этиш туйғуси ҳатто тирик мавжудот ҳақиқий ўзлигини англаб, моддий тутқунликдан озодликка эришганида ҳам сақланиб қолади. Ўзининг алоҳида мавжуд эканини ҳис қилиш туйғуси - эго, "ўзлик" деб аталади, лекин ана шу тушунча ўткинчи моддий тана билан адаштирилганда "сохта ўзлик"ка айланади. Алоҳида мавжудликни соф руҳ сифатида ҳис қилиш туйғуси "ҳақиқий ўзлик" бўлади. Баъзи файласуфларнинг фикрича, ҳар қандай ўзлик туйғусидан воз кечиш керак, лекин бунинг иложи йўқ, чунки бу бизнинг шахсимиз - "мен"имиздир. Фақат сохта ўзликдан, моддий танани "мен ўзим"-деб ҳисоблашдан, адашишдан воз кечиш керак, холос.

Туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлиш - аслида ҳаётдаги барча азоб-уқубатларнинг манбаи эканини англай билиш керак. Тирик мавжудотнинг туғилиши ҳақида жуда кўп муқаддас китобларда айтилган. "Шримад Бҳагаватам"да ҳали туғилмаган чақалоқнинг она қорнида қандай яшаши, унинг

494

чекаётган азоблари қанчалик оғир экани таърифланган. Туғилиш аслида жуда оғир изтироблар билан биргаликда кечишини англаб олиш керак. Она қорнида чеккан азобларимизни унутиб юборганимиз туфайли биз ҳозир туғилиб-ўлишлар гирдобидан қутулишга интилмаймиз. Ўлиш, танани тарк этиш жараёни ҳам жуда қаттиқ изтироблар билан кечадиган жараён. Муқаддас китобларда бу ҳақда ҳам маълумотлар берилган. Одамлар мана шу мавзуларни кўпроқ муҳокама қилишлари лозим. Касаллик ва кексаликка келсак, буларнинг қандай бўлишини ҳар ким ўз ҳаёти тажрибасида албатта билиб олади. Ҳеч ким касалланишни, кексайишни истамайди, лекин барибир



хамма албатта касал бўлишга, албатта қариб-кексайишга мажбур. Инсон ҳаётда туғилиш, касалланиш, кексайиш ва ўлиш натижасида ҳар бир инсонга муқаррар келадиган мусибатларни ҳамиша эслаб, моддий ҳаётдан безмагунча, унга нисбатан пессимистик, салбий нуқтаи назарга эга бўлмагунча унда руҳий юксалишга интилиш туйғуси юзага келмайди. Инсон ҳаётга ана шундай ҳақиқат кўзи билан қараш керак.

Хогин, бола-чақа ва уйга боғланмаслик деганда, буни "одамда уларга нисбатан ҳеч қандай ҳис-туйғу бўлмаслиги керак" деб тушунмаслик керак. Бизнинг яқинларимиз - табиий равишда ҳаётда биз севадиган, бизга азиз бўлган кишилардир. Аммо, улар бизнинг руҳий юксалишимизга тўсқинлик қила бошлаганида, уларга бўлган боғланишдан албатта халос бўлиш керак. Кришнани англаш усули оилада руҳий юксалиш учун энг қулай шароит яратишда ёрдам беради. Агар инсон ҳаётда Кришна онги билан яшаётган бўлса, у ўзининг оиласини жуда бахтиёр қила олади, чунки Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш усули жуда осон ва оддий: Ҳаре Кришна мантра-сини зикр қилиш: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре, фақат Кришнага таклиф этилган таом билан овқатланиш, "Бҳагавад-Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" сингари муқаддас китобларни муҳокама қилиш ҳамда уйда ўрнатилган Худонинг қиёфаларига, яъни Илоҳларга сиғиниш. Мана шу тўрт коида бизни ҳаётда бахтиёр қилади. Биз бунга оила аъзоларимизни ҳам жалб қилишимиз лозим. Эрталаб ва кечкурун оила аъзолари билан биргаликда Худонинг муқаддас номларини куйлаш мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Агар одам юқорида кўрсатилган тўрт коидага амал қилиб, оиласида ҳамиша Кришна онги билан яшаш имконини берадиган шароит ярата олса, унга уйини тарк этишнинг, таркидунё қилишнинг умуман ҳожати йўқ. Лекин, агар оиласидаги муҳит руҳий юксалишга ҳалақит берадиган бўлса, унда оилани тарк этиш лозим. Кришнани англаш ва Унга садоқат билан хизмат қилиш учун инсон худди Аржунга ўхшаб ҳамма нарсадан воз кечиши керак. Аржун аввалига қариндошларини ўлдиришни истамаган эди. Аммо, улар Худони англашига, Худого хизмат қилишига ҳалақит бераётганини тушунганида, Кришнанинг насиҳатларига амал қилиб, улар билан жанг қилишга киришди. Ҳар ҳолда, бизлар оилавий ҳаётнинг ҳар хил ташвишларига, шодлик ва мусибатларига қаттиқ боғланиб қолмаслигимиз керак, чунки моддий оламда бутунлай бахтиёр бўлишнинг ҳам, бутунлай бахтиқаро бўлишнинг ҳам иложи йўқ.

Бахт ва мусибат - моддий дунёдаги ҳаётнинг муқаррар мавжуд бўлган таркибий қисмларидир ва "Бҳагавад-Гита"да айтилганидай, уларга сабр қилишни ўрганишимиз лозим. Биз тақдиримизга ёзилган бахтни ҳам, мусибатни ҳам четлаб ўтолмаймиз, шунинг учун дунёвий ҳаёт келтирадиган бахтга ҳам, мусибатга ҳам эътибор бермай, уларни баробар қабул қилишга, ҳамиша осойишта, хотиржам қолишга ўрганиш керак. Одатда, инсон ўзи истаган нарсасига эришганида жуда қувониб кетади, бошига бирор мусибат тушганида эса, қаттиқ қийналиб азоб чекади. Аммо, руҳий даражага

кўтарилган киши ҳамиша хотиржам яшайди. Ана шундай ҳолатга эришиш учун инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ўзгармай мустаҳкам қолиши лозим. Бу демак, "Бҳагавад-Гита"нинг тўққизинчи боб, охири шеърда айтилганидай, биз ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури билан шуғулланиб юришимиз лозим: Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, бошқаларга Худо ҳақида гапириб бериш, Унга сиғиниш ва ҳоказо.

Рухий ҳаёт қонунлари асосида яшаб юрган кишида табиий равишда дунёвий одамлар билан ҳамсухбат бўлишга қизиқиш кундан-кунга пасая боради. Ана шундай бемаъни суҳбатлар унга умуман ёқмай, ўзи учун ғайритабиий туюла бошлайди. Ўзимизнинг руҳий жиҳатдан қанчалик юксалаётганимизни дунёвий одамлар билан ҳамсухбат бўлишдан қанчалик безор эканимиздан, ёлғизликка қанчалик интилаётганимиздан билиб олишимиз мумкин. Худонинг содиқ хизматкорида табиий равишда телевизор, спорт, кино, концерт, тўй-томоша сингари, ҳар хил дунёвий ўйин-кулгиларга қизиқиш ўз-ўзидан сусайиб кетади, чунки унинг учун буларнинг барчаси - нодир инсон танасидаги қимматли вақтини бекорга сарфлаб, умрини хазон қилишдан бошқа нарса эмас. Ҳозир кўпчилик олимлар жинсий ҳаёт муаммосини ва бошқа ҳар турли муаммоларни ўрганиш билан шуғулланиб юрибдилар. Аммо "Бҳагавад-Гита"нинг таъкидлашича, уларнинг бу изланишлари ва турли фалсафий асарларнинг бирортаси ҳеч қандай кадр-қимматга эга бўлмаган бемаъни нарсалардир. "Бҳагавад-Гита" таълимотига кўра инсон фалсафий изланишлар ёрдамида руҳнинг табиати ҳақидаги илми ўрганиши лозим. Бизнинг барча изланишларимиз руҳий ўзлгимизни англашга қаратилган бўлиши лозим. Мазкур шеърларда Кришнанинг бизга бераётган насиҳатлари шундан иборат.

Ўзликни англашга келсак, бу ерда аниқ айтилганки, ўзликни англашнинг энг осон амалий усули - *бҳакти-йога* ҳисобланади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - алоҳида руҳ ҳамда Олий Рухнинг мавжудлиги, уларнинг қандайдир муносабатлар билан ўзаро боғлиқлигини назарда тутати. *Бҳакти*, Худога садоқат билан хизмат қилиш фалсафасига кўра алоҳида руҳ билан Олий Рух ҳеч қачон бир-бирига тенг бўлиши мумкин эмас. Мазкур шеърларда таъкидланганидай, алоҳида руҳнинг Олий Рухга хизмат қилиши, яъни алоҳида руҳ Худонинг хизматкори экани - мангу(*нитийам*), ўзгармайдиган ҳолат. Шундай қилиб *бҳакти*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш мангу ва биз мана шу ҳақиқий фалсафага, шу ҳақиқат илмига ишонишимиз лозим.

Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилган(1.2.11). *ваданти тат таттва-видавс таттвам йадж джнанад адвайам* - "Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши Худони уч поғонада англаш мумкинлигини билади. Уни Браҳман, Параматма ва Бҳагаван кўринишида англаб оладилар". Бҳагаванни англаб етиш - Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг олий поғонасидир. Шунинг учун охир-оқибатда инсон ана шу поғонага кўтарилиши ва Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Шунда у ҳақиқий, мукамал илмга эга бўла олади.

Бу ерда таърифланган илм олиш жараёни аста-секин юқорига олиб чиқадиغان зинапоёга ўхшайди. Бу зинапоянинг пастдан биринчи поғонаси - камтаринлик, охирги поғонаси эса - Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини англаб етишдир. Бу зинапоядан жуда кўп одамлар кўтариладилар: улардан баъзилари иккинчи поғонага кўтарилган, баъзилари учинчи ёки тўртинчи поғонада, лекин инсон то охирги поғонага кўтарилиб, ягона Парвардигорни, Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етмагунча, у илм олишнинг пастки поғоналарида юрган ҳисобланади. Рухий илм олишга интилаётган, лекин шу билан бирга Худо билан тенг бўлиш орзусини тарк этмаган киши рухий ҳаётда ҳеч қандай юксалишга эриша олмайди. Бу ерда аниқ айтилганки, ҳақиқий мукамал илмга эга бўлиш учун инсон камтарин бўлиши лозим. Ўзини Худо деб ҳисоблаш - манманликнинг энг юқори поғонасидир. Моддий табиатнинг бешафқат қонунлари билан чамбарчас боғланган тирик мавжудот ҳаётда ҳар куни, ҳар томондан қанча тепки еб, азобланиб юрса ҳам, ғофиллиги сабабли ўзини Худо деб ҳисоблашни давом этаверади. Шунинг учун ҳақиқий илм олиш жараёни камтаринлик(*аманитва*)дан бошланади. Камтарин холда биз ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида эканимизни, Худонинг мангу хизматкори эканимизни тан олишимиз лозим. Худога қарши бош кўтарганимиз сабабли биз моддий табиатнинг қулларига айланиб қолдик. Ҳар бир фаросатли инсон мана шу ҳақиқатни англаб олиши, унга шак-шубҳасиз ишониб, бўйсуниб яшаши лозим.

13. *джнейам йат тат правакийами йадж джнатвамритам ашнуте*  
*анади мат-парам Браҳма на сат тан насад учйате*

***Мен ҳозир сенга билиш керак бўлган зот ҳақида гапириб бераман, уни англагандан кейин сен мангулик таъмини татиб кўрасан. Менинг ҳукмим остида бўлган, бошланиши йўқ Браҳман, яъни Рух(эсон) моддий оламда ҳукмрон бўлган "сабаб ва оқибатлар қонуни"га бўйсунмайдиган зотдир.***

Изоҳ: Кришна Аржунга фаолият майдони ва майдонни билувчи ҳақида гапириб берган эди. У майдонни билувчи зот(руҳ)ни англаб олиш имкониятини берадиган усулни ҳам таърифлаб берди. Энди эса, У Аржунга инсон билиши лозим бўлган нарсалар: аввало руҳ ҳақида, кейин Олий Рух ҳақида гапириб бермоқчи бўляпти. *Кшетра-ғйа*(алоҳида руҳ ва Олий Рух)нинг табиатини англаб етган киши мангулик шарбатидан лаззатланиб яшайди. Иккинчи бобда айтилганидай, тирик мавжудот - мангу. Бу ерда ҳам шу ҳақда гап бораяпти. Ҳеч ким *жива*, яъни тирик мавжудотнинг қачон, қайси куни дунёга келганини ёки қачон унинг Парвардигордан, рухий оламдан ажралганини аниқ айта олмайди. Шунинг учун "руҳнинг бошланиши йўқ" деб ҳисобланади. Ведавий муқаддас китоблар буни тўла тасдиқлайди: *на джайате мрийате ва випашичит*, ("Катха-упанишад" 1.2.18). "Майдонни биладиган зот ҳеч қачон

туғилмайди ва ўлмайди, у илмга тўла".

Ведаларда ҳам("Шветашватара-упанишад" 6.16.) айтилганки, Худо Шахси Олий Рух сифатида барча таналарни билади ва моддий табиатдаги уч гунанинг ҳукмдори ҳисобланади(*прадхана-киетрадржна патир гунешаҳ*). Сморитиларда айтилганки: *даса-бхуто харер эва нанйасваива кадачана*: "Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг мангу хизматкорларидир". Чаянтая Махапрабху ҳам Ўзининг насиҳатларида шуни айтиб кетган эди. Шу боис бу ерда Браҳман деганда алоҳида руҳни назарда тутилган. *Браҳман* ибораси алоҳида тирик мавжудотга нисбатан ишлатилганда *вигйана-Браҳма* назарда тугилади. *Ананда-Браҳма* эса - Олий Браҳман, Худонинг Олий Шахси.

14. *сарватаҳ пани-падам тат сарвато "киши-широ-мукхам сарватаҳ ирутимал локе сарвам аврития тиитхати*

**Унинг қўл ва оёқлари, Унинг кўзлари, каллалари, юзлари ва қулоқлари ҳамма жойда мавжуд. Парвардигор шу тарзда Олий Рух кўринишида бутун борлиқни қамраб олган.**

Изоҳ: Олий Рух, Худонинг Олий Шахси нур таратиб турган сон-саноксиз куёшларга ўхшайди. Олий Рух кўринишида Парвардигор ҳамма жойда мавжуд, барча алоҳида руҳлар - биринчи тирик мавжудот бўлган буюк фаришта Браҳмадан то энг кичик хашаротгача Унинг ичида жойлашган. Сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз каллалари, кўзлари қулоқлари бурунлари ва қўллари бор. Уларнинг ҳаммаси Олий Рухда мужассам ва Унда жойлашган. Шу боис Олий Рухни ҳамма ерда мавжуд деб атайдилар. Аммо, алоҳида рух ўзининг қўллари, оёқларини ҳамма жойда мавжуд, деб айта олмайди. Бунинг иложи йўқ. Агар кимдир, аслида унинг қўллари, оёқлари ҳамма ерда мавжуд, лекин ҳозир у ғофиллиги туфайли буни англамай турганини ва ҳақиқий илмга эга бўлганида буни албатта англаб оламан, деб ўйласа, ўзи ўзига зид фикрлаётган бўлади. Аслида, бундай ҳолатда бўлиш, алоҳида руҳнинг олий тирик мавжудот эмаслигини билдиради, чунки у моддий табиат қонунилари таъсири остига тушиб қоляпти. Парвардигор алоҳида руҳдан бутунлай фарқ қилади. Парвардигор Ўзининг қўлини чексиз даражада узоққа чўзиши мумкин, алоҳида рух эса бунга қодир эмас. "Бҳагавад-Гита"да Кришна айтадики, агар содиқ хизматкори садоқат ва муҳаббат билан гул, барг, мева ва сув таклиф қилса, У албатта унинг эҳсонини қабул қилади. Қандай қилиб шунча узоқда жойлашган Парвардигор бизнинг эҳсонимизни қабул қила олади? Парвардигор ҳар нарсага қодир; ердан шунча олисдаги Ўзининг даргоҳида жойлашган ҳолда қўлини чўзиб, У биз таклиф қилган эҳсонни қабул қилади. Унинг чексиз қудрати шундай. "Браҳма-самхита"(05.37)да шундай дейилган: *голока эва нивасати акхилатма-бхутаҳ*. "Ўзининг илоҳий сайёрасида ҳамиша лаззат оғушида бўлган ҳолда, Парвардигор айни пайтда ҳамма жойда мавжуд". Алоҳида рух ўзини ҳамма

жойда мавжуд деб айта олмайди. Демак, бу ерда гап алоҳида рух ҳақида эмас, балки Олий Рух, яъни Худо Шахси ҳақида бораяпти.

*15. сарвендрийа-гунабхасам сарвендрийа-виварджитам  
асактам сарва-бхрич чайва ниргунам гуна-бхоктри ча*

***Гарчи Ўзининг моддий сезгилари бўлмаса ҳам, Олий Рух барча сезгиларнинг бошланғич манбаидир. Ҳар бир тирик мавжудотни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турган бўлса ҳам, Парвардигор ҳеч нарсага боғлиқ эмас. У моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий(трансцендент) бўлган ҳолда, уларнинг ягона Ҳукмдоридир.***

Изоҳ: Гарчи Парвардигор барча тирик мавжудотлардаги сезгиларнинг манбаи бўлса ҳам, Унинг ўзи моддий сезгиларга эга эмас. Аслида тирик мавжудотлар ҳам руҳий табиатли сезги аъзоларига эга, аммо моддий оламда бу сезгиларни моддий унсурлар қоплаб олган, шу сабабли уларнинг фаолияти ҳам моддий фаолият бўлиб қолган. Лекин, Худо Шахсининг сезгилари моддий унсурлар билан қопланмаган. Унинг сезгилари илоҳий табиатга эга, шунинг учун уларни *ниргуна* деб атайдилар. "Гуна" сўзи моддий табиат сифатларига нисбатан айtilган, аммо Парвардигорнинг сезгилари моддий унсурлар билан қопланмаган. Худо Шахсининг сезгилари бизнинг сезгиларимиздан фарқ қилишини тушуниш керак. Гарчи бизнинг сезги аъзоларимизнинг юзага келишига сабабчи Худо Шахси бўлса ҳам, Унинг Ўзи моддий унсурлар билан булганмаган, Унинг сезгилари руҳий табиатга эга. Бу "Шветашватараупанишад"(3.19)да батафсил тушунтирилган: *апани-падо джавано грахита*. "Парвардигорнинг моддий қўллари йўқ, аммо Унинг руҳий қўллари бор, шу қўллари билан у биз таклиф қилган эҳсонларни қабул қилади". Мана шуниси билан Олий Рух алоҳида руҳдан фарқ қилади. Худонинг моддий кўзлари йўқ, аммо бу Унинг умуман кўзлари йўқ дегани эмас, акс ҳолда У қандай қилиб кўрган бўларди? У ҳамма нарсани кўради: ўтмишни, ҳозирни ва келажакни. Ҳар биримизнинг қалбимизда жойлашган ҳолда, У бизнинг аввал қандай ишлар қилганимизни, ҳозир нима қилаётганимизни ва келажакда бизни нималар кутиб турганини билиб туради. Бу "Бҳагавад-Гита"да ҳам тасдиқланади: "Парвардигор ҳаммани билади, лекин Уни ҳеч ким билмайди". Айтилганки, Парвардигорнинг моддий оёқлари йўқ, лекин бутун оламда У руҳий оёқлари билан ҳаракат қилади. Бошқача қилиб айтганда, Худо шахс сифатига эга. Унинг кўзлари, оёқлари, қўллари ва бошқа аъзолари бор, шу боис Унинг ажралмас бўлаклари бўлган ҳолда биз ҳам шундай аъзоларга эгамиз. Лекин, Унинг кўзлари, қулоқлари ва бошқа сезги аъзолари моддий табиат гуналари таъсиридан булганмаган.

"Бҳагавад-Гита"да ҳам айtilганки, Парвардигор моддий оламга Ўзининг ички қуввати ёрдамида келади ва одамларга Ўзининг ҳақиқий

киёфасини намоён этади. Моддий кувват Парвардигорга таъсир қилолмайди, чунки У - моддий кувватнинг Хукмдоридир. Биз Ведалардан биламизки, Парвардигорнинг танаси бутунлай рухий табиатга эга. У *сач-чид-ананда-виграха* деб аталадиган мангу, илм ва лаззатга тўла бўлган мукамал танага эга. Парвардигор барча комил сифатларга эга. У - барча бойликлар ва барча кувватлар эгаси. У - энг ақлли Зот ва Унинг илмининг чегараси йўқ. Худонинг Олий Шахсининг сифатларидан баъзилари шулардан иборат. Парвардигор барча тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб туради ва уларнинг қилаётган ҳар бир ишининг гувоҳи бўлиб юради. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, Худо Шахси ҳамиша илоҳий ҳолатда бўлади. Ҳозир биз Унинг калласини, қўл ва оёқларини кўра олмаимиз, лекин Унинг калласи, қўл оёқлари бор. Рухий юксалиш йўлида илоҳий даражага эришганимизда биз уларни албатта кўра оламиз. Ҳозир бизнинг кўзларимиз Парвардигорни кўра олмайдимиз, чунки сезги аъзоларимиз моддий унсурлар билан қопланган. Шу сабабли, моддий кувват таъсири остида бўлган имперсоналистлар Худонинг Олий Шахсини англай олмадилар.

16. *бахир анташ ча бхутанам ачарам чарам эва ча  
сукиматват тад авигейам дура-стхам чанतिकе ча тат*

***Олий Ҳақиқат барча қўзгалувчан ва қўзгалмас тирик мавжудотларнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд. Табиатига кўра нафис, жуда нозик бўлгани сабабли Уни қўпол моддий сезги аъзолар ёрдамида англаб олишнинг илоҳи йўқ. У жуда узоқда ва айни пайтда жуда ҳам яқиндир.***

Изоҳ: Ведавий муқаддас китоблардан биламизки Нарайана, Худо Шахси ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида жойлашган. Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳам рухий оламда, ҳам моддий оламда мавжуд. Бир вақтнинг ўзида У биздан жуда олисда ва бизга жон томиримиздан ҳам яқин. Бу ҳақда Ведаларда шундай ёзилган: *асино дурам враджати шайано йати сарватах*. "Катха-упанишад"(1.2.21.)да Парвардигор Ўзининг бойликларидан лаззатланиб, ҳамиша роҳатланиб яшайди, аммо моддий сезги аъзоларимиз ёрдамида биз буни тушуна олмаимиз, кўра олмаимиз. Ведаларда айтилганки, моддий ақл ва ҳиссиётлар Худони англашга қодир эмас. Лекин, Кришна онги билан яшаш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ақли ва ҳиссиётини поклаган киши Парвардигорни ҳамиша кўриб юради. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да айтилган(11.54): *бхактия тв ананйайа шакйах* - фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Худо Шахсини кўриш ва англаб етиш мумкин.

17. *авибхактам ча бхутешу вибхактам ива ча стхитам  
бхута-бхартри ча тадж джнейам грасишну прабхавишну ча*

***Гарчи, Олий Рух барча тирик мавжудотлар орасида парчаланиб кетгандай туюлса ҳам, У - ягона ва бўлинмасдир. У барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради, лекин шуни билиш керакки, У вақти келганда уларни ичига ютиб юборади ва яна намоён этади.***

Изоҳ: Олий Рух кўринишида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида намоён бўлган. Демак, У бўлақларга бўлиниб, парчаланиб кетганми? Йўқ. Парвардигор ҳамиша бўлинмас, ягона бўлиб қолаверади. У худди қуёшга ўхшайди. Қуёш осмонда бир жойда туради, лекин агар беш минг километр доирасидаги ҳар хил одамлардан сўрасангиз, уларнинг ҳар бири "қуёш менинг тепамда турибди" деб айтади. Парвардигор Ўзи бўлинмас Зот бўлишига қарамай ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлиб, парчаланиб кетгандай кўринишини тушунтириш учун Ведаларда шундай мисол келтирилган. Ягона Парвардигор Вишну, худди ўзи бир жойда турса ҳам, ер юзидаги ҳар бир инсон устига нур сочиб турган қуёш сингари, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Бундан ташқари, гарчи Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг посбони бўлса ҳам, (қиёмат-қойим)вақти келиб олам яксон бўлганда барча тирик мавжудотларни ютиб юборади. Бу ҳақда "Бҳагавад-Гита"нинг ўн биринчи бобида айтилган эди. Парвардигор бу дунёга Курукшетра жанг майдонида тўпланган барча жангчиларни ютиб юбориш учун келганини Ўзи айтган эди. Парвардигор яна шуни айтган эдики, У Ўзининг бешафқат Замон кўринишида ҳамма нарсани емириб яксон қилади. У барча тирик мавжудотларга ҳалокат олиб келади. Моддий оламнинг яралиш жараёнида Парвардигор тирик мавжудотларнинг бошланғич ҳолатидан намоён бўлган ҳолатга ўтишига ёрдам беради, оламнинг емирилиш пайти келиб, қиёмат-қойим бўлганда эса, уларни Ўз ичига ютиб юборади. Ведавий мадҳияларда ҳам айтилганки, Парвардигор - бутун борликнинг манбаи ва нажот маконидир. Моддий оламни яратиб, Парвардигор Ўзининг чексиз қуввати билан унинг мавжудлигини таъминлаб туради, охир-замон вақти келиб, моддий олам ҳалокатга учраганда эса, ҳамма нарса яна Унинг ичига қиради. Бу ҳақда муқаддас китобларда ҳам ёзилган: *йато ва имани бхутани джайанте йена джатани дживанти йат прайанти абхисамвишанти тад Браҳма тад видждиджнасава*. "Тайттирия-упанишад", 3.1.

18. *дждйотишам апи таджд дждйотис тамасаҳ парам учйате  
джнанам джнейам джнана-гамйам хриди сарвасйа вишитхитам*

***У - барча ёритгичлардаги ёруғлик манбаи. Намоён бўлмаган ҳолда У моддий олам зулматидан ташқарида жойлашган. У - илм, билиш лозим бўлган зот(объект) ҳамда илм ўрганишидан кўзланган***

## **охирги мақсаддир. У ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд.**

Изоҳ: Қуёш, ой, юлдузлар сингари барча ёритгичларнинг ёруғлик манбаи - Олий Рух, Худонинг Олий Шахсидир. Ведаларда айтилганки, руҳий оламда на қуёшнинг, на ойнинг ва на бошқа ёритгичларнинг кераги йўқ, чунки у жойда ҳамма нарса Парвардигордан таралаётган ёғду билан равшан. Моддий оламда Парвардигорнинг ёғдуси - *Брахмадживоти* моддий унсурлар билан, яъни *махат-таттва* билан қопланган, шунинг учун бу ерда ёруғлик манбалари зарур - қуёш, ой ва ҳоказо. Аммо руҳий оламда уларга ҳеч қандай зарурат йўқ. Ведаларда аниқ айтилганки, у жойда ҳамма нарса Парвардигорнинг танасидан таралаётган нур билан ёруғ бўлиб туради. Шундан билиб олиш мумкинки, Парвардигор моддий оламдан ташқарида, биздан жуда узоқда бўлган руҳий оламда жойлашган. Муқаддас китобларда бу ҳам тасдиқланган: *адитйа-варнам тамасах парастам* ("Шветашватара-упанишад" 3.8). Парвардигор қуёшга ўхшаб Ўзидан ҳамиша порлоқ ёғду таратиб туради, аммо У зулмат қоплаб олган моддий оламдан ташқарида жойлашган.

Парвардигор илоҳий илм манбаи. Ведаларда айтилганки, Браҳман барча илоҳий илмлар манбаидир ва руҳий оламга эришишни истаган одам ўзининг қалбида мавжуд бўлган Парвардигордан илоҳий илм ўрганади.

"Шветашватара-упанишад"(6.18.)да шундай дейилган: *там ха девам атма-буддхи-пракашам мумукиур ваи шаранам ахам прападйе*, яъни - "Озодликка чиқишга интилаётган киши Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим". Илм олишнинг энг олий мақсади ҳақида Ведаларда шундай дейилган: *там эва видитвати мритйум эти* - "Фақат Уни англаб олиш билангина туғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутулиш мумкин" ("Шветашватара-упанишад" 3.8).

Парвардигор Олий Ҳукмдор сифатида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Унинг қўл, оёқлари ҳар ерда мавжуд, лекин алоҳида тирик мавжудот ҳақида бундай деб бўлмайди. Шунинг учун фаолият майдонини биладиган икки зотнинг - Олий Рух ҳамда алоҳида тирик мавжудотнинг мавжудлигини тан олиш керак. Алоҳида тирик мавжудотнинг оёқ ва қўллари бир жойда жойлашган, Олий Рухнинг қўл-оёқлари эса ҳамма ерда мавжуд. "Шветашватара-упанишад"(3.17)да айтилганки, *сарвасйа прабхум ишанам сарвасйа шаранам брихат*. Худо Шахси, Олий Рух - Прабху, барча тирик мавжудотларнинг эгаси, хўжайини, шу боис У - уларнинг энг охирги нажот маконидир. Шундай қилиб Олий Рух ва алоҳида руҳ бир-биридан ҳамиша фарқ қилишига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

19. *ити кшетрам татха джнанама джнейам чоктам самасатах  
мад-бхакта этад виджнайя мад-бхавайопападйате*

***Шундай қилиб, Мен сенга фаолият майдони(тана), илм ва билиш лозим бўлган Зот ҳақида қисқача гапириб бердим. Буни фақат***



## ***Менинг содиқларимгина охиригача тушуна оладилар ва шу тарзда Менинг табиатимга эга бўладилар.***

Изоҳ: Кришна Аржунга моддий тана, илм ва билиш лозим бўлган нарса ҳақида қисқача гапириб берди. Парвардигор таърифлаб берган илм уч таркибий қисмдан иборат: билувчи, билиш керак бўлган нарса ва билиш жараёни. Буларнинг ҳаммаси биргаликда *вигйана*, яъни "ўрганиш илми" деб аталади. Фақат Худонинг содиқ хизматкорларигина бевосита мукамал илмга эга бўлишлари мумкин. Бошқалар бунга қодир эмас. Монистларнинг айтишига кўра, илмнинг бу уч таркибий қисми охир-оқибатда бирга қўшилиб кетади, лекин содиқлар буни инкор этадилар. Билим ва билиш жараёни - Кришна онги билан яшаб руҳий ўзликни англаб етишни билдиради. Ҳозир биз ўз фаолиятимизда моддий онг билан ҳаракат қиламиз, лекин биз онгимизни Кришнанинг кароматларида мужассам қилганимизда ва Кришна - бутун борлиқнинг ўзи, манбаи эканини англаб етганимизда, биз ҳақиқий илмга эга бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, билим - Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига эга бўлишнинг биринчи поғонасидир. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-Гита"нинг ўн бешинчи бобида батафсил тушунтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу бобнинг олтинчи ва еттинчи шеърларида *маха-бхутани* иборасидан бошлаб, то *четана дхритиҳ* сўзигача Кришна моддий унсурларни ва ҳаётнинг баъзи аломатларини таърифлайди. Уларнинг барчаси биргаликда фаолият майдонини ташкил этади. Саккизинчи шеърдан то ўн иккинчи шеъргача, *аманитвам* иборасидан, то *таттва-джананартха-даршанам* сўзигача, фаолият майдонини билувчи икки зот - Олий Рух ва алоҳида руҳни англаб етиш имконини берувчи билиш жараёни таърифланган. Кейин ўн учинчи шеърдан ўн саккизинчи шеъргача, *анади мат-парам* иборасидан то *хриди сарвасйа виштхитам* иборасигача руҳ ва Худо Шахси, яъни Олий Рух таърифланган.

Шундай қилиб, бу ерда Кришна уч нарсани таърифлаб берди: фаолият майдони(тана), билиш жараёни ва руҳ билан Олий Рух. Бу ерда алоҳида таъкидлаб ўтилганки, буларнинг ҳаммасини фақат Худонинг соф содиқ хизматкорларигина англай оладилар. Ана шундай содиқлар руҳий юксалиш йўлида "Бҳагавад-Гита"ни ўрганишдан чексиз манфаат кўрадилар ва ҳаётда олий мақсадга - Худонинг Олий Шахси Кришнанинг табиатига эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, фақат Худонинг содиқ хизматкорларигина "Бҳагавад-Гита"нинг махфий сирини тушуниб, ундан фойдаланиб ўзлари истаган натижага эриша оладилар.

*20. пракритим пурушам чайва виддхй анади убхав апи  
викарамши ча гунами чайва виддхи пракрити-самбхаван*

***Билиб қўйки, моддий табиат ва тирик мавжудотларнинг бошланиши йўқ. Бу ердаги барча ўзгаришларнинг сабабчиси ва табиат***

## ***гуналарининг манбаи - моддий табиатдир.***

Изоҳ: Бу бобда нозил қилинаётган илмни эгаллаб биз тана(фаолият майдони)нинг ва танани билувчилар(алоҳида руҳ ва Олий Руҳ)нинг табиатини тушуниб оламиз. Тана - моддий унсурлардан таркиб топган фаолият майдони. Танага қамалган ва унинг фаолияти билан лаззатланадиган алоҳида руҳ - *пуруша*, тирик мавжудот, фаолият майдонини билувчи зотлардан бири. Майдонни биладиган яна бир Зот - Олий Руҳ ҳисобланади. Олий Руҳ ҳам, алоҳида тирик мавжудот ҳам Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил намоён бўлган кўринишлари эканини тушуниш керак. Тирик мавжудот Парвардигорнинг қувватларидан бири, Олий Руҳ эса - Унинг шахсий экспансияси.

Моддий табиат ҳам, тирик мавжудот ҳам мангу табиатга эга. Демак, улар моддий олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд эдилар. Моддий олам ҳам, тирик мавжудотлар сингари Парвардигорнинг қувватидан яралган, лекин тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб. Тирик мавжудотлар ҳам, моддий табиат ҳам моддий коинот яралмасдан аввал мавжуд эдилар. Моддий табиат Худонинг Олий Шахси, Маха-Вишнунинг танасида жойлашган эди, зарурат пайдо бўлганида у *махат-тамтва* ёрдамида намоён бўлди. Тирик мавжудотлар ҳам Маха-Вишнунинг танаси ичида эдилар. Ўзларининг шартланган табиатига кўра, улар Худо Шахсига хизмат қилишни истамаганлар, шу боис руҳий олам сайёраларига кўтарилиш имкониятидан маҳрум бўлган эдилар. Моддий табиат намоён бўлган ҳолатга ўтганида шартланган тирик мавжудотлар руҳий оламга қайтишга тайёрланиш учун яна моддий оламда фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Моддий оламни яратиш сири мана шундан иборат. Тирик мавжудот азалдан Парвардигорнинг ажралмас руҳий зарраси ҳисобланади, аммо Унинг амрига қарши чиқиб, моддий табиат ҳукмрон бўлган салтанатга тушиб қолади ва шартланган шароитда фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Қандай қилиб Худо Шахсининг ажралмас зарраси бўлган тирик мавжудот моддий табиат билан аралашиб, моддий оламга тушиб қолганини билиш унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Лекин, Худонинг Олий Шахсига бу нарса қачон ва нима сабабдан рўй бериши маълум. Муқаддас китобларда Парвардигор айтадики, моддий табиатга махлиё бўлиб, тирик мавжудотлар тирикчилик учун қаттиқ кураш олиб борадилар. "Бахагавад-Гита"нинг мазкур шеърларидан биз шуни аниқлаб олишимиз лозимки, моддий табиатнинг уч гунаси таъсирида рўй берадиган ўзгаришларнинг барчасига моддий табиатнинг ўзи сабабчи. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар дуч келадиган барча ўзгаришларни ва хилма-хил ҳаёт турларининг барчасини моддий тана келтириб чиқаради. Унинг ичидаги руҳ эса, барча тирик мавжудотларда бир хил илоҳий табиатга эга.

21. *кария-карана-картритве хетуҳ пракритир учйате  
пурушаҳ сукха-духкханам бхоктритве хетур учйате*

***Табиат - барча моддий сабаб ва оқибатларнинг бошланғич сабаб-***

***чиси, тирик мавжудот эса - моддий оламда ўзи дучор бўладиган барча қувонч ва мусибатларнинг сабабчиси ҳисобланади.***

Изоҳ: Тирик мавжудотларни ҳар хил тана ва сезги аъзолари билан моддий табиат таъминлаб туради. Моддий оламда ҳаётнинг 8.400.000 шакли, тана тури мавжуд, ана шу ранг-барангликнинг ҳаммасини моддий табиат яратган. Тирик мавжудот моддий лаззатнинг у ёки бу турини татиб кўришга интилади, шунда у ўзининг интилишига мос келадиган таналардан бирига эга бўлади. Ҳар хил кўринишдаги таналарга эга бўлиб, у бу дунёда турли хил лаззат ва азобларни татиб кўради. Моддий оламдаги лаззат ва мусибатларнинг манбаи тирик мавжудотнинг ўзи эмас, унинг моддий танасидир. Ўзининг бошланғич ҳолатида тирик мавжудот бахт ва лаззатга тўла. Бошқача қилиб айтганда, илм ва лаззатга тўла бахтиёр ҳолатда бўлиш - тирик мавжудотнинг табиий, ҳақиқий ҳолатидир. Лекин, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги уни моддий оламга олиб тушади. Рухий оламда тирик мавжудот ўзининг бундай истагини амалга ошириш имконига эга эмас. Рухий олам моддий истаклардан пок, моддий оламда эса, ҳар бир тирик мавжудот иложи борича кўпроқ моддий лаззат олишга интилади. Аниқроқ бўлиши учун таъкидлаб ўтиш мумкинки, тирик мавжудотнинг ҳиссий лаззатланиш истаги унинг шундай лаззатга мос келадиган танасини юзага келтиради, сезги аъзолари эса - тирик мавжудотнинг ўз истагини амалга ошириш учун ишлатадиган қуролларидир. Буларнинг иккисини - танани ҳам, сезги аъзоларини ҳам биз моддий табиатдан оламиз. Кейинги шеърдан маълум бўладики, биз аввалги ҳаётимизда қилган ишларимизга яраша ҳаётнинг яхши ёки ёмон шароитларига тушиб қоламиз. Тирик мавжудотларнинг истаклари ва кармасига қараб моддий табиат уларни маълум турдаги тана билан таъминлайди. Қандай тана олишига тирик мавжудотнинг ўзи сабабчи бўлади ва шу тана ичида юриб, у ўзига тайёрланган лаззат ва мусибатларни бошидан кечиради. Тана олгандан кейин тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остида бўлади, чунки тана моддий унсурлардан таркиб топгани учун моддий табиат қонунларига бўйсунди. Тирик мавжудот бу қонунларни ўзгартиришга қодир эмас. Масалан, тирик мавжудот итнинг танасига эга бўлди, дейлик. Шу тана ичида бўла туриб, тирик мавжудот итга ўхшаб ҳаракат қилишга мажбур. У бошқача ҳаракат қила олмайди. Агар тирик мавжудот чўчқанинг танасига эга бўлса, у ҳар хил ахлатлар билан озикланишга ва чўчқалар қиладиган ҳамма жирканч ишларни қилишга мажбур бўлади. Агар тирик мавжудот фаришта танасига эга бўлса, у фаришталардай ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Табиат қонунлари шундай. Лекин, ҳар қандай ҳолат ва шароитларда ҳам Олий Рух алоҳида руҳ билан бирга шу моддий тана ичида юраверади. Ведаларда бу ҳақда шундай дейилган(Мундака-упанишад,3.1.1.): *два супарна сайуджа сакхайах*. "Парвардигор тирик мавжудотга шу қадар меҳрибонки У Олий Рух, Параматма киёфасида хамиша, ҳамма жойда унга ҳамроҳ бўлиб юради".

***Моддий оламга тушиб қолган тирик мавжудот шу тарзда ҳаёт кечиради ва табиатнинг уч гунасидан лаззатланиб яшайди. У модда билан бирикади, натижада ҳаётнинг турли шаклларида яхшилик ва ёмонликларга дучор бўлади.***

Изоҳ: Бу жуда муҳим шеър. Ундан биз тирик мавжудотнинг қандай қилиб бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини билиб оламиз. "Бхагавад-Гита"нинг иккинчи бобида "худди инсон кийимини алмаштирганидай, тирик мавжудот тана алмаштириб юради" деб айтилган эди. Бунга сабаб унинг моддий ҳаётга боғланиб қолганидир. Токи тирик мавжудот бу ўткинчи дунёда тирикчилик қилишдан безор бўлмас экан, у бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур. У бундай ачинарли ҳолатга моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилгани сабабли тушиб қолган. Тирик мавжудотнинг моддий истаклари уни гоҳида фаришта, гоҳида инсон танасида, гоҳида ҳайвон, қуш, чувалчанг, балик, ҳашарот, баъзида тақводор, баъзида гуноҳкор зотлар танасида туғилишга мажбур қилади. Гарчи, ҳамиша моддий табиат конунлари ҳукми остида бўлса ҳам, тирик мавжудот ҳар гал дунёга келганида "ўз тақдиримни ўзим яратаман" деб ўйлайди.

Бу ерда қандай қилиб тирик мавжудот ҳар хил таналарга тушиб қолиши тушунтирилган. Бунга сабаб - у моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсири остида бўлишидир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсон моддий табиат гуналари таъсирдан юқори кўтарилиб илоҳий, руҳий поғонага кўтарилиши лозим. Ана шу Худони англаш, яъни ҳаётда Кришна онги билан яшаш деб аталади. Токи инсон қалбида Кришна онгини ривожлантирмас экан, моддий онг уни бир танадан иккинчи танага кўчиб юришга мажбур қилаверади. У қалбида шунча умрлардан бери сакланиб келаётган моддий истакларига интилиб, моддий табиат ҳукми остида бир танадан иккинчи танага ўтиб юраверади. Тирик мавжудот моддий истакларга тўлиб ётган нопок онгини ўзгартириши керак. Бунга фақат руҳий илмга эга бўлган комил инсонларнинг насиҳатини тинглаш орқали эришиш мумкин. Аржун бунга яққол мисол бўла олади - у Худо ҳақидаги илмни Кришнанинг Ўзидан эшитган эди. Ишонарли манбалардан ҳақиқат илмини тинглаш натижасида инсон аста-секин моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истагидан халос бўлади, қалбида шундай истакнинг кучи камая бориши билан у илоҳий табиатли руҳий лаззатнинг мазасини тобора яққолроқ ҳис қила бошлайди. Ведавий мантраларнинг бирида айтилганки, Худонинг Олий Шахси билан мулоқотда бўлиш натижасида инсон аста-секин илмга эга бўлиш билан бирга мангу руҳий ҳаёт лаззатидан ҳам тобора кўпроқ баҳраманд бўла боради.

*23. упадраштануманта ча бхарта бхокта махешвараҳ  
параматмети чапи укто дехе “смин пурушаҳ параҳ*

***Бу тана ичида илоҳий табиатли лаззатланувчи Зот ҳам бор. У - "Олий Рух" деб аталадиган, тирик мавжудотни ҳамиша кузатиб турадиган, унинг барча ҳаракатларига рухсат берадиган Олий Хукмдор, ягона Парвардигордир.***

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, ҳамиша тирик мавжудотга ҳамроҳ бўлиб юрадиган Олий Рух - Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган кўринишидир. Олий Рухни оддий тирик мавжудот деб ҳисобламаслик керак. Монизм фалсафаси тарафдорлари танани билувчи фақат битта зот бор, деб ҳисоблагани учун улар Олий Рухни тирик мавжудот билан бир деб биладилар. Бунга аниқлик киритиш учун Кришна таъкидлаб айтяптики, У Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг танасида мавжуд. У *пара*, илоҳий(трансцендент) табиатга эга ва алоҳида шартланган руҳдан фарқ қилади. Алоҳида шартланган руҳ ўз танасининг фаолиятдан лаззатланади, Параматма кўринишидаги Худо Шахси эса, имконияти чекланган лаззатланувчи эмас, У алоҳида тананинг фаолиятига дахлдор ҳам эмас. Олий Рух танада гувоҳ сифатида иштирок этган ҳолда тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, шу ҳаракатларга рухсат беради. Олий Рухни *атма* деб эмас, *Параматма* деб атайдилар ва У трансцендент, илоҳий табиатга эга. *Параматма* билан *атма* бир-биридан фарқ қилиши яққол кўришиб турибди. Параматманинг оёқ ва қўллари ҳамма ерда мавжуд. Алоҳида тирик мавжудот ҳақида бундай деб бўлмайди. *Параматма* - Худо Шахсининг Ўзи бўлгани сабабли, моддий лаззатларга интилиб юрган тирик мавжудотнинг истакларини амалга ошириш мақсадида унинг қалбида ҳам мавжуд. Олий Рухнинг рухсатисиз тирик мавжудот ҳеч нарсага қодир эмас. Алоҳида тирик мавжудотни *бхукта*, яъни "қарам" деб, Олий Рухни эса - *бхокта*, яъни "хукмдор", "ғамхўрлик қилувчи" деб атайдилар. Тирик мавжудотлар сон-саноксиз, Парвардигор энг яқин дўсти сифатида уларнинг ҳар бирининг қалбида мавжуд.

Аслида ҳар бир тирик мавжудот Худонинг мангу ажралмас заррачаси бўлиб, уларни бир-бирига ўзаро бузилмас дўстлик ришталари боғлаб туради. Лекин, тирик мавжудот Худонинг амрини тан олмасдан, ўзи моддий табиатга ҳукмронлик қилиб, мустақил ҳолда ҳаракат қилишга интилади. Ана шундай хусусияти сабабли тирик мавжудотларни Худонинг "оралик қуввати" деб атайдилар. Тирик мавжудот ўз хоҳишига қараб ё моддий қувват ҳукм сурадиган, ёки руҳий қувват ҳукм сурадиган оламда бўлиши мумкин. Тирик мавжудот моддий қувват ҳукм сурган моддий оламда юришга мажбур экан, унинг руҳий салтанатга қайтишига ёрдамлашиш ниятида Парвардигор Олий Рух кўринишида ҳамиша у билан бирга ҳамроҳ бўлиб юради. Парвардигор ҳамиша тирик мавжудотларни руҳий оламга, Ўзининг даргоҳига қайтаришга ҳаракат қилади, аммо маълум даражада мустақилликка эга бўлган тирик мавжудот ўжарлик билан руҳий ҳаётдан, ёруғ руҳий оламдан юз ўгираверади. Мустақиллигини ана шундай суистеъмол қилиш натижасида тирик мавжудот

моддий оламда тирикчилик қилиш учун азоб-уқубатга тўла кураш олиб боради. Шу боис, Парвардигор унга ҳамиша - ҳам қалбида туриб, ҳам ташқаридан ҳар хил кўрсатмалар бериб туришга ҳаракат қилади. Ташқаридан Парвардигор "Бхагавад-Гита"даги насиҳатларни беради, қалбида туриб эса, моддий оламдаги ҳеч қандай фаолият унга ҳақиқий бахт келтиролмаслигига тирик мавжудотни ишонтиришга ҳаракат қилади. "Ҳамма ишларингни тарк эт - дейди унга Парвардигор, - Менга ишон, ўз ихтиёрингни Менга топшир. Шунда сен албатта бахтли бўласан!" Шунинг учун Олий Рухга, Параматмага, ягона Парвардигорга ишонган, етарли фаросатга эга бўлган кишилар илм ва лазатга тўла мангу ҳаётга олиб борадиган ёруғ йўлга кирадилар.

*24. йа эвам ветти пурушам пракритим ча гунайх саха  
сарватха вартамано "ни на са бхуйо "бхиджайате*

***Моддий табиат, тирик мавжудот ва табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатлари ҳақидаги бу илмни эгаллаган киши албатта озодликка эришади. У ҳозир қандай яшаётганидан қатъий назар, моддий оламда бошқа тугилмайди.***

Изоҳ: Моддий табиатни, Олий Рухни, алоҳида руҳни ва уларнинг ўзаро муносабатларини тўғри тушуниб етган киши моддий тутқунликдан халос бўлади ва ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмаслик учун мангу руҳий оламга эришади. Ҳақиқий илм ўрганишнинг натижаси ана шундай бўлади. Илм олишнинг мақсади - тирик мавжудотнинг қандай қилиб тасодифан бу моддий оламга адашиб тушиб қолганини аниқлашдан, англаб етишдан иборат. Шунинг учун фаросатли киши ишонарли руҳий устозлар, авлиё одамлар ва гуру билан ҳамсуҳбат бўлиш, ёки "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита"ни ўрганиш ёрдамида ўзининг ҳақиқий ҳолатини билиб олиш ва қалбида ҳақиқий руҳий онгни, яъни Кришна онгини ривожлантириш учун кўлидан келганча фаол ҳаракат қилиши лозим. Шунда у мусибатларга тўла бу моддий оламда қайтиб тугилмайди, илм ва лазатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган руҳий оламга, Худонинг даргоҳига эришади.

*25. дхйаненатмани паййанти кечид атманам атмана  
анйе санкхйена йогена карма-йогена чапаре*

***Бировлар мувоқабат билан шуғулланиб, бошқалар - фалсафий изланишлар ёрдамида, яна бировлар - ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан фаолият кўрсатиш ёрдамида қалбидаги Олий Рухни англаб етадилар.***

Изоҳ: Кришна Аржунга айтяптики, барча шартланган руҳларни уларнинг руҳий ўзликни англашга бўлган муносабатига қараб икки тоифага бўлиш

мумкин. Даҳрийлар, агностик(оламни билиш мумкинлигига ишонмайдиган одам)лар ва скептик(хамма нарсага гумон билан қарайдиган одам)лар руҳ ҳақида ҳеч қандай илмга эга эмаслар. Улардан бошқа тоифа одамлар ҳам бор, улар - руҳий ҳаётнинг мавжудлигига аниқ ишонадиган, иймонли, такводор инсонлардир. Муруқаба билан шуғулланиб юрганлар, руҳни англаб етган файласуфлар ва ўз меҳнатининг натижасига боғланмай, таркидунё қилиб юрган одамлар шулар тоифасига киради. Монизм фалсафасининг ашаддий издошлари ҳам даҳрий ва агностиклар тоифасига киради.

Худонинг содиқ хизматкорлари руҳнинг табиатини ҳаммадан ҳам яхши тушунадилар, чунки улар бу моддий оламдан бошқа руҳий оламнинг, Худонинг мавжудлигини, Параматма кўринишида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд эканини тушуниб етган кишилардир. Албатта, баъзи бир одамлар Худонинг Олий Шахсини фалсафий изланишлар ёрдамида англаб етишга уринадилар. Уларни ҳам "Худонинг мавжудлигига ишонадиган иймонли одамлар тоифасига мансуб" деб ҳисоблаш керак. *Санкхйя* фалсафасининг издошлари моддий оламни таҳлил қилиб, йигирма тўрт унсурни ўрганадилар, алоҳида руҳни эса "йигирма бешинчи унсур" деб ҳисоблайдилар. Улар ҳам руҳдан устун турадиган, "йигирма олтинчи унсур" деб ҳисобланадиган Парвардигор мавжуд эканини тушуна бошлайдилар. Шу тарзда улар ҳам аста-секин ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтариладилар. Ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиб яшаётган кишилар ҳам руҳий юксалишнинг тўғри йўлидаги инсонлардир, улар ҳам вақти келиб ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтариладилар.

Шундай қилиб, бу ерда муруқаба қилиш жараёнида қалбидаги Олий Руҳни англаб етишга ҳаракат қилаётган соф руҳий онг эгаси бўлган одамлар ҳақида гап борапти. Шу мақсадга етгандан кейин улар илоҳий даражага эришадилар. Яна бировлар фалсафий фикрлаш ёрдамида Олий Руҳни англаб олишга ҳаракат қиладилар, учинчи тоифа одамлар эса, *хатха-йога* билан шуғулланиб, ўзларининг ёш болаларникидай эрмаклари билан Худонинг Олий Шахсини мамнун қилишга умид боғлайдилар.

*26. аниё тв эвам аджанатах ирутвангебхйа упасате  
те "ни чатитаранти эва мритйум ирути-парайанах*

***Шундай одамлар ҳам борки, ўзлари руҳий илмга эга бўлмасалар ҳам, Худо ҳақида бошқалардан эшитиб, Худо Шахсига сизгина бошлайдилар. Ҳақиқий устозларга бўлган қатъий ишончи туфайли улар ҳам тугилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқадилар.***

Изоҳ: Бу ерда айтилган гаплар биринчи навбатда ҳозирги жамиятда яшаётган одамларга тааллуқли, чунки ҳозирги даврда одамлар руҳий илм олиш имко-

ниятидан умуман маҳрум. Ҳатто ўзларини даҳрий, агностик ёки файласуф деб ҳисоблаб юрган кишилар ҳам, фалсафий илм аслида қандай илм эканини билмайдилар. Лекин, агар етарли даражада виждони пок бўлса, ҳатто оддий одамлар ҳам табаррук авлиё одамлардан Худо ҳақида тинглаш натижасида руҳий илмга эга бўлишлари мумкин. Бу усул жуда муҳим. Биз яшаётган даврда Худони англаш илмини ғофил одамларга ўргатишни кенг миқёсда ташкил қилган Чаитанья Махапрабху “Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаш”, *шраванам* усулига жуда катта эътибор берган, чунки фақат тинглаш натижасида, айниқса, агар улар Чаитанья Махапрабху ўргатганидай, ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, тинглаб юрсалар, оддий инсонлар ҳам руҳий баркамолликка эришишлари мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Шунинг учун ҳар бир инсон руҳий ўзлигини англаб етган кишидан албатта руҳий илм сирларини ўрганиб олиши лозим. Шунда вақти келиб унга Парвардигор ҳақида, руҳий олам ҳақида ҳамма нарса аён бўлади. Шунда у табиий равишда Худога чуқур иймон билан сиғиниб, хизмат қила бошлайди. Чаитанья Махапрабху айтиб кетганки, ҳозирги даврда руҳий ўзлигини англаш учун киши жамиятда эгаллаб турган ҳолатини, ишини ўзгартириб юришининг мутлақо ҳожати йўқ, лекин у Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий изланишлар ёрдамида англаб олишга беҳуда интилишни тарк этиши, Худони англаб етган буюк инсонларга хизмат қилиши лозим. Агар инсон омади келиб ҳаёт йўлида Худонинг соф содиқ хизматкорининг паноҳига кириб, ундан ўзликни англаш илмини ўрганиш насиб этса, ўзи ҳам вақти келиб Худонинг соф содиқлари даражасига эришади. Бу ерда Кришна ишонарли руҳий устоздан илм ўрганишни қатъий насиҳат қиляпти, бу жуда муҳим. Гарчи оддий инсонлар ўзларини файласуф деб юрган такаббур кишилар сингари, ўткир қобилиятга эга бўлмасалар ҳам, табаррук авлиё инсонларнинг гапларига чуқур ишонч билан қулоқ солиб, уларнинг насиҳатларига жиддий амал қилиб юрсалар бас, шунда улар ҳам моддий олам тутқунлигидан озод бўлиб, Худонинг даргоҳига эришадилар.

*27. йават санжайа кинчит саттвам стхавара-джангамам  
киштра-киштраджна-самйогат тадд виддхи бхаратаршабха*

***Эй Бхаратлар сардори, билиб қўй-ки, бу дунёдаги қўзғалувчан ва қўзғалмас нарсаларнинг ҳаммаси “фаолият майдони” билан “май-донни билувчи”нинг ўзаро бирикмасидан бошқа ҳеч нарса эмас.***

Изоҳ: Бу ерда олам яралишидан аввал мавжуд бўлган моддий табиат ва тирик мавжудот ҳақида гап борапти. Бутун борлик икки унсурдан: тирик мавжудот ва моддий табиатдан иборат. Оламда қўзғалмас зотлар кўп: дарахтлар, тепаликлар ва тоғлар. Қўзғалувчан тирик мавжудотлар ҳам улардан кам эмас, лекин, уларнинг барчаси тирик мавжудот билан моддий табиатнинг,



яъни олий табиат билан куйи табиатнинг бирикмасидан иборат. Агар олий табиат, яъни тирик мавжудот ҳаракатга келтирмаса, модда ўзидан-ўзи ҳаракат қилишга қодир эмас. Моддий ва олий табиатнинг ўзаро муносабатлари ҳамиша мавжуд бўлиб келган, уни Парвардигорнинг Ўзи ўрнатган. Шунинг учун Худо Шахси олий қувватнинг ҳам, қуйи қувватнинг ҳам Ҳукмдори ҳисобланади. Моддий табиатни яратиб, Парвардигор унинг ичига олий қувватга мансуб бўлган тирик мавжудотларни жойлаб қўяди, натижада моддий оламда сон-саноксиз мавжудотлар юзага келиб, моддий табиатнинг, оламнинг фаолияти бошланади.

*28. самам сарвешу бхутешу тиитхантам парамешварам  
винашийатсиа авинашийантам йаҳ нашийати са нашийати*

***Олий Рух ҳар бир танадаги алоҳида руҳга ҳамиша ҳамроҳ эканини кўра билган, ҳалокатга маҳкум тана ичида жойлашган бўлишига қарамай, алоҳида руҳ ҳам, Олий Рух ҳам ҳеч қачон ҳалок бўлмаслигини тушунган киши ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга инсондир.***

Изоҳ: Табаррук авлиё инсонлардан, руҳий устозлардан илм ўрганиш натижасида “тирик мавжудот - моддий тана, унинг эгаси бўлган шартланган руҳ ҳамда Олий Рухнинг бирикмаси” эканини англай олиш қобилятига эга бўлган киши ҳақиқатан ҳам "илмли инсон" ҳисобланади. Бунга фақат руҳий илмга эга кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасидагина эришиш мумкин. Ана шундай суҳбатдан маҳрум кишилар ғафлат ботқоғига ботган одамлар ҳисобланади: улар моддий танадан бошқа нарсани кўра олмайдилар ва “тана ҳалок бўлиши билан ҳаёт ҳам тўхтайди” деб ўйлайдилар. Аслида ундай эмас. Тана ҳалокатга учрагандан кейин алоҳида руҳ билан Олий Рух кўзгалувчан ёки кўзгалмас турдаги бошқа яна бир танага ўтиб яшашда давом этаверади-лар. Санскритча *парамешвара* иборасини баъзан "алоҳида руҳ" деб таржима қиладилар, чунки руҳ ўзининг танасига ҳукмронлик қилади, танаси ҳалокатга учраганда эса, бошқа танага ўтади. Шу жиҳатдан у тананинг хўжайини ҳисобланади. Лекин, баъзи олимлар *парамешвара* ибораси Олий Рухни билдиради, деб ҳисоблайдилар. Нима бўлганда ҳам, тана ҳалок бўлгандан кейин руҳ билан Олий Рухнинг ҳаёти давом этаверади. Улар ҳалок бўлмайдилар. Шунинг билан етган киши ҳақиқатни тўлиқ англаб етган инсондир.

*29. самам нашийан хи сарватра самавастхитам ишварам  
на хинасти атманатманам тато йати парам гатим*

***Олий Рухнинг ҳамма жойда, ҳар бир тирик мавжудот танасида бирдай мавжуд эканини кўра билган киши ақлининг руҳий ўзлигини ҳалок қилишига йўл қўймайди. Шундай инсон охир-***

### ***оқибатда руҳий оламга эришади.***

Изоҳ: Моддий оламга келиб, алоҳида руҳ ўзининг руҳий оламдаги табиий ҳолатини йўқотади. Аммо, Худо Шахси Олий Руҳ кўринишида ҳар ерда мавжуд эканини тушунган, яъни Худонинг Олий Шахсини ҳар бир тирик мавжудот калбида кўра олган киши моддий ақлининг салбий таъсирига берилмайди, вақти келиб албатта руҳий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб, ўзининг аввалги мангу ҳолатини қайта тиклайди. Ақл ҳамиша ҳиссий лаззатланишга интилади, лекин унинг фаолиятини бутунлай Олий Руҳда мужассам қила олсак, биз руҳий юксалишда муваффақиятга эришамиз.

*30. пракритйайва ча кармани крийаманани сарвашаҳ  
йаҳ нашийати татхатманам акартарам са нашийати*

***Ҳар қандай ҳаракатни аслида моддий табиат яратган тана амалга ошириб турганини, руҳ эса ҳаракатсиз эканини кўра билган киши ҳаёт ҳақида мукамал тасаввурга эга инсондир.***

Изоҳ: Танамизни Олий Руҳнинг кўрсатмасига биноан моддий табиат яратган, барча ҳаракатларни биз ўзимиз эмас, танамиз бажаради. Қилаётган ишлари қандай натижага олиб келмасин - яхшими, ёмонми - инсон барибир ўзига яратилган шароитга қараб иш тутишга мажбур, чунки унинг танаси шундай тузилган. Аммо руҳ, танасининг қилаётган ишларига мутлақо алоқадор эмас. Тирик мавжудотнинг ҳозирги танасининг шакли унинг аввалги истакларига қараб белгиланади. Тирик мавжудот ўз истакларини амалга ошира олиши учун унинг истакларига мос бўлган муайян тана билан таъминланади. Аслида тана - бизга ўз истакларимизни амалга оширишда ёрдам бериш учун Парвардигор яратиб қўйган курулдор. Орзу-истакларимиз чангалида юриб биз ўзимиз учун табиий бўлмаган ҳар хил ноқулай шароитларга тушиб қоламиз ва ҳаётда гоҳида лаззатланамиз, гоҳида мусибат чекамиз. Ҳаётни ана шундай назар билан кўра олиш, яъни ўзи ҳозир ғайритабиий, ноқулай ҳолатда эканини тушуниб етиш инсонга тананинг ҳар қандай фаолиятидан четланишга ва ҳамма нарсани Ҳақиқат кўзи билан кўришга ёрдам беради.

*31. йада бхута-притхаг-бхавам эка-стхам анунашийати  
тата эва ча вистарам Браҳма сампадйате тада*

***Фаросатли инсон ҳар хил моддий таналарга эга тирик мавжудотларга бир хил назар билан қарай қараб, аслида тирик мавжудотлар ҳамма жойда мавжуд эканини тушуна бошлаганида Браҳман ҳолатига эришади.***

Изоҳ: Тирик мавжудот мужассам бўлган турли тоифадаги таналар аслида

алоҳида руҳнинг ҳар хил орзу-истаклари натижаси эканини, аслида тананинг ҳақиқий эгаси руҳ эмаслигини билган киши ҳақиқатни англаб етган кишидир. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиш бизни - бир тирик мавжудотни фаришта, бошқа бир тирик мавжудотни инсон, яна бирларини - ит, мушук деб ҳисоблашга мажбур қилади. Бу - ҳаётдаги нарсаларнинг асл табиатига мос келмайдиган, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурдир. Бундай тушунчалар ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурга асосланган нотўғри тушунчалардир. Барча алоҳида руҳлар сифат жиҳатдан бир хил, уларнинг ҳақиқий сифати моддий тана ҳалок бўлганда намоён бўлади. Фақат моддий табиат билан аралашгани сабаблигина, шартланган руҳ ҳар хил моддий таналарга эга бўлади. Ана шу ҳақиқатни англаб етган киши ҳаётга руҳий назар билан қарайдиган инсон ҳисобланади. Тирик мавжудотларни одамлар ва ҳайвонларга, катта-кичик ва ҳоказо зотларга ажратишни тарк этиб, инсон онгини поклайди, натижада қалбида Кришна онгини ривожлантириш ва ўзининг руҳий табиатини англаш қобилиятига эга бўлади. Шундай киши ҳаётга қандай кўз билан қараши кейинги шеърда таърифланади.

32. *анадитван ниргунатват параматмайам авйайах  
шарира-стхо “ни каунтейа на кароти на липйате*

***Мангуликни кўра билган зотлар ўлмас руҳ - моддий табиат гуналарига бўйсунмайдиган, илоҳий, ўзгармас, мангу эканини биладилар. Эй Аржун, ҳатто моддий тана ичига жойланган бўлса ҳам, руҳ ҳаракат қилмайди ва тана фаолиятининг оқибатларига ўралишиб қолмайди.***

Изоҳ: Моддий тана туғилгани сабабли, тирик мавжудот яъни руҳ ҳам туғилгандай бўлиб туюлади. Лекин, аслида тирик мавжудот мангу. У моддий тана ичида бўлгани билан туғилмайди - у илоҳий, мангу табиатга эга. Шунинг учун уни яқсон қилишнинг иложи йўқ. Ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот лаззатга тўла. У ҳеч қачон моддий фаолият билан машғул бўлмайди, шунинг учун моддий тана ичига қамалган билан моддий танаси қилган ишларнинг оқибатлари уни боғлаб қўя олмайди.

33. *йатха сарва-гатам саушмйад акашам нопалипйате  
сарватравастхито дехе татхатма нопалипйате*

***Нафис табиатли бўлган эфир(осмон), гарчи ҳамма ерга сингиб кетган бўлса ҳам, ҳеч нарса билан аралашмайди. Худди шундай руҳ ҳам, тана ичида бўлишига қарамай, моддий тана билан боғланган эмас. Браҳманни англаб етган киши бунни кўра олади.***

Изоҳ: Сувга, ботқоққа, ахлатга ва бошқа нарсаларга сингиб кетгани билан

эфир уларга кўшилиб кетмайди. Шунга ўхшаб, тирик мавжудот гарчи ҳар хил таналар ичида бўлса ҳам уларга боғланган эмас, чунки руҳнинг табиати умуман бошқача. Шунинг учун моддий кўзлар руҳ тананинг ичида бўлган пайтда ҳам, ажал етганда танадан чиқиб кетаётганида ҳам, тирик мавжудотни кўра олмайди. Буни ҳеч бир олим тажриба ёрдамида аниқлай олмайди.

*34. йатха пракашайати экаҳ критснам локам имам равих  
киетрам киетри татха критснам пракашайати бхарата*

***Эй Бхарат авлоди, худди биргина куёш бутун коинотни ёритиб тургани сингари, тирик мавжудот(руҳ) ҳам бутун танани онг билан ёритиб туради.***

Изоҳ: Онгнинг табиатини таърифлайдиган жуда кўп назариялар, таълимотлар бор. "Бхагавад-Гита"нинг мазкур шеърида Кришна куёш ва куёш нурини мисол келтиради. Бир жойда туриб куёш бутун коинотни ёритиб тургани сингари, юракда жойлашган кичкина руҳий заррача ҳам бутун танани онг билан ёритиб туради. Шундай қилиб, худди куннинг ёруғлиги куёш осмонда эканини билдиргани сингари, онг - танада руҳ мавжудлигидан далолат беради. Руҳ танада мавжуд экан, бутун тана онг билан ёритилган бўлади, руҳ танани тарк этган захоти танадаги онг ҳам йўқолади. Озгина фаросати бўлган киши буни англай олади. Демак, онг тана келтириб чиқарган нарса эмас, яъни онг модданинг хоссаси эмас. Онг - тирик мавжудотнинг, руҳнинг ажралмас хусусиятидир. Сифат жиҳатдан Олий Онгдан фарқ қилмайдиган тирик мавжудотнинг онги миқдор жиҳатдан Олий Онгга тенг эмас, чунки алоҳида руҳнинг онги фақат битта танага таралади, бошқа таналарга ўта олмайди. Аммо, ҳар бир танада тирик мавжудотнинг дўсти сифатида мавжуд бўлган Олий Руҳ ҳар бир танада бўлиб турган жараёнлардан хабардор. Олий Онг алоҳида тирик мавжудотнинг онгидан фарқ қилади.

*35. киетра-киетраджнайор эвам антарам джнана-чакишуша  
бхута-пракрити-могшам ча йе видур йанти те парам*

***Дунёга мукамал илм кўзи билан қарайдиган, “тана” билан “танани биладиган зот” орасидаги фарқни кўра оладиган, ҳамда моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқарадиган йўлни топа оладиган кишилар олий мақсадга эришадилар.***

Изоҳ: Ўн учинчи бобнинг асосий мазмуни шундан иборатки, инсон ўзининг танаси, алоҳида руҳ ва Олий Руҳ(Худо) орасидаги фарқни англаб олиши лозим. Ана шу фарқни англаб, у саккизинчи ва ўн иккинчи шеърларда берилган, шартланган руҳни озодликка олиб чиқадиган йўлга кириши лозим. Шундагина инсон ҳаётда энг олий мақсадга эриша олади.

Худого ишонадиган киши ҳаётда энг аввало табаррук авлиё одамларни, комил инсонларни излаб топиши лозим. Уларнинг Парвардигор ҳақида айтган гапларини тинглаб, у аста-секин илмга эга бўла боради. Рухий устозга мурожаат қилиб, у руҳ билан модданинг фарқини англаш қобилиятига эга бўлади, мана шу унинг руҳий юксалиш йўлига киришига асос бўлади. Ўзининг шогирдларига ҳар хил насихат ва кўрсатмалар берар экан, руҳий устоз уларнинг ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлишига ёрдам беради. "Бҳагавад-Гита"да Кришна ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлишда Аржунга ёрдам бериш учун насихатлар берапти.

Тананинг моддий унсурлардан таркиб топганини кўриш қийин эмас. Таҳлилий ўрганиш ёрдамида танадаги йигирма тўрт унсурни бир-биридан ажратиш мумкин. Қўпол танадан бошқа нафис тана ҳам мавжуд: ақл ва ақлий фаолият. Ҳаёт аломатлари қўпол ва нафис таналарнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти натижасида юзага келади. Аммо буларнинг ҳаммасининг устида алоҳида руҳ туради, алоҳида руҳни эса Олий Рух бошқариб туради. Алоҳида руҳ Олий Рухдан фарқ қилади. Рухнинг йигирма тўрт моддий унсур билан ўзаро алоқа қила бошлаши натижасида моддий олам ҳаракатга келади. Бутун моддий олам аслида руҳнинг моддий унсурлар билан бирикмаси эканини кўра билган, шунингдек, Олий Рух қандай ҳолатда эканини тушуна олган киши руҳий оламга қайтишга муносиб зот бўлади. Чуқур мулоҳаза юритиб бу ерда келтирилган маълумотларни англаб олиш ва уларнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир жиддий содиқ руҳий устоз ёрдамида бу бобнинг маъносини тўлиқ тушуниб олиши лозим.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Табиат, лаззатланувчи ва онг" деб аталадиган ўн учинчи бобида Бҳактиведананинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Ўн тўртинчи боб. Моддий табиатнинг уч гунаси**

*1. ири бхагаван увача*

*парам бхуйаҳ правакшйами джнананам джнанам уттамам  
йадж джнатва мунайаҳ сарве парам сиддхим ито гатаҳ*

***Худонинг Олий Шахси деди: Мен сенга мана шу олий донишмандлик илмини, энг юксак, улугвор илмни яна бир бор баён этаман. Уни билган буюк донишмандларнинг ҳаммаси руҳий баркамолликнинг энг юксак погонасига эришганлар.***

Изоҳ: Еттинчи бобдан ўн иккинчи бобгача, Кришна Аржунга Мутлак Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси ҳақидаги илоҳий илмни баён этган эди. Энди эса У Аржунга яна ҳам чуқурроқ билим бермоқчи бўляпти. Бу бобни ўрганиб, фалсафий фикрлаш ёрдамида унинг мазмунини англаб олган киши Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олади. Ўн учинчи бобда инсон ўзининг қалбида камтаринликни ривожлантириш ҳамда ҳақиқий илм ўрганиш орқали моддий тутқунликдан озодликка чиқиш имкониятига эга бўлиши ҳақида гапирилган эди. Шунингдек, тирик мавжудотнинг моддий тутқунликка тушиб қолиш сабаби - унинг моддий табиат гуналари билан аралашishi экани ҳам айtilган эди. Бу бобда Парвардигор Аржунга моддий табиат гуналари нима эканини, уларнинг қандай ҳаракат қилишини, улар тирик мавжудотга қандай таъсир қилишини ва озодликка

чиқишда унга қандай ёрдам беришини тушунтиради. Парвардигор айтадики, бу бобда унга аён этадиган илми аввал баён этилган илмдан ҳам устун туради. Мана шу илмга эга бўлган буюк донишмандларнинг барчаси камолот чўққисига кўтарилиб, рухий оламга эришганлар. Бу бобда ҳам Парвардигор Аржунга аввалги айтганларини бошқачарок, яъни аниқроқ қилиб баён этади. Бу илм Парвардигорнинг шу пайтгача Аржунга ўргатган илмларидан анча устун туради, уни эгаллаган одамларнинг кўплари рухий баркамолликка эришган. Шундай қилиб, ўн тўртинчи бобда нозил қилинган илмни ҳақиқатан ҳам тўғри тушуниб, англаб етган ҳар қандай инсон рухий баркамолликка эришади.

*2. идам джннам унаиритйа мама садхармйам агатаҳ  
сарге “ни нопаджайанте пралайе на вйатханти ча*

***Бу илмни ҳеч иккиланмасдан мустаҳкам эгаллаб олган киши худди Меникидай илоҳий табиатга эга бўлади. Ундай инсон моддий олам яратилган пайтда қайта тугилмайди, олам яқсон бўлган вақтда ҳам қийналмайди.***

Изоҳ: Мукаммал рухий илмга эга бўлган киши туғилиб-ўлишлар чархпалагидан халос бўлиб, сифат жиҳатдан Худонинг Олий Шахси билан бир хил даражага кўтарилади. Лекин, барибир алоҳида руҳ кўринишида ўз мустақиллигини сақлаб қолаверади. Ведаларда айтилганки, рухий оламнинг илоҳий сайёраларига эришган озод руҳлар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб, Унинг нилуфар қадамлари пойига махлиё бўлиб, лаззатга тўла ҳаёт кечирадилар. Шундай қилиб, ҳатто озодликка эришганидан кейин ҳам содиқлар ўзининг алоҳида шахс хусусиятини, рухий ўзлигини йўқотмайдилар.

Моддий оламда олаётган ҳар қандай илмимиз моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида булганган бўлади. Уларнинг таъсиридан булганмаган илм - “илоҳий илм” деб аталади. Шундай илмга эга бўлиб, инсон Парвардигорнинг Ўзи билан тенг бўлган илоҳий поғонага кўтарилади. Рухий олам ҳақида илмга эга бўлмаган одамлар "мангу руҳ моддий фаолият билан шуғулланишни тарк этиб, моддий тана қафасидан озодликка чиққанида ўзининг шаклидан ҳам, ўзлигидан ҳам маҳрум бўлади" деб ҳисоблайдилар. Лекин, аслида рухий оламда ҳам моддий оламдагидай ҳар бир руҳнинг алоҳида шахс эканлигига асосланган ранг-баранглик мавжуд. Шуни билмайдиган одамлар "рухий олам мана шу ранг-баранг моддий оламнинг бутунлай тескарис" деб ўйлайдилар. Аслида эса, рухий оламга эришган тирик мавжудот рухий қиёфага, рухий танага эга бўлади. Рухий оламда у рухий фаолият билан машғул бўлади, унинг рухий ҳаёти Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдан иборат бўлган ҳақиқий ҳаёт бўлади. Рухий олам моддий табиат гуналари таъсиридан булганмаган, у жойда тирик мавжудот-

лар сифат жиҳатдан Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайдилар. Ана шу илмга эга бўлиш учун инсон ўзида рухий сифатларни ривожлантириши лозим. Шундай сифатларга эга бўлган киши моддий олам яратилаётганида бу оламда яна туғилмайди, қиёмат-қойим келганида эса, бу олам билан бирга яқсон бўлмайди.

3. *мама йонир маҳад-Брахма тасмин гарбхам дадхамй ахам  
самбхавах сарва-бхутанам тато бхавати бхарата*

***Барча моддий унсурлар бирикмаси “Брахман” деб аталади ва у бутун борлиқнинг манбаи ҳисобланади. Эй Бхарат фарзанди, тирик мавжудотларнинг дунёга келишига имкон бериш учун Мен ана шу “Брахман”ни уруғлантираман.***

Изоҳ: Бу ерда моддий оламнинг табиати тушунтирилган: ундаги мавжуд ҳамма нарса *киетра* билан *киетра*-ғйанинг, яъни тана билан мангу руҳнинг бирикмасидан иборат. Моддий табиат билан тирик мавжудотни Парвардигорнинг Ўзи бирлаштиради. *Махат-таттва* - космик оламнинг сабаблар мажмуасидир. Таркибида моддий табиатнинг уч гунаси мавжуд бўлган ана шу моддий сабаблар мажмуасини баъзан “Брахман” деб атайдилар. Моддий қувват мажмуасини уруғлантириб, Парвардигор сон-саноксиз моддий оламларнинг яралишини бошлаб беради. Мана шу моддий қувват мажмуаси, *махат-таттва*, Ведаларда “Брахман” деб кўрсатилган: *тасмад этад Браҳма намарупам аннам ча джайате*(Мундака-упанишад, 1.1.9). Парвардигор ана шу Брахманни тирик мавжудотларнинг руҳлари билан уруғлантиради. Ер, сув, олов, ҳаво ва ҳоказолардан иборат бўлган йигирма тўрт унсурнинг ҳаммаси - *маҳад Браҳма*, "буюк Брахман" деб аталадиган моддий қувват, яъни моддий табиат ҳисобланади. Ундан кейин еттинчи бобда айтилгандай олий қувват, яъни тирик мавжудот туради. Ана шу олий қувват бўлган руҳ Парвардигорнинг амри билан моддий табиатга аралашади, натижада моддий табиат барча шартланган тирик мавжудотларни дунёга келтиради.

Чаёнлар одатда гуручга уруғ ташлайдилар, шунинг учун баъзи одамлар чаёнлар гуручдан пайдо бўлади деб ўйлайдилар. Лекин, чаёнларнинг дунёга келишига сабаб гуруч эмас. Аслида гуручга урғочи чаён уруғ ташлайди. Худди шундай, тирик мавжудотларнинг дунёга келишининг сабабчиси - моддий табиат деб ҳисобламаслик керак. Тирик мавжудотни моддий табиат дунёга келтирадигандай бўлиб кўринса ҳам, аслида ҳаёт уруғини Парвардигор беради. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари натижасига қараб, ҳаётда лаззатланиш ёки мусибат чекиш учун моддий табиат яратган таналарнинг бирига эга бўлади. Аммо, моддий оламни тўлдирган барча тирик мавжудотларнинг дунёга келишининг бошланғич сабабчиси Парвардигор, Худо Шахсининг Ўзидир.



*4. сарва йонишу каунтейа муртайах самбхаванти йах  
тасам Брахма махад йонир ахам биджа-прадах пита*

***Эй Кунтининг ўзли, билиб кўйки, ҳаётнинг ҳамма турларини моддий табиат яратган, Мен эса - уни уруғлантирувчи Отаман.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг бошланғич Отаси. Тирик мавжудотлар руҳий ва моддий қувватлар бирикмасидан иборат. Улар нафақат Ер сайёрасида, балки моддий оламнинг ҳамма жойида, энг қуйи сайёрадан то энг олий сайёра - маъбуд Брахманинг сайёрасигача бўлган сайёраларнинг барчасида ҳаёт кечирадилар. Тирик мавжудотлар ҳар қандай шароитда: ерда, сувда, ҳатто оловда ҳам яшайдилар. Уларнинг барчасининг онаси - моддий табиат ҳисобланади, Кришна эса - моддий табиатни уруғлантирувчи Ота. Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Парвардигор моддий табиат ичига тирик мавжудотларнинг уруғини жойлаб кўяди, улар олам яралиши жараёнида ўзларининг аввалги кармасига асосан ҳар хил таналарда, ҳар хил шароитларда дунёга келадилар.

*5. саттвам раджас тама ити гунаҳ пракрити-самбхаваҳ  
нибадхнанти маха-бахо дехе дехинам авйайам*

***Моддий табиат уч гуна(сифатга эга бўлган куч)дан таркиб топган: эзгулик, эҳтирос ва гофиллик. Эй билаги кучли Аржун, Мангу тирик мавжудот(руҳ) моддий табиат билан аралашганда, мана шу гуналар юзага келтирган шароитга мослашиб қолади.***

Изоҳ: Руҳий табиатга эга бўлган ҳолда, тирик мавжудотнинг моддий табиатга ҳеч қандай дахли йўқ. Лекин, у моддий қувват таъсири остига тушиб қолгани сабабли, моддий табиатнинг уч гунаси амрига бўйсуниб ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Маълум хусусиятлар билан чекланган тана ичида бўлгани сабабли, тирик мавжудотлар табиат қонунларига бўйсунушига мажбур. Ҳаётдаги бахт ва мусибатларнинг ранг-баранглигининг сабаби ҳам ана шунда.

*6. татра саттвам нирмалатват пракиакам анамайам  
сукха-сангена бадхнати джнана-сангена чанагха*

***Эй беғуноҳ зот, эзгулик гунаси боиқаларга нисбатан покроқ бўлгани туфайли тирик мавжудотга илм бериб, уни гуноҳлари оқибатидан халос этади. Эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган одамлар илм олишига ва бу дунёда бахтиёр яшашга боғланиб қоладилар.***

Изох: Моддий табиат шаронитига тушиб, шартланиб қолган тирик мавжудотлар бир неча тоифага бўлинадилар. Уларни уч тоифага бўлиш мумкин: бахтиёрлар, интилувчилар ва ночорлар. Ана шу уч руҳий ҳолат шартланган тирик мавжудотнинг моддий табиат салтанатидаги ўрнини белгилайди. "Бхагавад-Гита"нинг мазкур бобида тирик мавжудотнинг ҳар хил даражада шартланиб қолган ҳолатда бўлиши тушунтирилади. Кришна эзгулик гунасини таърифлашдан бошлайди. Эзгулик гунаси инсонга уни бошқа одамлардан ажратиб турадиган улуғвор донишмандлик фазилатларини ато этади. Эзгулик гунаси таъсиридаги инсон ўткинчи дунёвий истакларга камроқ берилган бўлади, ундай оинсон аксарият ҳолларда дунёвий илмларни ўрганишга интилади. Ундай инсонларга браҳманлар мисол бўлади, уларни “соф эзгулик гунасидаги инсонлар” деб атайдилар. Ундай инсонларнинг ҳаётда бахтиёрлик ҳис этишининг боиси шундан иборатки, эзгулик гунасидаги киши ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатидан анча-мунча халос бўлаётганини тушуна бошлайди. Муқаддас китобларда айтилганки, бошқа гуналардан фарқли равишда эзгулик гунаси инсонга чуқур илм ато этиб, уни бахтиёр қилади.

Эзгулик гунасидаги инсоннинг ҳаётдаги муаммоси шундан иборатки, у чуқур илмга эга эканини англаб, ўзини бошқалардан устун қўяди, натижада ўзининг шу ҳолатига боғланиб, шартланиб қолади. Бунга файласуф ва олимлар мисол бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг дунёвий илми билан мағрурландилар, кўпчилиги бой-бадавлат яшагани сабабли, маълум даражада моддий жиҳатдан бахтиёр ҳаёт кечирадилар. Шартланган ҳаёт доирасидаги ана шундай бахтиёрлик уларни эзгулик гунасига боғлаб қўяди. Шу тарзда улар эзгулик гунасидаги ишларга боғланиб қоладилар. Токи қалбида ана шундай боғланиш мавжуд экан, инсон моддий табиат гуналари ҳукми остида ҳар хил таналарни алмашлаб юраверишга мажбур бўлади. Ана шундай ҳолат уларнинг озодликка чиқишига ва мангу руҳий оламга қайтишига имкон бермайди. Такрор ва такрор олим, файласуф, шоир бўлиб туғилишга мажбур бўлиб, улар туғилиш ва ўлиш оқибатида келадиган ҳар хил азоб-укубатларга дучор бўлиб юраверадилар. Шунга қарамай алдамчи моддий қувватнинг таъсири остида улар барибир ҳаётда ўзларини бахтиёр деб ҳисоблайдилар.

*7. раджо рагатмакам виддхи тришна-санга-самудбхавам  
тан нибадхнати каунтейа карма-сангена дехинам*

***Эй Кунтининг ўгли, эҳтирос гунаси чексиз истаклар ва очқўзлик(қизганиш) туйғусидан келиб чиққан бўлиб, у шартланган тирик мавжудотни бирор манфаат кўзлаб қилинадиган моддий фаолият ришталари билан боғлаб қўяди.***

Изох: Эҳтирос гунасининг энг асосий белгиси эркак билан аёлнинг бири-бирига интилиши ҳисобланади. Аёл эркакка интилади, эркак эса аёлга. Ана

шу интилиш “хирс” деб аталади. Унинг таъсири кучайганда инсонда хиссий лаззатланишга бўлган интилиш туйғуси кучаяди. Унда ўз хиссиётини лаззатлантириш, сезгиларнинг талабини қондириш истаги пайдо бўлади. Хиссиётининг талабини қондириш ниятида эҳтирос гунаси таъсирига тушиб қолган киши ҳаммининг эътиборини қозонишни, бахтиёр оилавий ҳаёт кечиришни, чиройли хотини бўлишни, яхши фарзандларга ота бўлишни, ҳашаматли уйи бўлишни орзу қилади. Бундай истақларнинг ҳаммаси - эҳтирос гунасининг таъсири остида юзага келади. Ўзининг шу орзу-истақларига эришиш учун инсон кечаю-кундуз тиним билмай ишлашга мажбур бўлади. Шунинг учун бу ерда айтилганки, ўз меҳнатининг натижаларига боғланганлик уни моддий фаолият кишанлари билан боғлаб қўяди. Хотини, фарзандлари ва яқинларининг эҳтиёжини таъминлаш, жамиятда ўзининг обрўсини сақлаб туриш учун одам тинмай ишлаши керак. Шунинг учун, моддий оламдаги ҳар бир одам қандайдир даражада эҳтирос гунаси таъсири остида яшайди. Ҳозирги замонавий маданиятнинг “ривожланаётган” деб аталганининг сабаби шундаки, жамият тараққиёти эҳтирос гунаси таъсиридаги ишлар билан ўлчанади. Аввалги замонларда жамият тараққиёти одамларнинг эзгулик гунасидаги хайрли ишлари билан ўлчанган. Инсонлар яшайдиган жамиятнинг ҳақиқий тараққиёти эзгулик билан ўлчаниши лозим, яъни жамият тараққиёти одамларнинг бойлиги билан эмас, балки уларнинг инсоний фазилатлари, эзгу ишлари, маънавияти билан ўлчаниши лозим. Ҳатто эзгулик гунасидаги одамларнинг моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши шунчалик қийин бўлса, эҳтирос гунаси таъсирига берилиб кетган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

*8. тамас тв аджнана-джем виддхи моханам сарва-дехинам  
прамадаласйа-нидрабхис тан нибадхнати бхарата*

***Эй Бхарат ўғли билиб қўйки, гофиллик юзага келтирган гафлат гунаси танада мужассам бўлган барча тирик мавжудотларни алданиш чангалида ушлаб туради. Унинг таъсири шартланган руҳни қамраб оладиган ақлсизлик, дангасалик ва уйқусираш сингари ҳолатларда намоён бўлади.***

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *ту* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора шуни англатадики, гафлат гунаси шартланган руҳни ўзига хос ғайритабиий сифатлар билан таъминлайди. Гафлат гунаси эзгулик гунасига нисбатан бутунлай қарама-қарши сифатларга эга. Эзгулик гунасидаги инсон ҳақиқий илмга эга бўлади ва ҳаётга Ҳақиқат нуқтаи-назари билан қарай олади, аксинча, гафлат гунасидаги одам ҳаёт ҳақида бутунлай нотўғри тасаввурга эга бўлади. Гафлат гунасининг таъсири остига тушиб қолган киши ақлини йўқотиб, яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолади. У инсон танасига эга бўлганидан самарали фойдаланиб руҳий юксалишга интилиш ўрнига тубанликка юз тутлади. Веда-

ларда ғафлат гунаси шундай таърифланган: *васту-йатхатмйа-джнанавааракам випарйайа-джнана-джанакам тамаҳ* - "Ақлини ғафлат гунаси қоплаб олган одамлар ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қараш имкониятидан маҳрум бўладилар". Масалан, ота-боболарининг аллақачон ўлиб кетганини, демак, ўзининг ўлими ҳам муқаррар эканини ҳамма билади: бу дунёда ҳар бир инсон ўлимга маҳкум - ўлим муқаррар. Шунга қарамай, одамлар худди ақлдан озгандай мол-дунё тўплайдилар, кечаю-қундуз тиним билмай оғир меҳнат қиладилар. Ҳеч ким танаси ўлгандан кейин ҳам яшашда давом этаверадиган руҳ ҳақида ўйлагиси келмайди, ўзининг мангу тирик жонини қайғурмайди. Мана шу - ҳақиқий ақлдан озганлик ҳисобланади. Ақлдан озгани сабабли одамлар мангу руҳнинг, жоннинг табиатини ўргангиси келмайди. Шундай одамлар ҳаётда жуда дангаса бўладилар. Агар руҳ ҳақида илм ўргатмоқчи бўлсангиз улар бу илм билан мутлақо қизиқмайдилар. Улар ҳатто эҳтирос гунасида бўлган одамлар сингари ўткинчи алдамчи ҳаёт билан ҳам қизиқмайдилар. Ғафлат гунасига ботган одамнинг яна бир белгиси шундан иборатки, у керагидан кўп ухлайди. Кунига олти соат ухлаш инсонга бемалол етарли, лекин ғафлат гунаси таъсиридаги одам ўн, ўн икки соат ҳам ухлайверади. Шундай одам ҳамиша тунд, қийналган, тушқунликка тушган кўринади, у тез-тез маст қилувчи нарсалар(сигарет, ароқ ва ҳоказо) истеъмол қилади, кўп ухлайди. Ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамларнинг баъзи белгилари шулардан иборат.

*9. саттвам сукхе санджайати раджаҳ кармани бхарата  
джнанам авритйа ту тамаҳ прамаде санджайати ута*

***Эй Бхарат ўгли, эзгулик гунаси тирик мавжудотни бахтиёрлик туйғусига, эҳтирос гунаси - таъмагирлик билан қилинадиган фаолиятга боғлаб қўяди. Ғафлат гунаси эса, тирик мавжудотнинг илмини қоплаб олиб, уни ақлсизлик кишанлари билан боғлаб қўяди.***

Изоҳ: Эзгулик гунасидаги инсон ўз фаолиятдан ёки фалсафий фикр юритишидан лаззатланади; файласуф, шоир ёки олим, ўқитувчи бирор соҳада ишлаб, қилаётган ишларидан ҳаётда тўла мамнуният ҳосил қилиб яшайди. Эҳтирос гунасидаги одам, агар унга эзгулик гунасининг таъсири ҳам қўшилса, дунёвий орзу-истакларини амалга ошириш ниятида таъмагирлик билан моддий фаолиятга бутунлай шўнғиб кетади: у иложи борича кўпроқ мол-дунё тўплашга, уларни эзгу ишларга сарфлашга интилади. Шундай одамлар одатда хайрия шифохоналари очадилар, пулларини хайрия жамғармаларига берадилар ва ҳоказо. Эҳтирос гунасидаги одамнинг белгилари шундай. Ғафлат гунаси эса, одамнинг илмини бутунлай қоплаб олади. Ғафлат гунаси таъсири остидаги киши қандай иш қилмасин, унинг қилаётган ишлари на ўзига, на бошқаларга ҳеч қандай фойда келтирмайди.

10. *раджас тамаш чабхибхуйа саттвам бхавати бхарата*  
*раджаҳ саттвам тамаш чайва тамаҳ саттвам раджас татха*

**Эй Бхарат ўгли, баъзан, эҳтирос ва ғафлат гуналаридан устун келиб, инсоннинг табиатига эзгулик гунаси кўпроқ таъсир қилади. Баъзида эҳтирос гунаси ғафлат ва эзгуликдан устун келади, баъзида эса ғафлат гунаси устиворлик қилади. Шу тарзда моддий табиат гуналари орасида ҳамиша устиворлик учун ўзаро кураш бўлиб туради.**

Изоҳ: Эҳтирос гунаси таъсири кучайганида эзгулик гунаси ва ғафлат гунаси иккинчи даражали бўлиб қолади. Эзгулик гунаси устивор бўлганида ғафлат ва эҳтирос гунаси четга сурилади. Ғафлат гунаси устун келганда эса, эҳтирос ва эзгулик гунасининг таъсири камаяди. Гуналар орасидаги кураш бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Шунинг учун калбида ҳақиқатан ҳам Кришна онгини ривожлантиришга интилаётган киши барча гуналардан юқори бўлган поғонага кўтарилишга ҳаракат қилиб яшаши лозим. Инсоннинг табиатида у ёки бу гунанинг таъсири унинг бошқалар билан бўлган муносабатларида, ейдиган овқатида ва кундалик турмушдаги бошқа ҳаракатларида намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳақида кейинги бобларда батафсил гапирилади. Лекин, агар истаса инсон ўзида эзгулик гунасига хос бўлган улуғвор сифатларни, эзгу фазилатларни ривожлантириши, шу тарзда эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсирларини енгиши мумкин. Худди шунингдек, инсон ўзида эҳтирос гунасини ривожлантириб, ғафлат ва эзгулик гунасининг таъсирларини енгиши мумкин. Моддий табиат гуналари қанчалик кудратли бўлмасин, рухий юксалишга қатъий қарор қилган киши албатта моддий эзгулик гунаси даражасига кўтарилиши, шу гуна таъсири остида рухий илм эгаллаб, соф эзгулик гунасига, яъни *васудева* деб аталадиган илоҳий ҳолатга кўтарила олади. Ана шу ҳолатда инсон Парвардигор ҳақидаги мукамал илмни эгаллашга қодир бўлади. Одамнинг қайси гуна таъсири остида яшаётгани унинг қандай фаолият кўрсатаётгани билан аниқланади.

11. *сарва-дварешу дехе “смин пракаша упаджайате*  
*джнанама йада тада видйад вивриддхам саттвам ити ута*

**Эзгулик гунаси устивор бўлганда тананинг барча дарвозалари илм нури билан нурафшон бўлади.**

Изоҳ: Инсон танасининг тўққиз дарвозаси бор: кўзлар, кулоқлар, бурун тешиклари, оғиз, жинсий аъзо ва ахлат чиқариш аъзоси. Тананинг барча дарвозаларида поклик белгилари пайдо бўлганда тирик мавжудот эзгулик гунасида бўлади. Эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган одамнинг кўзлари,

кулоқлари, тили алдамасдан, унга ҳаёт ҳақида тўғри тасаввур беради, шундай инсон ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарайди. Эзгулик гунаси таъсирида яшаётган инсон ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан покланади.

Бахтиёрлик ва осойишталик аломатлари унга ўзининг эзгулик гунасида эканини англашга ёрдам бериб, танасининг барча дарвозаларини безаб туради.

12. *лобхаҳ правриттир арамбхаҳ карманам ашамаҳ сриха  
раджасй этани джайанте вивриддхе бхаратаршабха*

***Эй Бхаратлар сардори, эҳтирос гунасининг таъсири кучайганида инсон ўзида дунёвий ҳаётга қаттиқ боғланиш аломатларини сезади, пул топишга муккасидан кетади, жон-жаҳди билан ўзининг дунёвий мақсадига эришишга интилиб, кучли эҳтирос ва лаззатланишга бўлган тўймас ташналик ҳис қилади.***

Изоҳ: Эҳтирос гунасидаги одам ҳеч қачон эришган ютуғидан қаноатланмайди, шукронаси йўқ, у ҳамиша яна кўпроқ нарсага эришишга интилиб яшайди. Агар у уй қурмоқчи бўлса, гўё унда мангу яшаб қоладигандай мустаҳкам, ҳашаматли қилиб қуради. Шундай одамнинг ҳиссий лаззатланишга интилиши ҳам жуда кучли бўлади. Унинг орзу-истакларининг чегараси бўлмайди. У ўз ҳиссиётининг талабини қондириб, ҳаётдан лаззатланишда давом этиб, оиласи билан ҳамиша уйида қолишни истайди. Эҳтирос гунасининг баъзи белгилари ана шундай.

13. *апракашо “правриттиш ча прамадо моха эва ча  
тамасй этани джайанте вивриддхе куру-нандана*

***Эй Курулар фарзанди, гафлат гунасининг устивор таъсири остида инсон ғофиллик зулматига зарқ бўлади, ҳамиша уйқусираб юради, ақл-идрокини йўқотиб, алданиш домига тушиб қолади.***

Изоҳ: Гафлат гунаси таъсирида ғофиллик зулматига ботган киши илмдан маҳрум бўлади. Гафлат гунасидаги киши ҳаётда ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмайди; улар ҳаётда ўзлари истаганча, ҳеч қандай маъно-мақсадсиз яшайдилар. Гарчи улар меҳнат қилишга қодир бўлсалар ҳам, жон қийнагиси келмайдилар. Мана шу - “алданиш” деб аталади. Уларнинг онги ишлашда давом этаверади, лекин ўзлари умрини дангасалик билан ўтказадилар. Гафлат гунасининг баъзи аломатлари шундай.

14. *йада саттве правриддхе ту пралайам йати деха-бхрит  
тадоттама-видам локан амалан пратипадйате*

***Эзгулик гунаси таъсири остида танасини тарк этган киши ўлганидан кейин буюк донишмандлар яшайдиган олий, пок сайёраларга кўтарилади.***

Изоҳ: Хиранйагарбхага сифинадиган одамлар Браҳмалока, Джаналока сингари олий сайёраларга эришадилар. У ерда жаннатий лаззатларга берилиб яшаш мумкин. Бу ерда ишлатилган *амалан* ибораси муҳим аҳамиятга эга бўлиб "эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсирига берилмаган" деган маънони англатади. Моддий олам ҳар хил дунёвий иллатларга тўла, аммо эзгулик гунаси моддий оламнинг энг пок гунаси ҳисобланади. Моддий оламда ҳар хил мавжудотлар яшайдиган турли сайёралар мавжуд. Эзгулик гунаси таъсири остида юрган пайтда танасини тарк этган киши буюк содиқлар, буюк донишмандлар яшайдиган жаннатий сайёраларга кўтарилади.

*15. раджаси пралайам гатва карма-сангишу джайате  
татха пралинас тамаси мудха-йонишу джайате*

***Эҳтирос гунаси таъсири остида танасини тарк этган одам таъмагирлик билан фаолият кўрсатадиган одамлар орасида тузилади, ғафлат гунаси таъсири остида танасини тарк этган киши эса ҳайвонлар орасида тузилади.***

Изоҳ: Баъзи бировларнинг фикрига кўра, бир марта инсон танасига эга бўлган руҳ ҳеч қачон қуйи турга мансуб таналарга эга бўлмайди. Бу нотўғри тушунча. Бу ерда кўрсатилганидай, ғафлат гунаси таъсири остида танасини тарк этган киши ҳайвонлар орасида тузилади. У эволюцион юксалиш зина-поясидан қайтадан кўтарилиб, яна инсон танасини олгунча қуйи ҳаёт турларида бир неча минг марта туғилиб-ўлиши керак бўлади. Шунинг учун, ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётининг қадрига ега билган киши, албатта эзгулик гунаси даражасига кўтарилиши, кейин табаррук авлиё инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, улардан руҳий илм сирларини ўрганиб, моддий табиат гуналаридан юқори поғонага кўтарилиши ва охир-оқибатда Кришна онгига эга бўлиши лозим. Инсон бўлиб яшашнинг мазмуни шундан иборат. Тирик мавжудотнинг инсон бўлиб туғилишдан асосий мақсади - руҳий ўзлигини англаб, Худонинг даргоҳига эришишдан иборат. Акс ҳолда бизнинг кейинги ҳаётда албатта яна инсон танасида туғилишимизга ҳеч ким кафолат беролмайди.

*16. карманах сукритасйаху саттвикам нирмалам пхалам  
раджасас ту пхалам духкхам аджнанам тамасах пхалам*

***Эзгулик гунасида хайрли ишлар қилиш шарофати билан инсон покланади. Эҳтирос гунаси таъсирида қилинган ишлар инсонга***

## ***мусибат келтиради, ғафлат гунасидаги фаолият эса, инсонни ақл-идрокидан маҳрум қилади.***

Изоҳ: Эзгулик гунасида қилинадиган хайрли ишлар, ҳаётда такводор бўлиб яшаш билан инсон қалби покланади. Шунинг учун алданиш тузоғига тушмаган, ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга донишмандлар ҳамиша бахтиёр яшайдилар. Аксинча, эҳтирос гунасида қилинган ишлар инсонга мусибатдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Моддий оламда ҳақиқий бахтга эришиш ниятида қилинадиган ҳар қандай интилиш ҳеч қандай натижа бермаслиги аввалданоқ маълум. Агар кимдир осмонўпар иморат қурмокчи бўлса, албатта буни амалга ошириши мумкин, лекин бунинг учун қанча-қанча одамлар, шунингдек, унинг ўзи анчагина қийналиши керак. Қурилиш ишларини таъминлайдиган киши зарур маблағларни топиш учун тинмай елиб-югуриши лозим, қурувчи-ишчилар эса, кун бўйи оғир меҳнат қилишлари керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси бошидан охиригача -азоб. Шунинг учун "Бҳагавад-Гита"да айтилганки, эҳтирос гунасидаги ҳар қандай фаолият чексиз машаққатлар билан амалга оширилади. Инсон шу катта иморатни: "Бу - менинг уйим!" "Бу - менинг пулларим!" - деб ўйлаш билан қандайдир арзимас лаззат олиши мумкин, лекин бу ҳақиқий бахт, ҳақиқий лаззат эмас.

Ғафлат гунасидаги фаолият билан машғул киши эса ҳеч қандай илмга эга эмас, шунинг учун у ҳатто ҳозирги ҳаётида ҳам қийналиб, азоб-уқубатларга тўла турмуш кечиради, ўлганидан кейин эса, қандайдир бир жирканч ҳайвон танасида туғилади. Ҳайвон танасидаги ҳаёт эса, гарчи алдамчи қувват, *майя* таъсири остида ҳайвонларнинг ўзлари буни сезмасалар ҳам, ҳамиша ҳар хил азоб-уқубат ва қулайсизликларга тўла. Нафси учун бечора ҳайвонларни бешафқат ўлдирадиган одамлар ҳам ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамлардир. Ундай ғофил одамлар ҳозир ўзлари ўлдираётган ҳайвон кейинги ҳаётида ўзини ўлдирган қотилдан қасос олиш учун уларни ўлдириш имконини берадиган танага эга бўлишини билмайдилар. Табиат қонунлари шундай. Инсонлар жамиятида қотил ўлим жазосига ҳукм қилинади. Давлат қонунлари шундай. Ғофиллиги сабабли одамлар Парвардигорнинг Ўзи ҳукмронлик қилаётган "бутун олам салтанати"да яшаётганини англашга қодир эмаслар. Ғафлат босган одамлар Олий Ҳукмдор, Парвардигор ҳатто қумолини ўлдирган одамни ҳам жазосиз қўймаслигини билмайдилар. Ҳар қандай жиноятчини албатта муқаррар бўлган жазо кутиб турибди. Шу боис, ўз нафси учун беозор ҳайвонларни ўлдириб юрган одамлар энг ғофил одамлардан ҳам ғофилроқ, пасткаш одамлардир. Одам ўзининг қорнини тўйғазиши учун беозор ҳайвонларни ўлдиришига ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки Парвардигор ширин-ширин ўсимлик ва мевалар, ғалла, сут-қатик каби бошқа маҳсулотлар билан одамларнинг ризқини, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаб қўйибди. Шунга қарамай, беозор, ночор ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг гўшти билан овқатланиб юрган одамлар албатта ғафлат гунасидаги кишилардир, уларнинг келажаги эса маъшум, азоб-уқубатга тўла зулматдан иборат. Ҳайвонларни ўлдиришнинг энг ваҳший



тури - сигирларни ўлдириш ҳисобланади, чунки сигир бутун умри давомида одамларга худди онасидай ғамхўрлик қилиб, уларни ўзининг ширин ва тўйимли сути билан боқади. Шу сифати билан сигир инсонга она сингари азиз, табаррук бўлиши лозим. Сигирларни ўлдиришга энг ғофил, бефаросат, бешафқат, имонсиз ёвуз одамларгина қўл уриши мумкин. Ведаларда айтилганки, (Риг-веда, 9.4.64): *гобхиҳ принита-матсарам* - "Лаззатланиб сигирнинг сутини ичадиган, айни пайтда онасидай сут берган сигирни ўлдиришга қўл урадиган киши ғафлат ботқоғига энг чуқур ботган одамдир". Шастраларда шундай илтижо келтирилади: (Вишну-пурана, 1.19.65).

*намо Браҳманйа-девайа го-Браҳмана-хитайа ча  
джагад-хитайа кришнайа говиндайа намо намах*

"Эй Худойим, Сен сигир ва браҳманларга ғамхўрлик қиласан, инсониятнинг ва бутун олам аҳлининг бахт-саодатини ўйлайсан".

Бу илтижода таъкидлаб айтилганки, Парвардигор биринчи навбатда сигирларга, кейин браҳманларга ғамхўрлик қилади. Браҳманлар руҳий илм тимсолидир, сигирлар эса инсониятни энг зарур, тўйимли озука билан таъминлайдилар, шунинг учун уларни ҳимоя қилиш жамиятнинг иктисодий ва маънавий ривожланишининг гаровидир. Ҳозирги жамиятда сигирларни ўлдириш қўллаб-қувватланади, руҳий илм ўрганишдан эса, одамлар бутунлай юз ўгирган. Демак, инсоният жаҳолат ботқоғига ботиб маънавий таназзулга, тубанликка юз тутиб, шиддат билан зулмат қаърига қараб кетяпти. Фуқароларини тубанлик сари бошлаб бораётган, уларни келажакда ҳайвон танасида туғилишга маҳкум этадиган жамиятни маданиятли, онгли "инсонлар жамияти" деб бўладими? Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳозирги замонда эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остига тушиб қолган одамлар ҳаётда қаттиқ адашган ва алданган инсонлардир. Ҳозирги кунда инсоният ўз тараққиётида тубсиз жарлик ёқасига келиб қолган, катта ҳавф остида турибди, шунинг учун бутун жаҳон халқлари руҳий ўзликни англашнинг энг оддий усулидан, Худони англаш усулидан фойдаланиб, ўзларини ана шу катта фалокатдан, дахшатли офатдан қутқариб қолишлари керак.

*17. саттват санджайате джнанама раджасо лобха эва ча  
прамада-мохау тамасо бхавато "джнанама эва ча*

***Эзгулик гунасидан ҳақиқий илм юзага келади, эҳтирос гунаси очқўзлик туйғусини юзага келтиради, ғафлат гунаси эса нодонликка, ақлсизликка ва алданишга олиб келади.***

Изоҳ: Замонавий жамиятда одамлар ўзларининг на ҳозирги, на кейинги ҳаётида саодатга эришиши ҳақида ўйламай қўйгани сабабли инсониятга руҳий юксалишнинг ҳозирги Кали-юга даври учун мўлжалланган Кришнани

англаш усули тавсия қилинган. Кришнани англаш йўлига кириш орқали инсонлар жамияти осонлик билан эзгулик гунасига кўтариладилар, шундагина улар ҳаётга Ҳақиқат нуқтаи-назари билан қарай оладилар. Ғафлат гунаси одамларни ҳайвонлар қаторига қўшиб қўяди ва уларни ҳаётга Ҳақиқат нуқтаи-назари билан қарай билиш имкониятидан маҳрум қилади. Масалан, ғофил одамлар, агар инсон ҳозирги ҳаётида бирор ҳайвонни ўлдирса, шу ҳайвон танасидаги тирик мавжудот келгуси ҳаётида унинг ўзини ўлдиришини билмайдилар. Ҳақиқий илмдан беҳабар бўлган одамлар ҳаётда ҳеч қандай масъулият сезмай яшайдилар. Одамларнинг жамиятда ана шундай масъулиятсиз, ҳайвонларга ўхшаб бефаросат яшашига чек қўйиш учун уларнинг эзгулик гунасига кўтарилишига ёрдам бериб, уларга ҳақиқат илмини ўргатиш лозим. Эзгулик гунасида олган илмлари уларга ҳаётга Ҳақиқат кўзи билан қараш имконини беради. Шунда улар ҳаётда бахтиёр ва фаровон яшайдилар. Ҳатто кўпчилик одамлар қашшоқликда яшаб, мусибат чекишда давом этаётган бўлса-да, агар жамиятнинг бир қисми ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган имон-эътиқодли одамлардан иборат бўлса, вақт ўтиши билан ер юзида албатта мустаҳкам тинчлик ва бахт-саодат ўрнатилади, фаровон ҳаёт ҳукм сура бошлайди. Акс ҳолда, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида яшаётган ғофил одамлар ҳеч қачон бахт ва фаровонлик нима эканини билмайдилар. Эҳтирос гунаси одамлар қалбида очкўзлик туйғусини ҳамда ҳиссий лаззатларга кучли интилиш истагини уйғотади. Теварак атрофимизга қараб туриб, ҳатто пули, бойлиги, имконияти етарли даражада бўлган одамлар ҳам бахт, хотиржамлик нималигини, осойишта, фаровон ҳаёт нима эканини билмай қийналиб яшаётганини кўришимиз мумкин. Чунки эҳтирос гунаси таъсири остида яшаётган одам ҳеч қачон ҳаётдан қаноатланмайди, ундай одамнинг нафси ҳеч қачон тўймайди. Одамларни бахтли қиладиган нарса бойлик эмас; бойлик, мол-дунё инсонни бахтиёр қилишга қодир эмас. Чинакам бахтга эришиш учун инсон Худони англаш йўлига кириб, албатта эзгулик гунасига кўтарилиши лозим. Фақат эзгу ишларгина инсонга ҳақиқий бахт келтиради. Эҳтирос гунасидаги кишининг қалби ҳамиша нотинч, хавотирда бўлибгина қолмасдан, ҳатто унинг қилаётган ишлари ҳам унга ҳамиша мусибат келтиради. У ўзининг жамиятдаги обрўсини сақлаб қолиш мақсадида етарлича пул ишлаб топиш учун тинмай бош қотиради. Буларнинг ҳаммаси унинг учун чексиз мусибатлар манбаига айланади. Ғафлат гунаси эса одамларни ақлдан оздиради. Ана шундай ачинарли ҳаёт шароитига тушиб қолган одамлар арок ва бошқа маст қилувчи нарсалар истеъмол қила бошлайдилар. Натижада улар ундан ҳам баттар тубан аҳволга тушиб кетадилар. Уларнинг бу ҳаётдаги келажаги ҳам, келгуси ҳаёти ҳам фақат зулмат, ғафлатдан иборат бўлиб қолади.

18. *урдхвам гаччхантти саттва-стха мадхйе тиштхантти раджасаҳ  
джагханийа-гуна-вритти-стха адхо агччхантти тамасаҳ*

***Эзгулик гунасида яшаган одамлар ўлганидан кейин олий, жаннатий сайёраларга кўтариладилар; эҳтирос гунасидаги одамлар Ер***

***сайёрасида қоладилар; гуналарнинг энг тубани, жирканч гафлат гунаси таъсири остида юрган одамлар эса дўзахий сайёраларга равона бўладилар.***

Изоҳ: Бу ерда моддий табиатнинг уч гунаси таъсирида қилинадиган ҳар хил фаолиятнинг натижалари ҳақида маълумот берилган. Коинотда жаннатий сайёралардан иборат бўлган олий сайёралар тизими мавжуд. Уларда тақводор зотлар яшайдилар. Қалбида эзгулик гунаси қанчалик ривожланганига қараб тирик мавжудот кейинги ҳаётида ана шу сайёраларнинг бирига боради. Бу сайёраларнинг энг буюги - Сатйа-лока, яъни Браҳмалокадир. Шу жойда моддий коинотни яратган қудратли фаришта, буюк ҳукмдор маъбуд Браҳма яшайди. Аввал айтганимиздай, Браҳмалокада ҳаёт қанчалик гўзал эканини ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди. Эзгулик гунаси таъсири остида ҳаётда ҳамиша эзгу ишлар қилиб яшаш бизга кейинги ҳаётимизда моддий ҳаёт энг юксак даражада ривожланган Браҳмалока сайёрасига кўтарилиш имконини беради.

Эҳтирос гунаси гафлат ва эзгулик гунасининг ўртасида жойлашган бўлиб, оралик ҳолатни белгилайди. Инсон бу дунёда яшар экан, ҳеч қачон фақат битта гуна таъсири остида бўлмайди. Инсон ҳатто соф эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган бўлса ҳам, кейинги ҳаётида барибир шоҳ ёки бадавлат инсон бўлиб яна Ер сайёрасида туғилган бўларди. Лекин, гуналар ҳамиша ўзаро курашиб, аралашиб юргани сабабли бу дунёдаги ҳар бир инсоннинг адашиши, тубанликка юз тутиши, натижада кейинги ҳаётида ҳайвон танасига эга бўлиб қолиш эҳтимоли ҳамиша сақланиб қолаверади. Эҳтирос ва гафлат гунаси таъсири остида ҳозир Ер сайёрасида яшаётган кишилар ҳеч қачон механик қурилмалар ёрдамида олий(жаннатий) сайёраларга эриша олмайдилар. Бунинг устига ҳозирги ҳаётида эҳтирос гунаси таъсирида яшаётган киши кейинги ҳаётида ақлдан озиши мумкин.

Моддий табиатнинг энг паст сифати ҳисобланган гафлат гунаси бу ерда "жирканч" деб аталган. Ўзида гафлат гунасининг сифатларини ривожлантираётган одам жуда хатарли йўлдан бораётган бўлади. Инсон танасидаги ҳаёт шаклидан паст турадиган саккиз миллион турдаги ҳаёт шакли мавжуд: қушлар, ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, дарахтлар ва ҳоказо. Ўзларида гафлат гунаси таъсири қанчалик ривожланганига қараб, инсон кейинги ҳаётида ана шу даҳшатли ҳаёт шакллارнинг бирида дунёга келади. Бу ерда ишлатилган *тамасаҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Ҳамиша гафлат гунасида қоладиган, ҳеч қачон юқори кўтарила олмайдиган тирик мавжудотлар ана шу ибора билан белгиланади. Ундай одамларнинг келажаги қоронғи зулматдан иборат.

Ҳатто эҳтирос ва гафлат гунасидаги одамлар ҳам Қришнани англаш усулидан фойдаланиб эзгулик гунасига кўтарилишлари мумкин. Аммо, ана шу имкониятни қўлдан бой берган киши моддий табиатнинг қуйи гуналари ҳисобланган гафлат ва эҳтирос гунаси таъсири остида қолиб кетаверади,

уларни дахшатли келажак кутяпти.

19. *нанйам гунехйах картарам йада драштанупаийати  
гунехйаш ча парам ветти мад-бхавам со “дхигаччхати*

***Моддий оламдаги ишларнинг ҳаммасини моддий табиат гуналари амалга ошираётганини кўриб турадиган, шу гуналардан ташқарида турган Парвардигорни биладиган инсон Менинг руҳий табиатимга эришади.***

Изоҳ: Ўзлигини англаб етган ишонарли зотдан моддий табиат гуналари ҳақидаги илмни ўрганиш ёрдамида инсон уларнинг таъсир қилиш чегарасидан юқори кўтарила олади. Бошланғич, биринчи руҳий устоз - Парвардигор Кришна. У ҳозир Аржунга руҳий илм сирларини ўргатяпти. Худди шундай, биз ҳам Кришна онгини тўлиқ эгаллаган инсонлардан моддий табиат гуналарининг фаолияти ҳақидаги илмни ўрганишимиз лозим. Акс ҳолда биз ҳеч қачон инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмаймиз. Ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб, унинг насихатларига қулоқ солиб инсон ўзининг руҳий табиати, моддий танаси ва ҳиссиётлари ҳақида, қандай қилиб бу моддий ҳаёт чангалга тушиб, моддий табиат гуналари таъсирида алданиб юргани ҳақида билиб олади. Инсон моддий табиат гуналари куршовида экан, у ҳамиша ночор ҳолатда бўлади, аммо руҳий юксалиш жараёнида ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб етганида, у руҳий даражага кўтарилиш имкониятига эга бўлади. Тирик мавжудотнинг ўзи ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмайди. У ҳаракат қилишга мажбур, чунки руҳ моддий тана ичида мужассам, унинг танасини эса, моддий табиатнинг у ёки бу гунаси бошқариб туради. Аммо, руҳий илмни яхши ўрганган инсоннинг ёрдамисиз биз ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизни тушуниб олишга қодир эмасмиз. Фақат ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш билангина биз ҳамма нарсани Ҳақиқат кўзи билан кўра оламиз ва ҳаётни фақат ана шундай тушуниш бизга ҳаётда мустаҳкам Кришна онги билан яшаш имконини беради. Кришнани англаб етган киши моддий гуналар алдовига берилмайди. Еттинчи бобда айтилганидай, ўз ихтиёрини Кришнага топширган киши моддий табиат кучлари таъсиридан, унинг ҳукмронлиги остидан озодликка чиқади. Ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган киши аста-секин моддий табиат гуналарининг таъсирини енгишга қодир бўла бошлайди.

20. *гунан этан атитйа трин дехи деха-самудбхаван  
джанма-мритйу-джара-духкхаир вимукто “мритам ашнута*

***Танада мужассам бўлган тирик мавжудот табиатнинг уч гунаси таъсиридан юқори кўтарилганида, туғилиш, кексалик ва ўлиш билан бозлиқ бўлган азоб-уқубатлардан бутунлай халос бўлиб,***

## **ҳозирги ҳаётидаёқ мангуликка эришади.**

Изоҳ: Бу ерда қандай қилиб инсон, ҳатто моддий тана ичида қолиб ҳам қалбида Кришна онгини ривожлантириши ва табиат гуналарининг таъсирини енгиши мумкинлиги тушунтирилган. Санскрит тилида *дехи* ибораси "танада мужассам бўлган" деган маънони билдиради. Рухий илмга эга бўлган киши, ҳатто моддий танада туриб ҳам табиат гуналари таъсиридан қутула олади. Ўзининг шу танасида у руҳий ҳаёт лаззатини тотиб яшай олади, танасини тарк этганидан кейин эса, албатта руҳий салтанатга, Худонинг мангу даргоҳига эришади. У ҳатто ўзининг ҳозирги танаси ичида юрганда ҳам ҳақиқий руҳий бахтдан лаззатланиб яшайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юриши ундай одамнинг моддий табиат гуналари таъсиридан аллақачон озод бўлганини билдиради, бу ҳақда ўн саккизинчи бобда айтилган. Инсон моддий табиат гуналари таъсиридан қутулганидан кейин Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига қиради.

### *21. арджуна увача*

*қаир лингайс трин гунан этан атито бхавати прабхо  
ким ачараҳ катхам чаитамс трин гунан ативартате*

***Аржун шундай деди: Эй Худойим, моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан озод бўлган кишини қайси аломатларига қараб билиб олса бўлади? У ўзини қандай тутади, гуналар таъсиридан қандай халос бўлади?***

Изоҳ: Бу ерда Аржун Кришнага жуда муҳим саволларни берапти. У моддий табиатнинг уч гунаси таъсирини енган кишининг аломатлари қандай бўлишини билиб олоқчи. Шундай инсоннинг ҳақиқатан ҳам табиат гуналари таъсиридан халос бўлганини қандай билиш мумкин? Аржуннинг иккинчи саволи - ундай инсоннинг қандай яшаши, ўзини қандай тутиши ҳақида. Ундай инсон муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қиладими, йўқми? Кейин у қандай қилиб инсон илоҳий даражага қўтарилса олиши мумкинлигини сўраяпти. Бу жуда муҳим савол. Токи инсон табиат гуналари таъсиридан бирагўла қутулиш йўлини билмас экан, у илоҳий инсоннинг белгиларини англай олмайди. Шунинг учун Аржуннинг берган саволлари жуда муҳим саволлардир, энди Кришна уларга жавоб бера бошлайди.

### *22-25. шри бхагаван увача*

*пракашам ча правриттим ча мохам эва ча пандава  
на дवेशти самправриттани на нивриттани канкишати  
удасина-вад асино гунаир йо на вичалйате  
гуна вартанта итй эвам йо “ватиштхати ненгате*

*сама-духкха-суккхах сваствах сама-лошташма-канчанах  
тулйа-прийаприйо дхирас тулйа-ниндатма-самстутих  
манапаманайас тулйас тулйо митрари-пакишайох  
сарварамбха-паритйаги гунатитах са учйате*

**Худонинг Олий Шахси деди: Эй Пандунинг ўгли, боғланиш ва алданиш туйғулари намён бўлганида улардан нафратланмайдиган, улар йўқолганида - қайғуриб изтироб чекмайдиган; аслида барча ишларни моддий табиат гуналари бажараётганини билган ҳолда, табиат гуналари кўрсатаётган ҳар қандай таъсирга нисбатан илоҳий ҳолатда ўзгармай хотиржам қоладиган; фикру-ҳаёли ҳамиша қалбида мужассам бўлиб, шодликка ҳам, мусибатга ҳам бир хилда қарайдиган; тунроқ, тош ва олтин парчасини бир-биридан ажратиб қарамайдиган; кутилган ва кутилмаган воқеа-ҳодисаларни бир хилда қабул қиладиган; шон-шухрат ва ҳақоратларни, обрў-эътибор ва ҳурматсизликни бир хилда қабул қилиб, қалби ҳамиша хотиржам, осойишта юрадиган; дўст ва душманларига бир хил муносабатда бўладиган; моддий фаолиятни бутунлай тарк этган, ҳақиқий руҳий илмга эга кишини моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилган “илоҳий инсон” деб айтадилар.**

Изоҳ: Аржун Кришнага учта савол берган эди, Кришна энди шу саволларга бирин-кетин жавоб берапти. Бу ерда У энг аввало айтяптики, моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлган киши ҳеч кимга ҳасад қилмайди, ҳаётда ҳеч нарсага интирмайди. Моддий оламда тирик мавжудот ҳамиша қайсидир устивор бир гуна таъсири остида бўлади. У моддий тана чангалидан кутулганида моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай озод бўлади. Аммо, токи тирик мавжудот моддий тана тутқунлигида яшар экан, у ҳамиша ўзининг хотиржам, осойишта ҳолатини сақлашга интилиб яшаши лозим. Бунинг учун инсон садоқат билан Худога хизмат қила бошлаши лозим, шунда у ўзини моддий тана билан қиёслашни тарк этади. Токи инсон танасини "мен, ўзим" деб ҳисоблар экан, унинг барча ҳаракатларининг мақсади танасининг, ҳиссиётининг талабини қондиришдан иборат бўлиб қолаверади. Лекин, қалбида Кришна онгини ривожлантириш натижасида у табиий равишда ўз ҳиссиётининг бемаъни талабларини қондиришни бас қилади. Алоҳида руҳга моддий тананинг умуман кераги йўқ, шу боис, унинг барча талабларини албатта қондириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Моддий табиат гуналари танада ҳаракат қилишда давом этаверади, аммо ўзининг мангу руҳ эканини англаб етган киши ҳаётда уларга боғланмай, бетараф бўлиб қолаверади. Инсон ўзида қандай қилиб ана шундай боғланмаслик туйғусини ривожлантириши мумкин? Бунинг учун ҳиссий лаззатланишга интилишни ҳам, гуналардан ва танадан

тезроқ халос бўлиш истагини ҳам тарк этиш керак. Шу тарзда рухий даражага эришган содиқ хизматкор табиий равишда ҳақиқий озодликка эришади. Моддий табиат гуналари таъсиридан қутулиш учун содиқ атайлаб қандайдир амаллар, махсус ҳаракатлар қилиб юришининг ҳожати йўқ.

Кейинги савол гуналар таъсиридан озод бўлган киши ўзини қандай тутиши ҳақида эди. Бу дунёда одамлар моддий танага кўрсатиладиган обрў-эътиборга интилиб яшайдилар, аксинча танасига нисбатан ҳар қандай ҳурматсизликни қийналиб қабул қиладилар. Лекин, илоҳий даражага кўтарилган киши ўткинчи обрў-эътиборга ҳам, ҳақоратларга ҳам боғланмай бамайлихотир қолиб, қалби ҳамиша хотиржам юради. У Кришнага садоқат билан хизмат қилишда давом этиб, ўзининг Парвардигор олдидаги бурчини бажараверади, ўзи ҳақида одамларнинг нима дегани билан умуман иши бўлмайди - уни олқишляптиларми, ҳақоратляптиларми - унга барибир. У ҳаётда фақат Кришнага садоқат билан хизмат қилишга ёрдам берадиган нарсаларнигина қабул қилади, бунинг устига унда ҳеч қандай моддий нарсаларга эҳтиёж қолмайди: унга тошнинг ҳам, олтиннинг ҳам кераги йўқ.

Ҳаётда Кришна онги билан яшаб, ўзининг рухий вазифаларини бажаришда ёрдам берадиган ҳар бир инсонни у ўзининг дўсти деб билади, у ўзини "душман" деб ҳисоблайдиган ҳасадгўй одамларга ҳам нафрат билан карамайди. У атрофидаги нарсаларнинг барчасига таркидунёлик кўзи билан қарайди, чунки у шуни аниқ биладикки, аслида унинг бу моддий оламга ҳеч қандай дахли йўқ. Сиёсий ва ижтимоий ҳаёт борасидаги янгиликлар унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, чунки ҳаётда рўй бериб турган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг ўткинчи эканини у яхши билади. У фақат ўз манфаатини ўйлаб бирор нарсага интилмайди. Кришна учун у ҳар қандай ишни қилишга тайёр, лекин у ўзи учун бирор иш қилмайди. Ҳақиқатан ҳам моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлган киши ҳаётда ўзини шундай тутади.

26. мам ча йо “*вйабхичарена бхакти йогена севате са гунан саматитйайтан Браҳма-бхуйайа калпате*

***Ҳар қандай вазиятда ҳам мана шу улугвор йўлдан четга чиқмай, Худого садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида этган киши моддий табиат гуналари таъсирини енгади ва Браҳман погонасига кўтарилади.***

Изоҳ: Бу ерда Аржуннинг учинчи саволига жавоб берилган: "Инсон қандай қилиб рухий даражага кўтарилиш мумкин?" Аввал айтганимиздай, бутун моддий олам моддий табиат гуналари ҳукмига бўйсуниб ҳаракат қилади. Моддий табиат гуналарининг фаолияти бизни асло безовта қилмаслиги керак: улар онгимизни қоплаб олмаслиги учун биз бутун ақлу-хаёлимизни Худого хизмат қилиш доирасидаги фаолият билан машғул қилишимиз лозим. Ана шундай фаолиятни *бхакти-йога*, яъни "Кришна учун қилинган фаолият" деб

айтадилар. Бунда фақат Кришна эмас Рама, Нараяна сингари, Парвардигорнинг тўлиқ намоён бўлган кўринишлари ҳам назарда тутилади. Кришнанинг намоён бўлган кўринишларининг сон-саногии йўқ. Кришнанинг сон-саноксиз экспансияларидан бирига садоқат билан хизмат қилаётган ҳар бир инсон илоҳий даражага кўтарилган киши ҳисобланади. Яна шуни эсда тутиш лозимки, Кришнанинг барча қиёфалари бутунлай руҳий табиатга эга бўлиб мангу, илм ва лаззатга тўла. Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган шахсий қиёфаларининг ҳар бири - ҳар нарсага қодир, ҳамма нарсани билгувчи ва барча илоҳий сифатларга эга бўлган Зотлардир. Шунинг учун Кришнага ёки Унинг тўлиқ намоён бўлган шахсий қиёфаларидан бирига чуқур иймон ва садоқат билан хизмат қилаётган киши, аслида энгиш жуда мушкул бўлган моддий табиат гуналарининг таъсирини осонлик билан енга олади. Бу ҳақда "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобида айтилган эди. Ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган киши шу заҳотиёқ моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлади. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш ёки Худога садоқат билан хизмат қилиш - Парвардигор билан бир хил илоҳий ҳолатда бўлиш демақдир. Парвардигор айтяптики, Ўзининг асл табиатига кўра У - мангу, илм ва лаззатга тўла, тирик мавжудотлар эса, худди олтин заррачалари ҳам олтин конининг бир бўлаги бўлгани сингари, Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррачаларидир. Шунинг учун ўзининг соф руҳий ҳолатида тирик мавжудот сифат жиҳатидан Кришнадан фарқ қилмайди. Аммо, барибир тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс ҳолатини сақлаб қолаверади. Акс ҳолда *бҳакти-йога* ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. *Бҳакти-йога* деганда Парвардигор, Унинг содиқ хизматкори ва уларни ўзаро боғлаб турадиган муҳаббатга асосланган фаолият назарда тутилади. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси ва тирик мавжудот ҳамиша ўзларининг шахс сифатларини сақлаб қоладилар. Акс ҳолда *бҳакти-йога* тушунчасининг ҳеч қандай маъноси қолмаган бўларди. Парвардигорга фақат Унинг Ўзи билан бир хил илоҳий даражада бўлган зотгина хизмат қилишга қодир бўлади. Шохга ҳамроҳ бўлиб юриш учун инсон шундай мартабага муносиб бўлган сифатларга эга бўлиши лозим. Бу ерда "ана шундай сифат" деганда *Брахман* даражасига кўтарилиш назарда тутилади. *Брахман* - моддий иллатлардан пок бўлган илоҳий ҳолатдир. Ведаларда шундай дейилади: *Брахмаива сан Брахманй эти*. Олий Брахманни фақат ўзи ҳам *Брахман* даражасига эришган киши англай олади. *Брахман* даражасига эришгандан кейин тирик мавжудот ўзининг мангу руҳий табиатини, яъни алоҳида руҳий зарра бўлган шахсий табиатини йўқотмайди.

27. *Брахмано хи пратиштхахам амритасйавйайасйа ча шашватасйа ча дхармасйа сукхасйаикантикасйа ча*

***Олий, бошлангич лаззат мужассам бўлган ўлмас, емирилмас ва мангу шахсиятсиз Брахманнинг асоси - Менман.***



Изоҳ: Браҳман ўзининг табиатига кўра ўлмас, емирилмас, мангу ва лаззатга тўла. Браҳманни англаш - руҳий ўзликни англашнинг биринчи поғонаси ҳисобланади. Иккинчи, оралиқ поғона - Параматма, яъни Олий Руҳни англаш ҳисобланади. Мутлақ Ҳақиқатни олий даражада англаш - Худонинг Олий Шахсини англаб етиш ҳисобланади. Шундай қилиб, Параматма ҳам, шахсиятсиз Браҳман ҳам Худонинг Олий Шахсининг таркибий қисмларидир. "Бҳагавад-Гита"нинг еттинчи бобида айтилган эдики, моддий табиат Парвардигорнинг, яъни Худо Шахсининг қуйи қувватининг намоён бўлишидир. Парвардигор ўзининг қуйи қуввати бўлган моддий табиатни ўзининг олий қувватининг заррачалари билан уруғлантиради, моддий табиат шу тарзда руҳий қувват билан аралашганда моддий олам ҳаракатга келади. Руҳий илмни эгаллаш жараёнида шартланган тирик мавжудот аста-секин ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб яшаш даражасидан Парвардигорни шахсиятсиз Браҳман кўринишида англаш даражасига кўтарилади. Мана шу - руҳий ўзликни англашнинг биринчи поғонаси бўлади. Ана шу поғонага кўтарилган, яъни шахсиятсиз Браҳманни англаб етган инсон моддий ҳаёт кечириш поғонасидан юқори кўтарилади, аммо у ҳали руҳни англаб олишда олий поғонага кўтарилган эмас. Ўз интилишига қараб, у аста-секин Параматмани англаш, кейин Худонинг Олий Шахсини англаш поғонасига кўтарилиши мумкин. Ведаларда бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп. Масалан, тўрт Кумар Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз Браҳман кўринишида англаш поғонасида эдилар, лекин кейинчалик аста-секин Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилдилар. Шахсиятсиз Браҳманни англашдан юқори кўтарилишга қодир бўлмаган кишининг яна моддий оламга қайтиш эҳтимоли сақланиб қолади. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, агар инсон шахсиятсиз Браҳманни англаш даражасига кўтарилиб, руҳий юксалишда давом этмай қўйса, у Худо Шахсини англаш даражасига кўтарилмайди, бу унинг калтафаҳмлигидан, ақл-идроқи ҳали нопоклигидан далолат беради. Шу боис, ҳатто шахсиятсиз Браҳманни англаш даражасига кўтарилган киши ҳам, агар Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмаса, яна моддий оламга қайтиб келиши мумкин. Ведаларда яна шундай дейилган: *расо ваи сах расам хи эвайам лабдхвананди бхавати* - "Инсон мангу лаззат манбаи бўлган Кришнани - Худо Шахсини англаб етганида, унинг қалби илоҳий лаззатга тўлади"(Тайттирия-упанишад, 2.7.1.). Парвардигор олти хил фазилатнинг тўлиқ эгасидир, Унга яқинлашган содиқ ҳам ана шу фазилатларга эга бўлади. Шоҳнинг хизматкори ҳам деярли худди шоҳ сингари салтанатнинг барча қулайликларидан лаззатланиб яшайди. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган инсон ҳам Парвардигор билан бирдай мукамал илм, туганмас лаззат, бахтга тўла мангу ҳаётга эришади. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг таркибида шахсиятсиз Браҳманни англаш ҳам, барҳаётлик, яъни мангулик сифатлари ҳам мавжуд.

Гарчи тирик мавжудот Браҳман табиатига эга бўлса ҳам, барибир унинг қалбида моддий оламга ҳукмронлик қилиш истаги қолган бўлади, шу боис у моддий оламга тушишга мажбур бўлади. Ўзининг табиатига кўра тирик мав-

жудот моддий табиатнинг уч гунасида устун туради, аммо моддий кувват билан аралашгани сабабли у моддий табиат гуналари - эзгулик, эхтирос ва ғафлат гунасининг ҳукми остига тушиб қолади. Табиат гуналари таъсир қилиб, унинг қалбида моддий оламга ҳукмронлик қилиш истагини кучайтиради. Аммо, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юриш шарофати билан шартланган руҳ шу заҳотиёқ илоҳий даражага кўтарилиб, ўзи учун таъқиқлаб қўйилган "моддий оламга ҳукмронлик қилиш истаги"дан халос бўлади. Шунинг учун Худонинг содиқ хизматкорлари даврасида Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаш инсоннинг руҳий юксалиш йўлида жуда муҳим аҳамиятга эга. Худонинг содиқ хизматкорлари билан бўладиган ўзаро суҳбатлар шарофати билан инсон руҳий устознинг кўрсатмалари ёрдамида моддий оламга ҳукмронлик қилиш истагидан бутунлай халос бўлиб, Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб олади. Бу бобнинг йигирма иккинчи шеърдан бошлаб то охиригача айнан ана шу йўл таърифланган. Худога садоқат билан хизмат қилиш - жуда оддий усул. Киши қандай қилиб бўлса ҳам ҳаётда ҳамини Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим - Парвардигорга таклиф қилинган таомдан тотиш, Унинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган гуллар ҳидини хидлаш, Парвардигор бу дунёда Ўзининг илоҳий эрмакларини ўтказган жойларни зиёрат қилиш, Унинг илоҳий кароматлари ва Ўзининг содиқлари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Унинг муқаддас номларини зикр қилиш: (Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре), *экадаши* кунларида, Худо Шахсининг ва Унинг буюк содиқларининг бу оламга келган, кетган кунларида рўза тутиб, риёзат чекиш. Ҳаётда шундай илоҳий ишлар билан машғул бўлиб юриш шарофати билан инсон дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этишга қодир бўлади. Ана шу йўлдан бориб, Браҳмажйотиға ёки Браҳманнинг бошқа кўринишларига эришган киши сифат жиҳатдан Худонинг Олий Шахсига тенглашади.

*"Бҳагавад-Гита"нинг "Моддий табиатнинг уч гунаси" деб аталадиган ўн тўртинчи бобиға Бҳактиведантаннинг изоҳлари шундай якунланади.*

**Ўн бешинчи боб.**

**Пурушоттама-йога - Олий Шахс йогаси**

1. *ири бхагаван увача*

*урдхва-мулам адхақ-шакхам аиваттхам прахур авйайам  
чхандамси йасйа парнани йас там веда са веда-вит*

***Худонинг Олий Шахси деди: Муқаддас китобларда мангу банйан дарахти ҳақида ёзилган. Унинг илдизлари юқорига, шохалари па-стга қараб ўсган, барглари эса - ведавий мадҳиялардир. Шу да-рахтни ўрганган киши ведавий донишмандлик илмини англаб етади.***

Изоҳ: Худого эришиш йўлида бҳакти-йоганинг қанчалик муҳимлигини эшит-ган кишида табиий равишда шундай савол туғилиши мумкин: "Унда Ведалар, муқаддас китобларнинг нима кераги бор?" Мазкур бобдан билиб оламизки, Ведаларни ўрганишдан мақсад - Кришнани англашдан иборат. Шунинг учун ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Ведалар илмини тўлиқ эгаллаган инсон ҳисобланади.

Моддий оламнинг чигал сўқмоқлари бу ерда банйан дарахтига қиёсланган. Кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган киши бир шохадан иккинчи шохага, кейин учинчисига ўтиб, бу дунёда мангу адашиб юрaverиши мумкин. Моддий олам дарахти ҳақиқатан ҳам поёнсиз, унга боғланиб қолган кишининг озодликка чиқиш имконияти қолмайди. Тирик мавжудотга руҳий юксалишда ёрдам берадиган ведавий мадҳиялар шу дарахтнинг япроқлари деб аталган. Бу дарахтнинг илдизи осмонга қараган, чунки моддий олам энг юқори сайёра - Брахмалокадан бошланган. Ана шу мангу алданиш дарахтини англаб етган кишигина уни тарк этиш имконига эга бўлади.

Моддий оламнинг чигал кишанларидан озодликка чиқиш имконини берадиган бу усулни яхши тушуниб олиш керак. Аввалги бобларда "озодлик-ка олиб чиқувчи йўллар кўп" деб айтилган эди. Лекин, то ўн учинчи бобгача Худого эришишнинг барча усуллари ичида Кришнага садоқат билан хизмат қилиш усули энг яхши йўл экани таъкидланган эди. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг асосини моддий фаолиятни тарк этиш билан бир вақтда Худого илоҳий хизмат қилишга боғланиш ташкил этади. Моддий оламга боғланиш туйғусидан халос бўлиш жараёни мазкур бобнинг бошида баён этилган. Мутлақ Ҳақиқат дарахтининг илдизи юқорида жойлашган. Демак, бу илдиз мужассам моддий қувват(*прадхана*)дан бошланади, ундан моддий оламнинг энг олий сайёрасига тушади. Ҳар хил сайёралар тизимидан иборат бўлган бутун моддий олам ана шу сайёрадан бошланади. Дарахтдаги мевалар - тирик мавжудотларнинг кармали фаолиятининг, яъни дин(*дҳарма*), иқтисодий тараққиёт(*артха*), ҳиссий лаззатланиш(*кама*) ва озодликка чиқиш(*моқша*) йўлларида кўрсатаётган фаолиятининг ҳар хил натижалари-

дир.

Моддий оламда биз илдизи осмонга, шохалари пастга қараб ўсадиган дарахт кўрмаганмиз, лекин шундай дарахтлар бор. Уларни бирор сув ҳавзасининг қирғоғида туриб кўриш мумкин. Сув қирғоғида ўсаётган дарахтларнинг акси сувда кўринади: уларнинг илдизи юқорига, шохалари эса пастга қараб туради. Бошқача қилиб айтганда, моддий олам дарахти - рухий оламдаги ҳақиқий ҳаёт дарахтининг акси бўлган вақтинчалик алдамчи ҳаётдан бошқа нарса эмас. Худди, сув бўйидаги ҳақиқий дарахт сувда акс этгани сингари, рухий оламдаги ҳақиқий ҳаёт дарахти ҳам моддий оламдаги истакларимиз сувида акс этади. Истаклар - бу дунёда рухий ёғдунинг акс этиб турган, моддий оламда биз кўриб турган ҳамма нарсаларнинг бирламчи сабабчисидир. Моддий тирикчилик асирлигидан озодликка чиқишга интилаётган киши моддий олам дарахтини мунтазам равишда жиддий ўрганиши лозим. Фақат шундагина бу дарахт билан ўзини боғлаб турган барча ришталарни бутунлай уза олади.

Ҳақиқий дарахтнинг акси бўлган бу дарахт унинг ҳақиқий нусхаси ҳисобланади. Биз моддий оламда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси рухий оламда ҳам мавжуд. Имперсоналистлар моддий олам дарахтининг илдизини Браҳман деб ҳисоблайдилар, ундан эса, *санкхья* фалсафасига кўра *пракрити*, *пуруша* кейин уч гуна, кейин беш қўпол моддий унсур (*панча-маха-бхута*), ўн хиссиёт (*дашандрия*) ва ҳоказолар пайдо бўлади. Шу тарзда бутун моддий олам таркиб топган йигирма тўрт унсур юзага келади. Лекин, агар намоён бўлган бутун оламнинг маркази Браҳман бўлса, у яратган оламни икки яримга бўлиш мумкин. Биринчиси моддий олам, иккинчиси - рухий олам. Моддий олам ҳақиқий рухий мавжудликнинг бузилган акси ҳисобланади, демак рухий олам ҳам ранг-барангликка тўла бўлиши керак, лекин рухий олам бу дунёдаги сингари алдамчи ранг-барангликка эмас, аксинча ҳақиқий, ранг-баранг гўзалликдан иборат бўлиши керак. *Пракрити* - Парвардигорнинг ташқи қуввати, *пуруша* - Парвардигорнинг Ўзи. Бу ҳақда "Бҳагавад-Гита"да аниқ айтилган. Моддий табиатга эга бўлгани сабабли бу олам мангу эмас. Ҳар қандай акс тасвир, соя гоҳида пайдо бўлади, гоҳида йўқолиб кетади. Аммо шу соянинг манбаи ҳаммиша мавжуд. Ҳақиқий рухий ҳаёт дарахтининг алдамчи акси бўлган моддий олам дарахтини чопиб ташлаш керак. Биров ҳақида “у Ведаларни билади” деганда, унинг моддий боғланишлардан қандай кутулиш йўлини билиши назарда тутилади. Шуни билган киши Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг мазмунини тўла тушуниб етган инсон бўлади. Ведаларда ёзилган ҳар хил қурбонлик маросимларини ўрганишга боғланиб қолган киши эса, моддий ҳаёт дарахтининг чиройли япроқларига маҳлиё бўлиб юрган одам ҳисобланади. Улар Ведаларнинг асосий, ҳақиқий мақсади нимадан иборат эканини билмайдилар. Парвардигорнинг Ўзи айтганидай, Ведаларнинг мақсади - моддий оламда акс этиб турган моддий ҳаёт дарахтини кесиб ташлаб, рухий оламнинг ҳақиқий дарахтига эришишдан иборат.

*гуна-п्रावरिद्धा विशैया-प्रावालाह  
अदशा च मुलानि अनुसन्ततानि  
कर्मणुबन्धनि मनुश्या-लोके*

***У дарахтнинг шохалари юқорига ва пастга қараб ўсган, уларни моддий табиатнинг уч гунаси озиклантириб туради. Унинг куртаклари - биз сезадиган нарсалардир. Бу дарахтнинг пастга қараб ўсадиган ва одамлар орасида кармали фаолият билан боғланган илдизлари ҳам бор.***

Изоҳ: Мазкур шеърда Кришна банйан дарахтини таърифлашда давом этади. Унинг пастки қисмида ҳар хил тур ва қиёфалардаги барча тирик мавжудотлар жойлашган: одамлар, ҳайвонлар, отлар, сигирлар, итлар, мушуклар ва ҳоказо. Уларнинг барчаси банйан дарахтининг пастки шохаларини эгаллаган, унинг юқори шохаларини эса, руҳий жиҳатдан анча юксалган тирик мавжудотлар эгаллаган: фаришталар, гандҳарвалар ва ҳоказо. Худди, оддий дарахт сув билан озиклангани сингари, моддий ҳаёт дарахтини ҳам моддий табиатнинг уч гунаси озиклантириб туради. Сув етишмаганда ер чўлга айланганини, сув сероб бўлганда эса, ҳар хил ўсимликлар ўсиб ётган боғ-бўстонга айланганини кўриш мумкин. Шунга ўхшаб, моддий табиатнинг қайси жойида қайси гуна(сифат)лар ҳукмронлик қилса, ўша жойларда шу гуналарга мос бўлган ҳаёт турлари кўпроқ ривожланади.

Бу дарахтнинг куртаклари ҳиссиётларга лаззат келтирадиган нарсалардир. Моддий табиат гуналари таъсири остида тирик мавжудот ҳар хил сезги аъзоларига эга бўлади. Улар ёрдамида эса, бу дунёдаги ҳар хил лаззат келтирадиган нарсалар билан лаззатланиб яшаши мумкин. Банйан дарахти шохаларининг учлари - ҳар хил лаззат келтирадиган нарсалар билан лаззатланишга интилаётган сезги аъзоларидир: кулок, бурун, кўз ва ҳоказо. Дарахт куртаклари эса, лаззат берадиган нарсалар - товуш, шакл, сезиладиган нарсалар ва ҳоказо. Унинг осмондаги илдизи эса - бизнинг кундалик турмушда дуч келиб юрган мусибат ва лаззатларни келтириб чиқарадиган, боғланиш ва нафрат туйғусининг намоён бўлган ҳар хил кўринишларидир. Савоб ва гуноҳ ишлар қилишга бўлган мойиллик - ҳар тарафга қараб ўсган қўшимча илдизлар ҳисобланади. Дарахтнинг асосий илдизи Браҳмалокада, бошқа илдизлари - инсонлар яшайдиган сайёраларда жойлашган. Ўзининг хайрли ишлари натижасида моддий оламнинг юқори сайёраларида анча вақт лаззатланиб яшайдиган кейин, тирик мавжудот яна Ер сайёрасига қайтади ва қайтадан юқори сайёраларга кўтарилиш учун кармали фаолият билан машғул бўлади. Шунинг учун, биз яшаётган сайёрани "фаолият майдони" деб атайдилар.

*3-4. на रुपाम अशैखा तत्खोपालाब्धैते  
नान्तो ना चादिर ना चा सम्प्रतिष्ठिता  
श्वत्तखाम एनाम सु-विруд्धा-मुलाम*

*асанга-шастрена дридохена чхиттва  
татах падам тат паримаргитавйам  
йасмин гата на нивартанти бхуйах  
там эва чадйам пурушам прападиё  
йатах правриттих прасрита пурани*

**Моддий оламда бу дарахтнинг асл қиёфасини қўришнинг иложи йўқ. Унинг бошланиши, охири ва асоси қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Аммо биз боғланмасликнинг ўткир болтаси билан қуролланиб, чуқур илдиз отган бу дарахтни бирданига чопиб ташлашимиз керак. Кейин, эришган киши бу моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдиган даргоҳни топишимиз ва азалдан бутун борлиқнинг манбаи бўлган ягона Парвардигорга ўзимизни бутунлай топширишимиз лозим.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, баниан дарахтининг ҳақиқий қиёфасини моддий оламда қўришнинг иложи йўқ. Акс-тасвир сифатида унинг илдизлари юқорига қараган, шунинг учун ҳақиқий ҳаёт дарахти бу оламдан ташқарида бошланади. Моддий олам дарахтининг шохаларида адашиб юриб, биз унинг қаердан бошланганини, қанчалик катта эканини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Лекин, барибир биз унинг илдизини топиб олишимиз лозим. "Мен - отамнинг ўғлиман, отам - яна бировнинг ўғли ва ҳоказо" - шундай изланиш занжири бизни ниҳоят маъбуд Браҳмага олиб келади, уни эса Гарбходакашайи-Вишну яратган. Бизнинг изланишларимиз Худонинг Олий Шахсига бориб етгандагина ниҳоясига етади. Мана шу дарахтнинг илдизини, яъни Худони излашни Худонинг Олий Шахсини англаб етган билимдон инсонлар билан суҳбатлашишдан бошлаш керак. Уларнинг даврасида Парвардигор ҳақида мукамал илмга эга бўлиб, инсон аста-секин ҳақиқатнинг алдамчи акс-тасвирига боғланиш туйғусини тарк этишга қодир бўла боради. Инсоннинг эгаллаган ҳақиқий илми унга бу алдамчи дунё билан бўлган барча алоқаларини тарк этиб, ҳақиқий ҳаёт дарахтига эришишда ёрдам беради.

Бу ерда ишлатилган *асанга* ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки тирик мавжудотда ҳиссий лаззатларга ва моддий табиатга ҳукмронлик қилиш туйғусига боғланиш жуда кучли бўлади. Шунинг учун биз ҳақиқий илмга эга бўлган инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, улар билан биргаликда муқаддас китобларда нозил қилинган илоҳий илмни муҳокама қилиб, бу дунёга боғланмасликни ўрганишимиз лозим. Худонинг содиқ хизматкорлари билан бўладиган суҳбатлар, улар билан биргаликда руҳий мавзуларни муҳокама қилиш орқали биз Худонинг Олий Шахсини англаб олишимиз мумкин. Шунда бизнинг ҳаётда биринчи қиладиган ишимиз - ўз ихтиёримизни Худога бутунлай топшириш бўлади. Бу ерда шундай даргоҳ таърифланганки, унга эришгандан сўнг тирик мавжудот бу моддий оламга қайтиб келмайди. Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна - бутун борлиқнинг манбаидир. Худонинг

марҳаматиға эришиш учун инсон ҳаётда Унинг амрига бўйсуниб яшаши лозим. Биз Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлганимизда айнан ана шундай ҳолат юз беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш - Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан, Унинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошланади: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигор - моддий олам яралишининг, мавжудлигининг бошланғич сабабчиси. Бу ҳақда Унинг Ўзи айтган. *Ахам сарвасйя прабхавах:* "Мен бутун борликнинг манбаиман". Шундай қилиб, моддий оламдаги алдамчи банйан дарахти шохаларида сарсон бўлиб адашиб юришни тарк этиш учун инсон ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага бутунлай топшириши лозим. Ўз ихтиёрини Худога топширган заҳоти инсон табиий равишда бу қудратли дарахтга боғланиш туйғусидан бутунлай халос бўлади.

*5. нирмана-моха джита-санга-доша  
адхйатма-нитйа винивритта-камах  
двандваир вимуктаҳ сукха-духкха-самджнаир  
гаччханте амудхаҳ падам авйайам тат*

***Манманликдан халос бўлган, алданиш туйғусидан озод ва сохта боғланишларнинг барчасини тарк этган, мангуликни англаб етган, моддий ҳирс туйғусидан воз кечган, қарама-қаршиликлар таъсирига берилмай, бошига мусибат тушганда ҳам, бахтга эришганда ҳам хотиржам қоладиган, ўзини Худонинг Олий Шахсига қандай топширишни биладиган инсон ана шу мангу салтанатга эришади.***

Изоҳ: Бу ерда қандай қилиб инсон аста-секин ўз ихтиёрини Худога топшириши мумкинлиги жуда аниқ таърифланган. Энг аввало инсонни маст қилиб кўядиган манманлик, мағрурлик туйғусидан қутулиш лозим. Ўзини “моддий табиатнинг ҳукмдори” деб ҳисоблайдиган шартланган руҳ ўзининг бундай ҳолати билан жуда мағрурланади, шу боис ундай одамнинг ўз ихтиёрини Худога топшириши жуда қийин. Ҳақиқий илмга эга бўлиб, инсон аслида моддий табиатнинг ҳукмдори ўзи эмас, Парвардигор эканини англаб олиши лозим. Манманликдан келиб чиқадиган алданиш туйғусидан халос бўлиш - инсон ўз ихтиёрини Худога топшира олиши учун албатта бажариши шарт ва зарур бўлган энг биринчи амалдир. Бу моддий оламда обрў-эътибор, шон-шухрат қозонишга интилиб юрган киши ҳеч қачон Худонинг амрига бош эга олмайди. Манманлик туйғуси алданиш натижасида юзага келади: инсон бу дунёга жуда оз вақтга келган, жуда қисқа вақт ичида уни тарк этиб кетади. Лекин, шунга қарамай гофиллиги, аҳмоқлиги туфайли у ўзини бу оламнинг хўжайини деб ҳисоблайверади. Натижада у ҳаётда ўзи учун ҳар хил кийинчиликлар яратиб, ўз бошига сон-саноксиз мусибатлар келтириб юради.

Бутун жаҳон аҳли мана шундай алданиш ботқоғига ботган. Одамлар ўзлари яшаётган жойни ўзларининг мулки деб ҳисоблайдилар, алданиш домига тушиб уни ўзаро бўлишиб ола бошлайдилар. Инсон энг аввало ҳаёт ҳақидаги "бу олам инсонларники" деган нотўғри тасаввурдан халос бўлиши керак. Инсон ҳақиқий илм ёрдамида ўзини бирор нарсанинг эгасиман деб ҳисобламаса оиласига, атрофидаги нарсаларга, ватанига боғланиши оқибатида пайдо бўлган алдамчи тасаввурлардан халос бўлади. Шундай алдамчи боғланишлар уни моддий оламда тутқун қилиб қўяди. Ана шу поғонадан юқори кўтарилгандан кейин, инсон руҳий илм ўргана бошлаши лозим. У ҳақиқатан ҳам ўзиники ва ўзиники бўлмаган нарсаларни тушуниб олишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарашни ўрганиб, у бу моддий ҳаётнинг алдамчи тасаввурларидан халос бўлади ҳамда бахт ва мусибат, лаззат ва изтироб сингари қарама-қаршиликлар таъсирига берилмай қўяди. Шу тариқа у аста-секин мукамал илмга эга бўлади, шунда унинг қалбида ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топшира олиш қобилияти ривожлана боради.

*6. на тад бхасайате сурйо на шашанко на павакаҳ  
йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*

***Менинг олий даргоҳим на қуёш, на ой, на олов ёки на электр нури билан ёритилмаган. Унга эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди.***

Изоҳ: Бу ерда руҳий олам, Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг “Кришналока”, яъни “Голока Вриндавана” деб аталадиган даргоҳи таърифланган. Руҳий оламда на қуёшга, на ойга, на электр қувватига зарурат йўқ, чунки у ердаги барча сайёралардан ёруғ нур таралиб туради. Бу моддий коинотда фақат битта шундай сайёра мавжуд, у - Қуёш сайёраси. Руҳий оламда ҳамма сайёралар порлаб, ўзидан нур сочиб туради. Вайкунтха сайёраларининг ёғдусидан бутун руҳий олам нурафшон, шу ёруғликни *Брахмаджейоти* деб атайдилар. Шу ёғдунинг бошланғич манбаи Кришнанинг сайёраси, Голока Вриндавана ҳисобланади. Браҳмажйотининг бир қисми *махат-таттва* билан қопланган, борлиқнинг шу бўлагида моддий олам яралган. Лекин, Браҳмажйотининг, яъни руҳий оламнинг аксарият катта қисмини руҳий сайёралар - Вайкунтха сайёралари эгаллаган, уларнинг ичида энг асосийси - Кришналока, Голока Вриндавана.

Токи тирик мавжудот моддий олам зулматида яшар экан, у шартланган ҳолатда қолаверади. Лекин у, ҳақиқий руҳий ҳаётнинг бузилган акси бўлиб кўриниб турган, бу алдамчи моддий олам дарахти билан бўлган барча алоқаларини узган заҳоти, озодликка чиқади ва руҳий оламга эришади. Шундан сўнг у моддий оламга қайтиб келмайди. Шартланган ҳолатида тирик мавжудот ўзини "моддий оламнинг ҳукмдори" деб ҳисоблайди, аммо озод-



ликка чиққандан кейин рухий олам салтанатига эришиб, Худонинг Олий Шахси билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади. Рухий оламда у мукамал илм, чексиз лаззатга тўла ҳаёт кечириб мангу қолиб кетади.

Мана шундай маълумотлар бизнинг қалбимизда ҳақиқий рухий оламнинг акс тасвири бўлган бу ёлғончи моддий оламдаги азоб-уқубатларга тўла тирикчилик чангалидан халос бўлиш, Худонинг мангу даргоҳига интилиш туйғусини уйғотиши лозим. Моддий оламга қаттиқ боғланиб қолган кишининг бу боғланишлардан қутулиши жуда мушкул, аммо Кришнани англаш йўлига кириб, инсон аста-секин бунга эришиши мумкин. Бунинг учун у Худонинг содиқ хизматкорлари, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган кишилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб юриши лозим. Кришна онгига эга бўлган одамларни излаб топиш ва улардан Худога хизмат қилиш йўлларини ўрганиш керак. Фақат шундагина моддий олам билан бўлган ҳар хил боғланишлардан қутулиш мумкин. Моддий тирикчиликнинг барча азоб-уқубатларидан қутулиш учун таркидунё қилган одамларнинг сариқ либосини кийиб, шунчаки ташки кўринишини ўзгартириб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Энг аввало Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига боғланиш лозим. Шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни - бу моддий оламдан, яъни рухий оламдаги ҳақиқий ҳаётнинг ёлғончи акс-тасвири бўлган моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқишнинг ягона йўли эканига жиддий эътибор бериш керак. Бу ҳақда "Бхагавад-Гита"нинг ўн иккинчи бобида тўла маълумот берилган эди. Ўн тўртинчи бобда моддий фаолиятнинг ҳар хил турлари ва шаклларига моддий табиатнинг салбий таъсири кўрсатиши тушунтирилган, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнига бутунлай пок бўлган рухий фаолият экани айтилганди.

Бу ерда ишлатилган *парамам* *мама* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Яралган оламнинг ҳар бир чеккаси Парвардигорнинг мулки ҳисобланади, аммо рухий олам *парамам*, яъни "мукамалликнинг олти сифатига тўла" деб аталади. "Катха-упанишад"(2.2.15)да ҳам айтилганки, рухий оламда куёш нурига ҳам, ой нурига ҳам зарурат йўқ(*на татра сурйо бхати на чандра-таракам*), чунки у оламда ҳамма нарса Парвардигорнинг ички қувватининг нури билан ёруғ. Ана шу мангу даргоҳга фақат ўз ихтиёрини Худога бутунлай топшириш натижасидагина эришиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ.

7. *мамаивамишо джива-локе джива-бхутаҳ санатанаҳ  
манаҳ-шаитхандрийани пракрити-стхани каршати*

***Моддий оламдаги тирик мавжудотлар Менинг ажралган мангу заррачаларимдир. Шартланган ҳолатга тушиб қолгани сабабли улар олти сезги аъзоси билан ҳаммиша қаттиқ кураш олиб боришга мажбур. Улардан биттаси - ақл.***

Изох: Бу ерда тирик мавжудотнинг табиати аниқ-равшан таърифланган. Тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу ажралмас бўлаги бўлиб қолаверади. "У фақат шартланган ҳолатидагина алоҳидаликка эга бўлади, озодликка эришгандан кейин эса, Парвардигорнинг борлиғи билан кўшилиб, йўқ бўлиб кетади" деб ўйламаслик керак. У ҳамиша Парвардигорнинг ажралган алоҳида мангу заррачаси бўлиб қолади. Бу ерда аниқ айтилган: *санатанаҳ*. Ведавий муқаддас китоблар таълимотига кўра Парвардигор Ўзини сонсаноксиз экспансияларда намоён этади. Унинг бирламчи экспансиялари вишну-таттвалар деб аталади, иккиламчи экспансиялари эса - тирик мавжудотлардир. Бошқача қилиб айтганда, вишну-таттвалар - Худо Шахсининг шахсий экспансиялари, тирик мавжудотлар эса - Унинг ажралган экспансияларидир. Парвардигорнинг шахсий экспансияларига Унинг ҳар хил рухий киёфалари киради, масалан: Рама, Нрисимхадева, Вишнумурти ва Вайкунтха сайёраларининг барча ҳукмдорлари. Парвардигорнинг ажралган экспансиялари бўлган тирик мавжудотлар Унинг мангу хизматкорлари ҳисобланадилар. Парвардигорнинг шахсий экспансиялари, яъни Унинг шахсан Ўзи намоён этган киёфалари мангу мавжуд. Худди шунингдек, Унинг ажралган экспансиялари ҳам, алоҳида рух сифатида мангу мавжуд бўлиб қолаверадилар. Парвардигорнинг ажралган заррачалари бўлган ҳолда тирик мавжудотлар ҳам Унинг барча сифатларига эга. Ана шу сифатлардан бири - мустақиллик. Ҳар бир рухий зарра, тирик мавжудот - алоҳида шахс бўлган ҳолда чекланган мустақилликка эга. Ўзининг ана шу мустақиллигини суистеъмол қилганида мангу озод рух шартланган ҳолатга тушиб қолади. Шу мустақиллигидан тўғри фойдаланганида эса, ўзининг мангу озод ҳолатига эришади. Лекин, барибир алоҳида рух худди Парвардигорнинг Ўзи сингари ҳамиша мангу мавжуд бўлиб қолаверади. Ўзининг озод, моддий табиат қонунлари билан шартланмаган ҳолатида тирик мавжудот илоҳий онга эга бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилади, моддий табиат шароитида - шартланган ҳолатида эса, у моддий табиат гуналари таъсири остида ўзининг аслида Худонинг мангу хизматкори эканини унутиб қўяди. Натижада у моддий оламда тирикчилик қилиш учун қаттиқ кураш олиб боради.

Фақат одамлар эмас, балки барча тирик мавжудотлар - ит ва мушуклар ҳам, ҳатто бу моддий оламнинг буюк ҳукмдорлари бўлган маъбудлар - Брахма, Шива ва ҳатто Вишну ҳам Парвардигорнинг ажралмас бўлаклари, рухий заррачаларидир. Уларнинг ҳаммаси бу моддий оламда мангу эмас, ўзларига ажратилган қандайдир вақт мобайнида мавжуд бўлиб турадилар. Бу ерда ишлатилган *қаришати*, яъни "қаттиқ кураш, жанг" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Шартланган руҳлар худди темир кишанлар билан занжирбанд қилиб қўйилганга ўхшайдилар. Улар сохта ўзлик кишани билан боғланганлар, уларнинг моддий оламдаги ҳаракатларини бошқариб турган асосий куч эса - ақлдир. Инсоннинг ақли эзгулик гунасида бўлганда тирик мавжудотнинг ҳаракатлари ҳамиша унга яхшилик, бахт-саодат келтиради. Эҳтирос гунаси таъсири остида бўлган ақл инсонни ҳар хил ташвиш, азобкубат, мусибат келтирадиган ишлар қилишга мажбур қилади. Ғафлат гунаси

таъсиридаги ақл инсонни тубанликка, ҳаётнинг қуйи шаклларига олиб борадиган йўлга бошлайди. Лекин, мазкур шеърдан кўриниб турибдики, моддий тана, ақл ва ҳиссиётлар - шартланган руҳнинг шунчаки қобиклари; руҳ озодликка эришганида моддий қобиклар йўқолиб кетади, лекин унинг руҳий танаси аввалгидай ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қолаверади. "Мадҳийандинайана-шрути"да шундай дейилган: *са ва эша Брахма-ништва идам шарирам мартйам атисриджйа Брахмабхисампадйя Брахмана нашйати Брахмана шриноти Брахманаиведхам сарвам анубхавати*. Бу ерда айтилганки, моддий олам тутқунлигидан халос бўлган тирик мавжудот руҳий оламга эришади. Унинг руҳий танаси қайта тикланади, шунда у Худонинг Олий Шахсини яққол кўриш имкониятига эга бўлади. Биз шу ерда Худо Шахсини тинглаш, У билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш, Уни асл қиёфасида яққол кўриш имкониятига эга бўламиз. Смиритардан биз шуни биламизки, *васанти йатра пурушаҳ сарве ваикунтха-муртайаҳ* - руҳий сайёраларда яшайдиган зотларнинг барчаси Худонинг Олий Шахсиники сингари қиёфаларга эга, яъни Парвардигорнинг айрим заррачалари бўлган тирик мавжудот билан *вишну-мурти* экспансияларининг руҳий тана тузилишлари бир хил кўринишда. Бошқача қилиб айтганда, моддий тутқунликдан халос бўлган тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан мангу руҳий танага эга бўлади.

Бу ерда *мамаивамшаҳ*(Худо Шахсининг ажралмас заррачалари) сўзи ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Парвардигорнинг заррачаси" деган иборани, худди моддий нарсалардан ажратиб олинган бир бўлагига ўхшатиб, бу зарра Парвардигордан бутунлай ажралиб тушган деб тушунмаслик керак. Биз иккинчи бобдан руҳнинг бўлақларга бўлинмаслигини билиб олган эдик. Моддий оламда руҳий танага ўхшаш қиёфа йўқ. Руҳ - бўлақларга бўлинадиган, кейин яна қўшиладиган моддадан бутунлай фарқ қилади. Модда тўғрисидаги тасаввурлар руҳнинг табиатига умуман тўғри келмайди. Бу ерда ишлатилган *санатана*(мангу) ибораси шуни кўрсатади. Худонинг ажралган руҳий зарраси мангу руҳий заррача бўлиб қолаверади. Иккинчи бобнинг бошида ҳам айтилган эдики, ҳар бир моддий танада Парвардигорнинг бир заррачаси мавжуд(*дехино "смин йатха дехе*). Ана шу заррача моддий тутқунликдан озодликка чиққанида ўзининг бошланғич руҳий танасига эга бўлади, руҳий оламининг руҳий сайёраларидан бирига бориб, у ерда Парвардигор билан мангу ҳамроҳ бўлиш имконига эришади. Лекин, мазкур шеърдан яна шундай хулоса келиб чиқадики, Парвардигорнинг ажралган заррачаси бўлган ҳолда, худди олтиннинг бир зарраси ҳам олтин бўлганидай, тирик мавжудот ҳам Худо билан бир хил сифатга эга.

8. *шарирам йад аванноти йач чапи уткраматшивараҳ  
грихитваитани самйати вайур гандхан ивашайат*

***Худди ҳаво ўзи билан ҳар хил ҳидларни олиб юргани сингари, тирик мавжудот ҳам моддий оламда ўзининг ҳаёт ҳақидаги тасав-***

***вури билан бирга юради. Шу тасаввурига асосан у қандайдир моддий танага эга бўлади, кейин эса, бошқа бир танага эга бўлиш учун ҳозирги танасини ҳам тарк этади.***

Изоҳ: Тирик мавжудот бу ерда *ишвара*, яъни "ўз танасининг хўжайини" деб аталган. Ўз хоҳишига қараб у мукамалроқ таналарга эга бўлиши ёки тубанликка юз тутиб, ҳаётнинг қуйи шаклларига қулаши мумкин. Тирик мавжудотга ато этилган озгина мустақиллик унинг ҳаётида ана шундай намоён бўлади. Кейинги ҳаётда қандай танага эга бўлиши тирик мавжудотнинг ўзига боғлиқ. Бутун умри давомида инсоннинг ақлида шаклланган тасаввур, ажали етганида инсонни янги танага олиб ўтади. Агар бутун умри давомида шаклланган онги ит ва мушукларникидан фарқ қилмаса, инсон танасидаги тирик мавжудот кейинги ҳаётда ит ёки мушук танасига эга бўлади. Бутун умри давомида ақлида илохий сифатларни ривожлантиришга эришган киши кейинги ҳаётда илохий танага эга бўлади, яъни фаришта танасида туғилади. Агар инсон қалбида Кришна онгини ривожлантирган бўлса, кейинги ҳаётда Кришналокага, руҳий оламга эришиб, Кришна билан бирга бўлади. Танамиз ҳалокатга учраши билан ҳамма нарса тамом бўлади, ҳаёт умуман тугайди, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Алоҳида руҳ бир танадан иккинчи танага ўтиб юради, унинг танаси ҳамда шу танаси ёрдамида кўрсатаётган фаолияти унинг кейинги ҳаётда қандай тана олишини белгилайди. Тирик мавжудот ўзи содир қилган ишларининг оқибати(кармаси)га қараб маълум кўринишдаги танага эга бўлади, лекин белгиланган вақтда у танасини албатта тарк этиши лозим. Бу ерда айтилганки, тирик мавжудотнинг нафис танасида, яъни онгида шаклланган тасаввур унинг кейинги ҳаётда оладиган танасини белгилайди. Шартланган руҳнинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши, улар ёрдамида моддий ҳаёт учун олиб борадиган кураши бу ерда *каршати*, "ҳаёт учун кураш" деб аталган.

*9. шротрам чакишух спаршанам ча расанам гхранам эва ча адхитхайа манаш чайам вишайан упасевате*

***Янги кўпол танага кириб, тирик мавжудот янги қулоқлар, кўзлар, тил, бурун ва тери(сезадиган аъзо)га эга бўлади. Бу сезги аъзоларининг барчаси ақлнинг атрофида тўпланган. Улар ёрдамида тирик мавжудот сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсалардан лаззатланади.***

Изоҳ: Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот онгини шу қадар булғаб, ўзида ит ва мушукларникига ўхшаган қуйи онгни ривожлантирган бўлса, у кейинги ҳаётда ит ёки мушук танасини олиб, моддий оламда ўзининг шу танаси ёрдамида лаззатланиб яшай бошлайди. Тирик мавжудотнинг бошланғич онги - тиниқ сувдай пок, соф онгдир. Аммо, сувга қандайдир бўёқ

кўшилса унинг ранги ўзгаради. Шунга ўхшаб, моддий табиатнинг ҳар хил гуналари билан аралашганда тирик мавжудотнинг онги ҳам табиат гуналарининг ҳар хил сифатларига эга бўлади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий, пок онги - Кришна онгидир. Қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш орқали биз пок руҳий ҳаётга қайтамыз. Аммо, онгимиз моддий табиат гуналари таъсирида у ёки бу даражада булганган бўлса, кейинги ҳаётимизда биз шу онгга мос бўлган моддий танага эга бўламыз. Ҳозир инсон танасида бўлганимиз учун кейинги ҳаётда оладиган танамиз албатта инсон танаси бўлади деб ўйламаслик керак. Биз ҳозир қандай онг билан яшаётганимизга мос равишда, ўлгандан кейин эга бўладиган танамиз 8.400.000 турли таналарнинг бири - ит, мушук, фаришта ёки чўчка танаси бўлиши мумкин.

*10. уткрамантам стхитам вапи бхунджанам ва гунанвита  
вимудха нанупайшанти пайшанти джнана-чакиушаҳ*

***Нодон одамлар руҳ қандай қилиб ўз танасини тарк этишини, у моддий табиат гуналарига маҳлиё бўлиб, ўз танасидан қандай лаззатланишини тушуна олмайдилар. Лекин, илмга эга бўлиб, онги покланган киши буларнинг ҳаммасини яққол кўра олади.***

Изоҳ: Бу ердаги *джнана-чакиушаҳ* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Илмдан маҳрум одамлар тирик мавжудот қандай қилиб танасини тарк этишини ҳам, кейинги ҳаётида қандай танага эга бўлишини ҳам, ҳатто ҳозир моддий тана ичида қандай яшаётганини ҳам тушуна олмайдилар. Буларнинг ҳаммасини тўғри тушуниб олиш учун "Бхагавад-Гита" ва бошқа муқаддас китобларда берилган илоҳий илмни ҳақиқий руҳий устоз оғзидан эшитиш орқали мукамал эгаллаб олиш керак. Ҳаётни ана шундай мукамал илм кўзи билан кўра оладиган киши ўзини ҳаётда "энг бахтиёр инсон" деб ҳисоблаши мумкин. Моддий табиатнинг алдамчи, ранг-баранг кўринишларига маҳлиё бўлиб, ҳаётда алданиб қолган ҳар бир тирик мавжудот танасини маълум шароитда тарк этади, маълум шароитларда яшайди ҳамда маълум шароитларда ҳаётдан лаззатланади - ўзини худди ҳаётдан лаззатланиб яшаётгандай сезади. Ҳар хил орзу-истаклар ва эҳтирос туйғуси бошини айлантириб, ақлини йўқотиб қўйган кишилар нима сабабдан ҳозир шундай танага эга эканини, жон қандай қилиб бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини тушуниш қобилиятини тобора йўқотиб бораверадилар. Бунини улар тушуна олмайдилар. Лекин, руҳий илмга эга бўлган киши руҳ(жон) танадан фарқ қилишини, у бир танани иккинчи танага алмаштириб, ҳар бир танада турли хил нарсалар билан лаззатланиб юришини тушунади. Мукамал илмга эга бўлган киши нима сабабдан тирик мавжудот моддий оламда азоб-уқубатларга дучор бўлиб юришини яхши билади. Шу боис, Кришнани англашда юксак даражага эришган киши бутун куч-қудратини аямай, ҳаётда ғофиллик ботқоғига ботиб, азоб-уқубатда қийналиб яшаётган оддий одамларга мана шу илмни етказиш учун қўлидан

келган ва келмаган ишларни амалга оширишга интилади. Озгина фаросати бўлган одамлар албатта рухий оламга, Худонинг даргоҳига эришиш учун бу шартланган ҳаёт мусибатларидан бутунлай халос бўлиши, Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаши, шу тарика моддий олам асирлигидан рухий озодликка чиқишлари лозим.

*11. йатанто йогинаш чаинам пашйантй атманй авастхитам  
йатанто “ни акритатмано наинам пашйанти ачетасах*

**Ҳақиқат йўлидан адашмай, олий мақсадга интилаётган, рухий ўзлигини англаб етган илоҳий инсонлар ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввурга эга бўладилар. Лекин, ақли ривожланмаган, ҳали ўзининг рухий табиатини англаб етмаган одамлар қанча уринса ҳам барибир бу жараёни тушуна олмайдилар.**

Изоҳ: Ўзининг рухий табиатини англашга интилаётган кўпчилик илоҳиёт одамлари орасида фақат рухий ўзлигини тўла англаб етган кишигина тирик мавжудотнинг қандай қилиб моддий таналарни алмаштиришини кўра олади. Бу ерда ишлатилган *йогинах* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда жуда кўп одамлар йога билан шуғулланишни истайдилар, шу мақсадда ҳар хил йога тўғарақларига, жамиятларига қўшиладилар, аммо уларнинг орасида камдан-кам кишининг ўзликни англаш илмидан хабари бор. Одатда улар ўзларининг қоматини тиклаш ёки соғлигини яхшилаш ниятида қандайдир жисмоний машқларни бажариш билан чекланиб қоладилар. Улар *йога* деганда фақат шуни тушунадилар, холос. Шундай одамларни *йатанто “ни акритатманах*, деб атайдилар. Ўзларича “йога” деб аталадиган жараёнда тиришқоклик билан шуғулланиш натижасида улар рухий ўзлигини англаб ета олмайдилар, қандай қилиб рух бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини тушуна олмайдилар. Ҳақиқий йога билан шуғулланиб ўзининг рухий табиатини англаб етган, ўзини ўраб турган моддий оламни, Худони таниган киши - бир сўз билан айтганда, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишигина бу жараёни тўлиқ тушуна олади.

*12. йад адитйа-гатам теджо джагад бхасайате “кхилам  
йач чандрамаси йач чагнау там теджо виддхи мамакам*

**Бу оламни қоплаб олган қоронғу зулматни ёритиб турган Қуёш нури Мендан таралган, Ойнинг, оловнинг ёғдуси ҳам Мендан чиқади.**

Изоҳ: Ғофил, нодон одамлар теварак атрофда рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларнинг табиатини тушуна олмайдилар. Аммо, Парвардигорнинг мазкур шеърда айтаётган гапларини англаб олиб, биз ҳақиқий илмдан хабардор

бўла бошлаймиз. Ҳар биримиз кундалик турмушда куёш, ой ва электр нурини кўриб юрибмиз. Биз куёш ва ой нурининг ҳам, оловнинг ёғдуси ва электр нурининг ҳам ягона манбаи Худонинг Олий Шахси эканини англаб олишимиз лозим. Ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввурга эга бўлиш Худони англаш йўлида қўйилган биринчи қадам бўлади ва у, моддий оламда яшаб турган бўлишига қарамай шартланган рухга рухий жиҳатдан юксалиш имконини беради. Тирик мавжудотлар ўзларининг азалий табиатига кўра Парвардигорнинг ажралмас бўлакларидир, бу ерда Парвардигор тирик мавжудотларни ўз уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган осон йўлни кўрсатяпти.

Мазкур шеърдан яна шу маълум бўладики, куёш бутун коинотни ёритиб туради. Моддий оламда жуда кўп коинотлар, жуда кўп куёшлар, ойлар мавжуд, лекин ушбу шеърдан биламизки, ҳар бир коинотда фақат битта куёш бор. "Бхагавад-Гита"да айтилганки, ой юлдузлар туркумига киради (*накшатранам ахам шаши*). Куёш нурининг манбаи - Парвардигорнинг рухий оламда таралган нури, Браҳмажйотидир. Куёш чиқиши билан одамларнинг фаолияти бошланади. Улар овқат пишириш учун олов ёқадилар, завод ва фабрикаларни ишга тушириш учун ҳам олов керак. Ҳаётда инсоннинг бирор соҳадаги фаолияти оловнинг иштирокисиз амалга ошмайди. Ой нури билан ўсимликлар ривожланади. Шунинг учун куёш, олов ва ой нури инсон ҳаёти учун жуда зарур. Уларсиз бу дунёда яшашнинг умуман иложи йўқ. Биз куёш ва ойнинг нури, оловнинг тафти Кришнадан, Худонинг Олий Шахсидан чиқаётганини тушуниб етганимизда, қалбимизда Кришна онги ривожлана бошлайди. Шу тарзда биз ҳаётда Кришнанинг марҳамати билангина тирик эканимизни тушуна бошлаймиз: Унинг марҳаматисиз куёш бўлмасди, Унинг марҳаматисиз ой бўлмасди, Унинг марҳаматисиз олов бўлмасди. Куёш, ой ва олов бўлмаса ҳеч ким яшай олмайди. Ана шундай фикрлар инсон қалбида Кришна онгини уйғотишга қодир бўлади.

*13. гам авишйа ча бхутани дхарайамй ахам оджаса  
пушнами чаушадхих сарвах сомо бхутва расатмаках*

***Мен коинотдаги ҳар бир сайёра ичига кираман, Менинг қувватим қўллаб-қувватлаб тургани сабабли улар ўз орбиталаридан чиқиб кетмайдилар. Мен Ой бўлиб барча ўсимликларни шарбат билан озиқлантираман.***

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, коинотдаги барча сайёралар осмонда фақат Парвардигорнинг қуввати билан ўз орбитасидан чиқмай юридилар. Парвардигор ҳар бир атом, ҳар бир сайёра ва ҳар бир тирик мавжудот ичига кирган. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да ҳам айтилган: "Ўзининг тўлик экспансияси бўлган Параматма кўринишида Парвардигор барча сайёраларнинг, коинотларнинг, тирик мавжудотларнинг ва ҳатто атомларнинг ичига киради". Бутун борлиқнинг ичига кириб, айнан Параматма бутун оламини бир

маромда тартиб билан ушлаб туради. Масалан, токи рух инсон танасида мавжуд экан у сув юзида тура олади, рух танани тарк этган заҳоти тана ҳалокатга учраб, сувга чўкиб кетади. Албатта, вақт ўтиши билан бузилиб кетган тана ҳам, худди сомондай, сув юзига қалқиб чиқади, лекин аввалига инсон(жон) танасини тарк этган заҳоти танаси сув тагига чўқади. Шунга ўхшаб сайёралар ҳам фақат уларнинг ичида Парвардигорнинг олий қуввати мавжуд бўлгани туфайлигина осмонда, ўз орбитасида юрадилар. Парвардигор Ўзининг қуввати билан ҳар бир сайёрани, худди бир сиким тупроқдай, осмонда ушлаб туради. Бир сиким тупроқ қўлимизда турганда у ерга тушмай ҳавода туради, лекин биз уни ташлаб юборган заҳоти у ерга тушади. Худди шундай, осмону-фалакда юрган ҳар бир сайёрани ҳам Худонинг фазовий кифёси Ўзининг сон-саноксиз қўлларида ушлаб туради. Ўзининг қудрати ва қувватлари билан Парвардигор оламдаги ҳар бир кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотларни ушлаб, ҳаракатга келтириб туради. Ведавий мадҳияларда ҳам: “фақат Худонинг қудрати билангина кўёш ва юлдузлар ўз орбитасидан чиқмай ҳаракат қилади” деб қуйланади. Агар Худонинг қудрати бўлмаса коинотдаги барча сайёралар ҳар томонга сачраб, аллақачон ҳалокатга учраган бўларди. Худди шунингдек, Худонинг шарофати билангина ой ўсимликларни шарбат билан таъминлайди, шу боис мева ва сабзавотлар ҳар бири ўзига хос ширин таъмга эга бўлади. Ой нури бўлмаса, сабзавотлар ўсмаган бўларди. Бу ерда келтирилган *расатмақа*х ибораси муҳим аҳамиятга эга. Барча мевалар Ўзини Ой нури кўринишида намоён этган Худонинг шарофати билангина ширин таъмга эга бўладилар. Одамлар фақат Худонинг шарофати билангина ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиб, ширин таомлар билан лаззатландилар. Акс ҳолда бу моддий оламда ҳеч ким яшай олмаган бўларди.

*14. ахам вайшванаро бхутва пранинам дехам ашритаҳ  
пранапана-самайуктаҳ пачами аннам чатур-виддхам*

***Мен - барча тирик мавжудотлар ичидаги овқат ҳазм қиладиган оловман. Тирик мавжудотларнинг танасига кирадиган ва чиқадиган ҳаво билан биргаликда уларга тўрт турли овқат ҳазм қилишида ёрдам бераман.***

Изоҳ: "Аюр-веда" таълимотига асосан ошқозонда овқатни ҳазм қиладиган олов мавжуд бўлиб, у инсоннинг барча еган овқатларини ҳазм қилиб туради. Овқат ҳазм қилиш олови пасайган киши очликни ҳис қилмай кўяди, шу олов кучайганида эса, у яна очлик ҳис қила бошлайди. Агар ошқозонидаги оловнинг ҳарорати пасайиб кетса, инсон албатта даволаниши лозим. Ана шу олов Худонинг Олий Шахсининг вакили ҳисобланади. "Брихад-аранйака-упанишад"(5.9.1)да айтилганки, Парвардигор яъни Браҳман, овқат ҳазм қилиш олови сифатида инсон ошқозонида ҳам мавжуд бўлиб, унинг еган



овқатини ҳазм қилади:(*айам ангир ваишванаро йо "йам антаҳ нуруше йенедам аннам пачйате*). Парвардигор инсонга овқат ҳазм қилишда ёрдамлашар экан, демак инсон ҳатто озикланишда ҳам Худога боғлиқ, қарам. Худонинг ёрдамисиз тирик мавжудотлар ҳатто овқатланишга ҳам қодир эмаслар. Шундай қилиб, озик-овқат маҳсулотларини етиштирадиган ҳам, уни тирик мавжудот ошқозонида ҳазм қиладиган ҳам Парвардигорнинг Ўзи, демак бутунлай Худонинг марҳамати билангина биз ҳаётда лаззатланиб яшай оламиз. Бу ҳақиқат "Веданта-сутра"да ҳам тасдиқланади: *шабдадибхйо "нтаҳ пратиштханач ча* - "Парвардигор товушда ҳам, тирик мавжудотнинг танасида ҳам, ҳавода ҳам, ҳазм қилиш олови кўринишида ҳатто унинг ошқозонида ҳам мавжуд". Биз озикланадиган таом тўрт турли бўлади: чайнамай ичиладиган, чайналадиган, ялаб ейиладиган ва сўриладиган таомлар. Парвардигор ана шу тўрт хилдаги овқатни ошқозонда ҳазм қиладиган олов кўринишида намоён бўлади.

*15. сарвасйа чахам хриди саннивишто  
маттаҳ смритир джнанама апоханама ча  
ведаш ча сарваир ахам эва ведйо  
веданта-қрид веда-вид эва чахам*

***Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудман, хотира, илм ва унутиш Мендан чиқади. Барча Веда(муқаддас китоб)ларнинг мақсади - Мени англаб етиш. "Веданта"нинг ҳақиқий муаллифи ва барча Ведаларнинг билимдони ҳам - Менман.***

Изоҳ: Парвардигор Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлиб, айнан Унинг Ўзи ҳар бир тирик мавжудотни турлича фаолият кўрсатишга ундайди. Тирик мавжудот ўзининг ўтган ҳаётини бутунлай унутиб юборади, аммо ҳамиша унинг гувоҳи бўлиб юрган Парвардигор(Параматма)нинг кўрсатмаси билан, аввалги ҳаётида қилган ишларини бу ҳаётида давом эттириш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун бу ҳаётида ўзининг аввалги ҳаётида тўплаган кармаси асосида ҳаракат қила бошлайди. Парвардигор бунинг учун унга етарли хотира ва тафаккур ато этади, аввалги ҳаётини унутиш имконини беради. Шундай қилиб, Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлибгина қолмасдан, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам намоён бўлиб, уни ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларининг натижасини, оқибатларини бошидан кечиришга мажбур қилади. Худога фақат Брахман, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд Параматма, Худонинг Олий Шахси сифатида эмас, балки Ведалар кўринишида ҳам сиғинадилар. Ведалар, яъни муқаддас китоблар одамларга умрининг охирида Худонинг даргоҳига қайтиш учун ҳаётда қандай яшаш лозимлиги ҳақида тўғри йўл кўрсатадилар. Ведалар бизга Худо Шахси Шри Кришна ҳақида

маълумот беради, Кришнанинг Ўзи, Вйасадева қиёфасида "Веданта-сутра"нинг муаллифи ҳисобланади. "Веданта-сутра"га "Шримад Бҳагаватам" кўринишида изоҳ ёзиб, Вйасадева унинг мазмунини тўғри тушунтириб берган. Парвардигор шу қадар улуғворки, шартланган руҳларни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқариш учун Ўзи уларни озиқ-овқат билан таъминлайди, Ўзи шу овқатларни ҳазм қилишда уларга ёрдамлашади, Ўзи тирик мавжудотларнинг ҳаракатини назорат қилиб туради, Ўзи Ведалар, муқаддас китоблар кўринишида одамларга ҳаёт ҳақида тўғри маълумотлар беради ва Ўзи, Худонинг Олий Шахси Кришна қиёфасида "Бҳагавад-Гита"ни бевосита нозил қилиш учун инсонлар орасига ташриф буюради. Ана шуларнинг барчаси Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга чексиз меҳрибон ва раҳмдил эканидан далолат беради. Шунинг учун барча шартланган руҳлар албатта ягона Парвардигор Кришнани англаб Унга сажда қилиб сиғинишлари лозим.

*Антаҳ-правиштаҳ шаста джананам.* Ўзининг аввалги танасини тарк этиб, тирик мавжудот шу танаси билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборади, Парвардигорнинг ундови билан у ўзининг янги танасига мос ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Гарчи, тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида деярли ҳеч нарсани эслай олмаса-да, Парвардигор тирик мавжудотга унинг фаолияти қаерда тўхтаган бўлса, шу жойидан бошлаб давом эттириш учун етарли бўлган ақл-идрок ато этади. Бунинг устига, қалбида ҳам мавжуд бўлган Худонинг амри билан тирик мавжудот моддий оламдаги ҳаётдан лаззатланиб ёки мусибатлардан қийналибгина қолмасдан, Парвардигор ато этган ақл-идрок ёрдамида Худонинг Ўзи нозил қилиб қўйган муқаддас китобларни, Ведаларни англаб олиш имкониятига эга бўлади. Ведалар илмини эгаллашга жиддий ҳаракат қилаётган, Худони англашга самимий интилаётган кишига Кришна етарли даражада ақл-идрок, тафаккур ато этади. Нимага У одамларга ведавий илмларни беради? Чунки ҳар бир тирик мавжудот албатта Кришнани англаб етиши лозим. Ведаларнинг ўзи буни тасдиқлайди: *йо "сау сарваир ведаир гийате*. Азалий тўрт ведадан бошлаб барча муқаддас китоблар, "Веданта-сутра", Упанишадалар, Пураналаргача ягона Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлайдилар. Ведавий кўрсатмалар асосида қурбонлик маросими ўтказиб, Ведалар илмини муҳокама қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худога сиғиниб юрган шартланган руҳ умрининг охирида Худонинг даргоҳига қайтишга муносиб бўлади. Шундай қилиб, Ведаларнинг мақсади - Кришнани англаб етишдан иборат. Ведаларда берилган кўрсатмаларга амал қилиб яшаш натижасида биз Кришнани англаб оламиз, Унинг даргоҳига олиб борадиган йўлни кўра оламиз. Охириги мақсад - Худонинг Олий Шахсини англаб етишдир. "Веданта-сутра"(1.1.4)да шундай дейилган: *тат ту саманвайат*. Рухий юксалиш йўлида одам уч поғонани босиб ўтади. Ведаларни ўрганиш натижасида одам ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини билиб олади. Инсон рухий юксалиш жараёнидаги ҳар хил рухий амаллар билан машғул бўлиб Худога яқинлашади, охир-окибатда ҳаётда энг олий мақсадга - Худо-

нинг Олий Шахсига эришади. Бу шеърда Ведаларнинг вазифаси, ведавий илмни эгаллаш усули, уларнинг охириги максоди аниқ кўрсатилган.

*16. дѡав имау пурушау локе кишараи чакшара эѡа ча  
кишараѡ сарвани бхутани кута стхо "кишара учйате*

***Тирик мавжудотларнинг икки тури бор: ўзгарувчан ва ўзгармас. Моддий оламдаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ўзгариб турадилар, руҳий оламда яшайдиганлар эса, ҳаммиша ўзгармай қоладилар.***

Изоҳ: Аввал айтганимиздай Парвардигор Вйасадева киёфасида намоён бўлиб "Веданта-сутра"ни яратган. Бу ерда Парвардигор "Веданта-сутра"нинг мазмунини қисқача баён этипти. У айтяптики, сон-саноксиз тирик мавжудотларни икки тоифага бўлиш мумкин: ўзгармас ва ўзгаришларга маҳкум бўлган тирик мавжудотлар. Тирик мавжудотлар ҳаммиша Худонинг Олий Шахсининг мангу ажралмас заррачалари бўлиб қолаверадилар. Улардан моддий оламга тушганларини *джива-бхута* деб атайдилар, бу шеърда ишлатилган *кишараѡ сарвани бхутани* сўзи уларнинг ўзгарувчан эканини кўрсатади. Лекин, Худонинг Олий Шахси билан бирлигини мустаҳкам саклаб қоладиган тирик мавжудотлар ўзгармас тирик мавжудотлар тоифасига киради. "Бирлик" деганда алоҳидаликнинг йўқолиб кетишини эмас, тўла бутундан биратўла ажралиб кетмасликни тушуниш керак. Тирик мавжудотларнинг шу икки тоифаси(шартланган ва озод руҳлар) руҳий ва моддий олам мавжудлигининг қандайдир максоди борлигини белгилайди. Албатта, руҳий олам ҳақида гапирганда "яралмиш" деган тушунчани ишлатиб бўлмайди, лекин "Веданта-сутра"да Парвардигорнинг Ўзи: "ҳам руҳий, ҳам моддий борлиқнинг манбаиман" дегани учун биз бу иборани ишлатяпмиз.

Худонинг Олий Шахси, Кришна таъкидлаганидай, тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади. Бу ҳақиқатни Ведалар ҳам тасдиқлайди, демак, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Моддий оламда беш ҳиссиёти ва ақли билан кураш олиб борадиган тирик мавжудотлар кетма-кет тана алмашлаб юрадилар. Токи тирик мавжудот шартланган ҳолатда бўлар экан, унинг танаси ҳаммиша турли ўзгаришларга учрайди, чунки тана моддий табиатга эга. Модда ҳаммиша ўзгариб туради, шу сабабли тирик мавжудот ҳам ҳаммиша ўзгариб тургандай туюлади. Аммо, руҳий оламда яшайдиган тирик мавжудотларнинг танаси моддий эмас, демак улар ўзгармас табиатга эга. Моддий оламда тирик мавжудотнинг танаси олти хил ўзгаришларга учрайди: туғилади, ўсади, бироз вақт ўзгармай туради, насл қолдиради, сўлади ва ўлади. Лекин, руҳий оламда тирик мавжудотнинг танаси ўзгаришсиз қолади; руҳий оламда туғилиш, кексайиш ва ўлиш йўқ. Руҳий оламда ҳамма нарса ўзгармас, бир хил табиатга эга. *Кишараѡ сарвани бхутани*: модда билан бириккан барча тирик мавжудотлар - яралган мавжудотлардан энг биринчиси

бўлган маъбуд Брахмадан то энг кичик ҳашаротгача - тана алмашлаб юрадилар, шу сабабли уларни "ўзгарувчан" деб атайдилар. Рухий оламда барча тирик мавжудотлар мангу рухий бирликда бўладиган озод руҳлардир.

*17. уттамаҳ пурушас тв анйаҳ параматмети удахритах  
йо лока-трайам авишйа бибхарти авйайа ишварах*

***Тирик мавжудотларнинг бу икки туридан ташқари энг буюк Шахс, Олий Рух, бутун уч олам ичига кирган ва уларнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган мангу Парвардигор ҳам бор.***

Изоҳ: Бу шеърнинг мазмуни "Катха-упанишад"(2.2.13)да ва "Шветашватара-упанишад"(6.13)да жуда яхши тушунтирилган. У ерда айтилганки, бирлари шартланган, яна бирлари озод бўлган сон-саноксиз тирик мавжудотлар устида Олий Шахс, Параматма туради. Упанишадларнинг куйидаги шеърида ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади: *нитйо нитйанам, четанаиш четананам*. Унинг маъноси шундан иборатки, барча тирик мавжудотларнинг - озод ҳамда шартланган руҳларнинг устида яна бир тирик мавжудот, Худонинг Олий Шахси туради. У тирик мавжудотларнинг қилган ишларига мос равишда лаззатланиш имконини бериб, уларнинг барчасига ғамхўрлик қилиб туради. Ана шу - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма кўринишида намоён бўлган Худонинг Олий Шахсидир. Фақат ўз қалбидаги Худони англаб етган донишмандгина қалбининг тўла осойишталигига эриша олади.

*18. йасмат кишарам атито "ҳам акшарад апи чоттамаҳ  
ато "сми локе веде ча пратхитах пурушоттамаҳ*

***Илоҳий табиатли ҳамда энг буюк Зот бўлган ҳолда, Мен ўзгарувчан ва ўзгармас руҳларнинг ҳаммасидан устун тураман, шу боис бутун олам, барча Ведалар Мени "Худонинг Олий Шахси" деб олқишлайдилар.***

Изоҳ: Ҳеч ким - на озод руҳлар, на шартланган руҳлардан бирортаси - Худонинг Олий Шахси Кришнадан устун бўла олмайди. Шунинг учун Уни "энг буюк", "Олий Шахс" деб атайдилар. Мазкур шеърдан маълум бўладики, тирик мавжудотлар ҳам, Худо Шахси ҳам алоҳида шахслардир. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, ҳеч бир тирик мавжудот - хоҳ у озод руҳ, хоҳ шартланган руҳ бўлсин, миқдор жиҳатдан Парвардигорнинг англаб бўлмас қудратли қувватларидан устун бўлолмайди. Худонинг Олий Шахси билан бошқа тирик мавжудотларни ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг ёки бир қаторда туради деб ҳисоблаш умуман нотўғри. Тирик мавжудотлар ҳамиша бўйсунган ҳолатда бўладилар, Парвардигор эса - ҳамиша устивор, ҳукмрон ҳолатда бўлади. Бу ерда ишлатилган *уттама* ибораси муҳим аҳамиятга эга: ҳеч ким,

хеч қачон, бирор нарсада Худонинг Олий Шахсидан устун бўлолмайди.

*Локе* ибораси "*науруша агама*(муқаддас китоб)ларда" деган маънони билдиради. "Нирукти" луғатига кўра, *локйате ведартхо "нена*, яъни "Ведаларнинг маъноси смрити-шастраларда тушунтирилган".

Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Ведаларда ҳам таърифланган. Уларнинг бирида(Чхандогйа-упанишад.8.12.3) шундай дейилган: *тавад эша сампрасадо "смач чхарират самуттхайа парам джйоти-рунам сампаджйя свена рупе-набхинишпадйате са уттаман пурушаҳ* - "Танадан ажралган Олий Рух шахсиятсиз Брахмажйотига киради ва шу жойда Ўзининг соф руҳий қиёфасида қолади. Мана шу Олий Рухни "Олий Шахс" деб атайдилар". Демак, Олий Шахс Ўзининг руҳий ёғдусини намоён этиб таратади, ана шу ёғду ҳар қандай ёруғликнинг бошланғич манбаидир. Парвардигорнинг яна бошқа кўриниши ҳам мавжуд: ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Параматма. Ер юзида Сатйавати ва Парашара Мунининг ўғли Вйасадева қиёфасида ҳам намоён бўлиб, ана шу Парвардигорнинг Ўзи одамларга Ведалар илмини нозил қилган.

*19. йо мам эвам асаммудхо джанати пурушоттамам  
са сарва-вид бхаджати мам сарва-бхавена бхарата*

***Мен - Худонинг Олий Шахси эканимга чуқур иймон келтирган киши ҳаётда ҳамма нарсани тўғри тушуниб етган инсондир. Шундай инсон ўзини бутунлай Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди.***

Изоҳ: Тирик мавжудотларнинг ва Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақида ҳар хил фалсафий тасаввурлар бор. Мазкур шеърда Худонинг Ўзи аниқ айтяпти: Кришна - Худонинг Олий Шахси эканига аниқ иймон келтирган киши ҳамма нарсани тўғри тушуниб олган инсон бўлади. Илми мукамал бўлмаган киши Мутлақ Ҳақиқат тўғрисида фақат тахмин қилиши мумкин. Аммо, мукамал илмга эга бўлган киши ўзининг қимматли вақтини бекорга кетказиб ўтирмай, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлади. Бутун "Бҳагавад-Гита" бўйича мана шу фикр устивор ўрин эгаллайди. Шунга қарамай, "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзадиган кўпчилик олимлар тирик мавжудот билан Мутлақ Ҳақиқатни тенглаштиришда давом этавердилар.

Ведавий илмни *шрути* деб атайдилар - бу илмни тинглаш орқали эгаллаш лозим. Ведавий донишмандлик илмини фақат Кришна ёки Унинг ҳақиқий вакили бўлган ишонарли манбалардан ўрганиш лозим. Бу ерда Кришна руҳий илмни батафсил тушунтириб берапти, биз Унинг сўзларини тинглаб, шу илмни ўзлаштириб олишимиз лозим. Лекин, бунда шунчаки тинглашнинг ўзи камлик қилади. Чўчкалар ҳам тинглаш қобилятига эга.

Ҳар ким ўзининг фикрлаш қобилиятига қараб эмас, балки билимдон инсонларнинг изоҳларини тинглаб, "Бхагавад-Гита"нинг мазмунини тўғри англаб олиши керак. Биз камтарин ҳолда "Бхагавад-Гита"ни тинглашимиз, тирик мавжу дотлар ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида эканини тан олишимиз лозим. Шу ҳақиқатни тушуниб етган киши Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг фикрига кўра Ведаларнинг мазмунини тўлиқ англаб етган инсон ҳисобланади. Бошқа одамлар буни тушуна олмайдилар.

Бу ерда ишлатилган *бхажати* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Уни кўпинча Худога садоқат билан хизмат қилишни ифодалашда ишлатадилар. Агар одам Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган бўлса, демак у - Ведалар илмини тўлиқ англаб етган инсон. Вайшнав-ачарйаларнинг фикрларига кўра Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Мутлақ Ҳақиқатни англаш учун бошқа усуллардан фойдаланишининг ҳожати йўқ. Ундай инсон аллақачон Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган бўлади, чунки у Худога садоқат билан хизмат қиляпти. У руҳий ўзлигини англашнинг аввалги ҳамма босқичларини аллақачон босиб ўтган. Агар одам юз минг йиллар давомида умрини фалсафий изланишларга сарфлаган бўлса-ю, лекин Шри Кришна - у бўйсунуши ва сиғинуши лозим бўлган Худонинг Олий Шахси эканини англаб етмаган бўлса, демак умрининг шунча йилларини сарфлаб эгаллаган фалсафий изланишлари унга ҳеч қандай натижа бермаган, у шунчаки умрини бекорга хазон қилиб юрган ғофил одам бўлиб қолаверади.

*20. ити гухйатамам шастрам идам уктам майанагха  
этад буддхва буддхиман сйат крита-критйаиш ча бхарата*

***Эй бегуноҳ зот, Мен сенга Ведалар илмининг энг маҳфий сирини ошкор этдим. Унинг маъносини англай олган киши донишмандлик илмини тўлиқ эгаллаган инсондир. Бу йўлдаги меҳнатлари уни албатта баркамоллик чўққисига эриштиради.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор айтяптики, Унинг ҳозир баён етган илми - барча муқаддас китобларда нозил қилинган илмларнинг асосий мазмуни ҳисобланади. Бу илми Худо Шахсининг Ўзи қандай нозил қилган бўлса шундайлигича, асл ҳолида қабул қилиш керак. Фақат шундагина инсон етарли тафаккурга ва мукамал руҳий илмга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мана шу фалсафани - Худонинг Олий Шахсининг таълимотини эгаллаб олиб, Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиб яшаш орқали инсон моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай халос бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий илм олиш йўлидир. Худога садоқат билан хизмат қилиш бор жойда моддий иллатларга ўрин қолмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни билан Парвардигорнинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди, чунки Парвардигорнинг Ўзи ҳам, Унга садоқат билан хизмат

қилиш жараёни ҳам бир хилда илоҳий табиатга эга; яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни Парвардигорнинг ички, руҳий қувватининг таъсири доирасида амалга ошадиган илоҳий жараёндир. Парвардигорни қуёшга, ғофилликни эса - зулматга қиёслайдилар. Қуёш порлаб турган жойда зулмат бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни ҳар қандай ғофиллик зулматини ёритиб юборади.

Ҳар бир инсон қалби биратўла покланиб, донишмандлик илмини эгаллаш учун ҳаётда Кришна онги билан яшаши, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Содда, ғофил одамларнинг кўзига қанчалик ақлли, доно бўлиб кўринмасин, Кришнанинг илоҳий табиатини тушунмайдиган, Унга садоқат билан хизмат қилмайдиган киши ақли-паст, тафаккури мукаммал бўлмаган калтафаҳм одамлигича қолаверади.

Бу ерда Кришна Аржунни бекорга *анагха* деб атаётгани йўқ. *Анагха* ибораси "беғуноҳ" деган маънони билдиради. Бу шундан далолат берадики, токи инсон ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлмас экан, унинг Кришнани англаб етиши жуда мушкул бўлади. Фақат барча моддий иллатлардан халос бўлган, ўзининг барча бемаъни одатларидан, гуноҳ ишларга интилишдан покланган кишигина Парвардигорни англай олади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар пок ва қудратлики, бу фаолиятнинг ўзиёқ инсонни тезда пок ва беғуноҳ поғонага кўтариб қўяди.

Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган соф содиқлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳар хил номаъқул ишлардан ўзини бутунлай тийиб юриши лозим. Унинг энгиб ўтиши лозим бўлган энг асосий қийинчилиги - юрагининг ожизлиги, иродасизлигидир. Тирик мавжудотнинг аввал бошда бу моддий оламга тушишига сабаб бўлган нарса - унинг моддий оламга ҳукмронлик қилиш истагидир. Бу - юрак ожизлигининг намоён бўлган биринчи кўриниши ҳисобланади. Натижада у Худога муҳаббат билан хизмат қилмай қўяди. Юрак ожизлигининг намоён бўлган иккинчи кўриниши шундан иборатки, моддий табиат устидан ҳукмрон бўлиш истаги кучая борган сари, тирик мавжудот моддага ва унга эгалик қилишга боғланиб қолади. Шу тариқа намоён бўладиган юракнинг икки хилдаги ожизлиги эса, тирик мавжудотнинг бу дунёдаги барча муаммоларининг асосий сабабчисидир. Мазкур бобнинг биринчи беш шеърда юрак ожизлигидан кутулиш йўллари кўрсатилган, олтинчи шеърдан то охиригача эса пурушоттама-йогога бағишланган.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Пурушоттама-його - Олий Шахс йогаси" деб аталган ўн бешинчи бобида Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланди.*

## **Ўн олтинчи боб.**

### **Илоҳларга ва иблисларга хос фазилатлар**

1-3. *ири бхагаван увача*

*абхайам саттва-самиуддхир джнана-йога-вйавастхитиҳ  
данам дамаш ча йаджнашча свадхйайас тапа арджавам  
ахимса сатйам акродхас тйагаҳ шантир апаишунам  
дайа бхутешв алолуптвам мардавам хрир ачапалам  
теджаҳ кшама дхритиҳ шаучам адрохо нати-манита  
бхаванти сампадам дайвим абхиджасатйа бхарата*

**Худонинг Олий Шахси деди:** *Жасорат, ҳаётини поклаш, руҳий илм ўрганиш, хайр-саховат кўрсатиш, ҳиссиёт(нафс)ни, жиловлаш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиш, соддалик, зулм қилмаслик(беозорлик), ростгўйлик, газабланмаслик, бирор нарсага боғланмаслик, хотиржамлик, бировларни зийбат қилмаслик, барча тирик мавжудотларга меҳр-шафқатли бўлиш, қизганмаслик, мулойимлик, камтарлик, қатъият, шижоат, кечиримлилик, чидамлилик, ҳалоллик, ҳасад қилмаслик, шон-шухратга интилмалик, бошқалардан ўзига илтифот кутмаслик; эй Бхарат ўгли, тақводор инсонларга илоҳий*



## ***табиат ато этган эзгу фазилатлар мана шулардан иборат.***

Изоҳ: Ўн бешинчи бобнинг бошида Кришна Аржунга моддий оламдаги банйан дарахти ҳақида гапириб берган эди. Шу дарахтнинг юқорига қараган илдишлари тирик мавжудотларнинг гуноҳ ва савоб ишлардан иборат фаолиятини тасвирлайди. Тўққизинчи бобда ҳам *дева*(фаришталар ва *асур*(иймонсиз-иблис)лар ҳақида айтиб ўтилган эди. Ведалар таълимотига кўра, эзгулик гунасида амалга оширилган фаолият тирик мавжудотнинг руҳий озодликка чиқишига ёрдам беради, шундай фаолиятни *даиви пракрити*, яъни "илоҳий табиатга эга бўлган фаолият" деб айтадилар. Илоҳий табиатга эга бўлган зотлар ҳаётда озодликка олиб боровчи йўлдан борадилар. Аксинча, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган кишилар моддий тутқунликдан халос бўлиш ва руҳий озодликка эришиш имкониятидан маҳрум бўлган одамлардир. Улар яна инсон ёки ҳайвон танасида ёки ундан ҳам пастроқ мавжудотлар танасида туғилиб, моддий оламда қолиб кетишга мажбур бўладилар. Ўн олтинчи бобда Кришна илоҳий ва иблиссифат табиатга эга одамларга хос бўлган сифатлар ҳақида гапириб беради. У ҳаётда шундай сифатларга эга бўлиб яшаш инсонни қандай оқибатларга олиб келишини ҳам тушунтиради.

Бу ерда ишлатилган *абхижата*сйа ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора туғилганиданок трансцендент, илоҳий сифатларга эга бўлган одамларни билдиради. Илоҳий сифатлар ато этилган фарзанд дунёга келтириш учун ҳар бир ота-она ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган *гарбхадхана-самскара* покланиш маросими ўтказишлари лозим. Агар ота-оналар илоҳий фазилатларга эга бўладиган такводор фарзандни дунёга келтирмоқчи бўлсалар Ведаларда, муқаддас китобларда инсонлар учун белгиланган ўн турли покланиш маросимларини ўтказишлари лозим. "Бҳагавад-Гита"да айтилган эдики, фарзанд кўриш ниятида амалга ошириладиган жинсий алоқада Кришнанинг Ўзи намоён бўлади. Агар жинсий алоқа қилишдан мақсад Кришнага хизмат қилиш, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайдиган имонли, такводор фарзандни дунёга келтириш бўлса, бундай жинсий алоқа гуноҳ иш ҳисобланмайди.

Ҳаётда Кришнани англашга интилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар ҳеч бўлмаганда ўз фарзандларини ит ва мушукларга ўхшаб, ҳеч қандай покланиш маросими ўтказмасдан дунёга келтирмасликлари керак. Дунёга келган кундан бошлаб фарзандига ҳамшиша Худони эслаб юриш имконини берадиган шароит яратишга қўлидан келганча ҳаракат қилиш - ҳар бир ота-онанинг Парвардигор олдидаги, ўз фарзанди олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади. Бошқалардан фарқли равишда, Кришна онгига эга бўлган содиқларнинг фарзандлари ҳаётда ана шундай афзалликка эга бўлишлари керак.

Қиладиган ишлари ва эгаллаган мартабасига қараб жамиятдаги одамларни тўрт табақа ва тўрт турли турмуш тарзига ажратадиган варнашрама тизими уларни келиб-чиқишига қараб эмас, сифатлари ва онгининг ривожла-

ниш даражасига, қобилиятига, илм даражасига қараб табақаларга - варна ва ашрамларга ажратади. Жамиятда тинчлик ва фаровонлик бўлиши учун одамлар албатта ана шундай табақаларга бўлиниб яшаши керак. Бу ерда санаб ўтилган сифатлар “илоҳий сифатлар” деб аталган. Ана шундай сифатларга эга бўлган киши руҳий жиҳатдан юксалади ва охир-оқибатда моддий оламни тарк этиб, руҳий озодликка эриша олади.

Варнашрама тизимида *саннийаси*, яъни таркидунё қилган зоҳид жамият руҳий ҳаётининг тепасида туради. *Саннийаси* жамиятдаги барча табақа ва турли ҳаёт тарзида яшаб юрган одамларнинг руҳий устози ҳисобланади. Брахманлар қолган уч табақа одамларнинг - кшатрий, вайшья ва шудраларнинг руҳий устози ҳисобланади. Жамиятда маънавий ҳаёт зинапоясининг энг юқори поғонасида турган саннийасилар ҳатто брахманларнинг ҳам руҳий устози ҳисобландилар. *Саннийаси* эга бўлиши лозим бўлган энг асосий фазилат - жасорат, кўркмасликдир. *Саннийаси* ёлғиз ўзи, бошқа бирор одамнинг ёрдамисиз, ҳеч кимнинг кафолатисиз, ҳеч кимга қарам бўлмасдан, мустақил, эркин инсон бўлгани сабабли, у фақат Худонинг марҳаматиға таваккал қилиб яшайди. Токи инсоннинг қалбида: "Оиламни тарк этгандан кейин ким менга ғамхўрлик қилади?" - деган ўйлар бўлар экан у таркидунёлик қилиб яшашга, саннийаси бўлишга қасам ичмаслиги керак. *Саннийаси* Парвардигор Параматма қиёфасида ҳамиша ўзининг қалбида мавжуд эканиға, У қалбимиздаги барча ниёт ва фикрларимиздан хабардор эканиға шак-шубҳасиз, чуқур иймон билан ишонадиган инсон бўлиши лозим. Параматма қиёфасидаги Шри Кришна ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган кишини албатта Ўз ҳимоясига олишиға саннийаси тўлиқ иймон келтириши лозим. "Мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман - деб ўйлаши керак саннийаси, - ҳатто энг қалин ўрмонда ҳам Кришна ҳамиша ёнимда бўлади, У мени ҳеч қачон ҳимоясиз, ноилож аҳволда қолдирмайди". Ана шундай қатъий ишончни жасорат, *абхайам* деб атайдилар. Таркидунё қилган одамнинг ақли ҳамиша ана шундай ҳолатда бўлиши керак.

Бундан ташқари саннийаси ҳамиша пок, ҳалол кун кечириши керак. Таркидунё қилган одамларнинг ҳаёти жуда кўп қоида ва кўрсатмалар билан тартибга солиниб, чеклаб қўйилган. Уларнинг ичида энг муҳими - аёллар билан яқин алоқа қилиш бутунлай таъқиқлангандир. Саннийасининг аёллар билан ҳатто ёлғиз қолиб гаплашишга ҳам ҳаққи йўқ. Ҳақиқий, намунали саннийаси бўлган Парвардигор Чаитанья Пурида яшаган пайтида, ҳатто содиқлар орасидаги аёллар учун ҳам Унга эҳтиром кўрсатиб сажда қилиш учун яқин бориш таъқиқланган эди. Улар Парвардигор Чаитаньядан анча узоқда туриб сажда қилардилар. У аёллардан нафратлангани учун эмас, шунчаки саннийаси турмуш тарзининг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшагани учун шундай қиларди. Инсон ҳалол ҳаёт кечириши учун ўзи мансуб бўлган табақа ва турмуш тарзининг қоидаларига тўла амал қилиб яшаши лозим. Саннийасиларға аёллар билан яқин муносабатда бўлиш, бой-бадавлат бўлиб роҳат-фароғатда яшаш қатъий ман қилинган. Парвардигор Чаитаньянинг Ўзи намунали *саннийаси* бўлиб яшашни Ўзининг ҳаёти мисолида кўрсатиб кетган

эди, Унинг ҳаёти ҳақида ёзилган асарлардан биламизки, аёлларга нисбатан бўлган муносабатларда У Ўзига нисбатан жуда каттиққўл бўлган. Гарчи, Уни "ҳатто энг осий одамларга ҳам Ўзига яқинлашиш имконини берган Парвардигорнинг намоён бўлган энг саховатли кўриниши" деб атасалар-да, У аёлларга нисбатан саннийасилар учун белгиланган қоидага қатъий амал қиларди. Парвардигор Чаитаняннинг яқин ҳамроҳлари орасида Чхота Харидас деган *саннийаси* бор эди. У Чаитаня Махапрабхунинг ишонган одамларидан бири бўлиб, Парвардигор Чаитаня билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга эди. Кунларнинг бирида у ногаҳон бир ёш жувонга шаҳвоний ҳирс билан нигоҳ ташлаб қўйди. Парвардигор Чаитаня шу заҳотиёқ уни Ўзининг яқин ҳамроҳлари даврасидан четлатди. Бунга унинг биттагина шу қилмиши кифоя эди. "*Саннийаси* ёки моддий табиат тутқунлигидан халос бўлишга, руҳий оламга, ўзининг мангу уйига қайтишга жиддий интилаётган киши учун - деган эди Парвардигор Чаитаня - лаззатланиш ниятида аёлларга ёки қандайдир бошқа моддий бойликларга қараш, улар билан лаззатланиш эмас, ҳатто уларга шунчаки эҳтирос билан қараб қўйиш ҳам шу қадар оғир гуноҳки, қалбида бундай жирканч фикрлар пайдо бўлишига йўл қўйгандан кўра у ўзини ўзи ўлдиргани маъқул". Ўзининг ҳаётини, руҳни поклашнинг баҳоси, кадр-қиймати ана шундай. Илоҳий сифатларнинг навбатдагиси *джнана-йога-вайавастхити* - яъни, ақли ҳақиқатни англаб етишда мужассам қилишдир. *Саннийаси* ўзининг бутун ҳаётини - "инсон бўлиб яшашдан мақсад руҳий баркамолликка эришиш" эканини унутиб қўйган оддий, оилали одамларга ҳақиқат илмини ўргатишга бағишлаши лозим. Ҳақиқатан ҳам руҳий жиҳатдан юксак даражага эришган инсоннинг энг асосий сифатларидан бири камтарлик, итоаткорлик ҳисобланади. Саннийаси ҳар бир эшик остонасига бош уриб, одамлардан хайр-эхсон сўраши лозим, яъни бу - у тиланчи, гадей бўлиши шарт дегани эмас. У уй эгасидан бирор нарса олиш ниятида эмас, аксинча уй эгаси билан учрашиб, унга инсон бўлиб яшашнинг мақсади ҳақида, руҳий ўзликни, Худони англаш илми ҳақида гапириб бериш, уларга Худони эслатиб қўйиш учун эшик қоқади. Шунинг учун ҳам саннийаси камтарин ҳолда ҳар бир остонага бош уради. Саннийасининг бурчи шуни тақозо этади. Руҳий юксалишда юқори поғонага кўтарилган, руҳий устозидан зарур кўрсатма олган киши мантиқ ва фалсафага асосланган ҳолда Худони англаш илмини ғофил одамларга ўргатиши лозим, лекин ҳали ундай даражага эришмаган киши таркидунёлик қилиб яшашга қасам ичмаслиги керак. Агар одам ҳали тўлиқ илмга эга бўлмаса ҳам, барибир саннийаси турмуш тарзида яшашга қасам ичган бўлса, у ҳақиқий руҳий устозининг гапларини тинглаб, тўлиқ руҳий илм эгаллашга кўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Шундай қилиб саннийаси, таркидунё қилган киши, жасур, пок(*самтва-самшуддха*) бўлиши ва илм ўрганиш (гйана-йога) билан машғул бўлиши лозим.

Навбатдаги сифат - эзгу, хайрли ишлар қилиш. Бу оилали одамларнинг бурчи, уларнинг жамият олдидаги вазифасидир. Оилали одам тирикчилик қилиш учун ҳалол меҳнат қилиб пул топиши, топган пулининг ярмини бутун жаҳонга Худони англаш илмини тарқатиш, атрофидаги одамларни ҳам ий-

мон-эйтиқодли қилиш йўлида сарфлаши лозим. Бунинг учун у ҳалол йўл билан топган пулининг ярмини дуч келган одамларга эмас, одамларга Худо-ни англаш илмини ўргатиш билан шуғулланадиган ташкилотларга бериши лозим. Хайрли ишларнинг тури кўп, улар ҳақида ҳали батафсил тўхталиб ўтамиз. Хайрли ишлар ҳам эзгулик гунасида, эҳтирос ёки ғафлат гунасида бўлиши мумкин. Муқаддас китоблар бизга эзгулик гунасига хос бўлган хайрли ишларни бажаришни тавсия қилади. Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги хайрли ишлардан узоқроқ юришга ҳаракат қилиш керак, чунки уларга сарфланган маблағ, вақт ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Хайрли ишлар қилмоқчи бўлган фаросатли, илмли одам ўз маблағини фақат одамларга Худо ҳақида тўғри, ҳақиқий илм ўргатадиган ишларга сарфлаши лозим. Мана шу - эзгулик гунасидаги хайрли, савоб ишлар ҳисобланади.

Ҳиссиётни жиловлаб олиш (*дама*)га келсак, бу сифат жамиятнинг барча табақа ва турмуш тарзидагилар, айниқса оилали одамлар учун зарур бўлган сифат ҳисобланади. Уйда хотини билан яшар экан, оилали одам заруратсиз жинсий алоқа қилмаслиги, ўзининг жинсий ҳаётини чеклаб яшаши керак. Оилали одам хотини билан фақат биргина мақсадда - фарзанд кўриш мақсадидагина жинсий алоқа қилиши мумкин. Фарзанд кўришни истамаган киши хотини билан умуман жинсий алоқа қилмаслиги керак. Ҳозирги замонавий жамиятда одамлар фарзанд туғилиши билан боғлиқ бўлган масъулиятни ўз гарданига олишдан қочиб, фарзанд туғилмаслиги учун ҳар хил дорилардан, аксарият ҳолларда бешафқат, тажовузкор усуллардан фойдаландилар. Бундай ёвуз иш(аборт)лар иблисларга хос табиатли, шафқатсиз йирткич одамларнинг амалларидир. Агар одам ҳатто оилали бўлишига қарамай руҳий юксалиш йўлидан бормоқчи бўлса, у ўзининг жинсий ҳаётини чеклаши, фақат Худога хизмат қилиш ниятидагина фарзанд кўришга интилиши керак. Қришнани англаб етадиган, Худога садоқат билан хизмат қиладиган фарзандларни дунёга келтиришга қодир бўлган киши юзлаб фарзандларни дунёга келтириши мумкин, аммо бунга қодир бўлмаган киши ўз ҳиссиётининг кули бўлиб, фақат лаззат олиш учун жинсий алоқа қилмаслиги керак.

Ҳар хил қурбонлик маросимларини ҳам оилали одамлар ўтказишлари лозим, чунки бунинг учун одатда жуда кўп маблағ керак бўлади. Бошқа турмуш тарзи билан яшаб юрган Браҳмачарий, ванапрастха ва саннийасилар бошқа одамлар берган садақа, хайр-эҳсон билан кун кўрадилар, уларда қурбонлик маросими ўтказиш учун маблағ бўлмайди. Шу сабабли ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиш - оилали одамларнинг иши. Ведаларнинг кўрсатмаларига биноан, оилали одамлар *агни-хотра* қурбонлик маросими ўтказиши лозим, лекин бундай қурбонлик маросимига жуда кўп маблағ керак бўлади, шунинг учун ҳозирги даврдаги аксарият одамларнинг бунга қурби етмайди. Биз яшаётган ҳозирги даврда энг яхши қурбонлик маросими *санкиртана-яғйа* ҳисобланади. *Санкиртана-яғйа*, яъни биргаликда Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини куйлаш энг самарали, энг буюк ва энг арзон қурбонлик маросими ҳисобланади. Бундан

маросимни ҳар бир инсон ўтказиши мумкин ва ҳар ким бундан чексиз савоб олади. Шундай қилиб хайрли ишлар, ҳиссиётларни жиловлаш ва қурбонлик маросими ўтказиш оилали одамларнинг вазифаси ҳисобланади.

*Свадхйайя*, яъни Ведаларни ўрганиш. Одатда Ведаларни шогирдлик даврида, яъни Браҳмачарий турмуш тарзида ўрганадилар. Браҳмачарий аёллар билан умуман алоқа қилмаслиги керак. Улар жинсий поклигини сақлаб, ақл-идрокини Ведаларни ўрганишда мужассам қилиши лозим, бу уларнинг руҳий илмни чуқур эгаллашига ёрдам беради. Ана шу *свадхйайя* деб аталади.

*Танас*, яъни риёзат, оиласини тарк этган одамларнинг иши. Инсон то умрининг охиригача оиласида қолиб, роҳат-фароғатда яшамаслиги керак. Инсон ҳаёти тўрт босқичдан ўтишини эсда сақлаш лозим: Браҳмачарйя, грихастха, ванапрастха ва саннийаси. Оилада яшаш даври тугагандан кейин инсон оила ташвишларни тарк этиши лозим. Агар инсоннинг умри тахминан юз йил бўлса, у биринчи йигирма беш йилини Ведалар илмини ўрганишга, кейинги йигирма беш йилини оилавий турмушга, кейин оилавий ишларни тарк этиб, йигирма беш йил давомида *вананпрастха* турмуш тарзида яшаши, кейин саннийаси, яъни таркидунёлик турмуш тарзига ўтиши лозим. Ведавий қонунлар асосида тузилган маданиятли жамиятда инсоннинг руҳий юксалиш жараёнини тартибга соладиган кўрсатмалар шулардан иборат.

Оилавий ишларни тарк этган киши танасини, ақлини ва тилини жиловлаб олиш учун риёзат чекиб яшаши лозим. Тапасйанинг мазмуни шундан иборат. Умуман *Варнашрама-дхарма* тизими жамиятда одамларнинг риёзат чекиб яшаши учун уларнинг ҳаётини тартибга солади. Риёзатсиз ҳеч ким моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб руҳий озодликка эриша олмайди. "Инсон ҳаётда ўзини ҳеч нарсадан чекламай, хоҳлаган ишини қилиб юравериши мумкин, бу ҳеч қандай ёмон оқибатга олиб келмайди" деб ўргатадиган таълимотни Ведалар ҳам, "Бхагавад-Гита" тасдиқламайди. Бундай таълимотларни издошларининг сонини кўпайтиришга уриниб юрган ҳар хил чаласавод, таъмагир қаллоблар ўйлаб чиқарган. Турли хил чеклаш ва қонунқоидалар одатда одамларни чўчитади. Шунинг учун, дин никоби остида одамларни изидан эргаштиришни кўзлаб юрган ғаламислар ўз издошларидан ҳеч қандай диний қонун-қоидаларга амал қилишни талаб қилмайдилар, ўзлари ҳам ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмайдилар. Лекин Ведалар, муқаддас китоблар буни мутлақо қўллаб-қувватламайди.

Браҳманларнинг "содалик" деган сифатига келсак, бундай сифатга фақат браҳманлар эмас, жамиятнинг барча табақа ва турмуш тарзидаги одамлар ҳам эга бўлишлари лозим. Инсон ҳаётда оддий ва тўғри сўзли, ростгўй бўлиши керак.

*Ахимса*, *беозорлик* қондасига амал қилиш - бирор тирик мавжудотнинг руҳий юксалишига халақит бермай яшашни билдиради. "Танани ўлдирган билан барибир унинг ичидаги руҳ ўлмайди" деган тушунчага асосланиб ҳеч ким "ночор ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг бузилаётган жасадини мазза қилиб есак бўлаверади" деб ўйламаслиги керак. Дон, мева ва суг маҳсулотлари ҳаммага етарли бўлишига қарамай, хозирги одамлар беозор

хайвонларни ёвузлик билан ўлдириб, уларнинг гўштини ейишга одатланиб қолганлар. Аслида, одамлар ўзларининг озикланишга бўлган талабини қондиришлари учун хайвонларни ўлдиришларига ҳеч қандай зарурат йўқ. Бу ҳар бир онгли, фаросатли, маданиятли одамга тааллуқли гап. Бошқа бирор егулик нарса тополмай ночор вазиятга тушиб қолган одам қурбонлик маросими ўтказиб хайвон гўштини ейиши мумкин. Лекин, руҳий юксалиш йўлидан боришга жиддий интилаётган ақл-фаросатли киши, ҳамма жойда етарлича озик-овқат маҳсулотлари бўла туриб, беозор хайвонларнинг ҳаётига ёвузларча тажовуз қилмаслиги керак. Ҳақиқий беозорлик бошқа тирик мавжудотларнинг руҳий юксалиш йўлига ҳалақит бермасликни тақозо этади. Хайвонлар ҳам табиий равишда бир танадан иккинчи танага ўтиб, руҳий юксалиш йўлидан борадилар; ҳали табиий ажали етмасдан олдин уларни ўлдириш билан биз уларнинг руҳий юксалишига ҳалақит берган бўламиз. Агар бирор тирик мавжудот ҳозирги танасида бироз вақт яшагандан кейин ўлдирилса, кармаси оқибатида шу танада яшаши шарт бўлган вақтни охиригача ўтиши учун, у яна шундай танага эга бўлишга мажбур бўлади. Фақат шундан кейингина у навбатдаги танага ўта олади. Шунинг учун ўз нафсимизнинг қули бўлиб, бечора хайвонларни ўлдириш билан уларнинг руҳий юксалишига ҳалақит бермаслигимиз керак. Мана шу *аҳимса*, беозорлик деб аталади.

*Сатйам*. Бу - бирор манфаат кўзлаб, таъмагирлик қилиб, ҳақиқатни яширмасликни билдиради. Ведавий муқаддас китобларда баъзан тушуниш қийин бўлган жойлар учраб туради. Шундай ҳолларда унинг мазмунини албатта тажрибали, ҳақиқий руҳий устоз тушунтириб бериши лозим. Ведаларни ўрганишнинг йўли шундай. *Шрути* ибораси "биладиган кишининг гапини тинглаш" деб аталади. Биз муқаддас китобларнинг мазмунини ўз манфаатимизга, ўз хоҳишимизга мос қилиб ўзгартирмаслигимиз лозим. "Бҳагавад-Гита"нинг асл маъноси бузиб кўрсатилган жуда кўп изоҳлари нашр этилган. Биз одамларга муқаддас китобларнинг ҳақиқий, асл ҳолидаги маъносини тушунтиришимиз лозим, бунга эса фақат ҳақиқий руҳий устозни тинглаш орқали эришиш мумкин.

*Акродха* ибораси ғазабини боса билишни, ғазабланмасликни билдиради. Ҳаётда бирор нарса бизнинг ғашимизга тегаётган пайтларда биз ғазабимизни босишимиз лозим, чунки ғзаби келган одамнинг бутун танаси ҳаром бўлади. Ғзаб ва шаҳвоний ҳирс - эҳтирос гунасининг таъсири остида юзага келади, шунинг учун руҳий юксалиш йўлидан бораётган киши ғзабни босишни ўрганиши лозим. *Апаишунам* ибораси инсон бошқалардан камчилик ахтармаслиги, бекорга уларга дакки бермаслиги лозимлигини кўрсатади. Албатта, ўғри одамни "ўғри" деб айтиш унинг айбини қидириш ҳисобланмайди, лекин тўғри одамни "ўғри" дейиш билан биз уни қаттиқ ҳақорат қилган бўламиз. Бировга ноҳақ тухмат қилиш ўзимизнинг руҳий юксалишимизга жуда катта зарар етказилади. *Хри* дегани, одам жуда камтар бўлиши кераклигини, бошқалар орасида гап-сўз чиқишига, ҳар хил ғийбатларга сабаб бўладиган ножўя ишлар қилмаслиги лозимлигини билдиради. *Ачанапам*, қатъият -

кўзлаган аниқ мақсадига эришиш йўлида учрайдиган ҳар қандай омадсизликлардан ҳафсаласи пир бўлмай, шижоат билан интилишда давом этишга қодир бўлишни билдиради. Қилаётган баъзи бир ишларимизда биз дарров муваффақиятга эриша олмастегимиз мумкин, лекин бундай натижа бизнинг каттиқ пушаймон бўлишимизга сабаб бўлмаслиги керак. Ҳар қандай омадсизлик ва қоқилишларга қарамай, сабот ва чидам билан аниқ белгиланган олий мақсадга интилишда давом этавериш керак.

Бу ерда ишлатилган *теджас* ибораси кшатрийларни назарда тутади. Улар ожизларни ҳимоя қилиш учун жисмоний жиҳатдан кучли бўлишлари лозим. Улар зулм қилишдан бутунлай воз кечмаслиги керак. Зарур бўлганда улар ноҳақ зўравонларга нисбатан адолат билан зулм ишлатишлари керак. Лекин, душманини бошқа йўл билан жиловлай олишга қодир бўлган киши маълум даражада унинг баъзи гуноҳларини кечиритишга ҳам қодир бўлиши керак.

*Шаучам* - поклик. Бизнинг нафақат ақлимиз ва танамиз, ҳатто қилаётган ишларимиз ҳам пок, ҳалол бўлиши керак. Бу талаб айниқса савдосотик билан шуғулланиб юрган одамларга тааллуқли. Улар кўпроқ пул топиш учун ҳеч қачон ҳаром ишлар билан шуғулланмаслиги керак. *Нати-манита*, шон-шуҳратга интилмаслик сифати - шудралар, қора ишчилар, ҳунармандлар эга бўлиши лозим бўлган фазилатдир. Улар шон-шуҳратга интилмаслиги, жамиятда юқори табақаларга кўтарилишга уринмаслиги лозим. Улар ҳамиша жамиятдаги ўзларининг ҳозирги ҳолатидан мамнун бўлиб яшашлари лозим. Шудраларнинг вазифаси - юқори табақадаги кишиларга хизмат қилиш ва шу билан жамиятдаги қонун-қоидаларга риоя қилиб ҳалол яшашдан иборат.

Бу ерда кўрсатилган йигирма олти сифатнинг ҳаммаси илоҳий сифатлар ҳисобланади. Биз жамиятда қайси табақа ва қайси турмуш тарзи билан яшаётганимизга қараб, шунга мос сифатларни ўзимизда ривожлантиришимиз лозим. Агар одамлар онгли равишда ўзларининг жамиятдаги ўрнига қараб, ўзларига мос бўлган эзгу фазилатларни ривожлантиришга ҳаракат қилсалар, ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, вақти келиб улар руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарила оладилар.

*4. дамбо дарпо “бхиманаш ча кродхаҳ парушийам эва ча аджнанам чабхиджатасйа партха сампадам асурим*

***Эй Притхининг ўгли, иблис табиатли одамларнинг сифатлари қуйидагилардан иборат: манманлик, димоғдорлик, мағрурлик, сергазаблик, кўполлик ва гофиллик.***

Изоҳ: Бу ерда инсонни тўппа-тўғри дўзахга олиб борадиган сифатлар кўрсатилган. Гарчи ўзлари ҳеч қандай дин қоидаларига амал қилмасалар ҳам, иблиссифат одамлар одатда ўзларини дин посбонлари, такводор одамлар, руҳий юксалиш тарафдорлари қилиб кўрсатишга уринадилар. Шундай

одамлар одатда ўзининг бойлиги, маълумоти ёки илмий унвони билан гердайдилар. Ўзларига бошқаларнинг сажда қилишларини истаб, гарчи ўзлари бунга мутлако муносиб бўлмасалар ҳам, улар бошқалардан ўзига хурмат-иззат талаб қиладилар. Улар салгина нарсага жаҳли чиқиб, одамлар билан жуда кўпол муомала қиладилар. Улар инсон ҳаётда қандай яшаши лозимлигини, қандай ишлар таъқиқланган эканини билмайдилар. Улар ҳамиша ўзи нафсининг кули бўлиб, ўз хоҳишига қараб иш тутадилар, ҳеч кимни писанд қилмайдилар. Уларга бундай сифатлар табиий равишда - улар ҳали онасининг қорнида пайтидаёқ ато этилган бўлади, ўсиб-улғайиб улар ҳаётда мана шу жирканч сифатларни тўла намоён эта бошлайдилар.

*5. дайви сампад вимокшайа нибандхайасури мата  
ма шучаҳ сампадам дайвим абхиджато “си пандава*

***Илоҳий фазилатлар инсонни озодликка олиб чиқади, иблисларга хос сифатлар эса инсонни қул бўлиб қолишга маҳкум этади. Эй Пандунинг ўгли таишвишланма, чунки тузилганингданоқ сенга илоҳий фазилатлар ато этилган.***

Изоҳ: Кришна Аржунга иблиссифат фазилатлар ато этилмаганини айтиб, унинг кўнглини кўтариб қўйди. Ҳозир унинг жангда қатнашаётгани - ундаги иблисларга хос бўлган сифатларнинг намоён бўлиши эмас, чунки у аввалига жангда қатнашишнинг барча ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилди. У шунча хурмат-эътиборга лойиқ бўлган Бҳишма ва Дрона сингари зотларни ўлдириш мумкинми-йўқми деб, чуқур мулоҳаза юритиб кўрди, демак унинг ҳаракатлари - ғазаб, кўполлик ёки қандайдир осон эришиладиган шон-шухратга интилиш натижаси эмас. Шунинг учун Аржунни иблислар қаторига қўшиб бўлмайди. Жангчи-қшатрий учун душманига қарши ҳалол жангда иштирок этиш - муқаддас бурч, яъни руҳий машғулот ҳисобланади, ўз бурчини бажаришдан бош тортиш эса - иблисларга хос бўлган сифатдир. Шунинг учун Аржуннинг изтироб чекишига мутлако ўрин йўқ. Ўз табақасининг муқаддас китобларда белгиланган қонун-қоидаларига тўла амал қилиб юрган киши илоҳий даражадаги киши ҳисобланади.

*6. двау бхута-саргау локе “смин дайва асура эва ча  
дайво вистарашаҳ прокта асурам партха ме шрину*

***Эй Притхининг ўгли, бу дунёда яратилган тирик мавжудотлар икки тоифага мансуб бўладилар. Уларнинг бир тоифаси “тақводорлар” деб аталади, бошқалари эса имонсиз “иблислар” деб аталади. Мен сенга илоҳий фазилатлар ҳақида батафсил гапириб бердим, энди иблисларга хос бўлган сифатлар ҳақида эшит.***



Изоҳ: Аржунга туғилганиданок илоҳий сифатлар ато этилганини айтиб, Кришна энди иблисларга хос бўлган сифатларни таърифлаб беришга ҳозирланапти. Моддий оламда яшаётган шартланган тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади. Илоҳий табиатга эга бўлган кишилар маълум қонун-қоидалар асосида тақводорлик билан ҳаёт кечирадилар, яъни улар муқаддас китобларнинг ва ишончли руҳий устозларнинг кўрсатмалари асосида яшайдилар. Инсон муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида ўз бурчини бажариб яшаши лозим. Ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввурга эга бўлиш - илоҳийликни билдиради. Муқаддас китобларни тан олмасдан ўз хоҳишига қараб иш тутадиган одамлар эса иймонсиз иблислар, асурлар деб аталади. Инсоннинг қайси тоифага мансуб эканини фақат битта мезон белгилайди: муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш. Ведаларда айтилганки, фаришталар ҳам, иблислар ҳам ягона Одам-Атодан, Праджапатилардан дунёга келганлар. Улар бир-биридан ўзларининг биргина хусусияти билан ажралиб турадилар: бирлари Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшайдилар, бошқа бирлари эса уларга риоя қилмайдилар.

*7. правриттим ча нивриттим ча джана на видур асураҳ  
на шаучам напи чачаро на сатйам тешу видйате*

***Иблис табиатли одамлар ҳаётда инсонга қандай ишлар қилиш буюрилган, қандай ишлар таъқиқланган эканини билмайдилар. Уларда ҳалоллик ҳам, одоб-ахлоқ ҳам, тақводорлик ҳам йўқ.***

Изоҳ: Маданиятли инсонлар яшайдиган жамиятда азалдан қандайдир диний қонун-қоидалар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб келган. Ведаларга амал қиладиган, “арийлар” деб аталадиган, маънавий савияси юксак инсонлар яшайдиган жамиятдаги кишилар диний қоидаларга шу қадар қатъий риоя қилганларки, дин қонунларига амал қилмайдиган ҳар бир одамни улар “иймонсиз иблис” деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун бу ерда айтилганки, иблислар муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини билмайдилар, уларга бўйсунини ҳам истамайдилар. Ҳозирги даврда аксарият одамлар муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини умуман билмайдилар, биладиганлари эса уларга амал қилиб яшашни истамайдилар. Иймонсиз одамларнинг муқаддас китобларга ишончи ҳам йўқ, уларнинг кўрсатмаларига асосланиб яшашни ҳам истамайдилар.

Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосан маданиятли киши танасини ҳамиша пок тутиши, бунинг учун ҳар куни сувда чўмилиб покланиш, тишларни тозалаш, соқол-мўйловни қириш, кийимларни алмаштириб туриш сингари амалларни бажариб яшаши лозим. Ички покликка риоя қилиш учун эса, ҳамиша Худони эслаб юриш, Унинг муқаддас номларини зикр қилиб юриш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,

Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу қоидалар иймонсиз, иблис-сифат одамларга ёқмайди, шу боис улар ҳеч қандай қонунга амал қилишни истамайдилар.

Маданиятли инсоннинг одоб-ахлоқи ҳам маълум қонун-қоида ва кўрсатмалар асосида тартибга солинган. Бу қоидалар "Ману-Самхита" сингари, инсонлар жамияти учун мўлжалланган одоб-ахлоқ қоидалари мажмуаси бўлган муқаддас китобларда келтирилган. Ҳиндистонда ҳанузгача одамлар ана шу қонун-қоидаларга амал қилиб яшайдилар. "Ману-Самхита"да кўрсатилишича, маданиятли жамиятда одамлар ҳеч қачон аёлларни ўз холига эркин ташлаб қўймаслиги керак. Бу - "уларни қулга айлантириш керак" дегани эмас. Мутлақо. Аксинча, аёлларни худди ёш болалардай авайлаб-асраш керак. Маълумки, болаларга тўла эркинлик бермайдилар, лекин бу уларни қул қилиб қўйиш дегани эмас.

Ҳозирги замонда иймонсиз иблислар бундай кўрсатмаларга амал қилмайдилар, улар "аёллар ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши керак" деб даъво қиладилар. Лекин кўряпмизки, бу билан жамиятдаги одамларнинг, айниқса аёлларнинг аҳволи бирор жиҳатдан яхшилангани йўқ. Аслида аёл ўз умрининг ҳар бир поғонасида кимнингдир ишончли ҳимояси остида бўлиши керак. У ёшлигида отасининг ҳимоясида, эрга чиққанидан кейин - эрининг, кексайганида эса - ўғилларининг қўли остида бўлиши лозим. "Ману-самхита"да маданиятли инсонлар жамияти айнан шундай тартибда бўлиши кераклиги айтилган. Лекин, ҳозирги даврда таълим-тарбия тизимида болаларга "намунали аёл" сифатида табиати умуман аёл табиатига мос келмайдиган хулқ-атворли, мағрур, мустикал аёлни кўрсатилади. Натижада ҳозирги даврга келиб жамиятда муқаддас никоҳ маросимининг ҳеч қандай аҳамияти қолмаган. Эри бор аёлларнинг аҳволи жамиятда бироз ҳимояланган бўлса ҳам, аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишини талаб қилаётган замонавий жамиятда ёлғиз аёлларнинг моддий ва маънавий ҳолати жуда ачинарли аҳволда. Шундай қилиб, иблислар муқаддас китобларнинг ҳар томонлама соғлом жамият қуришга мўлжалланган мукамал қонун-қоидаларига амал қилишни истамайдилар. Буюк донишмандларнинг, ишонарли устозларнинг ҳаёт тажрибаларини тан олмаслик, уларнинг кўрсатмаларига риоя қилмаслик билан иймонсиз иблислар инсонлар жамиятини жаҳолат ботқоғига ботириб, ҳозир ўзингиз кўриб турган жуда ачинарли аҳволга солиб, уни маънавий жарлик ёқасига олиб келдилар.

*8. асатйам апрашитхам те джагад ахур анишварам  
апараспара-самбхутам ким аният кама-хайтукам*

***Уларнинг фикрича бу дунё ҳақиқий дунё эмас, унинг ҳеч қандай асоси йўқ, оламни бошқариб турган ягона Парвардигор ҳам йўқ. Улар: "Бу олам жинсларнинг бир-бирига ўзаро интилиши натижасида пайдо бўлган, олам мавжудлигининг шахвоний ҳирсдан***

## **бошқа сабаби йўқ" - деб ўйлайдилар.**

Изоҳ: Ғофиллиги сабабли иблислар: "Бутун олам шунчаки тасодифан пайдо бўлган нарса" деган хулосага келадилар. Уларнинг фикрича бутун борлик ҳеч қандай сабабсиз, оқибатсиз, мақсадсиз ва ҳатто ҳеч қандай ҳукмдорсиз ўзидан-ўзи мавжуд бўлиб турибди: бу ердаги ҳамма нарса мавҳум, сароб. Улар: "Олам моддий унсурларнинг тасодифий бирикиши натижасида пайдо бўлган" деб ҳисоблайдилар. Бу моддий оламни Парвардигор маълум бир белгиланган мақсад билан яратиб қўйгани уларнинг ҳатто хаёлига ҳам келмайди. Уларнинг таълимотига кўра, бутун борлик ўзидан-ўзи пайдо бўлган, уни бошқариб турган қандайдир Худонинг мавжудлигига ишонишнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Руҳ моддадан фарқ қилмайди, ҳеч қандай Олий Руҳ ҳам йўқ. Моддий унсурлардан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, бутун борлик жонсиз, онгсиз моддий унсурлар бирикмаси, холос. Уларнинг фикрича олам бўшлиқдан иборат, биз кўриб, сезиб юрган нарсалар эса - хом-хаёл, сароб. Бунда улар "ҳар қандай ранг-баранглик - худди биз тушимизда содир қиладиган ранг-баранглик сингари, - аслида мавжуд бўлмаган, хаёлий нарсалар" деган тушунчага асосланадилар. Уйғонганимиздан кейин биз буларнинг барчаси шунчаки туш эканини кўрамиз. Лекин, одамларга оламни туш, алдамчи сароб, деб эълон қила туриб, иблисларнинг ўзлари ана шу алдамчи, сароб нарсалардан усталик билан лаззатланиб яшашга интиладилар. Шу боис, ҳақиқий илм ўрганиш ўрнига улар инсон танаси берадиган нодир имкониятни бой бериб, бу мусибатлар оламига баттар ботиб кетаверадилар. Улар айтадиларки, худди эркак билан аёлнинг қўшилиши натижасида фарзанд дунёга келгани сингари, бу олам ҳам ўзидан-ўзи, руҳнинг аралашувисиз пайдо бўлган; барча тирик мавжудотлар фақат моддий унсурларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган, қандайдир руҳнинг мавжудлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас; худди ўлган одамнинг жасадида ҳар хил тирик организмлар ёки тер томчисида қандайдир ҳашаротлар пайдо бўлгани сингари, барча тирик мавжудотлар моддий унсурларнинг ўзаро бирикмасидан пайдо бўлган; шу сабабли бутун борлиқнинг моддий табиатдан бошқа бирор сабаби бўлиши мумкин эмас. Улар Кришнанинг "Бҳагавад-Гита"да айтган гапларига ишонмайдилар: *майадхйакишена пракритих суйате са-чарачарам* - "Бутун моддий олам Менинг амримга бўйсуниб ҳаракат қилади". Бошқача қилиб айтганда, иймонсиз иблислар моддий олам қандай пайдо бўлганини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар, улар ҳаёт ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар; ҳар ким ўзича тахмин қилади. Улар учун муқаддас китобларни қандай талқин қилсалар ҳам барибир, чунки улар аслида муқаддас китобларнинг барчаси бутун инсониятга "ягона ҳақиқат илми"ни тушунтира олишига ишонмайдилар.

9. *этам дриштам аваштабхйа наштатмано "ла-буддхйах  
прабхаванти угра-карманах киайайа джагато "хитах*

***Ақл-идрокидан айрилган, келажакдан бутунлай умидини узган иблислар ҳаётда ана шундай тахминларга ишониб оламни ҳалокатга олиб келадиган ҳар хил тажовузкор, гуноҳ ишлар билан машғул бўлиб яшайдилар.***

Изоҳ: Иймонсиз, иблисифат одамлар оламнинг яқсон бўлишига олиб келадиган ҳалокатли фаолият билан шуғулланадилар. Шу сабабли бу ерда Парвардигор уларни “ақлдан озган” деб айтяпти. Худо ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмай туриб, иблислар ўзларини “юксак даражада ривожланган инсонлар” деб биладилар. Лекин, “Бҳагавад-Гита” уларни ақлдан озган, пасткаш, калтафаҳм одамлар деб ҳисоблайди. Моддий оламдан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолиш учун улар ҳамиша ҳиссиётига лаззат келтирадиган ҳар хил нарсаларни ихтиро қиладилар. Ана шундай ихтиролар уларнинг назарида инсониятнинг тараққиёт мезони ҳисобланади. Лекин, уларнинг шундай ихтиролари натижасида жамиятда зўравонлик, шафқатсизлик, зулм кучая боради, одамлар бир-бирига нисбатан, бошқа тирик мавжудотларга нисбатан тобора меҳр-муруватсиз, ёвуз, бешафқат бўлиб боряптилар. Улар ҳатто ўзларининг яқин қариндошлари билан қандай муомалада бўлиш кераклигини ҳам билмайдилар. Иймонсиз иблислар яшайдиган жамиятда бошқа тирик мавжудотларни, беозор ҳайвонларни ўлдириш оммавий тус олади. Шундай одамларни “оламнинг душманлари” деб атайдилар, чунки вақти келиб улар ўз нафсини қондириш йўлида шундай бир даҳшатли курул ўйлаб топадиларки, ана шу курул бутун инсониятнинг кулини кўкка совуради. Мазкур шеърда замонавий олимлар мағрурланиб юрган ядровий курулнинг яратилиши башорат қилинган. Ҳозирги кунда истаган пайтда жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин, иймонсиз олим-иблислар яратган атом бомбаси бир неча дақиқа ичида Ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг кулини кўкка совуриб юборишга қодир. Одамларнинг иймонсизлиги сабабли шундай даҳшатли куруллар фақат оламни яқсон қилиш учунгина яратилади, бундай калтафаҳм иймонсиз одамлар ҳеч қачон Ер юзида на мустаҳкам тинчлик, на ҳақиқий фаровонлик ўрнатишга қодир эмаслар.

*10. камам аширтияа душпурам дамбха-мана-маданвитаҳ  
мохад грихитвасад-грахан правартанте “шучи-вратаҳ*

***Тўймас, очофат ҳирс(нафс)ининг кули бўлиб, манманлик, димоғдорлик ва ўзбошимчаликдан маст бўлган иблисифат одамлар алданиш чангалига тушиб қоладилар. Ўткинчи нарсаларга маҳлиё бўлиб, улар бу дунёда ўзларининг ифлос ишларини қилиб юрадилар.***

Изоҳ: Бу ерда иблисларга хос бўлган фикрлар таърифланган. Иблисларнинг ҳирси, очофат нафси ҳеч қачон тўймайди. Уларнинг моддий оламдан лаззат-

ланиш истаги кун сайин кучайиб бораверади. Бу дунёдаги ўткинчи нарсаларга боғланиб қолгани сабабли ҳаётда шунча азоб-укубатларга дучор бўлаётганига карамай, улар шундай дунёвий фаолият билан шуғулланишда ўжарлик билан давом этаверадилар. Ғофиллиги, ҳақиқий илмдан маҳрумлиги сабабли улар ҳатто, ўзларининг нотўғри йўлдан бораётганини ҳам англай олмайдилар. Ўткинчи нарсаларга махлиё бўлиб, иблислар ўзларича қандайдир худоларни ўйлаб топадилар, уни ўзлари ижод қилган мадҳияларда олқишлайдилар. Натижада улар бу дунёдаги ёлғончи ҳаётнинг икки асосий тузоғига - жинсий ҳаёт ва мол-дунёга яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қоладилар. Бу ерда ишлатилган *ашучи-вратаҳ*, яъни "нопок қилиқлар" сўзи муҳим аҳамиятга эга. Манманлик ва димоғдорлик туйғуси таъсирида иблислар Ведаларга зид бўлган ўзларининг "диний таълимот"ини яратадилар. Гарчи иблислар ўзлари жаҳондаги энг жирканч махлуқлар бўлсалар ҳам, улар жамиятда ҳамма нарсани шундай ташкил этадиларки, ғофил одамлар уларга сажда қилиб сиғинадилар, уларга ҳар хил ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Улар ўзларининг тўппа-тўғри дўзахга кетаётганларини билмаган ҳолда "юксак тараққиёт йўлидан кетяпмиз" деб ўйлайдилар.

*11-12. чинтам апаримейам ча пралайантам унашритаҳ  
камонабхога-парама этавад ити нишчитаҳ  
аша-паша-шатайр баддхаҳ кама-кродха-парайанаҳ  
иханте кама-бхогартхам анийайенартха-санчайан*

***Бу дунёда инсон бўлиб яшашдан мақсад - лаззатланиб қолиш эканлига уларнинг ишончи комил. Шу боис уларни то умрининг охиригача ҳар хил кўрқув ва хавф-хатарлар таъқиб қилиб юради. Ўзларининг чексиз орзу-истакларига ўралашиб, ҳирс ва заҳаб исканжасида улар ҳиссиёт(нафс)ининг талабларини қондириш учун ҳар хил ҳаром йўллар билан пул топадилар.***

Изоҳ: Иблисларнинг фикрича, инсоннинг яшашдан энг олий мақсади - ҳаётдан лаззатланиб яшаш. Уларнинг бундай фикри то умрининг охиригача ўзгармайди. Улар инсон ўлгандан кейин ҳаёт яна давом этишига, тирик мавжудот ўзининг бу дунёда қилган ишларининг оқибати(кармасига) биноан бир танадан иккинчи танага ўтиб юришига ишонмайдилар. Улар ҳаётда адо бўлмас режалар тузадилар, лекин бу режаларнинг бирортасини ҳам охиригача амалга ошира олмайдилар. Мен ана шундай иблисифат одамлардан бири билан таниш эдим, у ўлим тўшагида ётиб ҳам режалаштирган ишларини амалга ошириш учун умрини ҳеч бўлмаса яна тўрт йилга чўзиб беришни врачлардан ялиниб илтимос қиларди. Бундай калтафаҳм одамлар врачлар инсон умрини ҳатто бир дақиқага ҳам узайтира олмаслигини тушунмайдилар. Ажалимиз етган пайтда биздан режаларимиз амалга ошган-ошмаганини ҳеч ким сўраб ўтирмайди. Табиат қонуллари ҳеч кимнинг тақдирига ёзилганидан

бир дақиқа бўлса ҳам ортикча яшашига йўл қўймайди.

Худога ишонмайдиган, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам Олий Руҳ мавжудлигини инкор этадиган иблис одамлар фақат ўз ҳиссиётини лаззатлантириш, нафсини қондириш учун ҳар турли гуноҳ ишларга қўл урадилар. Қалбида улар қилаётган ҳар бир ишни кузатиб турадиган гувоҳ - Олий Руҳ кўринишидаги Парвардигор бор эканини улар ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Олий Руҳ ҳамиша алоҳида руҳнинг фаолиятини кузатиб туради. "Упанишада"ларда бир дарахтнинг шоҳасида ўтирган икки қуш ҳақида айтилган. Қушларнинг биттаси дарахтнинг аччиқ-чучук меваларидан татиб юради, бошқаси эса, фақат ҳамроҳининг ҳаракатларини кузатиб юради. Лекин, иблислар муқаддас китобларни, Ведаларни билмайдилар, уларга ишонмайдилар, чунки улар "ҳаётда лаззатланиб яшаш учун хоҳлаган ишимизни қилишимиз мумкин" деб ўйлайдилар, қилаётган ишлари қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида умуман ўйламайдилар.

*13-15. идам адйа майа лабдхам имам праспйе маноратхам  
идам астидам апи ме бхавишийати пунар дханам  
асау майа хатаҳ шатрур ханишийе чапаран апи  
ишваро "хам ахам бхоги сиддхо "хам балаван сукхи  
адхйо "бхиджанаван асми ко "нйо "сти садришо майа  
йакхийе дасйами модишйа итй аджнана-вимохитаҳ*

**"Мен бугун яхши даромад олдим - деб ўйлайди иблис, - агар режаларим амалга ошса, бундан ҳам кўпроқ даромад оламан. Ҳозирча етарли мол-мулким бор, келажакда бойлигим яна кўпаяди. Анави одам менинг душманим эди, мен уни ўлдирдим. Бошқа душманларимнинг қисмати ҳам шундай бўлади. Бу ерда мен ўзим хўжайинман, ҳаётдан лаззатланиб яшаяпман. Баркамолликка, куч-қудратга эришдим, бахтли яшаяпман. Мен бошқалардан бойроқман, ҳамма қариндошларим юқори мартабали зотлар. Дунёда мендан қудратлироқ, мендан бахтлироқ одам йўқ. Мен қурбонлик маросимлари ўтказаман, одамларга хайр-эҳсон улашиб ҳаётдан лаззатланиб яшайман". Бундай одамлар шу тариқа ўз зофиллигининг қурбони бўладилар.**

*16. анека-читта-вибхранта моха-джала-самавритаҳ  
прасактаҳ кама-бхогешу патанти нараке "шучау*

**Ҳар хил таишвиш ва хавотирлар остида юриб, алданиш тўрларига илиниб қолган иблислар ҳиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қоладилар ва охир-оқибатда дўзахга равонага бўладилар.**

Изоҳ: Иблисифат одамнинг бойлик орттиришга интилишининг чегараси йўқ. У ҳеч қачон ўз нафсини тўйдира олмайди. У фақат, ҳозир қанча бойлиги борлиги, келажакда уни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлиги ҳақида ўйлаб юради. Бунинг учун у ҳар қандай гуноҳ ишга қўл уришга тайёр, Худонинг қонунларида таъқиқлаб қўйилган лаззатларга интилиб, ҳар хил ноқонуний, гуноҳ ишлар билан машғул бўлади. Ҳозир эга бўлиб турган бойлиги - ери, оиласи, иморати, банкдаги пуллари билан мағрурланиб, у хамиша кўпроқ бойлик орттириш ҳақида ўйлайди. У фақат ўз кучига ишонади, аслида ҳозирги бойлиги аввалги ҳаётида қилган савоб ишларининг натижаси эканини тушунмайди. У шунча бойлик эгаллаш имконига эга бўлган, аммо у бу ўзининг аввалги ҳаётида қилган хайрли ишлари билан боғлиқ эканидан мутлақо беҳабар. У фақат ўз ҳаракатим, интилишим, елиб-югуришим туфайли шунча бойликка эга бўлдим, деб ўйлайди. Иблис одам тақдирга, карма қонунларига ишонмайди, у фақат ўз кучига, ўзининг ақлига ишонади. Бизнинг ҳозирги ҳаётда эга бўлган бойлигимиз, обрў-эътиборимиз, гўзаллигимиз ва илмимиз аввалги ҳаётимизда қилган савоб ишларимиз натижаси эканига иблис одам ишонмайди. Иблис буларнинг ҳаммасига ўз қобилиятим билан, ҳаётда омадим келгани учун эришдим деб ўйлайди. У ҳар бир инсоннинг жамиятда тутган ўрни, мартабаси, бойлиги, гўзаллиги ва илми Худонинг маълум қонунлари асосида аввалдан белгилаб қўйилганини билмайди. Иблислар билан бирор соҳада рақобатлашмоқчи бўлган киши дарров уларнинг ашаддий душманига айланади. Ҳозирги даврда бутун жаҳон иблисифат, иймонсиз одамларга тўлиб кетган, уларнинг ҳаммаси бир-бирига душманлик қилиб яшайдилар. Бу душманлик шахсий муносабатлардан оилавий муносабатларга, қабилаларнинг, бутун бир халқларнинг ўзаро муносабатларига ўтиб, хамиша кенгайиб, чуқурлашиб бораверади. Шу сабабли бутун жаҳонда урушлар, жанжаллар сира адо бўлмайди.

Ҳар бир иблис табиатли одам "инсон ўз нафсини қондириш, ўз манфаатига эришиш йўлида ўзидан бошқа одамларнинг ҳаммасини қурбон қилиш мумкин" деб ўйлайди. Одатда ҳамма иблислар ўзларини Худо деб биладилар. Агар ана шундай иблис бирор дин никобини кийиб олса, у ўз издошларини Худога қарши йўлга бошлайди: "Худони бошқа жойдан излашининг нима кераги бор? Сизларнинг ҳар бирингиз Худосизлар! Хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин. Худога ишонманглар. Худони миянгиздан чиқариб ташланг! Худо ўлган!" Иблислар ўргатадиган диний илм ана шундай бўлади.

Гарчи иблислар ўзларига ўхшаган бой-бадавлат ва обрўли одамлар кўп эканини яхши билсалар ҳам, уларнинг ҳар бири ўзини энг бой, энг қудратли, энг буюк инсон деб ўйлайди. Жаннатга эришиш учун ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказишнинг кераги йўқ, деб ўйлайди иблис. Бунинг ўрнига улар қандайдир ҳаво кемаси яратиб, коинотнинг истаган сайёрасига бориш мумкин деб ўйлайдилар. Бунга иблис Равана яққол мисол бўла олади. У ўз фуқаролари учун жаннатга олиб борадиган зинапоя куражанини, ундан фойдаланиб ҳар бир инсон ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказмасдан бемалол жаннатга чиқиб олиши мумкин, деб эълон қилган эди. Худди шундай,

хозирги иблислар ҳам зўр бериб бошқа сайёраларга қандайдир механик курилмалар ёрдамида боришга уриниб юрибдилар. Буларнинг барчаси иблисларнинг ҳаётда алданиб юрганини кўрсатувчи мисоллардир. Натижада улар, ўзлари ҳам билмаган ҳолда дўзахдан ўзлари учун жой ҳозирлайдилар. Бу ерда келтирилган *моха-джала* ибораси муҳим аҳамиятга эга. *Джала* дегани "тўр" деган маънони беради. Худди тўрга илинган балиқ сингари иблислар ўзларининг адашиш, алданишлари чангалидан қутула олмайдилар.

*17. атма-самбхавитах стабдха дхана-мана-маданвитах  
йаджанте нама-йаджнаис те дамбхенавидхи-пурвакам*

***Ҳозирги вақтинчалик ҳолатидан мамнун, қўпол, бойлиги ва ман-манлигидан кўзларини ёғ босган бундай одамлар баъзан мағрурлик билан қурбонлик маросими ўтказадилар. Лекин, улар бунини фақат риёкорлик билан, бошқаларга кўз-кўз қилиш учун, ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан ўтказадилар.***

Изоҳ: Ўзларини “оламнинг устун” деб ўйлаб, ҳеч қандай илоҳий кудратни, муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларни тан олмасдан, иблислар баъзан қандайдир "диний" маросимлар ва қурбонлик маросими уюштирадилар. Улар ҳеч кимни ва ҳеч қандай илоҳий нарсани тан олмагани учун ўзларини жуда осмонда тутадилар. Буларнинг ҳаммаси бойлик ва манманлик натижасидир. Баъзан шундай иблислар диндор одамлар никобини кийиб олиб, ўзларини “дин ислохотчилари” ёки “Худонинг навбатдаги аватараси”, “Худо” деб эълон қилиб, ғофил одамларни йўлдан урадилар. Улар кўз-кўз қилиш учун қурбонлик маросими ўтказадилар ёки фаришталарга сиғинадилар, ёки ўзларича бирор Худо ўйлаб топадилар. Оддий ғофил одамлар уларни Худо ўрнида кўриб, уларга сиғина бошлайдилар, калтафаҳмлиги сабабли одамлар уларни "руҳий илмнинг буюк билимдонлари" деб ҳисоблайдилар. Улар таркидунё қилган зоҳидлар никобини кийиб оладилар ва шу никоб остида ҳар хил бемаъни ишлар қилиб юрадилар. Аслида таркидунёлик қилган саннийаси, зоҳид-қаландар амал қилиш жуда мушкул бўлган риёзат қоидаларига риоя қилиб яшаши лозим. Аммо иблислар бу кўрсатмаларга ҳеч қандай эътибор бермайдилар. Уларнинг фикрича руҳий фаолиятга ҳар ким ўз билганича амал қилади, руҳий юксалишнинг ҳеч қандай ягона йўли бўлиши мумкин эмас. Бу борада Кришна *свидхи-пурвакам* иборасини ишлатади. Бу ибора "қонун ва кўрсатмаларни инкор этиш" деганини билдиради. Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлар ғофиллик ва адашиш оқибатидир.

*18. аханкарам балам дарпам камам кродхам ча самириртах  
мам атма-пар-дехешу прадвишанто “бхйасуйаках*



***Сохта ўзлиги, куч-қудрати, манманлиги, ҳирс ва газаби йўлдан адаштирган иблислар ўзларининг қалбида ҳам, бошқа тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Парвардигордан нафратланадилар ва ҳақиқий дин қонунларини оёқ ости қиладилар.***

Изоҳ: Парвардигорнинг олий ҳукмронлигини инкор этадиган иблислар муқаддас китобларнинг сўзларига ишонмайдилар. Муқаддас китоблар ва Худонинг Олий Шахсининг мавжудлиги уларда ҳасад туйғусини уйғотади. Бунга сабаб уларнинг манманлиги, эгаллаб олган бойлиги ва куч-қудратидир. Улар ўзларининг ҳозирги ҳаёти аслида кейинги ҳаёти учун тайёргарлик жараёни эканини билмайдилар. Шуни билмаган ҳолда, улар аслида бошқа тирик мавжудотлардан ҳам, ўзларидан ҳам нафратланадилар. Улар ғофиллиги туфайли ўзларининг таналарига ҳам, бошқа тирик мавжудотларнинг таналарига ҳам зулм қиладилар. Рухий илмдан маҳрум бўлган ҳолда иблислар Худони тан олгиси келмайди. Улардаги муқаддас китобларга ва Худонинг Олий Шахсига нисбатан нафрат туйғуси шунда намоён бўладики, улар Худонинг мавжуд эмаслигига сохта далиллар келтирадилар, муқаддас китобларларнинг маълумотларини тан олмайдилар. Улар ўзларини “мустақил” деб ҳисоблаб, “хоҳлаган ишни қилишга ҳақлимиз” деб биладилар. Оламда ўзидан қудратлироқ ва бадавлатроқ одам йўқ деб, ўзига ишонган иблис: “Кўнглим истаган ишни қиламан, мени ҳеч ким тўхтата олмайди!” - деб ўйлайди. Агар истаklarини амалга оширишга кимдир қарши чиқса, уни ўзининг ашаддий душмани деб билиб, кеча-кундуз ундан қутулиш йўлини излайди.

*19. тан ахам двишатаҳ круран самсарешу нарадхаман  
кшиптамй аджасрам ашубхан асуришв эва йонишу*

***Қалби нафратга тўла, ёвуз ниятли, одамлар ичида энг насткаши бўлган бундай имонсизларни Мен ҳар хил иблисифат ҳаёт турларида тугилишга мажбур қилиб, моддий тириклик уммонида узоқ вақт қолиб кетишга маҳқум этаман.***

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, алоҳида руҳ фақат Парвардигорнинг марҳамати билан маълум кўринишдаги моддий танага эга бўлади. Имонсиз одам ҳозирги ҳаётида Худонинг ҳукмронлигини инкор этиши, ўз билганича ҳаракат қилиб яшаши мумкин, аммо унинг кейинги ҳаёти бутунлай Парвардигорнинг қўлида бўлади. "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи бобида айтилганки, моддий танаси ҳалок бўлгандан кейин, тирик мавжудот албатта на-вбатдаги она қорнига тушади ва Худонинг амри билан маълум бир кўринишдаги яна бир танага эга бўлади. Моддий оламда яшаётган ҳар турли ҳайвон, инсон ва бошқа тирик мавжудотларнинг хилма-хиллигининг сабаби шунда. Бу хилма-хиллик ўзидан-ўзи пайдо бўлган эмас, аксинча Худонинг

амри билан яратилган. Иблислар иблисифат оналар корнидан қайта-кайта туғилиб, нафратларини тобора кучайтириб, одамлар орасида тобора энг пасткашлари бўлиб бораверадилар. Ҳамиша шахвоний эҳтирос таъсири остида яшайдиган иблисифат одамлар бошқаларга зулм ўтказадилар, улардан нафратланадилар, нопок, бемаъни одатларга эга бўладилар. Иблисифат, тубан ҳаёт турларига қалин ўрмонларда яшайдиган қабилалардаги овчилар ҳаёти яққол мисол бўла олади.

*20. асурим йоним апанна мудха джанмани джанмани  
мам апрайаива каунтейа тато йанти адхамам гатим*

***Эй Кунтининг ўғли, иблислар орасида такрор ва такрор туғилавериб, ундай одамлар Менга яқинлашиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Улар то энг қуйи, жирканч ҳаёт турларига тушгунга қадар тобора тубанликка юз тутиб бораверадилар.***

Изоҳ: Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибон, раҳмдил, деб айтадилар, аммо мазкур шеърдан кўряпмизки, У ҳеч қачон Ўз марҳаматини иблисифат одамларга нисбатан намоён этмайди. Бу ерда аниқ айтилганки, иблислар такрор ва такрор иблисифат аёллар қорнига тушаверадилар, Худонинг марҳаматидан маҳрум бўлиб, тобора тубанликка юз тутиб улар то ит, мушук ва чўчка сингари ҳайвонлар танасида туғилгунча ўлиб-тирилиб юраверади-лар. Имонсиз иблислар ҳатто келажакда ҳам Худонинг марҳаматига эришиш имкониятидан деярли бутунлай маҳрум бўлган одамлардир. Ведаларда айтилишича, шундай иблислар тубанликка юз тутиб, вақт ўтиши билан ит, мушук ва чўчка танасида туғиладилар. Парвардигорнинг шундай гапларини эшитиб, кимдир Парвардигор барчага бир хилда меҳрибон эканига шубҳа қилиши мумкин. Бунга жавобан "Веданта-сутра"да шундай дейилган: "Парвардигор ҳеч кимга душман эмас, ҳеч кимдан нафратланмайди ҳам". Асурларнинг энг тубан ҳаёт шароитларига тушиб қолиши - Худонинг уларга кўрсатган буюк марҳамати ҳисобланади. Баъзида Унинг Ўзи иблисларни ўлдиради, бу ҳам Унинг иблисларга кўрсатган марҳамати бўлади, чунки Ведаларда айтилганки, бевосита Парвардигорнинг қўлидан ҳалок бўлган ҳар қандай тирик мавжудот шу заҳотиёқ руҳий озодликка эришади. Инсоният тарихида Парвардигорнинг Ўзи ҳар хил қиёфаларда намоён бўлиб, шахсан Ўзи ўлдирган асурлар жуда кўп бўлган: Равана, Камса, Хираниакашипу ва ҳоказо. Шундай қилиб, агар Парвардигорнинг қўлида ўлиш насиб қилса, ҳатто иблислар ҳам Худонинг буюк марҳаматига эриша оладилар.

*21. три-видхам наракасйедам дварам нашанам атманах  
камах кродхас татха лобхас тасмад этат трийам тйаджсет*

***Инсонни дўзахга олиб борадиган ана шундай ҳалокатли уч иллат***

***бор, булар: ҳирс, ғазаб ва очкўзликдир. Ҳар бир фаросатли инсон мана шу иллатлардан албатта халос бўлиши лозим, чунки улар руҳни жаҳолат қаърига тортиб кетади.***

Изоҳ: Бу ерда тирик мавжудотнинг иблиссифат ҳаёти қандай бошланиши кўрсатилган. Инсон аввало ўзининг нафсини, ҳирсини қондиришни истайди, бунинг уддасидан чиқолмаса унинг қалбида ғазаб, қизғаниш, очкўзлик иллатлари пайдо бўлади. Иблисларга хос таналарга тушиб қолишни истамайдиган ҳар бир фаросатли инсон мана шу уч иллатдан имкони борича тезроқ халос бўлишга ҳаракат қилиши лозим, чунки улар руҳни шу даражада қоплаб олиши мумкинки, натижада тирик мавжудот ҳеч қачон моддий олам тутқунлигидан халос бўлолмай қолади.

*22. этаир вимуктаҳ кунтейа тамо-дварайс трибхир нараҳ  
ачарати атманаҳ шрейас тато йати парам гатим*

***Эй Кунтининг ўғли, дўзахга олиб боровчи ана шу уч иллатдан узоқ юрадиган киши бутун ҳаётини руҳий ўзлигини англашга ёрдам берадиган ишларга бағишлаб яшайди, шу тарзда вақти келиб у инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади.***

Изоҳ: Инсон ҳаётда жуда эҳтиёт бўлиб яшаш, ҳамиша ўзининг мана шу уч ашаддий душманидан йироқ юриши лозим: ҳирс, ғазаб ва очкўзлик. Инсон ҳирс, ғазаб ва очкўзлик таъсирига қанчалик берилмаса, унинг қалби, онги шунчалик пок бўлади. Пок онги унга ҳаётда муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш имконини беради. Инсоннинг руҳий ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларга амал қилиб, у аста-секин ўзининг руҳий табиатини англаб етади. Агар омади келиб, бу йўлда унга Худони англаб етиш, Кришна онгига эга бўлиш насиб қилса, Худога садоқат билан хизмат қилиб, у албатта инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

Ведаларда инсон моддий олам иллатларидан покланиш учун ҳаётда қандай яшаш лозимлиги кўрсатилган. Бу усулнинг асосий шarti ҳирсдан, очкўзликдан ва нафратдан покланишдан иборат. Натижада инсон энг охириги поғонаси Худога садоқат билан хизмат қилиш бўлган "ўзликни англаш зина-пояси"дан аста-секин юқори кўтарила боради. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши умрининг охирида моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб, руҳий озодликка эришиши кафолатланган. Ведавий қонунлар асосида тузилган жамиятда тўрт табақа(варна) ҳамда ҳар кимнинг руҳий юксалиш даражасига мос келадиган тўрт турмуш тарзи(ашрам) мавжуд. Ҳар бир варна ва ашрамнинг турмуш тарзига мансуб одамларнинг ҳаёти маълум қонун-қоидалар асосида тартибга солинган, уларга амал қилиб юрган киши умрининг охирида албатта руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилади. Муқаддас китоблар асосида тартибга солинган ҳаёт билан кун кечириб юрган

кишининг албатта руҳий озодликка эришишига Парвардигор ишончли кафолат бериб қўйган.

*23. йаҳ шастра-видхим утсриджйа вартате кама-каратаҳ  
на са сиддхим авапноти на сукхам на парам гатим*

***Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилмасдан ҳаётда ўз билганича яшаб юрган одамлар на камолотга, на бахт-саодатга, на олий мақсадга эриша олмайдилар.***

Изоҳ: Аввал айтганимиздай *шастра-видхи*, шастраларда кўрсатилган қонун-қоидалар маданиятли инсонлар яшайдиган жамиятдаги барча табақа ва турмуш тарзига мансуб одамларнинг ҳаётини тартибга солади. Маданиятли жамиятда шу қонунларга ҳамма бирдай амал қилиши лозим. Уларни инкор этиб ўз нафсининг, ҳирсининг, очкўзлиги ва ғзабининг кули бўлиб, ҳаётда ўз билганича яшаб юрган киши ҳеч қачон руҳий баркамолликка эриша олмайди. Бошқача қилиб айтганда, мана шу қоидаларни назарий жиҳатдан биладиган, аммо ҳаётда уларга амал қилмайдиган кишилар одамларнинг энг тубанлари, фосиқлар, “энг пасткаш одамлар” ҳисобланади. Инсон бўлиб туғилиш имкониятига эга бўлган тирик мавжудот ҳаётда ақлини, тафаккурини ишлатиб яшаши, муқаддас китобларни ўрганиши, уларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаши лозим. Улар инсонга руҳий юксалишда баркамолликка эришиш йўлини кўрсатади. Акс ҳолда инсон бўлиб туғилган тирик мавжудот яна тубанликка юз тутаяди. Лекин, инсон ҳаётда муқаддас китобларнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб яшаса-ю, лекин шунга қарамай, Худони англаш даражасига кўтарила олмаса, бу ҳаётида ўрганган руҳий илмининг ҳеч қандай қадри бўлмайди. Ҳатто у Худонинг мавжудлигини тан олса-ю, лекин Унга садоқат билан хизмат қилмаса, у ўз умрини бекорга хазон қилиб юрган бўлади. Шунинг учун инсон аста-секин қалбида Қришна онгини ривожлантириши, ҳаётда Қришна онги билан яшаб, Худого садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиши лозим. Инсон фақат шу йўл билангина руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарила олади.

Бу ерда ишлатилган *кама-каратаҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Онгли равишда муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини бузиб юрган киши шахвоний ҳирс домига тушган киши ҳисобланади, у таъқиқланган гуноҳ ишларни билган ҳолда уларни тарк этмайди. “Ҳаётда ўз хоҳиши билан яшаш” деб шунга айтилади. Шундай одамларни Парвардигор албатта қаттиқ жазолайди. Улар фақат инсон танасидагина эришиш мумкин бўлган буюк камолот чўққисига эришиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Инсон умри тирик мавжудотга биринчи навбатда покланиш, руҳини поклаш учун берилган, лекин шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилмай яшайдиган киши ҳеч қачон моддий иллатлардан поклана олмайди, у ҳеч қачон ҳақиқий, туганмас мангу бахтга эриша олмайди.

24. тасмач схастрам праманам те карйакарйя-вгйавастхитау  
джнатва шастра-видханоктам карма картум ихархаси

**Шу боис, шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, сен ҳаётда ўз бурчингни, қандай ишларни қилиш керагу, қандай ишлар таъқиқланган эканини билиб олишинг керак. Барча қонун-қоидаларни ўрганиб, сен ҳаётда руҳий баркамолликка эришишга интилиб яшашинг керак.**

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг ўн бешинчи бобида айтилганидай, муқаддас китобларларнинг барча қонун-қоидалари инсон Кришнани англай олиши учун нозил қилинган. Агар инсон "Бҳагавад-Гита"ни ўрганиб Кришна онгига эга бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошласа, демак у Ведаларни ўрганиш орқали эришиш мумкин бўлган энг муқаммал илмни эгаллаган ҳисобланади. Парвардигор Чаитанйя Махапрабху бизлар учун бу йўлни жуда осон ҳолга келтириб берган. У одамларни шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юришига(Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре) ва ҳамиша аввало Худога таклиф этилган таом билан овқатланиб яшашга чақирган. Агар ҳаётда инсон шу ишларни қилиб юрса у барча муқаддас китобларни ўрганган, уларнинг мазмунини тўла тушунган ҳисобланади. Албатта, Кришна онгига эга бўлмаган, Худога садоқат билан хизмат қилмай юрган киши инсон қандай ишларни қилиши мумкин, қандай ишлар таъқиқланган эканини билиш учун муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшаши лозим. У кундалик турмушда бу қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилиши керак. Муқаддас китобларга, шастраларга иймон келтириш - уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш демакдир. Одамлар одатда тўрт хил камчиликка эга: 1)сезги аъзолари муқаммал эмас; 2)алдашга; 3)алданишга мойил; 4)хатоликка йўл кўядилар. Лекин, муқаддас китобларнинг кўрсатмалари ана шундай нуқсонлардан пок. Инсон табиатига хос бўлган мана шу камчиликлар одамларни ўзлари амал қилиб яшаши лозим бўлган муқаммал қонун-қоидалар ўрната олиш имкониятидан маҳрум қилади. Шунинг учун барча буюк до-нишмандлар, ачарйалар, буюк зотлар бундай нуқсонлардан холи бўлган шастраларнинг муқаммал қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилиб яшайдилар.

Ҳиндистонда руҳий фалсафанинг ҳар хил мактаблари мавжуд, уларни умумий равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1)имперсоналистлар мактаби, 2)персоналистлар мактаби. Лекин, ҳар иккила гуруҳ издошлари ҳам ўз ҳаётини Ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида курадилар. Энг аввало шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшмай туриб, руҳий баркамолликка эришишнинг иложи йўқ. Шунинг учун фақат муқаддас китобларнинг ҳақиқий мазмунини тўла англаб етган одамни "омади келган энг бахтли инсон" деб ҳисоблаш мумкин. Худонинг Олий

Шахсини англаб етиш учун мўлжалланган қонун-қоидаларга амал қилмаслик - инсоннинг тубанликка юз тутишига олиб келадиган ягона сабаб ҳисобланади. Мана шу - инсон қила олиши мумкин бўлган энг катта гуноҳдир. Шунинг учун *майя*, моддий қувват бизга ҳамиша уч хил мусибатларни юбориб, ҳаётда азоб-уқубатларга дучор этиб жазолайди. Моддий қувват уч гунадан таркиб топган. Инсон ўзининг умри давомида ҳеч бўлмаса эзгулик гунасига кўтарилиши лозим, шундагина унга Худони англаб етишга олиб боровчи йўлнинг эшиклари кенг очилади. Акс ҳолда у иблисларга хос ҳаёт шароитида яшашни таъминлайдиган эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида қолиб кетаверади. Эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида адашиб юрган одамлар муқаддас китоблар, авлиё инсонлар ва Худонинг Олий Шахси ҳақидаги фалсафий тасаввурлар устидан куладилар. Улар руҳий устоз кўрсатмаларини бузадилар, шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қанчалик улғувор экани ҳақида эшитсалар ҳам, уларнинг қалбида бунга нисбатан ҳеч қандай кизиқиш уйғонмайди. Шунинг учун улар ўзларича руҳий юксалишнинг ҳар хил йўллариини ихтиро қиладилар. Инсонда иблисларга хос сифатларнинг ривожланишига олиб келадиган баъзи бир нуқсонлар шулардан иборат. Лекин, руҳий юксалиш йўлини аниқ кўрсата оладиган ҳақиқий руҳий устоз кўрсатмаларига амал қилиб яшаётган киши охир-оқибатда албатта инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Илоҳларга ва иблисларга хос фазилатлар" деб аталган ўн олтинчи бобида Бҳактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## Ўн еттинчи боб. Эътиқод турлари

### 1. арджуна увача

*йе шастра-видхим утсриджейа йаджанте шраддхайанвитаҳ  
тешам нишхта ту ка кришина саттвам ахо раджас тамаҳ*

**Аржун деди: О Кришна, шастра(муқаддас китоблар)ларнинг кўрсатмаларига амал қилмайдиган, аммо ўзлари ўйлаб топган йўл билан Худога сизиниб юрган одамларнинг тақдири нима бўлади? Улар қайси гуна таъсири остида бўладилар - эзгулик гунасидами, эҳтирос гунасидами ёки гафлат гунасидами?**

Изоҳ: Тўртинчи бобнинг ўттиз еттинчи шеърида айтилган эдики, иймон-эътиқодли инсон руҳий илмга эга бўлиб, аста-секин ўзининг қалбида тинчликка, хотиржамликка, осойишталикка эриша боради. Ўн олтинчи бобда айтилган эдики, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдиган иймонсиз одамлар "иблислар", муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига тўқис амал қилиб юрган одамлар эса "девалар", яъни тақводор инсонлар, фаришталар деб аталади. Шундай савол туғилиши мумкин: муқаддас китобларда кўрсатилмаган қонунларга ишонч билан қатъий риоя қилиб юрган инсонларнинг аҳволи нима бўлади? Аржун Кришнадан ана шу саволга жавоб бериб, қалбидаги барча гумонларни тарқатиб юборишни сўраяпти. Агар одамлар ўзларига ўхшаган бирор одамни Худо даражасига кўтариб, унга ишонч ва садоқат билан сиғиниб юрган бўлсалар, уларнинг сиғинишлари қайси гунага мансуб, бу қандай сиғиниш ҳисобланади? Бу йўл билан улар ҳаётда руҳий баркамолликка эриша оладиларми? Улар ҳақиқий илмга эга бўлиб, баркамоллик чўққисига кўтарила оладиларми? Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмасдан, бошқа бир илоҳларга, фаришталарга ёки бу дунёдаги қудратли одамларга ишонч билан сиғиниб юрган кишининг интилишлари уларга бирор натижа берадими? Аржун Кришнага шундай саволлар билан муружаат қиляпти.

### 2. шри бхагаван увача

*три-видха бхавати шраддха дехинам са свабхава-джа  
саттвики раджаси чайва тамаси чети там шрину*

**Худонинг Олий Шахси деди: Моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остида яшайтганига қараб, одамларнинг иймон-эътиқоди уч турли бўлади: эзгулик гунасида, эҳтирос гунасида ва гафлат гунасида.**

Изох: Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини биладиган, аммо дангасалиги сабабли уларга амал қилишни истамайдиган киши моддий табиат гуналари таъсири остида юрган одам ҳисобланади. Ўзининг аввалги ҳаётида эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида кўрсатган фаолиятининг оқибатлари натижасида инсон ҳозирги ҳаётида маълум сифатларга эга бўлади. Тирик мавжудот жуда қадим замонлардан бери моддий табиатнинг ҳар хил гуналари билан ўзаро муносабатда бўлиб келяпти: тирик мавжудот ўзига таъсир қилаётган моддий табиат гуналарининг турига қараб, у ёки бу даражадаги ақл-заковатга эга бўлади. Лекин, инсон ҳақиқий руҳий устоз билан учрашиш ва муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаш шарофати билан ўзининг туғма табиатини ўзгартира олади. У ғафлат ёки эҳтирос гунаси таъсири остидан аста-секин эзгулик гунасига кўтарилиши мумкин. Шундай қилиб, инсоннинг қалбида моддий табиатнинг у ёки бу гунаси таъсири остида юзага келадиган кўр-кўрона ишонч унинг руҳий юксалишига ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Инсон энг аввало ҳақиқий руҳий устоз билан учрашиб, тафаккури ёрдамида чуқур мулоҳаза юритиб, ўзининг ҳозирги ҳақиқий ҳолатини аниқлаб олиши лозим. Ҳар бир инсон ҳаётда қандай қадриятларга асосланиб яшаётганини, ўз умрини нимага, қандай мақсад йўлида сарфлаётганини билиб олиши керак. Шундагина биз бундан юқорироқ ҳолатга кўтарилиб, аста-секин пастки гуналар таъсиридан халос бўлишимиз мумкин.

3. *саттванурупа сарвасйа шраддха бхавати бхарата шраддха-майо “йам пурушо йо йач-чхраддхаҳ са ева сах*

***Эй Бхарат ўгли, моддий гуналардан бирининг устивор таъсири остида тирик мавжудот маълум турдаги эътиқодга эга бўлади. Инсоннинг иймон-эътиқоди унга табиатнинг қайси гуналари таъсир қилаётганига боғлиқ бўлади.***

Изох: Ким бўлишидан қатъий назар ҳар бир инсон ҳаётда нимагадир ишониб яшайди. Аммо, туғма табиатига қараб инсоннинг ишончи эзгулик гунасига, эҳтирос ёки ғафлат гунасига мансуб бўлиши мумкин. Инсоннинг ҳаётда қандай одамлар даврасида яшашини, кимлар билан яқин муносабатда бўлишини унинг ишончи, иймон-эътиқоди белгилайди. Ўн бешинчи бобда айтилганидай, аслида ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг кичкина руҳий заррачаси ҳисобланади. Шунинг учун азалдан, ўзининг асл ҳолида барча руҳлар моддий табиат гуналари таъсирига берилмаган, пок ҳолатда бўладилар. Лекин, тирик мавжудот ўзининг Парвардигор билан бўлган мангу муносабатларини эсидан чиқарганида ва моддий табиат билан аралашиб, моддий олам шароитида яшай бошлаганида моддий табиатнинг у ёки бу гуналарини танлаб, ўзининг моддий оламдаги ҳолатини ўзи белгилайди. Натижада унда сохта моддий ишонч пайдо бўлади ва унинг бу дунёдаги сунъий,



ўткинчи, сароб моддий ҳаёти бошланади. У ҳаёт ҳақидаги ўзининг шахсий, сохта тасаввурларига асосланиб, қандайдир ҳаёт қонунига амал қилиб яшай бошлайди, лекин аслида тирик мавжудот илоҳий сифатли, трансцендент, пок руҳ ҳисобланади. Шунинг учун у ўзига ўзи сингдириб олган сохта, моддий тушунчалардан бутунлай покланиши лозим - фақат шундагина у Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклай олади. Тирик мавжудотни ўзининг табиий ҳолатига - Худонинг даргоҳидаги илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга олиб борувчи ягона йўлнинг - Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш йўлининг моҳияти ана шундан иборат. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган, Кришна онги билан яшаб юрган киши албатта руҳий баркамолликка эришади. Агар инсон руҳий ўзликни англашнинг мана шу йўлига киришдан бош тортса, у моддий табиат гуналари таъсири остида қолиб кетаверади.

Бу ерда ишлатилган *шраддха* ("ишонч") ибораси муҳим аҳамиятга эга. *Шраддха*, ишонч фақат эзгулик гунасида пайдо бўлади. Инсон қандайдир фариштага, бировлар ўйлаб чиқарган Худога ёки ўзининг хом-хаёлларига ишониб юриши мумкин. Лекин, унинг қалбидаги катъий ишонч туйғуси уни барибир моддий табиатнинг эзгулик гунасида фаолият кўрсатишга олиб келади. Шартланган моддий олам шароитида ҳеч қандай фаолият табиат гуналаридан мутлақо пок ҳолда мавжуд бўла олмайди, унда барибир бошқа гуналардан қандайдир кўшимчалар бўлади. Моддий оламда мутлақо пок ҳолда эзгулик учрамайди. Пок эзгулик илоҳий табиатга эга, фақат ана шундай ҳолатга кўтарилганда алоҳида руҳ Парвардигорнинг ҳақиқий табиатини англай олади. Токи бизнинг ишончимиз соф эзгулик гунасида бўлмас экан, унга ҳамиша пастки гуналар таъсир қилаётган бўлади. Пастки гуналарнинг нопок таъсири инсон қалбининг поклигига путур етказди. Шу сабабли инсоннинг иймон-эътиқоди унинг қалби қайси гуналар таъсири остида эканига боғлиқ бўлади. Қалби эзгулик гунаси таъсири остида бўлган киши эзгулик гунасидаги эътиқодга эга бўлади. Агар қалби эҳтирос гунаси таъсири остида бўлса, унинг эътиқоди ҳам эҳтирос гунасида бўлади. Қалби ғафлат гунаси ботқоғига ботган кишининг эътиқоди ҳам ғафлат гунасида бўлади. Шу тариқа жаҳонда иймон-эътиқоднинг турли кўринишлари юзага келади, ана шу эътиқодлар ҳар хил кўринишдаги динларнинг, диний оқимларнинг асосини ташкил этади. Ҳақиқий дин ва эътиқод пок эзгулик гунасида бўлади, лекин одамларнинг қалби ҳар хил гуналар таъсирида турлича булганган бўлгани сабабли, улар ўзларининг табиатига мос бўлган ҳар хил диний оқимларга бирлашадилар. Шу тарзда ягона Парвардигорга сиғиниш жараёнининг "дин" деб аталадиган ҳар хил кўринишлари келиб чиқади.

4. *йаджанте саттвика деван йакша-ракшамси раджасаҳ претан бхута-ганамш чанйе йаджанте тамаса джанаҳ*

***Эзгулик гунасидаги одамлар фаришталарга сигинадилар, эҳтирос***

## ***гунасидаги одамлар иблисларга сизинадилар, гафлат гунасидаги одамлар эса, оламдан ўтган аждодларининг руҳларига сизинадилар.***

Изоҳ: Бу ерда Кришна ташқи кўринишидан ҳар хил бўлган эътиқод турларини таърифлаб беряпти. Муқаддас китобларда кўрсатилганки, сиғиниш лозим бўлган ягона Илоҳ - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахсидир. Лекин, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини билмайдиган, ёки билса ҳам уларга амал қилмайдиган одамлар қайси гуна таъсири остида бўлишларига қараб, Худога сиғинишнинг ҳар хил турларини ўзлари танлайдилар. Эзгулик гунасидаги одамлар одатда фаришталарга сиғинадилар: Брахмага, Шивага, Индра, Чандра ёки Куёш фариштасига ва ҳоказо. Эзгулик гунасидаги одамлар муайян мақсадни кўзлаб, маълум бир фариштага сиғинадилар. Шунга ўхшаб, эҳтирос гунасидаги одамлар ҳам ўзларининг табиатига мос келадиган иблисларга сиғинадилар. Калкуттада яшайдиган бир одам иккинчи жаҳон уруши пайтида Гитлерга сиғиниб юргани эсимда, чунки у ўша пайтда юзага келган оғир вазиятдан фойдаланиб, бозорда чайқовчилик билан шуғулланиш орқали катта бойлик орттирган эди. Эҳтирос ва гафлат гунасидаги одамлар одатда қандайдир буюк шахсни Худо даражасига кўтардилар. Уларнинг фикрича ҳар қандай одамга Худога сиғингандай сиғиниш орқали унинг мартабасига эришиш мумкин.

Бу ерда аниқ айтилганки, эҳтирос гунасидаги одамлар ўзларича қандайдир "Худо" яратиб, унга сиғинадилар, гафлат гунасида жаҳолат ботқоғига ботган одамлар эса, ўлиб кетган аждодларининг руҳ-арвоҳларига сиғинадилар. Уларнинг баъзилари ўлганларнинг қабрига бориб, у ерда қандайдир сиғиниш маросимлари ўтказадилар. Жинсий алоқа билан боғлиқ бўлган ҳар хил урф-одатлар ҳам гафлат гунасидаги сиғиниш тоифасига киради. Ҳиндистоннинг чекка қишлоқларида ҳозир ҳам арвоҳларга сиғинадиган одамларни учратиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда баъзи бир одамлар қалин ўрмон ичига бориб, "ичида руҳлар яшайди" деб овоза бўлган катта бир дарахтнинг ёнида қурбонлик маросими ўтказиб юрганни кўрганмиз. Бу одамлар аслида Худога сиғиниб юрганлари йўқ. Фақат руҳий, илоҳий поғонага, пок эзгулик даражасига кўтарилган ва моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай халос бўлган инсонларгина ягона Парвардигорга сиғина оладилар. "Шримад Бҳагаватам"(4.3.23)да шундай дейилган: *саттвам вишуддхам васудева-шабдитам* - "Соф эзгулик гунасида инсон Васудевага сиғинади". Бошқача қилиб айтганда, моддий табиат гуналаридан покланган, уларнинг таъсиридан халос бўлиб тўла руҳий поғонага кўтарилган инсонгина ягона Парвардигорга, Худонинг Олий Шахсига сиғина олади.

Одатда эзгулик гунасидаги инсонлар деб ҳисобланадиган имперсонали-стлар беш фариштага сиғинадилар. Улар, "Вишнунинг фалсафий кўриниши" сифатида қабул қилиб, Вишнунинг моддий оламдаги шахсиятсиз қиёфасига сиғинадилар. Вишну - Худонинг Олий Шахсининг бу дунёда намоён бўлган

киёфаси, аммо имперсоналистлар Худонинг Олий Шахсига ишонмагани сабабли, Вишнуни “шахсиятсиз Брахманнинг бир кўриниши” деб ҳисоблайдилар, Тангри Брахмани эса - шахсиятсиз Брахманнинг моддий оламда намоён бўлган кўриниши деб биладилар. Шунинг учун баъзан имперсоналистлар беш фариштага сиғинадилар. Лекин, улар “Мутлақ Ҳақиқатнинг энг олий кўриниши - шахсиятсиз Брахман” деб ҳисоблагани сабабли, охиरोқибатда аниқ бир шахсга сиғинишни умуман инкор этадилар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фақат моддий гуналар таъсиридан халос бўлган буюк зотлар билан ҳамсухбат бўлиш натижасидагина инсон моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай покланиш мумкин.

*5-6. ашастра-вихитам гхорам тапйанте йе тапо джанаҳ  
дамбхаханкара-самйуктаҳ кама-рага-баланвитаҳ  
каршайантаҳ шарира-стхам бхута-грамам ачетасаҳ  
мам чаивантаҳ шарира-стхам тан виддхи асура-нишчайан*

***Мағрурлигидан ёки фақат ўз манфаатини ўйлаб, муқаддас китобларда тавсия қилинмаган оғир машаққатли риёзатга бериладиган; боғланиш ва шахвоний ҳирс таъсири остида ҳаракат қиладиган; нодонлиги билан ўзининг танасини ҳам, ундаги мавжуд Олий Рухни ҳам қийноққа соладиган одамларни “иблислар” деб атайдилар.***

Изоҳ: Муқаддас китобларда кўрсатилмаган риёзатларга бериладиган одамлар ҳам бор. Қандайдир дунёвий истакларга, масалан бирор сиёсий мақсадга эришиш ниятида очлик эълон қилиб риёзат чекиш бирор муқаддас китобда кўрсатилмаган. Муқаддас китоблар инсонга моддий, ижтимоий ёки сиёсий мақсадларни кўзлаб эмас, балки фақат руҳий юксалишга эриши мақсадида риёзат чекишни тавсия қиладилар. "Бҳагавад-Гита" таълимотига кўра, ана шундай бемаъни риёзатларга берилиб юрган одамлар "имонсиз иблис"лар тоифасига киради. Уларнинг барча ҳаракатлари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мутлақо зид ва ҳеч кимга, ҳеч қачон бирор манфаат келтирмайди. Аслида ундай одамлар ўзларининг нафси, манманлиги, шахвоний ҳирслари, моддий лаззатларга қаттиқ боғланиш туйғуси таъсири остида ҳаракат қиладилар. Ана шундай машаққатли риёзатлар, фақат моддий унсурлардан таркиб топган тананигина қийноққа солиб қўймасдан, тана ичида Олий Рух киёфасида мавжуд бўлган Парвардигорга ҳам ташвиш келтиради. Сиёсий мақсадларда қилинган риёзатлар(очлик эълон қилиш ва ҳоказо), албатта, бошқаларга ҳам жуда кўп ташвиш келтиради. Муқаддас китобларда бундай усуллар ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Иблисларга хос фикрлайдиган одамлар ана шундай йўллар билан рақибларини ўзининг шахсий талабини қондиришга кўндиришга уринадилар, аммо одатда бундай ишларнинг охири ҳалокат билан тугайди. Парвардигор бундай ишларни қўллаб-

куватламайди, шу боис У бу ерда ундай ишлар билан шуғулланадиган кишиларни “иблислар” деб айтяпти. Бундай йўллар билан иблислар Худога шак келтираётган бўладилар, чунки уларнинг қилаётган ишлари Худонинг инсонлар учун нозил қилган муқаддас китобларининг кўрсатмаларига умуман тўғри келмайди. Ҳаётда шундай ишлар қилиб юрган одамларни фаросатли, ақлли одамлар деб бўлмайди. Шу аснода бу ерда ишлатилган *ачетасаҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Ақл-фаросатли инсонлар муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшашлари лозим. Аммо онгсиз, фаросатсиз одамлар муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини инкор этадилар ёки ўзларича ҳар хил қоидалар ўйлаб чиқарадилар. Иблиссифат одамларнинг тақдири нима бўлиши аввалги бобда кўрсатилган эди, фаросатли инсон шуни ҳамиша эсида сақлаши лозим. Кейинги ҳаётида Парвардигор уларни иблиссифат аёллар қорнига солиб қўяди. Натижада улар умрлар оша иймонсиз иблис бўлиб туғилаверадилар ва ҳақиқий илмдан маҳрум бўлиб, Парвардигор билан ўзаро мангу, лаззатга тўла муносабатларини эслай олмайдилар. Аммо, ана шундай бахтиқаро одамлар ҳам омади келиб, ҳаёт йўлида Худонинг содиқ хизматкорини, уни ведавий донишмандлик йўлига жалб этишга кодир бўлган ҳақиқий руҳий устозни учратиб қолсалар ҳар хил адашиш, алданишлардан халос бўладилар ва охир-окибатда инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эриша оладилар.

*7. ахарас тв апи сарвасйа три-видхо бхавати приях  
йаджнас тапас татха данам тешам бхедам имам шрину*

***Ҳатто одамнинг қандай овқатни ёқтириши ҳам, унга моддий табиатнинг қайси гунаси таъсир қилаётганига қараб уч турга бўлинади. Қурбонлик маросимлари, риёзат, хайр-саҳоват кўрсатиш ҳам шундай. Энди Мендан улар бир-биридан қандай фарқ қилиши ҳақида эшит.***

Изоҳ: Одамлар ёқтирадиган овқатлар, улар ўтказадиган қурбонлик маросимлари, чекаётган риёзатлари ва хайр-эҳсонлари ҳам уларга таъсир қилаётган моддий табиат гуналарига қараб турлича бўлади. Барча қурбонлик маросимлари, риёзатлар ҳам бир хил даражада кадр-қийматга эга бўлавермайди. Одамларнинг кундалик турмушда қилаётган ишларини таҳлил қилиб, уларнинг қайси гуна таъсирида эканини аниқлай оладиган киши донишманд инсон ҳисобланади. Қурбонликларнинг, овқатларнинг ва хайрли ишларнинг ҳаммаси бир хил кадр-қийматга эга деб ҳисоблайдиган одам ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган калтафаҳм одам ҳисобланади. "Инсон ҳаётда хоҳлаган ишини қилавериши мумкин, барибир охир-окибатда Худонинг даргоҳига эришади" деб ҳисоблайдиган калтафаҳм тарғиботчи-диндорлар ҳам учраб туради. Лекин, ундай тарғиботчи диндорларнинг қилаётган ишлари, фикрлари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мутлақо тўғри келмайди. Улар

Ўзларича қандайдир рухий юксалиш усулларини ўйлаб топиб, одамларни ҳақиқат йўлидан адаштирадилар, холос.

8. айуҳ-саттва-баларогйа-сукха-прити-вивардханаҳ  
расйаҳ снисдхаҳ стхира хридийа ахараҳ саттвика-прийаҳ

**Эзгулик гунасидаги одамлар ёқтирадиган овқатлар инсоннинг умрини узайтиради, онгини поклайди, танага куч-қувват бағишлайди, саломатлигини тиклайди, инсонга бахт ва мамнуният келтиради. Бундай овқатлар ҳалол, пок, ширали, ёғли, соғлом, ёқимли бўлади.**

9. катв-амла-лаванатй-ушина-тикшина-рукша-видахинаҳ  
ахара раджасасйешта духкха-шокамайа-прадах

**Эҳтирос гунасидаги одамлар жуда аччиқ, ачиган, шўр, ўткир, тахир, қуруқ ва қайноқ таомларни ёқтирадилар. Бундай овқатлар мусибат, азоб-уқубат ва касалликлар манбаи ҳисобланади.**

10. йата-йамам гата-расам пути парйушитам ча йат  
уччхишитам апи чамедхйам бходжанам тамаса-прийам

**Тайёрланганига уч соатдан кўп бўлган, бемаза, бузилган, сасиган, нопок, ҳаром, бошқалардан қолган овқатлар гафлат гунасидаги одамларга ёқади.**

Изоҳ: Овқат инсоннинг умрини узайтириши, ақлини поклаши, унга жисмоний куч-қувват бағишлаши лозим. Овқатнинг асосий вазифаси шундан иборат. Қадимда яшаб ўтган буюк донишмандлар инсониятга инсон умрини узайтирадиган, саломатлигини мустаҳкамлайдиган озиқ-овқат турларини аниқлаб берганлар. Уларга сут ва сут маҳсулотлари, ҳар хил ширинликлар, гуруч, бугдой, сабзавот ва мевалар киради. Эзгулик гунасидаги инсонлар ана шундай озиқ-овқатларни ёқтирадилар. Баъзи бир овқат турлари, масалан қовурилган маккажўхори ёки патока(ҳали шакар ҳолига келтирилмаган шакарқамиш шираси) унчалик ёқимли бўлмаслиги мумкин, лекин уларга сут ёки бошқа бирор таом кўшиб ейилса, жуда ёқимли бўлади. Шунда улар ҳам эзгулик гунасидаги таомлар тоифасига киради. Бундай таомлар албатта вино, гўшт сингари нопок, ҳаром маҳсулотлардан бутунлай фарқ қилади. Саккизинчи шеърда айтилган “ёғли овқат” деганда ўлдирилган ҳайвон ёғида пиширилган таомни тушунмаслик керак. Энг зўр озиқ-овқат тури ҳисобланган сутнинг таркибида ҳайвон ёғи ҳам бор. Ёғ олиш учун ҳайвонларни ўлдирмасдан, сут маҳсулотларидан ҳам етарли миқдорда ёғ олиш мумкин. Сутдан сарийғ, творог, пишлок сингари ҳар хил тўйимли маҳсулотлар тайёр-

лаш мумкин. Фақат энг ваҳший, шафқатсиз одамларгина ўзининг очофат нафсининг талабини қондириш учун тилсиз беозор хайвонларни ёвузларча ўлдиришлари мумкин. Маданиятли, меҳр-оқибатли, тақводор инсонлар озик-овқат учун етарли бўлган ёғни сут маҳсулотларидан оладилар, хайвонларни ўлдириш фақат йирткич хайвонларга хос бўлган ғайриинсоний амалдир. Инсон саломатлиги учун зарур бўлган оқсил моддалари эса мош, ловия, буғдой ва бошқа маҳсулотлар таркибида етарлича бор.

Ўткир, шўр, иссиқ ва кўп гармдори солинган аччиқ овқатлар эҳтирос гунасида бўлиб, инсон ошқозонида ўт пуфаги ишлаб чиқарадиган суюқликнинг камайишига олиб келади, натижада овқатнинг ҳазм бўлиши қийинлашиб, ҳар хил касалликлар келиб чиқади. Ғафлат гунасидаги овқатлар тоифасига бузила бошлаган эски масалликлардан тайёрланган овқатлар киради. Тайёрланганига уч соатдан кўп бўлган ҳар қандай овқат ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади(аввал Кришнага таклиф қилинган табаррук таом, яъни *прасад* бундан мустасно). Айниган таомдан қўланса хид кела бошлайди. Бундай хид фақат ғафлат гунасидаги одамларни ўзига жалб этади, эзгулик гунасидаги тақводор инсонлар бундай сасиган таомларни ёқтирмайдилар.

Фақат Парвардигорнинг Ўзи ёки табаррук авлиё инсон, айниқса руҳий устоз еганидан қолган таом қолдиқларидан ейиш мумкин. Бошқа ҳар қандай одам еганидан қолган таом ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади ва улардан татиш ҳар хил касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай нопок овқатлар ғафлат гунасидаги одамларга ёқади, эзгулик гунасидаги одамлар ундай овқатга қўл урмайдилар.

Овқатларнинг энг пок, энг яхшиси - аввало Худонинг Олий Шахсига таклиф этилган табаррук таом - прасаддир. "Бҳагавад-Гита"да Парвардигор айтганки, агар содик хизматкори муҳаббат ва садоқат билан Унга барг, гул, мева ёки сув таклиф қилса, У бу нарсаларни қабул қилади. *Патрам нушпам пхалам тойам*. Албатта, Парвардигор энг аввало бизнинг Унга бўлган ихлосимизни, садоқатимизни қабул қилади. Худога таклиф қилинадиган таом маълум қоидаларга асосан тайёрланиши лозим. Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилиниб тайёрланган, кейин Худога таклиф этилган ҳар қандай таомни, ҳатто тайёрланганига анча вақт бўлган бўлса ҳам, бемалол истеъмол қилиш мумкин, чунки бундай таом илоҳий, руҳий табиатга эга бўлади. Демак, ҳар қандай таомни поқлайдиган, истеъмол қилишга яроқли ва барча одамларнинг иштаҳасига ёқадиغان қилиш учун аввало уни Худога таклиф қилиш керак.

11. *апхалаканкишибхир йаджно видхи-дишто йа иджйате  
йаиштавайам эвети манаҳ самадхайа са саттвикаҳ*

***Тақводор инсоннинг ўз бурчи юзасидан, эвазига бирор нарса таъма қилмасдан, муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида ўтказган қурбонлик маросими “эзгулик гунасидаги қурбонлик ма-***

## ***росими” деб аталади.***

Изоҳ: Одатда одамлар ҳар қандай қурбонлик маросимини қандайдир мақсад кўзлаб ўтказадилар, лекин бу ерда қурбонлик маросимини эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан, бурч юзасидан ўтказиш кераклиги айтилган. Масалан, эҳром ва черковларда ўтказиладиган маросимларни олайлик. Одатда одамлар бирор моддий мақсадга, дунёвий орзу-истакларига эришиш учун қандайдир маросим ўтказадилар, уларнинг бу ишларини албатта эзгулик гунасида деб бўлмайди. Инсон черков ёки эҳромга қандайдир дунёвий манфаат кўзлаб эмас, инсон сифатида Парвардигор олдидаги ўзининг муқаддас бурчини бажариш учун, Худога сажда қилиб ўз ҳаётини поклаш, Худога гул, мева ёки бошқа бирор нарса тақдим қилиш учун келиши лозим. Бутунги кунда кўпчилик одамлар “шунчаки Худога сиғиниш учун эҳромга бориб юришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ” деб ўйлайдилар. Лекин, муқаддас китобларда инсон Худога ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилаб олиш мақсадида сажда қилиб сиғиниши кераклиги тавсия қилинмаган. Эҳромга фақат Парвардигорга хурмат-эҳтиром кўрсатиб, Унга миннатдорчилик юзасидан сажда қилиш учун бориш керак. Бундай амаллар инсоннинг эзгулик гунасида кўтарилишига ёрдам беради. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб Худога сиғиниш - ҳар бир маданиятли инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

12. *абхисандхайа ту пхалам дамбхартхам апи чайва йат  
иджйате бхарата-ишрештха там йаджнам виддхи раджасам*

***Эй Бхаратлар сардори, моддий мақсадларга эришиш ниятида ёки мағзурлик билан ўтказилган қурбонлик маросими эҳтирос гунасидаги қурбонлик маросимидир.***

Изоҳ: Баъзи одамлар кейинги ҳаётида жаннатий сайёраларга кўтарилиш ёки ҳозирги ҳаётида қандайдир дунёвий мақсадларга эришиб бахтли яшаш учун ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказадилар. Бундай маросим ва урф-одатлар эҳтирос гунасидаги ишлар тоифасига қиради.

13. *видхи-хинам асриштаннам мантра-хинам адакшинам  
ираддха-вирахитам йаджнам тамасам паричакшате*

***Муқаддас китоблардаги кўрсатмаларга риоя қилмасдан, одамларга прасадам(табаррук таом) улашмасдан, ведавий муқаддас китоблардан мадҳия(мантра)лар тиловат қилмасдан, руҳонийларга хайр-эҳсон улашмасдан ва ишонч-эътиқодсиз ўтказилган қурбонлик маросими “гафлат гунасидаги қурбонлик маросими” деб аталади.***

Изоҳ: Ғафлат гунаси таъсири остида яшаётган одамларнинг эътиқоди аслини олганда иймонсизликдир. Баъзида одамлар фақат бойлик орттириш ниятида фаришталарга ёки қандайдир қудратли зотга сиғинадилар, кейин муқаддас китобларнинг қоидаларига эътибор бермасдан, топган бойлигини ҳар хил гуноҳ ишларга сарфлайдилар. Фақат бошқаларга кўз-кўз қилиш учун ўтказиладиган бундай қурбонлик маросимларини ҳақиқий иймон-эътиқодли одамларнинг иши деб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ғафлат гунасидаги ишлар бўлиб, улар фақат одамнинг иблисларга хос бўлган пасткаш сифатларини қучайтиради ва ҳеч кимга бирор фойда келтирмайди.

14. *дева-двиджа-гуру-праджна-пуджанам шаучам арджавам*  
*Брахмачарйам ахимса ча шарирам тапа учйате*

***Худога сизиниш, брахманларга, руҳий устозга ва ота-она сингари табаррук зотларга ҳурмат-эҳтиром билдириб таъзим қилиш, шунингдек поклик, ростгўйлик, жинсий покликни сақлаш, беозорлик - тананинг риёзати ҳисобланади.***

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор риёзатнинг ҳар хил турларини таърифлай бошлаган. Аввало У тананинг риёзатини таърифлайди. Маданиятли киши Худога сиғиниб, ҳар хил фаришталарга, табаррук брахманларга, руҳий устозга ва ёши улуғларга, масалан ота-онасига ёки Ведалар(муқаддас китоблар) илмини биладиган мўътабар зотларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб яшаши ёки ҳурмат кўрсатишни ўрганиши лозим. Улуғ, мўътабар зотларнинг барчасига албатта ҳурмат кўрсатиш керак. Шунингдек, ҳамиша ички ва ташқи покликка риоя қилиб юриш лозим. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ишларни ҳеч қачон қилмасликка ҳаракат қилиб яшаш керак. Ўзаро жинсий муносабатларга фақат муқаддас никоҳ қоидалари доирасидагина йўл қўйиш мумкин, чунки муқаддас китоблар шунини тақозо этади. Ана шу - жинсий покликни сақлаш деб аталади. Буларнинг барчаси тананинг риёзати ҳисобланади.

15. *анудвега-карам вакйам сатйам прийа-хитам ча йат*  
*свадхйайабхйасанам чайва ван-майам тапа учйате*

***Одамларга ёқадиган, уларга қувонч бағишлайдиган, ҳеч кимга ташвиш келтирмайдиган, ҳақиқатга мос бўлган гапларни гапириш, муқаддас китобларни мунтазам ўқиб-ўрганиш - нутқнинг риёзати ҳисобланади.***

Изоҳ: Инсон ўзининг гаплари билан бошқаларга ташвиш келтирмаслиги керак. Албатта, руҳий устоз шогирдлари билан бўладиган суҳбатларида уларга таълим бериш мақсадида ҳақиқатни очиқ гапириши лозим, аммо у ўзининг



аччик гаплари билан ўзига шогирд бўлмаган бегона одамларнинг ақлини безовта қилмасликка ҳаракат қилиши лозим. Нутқнинг риёзати деганда шуни тушуниш керак. Бундан ташқари биз ҳар хил бемаъни, фиску-фасод гапларни гапирмасликка одатланишимиз керак. Руҳий юксалиш йўлидан жиддий бораётган киши фақат муқаддас китобларда тасдиқланган гапларни гапиради. Айтаётган ҳар бир гапни тасдиқлаб, ҳамиша муқаддас китоблардан далиллар келтиришни ўрганиш керак. Айни пайтда айтаётган гапларимиз бизни тинглаётган одамлар учун ёқимли бўлиши керак. Нутқидан шу тарзда фойдаланиб юрган киши руҳий жиҳатдан юксалади, унинг гапирадиган гаплари бошқаларга ҳам бахт-саодат келтиради. Парвардигор шунча муқаддас китобларни фақат инсонлар учун нозил қилиб қўйган, ҳақиқий инсонларга муносиб турмуш тарзи билан яшаш учун фаросатли киши муқаддас китобларни ўқиб ўрганиши лозим. Буларнинг барчаси нутқнинг риёзати ҳисобланади.

*16. манаҳ-прасадаҳ саумйатвам маунам атма-виниграхаҳ  
бхава-самшуддхир итй этат тапо манасам учйате*

### ***Мамнуният, соддалик, ҳиссиётини жиловлаш, ўзини тута билиш ва онгни поклаш ақлнинг риёзатидир.***

Изоҳ: Инсон ақлини ҳамиша риёзатда ушлаши учун ўзини ҳиссий лаззатлардан тийиб юриши лозим. Инсон ақлини ҳамиша бошқаларга яхшилик қилиш ҳақидаги ўйлар билан машғул қилишга ўрганиши лозим. Ақлни жиловлашнинг энг осон йўли - ҳар хил бўлмағур хом-хаёлларга берилмасликдан иборат. Инсоннинг ақли ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиши, ҳиссий лаззатлар ҳақида ўйламаслиги лозим. Ўзининг табиатини поклаш - Худони англаш, Кришна онги билан яшаш демакдир. Ҳиссий лаззатланиш ҳақида ўйлашни тарк эта олсаккина хотиржамликка, қалбимизнинг осойишталигига эриша оламиз. Биз ҳиссий лаззатлар ҳақида қанча кўп ўйласак, ақлимиз шунча безовта бўлиб, қаноат ҳосил қила олмай юраверади. Ҳозирги даврда одамлар ҳеч қандай заруратсиз, ҳар турли лаззатлар ҳақидаги ўйлар билан ақлини банд қилиб, ўзларини ҳақиқий осойишталикка эришиш имкониятидан маҳрум қилиб юрибдилар. Ақлни поклашнинг энг яхши усули уни муқаддас китобларни ўрганиш билан машғул қилишдан иборат, китобларда жуда кўп қизиқарли ва ибратли ҳикоялар бор. Айниқса Пураналар, "Маҳобҳорат" асарлари инсон ҳаётини, унинг ақлини ҳар тарафлама поклайди. Уларни ўрганиш орқали олинган илм инсоннинг ақлини ҳар хил моддий иллатлардан поклайди. Бундан ташқари инсон ақлини иккиюзламачилик, худбинлик асоратларидан поклаб, бошқаларга ғамхўрлик қилишни, бировларнинг дардига ҳамдард бўлишни, одамларга яхшилик қилишни ўрганиши керак. Сукут сақлаш - ҳамиша руҳнинг табиати ҳақида ўйлаш демакдир. Шу жиҳатдан Кришна онгида бўлган киши ҳамиша сукут сақлаб юрган киши ҳисобланади. "Ақлни жиловлаш" деганда уни ҳиссий лаззатланиш ҳақидаги бемаъни ўйлардан халос қилишни тушуниш лозим. Бошқалар билан бўлган

муносабатларда иккиюзламачилик қилмасдан тўғри сўзли, ростгўй, самимий бўлиш керак, шунда бизнинг онгимиз покланади. Буларнинг ҳаммаси биргалликда аклнинг риёзати ҳисобланади.

17. *шраддхайа парайа таптам тапас тат три-видхам нараих  
апхалаканкишбхир йуктаих саттвикам паричакишате*

**Чуқур илоҳий иймонга эга, дунёвий мақсадларга интилмайдиган ва фақат Худони мамнун қилиш ниятида ҳаракат қиладиган кишининг амалга оширадиган ана шундай уч турли риёзати “эзгулик гунасидаги риёзат” деб аталади.**

18. *саткара-мана-пуджартхам тапо дамбхена чаива йат  
крийате тад иха проктам раджасам чалам адхрувам*

**Мағзурлик билан, одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш ниятида ёки бошқаларни ҳайратга солиш учун қилинадиган риёзат эҳтирос гунасидаги риёзатдир. Бундай риёзат мустаҳкам бўлмайди ва узоқ давом этмайди.**

Изоҳ: Баъзан одамлар бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб этиш, шон-шухрат қозониш ёки бошқаларни ўзига сажда қилишга мажбур қилиш учун риёзат чекадилар(бунга спорт мисол бўлиши мумкин). Эҳтирос гунасидаги одамлар қўл остидагиларни ўзига сажда қилишга, оёғини ювишга ва ҳар хил тухфа-эҳсонлар, совғалар ҳадя қилишга ундайдилар. Бошқаларга кўз-кўз қилиш учун қилинадиган ана шундай риёзат эҳтирос гунасидаги риёзат ҳисобланади. Бундай риёзат мунтазам бўлолмайди. Маълум бир вақт мобайнида одам бундай риёзатларга берилиб юриши мумкин, лекин эртами-кечми у барибир бундай амалларни тарк этади.

19. *мудха-грахенатmano йат падайа крийате тапаҳ  
парасйотсаданартхам ва тат тамасам удахритам*

**Нодонлигидан, ўзини қийноққа соладиган ёки бошқаларга азоб бериш ёки уларни ҳалокатга олиб келиш мақсадида қилинадиган риёзат гафлат гунасидаги риёзат ҳисобланади.**

Изоҳ: Аҳмоқ одамлар амал қиладиган бемаъни риёзатларга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Хиранйакашипу мангу ўлмайдиган бўлиш, фаришталарни яксон қилишга қодир бўлган қудратга эга бўлиш учун қаттиқ риёзатга берилган эди. У ўз ниятига эришиш учун маъбуд Браҳмадан дуоифотиҳа сўраган, аммо охир-окибатда ўзи Парвардигорнинг қўлидан ҳалок бўлган эди. Эришиб бўлмайдиган мақсадга интилиб қаттиқ риёзатга берилиш

- гафлат гунаси таъсиридаги фаолиятдир.

20. *датавйам ити йад данам дийате “нупакарине  
деше кале ча патре ча тад данам саттвикам смритам*

***Эвазига бирор мукофот олиш мақсадида эмас, балки фақат бурч юзасидан, ўз вақтида, муносиб жойда ва муносиб инсонларга берилган хайр-эҳсон эзгулик гунасидаги садақа ҳисобланади.***

Изоҳ: Муқаддас китобларда фақат руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамларга хайр-эҳсон садақа қилиш тавсия қилинган. Муқаддас китобларда "дуч келган кишига хайр-садақа беравериш керак" деб айтилмаган. Бирор хайрли иш қилишдан олдин, шу ишимиз ўзимизнинг руҳий юксалишимизга ёрдам бериш ёки бермаслигини аниқлаб олишимиз керак. Шунинг учун хайр-садақани ой ва куёш тутилган пайтларда ёки ойнинг охирида, муқаддас зиёратгоҳлардаги қаландар-зоҳидларга, садақа олишга муносиб бўлган тақводор браҳманларга ёки ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Худонинг содиқ хизматкорларига ёки Худонинг эҳромларига бериш лозим. Хайр-эҳсонларни эвазига бирор нарса таъма қилмасдан, бурч юзасидан, Худога билдираётган миннатдорчилигимиз сифатида холисона бериш керак. Баъзан одамлар кўчадаги гадоиларга садақа берадилар, аммо агар ўша одам хайр-эҳсон олишга муносиб бўлмаса, ундай садақа садақа берувчининг руҳий юксалишига ҳеч қандай ёрдам бермайди. Бошқача қилиб айтганда, муқаддас китоблар дуч келган одамга хайр-эҳсон садақа қилишни қўллаб-қувватламайди.

21. *йат ту пратйупакарартхам пхалам уддишйя ва пунаҳ  
дийате ча париклиштам тад данам раджасам смритам*

***Айни пайтда, эвазига бирор мукофот олиш ниятида, келажакда натижасидан лаззатланиш мақсадида ёки норози бўлиб берилган хайр-эҳсон эҳтирос гунасидаги садақа ҳисобланади.***

Изоҳ: Баъзан одамлар жаннатга эришиш ниятида ёки ўзлари истамаган ҳолда, норози бўлиб садақа берадилар, ёки бирор садақа бергандан кейин берган эҳсонидан афсусланадилар: "Нимага шунча пул бердим?" Баъзан эса юкори лавозимдаги амалдорлар қўл остидагиларни садақа беришга мажбур қиладилар. Ана шундай хайр-эҳсонлар ҳам эҳтирос гунасидаги садақаларга киради.

Дунёвий лаззатлардан роҳатланиб яшаш мақсадида фаолият кўрсатиб юрган баъзи ташкилотларга ўз маблағини сарфлайдиган хайрия жамғармалари ҳам кўп. Ведавий муқаддас китоблар бундай хайр-садақаларни қўллаб-қувватламайди. Муқаддас китоблар одамларни фақат

эзгулик гунасида, хайрли ишларни холис, беминнат қилишга чакиради.

*22. адеша-кале йад данам апатребхйаш ча дийате  
асат-критам аваджнатам тат тамасам удахритам*

***Нопок жойда, бемаҳалда, нолойиқ одамга ёки лойиқ инсонга муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатилмасдан қилинган эҳсон гафлат гунасидаги садақа ҳисобланади.***

Изоҳ: Бу ерда маст қилувчи моддаларга ҳамда кимор ўйинларига сарфланадиган хайр-эҳсонлар қораланган. Бундай хайр-эҳсонлар гафлат гунасидаги садақа бўлиб, ҳеч кимга бирор яхшилик олиб келмайди, аксинча пасткаш одамларнинг ғофиллик билан содир қилаётган гуноҳ ишларини қўллаб-қувватлайди, холос. Худди шундай, агар биз эҳсон олишга муносиб инсонга садақа берсагу, лекин ўзимиз унга муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатмасак, бундай хайр-эҳсон ҳам гафлат гунасига киради.

*23. ом-тат-сат ити нирдешо Браҳманас три-видхаҳ смритаҳ  
Браҳманас тена ведаш ча йаджнаш ча вихитаҳ пура*

***Азалдан мана шу уч сўз - "ом-тат-сат" - Олий Мутлақ Ҳақиқатни ифодалаш учун қўлланилади. Ведавий мантраларни тиловат қилаётганда ёки Парвардигор шарафига қурбонлик маросими ўтказаятганда браҳманлар мана шу уч сўзни талаффуз қиладилар.***

Изоҳ: Аввал айтилганидай риёзат, хайр-эҳсон, қурбонлик маросими ва ҳатто таомни ҳам табиат гуналарига мос равишда уч турга ажратиш мумкин. Лекин, қайси тоифага - эзгулик, эҳтирос ёки гафлат гунасига мансуб бўлмасин - бу амалларнинг барчаси барибир моддий табиат гуналари таъсири остида шартланган бўлади. Аммо, бу амалларнинг мақсади "ом-тат-сат", яъни Худонинг Олий Шаҳси бўлганида, улар рухий юксалиш воситаларига айланади. Бу ҳақиқат муқаддас китобларда тасдиқланган. "Ом тат сат" Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шаҳсини билдиради. Ҳар қандай ведавий муқаддас китоблардаги мантраларнинг таркибида "ом" бўғини бор.

Ҳаётда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид ишлар билан машғул бўлиб юрган киши ҳеч қачон Мутлақ Ҳақиқатга эриша олмайди. У ўткинчи, вақтинчалик натижаларга эришиши мумкин, лекин у ҳеч қачон инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бизларнинг садақаларимиз, қурбонлик маросимларимиз ва риёзатларимиз албатта эзгулик гунасида амалга оширилиши лозим. Эҳтирос ва гафлат гунасининг аралашуви уларнинг кадрини кескин равишда тушириб юборади. "Ом тат сат" кўринишидаги уч муқаддас бўғин Худо Шаҳсининг

муқаддас номи билан боғлиқ: *ом тад вишноҳ*. Биз ведавий мантралар кироат қилаётганимизда ёки Худонинг муқаддас номларини талаффуз қилаётганимизда, ҳамиша "ом" бўғинини кўшиб айтишимиз лозим. Ведаларда шундай кўрсатилган. Бу уч бўғин ведавий мантралардан олинган: (Риг-веда) *оум итй этад Браҳmano недийтхам нама* ибораси биринчи мақсадни билдиради; (Чхандогйа-упанишад, 6.8.7.) *тат твам аси* иккинчи мақсадни, (Чхандогйа-упанишад, 6.2.1) *сад эва саумия* ибораси эса учинчи мақсадни билдиради. Улар биргаликда "ом тат сат"ни ташкил этади. Олам яралишидан аввал маъбуд Браҳма Худонинг Олий Шахсини муруқабга қилиб узоқ вақт риёзат чекиб, мана шу уч бўғинни талаффуз қилган. Браҳмининг издошлари бўлган барча браҳманлар ҳам руҳий устозлар силсиласи орқали ўтиб келаётган қонунларига амал қилган ҳолда мана шу уч бўғинни талаффуз қиладилар. Шундай қилиб бу мантра(ом-тат-сат) жуда чуқур маънога эга. Шунинг учун "Бҳагавад-Гита" таъкидлаб айтадики, ҳар қандай фаолият "ом тат сат"ни, яъни Худонинг Олий Шахсини мамнун қилишга қаратилган бўлиши лозим. Риёзат чекаётиб, садақа бераётиб ёки эзгулик гунасида бирор савоб иш қилаётиб шу уч бўғинни талаффуз қилган киши Кришна онги билан ҳаракат қилаётган бўлади. Кришна онгидаги фаолият - илмий жиҳатдан асосланган руҳий фаолият ҳисобланади. Бундай фаолият инсонга ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини беради. Инсон шундай илоҳий, трансцендент фаолият билан машғул бўлганида ўзининг бир лаҳза вақтини ҳам, бирор қувватини ҳам бекорга сарфламай руҳий юксалиш йўлидан бораётган бўлади.

24. *тасмад ом ити удахритйа йаджна-дана-тапах-крийах  
правартанте видханоктаҳ сататам Браҳма-вадинам*

***Шу боис, руҳнинг табиатини англаб етган кишилар Худога эришиш учун, муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида қурбонлик маросими ўтказайтиб, риёзат чекаётиб ва хайр-эҳсон садақа қилаётиб, барча амалларини ҳамиша "ом" ибораси билан бошлайдилар.***

Изоҳ: "Риг-веда"(1.22.20)да шундай сўзлар бор: *ом тад вишноҳ парамам падам*. Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишдан кўзланадиган энг олий мақсаддир. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз Худонинг Олий Шахсига бағишланганда фаолиятимиз бенуксон ва мукамал даражага эришади.

25. *тад итй анабхисандхайа пхалам йаджна-тапах-крийах  
дана-крийаи ча вивидхаҳ крийанте мокша-канкишибхиҳ*

***Инсон ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилмас-***

**дан, "тат" иборасини талаффуз қилиб, ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиши, риёзат чекиши ва хайр-эҳсон садақа қилиши лозим. Бундай руҳий фаолиятдан кўзланадиган мақсад моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишдир.**

Изоҳ: Руҳий поғонага кўтарилиш учун ҳар қандай моддий мақсадларга эришиш ниятидан халос бўлиш ҳамда фақат олий мақсадга - руҳий оламга, Худонинг даргоҳига эришиш ниятида ҳаракат қилиш лозим.

*26-27. сад-бхаве садху-бхаве ча сад ити этат прайуджйате  
прашасте кармани татха сач-чхабдаҳ партха йуджйате  
йаджне тапаси дане ча стхитиҳ сад ити чочйате  
карма чаива тад-артхийам сад ити эвабхидхийате*

**Эй Притхининг ўғли, Худога қурбонлик сифатида садоқат билан хизмат қилишдан мақсад Мутлақ Ҳақиқатдир, "сат" ибораси ҳам шуни билдиради. Илоҳий табиатга эга бўлгани ва Худони мамнун қилиш учун мўлжаллангани сабабли бундай қурбонлик маросимини ўтказайтган киши ҳам, қурбонлик маросимининг ўзи ҳам, риёзат ва эҳсонлар ҳам "сат" деб аталади.**

Изоҳ: *прашасте кармани*, яъни "белгиланган вазифалар" ибораси шуни кўрсатадики, муқаддас китобларда инсон туғилганидан то ўлгунга қадар ҳар хил покланиш маросимлари орқали ўтишини назарда тутадиган кўрсатмалар берилган. Бу кўрсатмалар охир-оқибатда инсоннинг моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб руҳий озодликка эришишини таъминлайди. Ана шу маросимларни ўтказайтганда *ом-тат-сат* иборасини талаффуз қилиш лозим. *Сад-бхаве* ва *садху-бхаве* сўзлари илоҳий табиатга эга иборалардир. Кришна онги билан қилинган фаолият ҳам *саттва* деб аталади, ҳаётда Кришна онги билан яшашни биладиган кишини эса *садху* деб атайдилар. "Шримад Бҳагаватам"(3.25.25)да айтилганки, бундай фаолиятнинг маъноси-ни фақат содиқлар даврасидагина англаб етиш мумкин. *Сатам прасангат* сўзи шуни билдиради. Табаррук авлиё инсонлар билан ҳамсухбат бўлиш имконига эга бўлмаган кишилар ҳеч қачон илоҳий илмга эга бўла олмайдилар. Ҳақиқий руҳий устоз шогирдига илоҳий фотиҳа берганида ёки унга браҳманлик зуннорини(муқаддас чилвир) тақайтганида "ом-тат-сат" иборасини талаффуз қилади. Шунга ўхшаб, ҳар қандай қурбонлик маросими ўтказишдан кўзланадиган мақсад ҳам ягона Парвардигор, яъни "*ом-тат-сат*" бўлиши керак. *Тад-артхайам* ибораси Парвардигор билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсага хизмат қилишни билдиради; бундай фаолият таркибига Худога садоқат билан хизмат қилишнинг овқат пишириш, эҳромда ишлаш сингари ёки Парвардигор ҳақидаги илми бошқаларга ўргатиш билан боғлиқ бўлган турли хил ишлар қиради. Кришна онгидаги ҳар қандай ишни мукам-

мал рухий даражада амалга ошириш учун содиқлар ҳамиша "ом-там-сам" илоҳий ибораларини талаффуз қиладилар.

28. *ашраддхайа хутам даттам тапас таптам критам ча йат асад итй учйате партха на ча там претйа но иха*

***Худога чуқур иймон келтирмасдан қилинган ҳар қандай қурбонлик маросими, хайр-эҳсон ёки риёзат шунчаки ўткинчи моддий амаллар бўлади. Улар "асат" деб аталади. Улар инсоннинг ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳеч қандай бахт-саодат келтирмайди.***

Изоҳ: Ҳар қандай фаолият - хоҳ у қурбонлик маросими бўлсин, хайр-эҳсон қилиш ёки риёзат чекиш бўлсин, агар рухий юксалиш мақсадида қилинмаган бўлса ҳеч қандай натижа бермайди. Шунинг учун бу ерда бундай амаллар каттиқ қораланган. Инсон ўзининг ҳар бир ишини Кришна онгида амалга ошириб, уни бутунлай Худога бағишлаши лозим. Ана шундай чуқур иймон-этикодга эга бўлмасдан, ҳақиқий рухий устоз раҳбарлиги остида бўлмай туриб биз ҳеч қачон бирор яхши натижага эриша олмаймиз. Барча муқаддас китобларда энг аввало Худога чуқур иймон келтириш зарурлиги таъкидланган. Муқаддас китобларнинг барчаси инсоннинг Худони англаб етишига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Ана шу қонун-қоидаларга амал қилмай туриб ҳеч ким ҳеч қачон рухий юксалиш йўлида бирор муваффақиятга эриша олмайди. Шунинг учун рухий юксалишнинг аввал бошиданок ҳақиқий рухий устоз раҳбарлиги остида Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш лозим. Шунда биз ҳаётдаги ҳамма ишларимизда албатта муваффақиятга эришамиз.

Шартланган руҳни фаришталарга, арвоҳларга ёки Кувера сингари яқшаларга сиғиниш жараёни ўзига жалб этади. Эзгулик гунаси эҳтирос ва ғафлат гунасидан устун туради, лекин Кришна онгига эга бўлган киши моддий табиатнинг барча гуналари таъсирдан юқори кўтарилади. Гарчи рухий юксалишнинг аста-секин, поғонама-поғона ўтиладиган йўли мавжуд бўлса ҳам, агар инсон Худонинг содиқ хизматкори билан ҳамсуҳбат бўлгани шарофати билан бирданига Кришна онги билан яшаш турмуш-тарзини қабул қилса, у энг тўғри йўлни танлаган бўлади. Бу ерда Кришна Аржунга айнан шу йўлни таклиф қиляпти. Бу йўлда муваффақиятга эришиш учун инсон энг аввало ҳақиқий рухий устоз топиши ва унинг раҳбарлиги остида махсус тайёргарликдан ўтиши лозим. Шунда инсон ўзининг қалбида Худога чуқур иймон-этикод ҳосил қилади. Вақт ўтиши билан унинг иймони кучайиб Худога нисбатан чуқур илоҳий муҳаббат туйғусига айланади. Ана шундай илоҳий муҳаббат бу дунёдаги тирик мавжудотнинг энг олий мақсади ҳисобланади. Шунинг учун инсон энг аввало Кришнани англаш йўлига кириши лозим. "Бҳагавад-Гита"нинг ўн еттинчи бобининг мазмуни шундан иборат.

*"Шримад Бхагавад-гита"нинг "Эътиқод турлари" деб аталадиган ўн еттинчи бобига Бхақтиведантинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Ўн саккизинчи боб. Мукаммал таркидунёлик**

### *1. арджуна увача*

*саннийасайа маха-бахо таттвам иччхами ведитум  
тйагамйа ча хришикеша притхак кеши-нишудана*

***Аржун деди: Эй қудратли Парвардигор, эй сезгилар ҳукмдори, эй иблис Кешани мағлуб қилган Зот, мен боғланмаслик(тйага)нинг ҳамда таркидунёлик-(саннийаса)нинг асл маъносини тушуниб олишни истайман.***

Изоҳ: Аслида "Бхагавад-Гита" ўн еттинчи боб билан тамом бўлади. Ўн саккизинчи бобда Кришна шу пайтгача муҳокама қилинган мавзулар бўйича якуний хулоса чиқаради. Кришна "Бхагавад-Гита"нинг ҳар бир бобида Худога садоқат билан хизмат қилиш инсон ҳаётининг энг олий мақсади эканини таъкидлаб айтган. Ўн саккизинчи бобнинг охирида ҳақиқатни англаш илмининг энг махфий сири ошкор этилганда ҳам айнан шундай хулоса қилинади. Биринчи олти бобда Худога садоқат билан хизмат қилиш усулининг бошқа йўллардан афзаллиги таъкидланади: *йогинам апи сарвешам...* - "барча йоглар, яъни илоҳиётчи инсонлар орасида энг аълоси - ҳамиша қалбида Мени ўйлаб юрадиган инсондир". Кейинги олти бобда соф садоқат билан хизмат қилиш ҳақида, унинг табиати, Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият тўғрисида гап боради. Охирги олти бобда илм, боғланмаслик, моддий табиатнинг фаолияти, руҳий табиат ва Худога садоқат билан хизмат



килиш ҳақида гапирилади. Инсоннинг бу дунёдаги ҳар қандай фаолияти ягона Парвардигорга, “ом-тат-сат” иборасида мужассам бўлган Вишнуга бағишланган бўлиши лозим деган хулосага келинган эди. "Бҳагавад-Гита"нинг учинчи қисмида исботланадики, инсон ҳаётининг олий мақсади - Худога садоқат билан хизмат қилишдан ўзга ҳеч нарса эмас. Буни тасдиқлаш учун Кришна қадимда яшаб ўтган донишмандларнинг гапларидан ҳамда муқаддас "Брахма-самхита"дан мисоллар келтиради. Баъзи имперсоналистлар "Веданта-сутра"да нозил қилинган илмга худди бу илм фақат уларнинг мулкидай эгаллик қилиб олганлар, аслида эса "Веданта-сутра" бутун инсониятнинг Худога садоқат билан хизмат қилишнинг маъносини англаб олишига ёрдам бериш учун нозил қилинган, чунки "Веданта-сутра"нинг муаллифи ҳам уни ҳаммадан яхшироқ биладиган Зот - ягона Парвардигор, Худо Шахсининг ўзи ҳисобланади. Бу ҳақда ўн бешинчи бобда айтилган эди. Ҳар бир Веданинг, ҳар қандай муқаддас китобнинг мақсади "инсон ҳаётининг мазмуни - Худога садоқат билан хизмат қилиш" эканини тасдиқлашдан иборат. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-Гита"да батафсил тушунтирилган.

Худди иккинчи бобда "Бҳагавад-Гита"нинг асосий мавзуларининг қисқача мазмуни берилгани сингари, ўн саккизинчи бобда ҳам аввалги бобларда айтилган гапларнинг барчасига якуний хулоса чиқарилади. Ҳаётда инсон бўлиб яшашдан мақсад - бу моддий оламни бутунлай тарк этиб, рухий оламга кўтарилиш, моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлишдан иборат. Аржун "Бҳагавад-Гита"да айтилган икки иборанинг мазмунини тушуниб олишни истаяпти: боғланмаслик(*тйага*) ва таркидунёлик(*саннийаси*). Шунинг учун у Кришнадан ана шу икки иборани аниқроқ тушунтириб беришни сўраяпти.

Аржун бу ерда Кришнага атайлаб икки хил ном билан мурожаат қиляпти: *Хришикеша* ва *Кеши-нишудана*. Кришнанинг *Хришикеша* деб аталишига сабаб - У ҳиссиётнинг, барча сезгиларнинг ҳукмдори ҳисобланади ва бизга рухий хотиржамликка эришишда ҳамиша ёрдам беради. Аржун ҳам қалбини хотиржам қилиш, ўзининг осойишта ҳолатига қайтиш учун Кришнадан айтилган гапларнинг ҳаммасидан аниқ бир хулоса чиқаришни илтимос қиляпти. Барибир унинг қалбида қандайдир гумон қолган. Одатда инсон қалбидаги гумонларни иблис(шайтон)га киёслайдилар, шу боис Аржун Кришнани *Кешу-нишедана* деб атаяпти. *Кеши* - бир вақтлар Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлган қудратли иблис, ҳозир эса Аржун ўзининг қалбидаги гумон иблисини ҳам Кришна ўлдириб ташлашидан умид қиляпти.

## 2. *ири-бхагаван увача*

*камйанам карманам нйасам саннийасам кавайо видух  
сарва-карма-пхала-тйагам прахус тйагам вичакишанах*

**Худонинг Олий Шахси деди: Дунёвий орзу-истакларини рўёбга чиқариш ниятида кўрсатиладиган фаолиятни тарк этишни буюк**

***донишмандлар таркидунёлик(саннийаса) деб атайдилар. Ҳар қандай фаолиятнинг натижаларидан воз кечишни эса - боғланмаслик(тйага) деб атайдилар.***

Изоҳ: Инсон ҳаётда натижасидан лаззатланиш ниятида меҳнат қилишга интилишдан иборат бўлган ҳар қандай фаолиятни тарк этиши лозим. "Бҳагавад-Гита"нинг кўрсатмаси шундай. Айни пайтда руҳий илм эгаллашга ёрдам берадиган фаолият билан шуғулланишда давом этавериш керак. Бу кейинги шеърлардан маълум бўлади. Ведаларда инсон ҳаётда ҳар хил мақсадларга эриша олиши учун жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказиши тавсия қилинган. Яхши фарзандга эга бўлиш ёки жаннатга эришиш учун ўтказиладиган махсус қурбонлик маросимлари бор, лекин аслида ҳар қандай моддий орзу-истакларни амалга ошириш учун ўтказиладиган барча қурбонлик маросимларидан бутунлай воз кечиш керак. Аммо, инсон қалбини моддий истаклардан поклаш ҳамда руҳий илмга эга бўлиш мақсадида қурбонлик маросими ўтказишни тарк этмаслик керак.

*3. тйаджйам доша-вад итй эке карма прахур манишинаҳ  
йаджна-дана-тапах-карма на тйаджйам ити чапаре*

***Баъзи донишмандлар ҳар қандай кармали фаолиятни "гуноҳ" деб ҳисоблаб, уни бутунлай тарк этиш лозим дейдилар, бошқалар эса, инсон қурбонлик маросими ўтказиш, хайр-эҳсон қилиш ва риёзат чекиш билан боғлиқ фаолиятни ҳеч қачон тарк этмаслиги керак, дейдилар.***

Изоҳ: Ведаларда изоҳ бериб тушунтириш зарур бўлган жуда кўп ҳақиқатлар келтирилган. Масалан, уларда “қурбонлик маросими пайтида ҳайвонларни қурбон қилиш мумкин” деб айтилган; шунга қарамай баъзи бировлар “ҳайвонларни ўлдириш умуман мумкин эмас” деб ҳисоблайдилар. Гарчи Ведалар қурбонлик қилиш учун мўлжалланган ҳайвонни ўлдиришга рухсат берса ҳам, аслида ундай ҳайвонни "ўлдирилган" деб ҳисобламаслик керак. Қурбонлик маросими қурбон қилинган ҳайвонга янги ҳаёт бағишлайди. Баъзан қурбонлик сифатида ўлдирилган ҳайвон ёш танага эга бўлади, баъзида эса бирданига инсон танасига эга бўлади. Лекин донишмандлар орасида бу борада аниқ фикр йўқ. Уларнинг баъзилари “ҳайвонларни умуман ўлдириш мумкин эмас” деб, бошқалари эса “қурбонлик маросими пайтида ҳайвонларни ўлдириш мумкин” деб ҳисоблайдилар. Ҳозир Парвардигорнинг Ўзи қурбонлик маросими ҳақидаги мана шу баҳс-мунозарали масалани узил-кесил ҳал қилмоқчи бўляпти.

*4. нишчайамирину ме татра тйаге бхарата-саттама  
тйаго хи пуруша-вйагхра три-видхаҳ сампракиртитаҳ*

***Эй Бхаратлар аълоси, энди боғланмаслик ҳақида Менинг фикримни эшит. Эй инсонлар ичида арслони, муқаддас китобларда боғланмасликнинг уч тури кўрсатилган.***

Изоҳ: Боғланмаслик ҳақида ҳар хил фикрлар бўлишига қарамай, Шри Кришна бу ерда Ўзининг фикрини эълон қиляпти. Албатта, Унинг фикрини ҳамма сўзсиз қабул қилиши лозим. Охир-оқибатда Ведалар - Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган қонунлар тўпламидан иборат. Бу ерда Парвардигорнинг Ўзи бу тушунчага яқуний аниқлик киритяпти. Унинг фикрини яқуний, ўзгармас хулоса ўрнида қабул қилиш лозим. Парвардигор айтяптики, боғланмаслик тушунчасини инсонга таъсир қилаётган моддий табиат гуналари нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш керак.

*5. йаджна-дана-тапах-карма на тйаджйам карйам эва тат  
йаджно данам тапаш чаива паванани манишинам*

***Қурбонлик маросими ўтказиш, хайр-эҳсон қилиш ҳамда риёзат чекишни ҳеч қачон тарк этмаслик керак, чунки улар ҳатто буюк зотлар учун ҳам покланиш воситаси ҳисобланади.***

Изоҳ: Йоглар жамиятдаги ҳар бир одамнинг руҳий юксалиши ҳақида қайғуриб яшаши лозим. Инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган жуда кўп покланиш маросимлари бор. Ана шундай маросимлардан бири *виваха-ягйа* деб аталадиган “никоҳ тўйи” маросими ҳисобланади. Оилавий ҳаётни тарк этиб, таркидунё қилган саннийаси ана шундай маросимларни маъқуллаши керакми-йўқми? Бу ерда Парвардигор айтяптики, бошқаларга бахт-саодат келтирадиган қурбонлик маросимлари ўтказишни ҳеч қачон тарк этмаслик керак. *Виваха-ягйа*, тўй маросими аслида инсоннинг ақлини хотир-жам қилиш ҳамда унга оилавий шароитда тинчгина руҳий фаолият билан шуғулланиб яшаш имконини бериш учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳатто таркидунёлик қилган одамлар ҳам бошқа одамларга *виваха-ягйа* маросимини ўтказиш зарурлигини тушунтиришлари лозим, чунки жамиятда аксарият кўпчилик одамлар учун бундай покланиш маросимини ўтказиш жуда зарур. Саннийасиларга аёллар билан алоқа қилиш бутунлай таъқиқланган, лекин бу "ҳали руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида турган ёш йигит ҳам қурбонлик маросими ўтказиб, Худонинг қонунлари асосида оила қурмасин!" - дегани эмас. Ведаларда тавсия қилинган барча қурбонлик маросимлари инсонларга Худони англаб етишда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Шунинг учун руҳий юксалишнинг пастки поғоналарида юрган одамлар бундай маросимларни тарк этмаслиги керак. Худди шундай, бошқа бировларга хайр-эҳсон қилиш билан ҳам инсоннинг қалби покланади. Аввал айтилганидай,

муносиб одамларга хайр-эхсон садақа қилиш бизнинг руҳий юксалишимизга ёрдам беради.

*6. этанй апи ту кармани сангам тйактва пхалани ча  
картавайанити ме партха нишчитам матам уттамам*

***Бундай эзгу ишларни эвазига бирор манфаат қутмасдан қилиш керак. Эй Притхининг ўгли, инсон уларни ўзининг муқаддас бурчи сифатида бажариши лозим. Менинг яқуний фикрим шу.***

Изоҳ: Гарчи барча қурбонлик маросимлари покланиш мақсадида ўтказилса ҳам, инсон уларни бирор натижага эришишдан таъма қилмасдан, холис ўтказиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, моддий мақсадларни кўзлаб ўтказиладиган барча қурбонлик маросимларидан бутунлай воз кечиш керак, аммо инсон онгини поклайдиган, унинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган қурбонлик маросимларидан воз кечмаслик керак. Содик ҳаётда Худони англашда ёрдам берадиган ҳар қандай амални қабул қилиб яшаши лозим. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, агар Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган бўлса, ҳар қандай амал, ҳар қандай ишни қабул қилиш керак. Ҳақиқий диннинг олий мезони ана шундан иборат. Агар инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилишида ёрдам берадиган бўлса, Худонинг содиқ хизматкори кундалик турмушда ҳар қандай фаолият билан машғул бўлиши мумкин.

*7. нийатасйа ту саннийасаҳ кармано нопападйате  
мохат тасйа паритйагас тамасаҳ парикиртитаҳ*

***Инсон ҳеч қачон муқаддас китобларда белгиланган ўз бурчини бажаришдан бош тортмаслиги лозим. Агар одам адашганидан ўз бурчини бажаришни тарк этса, унинг бу иши гафлат гунасидаги боғланмаслик бўлади.***

Изоҳ: Ҳиссий лаззатланиш ниятида қилинадиган ҳар қандай фаолиятдан воз кечиш ҳамда руҳий юксалишда ёрдам берадиган ҳар қандай фаолиятни давом эттириш лозим. Парвардигор учун ширин таомлар тайёрлаш, шу таомларни Унга таклиф қилиш, прасадамдан татиш ва шу каби ишлар инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган ишлардир. *Саннийаси* атайлаб ўзи учун овқат пиширмаслиги лозим, деб кўрсатилган. *Саннийаси* ўзи учун овқат пиширмаслиги мумкин, лекин у Парвардигорга таклиф қилиш учун овқат тайёрлаши мумкин ва шарт. Худди шунингдек, агар шогирдининг руҳий юксалишига, унинг Кришна онгида мустаҳкам туриб олишига ёрдам берадиган бўлса,

*саннийаси* шогирди учун никоҳ маросими ўтказиб, уни уйлантириб қўйиши керак. Шундай фаолиятдан воз кечадиган киши албатта гафлат гунаси таъсири остида юрган одам бўлади.

8. *дуҳхам ити эва йат карма кайа-клеша-бхайат тйаджет са критва раджасам тйагам найва тйага-пхалам лабхет*

***Қийналганидан ёки қўрққанидан ўз бурчини бажаришни тарк этган киши эҳтирос гунаси таъсири остида ўз бурчидан воз кечган ҳисобланади. Бу йўл билан у ҳеч қачон боғланмасликнинг ҳақиқий натижасига эришолмайди.***

Изоҳ: Кришнани англаб етган киши моддий фаолият тўрларига илиниб қолишдан қўрқиб, ишлаб юрган жойидан бўшамаслиги лозим. Агар, бирор иш билан машғул бўла туриб, топган даромадини одамларга Кришнани англаш илмини ўргатиш учун сарфлаб юрса ёки ҳар куни эрта туриб, Кришна онгидаги фаолият турлари билан машғул бўлиб, қалбида Худони англаш илмини ривожлантириб юрган бўлса, у дунёвий фаолият билан шуғулланишдан, тубанликка қулашдан қўрқиб қилаётган ишини тарк этмаслиги керак. Бундай ўйлар билан дунёвий ишларни тарк этиш эҳтирос гунасидаги боғланмасликка киради. Эҳтирос гунаси таъсирида қилинган ҳар қандай фаолият эса мусибатдан, ташвишдан бошқа бирор натижа бермайди. Шундай фикрларга асосланиб меҳнат қилишни тарк этган киши ҳеч қачон дунёвий фаолиятни тарк этишдан, боғланмасликдан қутилинадиган натижага эриша олмайди.

9. *карийам итй эва йат карма нийатам крийате “рджуна сангам тйактва пхалам чаива са тйагаҳ саттвико матаҳ*

***Эй Аржун, инсон ўзи бажариши лозим бўлган ишларни ўзининг муқаддас бурчи деб билиб, уларнинг натижасига боғланмасдан ҳаракат қилганида унинг боғланмаслиги эзгулик гунасида бўлади. Менинг фикрим шундай.***

Изоҳ: Инсон ўзининг кундалик турмушдаги вазифаларини Шри Кришна айтаётгандай онг билан бажариб яшаши лозим. У ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмасдан, моддий табиат гуналари таъсирига берилмасдан яшаши керак. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган киши бирор корхонада ишлар экан ўзини шу корхонанинг ишчиси ҳисоблаб, “мен корхона учун ишлаб юрибман” деб ҳисобламайди. У Кришна учун ишлайди, ўз меҳнатининг натижаларини Худого бағишлаб, руҳий поғонада, яъни соф эзгулик гунасида ҳаракат қилаётган бўлади.

10. *на двешти акушалам карма кушале нанушаджджате  
тйаги саттва-самавишто медхави чхинна-самшайах*

**Эзгулик гунасидаги фаросатли донишманд инсон ҳеч қандай шубҳаю-гумонга бормай, ёқимсиз ишлардан ҳазар қилмасдан, ёқимли ишларга боғланиб қолмасдан ҳаракат қилади.**

Изоҳ: Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган киши эзгулик гунасидаги инсон сингари ҳеч қачон ўзининг танасига ташвиш келтирадиган нарсаларга - хоҳ у одам бўлсин, хоҳ шароит бўлсин, нафрат билан қарамайди. У қанчалик кийин бўлса ҳам, керакли жойда, керакли вақтда ўз бурчини бажаришда давом этаверади. Шундай киши ҳамиша рухий поғонада юрган инсон ҳисобланади. Одамлар орасида энг фаросатли, зукко инсон бўлгани сабабли у ҳаётда ҳеч қандай шубҳаю-гумонларга берилмай яшайди.

11. *на хи деха-бхрита шакйам тйактум карманй ашешатах  
йас ту карма-пхала-тйаги са тйагитй абхидхийате*

**Тирик мавжудот ҳеч қачон фаолият кўрсатишни бутунлай тарк этолмайди. Лекин, ўз меҳнатининг натижасидан воз кечган кишини ҳақиқатан ҳам бу дунёга боғланмаган инсон деб атайдилар.**

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"да айтилганки, ҳеч ким ҳаракат қилмасдан туролмайди. Шунинг учун ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган, уларнинг ҳаммасини Кришнага бағишлаган кишини "ҳар қандай фаолиятни тарк этган инсон", "таркидунё қилган одам" деб айтадилар. Кришнани англаш Халқаро жамиятининг жуда кўп аъзолари ҳар хил корхоналарда, фабрикаларда тер тўкиб ишлайдилар, топган пулларининг ҳаммасини жамиятимиз эҳтиёжларига сарфлайдилар. Ана шу улуғвор руҳлар ҳақиқий таркидунё қилган санниясилардир. Бу ерда нима сабабдан, нима учун, қандай қилиб инсон ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиши лозимлиги аниқ айтилган.

12. *аништам иштам мишрам ча три-видхам карманах пхалам  
бхаватй атиагинам претйа на ту санниясинам кваचित*

**Ҳали таркидунёлик даражасига эришмаган киши кейинги ҳаётида ҳозир ўзи қилаётган ишларнинг уч турли: ёқимли, ёқимсиз ва ара-лаш оқибатларига дучор бўлади. Таркидунёлик даражасига эриш-ган киши эса ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатидан лаззатлан-майди ҳам, қийналмайди ҳам.**

Изоҳ: Кришнани англаб етган ҳамда Кришна билан ўзаро мангу муносабат-ларини ҳамиша эсида сақлаб яшайдиган киши ҳамиша рухий озодликда юр-

ган инсон бўлади. Шунинг учун у кейинги ҳаётида ўз фаолиятининг яхши натижаларидан лаззатланмайди, ёмон оқибатларидан қийналиб, азоб чекмайди.

13. *панчаитани маха-бахо каранани нибодха ме  
санкхйе кританте проктани сиддхайе сарва-карманам*

**Эй биллаги қучли Аржун, Веданта таълимотига қўра ҳар бир ишнинг амалга ошишига беш нарса сабаб бўлади. Энди Мендан улар ҳақида билиб ол.**

Изоҳ: Шундай савол туғилиши мумкин: агар ҳар қандай ҳаракатнинг албатта яхши ёки ёмон оқибати мавжуд бўлса, "Кришна онгида фаолият кўрсатаётган одам ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланмайди ҳам, азобланмайди ҳам" деган гапни қандай тушуниш керак? Бу саволга жавоб бера туриб, Парвардигор Веданта фалсафасига асосланади. У тушунтиряптики, ҳар қандай ишнинг амалга ошиши учун беш сабаб(шарт) бўлиши керак. Ҳар қандай ҳаракатда муваффақиятга эришиш учун албатта ана шу сабабларнинг ҳаммасини эътиборга олиш лозим. *Санкхйа* - илм дарахти, *веданта* эса унинг энг юқори шохаси, буни барча донишмандлар тан оладилар. Ҳатто буюк имперсоналист олим, донишманд Шанкарачарйа ҳам *санкхйа* сўзини *веданта* деб изоҳлайди. Шунинг учун ана шу ишонарли манбага асосланиш жуда муҳим.

"Бхагавад-Гита"да айтилганидай, олий ҳукмронлик Олий Рухга мансуб бўлган сифатдир: *сарвасйа чахам хриди саннивиштах*. Ҳар бир тирик мавжудотнинг аввалги ҳаётидаги истақларини эсига солиб, Олий Рух уларни бу ҳаётда ҳар хил ишлар қилишга ундайди. Олий Рухнинг кўрсатмаси билан, яъни Худонинг амри билан қилинган ҳар қандай фаолият инсонга унинг хозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳеч қандай оқибат келтирмайди.

14. *адхитханама татха карта каранам ча притхаг-видхам  
вивидхаиш ча притхак чешта даивам чаиватра панчамама*

**Ҳаракат қилиш жойи(тана), ҳаракатни амалга оширувчи зот, сезги аъзолари, ҳар хил интилиш(ҳаракат)лар ва Олий Рух - буларнинг барчаси ҳар қандай ишнинг амалга ошишига сабаб бўладиган зарурий сабаб(шарт)лардир.**

Изоҳ: *адхитханама* сўзи танани билдиради. Танада жойлашган рух ҳаракат қилади, шунинг учун уни *карта*, яъни "ҳаракатни амалга оширувчи" деб атайдилар. Рухнинг илмга эга экани ва ҳаракат қилиши шрутиларда айтилган: *эша хи драишта спраишта*(Прашна-упанишад, 4.9). Бу "Веданта-сутра"да ҳам тасдиқланган: *эжно "та эва* (2.3.18) ва *карта шастрартхават-*

*тват*(2.3.33). Сезги аъзолари - ишни амалга ошириш воситалари ҳисобланади. Уларнинг ёрдами билан руҳ ҳил ишларни амалга оширади. Ҳар бир иш учун маълум даражада интилиш(ҳаракат, уриниш) зарур бўлади. Лекин, охир-оқибатда инсоннинг қиладиган ҳар қандай иши тирик мавжудотнинг дўсти сифатида қалбида мавжуд бўлган Олий Руҳга боғлиқ. Парвардигор - барча сабабларнинг олий сабабчиси. Шунинг учун ҳаётда Олий Руҳ раҳбарлиги остида, ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилаётган киши табиий равишда қилаётган ишларининг, ўз фаолиятининг оқибатларига ўралишиб қолмайди. Ҳаётда ҳамиша фақат Кришна онги билан яшаб юрган киши ҳеч қачон ўзининг қилаётган ишлари учун жавоб бермайди. Ҳамма нарса Парвардигорнинг амри билан бўлади.

15. *шарира-ван-манобхир йат карма прарабхате нараҳ  
нийайам ва випаритам ва панчайте тасйа хетавах*

***Инсон ўзининг танаси, ақли ёки нутқи ёрдамида амалга оширадиган ҳар қандай тўғри ёки нотўғри иш мана шу беш сабабга асосланади.***

Изоҳ: Бу ерда "тўғри ёки нотўғри" деган сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатилган фаолият тўғри амаллар(савоб ишлар) ҳисобланади, уларга зид бўлган ҳар қандай фаолият эса, гуноҳ ишлар, яъни нотўғри фаолият бўлади. Лекин ҳар қандай иш ҳам, фақат юқоридаги беш сабаб мавжуд бўлгандагина охиригача амалга ошиши мумкин.

16. *татраивам сати картарам атманам кевалам ту йаҳ  
пашйатй акрита-буддхитван на са пашйати дурматих*

***Шу боис, ҳар қандай амални фақат ўзим бажаряпман деб ҳисоблайдиган ва мана шу беш сабабни ҳисобга олмайдиган кишини ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлган фаросатли инсон деб бўлмайди.***

Изоҳ: Аҳмоқ одам ўзининг қалбида туриб Олий Руҳ унинг барча ҳаракатларини бошқариб турганини тушуна олмайди. Гарчи ҳаракат қилиш жойи, ҳаракатни амалга оширувчи зот, ҳаракат ва сезги аъзолари ҳар қандай ишнинг моддий сабаблари бўлса ҳам, барча ишларнинг олий сабабчиси - Парвардигор, Олий Руҳдир. Шунинг учун ўзимиз амалга ошираётган ҳар қандай ишда биз фақат моддий табиатли тўрт сабабни эмас, балки бутун борликни ҳаракатга келтириб турган Олий Сабабчини ҳам кўра олишимиз лозим. Парвардигорни кўришга қодир бўлмаган киши қилаётган барча ҳаракатларини “фақат ўзим бажаряпман” деб ҳисоблайди. Ундай одам фаро-



сатсиз, калтафаҳм, ғофил инсондир.

17. *йасйа наханкрито бхаво буддхир йасйа на липйате  
хатвати са имал локан на ханти на нибадхйате*

***Бирор иш қилаётганида сохта ўзлик таъсирига берилмайдиган, тафаккури пок ва озод, эркин инсон ҳатто бировни ўлдирса ҳам қотиллик содир қилмаган бўлади ва ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларига боғланиб қолмайди.***

Изоҳ: Парвардигор бу ерда тушунтириб айтяптики, Аржун сохта ўзлиги таъсири остида жангда иштирок этишдан бош тортяпти. Ўзини иш бажарувчи ягона сабаб деб билган Аржун Ўзини ҳам қалбида, ҳам ташқарида намоён этиб турган Олий сабабчи Кришнани эътиборга олмаяпти. Ҳатто Аржундай буюк инсон ҳам ўзининг ҳар бир ҳаракати юқоридан белгиланган эканини билмаса, оддий одамлар нима ҳам қила оларди? Лекин, фаолиятнинг барча сабабларини: воситани; амалга оширувчи зотни; амалга оширишга рухсат берувчи Парвардигорни яққол кўра билган кишигина ҳар қандай фаолиятни мохирлик билан амалга оширишга қодир бўлади. Ундай киши ҳеч қачон ҳақиқат йўлидан адашмайди. Мустақил ҳолда, қилаётган ишининг ҳамма натижаларини ўз зиммасига олиб ҳаракат қилиш истаги - сохта ўзлик, иймонсизлик, Худога ишонмаслик таъсири остида юзага келади. Кришна онгига эга бўлмаган иймонсиз киши ҳаётда шундай ҳаракат қилиб яшайди. Ҳаётда Кришна онги билан Олий Рух, яъни Худонинг Олий Шахси раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб яшаётган ҳар қандай инсон ҳатто одам ўлдириб ҳам қотил ҳисобланмайди ва ҳеч қачон қилган ишларининг оқибати учун жавоб бермайди. Қўмондоннинг амри билан аскар бировни ўлдирса, у ҳеч қачон ўзининг шу иши учун жавоб бермайди. Лекин, ўша аскар бирор одамни ўз хоҳиши билан ўлдирса, бунинг учун албатта жазоланади.

18. *джнанад джнейам париджната три-виддха карма-чодана  
карнам карма картети три-виддха карма санграхаҳ*

***Илм, ўрганиладиган нарса ва илм ўрганувчи - инсонни фаолият кўрсатишга ундайдиган уч сабаб ҳисобланади. Сезги аъзолари, ҳаракатлар ва иш бажарувчи эса, фаолиятнинг таркибий қисмларидир.***

Изоҳ: Инсонни ҳар қандай фаолиятга уч сабаб ундайди: илм, ўрганиладиган нарса ва илм ўрганувчи. Фаолият қуроллари, ҳаракатнинг ўзи ва уни амалга оширувчи - фаолиятнинг таркибий қисмларидир. Инсон машғул бўлган ҳар қандай фаолият мана шу таркибий қисмлардан таркиб топган. Бирор иш қилишдан аввал одамнинг қалбида уни шу фаолиятга ундайдиган бирор

кизиқиш пайдо бўлиши керак. Ҳали иш бошламай туриб, инсон ўзининг қалбида қабул қилган қарор шу фаолиятнинг нафис кўриниши ҳисобланади. Фақат шундан кейингина унинг иши аниқ амалга оша бошлайди. Ҳар қандай фаолият аввало инсоннинг ақлида рўй беради: инсон хаёлида фикрлайди, тасаввур қилади, унда қандайдир истак пайдо бўлади. Буларнинг барчаси фаолиятга ундовчи интилишни, ниятни ташкил этади. Ана шундай интилиш(ният)ни муқаддас китоблардан ёки руҳий устоздан олиш мумкин. Ният ҳамда ҳаракатни амалга оширувчи зот бўлса, сезги аъзолари ва ақл ёрдамида фаолият амалга оша бошлайди. Ана шу таркибий қисмларнинг барчаси бир-галикда ҳар қандай ҳаракатнинг умумий кўринишини ташкил этади.

19. *дженанам карма ча карта ча тридхаива гуна-бхедатаҳ  
прочйате гуна-санкхйане йатхавач чхрину тани апи*

***Илмнинг, ишнинг ва иш бажарувчининг уч тури моддий табиатнинг уч гунаси билан белгиланади. Ҳозир Мен сенга улар ҳақида гапириб бераман.***

Изоҳ: "Бхагавад-Гита"нинг ўн тўртинчи бобида моддий табиатнинг уч гунаси ҳақида батафсил маълумот берилган эди. У ерда айтилганки, эзгулик гунаси инсонни илм нури билан ёритади, эҳтирос гунаси унинг моддий нарсаларга боғланишини кучайтиради, ғафлат гунаси эса уни дангаса ва ланж қилиб кўяди. Моддий табиат гуналари бизни моддий оламга боғлаб кўяди, уларнинг бирортаси бизнинг озодликка эришишимизга сабабчи бўлолмайди. Хатто эзгулик гунаси ҳам инсонни бу моддий оламга боғлаб кўяди. Ўн еттинчи бобда ҳар хил гуналар таъсиридаги одамларга хос бўлган эътиқод(сиғиниш) турлари ҳақида гапирилган эди. Парвардигор энди моддий табиатнинг гуналари таъсирига қараб илмнинг, фаолиятнинг уч тури ва фаолият кўрсатувчининг уч тоифаси ҳақида гапириб бермоқчи бўляпти.

20. *сарва-бхутешу йенаикам бхавам авйайам икшате  
авибхактам вибхактешу тадж дженанам виддхи саттвикам*

***Ҳар хил тур ва қиёфаларга мансуб бўлишига қарамай барча тирик мавжудотларнинг ягона руҳий табиатини кўра олиш имконини берадиган илмни “эзгулик гунасидаги илм” деб ҳисоблаш лозим.***

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудотда - хоҳ у фаришта, хоҳ инсон, ҳайвон, қуш, балиқ ёки ўсимлик бўлсин, - мангу руҳни кўра оладиган киши эзгулик гунасидаги илмга эга киши ҳисобланади. Гарчи тирик мавжудотлар аввалги ҳаётида қилган ишларига қараб ҳозир турли кўринишдаги таналарга эга бўлса ҳам, уларнинг ҳаммасининг ичида бир хил, мангу руҳ мавжуд. Еттинчи бобда айтилганидай, барча моддий таналарни Парвардигорнинг олий, руҳий

табиатига мансуб бўлган куч тирилтиради. Шунинг учун ҳамма ерда, барча моддий таналарда ана шу олий табиатни, ягона ҳаётий кучни кўра билган киши ҳаёт ҳақида эзгулик гунасидаги ҳақиқий, тўғри тасаввурга эга бўлади. Ҳаётнинг ана шу қуввати мангу табиатга эга. Моддий таналар эса ўткинчи, ҳалокатга маҳкум. Бу дунёда тирик мавжудотлар орасидаги фарқ уларнинг моддий танасига қараб аниқланади, шартланган ҳаёт ранг-баранг бўлгани сабабли ҳаёт бағишловчи қувват ҳам моддий тирикликнинг турли кўринишлари орасида парчаланиб кетгандай бўлиб кўринади. Оламни, ҳаётни ана шундай шахсиятсиз ҳолда тасаввур қилиш ҳам ўзликни англашнинг маълум бир босқичи ҳисобланади.

21. *притхактвена ту йадж джнанама нана-бхаван притхаг-видхан  
ветти сарвешу бхутешу тадж джнанама виддхи раджасам*

***Танасининг табиатига қараб, ҳар хил таналарда ҳар хил табиатга эга тирик мавжудотлар бўлади деган тасаввур ҳосил қиладиган илм “эҳтирос гунасидаги илм” ҳисобланади.***

Изоҳ: Ҳаёт ҳақида "тирик мавжудот - моддий тананинг ўзи, тана ҳалокатга учраши билан унинг онги ҳам яксон бўлади" деган нуқтаи-назарга асосланган илм эҳтирос гунасидаги илм ҳисобланади. Ҳаёт ҳақида шундай тасаввурга эга бўлган одам "моддий таналар бир-биридан онгининг ривожланганлиги билан фарқ қилади" деб ҳисоблайди ва онгининг манбаи руҳ эканини тан олмайди. Ундай одамлар "тана билан руҳ - бир нарса" деб ҳисоблайдилар, руҳнинг алоҳида мавжуд бўлишини инкор этадилар. Уларнинг фикрича онг вақтинчалик мавжуд бўлиб туради. Ёки улар алоҳида руҳнинг мавжудлигини тан олмай, ҳамма ерда мавжуд бўлган, илмга тўла "ягона руҳ"нинг мавжудлигини тан оладилар, танани эса "ғофилликнинг вақтинчалик намоён бўлган кўриниши" деб биладилар. Яна бировлар "танадан ташқарида алоҳида руҳ ҳам, олий руҳ ҳам мавжуд эмас" деб ҳисоблайдилар. Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурларнинг барчаси эҳтирос гунаси таъсирида юзага келади.

22. *тат ту критсна-вад экамин карйе сактам ахаитукам  
ататтвартха-вад аллам ча тат тамасам удахритам*

***Бирор фаолиятни "энг муҳим иш" деб, инсонни унга қаттиқ боғлаб қўядиган, ҳаёт ҳақида тўғри тасаввур бермайдиган, чекланган ва тор доирадаги илм “ғафлат гунасидаги илм” деб аталади.***

Изоҳ: Оддий одамларнинг мактаб, институт сингари ҳар хил илмий муассасаларда ўрганиб юрган илми - ғафлат гунасидаги билим ҳисобланади. Аслида ҳар бир инсон ғафлат гунасида дунёга келади. Муқаддас китобларни ёки уларни биладиган иймон-эътиқодли инсоннинг гапларини тинглаб Ҳақиқат

илмини ўрганмаган киши ҳаёт ҳақида тана нуктаи-назаридоги, моддий тасаввурга асосланган тушунчадан ташқари чиқолмайдиган, чекланган илмга эга бўлиб қолади. У муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қилишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ундай ғофил, калтафаҳм одамнинг Худоси пул, бойлик бўлади, унинг учун илм - "тананинг лаззатланишга бўлган эҳтиёжини қондириш сирларини ўрганиш"дан бошқа нарса эмас. Ана шундай дунёвий илмнинг Мутлақ Ҳақиқатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аслида бундай моддий илм ҳатто оддий ҳайвонлар ҳам биладиган илмдан фарқ қилмайди: бу илм инсонга фақат еб ичиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ўзини муҳофаза қилишдан бошқа бирор нарсани ўргата олмайди. Ана шундай илм бу ерда “ғафлат гунасидаги илм” деб аталган. Бошқача қилиб айтганда, моддий танадан ташқарида, ундан ажралган ҳолда алоҳида мавжуд бўлган руҳ ҳақидаги илм “эзгулик гунасидаги илм” деб, мантиқ ва ҳар хил тахминларга асосланган турли таълимот ва назарияларни келтириб чиқарадиган илм - “эҳтирос гунасидаги илм”, асосий мақсади - моддий танани ҳар хил қулайликлар билан таъминлашдан иборат бўлган илм эса - “ғафлат гунасидаги илм” деб аталади.

23. *нийатам санга-рахитам арага-двешатаҳ критам  
апхала-препсуна карма йат тат саттвикам учйате*

***Асосида ҳеч қандай боғланиш, муҳаббат ва нафрат, ёки ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланиш истаги бўлмаган, Худонинг муқаддас қонун-қоидалари асосида тартибга солинган фаолият “эзгулик гунасидаги фаолият” деб аталади.***

Изоҳ: Муқаддас китобларда жамиятнинг ҳар бир табақасига мансуб одамлар учун белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган, натижасига боғланиб қолмасдан, бирор фойда, манфаат таъма қилмайдиган одамнинг амалга оширадиган фаолияти, яъни ҳеч қандай муҳаббат ёки нафратсиз, ўз нафсини қондириш учун эмас, балки Кришна онги билан Худонинг розилигига эришиш учун кўрсатиладиган фаолият эзгулик гунасидаги фаолият ҳисобланади.

24. *йат ту камепсуна карма саханкарена ва пунаҳ  
крийате бахулайасам тад раджасам удахритам*

***Сохта ўзлик таъсири остида, ўзининг шахсий орзу-истакларини амалга ошириш ниятида амалга ошириладиган, машаққатли меҳнат ва уринишлар талаб қиладиган фаолият - “эҳтирос гунасидаги фаолият” ҳисобланади.***

25. *анубандхам кшайам химсам анапекийа ча паурушам*

***Алданиш таъсири остида юзага келган, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган, келажакда тутқунликка олиб келиши ҳисобга олинмасдан қилинган фаолият ёки бошқа тирик мавжудотларга зиён етказадиган, зулм ишлатиш билан кўрсатиладиган фаолият “ғафлат гунасидаги фаолият” ҳисобланади.***

Изоҳ: Қилган ишларимиз учун ҳар биримиз давлат олдида ёки Парвардигорнинг Ямадутаалар деб аталадиган маъсул вакиллари олдида албатта жавоб беришга мажбурмиз. Маъсулият ҳис қилмасдан қилинган ҳар қандай фаолият оламни яқсон қилувчи, ҳалокатга олиб келувчи қудратга эга, чунки ундай фаолият муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига, Худонинг қонуналарига зид равишда амалга оширилади. Ундай фаолият аксарият ҳолларда зўравонлик қилиш, зулм ўтказиш, қуч ишлатиш билан боғлиқ бўлади ва бошқа тирик мавжудотларнинг мусибат чекишига олиб келади. Маъсулиятсизлик билан ана шундай фаолият кўрсатадиган одамлар одатда фақат ўз манфаатини ўйлайдилар, фақат ўз тажрибасига, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурга асосланиб ҳаракат қиладилар. Мана шу алданиш ҳисобланади. Алданганидан, ғофиллик билан кўрсатилаётган бундай фаолият ғафлат гунаси таъсири остида амалга оширилади.

26. *мукта-санго “нахам-вади дхритй-утсаха-саманвитаҳ  
сиддхй-асиддхйор нирвикараҳ карта саттвика учйате*

***Сохта ўзлиги ва моддий табиат гуналарининг таъсирига эътибор бермасдан ўз бурчини бажарадиган, қатъият ва ихлос билан ҳаракат қиладиган, муваффақият ва қийинчиликларда ўзгармай, хотиржам қолаверадиған киши эзгулик гунасидаги инсондир.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида бўлади, шунинг учун у табиий равишда ўзида эзгулик гунасининг аломатларини намоён этади. Манманлик ва сохта ўзлик таъсирдан озод бўлиб, у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмайди. Лекин, бу ҳолат унинг то ўзига топширилган ишни охирига етказмагунча шижоат билан меҳнат қилишига ҳалақит бермайди. Ҳаётда дуч келадиган ҳар хил қийинчиликлар унинг шижоатини, қатъиятини пасайтира олмайди. Кўрсатаётган фаолиятининг оқибати нима бўлиши, қандай натижа билан тугаши унга ҳеч қандай таъсир қилмайди: муваффақият ёки мағлубият биланми тугашини ўйламай, у бир хил шижоат ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этаверади. У мусибатда ҳам, шодликда ҳам бир хилда хотиржам ва осойишта қолади. Ана шундай одам эзгулик гунасида мустаҳкам турган инсон ҳисобланади.

*27. раги карма-пхала-препсур лубдхо химсатмако “шучих  
харша-шоканвитах карта раджасах парикрмитах*

***Агар инсон ўз фаолиятига ва унинг натижаларига боғланиб қолган бўлса, ҳамиша ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланишга интилиб ҳаракат қиладиган бўлса, қизганч, золим, нопок, мусибат ва қувонч таъсирига берилувчан бўлса, ундай кишини “эҳтирос гунасидаги одам” деб айтадилар.***

Изоҳ: Маълум бир фаолиятга, тўғрироғи унинг натижасига қаттиқ боғланиб қолиш одамнинг ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эгаллиги, унинг моддий ҳаётга: оиласига, хотини ва фарзандларига қаттиқ боғланиб қолиши сабабли юзага келади. Ундай одамнинг ҳаётдаги ягона мақсади ўзини ҳар хил моддий қулайликлар билан таъминлашдан иборат бўлади. Улар одатда жуда қизганч, очкўз бўладилар, тўплаган бойлиги ҳамиша ўзлари билан бирга мангу қолади, ҳеч қачон йўқолмайди деб ўйлайдилар. Бошқаларга нафрат кўзи билан қараб, ўз нафсини қондириш йўлида ҳар қандай нопок ишга ҳам қўл ураверадилар. Шунинг учун ундай одамлар одатда нопок, ҳаром йўл билан пул топадилар: тўплаётган мол-дунёси, бойлиги қандай йўл билан келаётгани уларни умуман қизиқтирмайди. Улар қандайдир арзимаган муваффақиятдан қувониб, яйраб кетадилар, озгина омадсизликка учраганда эса қаттиқ изтироб чекадилар. Эҳтирос гунаси таъсири остида ҳаракат қиладиган кишилар ҳаётда шундай яшайдилар.

*28. айуктаҳ пракритах стабдхах шатхо найшкритико “ласах  
вишади диреха-сутри ча карта тамаса учйате*

***Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган фаолият билан машғул бўлиб юрган, ўжар, ҳамиша бошқаларни алдаб, ҳақорат қиладиган, дангаса, ҳамиша қовоғи солиқ, ишини кейинга суриб юрадиган киши - зафлат гунасидаги одам ҳисобланади.***

Изоҳ: Муқаддас китоблар бизга ҳаётда қандай ишлар қилиш мумкину, қандай ишлар таъқиқланган эканини билиб олиш имконини беради. Ана шу кўрсатмаларни инкор этадиган кишилар одатда Худонинг қонунларида таъқиқланган гуноҳ ишлар билан шуғулланадилар. Улар одатда ҳаёт ҳақида нотўғри, моддий тасаввурга эга бўладилар. Улар муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида эмас, балки моддий табиат гуналари таъсири остида ҳаракат қиладилар. Ундай одамларнинг аксарият кўпчилиги ўжар, шафқатсиз, алдоқчи одамлар бўладилар, улар бошқаларни ҳақорат қилишни, камситишни яхши кўрадилар. Улар дангаса, кўпинча ўз бурчини вақтида бажармай, ҳамиша ишларини кейинга суриб юрадилар. Шу сабабли улар

хамиша тунд, қовоғидан қор ёғиб, ҳаётидан норози бўлиб юрадилар. Улар ҳар қандай ишни узоққа чўзиб юрадилар: бир соатда қилиш мумкин бўлган ишни улар йиллар давомида чўзиб юриши мумкин. Фафлат гунасидаги одамларнинг баъзи бир белгилари шундай бўлади.

29. *буддхер бхедам дхритеш чайва гунанас три-видхам шрину  
прочйаманам ашешена притхактвена дхананджайа*

***Эй бойлик эгалловчи зот, қулоқ сол, энди Мен сенга моддий табиатнинг уч гунасига мос келадиган тафаккур ва қатъият турларини батафсил таърифлаб бераман.***

Изоҳ: Аржунга моддий табиатнинг ҳар хил гуналарига мансуб илм, ўрганиладиган нарса ва илм ўрганувчиларни таърифлаб бериб, Парвардигор энди унга фаолиятни амалга оширувчиларнинг ҳар хил тоифасига мансуб бўлган тафаккур ва қатъиятнинг уч тури ҳақида гапириб беришга ҳозирланаяпти.

30. *п्रावриттим ча нивриттим ча карйакарйе бхайабхайе  
бандхам мокшам ча йа ветти буддхиҳ са партха саттвики*

***Эй Притхининг ўгли, ҳаётда қандай ишлар қилиш мумкин, қандай ишлар таъқиқланган эканини, нимадан кўрқиш керагу, нимадан кўрқмаслик кераклигини, қайси ишлар одамни бу дунёга асир қилиб қўяди-ю, қайси ишлар уни озодликка чиқаришини англай олиш имконини берадиган тафаккур “эзгулик гунасидаги тафаккур” ҳисобланади.***

Изоҳ: Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида кўрсатиладиган фаолиятни *п्रावритти*, яъни "қилиш зарур бўлган иш" деб айтадилар. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ишларни умуман қилмаслик керак. Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини, кўрсатмаларини билмайдиган киши ўз фаолиятининг оқибатларига ўралашиб бу дунёга боғланиб қолади. Яхши билан ёмонни, савоб билан гуноҳни ажрата оладиган тафаккур эзгулик гунасидаги тафаккур бўлади.

31. *йайа дхармам адхармам ча карйам чакарйам эва ча  
айатхават праджанати буддхиҳ са партха раджаси*

***Эй Притхининг ўгли, ҳақиқий динни имонсизликдан, савоб ишни - гуноҳ ишдан ажратишга қодир бўлмаган тафаккур эҳтирос гунасидаги тафаккур бўлади.***

32. *адхармам дхармам ити йа манйате тамасаврита  
сарвартхан випаритами ча буддих са партха тамаси*

***Эй Партха, имонсизликни - "ҳақиқий дин" деб, ҳақиқий динни эса "имонсизлик" деб қабул қиладиган, адашган, зофиллик зулматига ботган, ҳамиша одамни ҳақиқат йўлдан адаштириб турадиган тафаккур ғафлат гунасидаги тафаккурдир.***

Изоҳ: Ғафлат гунасидаги тафаккур одамни ҳамиша таъқиқланган ишлар билан машғул бўлишга ундайди. Шундай тафаккур таъсири остида инсон ҳақиқий динга умуман алоқаси бўлмаган амалларни “ҳақиқий дин” деб қабул қилиб, ҳақиқий диний амалларни инкор этади. Ғафлат гунасидаги тафаккурга эга одамлар тақводор, табаррук, буюк зотни “оддий одам” деб, ўзларига ўхшаган бирор иймонсиз зофил одамни эса “буюк зот” деб қабул қиладилар. Улар ҳақиқатни “бўхтон” деб, бўхтонни эса “ҳақиқат” деб қабул қиладилар. Ҳаётда қандай иш қилсалар ҳам, улар ҳамиша ногўғри йўлдан борадилар, шунинг учун уларнинг тафаккури “ғафлат гунасидаги тафаккур” деб аталади.

33. *дхритйа йайа дхарайате манаҳ-пранендрийа-крийаҳ  
йогенавайабхичаринйа дхритих са партха саттвике*

***Эй Притхининг ўгли, ҳеч қачон ўзгармайдиган, инсоннинг ақлини, ҳаёт нафаси оқимларини ва сезгиларини жиловлаб олишга имкон бериб, уни йога билан шуғулланишда интилувчан, шижоатли қиладиган қатъият эзгулик гунасидаги қатъият ҳисобланади.***

Изоҳ: Йога - Олий Рухни англаш имконини берадиган руҳий жараён. Адашмасдан бутун ақлини, ҳиссиётини ва ҳаёт қувватини Олий Рухда мужассам қилиб, шижоат билан олий мақсад сари интилиб яшаётган киши Кришна онгига фарқ бўлган одам ҳисобланади. Шундай қатъият эзгулик гунасидаги қатъият ҳисобланади. Бу ерда ишлатилган *авйабхичаринйа* ибораси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Кришна онги билан яшаб юрган киши ҳеч қачон бошқа ишларга чалғиб кетмаслигини англатади.

34. *йайа ту дхарма-камартхан дхритйа дхарайате “рджуна  
прасангена пхалаканкши дхритих са партха раджаси*

***Эй Аржун, инсонни диний фаолиятининг натижасига интилишга, моддий фаровонликка ва дунёвий, ҳиссий лаззатларга интилишга ундайдиган қатъият эҳтирос гунасидаги қатъиятдир.***

Изоҳ: Ўзининг диний ёки моддий фаолиятининг натижаларидан лаззатланишга интилаётган, ягона мақсади нафсининг талабини қондириш бўлган, шу



мақсадга ўзининг бутун ақлини, ҳаёт қувватини ва сезги аъзоларини мужас-сам қилган киши эҳтирос гунаси таъсири остида юрган одам ҳисобланади.

35. *йайа сваннам бхайам шокам вишадам мадам эва ча  
на вимунчати дурмедха дхритиҳ са партха тамаси*

***Инсонни уйқусирашдан, ҳар хил тушлар кўришдан, кўрқувдан, му-сибатлардан, тушқунлик ва алданишлардан халос қилишга қодир бўлмаган, чуқур мулоҳазага асосланмаган қатъият - ғафлат гуна-сидаги қатъиятдир, эй Притхининг ўғли.***

Изоҳ: Бу шеърнинг мазмунидан эзгулик гунасидаги одам бутунлай туш кўрмайди деган хулосага келмаслик керак. *Сваннам* сўзи бу ерда кўп ухлашни билдиради. Қайси гуна таъсирида бўлмасин, одам барибир туш кўради: туш кўриш бу - табиий жараён. Аммо кўп ухлайдиган, ўзининг моддий лаззатланиш имкониятлари билан мақтанмасдан туролмайдиган, бу дунёда бошқаларга ҳукмронлик қилишга интиладиган ва шу мақсадга ўзининг бутун ҳаёт кучини, ақли ва сезгиларининг фаолиятини бағишлаган киши - ғафлат гунасидаги қатъиятга эга одамдир.

36. *сукхам тв иданим три-видхам шрину ме бхаратаршабха  
абхйасад рамате йатра духкхантам ча нигаччхати*

***Эй Бхаратлар аълоси, энди Мендан шартланган руҳга лаззат бе-радиган, баъзи ҳолларда унга барча мусибатлардан биратўла халос бўлиш имконини берадиган бахтнинг уч тури ҳақида эшит.***

Изоҳ: Шартланган руҳ моддий оламда бахтли бўлишга интилишни ҳеч қачон тарк этмайди. Шу мақсадда у такрор ва такрор "чайналган нарсани қайта чайнашда" давом этаверади. Лекин, моддий оламда лаззатга интилиб яшар экан, агар инсон ўзининг ҳаёт йўлида Худони англаб етган бирор буюк зотни учратиб қолса, у билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан у моддий оламдаги тутқунликдан озодликка эришади. Бошқача қилиб айтганда, шартланган руҳ ҳаётда ҳамиша лаззатланиб яшашга интилади, лекин руҳий мавзулардаги саодат келтирадиган суҳбатлар шарофати билан у ўзининг бу уринишлари неча умрлардан бери бирор натижа бермасдан узлуксиз такрорланиб келаётганини англаб етганида, унинг қалбида ҳақиқий Кришна онги ривожлана бошлайди ва у ҳамиша бир хил натижа билан тугайдиган дунёвий моддий лаззатларга интилишни тарк этади.

37. *йат тад агре вишам ива паринаме “мритопамам  
тат сукхам саттвикам проктам атма-буддхи-прасада-джем*

***Аввалига заҳардай аччиқ, охирида эса шарбатдай лаззатли бўладиган, инсон қалбида ҳақиқий ўзлигини англашга интилиш туйғусини уйғотадиган ҳолат “эзгулик гунасидаги бахт” деб аталади.***

Изоҳ: Рухнинг табиатини англаб етишга интилаётган киши ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб, фикрини руҳида жамлаш учун жуда кўп қоидаларга амал қилиб яшаши лозим. Буларнинг ҳаммаси осон иш эмас, шу боис аввалига руҳий ҳаёт худди заҳардай аччиқ бўлиб кўринади. Лекин, агар инсон барча қоидаларга амал қилиб юрса, вақти келиб албатта илоҳий поғонага кўтарилади ва мангулик шарбатидан лаззатланиб яшай бошлайди. Худонинг қонунларига амал қилиб юриши унга ҳаётдан ҳақиқий лаззат олиб яшаш имконини беради.

*38. вишаендрийа-самйогад йат тад агре “мритопамам  
паринаме вишам ива тат сукхам раджасам смритам*

***Сезги аъзоларининг уларга таъсир қиладиган нарсалар билан бирикиши натижасида юзага келадиган, аввалига лаззат берадиган, охирида заҳардай аччиқ бўладиган бахт - “эхтирос гунасидаги бахт” ҳисобланади.***

Изоҳ: Ёш йигит бирор қиз билан танишганида ҳиссиёти, сезгилари унинг қалбида шу қиз билан учрашиш, унинг қўлларини ушлаш ва у билан бирга бўлишдан лаззатланишга қаттиқ интилиш туйғусини уйғотади. Аввалига бундай туйғулар унга чуқур лаззат бағишлайди, лекин эртами-кечми бу муносабатлар барибир заҳарга айланади. Улар учрашмай кўядилар ёки уйлангандан кейин, орадан кўп вақт ўтмай, қаттиқ афсус-надоматлар билан ажралиб кетадилар. Бундай бахт эхтирос гунасидаги бахт ҳисобланади. Инсоннинг сезги аъзоларининг уларга лаззат берадиган нарсалар билан бирикиши натижасида хис қиладиган бахт туйғуси ҳамиша охир-оқибатда азоб-уқубат, мусибат билан тугайди, шунинг учун фаросатли одам ундай сохта, ўткинчи бахтга интилишни умуман тарк этиши лозим.

*39. йад агре чанубандхе ча сукхам моханама атманах  
нидраласйа-прамадоттхам тат тамасам удахритам*

***Инсонни руҳнинг табиатини англаш имкониятидан маҳрум қилиб, ақл кўзини кўр қилиб кўядиган, бошидан охиригача алдамчи, уйқу, дангасалик ва алданишдан иборат бахт - “зафлат гунасидаги бахт” деб аталади.***

Изоҳ: Дангасалиқдан, бекор ўтиришдан ва ётиб ухлашдан лаззат оладиган

одам “Ғафлат гунаси юрган одам” ҳисобланади. Ҳаётда нима қилиш керагу, нима қилиш мумкин эмаслигини билмайдиган одам ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ғафлат гунасидаги одам учун ҳамма нарса алданиш, сароб ҳисобланади. У ҳаётининг бошида ҳам, охирида ҳам бахт нималигини билмайди. Эҳтирос гунасидаги одам аввалига ўзича "бахт" деб ҳисоблайдиган, лекин кейин азобга айланадиган қандайдир ёқимли туйғуни ҳис қилиши мумкин, аммо ғафлат гунасидаги одам бошидан охиригача, ҳамшиша азобуқубатда яшайди.

40. *на тад асти притхивйам ва дивидевешу ва пунах  
саттвам пракрити-джаир муктам йад эбхиҳ сйат трибхир гунаих*

***Бу дунёнинг бирор жойида - на Ер сайёрасида, на фаришталар яшайдиган жаннатий сайёраларда моддий табиат юзага келтирилган уч гуна таъсирига берилмайдиган бирор тирик мавжудот йўқ.***

Изоҳ: Айтилган гапларнинг ҳаммасига якун ясаб, Парвардигор айтяптики, моддий табиатнинг уч гунаси бутун моддий оламга ўз таъсирини ўтказиб туради.

41. *Брахмана-кишатрийа-вишам шудранам ча парантапа  
кармани правибхактани свабхава-прабхаваир гунаих*

***Эй душманларини яқсон қилувчи зот, браҳман, кишатрий, вайшйа ва шудраларни уларнинг моддий табиат гуналарига мос келадиган фаолиятида намоён бўладиган ўзига хос сифатларига қараб билиб олиш мумкин.***

42. *шамо дамас тапах шаучам киантир ардждавам эва ча  
дженанам видженанам астикйам Браҳма-карма свабхава-дждам*

***Мамнуният, ўзини тута билиш, риёзат чекиш, поклик, сабрлилик, ростгўйлик, билимдонлик, донишмандлик ва тақводорлик; булар браҳманларнинг қундалик фаолиятида табиий равишда ўздан-ўзи намоён бўладиган сифатлардир.***

43. *шаурйам теджо дхритир дакийам йуддхе чапй апалайанам  
данам шивара-бхаваш ча кишатрам карма свабхава-дждам*

***Жасорат, жисмоний куч, қатъият, топқирлик, чидамлилик, сахийлик ва бошқаларни изидан эргашира билиш - кишатрийларнинг ҳаётда ўз бурчини бажариши учун зарур бўлган сифатлардир.***

44. *криши-го-ракийя-ваниджейам вайшья-карма свабхава-джем  
паричарйатмакам карма шудрасйати свабхава-джем*

**Дехқончилик, сизирларни ҳимоя қилиш ва савдо-сотиқ - вайшьяларнинг табиатига мос бўлган ишлардир. Шудраларнинг бурчи эса, жисмоний меҳнат билан машғул бўлиб, бошиқаларга хизмат қилишдан иборат.**

45. *све све карманй абхиратх самсиддхим лабхате нарах  
сва-карма-ниратах сиддхим йатха виндати тач чхрину*

**Ўзининг табиатига мос келадиган фаолият билан шугулланиб яшайдиган ҳар қандай инсон руҳий баркамолликка эриша олади. Менга қулоқ сол: ҳозир Мен сенга буни қандай қилиш ҳақида гапириб бераман.**

46. *йатах правриттир бхутанам йена сарвам идам татам  
сва-кармана там абхйарчйа сиддхим виндати манавах*

**Ҳаётда ўз бурчини ҳалол бажариб юриш билан бирга ҳамма жойда мавжуд, барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган Парвардигорга сизиниб юрса, ҳар қандай инсон руҳий баркамолликка эришади.**

Изоҳ: Ўн бешинчи бобда айтилганидай, тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг ажралган руҳий заррачаларидир. Парвардигор - уларнинг азалий, бошланғич манбаи. Бу "Веданта-сутра"да ҳам тасдиқланади: *джанмадй асйа йатах*. Шундай қилиб, Худо Шахси - барча тирик мавжудотларнинг бошланғич бобокалони. "Бхагавад-Гита"нинг еттинчи бобида айтилган эдики, Ўзининг икки турли - ички ва ташқи қуввати ёрдамида Парвардигор бутун борликка сингиб кетган. Шунинг учун барча тирик мавжудотлар Унинг бошқа қувватлари билан биргаликда Худога сиғиниб яшаши лозим. Вайшнаводиклар одатда Парвардигорга ва Унинг ички қувватига сиғинадилар. Парвардигорнинг ташқи қуввати Унинг ички қувватининг бузилган аксидир. Ташқи қувват - Унинг сояси, Парвардигорнинг Ўзи эса тўлиқ намоён бўлган кўриниши - Параматма киёфасида бутун борликка сингиб кетган. У - ҳамма ерда мавжуд бўлган барча фаиришталарнинг, одамлар ва ҳайвонларнинг Олий Руҳидир. Шунинг учун ҳар бир инсон Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлган ҳолда ҳамиша Унга хизмат қилиши лозимлигини билиб олиши керак. Ҳар бир тирик мавжудот мукамал Кришна онгида Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат.

Бизларнинг ҳар биримиз Хришикешанинг, яъни "ҳиссиётлар эгаси"нинг

кўрсатмаси билан фаолият кўрсатаётганимизни билишимиз, ҳар қандай фаолиятимизнинг натижасини Худонинг Олий Шахсига, Шри Кришнага бағишлашимиз, шу тарзда Унга сиғиниб яшашимиз лозим. Ҳамиша шуни эсида сақлаб юрган киши Кришна онги билан яшаб юрган инсон бўлади ва Кришнанинг марҳамати билан бутун борлиқни билиб олади. Ҳаётда ҳақиқий баркамолликка эришиш ана шундан иборат. "Бҳагавад-Гита"да Парвардигор айтадики, (12.7) *тешам ахам самуддхарта*. Шундай содиқ хизматкорнинг моддий тутқунликдан халос бўлиб, руҳий озодликка чиқишини Парвардигорнинг Ўзи таъминлайди. Мана шу - инсон ҳаётининг энг олий мақсади ҳисобланади. Қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, агар инсон ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, у албатта руҳий баркамолликнинг энг юксак чўққисига эришади.

*47. шрейан сва-дхармо вигунаҳ пара-дхармат св-ануштхитат  
свабхава-нийатам карма курван напноти килбишам*

***Инсон бошқа бировнинг бурчини бенуқсон бажариб юргандан кўра, мукамал бўлмаса ҳам ўз бурчини бажариб яшагани маъқул. Ўзининг табиатига мос равишда белгиланган бурчини бажариб яшаётган киши ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаган бўлади.***

Изоҳ: Ҳар хил табақаларга мансуб бўлган одамларнинг вазифалари "Бҳагавад-Гита"да белгилаб кўйилган. Аввалги шеърларда айтиб ўтилганидай брахман, кшатрий, вайшья ва шудраларнинг вазифалари уларнинг қайси гуна таъсири остида яшаётганига қараб белгиланади. Инсон ҳеч қачон бошқа бировнинг вазифасини бажаришга ҳаракат қилиб, уларга таклид қилиб юрмаслиги керак. Ўзининг табиатига кўра шудралар фаолияти билан шуғулланишга мойил бўлган киши ҳатто брахман оиласида туғилган бўлса ҳам, брахман бўлишга интилмаслиги керак. Ҳар ким ўзининг туғма табиатига мос иш билан шуғулланиши лозим: агар Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлса, содиқ ҳар қандай иш билан шуғулланиши мумкин, бу билан унинг обрўсига, мартабасига путур етмайди. Албатта, брахманлар эзгулик гунасидаги улуғвор фаолият билан машғул, лекин ўз табиатига кўра бошқа гуналар таъсири остида бўлган одам брахманларга таклид қилиб, уларнинг вазифаларини бажаришга интилмаслиги керак. Кшатрий, ҳукмдор одам ҳаётда ўз мартабасига муносиб бўлмаган ҳар хил ишлар қилишга мажбур бўлади: куч ишлатиши, душманларни ўлдириши ёки сиёсий манфаатларни кўзлаб ёлғон гапириши керак бўлади. Ҳеч қандай сиёсат зўравонлик, ёлғон гап ишлатмасдан амалга оширилмайди, лекин бу кшатрийнинг ўз бурчини бажаришдан бош тортиб, ҳаётда брахманлар қонуни асосида яшашига асос бўлмайди.

Инсон ўз фаолияти билан Худони рози қилишга ҳаракат қилиб яшаши лозим. Масалан, Аржун кшатрий эди, у ракиблари билан жанг қилишга

журъат этолмай, иккиланиб турган эди. Лекин Худо учун, Кришнанинг амри билан жанг қилаётганда ҳеч қачон иккиланмаслик, “жанг қилсам гуноҳ иш қилиб қўяман” деб қўрқмаслик керак. Савдо-сотик билан шуғулланиб юрган киши яхши даромад олиш учун баъзида алдаши, муғомбирлик қилиши керак бўлиб қолади. Баъзи ҳолларда у шундай қилишга мажбур бўлади. Баъзан соғувчининг харидорга айтиб турган гапларини эшитиб қоласиз: "Ишонинг, мен сиздан бир тийин ҳам фойда кўраётганим йўқ!" Лекин ҳаммага маълумки, агар савдогар мижозларидан фойда кўрмаса, бир кун ҳам яшай олмайди. Шунинг учун савдогардан бундай гапларни эшитганда, у аслида ёлғон гапирётганини тушуниш керак. Лекин, иши ҳамиша одамларни алдаш бўлгани сабабли савдогар ўз ишини ташлаб, “браҳманлар қиладиган иш билан машғул бўламан” деб ўйламаслиги керак. Бу муқаддас китобларнинг қоидаларига тўғри келмайди. Агар инсон кшатрий, вайшья ва шудра сифатида ўз бурчини ҳалол бажариш билан бирга Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали ҳаётини поклаб яшаётган бўлса, унинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Ҳатто браҳманлар ҳам қурбонлик маросими ўтказаятганларида бирор ҳайвонни қурбон қилиш учун баъзан зулм ишлатишга мажбур бўладилар. Худди шунингдек, агар кшатрий ўз бурчини бажараётиб душманини ўлдирса, унинг бу иши гуноҳ ҳисобланмайди. Буларнинг ҳаммаси "Бхагавад-Гита"нинг учинчи бобида батафсил тушунтирилган эди. Ҳар бир инсон ўз фаолиятини Яғйага, яъни Вишнуга, Худонинг Олий Шахсига бағишлаши лозим. Нафсимизнинг талабини қондириш учун қиладиган ҳар қандай ишимиз бизни бу оламга боғлаб, тутқун қилиб қўяди. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз танасининг қайси гуна таъсири остида бўлишига қараб, ягона ва олий мақсадни - Худога садоқат билан хизмат қилишни кўзлаб, ўз бурчини ҳалол бажариб яшаши лозим.

48. *саха-джем карма каунтейа са-дошам апи на тйаджет сарварамбха хи дошена дхуменагнир ивавритаҳ*

***Олов ҳамиша тутун билан аралаш бўлгани сингари, ҳар қандай фаолиятнинг ҳам нуқсонни бўлади. Шунинг учун, эй Кунтининг ўгли, қанча камчилиги бўлса ҳам, ҳеч ким ўзининг табиатига мос бўлган бурчини бажаришдан бош тортмаслиги керак.***

Изоҳ: Шартланган тирик мавжудотнинг бу дунёдаги ҳар бир ҳаракати моддий табиат гуналари таъсири билан булганган бўлади. Браҳманлар эҳсон қилинадиган ҳайвонларни қурбон қилиш, яъни зулм билан боғлиқ қурбонлик маросими ўтказишга мажбур бўладилар. Шунга ўхшаб, қанчалик такводор бўлмасин, кшатрий ҳам ўз душмани билан жанг қилишга мажбур. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Шунга ўхшаб, ҳатто энг виждонли савдогар ҳам, инқирозга учрамаслик учун баъзан даромадини яширишга ёки "ҳаром иш"ларга қўл уришга мажбур бўлади. Бундай ишлардан бутунлай қутулиб

бўлмайди. Иймонсиз хўжайинига хизмат қилиб юрган шудра ҳам баъзан хўжайинининг буйругини бажариб, таъқиқланган гуноҳ ишларни қилишга мажбур бўлади. Шунга ўхшаган нуқсонлар бўлишига қарамай ҳар ким ўз табиатига мос ҳолда белгиланган вазифаларини бажаришда давом этавериши лозим.

Бу ерда Кришна жуда ўринли ўхшатиш ишлатган. Гарчи олов ўзи пок бўлса ҳам ҳамиша тутун билан аралашган бўлади. Лекин тутун оловни нопок қила олмайди. Ҳатто тутун билан аралаш олов ҳам барча моддий унсурлар ичида энг пок, ҳалол унсур бўлиб қолаверади. Ўз табиатига мос бўлган бурчини бажариб яшашдан бош тортган қшатрий, браҳманларнинг вазифасини бажариб яшай бошласа ҳам барибир, ёқимсиз, нотўғри ишлар қилишдан бирагўла қутулиш имкониятига эга бўлолмайди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу дунёда моддий иллатлардан бутунлай покланган тирик мавжудот йўқ. Бу ўринда оловнинг ҳамиша тутун билан аралаш бўлиши жуда тўғри ўхшатиш бўлган. Қишнинг совуқ кунларда исиниш учун олов ичидан қизиган тошни олиб чиққанимизда, ундан таралаётган тутун кўзларимизни ачитиб, қизартириб юборади. Лекин, бундан "исинишни бас қилиш керак" деган хулосага келиб бўлмайди-ку. Худди шундай, шунчаки ёқимсиз бўлгани учун биз ҳаётда ўз бурчимизни бажаришдан бош тортмаслигимиз лозим. Аксинча, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, катъий қарор билан ўз бурчимизни ҳалол бажариш орқали Худога хизмат қилишда давом этишимиз керак. Ана шундай фаолият - ҳар жиҳатдан мукамал фаолият ҳисобланади. Инсон ҳаётда ўз бурчини Худони рози қилиш учун бажара бошласа, унинг фаолияти барча моддий иллатлардан покланади. Қилаётган меҳнатимизнинг натижалари Худога садоқат билан хизмат қилиш билан кўшилиб покланганида, биз ўзимизнинг ҳақиқий ўзлигимизни, рухий "мен"имизни яққол кўра бошлаймиз, яъни рухий ўзлигимизни англаб, рухий баркамолликка эришамиз.

*49. асакта-буддхиҳ сарватра джитатма вигата-сприхаҳ  
наишкармйа-сиддхим парамам саннийасенадхигачхати*

***Ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олган, боғланиш ва дунёвий лаззатларга интилиш туйғусидан озод бўлган киши таркидунё қилиб яшаш билан баркамолликнинг энг юқори погонасига - карма оқибатларидан озодликка эриша олади.***

Изоҳ: Ҳақиқий таркидунёлик - Парвардигорнинг ажралмас рухий заррачаси эканимизни, демак меҳнатимизнинг натижаларидан лаззатланишга ҳаққимиз йўқ эканини ҳамиша эслаб юришдан иборат. Биз Парвардигорнинг кичик заррачаси, бир бўлаги бўлганимиз учун, ҳар қандай фаолиятимизнинг натижаси Уни лаззатлантириш учун мўлжалланган. Мана шу ҳақиқатни англаб етиш ва шунга амал қилиб яшаш - ҳаётда ҳақиқий Кришна онги билан яшаш

ҳисобланади. Кришна онги билан ҳаракат қилаётган киши ҳақиқий таркидунё қилган саннийасидир. Ана шундай кайфиятда ҳаракат қилиб, у ҳамиша ўзининг ҳаётидан тўла мамнун бўлиб юради, чунки қилаётган ҳар бир ишини Худо учун қилади. Шу боис, ундай инсон ҳеч қандай моддий нарсаларга боғланиб қолмаган: у Худога муҳаббат билан хизмат қилиш натижасида келадиган руҳий лаззатдан бошқа ҳеч қандай лаззатга интилмайди. Саннийаси ўзининг аввалги фаолиятининг барча оқибатларидан халос бўлади, деб айтадилар, лекин Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган киши ҳам, таркидунё қилиб яшашга қасам ичмасданоқ, табиий равишда ана шундай ҳолатга эришади. Ақлнинг ана шундай ҳолатини *йогарудҳа*, яъни "йоганинг комил ҳолати" деб атайдилар. Бу учинчи бобда ҳам тасдиқланган: *йас тв атма-ратир эва сйат*. Ҳамиша ўзининг қалбида, руҳий ўзлигида мамнуният ҳосил қилиб осойишта, хотиржам юрган киши ўз фаолиятининг ҳеч қандай оқибатларидан кўркмасе ҳам бўлади.

50. *сиддхим пранто йатха Браҳма татхатноти нибодха ме  
самасенаива каунтейа ниитха джнанасйа йа пара*

***Эй Кунтининг ўғли, ҳозир Мен сенга руҳий баркамолликнинг олий поғонасига - Браҳманга эришиш ва мукамал илмга эга бўлиш учун инсон қандай яшаши лозимлигини гапириб бераман.***

Изоҳ: Парвардигор Аржунга, инсон ҳаётда ўз бурчини ҳалол бажариб яшаш ва бутун фаолиятини Худога бағишлаш орқали қандай қилиб руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарила олиши ҳақида гапириб беряпти. Парвардигорни мамнун қилиш учун ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган киши руҳий юксалишнинг олий поғонасига, Браҳманни англаш поғонасига кўтарилади. Руҳий ўзликни англаш йўли шундай. Соф Кришна онги - ҳақиқий мукамал илм ҳисобланади, бу ҳақда кейинги шеърларда айтилади.

51-53. *буддхйа вишуддхйа йукто дхритйатманам нийамйа ча  
шабдадин вишайамс тйактва рага-двешау вйудасйа ча  
вивикта-севи лагхв-аши йата-вак-кайа-манасаҳ  
дхйана-йога-паро нитйам вайрагйам самупаширитаҳ  
аханкарам балам дарпам камам кродхам париграхам  
вимучйа нирмамаҳ шанто Браҳма-бхуйайа калпате*

***Тафакқурига таяниб онгини поклаган, ақлини ҳамиша назорат қилиб юришга қатъий аҳд қилган; ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалардан юз ўгирган; боғланиш ва нафрат туйғусидан пок; хилват жойда яшайдиган, кам овқатланадиган, танаси, ақли ва нутқини жиловлаб олган; ҳамиша руҳий жазава(транс) ҳолатида юрадиган; ҳеч нарсга боғланмаган ҳамда сохта ўзлигидан, куч-***



**қудратга эга бўлиш истагидан, манманлик, ҳирс, газаб ва таъмагирлик туйғуларидан пок; бирор нарсани ўзиники деб ҳисобламайдиган, ҳамиша ҳаётидан мамнун ва осойишта юрадиган киши ўзининг руҳий табиатини, "мен"ни англаб етган инсондир.**

Изоҳ: Тафаккури моддий иллатлардан покланган киши эзгулик гунаси таъсири остида юрган инсон бўлади. Шундай инсон ўзининг ақлини жиловлаб олишга қодир ва ҳамиша транс, илоҳий жазава ҳолатида юради. У ҳиссиётига лаззат келтирадиган нарсаларга боғланиб қолмайди, боғланиш ёки нафрат туйғуси таъсирига берилиб кетмайди. Таркидунёликнинг, боғланмасликнинг ана шундай поғонасига эришган киши табиий равишда хилват жойда яшашга интилади, у танасини таъминлаш учун етарли микдордагина овқатланади, ҳиссиёти ва ақлини тўла жиловлаб олган бўлади. У сохта ўзлиги таъсирига берилмайди, чунки у танаси ёки ақлини "ўзим" деб ҳисобламайди. Унда ҳатто ҳар хил жисмоний машқлар ёрдамида танасини бақувват ва кучли қилиш истаги ҳам бўлмайди. Ҳаёт ҳақида тана нуқтаиназаридидаги ногўғри моддий тасаввурлардан халос бўлиб, у манманлик туйғусидан бутунлай покланади. У Худонинг марҳамати билан келадиган нарсалардан тўла қаноат ҳосил қилиб яшайди, агар ҳиссиётининг, нафсининг талабларини қондира олмаса ғзаби келмайди. Шунингдек, у лаззат келтирадиган нарсаларга эгалик қилишга ҳам интилмайди. Шундай қилиб, инсон сохта ўзлиги таъсирдан бутунлай озод бўлганида, моддий нарсаларга боғланиш туйғусидан халос бўлиб, Браҳманни англаш поғонасига кўтарилади. Ана шу ҳолат *браҳма-бхута* деб аталади. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлиб, инсон ҳаётда хотиржам, ўзгармас осойишта ҳолатга эришади. Бу ҳолат "Бҳагавад-Гита"(2.70)да таърифланган:

*апурйаманам ачала-пратиштхам  
самудрам анаҳ правишанти йадват  
тадват кама йам правишанти сарве  
са шантим апноти на кама-ками*

"Бехисоб орзу-истаклар оқимидан ташвишга тушмайдиган одам, худди кўплаб дарёлар қуйилса ҳам, ҳеч қачон қирғоқдан чиқиб кетмайдиган океанга ўхшайди. Чексиз орзу-истакларини амалга ошириш учун интилиб юрган киши эмас, аксинча ана шундай хотиржам инсон мустаҳкам, ўзгармас осойишталикка эриша олади".

54. *Браҳма-бхутаҳ прасаннатма на шочати на канкишати  
самаҳ сарवेशу бхутешу мад-бҳактим лабхате парам*

***Ана шундай трансцендент, илоҳий даражага эришган инсон шу***

**захотийёқ Олий Браҳманни англаб етади ва қалби чексиз қувончга тўлади. У ҳеч қачон гам-гуссага берилмайди, ҳеч нарсага интилмайди. У барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шундай ҳолатга эришиб, инсон соф садоқат билан Менга хизмат қила бошлайди.**

Изоҳ: Имперсоналистлар учун *Браҳма-бхута* даражасига эришиш, яъни Мутлақ Ҳақиқат билан кўшилиб кетиш - рухий баркамолликнинг олий поғонаси ҳисобланади. Лекин, соф содиқ хизматкор бу поғонада тўхтаб қолмасдан Худога соф садоқат билан хизмат қила бошлайди. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аллақачон озодликка эришган, яъни *Браҳма-бхута* поғонасига эришиб, Мутлақ Ҳақиқат билан бир хил поғонага кўтарилган бўлади. Парвардигор билан бир хил поғонага эришмай туриб, яъни Мутлақ Ҳақиқат билан бир бўлмай туриб, Унга хизмат қилишнинг иложи йўқ. Гарчи олий, рухий жиҳатдан улар орасида фарқ ҳамиша мавжуд бўлса ҳам, Мутлақ даражага кўтарилганда хўжайин билан хизматкор орасидаги фарқ йўқолиб кетади.

Одамлар натижасидан ўзлари лаззатланиш учун меҳнат қилиб юрган бу моддий оламда инсон ҳаётда ҳар хил мусибатларга дуч келиши муқаррар, аммо тирик мавжудотлар Худога соф муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиладиган рухий оламда мусибат деган нарсага мутлақо ўрин йўқ. Кришна онги билан яшаётган содиқ, ҳеч нарсадан қайғуга тушмайди ва ҳеч нарсага интилмайди. Парвардигор ҳамиша Ўзига тўла бутун бўлгани сабабли, Кришна онги билан яшаб, Унга хизмат қилиб юрган алоҳида руҳ ҳам ўзига тўла бутунлик сифатига эга бўлади. Унинг қалби худди барча лойқалардан покланган дарё сувига ўхшайди. Содиқ хизматкор Кришнадан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламагани учун ҳамиша қалби қувончга тўлиб юради. У моддий нарсалардан айрилгани учун изтироб чекмайди, чунки Худога хизмат қилиш уни ўз ҳаётидан тўла мамнун қилиб қўяди. У хиссий лаззатларга интилмайди, чунки ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг бир заррачаси бўлган ҳолда ҳамиша Унинг хизматкори бўлиб қолаверишини яхши билади. Моддий оламда яшар экан, у одамларнинг жамиятда ҳозирги эгаллаб турган мавқеига қараб уларни бир-биридан ажратмайди. Моддий оламдаги ҳар қандай ҳолат, ҳар қандай мартаба ўткинчи, алдамчи, вақтинчалик нарсалардир. Шундай содиқ учун олтин парчаси билан бир бўлак тош орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. *Браҳма-бхута* поғонаси ана шундай бўлади ва соф содиқ шу поғонага осонлик билан кўтарилади. Шу поғонага эришган содиқ учун Мутлақ Ҳақиқат билан кўшилиб, ўзининг алоҳида шахс сифатларини йўқотиш - дўзахга тушишдан баттар, жаннатга эришиш - шунчаки сароб, алданиш бўлиб қўринади, унинг сезгилари эса тишлари олиб ташланган захарли илонларга ўхшаб қолади. Тишлари олиб ташланган захарли илон ҳеч қандай хавф туғдирмаганидай, тафаккурининг амрига тўла бўйсунган сезгилар ҳам, ақл ҳам инсонга ҳеч қандай ташвиш келтирмайди. Бу дунё, моддий олам фақат

онги моддий иллатларга булганган ғофил одамлар учун мусибат келтиради, лекин Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкори учун бутун борлик Вайкунтхага, яъни Худонинг даргоҳига айланади. Моддий оламдагилар назарида энг буюк шахс бўлган кимса Худонинг содиқ хизматкори учун чумолидан ҳам кўримсиз бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатга фақат Чаитанья Махапрабхунинг марҳамати билангина эришиш мумкин. Кали-юга даврида яшаётган одамлар учун Худога соф садоқат билан хизмат қилиш илмини бу дунёга айнан Унинг Ўзи олиб келган.

55. *бхактйа мам абхиджанати йаван йаш часми таттватах тато мам таттвато джнатва вишате тад-анантарам*

***Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориш орқали Мени, Худонинг Олий Шахсини асл ҳолида англаб етиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан инсоннинг онги бутунлай Менда мужассам бўлганида, у Худонинг илоҳий салтанатига киради.***

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган одамларнинг хом хаёллари, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлари уларга Худонинг Олий Шахсини, Шри Кришнани ва Унинг тўла намоён бўлган қиёфаларини англаш имконини бермайди. Ягона Парвардигорни, Худо Шахсини англаб етишни истаган киши Худонинг содиқ хизматкори раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Акс ҳолда у ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий табиатини англаб етолмайди. Аввал айтилганидай, *нахам пракашах сарвасйа*(7.25). Парвардигор дуч келган одамга Ўзини намоён қилавермайди. Инсон ўзи эгаллаган дунёвий илми ёки фалсафий фикрлашлари ёрдамида Худони англай олмайди. Фақат Кришна онгига эга бўлган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишигина Кришнани, Худо Шахсини англашга қодир бўлади. Бу йўлда ҳеч қандай илмий унвонлар ёрдам беролмайди.

Кришна ҳақидаги илми мукамал эгаллаган киши руҳий оламга, Кришнанинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Брахман поғонасига кўтарилиш - алоҳида шахс сифатини йўқотиш дегани эмас. *Брахма-бхута* сатҳида ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш давом этади, хизмат бор жойда Худо Шахси ҳам, хизматкор ҳам, Худога хизмат қилиш жараёни ҳам бўлиши керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш илми мангу, у ҳатто инсон руҳий озодликка эришгандан кейин ҳам мавжудлигича қолаверади. Руҳий озодликка эришиш - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлиш демакдир; ранг-баранглик, ҳар бир руҳнинг алоҳида шахс сифатида мавжудлиги руҳий оламда ҳам давом этаверади, лекин бу алоҳидалик энди руҳий поғонада бўлади. *Вишате* яъни, "Менга киради" деган иборани монистлар таълимотига асосланиб, тирик мавжудот биратўла Худо Шахсига қўшилиб,

йўқолиб кетади, деб тушунмаслик керак. Йўқ! *Вишате* дегани тирик мавжудот Худонинг даргоҳига киради деган, яъни ўзининг алоҳидалигини сақлаган ҳолда Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатини қайта тиклаб, Унга садоқат билан хизмат қила бошлайди, деган маънони билдиради. Яшил тўтиқуш дарахт барглари орасида кўринмай қолганида у дарахтга бутунлай қўшилиб кетмайди, аксинча у дарахт меваларидан лаззатланиб юради. Имперсоналистлар одатда океанга қўшилиб, йўқ бўлиб кетадиган дарёни мисол келтирадилар. Бундай ўхшатиш ҳам, шунга ўхшаган келажакка интилиш ҳам фақат имперсоналистлар қалбига мамнуният олиб келиши мумкин, аммо персоналистлар океанда яшайдиган балиқлар сингари, ҳамиша ўзининг алоҳидалигини сақлаб қоладилар. Океан қаърига тушгандан кейин, у жойда ҳам сон-саноксиз тирик мавжудотлар мавжуд эканини кўришимиз мумкин. Океан ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун уни шунчаки сиртдан кузатишнинг ўзи кифоя эмас. Унинг энг чуқур жойларида ҳам тирик мавжудотлар борлигини кўра олган кишигина океан ҳақида тўлиқ маълумотга, ҳақиқий тасаввурга эга бўлади.

Соф садоқат билан Худога хизмат қилиб юрган кишига Парвардигорнинг ҳақиқий руҳий сифатлари ва комил фазилатлари тўла аён бўлади. Ўн биринчи бобда айтилган эдики, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина мукамал илмга эга бўлиш мумкин. Мазкур шеър ҳам шу ҳақиқатни тасдиқлайди: Худога садоқат билан хизмат қилиб юриб, инсон Худо Шахсини тўлиқ англаб етади ва Унинг мангу даргоҳига киради.

*Брахма-бхута* поғонасига кўтарилгандан кейин ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлиб, инсон Худо ҳақида ҳар хил ҳикоялар тинглаб, Унга садоқат билан хизмат қила бошлайди. Аммо, чуқур иймон билан Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган киши ҳеч қийналмасдан *Брахма-бхута* даражасига кўтарилиб, моддий иллатлардан: очкўзлик ва ҳиссий лаззатланиш истагидан покланади. Содиқнинг қалби очкўзлик ва ҳиссий лаззатланиш истагидан поклана борган сари унинг Худога садоқат билан хизмат қилишга бўлган боғланиши кучая боради, бу боғланиш унинг моддий иллатлардан бутунлай халос бўлишига ёрдам беради. Ана шундай даражага етганида у Худо Шахсини англаш имкониятига эга бўлади. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилган. Бҳакти, яъни Худога хизмат қилишнинг илоҳий жараёни - инсон руҳий озодликка эришгандан кейин ҳам давом этаверади. "Веданта-сутра"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади(4.1.12): *а-прайанат татрати хи дриштам*. "Шримад Бҳагаватам" таълимоти, "Худога садоқат билан хизмат қилишдаги озодлик"ни тирик мавжудотнинг "ўзининг азалий асл ҳолатига эга бўлиши", "ўзининг табиий ҳолатига қайтиши" деб тасдиқлайди. Аввал айтган эдикки, ўзининг табиатида кўра тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррасидир. Шунинг учун унинг вазифаси - ҳатто моддий тутқунликдан озодликка чиққандан кейин ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат бўлиб қолаверади. Ҳақиқий озодликка эришиш - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан озод бўлишдан иборат. Сарик касалига чалингани сабабли қанднинг мазасини сезмай қолган одам мунта-

зам равишда ширин сўроққанд сўриб юриш шарофати билан касалидан даволанади, шунда унинг ширинликни сезиш қобилияти ҳам қайта тикланади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - бир вақтнинг ўзида ҳам камолотга эришиш воситаси, ҳам камолотнинг ўзи ҳисобланади.

*56. сарва-кармани апи сада курвано мад-вйапаурайаҳ  
мат-прасадад авапноти шашватам падам авйайам*

***Гарчи ҳар хил фаолият билан шуғулланиб юрган бўлса ҳам, Менинг ҳимоям остида бўлган асл содиқ хизматкорим Менинг марҳаматим билан мангу ва ўзгармас даргоҳимга эришади.***

Изоҳ: *мад-вйапаурайаҳ* дегани "Худо Шахсининг ҳимояси остида" деганни билдиради. Моддий иллатлардан биратўла покланиш учун Худонинг соф содиқ хизматкори Худо Шахсининг ёки Унинг вакили бўлган руҳий устознинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилади. Соф содиқ хизматкор учун вақтнинг, замоннинг ҳеч қандай чегараси қолмайди. У ҳамиша, куну-тун Худонинг кўрсатмаларини амалга ошириш билан боғлиқ ишлар билан машғул бўлиб юради. Ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган содиқ хизматкорга Парвардигор ҳамиша ғамхўрлик қилади. Ҳаётда барча қийинчиликларни енгиб, у умрининг охирида албатта Худонинг даргоҳига, Кришналокага эришади. Шу олий даргоҳда унинг учун аллақачон махсус жой ҳозирлаб қўйилган, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. У мангу даргоҳ ҳеч қачон ўзгармайди; у жойдаги ҳамма нарса мангу, емирилмас, илм ва лаззатга тўла.

*57. четаса сарва-кармани майи саннийасйа мат-параҳ  
буддхи-йогоам упауритйа мач-читтаҳ сататам бхава*

***Ҳар бир иш ва амалларингда ҳамиша Менга таваккал қил, ҳамиша Менинг ҳимоям остида эканингни ҳеч қачон эсингдан чиқарма!  
Шу тариқа Худога садоқат билан хизмат қилиб, ҳамиша Мени ўйлаб юр!***

Изоҳ: Кришна онгида ҳаракат қилиб юрган киши ҳеч қачон ўзини бу оламнинг хўжайинидай тутмайди. Ҳақиқий хизматкор сингари, Худонинг содиқ хизматкори ҳаётда ҳамиша Худонинг амри билан ҳаракат қилиб яшаши лозим. Хизматкор ҳеч қачон ўз хоҳиши билан иш қилмайди. У фақат хўжайини буюрган ишни қилади. Олий хўжайинининг амрини бажариб юрган хизматкор йўқотган нарсаси учун қайғурмайди, бирор нарсага эга бўлганида қувончдан яйраб кетмайди. У Худонинг амрини бажариб, ўз бурчини виждон билан адо этади, холос. Бизга эътироз билдириб айтишлари мумкинки, Аржун бевосита Кришнанинг буйруғини бажариб ҳаракат қилди, аммо Кришна

билан бевосита мулоқотда бўлолмайдиган одамлар нима қилишлари керак? Агар инсон Кришнанинг ҳақиқий вакили раҳбарлиги остида Кришнанинг "Бхагавад-Гита"да берган кўрсатмаларига риоя қилиб яшаса, у ҳам худди ана шундай натижага эришади. Бу ерда ишлатилган *мат-парах* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора "Кришна онгида ҳаракат қилар экан, содиқ хизматкорнинг Парвардигорни мамнун қилишдан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқ" деган маънони билдиради. Содиқ хизматкор бирор иш билан машғул бўла туриб фақат Кришна ҳақида ўйлаб юриши лозим: "Менга бу ишни бажаришни Кришна буюрган!" Шунда у табиий равишда ҳамиша Кришнани ўйлаб юради, шу тариқа у Кришнани англашда мукамалликка эришади. Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки, содиқ хизматкор аввал ўз хоҳиши билан қандайдир ишни қилиб бўлиб, кейин унинг натижасини Худога бағишламаслиги керак. Бундай фаолият Худога Кришна онгида садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланмайди. Содиқ фақат Кришнанинг аниқ кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиши лозим. Буни тушуниб олиш жуда муҳим. Биз Худонинг амрини устозлар силсиласи орқали, ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаси кўринишида оламир. Шунинг учун руҳий устознинг кўрсатмаларини бажариш содиқнинг ҳаётдаги энг асосий вазифаси бўлиши шарт. Агар инсон ҳақиқий руҳий устоз қабул қилиб, унинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаса, у албатта Худони таниб, руҳий баркамолликка эришади.

58. *мач-читтаҳ сарва-дургани мат-прасадат тариййаси  
атха чет твам аханкаран на шроийаси винанкийаси*

***Ҳамиша Мени ўйлаб юриб, сен Менинг марҳаматим билан шартланган ҳаётнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтасан. Агар сен Менинг кўрсатмаларимга қулоқ солмай, Мени эсдан чиқариб, сохта ўзлигинг таъсири остида ҳаракат қилсанг, йўлдан адашиб ўзингни йўқотасан.***

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ўз танасининг, яъни ўзининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш билан қизикмайди. Қалтафаҳм нодон одамлар инсон ҳаётда қандай қилиб барча ташвишлардан халос бўлиши мумкинлигини тушуна олмайдилар. Кришна онги билан ҳаракат қилиб юрган инсон учун Кришна энг яқин дўст бўлади. Парвардигор Ўз дўстининг бахт-саодатини ўйлаб, унинг тиним билмасдан Ўзини мамнун қилишга интилаётганини кўриб, Ўзини бутунлай унинг қўлига топширади. Шунинг учун биз ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан келиб чиқадиган сохта ўзлик таъсирига берилиб, нафсимизнинг қўлига айланиб қолмаслигимиз лозим. Ҳеч ким ўзини моддий табиат қонунларига бўйсунмайдиган, ўз билганича, тўла мустақил ҳолда ҳаракат қилишга қодир инсон деб ўйламаслиги керак. Бу дунёдаги ҳар қандай инсон моддий табиатнинг бешафқат қонунларига бўйсуниб яшашга мажбур. Лекин, инсон ҳаётда Кришна онги билан яшаб,

Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши биланоқ руҳий озодликка эришиб, ҳаётда учрайдиган ҳар хил моддий қийинчиликлардан халос бўла бошлайди. Кришнанинг айтган гапларига жиддий эътибор бериш керак: ҳаётда Кришна онги билан ҳаракат қилиб яшамас экан, инсон моддий оламнинг туғилиш ва ўлишлар океанига ботиб кетади. Аслида шартланган руҳларнинг бирортаси ҳаётда қайси ишларни қилиш керагу, қандай ишлар таъқиқланган эканини билмайди, аммо Кришна онгига эга бўлган киши ҳар қандай фаолият билан машғул бўлишдан қўрқмаса ҳам бўлади, чунки унинг қалбида мавжуд бўлган Кришна ҳамиша унга ҳаётда қандай яшаш кераклигини кўрсатиб туради, сиртдан эса руҳий устоз Кришнанинг бераётган кўрсатмаларини тасдиқлаб туради.

*59. йад аханкарам ашритйа на йотсйа ити манйасе  
митхйаиша вйавасайас те пракритис твам нийокхийати*

***Агар сен ҳозир Менинг амримни бажармай жангга кирмасанг, нотўғри йўлни танлаган бўласан. Жангчи тоифасига хос бўлган табиатинг сени барибир жанг қилишга мажбур қилади.***

Изоҳ: Аржун кшатрийлар табиатига эга бўлган жангчи эди. Шу боис жанг қилиш унинг табиий аъмоли, муқаддас бурчи эди. Аммо, сохта ўзлиги таъсири остида у "бобомни, устозимни ва дўстларимни ўлдирсам гуноҳ иш қилиб қўяман" деб иккиланиб турганди. Аслида у қилаётган ҳаракатларининг натижаси яхши ёки ёмон бўлишини худди ўзи белгилайдигандай, ўзини мустақил ҳукмдор деб ҳис қиларди. У ўзига жанг қилишни буюриб ёнида турган Худонинг Олий Шахсини эсидан чиқариб қўйган эди. Шартланган руҳга ана шундай унутувчанлик азалдан хос бўлган табиий хусусият. Олий ҳукмдор бизга нима яхши-ю, нима ёмон эканини кўрсатиб беряпти, биз ҳаётда Кришнанинг, Худонинг кўрсатмалари асосида, Кришна онги билан яшасак албатта руҳий баркамоллик чўққисига эришамиз. Ҳеч ким ўзининг тақдирига нималар ёзилганини Парвардигордан яхшироқ билолмайди, шунинг учун бизнинг ҳаётда қилишимиз мумкин бўлган энг яхши ва ягона тўғри ишимиз - Худонинг амри ва кўрсатмалари асосида яшашдан, яъни ўз ихтиёримизни бутунлай Худога топширишдан иборат. Ҳеч ким Худонинг Олий Шахсининг кўрсатмаларини инкор этмаслиги ёки Худонинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига зид бўлган ишларни қилмаслиги керак. Худонинг Олий Шахсининг амрини сўзсиз бажариш лозим, шунда биз ҳамиша мустаҳкам химоя остида хавф-хатарсиз яшаймиз.

*60. свабхава-джене каунтейа нибаддхаҳ свена кармана  
картум нечххаси йан мохат кариййаси авашо "ни тат*

***Сен адашганинг сабабли ҳозир Менинг амримга бўйсуниб иш тутишидан бош тортяпсан. Лекин, жангчиларга хос бўлган табиатинг барибир сени айнан шундай ҳаракат қилишга мажбур қилади, эй Кунтининг ўғли.***

Изоҳ: Худонинг амрини бажаришдан бош тортган киши ўзига таъсир қилаётган моддий табиат гуналарига мос ҳолда ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Ҳар биримиз ҳаётда моддий табиат гуналарининг қандайдир бирикмаси таъсири остида яшаймиз, ана шу таъсир остида ҳаракат қиламиз. Аммо ўз хоҳиши билан Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашга қарор қилган киши ҳақиқатан ҳам ҳар қандай олқишга сазовор бўлган буюк инсондир.

*61. ишвараҳ сарва-бхутанам хрид-деше “рджуна тиштхати  
бхрамайан сарва-бхутани йантрарудхани майайа*

***Эй Аржун, Парвардигор ҳар кимнинг қалбида мавжуд ва У моддий қувват яратиб қўйган машинага ўхшаган тана ичига жойлашган тирик мавжудотларнинг барча ҳаракатларини бошқариб туради.***

Изоҳ: Аржун мукаммал илмга эга эмасди, унинг жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида келган қарори ўзининг ҳаёт ҳақидаги чекланган тасаввурига асосланган эди. Кришна унга алоҳида тирик мавжудот ўз ҳаракатларида тўла мустақил ёки бутунлай озод эмаслигини тушунтирди. Худонинг Олий Шахси, яъни Унинг Ўзи Параматма киёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлиб, унинг ҳаракатларини бошқариб туради. Танаси алмашгандан кейин тирик мавжудот ўзининг аввалги танасидаги орзу-истакларини эсидан чиқариб қўяди, аммо Олий Рухга ўтмиш, ҳозир ва келажакдаги ҳамма нарса аён бўлгани сабабли, У алоҳида руҳнинг ҳар хил таналарда қилган барча ишларидан хабардор. Шундай қилиб, Олий Рух тирик мавжудотнинг барча ҳаракатларини бошқариб туради. Олий Рухнинг кўрсатмаси асосида моддий қувват яратган моддий тана машинасида ўтириб, тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларининг оқибатларини бошидан кечиради. Тирик мавжудот маълум бир танага эга бўлган заҳоти, шу тана унинг қиладиган ҳар бир ҳаракатини белгилаб, уни ҳар томонлама чеклаб, қолипга солиб қўяди. Бир ҳайдовчининг ўзи ҳар хил машиналарда ҳар хил ҳаракат қилади: тез юрадиган машинада тез юради, секин юрадиган машинада секин. Худди шунингдек, Олий Рухнинг кўрсатмалари асосида моддий табиат ҳар бир тирик мавжудот учун маълум кўринишдаги тана тайёрлаб беради. Шу танада тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида амалга ошира олмай қолган орзу-истакларини амалга оширади. Ҳеч ким ўзини Худонинг Олий Шахсига боғлиқ эмас, деб ҳисобламаслиги керак. Алоҳида руҳ ҳамиша Худонинг ҳукми остида бўлади. Шунинг учун тирик мавжудотнинг бурчи - ўз ихтиёри-



ни бутунлай Худога топшириб, Унинг қонунларига бўйсуниб яшашдан иборат. Мазкур шеърнинг мазмуни шундай.

62. *там эва шаранам гаччха сарва-бхавена бхарата  
тат-прасадат парам шантим стханам прансйаси шашиватам*

**Эй Бхарат ўгли, ҳеч иккиланмасдан ўзингни бутунлай Унга топшир! Унинг марҳамати билан сен илоҳий осойишталикка эга бўласан ва Унинг мангу даргоҳига эришасан.**

Изоҳ: Шундай қилиб, тирик мавжудот Худога, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. Фақат шундагина у барча моддий азоб-уқубатлардан халос бўлади. Худога ўз ихтиёрини топшириш билан одам бу дунёдаги ҳаётнинг барча мусибатларидан қутулибгина қолмасдан, умрининг охирида Худонинг мангу даргоҳига эришади. Ведаларда руҳий олам шундай таърифланади: *тад вишноҳ парамам падам*. (Риг-веда.1.22.20). Ҳамма моддий нарсалар ҳам аслида руҳий табиатга эга, аммо *парамам падам* ибораси бевосита руҳий осмонни, яъни *Вайкунтҳа* деб аталадиган мангу даргоҳни билдиради. "Бҳагавад-Гита"нинг ўн бешинчи бобида шундай дейилган эди: *сарвасйа чахам хриди саннивиштаҳ* - яъни, "Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд". Шу боис, агар инсон қалбидаги Олий Рухга ўз ихтиёрини топширса, у Худо Шахсига, Кришнага ўз ихтиёрини топширган бўлади. Аржун Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олди. Ўнинчи бобда у Кришнани *парам Браҳма парам дхама* деб атаган эди. Аржун бу билан Кришнани "Худонинг Олий Шахси" ҳамда "барча тирик мавжудотларнинг энг олий даргоҳи" деб тан олган эди. Бу унинг шахсий фикри эмас, балки Нарада, Асита, Девала ва Вйаса сингари буюк донишмандлар ҳам тан олган аниқ ҳақиқатдир.

63. *ити те джнанам акхйатам гухйад гухйатарам майа  
вимриййаатад ашешена йатхеччхаси татха куру*

**Шундай қилиб, Мен сенга барча маҳфий илмлар ичида энг маҳфий илм сирларини ошкор этдим. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўр, кейин эса ўз билганингча ҳаракат қил!**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга *Браҳма-бхута* ҳақида гапириб берганди. *Браҳма-бхута* даражасига эришган кишининг қалби қувончга тўлади, у ҳеч нарсдан азият чекмайди, ҳеч нарсага интилмайдиган - сирли, илоҳий илмга эга бўлишнинг натижаси шундай бўлади. Кейин Шри Кришна Аржунга Олий Рух ҳақидаги илмни ўргатган эди. Бу ҳам Браҳман ҳақидаги юксакроқ даражадаги илм.

Бу ерда ишлатилган *йатхеччхаси татха куру* ("ўз хоҳишинг билан иш

тут") ибораси шундан далолат берадики, Парвардигор тирик мавжудотга маълум даражада мустақиллик ато этиб қўйган ва Ўзи унинг шу мустақиллигига халақит бермайди. "Бҳагавад-Гита"да Парвардигор инсон қандай қилиб ҳаётнинг энг олий даражасига қўтарилса олишини батафсил тушунтириб берган эди. Аржуннинг олган энг яхши маслаҳати шуки - у ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. Инсон "Бҳагавад-Гита" илмини ҳар томонлама ўрганиб, чуқур мулоҳаза юритиб, тўғри хулоса чиқариб, Олий Рухнинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиб яшашга ўзи қарор қилиши лозим. Бу унга ҳамиша Кришна онги билан яшаш, яъни руҳий баркамолликнинг инсон эриши оладиган энг юксак чўққисига эришиш имконини беради. Парвардигорнинг шахсан Ўзи Аржунга жангда иштирок этишни буюрди. Инсон биринчи навбатда ўзининг шахсий манфаати учун Худонинг амрига бўйсунди. Аслида биз Худо учун эмас, ўз манфаатимиз учун шундай қиламиз. Шундай қарорга келиш учун инсон Парвардигор ато этган юксак тафаккури ёрдамида чуқур мулоҳаза юритиб, ҳаётини ҳар томонлама ўйлаб кўриши лозим. Фаросатли инсон онгли равишда Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашга қарор қилиши керак. Худонинг кўрсатмаларини эса биз Кришнанинг ҳақиқий вакили бўлган руҳий устоздан оламиз.

64. *сарва-сукхйатамам бхуйах шрину ме парамам вачах  
ишто "ши ме дридхам ити тато вакиями те хитам*

***Менинг яқин дўстим бўлганинг учун Мен сенга энг олий ва энг маҳфий илмини ошкор этаман. Диққат билан қулоқ сол, Мен ҳозир сенинг бахтингни ўйлаб гапиряпман.***

Изоҳ: Кришна Аржунга аввал маҳфий илмини, кейин эса ундан ҳам маҳфийроқ илм сирларини ошкор этди (Брахман ҳақида, Олий Рух ҳақида). Энди эса донишмандлик илмининг энг маҳфий сирини ошкор этаётиб, унга шундай дейди: ўз ихтиёринини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топшир. Тўққизинчи бобнинг охирида Парвардигор шундай деганди: *ман-манах* - "Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла!" "Бҳагавад-Гита" таълимотининг асосий мазмунини алоҳида таъкидлаш учун шу насихатини Худо Шахси бу ерда яна бир бор такрорляпти. Буни ҳақиқатан ҳам Кришнага азиз бўлган инсон, яъни Унинг содиқ хизматкори англай олади. Оддий одамлар учун бу ҳамиша маҳфий сир бўлиб қолаверади. Бу - Ведаларда берилган барча кўрсатмалар ичида энг муҳим кўрсатмадир. Бу ерда Кришнанинг айтаётган гаплари, бераётган кўрсатмалари барча муқаддас китобларнинг энг асосий мазмуни бўлиб, Унинг кўрсатмалари фақат Аржунга эмас, балки барча тирик мавжудотларга қаратилган.

65. *ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру*

***Ҳамиша Мени ўйла, Менинг содиқ хизматкорим бўл, Менга сажда қил ва Менга сизиниб яша. Шунда сен албатта Менга эришасан. Мен бунга аниқ ваъда бераман, чунки сен - Менинг азиз дўстимсан.***

Изоҳ: Энг юксак илоҳий илмнинг махфий сирини шундан иборатки, ҳар бир инсон Кришнанинг содиқ хизматкори бўлиши, ҳамиша Уни эслаб юриши, қилаётган ишларининг барчасини фақат Унга бағишлаб яшаши лозим. Сохта муроқабани билан шуғулланиб, бекорга вақт кетказиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Инсон ўз ҳаётини шундай ташкил қилиши керакки, токи у сутканинг ҳар бир лаҳзасида Кришнани эслаб юрадиган бўлсин. Қандай иш бўлишидан қатъий назар кундалик турмушда бажариб юрган ишларимизнинг барчаси Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлиши керак. Шунда биз ҳамиша Кришнани ўйлаб юра оламиз ва Худодан бошқа нарсани ўйлашга вақтимиз қолмайди. Кришна ваъда бериб айтганки, ана шундай даражага, соф Кришна онгига эришган киши албатта Унинг даргоҳига қайтиб боради ва Худо Шахси билан бевосита мулоқотда бўлиб яшайди. Кришна Аржунга илоҳий илмнинг энг махфий сирини ошкор этди, чунки Аржун Унинг энг яқин дўсти эди. Аржуннинг изидан бораётган ҳар бир инсон ҳам Кришнанинг яқин дўсти бўлишга, руҳий баркамолликнинг Аржун эришган юксак чўққисига эриша олади.

Бу ерда алоҳида таъкидланиб айтилганки, инсон ўзининг бутун ақлини Кришнанинг икки қўлли, қўлида най ушлаб турган, кўкимтир-қора рангли, сочига товус пати кистириб олган ёш ўспирин бола қиёфасида мужассам қилиши лозим. Кришнанинг шахсий қиёфасининг таърифи "Брахма-самхита" ва бошқа ведавий муқаддас китобларларда аниқ келтирилган. Инсон ақлини Кришнанинг азалий, бошланғич қиёфасида мужассам қилиши ва Унинг бошқа қиёфаларини эшлашга уриниб ақлини чалғитмаслиги лозим. Худонинг Олий Шахси сон-саноксиз қиёфаларда намоён бўлади: Вишну, Нарайана, Рама, Вараха ва ҳоказо, аммо Худонинг содиқ хизматкори ўзининг ақлини Парвардигорнинг ҳозир Аржун кўриб турган икки қўлли қиёфасида мужассам қилиши лозим. Инсон бутун ақлини Кришнанинг қиёфасида мужассам қилиши ҳақидаги илм - илоҳий илмнинг энг махфий сирини ҳисобланади, шу сирни Кришна Ўзининг энг яқин дўсти сифатида Аржунга ошкор этипти.

*66. сарва-дхарман партияджя мам экам шаранам враджа  
ахам твам сарва-напобхйо мокшайишйами ма шучах*

***Ҳар қандай диний амалларни тарк эт, ўзингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўрқма!***

Изоҳ: Парвардигор Аржунга илм ва диннинг ҳар хил кўринишлари ҳақида гапириб берди. У Аржунга Олий Брахман ҳақида, Олий Рух ҳақида, жамиятнинг ҳар хил табақалари ҳақида, руҳий юксалиш поғоналари ҳақида, таркидунёлик ҳақида, моддий тутқунликдан озод бўлиш йўллари ҳақида, ҳиссиётни, ақлни қандай жиловлаш ҳақида, муҳофаза ва бошқа кўп нарсалар ҳақида гапириб берди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Аржунга руҳий фаолиятнинг ҳар хил турларини таърифлаб берди. Энди эса, Кришна "Бхагавад-Гита"да айтилган гапларнинг барчасига яқун ясаб, Аржун бу нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечиши ва Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим эканини айтяпти. Ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топшириш натижасида у қилган гуноҳларининг барча оқибатларидан халос бўлади, чунки Кришнанинг шахсан Ўзи уни ҳимоя қилишга ваъда берапти.

Этгинчи бобда айтилган эдики, барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлган кишигина Кришнага бевосита хизмат қила олади. Буни эшитган одам, албатта "ҳали мен барча гуноҳларим оқибатидан халос бўлмадим, шунинг учун Кришнага ўз ихтиёримни бутунлай топшира олмайман" деган қарорга келиши мумкин. Шундай гумонларни тарқатиб юбориш учун, Кришна бу ерда айтяптики, ҳатто гуноҳларидан бутунлай покланмаган одам ҳам агар Шри Кришнага ўз ихтиёрини топширса, барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Инсон ўзининг қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлиш учун бошқа бирор махсус йўллари излаб, овора бўлиб юришининг хожати йўқ. Шри Кришнанинг барча тирик мавжудотларнинг ягона нажот макони, Худонинг Олий Шахси эканини тан олиб, инсон чуқур иймон ва садоқат билан Унга ўз ихтиёрини топширса бас, ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади.

Кришнага ўз ихтиёрини топшириш қандай бўлиши "Хари-бҳактивиласа"(11.676)да ёзилган.

*анукулийасйа санкалпаҳ пратикулийасйа варджданам  
ракишиятити вишвасо гопритве варанам татха  
атма-никшепа-карпанйе шад-видха шаранагатиҳ*

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли шундан иборатки, инсон ҳаётда охир-оқибатда Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган ишлар билан машғул бўлиб яшаши лозим. Инсон жамиятдаги эгаллаб турган ўрнига қараб ўз бурчини бажаришда давом этавериши мумкин, аммо жамиятдаги ўз бурчини мукамал бажариш билан бир қаторда у қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, Худони англаб етмаса, унинг ҳаётда қилиб юрган ишларининг ҳаммаси бефойда, бемаъни ишлар бўлиб, ўзига зарардан бошқа бирор нарса олиб келмайди. Инсон ҳақиқий ўзлигини, Худони англаб етишга ҳалакит берадиган ишларнинг ҳаммасидан узоқ юриши керак. Парвардигор, Шри Кришна Ўзининг содиқ хизматкорини ҳамшиша, ҳамма ерда ҳар қандай хавф-хатардан шахсан Ўзи ҳимоя қилиб юришига аниқ ишониш керак. Биз танада жонимизни қандай сақлаб қолиш ҳақида қайғуриб безовта бўлиб юр-

маслигимиз лозим. Буни Кришна шахсан Ўз зиммасига олган. Биз ўзимизнинг ноилож, ҳокисор ҳолатда эканимизни англаб етишимиз, бизга руҳий юксалишда, ҳақиқий ўзлигимизни англаб олишда фақат Парвардигор ёрдам бера олишини тушуниб, шуни ҳамиша эсимизда сақлаб юришимиз лозим. Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш билан жиддий шуғулланиб юрган киши шу заҳотиёқ барча моддий иллатлардан бутунлай покланади. Онгни поклашнинг ҳар хил тизим ва усуллари бор: Ҳақиқатни фалсафий фикрлашлар ёрдамида излаш, муҳофаза қилиш ва сеҳрли йога билан шуғулланиш ва ҳоказо. Аммо ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган кишининг ўз онгини поклаш учун бундай усуллардан фойдаланиб юришига ҳожат қолмайди. У Кришнага ўз ихтиёрини топшириш билан шунча вақтини тежаб қолади ва ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб, руҳий баркамолликка эришади.

Охир-оқибатда инсон ўзининг қалбида Шри Кришнанинг ғаройиб гўзал қиёфасига, жамолига боғланиш туйғусини уйғотиши лозим. Худо Шахсини "Шри Кришна" деб айтишларига сабаб - Унинг ниҳоятда гўзаллигида, ҳаммани Ўзига маҳлиё қилишида. Кришнанинг ғаройиб, бенуксон гўзал жамолига маҳлиё бўлиб унга боғланиб қолган киши ўзини ҳаётда "энг омадли инсон" деб ҳисобласа бўлади. Илоҳий фаолият билан шуғулланиб юрган ҳар хил тоифадаги одамлар бор: бировлар шахсиятсиз Браҳманга муҳофаза қиладилар, бошқалар Олий Рух кўринишидаги Худога ва ҳоказо, аммо шундай одамлар ичида Худонинг Олий Шахсига, айниқса Шри Кришнанинг шахсан Ўзига муҳофаза қилиб, Унинг бетакрор гўзал сиймосига боғланган киши энг бахтиёр инсондир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг бутун фикру-хаёлини Кришнада мужассам қилишини ифодалайдиган йўл - Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаш йўли руҳий илмнинг ва "Бхагавад-Гита" таълимотининг энг маҳфий сири ҳисобланади. Карма-йогларни ҳам, эмпирик-файласуфларни ҳам, сеҳргарларни ҳам, Худонинг содиқ хизматкорларини ҳам "илоҳиёт одамлари" деб ҳисоблайдилар, аммо уларнинг ичида энг аълоси Кришнанинг содиқ хизматкори ҳисобланади. Шри Кришна айтяптики, *ма шучах* - "Ҳеч нарсадан кўркма, барча гумонларингни ташла, ҳеч нарсадан ташвишланма!" Кришнанинг бу гаплари жуда муҳим. Кимдир буни тушунмаслиги мумкин: "Қандай қилиб ҳар қандай диний қонун-қоидаларни тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш мумкин?" Лекин, аслида бу илоҳий сирнинг мазмунини англаб олган кишида бундай шубҳаларга ўрин қолмайди.

*67. идам те натапаскайа набхактайа кадачана  
на чаширушаве вачйам на ча мам йо "бхйасуяати"*

***Ҳеч қачон бу маҳфий илм сирларини ўзини тутта олмайдиган,  
ўзини Менга топширмаган, Менга хизмат қилишни истамайдиган  
ва Менга ҳасад қиладиган одамларга ошкор этма.***

Изоҳ: Илоҳий илмнинг бу махфий сирини дин қонунларига самимий амал қилиш учун ўз нафсини ҳеч қачон бирор нарсадан тийишга қучи етмайдиган, ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилмайдиган, Худонинг соф содиқларига хизмат қилмайдиган кишиларга, айниқса, Кришнани шунчаки бир “тарихий қаҳрамон” деб ҳисоблайдиган, Унинг улуғворлигига ҳасад қиладиган калтафаҳм одамларга ошқор этмаслик керак. Кришнага ҳасад қиладиган иблис табиатли одамлар кўпинча Худога ўзи истаган йўл билан сиғинадилар. Шундай иймонсизлар пул ишлаб топиш учун "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзадилар. Шу боис ҳақиқатан ҳам Кришнани, Худо Шахсини англаб етишга самимий интилаётган киши шундай иймонсиз одамларнинг "Бҳагавад-Гита"га ёзган нопок изоҳларини ўқимаслиги лозим. Нафсига қучи етмаган, ҳаётда ҳайвонлардай пала-партиш яшайдиган одамлар ҳеч қачон "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини тушуна олмайдилар. Ҳатто инсон ўзининг ҳиссиётини, нафсини жиловлаб олган, Ведаларнинг қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилиб юрган бўлса ҳам, агар қалбида Худо Шахсига иймон-этиқод бўлмаса, Унга садоқат билан хизмат қилиб юрмаса, ҳеч қачон Кришнани англаб етолмайди. Ҳатто ўзини “Худонинг содиқ хизматкори” деб ҳисоблайдиган, аммо ҳаётда Кришна онги билан яшамай, Худога садоқат билан хизмат қилмай юрган киши ҳам Кришнани англаб етиш имкониятидан маҳрум. Кришна Ўзини "Бҳагавад-Гита"да "Худонинг Олий Шахси" деб, Ўзига тенг келадиган ёки Ундан буюроқ зот ҳеч қаерда йўқ деб эълон қилгани сабабли Унга ҳасад кўзи билан қарайдиган одамлар кўп. Ундай одамларга "Бҳагавад-Гита"ни гапириб юришнинг ҳожати йўқ, чунки барибир улар ўзларининг нопок онги билан бу илмни тўғри тушуна олмайдилар. Иймон-этиқодсиз кишилар ҳеч қачон "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини ва Шри Кришнаниннг Ўзини англаб етолмайдилар. Кришнаниннг соф содиқ хизматкори раҳбарлиги остида Парвардигорнинг илоҳий табиатини тушуниб етмаган киши "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини англаб олишга ҳатто уриниб ҳам юрмасин.

*68. йа идам парамам гухйам мад-бхактешв абхидхасйати  
бхактим майи парам критва мам эвашиятй асамшайах*

***Мана шу энг махфий сирни Менинг содиқларимга ошқор этиб юрган киши, шубҳа йўқки, Менга соф садоқат билан хизмат қилиш шарафига муяссар бўлади ва умрининг охирида Менинг олдимга келади.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"ни фақат Худонинг содиқ хизматкорлари даврасида муҳокама қилиш тавсия қилинади, чунки Худога иймон келтирмаган кишилар барибир "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини, ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб етишга қодир эмаслар. Ягона Парвардигор Кришнани аслида қандай бўлса шундайлигича, "Бҳагавад-Гита"ни аслида

кандай бўлса шундайлигича қабул қилишдан бош тортадиган кишилар имонсиз даҳрийлар тоифасига кириб қолмаслик учун "Бҳагавад-Гита"га изоҳ ёзиб, уни бошқаларга ўз билганича тушунтиришга уриниб юрмаслиги керак. Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан оладиган имонли кишиларгагина "Бҳагавад-Гита"нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш керак. Бу нодир, муқаддас китоб иймонсиз даҳрийлар, сафсатабоз-файласуфлар учун эмас, балки фақат Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган иймон-этиқодли такводдор зотлар учун мўлжалланган. Лекин, "Бҳагавад-Гита"нинг маъносини бузмасдан, уни асл ҳолида бошқаларга тушунтиришга самимий интилаётган киши албатта Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришиб, охир-оқибатда албатта Худонинг соф содиқ хизматкорига айланади. Худога соф садоқат билан холис хизмат қилиш эса, умрининг охирида уни албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига олиб боради.

*69. на ча тасман манушйешу каишчин ме прийа-криттамах  
бхавита на ча ме тасмад аниах приятаро бхуви*

***Бу дунёда Мен учун ундан ҳам азизроқ хизматкор йўқ ва ҳеч қачон бўлмайдими ҳам.***

*70. адхйешйате ча йа имам дхармйам самвадам авайоҳ  
дженана-йадженена тенахам иштах сйам ити ме матих*

***Бу муқаддас суҳбатни диққат билан ўрганган ҳар бир инсон фикр юритиб, Менга ҳурмат ва эҳтиром билан сажда қилади, Менинг фикрим шундай.***

*71. шраддхаван анасуйаш ча шринуйад апи йо нараҳ  
со "ни муктаҳ шубхал локан прапнуйат пунйа-карманам*

***Қатъий ишонч билан, ҳасад қилмасдан бизнинг суҳбатимизга қулоқ солган киши барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади ва такводдор зотлар яшайдиган саодатли сайёраларга эришади.***

Изоҳ: Олтмиш еттинчи шеърда Кришна "Бҳагавад-Гита"ни Парвардигорга ҳасад қиладиган одамларга гапириб беришни бутунлай таъқиқлаб қўйган эди. Бошқача қилиб айтганда, "Бҳагавад-Гита" - фақат Худонинг содиқ хизматкорлари учун нозил қилинган илоҳий китоб. Лекин, баъзан Худонинг содиқ хизматкори жамоа орасида "Бҳагавад-Гита"дан маъруза қилиши, тингловчилар орасида эса Худонинг содиқ хизматкори бўлмаган иймонсиз одамлар ҳам бўлиши мумкин. Нимага у шундай жамоа орасида "Бҳагавад Гита"дан маъруза қилади? Мазкур шеърда айтилганки, гарчи жамиятда ҳамма бирдай Худо-

нинг содиқ хизматкори бўлишга қодир бўлмаса ҳам, халқ орасида Кришнага ҳасад қилмайдиган, Ундан нафратланмайдиган соддадил, ғофил одамлар кўп. Улар Шри Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканига ишонадилар. Худонинг содиқ хизматкорининг Кришна ҳақида гапирётган гапларини тинглаб, шундай одамлар ҳам барча гуноҳларидан покланадилар ва умрининг охирида тақводор зотлар яшайдиган жаннатий сайёраларга эришадилар. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишга интилмаётган киши ҳам, Худонинг содиқ хизматкори оғзидан "Бҳагавад-Гита"ни тинглагани шарофати билан бебаҳо руҳий бойликка эга бўлади. Шундай қилиб, Худонинг содиқ хизматкори ҳар бир инсонга гуноҳларидан поклаиб Худонинг содиқ хизматкори бўлиш имконини беради.

Одатда гуноҳларидан покланган тақводор кишилар ҳаётда Кришна онги билан яшаш таълимотини осонлик билан қабул қиладилар. Бу ерда ишлатилган *пунья-карманам* иборасига эътибор бериш керак. *Пунья-карманам* тоифасига Ведаларда кўрсатилган *ашвамедҳа-яғйа* сингари қурбонлик маросимлари киради. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, аммо ҳали Худонинг соф содиқ хизматкори бўлмаган тақводор кишилар кейинги ҳаётида Қутб юлдузига, Дхрува Махараж бошқараётган Дхрувалока сайёрасига эришадилар. Дхрува Махараж - Худонинг буюк содиқ хизматкори, Қутб юлдузи (Дхрувалока) эса унинг шахсий даргоҳи, салтанати ҳисобланади.

*72. қачқид этач чхрутам партха твайаикагрена четаса  
қачқид аджнана-саммохаҳ пранаитас те дхананджайа*

***Эй Притхининг ўғли, эй бойлик эгалловчи, Менинг гапларимни тартиқча диққат билан тингладингми? Қалбингни қамраб олган ғофиллик ва алданишлардан халос бўлдингми?***

Изоҳ: Кришна Аржуннинг руҳий устози вазифасини бажаряпти, шунинг учун У шогирдидан "Бҳагавад-Гита" илмини тўғри тушунганини билиб олмоқчи бўляпти. Акс ҳолда Кришна унга "Бҳагавад-Гита"нинг истаган жойини қайтадан тушунтириб беришга тайёр. "Бҳагавад-Гита" таълимотини Кришна ёки Унинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаган киши қалбидаги барча ғофиллик иллатларидан покланганини ўзи қалбида яққол ҳис қилиши лозим. "Бҳагавад-Гита" - қандайдир дунёвий файласуф ёки шоир ёзиб кетган оддий асар эмас: бу муқаддас китобни Парвардигорнинг шахсан ўзи нозил қилган. Бу насиҳатларни Кришнанинг ўзидан ёки Унинг ҳақиқий вакилидан эшитган киши албатта руҳий озодликка эришади ва ғофиллик зулматидан халос бўлади.

*73. арджуна увача  
нашто мохаҳ смритир лабдха тват-прасадан майачйута  
стхито "сми гата-сандехаҳ қаришийе вачанам тава*



***Аржун деди: Эй беғуноҳ Зот, о Кришна, энди мен барча адашишлардан халос бўлдим ва Сенинг марҳаматинг билан хотирам қайта тикланди. Барча гумонларим тарқади ва мен қатъий ишонч билан Сенинг амрингни бажаришга тайёрман!***

Изоҳ: Аржун сингари, барча тирик мавжудотларнинг вазифаси - ҳаётда комил ишонч билан ягона Парвардигорнинг амрини бажариб яшашдан иборат. Барча тирик мавжудотлар Худога хизмат қилиш учун яратилган. Шри Чаитанья Махапрабху айтган эдики, тирик мавжудот ўзининги асл табиатига кўра Худонинг мангу хизматкори ҳисобланади. Шуни эсидан чиқарган тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остига тушиб қолади, аммо Худога хизмат қилиш унга моддий табиат ҳукми остидан чиқиб, яна Худонинг озод хизматкори бўлишига ёрдам беради. Тирик мавжудот хизмат қилиш учун яратилган, шунинг учун у ё адашганидан Парвардигорнинг алдамчи қуввати - майяга ё Парвардигорнинг Ўзига хизмат қилиб яшайди. Парвардигорга хизмат қилиб яшаганида у ўзининг табиий ҳолатида бўлади, лекин у Парвардигорнинг ташқи, алдамчи қуввати бўлган майяга хизмат қилишни афзал билса, албатта моддий қувват асирлигига тушиб қолади. Адашган, алданган тирик мавжудотларгина моддий оламда майяга хизмат қилиб юрадилар. Танасининг, нафсининг турли талаблари билан оёқ-қўли чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, алданган тирик мавжудот ўзини “оламнинг ҳукмдори” деб ҳисоблайди. Мана шуни ҳақиқий “алданиш” деб айтадилар. Озодликка эришган инсон алданиш чангалидан халос бўлади ва ўз хоҳиши билан Худонинг амрига бўйсуниб яшай бошлайди. Алдамчи қувват бўлган майянинг моддий оламга тушиб қолган тирик мавжудотни, инсонни алдаш учун ишлатадиган энг охирги маккорлиги - унга ўзини Худо деб хис қилиш тасаввурини беришдан иборат. Ана шундай алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудот ўзини “шартланган руҳ” деб эмас, балки “Худоман” деб ҳисоблай бошлайди. Шунда унинг, ўзига ҳатто: "Агар мен Худо бўлсам, нимага бу дунёда алданиб юрибман?" - деб савол беришга ҳам ақли етмай қолади. Бундай савол ҳатто унинг хаёлига ҳам келмайди. Мана шу инсонга моддий табиатнинг, алдамчи моддий қувватнинг тайёрлаб қўйган охирги тузоғи ҳисобланади. Алданиш тузоғидан бутунлай халос бўлиш учун ягона Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини англаб олиш ва Унинг амрини бажариб яшашга рози бўлиш керак.

Мазкур шеърда ишлатилган *моха* ибораси муҳим аҳамиятга эга. *Моха* - “илм” иборасининг қарама-қарши ибораси, антоними ҳисобланади. Ҳақиқий илмга эга бўлиш - тирик мавжудот ўзининг Худонинг мангу хизматкори эканини тушуниб олишидир. Аммо ўзини "хизматкор" деб ҳисоблаш ўрнига моддий оламдаги ҳар бир одам ўзини "хўжайин", "ҳукмдор" деб билади, чунки моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истайди. Бизнинг алданганлигимиз оқибати шундан иборат. Бу алданиш тузоғидан фақат Кришнанинг ёки Унинг содиқ хизматкорининг марҳамати билангина қутулиш мумкин. Инсон

ана шу алданиш таъсиридан қутулганида Кришна учун хизмат қилиб яшашга рози бўлади.

Ҳаётда Кришна онги билан яшаш - Кришнанинг амрини бажариш учун ҳаракат қилиб яшаш демақдир. Алдамчи ташқи қувват алдаб қўйган тирик мавжудот, шартланган руҳ "Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг илмга тўла ҳукмдори ва бутун борлиқнинг ягона эгаси" эканини тушунмайди. Парвардигор Ўзининг содиқларига истаганча бойлик ато этиши мумкин; У ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти, лекин Ўзининг содиқ хизматкорларига У алоҳида марҳамат кўрсатади. У моддий табиатнинг ва барча тирик мавжудотларнинг ягона ҳукмдори. Чексиз замон ҳам, барча бойлиқлару кучқудратлар ҳам Унинг ҳукми остида. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига ҳатто Ўзини ҳам бутунлай топшириб қўйиши мумкин. Худони англаб етмаган киши алданиш домига тушган ғофил одамдир; Худога садоқат билан хизмат қилиш ўрнига у майяга, саробга, ўткинчи нафсига хизмат қилиб юрибди. Аржун Кришнадан "Бҳагавад-Гита"ни тинглаб, алданиш чангалидан бутунлай халос бўлди. Кришна ўзининг шунчаки яқин дўсти бўлиб қолмасдан, У - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси эканини тушунди. Аржун аслида Кришна қандай бўлса, шундайлигича англаб етди. Ана шу илоҳий илм инсонга тўла аён бўлганида, у Кришна олдида бош эгмай туролмайди. Кришна Ер юзининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетган аҳолисини қамайтириш ниятида эканини англаб етгандан кейин, Аржун Унинг амрини бажаришга, жангда иштирок этишга рози бўлди. У Худонинг Олий Шаҳсининг истагини бажо келтириб, жангда иштирок этиш учун яна қўлига қуролини - қамон ва пайқонларини олди.

#### *74. санджайа увача*

*итий ахам васудевасйя партхасйя ча махатманах  
самвадам имам ашраушам адбхутам рома-харшанам*

***Санджая деди: Шундай қилиб мен икки буюк руҳ - Кришна билан Аржуннинг ўзаро суҳбатини тингладим. Эшитганларим шу қадар ғаройиб-ки, ҳайратга тушганимдан танамда тукларим ҳурпайиб кетяпти.***

Изоҳ: "Бҳагавад-Гита"нинг бошида Дхритараштра котиби Санджайдан: "Курукшетра жанг майдонида нималар бўляпти?" - деб сўраган эди. Руҳий устози, Вйасадеванинг марҳамати билан Санджайнинг қалбида бутун "Бҳагавад-Гита"нинг мазмуни, Курукшетрада бўлаётган воқеа-ҳодисалар намоён бўлган, шу боис у буларнинг ҳаммасини Дхритараштрага тушунтириб бераётган эди. Бу суҳбат ҳақиқатан ҳам икки буюк зотнинг энг ғаройиб, мўъжизавий, илоҳий суҳбати эди, чунки ундан аввал ҳам, ундан кейин ҳам Ер юзида бундан муҳимроқ оламшумул воқеа бўлган эмас. Бу суҳбат шуниси билан ғаройиб эдики, унда бутун оламнинг ягона олампахои, ягона Парвар-

дигор Ўзи ҳақида ва Ўзининг қувватлари ҳақида инсонга - содиқ хизматкори Аржунга бевосита Ўзи гапириб берган эди. Агар биз Аржуннинг изидан бориб, Кришнани англашга ҳаракат қилсак, ҳаётда албатта муваффақият қозониб, энг буюк бахтга эришамиз. Санджай буни англаб етган эди, шунинг учун у мана шу суҳбатни Дхритараштрага гапириб берди. Санджайнинг бу суҳбатдан чиқарган хулосаси оддий: қаерда Кришна ва Аржун бўлса - ғалаба ҳам хамиша шу ерда бўлади.

*75. вйаса-прасадач чхрутаван этад гухйам ахам парам  
йогам йогешварат кришнат сакишат катхайатаҳ свайам*

***Вйасадеванинг марҳамати билан бутун сеҳр қудратининг ҳукмдори Кришнанинг Ўзи бевосита Аржунга гапириб берган бу сирли насиҳатларни мен ҳам тинглашга муяссар бўлдим.***

Изоҳ: Вйасадева Санжайнинг руҳий устози эди, бу ерда Санжай тан олиб айтяптики, фақат Вйасанинг марҳамати билан у Худонинг Олий Шахсини англаб олишга қодир бўлди. Демак, ҳеч ким Худонинг Олий Шахси Кришнага ўзи бевосита яқинлаша олмайди. Бунга фақат ҳақиқий руҳий устознинг ёрдами билангина эришиш мумкин. Ҳақиқий руҳий устоз Парвардигор билан шогирд орасида шаффоф парда, ойна вазифасини бажаради, лекин бунда шогирд бевосита Худо Шахсининг Ўзи билан мулоқотда бўлгандай бўлади. Устозлар силсиласининг энг нодир сирини ҳам шунда. "Бҳагавад-Гита"ни Аржун Кришнадан бевосита қандай тинглаган бўлса, ҳақиқий руҳий устоз ҳам бу илмни биз ҳам худди шундай тинглаб, англаб олишимизга ёрдам беради. Жаҳонда ҳар хил сеҳргар ва жодугарлар кўп, аммо барча сеҳр қудратининг ягона ҳукмдори Кришна ҳисобланади. Муқаддас "Бҳагавад-Гита"да ана шу Кришнанинг хоҳиш-истағи аниқ-равшан баён этилган: "Ўз ихтиёрингни Менга топшир!" Ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган киши "комил йог" бўлади, буни олтинчи бобнинг охириги шеъри ҳам тасдиқлайди: *йогинам апи сарвешам...*

Нарада муни Кришнанинг шогирди ва Вйасадеванинг руҳий устози ҳисобланади. Шунинг учун руҳий устозлар силсиласида турган Вйасадеванинг мартабаси Аржуннинг мартабасидан кам эмас, Санжай эса, Вйасадеванинг бевосита шогирди. Шундай қилиб, Вйасадеванинг марҳамати билан Санжай ўзининг ҳиссиётини поклаб, Кришнани яққол кўриш, Унинг гапларини бевосита тинглаш имконига эга бўлди. Кришнанинг бевосита Ўзини тинглаган киши бу нодир илм сирини англаб олишга қодир бўлади. Лекин, фақат шогирдлар силсиласида турган кишигина Кришнани бевосита тинглаш имкониятига эга бўлади. Шу боис инсоннинг "Бҳагавад-Гита"нинг мазмунини англаб олиш ниятида шогирдлар силсиласида турмаган одамлардан ўрганган ҳар қандай илми мукамал бўлмай қолаверади. Ундай одамнинг "Бҳагавад-Гита" ҳақида бирор фикр билдиришга ҳаққи йўқ.

"Бхагавад-Гита"да барча йога тизимлари таърифланган: *карма-йога*, *гйана-йога* ва *бхакти-йога*. Уларнинг барчаси Кришнанинг ҳукми остида. Лекин, шуни англаб олиш лозимки, Аржун Кришнани бевосита англаб олиш бахтига муяссар бўлган бўлса, Санжай ҳам Вйасадеванинг марҳамати билан Кришнанинг гапларини тинглаб худди шундай англаб олишга муяссар бўлди. Аслини олганда Кришнанинг насиҳатларини Вйаса сингари ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаш - уларни Кришнанинг бевосита Ўзидан эшитиш билан баробар. Ҳақиқий руҳий устоз Вйасадеванинг вакили ҳисобланади. Шунинг учун ведавий урф-одатларга кўра руҳий устоз туғилган кунда "Вйаса-пуджа" деб аталадиган тантана ўтказилади.

76. *раджан самсритйя самсритйя самвадам имам адбхутам  
кешаварджунайох пунйам хришйами ча мухур мухур*

***Эй шаҳаншоҳ, мен Кришна билан Аржуннинг бу гаройиб, муқаддас суҳбатини такрор ва такрор эслайман, ҳар гал бундан чексиз лаззат ҳис қиламан.***

Изоҳ: "Бхагавад-Гита"да баён этилган илм шу қадар улуғворки, Кришна билан Аржуннинг нималар ҳақида суҳбатлашганини англаб етган ҳар бир киши тақводор, иймонли инсонлар қаторига кириб, ҳеч қачон бу суҳбатнинг мазмунини эсидан чиқармайди. Руҳий ҳаётнинг илоҳий табиати ана шундай. Бошқача қилиб айтганда, "Бхагавад-Гита"ни Кришнанинг бевосита Ўзидан эшитган ҳар бир инсон ҳаётда Кришна онги билан яшаб руҳий баркамолликка эришади. Натижада у руҳий, илоҳий илмга эга бўлиб, ҳаётининг ҳар бир дақиқасини тенгсиз илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб ўтказа бошлайди.

77. *тач ча самсритйя самсритйя рупам атй-адбхутам харех  
висмайо ме махан раджан хришйами ча пунаҳ пунаҳ*

***Эй шоҳ, ҳар гал, ҳаёлимда Кришнанинг ўша гаройиб гўзал қиёфаси намоён бўлганида, мен бу мўъжизадан ҳайратга тушаман ва қалбим чексиз қувончга тўлиб, яйраб кетаман.***

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, Кришна Аржунга намоён этган фазовий қиёфасини Вйасадеванинг марҳамати билан Санжай ҳам кўришга муяссар бўлган. Маълумки, Кришна аввал ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида Ўзини бу қиёфада намоён этмаган эди. У Ўзини фақат Аржун олдида шу қиёфада намоён этганди, лекин барибир баъзи буюк содиқлар ҳам Унинг шу қиёфасини кўришга муваффақ бўлганлар. Ана шундай содиқлардан бири Вйасадева эди, уни Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган қудратли қиёфаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Вйасадева бу мўъжизавий қиёфани шогирди Санжайга ҳам кўрсатган. Санжай ҳар гал Парвардигорнинг шу

киёфасини эслаб, чексиз лаззат оляпти.

78. *йатра йогешвараҳ кришно йатра партхо дханур-дхараҳ  
татра ширир виджайо бхутир дхрува нитир матир мама*

***Барча сеҳргар ва йогларнинг ҳукмдори Кришна қаерда бўлса, тенгсиз камонбоз Аржун қаерда бўлса - фаровон ҳаёт, ғалаба, чексиз қудрат, адолат, ахлоқ-одоб ҳам ҳаминша шу ерда бўлади. Менинг фикрим шундай.***

Изоҳ: "Бхагавад-Гита" Дхритараштранинг саволидан бошланган эди. У Бхишма, Дрона ва Карна сингари буюк жангчилар қўллаб-қувватлаётган ўғли бўлажак жангда ғалаба қозонишидан умидвор эди. Аммо, Санжай шоҳга Курукшетрада рўй бераётган ҳодисалар тафсилотини гапириб берар экан, шундай дейди: "Сен жангда ғалаба қозонишга умид боғлаясан, лекин мен Кришна билан Аржун қаерда бўлса ғалаба ҳам шу ерда бўлади, деб ўйлайман". У очикдан-очик айтяптики, ўғилларининг бу жангда ғалаба қозонишидан умидвор бўлишга Дхритараштранинг ҳеч қандай асоси йўқ. Ғалаба Аржун тарафда бўлади, чунки унинг ёнида Кришна бор. Аржуннинг жиловдори бўлишга розилик бериб, Кришна Ўзининг яна бир ғаройиб илоҳий фазилатини намоён этди. Кришна барча комил сифатлар, эзгу фазилатлар соҳиби. Шу фазилатлардан бири - боғланмасликдир. У ўзининг шу фазилатини бир неча бор намоёиш этди, чунки жаҳонда бунга Ундан кодирроқ бўлган бирор зот йўқ.

Курукшетрадаги жанг Дурйодхон билан Юдҳиштхира ўртасида бўлиб ўтди. Аржун акаси Юдҳиштхира тарафда туриб жанг қилди. Кришна билан Аржун у тарафда туриб жанг қилгани сабабли, Юдҳиштхиранинг бу жангда ғалаба қозониши муқаррар эди. Жанг натижаси жаҳонга улардан қайси бири ҳукмронлик қилишини белгилаши лозим эди, Санжай башорат қилиб айтяптики, ҳукмронлик Юдҳиштхиранинг қўлига ўтади. У яна шуни башорат қилиптики, жангда ғалаба қозонгандан кейин Юдҳиштхира салтанатни гуллаб-яшнашга, фаровонликка олиб келади, чунки Юдҳиштхира такводор ва эзгу ниятли, одил шоҳ бўлиш билан бирга энг юксак одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб яшайдиган, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган буюк инсон. Бутун умри давомида у бирор марта ёлғон гапирган эмас.

Баъзи бир ғофил одамлар "Бхагавад-Гита"ни жанг майдонидаги икки дўстнинг оддий суҳбати деб биладилар. Лекин, оддий асар "муқаддас китоб" бўлолмайди. Баъзи одамларга Кришнанинг Аржунни жангда иштирок этишга мажбур қилгани ёқмайди, уларнинг фикрича бу жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди. Лекин, бу ерда аниқ айтилганки, "Бхагавад-Гита" - энг юксак ахлоқ-одоб қоидалари тўплами. Барча одоб-ахлоқ қоидалари ичида энг буюги тўққизинчи бобнинг ўттиз тўртинчи шеърида баён этилган: *ман-мана бхава мад-бхактаҳ*, яъни ҳақиқий одобли инсон

Кришнанинг содиқ хизматкори бўлиши лозим. Ҳақиқий дин қонунларига амал қилиб яшашнинг энг буюқ мақсади - Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширишдан иборат (*сарва-дхарман партияджйа мам экам шаранам враджа*). "Бҳагавад-Гита"да берилган насиҳатлар ҳақиқий дин ва ахлоқ-одобга оид энг юксак қоидаларнинг мағзи ҳисобланади. Рухий юксалишнинг бошқа барча усуллари онгимизни поклашда, руҳий юксалишда юқорирок поғонага кўтарилишда ёрдам бериши мумкин, аммо "Бҳагавад-Гита"нинг кўрсатмаси - барча дин ва ахлоқ қонун-қоидаларининг якуний ҳулосасидир: ўз ихтиёрингни бутунлай яғона Парвардигорга, Кришнага топшир. Ўн саккизинчи бобнинг мазмуни шундан иборат.

"Бҳагавад-Гита"дан билиб оламизки, фалсафий изланишлар ёки сеҳрли йога машқлари билан шуғулланиш орқали инсон руҳий ўзлигини англаб олиши мумкин, лекин ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширган кишигина руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлади. "Бҳагавад-Гита" таълимотининг мазмуни шундан иборат. Ҳар хил диний маросимларни ўтказиш ва варнашрама жамият тизимидаги ўз бурчини бажариб яшаш - Ҳақиқатни англашнинг сирли йўллари ҳисобланади. Дҳарма, яъни диний қонун-қоидаларга амал қилиш йўлидан ҳам маҳфийроқ, сирлироқ йўл - мувоқаб ва Ҳақиқатни фалсафий фикрлаш ёрдамида излаш йўли ҳисобланади. Лекин, руҳий юксалиш йўлининг энг маҳфий сири - Кришнанинг Аржунга берган насиҳати ҳисобланади: Худога хизмат қилиб, ҳамиша Уни эслаб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш. Ўн саккизинчи бобнинг мазмуни шундан иборат.

"Бҳагавад-Гита" яна шуни эълон қилиб айтадики, энг олий ҳақиқат - яғона Парвардигор, Худонинг Олий Шаҳси, Шри Кришна. Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб етадилар: шахсиятсиз Браҳман, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматма ва Худонинг Олий Шаҳси, Кришна. Кришнани тўла англаб етган киши Мутлақ Ҳақиқатни тўла тушуниб етган бўлади. Кришна ҳақидаги илм ўз ичига илмнинг бошқа барча турларини ҳам олади. Кришна бу оламга нисбатан илоҳий, трансцендент ҳолатда, чунки У ҳамиша Ўзининг мангу ички қувватида бўлади. Унинг қувватидан чиққан тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади: мангу озод ва мангу шартланган. Улар сон-саноксиз, уларнинг барчаси Кришнанинг ажралмас руҳий заррачалари ҳисобланади. Моддий қувват йигирма тўрт бошланғич унсурдан таркиб топган. Мангу вақт таъсири билан Худонинг ташқи қуввати аввалига бутун борлиқни яратиб, кейин уни яқсон қилиб туради. Моддий олам гоҳида намоён бўлади, гоҳида намоён бўлмаган мавҳум ҳолатга ўтади.

"Бҳагавад-Гита"да асосан беш мавзу муҳокама қилинди: Худонинг Олий Шаҳси, моддий табиат, тирик мавжудотлар, мангу вақт ва фаолиятнинг ҳар хил турлари. Бутун борлиқнинг асоси ва манбаи Худонинг Олий Шаҳси, Кришна. Худонинг Олий Шаҳсини англаб етган киши Мутлақ Ҳақиқатнинг қолган бошқа кўринишларини - шахсиятсиз Браҳмани, ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Параматмани, Парвардигорнинг бошқа ҳар қандай илоҳий кўринишини ҳам англай олади. Гарчи бир қараганда Худонинг Олий Шаҳси,

тирик мавжудот, моддий табиат ва мангу вақт бир-биридан фарқ қиладигандай бўлиб туюлса ҳам, бутун борлик, уларнинг ҳаммаси, аслида ягона Парвардигор билан бир. Лекин, Парвардигорнинг шахсан Ўзи, ҳамиша уларнинг барчасидан фарқ қилади. Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг олий поғонаси бўлган мана шу фалсафани, "бир вақтнинг ўзида бир бўлиш ва бир-биридан фарқ қилиш", *ачинтйа-бхеда-бхеда таттва*" фалсафасини бизга Чаитанйа Махапрабху тушунтириб кетган.

Ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот пок руҳдан иборат. У - Олий Руҳнинг чексиз кичик заррачаси. Шунинг учун, Кришнани куёшга, тирик мавжудотларни эса - куёш нурига ўхшатадилар. Кришнанинг оралик қуввати бўлган ҳолда, тирик мавжудотлар ё моддий қувватнинг, ёки руҳий қувватнинг таъсири остида бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот Парвардигорнинг икки қуввати орасидаги чегара ҳолатни эгаллаб туради, лекин у Парвардигорнинг олий, руҳий қувватига мансуб бўлгани сабабли маълум даражада мустақилликка эга. Ўз мустақиллигидан тўғри фойдаланганда тирик мавжудот бевосита Худо Шахсининг, Кришнанинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилишга рози бўлади. Шу тарзда у мангу, туганмас лаззат келтирадиган қувват доирасига ўтиб, ўзининг табиий ҳолатига эришади.

*"Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита"га Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг изоҳлари шундай яқунланади*

Илова

## Муаллиф ҳақида

Ҳазрат Абхай Чаранаравинда Бҳактиведанта Свами Прабхупада 1896 йил Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида дунёга келган. Шу ерда, Калькуттада у 1922 йил, ўзининг руҳий устози Шрила Бҳактисиддханга Сарасвати Госвами билан илк бор учрашган. Буюк файласуф, олтмиш тўртта Гаудия-матх(ведавий жамият)га асос солган Бҳактисиддханга Сарасватига бу ўқимишли ёш йигит жуда ёқиб қолди ва у Шрила Прабхупадани бутун умрини Ведалар илмини тарғибот қилишга бағишлаши лозимлигига ишонтирди.

Шу тариха у Шрила Прабхупаданинг рухий устози бўлди. Орадан ўн бир йил ўтгандан кейин Шрила Прабхупада ундан расмий равишда рухий ҳаётга фотиҳа олди.

Биринчи учрашув пайтидаёқ Шрила Бҳактисиддханта Сарасвати Тхакур Шрила Прабхупададан Ведалар таълимотини инглиз тилида тарғибот қилишни илтимос қилди. Кейинги йиллар давомида Шрила Прабхупада Гаудия-матх фаолиятига ёрдам бериб юрди, "Бхагавад Гита"га изоҳ ёзиш билан шуғулланди, 1944 йилда эса, ойда бир марта инглиз тилида чиқадиган "Бак ту Годхед"("Худога қайтиш") деган жариди чиқара бошлади. Ҳозирги даврда унинг шогирдлари мазкур жаридани жаҳоннинг ўттиздан ортиқ тилида нашр қиляптилар.

1947 йил Гаудия-вайшнавлар жамияти, Шрила Прабхупаданинг билимдонлигини ва Худога бўлган садоқатини тан олиб, унга "Бҳактиведанта" илмий унвонини берди. Шрила Прабхупада 1950 йил, эллик тўрт ёшида оилавий ҳаётни тарк этди ва ўзининг бутун вақтини илмий машғулотларга ҳамда китоб ёзишга бағишлаш учун ванапрастха турмуш тарзини қабул қилди. У муқаддас Вриндаван шаҳрида жойлашиб, машхур Радҳа-Дамодара эҳромида жуда оддий шароитда яшай бошлади. Бир неча йил давомида Шрила Прабхупада илмий изланишлар ҳамда китоб ёзиш билан машғул бўлиб яшди. 1959 у таркидунёлик турмуш тарзига ўтиб, саннийаси унвонини қабул қилди. Айнан Радҳа-Дамодара эҳромида Шрила Прабхупада ўзининг кўп жилдли буюк бадий асарини - санскрит тилида ёзилган, ўн саккиз минг мисрадан иборат бўлган ҳинд халқининг мумтоз фалсафий асари "Шримад Бхагаватам"("Бхагавата-пурана")ни таржима қилиш ва унга изоҳ ёзишни бошлади. Шу ерда у "Ўзга сайёраларга енгил саёҳат" деган асарини ёзди.

1965 йил, Шрила Прабхупада "Шримад Бхагаватам"нинг инглиз тилидаги биринчи уч жилдини нашрдан чиқариб, рухий устози зиммасига юклаган вазифани адо этиш мақсадида Америка Қўшма Штатларига йўл олди. Кейинги йилларда у Ҳиндистоннинг мумтоз фалсафий ва диний асарларининг таржималари, уларга ёзилган изоҳлар ва қиссалардан иборат бўлган олтимиш жилддан ортиқ китоб нашр қилди.

1965 йил сентябрида юк кемаси бортида Нью-Йорк портига келиб тушганида, Шрила Прабхупаданинг ёнида тирикчилик қилиш учун деярли ҳеч қандай пули йўқ эди. АҚШда бир йил яшаб, катта қийинчиликларни бошидан кечириб, 1966 йилнинг июл ойида Шрила Прабхупада Кришнани англаш Халқаро Жамияти(ИСККОН)га асос солди. Шрила Прабхупада бу дунёни тарк этиб кетган пайтда(1977 йил 14 ноябрь), у асос солган бу жамият юздан ортиқ ашрамлардан, мактаблардан, эҳромлардан, институт ва қишлоқ-хўжалик жамоаларидан иборат бўлган катта Халқаро Конфедерацияга айланган эди.

1968 йил Шрила Прабхупада АҚШда биринчи ведавий қишлоқ-хўжалик тажриба жамоасига асос солди. Бундай хайрли ишнинг муваффақиятли амалга ошганидан илҳомланиб, унинг шогирдлари ҳозиргача АҚШ ва ундан ташқарида бунга ўхшаган жуда кўп жамоалар ташкил қилдилар.



1972 йил Шрила Прабхупада Далласда гурукула ташкил қилиб, ғарбий давлатларда болаларга бошланғич ва ўрта таълим-тарбия беришнинг ведавий тизимига асос солди. Унинг кўрсатмалари асосида Шрила Прабхупаданинг издошлари бутун жаҳон бўйлаб болалар учун мактаблар ташкил қила бошладилар, ҳозир ИСККОНнинг икки асосий таълим-тарбия маркази Ҳиндистоннинг Вриндаван ва Майяпур шаҳарларида жойлашган.

Бундан ташқари, Шрила Прабхупада шогирдларини Ҳиндистонда бир неча катта халқаро маданий марказлар барпо этишга илҳомлантирди. Ғарбий Бенгалияда жойлашган Шридҳама Майяпурдаги ана шундай халқаро маданий марказ атрофида катта руҳий шаҳар барпо қилиш режалаштирилган: бу катта лойиҳани амалга ошириш бир неча ўн йилга мўлжалланган. Вриндаванда улуғвор Кришна-Балорам эҳроми ҳамда бутун жаҳондан келадиган зиёратчиларни қабул қиладиган катта меҳмонхона барпо этилди. ИСККОНнинг катта-катта маданий ва таълим-тарбия марказлари Ҳиндистоннинг Бомбей ва бошқа катта шаҳарларида жойлашган.

Аммо, Шрила Прабхупаданинг инсониятга қолдириб кетган энг муҳим, бебаҳо неъмат - унинг китобларидир. Бу китобларнинг нуфузлилиги, аниқ ва чуқур баён қилинганлиги бутун жаҳон олимлари томонидан юксак баҳоланган бўлиб, ҳозирги кунда жаҳоннинг қўплаган коллеж ва университетларида улардан махсус ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиляпти. Шрила Прабхупаданинг асарлари жаҳоннинг етмиш бешдан ортиқ тилларига таржима қилинган. Шрила Прабхупада 1972 йилда асос солган "Бҳактиведанта Бук Траст" нашриёти Ҳиндистоннинг фалсафий ва диний асарларини нашр қилувчи жаҳондаги энг катта нашриёт ҳисобланади.

Кексалигига қарамай, Шрила Прабхупада ўн икки йил давомида беш континентнинг ҳар бирида турли маърузалар қилиб, Ер юзини ўн тўрт марта айланиб чиқди. Лекин, қанчалик банд бўлмасин, у ҳеч қачон китоб ёзишни қанда қилмасди. Шрила Прабхупаданинг асарлари Ведалар фалсафаси, диний таълимоти, адабиёти ва маданияти бўйича ҳақиқий энциклопедия ҳисобланади.